

ҒИЁСИДДИН ИБН
ҲУМОМИДДИН
ХОНДАМИР

Ҳабиб
уе-сийар фи
ахбори афроди
башир



63.3(54)
X-44

БОБУР ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

*Ғиёсиддин ибн
Ҳумомиддин
Хондамир*

**ҲАВИБ
УС-СИЙАР ФИ
АХВОРИ
АФРОДИ БАШАР**

(Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст)

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2013

BOBURA JAMONAT
UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI
QABUL QILISH YIG'ISH VA
KATALOGLASH BO'LIMI

УЎК: 94(575.1)

КБК 63.3(5Ў)

Х-74

Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари:

Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ, Исмоил БЕКЖОНОВ

Изоҳлар муаллифлари:

Ашраф АҲМЕДОВ, Исмоил БЕКЖОНОВ

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори *Ашраф АҲМЕДОВ*

Махсус муҳаррир:

филология фанлари номзоди *Ваҳоб РАҲМОНОВ*

Тақризчилар:

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори *Дилором ЮСУПОВА*,

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди *Нурёғду ТОШЕВ*,

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими *Фулом КАРИМИЙ*

Машҳур тарихчи Хондамир қаламига мансуб «Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар» («Башар аҳди сийратидан хабар берувчи дўст») асарининг китобхонлар диққатига ҳавола этилаётган учинчи бобининг учинчи ва тўртинчи қисмларида соҳибқирон Амир Темур Гурагон, Халил Султон Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Абдуллатиф Мирзо, Абулқосим Бобур Мирзо, Султон Абусаид Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо, Умаршайх Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ва Туркистон, Мовароуннаҳр, Хуросонда ҳукм юргизган асли Дашти қипчоқлик Муҳаммад Шайбонийхон ҳамда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий каби ҳукмдорлар салтанати даврида рўй берган воқеалар акс этган. Китобда қайд этилган XV аср охири – XVI аср биринчи чораги воқеаларининг аксариятига Хондамирнинг шахсан ўзи гувоҳ бўлган. Шунингдек, асарда Амир Темур ва темурийлар даврида яшаб, ижод қилган олимлар, санъат ва ҳунар аҳди, айниқса, буюк мутафаккир, шоир Алишер Навоийнинг давлат арбоби ва маданият ҳомийси сифатидаги фаолияти борасида ҳам махсус сўз юритилган.

«Ҳабиб ус-сийар»нинг ўзбек тилига илк бор таржима қилинган ушбу боблари қамраган нодир маълумотлар тарихчи мутахассислар ва ватанимиз тарихи билан қизиққан кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-01-961-4

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013



МУҚАДДИМА



Шарк-мусулмон тарихнавислигида маълум бир даврда рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисанинг вужудга келиш ва ривожланиш жараёни кўпинча бирор «буюк ҳукмдор» шахсига боғлаб ёритилган. Шу сабабли мазкур ҳукмдор мансуб бўлган сулола тарихи ва унинг шахсий ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти асосий ўринга чиққан. Бу каби усул ва анъана шартларидан бири муайян ҳукмдорнинг умумжаҳон тарихидаги ўрнини кўрсатиш зарурати бўлгани учун тарихий асар олам яралиши ривоятидан бошланиб, ўтган замонларда кечган бошқа сулола-лар фаолиятига оид воқеа-ҳодисалар ҳам тасвирланган.

Машҳур тарихчи Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар» («Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст») номли йирик ҳажмдаги асари ҳам ана шу талаблар асосида қисқа вақт (1521 – 1524 йй.) ичида шоҳ Исмоил Сафавий давлатининг вазири Хожа Ҳабибуллоҳ Соважий топшириғи билан яратилган¹.

Маълумки, «Ҳабиб ус-сийар» ёзилган пайтгача Исмоил Сафавий саройининг тарихчилари мазкур шоҳ даври воқеа-ҳодисаларига бағишланган бир нечта асарлар ёзишган эди. Бироқ, кўринадики, Хожа Ҳабибуллоҳ Соважий ўша пайтда Сафавийлар давлати қўли остидаги Ҳиротда яшаб турган Хондамирнинг бобоси Мирхонд томонидан Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзган «Рав-

¹ Олимларнинг таъкидлашича, аслида Хондамир «Ҳабиб ус-сийар»ни 1520 йилда Сафавийлар давлатининг Ҳиротдаги нуфузли кишиси саййид Амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн Амир Юсуф номига бағишлаб ёза бошлаган. Аммо бу саййид 1521 йил ёзида Ҳирот ҳокими Амирхон томонидан Бобур Мирзога тарафдорлик қилгани тўхмати билан ўлдирилгач, асар ёзилиши тўхтаб қолган. 1522 йилда Ҳиротга Дурмушхон ҳоким этиб тайинлангач, унинг вазири Хожа Ҳабибуллоҳ Соважий китобнинг ёзилишига ҳомийлик қилган.



506365



зат ус-сафо» («Мусаффолик боғи») асарига ўхшаш китоб яратиш ташаббуси билан чиққан. Хондамир бобоси вафотидан сўнг 1522 йилда «Равзат ус-сафо»нинг еттинчи жилдини якунлаб, унга кейинги давр воқеаларини ҳам киритишга улгурган бўлса-да, Хожа Ҳабибуллоҳ Соважий Хондамир сингари моҳир тарихчи қалами воситасида шоҳ Исмоилга бағишланган ва сафавийларнинг ўша давргача давлатчилик тарихидаги ўрнини махсус ҳолда кўрсатиб, бу сулолани улуғлаши лозим бўлган алоҳида бир китоб ёзилишини истаган.

Муаллиф — Фиёсиддин ибн Хумомиддин Хондамир Ҳиротда дунёга келади. У ибтидоий мактабни тугатгач, солнома ва тарихий асарлар ўқишга қизиқади. Тез орада тарих, адабиёт ва бошқа ижтимоий фанлар бўйича чуқур ва кенг билим соҳиби бўлиб, ўз даврининг улкан олими сифатида танилади. Албатта, унинг етук тарихчи олим бўлиб етишишида она томондан бобоси Мирхонд катта роль ўйнайди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий эса унинг тарих фанига бўлган ихлос ва садоқатидан хабардор бўлгач, уни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туради. Унга ўзининг шахсий кутубхонасидан фойдаланишга рухсат бериб, тарихий-илмий ишларига раҳнамолик қилиб туради. Манбаларга қараганда, Навоий ва Хондамир ўртасида жуда самимий, ота-болага хос муомала мавжуд бўлган. Улуғ шоир кўрсатган ҳомийлиги ва мураббийлиги учун Хондамир унга атаб миннатдорчилик юзасидан ўзининг «Маосир ул-мулук» (904/1499) асарини яратади.

Хондамир 1509 йилдан бошлаб мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнаша бошлайди. Тахминан ўша йилларда Хусайн Бойқаронинг катта ўғли Бадиуззамон мулозаматида бўлиб, кўпгина юришларида унга ҳамроҳлик қилади ҳамда унинг давлат аҳамиятига молик дипломатик миссияларини бажаради.

Афсуски, олимнинг ҳаёти ўта таҳликали даврга — Темурийлар давлатининг инқироzi, Муҳаммад Шайбоний (Мовароуннахр), Заҳриддин Муҳаммад Бобур (Ҳиндистон) ва Исмоил Сафавийнинг (Эрон) сулолалари ташкил топаётган пайтга тўғри келади. Дунёнинг қалтис ва таҳликали воқеа-ҳодисаларига қарамасдан



аллома форсий-дарий тилида ўн учта асар ёзиб катта мерос қолдирди. Ҳозирги пайтда улардан фақат саккизтаси – «Маосир ул-мулук», «Хулосат ул-ахбор», «Мақорим ул-ахлоқ», «Дастур ул-вузаро», «Номайи номи», «Равзат ус-сафо»нинг еттинчи жилди, «Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар» ва «Ҳумоюн-нома» бизгача етиб келган. Китобларнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, Хондамир ўша давр анъанасига кўра асарлари сарлавҳасини араб тилида битган. Арабий номлар асарларга илмийлик ва шоирона кайфият бағишлаган.

Асарлари орасида ҳажм жиҳатдан анча катта ва салмоқлиси «Ҳабиб ус-сийар»дир. Бу асар 1520 – 1523 йилларда ёзилиб, унда жаҳон тарихи ўша давр услуби, яъни адабий-тарихий тарзда акс этган.

«Ҳабиб ус-сийар» муқаддима, учта боб (жилд, ўрам) ва хотимадан иборат. Ҳар бир боб тўрт қисм (жузв)ни ўз ичига олади.

Муқаддимада олам яралиши ҳақида сўз юритилади.

Биринчи бобда исломгача ўтган пайғамбарлар ҳамда ислом пайғамбари, тўртта халифа замонида Арабистонда рўй берган воқеалар ҳикоя қилинади.

Иккинчи бобда шиа мазҳабидаги имомлар, уммавия ва аббосия сулоласидан чиққан халифалар даври воқеалари ҳамда халифалик давридаги бошқа сулолалар (тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар)нинг араб бўлмаган ўлкалардаги ҳукмронлиги баён этилади.

Учинчи бобнинг биринчи ва иккинчи қисмлари Чингизхоннинг насл-насаби (ота-боболари) ва унинг тахтга чиқиши, ўзга юртларга юришлари ҳамда чингизий авлодлар ва чингизийларга замондош (қорахитойлар, хоразмшоҳлар, сарбадорлар, музаффарийлар, картлар) сулолалар даври воқеаларини ўз ичига олган¹.

Учинчи бобнинг учинчи қисмида эса Амир Темурнинг дунёга келишидан тортиб то вафотигача бўлган даврда кечган сиёсий-ижтимоий воқеалар, маданий-маънавий ҳаёт ҳамда Халил Султон, Шоҳрух Мирзо, Улуғбек Мирзо, Султон Муҳаммад

¹ Хондамир «Ҳабиб ус-сийар»нинг ушбу бобини ёзишда Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» асаридан унумли фойдаланган.

Мирзо ибн Бойсунқур, Абдуллатиф Мирзо ибн Улуғбек Мирзо, Абулқосим Бобур Мирзо, Султон Абусаид Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо каби темурийзодаларнинг фаолияти билан боғлиқ воқеалар акс этирилган.

Асарнинг учинчи қисмида Амир Темурнинг уч, беш ва етти йиллик урушлари натижалари, урушда қўллаган тактик ва стратегик топқирликлари, вазиятга қараб иш тутиши, жангда ўта муҳим мавзени эгаллашга уриниши ва охирида Конигилда ўтказган тўй маросимлари жуда қизиқарли ва эҳтирос билан баён қилинган. Энг муҳими, унинг Хитойга юриши ва Ўтрор атрофида қаттиқ ва суронли қишнинг аёзлари таъсирида қўшиннинг турли яқин-йироқ манзилларга тарқатилиши каби эҳтиросли воқеаларнинг оғишмай тасвирланиши ўқувчини ҳайратга солади. Айниқса унинг ўлими олдидаги кайфияти, вазияти ва васияти жуда таъсирли қилиб баён этилган.

Бундан ташқари ҳали Соҳибқироннинг жасади ерга қўйилмасдан унинг васиятига хилоф равишда темурий шаҳзодаларнинг тахт учун курашлари, Шоҳрух Мирзонинг буюк давлатни сақлаб қолиш учун қилган саъй-ҳаракатлари, ўзбек халқи тарихида муҳим роль ўйнашлари жонли тарзда акс этган.

Шунингдек, бу учинчи қисмда Дашти Қипчоқда Шайбонийхоннинг тахт тепасига чиқиши ва унинг темурийларга қарши курашиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонни қўлга киритгани ҳикоя қилинади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ота-бобоси, яқин қариндошлари ва дунёга келган вақти, темурийлар салтанатини сақлаб қолиш учун аввал ички душманлар, сўнг Шайбонийхонга қарши олиб борган курашлари ҳамда унинг Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб то Кобулни эгаллаган давригача содир бўлган воқеалар ҳам шу учинчи қисмда жой олган.

Учинчи бобнинг тўртинчи қисми шоҳ Исмоил Сафавийнинг давлатчилик фаолиятига бағишланган бўлиб, дастлаб бу шоҳнинг насл-насаби, салтанат тахтига эришгани ва Усмонли турклар давлатига қарши олиб борган урушлари, ўз навбатида, ички низоларни ҳам бартараф этгани ва Хуросонни Дашти қипчоқлик ўзбеклардан тортиб олиш учун Марвда Шайбо-

нийхон билан тўқнашгани, шундан сўнг ҳам шоҳнинг гоҳ ўзи, гоҳида Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан иттифоқликда шайбоний Жонибек Султон, Темур Султон, Убайдуллоҳ Султонга қарши урушгани ҳамда шу даврда яшаган саййид, шайх, шоир, олимлар ҳақида сўз юритилади.

Бу қисмда яна Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг Кобул давлатига эга бўлгач (1504), 1524 йилгача давр оралиғида кечган сиёсий-ижтимоий фаолияти ҳақида ҳам муҳим маълумотлар берилган.

Айтиш лозимки, «Ҳабиб ус-сийар»нинг энг қимматли жиҳати асосан унинг алоҳидалик касб этувчи учинчи боби тўртинчи қисми маълумотлари ҳисобланади. Чунки Хондамир темурийлар (Ҳусайн Бойқаро авлодлари ва Бобур), сафавийлар ва шайбонийларга бағишланган мазкур маълумотлардаги баъзи бир воқеаларга шахсан ўзи гувоҳ бўлган, айримларини эса энг ишончли одамлардан эшитган. Тўғри, асардаги Амир Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлиги даврига оид маълумотларни ҳавола этишда муаллиф Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарларини танқидий ўргангани ҳам диққатга сазовор бўлиб, ҳатто, айрим ҳолларда муаллиф уларга бобоси Мирхонд ва бошқа гувоҳлар ҳикоялари асосида тузатиш ва тўлдиришлар киритган.

Хотимада дунё ажойиботлари: шаҳарлар, ҳайвонот, наботот, қушлар олами фаройиботлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Маълумки, «Ҳабиб ус-сийар» асари ёзилган даврдан бошлаб, то шу кунга қадар олимлар учун у ёки бу мавзулар бўйича қимматли манба бўлиб келмоқда. Асар бошқа тиллар, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинмаган. Бироқ, дунё олимлари қатори Ўзбекистонда ҳам Хондамир ҳаёти ва ижоди тадқиқотчиларимиз томонидан изчиллик билан ўрганиб келинмоқда. Тарихчи олим Бўриной Аҳмедов Хондамир ҳаёти ва ижодига доир махсус рисола яратиб, «Ҳабиб ус-сийар» асарининг муҳим тарихий манба сифатидаги аҳамиятини яна бир нечта илмий мақолалари орқали ҳам баён қилиб берди.

Шарқшунос олима Дилором Юсупова Хондамир илмий меросини кенг равишда тадқиқ қилиб, докторлик диссертациясини ёқлади ва «Жизнь и труды Хондамира» номли монографиясини 2006 йилда китобхонларга тақдим этди.

Бобур Халқаро жамоат фонди бу муҳим йирик тарихий манбанинг Амир Темур ва темурийлар, жумладан, Бобур подшоҳ ҳаёти ва сиёсий-ижтимоий фаолияти билан боғлиқ воқеаларини акс эттирган маълумотларини ўзбек тилига таржима қилиш ташаббускори бўлиб чиқди. Натижада «Ҳабиб ус-сийар»нинг учинчи боби учинчи қисми тўлалигича (Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 2153-рақамли қўлёзма асосида), тўртинчи қисмининг салмоқлигина бўлаги эса (Техрон нашрининг III ва IV жилдлари¹ бўйича) баъзи бир жузъий қисқартиришлар билан ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонлар диққатига ҳавола этилмоқда.

Эслатиб ўтиш лозимки, мазкур фонд ҳомийлигида «Ҳабиб ус-сийар»нинг Бобур подшоҳ ҳаёти ва сиёсий фаолиятига бағишланган қисмлари «Буюклик хислати»² номи остида ўзбек китобхонлари қўлига етиб борган эди.

Ғиёсиддин Муҳаммад (Хондамир) 1476 йили Ҳиротда Хожа Хумомиддин ибн Хожа Жалолиддин Муҳаммад оиласида дунёга келган.

Хожа Хумомиддин темурий Султон Маҳмуд Мирзо (1453–1494) ибн Султон Абусаид (вафоти 1469 йил, февраль) хизматида вазирлик мансабида турган.

«Равзат ус-сафо» номли машҳур тарихий асар муаллифи Мирхонд Хондамирнинг она томондан бобоси бўлган.

Хондамир буюк мутафаккир Алишер Навоий вафоти (1501 йил 3 январь)гача у раҳбарлик қилган маданий марказ кутубхонаси мудирини бўлиб ишлаган. Сўнг Балх ҳокими Бадиуззамон Мирзо хизматида турган.

¹ Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. 3–4-жилдлари. Техрон: Хайём. 1984.

² Ғиёсиддин ибн Хумомиддин Хондамир. Буюклик хислати. Таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжонов. Тошкент: «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2011.

Шайбонийхон 1507 йил май ойида Ҳиротни эгаллаган пайтда Хондамир ҳам Ҳиротда эди ва у шаҳар халқининг шу хонга ёзилган омонлик хатини иншо қилади. «Ҳабиб ус-сийар»да ёзилишича, Хондамир Ҳирот олингани заҳоти Шайбонийхон хизматига киришга мажбур бўлади ва ўша шаҳарда икки ярим йил давомида Шайбонийлар давлати бош вазири Хожа Абдурахим Туркистоний девонида садрлик вазифасини бажаради.

1510 йил декабрида Шайбонийхон Марвада шоҳ Исмоил Сафавийга қарши жангда ҳалок этилиб, Ҳирот Эрон шоҳи қўлига ўтган 1511 йил январида Хондамир шоҳ топшириғи бўйича Ҳирот ҳукумати девонида вазирлик ишига жалб этилади. Аммо, шайбоний султонлар, аниқроғи, Темур Султон ибн Шайбонийхон 1512 йил қишида тағин Ҳиротни эгаллайди.

Исфаҳон қишловида ўтирган шоҳ Исмоил бу хабарни эшитиб, Хуросон томон юради. Шоҳ келаётганини эшитган Темур Султон шаҳарни ташлаб, Ҳиротнинг бир нечта таниқли олимларини ўзи билан бирга Самарқандга олиб кетади.

Модомики, Хондамир бу каби фалокатдан омон қолган экан, демак, у шаҳарни шайбонийлар эгалламасдан сал бурун ёки ўша вақтда яширин ҳолда Ҳиротни тарк этиб, Пашт қишлоғида бекинишга мажбур бўлган. Чунки, Хондамирнинг ҳикоя қилишича, 1514 йили Хуросонни қўлга киритиш учун Табриздан шоҳ олди-дан қочиб, дастлаб Астробод, 1515 йилда эса Пашт қишлоғига етиб келган Муҳаммад Замон Мирзо ибн Бадиуззамон Мирзо Хондамирни Паштда учратиб қолиб, уни ўз хизматига киришга ундайди ва Хондамир яна Ҳусайн Бойқаро хонадониде хизмат қила бошлайди.

Муҳаммад Замон Мирзо 1517 йил ёзида Кобул давлати ҳукмдори Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан енгиледи ва Бобур подшоҳ бу қариндошига Балх ҳукуматини беради.

Ўша пайтгача Муҳаммад Замон Мирзо ёнида хизматда турган Хондамир шундан сўнг яна Ҳиротга қайтиб, Сафавийлар давлати девонида ишлай бошлайди. Баъзида элчилик вазифаларини ҳам бажаради.



Шоҳ Исмоил Биринчи 1524 йилда вафот этгач, унинг ўрнига ўн яшарлик Таҳмосб Биринчи (шоҳлиги 1524 – 1576 йй.) тахтга чиқади. Эрон мамлакатининг ҳукмрон доиралари ўртасида ўзаро жанжаллар бошланади.

Ҳиротда ҳам эл-юрт тинчлиги бузилиб, бундан буёғига ҳар хил воқеалар рўй бериши мумкинлигини яхши тушунган Хондамир 1527 йил июлида Ҳиротни бир умрга тарк этади. (Ҳақиқатан ҳам Убайдуллоҳхон 1529 йил кузида Ҳиротни эгаллаб, бир неча олимлар, жумладан, шоир Ҳилолийни шиалиқда айблаб, қатл эттиради.)

Шундан сўнг Хондамир қиш фаслини Қандаҳорда ўтказиб, 1528 йил 17 сентябрда Ҳиндистондаги Бобур подшоҳ ҳузурига боради. Бобур вафотидан кейин эса Ҳумоюн подшоҳ хизматида қолади.

Хондамир 1534 йилда вафот қилади ва ўз васиятига кўра Деҳлидаги Низомиддин Авлиё мазорида дафн қилинади. У Низомиддин Авлиё «Аллоҳнинг турки» дея таърифлаган Амир Хисрав Деҳлавийнинг шу ердаги қабри ёнида мангу ором топади.

Хондамирдан бизга улкан илмий мерос қолди. Булар Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон мамлакатлари халқларининг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи муҳим тарихий асарлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу нашрдан асл мақсадимиз илмий тадқиқот эмас, балки асарнинг илк бор ўзбек тилига таржимаси долзарблиги масаласи бўлгани учун бу ўринда кенг таҳлил ишлари амалга оширилмади. Бироқ, лозим жойларда айрим фикрлар изоҳлар тарзида мухтасар ҳавола этилди. Жой номлари, исмлар ва баъзи бир бошқа атамалар, иборалар муаллиф матни бўйича қолдирилди.

Эслатиб ўтиш жоизки, учинчи бобнинг учинчи ва тўртинчи қисм маълумотлари кейинги пайтларда тарихшуносликда юзга келиб қолган айрим чалкаш фикрларга аниқлик кирита олиши билан ҳам аҳамиятлидир. Улардан баъзилари Хондамир ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо таржимаи ҳолига тааллуқли



бўлиб, масалан, «Шайбонийхон Ҳиротни олган 1507 йил май ойида Хондамирнинг кўчманчи ўзбеклар хизматига кирмагани» ёки «Заҳириддин Бобур 1511 ёки 1512 йилда Хондамирни шоҳ Исмоил олдига элчи сифатида юборгани», шунингдек, «Хондамирнинг 1512 йил апрелидаги Кўли Малик жангида Заҳириддин Бобур Мирзо ёнида бўлгани» борасидаги нотўғри қарашлар шулар жумласидандир. Айниқса, айрим европалик олимлар Бобур Мирзонинг 1514 йилда Туркия султони олдига боргани ҳақида ҳам фикр билдиришган.

Учинчи бобнинг учинчи ва тўртинчи қисмлар маълумотларидан аён бўлишича, биринчидан, Хондамир 1511 – 1512 йилларда Бобур Мирзо хизматида турмаган ва Бобур томонидан шоҳ Исмоил ҳузурига бормаган.

Хондамир Бобур Мирзонинг шайбонийлар билан 1512 йил баҳорида Кўли Малик чўли ва ўша йил кеч кузида кечган Ғиждувондаги тўқнашуви тафсилотларини шу уруш қатнашчилари тилидан баён қилиб, айтувчилар номини ҳам аниқ қайд этар экан, бундан муаллифнинг бу пайтларда Бобур Мирзо ёнида бўлмагани англашинади.

Шунингдек, Шайбонийхон Ҳиротни олаётган вақтда ҳиротликлар томонидан шу хонга юборилган хатни Хондамир иншо қилган. Ҳирот олингач эса, Шайбонийхоннинг вазири Абдураҳим Туркистоний томонидан садрлик мансабига тайинланган Хондамир икки йил хизмат қилган.

Маълумки, Шайбонийхон 1510 йил 5 декабрда Марвда шоҳ Исмоил Сафавийдан енгилиб, жангда ҳалок бўлади. Ўша ой охирида шоҳ Исмоил Ҳиротга кириб келади. Бу пайтда Хондамир шу шаҳарда бўлиб, сафавийлар уни яна садрлик вазифасида қолдиришади.

1512 йил ноябрь ойида шоҳ қўшини саркардаси Нажмиддин Соний ва Бобур Ғиждувон қалъаси ёнида тор-мор келтирилиб, 1513 йил бошида Темур Султон ибн Шайбонийхон Ҳиротни эронликлар қўлидан тортиб олади. Аммо шоҳ қўшини келаётгани учун ўша йил апрелида шаҳарни ташлаб кетар экан, ҳиротлик таниқди олимлардан бир қанчасини Самарқандга

кўчириб кетади. Хондамир бу воқеани батафсил ёзган бўлса-да, ўша маҳалда ўзининг қаерда бўлгани ҳақида маълумот бермагани ҳолда, 1514 йилда Пашт туманида яшаб турганини айтиди, холос. Демак, Хондамир ўша 1513 йил бошидаёқ Ҳиротни тарк этган.

Ўша кезлари Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзо Табризда шоҳ Исмоил ҳузурида эди. Аммо у Эрон шоҳи Исмоил Сафавий ва Туркия ҳукмдори Султон Салим ўртасида 1514 йил Чолдарон мавзеида бўй берган урушда қатнашишдан бош тортиб, шоҳ Исмоил олдидан Хуросонга қочиб келиб, Астрободни эгаллайди. Муҳаммад Замон Мирзо 1515 йилда эса Паштга ҳам етиб келади ва ўшанда Хондамир мазкур Мирзо хизматига кириб, 1517 йилгача унинг ёнида бўлади.

Хуросон, жумладан, Балхни эгаллаб, бобоси салтанатини тикламоқчи бўлган Муҳаммад Замон Мирзо 1517 йили Кобул тахтида ўтирган Бобур подшоҳдан енгиледи. Голиб келган Бобур бу Мирзонинг гуноҳларидан кечиб, уни Балх ҳукуматига ҳоким қилиб қўяди.

Демак, биринчидан, Хондамир ана шу можаролар пайтида Сафавийлар давлати вазири Ҳабибуллоҳ Соважий таклифига биноан Ҳиротга чақирилиб, садрлик лавозимига тайинланади. Иккинчидан, кўрганимиздек, Хондамирнинг 1512–1523 йиллар оралигидаги Бобур подшоҳ ҳақида берган маълумотлари ичида Бобурнинг Туркияга боргани каби фикрлар учрамайди, аниқроғи, бу маълумотлар таҳлили мазкур қарашнинг мавҳумлигини кўрсатмоқда.

Китобдаги Мирзо Улуғбек даври маданий ҳаётига доир бир қанча маълумотлар, Алишер Навоийнинг Хондамир қалами билан тасвирланган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ҳарбий фаолияти қирралари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг болалик давридан то 1523 йилгача бўлган давр мобайнидаги давлатчилик ишлари ҳақидаги ҳикояларнинг талайгина қисми ўқувчи учун янгилик бўлиб, бу ноёб маълумотлар орқали китобхон мазкур буюк инсонларнинг шахсий хислатлари билан яна ҳам яқиндан танишади.

Тўғри, бу каби маълумотларнинг баъзилари ўзбек олимлари тадқиқотлари туфайли илмий-оммабоп ва бадиий асарларга киритилган бўлиб, айти ўринда бу олимлар хизматини миннатдорлик билан эслаб ўтиш жоиздир.

Садриддин Айний ўзининг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган асарида «Равзат ус-сафо»нинг Хондамир қаламига мансуб еттинчи жилди ва «Ҳабиб ус-сийар» материалларидан жуда унумли фойдаланиб, матнларидан парчалар ҳам ҳавола этган. С. Айнийнинг тожик тилида битилган бу рисоласини Алибек Рустамов маҳорат билан ўзбекчага таржима қилган (Қаранг: С. Айний. Асарлар, 8-том. Тошкент: Ф. Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967; С. Айний. Танланган илмий асарлар. Тошкент: «Фан» нашриёти, 1978).

Шунингдек, Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Иззат Султон, Порсо Шамсиев, Суйима Фаниева, Миркарим Осим, Воҳид Абдуллаев, Натан Маллаев, Убайдулло Каримов, Ботурхон Валихўжаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Бўривой Аҳмедов, Дилором Юсупова, Ашраф Аҳмедов, Маҳмуд Ҳасаний, Поён Равшанов, Шухрат Сирожиддинов сингари адабиётшунос ва тарихчи олим ҳамда ёзувчилар Алишер Навоий ҳақида яратган ўз илмий ва илмий-оммабоп ҳамда бадиий асарларида «Ҳабиб ус-сийар»нинг айнан мана шу учинчи қисми материалларидан муҳим манба сифатида фойдаланганлар.

Тарихчи олим Бўривой Аҳмедов ўзининг «Улуғбек» эссесида Улуғбек Мирзо ҳақидаги кўплаб материалларни «Ҳабиб ус-сийар»нинг ушбу қисмидан оларкан, айрим парчалар таржимасини ҳам амалга оширган.

Айниқса, Б. Аҳмедов ташаббуси билан нашр этилган «Навоий замондошлари хотирасида» китобига «Ҳабиб ус-сийар»нинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир маълумотлари ҳам киритилган бўлиб, бу парчаларни ўзбек тилига Бўривой Аҳмедов ўтирган эди (Қаранг: Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи тарих фанлари доктори Б. Аҳмедов. Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985).

2006 йилда Д. Юсупова ўзининг «Жизнь и труды Хондамира» номли монографиясида «Ҳабиб ус-сийар» ҳақида батафсил



маълумотлар келтириб, XVI аср маданияти тарихини ёритишда ундан унумли фойдаланган.

Энди қўлингиздаги ушбу китобнинг ўзбекчага таржима-си ҳақида гапирадиган бўлсак, Амир Темурга бағишланган қисмидан то Шохрух Мирзо давлати охиригача даври маълумотларини қамраган қисми таржимасини (26–456-бетлар) Жалил Ҳазратқулов амалга ошириб, Шохрух Мирзо даврининг вазир ва садрлари ҳақидаги бўлимдан бошлаб китоб охиригача қисм (457–1251-бетлар) Исмоил Бекжонов томонидан таржима қилинди. Шеърлар Ваҳоб Раҳмонов томонидан ўгирилди.

Хондамир яшаган даврда «ўзбеклар» ёки «ўзбек уруғи» дейилганда Дашти Қипчоқдаги кўчманчи ўзбеклар давлатига қарашли улус тушунилган. Ҳозирги ўқувчи уни бугунги ўзбек халқи ва миллати билан адаштирмаслиги учун бу этник таркибни кўпинча уруғ-қабилаларни кўрсатганимиз шаклда, масалан, *арғун, жалор, дўрмон, найман* ёки *афшор, сойинхон улуси, керойит улуси* каби ўзбек, ўзбек улуси кўринишларида бердик. Бобурнинг она томондан бобоси Юнусхон Кошғарийга тобе *муғул улуси* вакиллари нисбасини кўрсатишда ҳам шундай йўл тутилди.

Айтиш жоизки, Техрон нашрида жуда кўплаб киши исмлари, жой номлари, умуман, матндаги айрим сўзлар имловий хатолар билан чоп этилган бўлиб, имкони бор ерида биз уларни Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний» (1414)¹, Гиёсиддин Али Яздийнинг «Саодатнома» (1398)², Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (1425)³, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий», Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг «Мусаххир ал-билод» ва бошқа шу каби асарлар матни асосида тўғрилаб

¹ Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний. Форсчадан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Фулом Каримий. Тошкент: «Ўзбекистон», 2011.

² Гиёсиддин Али Яздий. Саодатномэ. Бэ кушэши Ираж Афшор. Техрон: Мероси мактуб, 2000.

³ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. Тошкент: «Шарқ», 1997.





ёзишга ҳаракат қилган бўлсак-да, айрим ўринларда бундан ожиз келдик.

Шунингдек, асар маълумотлари учун унчалик муҳим бўлмаган баъзи бир форсча назмий намуналарни ҳам тушириб қолдирдик. Аммо уларнинг сони ҳаммаси бўлиб ўн-ўн беш байтдан ошмайди. Бу каби ўзгартиришлар, тузатишлар ва камчиликлар учун азиз китобхонлардан узр сўраймиз.

Таржима жараёнида Қуръони каримнинг Техрон¹, Тошкент² нашрларидан фойдаландик.

Сўзимиз охирида «Ҳабиб ус-сийар»дек муҳим тарихий манабани илк бор ўзбек тилида нашр этиш борасида ташаббускор бўлган Бобур халқаро жамоат фондининг раиси Зокиржон Машрабовга чексиз миннатдорчилик билдираамиз.

*Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ, филология фанлари номзоди,
Исмоил БЕКЖОНОВ, филология фанлари номзоди*

¹ Қуръони мажид. Техрон: Созмони интишороти жовидони илмий, 1968; Коран. Перевод смыслов и комментарии Валерии Пороховой. Тегеран: Сипехр, 1997.

² Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент: Чулпон, 1992.





ХОНДАМИРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ



Шарқ тарих илмининг буюк намояндаларидан бири Фиёсиддин Муҳаммад Хондамир бутун умри давомида, тахминан ўн учта асар ёзган бўлса, бизгача уларнинг саккизтаси етиб келган. Муаррихнинг «*Маъосир ул-мулук*» («Ҳамаср подшоҳларнинг тарихи») асари Алишер Навоий илтимосига кўра ва унга миннатдорчилик изҳори тариқасида 1498–1499 йилларда ёзилган. Бу асар подшоҳ ҳамда қадимги донишмандларнинг хайрли ишлари ҳақида айтилган ҳикматнамо гапларни ўз ичига олади. Жумладан, Каюмарсдан Ануширвонгача, Одам Атодан Бузургмеҳргача бўлган ҳамда Муҳаммад пайғамбар ва имомлар ҳақида битилган нақллардан иборат. Сўнгра муаллиф уммавийлар, аббосийлар, сомонийлар, ғазнавийлар ва бошқа сулолаларга тегишли ҳукмдорлар тарихи билан бирга Курд подшоҳлари ва турк хоқонлари тарихини ёритган. Асарнинг охириги қисмида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга замондош бўлган ҳукмдорлар, олимлар ва донишмандлар ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

«*Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-ахёр*» («Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси») 1498–1499 йиллар орасида ёзилган бўлиб, бу асар ҳам Алишер Навоийга бағишланган. Унда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий замонида Ҳирот ва унинг атрофида олиб борилган улкан қурилишлар, қазилган сув иншоотлари, шунингдек, ўша замонда ўтган шоирлар, олимлар, аниқроғи математиклар, астрономлар, мусиқашунослар, шифокорлар, санъаткорлар ҳақида қимматли маълумотлар бор.

«*Макорим ул-ахлоқ*» («Олийжаноб хулқлар») асари ҳам Алишер Навоийга миннатдорчилик рамзи сифатида ёзилган (лекин Навоий вафот этиб, Хондамир унга китобни тақдим этишга ул-




гурмаган). Бу асарида Хондамир Навоийнинг юксак инсоний фазилати, олийжаноб ахлоқи, асарлари, унинг ташаббуси билан қурилган бинолар, унга замондош шоир, олим ва фозил кишилар, шунингдек, Хуросоннинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар хусусида ҳикоя қилади.

Хондамирнинг «*Дастур ул-вузаро*» («Вазирлар учун қўлланма») асари Алишер Навоий илтимосига мувофиқ 1500 йили ёзилиб, Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазири Амир Камолиддин Маҳмудга бағишланган. Орадан тўққиз йил ўтгач, 1509 йили асар қайта ишланган ва кенгайтирилган. Ундан Шарқ мамлакатларининг VII–XVI асрлардаги тарихи, жумладан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда темурийлар сулоласи инқирозига қадар ўтган вазирлар, Чингизхоннинг вазири, кейинроқ мўғулларнинг Хитойдаги ноиб, хоразмлик Маҳмуд Ялавоч ҳамда унинг ўғли Чигатойхоннинг Мовароуннаҳрдаги вазири Маъсудбек тўғрисидаги маълумотлар жой олган.

Алломанинг «*Номаи номи*» («Атоқли номалар»)сида 1522 йилда кечган воқеалар баён қилинган (асарнинг «*Иншои Фуёсиггин*» ёки «*Иншои Фуёсий*» деган номлари ҳам бор). Китоб иншо илмига (стилистика, турли мактуб ва фармонларни ёзиш қоидалари) оид бўлиб, Шарқ мамлакатларида ўтган турли табақадаги тарихий шахсларга (шоҳлар, амирлар, садрлар, қозилар, шайхлар, шоирлар) доир маълумотлар, подшоҳ ва хонларнинг ёрлик ҳамда фармонларидан намуналар, уларни битиш тартиблари баён этилган. Асарнинг қиммати шундаки, унда баъзи бир муҳим мансабларнинг (парвоначи, мунший, муставфий, ихтисоб (муҳтасиб), калонтар, мубашшир, ҳофиз) келиб чиқиши, бундай мансаб эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари хусусида сўз юритилади.

Мирхонднинг «*Равзат ус-сафо фи сират ал-анбиё ва-л-мулк ва-л-хулафо*» («Халифалар, подшоҳлар, авлиёлар ҳаётига оид мусавффолик боғи») асарига Хондамир томонидан 1522 йилда ёзиб тугатилган 7-жилд ва «Географик илова» қисмлар мавжуд. Еттинчи жилд мазмунан Хондамирнинг «*Ҳабиб ус-сиуар*» асарининг учинчи жилд учинчи қисм иккинчи ярми мазмуни билан мослиқ



506365



Асарнинг «Географик илова»си, тахминан 1495 йили Мирхонд томонидан ёзила бошлаган ва 1523 йилда Хондамир унинг давомини ёзиб тугатган. Унинг мазмуни ҳам «Ҳабиб ус-сийар»га кирган матндан ташкил топган ва бу ўринда воқеаларни «Ҳабиб ус-сийар» орқали ўрганган маъқулроқ деб ўйлаймиз.

Хондамирнинг энг йирик асари «Ҳабиб ус-сийар» 1520–1524 йиллар мобайнида ёзилган ва вазир Каримуддин Хожа Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишланиб, асар номи ҳам қисман шу вазир исми билан боғланган. Асарда қадим замонлардан то 1524 йилга қадар Шарқ мамлакатларида, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Марказий Осиёда содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Унинг XV асрнинг сўнгги ва XVI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг умумий аҳволини акс эттирган учинчи жилд учинчи ва тўртинчи қисмларидаги маълумотлар янгилиги билан катта илмий қимматга эгадир.

Хондамирнинг «Ҳумоюннома» асари «Қонуни Ҳумоюн» номи билан ҳам машҳур бўлиб, Ҳиндистон подшоҳи Ҳумоюн Мирзога бағишланган ва 1535 йили ёзиб тамомланган. Асардаги Ҳумоюннинг Бобурийлар давлатида ҳукмронлик қилган даврида жорий этган янгиликлари, аҳолининг уч табақага, ҳокимиятнинг эса тўрт идора усулига бўлиниши ва Ҳумоюннинг меъморчилик фаолияти ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир.

Хондамирнинг қолган бешта асарининг фақатгина номлари маълум, холос. Булар «Осор ул-мулук ва-л-анбийа» («Подшоҳ ва пайғамбарлар ҳақида ҳикоялар»), «Ахбор ул-ахёр» («Яхши инсонлар ҳақида хабарлар»), «Мунтахаб-и тарих-и Вассоф» («Вассоф тарихидан сайланма»), «Жавоҳир ул-ахбор» («Хабарлар гавҳарлари») ва «Ғаройиб ул-асрор» («Қизиқарли сирлар») деб номланган асарларидир.

Навоий асарларидан шу нарса маълумки, Хондамир «Нақий» тахаллуси билан шеърлар ҳам битган. Бироқ унинг шеърлар тўплами бизгача етиб келмаган, лекин айрим парчалар «Мақорим ул-ахлоқ», «Ҳумоюннома» ва бошқа асарларида қисман учраб туради.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, Хондамир Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихига оид асарлар ярат-



ган ва шу билан бирга жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўша олган.

Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сийар»ни Ҳиротда, қирқ етти ёки қирқ саккиз ёшида – 927 ҳижрий йил биринчи ойида (1520 йил декабрь – 1521 йил январида) ёза бошлаганлиги мазкур асар биринчи жилдининг биринчи қисмида келтирилган. Ушбу иш унинг ҳомийси – ҳиротлик ўқимишли юқори мансабдаги киши – Саййид Гиёсиддин Муҳаммад ибн Юсуф Али Ҳусайнийнинг таклифига биноан амалга ошган. У Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳирот мадрасаларидан бирида мударрислик лавозимига тайинланган ва шу лавозимда Бадиуззамон Мирзо ва Шайбонийхонлар даврида ҳам ишлаган. Шоҳ Исмоил Сафавий Саййид Гиёсиддинни Хуросоннинг қозиси ва Ҳирот фуқароларининг маъмурий бошлиғи қилиб тайинлаган, лекин шаҳзода Таҳмосп номидан ҳукмронлик қилган Амирхон томонидан ҳибсга олиниб, Ҳиротнинг Ихтиёриддин қалъасида ўлдирилган. Ушбу ҳомий вафотидан кейин Хондамир китоб устида ишлашни тўхтатади. Кейинчалик, Ҳирот тахтига янги ҳукмдор Дурмушхон ўтириши билан, унинг фуқаролар маъмурий бошқаруви бўйича ваколатли шахси ҳамда машҳур олим ҳомийси Каримиддин Ҳабибуллоҳ Соважийнинг таклифи билан Хондамир яна китоб устида ишлашни давом эттиради. Каримиддин Ҳабибуллоҳ Ҳиротга 928 йил сафар (1522 йил январь) ойида келган. 932(1525 – 1526) йилгача вазирлик лавозимини эгаллаб турган ва Ҳиротдаги ҳарбий ғалаён пайтида ўлдирилган. Хондамир асарини унга бағишлаган ва шу иккинчи ҳомийси шарафига асарига юқорида келтирилган номни берган.

Асар тўла ҳолда, унинг ўзида келтирилган хронограммаларга (*Асар ул-мулук ва-л-анбийа ва хайр аз жаҳонмон*) қараганда, 930 йил рабиулаввал (1524 йил январь) ойида томомланган, унинг охириги таҳририни эса, муаллиф Ҳиндистонда бўлганида, (935/1529 йилдан илгари эмас) амалга оширган. Учинчи жилдининг учинчи қисми эса бироз илгарироқ, 929 йил зулқаъда ойида (1523 йил сентябрь-октябрь ойларида) ёзилган, чунки ушбу сана учинчи жилдининг энг охирида жорий йилдек кўрсатилган.



Асарда келтирилган «Географик илова» 930(1534) йил томланган бўлса керак, чунки «Географик илова»да Табриз шаҳри ҳақида келтирилган хабарда ушбу йил «жорий» йилдек кўрсатилган. Истанбулда сақланадиган асарнинг битта қўлёзма нусхаси (Ф. Тауэр томонидан тавсифланган), Н.Д. Миклухо-Маклай хабар қилганидек, шу ерда келтирилган маълумотларни янада аниқлаштиришда имконият беради. Ушбу қўлёзмада келтирилган маълумотга биноан асар биринчи ва иккинчи жилдларининг кўчирилган йиллари қуйидагилар ҳақида гувоҳлик беради: асарнинг биринчи жилди 928 йил ражаб ойининг охири кунида томланган, иккинчиси эса 929 йил муҳаррам ойининг ўрталарида томланган.

Гап шундаки, биринчи жилднинг хотимасида 933 йил шавволда (1527 йил июнда) у Ҳиндистонга жўнаганлиги, 935 йил тўртинчи муҳаррамда (1528 йил 9 сентябрда) Аграга келганлиги ва у ердан Бенгалияга жўнаганлиги ҳақида гап юритилади. Йўлда у китоб ёзишда давом этган ҳамда Сару ва Ганг дарёлари қўшилган жойда жойлашган Тирмохона номли мавзеда уни тугатган. Аниқки, бу ерда гап китобнинг биринчи варианты тугатганлиги эмас, балки қайтадан қилинган таҳрири ҳақида кетади. Эҳтимол, М.А. Салье, юқорида эслатилган асар ёзилган санаси ҳақидаги маълумотларга эга бўлмай, фақатгина охиригиларга таяниб, шу хулосага келган бўлса керак.

Н.Д. Миклухо-Маклай ўзининг «Редакции всеобщей истории Хондамира» номли ишида Хондамирнинг ушбу асарининг мавжуд бўлган таҳрирларини батафсил кўриб чиқиб, қуйидаги аниқ хулосага келган: биринчи жилдининг охири кўчириши ҳамда иккинчи ва учинчи жилдларининг энг сўнги таҳрири муаллиф томонидан Ҳиндистондалигида (935/1529 йилдан илгари эмас) амалга оширилган.

«Ҳабиб ус-сийар» тарихнавислар орасида маълум шухратга эга эди. Масалан, Искандарбек Туркманнинг (туғ. 968/1560 – 1561 йил) «*Тарихи оламорои Аббосий*» («Дунё безатувчи [шоҳ] Аббос тарихи»)ида, XVI асрдаги номаълум тузувчининг «*Бағойи ум-тарих*» («Тарих ажойиботлари») номли турли асарлардан, кўпроқ



тарихий асарлардан олинган парчалардан йиғилган тўпламида, Муҳаммад Ҳошим ибн Муҳаммад Қосим Кишмий Бадахшоний Муъаммойининг (ваф. 1046 / 1636 йил) «*Насимот ул-қудс мин хагоиқ ул-унс*» («Яқинлик боғлардан муқаддаслик шамолининг ҳиди келиши»)ида, Муҳаммад ибн Араб Қатағоннинг XVII аср бошида ёзилган «*Мусаххир ул-билог*» («Мамлакатлар забт этувчи»)ида; Мирзо Румузнинг 1124/1712 йили ёзилган «*Темурнома*» («Темур ҳақида китоб»)сида; Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг 1143/1730 – 1731 йилда тузилган «*Силсилот ус-салотин*» («Султонлар шажараси»)ида; Мирзо Рабиъ ибн Мир Ниёз ул-Ҳасаний ул-Ҳусайнийнинг (XVIII аср) «*Умагат ул-таворих*» («Тарихлар устуни»)ида; номаълум муаллифнинг «*Мурақа ул-бағойи*» («Нодир нарсалар дафтари»)ида ва бошқа асарларда мазкур асардан кенг фойдаланилган.

Европа адабиётида «*Ҳабиб ус-сийар*» мавжудлиги ҳақида дастлаб 1842 йил Ҳожи Халифа у ҳақида келтирган қисқа маълумотлар туфайли маълум бўлди. Кейинчалик, 1918 йили Банкипур каталогини тузувчилар асар мавжудлиги ҳақида эслатишади.

1927 йилда Ч. Стори «Персидская литература» номли китобида «*Ҳабиб ус-сийар*» ҳақида қисқа маълумот келтиради. 1972 йилда Ю. Брегель уни қайта ишлаб, тўлдирган нашрида асарнинг илмий тавсифлари мавжуд бўлган каталоглари, нашрлари ва асардан олинган алоҳида парчаларнинг таржималари ҳақида эслатиб ўтади. Шуларни инобатга олиб қуйида биз ушбу китобда фақатгина эслатилмаган тарихий адабиётлар ҳақида тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Хондамир ва унинг «*Ҳабиб ус-сийар*»и ҳақида қисқа маълумотларни қуйидаги олимлар ўз асарларида келтирадilar: 1926 йил В.В. Бартольд ўзининг «Работы по исторической географии» номли китобида; 1990 йил Муҳаммад Ҳидоят Ҳусайн Хондамирнинг «*Хумоюннома*» асарига ёзган кириш қисмида («*Ҳабиб ус-сийар*» қўлёзмаларининг қисқача тавсифлари келтирилган ва у фойдаланиш имкониятига эга бўлган каталогларига ишора қилиб); 1944 йил (биринчи нашрида) ва 1965 йил (иккинчисида) Сарвар Гуё Этимодий «*Фасли аз Хулосат ул-ахбор*»ида;



1945 йил Абдулҳусайн Навоий «*Рижол китоби Ҳабиб ус-сийар*» номли асарининг кириш қисмида «*Ҳабиб ус-сийар*» нинг мавжуд бўлган нашрларини эслатиб, ундан Нажмиддин Кубро (1145–1221) билан боғланган воқеалар то Шоҳ Исмоил вафотигача тегишли қисмига оид парчасини илова қилиб келтиради; 1947 йил А.Н. Болдырев ўзининг «Очерки из жизни гератского общества» номли асарида Зайниддин Восифий (туғ. 890/1485 йил; ваф. 958/1551 ва 974/1566–1567 йиллар орасида) келтирган маълумотлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида асарини «*Ҳабиб ус-сийар*» билан солиштиради ва унинг ёзилган санасида батафсил тўхталади; 1958 йил «История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в.» номли китобнинг муаллифлар жамоаси «*Ҳабиб ус-сийар*»ни XIV–XV асрлар Эрон тарихига оид асосий манбалар қаторига киритадилар; 1960 йил бошларида Саид Нафисий «*Тарихи назм ва наср дар Эрон ва дар забони форсий*» номли асарида; 1965 йил Б. Аҳмедов «*Хондамир*» номли рисоласида; 1976 йил эса «*Хондамир*» номли мақоласида; 1985 йил «Историко-географическая литература Средней Азии в XVI–XVIII вв.» номли китобида «*Ҳабиб ус-сийар*»ни темурийлар даври тарихига оид бирламчи манба деб; 1974 йил эронлик олим Аҳмад Мунзавий «*Фихристи нухаҳойи хатти форсий*»да; 1977 йил Ҳ. Бевериж ва Де Бруижн «Энциклопедия ислама»нинг янги нашрида «*Ҳабиб ус-сийар*» ҳақида маълумотлар бор адабиётга ишораси билан; 1969 йил Тоурхон Ганжий «*Макорим ул-ахлоқ*» Кембриж нашрининг кириш қисмида; 1981 йил Абдулғаффор Баёний шу асарнинг Кобул нашрининг кириш қисмида; 1984 йил канадалик темуршунос Мария Ева Субтелни «*Литературная жизнь темуридского Герата*» номли мақоласида; 1985 йил Забихуллоҳ Сафо «*Тарихи адабиёт дар Эрон*» номли тадқиқотида; 1989 йил Н.Н. Туманович «*Герат в XVI–XVIII веках*» номли китобида; 1991 йил Аҳмад Гулчин Баёний «*Карвони Ҳинг*» асарида; 1994 йил Мир Ҳошим Муҳаддис Хондамирнинг «*Маъосир ул-мулук*»и Техрон нашрининг кириш қисмида; 1960 йил Тожикистон каталогига тўрт нусха, 1962 йил А.Т. Тагиржонов каталогига олти нусха, 1963 йил эса Боку каталогига етти нусхаси ҳақида маълумот берилган.



Шу йилнинг ўзида Н.Д. Миклухо-Маклай ўзининг «Хондамир» и «Записки Бабура» номли ишида мазкур асарнинг баъзи нусхалари ҳақида маълумот келтириб, Хондамир асарининг «Бобурнома»га муносабати масаласини батафсил кўриб чиққан. 1976 йил эса «Редакции всеобщей истории Хондемира» («*Ҳабиб ус-сийар*») уни ўзи ўзига маълум бўлган фактларга асосланиб, биринчи марта муаллиф асар тугатилгандан кейин унинг устида олиб борган ишини қисқа таърифлайди. 1971 йилда Муҳаммад Афшор «Покистон Миллий музейи ва Карачида сақланаётган форсий қўлёзмалар каталоги»да у ерда сақланаётган «*Ҳабиб ус-сийар*»нинг учинчи жилди нусхасининг қисқа тавсифини келтиради. 1973 йили «Персидские и таджикские рукописи «Новой серии» Государственной Публичной библиотеки им. М.Е. Салтыкова-Щедрина» номли алфавит каталоги тузувчилари ушбу кутубхонада сақланаётган «*Ҳабиб ус-сийар*»нинг тўрт нусхаси ҳақида асосий маълумотларни келтирадилар. 1988 йилда Г.И. Костыгова «Персидские и таджикские рукописи Государственной Публичной библиотеки им. М.Е. Салтыкова-Щедрина» номли каталогда эслатилган нусхалар тавсифини такрорлайди ва янги олинган учта нусха тавсифини қўшади. Ушбу асардан олинган унча катта бўлмаган парча (ўша давр машҳур одамлари, Алишер Навоийнинг замондошлари билан боғланган воқеалар) ўзбек тилига Б. Аҳмедов томонидан таржима қилинган.

Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланган маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар «*Ҳабиб ус-сийар*»даги маълумотлардан кенг фойдаланганлар. Улар қаторида Д. Эрбело, В.А. Жуковский, В.В. Бартольд, Саид Нафисий, А.Н. Болдырев, А. Ўринбоев, С. Фаниева, А.Т. Тагиржонов, Е.Э. Бертельс, Н. Норқулов, Р.Г. Муқминова, А. Муродов, Р.П. Жалилова, И.П. Петрушевский, С.А. Азимжонова, Б.А. Аҳмедов, Н.С. Қориева, М. Субтелни, Д.Ю. Юсупова, О. Эфендиев, О.Ф. Акимускин, Занма, Н. Ибрагимов, Н.Н. Туманович, Кадзуюки Кубо, У. Уватов, Т. Файзиев ва бошқаларни эслаб ўтиш мумкин.

Хондамир «*Ҳабиб ус-сийар*»ида манба сифатида Абу Жаъфар Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор ул-Утбийнинг (туғ.



350/961–962 йй.; ваф. 927/1035–1036 йй.) «Тарихи Ямини» («Ямин уд-Давла тарихи»); Мирзо Улуғбекнинг (1394–1449 йй.) «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи»); Ҳофиз Абруйнинг «Зубгат ул-таворих» («Солномалар қаймоғи»); Абдурраззоқ Самарқандийнинг (туғ. 816/1413 й.) «Матлаи саъгайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг кўшилиш жойи»); Жаъфарий исми билан ҳам машҳур Саййид Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ул-Ҳусайнийнинг «Тарихи Жаъфарий» («Жаъфарий тарихи», 851/1447 – 855/1452 йй. атрофида ёзилган бўлса керак); Шарафиддин Али Яздийнинг (ваф. 858/1454 й.) «Зафарнома»; Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» («Атоқли одамлар мажмуаси»); XVI аср номаълум муаллифининг «Тарихи шоҳ Исмоил» («Шоҳ Исмоил тарихи») ва бошқа асарлардан кенг фойдаланган.

«Ҳабиб ус-сийар» Шарқда кенг тарқалган. Унинг нусхалари ниҳоятда кўп. Энг қадимги қўлёзмаси 956(1549) йилда, энг сўнгиси XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган.

Ҳозирги кунда бизга Шарқ қўлёзмалари каталогларидан «Ҳабиб ус-сийар»нинг кўп сонли нусхалари мавжудлиги ҳақида маълум. Улар дунёнинг деярли барча йирик қўлёзмалар хазиналарида сақланиб келмоқда: Ўн тўртта Тошкент нусхалари – инв. № 4399 (1006 йил сафар ойи / 1597 йилнинг 13 сентябрь – 12 октябрида кўчирилган); № 2153 (1026/1617 йил); № 4302/I (1041 йил рабиулаввал ойи / 1631 йил сентябрь-октябрь); № 4431 (XVIII асрнинг биринчи ярми); №№ 1714, 3652, 5173, 5407 (XVII); №№ 4355/III, 4497, 7446, 7447, 12011 (XVIII); № 1714 (XVII) – учинчи жилддан парча эски ўзбек тилига таржима қилинган; Йигирмата Санкт-Петербург нусхалари – № СС IXXXIV тавсиф (929/1522 – 1523 йилларда кўчирилган); инв №Д 771 (572) – (930 йил муҳаррам ойининг биринчи куни/1523 йил 10 ноябрь); № Д 77 (930 йил 3-шаввол/1524 йил 15 август); С 430 (572 abd) – 956 йил (23-зулқаъда/1549 йил 13 декабрь); Дорн 284 (989 йил сафар ойи / 1581 йил март-апрель); Хан 65 (1002 йил 30-шаввол ойи – 1597 йил 19 июль); №В 3961 (XVI); П.н.с. 55 (1029 йил 1-ражаб – 1039 йил 30-шаъбон / 1620 йил 2 июнь – 1630 йил 13 апрель); №81 (572 абб) –



(1630/1620 – 1621 йй.); П.н.с. 56 (1036/1626 – 1627 йилдан кеч эмас); С 425 (572 аб) – (1037/1627 – 1628 йилдан кеч эмас); №С 429 (572abcd) – 1061 йил жумодилаввал ойининг биринчи куни (1651 йил 22 апрель); №Д 15 (1067 йил ўн иккинчи рабиулохир/1657 йил 28 январь); Д 78 (572 а) – (XVI аср охири – XVII аср боши); № С 2335 (XVII аср); №С 428 (572abc) – (XVII аср); П.н.с. 238 (XVII а.); Д 77/II (572) – (1160 йил 5-рабиулаввал/1747 йил 18 март); П.н.с. 54 (1242/1826 – 1827 йилдан кеч эмас); №Д 406 (1312/1894 – 1895 йй.); етгита Боку нусхалари: С – 219/9041(1012/1603 йилда кўчирилган); Д – 136/3716 (1025/1616 йил); Д – 226/11512 (1030/1620 йил) Д-68/2909 (1067/1656 йил) Д-76/2200 (XVII) М – 139/11691 (1206/1792 йил); Д 319/13604 (1265/1848 йил); Британия музейи қошидаги кутубхона нусхаси; Истанбул нусхаси ва бошқалар.

Асар бир неча бор нашр этилган: Техронда 1271/1854 йилда, Бомбайда 1273/1856 – 1857 йилларда (типография усулида) ва яна Техронда 1337/1954 йилларда.

Маълумки, «*Ҳабиб ус-сийар*»да Хондамирнинг замондоши Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган махсус боб мавжуд. Унда Хондамир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида сўз юритиш мақсадида аввал темурий ҳукмдор Султон Саид хондони вакиллари, жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бобоси Султон Абусаид Мирзо ва отаси Умар Шайх Мирзо ҳақида алоҳида тўхталиб, кейинчалик тахт тепасига чиққан Бобур Мирзонинг давлатчилик фаолияти ҳақида батафсил фикр юритади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида эслатиб ўтганимиздек, бу маълумотлар жаҳон олимлари томонидан у ёки бу йўналишда таҳлил қилинган бўлса-да, «*Ҳабиб ус-сийар*»нинг муҳим деб ҳисобланган учинчи жилдининг учинчи ва тўртинчи қисмлари ҳозирги кунгача тўла ҳолда бошқа тиллар, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинмаган эди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мазкур асарнинг нашр этилиши Ватанимиз тарихини ўрганишда яна бир муҳим қадам бўлади.

Дилором ЮСУПОВА,
тарих фанлари доктори



**ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ГУРАГОН
ТАРИХИ ЗИКРИ ҲАМДА УЛ ЖАҲОНГИР
ПОДШОҲ АВЛОД-АЖДОДИНИНГ
САОДАТЛИ КУНЛАРИДАН ҲОЗИРГАЧА
БЎЛГАН ТАҚДИРИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ**



Мазмуни:

Эй номинг зафарлар достонин нақши,
Эй зикринг китоблар бетига зийнат.
Тож билан чин сарвар бўлолмас одам,
Қай бошни силасанг — топар шон-шавкат.

У муқаддас подшоҳга беадад ҳамду санолар ва салому савотлар бўлсинки қиёмат куни Уни одамларнинг яхшилари қаторига ёрлақай.

Рубойи:

Сенинг қутлуғ бошинг нодир тож безар,
Аҳли аъёнларинг давлати пойдор.
Сенинг мадҳинг айтар ҳар насли башар,
Ҳатто Етти юлдуз хизматга тайёр.

Рубойи:

Саййид араб шоҳин шонли авлоди,
Набига куёву шарафлар кони.
Ҳеч садаф сенчалик дур беролмади,
Нажаф султонидай¹ — жаҳон уммони.

Азалдан то қиёмат кунигача, аммо кейин эса мамлакатлар эгалари ақли ва донолиги замирида, илм ва дониш маслағи вакиллари хотирида шубҳа ниқобида пинҳон бўлмагайдирким, иншо ва маҳорат отчопарининг чавандозлари ва шеър ёзиш санъатини тўлиқ эгаллаган мамлакат сардорлари соҳибқиронлик мул-

¹ Ҳазрат Али Нажаф султони деб улуғланмоқда.



кида сўзамоллик қилдилар ва нуктадонлик иқлими қаламининг ёзув найзаси фаросатлиликка оғиз очдилар, қамиш қаламнинг хушхиром оти хусравсифат жаҳонгир Амир Темур Гурагоннинг аҳволи баёни майдонида жавлон урди ҳамда пухта ўйланган афзалликлари билан ул жозибали воқеаларнинг тиниқ моҳиятини чиройли иборалар ва ишончли истиоралар билан баён этдилар. Дарҳақиқат, ул саҳифаларни ёзувчи ва ғайриодатий асарларни битувчининг сўз ва ифода услуби ҳамда маънодорлиги шу даражадаки, имло чаманининг навосозлари ва иншо гулшанининг нағмасозлари эътироф этадиларки, қалам зарафшон саҳифалар узра нурафшон қуёш ила коинот ҳолатини таҳрир этади ва тақдир қўли қодир яратувчининг мадади билан варақларни мовий само юлдузларининг ёрқин нақши билан безайди. Ҳеч бир тарихда воқеаларнинг икир-чикирлари бу битикдагидек зийнатланмаган ва ҳеч бир замонда ижод келини чехрасини шундай хушбўй атр сепилган зулфидек ясантирмаган.

«Зафарнома»¹ бадий китоби саҳифаларининг бежирим иборалари моҳсиймо дилбарнинг висолидек севинч келтиради ва гўзал истиоралари худди ҳурилиқо қизларнинг қип-қизил лаблари сингари кўнгил очади, сўз маънодорлиги ва равонлиги эса Хусрав Парвиз² зулфи силсиласи рашки ва маъносининг нафислиги худди Шириннинг³ ҳаяжонга солувчи карашмаси каби ҳақиқатда маънолар жавоҳирининг қоп-қора қорачиғи бўлмиш тиниқ кўзи узра жойлаштира арзийди. Ҳеч бир такалүфсиз, гўзал тонг ғурури бўлган равшанлигини жаҳонни кўрувчи қоп-қора тиниқ кўзи узра қўйса бўлади.

Маснавий:

Унинг қорачиғи хур кўзига нур,
 Қуёш ҳам юзидан мунаввар эрур.
 Ёшлик кунларидай жаҳон яшнатар,
 Ҳайдар кокилардай севинч таратар.

¹ Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си назарда тутилмоқда.

² Эроннинг сосонийлар сулоласидан подшоҳи Хусрав II Парвиз (590–628) назарда тутиляпти.

³ Ширин – мазкур подшоҳнинг хотини.



Ой юзи зулфидай насри жилвагар,
 Сулувлар лабидай шеъри бол томар.
 Гавҳар шодасидек терилган сўзлар,
 Мазмун қаллигига чин зебу зевар.

Шунинг учун муқаддима унинг энг маъқули эди ва, аввал, бу фақир жаҳонгир Соҳибқирон аҳволини ёзишдек жиддий ишни амалга оширишнинг уддасидан чиқаолмасам керак дегандек кўринди ва ул ҳазрат ажиб воқеаларини ўқишни ёзилган китобга ҳавола қилсам, чунки Суҳо¹ юлдузи қуёшнинг ёрқин шуъласида ярқираб кўринмайди ва ҳеч бир оқил киши сўзни ҳақиқат олдида яширмайди, асл тилла олдида қалбаки ва сохта пуллар эътибор топмайди. Тилла ганжлар турган жойда ақлли сарроф² қалбаки тангаларга назар солмайди.

Байт:

Достон айтгим келди мендай булҳавас,
 Зора булбулларга бўлсам ҳамнафас.

Аммо сўз чилвири бир-биридан ажралиб қолмаслиги ва жаҳонгир Соҳибқирон тарихининг ёрқин нурлари бу саҳифалар узра порлаб туриши учун илоҳий лутф билан ишонарли ҳолда ва чексиз илму дониш кучига ишонч билан ҳиммат фариштасини бу тарихни адо этиш учун сафарбар этди. Ва бу ривоятни

Байт:

Рухни яйратувчи сўзлари майин,
 Ҳар мисра гавҳарлар шодасидайн.

Байт:

Муқаддас руҳ берса ҳимматли имдод,
 Ўзгалар Масихдай қилгайлар ижод.

«Зафарнома»да тарихнинг барча тафсилотлари ёзилганлиги боис, сўзларни чўзмасдан, малол келмайдиган тарзда умумий воқеалар ва урушлар тарихидан қисқа ва тиниқ ҳолда эътиборга ҳавола этилди.

¹ Суҳо – Кичик айиқ юлдузлар туркумидаги юлдуз.

² Сарроф – пул майдаловчи ёки алмаштирувчи киши.



ЖАМШИДСИФАТ СОҲИБҚИРОН НАСАБИ ЗИКРИ ВА УНИНГ ДИЛКАШ ШАҲРИ КЕШДА САОДАТЛИ ТУФИЛИШИ БАЁНИ

Ҷарчи шахси шарафи ва зоти карами сабабли, ҳашаматли ва олий ҳимматли Соҳибқироннинг қадр-қиммати афзалликларининг кўплиги, олийжаноб отасининг фазилатлари ва улуф аждодлари маноқибларининг тарқалиши ҳаддан зиёд бўлишига қарамай, аммо ояти карима тақозосига кўра, мўғул амирлари изчил равишда ота-боболари насабини сақлаб, авлод-аждодга ўргатиб, ўқитиб келган. Ранги ўчган варақлар қати ва дафтар матнларида келтириладиги, соҳибқирон Амир Темурнинг муборақ шарҳи ҳолини олий мартабали тарихчилар қуйидаги тарзда битганлар:

Султонлар ва халифлар таянчи Амир Темур Гурагон ибн Амир Тарағай ибн Амир Баргул ибн Илангиз нўён ибн Амир Ийжал ибн Қорачор нўён ибн Амир Суғав Чичан ибн Ирумчи ибн Қочули Баҳодир ибн Туманайхон ибн Бойсунғурхон ибн Дугуминхон ибн Буғохон ибн Бузанжар Қаон ибн Аланқува ва чунончи мазкур жилднинг биринчи фаслида сиҳат қалами билан битилганидек, Аланқува Қиёт наслидан эди ва Қиётнинг насли Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссаломга боғланади.

Амир Илангиз ва унинг ота аждодлари шарҳи ҳолининг бир қисми Туркистон хонлари, Чингизхон ва унинг авлодлари билан боғлиқ воқеалар қаторида берилганлиги боис, воқеалар қайтадан такрорланмайди ва ёзиладиги, Амир Баргул тинчлик ва фаровонлик тарафдори эди ва ўз ихтиёри билан қўшин сардорлигидан истеъфога чиқди.

Байт:

Кеш туман ҳудуди теварагидан,
Ўзга манзиллари у хушламаган.

Худованд инояти насими билан бош Амир Баргул вужуди чаманида икки гул очилди: Амир Тарағай ва Амир Бита. Амир Тарағай эса жаҳонгир Соҳибқироннинг отасидир.

Байт:

Сахийлик денгизи, карамлар кони,
Қутлуғ юз, солиху хайрли ҳар они.

У доимо бузруквор шайх Шамсуддин Кулорнинг¹ шарофатли йиғинига ташриф буюрар, бошқа солихлар ва фуқароларга нисбатан ихлос ва ҳурмат кўрсатарди.

Маснавий:

Ибодат элига ҳамиша ҳамдам,
Ишининг охири саодат ҳар дам.
Ҳаворанг фалакка эгмади қомат,
Лекин меҳробларга бош қўйди фақат.

736 ҳижрий² йилда Султон Абу Саид Баҳодирхон вафот этгач, Эрон мамлакатада чингизий султонлар истиқлоли ниҳоятда бахтиёр ва омадли даврига эришди. Амир Темур Гурагон Турон вилоятида шариат қонунига биноан Амир Тарағай никоҳида яшаётган Такина Хотундан туғилди. Мазкур йилнинг рабиулаввалида³ Саййид Султон Абу Саид подшоҳ вафоти рўй берган эди, 736 йил шаъбон ойининг йигирма бешинчисида ҳазрат Соҳибқирон таваллуди Кешда сешанба кунининг кечасида рўй берди⁴.

Байт:

Кетган ўрнин олар ўзга зот шу он,
Эгасиз қолмагай ҳеч қачон жаҳон.⁵

У саодат шуъласи балқишидан Қачули Баҳодирнинг туши салимийлиги ва Туманайхоннинг кароматли таъбирига аниқлик ва равшанлик киритилди, шунингдек, бу ҳикоят хусусияти мазкур жилднинг биринчи жузвида ёзилган.

¹ Қўлёзмада Шамсиддин Кулор деб ёзилган. Бу шахс Амир Темурнинг уч пиридан бири бўлган.

² 736 йил – мелодий 1335 йил 21 августидан 1336 йил 10 августигача бўлган оралиқ.

³ Бу сана 1336 йилнинг 8 октябри – 7 ноябрига тўғри келади.

⁴ Бу сана эса мелодий 1336 йилнинг 8 апрелига тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам ўша кун сешанба бўлган. Лекин туғилиш ўша «куннинг кечасида» рўй бергани ва соати кўрсатилмагани учун ҳозирги Ўзбекистонда бу сана 9 апрелда нишонланади.

⁵ Бу ерда Султон Абу Саиднинг вафот этиши билан Амир Темурнинг дунёга келиши назарда тутилади.

Девонхона муншийлари унинг мавлудини подшоҳона дафтарларда гўзал сатрлар билан безаган, шу йўл билан болалик ва ўсмирлик онларидан то қарилик айёмларигача бўлган воқеаларни баҳор насми райҳонларнинг хушбўй ҳидларини кенг дала узра таратганидай кенг ёйган эдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон то салтанатга чиққунга қадар ёшлик кезларидан доимо от минган, уни ушлаш ва ов қилишга ишқибоз ва жанг ҳамда қатъиятли ҳамлалар ишларига жиддий эътибор берар эди. Чунончи, бу воқеалар баъзан қисқача, баъзан тафсилоти билан мазкур таҳрир тизимига тизилди, иншооллоҳ таоло.

ОМАДЛИ СОҲИБҚИРОН ШОНЛИ ЮРИШЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ЗИКРИ ВА БАЪЗИ НОҲИЯЛАР ҲАМДА КАТТА ШАҲАРЛАРИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШ ТАРИХИ БАЁНИ

Жаҳонгир соҳибқирон Амир Темур Гурагон ўсмирлик айёмларида Шаҳрисабз ҳам деб аталадиган дилхуш Кеш шаҳрида шоҳларга хос басавлат кун кечирар ва ул ҳазрат ўзига қариндош бўлган баъзи барлос амирлари билан ҳамсуҳбат бўлиб, кунларни тунларга, тунларни кунларга улаб ўтказар эди.

Шу аснода юқори мартабали қариндошларидан уч-тўрт киши билан Шайх Шамсуддин Кулорнинг ҳурматга лойиқ мажлисига ташриф буюрди ва ўша кун Шайх синчковлик билан деди: «Бугун бизнинг суҳбатимизда шундай киши борки, у баланд мартабага эришиб подшоҳликка етишажак». Мазкур йиғинда ҳозир бўлган ҳар бир амир шавкат ва қудратининг зиёдалигидан мағрур бўлиб, салтанат даражасига кўтарилиш менга насиб этилажак деган фикрни кўнглидан ўтказди, аммо саодатли Соҳибқирон савобкорнинг ёруғ ва нурли вужудида «Шундай буюк ва шонли нўёнлар мавжудлиги ва кучли аҳолининг йўқлигига қарамай, бу давлат менинг назаримда қандай намоён бўлади» деган фикр ўтди.

Шайх жаноблари яна сўзини давом эттириб айтдилар: «Улуф халифа зуҳури тантанаси содир бўлган пайтда, яъни ҳазрати



Одам тақдирга кўра безатилган бинонинг фируза гумбазида ўтирди ва шамолнинг титраш-тебранишидан Қодирнинг инояти-ла, коинотнинг шоҳона мазмуни самовий ва ер юзидаги муншийлар қулоғига етди ва бир гуруҳ одамлар эси пастлиги боис, ўзи билан жаноб халифасифат табиатининг хамиртуруши бўлажакларига мажбурият олдилар ва фикр буғи билан димоғи саройига оташ, шамол ва сув бўлиб кўтарилиб, оташ таманноси ички марказларида аланга олди ва ҳар бири ўзини афзал кўриш ва юқори қўйиш бобида далиллар билан яшашга киришиб, тилларига ножўя сўзларни олдилар, бир-бирига нисбатан низо ва баҳс эшикларини очдилар, аммо Одамнинг пок хоки юввошлик ва камсуқумлик ҳақида оғиз очиб, ўзига-ўзи деди: Мен ўзи кимман, пасткашликларга қарамай, бу фахр-ифтихор ва улуғликни менга ким бериши мумкин?! Ва бу ҳамма борлиқнинг йўқликлар ва қашшоқликлари бўла туриб, қандай қилиб мендан парвардигор ноиблиги чиқиши мумкин?! Камтарлик туфайли яратувчининг даргоҳида тупроқдан ҳадисга биноан итоатлик ва камсуқум — Одам алайҳиссалом яратилди.

Байт:

Тупроқ бўл, гул қилиб ундиради ул,
Тупроқдан ўзгаси ундиролмас гул.

Энди бизнинг йиғинимизда ҳам ҳар ким бугун фақирлик ва қашшоқликдан сўз очган бўлса ҳукмдорлик унга муяссар бўлади».

Қитъа:

Иш-кучда ҳамиша паст бўл тупроқдай,
Ҳаммага ҳаводай қудратинг ўтар.
Сув каби барчага наф еткиз доим,
Жаҳонда оловдек юксаклик етар.

Амир Соҳибқирон бу сингари сўзларни эшитиб, умидвор бўлиб, унинг порлоқ юдузи шараф ва иқбол буржидан чиқишига ишониб, жон-жаҳди билан жаҳонгирликнинг мунтазам муқаддимаси билан машғул бўлди. Аллоҳ инояти ва шаҳаншоҳлик туйғуси билан барча муродини амалга оширишда унинг ҳиммат оти — Рахш¹ жавлон уриб, кўнгилдаги истаклар

¹ Рахш — Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги Рустам отига ишора.



катта муваффақиятлар билан амалга оша бошлади. Тарихга айланган ҳар ниятни қўлга киритишда давлат ва саодатнинг мақсад чехраси қисқа муддатда у томонга юз оча бошлади, гуё унинг ўзи асл зоти шарифи чизилгандек ақл ва латиф томиридаги ҳар туки совутли лашкар эди.

Маснавий:

Кезиб-айланишиб шаҳру ўлкалар,
Озгина муддатда йиғилди лашкар.

Бу омадли подшоҳ саййидларнинг энг машҳурлари ва асл-зодаларнинг маъқуллаши, ҳамда шавкатли нўёнлар иттифоқида қуббатулислом (ислом маёфи) Балхда 771 йилда¹ подшоҳлик тахтига қадам қўйди.

Олам яратувчисининг қудратли кучи туфайли рубъи маскун² мамлакатлари ояти карима тақозосига биноан унинг қаламрави ва байроғи остига берилди. Унинг музаффар байроғидаги ярим-ой буюк шарқдан чиқиб, ҳаракат офтоби мағрибнинг то узоқ чеккаларигача ёритди. Унинг фотиҳлик офтоби кенг уфқдан ёрқин шуъла сочиб, Шарқ ва Ғарб ҳукмронларини қуёш чиққан пайтда юлдузлар кўринмай қолгани сингари йўқ ва маҳв этди.

Байт:

Қуёш чехрасидан олгай гар ниқоб,
Юлдузлар юзига тортарлар ҳижоб.

Саодатли замон ибтидосидан то истиқдол интиҳосигача ҳеч бир урушда у хусравсифат ва фаридунфарга ўхшашнинг³ лашкарлари мағлубиятни билмади ва шавкатли давлатнинг бахтли аломати сифатида ҳумоюн мулозимларига доим ғалаба ва зафар кулиб боқди. Куррайи заминда буюкликдан шон-шарафи осмонга бўй чўзган мустаҳкам қалъалар ва қўрғонларни очди ва забт этди ҳамда тасарруфига кирган ҳар бир мамлакатдан уламо, фузало, муҳандислар ва санъаткорларни кўчириб, уларга иззат-икром кўрсатиб Мовароуннаҳрга олиб келди.

¹ Бу воқеа 1370 йил 8 апрелда юз берган.

² Рубъи маскун – Ернинг инсонлар яшайдиган чорағи, яъни ўрта асрлар шарқидаги тасаввурга кўра Ер шарқий яримшарининг шимолий қисми.

³ Қадимги Эрон афсонавий қаҳрамонларига ишора.



Ҳазрат Соҳибқирон комронлик маснадига ўтирганидан сўнг биринчи бўлиб Туркистон, Мўғулистон, Хоразм ноҳиялари, катта шаҳарлари ва унинг теваарак-атрофини фатҳ этишга киришди. Ул мамлакатлар гулзорини муҳолифлар ва бузғунчи исёнкор тугёнчилар тиканидан тозаллагач, 782 йил охирларида¹ Турондан Эронга юриб, 783 йилда² Хуросоннинг барча ноҳияларини забт этди ва 785 йилда³ Сейистон ва Қандаҳорга лашкар тортиб, ул вилоятларни ҳам қўл остидаги мамлакатларга қўшиб олди. 786 йилда⁴ Амир Валини бўйсундириб, Астрободда бахт-иқбол байроғини тикди. 788 йилда⁵ Ироқ, Форс ва Озарбайжонга бориб, олийҳиммат эҳтиёжларини қондириш мақсадида у мавзеларни фатҳ этишга куч сарфлади. Уч йиллик юриш номи билан машхур бўлган бу сафардан қайтгач, Дашти Қипчоқ⁶ томон шошилди. 793 йил ражаб ойининг ўн бешинчиси душанба кунида⁷ Қундузча⁸ мавзеида Тўхтамишхон билан саваллашиб, уни мағлуб этиб, қувиб юборди ва Жўчихон улусида қатл, ғорат ва талон-торож уюштирди.

794 йил ражаб ойи ўрталарида⁹ беш йиллик юришга жазм этиб, яна Турондан Эронга қараб ҳаракат байроғини баланд кўтарди ва бу муҳим сафарда Мозандарон, Оли Музаффар ҳукмдорлари, Икки Ироқ (Ироқи Ажам ва Ироқи Араб) ва Диёрибакр ҳокимларини кўнгилдагидек муте этди. 797 йилнинг жумомилававалида¹⁰ Дарбанд йўлидан Дашти Қипчоқ томонга от сурди ва яна бир марта Тўхтамишхон билан жанг қилиб, уни

¹ 782 йил охири – 1381 йил февралнинг охири.

² 783 йил – 1381 йил 28 мартдан то 1382 йил 17 мартгача бўлган оралик.

³ 785 йил – 1383 йил 11 мартдан то 1384 йил 24 февралгача бўлган оралик.

⁴ Бу воқеа мелодий 1384 йил охирида рўй берган.

⁵ Мелодий 1385 йил баҳорида.

⁶ Дашти Қипчоқ – Иртиш дарёсидан ғарбга томон то Днепр ва Қуйи Дунай дарёсигача бўлган ҳудудни ўз ичига олган.

⁷ Бу воқеа мелодий 1391 йил 18 июнида рўй берган. Ўша куни Соҳибқирон Тўхтамиш устидан ғалаба қозонган.

⁸ Қундузча – ҳозирги номи Қондурча, Самарадан шимолроқда шу номи дарё билан Сок дарёсининг қуйилиш жойи.

⁹ Мелодий 1392 йил май ойининг 24–25 лари.

¹⁰ Мелодий 1395 йил февраль ойининг 20 ларида.



кийин аҳволга солиб қўйди. 798 йил баҳорининг¹ бошларида ўша йўлдан Озарбайжонга қайтиб, ул мамлакат вилоятларини Мироншоҳ Мирзога топширди. Сўнг Самарқанд сари ошиқиб, 799 йилда Хуросон вилоятларини Шоҳрух мирзога топширди². 800 йилда³ ғазавот ва жиҳод майл қилиб, Ҳиндистонга лашкар тортиб, 801 йил рабиулохир ойининг еттинчиси сешанба куниде Дехли атрофига етиб келди⁴. Ва ул ҳазрат билан ўша вилоятлар ҳокимлари султон Маҳмуд ва Маллухон ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтди. Ғалаба ва зафар насими ҳазрат Соҳибқирон байроғи узра эса бошлади.

Ундан сўнг у жиловни толеёр тахт жойлашган томон буриб, шаъбон ойининг йигирма биринчи сешанба⁵ куни мамлакат пойтахти Самарқандга кириб келди. 802 йил муҳаррам ойининг саккизинчисида⁶ етти йиллик юришга жазм этиб, муборак оёқларини зафар узангисига қўйди ва Турондан Эронга юз бурди. 803 йил жумодилаввал ойининг ўрталарида⁷ Дамашқ ташқарисиде Миср подшоҳи Малик Фаррух⁸ билан олишиб, уни мағлубиятга учратди ва Шомнинг барча ҳудудини фатҳ доирасига тортиб, Дамашқдан Бағдод томон юрди. Ул юртни Султон Аҳмад Жалойирнинг гумаштаси бўлган Фараж исмли кишидан зўрлик билан тортиб олди⁹. Бу Баҳромқаҳрли¹⁰ подшоҳ у шаҳарни вайрон этгач, Эрон ва Озарбайжонга шошилиб, 804 йил ражаб ойининг ўн учинчисиде¹¹ Рум¹² ҳукмдори Йилдирим Боязид¹³ билан жанг

¹ Мелодий 1396 йилнинг февраль-март ойлари.

² Бу воқеа мелодий 1397 йил баҳорида рўй берган.

³ Бу воқеа мелодий 1398 йил март-апрелида рўй берган.

⁴ Воқеа 1398 йилнинг 17 ноябрида рўй берган.

⁵ Мелодий 1399 йилнинг 28 апрели, сешанба куни.

⁶ Мелодий 1399 йилнинг 10 марти.

⁷ Мелодий 1401 йил январь ойининг боши.

⁸ Малик Фаррух – Миср ва Суриянинг мамлук султони Носируддин Фараж (1399 – 1412).

⁹ Бу воқеа 1401 йил 19 июнда рўй берган.

¹⁰ Эрон афсонавий қаҳрамонларига ишора.

¹¹ Мелодий 1401 йил 15 февраль.

¹² Рум – кенг маънода Византия, кейинчалик Усмонли Турк.

¹³ Йилдирим Боязид – Усмонли султонларнинг тўртинчиси (1389 – 1402).



қилишга қарор қилиб, бу мамлакатга эътибор қаратди. Мазкур йилнинг зулҳижжа ойининг ўн тўққизинчи жума кунини¹ Анкурия² ноҳиясида ул ҳазрат билан Рум қайсари ўртасида олишув ва жанг рўй берди. Самарқанд лашкари Рум сипоҳини мағлуб этди ва қайсар тақдир тақозосига кўра асир тушди. Ул киши олийқадр Соҳибқирон назарларига манзур бўлиб, бу мамлакатда тақдирга кўра хавфсизлик муҳити ва осойишталикни бу ўлкада мустаҳкам ўрнатди. Амир Темур Гурагоннинг Рум ҳукуматини Йилдирим Боязидга топшириб, яна бир марта ҳашаматли ва улф байроғини ул диёрда тикиш нияти бор эди, лекин 805 йил шаъбон ойида Йилдирим Боязид вафот этди³. Ҳазрат Соҳибқирон ул мамлакатни унинг ўғли ихтиёрига бериб, от жилувини Озарбайжон томон бурди. 806 йилда⁴ Гуржистон томон юриб, гуржиларнинг кўпгина қалъа ва шаҳарларини қилич ва найза кучи билан қўлга киритди. У вилоятда ҳукумат юргизган Гурген жия тўлаш, итоат этишликни қабул қилди. Баҳор фасли ўрталарида турғун ва кезувчи Хусрав юдузи ўзининг шон-шарафли маконига тантанали қайтишни бошлади. Соҳибқироннинг умиди жўнаш жилувини фирдавсмонанд Самарқанд томон қаратиб, 807 йилнинг муҳаррам ойида⁵ ул мамлакатни яхшилик аломати сифатида шарафли афзалликка мушарраф ва сазовор қилиш эди. Гапнинг қисқаси шулки, Соҳибқирон ўттиз олти йил муддатли истиқлол йилида Хитой сарҳадидан то узоқ Шомгача, узоқ Ҳинддан то Мағриб ноҳиясигача бўлган ҳудудлардаги бир неча султонларни енгиб, юртларини ўз тасарруфи доирасига киритди. Замон жабборлари ва аср қайсарлари, жаҳон сарварлари ва саркашларини ҳақли ва муносиб равишда лутфу карам ёки қаттиққўллик билан ўзига итоат ва бўйин эгдиради.

¹ Ҳижрий 804 йил ўн тўққизинчи зулҳижжа — мелодий 1402 йил 20 июли Анқара жанги юз берган кун.

² Анкурия — Анқара шаҳри.

³ Йилдирим Боязид 805 йил ўн тўртинчи шаъбонидан (1403 йил 9 март) вафот этди.

⁴ 806 йил — 1403 йил 21 июлидан 1404 йил 10 июлигача бўлган оралик.

⁵ 807 йил муҳаррам ойи — 1404 йил 10 июлидан 9 августигача бўлган оралик.



Маснавий:

У олий насабли жаҳонгир Амир
Салтанат тахтига қўйганда оёқ,
Хитой сарҳадию йироқ Шомгача
Демайки, ер юзи бошидан-оёқ —
Унга насиб этди гоҳида сулҳу
Гоҳида қақшатқич жанг-жадал билан.
Эрону Туроннинг султонларию
Чин мулкин хоқони унга бош эган.
Арзи эҳтиёжин изҳор этганлар,
Лутфу эъзоз билан шараф топганлар.

Ҳазрат Соҳибқирон салтанат ва бахтиёр кунларида ақлли ва-
зирлар ва тажрибали ҳукмдорлар кўрсатмаси билан баъзи фар-
монни бекор қилиб, девонхона ишларини ва султонликнинг
таниқли кишилари таҳсилани тартибга солишда маълум қонун
ва қоидалар ўрнатди. Ҳазрат кутилмаган воқеалар, рўй берган
ҳодисалар, сафарлар ташвишлари, жангга жўнаш пайтларида
амирлар, аркони давлат, нўёнлар ва аъёнлар билан ояти карима
тақозосига кўра машварат қилиш одатини қанда қилмас, аммо
кўпгина вақтларда оқибат-натижада жиддий, муҳим масалаларни
ўз адолатли қарори тақозосига кўра амалга оширар ва уларни хо-
тирига нақшдек муҳрлаб, ҳаракат жиловини савоб томон бурар-
ди. Изчил равишда саййидлар ва уламоларни иззат-икром қилиш,
фузало ва солиҳларга ҳурмат кўрсатишда жиддий қайғурар эди.
Ҳақиқий дин арконлари ва мустаҳкам шариат шиорларини ку-
чайтиришда имкони борича муболаға қилиб юборарди.

Маснавий:

Сарварлик тахтига ўтирган чоқдан,
Диннинг байроғини кўтарди баянд.
Саййидлар таъзимин жойига қўйди,
Иззатни оширди, инъомни уйди.
Фозил хунармандлар кўрди мурувват,
Аҳли донишмандлар илтифот, шафқат.

Сафарда ва уйда ҳамиша бу олийқадр табақа хизматида
бўлиб кун кечирарди. Шоҳона йиғинларда диний илмлар бўйича
баҳслар уюштириб, масалаларни таҳқиқ ва таҳлил этишда аниқ,
ишончли ҳал қилишга ҳаракат қиларди.



Байт:

Билим аҳлларига мойил эди хўп,
Улардан масъала урганарди кўп.

Бу дарёдил, танти подшоҳ, иқтидорли, қудратли кунларида дин арбоблари ва фозил кишилар учун суюрғоллар¹ ва инъомлар муқаррар этди. Амирлар маоши ва иқтолари² борасида ҳамда вазирлар, уюр отлар ва отар қўйлар боқувчилари, ходимлар ва қулла ҳақини беришда ҳам саъй-ҳаракат байроғини маҳкам тикди. Ҳар камолнинг қисматда заволи бўлганидек, ҳар баҳорнинг ҳам хазони муқаррардир. 807 йил шаъбон ойининг ўн еттинчи³ кечасида жаҳонгир Соҳибқирон марҳаматли худованд мағфиратига равона бўлди. Ул саодатли самовий меҳр-муҳаббат соҳибининг умри етмиш бир йил бўлиб, мустақил салтанат юритган даври ўттиз олти йил эди.

Рубоий:

Ҳижрийнинг етти юз ўттиз олтиси,
Туғилди Темурдай жаҳонгир бир зот.
Етти юз етмиш бир – йирик хуружи,
Саккиз юз еттида ўтди у, ҳайҳот!

Мавлоно Қутбиддин Қурумий, мавлоно Убайдулло ул жамшидсифат⁴ подшоҳ давлати даврида бош вазирлик ва вақф ерлар нозири вазифасини бажарар эдилар. Хожа Маҳмуд Шаҳоб, Хожа Яҳё Семноний, Хожа Имодиддин Масъуд Семноний, Жалол ал-Ислом, Хожа Али Семноний, Хожа Сайфуддин Тунийлар Соҳибқироннинг вазирлари туркумидан тартибли равишда ўрин эгаллаган эдилар.

Қалам қисқа ҳолда Соҳибқирон ва унинг мақтовга лойиқ хислатларини таҳрир тизимига тортгач, бу асарда кўрсатилган мажбурият асосида баён жиловини, яъни эътиборини тарихнинг умумий тавсифи томонга қаратади.

¹ *Суюрғол* – шоҳ, хон, амир томонидан амалдор ва саркардаларга алоҳида хизматлари учун инъом қилинган ер-сув, ер-мулк.

² *Иқто* – суюрғолнинг арабий маънодоши.

³ 807 йил ўн еттинчи шаъбон – 1405 йил 18 феввали.

⁴ *Жамшидсифат* – Эроннинг афсонавий подшоҳига ишора.



**ЗАФАРЛИ СОҶИБҚИРОННИНГ ЗУҶУР
ҚИЛИШИДАН ТО АМИР ҲУСАЙН ИБН
МУСАЛЛО БИЛАН ИТТИФОҚИ ДАВРИГАЧА
БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ**

Сўз хабарини тасдиқловчилар ва эски ҳамда янги хабарларни тартибга солувчилар келтирадиларки, амирзода Абдуллоҳ ибн Амир Қазағон шаҳид бўлгандан кейин Туркистон ва Мовароуннаҳр ноҳияларида ва унинг теварагида тартибсизликлар рўй берди, ҳар бир шаҳарда муттаҳамлар ҳиммат лочинини истиқлол осмонида парвоз эттира бошлади. Ҳар бир қасабада журъатли кишилар давлат ва иқбол ҳавасида тугён водийсига оёқ қўя бошлади. Амир Баён Сулдуз Самарқандда ойжамоллар билан айшу ишрат гиламини кенг ёйишга киришди. Ясу Мунка ибн Қорачор нўён авлодидан бўлган Амир Ҳожи Барлос Кеш шаҳрида давлат байроғини тикди. Амир Боязид Жалойир Хўжандда ҳукмронлик маснадига ўтирди ва Улжой Буғо Сулдуз қуббатулислом Балхда мамлакат келини висолига дил берди. Муҳаммад Хожа Апардий Шибирғонда ўзини мутлақ ҳоким деб ҳаёл қилди. Бадахшон шоҳи у тоғли ўлкада белига истиқлол камарини боғлаб, ҳеч кимга буйин эгмади. Амир Ҳусайн ибн Амир Мусалло ибн Амир Қазағон ва Амир Хизр Ясурий Ҳисори Шодмон ҳудудида лашкарлар йиға бошлади ва ҳар лаҳзада бирон вилоятга босиб бориб уни вайрон қиларди. Бу хабар Чигатой улусида подшоҳ бўлган Туғлуқ Темурхон ибн Эмилхожа ибн Дувахон қулоғига етиб келгач, у 761 йилда¹ юриш жilовини Самарқанд тарафга қаратди. У Хўжанд суви² яқинидаги Чаноқ Яйлоқ манзилига келганидан сўнг Улуғ Туғ Темур, Ҳожибек Арканут ва Беккичикни манглай сипоҳидан тузилган бир гуруҳ билан жўнатди.

Бу гуруҳ, Хўжанд сувидан ўтиши билан Амир Боязид Жалойир қиличини филофга солиб, уларга қўшилди ва Шаҳрисабзга

¹ Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрга 1360 йилнинг (ҳижрий 761 й.) эрта баҳорида келган. Матнда хато – 771 йил.

² Хўжанд суви – Сирдарё.



қараб юзланди. Амир Ҳожи Барлос жуда қўрқиб, Хуросон томон кетди. Амир Темур Гурагон то Амуя суви¹ қирғовигача Амир Ҳожи билан узангидош бўлиб, кечиктириб бўлмас муҳим ишларни тартибга солиш ҳақида эл-улус билан кенгашиш учун у ердан қайтишга ижозат сўради ва рухсат олиб манглай амирлари ҳузурига шошилди.

Ва Кеш ҳудудини горат ва талон-торож қилишга шай турган бу жамоатнинг қаҳру вазаб ва кек-адоватини унутиш учун уларнинг кўнглини олди. Амирлар унинг пешонаси ва чехрасидан ақли расолиги ва аслзодалик аломатларини, қудратлилик ва улуғворлик нурларини ҳамда ўзини тутиш ва феъл-атворини кўриб, ул ҳазратни ўз ҳамроҳлигида Туғлуқ Темурхон олдига олиб бордилар ва унинг зийраклик, донишмандлик ва фаросатлик камолидан билганларини баён этдилар. Туғлуқ Темурхон барлос амирларининг ота аждодига тааллуқли бўлган Шаҳрисабз туманлари ҳукумати мансабини Амир Темур Гурагонга топширди. Ҳазрат Соҳибқирон бу вилоят томон жўнаб, озгина вақт ичида зафар шиорли байроқ остига кўп лашкар йиғилди. Шу пайт Туғлуқ Темурхон ўз пойтахтига жўнаб кетди, амирлар ҳам хон орқасидан равона бўлдилар.

Шундан сўнг, Амир Ҳусайн ибн Амир Мусалло 762 йилда² Амир Боязид Жалойир ва Амир Темур Гурагондан ўз амакиси амирзода Абдуллоҳ Амир Қазағоннинг қасосини олиш, Амир Баён Сулдуз устига лашкар тортиш учун мадад сўради. Амирларнинг учдан бири Амир Ҳусайннинг хоҳишини қабул қилиб, музаффар байроқли Соҳибқирон бу лашкарнинг манглайи этиб тайинланди. Амир Баён Сулдуз мухолифлар ҳужумидан хабар топди, аммо қаршилиқ кўрсатишга тоб беролмай Бадахшон тоғларига қочди.

Мовароуннаҳрнинг кўп ноҳиялари Амир Ҳусайн тасарруфига кирди. У Кайхусрав Хутталонийнинг укаси Кайқубодни қатл эттирди, чунки уни ёмонлик ва фисқу фасоднинг асосий сабабчиси деб биларди.

¹ Амуя суви – Амударё.

² 762 йил – 1360 йил 11 ноябрдан 1362 йил 31 октябргача бўлган муддат.



Амир Ҳожи Барлос Хуросондан қайтиб келиб, Хўжанддаги Амир Боязид Жалойирнинг олдига кетди. Мовароуннаҳр амирлари ва ҳукмдорлари ўртасида низо яна бошқатдан қизиби, кўтарилиб кетди.

Амир Темур Гурагон эса қариндошчилик ва бошқа бир қанча сабабларга кўра Амир Хизр Ясурийга ёрдам берди ва унинг таърафини олди. Охирида ундан ажралиб, Амир Ҳожи Барлосга қўшилди. Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрдаги парокандалиқдан хабар топиши билан, 762 йилда¹ бу томонга шошилди. Бир қанча манзилларни босиб ўтиб, Хўжанд суви қирғоғига келиб қўнди. Амир Боязид, Амир Баён, Амир Ҳожи Барлос ва Амир Темур Гурагон итоат ва қуллуқ қилиш ниятида олдинга юриб, олий ўрдага келдилар. Хон тўсатдан ҳеч бир сабабсиз Амир Боязидни қатл этди. Амир Ҳожи эса қўрқиб қочгандек от жилловини Хуросон томон бурди, аммо Амир Темур Гурагон отасининг дўсти Амир Ҳамид воситасида хон мажлисида қатнашиб, сўзлаган эди, хоннинг инояти назарига манзур бўлди. Собиқ кўрсатмага биноан Шаҳрисабз туманлари унга тааллуқли бўлди.

Хон қиш ўртасида – ўша пайтда Ҳисори Шодмон ҳокими бўлиб турган Амир Ҳусайнга қарши жанг қилиш ва уни тағтомири билан йўқотишга жазм қилиб, Вахш суви² бўйида унга етиб келди. Икки сардор ҳам лашкарни муҳитга мослаштириб жанг тайёргарлигига киришди. Шу пайт Кайхусрав Хутталоний бирдан Амир Ҳусайндан юз ўтириб, мухолиф томонга келиб қўшилди. Бу қутилмаган қилиқ Амир Ҳусайннинг мағлубиятига сабаб бўлди. Хон лашкарлари эса Қундуз ва Бағлон³ ҳудудларини ҳам талон-торож қилди.

Шунда хон ўз ўғли Илёс Хожахонни Мовароуннаҳр ҳукуматига бош бўлиш учун қолдирди ҳамда Жета⁴ амирлари ва сипоҳларининг баъзи тоифаларини унинг ихтиёрига берди ва жумладан, Беккичикни тайин этиб шундай қарор қилдики, унга

¹ Мелодий 1361 йил баҳоридаги воқеа назарда тутилади.

² *Вахш суви* – ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Вахш дарёси.

³ *Қундуз, Бағлон* – ҳозирги Афғонистон шимолидаги шаҳарлар номи.

⁴ *Жета* – Мўғулистон.



кўра Амир Темур Гурагон доим Илёс Хожaxon ўрдасида бўлиши лозим эди. Туғлуқ Темурхон кетиши билан Беккичик зулм ва зўравонликни кучайтириб, амирлар манфаати эшикларини ёпиб қўйди. Ҳазрат Соҳибқирон тезда от жilовини Амир Ҳусайн томонга қараб бурди ва Хивақ¹ биёбонида Соғич қудуғи² олдида унга етди. Амир Ҳусайн эса ул ҳазрат мулоқотидан иттифоқнинг улкан ютуқларига эришишига умид билдирди.



АМИРЛАРНИНГ ТҶКАЛ БИЛАН ЖАНГИ ВА КҶП КИШИНИНГ АЖАЛ ҶҚИДАН ҶЛДИРИЛИШИ БАЁНИ



Амир Ҳусайн ва Амир Темур бир-бири билан бирлашгандан сўнг Тўкал исмли Хивақ ҳокими олдига бордилар, аммо у амирларни ушлашга қасд қилди, улар олтмиш отлик билан қочишга мойиллик кўрсатди. Тўкал эса минг киши билан қочганларни таъқиб қилиб, офтоб чиқиш пайтида уларга етди.

Икки томондан уруш қуроллари ишга солиниб, жанг шундай натижа билан тугадики, Тўкалнинг минг навқаридан эллик нафари ва амирнинг олтмиш отлик кишисидан еттитаси омон қолди, холос. Бошқалар эса ўлдирилди ёки ярадор бўлиб, қочишни афзал кўришди. Шунда амирлар биёбон ичкарисига кирдилар, Тўкал эса Хиваққа қайтди. Оқшом бўлганлиги учун Амир Ҳусайн ва Амир Темур ихтиёрида қолган етти кишидан тўрт нафари уларнинг отини ўғирлаб, Мовароуннаҳрга қочиб кетишди. Ҳазрат Соҳибқирон кейинги кун биёбон ичкарисидан чиқиб келаётиб, туркманлар жамоасига дуч келиб қолди. Бу жамоа уни ўлдиришга қасд қилди, аммо Ҳожи Муҳаммад исмли киши ҳазратни таниб қолди ва от топиб уни миндирди, номдор Соҳибқирон ўша кечаси туркманлар ҳузурида қолди. Эртаси куни ҳазрат уларга икки узук ва бир бўлак лаъл совға қилди. Ҳожи Муҳаммад унинг эвазига уч бош от ва зарур нарсалар

¹ *Хивақ* — Хива, Шарқий Хоразмнинг пойтахти.

² *Соғич* — Хивага яқин саҳродаги қудуқ.



муҳайё қилиб берди, ҳамда Қулойижий номли кишига тайинлаб айтди: «У ҳазратни Амир Ҳусайнга етказиб қўясан». Амир Темур Гурагон етиб келиб, Амир Ҳусайнни отга миндириб, биргаликда Маҳмудийга қараб жўнади ва у мавзегга етиб келиб, чоҳ кавлаб, ўн икки кун у ерда турдилар.

АМИРЛАРНИНГ АЛИБЕК ЖОНИ ҚУРБОНИЙ ҚЎЛИДА ГИРИФТОР БЎЛГАНИ ЗИКРИ ВА УЛАР ДУЧ КЕЛГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Алибек Жони Қурбоний Марв ва Мохон ҳудудини эгаллаб олгани учун, Амир Ҳусайн ва Амир Темур Гурагон аҳволини эшитган эди. Шунинг учун уларни тутиб келишга олтмиш нафар қуроолланган киши юбориб, амир уларни Мохонга келтирди ва қўрқинчли жойга маҳбус этди. Унинг акаси Муҳаммадбек укасининг бу жасоратидан хабар топиб, ўз томонидан амирлар учун туҳфалар жўнатиб, Алибекка ўпка-гина қилди ва уларни озод қилиш учун унга ваколат берди. Алибек ниҳоят даражада хасис бўлганлиги боис, Муҳаммадбекнинг қилган ҳадяларини қўлга киритгач Амир Ҳусайн ва Амир Темурга ориқ от ва ўргимчақдек озгин туя бериб уларни умуман озод этди.

Шу кунлари Муборакшоҳ Санжарий амирлар олдига етиб келиб, Амир Темур Гурагонга нисбатан бўлган қадимий дўстлик риштаси асосида уларга яхши отларни совға қилди. Олийжаноб сахий Соҳибқирон у отни Амир Ҳусайнга тортиқ қилди.

Амир Ҳусайн Ҳирман Гармсирига¹ равона бўлди. Амир Темур эса ўз эл-улуси томон йўл олди. Бу диёрда ниқоб кийиб озгина вақт ўтказганидан сўнг Хуросонга бориб, Малик Муиззиддин Ҳусайн Карт билан мулоқот қилди. Малик олдиндан бул фурсатдан фойдаланиб унга махсус от, ўн минг динор кепаккий маблағ ва икки юз харвор² миқдорда ғаллани Сарахс молидан тортиқ қилди, у эса қайтишга рухсат олди. Амир Ҳусайн бу воқеадан

¹ Афғонистон жанубидаги сахро номи.

² Харвор — 100 кг. дан 300 кг. гача бўлган оғирликдаги юк.



воқиф бўлиб, унинг хотирида Малик билан суҳбатлашиш ҳаваси уйғонди ва у Ҳиротга бориб, бир неча кун у ерда истиқомат қилди.

Туғлуқ Темурхон ўша кезде Малик Муиззиддин Ҳусайннинг олдига бир элчи юбориб, ундан Амир Ҳусайнни талаб қилди. Малик эса Амир Ҳусайнни Газив қалъаси томон жўнатиб, ўзининг Бурҳоншоҳ исми навкарларидан бирини Туғлуқ Темурхон элчиси ҳамроҳлигида олий пойтахтга жўнатди. Бурҳоншоҳ у ерга етиб боргач, хон ундан Амир Ҳусайннинг аҳволини сўради.

У эса Амир Ҳусайн Газив қалъасида зиндонда бўлиб, оламдан ўтганлигини баён этиб хабар берди. Туғлуқ Темурхон бу узрни қабул қулоғига жойлади-да, Бурҳоншоҳнинг қайтишига рухсат берди.

Аmmo Амир Темур Гурагон эса Малик Ҳусайн билан хайрлашгандан сўнг Мовароуннаҳрга қайтиб, ёвдан қўрқиб, бир қанча муддат пинҳон бўлиб юрди. Ўша пайтда Самарқандда ўзининг опаси Қутлуғ Туркон Оғо уйда қирқ саккиз кун ва Очиғи қишлоғида яна қирқ саккиз кун яшади. Ўша қишлоқдан кечаси Амударё бўйига келди. Шу ерда Темур Хожа Ўғлон ва Баҳром Жалойир унга қўшилди ва улар биргаликда Қандаҳорга йўл олдилар, чунки Амир Ҳусайн Газив қалъасидан қочиб, шу ерга келган эди.

Амир Темур Гурагон ва шериклари бир неча манзиллар ва шаҳарларни босиб ўтгандан сўнг Ҳирмонга, Туман Никударийнинг манзилига Амир Ҳусайн билан етиб келди ва улар биргаликда Сейистонга қараб жўнадилар. Сейистон ҳокимининг ўша пайтда ўзида кучли душманлик пайдо бўлишига қарамай, амирларни қўллаб-қувватлаш [ҳисси] голиб келди, унинг ёмон табиати, феъл-атвори эса хиёнаткорлик тариқи сулукидан устун келишига сабаб бўлиб, кўпгина сейистонликларга Амир Ҳусайн ва Амир Темур Сейистондан чиқиши билан уларнинг йўлини тўсишни тайинлади.

Шундай қилиб у икки шижоатли амирга қайтишга ижозат берди. Сейистонликлар йўл асносида уларга дуч келиб, қирғин бошланиб, қаттиқ жанг рўй берди. Амир Гурагоннинг қўлига



ва муборак оёғига ўқ тегиб ярадор бўлди. Отлиқ мавкаб мулозимлари душманларни орқага сурдилар. Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон Гармсирга қараб шошилинич йўлга тушди.

Амир Темур жароҳатларни муолажа қилиш учун Туман Некударийнинг уйида тўхтади. Амир Ҳусайн эса тўқсон киши билан Бағлон томонга жўнади, йўлда Беккичикнинг укаси Ажунийдан мағлуб бўлиб, ўн икки киши Ширтов мавзеига кетди.

Амир Темур Гурагон яра-жароҳатлари битиб, тузалиши сабабли Темур Хожа ўғлон ва мулозимларидан йигирма тўрт киши билан Арсиф томон жўнади ва Кўҳимардга етиб келгач, Севинч исмли бир навкарни Амир Ҳусайн олдига жўнатди. Унга зоти шарифнинг соғ-саломатлиги ҳақида хабар бериб, Арсиф томон келишини илтимос қилишни тайинлади. Кўҳимарддан ҳам кўчиб, йўл асносида Ҳусайннинг ўғли Қазончи юз отлиқ билан, Туғлуқ Хожа Барлос, Амир Сайфуддин ва Шербаҳром қутлуғ мавкабга қўшилдилар. Арсиф мавзеи ҳазрат Соҳибқирон отлиқ гуруҳи қўноғига мушарраф бўлиши билан Амир Ҳусайн бир юз ўттиз отлиқ ва бир юз элик нафар пиёда аскар билан бу ерга етиб келди.

У фотиҳ Соҳибқирон дийдорини кўришидан хурсанд эканлигини изҳор этиб, мамлакатни забт этиш борасида у билан маслаҳат қилди.

Биринчи бўлиб аввало Жур қалъасига бориб, саркашликни даъво қилаётган Менгли Буғо Сулдузни уриб йиқитишга қарор қилдилар. Менгли Буғо эса аҳволдан воқиф бўлиб, қочиш байроғини тикди. Шу аснода Дўлон Жовун элидан уч юз киши Амир Ҳусайн ва Амир Темур мулозиматига келиб, содиқ хизмат қилишга аҳд қилдилар. Амлас ибн Туманнинг икки юз нафар ғалабаёр аскарлари учқур отлари билан келиб қўшилди.

Амирлар Дараигазга бориб, Элчи Буғо майдонига келиб тушдилар ва Амир Жоку ибн Муборак ибн Савғон ибн Қадон ибн Ширға ибн Қорачор нўён, Амир Сулаймон Барлос, Амир Мусо, Амир Жалол, Ҳиндука барлосларнинг Термизга ва бу икковининг мулозаматига келаётганлигини эшитдилар. Шу орада Менгли Буғо, Абу Саид ва Ҳайдар олти минг жасур кишилар билан



қирғин оловини ёқиш хаёлида Қорасув бўйига келиб туташганлиги ҳақида хабар келди.

Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон яшин тезлигида ёв томон жўнади. Шу пайт Амир Жоку ва шериклари Термиз томондан етиб келдилар.

Амир Ҳусайн ва Амир Темур ёрдам олиб, ишонч ва хотиржамлик билан душманга қарши жанг қилишга киришишди ҳамда галаба ва зафар келинини кўришга эришишди. Менгли Буғо ва унинг муовинлари эса қочишни ғанимат деб билдилар.

АМИР ҲУСАЙН ВА АМИР ТЕМУРНИНГ СУВДАН ЎТИШИ ВА ЧОРАСИЗ МУХОЛИФЛАР УСТИДАН ҒАЛАБАСИ ЗИКРИ



*А*мир Ҳусайн ва Амир Темур Гурагон Менгли Буғо, Абу Саид ва Ҳайдардан хотиржам бўлгач, бир неча кун Балх, Қундуз, Бағлон, Таллиқон¹ ва Бадахшон² ҳудудларида сипоҳ ташкил қилишга киришди ва Бадахшон подшоҳлари билан сулҳ тузиб, Арҳанг томон от сурди. Етиб келгандан сўнг сувдан ўтиб, Соли Сарой йўли орқали Хутталонга жўнади. Улар чўлдан ўтиб, Кўланк дашти мавзеини лашкаргоҳ қилдилар. Бу манзилда текшириш натижаларидан маълум бўлдики, Туғлуқ Сулдуз, Кайхусрав Хутталоний Жета (Мўғулистон) сипоҳини бошлаб, йигирма минг киши билан Пули Сангин ҳудудида ўтирибдилар. Гап шундаки, у пайтда музаффар лашкар олти мингдан зиёд эмас эди. Ҳазрат Соҳибқирон Аллоҳ кўмаги ҳамда мустаҳкам ва қатъиятлик билан, ҳалиги олти минг нафардан икки минг жасур отлиқни ажратиб, ҳужум байроғини ёв устига кўтарди ва Пули Сангин устида мисли шердек улар устига ташланди ва эрталабдан кечгача жанг давом этди. Кун ботиш пайтида тарафлар паҳлавонлари жанг майдонидан оёқ тортдилар.

¹ Балх, Қундуз, Бағлон ва Таллиқон жой номлари бўлиб, бугунги Афғонистон шимолида жойлашган.

² Бадахшоннинг бир қисми Тожикистон ва бир қисми Афғонистон ҳудудидадир.



Душманнинг сони ҳаддан ортиқ кўп бўлганлигидан, ўша кеча Соҳибқирон бу мушкул воқеани ҳал қилишда тўғри тадбир ўйлаб топди; Амир Мусо, Амир Муаййид Арлот ва Уч Қора Баҳодирни, уларнинг ҳар бири ўзини жангда Рустами Достон отига жул ёпувчи деб ҳисобловчи беш юз кишини захирада душманга қарши ушлаб турди ва ўзи қолган бошқа бир минг беш юз нафари билан сувнинг юқори қисмига қараб юрди. Ярим тунда бу йилқилар тўдаси сувдан сузиб ўтиб, тоғ тепасига кўтарилди.

Эртаси кун қоровуллар от изларини кўриб, бир гуруҳнинг сувдан ўтганлигини билиб қолдилар, аммо ҳақиқий аҳвол эса улар учун номаълумлигича қолди. Кейинги кечаси юлдузлар шуъласи осмоннинг энг юқори нуқтасида намоён бўлган пайтда жаҳонгир Соҳибқирон тоғ тепасида жуда кўп олов ёқишни буюрди.

Мухолифлар кундузги хабарни эшитиб ва кечаси бўлаётган воқеани кўриб ҳайрон бўлди ва изтиробга тушиб, ҳар гуруҳ боши оққан томон қоча бошлади. Амир Темур Гурагон у тоғдан тушган селдек дабдаба билан уларни ҳайдаб то Гужарот майдонигача қувиб борди¹. У ерда Амир Ҳусайн ҳазрат билан учрашди ва бу ғалаба насимидан шоду хуррам, давлат ва иқбол боғининг гуллаб-яшнашига умид боғлади. Рустамсифат Соҳибқирон яна бир марта икки минг жанговар киши билан Амир Ҳусайндан илгарилаб кетди.

Темирли Дарбандга² етиб келган пайтда Шаҳрисабз аҳолиси тўда-тўда бўлиб келиб, умид билан яратувчи даргоҳидан паноҳ топдилар.

Амир Соҳибқирон лашкардан уч юз нафарини ўзига ҳамроҳ қилиб, бошқаларга тўхтаб туришини тайинлади. Бир миқдор масофани босиб ўтгач, Амир Сулаймон Барлос, Амир Жоку Барлос ва Амир Сайфуддиннинг икки юз отлиқ билан Кеш тарафга ҳужум қилишига фармон берди ва Кеш доруғаси гарду ғубор-

¹ *Гужарот* – Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги яриморол. Бу ерда муболаға усули қўлланган, яъни муаллиф «жуда узоқларгача қувиб борди» демоқчи.

² Бу ерда Сурхондарёдаги Дарбанднинг қадимги туркий номи Темир Қопиғга шама қилинапти.



нинг кўплигини кўриб, ғоят катта қўшин келаётган экан деган тасаввур ҳосил қилиш учун кўп чанг-тўзон кўтариш мақсадида ҳар бир кишига отнинг икки томонига икки банд сербаргли шох судратиб олишни ҳам тайинлади.

Амирлар шу айтилган тадбирга амал қилиб иш кўрганлиги сабабли кўзланган мақсадга эришди. Ва шаҳар доруғаси қочишни ихтиёр қилди. Ҳа, азалий ироданинг оташ алангаси давлатмандлик саодатига тааллуқли бўлиши, катта лашкарни куйдириш учун тадбир шуъласи нурларидан аланга чиқиб, баъзан тўғри қарор насимининг шоду хуррамлигидан чанг-тўзон кўзвалса, уни кўриши билан сипоҳлар қочади.

Рубойи:

Аллоҳнинг фазлидан баҳраманд инсон,

Юзида билимнинг ёғдуси аён.

Ҳар чоқ бир баҳона: кўриниш берар

Унга иқбол, зафар келини, инон.

ҚУББАИ МАТИН ЖАНГИ, АМИР ҲУСАЙН ВА АМИР ТЕМУРНИНГ ДУШМАН УСТИДАН ФАЛАБАСИ ЗИКРИ



Амир Ҳусайн нўён ва Амир Темур Гурагон Кеш шаҳри доруғасини мағлуб этиб қувиб юборгандан сўнг бироз хурсандчилик ва дилхушлик қилиш учун шу туманда турди. Ўша пайтда Илёс Хожа катта қўшин билан Шаҳрисабздан тўрт фарсахда¹ жойлашган Тошариқ мавзеида турарди. Худди шу вақтда Туғлуқ Темурхон ўз пойтахтида вафот этди. Улуғ Туғ Темур ва Амир Ҳайдар [Андхудий] эса Илёс Хожaxonни ул тарафга олиб боришга келган эдилар.

Алқисса, амирлар, лашкарлар йиғилиб тўплангандан кейин Кешдан Хузорга² тантанали равишда юрдилар. У жойда Хожа Шамс мазорига бориб, бир-бири билан аҳду паймон асослари-

¹ Фарсах – узунлик ўлчов бирлиги, 6 км. га тенг.

² Хузор – ҳозирги Қашқадарё вилоятидаги Фузур шаҳри ва тумани.



ни ўртага қўйдилар ва келишув қоидаларига риоя қилиш ҳамда уларга хилоф йўл тутмасликка қарор қилдилар.

Ўша вақтларда бир куни Амир Темур Гурагон туш кўрди. Унда яқин кунларда мухолифлари устидан ғалаба қозонажаги ҳақида далолат берарди. Бинобарин, у руҳан тетик, ботир ва ишончга тўлиб, воқеалар тафсилотини Амир Ҳусайн билан ўртоқлашди. Улар биргаликда жанг майдонига алоҳида эътибор бериш ва сипоҳларни тайёрлашга жиддий киришди. У томондан Илёс Хожaxon ҳам жангга жазм қилиб, лашкар тўплаётган эди. Қуббаи Матин мавзеида игво ва фитна дарёси мавжлари тўлқинланиб, жасур ботирлар ва довюрак курашчилар жанжаллаша бошлашди. Жета (мўғул) жасур ўғлонларидан кўпчилиги паҳлавонлик асбобларини қўлга олиб, ҳазрат Соҳибқиронга ташландилар. Олий мавкаб мулозимлари худди шундай ишни бошлаб, Илёс Хожанинг хос мулозимларидан бир гуруҳини ярадор ва қатл этдилар. Шу пайт бирдан жанг майдони мардлари бир-бирига қилич ва ханжар санчиб ўлдириш ва йўқ қилиш эшикларини ланг очиб юбордилар. Бодом суви¹ бўйи қип-қизил қонга бўялиб, икки томондан ҳам шижоат ва паҳлавонлик намуналари кўрсатилди.

Маснавий:

Соҳибқирон лашкари бир ён,
 Жон олишни этар намоён.
 Учқур ўқлар қадалиб танга,
 Ерни бўяр қирмизи ранга.
 Бошқа ёқдан хоннинг лашкари,
 Нуқул қилич санчишар бари.
 Қонли қилич солиб бошларга,
 Уста икки бўлиб ташларга.

Охир-оқибатда зафар ва ғалаба шамоли Амир Ҳусайн ва Амир Темур байроғи узра эса бошлади, Илёс Хожа эса қочди, унинг лашкаридан жуда кўпчилиги ўлдирилди ва амирларнинг аъёнлари Искандар Ўғлон, Амир Ҳамид ва Юсуф Хожа тақдир

¹ Бодом суви — аслида Кандибодом (Конибодом) суви, Сирдарёга шу манзил яқинида тушадиган ирмоқ. Лой жанги Чиноз яқинида Чирчиқ бўйида бўлган.



чангалига гирифтор бўлди. Ва бир неча кун занжирбанд бўлиб, сўнг қатл этилдилар¹.

Амир Ҳусайн ва Амир Соҳибқирон фатҳ ва зафар юзи ҳамда бадбахт душманнинг қочишини кўргандан сўнг, кўнгил очиш ва хурсандчилик мақсадида ов қилиш учун Оқардарё мавзеига йўл олди, сўнг ҳазрат худованднинг инояти омонатлигида пойтахт Самарқандга шошилди. Дуржи ибн Элчикдой ибн Дувахоннинг ўғли Кобулшоҳ Ўғлонни подшоҳликка кўтарди. Ўша қишда давлат ҳаётидан бутунлай ҳузур-ҳаловатланди.



ЛОЙ ЖАНГИ ВА ЧИҒАТОЙ ЛАШКАРИНИНГ МАҒЛУБИЯТИ БАЁНИ



Б¹тти юз олтмиш бешинчи йилнинг² баҳорида бош хоқон дабдабали ва ҳашаматли саф тортиб, турли улуслар анжуманига йўл олди ва Илёс Хожaxon Қуббаи Матин жанги қасосини олиш учун беҳисоб ва макр-ҳийлага бой лашкар билан Чигатой эл-улуси томон юриш қилди. Бу хабар олий мартабали Соҳибқирон қулоғига етиб келгач, у Амир Ҳусайнни огоҳлантирди. Бу икки амир совут, найза ва камон ўқи билан таъминланган сипоҳ йиғиб юрган эди, энди зафарёр байроғини ёв томон тикди ва Сирдарёдан ўтиб, мулозим тоифадагилар мустаҳкам жойга қапа ва чодир ўрнатдилар.

У томондан эса Илёс Хожaxon етиб келиб, Бодом суви қирғоғини лашкаргоҳ қилди. Амир Ҳусайн бўлса Амир Темур билан биргаликда олдинга юриб ёвга яқинлашгач, шавкатли қўшин сафига оро бериш билан шуғулланди. Амир Жоку, Амир Сайфуддин, Амир Мурод Барлос ва Аббос Баҳодирни марказий қисмга жойлаштириб, ўзи жанг пайтида лашкари билан Исфандиёрдан олдин баронғорда³ турадиган бўлди.

¹ Яздий «Зафарнома»сига кўра Қуббаи Матин жангида Илёс Хожа ва амирлари Искандар Ўғлон, Ҳамидбек, Юсуф Хожабек чигатойларга асир тушганлар ва қўйиб юборилганлар.

² 1365 йил баҳори.

³ Баронғор — лашкарнинг ўнг қаноти.



Амир Темур Гурагон жанговар сипоҳнинг катта қисми билан жавонғорда¹ иқтидорли байроғини тикди. Амир Ҳусайн маймана² ва майсаранинг³ ҳар тарафида амирлар ва баҳодирлар аъёнларидан гуруҳ тузиб, аввалги қаторга тайин қилиб белгилади. У томондан Илёс Хожахон ҳам Жета (мўғул) лашкарини тайёрлаб, уруш майдонига шошилди. Иккала томон ҳам Бодом дарёси бўйида уруш қуролини ишга солди ва қирғин уруш оловини аланга олдирди. Амир Ҳусайн ва Амир Темур сипоҳининг сони кўплиги, жасорат ва матонатининг устунлиги боис, Жета сардорлари макр-ҳийла ишлатиб йада тоши⁴ амалини қўладилар. Бу тош хосиятига кўра, Аллоҳнинг каромати билан бирпасда ва кечиктирмасдан жанг майдони осмонда булут кўзидан шундай ёш қуйилиб пастга равон бўлдики, гўё куррайи замин таъсиридан ҳаво жавҳари мойи сувга айланиб, бирдан ёмғир шаррос қуйди.

Байт:

Ёмғир жаласию сув сачрашидан
Совут, дубулгалар лойга буланган.

Ўткир ўқ фазода учиб, парларини очолмай қолди, каёний⁵ камон эса юмшаб, мулойимлашиб қолганлиги сабабли ўз йўналишини ўзгартириб чеккага бурилиб кетди, худди навқирон йигитлар қаддидек типпа-тик найза эгилиб, бошини тиззага қўйди. Учқур отлар лойга ботди ва ботқоқнинг сероблигидан жойидан қўзғала олмай қолди. Жангчилар кийимларига лой ёпишганидан оғирлашиб, бир бурчакка тиқилиб қолди.

Қитъа:

Мўғул йада тош-ла ёғдирди жала,
Жанггоҳ бу ёғиндан бўлди дабдала.

¹ *Жавонғор* — лашкарнинг сўл қаноти.

² *Маймана* — лашкарнинг унғ қаноти.

³ *Майсара* — лашкарнинг сўл қаноти.

⁴ Йада тошининг сирини ҳозиргача фанда аниқланмаган. Лекин ўрта асрлардаги кўп манбаларда турк қабилалари йада тошини бир-бирига ишқалаб, чакмоқ, булут ва ёмғир келтираолмаганликлари ҳақида айтилади.

⁵ *Каёний* — Эрон афсоналаридаги каёнийлар сулоласига ишора.



Жангчилар кўлмақда гўё ўрдаклар,
Сузишар оёқлар худди эшкаклар.

Ёмғир селидан мухолифларнинг мақсади амалга ошгач, бошларидан кигизларини олиб ташлаб, қиличларини филофдан суғуриб, Чигатой лашкари устига ташландилар ва улар ҳукмронлик ҳамда қудратлилик аломатларини зоҳир ва ошкор қилдилар.

Шунга қарамай, Амир Соҳибқирон имкони борича собитқадамлик қилиб, саъй-ҳаракат ва жангнинг зарурий шартшароитларини қўлдан бермади ва Илёс Хожaxonнинг энг шижоатли аъёнлари жумласидан бўлган Амир Шамсуддинни қочирди. Тобон Баҳодир, Малик ва Ҳамдарийни бир-бирининг орқасидан яқинига юбориб, янада жиддий жасорат кўрсатиш зарур, ёвнинг тоқатини тоқ қилиб, уни чорасиз қолдириш учун ўзаро маслаҳат ва келишган ҳолда майдонга кирган маъқул, Аллоҳ инояти билан зафар ва ғалаба байроғини тикамиз, деган хабарни берди.

Амир Ҳусайн эса ўша аснода яхши амалларни қора феъл-атворга алмаштирган эди, жаҳонгир Соҳибқирон юборган кишиларни бутунлай бадфеъллик ва қўполлик билан орқага қайтариб юборди. Бинобарин, Амир Темур Гурагон хафа бўлиб, қирғин урушда парвосизлик хатосига йўл қўйди¹.

Кечаси икки лашкар бир-биридан ажралди. Эрталаб яна ҳар икки гуруҳ сафга тизилиб ўқ, камон, қилич ва найзани қўлга олди. Бу куни биринчи бўлиб ҳужумдан мағлуб бўлган сипоҳ, яъни Шамсуддин жасоратли тоифаси билан жанг майдонига етиб келди. Қочганларнинг кўзи тугга тушиб, қайтиш жиловини юмшатдилар ва биргалашиб Мовароуннаҳр лашкари устига ҳамла қилди ва ғолиб бўлди.

Амир Ҳусайн ва Амир Темур йилқи ва отарлари билан жанг майдонига орқа ўгириб, уларнинг отлари лой ва балчиққа тикилиб қолди. Чигатой лашкаридан ўн минг нафари нобуд

¹ Аслида Амир Ҳусайн жангдан хоинларча бўйин товлагани учун Амир Темурнинг аҳволни тузатишга қаратилган ҳаракатлари зое кетди.



бўлди. Амирлар Самарқанд ва Шаҳрисабз теварагига шошилдилар. Амир Ҳусайн тўхтамасдан Соли Саройга ўтиб кетди ва ўз эл-улусини Жайхундан ўтказиб, Шабартуни¹ манзил этиб белгилади, аммо Амир Соҳибқирон эҳтимол баъзи ишларини амалга ошириш умидида бир неча кун сувдан ўтмади. Ўн икки қўшин тузиб, Темур Хожа Ўғлон, Жавурчи ва Аббосни етти қўшин билан манглай этиб тайинлади ва Самарқанд тарафга боришини буюрди.

Ул тоифа ҳазратдан ажралиб, кўпчилиги ёвга қўшилди. Шубҳасиз саодатманд Соҳибқироннинг кўнглига, бир неча кун бу кунлар билан келишиб туриш керақдир, деган фикр келди. Сўнг, сувдан ўтиб Балх ҳудудида истиқомат байроғини тикди ва Темур Хожани лашкарга манглай қилиб тайинлаган вақтда содир қилган айби сабабли жазога тортди.

МАВЛОНОЗОДА САМАРҚАНДИЙ ВА МАВЛОНО ХУРДАК БУХОРИЙ СУЛУКИНИНГ САРБАДОРЛИК ЙЎЛИ, ХИЖОЛАТ ВА ШАРМСОРЛИҚДА ЖЕТА ЛАШКАРИНИНГ ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Амир Ҳусайн ва Амир Темур мағлубиятга учраганларидан сўнг, Жайхундан ўтдилар ва имонсиз мўғуллар талон-торожликка жазм қилиб Самарқанд томон юрдилар. Ул диёрда жойлашган аҳолининг мустаҳкам ва барқарор иморатини селдек вайрон қилдилар.

Жасурлик ва мардоналик сифатлари билан донг чиқарган Мавлонозода Самарқанд халқини мўғулларни даф қилишга ундади ҳамда мол-мулк ва аҳли аёлларни ҳимоя қилиш ҳақида гапирди. Самарқандликлар бу сўзларни қониқиш билан эшитиб, ўз ихтиёрини бошқаришни мавлонозода Самарқандий, мерганликда моҳир ва эпчил бўлган мавлоно Хурдак Бухорий ва сарба-

¹ Шабарту – Кобул яқинидаги қалъа.



дорлик ҳаракатида содиқ бўлган Абу Бакр Калавий¹ кабиларнинг иқтидорли қўлига топширдилар.

Улар шаҳар йўллари кўчабанд қилиб, Жета (мўғул) сипоҳлари йўлларига тўсиқ, ғовлар ўрнатишда собитқадамлик ва жонбозлик кўрсатдилар. Мўғуллар анча муддат шаҳар ташқарисида ўтириб, қамал ишлари билан шуғулландилар. Шундай пайт келдики, Самарқанд уларни бўйсундирди. Мусулмонлар моли ва диёри талаф этилишига сал қолганда, тўсатдан Аллоҳ талонинг хоҳиш-иродасига кўра, Илёс Хожaxon сипоҳлари, чорвалари ўртасида ўлат тарқалди; тўрт отдан учтаси ҳалок бўлиб, биттаси қолди, холос. Мўғулларнинг кўпчилиги хавотирга тушиб ва ҳайрон бўлиб ўқдон, садоқлари ва эгар-жабдуқларини елкаларига ортиб, пиёда ҳолда ўз диёрларига қараб юзландилар. Самарқанд сарбадорлари бу муҳим ишлар жараёнида ёвузлик ва фитна водийсига қадам қўйдилар, қўлларини раият мол-мулкига чўздилар. Бу хабар дарҳол жаҳонгир Соҳибқироннинг муборак қулоғига етиб келди. У бир кишини учқур от билан яшин тезлигида Амир Ҳусайннинг олдига жўнатди ва вазият моҳиятини баён этди. Амир Ҳусайн кўнгли чоқ ва хурсанд бўлиб, Соли Сарой томон ҳаракат қилди. Амир Темур Гурагон унинг истиқболига равона бўлди. Бағлон ҳудудида улар ўртасида мулоқот рўй бериб, мамлакат тақдири ва миллат ишларини тартибга солиш ҳақида ўзаро сўзлашиб олдилар ҳамда Самарқанд сарбадорларининг жасурлиги ва мардлигининг мустаҳкамлигидан ўйга толиб, яхши ниятлари билан уларга ҳадялар жўнатдилар.

Улар шу қишда Амир Ҳусайннинг Соли Саройда яшashi ва Амир Соҳибқироннинг Кеш ва Нахшабда қишлови ҳамда байтулшарафда хуршид жамшиди нозил бўлиши билан икки томондан Самарқандга бориши ҳақида аҳдлашиб олишди. Шунда олий мартабали Соҳибқирон Нахшабга бориб, ўша қишда Қарши иморати деворига асос солди. Ҳалиги туҳфа ва ҳадялар Самарқандга етиб келгач, сарбадорлар шоду хуррам бўлиб, мавлонозода ўз навбатида ҳамидасифат Соҳибқирон учун Қаршига совға-салом жўнатди.

¹ Мавлонозода Самарқандий, Хўрдак Бухорий ва Абу Бакр Калавий – мўғулларга қарши турган Самарқанд сарбадорларининг бошлиқлари.



АМИРЛАРНИНГ САМАРҚАНДГА БОРИШИ
 ВА САРБАДОРЛАРНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ
 БАЁНИ ҲАМДА АМИР ҲУСАЙН ВА ҲАЗРАТ
 СОҲИБҚИРОН ЎРТАСИДАГИ НИЗОНИНГ
 ВУЖУДГА КЕЛИШИ ЗИКРИ

Фарвардин¹ ойи бошларида таниқли фаррош гуллар султони экиш учун боғу бўстон муҳитида зумрад ранг бисотини кенг ёйди ва Урдибиҳиштнинг² роҳат бағишловчи ҳавоси тақозосига кўра гуллар ва райҳонларнинг турли ранглари ва ҳидларида ихтилоф зоҳир ва ҳувайдо бўлди. Амир Ҳусайн ва Амир Темур шижоат ва жасорат отига миниб, ҳар бири ўз қишлоқ манзилидан чиқиб Самарқанд сари юзланди ва Кони-гилга келиб тушгач, сарбадорлар тўплангандан сўнг уларнинг барчасини ва мол-мулкни йўқ қилиб ташлади. Мавлонозода Самарқандий бундан мустаснодир. У машҳур Соҳибқироннинг илтифоти туфайли бу хатардан омон қолди. Бошқа бировнинг иши атрофида ўралашмасдан ёлғиз ва одамлардан узоқда макон қилишга уринди.

Аллоҳ иродаси билан салтанат ва давлатни бошқариш иши истиқлолдан бошлаб Амир Темур Гурагонга тааллуқли бўлиши учун қулай вазият пайдо бўлган эди ва Амир Ҳусайннинг эса бахт офтоби завоқ чегарасига етиб, унинг муҳаббати ва самимийлиги хос одамлар ҳамда омма қалбида нуқсон томон оғаётган пайт эди. Шу вақт ичида риёсат соҳиблари учун энг ёмон одатлар бўлмиш бахиллик, зиқналик ва хасислиги унинг мижозидида ғалаба қилди. Ҳамма ҳиммат ва барча зарурият эътиборини йирик ва махсус амирлар молини тўплаш ва захираларини йиғишга қаратди. Соҳибқирон ҳамма маблағни топширди ва у мол-мулкни йиғиб олиш учун солиқ йиғувчиларни тайинлади. Лой жангида асбоб-яроқ ва мол-мулк талафотга учраганли-

¹ *Фарвардин* – Эрон шамсий йилининг биринчи ойи бўлиб, 21 мартдан 20 апрелгача бўлган вақтга тўғри келади.

² *Урдибиҳишт* – Эрон шамсий йилининг иккинчи ойи бўлиб, 21 апрель – 21 май кунларига тўғри келади.



ги сабабли амирлар ҳеч нарсага эга бўла олмаган эдилар. Шунинг учун улар Амир Ҳусайн таъма қилаётган нарсани беришдан ожиз эдилар. Амир Темур эса қўлини тухфага кенг очиб, Амир Жоку Барлос, Амир Сайфуддин, Оқ Буғо Баҳодир, Элчи Баҳодир ва бошқа ўзига яқинларига мадад ва иона берди. Солиқ йиғувчилар талаб қилаётган тилло эвазига ул ҳазрат унга етадиган бойликни ор-номус ва виждон учун бериб юборди. Жумладан, Амир Ҳусайннинг синглиси хос ҳарамнинг соҳибаси Ўлжай Туркон Оғонинг билагузути ва исирғасини ҳам бериб юборди. Амир Ҳусайн бу ашё ўз синглисиники эканлигини таниди, барибир уни олди, шунга қарамай белгиланган маблағ ҳисобдан уч минг динар қолди. Амир Темур бу маблағ эвазига ўз отларини берди. Амир Ҳусайн эса уялиб, отларни олмади, аммо у «Мен Соли Саройга бораман, қолган маблағни нақд қилиб менинг ортимдан юборишинг зарур», деди.

Амир Ҳусайн Соли Саройга боргач, унинг бу гализ феъл-атвори туфайли катта ва кичикнинг кўнгли унинг мулозаматидан совида, аммо улар токи Амир Темур Гурагон у билан бирга экан, унга қаршилик қилиб бўлмаслигини билардилар. Шунинг учун, Амир Боязид Жалойирнинг ўғли Али Дарвеш ва Фарҳод баъзи бир фисқу фасод аҳли билан келишиб «Амир Темур мустақил бўлиш хаёлида мухолифат водийсига қадам қўйди ва лашкар тўплаш шамшир ва ханжар муаммосини ҳал қилиш билан машғулдир» деган мазмунда мактуб ёзиб, Амир Ҳусайн ҳузурига жўнатди. Амир Ҳусайн бу сўзларни хотирига муҳраб, Амир Темур тафтиш қилиниш учун айбланган барча кишилар билан Ўрда Хотун ҳузурига борсин, деб кўрсатма берди. Ўрда Хотун Гармаширинхоннинг хотини ва Амир Ҳусайннинг қайнонаси эди.

Алқисса, шунинг учун Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўртасида низо ғубори қуюқлашди. Шу аснода Ўлжай Туркон Оғо охиратга сафар қилди ва натижада икки қудачилик воситасида вужудга келган қариндошчилик ришталари бутунлай узилди.

767 йилнинг¹ кузида зафарли Соҳибқирон жасоратли лашкари ила Амир Ҳусайн билан жанг қилишга жазм қилиб, юриш бош-

¹ 767 йил – 1365 йил сентябридан 1366 йил 7 сентябригача бўлган оралиқ.



лади ва Амир Сайфуддинни илгарироқ олдинда юборди. Амир Ҳусайн ул ҳашаматли ва тадбирли ҳазратни лашкар ва ҳийла билан қасос домига тортиш учун Малик Баҳодир ва Абдуллани ўзининг давлати асосидан ҳам сустроқ аҳднома билан ул ҳазрат ҳузурига юборди ва ундан муроса ва мулоқот қилишни талаб қилди. Амир Темур Гурагон эса Амир Ҳусайннинг васиқасига ва унинг элчиларининг беҳуда сўзларига ҳеч қандай илтифот кўрсатмади.

Амир Ҳусайн кўп сипоҳ билан шавкатли Хусрав¹ томон юриш қилиб, яна бир марта ҳийла ва найрангни ишга солди. Қуръон билан қасам ичган ғазначини кўлида Қуръон билан юбориб, «Бизнинг низо вилоятни хароб, сипоҳ ва раият ўртасида ихтилоф чиқишига сабаб бўлади. Энди энг қулай, муносиби шундай кўринадики, менинг кўнгилли аскарим Чағониёнда² ва сенинг лашкаринг Хузорда тўхтасин ва бизнинг ҳар биримиз юз нафар отлиқ билан Чакчак³ дарасида мулоқот ва беғараз, холисона бирга иттифоқ тузиб, аҳд ва қасам шартларини қатъий ва собит қилиб олайлик», деб хабар берди.

Жаҳонгир Амир кўнглида Амир Ҳусайннинг бу юмшоқ ва мулойимсуханлиги макр ва ҳийладан бошқа нарса эмаслигини сизди, аммо амирларнинг гапи туфайли «маъқул» дегандек бош ирғаб, уч юз отлиқ билан йўлга тушди. Икки юз отлиқни эҳтиёткорлик ва тадбирлилик юзасидан Нав қишлоғида қолдириб, ўзи эса юз отлиқ билан Чакчак дарасига боришни мўлжаллади.

Амир Ҳусайн ул ҳазратнинг эътиборидан хабар топиб, бекорчи баҳона ва ваъдага хилоф равишда йўл тутиб, уч минг ханжаркашга жаҳонгир Соҳибқирон устига босқин қилишга ва уни қўлга туширмагунча тўхтамасликка фармон берди.

У жамоа Танги Чарм дарасида ҳазрат Соҳибқиронга етиб, қирғин уруш оловини аланга олдириди. Душманлар то ўлгунча жанг қилган ҳолда Амир Темур орқасидан қолмади. Бу хабар Хузорга

¹ Асарда Амир Темурга берилган ва ташбех қилинган сифатлардан бири.

² Чағониён — Сурхон воҳасининг қадимги номи.

³ Чакчак — дара ва довоннинг номи, ҳозирги Чақдара (Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод тумани ҳудудида).

етиб, зафар шиор сипоҳ тўзғиб, сочилиб кетди. Ҳазрат Соҳибқирон эса Қарши томонга шошилди, у ердан кечаси қоронғилиқда кам сонли гуруҳ билан Моҳон тарафга ҳаракат қилди. Амуя сувидан ўтиб чўлга кирди ва Шўроб қудуғини манзил қилди.

Амир Ҳусайн лашкари Амир Темур Гурагон Қаршидан жўнаган ўша куннинг эртасиёқ у ерга етиб келди. Амир Мусо бу диёрнинг у-бу муҳим ишлари билан шуғулланди, аммо саодатли Соҳибқирон Шўроб қудуғидан гапга уста чопарларни Малик Муиззиддин Карт ва Муҳаммадбек Жони Қурбоний олдига, бу икки сардор у ҳазрат билан вафо ва яқдил ёки қарши ва нифоқ мақомида эканлигини билиб келиш учун равона қилди. Элчилар сафари муддати икки ярим ойга чўзилди, шу муддат ичида олий мартабали подшоҳ Хуросондан бу ерга келадиган ҳар бир карвоннинг зиммасига тўхташни топширди. Элчилар қайтиб келиши билан Ҳирот ҳокими бизнинг келишимизни илтимос қилди деб овоза тарқатди ва карвонларга ижозат бериб, оила аъзолари билан отга миниб Ҳирот томон юзланди. Тожирлар Қаршига етиши биланоқ Амир Мусо ва Амир Ҳусайн лашкарларининг бошқа аъёнлари улардан Амир Темур хабарини сўради. Савдогарлар Амир Темур ўз одамлари билан Ҳирот хонлиги ҳузурига кетди деб жавоб беришди. Амир Мусо уларнинг сўзларига ишониб Насаф қалъасидан ташқари чиқди ва етти минг отлиқ билан Бимроқ мавзеини манзил қилди. Малик Баҳодир эса беш минг отлиқ билан қораунос элидан Қўрғошун тепа ва Гумбази Лўлига келиб истиқомат байроғини тикди.

**ДОВЮРАК АМИРНИНГ ҚАРШИ
ТОМОН ЮРИШИ ҲАМДА
МУХОЛИФЛАРНИНГ ҒОЯТДА
ТАҲҚИРЛАНИШИ ВА НОХУШЛИК ҲОЛДА
МАҒЛУБ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ**

Омадли жаҳонгир Соҳибқирон Шўроб мавзеида карвонларга ижозат бериб, ўзи Ҳирот томон равона бўлиб, карвон жўнаган пайтда ўз манзилига келди ва карвон у ердан Қаршига етиб ке-

лиши билан баробар равишда келиб тўхтади. Шу пайтда олий ҳиммати эҳтиёжини давлат душманларини даф қилишга сарфлаб, жўнаш жilовини Нахшаб томон қаратди. Ана шу пайтда шоҳона суворийлар гуруҳи хизматида икки юз қирқ уч киши эди, аммо таниқли улуғ амирлар сафида шижоаткор ва жасурлари терилган бўлиб, чунончи, Суюрғатмиш Ўғлон, Амир Довуд Дуғлат, Амир Жоку Барлос, Амир Сари Буғо Жалойир, Хусайн Баҳодир, Амир Сайфуддин Никударий, Аббос Баҳодир қипчоқ қабиласидан, Оқ Буғо Баҳодир Найман, Маҳмудшоҳ Бухорий ва никударий элидан бошқалар. Ул омадди самовий қуёш сипоҳи сонининг камлиги ва ёв сонининг кўплигига қарамай, ҳазрат ишонч билан давлат ҳурмати ва қувватига таяниб йўлга тушди. Амуя сувининг қирғоғига етгандан сўнг, қирқ уч киши билан сувдан сузиб ўтди ва Ҳисор¹ қишлоғидан қайиқлар олиб, қолган сипоҳларни ҳам сувдан ўтказишни мўлжаллаб, уларни сув бўйига келтирдилар. У ердан ярим кечаси Ширкентга² бориб, Амир Жоку насаби паст душманлар устига шабихун³ қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади, Соҳибқирон эса сипоҳ сонининг камлигини рўкач қилиб, унинг маслаҳатини қўлламади. Сипоҳни тўхташга буйруқ бериб, Абдуллоҳ ҳамкорлигида ўзи йўлга тушди. Қарши деворининг хандақи ёнига етгач, пиёда бўлиб, алоқачига отга қараб туришни топшириқ берди ва Абдуллоҳ билан шаҳарга сув келадиган тарновнинг ўтиш жойидан – хандақдан ўтиб, тупроқдан қурилган кўтарма олдига чиқиб қолди. Хузур томондаги дарвозага етиб келиб, авайлаб қўлини дарвозага қўйди ва билдики, унинг орқаси тупроқ билан тўлдирилган экан. У қайтаётиб эҳтиёткорлик билан минорали қалъа деворларига назар солди, девори паст жойда Абдуллоҳга қараб деди: «Нарвон қўядиган ва қалъага кирадиган жой мана шу». Ва ўша хандақ тарновидан ўтиб, ҳеч нарса бўлмагандек тезгина келиб мулозимларга қўшилди. Ва уларнинг ҳамроҳлигида яна Қаршига қараб юрди. Хандақ лабига етиб келгач, ҳаммани пиёда қилди ва қирқ уч кишини отлар ол-

¹ Қўлёзмада Ҳисор қишлоғи деб ёзилган. 484-бет.

² Ширкент ёки Шаҳрикент – Насаф яқинидаги кент.

³ Шабихун – кечаси кутилмаганда душманга чопқун қилиш.



дида тўхтатиб, юз нафар довюрак кишиларини Бурдалиқдан келтирган нарвонлар билан Абдуллоҳга кўрсатган деворнинг паст ўтиш жойига қўйди ва қалъага кириш учун тупроқдан қурилган кўтармага юборди, қолган юз киши билан деворнинг паст ўтиш жойига нарвонлар қўйдилар ва қалъага кириб, қасос қиличини филофдан чиқариб, дарвоза ёнига бориб ҳимоячиларни гафлатдагина эмас, балки ғирт маст ҳолда кўрдилар.

Уларнинг ҳаммасини ўлдириб, Дарвешбўка болта билан дарвоза қулфини синдирди ва ҳуштак чалди, шунда ҳумоюн мавкаб мулозимлари қалъага кирди. Қаршида зилзила юз бергандек, мўғуллар маст ва саросимада уйқудан сакраб турдилар, бечора одамлар ҳайрон бўлиб бир-биридан сўрашарди: «Нима бўлаётибди? Бу ғала-ғовур ва ғавғонинг сабаби нима?!»

Ҳазрат Соҳибқирон Қарши дарвозасини мустаҳкам эгаллаб, Амир Мусонинг аёли ва болалари ғалабакор сипоҳ қўлига тушди. Буйруққа биноан Муҳаммадбек ибн Амир Мусони кичик ёшда бўлганлиги боис отасига қўшилиб олиши учун унга қочиш йўлини очиб қўйдилар. Гап шундаки, бу хабар разил Амир Мусога етиши билан унинг сипоҳи орасига низо-адоват, ихтилоф раҳна солди ва ўша кечаси Муҳаммадбек Амир Мусо олдига борди ва бўлган воқеани сўзлаб берди, аммо Амир Мусонинг лашкари кўп эди, шунинг учун бу унга заррача таъсир қилмади. Кейинги куни Амир Мусо ва Малик Баҳодир ўн икки минг киши билан Қарши атрофига шошилиб, бу ноҳияни ҳалқадек қуршовга олди. Амир Гурагон шаҳарнинг дарвоза, минора ва қалъа деворларини забт ва мустаҳкам қилиб, ҳаммага давлат душманларини даф этишда ҳиммат эътиборини қаратишга ундади. Ўша куни Амир Муаййид Арлот жанг майдонида ҳар бири шердек бўлган ўттиз отлиқ қиличбоз билан шаҳардан ташқарига от қўйиб чиқиб шундай жанг қилдики, унинг олдида Исфандиёрнинг ҳафтхон достони¹ эсдан чиқиб қолади. У олтмиш бош отни ўлжа олиб қалъага киритди. Дурака Баҳодир ҳам давлату иқболдек Амир Мусо ва Малик Баҳодирдан қочиб,

¹ *Ҳафтхон достон* – Эрон дostonларидаги афсонавий қаҳрамон Исфандиёр олдида турган етти тўсиқ.



бошқа зафарли аскар тизимига кўшилди. Бошқа куни Элчи Буғо Баҳодир ва Оқтемир Баҳодир текис кўприк солиб, эллик киши билан жанг қилиш ниятида ташқарига отилиб чиқди. Алишоҳ ва Дарвешак Бурғучи¹ йигирма нафар билан у икки амир ортидан шошилиб келди. Ёв сафидан Тоғай Буғо Баҳодир жанг ўрмонида шерни учратиб қолгандек, қиличини ўйнатиб келди. Оқтемир Баҳодир уни бир зарб билан ўлдирди. Амир Мусонинг навкарларидан бўлган бир ўзбек йигит улкан ғурур ва виқор билан майдонга қадам қўйган эди, Қазғон Буғо унинг иккала қўлини маҳкам ушлади ва орқасига қайирди. Баҳодирлардан бири келиб, қиличининг бир зарби билан ишини охирига етказди.

Амир Сори Буғо ва Элчи Буғо Баҳодир дарвоза тепасидан туриб, ем олиб келган муҳолифларнинг бир гуруҳини қочириб юборди. Ва «Худога таваккал» деб ёв сипоҳидан юз кишига қарши жангни бошлаб юборди.

Шу маҳалда иқтидорлик Соҳибқирон қўлида яланғоч кескир қилич билан ўн беш суворийлар ҳамроҳлигида қалъа ичкарасидан ташқарига отилиб чиқди ва қаёққа қараб ҳамла қилмасин ҳаммасини ерга чўзилтириб, ҳалок этди. Амир Мусо лашкарнинг кўп ва чексиз мағрурлигига қарамай, номуссизлик ғубори ва бахтсиз фалокат домида ёниб, камгина одам олдидан қочишни ихтиёр этди, лекин Малик Баҳодир беш мингдан иборат қораунас лашкари билан Хузор дарвозаси тарафида шу даражада собитқадам ва барқарор турар эдики, саодатли Соҳибқирон жанг шерларидан иборат олтмиш киши билан жасорат байроғини улар томонга тикди. Малик кўрдики, тасдиқланган воқеа Малик Мажиднинг тасдиқлашича, шоҳона диққат-эътибор у томонга қаратилганлиги учун, ўзининг туғма табиатида унга қаршилиқ қилишга тоб бера оладиган қувват тополмай, мажбуран орқасини жангга ўгириб, худди Амир Мусодек қочиш водийсига шошилди. Шижоаткор Соҳибқирон аста-секин душманларни қувиб, муҳолиф лашкарга қарашли барча сипоҳларни ҳайдаб юборди. Уларнинг эгарлан-

¹ Бурғучи – шайпур чалувчи; «бурғу» карнайсимон чолғу бўлса-да, калтарок мусиқа асбоби бўлиб, жангга чорлашда чалинган.



ган отларини ушлаб, чунонам қувиб ҳайдадики, натижада Малик Баҳодирга етиб олди. У эса Амир Боязид Жалойирнинг қизи ва Амир Мусонинг хотини Орзу Малак Оғо билан ёнма-ён йўл босиб борарди. Амир Темур уларни кўриши билан овоз чиқариб Маликка деди: «Сенинг қонингдан, гарчи тўкилиши керак эди, ўтдим, шу шарт биланки, аёллардан ажралсанг». Малик бу гапни буюк нажот деб билиб, ояти каримада айтилганига амал қилди. Ожиз ва заиф ҳолда от чоптириб кетди. Соҳибқирон эса мағрур ҳолда орқасидан от чоптириб борарди.

Ул аёлларнинг Ошиқ Тоз номли навқари бўлиб, унинг қўлида ўқ ва камон бор эди. Ва ҳар вақт ул ҳазрат уларга етиб келса, Ошиқ Тоз камон ўқини тортар ва унинг бу ҳаракатида ўқнинг йўқлиги билиниб қолмаслиги учун отмасди. Амир Темур Гурагон «Ул киши ўз ишида моҳир бўлса керак, деган гумон билан аёлларга бўлган тама учун ўқ толеи баланд зотга тегмаслиги ва оддий одамларнинг маломатли ўқига нишон бўлмаслиги сабабли уларга яқинлашишга кўнгли чопмасди. Шу орада Соҳибқирон отининг эгари орқага кетиб, ҳаракатдан тўхтади.

Давлатшоҳ Нахшабий аёллар ортидан қувиб борарди, Ошиқ Тоз муваффақиятсиз ўқ отди ва шу билан бу ишда ўзининг нодонлигини ошкор қилди. Шунга қарамай, Давлатшоҳ уларга етолмади ва қайтиш жоловини орқага буриб олий мавкабга келиб қўшилди.

Амир Темур Гурагон эса Қизилқоқ¹ ноҳиясидан қайтиб, Амир Жоку ва Амир Сайфуддинга душманларни то Чакчак танггисигача таъқиб қилиб боришга амр қилди. Шунингдек, қочиб кетётган жалойир эли ва бошқа тоифадаги кишиларни қайтариб, Қаршига олиб келдилар. Толеи баланд Соҳибқирон дўстлар сўзига биноан Қаршига келиб, ўша қишни ҳузур-ҳаловатда бахтиёр ўтказди. Маҳмудшоҳга Бухоро ҳукуматини иноят қилиб, уни ўша томонга жўнатиб юборди.

Моҳир қалам шошилинич тарзда баён этган ҳикоятлар бадий воқеаларнинг ҳеч қўшимчасиз, омухтасиз мураккаб шак-

¹ Қизилқоқ – Қашқадарё вилоятининг жанубидаги мавзе.



ли бўлиб, бу борада барча тарих арбоблари ва илм аҳли якдилдирлар. Унинг мазмунидаги мулоҳазалардан салтанат ва дин таянчи Амир Темур Гурагоннинг шижоат ва жасорат истеъдоди аниқ ва таниқ баён этилади. Унинг тафсилотларидаги фикрлардан Аллоҳ ёрдамида подшоҳи солим йўлига кирган кишининг илоҳий тасдиқлари намоён бўлади.



ИККИ ЎРТАДАГИ ЖАНГ ТАКРОРИДАН КЕЙИН АМИР ТЕМУР ВА АМИР ҲУСАЙН МУРОСАСИ ЗИКРИ



Амир Мусо Қарши теварагидан қочиб, Амир Ҳусайнга келиб қўшилди ва содир бўлган воқеани сўзлаб берди. Амир Ҳусайн ажабланиб Амир Мусо, Ўлжайту Апарди, Жаҳоншоҳ ибн Тайғу ва Пўлод Буғони музаффар Соҳибқирон жангига номзод қилди. У ҳазрат бу хабарни эшитиб, довжурок мулозимларидан икки юз нафар билан шабихун қилишга жазм қилиб, насаби паст душманларга қараб юрди. Оққиё¹ мавзеида икки гуруҳ бир-бирига яқинлашди. Амир Ҳусайннинг сипоҳи минг отликқа яқин бўлганлиги учун, комрон Соҳибқирон жанг қилишни маъқул кўрмай, Бухоро томон кетди. Йўл асносида Амир Жоку, Амир Сайфуддин ва Аббос Баҳодир рухсатсиз ҳумоюн мавкабдан ажралиб, Хуросонга йўл олдилар.

Амир Соҳибқирон Бухоро ноҳияси ҳудудига кириб, душман қоровули яқинига етгач, Маҳмудшоҳга айтди: «Шабихун тарзида ёв устига бостирсак-да, уларнинг ишини кўнгилдагидек қилиб қўя қолсак».

Маҳмудшоҳ бу фикрни қабул қилмади, шунинг учун Амир Темур Гурагон ҳам амирлар кетидан Амуя сувидан ўтиб, Моҳонда уларга қўшилди.

Ва ўша бир неча кун ичида Амир Ҳусайн лашкарлари Бухорони истило қилди. Маҳмудшоҳ ўзининг қайнотаси Али Ясурий билан биргаликда қочиб кетди ва сувдан ўтиб, олий мавкабга қўшилди.

¹ Оққиё — Чакчак яқинидаги мавзе.





Олий ҳимматли Соҳибқирон Моҳонда бир неча ой фароғатда кун кечирди ва отларини боқди. Бу сафарда рустамсифат мулозимлардан олти юз киши унинг хизматида бўлиб бирга истиқомат қиларди. Улар кейинги сафар мурувватли олийжанобнинг қудратли қўли билан жаҳонгашта от жilовини сувнинг у томонига қаратиб бурди. Ва Хузор йўли билан Қарши ҳудудига кетди. У ерда турган Амир Мусо навкарларининг барчасини қириб ташлади. Шу аснода қораунас лашкаридан беш минг нафари Қўзимундоқ¹ мавзеида ўтирганлиги ҳақида хабар топди ва уларнинг асосий қисмини тор-мор қилиш учун у ёққа юрди. Бу мавзегга яқинлашиб келгач, галабакор сипоҳ дастгоҳидан етти қўшин ташкил этди.

Қораунасининг турли теварак-атрофларидан кириб шовқинсурон солди ва ул жамоанин г вужуди замирини қўрқув ва ваҳима қамраб олди ҳамда сонининг кўплигига қарамай озгина кишилар олдидан қочдилар. Бахтиёр ва муродига етган Соҳибқирон Самарқанд томон шошилди.

Аввалдан Амир Ҳусайн олдида шаҳарда турган Уч Қора Баҳодир Оби Раҳмат бўйида унинг йўлини тўсди, аммо ҳумоюн мавкаб мулозимлари ютуғидан «раҳмат» тупроғи узра чўзилиб, оёғини қўлига олиб шаҳарга қочиб кирдилар. Амир Темур Гурагон беш-олти кун қадаҳ кўтариб фароғатда бўлди.

Шу пайтда Амир Ҳусайн жанг ғуборини қўзғаш учун сонсаноксиз қўшин билан Қаршида манзилгоҳ қилиб ўтирганлиги ва лашкарининг манглай қисми Шаҳрисабзга етганлигини эшитди. Унинг назаридан бироз тўқнашув ва урушни орқага суриб туриш ва жilовини Туркистон тарафига бурган маъқул ва муносибдир, деган фикр кечди.

Шунда давлат этагини абадий ушлашга қўл уриб, умид билан юрган мана шу олти юз отлиқ билан келишиб Самарқанд Суғдидан Тошкент сари юрди ва у вилоят ноҳиясида Мўғулистон хони ҳукми билан Туркистон ноҳияларида соҳиби ихтиёр бўлган Баҳром Жалойир ва Кайхусрав Хутталоний билан учрашди. Баҳром Жалойир шаҳриёр мавкаб мулозимлари хизматкорлигини қабул қилмади, аммо Амир Кайхусрав эса инсоният ва му-

¹ Қўзимундоқ – Қашқадарё воҳасининг жанубидаги воҳа.





рувват тақозосига биноан бўлган нарсаларни зоҳир қилди. Амир Ҳусайн икки марта катта лашкарларини Амир Темур Гурагон билан жанг қилиш учун Туркистонга жўнатди. Ҳар сафар ул ҳазратга фатҳ ва ғалаба гўзали юз очарди. Амир Ҳусайн сипоҳи қочиб йўлини ихтиёр этиб, баъзилари унга қўшилди. Бу аҳволга қарши ўлароқ, мақтовга лойиқ хислатлар соҳиби Соҳибқирон Амир Сари Буғо, Оқ Буғо Баҳодирни ёрдам учун Амир Шамсуддин мўғул олдига жўнатди. 769 йил¹ баҳорида улар қайтиб келиб, Жета сипоҳининг кириб келиши ҳақида овоза тарқатди.

Амир Ҳусайн бу хабарни эшитиши билан изтиробга тушди ва Амир Темурга насиҳат қилиб, муҳолифлик йўлини тарк этиб, ўзаро муросанинг тўғри йўлини танлашни уқтириш учун Тошкент, Хўжанд уламо ва машойихлари олдига ёрдамга чопди. Ул жамоага беғараз панд-насиҳат билан ул ҳазратнинг ғазаб олови-га таскин бериш учун қутлуғ мажлисига шошилди ва улар муроса, сулҳ масаласини тайёрлаш бобида шундай муболаға ишларни амалга оширдиларки, Амир Темур Гурагоннинг хотира лавҳидан Амир Ҳусайннинг низо ва адоват ғубори дарров унутилди.

У тезда амир билан мулоқот қилиш учун Пайшанба исми навкарини унинг олдига жўнатди. Ва унинг орқасидан ўзи йўлга тушди. Йўл асносида сулҳ ва муроса ҳақида ўзини билмасликка олиб ва ул ҳазратга қасд қилган Амир Ҳусайннинг лашкарларидан баъзиларини мағлуб ва яксон қилди.

Ул ҳазрат Қайнар мавзеини манзилгоҳ қилган пайтда Пайшанба қайтиб келиб, Амир Ҳусайн мендан кейин истеъдоди мўл Соҳибқиронга нисбатан дўстлик ва муҳаббат мақомида бўлсинлар деб қасамёд қилдилар, деган хабарни келтирди. Амир Ҳусайннинг хос кишиларидан Туроншоҳ исми киши Пайшанба ҳамроҳлигида хизматга келди ҳамда аҳду паймон тартиб-қоидаларини имон билан қатъийлаштирди ва мустаҳкамлади.

Амир Темур Гурагон эса Аббос Баҳодирни Туроншоҳ ҳамроҳлигида шу мақсадда Амир Ҳусайн олдига жўнатди. Амир Ҳусайн олийхислат соҳиби Соҳибқирон билан янги мулоқот аҳдини тузиш

¹ 769 йил баҳори – 1367 йил баҳори.





ва ул ҳазратни унинг олдига келтириш мақсадида Амир Мусо билан Ўлжайту Апардийни ўн минг отлиқ билан жўнатди.

Амир Темур Гурагон Алиобод¹ маҳалига етиб келган куни Амир Мусо қудуқ кавлаётган навқарга айтди: «Али ота мозори шу ердадир!» Улар отдан тушдилар ва элчилар тараддудга тушиб қолдилар. Охири ишлар шундай қарор топди: ҳар икки томондан ҳар бир сардор юз киши билан олдинга чиқади ва бирга мулоқот қилади. Шундай қилиб, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатади. Амир Темур Гурагон эса Амир Мусо маконига келиб тушди. Ваҳима ва бегонасираш туйғуси улфатчилик ва яқдилликка алмашинди. Амирлар лашкарларга ижозат берган эди, уларнинг ҳар бири ўз юртига шошилди. Амир Темур Гурагон ҳам «Қуббатул-Хазро»² Кешга тантанали равишда саф тортиб кириб келди ва у ўлканинг юртдошлари унинг адолати насими бўйини ҳидлашдан ёшариб кетдилар.



АМИР ҲУСАЙН ВА АМИР ТЕМУР ГУРАГОН МУЛОҚОТИ ЗИКРИ ВА ЎША ЕРДА РЎЙ БЕРГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАРНИНГ БАЁНИ



Юқоридаги аҳволга хилоф равишда Бадахшон шоҳларидан ихтилоф зоҳир бўлганлиги боис, Амир Ҳусайн юқори мартабали Соҳибқирон муносабатидан хотирини жам қилгандан сўнг юриш байроғини ул мамлакат томон тикди.

Малик Ҳусайн Карт бу ҳаракатдан воқиф бўлиб, Ғур³ ва Ҳирот сипоҳларидан бир қисмини талон-торож ва қирғин қилиш учун Балх ва Шибирғон⁴ ҳудудига жўнатди. Ғурийларнинг жабр ва зулми хабари Амир Темур Гурагоннинг муборак қулоғига етди, уларни жазолаш учун у Амуя сувидан ўтди. Ул жамоат ул ҳазратнинг ютуқлари ва келиш хабарини эшитиб, Ҳирот томон йўл олди.

Амир Соҳибқирон Амир Ҳусайн мулоқотига қараб жўнади ва ул ҳазратнинг мақсадидан хабардор бўлиб, Бадахшон подшоҳлари

¹ Алиобод – Самарқанддан ғарбда, Зарафшон дарёси яқинидаги мавзе.

² Қуббатул-Хазро – Кеш – Шаҳрисабзнинг сифатлаши: яшил гумбази.

³ Ғур – Афғонистон шимоли-ғарбидаги ноҳия.

⁴ Шибирғон – ҳозирги Афғонистон шимолидаги ўзбеклар яшайдиган шаҳар.



билан сулҳ тузди. У қайтиш жilовини Соли Сарой тарафига бурди. Амир Темур Гурагон Қундузда¹ унга етиб олди. Икки сардор бир-бирининг дийдорини кўрганидан хурсанд бўлиб, бир неча кунни вақти чоғлик ва хурсандчиликда ўтказдилар ва бир-бири билан ҳамроҳликда Кобулга бориб, ул ҳудудни исендан дам ураётган Пўлод ва Оқ Буғо тасарруфидан чиқариб олдилар. Бу мақсадга муносиб сафардан қайтгач, Амир Ҳусайн Балхдаги Ҳиндувон қалъасини² таъмирлаб Соли Саройдан қайтиб, ул ноҳияни пойтахт қилишга бел боғлади. Амир Темур унга деди: «Сизнинг амакингиз амирзода Абдуллоҳ ўз отаси масканини тарк этиб, Самарқандни пойтахт қилди, аммо бу иш унга омад ва оқибат келтирмади. Яхшиси сиз ҳам бу ниятдан воз кечинг». Амир Ҳусайн бу сўзларни қулоққа олмади ва Амир Темур Гурагонни ўзи билан бирга Балхга олиб бориб, иморатни бошлади. Шу аснода мўғул лашкари Мовароуннаҳрни талон-торож қилиш мақсадида Оби Шира мавзеига етди деган хабар келди.

Амир Ҳусайн ёвни даф қилишга ҳаракат қилиб, Амир Темур Гурагон ва Амир Мусони олдиндан жўнатди ва ўзи ҳам орқаларидан Амуя сувидан ўтди. Шу қиш охирида мўғуллар ўзаро бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, қайтиш ноғорасини қоқди. Шундан кейин маълум бўлдики, Бадахшон шоҳлари Қундуз вилоятини ғорат қилибди.

Амир Ҳусайн амирлари ва лашкарлари билан уларни даф қилишга жўнади. Улар Кашмга етиши билан ўз хоҳиши билан тўхтади ва ўз ўғли Жаҳон Маликни Амир Соҳибқирон ҳамроҳлигида Бадахшонга жўнатди. Ул ҳазрат бу вилоятда иқтидорлик аломатларини зоҳир қилиб, Соли Саройга Амир Ҳусайннинг олдига борди. Ҳазрат Соҳибқирон ғойиблик вақтида сувнинг у томонида бўлган Кайхусрав Хутталоний ва Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ихтилоф оловини аланга олдириб, Амир Ҳусайнга қарши жангга жазм қилиб юрган эди. Улар Амир Темур Гурагонга хат ёзиб, ундан ёрдам сўраган эдилар. Ана шу мактуб Амир Ҳусайн қўлига тушган эди. Жаҳонгир Соҳибқирон Соли

¹ Қундуз – Афғонистоннинг шимолидаги шаҳар.

² Ҳиндувон қалъаси – Балхдаги асосий қалъа.



Саройга етиб келган кунларда Амир Ҳусайндан бу хатни унга кўрсатишни истарди, аммо Амир Ҳусайн усти ёпиқ сирни очмасди. Шунинг учун нурли хотиранинг бир чеккасига губор қўнган эди. Ана шундай ҳолда Амир Ҳусайнга нифоқ солишга далолат қилувчи бир неча сўз Амир Темур Гурагон қулоғига етди. Бинобарин, бир куни йўрға отга миниб, Амир Ҳусайн билан мулоқот қилиш ва ҳалиги гапни бирон гувоҳсиз сўраш учун йўлга чиқди.

Амир Ҳусайн сув бўйида отга минган ҳолда турган пайтида унинг олдига борди, аммо кўнглидаги гапни изҳор этишдан олдин сувнинг нариги томонидан бир киши келиб, секин Амир Ҳусайнга «Ёғий яқиндир!» дейиши билан Амир Ҳусайн дарров жасур Соҳибқиронга юзланиб деди: «Тўхтамасдан сувдан ўтишинг керак, шамширнинг оловли зарби ва ҳамланинг шамоли билан разил душманларни заррадек сочиб ва тирқиратиб юбор, чунки олдинга кетган – саралаб териб олинган мулозимлар ва бошқалар бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди».

Амир Темур Гурагон буюрилгандек ишга киришиб, унинг амри билан манглайга қўшилди. Ул ҳазрат ҳақидаги хабар Кайхусрав ва Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз қулоғига етиши билан жанг майдонидан жиловни тортди. Кайхусрав Қора Тегин¹ йўли билан Олой томон кетди. Зинда Чашм уни таъқиб этди. Шайх Муҳаммад эса Хўжанд томон қочди. Амир Темур Гурагон уни қувиб юбориб, музаффар ва ғолибона Кешга қайтди.

ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН ВА АМИР ҲУСАЙН ИБН АМИР МУСАЛЛО ЎРТАСИДА ИККИНЧИ МАРТА ИХТИЛОФНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ БАЁНИ



Қодир Аллоҳнинг иродасига биноан ояти каримада далолат қилинганидек, мақтовга муносиб хислатлар соҳиби Соҳибқироннинг толеи офтоби истиқлол уфқидан чарақлаб чиқди ва

¹ Қора Тегин – Мовароуннаҳрнинг жанубидаги мавзе, ҳозир Тожикистон Республикаси ҳудудида.



бу маъно Амир Ҳусайн ибн Амир Мусаллонинг шукуҳли ойининг ботиши билан боғлиқ бўлди. Аммо қалбида нафрат туйғусига сабаб бўладиган ишларнинг яқин ва узоқлиги 771 йилда¹, кўпроқ ва олдинроқ Амир Ҳусайндан келиб чиқди. Жумладан, олий мартабали Соҳибқиронга нисбатан хиёнаткорлик ва шумлик қилиб, фурсат пайдо бўлиши билан ҳамла қилишни мўлжаллаб қўйди. Ул ҳазратнинг қариндошлари ва қуда-андалари, хуллас, бевосита ва билвосита кимнинг унга алоқаси бўлса, уларни Кеш чеғарасидан Балхга кўчириш учун тавочиларни жўнатди. Олий насабли Соҳибқироннинг синглиси Ширин Бек Оғонинг эри Амир Муаййид Арлот Жоварчибекнинг ўғлини шароб ичиш пайтида ўлдириб, қочиб юрибди, деган баҳона билан уни ўз олдига талаб қилди, шунингдек, ул ҳазратнинг суҳбатдошлари қаторида турувчи Амир Мусонинг ҳам кўчишини талаб қилди. Бу каби нолайиқ хатти-ҳаракатлар воситасида амалга оширган ишлари Амир Ҳусайннинг ботиний палидлигини Амир Темур Гурагоннинг таҳқиқ этиши билан яқунлади ва олийҳиммат эътиборини унинг ёмонлик ва зарарли қилиқларини даф этишга қаратди. Ва уллуғ кишилар ва аркони давлат билан кенгашиб олгандан сўнг қатъий умид билан Амир Ҳусайнга қаршилик кўрсатди.

Чиғатой улусининг амирлари ва нўёнлари Амир Ҳусайннинг хасислиги, ҳасадчилиги ва пасткаш, қабихлигидан хафа бўлдилар ва ундан нафратландилар. Унинг обрў-эътибори ва нуфузининг улканлигидан бир лаҳза ҳам фароғатда яшайолмасди. Бу борда улар жаҳонгир Соҳибқирон билан яқдил бўлиб, аҳду паймон қоидаларини имон билан мустаҳкамлаб, қатъийлаштириб олдилар.

Жаҳонгир Амир лашкарлар йиғишга фармон бериб Ҳинду Қарқарани, Шайх Муҳаммад Баён Сулдузни ҳузурига чорлаб Хулм томон юборди. Бахтли толе ва адолатли бахт билан Кеш ҳудудидан ҳаракат қилди. Амир Мусони марказга тайинлади. Ўтқир нафасли улуғлар инояти билан сипоҳнинг бошида ўзи турди ва йўлга тушди. Хузур атрофларига етганда, зафарли мавкаб чанг-тўзонидан қуюқлашиб қоронғилашди, Амир Мусо

¹ 771 йил – 1369 йил 5 августидан 1370 йил 26 июнигача бўлган оралиқ.



эса бирон-бир сабабсиз кўнглига фулгула тушиб қочиб кетди. Иқтидорли жаҳонгир Соҳибқирон унинг бор ёки йўқлигига аҳамият бермай, Суюрватмиш Ўғлон, Амир Музаффар, Ҳасан Барлос ва улуғ лашкарнинг аъёнларидан манглай гуруҳ ташкил қилди, марказни эса ҳумоюн кўриниш нури билан беади. Суюрватмиш кўҳна Термизга етган пайтда, Амир Ҳусайн сипоҳи муқаддимасида турган Ҳиндушоҳ ва Халил уларнинг қорасини кўриб, Балх томонга қочиш жоловини бурди.

Шу аснода улуғ муҳтарам кишилар қаторида турувчи Амир Саййид Барака ўша кунларда муқаддас шаҳарларга вақф қилиш учун Амир Ҳусайн ҳузурига бориб, кўнгиладигдек жавоб ололмай Амуя сувидан ўтган эди ва Термиздан уч фарсахда жойлашган Бева мавзеида хўжастасифат Соҳибқирон билан мулоқот қилиш бахтига етишди. Салтанат аломати изҳори ҳисобланган ноғора чалиниб, байроқ кўтарилди. Ва чиройли сўзлар билан у олийжанобнинг келганлиги ҳазрат Соҳибқирон эътиборига ҳавола қилинди. Таъзим, улуғлаш ва мақташ каби зарур тадбирлар рисоладагидек ўтказилди. Муқаддас шаҳарлар вақфини эгаллаб турган мақомларига кўра тақдим этиб, бир умрга уларга нисбатан ҳурмат ва ихлос тариқада муносабатда бўлдилар. Хулм¹ мавзеида Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ва Ҳинду Қарқара ҳумоюн мавкабга қўшилди ва Бадахшон волийси Шайх Муҳаммад ва Амир Ҳусайндан олдин Қундуз ҳукуматини бошқараётган Амир Ўлжайту мулозаматга етиб келиб, бу ерда хизматда турган мулозимлар қаторидан ўрин эгалладилар. Шунингдек, Амир Кайхусрав Хутгалоний ва Амир Ҳусайндан кўнгли қолган паҳлавонлардан ҳар бири гардунасос шоҳ саройига келиб, унинг хизматига бел боғлашга жазм қилдилар.

Назм:

Ул олий шарафли шоҳ даргоҳига,
 Ҳар диёрдан улуғлар юз урдилар.
 Унинг дуосига очишиб офиз,
 Хизматига белни боғлаб турдилар.

¹ Хулм – Балхнинг шарқ томонида, Амударёдан 6 фарсах нарида жойлашган урта асрдаги шаҳарча номи.



Амирлар ва аслзодалар йиғилгандан сўнг мақтовга лойиқ хислатли Соҳибқирон Ўқтой Қоон¹ наслидан бўлган Суюрғатмиш Ўғлон ибн Донишмандхонни Чигатой улусига хон этиб тайинлади ва бир неча кунни байрам, зиёфат, вақтичоғлик ва шоду хуррамлик билан ўтказдилар. Бу ишлардан фориф бўлгандан сўнг Балхга эътибор қаратдилар. Йўл асносида Шибирғон ҳокими Амир Зинда Чашм ўзининг отлиқ гуруҳи ва мулозимлари билан бошқа аслзода ходимлар қаторидан ўрин олди. Ҳазрат Соҳибқирон Аллоҳ мадади билан Балх ташқарисида зафар байроғини ҳилпиратиб, ул ноҳиянинг ҳимоячи аскарларини қуршаб олди ва икки тарафдан жангга шай турганлар уруш қуролига чанг солдилар.

Биринчи кун кўпгина пиёда гуруҳ ва отлиқ лашкарнинг бир қисми шаҳардан ташқарига чиқиб жанг байроғини тикди. Шижоатли шаҳзода Умаршайх Баҳодир ибн Амир Темур ўша пайтда ўн олти ёшда бўлиб, журъат ва жасорат билан душманга ташланиб, ёшининг кичик бўлишига қарамай нодир бир истеъдодини намоён қилди ва бу ҳолат дўст ва душманнинг таажжубига сабаб бўлди. Унинг оёғи орқасидан теккан ўқнинг учи бошқа томондан чиқиб қолди. Жарроҳлар сихни оловда қиздириб, захли жойини куйдирдилар. Шаҳзода тоқат билан чидаб, асло изтироб чекмади².

Бошқа кун катта миқдордаги моҳир отлиқ жангчилар тилло суви билан безатилган офтобдай ялтираб турган байроқни кўтариб, фируза рангли қалъани забт этишга жазм қилиб, шарқ томондаги дарвоза томондан ҳаракат қилдилар.

Буржлар билан мустаҳкам ерда жойлашган, қочиш йўлини мўлжаллаётган бир тўда одамлар ўзларини кўз-кўз қиларди. Улар саодатли Соҳибқирон мамлакатига қилинган уруш ва жангни мақтаб Ҳиндувон қалъаси томон юрдилар.

¹ Чингизхоннинг учинчи ўғли; Ўқтой Қоон ҳам деб юритилади. У 1229–1241 йилларда ҳукмронлик қилган.

² Шу ерда матнда чалкашликлар бор ва воқеалар хронологияси бузилган, чунки шаҳзода Умаршайхнинг оёғидан ярадор бўлиши Балх забтидан (1370) бир неча йил кейин юз берган.



Амир Ҳусайн томонидан жасур бир тоифа жасорат тифини яланғочлаб, шаҳардан чиқиб кела бошлади ва имкони борича уруш ва олишувнинг зарур шарт-шароитларини амалга ошириб, охирида эса қочиш йўлини ихтиёр этди. Амир Ҳусайн ўз ҳаётида ожизлик, маҳзунлик ва ночорлик асоратларини сезиб, қўрғон эшигини беркитиб олди ва сарафроз Соҳибқиронга хабар жўнатишга эҳтиёж сизди ва «Мен мол ва давлатдан кўнгили узиб, сенинг яхши ахлоқинг камолдан сўрайманки, менинг жоним омон қолса, Маккаи муборак томон шошилиб, Байтуллоҳни зиёрат қилиб, ул муқаддас маконда тавба-тазарру қилиб, гуноҳларимни ювай» деган хабар жўнатди. Жаҳонгир Амир хусравона меҳр-муҳаббат соҳиби унинг бу илтимосига рози бўлди ва «Ҳеч бир жонзот Амир Ҳусайнга халақит бермасин, у қаёққа хоҳласа кетаверсин!» деган шоҳона фармон содир қилди. Аммо Амир Ҳусайн бу сўзга ишонмади, хавф ва умид оралиғида қолиб, кечаси икки мулозими билан Балх қалъасидан чиқди. Навкарларини баъзи ишлар билан банд қилиб, эски шаҳар жоме масжидининг минораси тепасига қочиб чиқди. У бу ишончли сўзларга шубҳа қилди. Ҳиндувон қалъаси оқшомини хуршид жамшиди забт этгач, отини йўқотган бир киши отини излаб ҳар томонга назар солиб юриб, яхшиси шу минора тепасига чиқиб теваарак-атрофни кузатай, эҳтимол от у ер-бу ерда кўриниб қолса деган ният билан минора тепасига чиқди ва у ерда Амир Ҳусайнни кўриб қолди ва уни таниди. Фаровонлик кунларида бировга бир дона буғдой бермайдиган Амир Ҳусайн, бу хатарли пайтда бир бўлак марваридни ул шахснинг қўлига қўйди ва уни яхши кунларга умидвор қилиб, ўз бошини омон сақлаш учун муболағали шарт қўйди. Ваҳ-воҳ, шундай йўғон туя Алванд тоғи тагига қандай яшириниб олди! Ва саркаш оловни баланд минора тепасида нималар назардан яширмоқда!

Алқисса, ул киши пастга тушиб келибоқ, дарров олий шаънли Соҳибқирон ҳузурига чопқиллаб бориб, бўлган воқеани унга етказди.

Шу заҳоти Амир Ҳусайнни қўлга олиш учун довурак давлат арбобларидан бир гуруҳи белгиланди ва улар минора томон юз-



ландилар. Амир Ҳусайн кўрдик, пиёда ва отлиқлардан ташкил топган кўп сонли гуруҳи билан мулоқот қилиш иштиёқида бирга келмоқдалар.

У минора тепасидан пастга тушиб, масжид девори тешигига суқилиб кириб беркинди. Ажал бўриси жон ёқасига чанг солган пайт эди, кийимининг этагидан озгинаси ташқарида қолди.

Уни тутишга келганлар минора тепасига шошилиб чиқдилар, аммо уни топа олмай, орқага қайтдилар. Масжид девори тешигига назарлари тушди. Доро ва Искандар хизматига бўйин эгмайдиган Амир Ҳусайнни қўл ва бўйни боғланган ҳолда жамшидсифат Соҳибқирон саройига келтирдилар. Амир Темур Гурагоннинг кўзи Амир Ҳусайнга тушиши билан амирларга юзини буриб деди: «Мен унинг қонини тўкиш мақомидан ўтдим».

Унинг беқарорлигини тасаввур қилди ва Амир Ҳусайннинг вакилларини мажлисдан ташқарига чиқарди.

Кайхусрав Хутталоний изтиробга тушиб деди: «Амир Ҳусайн менга берилиши керак, токи уни ўлдириб, укам Кайқубоднинг қасосини олай».

Амир Темур Гурагон эса Кайхусравга таскин беришга ҳаракат қилди. Гап орасида унинг Амир Ҳусайн билан иттифоқлик ва ҳамсуҳбат бўлган кунлари ёдига тушиб кетди ва ич-ичидан ачиниби, ибратли кўз ёш қатралари унинг муборак юзидан равон бўлди.

Амир Ўлжайту Апардий инсон ҳаётининг яхши ва ёмон кунларида орттирган ўз ҳаётий тажрибалари асосида бўлган ул ҳазрат йиғисини Амир Ҳусайннинг нажот топишдан бошқача тасаввур қилиб бўлмади, деб тушунди ва кўзининг чеккаси билан Амир Муаййид ва Кайхусрав Хутталонийга ишора қилди. Улар кўпни кўрган кишининг ниятини дарров илғаб, Амир Ҳусайннинг орқасидан шошилиб чиқдилар ва унинг иқболи ниҳолини қуритишга киришдилар ҳамда унинг ҳаёти риштасини қасос қайчиси билан кесиб, бу борада ўзларини ҳотиржам қилдилар. Амир Ҳусайннинг икки ўғли – Хон Сайид ва Турур Султон ўша кунни қатл эттирилди. Бошқа икки ўғли – Жаҳон Малик ва Халил Султон Ҳиндистонга қочиб, бегона юрда охират оламига равона бўлдилар.

Мансур черики Ҳиндувон қалъасини забт этиб, Амир Хусайннинг хазинаси ва қимматбаҳо мол-мулкани, хотинлари ва яқинлари билан бирга шоҳ ўрдасига келтирди. Ул ҳазрат Хусайннинг хотинларидан Чигатой улуси хони – Қозонхоннинг қизи – Сароймулкхонимни, Амир Баён Сулдузнинг қизи – Улус Оғони, Амир Хизр Ясурийнинг қизи – Ислом Оғони ва Тоғай Туркон Хотунни хос ҳарамига жойлаштирди. Тармаширинхоннинг қизи – Севинч Қутлуғ Оғони Баҳром Жалойирга тақдим этди, Дилшод Оғони Зинда Чашмга, Кайқубод Хутгалонийнинг қизи – Одил Мулкни Амир Жокуга ва Амир Хусайннинг бошқа қариндошлари ва қизларини амирлар ҳамда яқинларига никоҳлаб берди. Бу буюк воқеа 771 йилнинг рамазонида¹ содир бўлди. Ҳиндувон девори жаҳонгир Соҳибқирон фармониға кўра вайрон қилинди.



ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ТАХТГА ЎТИРИШИ БАЁНИ



«Айтинг: «Эй мулку давлат эгаси бўлган Оллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсен ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсен, истаган кишингни азиз қилурсен ва истаган кишингни хор қилурсен»².

Маснавий:

Юртнинг эгасига вожибдур таъзим,
Билим ва қудратда у ғоят азим.
У дин ҳомийсига берар мамлакат,
Бахт асли мақтовга лойиқ хуш хислат.
Унинг адолати файзидан олам,
Гуё жаннат бўлди ё Боғи Эрам.
Адолат байроғин юксалтирган – у
Зулми жаҳонда кеткизган ҳам у.
Адолат шамшири, жиҳод тигида,
Ҳақ дин гулшанини яшнатар жуда.
Ғазаби олови олса аланга,
Умр хирмонлари куяр душманга.
Лутфу иноятин баракотидан
Меҳр экинию ҳусн ҳидидан.

¹ Мелодий 1370 йил апрель ойи.

² Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 26-оят.

Дўстга қайта бошдан беражақдир жон,
 Ҳар одам бошига улашар эҳсон.
 Нигоҳи тупроқни зарга дўндирар,
 Халқ иши кушодин боқа ундирар.
 Илм-маърифат аҳли, тақводорларни
 Дину диёнат аҳлини барини.
 Барча халойиқдан юксақда тутар.
 Ўзи бу ишларга бошу қош бўлар.
 Мақсади доимо саховатдадур,
 Чин вафо майидан қадаҳи тўлуру.
 Дин иши йўлида собитқадамдир,
 Хайру эҳсон қилар, иши – карамдир.

Ўша пайтда шундай жаҳонгир Соҳибқирон Қутбус-салтана вал-хилофа Амир Темур Гурагон сингари бошқа бахтиёр давлат соҳиби бўлмаганлиги туфайли, ўша кунлардаги маҳрамлар тақдирига кўра, Амир Ҳусайннинг давлат бошқариш усулини бекор қилиб, халифа кўрсатмаси билан Турон ва Эрон аҳолиси яшайдиган ҳудудни ул номдор ҳазрат номига ўтказиш ҳақида шоҳона фармон ёздилар. Бу воқеа ит йилига тўғри келадиган 771 йил муборак рамазон ойининг ўн иккинчиси чаҳоршанба кунини содир бўлди¹. Ва ул ҳазратнинг муборак ёшлари шамсий ҳисобга биноан ўттиз тўртга етган эди.

Муҳаммад (с.а.в.)нинг фахрий авлоди Саййид Барака, хонзода Абул Маолий, хонзода Али Акбар сингари улуғ ва ҳурматга лойиқ саййидлар ва Чигатой улусининг Амир Шайх Муҳаммад ибн Баён Сулдуз, Амир Зинда Чашм Апардий, Амир Ўлжайту Апардий, Амир Кайхусрав Хутгалоний, Амир Довуд Дуғлат, Амир Сари Буғо Жалойир, Амир Жоку Барлос, шоҳ Шайх Муҳаммад Бадахшоний ва бошқа шунга ўхшаш амирларию аъёнлари ҳамда жамият тоифаларининг аслзода ва хос ашрафлари қуббатулислом Балҳа йиғилган эдилар, улар жаҳонгир Амир салтанатига иттифоқ бўлдилар. Саодатли қисмати юдузидек соатда ва то-лели давлат юдузи сингари пайтда подшоҳлик тахтини ҳумоюн шахсияти билан бевади. Қабилалар бошлиқлари мўғуллар расми ва одатига кўра тиз чўкиб, дуо ва ҳамду саного оғиз очдилар.

¹ 1370 йил 9 апрель кунини – Амир Темурнинг роппа-роса 34 ёшга тўлган кунини.

Маснавий:

Бирма-бир Туроннинг баҳодирлари,
Саф тортди ўнгу сўл томонда бари.
Табрик айлагали тизилиб туриб,
Оғзини очдилар ерга тиз уриб.
Эй подишоҳ, зеб-зийнат, тахту тож эмас,
Шонли авлод қолса одамдан шу бас.
Бизлар жону дилдан сенинг бандангмиз,
Лекин иш-юмушда кўп шармандангмиз.
Бизлар хизматкормиз, сен-чи: шаҳриёр,
Биз сенга бандамиз, сен эса – сардор.

Ҳазрат Соҳибқирон салтанат ва соҳиби давлат тахтда қатъий қарор топгач, йиллар давомида ҳирс ва зулмга қўл урган Амир Хусайннинг хазина ва кўммалари эшигини очди. Аркони давлат ва аёни ҳазрат аҳлига, мулозимлар табақаси ва ходимлар тоифасига ҳад-ҳудудсиз совғалар ато этди.

Байт:

Адлу инсофидан эл бўлди обод,
Ҳада, эҳсонидан сипоҳиси шод.

Амирлар ва жасурлардан ҳар бирини хизмат лавозими ва кўрсатган хизматларига муносиб равишда юқори мансаб ва лойиқ мартабалар билан сийлади ва улуғлади. Бу муҳим ишга мисол тариқасида Балх ҳукуматини Чўғом Барлоснинг ўғли Муродга иноят этганлигини айтиш жоиз. Сўнг Самарқанд сари йўл олди ва етиб келгандан кейин бу жаннатмисол шаҳарда яшовчи аҳолини инъом ва эҳсон билан тақдирлади. Ва шаҳар иморатлари ва деворлари билан машғул бўлиб, бир қанча баланд бинолар тарҳини йўлга қўйди.

ЗИНДА ЧАШМ АПАРДИЙНИНГ МУХОЛИФЛИГИ ВА УНИНГ ЎЛДИРИЛИШ ЗИКРИ

Ҳазрат Соҳибқирон Самарқанддан Балх томон кетаётган пайтда Амир Мусо муборак мавкабдан ажралиб кетган эди, Амир Хусайн қатл этилганлигини эшитгандан кейин бир

неча кун Туркистонда саргардон юрди, охири Амуя сувидан ўтиб, Шибирғонда Зинда Чашмга қўшилиб, уни ғалабакор Соҳибқиронга қарши мухалиф бўлишига сабаб бўлди.

772 йилда жаҳонгир Соҳибқирон қурултой ташкил қилди¹. Зинда Чашм фармонга бўйсунмай Самарқандга бормади. Амир Темур Гурагон эса Хожа Юсуф ибн Ўлжайту Апардий ва Тобон Баҳодирни Зинда Чашмга насихат қилиш учун Шибирғонга жўнатди. Ул ақлсиз эса уларнинг қўл-оёғини боғлаб маҳбус этди. Бу хабар етти ўлка подшоҳи қулоғига етганда шоҳона ғазаб олови аланга олди ва музаффар лашкар билан Амуя сувидан ўтиб, жиловни Шибирғон бурди ва бу шаҳарни қамал қилди, шунда Зинда Чашм ўз қилмишидан пушаймон бўлди.

Амир Ўлжайту Апардий ва улуг нўёнларнинг баъзиларини ўз гуноҳларига шафоат тилашга тайин қилди. Ул жамоат шафоатга оғиз очдилар. Амир Темур Гурагон уларнинг илтимосларини инобатга олди, муҳосира ва муҳорабадан қўл тортди. Зинда Чашм эса на ўлик, на тирик бир ҳолда Шибирғон қалъасидан чиқди ва Амир Мусони ўзи билан бирга олиб, ўрдуси билан белгиланган жойда салтанат пойига топширди. Мурувватли подшоҳ дарҳол Зинда Чашмга саховатмандона фарасиз меҳр-муҳаббат кўрсатиб, қайтадан яна Шибирғон вилоятини бошқариш жиловини буткул унинг ихтиёрига берди. Сўнг Мовароуннаҳр томон йўл олди. Шаҳрисабзга етиб келгач, Амир Мусонинг аҳволига иноят назари билан қараб, унинг лаёқати ва қобилияти кўринишини ўзининг ҳашаматли ташрифи билан беади ҳамда унинг эл-улуси ҳукуматини ўзига топширди.

774 йилда² Зинда Чашм яна қайтадан хонзода Абул-Маъолий Термизийнинг ифвосига учиб, ёвлашди ва Термизга борди. Ул ҳудудда ғорат ва талон-торожга қўл урди. Бу хабар олий мартабали Соҳибқирон қулоғига етгандан сўнг, у Хитой Баҳодир ва Арғуншоҳ Бурдолиғийни лашкар билан бадбахт мухалифлар ёвузлигини даф қилиш учун номзод қилиб белгилади. Шибирғон

¹ Мелодий 1370 йил 6 июли.

² 774 йил — 1372 йил 3 июлидан 1373 йил 23 июнигача бўлган оралиқ.



қўшини рустамсифат баҳодирларнинг кириб келишидан хабар топиб, Амуя суви устига қайиқлардан кўприк ясадилар ҳамда улардан бир гуруҳи кечаси қочиб, сувдан ўтдилар ва қурилган кўприкни бузиб ташладилар.

Зинда Чашм бошқа гуруҳлар ва мулозимлар билан музаффар қўшин қорасини кўрганидан сўнг, қўрқиб қочишга шайландида, кўприк устига ёпирилди. Улар кўприк ўртасига етгандан кейин, у томонни худди ўзларининг аҳволи сингари хароб эканлигини кўриб ҳайрон бўлиб қотиб қолдилар.

Шу он Самарқанд лашкари ботирлари орқадан қудратли қўллари билан ўқ ота бошладилар ва ул чорасиз қолган бадбахтлар ажал қўрқувида шошилинич ҳолда ўзларини оқар сувга ташлай бошладилар, уларнинг кўпчилиги ёниқ ўқ захмидан сув ўртасида жон таслим қилдилар.

Зинда Чашм руҳсиз ва маъюс халқнинг бир қисми билан сўлғин ҳолда нажот соҳилига етиб, ўзини Шибирғонга урди ва қўрғон қалъалари, мезаналари ва дарвозаларини мустаҳкамлашга киришди. Ўша пайтда улуғ Соҳибқирон Жоку Барлосни қудратли сипоҳ билан Шибирғонни қуршаб олишга юборди.

Амир Жоку қиш фаслида бу юмушни охирига етказиб, қўшиннинг илғор қисми баҳорда ишга киришган пайтда Зинда Чашм ўтиниб сўраб, ўз оёғи билан қўрғон чор девори ичидан чиқиб келди. Амир Жоку уни ўзи билан бирга олий тахт пойига олиб бориб, гуноҳидан ўтишга шафоат сўраб оғиз очди.

Амир Соҳибқирон яна бир марта Зинда Чашмнинг хунидан кечди ва унга кўп панду насиҳатлар қилди. Унинг бошини хавфсизлик тожи билан безаб, заррин камарни белига боғлади, зебзийнатли тўнни лаёқатли қоматига кийгизди ва арабий зотли отни инъом этди.

Буюк хислатлар соҳиби Соҳибқирон шу йили Мўғулистон томон қўшин тортиб, ул диёрдан зафар ва ғалаба билан от жилловини салтанат қарор топган томонга бурган пайтда Одун Кўзи¹ мавзеида Зинда Чашм, Абу Исоқ ибн Хизр Ясурий, Амир

¹ Одун Кўзи — яъни отнинг кўзи; Сайрам яқинидаги мавзе номи.



Мусо, Хонзода Абул-Маолий Термизий ва Шайх Абул-Лайс Самарқандийлар ўзаро аҳдлашиб, Қорасомон¹ мавзеига етган пайтда жаҳон ҳукмрони жонига қасд қилишга Қуръон билан қасам ичишганини эшитди.

Шаҳар хавфсизлиги амирлари ҳукмга биноан ул жамоани қўлга олиб, сўроқлар ва гуноҳлар исбот этилгандан сўнг, Амир Мусо Сароймулкхонимнинг шафоати билан (чунки Амир Мусо унинг сингисининг ўғли эди), Хизр Ясурийнинг ўғли эса Амир Сайфуддиннинг илтимоси билан (чунки унинг сингиси Амир Сайфуддин никоҳида эди) жазодан қутулиб қолдилар.

Хонзода Абул-Маъолийни қўлга олди, аммо у набавийлар хонадонига алоқадорлиги боис қамоқ ҳукмига биноан ватанни тарк этишни ихтиёр этиб, бегона юртга кетди. Хожа Абул-Лайс мижозида бефарқлик, бефаҳмлик устун бўлганлиги учун, ул сарзамин ҳавоси ҳарорати шиддатидан унинг феъл-атворидан мўътадиллик, вазминлик пайдо бўлиши учун Маккага бориб яшашга қарор қилинди. Зинда Чашмни ҳибсда Самарқандга олиб бориб, чиқишга йўли йўқ бир зиндонга ташладилар.

Байт:

Фаросат қошида бу сўзда бор жон:
Ёв ётган зиндони гўрдан бир нишон.

АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ ҚАЙТАДАН ХОРАЗМГА ЮРИШИ БАЁНИ ВА ЖАНГ СОДИР БЎЛГАНДАН КЕЙИН УЛ ҲАЗРАТНИНГ ЮСУФ СЎФИЙ БИЛАН КЕЛИШУВИ ЗИКРИ

Ҳусайн Сўфий қўнғирот фазилатлар соҳиби Соҳибқирон тахтга ўтиргандан беш-олти йил олдин Хоразм вилоятини ўз та-сарруфига киргизган эди. Ул ҳазрат Чиватой улусини забт ва фатҳ этишдан сал хотиржам бўлгач, ҳиммат сиртмоғини ул мам-лакатни фатҳ этишга ташлади.

¹ Қорасомон — Утзор яқинидаги мавзе номи.



Тавочи хизматчисини Ҳусайн Сўфий олдига юбориб: «Кот¹ ва Хивақ Чигатой² улусига тааллуқдир. Уларни Суюрғатмишхон девонига қайтариб беришинг керак, чунки икки ўртада ўзаро яқдиллик, келишув бўлиши зарур», деб тайинлади. Ҳусайн Сўфий бу сўзларга аҳамият бермади ва деди: «Мен бу мамлакатни қилич кучи билан қўлга киритганман, қуруқ салом ва пайғом-хабар эвазига ҳеч кимга бермайман».

Хизматчи бу жавобни оқизмай-томизмай толеи баланд Соҳибқиронга етказди. Ул ҳазрат дарҳол Хоразмга жўнашга қарор қилди, аммо илму амалнинг фаровонлиги туфайли Соҳибқирон мулозимат шарафини чиройли тўн билан камолга етказган мавлоно Жамолиддин Кеший айтадиларки, бир кишининг манманлиги ва кеккайиши сабабли бир вилоят аҳолисини тумтарақай тўзғитиш, азоб-уқубатга солиш буюк давлатга муносиб эмас. Шунинг учун нима бўлса ҳам Ҳусайн Сўфийга панд-насиҳат қилиб, уни ғафлат уйқусидан уйғотиш учун Хоразмга боришига ижозат сўради ва рухсат олиб у томонга шошилиб йўлга тушди.

У диндор уламолар назарига сазовор бўлганлиги боис, хайрихоҳлик ва мурувватлилик вазифасини бажарди, аммо Ҳусайн Сўфий бу панд-насиҳатни ризолик қулоғи билан эшитмади, балки Мавлавийни банди этди. Бу хабар олий мартабали Соҳибқирон қулоғига етиб келгач, у сичқон йилида, «Зафарнома» муаллифининг³ маълумотига кўра, 773 йил⁴ эди,

¹ *Кот* – Хоразмнинг қадимги пойтахти, ҳозирги Беруний шаҳри.

² *Чигатой* – Чингизхоннинг 1227–1241 йилларда ҳукмронлик қилган иккинчи ўғли. 1224 йилда Чингизхон забт этган ҳудудларни тўрт ўғлига тақсимлаб берди. Шунда Шарқий Олтойдан ғарбда то Амударёгача, Ғулжа ва Кошғардан то Самарқанд ва Бухорогача бўлган ҳудудни Чигатойхонга берди. Хоразмдаги Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қисми ҳам унга тобе бўлиб, у ерлар Чигатой улуси деб аталган. Лекин Мовароуннаҳрда 1365–1370 йиллар Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида юз берган зиддиятдан фойдаланиб, Ҳусайн Сўфий чигатойларга қарам бўлган Шарқий Хоразмни ўз мулкига қўшиб олган эди.

³ «*Зафарнома*» – Шарафуддин Али Яздийнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асари.

⁴ Мелодий 1372 йил воқеага мос келади, чунки у шу йил баҳорида юз берган.



«Матлаи саъдайн»¹ мусаннифининг фикрига кўра, 774 йилда² зафарли сипоҳ билан Хоразмга жўнади. Тантанали ғалабакор байроқлардаги яримой белгилари нури Кот ҳудудларида кўриниши билан ул қалъа доруғаси³ Байрам Хожа Ясовул, Хивақ қозиси билан биргаликда бориб, уларни тўхтатиш ва даф қилиш чораларини мўҳайё қилди. Иқболи баланд аскарлар эса қалъага юз бурдилар ва қўлларини ўқ отиш ва қилич чопиш учун тайёрладилар.

Биринчи куни Котни қаҳр билан қуршовга олиб, қўлларига нима тушса, талон-торож қилиб олиб кетди. Иккинчи куни эса Хоразмга қараб юрдилар. Ул вилоят ноҳиясига киргандан сўнг Ҳусайн Сўфий билдики, бул ғалабакор сипоҳга қаршилиқ қилиш унинг қўлидан келмайди. Шунинг учун бир чопарини шоҳона совға-салом ва табриклар билан олампаноҳ даргоҳига жўнатди ва сулҳ тузиш истагини билдирди.

Шул аснода Кайхусрав Хутталоний ўзининг асл ихлосини мунофиқлик, риёкорлик нифоқи билан аралаштириб, «Самарқанд қўшинида парокандалик бошланган, улар талончилик билан машғул, мен сенга қўшилишим ва Амир Темурни мағлуб қилишимиз учун сен жанг қилиб ташқарига чиқишинг керак», деган хабар жўнатди. Ҳусайн Сўфий бу хабарни эшитиши билан ўз қўшинини тартибга солиб, шаҳардан ташқарига шошилиб чикди. Дарвоқе, ўша пайтда Кайхусрав айтганидек, ғалабакор сипоҳнинг аксарияти босқин қилишга кетган эди.

Буюк Соҳибқирон хоразмликларнинг жасоратини кўриб, қолган довюрак, ботир баҳодирлари билан икки томон ўртасидаги Қовун суви⁴ бўйига шошилди ва сувнинг ўтиш жойини эгаллаб, хоразмликларнинг сувдан ўтиш йўлини тўсиб қўйди. Қарама-қарши томондан ўқ «элчилари» бориб-

¹ «Матлаи саъдайн» ва «Мажмаи баҳрайн» – XV аср тарихчиси Абдураззоқ Самарқандийнинг тарихий асари.

² Абдураззоқ Самарқандий келтирган сана воқеага мос келмайди.

³ Доруға – шаҳар, туман ёки вилоят ҳокими; у маҳаллий ҳукмдорларни назорат қилиб турган.

⁴ Қовун суви – ноҳиядаги ўша даврда мавжуд «Оби Қовун» номли анҳор, яъни Қовун анҳори.



кела бошлади. Қирғин-уруш олови аланга олгач, Почи Калта, Жарағту, Шайх Али Баҳодир, Амир Муаййид, Оқ Темир Баҳодир, Хитой Баҳодир, Элчи Баҳодир сингари шоҳона мавкаб ботирларидан катта бир гуруҳи пишқирган отларни ҳужумга жазм қилиб сувга солдилар. Элчи Баҳодир фано дарёсига ғарқ бўлиб, бошқалар эса сиҳат-саломат нажот соҳилига етиб келиб, олишишни бошладилар. Ул жамоат орқасидан олий мақомли Соҳибқирон ҳам чақмоқдек сувдан ўтмоқчи бўлди, аммо Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз унга монелик қилди ва ўзи у дарёдан ўтиб, аянчли ҳолдаги душман устига ташланиб, шунчалик олишдики, охири Хусайн Сўфий қочишни ихтиёр этди ва шаҳар ичкарасига шошилди. Ғам-алам ва андуҳнинг ниҳоятда зўрлигидан касал бўлиб қолди, шу икки-уч кун ичида охират оламига қўшилди.

Хусайн Сўфий вафотидан сўнг укаси Юсуф Сўфий ўринбосар бўлиб, салтанат ошиёنли остонасига элчилар юбориб, акаси кирдикорларидан тавба-тазарру қилиб, сулҳ тузишни илтимос қилди. Ҳазрат Соҳибқирон Юсуф Сўфийнинг илтимосини унинг укаси Оқ Сўфийнинг тождор хон қизидан туғилганлиги учун Хонзода номи билан машҳур бўлган Суюн Бека исмли қизини амирзода Жаҳонгирга бериш шарти билан ижобатга олишини билдирди.

Юсуф Сўфий бажарилиши шарт бўлган шарафли фармон кучга кириши биланоқ, Хонзодани Самарқандга юборишни миннатдорчилик билан қабул қилди. Шунда юқори мартабали подшоҳ қайтиш саодатига фармон берди ва Хос вилоятига етиб тўхташ жойида Кайхусрав Хутталонийни жазога ҳозирладилар. Унинг гуноҳлари исботланиб ўлдирилди. Унинг ўғли Султон Маҳмуд эса Абу Исҳоқ ибн Хизр Ясурий розилиги билан Хоразмга шошилди ва Юсуф Сўфийни шунчалик васвасага солиб йўлдан оздирдики, натижада у ҳазрат Соҳибқирон аҳду паймон саҳифасига чизиқ чизиб, Кот вилоятига босқин қилди.

Амир Темур Гурагон ўша қиш Самарқандда қишлади. Адолатли Султон баҳорда дашт ва тоғлар узра шавкатли байроғини





ҳилпиратиб, Юсуф Сўфий билан олишишга жазм қилиб, кўп сипоҳ билан Хоразм биёбони қумлари орқали йўлга тушди. Ул вилоятга кириб борганидан сўнг Хоразм ҳокими ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, элчилар жўнатиб, турли воситаларни ишга солиб яна бир марта олий мартабали Соҳибқиронни қасос олиш ниятидан ўтишга эришди ва тезда Хонзодани Самарқандга жўнатишни қабул қилди.

Амир Темур Гурагон давлат пойтахтига қайтиб, йўлбарс йилига тўғри келадиган 775 йилнинг шаввол ойида¹, баҳорнинг айна мўътадил пайтида гул ва райҳонларга безанган тахтиравон келтириб, уларни унаштирди. Ғалабакор Соҳибқирон Лоло ибн Қарочар авлодидан Амир Ёдгор Мирзони, Амир Довуд ва Узун Ўлжайтуни Хонзодани олиб келиш учун Хоразмга жўнатди. Юсуф Сўфий юборилган амирларга қўлини кўксига қўйиб иззат-ҳурмат кўрсатди ва Хонзодани бундан ортиқ бўлиши мумкин бўлмаган одатларни бажариб, уларнинг ҳамроҳлигида кузатди.

Ҳазрати Соҳибқирон Қайдухон ўғлининг хотини Қўртуқа Хотунни бошқа ҳашаматли одатларга риоя қилувчи нўёнлар, амирлар, саййидлар, қозилар ва уламоларнинг хотинлари билан уларнинг истиқболига жўнатди.

Шунда салтанат ошиёни остонасининг камарбасталари тартиб билан байрам, тўй базми, зиёфат, ўйин-кулги ва хурсандчилик қилишга киришдилар. Пойтахт Самарқандни ҳилпираб турувчи байроқлар ва енгил ёнувчи чироқлар билан безадилар. Хоннинг қимматбаҳо «гавҳари»нинг тахтиравонини шаҳарга киритган пайтда совға-туҳфа, сочқи маросими ҳеч кўрилмаган даражада тақдим этилди. Донишманд мунажжимлар ниҳоят диққат-эътибор билан назар қилиб белгиланган соатда саййидлар, уламолар ва қозилар шоҳона йиғинда ҳозир бўлиб, хоннинг хосхонаси зуҳросини давлат тахти қуёши билан никоҳладилар. Амирлар, нўёнлар табрик ва ҳамду сано ўқишга офиз ва қўлларни гавҳар сочгандек дуога очиб, шоду хуррамлик ато этдилар.

¹ 775 йил шаввол ойи – 1374 йил 16 мартдан 14 апрелигача бўлган оралик.





Байт:

Зар, гавҳар сочқилар бўлди мўлу қўл,
Толиқди тергилаб уларни куп қўл.

Шоҳона юлдузлар хилватхонага кириб, келин-куёвлар хонасида юлдузлар жилвагар бўлган пайтда, қуёш ва ой ўзаро бирлашиб, осмондаги икки бахтиёр юлдуз яқинлашиши содир бўлди. Улар ўртасидаги муҳаббат ва дўстона яқинлик камоли муҳаббат ва чиройли амалга ошди.

Маснавий:

Жаҳонгир шаҳзода орзуга тўлиб,
Севимли ёрини бағрига олиб,
Бир яхши соатда муродга отди,
Иккита ёш юрак ҳаприқиб кетди.
Олам саройида не бор яхшироқ
Ойга қуёш ёниб очгандан кучоқ?
Яхши кун, хуш соат тотлидир болдан,
Икки ёш баҳраманд бўлса висолдан.



БАЪЗИ ВОҚЕА ВА ҲОДИСАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ



Ҳуф хислатлар эгаси Соҳибқирон Мовароуннаҳр ва Туркистон давлат ишларидан хотиржам бўлгач, Мўғулистонни фатҳ этишга жазм қилди. «Зафарнома»да айтилишича, 776 йил шаъбон ойининг тўлишган пайшанба куни¹ у томон йўлга тушди. Шоҳона мавкаб сипоҳ билан тўхташ учун Қатвон² работига етган пайтда қор, чақмоқ ва аёзли совуқлар шундай авжга чиқиб, истило қила бошладики, натижада кўпгина одамлар ва ҳайвонларни нариги дунёга – йўқлик оламига олиб кетди. Шунинг учун ҳазрат Соҳибқирон Самарқандга қайтиб, совуқ аёзнинг захри камайгунча у ерда тўхтаб турди. Қуён йилининг бошига тўғри келади-

¹ Мелодий 1375 йил 2 февраль. Лекин Яздий «Зафарнома»сида шаъбон боши, яъни 1375 йил 5 январь дейилган.

² Қатвон – Самарқанддан шарқдаги яссилик, ҳозирги Булунғур тумани ерлари.



ган шавволнинг ой тўлишган душанба куни¹ яна қайтадан Жета (Мўғулистон)га йўл олди. Амирзода Жаҳонгир, Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз, Одилшоҳ ва Баҳром Жалойирни манглай² қисмга тайинлади.

Бу юришда Мўғулистоннинг энг катта сардори Қамариддин Дуғлат ютқазиб, манглайдаги сипоҳи мағлуб бўлиб, офатли оёқларини қочиш водийсига қўйди. Таниқли Соҳибқироннинг ўзи Пойтоғ³ мавзеигача борди, амирзода Жаҳонгир эса Учфармон⁴ манзилгача от жilовини тортмади. Қамариддинни тоғлар орасидан топиб, уни таъқиб этиб, уни эл-улусдан ажратиб қўйди ва унинг барча манзилларини ғорат қилиб, Амир Шамсиддин нўённинг хотини Бўян Оғонинг қизи Дилшод Оғо билан бирга асир этиб, Қорақисмоқ⁵ тепалигида подшоҳ хузурига етказди. Зафарли Соҳибқирон Дилшод Оғони никоҳига киритди ва бир неча кунни маишат, ўйин-кулги, шоду хуррамлик ва байрам билан ўтказиб Самарқандга қайтди.

Мана шу йили ғурий фикрлари асосида жазоланган Шайх Муҳаммад Баён Сулдузнинг умр хирмони ғазаб ва душмансўз оташи билан аланга олди. Балиқ йилига тўғри келадиган 777 йилнинг баҳорида⁶ Амир Темур Гурагон катта қўшин билан Хоразм томон юриш бошлади. Амир Сари Буғо, Одилшоҳ Жалойир, Хитой Баҳодир, Элчи Буғо ва бошқа сардорларни ўттиз минг жасур отлиқ сипоҳ билан Қамариддинни маҳв этиш учун Мўғулистонга жўнатди. Машҳур Соҳибқироннинг яримойли байроғи офтоб нурида ҳилпираб Сепоя⁷ мавзеига етиб келиб соя ташлаган пайтда Туркон Арлот ёвлашиб Гурзувонга⁸ қочди.

¹ Мазкур 776 йил шаввол ойининг тўлишган куни – 1375 йил 3 апрель сешанба кунига тўғри келади. Аслида «Зафарнома»да ой бошида душанба куни, яъни 5 март дейилган.

² Манглай – олдин юбориладиган илғор ҳарбий қисм.

³ Пойтоғ – Иссиқкўлдан шарқдаги мавзе.

⁴ Учфармон – Шарқий Туркистондаги Учтурфон.

⁵ Қорақисмоқ – Шарқий Туркистоннинг шимолидаги тепалик.

⁶ 777 йил баҳори – 1376 йил баҳори.

⁷ Сепоя – Чоржўйдан шимолроқда Амударёнинг чап қирғоғидаги мавзе.

⁸ Гурзувон – Афғонистоннинг шимолида Талликон яқинидаги мавзе, арлотларнинг маскани.



Амир Темур Гурагон фармонига кўра Пўлод Баҳодир Турконни таъқиб этиб, Форёб дарёси¹ бўйида унга етиб борди. Туркон бир соатча олишишга чидади, аммо Пўлод зарбидан жасур ва ботирларнинг қиличи синиб, мағлуб бўлди. Пўлод бир ўзи Турконни қувиб борди, унга етиб олди ва жон томирини кўнгилдагидек кесди ва шоҳона ўрдуга музаффар бўлиб қайтди.

Жета томонга кетган амирлар жамоасидан Сори Буғо ва Одилшоҳ истиқлол хаёлида бўлган Хитой Баҳодир ва Элчи Буғони олиб, жалойир ва қипчоқ эли билан Самарқанд тарафга шошилиб келиб, уни қамал қила бошлади. Бу ноҳиянинг ҳокими Амир Оқ Буғо ўзини мустаҳкамлаб, бу ҳолатни маълум қилиш учун яшиндай тезюрар чопарни Амир Темур Гурагон олдига жўнатди. Элчи Хос² мавзеида остонани ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, бўлган воқеани арз этди. Бинобарин, зафарли байроқлар Аллоҳнинг «Ал-авд» калимасига³ биноан қайтарилиб, амирзода Жаҳонгир одатга кўра манглай қисм билан олдинроқ йўлга тушди. Шаҳзода Каромина⁴ мавзеида ғаразли душманга етиб келди ва ғолиб бўлди. Сари Буғо ва Одилшоҳ қочиб Қипчоқ даштига кетдилар ва Ўрусхон мулозиматига ўтдилар. Бир неча кундан кейин ёзги яйловга кетган пайтда анча олдин даштда ҳукумат хони бўлган Учи Бейни қилич билан хоинларча ўлдириб, Мўғулистонга қараб кетдилар ва Қамариддинга қўшилиб, уни музаффар Соҳибқиронга қарши чиқиш учун шунчалар ифво қилдиларки, натижада амирзода Умаршайх тасарруфида бўлган Андигон⁵ вилоятига яна бир марта жаҳл ва душманлик байроғини кўтариб кириб келдилар. Ҳазора Қадоқ шаҳзодадан юз ўгириб, унга қўшилди.

¹ *Форёб дарёси* – Афғонистоннинг шимоли-ғарбида шу номли шаҳарда шимол тарафига оқиб, қумларга сингидиган дарё.

² *Хос* – Хоразмнинг жанубидаги мавзе.

³ Бу ерда Қуръонга шама қилаяпти. Арабча «авд» қайтмоқ маъносини беради.

⁴ *Каромина* – ҳозирги Кармана.

⁵ *Андигон* – Андижон.



Амирзода Умаршайх тоғда беркиниб, Донишманд исмли бир кишини ўз аҳволини билдириш учун падари бузрукворининг олдига жўнатди. У ҳазрат дарҳол у томонга ҳаракат қилди. Бу хабарнинг тарқалиши билан Қамариддин қайтиб, ўзининг элулусини Отбоши¹ мавзеидан ўтказиб, тўрт минг сараланган отлиқ билан ўзи пистирмада турди. Амир Темур Гурагон бу ерга етиб келганда Қамариддиннинг пистирмасидан ғофил эди, шунинг учун барча сипоҳнинг жангга сафарбар бўлишига фармон бериб, ўзи икки юз нафар амирлар ва сардорлар билан тўхтаб турди.

Шу пайт Қамариддин тўрт минг отлиқ сипоҳи билан пистирмадан хотиржам ташқарига отилди. Ва нафрат қиличини қасос ғилофидан чиқариб, кибр-ҳаво билан олий мартабали Соҳибқирон ҳаётини томири билан кесиб ташлашга қаттиқ ҳаракат қилди. Ул ҳазрат эса давлатни руҳлантирувчи ояти карима мазмунини кўнглидан ўтказди ва зафарли мавқаб баҳодирларига марҳамат билан мурувват кўргазди ва шоҳона ғайрат билан разил душманга юз ўгурди. Шубҳасиз, шундай жанг бўлдики, унинг шиддатли шарҳини баён қилишдан қалам ожиз, унинг қийинчилиги васфини тасвирлашдан қалам тили заифдир.

Оқибатда ғалаба ва зафар мақтовга лойиқ Соҳибқиронга насиб бўлди. Муҳолифлар мағлуб ва тумтарақай бўлиб, бу вазият ва аҳвол кетидан, Ҳойфунга² кетган амирлар ва лашкар етиб келдилар ва жўнаш жilовини Қамариддинни қувишга қаратдилар. Бу ҳад-ҳудудсиз бепоён саҳрода ҳалок бўлганлардан тепалик ясаб, эл-улусини ундан ўтказиб, Ўзганд томон юбордилар. Қамариддин, Сори Буғо ва Одилшоҳ эса Саккиз Ёғочда² яна учрашдилар ва одам тўпламоқчи бўлган эдиларки, Амир Темур Гурагон ўз вақтида уларга етиб келди

¹ *Отбоши* — мавзе номи, ҳозирги Қирғизистоннинг жанубида, Фарғона водийсининг шарқида.

² *Ҳойфун* — Эрон босмасида «Ҳайфун» деб кўрсатилган; Норин дарёсининг жанубий ирмоғи. Тошкент қўлёзмасида эса «Ҳонфун».

² *Саккиз Ёғоч* — мавзе номи.



ва уларни тарқатиб юборди. Уч Қора Баҳодир эса Қамариддин орқасидан қувиб келиб, то иккаласи ёлғиз қолмагунча унинг кетидан қолмади. Қамариддин жilовини буриб, Уч Қоранинг отига ўқ узган эди, от йиқилди. Уч Қора бўлса қалқонни бошига пана қилиб, қўлига қилич олиб, у томон юрди. Қамариддин уни бундай ҳолда кўриб: «Мардоналик вазифаси шудирки, сен уни бажардинг. Мендек одамдан рози бўл ва орқага қайт, акс ҳолда менинг бармоғим зарбига қара», деди-да, ўқ отган эди, тошга бир қарич кирди. Уч Қора эса офарин, деб пиёда орқага қайтди ва бу воқеани сўзлаб берди.

Бу юришда Умаршайх ва Хитой Баҳодир Кошғарга бориб, ул ҳудудни Хизр Хожа Ўғлон ва Худойдоод мўғулдан тортиб олди. Ва Кошғарга асир олиб кетилган кишиларни Андижонга олиб келдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон жаҳонгашта от жilовини салтанат пойтахти сари бурган пайтда ғаддор замона айни камолга етганга зарб бериш учун шоҳона қудрат ва шон-шавкатли ходимлар чеҳрасига қайғу-ҳасрат ва мунг пардасини тортди.

Бу воқеанинг қисқача тафсили шундан иборатки, зафарёр Соҳибқирон Мўғулистон томон юриш қилган вақтда амирзода Жаҳонгирни Самарқандда ўз ўрнига тайин қилиб кетган эди. Шоҳона мавкаб узоқдалиқ пайтида амирзоданинг шоду хуррамликка мойил мижози мўътадил йўлдан беҳоллик томон оға бошлади ва касаллик голиб келиб, валабага тўла руҳ қуши жаннат боғи томон учди.

Амир Соҳибқирон йўл асносида турли паришон тушлар кўрди ва Самарқандга етиб келгач, воқеа тафсилотлари ойдинлашди. Виқорли ва қудратли подшоҳ бу мусибат азобидан ниҳоятда ҳазин ва ғамгин бўлди. Бир неча кун андуҳли қадаҳлардан аччиқ таъмли ичимликлар ичди, аза ва мотам либосини кийди ва охир-оқибатда тақдирга тан бериб, сабр-тоқат қилишга уринди.

Шаҳзоданинг руҳини шод қилиш мақсадида хайру эҳсон ва ионалар бердилар ҳамда унинг жасадини Шаҳрисабзга олиб боришга ва у ерда дафн этишга амр этдилар. Унинг шарафли қабри



устига олий иморат бино қилдилар. Амирзода Жаҳонгирнинг умри йигирма ёшда эди ва ундан икки ўғил ёдгор бўлиб қолди, бири – амирзода Муҳаммад Султон, бу Хонзодадан, иккинчиси – амирзода Пир Муҳаммад, бу Илос Ясурийнинг қизи Бахт Мулк Оғодан, бу бола амирзоданинг вафотидан қирқ кун кейин туғилди.

Амирзода Жаҳонгирнинг вафоти «Зафарнома»да ёзилишича, 777 йилда рўй берди¹. Бу ҳодиса содир бўлгандан сўнг Амир Сайфуддин молу мулк йиғишдан қўл силтаб, Ҳижоз² диёрига кетди.

Шу йили душманга нафратли Соҳибқирон қулоғига Одилшоҳ Жалойир кам сонли навкарлар билан Қарочуқ тоғида саргардон юрибди деган гап эшитилди. Ул ҳазрат Барот Хожа Кўкалдош ва Элчи Бугони ўн беш киши билан уёққа юборди ва улар бу ваҳший шикорни Оқсувда³ қўлга тушириб ўлдирдилар.

Одилшоҳ билан бирга муҳолифлик йўлига кирган Сори Буго икки йилдан кейин ақл ҳидояти ва раҳнамолигида хусравсифат фотиҳ даргоҳидан паноҳ топди ва ул Ҳазрат унинг айбларидан кечиб, унга жалойир эли сардорлигини бағишлади.

Бу воқеадан кейин улуғ ҳурматга сазовор Соҳибқирон яна Қамариддинни маҳв этиш учун йўлга тушиб, ўзининг куёви Муҳаммадбек ибн Амир Мусони Амир Аббос ва Оқ Темур Баҳодир билан манглай этиб тайинлади ва улар то Ойкўл⁴ мавзеигача бориб, Қамариддинга етиб олиб, уни мағлуб этдилар.

Амир Темур Гурагон бу юришда Қўчқор⁵ мавзеигача шошилиб борганда Дашти Қипчоқ подшоҳи Ўрусхондан шубҳаланиб

¹ Бу воқеа 1376 йил ёзининг охирида рўй берган.

² Ҳижоз – Арабистон яриморалининг ғарбидаги Макка, Мадина, Тоиф ва Хайбар сингари бир қанча энг катта шаҳарларни ўз ичига олган вилоят.

³ Оқсув – Чимкентдан 30 км шарқдаги мавзе, ҳозир «Белые воды» деган темир йўл бекати.

⁴ Ойкўл – аслида Бугам Ойкўл, Иссиқкўлдан ғарброқдаги жарлик, ҳозир русчасига «Бузамское ущелье» дейилади.

⁵ Қўчқор – Ойкўлдан жануброқда, у ердан Чу дарёсининг шу номли ирмоғи оқиб ўтади. Ҳозир у ерда қирғизларнинг Кочкорка деган шаҳарчаси жойлашган.



қочган Тўхтамишхон¹ бу манзилда олампаҳо даргоҳига мушарраф бўлди ва кўп иззату эҳтиром ва инъомлар кўрди.

Хисравсиёқли Соҳибқирон Қўчқор мавзеидан Самарқандга келаётиб, Сигноқ ва Саброн вилоятларини Тўхтамишхонга берди. Тўхтамишхон бу вилоятларда ўз байрогини тикиб, ҳукмрон бўлгандан кейин, Ўрусхоннинг ўғли Қутлуғ Буғо унинг устига қўшин тортди, улар ўртасида жанг бўлиб ўтди. Қутлуғ Буғо кеккайиш асносида ўқ еб, охиратга азимат қилишига қарамай, мағлублик Тўхтамишхонга насиб этди.

Тўхтамишхон яна кўкси қалқон Соҳибқирон олдига келди, у ҳазрат яна бир марта унинг подшоҳлик асбоб-анжомларини тартибга солиб, ўрнини тўлдириб, уни Сабронга жўнатди.

Тўхтамишхон яна Ўрусхон қўшинидан қочиб, қўлидан ярадор бўлди ва оёқларини қочиш водийсига қўйди ва якка ўзи Сайхун дарёси соҳилидаги қамишзорга кирди. Хас ва хашакдан кўрпа ва болиш қилди. Шу пайт Амир Идику Барлос

¹ Тўхтамишхон ёки Тўқтамиш Ўғлон — Оқ Ўрданинг ўзбек амири Жўчи авлоди Тўй Хожа Ўғлоннинг ўғли. 1227 йили Чингизхоннинг катта ўғли Жўчи вафотидан сўнг бунинг кичик ўғли Ботухон отасининг мулки бўлмиш Дашти Қипчоқ ва Шарқий Европани Жўчи улуси деб аталмиш мулкка бирлаштиради ва ўзига пойтахт қилиб Волга бўйидаги Саройни танлайди. Мўғулларнинг ўзи бу улусни кўпроқ Кўк Ўрда деб атаган. Лекин у билан бир вақтнинг ўзида Фарбий Сибирда ундан бир ёш катта бўлган акаси Ўрда—Оқ Ўрдага асос солади. Бу Ўрданинг пойтахти аввалига Фарбий Сибирдаги Тура шаҳрида бўлиб, кейинчалик Сирдарё бўйидаги Сигноққа кўчирилади. Аввалига хон фақат Кўк Ўрдада бўлиб, Оқ Ўрдани амирларгина бошқарарди. Лекин кейинчалик Оқ Ўрдада ҳам Жўчининг катта ўғли Ўрданинг авлодларидан хонлар бошқара бошлайди, Кўк Ўрда хони Ўзбекхон (1312—1342) даврида иккала Ўрда бирлаштирилиб, юксак кудратга эришади. Бу бирлашган ўрда Европада Олтин Ўрда номи билан машҳур бўлади. Ўзбекхон даврида унинг кўпроқ Жўчи уруғига мансуб бўлган сараланган навкарлари Оқ Ўрдада ҳам хизмат қилади. Улар бу ерда «ўзбекилар», яъни «Ўзбекхоннинг одамлари» деб танилади. Ўзбек этноними ана шуларга бориб тақалади. Кейинроқ улар тўғридан-тўғри «ўзбеклар» деб аталаверади. Тўхтамишнинг отаси Тўй Хожа Ўғлон ана шу ўзбеклардан бўлиб, Манғишлоқнинг амири эди. У қурултойда, Русияга юриш қилиш масаласи муҳокама қилинаётганда, акаси Ўрусхонни (1361—1377) қўлламайди, шу сабабли акаси уни ясоққа тортади, яъни қатл қилади. Бунга қасос сифатида Тўхтамиш Ўрусхоннинг ўғилларидан бирини, яъни амакиваччасини ўлдирди. Сўнг Ўрусхоннинг таъқибидан қочади, паноҳ ва ёрдам сўраб, 1376 йил ёзиде Амир Темурнинг ҳузурига келади.



фотиҳ Соҳибқирон фармони билан Сабронга келаётган эди. Бу қамишзорга етганида нола овозини эшитиб, уёқ-буёқни қидириб излаб, аҳвол нималигини тушунди. Шубҳасиз, Тўхтамишхоннинг кўнглини олиб, ўзи билан Самарқандга келтирди.

Хусравсифат олампаноҳ унинг салтанати анжомларини тартибга келтириб, янгилаб турган пайтда Ўрусхоннинг элчилари олампаноҳ даргоҳига келиб, хон номидан арз қилдиларки, «Тўхтамиш менинг ўғлимни ўлдирган ва у иқбол ошиён осто-насидан паноҳ топган. Уни бизга топширинг, акс ҳолда жанг майдонига юз тутинг».

Фотиҳ Соҳибқирон эса Тўхтамишни уларга топширишни рад қилиб, элчини қайтариб юборди. Ва катта қўшин билан Ўрусхон билан савалашини учун йўлга чиқди.

У Сайхун дарёсидан ўтган пайтда Ўтрор саҳроси музаффар сипоҳ чодирларига тўлиб кетди. Ўрусхон эса Жўчи улусининг барча сипоҳи билан Сигноққа келиб жойлашди. Ўшал аснода юлдуз сайри тез айланиб шуни тақозо қилдики, об-ҳаво фитнаси бир неча кун тинмай булутни қўзғаб, жуда кўп қор ва ёмғир ёғди. Натижада икки томон ботирлари урушишга мажоли келмай қолди. Шундан сўнг ҳазрат Соҳибқирон Ёруқ Темур, Хитойи Баҳодир ва Муҳаммад Султоншоҳни жасур сипоҳлардан ташкил этилган бир гуруҳ билан душман устига шабихун қилишга қарор қилди. Улар фармонга биноан беш юз киши билан жўнаб, ўша кечаси Ўрусхоннинг ўғли Темур Малик Ўғлон билан дуч келдилар ва жанг бошланди. Унинг уч минг сипоҳи бор эди. Бу жангда Ёруқ Темур ва Хитойи Баҳодир шаҳидлик шарбатини ичдилар.

Шундан сўнг Ўрусхон уруш ва қирғин майдонига қадам босмай қайтди. Фотиҳ Соҳибқирон ҳам хурсанд ва масрур Кеш шаҳрига кетди. Етти кун у ерда истиқомат қилиб, яна бир марта Дашти Қипчоққа ҳужум қилиш учун уёққа жўнади. Ўн беш кун йўл юриб, душанба куни эрталаб Жайрон Қамишда Ўрусхон эл-улусига етиб келди ва уларни форат қилиб қайтди. Шу воқеага яқин пайтларда Ўрусхон жонини Азроилга топ-

ширди ва унинг ўғли Тўқта Қия отаси ўрнига ўринбосар бўлиб, у ҳам ўша кунларда хон тахтидан кўра тобут тахтини афзал кўрди.

Жаҳонгир Соҳибқирон Тўхтамишхонга кўп қурол-аслаҳа бериб, Дашти Қипчоқ улуси подшоҳлигига жўнатди. Тўхтамиш белгиланган маконга етиб келгач, у ва Темур Малик Ўғлон ўртасида жанг бўлди. У яна бир марта мағлубиятга учради. Хусравсифат Соҳибқирон хайрлашиш вақтида унга бағишлаган Ҳанг Ўғлақ номли чавқар отга миниб, Самарқандга етиб келди.

Амир Темур Гурагон Тўхтамишхонни шу аҳволда кўриб, унинг аҳволини яхшилаш учун тайёргарлик кўриш ва яна қайтадан илтифот шуъласини дариф тутмади. Туман Темур Ўзбек, унинг ўғли Бахти Хожа, Ўзбек Темур, Фиёсиддин Тархон ва Янги Қавчинни унга ҳамроҳ қилиб Сифноққа жўнатди.

Илон йилига тўғри келадиган 778 йилнинг¹ охирида Тўхтамишни хонлик тахтига ўтқиздилар. Унда мўғуллар маросимига риоя қилдилар.

МИРЗО ШОҲРУХ ЮЛДУЗИНИНГ ЧИҚИШИ ЗИКРИ ВА ЎША КУНЛАРДА СОДИР БЎЛГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Илон йили ўрталарида² Аллоҳ инояти билан жаҳонгир Соҳибқироннинг Туроннинг кенг ҳудудида мурод оти жавлон урар ва кун сайин улғаяётган давлат душманларни қийин ва бадбахт аҳволда фарзиндек заифлаштириб, уларнинг ҳар бирини йўқлик хонасига етказар эди. Ой, юлдузлар эса ул даргоҳ бандалари кўнгли истагига биноан сайр қилар ва филранг фалак ул остона мулозимлари фармонига итоат этиш қоидаларини бажарар эдилар. Тожу тахтни зийнатловчи бахт дарахти яна мурод мевасини берди. У боғнинг сершоҳ ва мевадор ҳаёт чаманида ҳамма нарса бошқатдан яна гул-гул очилди.

¹ 778 йил – 1376 йил 21 майдан 1377 йил 10 майгача бўлган оралик.

² Яъни, 778 йил ўртаси – 1376 йил ноябрининг ўртаси.



Байт:

Бахт-иқбол хужжатни бергани боис:
Осмон тухфа қилди номдор бир ворис.

Яъни, шоҳи хусрави олиймакон муъин ас-салтана вад-дунё вад-дин¹ Шоҳрух Султоннинг илк шуъласи-нури 779 йил рабиулохирнинг ўн тўртинчи пайшанба куни² туғилиши уфқни нурафшон этди. Мақтовга лойиқ хислатли Соҳибқироннинг бахтиёр кўзи ул шоҳона «қурратул-айн»ни³ кўришдан янада равшанлашди ва бу башорат фалак гумбази узра таралиб, юқори олам малаклари қулоғига ҳам етди ва бу таваллуднинг саодатли овозаси бутун дунёга тарқалиб, жаҳон аҳлини шоду хуррам айлади.

Байт:

Саховат кўкининг гавҳари порлаб,
Эрам бўстонидай жон кетди яйраб.

Худди шу йили Тўхтамишхоннинг саодатли юлдузи ўзининг камол авжига етиб, жаҳон Соҳибқирони фармони билан Сифноқдан⁴ Дашти Қипчоққа қўшин тортди ва Темур Маликхон устидан ғолиб бўлиб, Жўчихон улусида фармони ўтадиган подшоҳ бўлди ҳамда шу йили Амир Сайфуддин Ҳижоз сафаридан қайтиб, Каъба мисол муқаддас ва бахтиёр давлат остонасини ўпиш шарафига муяссар бўлди ҳамда Эрон мамлакатлари вазияти ва шарофати ҳақида билган маълумотларини баён этди.

Шу йили беназир Соҳибқирон Амир Мусонинг қизи маҳди улё Туман Оғони ўз никоҳига олди ва Самарқанднинг ғарб томонида у бека учун «Боғи Беҳишт» саройини обод ва мукамал қилди.

¹ Муъин ас-салтана вад-дунё вад-дин — салтанат, дин ва дунё кўмакчиси.

² 779 йил ўн тўртинчи рабиулохир — 1377 йил 20 август.

³ Қурратул-айн — кўз қорачиғи.

⁴ Сифноқ — Сирдарёнинг ўрта оқимида, ҳозирги Туманариқдан 18 км жануби-шарқдаги мавзе.





ЮСУФ СЎФИЙ ҚЎНҒИРОТНИНГ МУХОЛИФЛИГИ ВА ИСЁНИ ҲАМДА ХОРАЗМНИНГ ТОЛЕИ БАЛАНД СОҲИБҚИРОН ТАСАРРУФИГА КИРИШИ ЗИКРИ



Ша қипда жаҳонгир Соҳибқирон Туркистонга бориб, Ўрусхон сипоҳи қаршисида турган пайтда Юсуф Сўфий Бухорога қўшин юбориб, ул ноҳияни талади. Амир Темур Гурагон бу ҳаракатнинг олдини олиш учун Хоразмга элчи жўнатди.

Юсуф Сўфий чопарни банди этди. У ҳазрат бўлса ўпкагиналик хат ёзиб, чопар орқали у томон равона қилди. У бечора ҳам занжирбанд этилди.

Шунинг учун бахтиёр Соҳибқирон қўй йилининг биринчи кунига мувофиқ келган 780 йилнинг шаввол ойида¹ шижоатда тенгсиз сипоҳ билан Хоразм сари юзланди. Қиёматасар қўшини Юсуф Сўфий пойтахти яқинига етиб келганидан сўнг қулоқни қоматга келтирадиган шовқин-сурон кўтариб, карнай садоси остида теварак-атрофда уруш бошлади.

Хоразм халқи ҳам олишишга шай бўлиб, ҳар куни эрталабдан то шомгача зафарга эришувчи қўшин мудофаасига ҳаракат қиларди ҳамда улар ҳар лаҳзада ичкари ва ташқарида ўлимнинг аччиқ таъми жомини ичардилар.

Шу аснода Юсуф Сўфий Амир Темур Гурагон ҳузурига мактуб жўнатди, шу мазмундаким, халқ икки киши туфайли қачонгача азобда бўлиб, жанг майдонида талаф бўлади, яхшиси биз иккимиз мардлар майдонига қадам қўйиб:

Назм:

Кўрайлик-чи, шошқалоқ осмон
Кимга бугун булар меҳрибон.
Ўйинқароқ, фалак дастидан
Бахт кимни дер, юз бурар кимдан?

Амир Темур Гурагон қўнглига бу илтимос жуда ёқиб тушди ва мукамал қуролланиб, фалакмонанд уловига миниб, олишув

¹ 780 йил шаввол ойи – 1379 йил 21 январь – 19 февраль оралиғи.



майдонига юзланди. Амир ва нўёнлар тиз чўкиб, ул ҳазратни бу йўлдан қайтармоқчи бўлсалар-да, уларнинг сўзларига илтифот қилмади. Худди танаси осмон фазосига шошилаётган хуршид жамшидидек ёлғиз хандақ яқинига от суриб, овоз берди: «Юсуф Сўфийга айтинг, биз унинг илтимосига кўра майдонга чиқдик, ўз сўзига вафо қилиб, бироз бир-биримиз билан бахтимизни синашиш учун бу қалъадан ташқарига чиқса маъқул бўларди».

Юсуф Сўфий эса Амир Темурнинг жасоратидан кўрқиб, айтган сўздан пушаймон бўлиб, нафасини ичига ютди. Соҳибқирон бўлса фахр билан яна овоз берди: «Кимки ўз сўзига вафо қилмаса, унга тирикликдан кўра ўлим афзалдир!»

Юсуф Сўфийга жонни сақлаш ор-номусдан кўра афзал кўринди, чунки бунга ўхшаш сўзларни қанча эшитса ҳам, жавобга лаб очмади. Амир Темур Гурагон Аллоҳ лутфи билан фахру ифтихор туйғусига тўлиб, зафарли қўшин ўрдусига қайтиб келди.

Алқисса, Хоразм қамали уч ою ўн олти кунга чўзилди ва ўша кунларда оғир жанглар бўлиб ўтди ҳамда аксар олишувларда улуғ насабли Соҳибқирон сипоҳига зафар ва ғолиблик насиб этди. Ана шу аснода Юсуф Сўфийнинг руҳий ҳолатида жиддий ўзгаришлар юз бериб, унинг мижози саломатлик йўлидан четга чиқди ва ҳалокатли касал тўсатдан унга хуруж қилиб, у охират оламига кетди.

Шунинг учун хоразмликларнинг руҳи тушди ва зафарли қўшин шиддат билан шаҳарга юз буриб, жиддий урушга киришди: теварак-атрофдан бостириб кириб, бу шаҳар деворини худди тароқ тишидек ўйиб ташлади. Улар ғалаба ва қаҳр билан ҳаракат қилиб, шаҳарга кириб, қатлу ғорат қилишга киришдилар ва кимни кўрсалар ўлдирдилар, нима топсалар олиб кетдилар, аммо саййидлар, уламолар, донишмандлар, муллолар ва ҳунармандларни Самарқандга кўчирдилар, ёмонларга нисбатан эса ҳурматсизлик кўрсатдилар. Бу машҳур ғалаба қўй йилига мувофиқ келган 781 йилда¹ содир бўлди. Жасоратли Соҳибқирон Хоразмни вайрон этгач, от жиловини Мовароуннаҳр томон бур-

¹ Воқеа мелодий 1379 йил июнида юз берган.

ди, давлат пойтахтига қайтиб келиб саодатли тахтга ўтиргандан сўнг, Кеш шаҳри қўрғонини бино қилиб, шу йўсинда Оқсарой номли қўл чўзиб етиб бўлмайдиган қасрни бино қилди.

ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ТУРОНДАН ЭРОНГА ҚЎШИН ТОРТИШИ БАЁНИ ВА САОДАТЛИ ОШИЁН ОСТОНАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХУРОСОН ВИЛОЯТИ УСТИДАН ИСТИЛОСИ ЗАКРИ

Улкан қарам соҳиби Соҳибқирон олийжаноблик камоли нуқтаи назаридан ҳомийлигидаги султонлик маъносини мулоҳаза қилиб, ҳеч бир кишининг салтанатни бошқаришда у билан иштирок этишини истамас эди. Шубҳасиз доим илҳом билан баён этар эдики, инсонлар истиқомат қиладиган майдон унчалик кенг эмаски, унда икки подшоҳ бўлса:

Байт:

Жаҳонга ёқади битта ҳукмдор,
Хотинга икки эр ярашмас зинҳор.

Шунинг учун ул ғалабакор подшоҳ Чигатой мамлакати ва Жўчихон улусининг барчаси забтидан қўли бўшагач, Эрон мамлакатларини эгаллашни мўлжаллаб, уни олийҳиммат эҳтиёжига айлантирди ва 782 йилнинг тир ойида¹ ўн тўрт ёшли амирзода Мироншоҳни қўлига мартабали амирлар ва зафарёр сипоҳлардан иборат элик қўшин билан Хуросон томонга кузатди. Омадди амирзода донгдор мулозимлар билан Амуя дарёсидан ўтиб, қишни Балх ва Шибирғон ҳудудида хуш кўнгилик ва шоду хуррамликда ўтказди. Қиш фасли охирига етгач, Парвардигорнинг фазли туфайли адолатпарвар султон бепоян замин фазоси баҳорини ям-яшил райҳонлар сипоҳининг жавлонгоҳига айлантирди. Музаффар Соҳибқирон жасур табиатли қўшин билан

¹ Мелодий 1380 йил кузида.

Байт:

Жайхун дарёсидан ўтдилар осон,
Зўр босқин остида қолди Хуросон.

Ва Хурд Малик Хусайн Картнинг ўғли Малик Муҳаммад Сарахсдан¹ келиб, худди саодатли ва толедек ҳашаматли ва даб-дабали остонага шошилди ҳамда бўсаға ўпиш бахтига муяссар бўлиб, илтифот ва иноятга эришди. Аммо Малик Фиёсиддин Пир Али ул ҳазрат билан яқдил эмас эди, қудачилик яқинлигини инobatга олмасди. Амир Муаййид ва Мансур эса Нишопур қўшини Маликка қўшилмаслигини мулоҳаза қилиб, Мурғоб дарёсидан² ўтгандан кейин жаҳонгашта от жilовини Кусуя³ шаҳарчасига бурди ва мазкур йил зулҳижжа ойининг⁴ бошларида ул мавзегга етиб борди. У ернинг ҳокими Маҳди номли киши эди. У Соҳибқирон сипоҳлари олдига чиқиб, ҳашаматли даргоҳнинг бошқа ходимлари қаторидан ўрин эгаллади. Бу вилоят ва Аллоҳ бандаларининг ноиби Кусуядан Тойободга⁵ бориб, имон-эътиқод сарвари мавлоно Зайниддин Абу Бакр, қадаса сирриҳу билан учрашиш шарафига эришди.

Шундан кейин Фушанж⁶ томон қараб от солди ва ғалабакор лашкар зулҳижжа ойининг ўрталарида⁷ ул шаҳарнинг қалъасини қуршовга олди. Фушанжликлар олишиш ва қирғинга қадам қўйиб олдинга юрдилар ва бир ҳафта мардона урушдилар, шундан сўнг қалъа забт этилиб ер билан бир текис бўлди.

Назм:

Экинзорни урди жала билан дўл,
Унда ҳеч қолмади: на тикан, на гул.
Фано ели элтди ёшу қарини,
Нодон улуғларнинг кўринг, касрини.

¹ Сарахс — ҳозирги Эрон ва Туркманистон ҳудудидаги шаҳар.

² Мурғоб дарёси — ҳозирги Туркманистоннинг жануби-шарқидаги дарё.

³ Кусуя — Ҳиротдан 150–200 км ча жануби-ғарбдаги шаҳарча.

⁴ 1381 йил февраль ойи охири ва март ойлари.

⁵ Тойобод — ҳозирги Эрон ҳудудида, Афғонистон чегараси яқинидаги Тойобод қишлоғи.

⁶ Фушанж ёки Бушанж — Ҳиротдан 60 км ғарбдаги ўрта аср шаҳри. Унинг асл форсча номи Пушанг.

⁷ 782 йил зулҳижжа ойи ўртаси — 1381 йил 12 март.



Зафарёр туғли байроқ Ҳирот яқинларида ҳилпираб, музаффар қўшин шаҳарнинг мудофаа иншоотларини қуршаб олиб қамал ҳамда муҳорабага киришди.

Малик Гиёсиддин Пир Али сипоҳ ва халқнинг кўп сонлигига қаттиқ ишониб деяр эди: «Барча тирик зот аёл ва болалар муҳофазаси учун мўғуллар билан бўладиган урушга тайёр турсин».

Нодир хислатли Соҳибқирон дарҳол Мансурнинг кўнгиллиларидан иборат қўшинга шаҳар ташқарисидаги ҳимоя иншоотларини ташлаб, шаҳар бўйлаб хандақ ковлашга ва девор қуришга фармон берди. Икки томондан ҳам уч-тўрт кун жанг майдонига қадам қўйиб, сабот ва матонат байроғини баланд кўтардилар. Оқибатда ғалаба ҳадисини олган сипоҳ Маликнинг халқини мағлубиятга учратиб, паҳлавонлар сирасидаги кишилардан бир гуруҳи Марғани кўшки яқинидаги Инжил¹ дарёсининг шаҳарга кирадиган ўтиш жойида жиддий жасорат кўрсатиб, олдинга ташландилар.

Малик Гиёсиддин ўша куни Инжил кўприги устидаги дарвоза тепасига чиқиб мардонавор ҳаракатлар қилди, аммо улардан бирон фойда чиқмади. Аввал Халил Ясавул олдинга чиқиб, баронғор ва жавонғор² амирлари бирваракайига ҳамла қилдилар ҳамда ҳимматнинг Рахш³ отини тезлатиб, айна олишув пайтида ўзини ҳимоя иншоотлари томон урди. От, хачир минган мухолифлар ишини эса ўз кўнглидагидек амалга оширди.

Малик Гиёсиддин вазиятни бу аҳволда мушоҳада қилиб, жанговар ғалаба сипоҳларидан қўрқиб, шаҳарга қараб қочди. Таҳминан девсифат ғурийлардан икки мингтаси асирлик чангалига гирифтор бўлдилар. Фотиҳ Соҳибқирон уларнинг қонидан ўтди ва ҳаммасини кийинтириб, қайтишга рухсат бериб айтди: «Шаҳар халқига айтинг, раиятнинг ҳар қайсиси от-улов миниш-

¹ Инжил — Ҳирот шаҳридан оқиб ўтадиган дарё.

² Эронда босилган нусхада «жавонғор» сўзи тушиб қолган, аммо Тошкент кўлёзмасида бор.

³ Рахш — Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги қаҳрамон Рустамнинг Рахш номли отига ишора.



га рағбат кўрсатмаса, яъни уруш қилмаса аҳли-аёли омонликда бўлур».

Бинобарин, бундан кейин раият уй бурчакларига ўтириб олиб, бошқа урушиш иштиёқида ташқарига чиқмади. Малик эса қаршилиқ кўрсатишдан ожиз бўлиб, сафар тараддудини кўрабошлади ва сулҳ тузиш режасини ҳозирлаб, Малик Гиёсиддин Пир Али ўзининг опаси – Султон Хотунни (у Тоғай Темурхоннинг қизи эди) кичик ўғли Пир Муҳаммад ва Афросиёб Жалоийнинг ўғли Искандар Шайхий билан Амир Темур Гурагоннинг ҳузурига жўнатди.

Мақтовга лойиқ хислатли Соҳибқирон Султон Хотун ва маликзодани меҳр-муҳаббат билан ўз томонига ийдириб, гўзал ва қаддига мос чопон кийгизиб, буюрдилар: «Маликка айтинг, хилоф ишлар эшигини ёпиб, шаҳардан ташқарига чиқсин. Агар олишиш ва курашишни қаттиқ туриб талаб қилса, шаҳар жанг билан фатҳ этилиб, раият мол-мулки ва жонидан маҳрум этилади. Бу ножўя қилиқлар ва гуноҳлар Маликнинг гарданига тушади».

Ва уларга қайтишга ижозат бериб, Искандар Шайхийни олиб қолди ва ундан ҳиротликларнинг ҳақиқий аҳволини маълум қилиб, сўнг Боғи Зоғон¹ кўшкига ташриф буюрди.

Малик Гиёсиддин Пир Али 783 йил муҳаррам ойида² шаҳардан ташқарига чиқиб, остона ўпиш шарафи билан сийланди. Амир Темур Гурагон эса Маликка илтифот ва марҳаматлик кўрсатиб, уни бир бош кийим ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар билан сийлаб, унинг кўнглини кўтарди.

Бошқа куни бул жаннатнамо вилоятнинг саййид, қози, улур аъёнлари саодатли мулозаматга етишдилар. Жаҳонгир Соҳибқирон Боғи Зоғондан Кўхистон яйловига шошилди ва бир неча кун у ерда тўхтаб, шаҳарнинг ички ва ташқи деворларини бузишга, Карт³ султонлари хазинаси ва дафинасини⁴ кўчиришга фар-

¹ Боғи Зоғон – Ҳирот шаҳри ташқарисидаги қасрлардан бири.

² 783 йил муҳаррам ойи – 1381 йил 28 мартдан то 27 апрелгача бўлган оралиқ.

³ Карт – Ҳирот ва унинг атрофларида ҳукм сурган сулола номи.

⁴ Дафина – ерга кўмилган қимматли бойлик.



мон берди. Унинг фармониға биноан Карт сулоласи подшоҳлари лақаблари ўйиб ёзилган темир дарвозаларни араваларға ортиб Шаҳрисабзға келтирдилар ва у ерға ўрнатдилар.

Мавлоно Низомиддиннинг ўғли мавлоно Қутбиддинни икки юз муътабар улуғлар билан бирға Кеш вилоятиға кўчирдилар. Жаҳонгир Соҳибқироннинг Ҳирот дориссалтанати ишларидан хотири фароғат топғач, жаҳонгашта от жиловини Нишопур ва Сабзавор тарафға бурди. Нишопур ноҳиясида Абу Муслим Марвазий мазорини зиёрат қилди. Абивард ва у ҳудуднинг ҳокими Алибек Жони Қурбоний ва Хожа Али Муаййид сарбадор Сабзаворий ул бахт-саодатли осмон юлдузи мулозимати шарафига етишишди ва шоҳона лутфу қарамларға сазовор бўлишди. Мансур раиятлари Нишопурдан Исфарионга¹ келиб, ғалабақор аскарлар етиб келган соатда ул ҳудуд қалъасини Амир Вали гушталаридан тортиб олдилар, жамоанинг кўпчилигини қатл этиб, қалъа-қўрғонларини миноралари билан текислаб ташладилар.

Шунда зафарпаноҳ подшоҳ Амир Вали олдиға элчи жўнатиб, иноят ва илтифотға муяссар бўлиши учун шон-шавкатли даргоҳға келишини, акс ҳолда ранжу азоб ва ғам-андуҳ эшиқлари унинг учун очилиб кетажағи ҳақида хабар берди. Амир Вали элчини таъзим ва ҳурмат-эҳтиром билан кутиб, давлатпаноҳ мулозиматиға сазовор бўлишға ваъда берди.

Амир Темур Гурагон Исфариондан Ўғолчоту яйловига² бориб, от ва хачирларға дам бериш учун бир неча кун у ерда турди ҳамда Хуросон ҳукмдорларига ижозат бериб, муродига етган бахтиёр ҳолда Мовароуннаҳр томон жўнади. Ўша қишда у Занжир Саройда бахт-саодат ва толе ёр бўлиб қишлади.

Шу аснода замон беқарорлигини Соҳибқирон давлати таровати ва ул жаҳонгир осмон юлдузи мамлақати гулшани шуқуҳидан рашк илдизи ҳаракатға келди ва ғам-андуҳ чангини бахтиёр подшоҳ аҳволи узра сочди. Ул ҳазратнинг қизи — кўзининг оқу-

¹ *Исфарион* — Эроннинг шимоли-ғарбида, Нишопур ва Гургон оралиғида жойлашган шаҳарнинг ўрта асрлардаги номи.

² *Ўғолчоту яйлови* — Хуросонда Исфарион яқинидаги яйлов.



қораси Ока Беги¹ вафот этди. Ока Беги Муҳаммадбек ибн Амир Мусо никоҳида яшарди. Сийратининг гўзаллиги ва қиёфасининг чиройлилиги жиҳатидан олий насабли Соҳибқирон авлодининг энг азизи эди. Ундан Султон Ҳусайн исми бир ўғил қолди.

Хулоса, саодатли Соҳибқирон бул билқиссифат аёлдан жудо бўлганлигидан ниҳоятда маъюслашди. Бир неча кун таъзия маросимларини бажо келтириб, маҳди улё руҳига таскин бериш учун мискину фақирларга садақалар улашди.

ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА ХУРОСОН МАМЛАКАТИГА ҚЎШИН ТОРТИШИ БАЁНИ

Ушша қишда Бухоронинг Занжир Саройи² зафарёр Соҳибқироннинг муваққат тўхташи шарофати ва порлашидан фазо гумбази жаҳду жадал суръатда ложувард тусга кирганда, Хожа Али Муаййид олдидан чопар келиб, жасур ҳукмронга Алибек Жони Қурбоний ва Амир Вали ўзаро иттифоқ тузиб, Сабзаворга қасд қилаётгани хабарини етказди. Бинобарин, ҳазрат Соҳибқирон ўша қишнинг охирида, яъни 784 йил шаҳривар ойининг бошида³ ғалабакор байроғини кўтариб, Хуросон томонга юриш учун отланиб, ҳиммат белбоғини маҳкам боғлади.

У Жайхундан ўтиши билан Мозандаронга юриш ҳақида овоза тарқатди, аммо тўсатдан Алибек гузнинг қароргоҳи Калот қалъаси атрофига босиб борди. Жони Қурбоний улусининг чорваларини буткул ғорат қилиб, ғолиб қўшин Калот девори

¹ Ока Беги – Соҳибқирон қизини эркалатиб шундай атаган, унинг асл исми Тоғайшоҳ эди.

² Муаллиф янглишяпти, Занжир Сарой Қашқадарёда, унинг Бухорога алоқаси йўқ.

³ 784 йил шаҳривар ойи – мелодий 1382 йил, шаҳривар – Эроннинг шамсий йилининг олтинчи ойи бўлиб, 23 август – 22 сентябрга тўғри келади. Одатда, бирор сана ҳижрий йилда эрон ойлари билан келтирилмайди. Лекин Яздий «Зафарнома»сига кўра Амир Темур бу юришга 784 йил қишнинг ўртасида (матнда эса охирида) чиқди дейилган. Демак, сана август-сентябрь эмас, январь-февралга тўғри келиши керак. Демак, хаттот хато қилиб, «шаҳривор» деган.

теварак-атрофини жуда кенг бўлишига қарамай, қимматбаҳо кўз қўйилган узукдек қуршаб олди ва бир неча кун жиддий олишувлар юз берди. Зафар ва ғалаба келини ўз жамолини кўрсатишга яқинлашаётган пайтда Алибек ожизлиги ҳақида мажбуран сўз очди. Фотиҳ Соҳибқирон эса аҳду паймон асосида унинг хавфсизлигига кафиллик берди. У қалъадан ташқарига чиқиб, остона ўпиш шарафига эришди. Шоҳона афвга муяссар бўлгач, қўрғонга қайтиб, ўзининг асбоб-анжомларини бусбутун қилиб, бошқа куни хизматга келиши учун рухсат сўради ҳамда Мозандаронга юришида мулозаматда бўлишини айтди. Ҳазрат Соҳибқирон уни ижозат шарафига муяссар айлади. Алибек қалъага қайтиб бориб, Зафарёр лашкар бузиб ташлаган мавзеларни таъмирлади ва яна муҳолифлик шиорини зоҳир қилди.

Амир Темур Гурагон эса Калот дарвозаси рўпарасида турган Қаҳқаҳа қалъасини таъмирлаб, Ҳожи Хожани ул қалъага кутвол¹ этиб тайинлади ва йўлларни эгаллаб, ҳеч бир жонзотнинг Калотга кириб-чиқишига йўл қўймаслиги учун Амир Муаййид Арлотнинг ўғли амирзода Алини Шайх Али Баҳодир билан биргаликда шу қалъада қолдирди. Шундан кейин зафарпаноҳ байроқлар кўтарилиб олишув ва урушга жазм қилиб, Туршиз сари юзланди ва ул қалъани у ерда ҳоким бўлган Малик Фиёсиддин Пир Али номидан бошқараётган Амир Али Садидий Гурийдан сулҳ йўли билан олиб, ул қалъаларни муҳофаза қилиб туриш учун у ернинг баҳодирларини инъом ва эҳсон сифатида Туркистонга кўчирди.

Шу аҳвол жараёнида Форсдан² Шоҳ Шужонинг³ элчиси унинг ўлими олдидан ёзган ва ўз авлодига топшириқлари ёзилган мактубини келтирди. Ул ҳазрат бу мактуб жавобига ояти каримага амал қилиб, музаффарийлар хонадонидан нафис каримани

¹ Кутвол — қалъабегии.

² Форс — Эроннинг жанубидаги вилоят, маркази Шероз шаҳри.

³ Шоҳ Шужо — Эрон жанубидаги Форс вилоятининг музаффарийлар сулоласи ҳокими.



амирзода Пир Муҳаммад ибн амирзода Умаршайхга¹ унаштиришга сўради ва Ҳожи Хожани мазкур муҳим ишни битириш учун элчи ҳамроҳлигида Шерозга жўнатди.

Соҳибқирон Туршиз ишларидан хотиржам бўлгач, жўнаш байроғини Мозандарон² томонга тикди ва Руғд³ йўлидан Кабуд Жома⁴ ва Шосмонга⁵ кирди. Амир Вали бўлса ул ҳазратга қаршилиқ кўрсатишга қурби етмаслигига кўзи етиб, мажбуран гапга чечан элчи ҳамроҳлигида совға-салом ва табрикларни саодатли ошиён оstonасига жўнатиб, омонлик тилади. Ҳазрат Соҳибқирон унинг хоҳишини қабул қилди.

Агар бу сафар уни мулозиматликдан озод этиб, зафарёр байроғини қайтишга кўтарса, унинг кейинидан ул оstonани ўпишга шошилиб, қолган умрини Соҳибқироннинг шоҳона қасрида хизматда ўтказишини маълум қилди. Ул ҳазрат бу илтимосни қабул қилиб, Шумулқон ва Жармиғон⁶ йўли орқали Родкон⁷ водийсига йўл олди. Шул мавзеда Шайх Али Баҳодир⁸ тезда Алибек Жони Қурбонийни ҳазрат Соҳибқирон мулозиматига келтирди.

Бу воқеанинг баёни шундайки, Шайх Али Баҳодир ўша пайтда Қаҳқаҳа қалъасида ўтирган эди. Бир кечаси ўзини ҳийланайранг билан Калот қалъасига киришини хаёл қилди. Пиёда қўшин навкарларининг бир гуруҳи билан баланд тоққа чиқди ва йўл бошловчи йўлни адаштиргач, жаноб шижоатпаноҳ мушкул ва қийин ҳолатга тушди. Эртаси куни Жони Қурбоний ботирлари хабар топиб, Шайх Баҳодир устига ташландилар ва уни қўлга

¹ Бу ерда муаллиф янглишяпти, Амир Темур Шоҳ Шужонинг қизини Мирзо Умаршайхнинг ўғли Пир Муҳаммадга эмас, марҳум энг катта ўғли Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пир Муҳаммадга сўраган (Яздий, «Зафарнома», 96-бет).

² Мозандарон – Эроннинг Каспий денгизи жанубидаги ўлкаси.

³ Руғд – Мозандарон шарқидаги мавзе.

⁴ Кабуд Жома – Мозандарондаги мавзе.

⁵ Шосмон – бу ҳам Мозандарондаги кичик мавзе.

⁶ Шумулқон ва Жармиғон – Хуросоннинг шимолидаги жойлар, улар ҳозир сақланмаган.

⁷ Родкон – Хуросондаги ўрта аср шаҳри, Нишопурдан 50 км шимолда ва Калотдан 60 км ғарбда булган.

⁸ Шайх Али Баҳодир – Соҳибқироннинг амирларидан бири.



олиб, Алибекнинг олдига олиб бордилар. Амир Алибек эса Шайх Али Баҳодирга нисбатан барча иззат-эҳтиромни кўрсатиб, ўзига яқин жойда унга ҳашаматли чодир ўрнатди ҳамда шоҳона зиёфат уюштириб, «Музаффар байроқли Соҳибқирондан менинг қонимни кечишни сўрайсан», деб тавбага сўз очди. Амир Шайх Али бунга кўнди ва Родкон мавзеи Амир Темур Гурагоннинг қароргоҳи қилиб белгилангач, Амир Шайх Али унинг мулозиматига шошилиб борди ва Алибек ҳамда унинг қўл остидаги фуқароларнинг мажбурий ҳолатини ул ҳазрат арзига етказди. Ва уларнинг гуноҳини афв этишни сўради. Соҳибқирон охириги марта Жони Қурбонийнинг кечирса бўладиган гуноҳларини кечирди. Амир Алибек хизматга шошилди ва аввалгидан ҳам кўпроқ иззат ва эҳтиром топди, аммо қатъий буйруққа бўйсундириб, унинг таъсирида уни Жони Қурбонийнинг барча эл-улуси билан Самарқандга кўчирдилар ва ўзи Мовароуннаҳрга юзланиб, Малик Фиёсиддин Пир Алини авлоди билан бирга олиб кетди. Амир эса Темур Амирканинг ўғлини Ҳирот доругаси этиб таъинлади.

Саодатли Соҳибқирон салтанат пойтахти Самарқандга етиб келиши билан Алибек, Малик Фиёсиддин Пир Алининг ўғли Амир Фурий ва Малик Муҳаммаднинг акасини тутиб олиб, Андигонга жўнатди ва бошқа Жони Қурбонийларни Тошкентга жўнатди. Малик Фиёсиддин Пир Алини катта ўғли Малик Пир Муҳаммад билан Самарқанд аркида маҳбус этди. Ўша айёмда бутун олам яратувчиси иродаси билан шонли Ҳирот вилоятида мудҳиш воқеа юз берди. Тақдир тақозосига кўра, Аллоҳ таоло ул диёр ватандошларига ташвиш ва мушкулотлар эшигини очди. Воқеа шундан иборатки, Малик Фахриддин Муҳаммад ва Амир Муқаллаблар Малик Ҳусайн ва Малик Фиёсиддин Пир Али давлати даврида ниҳоят даражада қийинчиликда ҳаёт кечирардилар.

Улар Ҳирот фатҳ этилгач, яхши хислатли Соҳибқирон олдига борган эди, ул ҳазрат Фур ҳукуматини Малик Муҳаммадга топширди ва қарийб ўн йил Фиёсиддин Пир Алининг зиндониде бўлган Абу Сайид Сипаҳбад билан иттифоқ бўлиб, у икки



фитначилар мусулмонларнинг жон-молига қасд қила бошладилар. Илм аҳли ва донишмандлар чекка-чеккаларга яшириндилар, баъзи мўғуллар эса Ихтиёриддин қалъасидан¹ паноҳ топдилар.

Ўша аснода Амирка доруға вафот этди, шунинг учун Ҳирот оқсоқолсиз уйга, сардорсиз кемага ўхшаб қолди. Шайтонлар жинси боши берк кўчадан ташқарига чиқиб, палид ва разил кишилар фозилларни истило этдилар. Али Асад Ферузободий бир қанча исёнчилар тўдаси билан бир неча қучоқ ўтинни Ихтиёриддин қалъаси девори олдига келтириб, ўт қўйдилар. Мўғуллар² нажот топиш умидида қалъани ташлаб, ўзларини юқоридан пастга ташлай бошладилар ва бераҳм ғурийлар ҳаммани шаҳид қилдилар. Бу хабар Мурғоб дарёси бўйида турган Амир Мироншоҳга етиб келгач, унинг ғазаб оташи аланга олиб, Амир Ҳожи Сайфуддин ва Амир Оқ Бугони зафарёр сипоҳнинг бир гуруҳи билан манглай тарзида Ҳиротга равона қилди. Ўзи ҳам уларнинг орқасидан шу томонга равона бўлди. Ғурийлар то кўча-хиёбон бошларига-ча чиқиб, манглай амирларини қарши олиб, қирғин майдонига оёқ босдилар. Мағлуб ва ер билан яксон бўлиб, шаҳарга қочиб кирдилар.

Ўша кечаси улар бир-биридан ажрашиб, тумтарақай бўлиб ҳар томон сочилиб кетдилар. Шу ҳолатда амирзода Мироншоҳ ҳам етиб келиб, қиёматасар сипоҳ қасос филофидан жазо қиличларини чиқардилар. Жиноий гуруҳларнинг кўпчилиги қатл этилди, ҳалок бўлганлар бошидан баланд миноралар бино этилди. Бу воқеалардан кейин амирзода Мироншоҳ жаҳонгир Соҳибқирон ҳузурига келган эди, итоат этиш лозим бўлган ёрлиқ содир бўлиб, унга биноан Малик Фиёсиддин Пир Али ва укаси Малик Муҳаммад, кичик ўғли Амир Ғурий ва Алибек Жони Қурбонийлар қатл этилдилар.

Ўша йили тўнғуз йили эди, саодатманд Соҳибқироннинг муҳтарам ҳарамидилар Дилшод Оғо ва ул ҳазратнинг опаси Қутлуғ Туркон Оғо ўткинчи дунёдан бақо оламига уландилар.

¹ Ихтиёриддин қалъаси – Ҳирот шаҳридаги қалъа-қўрғон номи.

² Яздий «Зафарнома»сида шу ерда «турклар» дейилган (қаранг: 97-бет).

**ЖАҲОНГИР СОҲИБҚИРОННИНГ ЯНА БИР
МАРТА ЭРОН ТОМОН ЛАШКАР
ТОРТИШИ ҲАМДА ИСФИЗОР¹, СЕЙИСТОН²,
ГАРМСИР³ ВА ҚАНДАҲОРНИНГ⁴
ФАТҲ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ**

*А*мир Темур Гурагон 785 йилнинг кузида ғурийлар жасорати хабарини эшитиб, уларни даф этиш учун Хуросон томон йўл олди ва муборак рамазон ойининг бошларида⁵ Ҳиротга етиб келиб, ниҳоятда дарғазаб бўлиб, қатл ва ғорат қилишга ҳукм қилди. Солиҳ аҳли шафоатдан сўз очиб, муаммолар мол олиш билан омонлик ҳал бўлиб, барқарор бўлди. Кўп нарсалар Ҳиравийлар исмига ўзлаштириб олингани учун баъзи нарсаларнинг имкони бўлмади. Халқнинг кўпи қийноқ ва азобда ҳалок бўлдилар.

Шу аснода Амир Темур Гурагон ҳукми билан Исфизорда ҳукмдорлик қилаётган Шайх Довуд исён кўтарди. Ғалаба шиорли байроқ туғини Сабзавор узра кўтариб, қиёматасар қўшин зўрлик ва мажбурлик билан Бадробод деб аталадиган Сабзаворни фатҳ этди ва қарийб икки минггача саркаш исёнчиларни бошқаларга ибрат бўлиши учун ерга кўмдилар. Ҳирот ва Исфизордаги ул мудҳиш ва қўрқинчли воқеада зулм ва зўрлик, ёвузлик офати ғулғуласи яна бир марта ҳаммани ҳаяжонга солдики, биронта очик дўкон қолмади...

Алқисса, жаҳонгир Соҳибқироннинг муҳтарам хотири Ҳироту Исфизор ҳаёти ва тирикчилигидан фориғ бўлгач, от жиловини Нимруз⁶ юрти томон сурди. Шох Жалолиддин Фароҳий давлатхоҳлик йўлида қалъадан чиқиб, подшоҳ мавкабига қўшилди ва унинг чексиз ҳамда кенг илтифотларидан баҳраманда бўлди.

¹ *Исфизор* – Сабзавор яқинидаги шаҳар.

² *Сейистон* – ўрта асрларда Эроннинг жануби-шарқидаги ўлка, ҳозир у Эрон ва Афғонистон ўртасида иккига бўлинган.

³ *Гармсир* – Афғонистон жанубидаги саҳро ўлка.

⁴ *Қандаҳор* – ҳозирда Афғонистоннинг жануби-шарқидаги шаҳар.

⁵ 1383 йил октябрь ойининг охири.

⁶ *Нимруз* – Сейистон ўлкасининг иккинчи номи.

Қалқон таққан сипоҳлар жушқин ва тошқин ҳолда кунгирали деворга бориб урушни бошладилар, кундуз куни уни забт этдилар ва сейистонликлардан кўпчилигини шафқатсиз равишда қилич дамидан ўтказдилар ҳамда Сейистон томон юриш байроғини тикдилар. У ерга келгандан кейин Шоҳишоҳон, қалъа тожи Кўҳий ва Суррож шаҳардан чиқиб келиб, мардонавор Соҳибқироннинг меҳр-муҳаббат бахтига сазовор бўлишди. Ҳали ул ҳазрат улар билан суҳбатлашиб турган пайтда сейистонликлар муҳораба камарини белга боғлаб, тартибли қўшин сафига олишиш ва урушиш эшикларини очдилар. Шоҳона мавкаб баҳодирлари эса қўлларига қилич ва ўткир найзани олиб шундай жанг қилдиларки, Рустами Достон¹ руҳи уларга офарин деди. Саркаш исёнчилар қиёматасар қўшиннинг бир неча от ва ҳачирларини ўқ ва қиличлар зарби билан ярадор қилиб ўлдирдилар, аммо уларнинг жуда кўплари ғалаба нишонли сипоҳ ҳамласидан ҳалок бўлдилар ва тирик қолганлари эса мажруҳ ва ҳолдан тойиб қолдилар. Шундай қилиб, Нимруз қўшини билан душманга офат келтирувчи аскарлар ўртасида икки-уч марта олишиш ва жанглар бўлиб ўтди.

Охирида бу юртнинг бошлиғи Шоҳ Қутбиддин мағрур Соҳибқирон даргоҳига ожиз, маҳзун ва ёлвориб келди ҳамда пешонасини ерга қўйиб, мискин тил ва илтижо билан раҳм-шафқат сўради.

Ул ҳазрат унинг жасоратини муқобил томоннинг лутфу инояти деб билиб, тенгсиз баланд қадди-қомат билан тоғдек баланд от устида ўтириб, жавонғор қўшинни назорат қилаётган пайтда, тўсатдан сейистонликлардан қарийб ўттиз мингга яқин жоҳил кишилари шаҳардан отилиб чиқиб, уларни ўққа тута бошлади ва бир ўқ тожу тахт соҳибининг улови сонига тегди, ул ҳазрат зотли от жиловини сипоҳ ўртасига силтаб, Малик Қутбиддинни банди этдилар. Ва жиба кийиб, жанг майдонига юз бурдилар, фалакнинг иқтидорли қўшини теварак-атрофдан бирданига ҳамла қилиб, исёнчиларни шаҳарга қочирдилар. Қўрғон ва шаҳар қаҳр билан фатҳ этилиб, қиёмат таҳдидини солувчи сипоҳ кўп халқни ҳалок этдилар ва Сейистоннинг минорали қўрғонларини вайрон этиб, ул диёрда нимаики бўлса, симу зардан тортиб то

¹ Рустами Достон – Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си қаҳрамонларидан бири.



қўрғошин-мисгача, нафис жинслардан то тери ва палосларгача талон-тороғ ва форағ қилдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон ғазаб ўтини ўчирганидан сўнг, руҳсиз жасадга тўла вайрон Сейистон вилоятини бошқаришни Шоҳишоҳонга¹ топшириб, Малик Қутбиддинни Самарқандга юборди. Ул вилоятнинг саййидлари ва улуғ уламоларини Фароҳ қўрғонига жўнатди. Қиёматасар қўшин тантанасидан Рустам дамбасида зилзила рўй бериб, вайрон бўлди. Шунда зафарёр Соҳибқирон Буст² ва Гармсир вилоятларига шошилди. Ул ҳазрат давлатининг қаттиққўллиги Туман Никударий ва Мамақтув³ туманларидаги сардорлик ва исён кўтаришни хаёлида ҳавас қилиб юрган ҳар бир кишига шикаст етказди.

Байт:

Бир оғиз фармондан юрт қолди бўм-бўш,
Қайсар бошлар оёқ остида қўш-қўш.

Зафар шиорли байроқдор қўшин Қандаҳор томонга равона бўлиб, зафарёр аскарлар кириб келганидан сўнг ул диёрни ҳам ғалаба ва қаҳр билан ўз тасарруфига киритиб, Қандаҳор сардорини фотиҳ Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар ва ҳукмга биноан дорга осдилар.

Амир Темур Гурагон ўша йили Қандаҳорда қишлади ва унинг барча ҳудудини ўз тасарруфига олди.

Қундуз, Бағлон вилоятлари ҳамда ўша ҳудуд ҳокими бўлган Амир Жоку Барлос вафот этди. Улуғ ҳурматга лойиқ Соҳибқирон бул хабарни эшитиб, Амир Жоку мансабини унинг ўғли Амир Жаҳоншоҳга топширди.

Баҳор фаслининг бошларида парвардигор фасларининг бош султони райҳон ҳидли ва гулдек ранг-баранг мулозимлари билан чаман анжумани томон ҳаракат байроғини тикди. Саодатманд Соҳибқирон жаннатмонанд Самарқандга жўнади. Амир Сайфуддин Барлосни Қандаҳор ҳукуматида тайинлади ва йўл

¹ Шоҳишоҳон – Тожиддин Сейистоний тазарру билан Соҳибқирон ҳузурига келгани учун шундай илтифотга муяссар бўлган эди.

² Буст – Афғонистоннинг жанубида шу номли ўлка ва унинг маркази.

³ Мамақтув – Соҳибқирон Амир Ҳусайн билан 1362 йили Сейистонга биринчи марта келганида уни оёғи ва қўлидан ярадор қилган малъун.



юришни тезлатиб, саодат ва давлат пойтахти томон қадам қўйиб, ўн тўрт кунда бу олис масофани босиб ўтди.

Байт:

Саодат ўнг қўлда, чапда фатҳ-зафар,
Замона тобею давлат — биродар.

АМИР ВАЛИНИНГ ОЛИШУВИ ВА УНИНГ ҚОЧИШИ ЗИКРИ ҲАМДА ЖУРЖОН ВА РАЙ ВИЛОЯТЛАРИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИ

Амир Валининг Амир Темур Гурагон даргоҳига келиб тарбия олишга ваъда берганлиги ҳақида юқорида зикр қилинган эди, аммо у бу ваъдага вафо қилмади. Шунинг учун Амир Соҳибқирон сичқон йилига мувофиқ келадиган 786 йили¹ фил келбатли сипоҳлар ва сафларни ёрувчи лашкар билан Астробод томон жўнади.

Саодатманд ва толеёр қуббатулислом Балхни муносиб нуқтага яқин бўлганлиги боис, ҳашаматли учрашувлар манзили қилиб белгилагани туфайли бундан олдин музаффарий авлодидан келин олиш учун Шерозга кетган Ҳожи Хожа ва элчилар қайтиб келдилар. Султон Увайс ибн Шоҳ Шужонинг қизини Жаҳонгир² Мирзонинг ўғли амирзода Пир Муҳаммадга олиб келдилар. Шубҳасиз кўнгил чоғлик ва маишат дастурхони ёйилиб, бир неча кун шоду хуррамлик билан тўйлари бўлиб ўтди. Ўша сафарда Ҳожи Хожа ўз ҳаддидан ошиб, оёғини каттароқ қўйган эди, бошидан ажралди.

Сўнг жамшидсифат Соҳибқирон Несо³ ва Дурун⁴ йўли орқали кўзғалиб, ул ҳудудга етиб келганидан сўнг, зафарёр қўшин Амир Валининг фахрий посбон қисмини тор-мор келтирди. Дурун қалъасини жанг билан олди ва қўрғонбеги ҳаёти

¹ 786 йил — 1384 йил февралдан 1385 йил 12 февралигача бўлган оралик.

² Муаллиф бу ерда ҳам хато қилиб Умаршайх деган.

³ Несо ёки Нассо — ҳозирги Ашхобод.

⁴ Дурун — ўрта асрлардаги қалъа, ҳозирги Туркменистондаги Баҳорден яқинида бўлган.

дарахтини қўпориб ташлади. Зафар аломатли байроқлар у ердан ҳам ҳаракатга келиб, Кабуд Жома ва Шосмон ноҳияларига етиб келди. Амир Валининг посбонлари жасорат билан олдинга қадам қўйиб, улар ва душманни вайрон этувчи сипоҳнинг манглай қисми ўртасида ўн тўққиз кун уруш олови аланга олиб турди. Йигирманчи кун эса Амир Вали юлдузлар сингари сонсаноксиз сипоҳ билан майдонга чиқиб, имкони борича саъй-ҳаракат қилди, аммо яна мағлуб бўлиб, тор-мор келтирилди. Ва яна жасорат кўрсатиб шабихун қилди. Аммо жаҳонгир Амир Темур сипоҳлари томонидан ўрду гирдига ўйилган чуқур зовурлар ва мустаҳкам қилиб ўрнатилган ёғоч ва бигизсимон сихларга дуч келиб, парчаланиб кетди ва чодир ўртасига кириб қолди. Ҳашамат ёлқинли сипоҳ уларни йиқитиш учун найзаларини ва ҳайдаш учун қиличларини қўлга олди, жуда кўп журжонийлар ҳалок этилди. Амир Вали энди от жиловини қочиш томон бурди.

Унинг одамларидан баъзилари зафарёр қўшин томонидан ёвларнинг қулаб тушиши учун ковланган жар ва чоҳларга ағдарилдилар. Ниҳоятда довюрак амирлардан Ййгу Темур, Худойдод Баҳодир ва бошқалар Амир Валини қувдилар. У ватандан, молу давлатдан кўнгил узиб, кўч-кўрони ва ўзига қарашли одамларини Дамғон¹ тоғи этакларига олиб келди, ўзи эса Рай мамлакатига кириб борди. Унинг орқасидан қувиб келаётган ботирлар Райга етиб келгач, у рустамдор томон қараб қочди, ўрмон ва дарахтнинг йирик шохлари танаси ҳимоясида ўрмон шерлари чангалидан нажот топди.

Ҳазрат Соҳибқирон Журжон вилояти ноҳияларини Тоғай Темурхон ўғли Луқмон подшоҳга топшириб, мазкур йилнинг шаввол ойида² зафарли байроқдор аскарларнинг баъзи бирлари билан Райга қараб юрди. Ўша қишни шу мамлакатда охирига етказиб, баҳор фаслининг бошларидаги учқур насим собит ва сайёр юлдузга ўхшаш Хусрав шоҳнинг ёрдамида Гунча қалъасини қўлга киритгани сингари ўткир тикан-

¹ Дамғон — Эроннинг Мозандарон вилоятида жойлашган шаҳри.

² Мелодий 1384 йил ноябрь ойи.



сиз ва босқин қилмай қалъани фатҳ этди ва Султония томон ҳаракат қилди.

Ҳап шундаки, Султон Аҳмад Жалойир воқеалари жараёни олдиндан зикр қилинганидек, ўша пайтда унинг ўғли Оқ Буғо баъзи бир амирлари билан ўша қалъада эди. Султон Аҳмад амирлари у ҳазратнинг яқинлашаётганлигидан воқиф бўлгач, Оқ Буғо парвосизлигининг олдини олиб, Бағдод томон кетдилар.

Дабдабали сипоҳнинг посбони Умар Аббос қалқон таққан олтиш киши билан олдинроқ Султонияга етиб келиб, қалъани мустаҳкамлади.

Фатҳ этиш яқинлашганда зафар ато этувчи Соҳибқирон 787 йилда¹ Султонияга кириб келиб, Сарик Одилни тахти пойига етказиб келиш учун яшин тезлигида бир элчини Шерозга жўнатди. Сарик Одил бажарилиши вожиб бўлган фармонга итоат этди ва Султония ноҳиялари билан унга тааллуқ этилди. Амир Муҳаммад Султоншоҳ унга кўмак ва ёрдам бериш учун тайин этилди.

Шундан сўнг музаффар байроқ рустамдор йўлига қайтди. У ернинг ҳукмдорлари Амир Вали ҳамроҳлигида қочиш водийсига юз бурдилар. Ул ҳазрат Мозандаронга келди. Омул ва Сори вилоятларининг ҳукмдорлари Саййид Разиддин ва Саййид Камолиддин итоат ва бўйсунишни изҳор этдилар. Фалак қудрат Соҳибқирон улуғ саййидларга иззат ва ҳурмат кўрсатишга киришди ва пойтахт Самарқандга йўл олди. Ёзни ўтказиб, қишни ўтказиш учун Занжир Саройга жўнади.

СОҲИБҚИРОННИНГ УЧ ЙИЛЛИК ЮРИШИ ЗИКРИ ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲАМДА ИРОҚ ВИЛОЯТЛАРИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИ

Ҳ ша қишда Занжир Сарой серфайрат жаҳонгир Соҳибқироннинг пойи қадами ёқиб, Боғи Эрамга айланган эди. Тўхтамишхон бир гуруҳ фитначилар қутқусига учиб исён кўтариб,

¹ 787 йил – 1385 йил 12 февралдан 1386 йил 2 февралгача бўлган оралиқ.



Бек Пўлод Ўғлонни залолат саҳросида саргардон кезиб юрган тўққиз туман қўшиннинг саркардалари Исобек, Йағлибей ва Қазончилар билан келишиб, Озарбайжон томон юборди. Бу кофиртабиатли қўшин Дарбанд йўлидан Табриз текислигига чиқиб келди. Ул вилоят аслзодалари ва аъёнлари ул ердан бошпана топган Амир Вали ва Маҳмуд Халхолийни ўзларига ҳоким қилдилар. Улар Табриз атрофига истехкомлар қуришга киришиб, қарийб бир ҳафта дашт лашкари мудофаасида туриб бердилар. Охири Тўхтамишхон амирлари ғалабага эришиб, куч билан шаҳарни эгаллади.

Амир Вали ва Маҳмуд қочиб Халхолга¹ борди. Дашти Қипчоқ кофирлари талон-торожга қўл урдилар ва қўлларидан келгунча жабр-зулм, зўрлик, истибдод, ахлоқсизлик, бузуқилик ва гуноҳ ишларни амалга оширдилар ҳамда ўша қишда жуда катта ўлжа ва мусулмонларни асир қилиб, келган йўллари орқали қайтиб кетдилар.

Бу хабар Занжир Саройда жаҳонгир Соҳибқироннинг муборак қулоқларига етди ва ислом аҳлига нисбатан қилинган зўрлик, жабр-зулм унинг нозик кўнглига оғир ботди. Шунингдек Ироқ² ва Озарбайжон мамлакатлари ишларини тартибга солиш мақсадида катта кенгаш ўтказди ва йўлбарс йилига мувофиқ бўлган 788 йилда³ Мовароуннаҳрни бошқариб туриш учун Амир Сулаймоншоҳ ибн Амир Довуд ва Амир Аббосни баъзи шижоаткор сипоҳлар билан у ерда қолдирди, ўзи эса бошқа олий мартабали амирлар ва дарё сувидек ҳадсиз сипоҳлар билан Жайхун дарёсидан ўтди. Ферузкўх, Музроб, Хайёми ноҳияларининг манзил ва мавзеларидан ўтгандан кейин қўшин аскарлари жанговар ҳолга келиб, Саййид Камолиддин Сорий остона ўпиш шарафига эришди ва ўзининг ўғли Саййид Фиёсиддинни қутлуғ мавкабга мулозим этиб таъинлади.

¹ Халхол – Каспий денгизидан жануби-ғарбдаги ўлка ва шу номли шаҳар.

² Ироқ – бу ерда Ироқи Ажам, яъни Эрон Озарбайжонидан жануби-шарқдаги ерлар назарда тутилади.

³ Мелодий 1386 йил.



Ғолиб лашкар у ердан Кичик Лур¹ томон қараб юрди ва Буружардни² турли томонлардан ва озиқ-овқатдан ажратиб, уни ўраб олди, Хуррамободни³ ғамхонага айлантирди. Ўғри, иғвогар ва фитначи исёнчиларнинг кўпини қатл эттирди. Ул диёрнинг ҳоқими Малик Иззуддинни асирга олди, аммо ул катта тўдадан Оқ Темур Баҳодир, Амир Умар Аббос, Хожа Али Муаййид сарбадорни дорилбақога равона қилдилар. Саруқ Одил ва Амир Муҳаммад Султоншоҳ зафарпаноҳ даргоҳга келган ана шу воқеага яқин пайтларда, Султон Аҳмад Бағдоддан Табризга жўнади деган хабар келди. Шунинг учун ҳазрат Соҳибқирон Озарбайжон томон ҳаракат қилди. Амирзода Мироншоҳ олдинроқ жўнади.

Султон Аҳмад Табризда икки ҳафта бўлгандан кейин ғолиб кўшиннинг келишидан воқиф бўлиб, яшин тезлигида Бағдодга қайтди. Амир Соҳибқирон Табризга етиб келгач, Саруқ Одилни Амир Муҳаммад Султоншоҳ шикоятига биноан мазкур йил шаъбон ойининг йигирма еттинчиси чаҳоршанба куни⁴ занжирбанд этди ва у жазога тортилди ҳамда бир неча кун ичида тақдирга кўра унинг ҳаёт дафтари ёпилди.

«Зафарнома»да⁵ ёзилишича, шу воқеалар орасида ва жараёнида Маҳмуд Халҳолий ўзининг нажот топишини Амир Валининг ҳалок этилишида деб билиб, уни қўлга тушириб, Халхол ҳудудида турган Амир Қиморий Иноққа топширди. Амир Қиморий эса Амир Валини таҳқирлаб, бошини танасидан жудо қилиб, олампаноҳ даргоҳига жўнатди.

Алқисса, жаҳонгир Соҳибқирон ўша ёзни Табризда ўтказди, собит ва сайёр ҳолда Хусравшоҳдек мизон буржида манзилга қўнди ва бу вилоятни забт этишни Муҳаммад Султоншоҳ зиммасига юклади. Ўзи эса Нахичеван томон равона бўлди. Маранд⁶

¹ Кичик Лур – Луристон ўлкасининг шимолий қисми, Ғарбий Эронда; унинг жанубий қисми Луре Бузург – Катта Лур деб аталади.

² Буружарг – Луристондаги шаҳар, Ҳамадондан 100 км жанубда жойлашган.

³ Хуррамобод – Кичик Лурнинг пойтахти.

⁴ Яъни, 1386 йил 13 сентябрь куни.

⁵ Яздий «Зафарнома»си ҳақида сўз кетаётир.

⁶ Маранд – Табриздан шимолдаги шаҳар.

ва Дарадан¹ ўтиб, Аракс сувидан² Зиё ул-Мулк³ кўприги орқали ўтди. Султон Гарни⁴ қўрғонига етиб келиб, нусрат асарли қўшин бу қалъани жанг билан қўлга киритди. Мазкур қалъанинг сардори Шайх Ҳасанни бўйнини боғлаган ҳолда ҳазратнинг олдига олиб келдилар.

Шундай қилиб, Сармалука⁵ ва Қарс⁶ қалъасини забт этиб, вайрон этдилар. Шунда зафарёр байроқ тўғри муваффақиятли ёруғлик нурини Гуржистон узра ёйиб, ислом сипоҳи Тифлис қалъасини жиҳод қиличи зарби билан золим кофирлардан тортиб олдилар ва улардан кўпини ором дунёга жўнатдилар. Қалъа ҳокими Малик Буқротни⁷ олий мартабали Соҳибқирон даргоҳига келтирдилар. Ва келишишга биноан итоат шарт бўлган фармон содир этилди, уни занжирбанд ҳолда сақлаб туришга келишилди.

Шундан кейин жамшид сифатли шоҳ шикор билан кўнгил очишга киришди, буғу ва тоғ эчкиси каби бир қанча ҳайвонларни сипоҳлар билан ўраб олиб, ўқ-ёй ва қилич билан қувишлардан фориг бўлганларидан сўнг, овланган жониворларнинг устига қўлини қўйиб кўриб, қайсиси семиз бўлса сўйдилар ва озғинларини эса қўйиб юбордилар. Шу юришда донгдор амирлар ва таниқли нўёнлар Гуржистон вилоятлари теварак-атрофида босқин қилиб, кўфр ва залолат асосларини ағдариб, соғ-саломат ва бойлик орттириб шоҳона (мавкаб) — отлик гуруҳга келиб қўшилдилар. Жаҳонгир хусравсифат Соҳибқирон бу муҳим ва жиддий ишлардан фориг ва хотиржам бўлгач, жўнаш жиловини Қорабоғ қишлоғи томон бурди.

Шунда ислом подшоси «Раббинг йўл-йўриқларига ақл-заковат ва яхшилик даъватларига риоя қилишга иддао қилди»⁸ деган

¹ Дара — Табриз йўналишидаги Даризар мавзеи назарда тутилади.

² Аракс суви — Аракс дарёси, Шимолий ва Жанубий Озарбайжон орасидаги чегаравий дарё.

³ Зиё ул-Мулк — Нахчивандаги кўприк ва қишлоқ.

⁴ Гарни — Арманистондаги қалъа.

⁵ Сармалука — Шарқий Анатолиядаги мавзе.

⁶ Қарс — ҳозирда Туркиянинг шарқидаги эл ва шаҳар.

⁷ Малик Буқрот — Грузиянинг баградитлар сулоласидан бўлган подшоҳи.

⁸ Қуръони карим, Наҳл сураси, 125-оят.



муъжизали каломига биноан тифлислик Буқротга илҳом билан насиҳат қилиб, уни ёрқин нурли шариатни қабул қилишга даъват этди. Жаҳон подшоси Аллоҳ улуғ нури бахти ва илоҳий иймон шуъласи Буқротнинг зулмат дили узра порлади. У зулмат ва залолатни ҳидоят шуъласи билан алмаштирди ва соғлом эътиқоди жўш уриб, тавҳид калимасини тилга олди. Подшоҳ Буқротнинг дилдан сўзлаган калималарини тасдиқлаб, уни қонуний ҳисоблаб, унинг тарбиясидан олий ҳимматини аямади ва унга тааллуқли бўлган ҳукуматига бошқа музофотларни ҳам қўшиб берди.

Ана шу воқеалар жараёнида ўша замон ҳокимлари орасида улуғлик ва узоқ хизмат қилиш жиҳатидан мумтоз ва истисно бўлган Ширвон мамлакати ҳокими Амир Шайх Иброҳим хайрихоҳ ақл иродасига қулоқ солиб, итоатгўйлик ва ихлос камарини жон чилвирига боғлаб, бўйин эгиб хизматкорлик йўлидан юриб олампаҳоҳ даргоҳига шошилди. Раҳбар кўмагида остона ўпиш шарафига эришиб, муносиб ва тансиқ асл туҳфалар пешкаш қилди, жумладан, ақлий таълим воситасида бир янгилик зоҳир қилди. Улардан бири шуки, ўша пайтда ҳар хил нарсадан тўққизтадан пешкаш қилиш одат бўлгани боис, олийҳислатли Соҳибқирон назарига саккиз нафар гўзал қулларни киритди ва совға тўққиз бўлмиши учун ўзи қуллар ўртасида турди.

Назм:

Туркий сўзловчи қул саккизта эди,
 Тўққизинчи қилиб ўзин санади.
 Шоҳ гул-гул очилди ушбу қилмишдан,
 Бозори қизиди унинг шу ишдан.

Амир Шайх Иброҳимнинг ихлос билан қилган иши дўстнавоз Соҳибқиронга ниҳоятда маъқул бўлганлиги учун уни махсус тоифалар гуруҳига киритиб, Ширвон ва Шемохи вилоятларини бошқаришни Эльбрус тоғлари ҳудудигача унинг ихтиёрига берди.





ЖАҲОНГИР СОҲИБҚИРОННИНГ УЧ ЙИЛЛИК УРУШИ ВОҚЕАЛАРИДАН БАЪЗИЛАРИНИНГ ЗИКРИ ВА УЛ ҲАЗРАТНИНГ ТЎХТАМИШХОН ИСЁНИ БОИС ҚАЙТИШИ БАЁНИ



789 йилнинг баҳорида¹ лашкар дашт ва полизлар атрофидан ҳаракат қилиб йўлга тушди. Дашти Қипчоқ подшоҳи Тўхтамишхон эса Амир Темур ҳақ-ҳуқуқлари саҳифаларига унутиш хатларини чизиб, улкан ва катта лашкарни Дарбанд² йўли орқали Озарбайжон томонга жўнатди.

Бу хабар олий насаб Соҳибқирон қулоғига етгач, ёвни даф қилиш учун Шайх Али Баҳодир, Амир Ийгу Темур ва Усмон Аббосларни номзод этиб тайинлади ва уларнинг орқасидан амирзода Мироншоҳни ўша томонга равона қилди.

Амирлар олдинроқ мудҳиш ва зим-зиё Дашти Қипчоққа етиб, ўқ-ёйларни қўлади ва душманлар ҳам ўқ-ёйларини ишлата бошлади. Белгиланган режага хилоф равишда ғолибона қўшиннинг мағлуб бўлишига сал қолди, бироқ тўсатдан мавкаб орқасида амирзода Мироншоҳ пайдо бўлди ва амирзода сипоҳлари бир ҳамла билан ўзбекларни қочириб, уларнинг кўпчилигини ҳалок этдилар, бир гуруҳини эса асир олдилар ва қўлга тушириб, салтанат тахти пойига келтирдилар. Жаҳонгир Амир уларнинг ҳаммасига хилъат улашиб, уларга қайтиш учун рухсат берди ва марҳамат қилиб Тўхтамишхонга айтинларки, бизнинг ўртамизда ота ва болалик ҳаққи мустаҳкам бўлганлиги боис, ўша аҳду паймонга собитқадам бўлиб, бошқа бунақа қилиқ-кирдикорларга қўл урмасин, деб тайинлади.

Сўнг жамшидсифат Соҳибқирон фатҳ этиш ҳиммати сиртмоғини Боязид қалъаси узра ташлаб, бу жиддий ва муҳим ишдан фориг бўлгандан кейин, ёвуз Қора Муҳаммад Туркманни даф қилишга киришди. Унинг эл-улусини босқин қилиб, Ой-

¹ 789 йил баҳори – 1387 йил баҳори.

² Дарбанд – Доғистондаги ҳозирги Дербент шаҳри.





дин¹ кўрғонини тасхир этиб, Арзан-ар-Румга² этиб келди. Арзинжонга³ элчи жўнатиб, у ернинг ҳокими Тахуртанни⁴ итоат ва бўйсунушга чорлади. У итоат этиб, муносиб тортиқлар жўнатди. Ва ана шу вазият жараёнида Малик Иззиддин Шер Ван⁵ қалъасига беркиниб, исён кўтарди. Ғалабакор аскарлар ниҳоятда баланд ва мустаҳкам бу қалъани қамал қилиб, қирғин қилишга киришган эди, икки кундан сўнг Малик Иззиддин ожиз ва ҳазин бир ҳолда ташқарига чиқди, аммо қалъа аҳли Носириддин деган кишини ўзларига ҳоким қилиб, саркашлик йўлида собитқадамлик кўрсатдилар. Уларнинг қаршилиги йигирма етти кун давом этди. Охирида қиёматасар лашкар қалъани эгаллаб, у қалъа аҳолисидан бир гуруҳини қатл этдилар. Туманлар амири Амир Ёдгор Андхудий қаттиқ ва мустаҳкам қурилиш масолиҳидан қурилган бинонинг деворларини бузишга маъмур этилди. У қанчалик ҳаракат қилмасин ва уринмасин девордан битга ҳам тош ажратиб ололмади.

Итоат этиш вожиб бўлган фармон бажарилди. Унга бинонан Носириддиннинг бир қоши, мўйлови ва соқолини тарашлаб олиб, кўчадиган куни бошини танасидан жудо қилдилар ва барча лашкар сипоҳлари унинг устидан босиб ўтиши учун уни тор ўтиш жойига ташладилар.

Хўй ва Салмос⁶ ҳудуди қудратли суворийлар гуруҳи ғуборидан мушк ҳидларига тўйингач, Малик Иззиддин Курдистон вилоятига кетди. Бу ҳақда мазкур жилднинг иккинчи қисмида ёзилди. Бу воқеадан сўнг зафарёр Соҳибқирон Оли Музаффарни жазолаш учун Исфаҳонга шошилди ва бу вилоят қатли ва ғоратидан қўли бўшагач, жаҳонгашта от жилловини Шероз Сари бурди ва ул мамлакатда фахр-ифтихор ва шон-шараф билан ноз-неъмат, шоду хуррамлик бисотини кенг ёйган эдики,

¹ *Ойдин* – Шарқий Анатолиядаги қалъа, Боязид ҳам дейилган.

² *Арзан ар-Рум* – Туркиядаги Эрзирум шаҳрининг эски номи.

³ *Арзинжон* – Эрзирумдан ғарброқдаги шаҳар.

⁴ *Тахуртан* – Амир Темурга тобеликни ўз хоҳиши билан тан олган Арзинжон ҳокими.

⁵ *Ван* – Шарқий Анатолияда шу номли қўлнинг шарқий соҳилидаги қалъа.

⁶ *Хўй ва Салмос* – Эроннинг шимоли-ғарбидаги шаҳарлар.



тўсатдан Мовароуннаҳрдан элчи ўн етти кун деганда етиб келди ва: «Тўхтамишхон душманлашиб, ёв бўлиб, ғалаён-туғённи осмони фалакка чиқарди», деб хабар берди. Шунинг учун ҳазрат Соҳибқирон Ироқ ва Форс ҳукумати Оли Музаффарга қолдириб, от тизгинини Самарқанд сари силтади.

ЎЗБЕК СИПОҲИ ВА ЖЕТА (МЎҒУЛИСТОН)

ҚЎШИННИНГ ТУРКИСТОН ВА

МОВАРОУННАҲРДАГИ ЖУРЪАТ-

ЖАСОРАТИ БАЁНИ ҲАМДА АМИР ТЕМУР

ГУРАГОННИНГ ҚАҲР ВА ҒАЗАБ БИЛАН

УЛАР ТОМОН ЮРИШИ ЗИКРИ

Қамариддин Ўғлон¹ бир неча марта дунёдек кенг Соҳибқироннинг офтоб янглиғ қилич зарбидан маҳоқ² ва Миррих³ орасидаги ойдек қийинчилик, кўнгилсизликда безовта ва беҳол бўлиб қолди. Мўғулистондан Дашти Қипчоққа келиб, Тўхтамишхонни уфқдек кенг ҳазрат Соҳибқиронга нисбатан муҳолифлик байроғини кўтартирди, яъни зиддият кўзғади ва Бек Ёриқ Ўғлон, Илатмиш Ўғлон, Исобек ва Сотқин Баҳодирни катта қўшин билан Туркистон томон жўнатди. Оқ Хожа Ўғлонни эса Кайхусрав Хутталонийнинг ўғлига ҳамроҳ қилиб, Хоразм тарафдан тезда Мовароуннаҳрга боришга ва ул диёрда нима топса йўқ қилишга буйруқ берди.

Бу хабар ул мамлакатда тарқалиб, Амир Сулаймоншоҳ ва Амир Аббос Самарқандда турган бошқа амирлар ва саркардалар билан амирзода Умаршайхга қўшилдилар. Шаҳзода Андигондан Туркистон чегарасига қўшин тортиб Сайхун дарёсидан ўтди.

Чукалак⁴ манзилига (у ердан то Анзор мавзеигача беш фарсахлик йўл) етиб келиб, жуда қаттиқ жанг бўлиб ўтди. Амирзода

¹ Қўлзмада Қамариддин дуғлат деб ёзилган, Жета амири; бу ерда муаллиф унга алоқаси йўқ ишларни ҳам унинг номи билан боғлаган.

² Маҳоқ – эски ва янги ой кўринмайдиган пайт, вақт.

³ Миррих – Марс.

⁴ Чукалак – Арисдан 30 км шимолроқдаги чўл.



Умаршайх азиз авлиёлар нафасидан руҳланиб ҳужум қилди ва душман қалбига, яъни марказига ёриб кириб, нариги томондан чиқиб, ўз қўшинидан узоқлашиб қолди. Сипоҳлари уни кўрмай қолиб, ваҳимага тушиб, қочиб йўлига оёқ қўйдилар. Амир Аббос эса ўқ зарбидан мажруҳ бўлиб, бир неча кундан кейин вафот этди, аммо амирзода Умаршайх соғ-саломат ўзбеклар орасидан чиқиб келиб, Андигонга шошилди ва тарқалиб кетган сипоҳларни яна қайта тўплади.

Шу аснода Амир Ҳожибекнинг амакиси Анка Тўра¹ Арканутдан Сайрам ва Тошкентга қараб қўшин тортиб, художўй одамларни жазолаш ва қайсарлик, итоатсизлик оловини ёқиш билан машғул бўляпти деб эшитди.

Бинобарин, Хўжандга қараб йўналди ва у ерда мухолифлар бошқа йўлдан Андигон томонга равона бўлганлигини маълум қилгандан кейин жиловини буриб, Сайхун ирмоғи бўлган Ахсикат суви бўйида мўғулларга етиб келди ва енгилиб, Андигон қалъасига қайтди. Анка Тўра унинг орқасидан Андигон теваригига интилиб, уни қамал қилишга уринди.

Амирзода Умаршайхнинг ҳамияти жўш уриб, дарғазаб шердек қалъадан отилиб чиқди ва яна бир марта жуда қийин ва оғир олишув рўй берди, аммо душманнинг лашкари ниҳоятда кўп эди. Тўкал Баҳодирхон дарҳол шаҳзода отининг жиловидан ушлаб, жанг майдонидан олиб чиқди. Анка Тўра шаҳарни қамал қилишни маъқул кўрмай, Кофиристонга қараб йўл олди, аммо Амир Сулаймоншоҳ ва бошқа юқори мансабли амирлар Чукалак жангида мағлубиятга учрагач, Самарқандга келиб, шаҳар мудофаа билан машғул бўлдилар.

Хоразм йўли билан Мовароуннаҳрга келаётган Тўхтамишхон лашкарларидан бир қисми Бухоро ҳудудига етиб келгач, димоғи кўтарилиб кетиб, қамал қилиш қасдида шаҳар ташқарисида турди. Бу пайтда Бухорода бўлган Тоғай Буғо Барлос, Аталмиш Қавчин қалъани бекитиб, мудофаа ишлари билан машғул бўлдилар. Бир неча кун икки ўртада олишув ва жанг бўлиб ўтди.

¹ Анка Тўра — мўғул амири.





Ўзбеклар шаҳарни эгаллаш мумкин эмаслигини тушунганларидан сўнг йўлга тушиб, Мовароуннаҳр вилоятларини вайрон қилишга киришдилар ва Занжир Саройга ўт қўйиб, то Кўҳи Танггача¹ талон-торож қилдилар.

Бу хабар Шерозда шавкатли Соҳибқирон қулоғига етиб келиши билан дарҳол Амир Усмон Аббосни ўттиз минг шиддаткор отлиқ аскар билан Язд йўли орқали Самарқандга равона қилди. Соҳибқирон 790 йил муҳаррам ойи охирларида² салтанат пойтахти томон йўлга тушди ва Рай вилоятида шоҳона уфрукча қўшилди.

Ул мамлакат ҳукуматини Мусо Жавкорга топширди, Ҳамадон, Қум, Кошон ва Қазвинни Пир Аҳмад Садидга ишонди, Ферузкўҳ, Хоррай ва унга қарашли ерларни Искандар Шайхийга иноят қилди. Семнон ва Ҳазор Жарибни Амир Иззиддин ибн Саййид Имомиддинга тақдим этди, Домгонни эса Хуросон Кўхистонидан бўлган Амир Жамшид Қоран номига хатлади. Луқмон Подшоҳ вафот этганлиги учун Астрободни унинг ўғли Пир Подшоҳга берди.

Барча ҳокимларга адолат ва инсоф юзасидан иш юритишни насиҳат қилиб, имкони борича зудлик ва тезлик билан Хуросонга кириб келди. Ул ҳазратнинг шиддат билан келаётганини эшитган Дашт лашкари Мовароуннаҳрдан қўл тортиб, ўз юртига равона бўлди.

Ғалаба белгили байроқ Самарқанд уфқи узра ҳилпирагач, яъни ҳазрат Соҳибқирон Самарқандга етиб келгач, Чукалак воқеасида қатнашган амирлар ва сардорларни тафтиш ўтказиладиган муваққат манзилга талаб қилиб, шаҳзода Умаршайхга кўп навозишлар кўрсатди. Ул жангда суслик қилиб қочганларнинг барчасини асосли равишда сўроқ қилди.

Амир Худойод ва Шайх Али Баҳодирни Тўхтамишхон қўшини орқасидан юборди ва улар Булор манзилигача бориб, душманнинг барини ҳалок этиб, соғ-саломат қайтиб келдилар.

¹ Кўҳи Танг – Тор тоғ; Сурхондарёдаги жой номи.

² Мелодий 1388 йил феврала бошларида.



**АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ
МОВАРОУННАХРГА КИРИБ КЕЛГАНИДАН
КЕЙИНГИ БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ
ВА ҚЎЛ ОСТИДАГИ МАМЛАКАТЛАРНИ
ФИТНАЧИ ҒАЛАМИСЛАР ТУҒЁНИ
ТИКАНИДАН ТОЗАЛАШИ БАЁНИ**

Олий насаб Соҳибқирон яна бир марта салтанат пойтахти Самарқандни ҳумоюн ёғду ва нуридан ярқиратиб, унга жаннат тароватини бериб, барқ урдираётган бир пайтда, Тўхтамишхон итоатгўйларидан Илатмиш Ўғлон ва Сулаймон Сўфий Хоразмда жабр-зулм ва зўрлик эшикларини ланг очиб, инсоф ва адолат эшикларини эса зич беркитиб олганликлари аниқ маълум бўлди.

Шунинг учун адолатпеша Соҳибқирон ул жамоат ёвузлигини даф этишни подшоҳ ҳимматининг зиммасидаги зарур иш деб билди. Илон йилига мувофиқ келадиган 790 йилда¹ ул томонга ҳаракат қилди ва муҳолифлар бундан хабар топиб, бирдан-бир энг тўғри йўл қочиш деб билдилар ва тезлик билан Дашти Қипчоққа шошилиб, Тўхтамишхонга қўшилдилар. Мислсиз ва толеи баланд Соҳибқирон шон-шавкат билан Хоразмда қўнмоққа марҳамат қилиб, амирзода Мироншоҳ, Муҳаммад Султоншоҳ, Шамсулдин Аббос ва Уч Қора Баҳодирни шижоатли сипоҳ билан муҳолифларни қувиб бориш учун жўнатди. Улар яшин тезлигидан ҳам илдам йўл босиб, душманларга етиб олдилар ва ул тоифадан кўпини ҳалок этиб, эсон-омон қайтдилар.

Баҳром қаҳрли Соҳибқирон Хоразмни вайрон қилиб, унинг аҳолисини Мовароуннаҳрга кўчириб², жўнаш жиловини салтанат тахти томонга қаратди.

Хоразм уч йилгача вайрон ҳолда эди, ваҳоланки беқарор тақдир ул вилоят теварагида айланиб, минглаб кўзлар уни эҳтиёт қиларди.

¹ Илон йили 790 йил эмас, 791 йил – мелодий 1389 йил бўлган.

² Бу ерда муаллиф воқеани ҳаддан ташқари бўрттириб юборган. Бу ерда «Хоразм» деб мамлакатни эмас, унинг пойтахти Гурганчни (Кўҳна Урганчни) тушуниш керак.

Ҳазрат Соҳибқирон Дашти Қипчоқдан қайтгандан кейин 793 йилда¹ у вилоятни таъмир этишга ҳимматини аямай, Хоразмда бинолар қуриш ва тиклаш учун қавчин ўғли Мусони у томонга жўнатди.

Хоразм юриши жараёнида рўй берган воқеалардан бири шулки, Амир Темур Гурагон билан қудачилик шарафига эришиб, Султон Бахт Бегимни никоҳига олган Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Мирак Хутталон вилояти ҳукуматини бошқарар эди. У ёвуз тақдир таъсири сабабли ёв бўлиб қолди ва Самарқанддан Ҳисори Шодмонга қочиб, Дод Малик Барлос ва Оқ Темур Баҳодирнинг уйларини ғорат қилиб, подшоҳликнинг хос аслаҳонасини эгаллаб, уруш чиқариш хаёлида юрган атрофидаги каллакесарлар тўдасига берди ҳамда орада солишиш ва жанжаллар бўлиб ўтди.

Амирзода Умаршайх бу воқеадан хабардор бўлгач, Самарқанддан ул томонга ҳаракат қилди. Шаҳзоданинг келаётганлиги овозаси тарқалиши билан Муҳаммад Мирак тўдаси ўз-ўзидан ситилиб, ҳар тоифа ҳар томонга қочдилар.

Муҳаммад Мирак Хутталонга бориб, у ердан Бадахшонга шошилиб кетди. Ул юртнинг ҳоқими Шоҳ Баҳоуддин унинг умидлари кўксига рад қўлини босган эди, Мирак умидини узиб ва ҳафсаласи пир бўлиб, эзилган ҳолда дарвоза эшигидан орқага қайтди.

Йўлда келаётган пайтида Аруф Умарнинг ўғли Усмон Самарқандга бораётган эди, у бир булоққа етган пайтида Муҳаммад Миракни кўриб қолди. У тўрт навкар билан бир тепа ортида отларини ўтлатишга қўйиб ўтирган эди. Дарҳол уни қўлга олиб, Хутталонда турган амирзода Умаршайхга хабар юборди. Ва шаҳзоданинг фармони амалга оширилиб, Муҳаммад Мирак қатл этилди.

Бундан бошқа ул кунларда мўъжизакор ғалабали байроқ хилпираб Хоразмга кетаётган пайтда Суюрғатмишхон Бухорода касал бўлиб, вафот этди. Унинг жасадини Кеш водийсига олиб келиб, Муҳаммад Соташ гумбази остига дафн этдилар.

¹ Мелодий 1392 йил.



Амир Темур Гурагон соадатманд ва толеи баланд Хоразмдан кўркам ва ҳашаматли пойтахтга қайтиб келгач, катта тўй қилиб, Суюрғатмишхоннинг ўғли Султон Маҳмудни хонликка кўтарди ва ҳазрат Соҳибқирон кўрсатмасига биноан унинг номи одатга кўра шоҳ фармонининг бошига ёздилар. Мазкур йилнинг охирларида Тўхтамишхон катта қўшин ҳамроҳлигида Амир Темур Гурагон билан жанг қилишга жазм қилиб, Туркистон сари йўлга тушиб, то Ясси ва Сабронгача от жilовини тортмади, яъни ҳеч жойда тўхтамади. Унинг манглай лашкарининг саркардаси Илиғмиш Ўғлон эди. Улар Зарнуққа¹ етиб келдилар.

Жаҳонгир Соҳибқирон душманнинг исёнидан хабар топиб, ҳавонинг шиддатли совуғи ва қор-бўрон, изғириннинг жонни ачитишига қарамай, уларни даф этиш учун йўлга тушди. Эртаси куни зарнигор қуёш ханжарсимон нурларини сочган пайтда ёрқин ёғдули мавқаб томон юрди ва тўсатдан Илиғмиш ва Тўхтамиш лашкарига ташланди. Илиғмиш эса урушиш ва олишишга мажол тополмай, қочишни ғанимат билди. Зафарли жасур аскарлар уларни таъқиб этиб, ўзбеклардан кўплари шафқатсиз қилич дамидан ўтказилди, улардан баъзилари эса оловли қиличдан кўрққанидан, ўзларини Хўжанд сувига ташлаб, жасадлари фано елига учиб нобуд бўлдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон ул мавзедан қайтиб 791 йилнинг сафар ойида² Оқар деган манзилга келиб тушди. Султон чехраси ёғдулари ва гулу райҳонлар сипоҳининг ҳужумидан қаҳрли совуқ саҳро-дашт фазосидан ўз бисотини йиғиштириб олган пайтда, яъни илон йили бошларига мувофиқ бўлган мазкур йилнинг рабиулаввал ойида ҳазрат Соҳибқирон яна фатҳ этиш эгарига ўтирди ва Сайхун суви устига кўприк солиб ўтди. Темур Қутлуғ Ўғлон, Севинчак Баҳодир ва Усмон Баҳодирни манглай қисми расми билан олдин жўнатди. Улар Тўхтамиш

¹ Сирдарёдан ғарброқдаги, Ўтрор қаршисидаги шаҳарча. Унинг тўлиқ номи Очиқ Зарнуқ.

² Юқориде айтилганидек, илон йили 791, яъни мелодий 1389 йил бўлган. Ўша йили сафар ойи 1389 йилнинг 30 январь – 28 февралига тўғри келган.





сипоҳи манглайи устига шабихун қилиб, сон жиҳатдан кўп бўлганларни ўлдирдилар, тирик қолганлари эса турли йўллар билан Тўхтамишхонга етиб бориб, бўлган воқеаларни баён этди, унинг саботи ва қатъиятлик аҳду қарори бўшашиб, лиқиллаб қолди. Ва улкан истеъдодли ва дабдабали қўшин кўп сонли бўлишига қарамай, мақсад жilовини қочиш томонга қаратиб, Дашти Қипчоқ йўлига тушдилар.

Амир Темур Гурагон душман қочишидан хабар топиб, улар орқасидан қувишни бошлади. Музаффар сипоҳнинг қоровул гуруҳи Тўхтамишхонга етиб келиб, уларнинг кўп қисмини ҳалок этдилар ва эсон-омон қайтиб, биёбондан ўтаётган пайтда юз хонадон билан ўтирган Қибта Дархонга дуч келиб қолдилар, уни олиб Оқсув¹ мавзеида турган музаффар байроқли подшоҳ даргоҳига келтирдилар.

Амир Темур Гурагон у ердан кўчиб, Ол Қўшин² мавзеини саодатли лашкаргоҳи қилиб белгилади. Шу ерда турган маҳалда ҳазрат Соҳибқирон қўлида тарбия топган, Тус қалъаси ҳукуматини бошқариб турган, амирзода Мироншоҳ ҳукми билан Сабзавор ҳокими бўлган Ҳожибек Жони Қурбоний ёвлашиб, исён кўтарди деган хабар келди. Уларнинг разил, ифлос феъл-атвори, нияти туфайли Хуросон диёри фитналар уяси ва исёнчилар макони бўлиб қолди.

Юқори насабли Соҳибқирон зудлик билан амирзода Мироншоҳни ул жамоанинг ўқ томирини кесиш учун Хуросонга жўнатди. Ғалаба ва иқболнинг дўсти шахзода ҳаракат байроғини баланд кўтариб, Самарқандга етиб келган чоғда хуросонликлар фисқи-фасодининг асл негизи Малик Ғиёсиддин Пир Алининг ўғли Малик Пир Муҳаммад бўлади деган мулоҳазага борди ва унга икки ўғли — Зайналобидин ва Маҳмудга шаҳодат шарбатини ичирди.

Сўнг Амуя сувидан ўтиб, Ҳирот ҳокими Амир Оқ Буғо ҳамроҳлигида душманлар томонга қараб юрди ва уларнинг

¹ Оқсув — ҳозирда Чимкент яқинидаги темир йўл бекати эканлиги юқорида айтилди.

² Ол Қўшин — Ўтрос билан Талос орасидаги мавзе.



тақдирини дўстлар кўнглига ёқадиган тарзда бажарди. Сарбадор ҳукмдорлари ва Ҳожибек қочишни ихтиёр этди, Ҳожибек эса Ҳазор Жариб саййидлари қўлига гирифтор бўлди. У занжирбанд этилиб, олампаноҳ даргоҳига келтирилди ва ўлдирилди. Амирзода Мироншоҳ Тус шаҳрини фатҳ этганидан сўнг қарийб ўн минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. Номус аҳлининг хонадонидан дуд чиқариб, оҳу фиғон кўтартирди. Ул вайрона ҳукуматни Ҳожибек зиндонидида маҳбус бўлиб ётган Паҳлавон Боязидга топширди.

Сўнг Ҳиротга бориб, бир неча ойни Боғи Зоғонда ҳузур-ҳаловат ва шоду хуррамликда ўтказди. Мазкур йилнинг шаввол ойининг охириги кунни падари бузруквори ҳузур ва мулозиматига йўл олди ва зулқаъда ойининг ўртасида салтанат пойтахти Самарқандга етиб келди.

791 йилда¹ ҳазрат Соҳибқиронни Тўхтамишхондан интиқом олиш учун Дашти Қипчоққа қўшин тортишга ва Жўчи улусини талон-торож қилишга мажбур қилган жуда кўп сабаб ва далиллари мавжуд эди, аммо амирлар ва нўёнлар тиз чўкиб, яқдиллик ва биргалашиб аввал Мўғулистонга бориб, Туғлуқ Темурхон ўғли Хизр Хожа Ўғлон ва Анка Тўраларнинг ёрдамига бўлган умиди таянчи ва хоҳишини батамом тўхтатайлик, токи саодатли мавкаб ғойиблик пайтида улар Туркистон ва Мовароуннаҳр мамлакатларига тажовуз қила олмасинлар, ундан кейин Дашти Қипчоққа юрайлик, деб арз қилдилар.

Зафарёр Соҳибқирон уларнинг бу илтимосини рози бўлиб эшитди ва мазкур йилда донишмандлар башорати билан Мўғулистон сари йўлга кўз тикиб, Исфандиёр сифатли шаҳзодалар ва рустамсиёқли нўёнларни беадад тарақ-туруқлардан иборат ҳад-ҳудудсиз жасур лашкарлар билан Хизр Хожа Ўғлон ва Анка Тўра вилоятларининг чекка атрофларига юборди. Уларнинг от тақалари ва жаҳонгашта чопқир от туёқлари чўлу биёбонларни босиб ўтиб кўпгина душманларни жанг майдонларида қилич ва ёй ўқи зарби билан қонини тупроққа қориштириб, ҳалок эт-

¹ Мелодий 1389 йил.



дилар. Жета эл-улусининг аксариятини горат қилиб, уларнинг аёллари ва болаларини асир олдилар.

792 йилда¹ олий мартабали Соҳибқирон Амир Сулаймоншоҳ, Худодод Хусайний, Амир Шамсуддин Аббос ва унинг укаси Усмонни бошқа шон-шавкатли амирлар гуруҳи ва йигирма минг шиддаткор отликдан иборат сипоҳларни Қамариддинни даф этиш учун ўша томонга жўнатди. Улар Мўғулистон те-варак-атрофини жасорат ва қахрамонона кезиб чиқиб, Анка Тўранинг юрти бўлган Қоратолга етиб келдилар ва Улжой Буғо Мажалкачининг сал одинроқ тўрт юз отлик билан тоғ эчкиси овига кетганини эшитди. Шикоргоҳда Қамариддинга дуч келиб, қаттиқ жанг рўй берди. Икки томондан ҳам кўп аскар ҳалок бўлди. Амирлар бу воқеани таҳқиқ қилиш учун Ҳасан Жондор, Малла ва Бейкашни юбордилар. Улар то жанг майдонигача бориб, ҳалок бўлганлар жасаидан бино бўлган тепаликларни кўрдилар ва Маналқу қавмидан охириги нафасини олаётган бир ярадор кишини топдилар, унинг англитишидан шу маълум бўлдики, Қамариддин жангдан сўнг Анжани Бужани саҳросига кетган. Амирлар бу хабарни таҳқиқ этгандан кейин, қаттиқ шамолдек унинг орқасидан йўлга тушдилар. Иртиш дарёсининг бўйига борганда Қамариддиннинг дарёдан ўтиб сувсар ва оқсувсарлар яшайдиган Тўлас томон қочганлигидан хабар топдилар. Амирлар бир неча кун ул мавзеда истиқомат қилдилар, ўзларининг тамғаларини ўрмон дарахтларига осиб қўйиш учун ўз одамларидан баъзиларини дарёдан у томонга ўтказдилар.

Шундан сўнг қайтишга қарор қилиб, Самарқандда саодатманд Соҳибқирон мулозиматига эришдилар. Жаҳонга фармон берувчи ҳазрат жамият ҳаётидан, турмушидан хотиржам бўлгач, ғалаба оятли байроқлар инояти ва меҳрибонлиги кафиллигида Дашти Қипчоқ томонга қараб ҳаракат бошлади.

¹ 792 йил – 1389 йил 20 декабридан 1390 йил 9 декабригача бўлган оралик.



АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ ДАШТ
ТОМОН ЮРИШИ БАЁНИ ВА ЙЎЛ
АСНОСИДА РЎЙ БЕРГАН БАЪЗИ
ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ

Байт:

Ярқироқ қилични ўпган баҳодир,
Салтанат келинин кучишга қодир.

792 йил кузида¹ мақтовга сазовор хислатли Соҳибқирон Дашти Қипчоққа юришга азму жазм қилиб, охирги мақсади ғалаба бўлган сипоҳлар соғлигига илтифот соясини солди, яъни эътиборини аскарларнинг ҳол-аҳволига қаратди. Амирлар ва нўёнлар, балки бошқа ботир ва жасур жангчиларни от, зар, совут, қалқон билан таъминлади ҳамда бахтиёр соатда ва мақталган замонда Самарқанддан қўзғолиб, Хўжанд сувидан ўтди. Ўша қишда Тошкент ҳудудида қишлоқ қилди.

Шу аснода унинг фазовий хурсандчилиги соғлиқ сувратидан бир томонга оғди, касаллик шиддатли тус олиб, қирқ кунга чўзилди. Шундан кейин шифо унинг аъзоларига маъқул бўлди. Шу ҳолатга яқин пайтда амирзода Мироншоҳ Хуросон сипоҳи билан зафарли ўрдуга қўшилди. 793 йил сафар ойининг ўн иккисида пайшанба куни², яъни қуёш далв ойининг саккизинчисида бўлган пайтда, Соҳибқироннинг фармони имзоси билан Дашти Қипчоқ сафари кучга кирди.

Шеър:

Қўзғалиб кетишди Эрону Турон.

Жаҳонгир байроғи туғи кўп манзилларни босиб ўтиб ва анчагина бекатларни ортада қолдириб, Қорасомон мавзеидан ҳам ўтди. Тўхтамишхон элчилари уларнинг бахтли остоналари эшигига келдилар ва олий насабли нўёнлар билан хушёр кириб келиб, битта шунқор ва тўққизта учқур от олиб келдилар. Ва келтирган хабарларини арз этдилар: «Тўхтамишхон жанг ва уруш

¹ Мелодий 1390 йил кузида.

² Мелодий 1391 йил 19 январь.

ишларидан ниҳоят даражада тавба ва пушаймон қилади. Олий мартабали Соҳибқирон унинг гуноҳи ва қилмишларини афв ва мурувватининг суви билан ювиб, яна бир марта иноят отига миниб, ихлос ва мухлислик йўлига қадам қўйсалар, бу банда бундан буён бўйсунуш ва итоат доирасидан ташқарига чиқмайди».

Байт:

Бу бир бандасидир: фармонига шай,
Аҳду паймонидан ортиқ қайтмагай.

Амир Темур Гурагон уларнинг бу сўзларига унчалик илтифот кўрсатмади ва айтди: «Биз томондан Тўхтамишхонга анча марҳамат ва мурувват кўрсатилишига қарамай, у ҳақ-ҳуқуқни куфрга алмаштириб, бизнинг мамлакатларимизга талон-торож уюштирди. Энди биз у билан урушишга жазм қилдик. Унинг кечирим ва узр сўраши учун оғиз очиши, бир неча марта аҳду паймоннинг у томондан бузилишига шоҳид бўлинди. Унинг сўзларига ишонч йўқ».

Байт:

Унинг дилу тили бирдай рост эмас,
Сўзлари ёлғондир, ишонса бўлмас.

Элчиларга зиёфат қилиб, уларга зардўзи тўнларни кийдириб, уларни тўхтатиб турдилар. Рабиулаввал ойининг ўн олтинчиси чаҳоршанба куни¹ яна тоғдек буюк отга миниб, даштга қараб юрди ва рабиулохирнинг йигирма биринчи куни² бу биёбоннинг машҳур тоғи бўлган Кичик Тоғга³ етди. Жума куни эса Улуғ Тоғ⁴ ҳазратнинг тўхтаб турадиган жойи бўлди. Амир Темур Гурагон кенглиги олти юз фарсах, эни уч юз фарсах бўлган Дашти Қипчоқни кўриш учун унинг устига чиқиб, кўзи илғагунча майсазорни томоша қилди ва аскарларга тош келтиришга фармон бериб, у ерда баланд минора қурдирди. Моҳир сангтарошлар ўша айём тарихини тошга ўйиб ёздилар. Бошқа куни ул манзилдан

¹ Мелодий 1391 йил 21 февраль.

² Мелодий 1391 йил 28 март.

³ Кичик тоғ – ҳозирги Қозоғистоннинг Жезқазған вилояти фарбидаги Актау.

⁴ Улуғ Тоғ – ўша вилоятдаги Улитау (Улуғ тоғ).



хам кўчиб, Илонжуқ¹ суви бўйига бордилар. Сувдан ўтиб, саккиз кундан кейин Атақабриғўй² номли уруш ботирлари қўнадиган манзилга етиб бордилар. Юриш бошланиши Тошкентдан то шу кунгача тўрт ой ўтган эдики, лашкар озиқаси бўйича жиддий нуқсонлар келиб чиқа бошлади, чунки ул дашт ободончилик ва экинзордан анча узоқ эди. Саодатли ўрдада жуда қаҳатчилик ва қимматчилик юз берди. Чунончи, бир қўйнинг нархи юз динор кепакийга³ етди. Худди шу сингари бир ман⁴ галла ўн олти шаръий мандан иборат катта тош билан ўлчанганда, бир юз динор кепакийга кўтарилди. Лашкарнинг кўпчилик аскарлари ул биёбон ерда қуш тухумлари ва ейишга муносиб бўлган ўтлар билан кун кечирар эдилар. Бу жараён Хусрав жаҳонгир замири вужудига таъсир қилиб, таъсирланиш шамоли тинмай эса бошлади. Олий фармони таъсир кўргузиб, туман, минглик ва ўнликлар амирларига жар орқали етказдиларки, ҳеч бир жонзот нон, кумоч, буғра ва татмоч⁵ пиширмасин, ҳар ким ошпаздан олган балмоққа⁶ қаноат қилсин. Амирлар бир ман ундан анбор тошидан саккиз шаръий манлик ҳисобида унга озгина кўкатлар қўшиб олтиш коса балмоқ қозондан чиқишини тажриба қилиб кўрдилар. Ҳар бир киши гўё оддий одамдек бир кунда бир коса балмоқ билан кифояланишга қарор қилинди. Шубҳасиз, ўзбошимча бир гуруҳ кишилар, товуқ ва фоз гўштидан такаллуфлик билан кабоб ейдиганлар, ўша кунларда бир коса балмоқ билан кифояланарди.

Маснавий:

Овқат, сув дардида қоринлар сўлди,

Гўё сувсиз мешдай пучайиб бўлди.

Ҳатто кигизга ҳам боқди кўз мунгли,

Чунки гўштли нарса бўлади юнгли.

¹ Илонжуқ — мазкур вилоятдаги ҳозирги Жиланшиқ дарёчаси (Илон жўк).

² Атақабриғўй — Қозоғистоннинг Қустанай вилоятидаги мавзе.

³ Чифатой хони Кепакхон пул ислоҳотини ўтказгани учун унинг кучли олтин динорлари «динори кепакий» дейилган.

⁴ Ман — оғирлик ўлчови; ўрта асрларда 3 кг дан 12 кг гача бўлган.

⁵ Кумоч, буғра, татмоч — ўша давр овқатлари номи.

⁶ Балмоқ — аталанинг ўрта асрлардаги номи.



Мақтовга лойиқ Соҳибқирон гўшт ва ейишга арзийдиган нарсаларни топиш учун жумодилохирнинг биринчи душанба кунини¹ ов қилиш куни деб белгилади, баронғор ва жавонғор амирлари ҳайвонларни ўраб тутишга чиқдилар ва жуда кўп жониворларни ўртага ҳайдаб келдилар.

Амир Темур Гурагон ва шаҳзодалар ўқ отишдан ва ов қилишдан фориғ бўлдилар, қаҳатчилик бўлишига қарамай, лашкарлар семиз жониворларни тутиб олар, ориқларини эса қўйиб юборар эдилар. Бу шикоргоҳда оҳунинг бир турини кўриб қолдилар, у қўтосдан каттароқ эди, унга ўхшашини ҳеч кўрмаган эдилар. Мўғуллар уни қунғадай дер эдилар, дашт одамлари эса уни белан дердилар.

Алқисса, сипоҳларнинг қуввати бир муддат ов гўшtidан кўнгилдагидек бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон овдан фориғ бўлиб, энди бу ғалаба шиорли амирлар ва бошлиқлардан қайси бирини манглай қилиб белгиласам экан деб турган эди, шул пайт амирзода Муҳаммад Султон тиз чўкиб, шу хизматни унга топширишни илтимос қилди. Бу журъат ул баланд ҳимматли шаҳзодадан кутилган эди. Жумодилохирнинг еттинчиси жума куни² улур амирлар ва нўёнлардан бир гуруҳи олдинроқ жўнатилди ва улар кеча-кундуз йўл юриб, маълумот йиғиб, узоқ юрдилар. Тубал³ дарёсидан ўтиши билан қоровулар Етмиш мавзеида ёниб турган оловни кўрдик, ҳар қанча тафтиш қилсак ҳам олов ёққан одамлардан асар кўрмадик, деб хабар етказдилар.

Амирзода Муҳаммад Султон воқеалар тафсилотини зафарёр ҳазрат Соҳибқирон қулоғига етказди. Ул ҳазрат бу хабарни эшитгандан сўнг шошилиш равишда зудлик билан йўлга тушди, барча лашкар Тубал дарёсидан ўтиб, манглай қисмга қўшилди ва ботир сиёқли аскарлар ул биёбонни жаҳонгашта от туёқлари остида эзиб, ҳар қанча ҳаракат қилсалар ҳам мухолифлардан нишон ҳам топмадилар. Ҳайрат саҳросида саргардон бўлиб, Амир Темур Гурагон анча-мунча ишларни кўрган Шайх Довуд

¹ 1391 йил 3 май.

² Мелодий 1391 йил 12 май.

³ Тубал – Шимолий Қозоғистон ва Фарбий Сибирдаги Тобол дарёси.





Туркманни бирон маълумот топиб келиш учун жўнатди. У икки куну кеча яшин тезлигида от суриб, иккинчи кечасида бир неча ўтовларни кўрди ва бир тепалик орқасида яшириниб кузатиб турди. Эртаси куни бир киши у ўтовлардан ташқарига чиқиб, бир томонга қараб кета бошлади. Шайх Довуд «тилни» ушлаб, гавҳармонанд Соҳибқирон олдига олиб келди. Ул ҳазрат Шайх Довудни зар суви юритилган камар садоқ ва хос хилъат билан тақдирлади. Ул кишидан Тўхтамишхон аҳволини сўради. Ул киши жавоб берди: «Биз бир ойдан бери эл-улусдан чиқиб, бу ерда муқим ўтирибмиз, хондан эса хабаримиз йўқ, аммо бир неча кундирки, ўн отлиқ совутли келиб, бизнинг яқинимиздаги ўрмонда турибди. Биз уларнинг кимлигини билмаймиз».

Амир Темур Гурагон дарҳол Ийд Хожани ўттиз киши билан ул ўтовдаги кишиларни кўчириб, ўрдуга олиб келиш учун тайинлади. Қиморий Ясовулни йигирма киши билан ҳалиги ўрмондаги совутлиларни қўлга туширишга юборди. Қиморий ҳалиги кишилар билан урушиб, баъзиларини ўлдириб, баъзиларини қўлга олиб, салтанат тахти олдига келтирди. Жавонбахт ва тадбирли подшоҳ, улардан Тўхтамишхон хабарини маълум қилиб, олға юрди. Бир қанча манзил йўл босиб, душанба куни эрта тонгда Йайиқ¹ дарёси бўйига етиб келдилар. У кўприк устига чиққан ҳолда турди, токи барча зафарёр сипоҳ сувдан солда ўтиб олди. Шу аснода душман ҳақида маълумот йиғиб, унинг яқин эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун «Лашкарлар ўз кўноғи ва қўшинидан ажралмасин, қўшин жойлашган жойда унинг атрофида хандақ ковлансин!» деган фармони олий содир этилди. Шундай қилиб, у бир неча манзил олдинга юрди. Тўсатдан қоровуллар қисмидан муҳолиф сипоҳлардан уч қўшин кўринди деган хабар келди.

Амир Темур Гурагон чўнтакларни кенг очиб, жуда кўп тилло-зарларни сардорларга бағишлаб, олдинроққа интилди. Қоровуллар бир кишини ушлаб, ундан хабар сўраган эди, у жавоб берди: «Сизнинг лашкарларингиз ўртасида озуқа ноёбдир. Шубҳасиз, Тўхтамишхон сизларни олдинроққа тортмоқда».

¹ Йайиқ – ҳозирги Урал дарёси.





У бечора рост гапиргани учун, ҳалок бўлди. Шундан сўнг Мубашшир Баҳодир суриштириб билишга ошиқиб, ўрмонда ўзбеклардан бир гуруҳига дуч келиб қолди ва уларнинг қирқтасини олиб келдилар.

Амир Темур Гурагон Мубашширга кўп инъом бериб ва эҳтиромлар кўрсатиб, уни жуда сийлади. Қўлга тушганлардан Тўхтамишхоннинг қаердалиги ҳақида маълумот олди. Улар жавоб бердилар: «Лашкар Қирқ Кўлда¹ тўпланишга келишган эдик. Биз айтилган жойга келдик, аммо хонни топмадик».

Сўнг Амир Жалол Ҳамид қоровуликка кетди ва ўзбек сипоҳининг қорасини кўриб, яна хабар юборди.

Амир Темур Гурагон Амир Ийгу Темур Барлосни рустам сифатли ботирлардан бир гуруҳи билан қоровуликка тайин қилди. Улар буйруққа бўйсунган ҳолда ишга киришиб, катта гилу лойдан, ботқоқдан ўтиб, Амир Жалол Ҳамид гуруҳига қўшилдилар. Ва сал олдинроққа қараб юрган эдилар, бир тепалик ортида турган дашт сипоҳларидан бир гуруҳини кўриб қолдилар.

Амир Ийгу Темур дарҳол тоғдек шукуҳга тўла лашкарлардан бир гуруҳини ул жамоат томон жўнатди ва мухолифлар тепалик томондан пастга қараб шошилдилар. Ийгу Темурнинг одамлари дарров уларнинг жойларига чиқиб олдилар. Ул томонда ўттиз қўшин сипоҳининг тўла-тўкис саф тортиб турганини кўрди ва Ийгу Темурни бу аҳволдан хабардор қилиб қўйдилар.

Шавкатли амир ул тепага чиқди ва душман лашкарининг кўплиги туфайли урушишни маъқул кўрмай, оёғини орқага тортди ва олдинроқ ул оби лойдан, ботқоқдан ўтган одамларига ишора қилди. Душман Амир Ийгу Темур сипоҳининг камлигидан воқиф бўлгач, ўлим жиловини ул томонга қараб бурди.

Байт:

Ғазабланиб бақир-чақир қилардилар,
Қулзум гирдобидек жўшиб тошардилар.

Амир Ийгу Темур ҳамият ва ғурурнинг зўрлигидан оёғини маҳкам босиб турарди, душманнинг тикондек тешиб ўтадиган

¹ Қирқ Кўл — Кама дарёси билан Волга дарёси қўшиладиган жойдаги кўллар.



ўқларини шунчалик ушлаб қолдики, сипоҳнинг кўпчилиги гил-лойдан ўтиб олди, аммо ўзи ажал домига учраб, орқадан келиб теккан ўқ зарбидан ер устига қулади.

Байт:

Жанг ҳарбу зарбидан эс оғиб кетар,
Фигону фарёдлар осмонга етар.

Бу жангда Ёдгор Барлоснинг ўғли Малик, Рамазон Хожа ва Муҳаммад Арлот ҳам шаҳодат сувини ичдилар. Шу воқеалар жараёнида зафарёр байроқ мақтовга лойиқ Соҳибқироннинг олий мавкабли мулозимларининг барчаси сувдан ўтиб, уруш оловини ёқишга киришдилар ва қаттиқ ҳамла қилиб хоксор ўзбекларни қочириб юбордилар. Амир Темур Гурагон музаффар ўрдуга қайтиб келиб, жангда шижоат ва қаҳрамонлик кўрсатган барча кишиларни тақдирлади ва тутган мавқеига риоя қилган ҳолда уларни сийлади ҳамда кўнглини кўтарди. Амир Ийгу Темур қариндошларини йирик совғалар сирасига киритиб, унинг мансабини Қиличқойнинг ўғли Шоҳ Маликка берди ҳамда шоҳона катта нишон ва парвоначи муҳрини ҳам унга топширди. Олти ойдан бери ғалабакор лашкар шимол томонга юрарди. Охири шундай бир жойга етиб келдики, оқшом шафақнинг ботишидан олдин ҳақиқий тонгнинг ёруғ таъсири нур сочади ва ул мавзеда шимолий буржда қуёшнинг мавжуд бўлмиш жараёни кечади, шунинг учун шариат тақозосига кўра хуфтон намозини ўқиб бўлмайди.

Назм:

Нур водийсин кўриш ҳаддидан ошди,
Утилган манзиллар беш юздан ошди.
Ушбу ноҳиянинг сўнгида қаранг,
Эгизак кундузлар ҳукм сураар аранг.
Бу қизиқ водийда ҳар қанча чошиб,
Қоронғи кечани бўлмайди тошиб.

Алқисса, жаҳонгир Соҳибқирон у манзилдан ҳаракат қилганда, Тўхтамишхон ғалабакор аскарлар ҳолини хароб қилиш учун жанг қилиб тўхтамаслиги ва уларни ўз томонига тортиши маълум бўлди.

Амирзода Умаршайхни йигирма минг отлиқ билан илғор қисм сифатида олдиндан жўнатди, токи у ўзи душманга етиб олиб, уларни тўхтатиш чорасини кўрсин. Амирзода фармонга биноан амал қилиб кетаётган эди, иккинчи кун икки томон манглайи бир-бирига етишди ва жангу жадалга тайёр деган хабар келди.

СИПОҲЛАРНИНГ ЖАНГГА ТАЙЁРЛАНИШИ ВА БУ ИККИ ЖАНГОВАР ПОДШОҲНИНГ УРУШИ БАЁНИ

Биртаси куни жаҳонгирлик офтоби фотиҳлик ва ғалабакорлик уфқидан чиқиб келди. Қудратли иноятлар соҳиби дилларни хурсанд қиладиган нидоларни Амир Соҳибқирон қулоғига етказди ҳамда нурли қуёш замири ғалабакор сипоҳ томонга қараб юрди.

Ва Қундузча¹ мавзеида лашкар таркиби ислоҳ этилиб, унга «Етти қўл» тартиби берилди. Ҳар қўлнинг саркардалик вазифасини донгдор саркаш ва мағрур сардорлардан бирининг иқтидорли қўлига топширди.

Биринчи қўл – Султон Маҳмудхон чехраси ёғдусида зебу зийнат мавжуд. Иккинчи қўл – ул ҳазратнинг хислати бўлиб, амирзода Муҳаммад Султон ҳашаматли байроқ тикди. Учинчи қўл – Мироншоҳ Мирзонинг шиддаткор саъй-ҳаракатига тааллуқли бўлиб, баронғор қисмни бошқариш унга ихтисослаштирилди. Тўртинчи қўл – Амир Ҳожи Сайфуддин сиймоси билан безатилиб, у ҳам ўнг томонга шошилди. Бешинчи қўл – амирзода Умаршайх шавкати билан мустаҳкамланиб, унинг жойи жавонғорда деб белгиланди. Қолган «икки қўл» ҳам буюк амирларнинг савлат ва салобатига кўра мустаҳкамлаштирилди, унинг шукуҳи Эльбурс тоғидан ҳам ўтиб кетди.

Маснавий:

Саодат тулпори тизгини кафда,
Ҳазрат лашкар тузди етти қўл сафда.

¹ Қундузча – Самара ва Чистополь шаҳарлари оралигидаги мавзе, ҳозирги Кондурча.

Етгининг устаси Искандарга хос,
 Муҳандислари ҳам чин Ҳулкаршунос.
 Етти пулат танли Албурз тоғидай —
 Лашкар дарё каби жўш урар тинмай.

Ул томондан Тўхтамишхон катта ғурур билан

Байт:

Учқур от белига қўйди оёқни,
 Мискарнай товуши тутди ҳар ёқни.

Сипоҳнинг маймана, майсара ва марказини Тош Темур Ўғлон, Бек Ёруқ Ўғлон, Йилтағмиш Ўғлон, Бек Пўлод Ўғлон, Али Ўғлон ва шу сингари жасур Жўчи насабли шаҳзодаларга, амирларга берди. Алибек, Сулаймон Сўфи Қўнғирот, Наврўз Қўнғирот, Оқ Буғо, Ўрус Ҳақ Қиёт, Исобек Наврўз Қўнғирот, Ҳасанбек, Сарой, Кўка Буғо, Ёқали Бей Бейтарин ва Қўнғир Бей каби Жўчи улуси сардорларидан қўшин сафи тузиб ва мустаҳкамлаб, уларнинг мағрурлигини оширди.

Маснавий:

Хонлик байроқлари юксалди авжга,
 Салобат денгизи киришди мавжга.
 Чингиз русумида тузилган лашкар,
 Жаҳонни ютгучи наҳрдай тебранар.
 Биёбон қумидан санокда мўлроқ,
 Жўчи насабидан ғурур тумтароқ.
 Даштни тутиб кетган йиртқичфеъл эрлар,
 Булар шарпасига дош бермас шерлар...

Тўхтамишхон ҳад-ҳудудсиз лашкар билан у биёбон атрофини ўраб олган пайтда, Амир Темур мардлик ва жасурлик юзасидан зафарёр сипоҳга отдан тушиб, чодирлар ўрнатишга ишора қилди ҳамда овқатга олов ёқиб, ош пиширишга¹ киришдилар. Тўхтамишхон бу ҳолни кўриб, ул сафни ёрувчи лашкарнинг совуққонлиги ва душманга нисбатан аҳамиятсизлигидан тааж-жуб бармоғини тишлаб қолди. Даҳшат ва ҳайратга тушган ҳолда сафларни кўздан кечириб юриб, қаттол урушнинг ҳамласи ша-

¹ Бу ерда «олов ёқиб, ош пишириш» ҳақидаги сўзлар муаллифнинг тўқимаси, «Зафарнома»ларда бу сўзлар йўқ.

молидан олов аланга олди. Жанг қизиган пайтда пок эътиқодли Соҳибқирон отдан тушди ва икки ракат намоз ўқиди.

Ўша пайтда пайғамбарларнинг қимматли шажараси самараси ва мурувват шарафининг улкан дарахти шохи Амир Саййид Барака ва ҳидоят сари йўловчи покиза машойихларидан Хожа Зиёвуддин Юсуф ва Шайх Шаҳобиддин Исмоиллар¹ бошларини яланғоч қилиб, қўлларини дуога очиб жаҳонгир Соҳибқироннинг шавкати ва қудратини кўтаришни ҳамда Тўхтамишхоннинг шаъни байроқларини пастга туширишни Аллоҳдан сўрадилар, олийжаноб юзини жаҳонгир подшоҳга буриб деди: «Таважонаҳ ҳайсу шиъта фаиннака мансуран» – «Истаган тарафинга юз ўтир, сен ғолибсан» ва майдонга қодирлик қудратини сепкил ва мормит озармит, деб, бир сиқим майда тошни олиб душман томонга сочиб юборди. Шаҳодат калимасини дуогўйлар илҳом тили билан баён этдилар.

Соҳибқирон отга минди сарбаланд,
Юксак осмондаги хуршидга монанд.

Шу пайт Амир Ҳожи Сайфуддин, Амир Жаҳоншоҳ, Мироншоҳ Мирзо ва бошқа зафарёр шаҳзодалар ва жасур амирлар яланғоч қиличларини қаттиқ совуқ шамол тезлигида душман устига юлдузларни ағдариб юборгандек ишга солдилар. Улар мудофаа ва қирғин уруш ҳолида ишга киришиб, замин ва замонда зилзила қилиб юбордилар. Ботирларнинг учи ўткир найзалари шуъласидан ёшлар жони куярди, паҳлавонлар ҳамласи шамолдан жасурларнинг қасос олови алангаланарди, қон селобларидан жаҳон чўлу биёбонлари Амуяю Сайхун сингари тўлиб тошди, жасадларнинг кўплигидан ул дашт баланд кўтарилиб, Алванд тоғидан ҳам баланд бўлиб кетди.

Охири, зафарпаноҳ мавкаб жангчилари ўқнинг ўткир учи ва қилич зарби билан дашт лашкарининг сафларини бузиб юборди. Тўхтамишхон эса қудратли Соҳибқиронга қаршилик қилишга ўзида етарли куч тополмай, катта қудрат соҳиби шаҳзода Умаршайх Баҳодирга ҳамла қилди. Ул ўрмон шери тоғдек қимир этмай турарди ва тўқмоқ зарби билан душманларнинг зарбини

¹ Яздий «Зафарнома»сида фақат Саййид Бараканинг номи эслатиlgан.





қайтарарди. Тўхтамишхон ул томондан ҳам жиловини тортиб, Шайх Темур Сулдуз ҳазораси (минглик қисми)га шошилди. Ўқ отиб ул жамоатни олдиндан олиб ташлади. Қиёматасар лашкар ортидан довюрак мардлардан катта гуруҳи сафга тизилдилар.

Жоку Тавочи бўлса қочганларни қувиб юрган зафарёр Соҳибқироннинг орқасидан чошиб келиб, бу хабарни унга етказди. Жокудан кейин амирзода Умаршайх олдиндан бир чопар келиб, ўша маслаҳат учун кўмак сўради. Шунинг учун Амир Темур Гурагон қўл остида бўлган барча мулозимларни бутун сипоҳлари билан бирваракайига Тўхтамишхон устига ҳамла қилди. Хоннинг барқарор ва сабот оёғи бу рустамсифатнинг кескин ҳаракатини кўриб жойидан қўзғолиб, қочиш водийсига от солди. Дашт лашкарининг жуда кўпчилиги шафқатсиз қилич тифидан ҳалок этилиб, бу мусибатли воқеа ўзбекларнинг ғамгин саҳифаларига қўшилди ва бу ғалаба воқеаси султонлар зафарларининг энг нодири бўлиб, 793 йил ражаб ойининг ўн бешинчиси душанба кунинда¹ содир бўлди. Зафарсиймоли Соҳибқирон душман жанг майдонида бахтиёрлик тахтига ўтириб, шаҳзодалар ва амирларни табриклаб, ғалабанинг шу тарзда давом этиши дуосини қилиб, фахр ва ғурур билан ифтихор туйғусига тўла байроқни тикди. Ҳазрат Соҳибқирон ёрлик бериш маросимини ўтказди, унинг шукронасига жуда кўп қумушолтин пуллар сочди ва барча лашкарнинг ҳар ўн кишисидан етти нафарини танлаб олиб, душман орқасидан юборди. Бу ғалабакор сипоҳ душман орқасидан шошилиб, уларга Итил² сувига яқин жойларда етиб борди. Қочганларнинг жуда кўпини шафқатсиз равишда тифдан ўтказдилар. Тўхтамишхон озгина одами билан ул бало гирдобидан нажот соҳилига етишди, унинг барча аёллари, болалари ва молу мулки ғалабакор сипоҳ қўлига тушди.

Амир Темур Гурагон Ўр Тўба³ саҳросигача шошилиб келди ва йигирма олти кун байроғини ҳилпиратиб, шоду хуррамлик билан ҳузур-ҳаловат қилди.

¹ Мелодий 1391 йил 18 июнь кунини.

² Итил – Волга дарёсининг эски номи.

³ Ўр Тўба – Волганинг ҳозирги Тольяттидан шимолроқдаги соҳили ва унга туташ сайҳонликлар.





САОДАТМАНД СОҲИБҚИРОННИНГ САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ САМАРҚАНДАГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИ ВА БАЪЗИ ВОҚЕАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ



Шўхтамишхон ва ўзбеклар ишлари ўзларининг кўнглидагидек тўғри бўлганлиги боис улкан бойлик ва ҳад-ҳудудсиз мол-мулк ғалабакор ҳарбий лашкаргоҳда тўпланди. Толели ва саодатли Амир Темур Гурагон халифалик тахти ўрнатилган томон қараб йўлга тушди ва ғалабакор лашкар ниҳоятда катта хурсандчилик ва ҳузур-ҳаловат билан дашту биёбон бўйлаб таралиб, ғолиб ва бахтиёр ҳолда масофани қисқартирар эди, бир манзилдан иккинчи манзилгача шоду хуррам ва хушчақчақ йўл юриб, қувонч ва тантанани ўрнига қўйиб келмоқда эди.

Жумладан, зафарпаноҳ сипоҳга ўшал сафарда муяссар бўлган айшу ишрат ишларидан бири кўтарма чодирини бўлиб, уни қўнган ва жўнаган пайтда очиб-йиғиб ўтирмасдилар, унинг гумбазларини боғлаб истаган томонга олиб бориш мумкин эди. Шунинг учун кўриниб турганларнинг ҳар бири шундай хонада жонона билан қучоқлашиб, юзини мақсад сари буриб, қимматли дил сўзлари билан нафсоний лаззатларни олиши мумкин эди.

Ёйиқ дарёсидан ўтгандан сўнг зафарёр Соҳибқирон ўғруқни бошқаришни Амир Ҳожи Сайфуддин зиммасига юклаб, ўзи йўл юриш маромини тезлаштирди.

793 йилнинг зулқаъдасида¹ толеи баланд давлат соҳиби Ўтрорга етиб келди ва Сайхун сувидан ўтиб, фирдавсмонанд Самарқандни қутлуғ қўнадиган жой қилиб белгилади.

Бир неча шодиёна ва қувончли кунларни ўтказгандан сўнг, амирзода Мироншоҳни Хуросон томон равона қилди ва ўзи эса Тошкентга бориб, қишни ўтказишни мўлжаллади. 794 йилнинг муҳаррам ойида² Амир Ҳожи Сайфуддин зафарёр барча сипоҳ билан Тошкентга келди.

¹ Мелодий 1391 йил октябрь ойида.

² Мелодий 1391 йил декабрь ойида.



Амир Темур Гурагон қишни шу вилоятда ўтказгандан сўнг худди шарқ подшоҳи (қуёш) илтифот билан ўзининг шарафли уйига йўл олгани сингари Самарқанд томон ошиқди. Ақар саҳроси ғалаба шиор мавкаб чангидан мушкнинг хушбўй ҳиди билан тўлди. Ўшал манзилда амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир Зобулистон вилоятининг бир томонига тайин қилиниб, амирлар ва нўёнлардан иборат гуруҳ билан ул томон жўнатилди. Жаҳонгир Соҳибқирон Самарқандга келганидан сўнг олийнасаб баъзи шаҳзодаларнинг тўйларини ўтказди ва бир неча кун батафсил байрам, хушчақчақлик ва шоду хуррамлик бисотини кенг ёйди. Ўшал ишлардан фориг бўлгач, зафарли байроқни беш йиллик юриш учун баланд кўтарди.

ЕТТИ ИҚЛИМ¹ СОҲИБҚИРОНИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИК ЮРИШИ БАЁНИ

Соҳибқирон Дашти Қипчоққа юришдан қайтгандан сўнг Самарқандда бир неча кунни маишат ва шоду хуррамликда ўтказди, сўнг азму жазм қилиб, яна бир марта Эрон вилоятларини кўриб ўтишни, кимки ҳумоюн мавкаб йўқлигида ўз оёғини ҳаддидан каттароқ ташлаб юрган бўлса, ғазаб қўли билан жазолаб қўйишни истади.

Шунинг учун тақдир фармони шарафли жараёнга самарали таъсир кўрсатиб, тавочилар жар солиб, сипоҳларга етказдиларки, беш йиллик юришга рағбат ва ҳиммат кўрсатиб, баланд пояли байроқ остига йиғилсинлар.

Сипоҳ ва ходимлар шай бўлгандан сўнг 794 йил ражаб ойининг ўн бешинчиси жума куни² шоҳона ҳаракат бошланди. Шаъбон ойининг биринчи якшанба куни³ подшоҳнинг миждози муътадилликдан бир ёққа қараб оғди ва мазкур ойнинг то якшанба куни ўрталаригача касаллик давом этиб, барот кечаси Масиҳнафас табиблар давоси билан эмас, балки илоҳий шифобахш ҳақимнинг инояти марҳамати билан саломатлик давоси каромат қилинди.

¹ «Етти иқлим» Ўрта асрларда ислом мамлакатларида Ернинг «рубъи маъмура»си, яъни унинг обод шимолий чорағи етти иқлимга бўлинган.

² 1392 йил 7 июнь.

³ 1392 йил 23 июнь.



Муборак рамазон ойининг олтинчиси, шанба куни¹ подшоҳ Бухоро вилояти ҳудудидаги Жўйи зар² манзилдан кўчди, чунки подшоҳ касаллик пайтида ўша ерда турган эди. Фатҳ ва ғалаба лашкари толеи баланд ва саодатли аскарлар билан музаффар мавкаб мулозими

Байт:

Саодат – ходими, иқболи – сарвар,
Мулозими фатҳу ғалаба – лашкар

деб билган қўшин Амуя сувидан ўтиб, манзил ва маконларни жадал босиб ўтиб, шаввол ойининг йигирманчиси, душанба куни³ Астробод атрофини ўрдугоҳга айлангирди. Ўша куни ислом мамлакатлари шайхларининг сараси Саййид Барака бундан олдин элчилик расми билан Саййид Қавомиддин авлоди олдига борган эди. Яна бориб Саййид Фиёсиддин ибн Саййид Камолиддинни жаҳонпаноҳ даргоҳига олиб келди.

Саййид Камолиддиннинг ўзи истеъфога чиқиб кетганлиги боис мулозиматда бўлаолмаганлиги туфайли Амир Темур Гурагоннинг ғазаб ўти аланга олиб, шитоб билан Мозандаронга йўл олди. Чунончи, юқорида ёзилганидек, Омуддан⁴ тўрт фарсах нарида бўлган Моҳонаи Сар қалъасини ва у ерда Саййид Қавомиддин авлоди ўзини ҳимоя қиладиган жойни олиб саййидларни Мовароуннаҳрга жўнатди⁵.

Сўнг от жиловини Журжон томон буриб, 795 йил муҳаррамнинг йигирманчисида⁶ Шосмон манзили ғайратли жаҳонгир Соҳибқироннинг у ерга қўниши муносабати билан жаҳоннинг

¹ Ўша йил 27 июль.

² Жўйи зар – Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги мавзе ва ариқнинг номи.

³ 1392 йил 9 сентябрь.

⁴ Омуд – Эроннинг шимолида, Каспий денгизидан қарийб 20 км масофадаги шаҳар.

⁵ Мозандарон саййидлари пайғамбар авлодлари бўлганларига қарамай, суннага зидлик қилган ва шиаликни даъво қилиб, жума кунларидаги намозларни тақиқлаган эдилар. Бу эса Амир Темурнинг ғазабини кўзғатиб, уларни Мовароуннаҳрга сургун қилган.

⁶ Мелодий 1392 йил 25 декабрь.



жаннат жойидек ярқираб кетди. Сори вилоятини Жамшид Қорунга, Омулни эса Искандар Шайхий ибн Афросиёб Жалолийга топширди. Шундай қилиб сафар ойининг йигирма тўртинчиси пайшанба куни¹ у ердан кўчиб, Домғон ва Семнон йўли орқали Райга² келди.

Ҳумоюн ҳукми шараф билан бажарилиб, амирзода Жаҳонгирнинг ўғиллари олий мақомли шаҳзодалар амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Пир Муҳаммаднинг манглайни бошқариб, олдинроқ Ироққа бориши таъмин этилди ва улар Қазвин, Султонияга бориб, ул мамлакат гулзорини фисқу фасодчи исёнчилар тиканидан тозалаб, сўнг Султониядан Курдистонга илдам юриб кетдилар. Ул тоғли ўлканинг ўнқир-чўнқир йўлларида қутулиш учун мавзенинг баъзи жойларида қўзғолон кўтарган Шайх Али Баҳодир курд пичоғи зарби билан (ўзи пичоқчи эди) оламдан рихлат қилди. Шаҳзодалар Курдистон ҳокими Амир Иброҳим билан сулҳ туздилар ва от жilовини ҳазрат Соҳибқирон мулозиматига қараб бурдилар.

Ана шундай вазиятда мақтовга лойиқ подшоҳ Луристон³ ҳокими Малик Иззиддин муҳолифлик водийсига қадам қўйибди, деб эшитди. Шунинг учун Соҳибқироннинг ўзи уни даф этишга қараб юрди.

Хуррамободга⁴ келиб тушган пайтда Малик Иззиддин молмулкини ташлаб қочибди, деган хабар келди. Ул ҳазрат Луристондан Шуштарга⁵ қўшин тортиб, мазкур йилнинг рабиулохир ойининг йигирманчиси чаҳоршанба кунида Чаҳор Донак⁶ дарёсидан ўтди ва шаҳар четидаги хурмозорга келиб тушди.

Амирзода Муҳаммад Султон ва амирзода Пир Муҳаммад манглай қўшин билан шу манзилда ҳумоюн мавкабга келиб

¹ Мелодий 1393 йил 5 январь.

² Домғон ва Семнон – Эроннинг Каспий денгизидан жанубдаги ва Техрондан шарқроқдаги шаҳарлари. Рай – ўрта асрлардаги йирик шаҳар, ҳозирги Техроннинг шарқий қисми.

³ Луристон – Фарбий Эрондаги вилоят, икки қисмдан иборат: Лура Кучек (Кичик) ва Лура Бузург (Катта).

⁴ Хуррамобод – Эроннинг қадимий шаҳарларидан бири; Луристон вилоятининг маркази.

⁵ Шуштар – Эроннинг қадимий шаҳарларидан бири. Уни Тустар ҳам дейишган.

⁶ Чаҳор Донак – ўша вилоятдаги дарё номи.

қўшилди. Шундан сўнг олий мартабали подшоҳ Шероз¹ томонга қараб юришни бошлади.

Мазкур жилднинг иккинчи бобида ёзилганидек, галабакор шоҳни мағлуб этибгина эмас, балки уни ҳалок этиб, ҳурмат ва эъзоз билан Шерозга кириб борди ва Оли Музаффарнинг ўшал вилоятидаги барча ҳукмдорлари мулозимат билан келиб, бир неча кундан сўнг эса жазога сазовор этилди.


Шероз ҳукумати амирзода Умаршайхга тааллуқ этилиб, жаҳонгир ҳазратнинг байроғи жумодилохирнинг йигирма еттинчи жума куни² Исфаҳон томон ҳаракатга тушди.

Қумиша³ ёки Моҳиёр мавзеида бахтиёр шахриёрнинг Оли Музаффарнинг қатли ҳақидаги фармони кучга кирди ва ражаб ойининг саккизинчи сешанба куни ул олий мақомли ҳоким қатл этилди.


Амир Соҳибқирон бошқа вилоятларни фатҳ қилиш ниятида ҳамда итоат этмаган одамларни бўйсундиришга қарор қилиб, у ердан йўлга тушди ва ўнинчи пайшанба куни⁴ Исфаҳонга етиб келди.

Байт:

Юрди ҳодисани топтамоқ учун,
Қон тукиш ғамзаси олади учин.



АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ БАҒДОДГА ЮРИШИ ЗИКРИ ВА ЎШАЛ ПАЙТДА ЮЗ БЕРГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ



Амир Темур Гурагон Ироқ, Озарбайжон, Форс, Луристон ўлкаларини фатҳ этишга киришиб юрган пайтларида Султон Аҳмад Жалойир пойтахт Бағдоддан олампаҳоқ даргоҳига бирор-та чопар юбормади ҳамда итоат ва бўйин эгишни изҳор қилмади.

¹ Шероз – Эроннинг жанубидаги Форс вилояти пойтахти.

² Мелодий 1393 йил 10 март.

³ Қумиша – Исфаҳондан 60 км.ча жанубда бўлган урта аср шаҳри.

⁴ 1393 йил 20 май.



Ул ҳазрат баланд ҳимматли камандни Ироқи Арабни эгаалаш учун ташлади. 795 йил ражаб ойининг йигирма олтинчисид¹ Исфаҳондан Ҳамадон² томон йўлга тушди. Улуғ сахий муҳтарам Аллоҳ таоло ҳимояти кафолатида у вилоятнинг баҳри дилини очадиган бағрига етиб келди.

Бир неча кун маишат ва шоду хуррамлик бисотини ёйиб, Озарбайжон, Рай, Боқунинг Дарбанди ва унга тобе ва қўшимча ҳудудлар тизгинини лаёқатли шаҳзода жаҳонгир Муизиддин Мироншоҳ қўлига берди.

Ҳамадондан шаъбон ойининг ўн учинчи шанба куни³ йўлга тушиб, йўл асносида бир неча марта ов қилишди. Муборак рамазон ойининг бошларида эса Қалоғи даштига⁴ шиддат билан келиб, ўзига ҳабаший қўрғон қилиб олган Сарик Муҳаммад Туркман ва унинг мулозимлари билан жанг қилиб, туркманларни қувиб юборди. Фурсатни фанимат билиб, Шайх Темур Баҳодир қочганларни таъқиб этиб, уларнинг кўпчилигини ўлдириб, музаффар мавкабга келиб қўшилди.

Рамазон ойининг якшанба куни⁵ жаҳонгир Соҳибқирон Қалоғи даштидан қайтиб, Оқ Булоққа⁶ келди ва ойнинг қолган кунларини ўша маконда охирига етказди. Шаввол ойининг биринчиси якшанба куни байрам кунига тайёргарлик ишларига киришилди.

Икки кундан кейин ўша айёмнинг улуғ машойихларидан бўлмиш Шайх Абдураҳмон Исфароиний элчи сифатида Султон Аҳмад Жалойир⁷ олдидан ташриф буюрди. Амир Темур Гурагон ул бузрукворнинг ҳурмат ва эҳтиромини жойига қўйди ва тадбирлар ўтказди. Шайх пойтахт ҳокими мактуби ва олиб келган туҳфаларини муносиб тарзда топширди. Аммо Султон Аҳмад

¹ Мелодий 1393 йил 8 июнь.

² Ҳамадон — Эрон ғарбидаги шаҳар.

³ Мелодий 1393 йил 24 июнь.

⁴ Қалоғи *дашти* — Озарбайжондаги чўл.

⁵ Мелодий 1393 йил 10 август.

⁶ Оқ Булоқ — Ҳамадондан 90 км. ча шимолдаги мавзе.

⁷ Султон Аҳмад Жалойир — Озарбайжон ва Ироқда ҳукм сурган жалойирийлар сулоласининг охириги вакили.



Соҳибқирон номини хутба ва пул зарб қилишда ўз зиммасига олмаганлиги туфайли, унинг ҳадялари ва туфҳалари Амир Темур Гурагон назарига манзур бўлмади. Шайх эса хос хилъат, от ва зар совғаси билан сийланиш билан кифояланиб, Бағдодга қайтиб кетди.

Сўнг тавочилар жар фармони орқали лашкар сипоҳларига Дажла¹ дарёсидан ўтиш масаласида «Ҳар бири икки қисмга бўлиниб, тартиб билан ўтилсин!» деган хабарни етказдилар. Товуқ йилига мувофиқ келадиган 795 йил шаввол ойининг ўн учинчи жума куни² Соҳибқирон ҳаракати Оқ Булоқдан бошланиб, олий мавкаб олти кун йўл босиб, Иброҳим Лак қуббаси билан донг таратган Шайх Яҳё муқаддас мозорига етиб келди.

Олий мақом Хусравга ул эҳтиром қилишга лойиқ муқаддас мозорнинг яқинидан хабарчилар Султон Аҳмад Жалойир кўрсатмасига биноан хабар етказувчи кабутарни Бағдод томонга учирганлиги ва ул ҳазратнинг келаётганлиги ҳақида мактуб жўнатганлиги маълум бўлди. Бинобарин, мактубни ёзган кишини топиб, унга бошқа мактуб ёздириб, унда биз Амир Темур деб тасаввур қилган қора нарса ҳақиқати маълум бўлдики, улар кўчманчи ва уларнинг қора моллари бўлиб, чигатой лашкаридан ваҳимага тушиб, бу ҳудуддан паноҳ истаб келаётган эканлар деган фармонни берди. Ва у мактубни

Байт:

Бағдодга етсин деб мактуб чоғланди,
Бошқа кабутарга бу хат боғланди.

Султон Аҳмад биринчи мактубни ўқиб бўлгандан сўнг изтиробга тушиб, юкларни Дажладан ўтказа бошлади. Иккинчи мактубни кўргандан сўнг ишонч ҳосил қилди ва Дажланинг ғарбий томонида отга минган ҳолда кутиб турди. Бу томондан жаҳонгир Соҳибқирон илдам юриб, бир юришда йигирма уч фарсах йўл босди ва шавволнинг йигирма тўққизинчисида

¹ Дажла — Ироқнинг шарқидаги дарё.

² Мелодий 1393 йил 22 август.





Назм:

Жамшид табиатли жасур жаҳонгир,
Сонсиз лашкар билан Бағдодга етди.
Ногора, карнайнинг шовқин садоси,
Жаҳонни тўлдириб, осмонни йиртди.
Бағдод аҳолиси бўлиб бош-оёқ,
Юк боғлаб чопишар. Нажот-чи? Қочмоқ.

Султон Аҳмад солни узиб ва кемаларни фарқ қилиб, олтин-кумуш буюмларини олиб қочди. Муҳаммад Озод сипоҳларнинг бир гуруҳи билан сув юзидаги мавж сингари равон бўлиб, ул томондан ташқарига чиқди ва кемаларни топиб, бу томонга келтирди, аммо сипоҳлар кемага илтифот кўрсатмасдан яшин тезлигида Дажладан ўта бошлади.

Амир Темур Гурагон эса Султон Аҳмадга мўлжалланган Шамс номли кемада ўтириб сувдан ўтди. Ўзининг нияти уни таъқиб этиш эди, аммо амирлар жуда кўп илтимослар қилиб ул ҳазратни қайтариб, ёвнинг орқасидан ўзлари қувиб кетдилар.

Султон Аҳмад шошилинич равишда ўзи билан олиб кетаётган ҳисобсиз нақд пуллар ва нафис жинсларни йўлда қолдириб, тезлик билан йўл босарди. Амирлар эса ул молларни тасарруф этиб, орқадан то Дашти Карбалогача¹ сиқиб келарди. Ийбаж Ўғлон, Амир Жалол Ҳамид, Амир Усмон Аббос ва Шайх Арслон қарийб қирқ беш киши билан унга етиб келди. Султон Аҳмад эса икки юз кишилиқ учқур отлиқ билан бир зумда гир айланиб отдан тушдилар ва ўқ ва камонга ёпишдилар.

Байт:

Камондан шунчалик ўқ отдиларки,
Кўкда қанотларин куйдирди малак.
Зирҳни илма-тешиқ қилди ўқ гўё:
Ёр зулфидан елар ўтди жонсарақ.

Амир Усмонни душманлар қўлидан ярадор қилиб, шу йўл билан уни мажруҳ этдилар. Музаффар ва ғолиб амирлар бойликлари билан қайтиб, ҳурматли ҳазратни имом олий мақом Абу Абдуллоҳ

¹ *Дашти Карбало* – Карбало Бағдоддан 75 км жануброқдаги шаҳар, дашт эса шу шаҳардан 50 км ғарбдаги саҳро. Имом ал-Ҳусайн шу саҳрода шаҳид қилинган.



ал-Хусайн¹ ибн Али ал-Муртазо саловатул-аллоҳ, вас-саломиху алайхумунинг муқаддас Каъба шарафли равзалари остонасини тавоф қилишга мушарраф бўдилар. Сўнг олампаноҳ даргоҳига шошилиб келиб, ҳад-ҳудудсиз навозишларга эришишди.

Байт:

Эшиги тупроғин юзга сурдилар,
Исталган орзуни топиб турдилар.

Бахтиёр Соҳибқирон қарийб икки ой пойтахт Бағдодда ху-зур-ҳаловат ва шоду хуррамлик билан истиқомат қилди ҳамда хушчақчақликнинг додини берди, арғувоний майнинг жомлари кумуш билакли соқийлар қўлидан ичилди.

Назм:

Дажланинг соҳили — оппоқ тонг, баҳор,
Эй йигит, қадахни тўлдиргин такрор.
Дажла гўё умр — оқади тиниқ,
Ғафлатда ўтказма ҳаётни зинҳор.

ОЛИЙ ШАЪНЛИ СОҲИБҚИРОН ДАВЛАТИ ТОМОНИДАН ТИКРИТ² ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ ВА АРАБ НОҲИЯЛАРИДАН БАЪЗИЛАРИНИНГ БОСҚИНИ БАЁНИ

Бағдод мамлакати Соҳибқирон Амир тасарруфи доирасига киргач, барча савдогарлар арз қилдиларки, бу ноҳияда Тикрит деган қалъа бўлиб, ниҳоятда деворлари қалин ва ғоятда метинликда донгдордир. Барча ифвогар ва итоат этмайдиган исёнчи ўғрилар уни ўзларига бошпана қилиб олишган. Доим йўловчилар йўлини тўсиб, молини талайди, ўғирлаб кетади ва у ерда уларнинг маслакларини суриштиради. Анча йилдан буён биронта давлат бошлиғи ул жамоани итоат эттирмаган ва ҳиммат камандини улар устига ташлаб эгалламаган.

¹ Ал-Хусайн — Али ибн Абу Толибнинг ўғли, пайғамбарнинг невараси.

² Тикрит — Бағдоддан 180 км шимолда — Дажланинг ўнг соҳилидаги шаҳар.





Жаҳонгир Соҳибқирон бу сўзларни эшитгандан сўнг, осмон гумбазидек бу қалъани фатҳ этиш ва итоат этмайдиган ҳамда хато фикрлайдиган мулҳидларни қатл этишни кўнглидан ўтказиб, 795 йил зулҳижжа ойининг йигирма тўртинчи кунида¹ пойтахт Бағдоддан у томонга қараб йўлга тушди. 796 йил муҳаррам ойининг тўртинчиси якшанба куни² Тикрит қалъаси атрофига келиб, ғолиб аскар қамал ва муҳорабани бошлади. Ўша пайт ул қалъанинг волийси Амир Ҳасан деган шахс эди. У ғалабакор мавқаб етиб келганлиги ҳақидаги овозадан воқиф бўлгач, ўзининг кичик укасини олампаноҳ даргоҳига юбориб, итоат этиш ва қуллик қилишни изҳор этди.

Соҳибқирон унинг узргўйлигидан рози бўлиб буюрди: «Ақанга бориб айт, қалъадан чиқиб келиб, хизматкорликни бўйнига олсин, токи шоҳона илтифот қоидаларига биноан белгилаб қўйилсин».

У Тикритга қайтиб бориб, кўрган ва билганларини оқизмай-томизмай акасига етказди, аммо Амир Ҳасан ниҳоятда кўрқиб ва юраги қинидан чиқиб қалъадан ташқарига қадам босмади.

У зафарпаноҳ сипоҳни даф ва ман қилиш билан машғул бўлди. Ва бу хабар насимидан жаҳонсўз ҳукмдорнинг ғазаб шуъласи янада аланга олиб, қалъани очувчи довурак ботирларни тева-рак-атрофдан йиғиб, қалъанинг ташқи қисмини эгаллагач, Амир Ҳасан мулозимлари билан ички қалъага қараб қочдилар.

Баҳромсавлатли тавочилар олий ҳукмга биноан қалъа атрофини таноб билан ўлчаб, амирлар ва аркони давлатга бўлиб бердилар, чунки лаҳм кавлайдиганлар ишга киришиб, ул деворнинг буржларини илма-тешик қилиб ташламоқчи эдилар. Ул жамоат жон-жаҳди билан барча имкониятларни ишга солиб, иш билан машғул бўлдилар. Улар Тикритнинг ерларини ғалвир сингари илма-тешик қилиб ташладилар. Амир Ҳасан бу ҳолатни кўриб тушундики, ишлар мушкулликдан холи эмас. Мажбуран, ўзининг онаси ва укасини орқама-орқа ташқарига чиқарди, токи улар

¹ Мелодий 1393 йил 31 октябрь.

² Мелодий 1393 йил 9 ноябрь.





унинг жазо-гуноҳи учун шафоат тиласинлар, аммо бу ишларнинг улар ўйлаганидек фойдаси бўлмади.

Амир Темур Гурагон: «Агар унинг ўзи мулозиматга келса омон қолади, акс ҳолда тақдирида нима бўлса ўшани кўради», — деб жавоб берди.

Бу хабар Амир Ҳасанга етди, яна бир марта оёғини сабр-қаноат этагига тиқиб, қаршилик қилишга бел боғлади.

Зафарёр лашкар бирданига ул деворнинг теварак-атрофидан кириб, муҳаррамнинг йигирманчиси чаҳоршанба кечаси¹ қалъанинг буржлари тагига қўйилган устунларга ўт қўйдилар ва ул ёғочлар ёниб, қалъанинг аксар деворлари ерга йиқилиб тушди, қўрғон аҳли ниҳоятда изтиробга тушди ва оломон ноласи осмону фалакка етди.

Музаффар аскарлар мазкур ойнинг йигирма бешинчиси душанба куни² жасурлик оёғини олдинга босиб, қалъа ичкарасига кирди. Амир Ҳасаннинг бўйинини боғлаб, олий тахт пойига олиб келдилар. Раиятнинг жони омонлик топиб, Тикритнинг барча сипоҳлари қатл этилиш ғам-андуҳига мубтало бўлдилар. Тавочилар эса ул бадкирдор қавм бошларидан азбаройи томошабин бўлиб турганлари учун миноралар қурдилар. Уларнинг кўпгина давлат иморатлари ва биноларини йиқитиб ташладилар.

Сафар ойининг биринчи шанба куни³ нодир хислатли Соҳибқирон Тикрит ташқарисидан ҳаракат байроғини баланд кўтариб, амирзода Муҳаммад Султон ва кўпгина олийшаън амирларни Араб Ироқи теварак-атрофига босқинчи, ўғри йўлтўсар, қароқчиларни ва фисқи-фасод аҳлини қириб ташлаш ҳамда у диёрда соғлом муҳитни тиклаш учун жўнатди. Улар то Басра⁴ ва Воситгача⁵ илдам бориб, кимки итоатгўйликда бош эгса бож ва хирож унинг зиммасига юклатилди, кимки қайсарлик қилса оёғидан осилди.

¹ Мелодий 1393 йил 1 декабрь.

² Мелодий 1393 йил 20 ноябрь.

³ Мелодий 1393 йил 25 ноябрь.

⁴ *Басра* — Ироқ жанубидаги порт шаҳар, Шатт ал-Араб дарёсининг ўнг қир-роғида жойлашган.

⁵ *Восит* — Ироқнинг жанубида, Шатт ал-Араб шимолидаги ўлка.



Сўнг улар соғ-саломат ва бойлик орттириб қайтиб, қутлуф мавкабга Ҳарбий деган манзилга келиб қўшилдилар.

ЖАҲОНГИРНИНГ ДИЁРБАҚР¹ ВА РУҲОГА² ЮРИШИ ЗИКРИ ВА У ЕРДА РЎЙ БЕРГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Саодатманд Соҳибқирон Ироқи Арабни фатҳ этишдан хотиржам бўлиб, адолат тақозосига кўра Диёрбақрга жўнади. Хожа Маъсуд Сабзаворийни Бағдод муҳофазаси учун жўнатиб, халққа эътиборли, ширинсўз бўлиш, саййидлар ва қабила бошлиқларига ҳурмат билан қарашни насихат қилди. Зафарнигор байроқнинг туғи Киркукка³ етган пайтда қалъа аҳолиси итоат этишни мўлжаллаб олдинга келдилар ва ул қавм суюрғол расми билан Амир Ёр Али Мавсийга тааллуқли бўлди. Дарёдил Соҳибқирон Мавсил⁴ йўли орқали Руҳога қараб юрди. Йўл асносида зафарпаноҳ сипоҳни туркманларнинг қора қўюнлуқ⁵ уруғи молларини босқин қилишга юборди ва ул жамоат мақсадни амалга ошириш ниятида жўнадилар.

Олий мавкаб бир қанча манзилларни босиб ўтгандан сўнг Руҳо атрофига етиб келди. Ул диёрнинг Кузал исмли ҳокими жонидан қўрққанидан шаҳарни ташлаб, фуқаронинг баъзи бирлари билан баланд тоққа қочди. Уларнинг бу қилмиши жаҳонгир хусрав кўнглига оғир ботиб, ғалабакор аскарнинг бир қисмини улар орқасидан жўнатди. Улар у қавмни ва молини босқин, талон-торож қилдилар. Соҳибқироннинг ўзи Руҳода истиқомат қилди. Айтишларича, ул шаҳарнинг барча бинолари тошдан қурилган ва унинг барча иморатларини тошни та-

¹ Диёрбақр – Кичик Осиёда, Дажланинг ўнг соҳилидаги шаҳар, ҳозир Туркиянинг жануби-шарқида.

² Руҳо ёки Урфа – Кичик Осиёнинг жануби-шарқидаги қадимий шаҳар, ҳозир Туркиядаги Урфа вилоятининг бош шаҳри.

³ Киркук – Ироқнинг шимолида, Бағдоддан 600 км масофадаги шаҳар.

⁴ Мавсил (Мосул) – Ироқнинг шимолидаги қадимги шаҳар.

⁵ Қора қўюнлуқ – XIV асрда Ироқда кўчманчилик қилган туркман уруғи.



рашлаб, тартиб билан терганлар. Гап шундаки, Иброҳим Халил¹ саловатуллоҳу-р-рахмонни шу ернинг оловида куйдирмоқчи бўлганлар. Халил ар-рахмон давридан буён ёғдулар ўртасидан оқиб ўтадиган «Чашмаи об» ҳалигача сақланиб қолган. Оловнинг қора доғлари ул чашма атрофларида кўзга ташланиб туради.

Алқисса, Амир Темур Гурагон йигирма кун муддатни ул шаҳарда маишат ва хурсандчилик билан ўтказди. Ўша айёмда Жунаид Туркман ва Ҳасан Кайф² ҳокими мулозимат шарафига етишишга эришди ва фалак ҳашаматли Соҳибқироннинг инъом ва иззат-икромларидан баҳраманд бўлдилар. Жаҳонгир байроғи рабиулаввалнинг йигирма олтинчиси пайшанба куни³ Руҳодан Мардин⁴ томон ҳаракатга тушди.

Ул қалъага етти фарсах қолганда, у ернинг ҳокими Султон Исо мазкур ойнинг йигирма саккизинчиси шанба куни⁵ муносиб туҳфалар ва ҳадялар билан кириб келди ҳамда хос хилъат билан сийланди, аммо солиқ йиғувчилар Мардинда омон қолган молларни талаб қилиб келганларидан сўнг шу нарса равшан бўлдики, Султон Исо ул қалъа аҳолиси билан қалъанинг ихтиёр тизгинини ҳеч кимга бермаслик ҳақида шартнома тузган эди. Бинобарин, Султон Исодан тўлатиб олиш ва қолганларини тан олдириш фармони содир этилди.

Ундан ташқари бу вақтда қишнинг охири бўлиб, Мардин атрофида хашак топилмас эди, шунинг учун у ерда туриш мумкин эмас эди. Амир Соҳибқирон қайтишга бел боғлади ва у ердан Жазирага⁶ босқин уюштирди, чунки унинг ҳокими Изозиддин қаршилиқ қилишга уринарди. Унинг йиққан тўдасини қочириб юборди.

¹ Иброҳим пайғамбар назарда тутилади.

² Ҳасан Кайф — Дажланинг юқори оқимида, унинг ўнг соҳилидаги шаҳар. Ҳозир Туркияда, Диёрбакрдан 110 км. ча шарқдаги Ҳасанкейф шаҳри.

³ Мелодий 1394 йил 29 январь.

⁴ Мардин — Туркияда, Урфадан 140 км шарқдаги шаҳар.

⁵ Мелодий 1394 йил 31 январь.

⁶ Жазира — қадимги Месопотамия, Ироқнинг Фрот ва Дажла дарёлари оралиғида.





Баҳор ойининг бошида яна бир марта Мардинга боришга тўғри келди ва қамал ҳамда муҳораба бўлиб ўтгандан сўнг, ишлар сулҳ билан тугади. Ул вилоят ҳукуматига Султон Исонинг укаси Султон Солиҳни тайинлашга қарор қилинди.

**МИРЗО УМАРШАЙХ БАҲОДИРНИНГ
ЎЛИМИ ВА МИРЗО УЛУҒБЕК
ГУРАГОННИНГ ТУФИЛИШИ ЗИКРИ ВА
ЎША ДАВР ТАРИХИНИНГ БАЪЗИ
ҲОДИСАЛАРИ БАЁНИ**



Мирзо Умаршайх Форс вилояти ҳукуматига муносиб кўрилган пайтда, пойтахт Шерозда адолат ва инсоф бисотини кенг ёйиб, ул вилоятнинг аксар ноҳиялари ва музофотларини ўз ҳукумати доирасига тортди. Амир Темур Гурагон Ироқи Арабдан Диёрбакр томонга қараб йўлга тушган пайтда, бажарилиши шарт бўлган фармон сабабли жасоратли сипоҳлар билан зафарёр ўрдуга қараб юрди ва Курдистондан ўтиб, кичик бир Ҳурмату¹ номли қалъага етиб келишди. Бу қалъада озгина халқ истиқомат қиларди, ғалласи кўп эди. Шаҳзода бир гуруҳни жўнатиб, улاردан тоғора сўради. Қалъа аҳолиси у жанобнинг навкарларини ноумид қайтариб юбордилар. Амирзода Умаршайх отга миниб, бир тепаликнинг устига чиқиб, қалъани забт этиш йўлларини тайёрлаш истагида эди. Шу пайт тўсатдан бир дайди ўқ келиб, шиддаткор шернинг жон томирига тегди. Шу заҳотиёқ унинг руҳ қуши юқори оламга парвоз қилди.

Назм:

Доим қасдимизга қазо кўлида,
Қисмат камонидан узилади ўқ.
У келиб нишонга аниқ тегади,
Ундан қочмоқликнинг ҳеч имкони йўқ.

Мағфур шаҳзоданинг ғайратли мавкаби мулозимлари ўша лаҳзадаёқ қалъани ер билан яксон қилиб ташладилар.

¹ Ҳурмату – Эроннинг Форс вилоятидаги қалъа.





Шаҳид шаҳзоданинг катта ўғли ўз отасининг ҳамроҳлигида юрган амирзода Пир Муҳаммад, амирлар ва арконлар марҳумнинг жасадини Шерозга олиб бордилар ва у ерда омонат дафн этилди. Бир қанча вақтдан сўнг қуббайи-хузаро Кешга олиб кетдилар. Шаҳзоданинг ўлими ҳақидаги хабар Амир Темур Гурагонга етган пайтда, ҳумоюн калимасини маъқул баён этди: «Инна лиллоҳи ва инна илайҳи рожиъун»¹. Форс вилоятини бошқаришни яхшилик аломати сифатида марҳум шаҳзоданинг катта ўғли амирзода Пир Муҳаммадга беришди.

Амирзода Умаршайхнинг шаҳодати 796 йил рабиулаввалнинг ўртасида² рўй берди. Дарвоқе, қодир Аллоҳ йилларни шу тарзда ўтказиб, дунёда ҳар мотамнинг орқасидан хушчақчақлик базми жамшидини ҳам белгилаб қўйган. Ҳар аламда орқадан келадиган қувонч ўша йилнинг жумодилаввалнинг ўн тўққизинчи якшанба куни³ улуғвор уфқдан нур таратувчи бир юлдуз чиқди, яъни ўша пайтда Амир Темур Гурагоннинг хотинлари ва авлодлари яшайдиган ҳарамсаройи бўлган Султония қалъасида амирзода Шохруҳдан қуёш сиёқли бола туғилди. Бу башоратли хушхабар Мардин ташқарисида зафарли Соҳибқироннинг шарафли қулоғига етиб келди, гоятда қувонч ва севинчдан у қалъа аҳолисининг гуноҳидан кечди.

Ул саодатли фарзандга Муҳаммад Тарағай номини ва Улуғбек лақабини берди. Шундан сўнг зафар белгили байроқлар Ироқи Араб томон қайтиб, йўл асносида маҳаллий бир қалъага дуч келдилар: уни Ҳомид⁴ ҳам дейишади. Бу қалъа одамлари матонат ва сабр-бардош билан мағрур бўлиб, ҳеч кимнинг итоат чамбарига бош эгмас эди.

Бинобарин ҳазрат Соҳибқирон мазкур йилнинг жумодилохири йигирма учинчиси душанба кунида⁵ ўша ёққа қараб

¹ Куръон, «Бақара» сураси 156-оят, маъноси: «Биз Аллоҳга тегишлимиз, албатта, унинг хузурига қайтамыз».

² Мелодий 1394 йил январь.

³ Мелодий 1394 йил 22 март.

⁴ Ҳомид ёки Амиг — Қарача Қаро — Дажланинг юқори оқимидаги қалъа, ҳозирда Туркиянинг шарқида.

⁵ Мелодий 1394 йил 25 апрель.





юрди ва зафарли аскар кириб келгандан сўнг, комил матонат воситасида осмон гумбазидек турган, манжаниқ ҳодисаларидан ҳимояланган бу қалъанинг ғоятда ваҳимали баландлигидан тез учар хаёл қуши унинг буюклиги устидан баланд кўтарила олмас эди. Қўшин қалъани марказдек ўртага олган эди. Карнай ва сурнай овозини егтинчи осмон қалъабегиси қулоғига етказиб, қулоқ пардасини йиртиб юборадиган даражада шовқин-сурон солди. «Зафарнома»да ёзилишича, бу қалъани уч-тўрт минг йил давомида ҳеч бир худонинг бандаси куч-қувват билан фатҳ этмаган экан¹, уни икки-уч кун ичида зўрлик билан забт этдилар. Босқинчилик ва талон-торож қилиб, Олатоғ² томон қараб байроқ кўтардилар.

Йўл асносида баъзи фисқу фасод аҳли ва саркаш, қайсар арбобларнинг зарарли ёвузликларини даф қилишга киришиб, зафар ва ғалаба билан шоду хуррам ва масрур масофани босиб ўтиб борар эдилар. Ҳар бир манзилда Ироқи Араб, Ироқи Ажам ва Озарбайжон вилоятлари ҳокимлари ҳазрат Соҳибқирон мулозимати шарафига саодат билан муяссар бўлар, тухфалар берардилар ҳамда подшоҳона мурувватга муносиб кўриларди. Жумладан, Олатоғ яқинидаги Уч Калисода³ Арзинжон⁴ волийси Таҳуртан довюрак подшоҳ даргоҳига келиб, улкан салтанат тахти пойини ўпиб, муносиб табриклар, гумбазли хос даргоҳда подшоҳона лутфга мушарраф бўлди.

Шундай бир вазиятда Қора Муҳаммад Туркман ўгли Миср тасарруфида бўлган Авник⁵ қалъасини эгаллаш ҳазрат Соҳибқироннинг хаёлига келди. Мазкур йили шаъбоннинг ўн олтинчиси сешанба куни⁶ илоҳий кўмак қўшини ва аскарлар билан у ерга ҳаракат қилдилар. Ўша ойнинг ўн саккизинчи-

¹ Яздий. «Зафарнома». Тошкент, 1997, 166-бет.

² Олатоғ (Алатгаг) – Туркияда, Ван кўлидан шимолдаги тоғ тизмаси.

³ Уч Калисо – Еревандан ғарброкдаги шаҳар. У ерда учта қадимги черков (калисо) бўлганлиги учун шундай аталган.

⁴ Арзинжон – Кичик Осиёда (ҳозирги Туркияда), Фротнинг юқори оқими ўн қирғоғидаги шаҳар.

⁵ Авник – Арзирумнинг шарқида Аракс дарёси бўйидаги қалъа.

⁶ Мелодий 1394 йил 18 июнь.



си пайшанба куни¹ Авник ташқарисидан олампаноҳ саройи қуббасида меҳр ва муҳаббат байроғи тикилди ва ғалабакор сипоҳ пастки қалъани фатҳ этди. Миср ўз одамлари билан баландликда нилгун фалак қўрғони билан тенглашишга даъво қилган ва собитликда Садди Искандарни ҳам назарга олмайдиган тоғ тепасидаги қалъага шошилди. Ўша ойнинг ўн тўққизинчиси жума куни² олти ёшли ўғлини ўз ноибларидан бири билан ташқарига чиқариб, муносиб пешкашлар юборди ва «Менда сизнинг дабдабали аскарларингизга қаршилик кўрсатувчи куч йўқ, аммо ниҳоят даражада қўрққанимдан ташқарига чиқа олмайман. Умидим шуки, бир неча кун омон бўлиб, ишонч ҳосил қилиб, мулозиматга бораман» деб хабар жўнатди.

Амир Темур Гурагон уларни сийлаб, хилъат бағишлади ва «Мен Миср айбидан ўтдим, қўрқмасдан мулозиматга келсин, кўнглига ҳеч қандай фикр келмасин», деб хабар жўнатди. Мисрнинг ўғли ва ноиби қайтиб бориб, нимани эшитган бўлса, унинг ўзига етказдилар. У бўлса ташқарига чиқишга журъат тополмади. Шунинг учун қамал ва муҳораба чўзилиб, кундан-кунга ғалабакор сипоҳнинг қудратли таъсири, Миср ва унинг одамларининг ожизлиги ва изтироби ошиб борар эди. Миср икки-уч марта ўз ўғли, онаси ва баъзи амирлар, ноибларини ташқарига юборди ва зафарнишон мавкабдан омонлик ва қайтишини илтимос қилди, аммо бунга эришолмади. Охирида ишлар шу даражага бориб етдики, унинг халқи ғоят даражада бечоралигидан ўзини қалъа деворидан пастга ташлай бошлади ва улар олампаноҳнинг даргоҳи тупроғини тўтиё деб билишди. Миср аҳвол шу даражага бориб етганлигини кўриб, мазкур йилнинг шаввол ойининг иккинчиси шанба куни қиличини бўйнига осиб ва кафанини қўлига олиб қалъадан эшикка чиқди. Амирзода Муҳаммад Султондан илтижо қилиб, юкиниб ер ўпди ва унинг қонини зафарёр Соҳибқирондан илтимос қилишини сўради. Шаҳзода Мисрни кечириб, улкан гумбазли

¹ Ўша йил, 18 июнь.

² Ўша йил, 19 июнь.





даргоҳга олиб келди ва унинг гуноҳини подшоҳга мурувват билан афв этсинлар деб илтимос қилди. Амир Темур Гурагон эса Мисрнинг қонини шаҳзодага бағишлади, аммо шу билан бирга қатъий ҳукм содир бўлди: «У Мордин ҳокими Султон Исо олдига Султонияга юборилсин, чунки у ҳибсда эди ва Исони ўша қалъда маҳбус этиб, Мисрни Самарқандга юборсин». Фармон амалга оширилди.



ЎША АЙЁМНИНГ БАЪЗИ ВОҚЕАЛАРИ ВА СУЛТОН АҲМАД ЖАЛОЙИРНИНГ ПОЙТАХТ БАҒДОДГА ҚАЙТИБ КЕЛИШИ ЗИКРИ



Фалак шукуҳли Соҳибқирон Авник фатҳидан сўнг у қалъа ишларини Амир Аталмишга¹ топшириб, шавволнинг еттинчиси пайшанба куни² қайтиш байроғини баланд кўтардилар ва ойнинг саккизинчиси жума куни³ Амир Ҳожи Сайфуддин Самарқанддан етиб келиб, остона ўпиш шарафига эришди. Ўша айёмда Таҳуртан турли хил алқов ва инъомлар билан сийланиб, подшоҳ томонидан имзоланган ёрлиғини олиб, ўз ватанига жўнаб кетди. Мана шу ҳолатга яқин пайтларда Ойдин⁴ қалъасининг ҳокими Амир Боязид жаҳон подшоҳи хизматига келди ва у ҳазрат уни меҳр-шафқат, раҳмдиллик ҳамда илтифот, ихлос-ишонч билан жуда хушнуд қилди: Ойдин вилоятини унга совға қилди. Сўнгра динпаноҳ Соҳибқирон Гуржистонга⁵ йўл олиб, ул мамлакатда зафарёр лашкар қаерда куфр ва зулмат аҳлини учратса улар билан солишиб, қатл ва ғорат маросимини амалга оширди. Шартлашилган буйруққа биноан бу сафарда улуғвор ва саодатли ғалабалар рўй берди. Жумладан, мазкур ойнинг йигирма олтин-

¹ Амир Темурнинг йирик амирларидан бири Аталмиш Қавчин назарда тутиляпти.

² Мелодий 1394 йил 5 август.

³ Ўша йил 6 август.

⁴ Ойдин — ўрта асрлардаги қалъа, ҳозирда Туркиянинг шимоли-шарқдаги шаҳарча.

⁵ Гуржистон — Грузия.





чиси сешанба куни¹ саховатли Аллоҳ Қорс² манзилида амирзода Шоҳрухга саодатли ўғилни каромат қилди. Бу хушхабар Амир Темур Гурагон қулоғига етгач, ниҳоят даражада хурсанд бўлди ва йигирма бир кунни ул мавзеда маишат, хурсандчилик, байрам ва шоду хуррамлик билан ўтказди. Бу туғилган болани, яъни маҳмудни Иброҳим Султон номи билан атади. Шундан сўнг Қорсдан кўчиб, Минг кўл³ маскани ҳумоюн ўрдунинг марказ жойига айланди. Зулқаъданинг ўн учинчиси сешанба кунида⁴ Минг кўлдан йўлга тушиб, тоғли йўллар орқали пастга тушиш шарафига эришди. Ва мазкур ойнинг йигирма биринчиси жума кунида⁵ бажарилиши шарт бўлган фармон шарафли самарасини берди, чунки унда амирзода Шоҳрух Самарқандга бориб, ул мамлакатни ўз қўлига олишга киришсин, деган жумла бор эди.

Шаҳзода буйруқда кўрсатилганидек амал қилди.

Ҳазрат Соҳибқирон эса ов қилиб, Гуржистон тоғларига кириб борди ва ул вилоятда зафарли лашкар яна бир марта ўз ҳукмронлиги ва қудрати камолини кўрсатди. Улар Шаки⁶ ноҳиясига етганда, Дашти Қипчоқ сипоҳининг бир тоифаси Дарбанддан⁷ ўтиб, Ширвон ҳудудини вайрон этишга киришганлиги ҳақидаги хабар етиб келди. Шунинг учун ғалабакор лашкар Ширвон томон қараб юрдилар.

Тўхтамишхон лашкари ва уларнинг саркардалари Али Ўғлон, Илёс Ўғлон, Исобек ва Яғлибий эдилар, Соҳибқирон мавқабининг бу ёққа қараб юрганини эшитиб, улар қайтдилар. Юқори мартабали Соҳибқирон Маҳмудободга⁸ шошилиб, ўша қишда шу маконда узоқ туриб қолди ҳамда кўнгли истаганча айшу ишрат ва шоду хуррамлик қилдилар. Аммо Султон Аҳмаднинг аҳволи

¹ Мелодий 1394 йил 26 август – Шоҳрух Мирзонинг ўғли Иброҳим Султон туғилган кун.

² Қорс – Туркиянинг шарқидаги шаҳар.

³ Минг кўл ёки Бингёл – Туркиянинг шарқидаги жой номи.

⁴ Мелодий 1394 йил 9 сентябрь.

⁵ Ўша йил 17 сентябрь.

⁶ Шаки – қасаба номи, Озарбайжоннинг шимолида.

⁷ Дарбанд – Догистондаги Дербент шаҳри.

⁸ Маҳмудобод – Шимолий Озарбайжондаги ўтлоқ.





шу даражада эдики, Карбалода галабакор сипоҳ босқинидан қочган пайтида шошилиб Ҳалабга¹ келган эди. Бир муддатни ул вилоятда айшу ишрат ва хурсандчилик билан ўтказиб, Ҳалабдан Дамашққа ўтди ва у ердан Мисрга қараб йўлга тушди. Қоҳира яқинига етиб келгач, у диёрнинг ҳокими Малик Барқуқ² султоннинг олий мавкабини кутиб олиб, ниҳоят даражада унга илтифот ва иноят кўрсатди ҳамда бир юз ўттиз арабий зотли от ва ўттиз учта тилло билан тикилган либос ҳадя этди, Нил³ дарёси яқинида салқин масканга жой тайинлади. Султон Аҳмад муносиб табриклар ва тансиқ нарсаларни мисрликларга бериб, зиёфат ва меҳмондорчилик айёми тутагандан кейин давлат ишлари бўйича ўртада маслаҳатлашдилар. Маслаҳатчилар шундай қарор қилишдики, Султон Аҳмад Миср сипоҳларидан бир гуруҳи билан Ҳалабга боради ва Малик Барқуқ эса Бағдод ҳокимини истак-хоҳишига қараб ўшал томонга кузатади. Султон Аҳмад Ҳалабга етиб боргач, Амир Темур Гурагон Гуржистондан қайтиб, Дашти Қипчоққа қараб келмоқда деб эшитди. Шунинг учун мисрликларни қайтариб юборди ва ўзининг хос навкарлари билан Бағдодга қараб юрди. Хожа Маъсуд Сабзаворий Бағдодни ташлаб Тустар томон шошилди. Султон Аҳмад эса 797 йилда⁴ яна бир марта Бағдод салтанати тахтига ўтириб, катта кучга эга бўлди.

АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ ЯНА БИР МАРТА ТЎХТАМИШХОН УСТИГА ЛАШКАР ТОРТИШИ ЗИКРИ

Қишнинг совуқ қор-қировли аскарлари баҳор султони-нинг қудратли зуҳури воситасида дашт ва қир-адирлари фазосидан йўқола борди. Галабали қўшиннинг гуллар ва райҳонлар

¹ Ҳалаб – Суриянинг шимолидаги шаҳар.

² Малик Барқуқ – Миср ва Суриянинг 1382–1399 йилларда ҳукм сурган мамлук султони.

³ Нил – Африкадаги энг узун дарё. Миср ва унинг пойтахти Қоҳирадан ўтади.

⁴ Мелодий 1394–1395 йиллар.



қалқони ҳавонинг мўътадиллашганидан дарахтлар хушчақчақ
қолга келиб, жиловни саҳро ва тоғлар сари қаратди.

Маснавий:

Навбахор султони сабзаю гулдан,
Ҳашаму дабдаба лашкарин тузди.
Ердан униб чиққан алвон лолалар,
Тоғу биёбонга чодирлар тизди.

Мамлакатни безовчи жаҳонгир Соҳибқиронда яна бир марта
Дашти Қипчоққа ғалабакор қўшин тортиш ва қудратли қўли би-
лан Тўхтамишхон ва Тақмоқ сипоҳининг қайтадан бурнини ерга
ишқалаш фикри туғилди.

797 йил жумодилаввалнинг еттинчиси якшанба кунида¹ қуёш
нурлари каби жилва қилган байроқни кўтариб, қишлаган юр-
тидан Ширвоннинг Дарбандига қараб жўнади. Зафарёр аскар-
лар гуруҳлари дарё мавжидек тўлқинланиб йўлга тушди ва от
туёқлари дупурининг овози жаҳон айвонларидан ўтди.

Назм:

Сафарга чиққанда алп Соҳибқирон,
Ларзага тушдилар замин у замон.
Лашкарларнинг чанги осмонни тутти,
Гуё ой, қуёшни бирдан ер ютти.

Ғалабакор Соҳибқирон Самур суви² бўйига етиб келгач, сулҳ
тузиш бисотини тайёрлаш учун Маҳмудободдан Тўхтамишхон
олдига кетган Шамсиддин Олмалиғий³ қайтиб келиб, бир муддат
истиқомат қилиб, сўнг остона ўпиб, хоннинг мактубини топ-
ширди. Бу мактубда кўринишидан қўпол ва қўрс сўзлар ёзил-
ган эди, чунки султон Соҳибқирон жуда безовта бўлиб, сипоҳга
қараб ҳукм қилди ва ҳамма қулоқ соладиган фармонга биноан

Назм:

Довудий зарҳалли совутларини,
Энгга олдилар марди майдонлар.

¹ Мелодий 1395 йил 28 февраль.

² Самур суви – Кавказда, ҳозирги Озарбайжон билан Доғистон чегараси ва Каспийга қуйиладиган дарё.

³ Шамсиддин Олмалиғий – Амир Темурнинг 1395 йил бошида Тўхтамишхон ҳузурига юборган элчиси.



Чопқир отларига миндилар гуррас,
 Гуё улуғ уммон мавжланиб турар.
 Байроқлар юксалди фалакка баланд,
 Ою қуёш кўзин ёпди пардалар.
 Амир, шаҳзодалар жадаллаб ҳарбий
 Тузукларга кўра сафни туздилар.
 Фотиҳ, суворийлар сонин дафтарга,
 Олти юз минг киши – дея ёздилар.

Самур сувининг бўйи кўп сонли сипоҳнинг майдони бўлиб, Эльбурс тоғининг этагида жойлашган ва у ердан то Қулзум денгизгача¹ беш фарсах масофа бўлиши мумкин. Қайнал² шукуҳли ботирларнинг чап томони Эльбурс тоғининг этаклари бўлиб, ўнг томондаги Қайнал эса Қулзум денгизининг соҳилидир. Беҳисоб қўшиннинг кўплиги ва орасталиги шунчалик эдики, ҳеч ким ҳеч қачон бунақа кўп сон-саноқсиз қўшинни бир мавзеда кўрганлигини айтиб бера олмас эди.

Назм:

Пулат совут кийган суворий сафлар,
 Албурздан то Қулзум жўшиб турарди.
 Бу майдон жимирлаб жанггоҳдагидай,
 Биёбон кумушдай лашкар юрарди.

Қудратли Соҳибқирон отга миниб, гоҳ юриб, гоҳ тўхтаб қуёш ботишидан бошлаб, то чархи фалакнинг шуълалари кўрингунга қадар марказ, жавонғор ва баронғорларнинг барча баҳодирларини назардан ўтказарди. Ундан ташқари қайси қисмга келса, ул жамоанинг сардори тиз чўкиб, дуо ва ҳамду сано қоидаларини ўрнига қўйиб, от жиловини тортарди. Бу ишдан фориф бўлгач, одил Соҳибқирон жасур сипоҳ билан манзиллар ва масканларни босиб ўтди. Йўл асносида Тўхтамишхон тарафдорларидан бўлган қисмга дуч келса, уларни қатл ва ворат қилишда хатога йўл қўймасдилар.

Тўхтамишхон бу вазиятдан воқиф бўлиб, ҳисобчи муҳандислар тахминига кўра чексиз сипоҳ билан жанг майдонига эътибор қаратди.

¹ Қулзум денгизи – Каспий денгизи.

² Қайнал – Эльбурс тоғининг этаклари.



Қурай¹ дарёси бўйида жумодилсонийнинг йигирма иккинчиси сешанба кунида² жаҳонни идора қилувчи бу икки ҳукмдор бир-бирининг рўпарасига етишди ва отдан тушишди. Ўша кеча то эрталабгача қоровулчилик қилиб, жанг яроғини тайёрлаб, ташвишда ўтказди.

Назм:

Ҳакамлик ўй-фикри икки лашкарга,
Эрта ким эришар экан зафарга.
Бахт юлдузи кимнинг бошига қўнар,
Осмон қай томонни ҳимоя қилар?..



АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ ТЎХТАМИШХОН БИЛАН УРУШИДАН СЎНГ ЗАФАР ТОПИШИ БАЁНИ



Эртасига машриқнинг шоҳи,
Юлдузларга юриш бошлади.
Юксалтирди заррин байроғин,
Кўкка шўру ғавро ташлади.
Тиғ ёлқини даштни ёритди,
Бор юлдузлар қочдию кетди.

Жаҳонгир Соҳибқирон Тўхтамишхон билан урушиш мақсадида сипоҳни жангга мослаштириш ва тартибга солиш учун биринчи навбатда мукамал етти қўл тузди. Катта марказий қисмни амирзода Муҳаммад Султонга топширди ва ҳазрат ўзи билан жасур диловар ва ботирлардан ташкил топган йигирма етти гуруҳ лашкар орқасидан зафарёр байроқни кўтарди.

Назм:

Шоҳу шаҳзодалар лашкар қалбида,
Жаҳонни қорайтди элнинг кўзида.
Сафларнинг сўнгида тикилди байроқ,
Шагранж ўйинчисин ўйинига боқ.

Тўхтамишхон томонидан Жўчи авлоди шаҳзодалари ва қаҳрамон амирлар биргаликда сафни тартибга солиб байроқларни

¹ Қурай – ҳозирги Қабарда Балқар АР Ставрополь ўлкасининг жанубидаги Кура дарёси, Азов денгизига қуйилади.

² Мелодий 1395 йил 14 апрель.



ҳилпиратиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб жанг майдони ҳудудига кириб кела бошлади.

Назм:

У ёқдан қиёмат шукуҳли хон ҳам,
Дарё соҳилида нақ тиклади тоғ.
Рустамқад, пўлатган камончилардан,
Жўш уриб турарди кенг Дашти Қипчоқ.

Қирғин дўзах олови жасур аскарлар ҳамласи шамоли билан аланга олди. Ногоҳ зафарёр Соҳибқироннинг қулоғига Тўхтамишхон сипоҳи сардорларидан Кўнча Ўғлон, Бек Йаруқ Ўғлон, Ақто, Довуд Сўфий ва бошқалар зафаршиор лашкарнинг баронғор ва жавонғор томонларидан бостириб келаётибди, деган гап чалинди. Уруш ва олишишнинг ваҳимали ва фиғонли садоси осмон гумбази тоқи остида жаранглади. Ул ҳазрат хос қўшинлар билан майсара қўшинга мадад беришга шошилди, муҳолифлар эса жаҳонгир мавкаби баҳодирлари савлатидан чўчиб қочдилар. Ўша йигирма етти қўшиндан бир гуруҳи уларнинг орқасидан таъқиб этди, қочганлар марказий қисмга етиб боргач, жиловни орқага бурдилар, мансур аскарлардан анчасини ўлдириб, бу тоифани Амир Темур Гурагонга етказдилар. Қўшинлар жамоати паришонликка юз тута бошлади.

Тўхтамишхон лашкари тўхтамасдан у ҳазратга ҳамла қилди, кўзи ярадор бўлишга озгина қолди. Шу орада ўрмон шери Амир Шайх Нуриддин Сари Буғо валинеъматлик билан жон фидолик қилиб, элик нафар қудратли рустамкелбатли жангчилар билан етиб келиб, ўқ ва камон ёрдамида уларни жойида тўхтатди.

Муҳаммад Озод ва унинг укаси Алишоҳ ҳамда Тўкал Бовурчининг ҳар бири душман араваларидан бирини олиб, Амир Темур Гурагон олдига олиб келиб, сол сингари уларни бир-бирига боғлади. Орқасидан Аллоҳдод Вафодор қўшин билан ёрдамга етиб келиб, дарҳол отдан тушиб Шайх Нуриддин ёнида тиз чўкиб таъзим қилди. Марказий қисм қўшини ҳам уларга қўшилиб, хизмат қилишга шай эканлигини намоён этиб, белбоғини белига маҳкам боғлади. Ва дилни яраловчи ўқларни ота бошлади. Гарчи баҳодирлар тинмай ва кетма-кет ҳамла қилса ҳам, ниҳоят мардоналик юзини кўрсатди ҳам, уларни ўрнидан қўзғата олмади.





Соҳибқирон сипоҳининг чап қанотида туриб жанг қилаётган Худодод Хусайний ўз душмани Кунча Ўғлондан ўтиб, унинг орқа томонидан Амир Темур Гурагон рўпарасида жанг қилаётганлар орасига суқулди. Амирзода Муҳаммад Султон ҳам ёрдамга етиб келиб, бирданига зафарёр ботирлар душманнинг ўнг қанотини синдирдилар.

Амир Ҳожи Сайфуддин ва Амир Жаҳоншоҳ Жоку ҳам душман жавонгоридан уларга ҳамла қилган Исо Бий ва Бахти Хожа-ларни эзиб, майдалаб ташладилар.

Байт:

Камон чўпларидан ёқилди олов,
Шу ўтда жизганак бўлди минглаб ёв.

Совут кийган қалқон тутган жанговар баҳодирлар жон олиб, жон бераётган бир пайтда Тўхтамишхон яқинларидан бўлган Йағлибий Баҳрин шиддат билан майдонга келиб, маҳмадона ва сафсата гапларни айтиб, Амир Усмон Аббосни олишишга чақирди. Амир Усмон унга ташланиб шундай жасорат кўрсатдики, Йағлибий майдонни ташлаб, қочишга бошлади ва унинг бу иши Дашти Қипчоқ сипоҳининг руҳи тушиб кетишига сабаб бўлиб, Чифатой улусининг жангчилари худди одам еювчи шерларга ўхшаб, юзни ўзбекларга қараб бурди ва шижоатли қўл зарби билан уларнинг кўпчилигини бирпасда мажруҳ ва руҳсиз қилиб ташладилар.

Охирда ғалаба ва устунлик Амир Темур лашкари томонидан баралла зоҳир бўлиб, Тўхтамишхон ишнинг бошқа томонда эканлигини, яъни ғалаба ва зафар тақдирни белгиловчи Аллоҳ инояти ҳамда шаҳзодалар ва нўёнларнинг бирлигига боғлиқ эканлигини фаҳмлаб қолди ва фалокат жilовини қочиш водийсига қараб бурди. Қочганларнинг кўпчилиги ғалабакор лашкарнинг ўткир ўқлари ва шиддатли найзалари захмидан тупроқ билан қоришиб кетди.

Олиймақом Соҳибқирон бедов отдан тушиб, фатҳ ва ғалаба шукронаси учун тупроқни ўпди ва амирлар ҳамда баҳодирларни алқаб сўз очиб, уларга инъомлар буюрдилар.

Ул манзилдан қўзғалиб, Қурай дарёсининг бўйида осмонни фалакка бўй чўзган қуббали қаср бино этди. Шунингдек, содиқ хизмати учун Амир Шайх Нуриддинни иноят ва тарбияси ҳимоясига олиб, унинг мартабаси ва мансабини жуда юқори



поғона кўтарди, шу билан бирга унга от, тилладўзли либос ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар бериб, юз минг динори кепакий инъом этди.

ДАШТИ ҚИПЧОҚНИНГ БАЪЗИ МАНЗИЛЛАРИ ВА ҚАЛЪАЛАРИГА ХУЖУМИ ЗИКРИ ҲАМДА ЖАҲОНГИР СОҲИБҚИРОННИНГ ҚАЙТИШИ БАЁНИ

Улуғ Соҳибқирон Итил¹ дарёси бўйигача бўлган ғалаба ва фатҳ жангини кўргандан сўнг, душман орқасидан Ўруسخоннинг ўғли Қўйричақ Ўғлон ҳазратга ён томондан яқин келди ва ўша мақомда илтифот топди. Унинг салтанати жиҳозларини тартибга солиб, дарёдан ўтишини буюрди ҳамда мерос қолган мамлакат элулусини забт этиш чоралари кўришини тайинлади. Қўйричақ Туротур² кечувидан ўтиб Дашти Қипчоқда шавкатли ва шон-шуҳрат байроғини балаңд кўтарди. Тўхтамишхон ватани билан хайрлашиб, бир неча навкар билан Булар³ ўрмонзорига кириб борди. Музаффар лашкар бу пайтда Дашти Қипчоқда ғорат ва талон-торожга қўл уриб, то зулмат⁴ яқинигача борди. Музаффар ва ғалабакор сипоҳ беҳисоб ҳарбий ўлжалар билан ҳумоюн ўрдуга қўшилди. Шунда зафарёр Соҳибқирон Жўчихон улусининг ўнг қанотига ҳужум қилиб, у томонда бўлган Бек Йаруқ Ўғлон, Темур Хожа Ўғлон ва Оқтовни қувиб юборди ҳамда ул ҳудуднинг барча молмулки ва қорамолларини ўз қўл остига киритиб, жаҳонгашта саман от жilовини Рус томон бурди. Ул вилоят ҳам оёқ ости қилиниб, ой юзли қизлар ва қуёш кўринишли ўғиллар зафарёр сипоҳ қўлига тушдилар.

Номусли Соҳибқирон Рус улусининг қатл ва ғоратидан фориг бўлгандан сўнг⁵ қиёматли лашкар билан от жilовини Черкас

¹ Итил — Волга дарёси.

² Туротур — Волгадан кечиб ўтиш жойи.

³ Булар — ҳозирги Татаристондаги ўрмон.

⁴ Зулмат деб бу ерда бир неча ойлаб қоронғулик, яъни зулмат бўладиган қутб зоналари назарда тутилади.

⁵ Амир Темур шу юришда Москвани ҳам олган (Яздий. Зафарнома, 179-бет).



қавми¹ томон йўналтирди, у вилоятда ҳам қатл ва ғорат садосини баланд кўтариб, у ердан гижинглаган от жиловини Эльбурс тоғи томон қаратди. Йўл асносида жамшидсифат Соҳибқирон Амир Усмон Аббосга нисбатан туҳмат асосида, у ўхшаши йўқ баҳодирни ясоққа етказди. Жасур сипоҳ Эльбурс тоғига етгач, ул мавзенинг аҳолисини ҳам қасос шаробидан бир қултум ичирди. Жуда улуғ мартабада бўлган икки қалъани — Куло² ва Товус³ қалъаларини қаҳр-ғазаб билан олиб, бу икки ифвогар динсизни қора ер бағрига жўнатди. Пўлад⁴ ва Самас⁵ қалъаларини ҳам эгаллаб, ул диёрнинг ҳўл ва қуруғини ғазаб оташи билан ёндирдилар. Ва Бўғозқум⁶ мавзеига бориб қишни шу ерда ўтказди.

Қиш ўртасида ғалабакор Соҳибқирон амирзода Муҳаммад Султон, амирзода Мироншоҳ, Амир Ҳожи Сайфуддин ва бошқа қаттиққўл амирларни ҳумоюн уғруқида қолдириб, ўзи Хожитархон⁷ ва Саройга⁸ қараб кетди. Аввал Хожитархонга бориб, у ернинг ҳоқими Муҳаммадий деган киши эди, уни зўрлаб истиқбол маросимини бажартирди. Амир Темур Гурагон уни Амир Жаҳоншоҳ, амирлар ва сипоҳдан иборат бир гуруҳга хизмат қилиш учун Саройга жўнатди. Улар у мавзени вайрон қилиб, қайтиш пайтида музлаган Итил дарёсидан ўтаётганда Муҳаммадийни муз тагига ташладилар.

Жаҳонгир шундан сўнг Хожитархоннинг аҳолисини жазо тариқасида ўзбеклар ёндирган Занжир Саройга кўчириб, ул ноҳияга ўт қўйди ва қишлаган юртига қайтди.

Сичқон йилига мувофиқ келадиган 798 йил баҳорнинг бошида⁹ саодатманд қишлаган юртидан Дарбанд йўли орқали Шир-

¹ Ўрта асрларда Кавказдаги адиг халқларининг ҳаммаси умумий ном билан черкас дейилган. Улар Тўхтамишхонга буйсунгани учун Амир Темур улардан қасос олган.

² Куло — Шимолий Кавказдаги қалъа номи.

³ Товус — Шимолий Кавказдаги қалъа номи.

⁴ Пўлад — қалъа номи.

⁵ Самас — қалъа номи.

⁶ Бўғозқум — мавзе номи.

⁷ Хожитархон — ҳозирги Астрахан.

⁸ Сарой — Жўчи улусининг пойтахти, ҳозирги Волгограддан жануброқда бўлган.

⁹ Мелодий 1395 йил мартада.





вонга қараб юрди. Йўл асносида бошқа бир қанча қалъани эгаллаб, саркаш ва бўйсунмаганларни мағлуб ва босиб, эзиб ўтди. Шемахидан¹ ўтиб, Қурай дарёси лабида қўноқ қилишга фармон берди. Ул зафарли сафарда ғалабакор мавкаб мулозими бўлган Амир Шайх Иброҳим Ширвоний катта тўй бериб, муносиб совғалар улашди. Дўстнавоз Соҳибқирон қайтадан уни инъом, хос хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар билан сийлаб, мансабини кўтариб ва улуғвор қилиб, қайтишга рухсат берди. Ўша ерда жаҳондорлик байроғи ҳилпираб, Оқтом² манзили фазовий осмон остидаги аскарлар чодирини узра шукуҳли бўлиб кўринди. Оқтомдан Мироншоҳ Мирзони унинг ўзига тааллуқли бўлган вилоятга жўнатди ва унга адолатли ҳамда инсофли бўлишини насиҳат қилди. Шаҳзода Озарбайжонга шошилиб, сипоҳининг ўнг қаноти Қорабоғ ва Нахичевандан то Авниккача юрт қилдилар. Чап қаноти эса Совуқ Булоқ³ ва Дарагезиндан⁴ то Ҳамадонгача⁵ истиқомат байроғини тикдилар.

Амир Темур Гурагон Оқтомдан Султонияга ташриф буюриб, ўша мақомда уч йилдан буён ўша қалъада маҳбус бўлиб турган Мардин ҳокими Султон Исо аҳволига раҳм-шафқат қилиб, уни ҳибсдан нажот бериб, афв ва мурувват хилъатини кийдириб, Мардин вилоятини қайтадан унга ишониб, уни улуғлаб жаҳон ҳукмдорининг ёрлиғини ҳам топширишга рухсат этди. Шу ишлар орасида аълоҳазратнинг қулоғига ҳумоюн мавкаб йўқлигида Наҳованд⁶ доруғаси Амир Мазид Барлосни яхшиликни билмаган навкарлардан бири Баҳдул исмли киши ўлдириб ва ул ноҳияни босиб олиб, бўйнига ҳалқа солиб судратгани эшитилди. Бинобарин, бажарилиши шарт бўлган фармон амалга ошди: Султон Ҳусайн Мирзо ва Худодод Ҳусайний паҳлавонларидан иборат гуруҳларнинг кўпчилиги тезкор қисм билан Наҳованд томон равона бўлдилар.

¹ Шемахи – Озарбайжоннинг шимолидаги шаҳар.

² Оқтом – Шимолий Озарбайжондаги шаҳар, ҳозирги номи Ағдам.

³ Совуқ Булоқ – Шимолий Озарбайжондаги кент.

⁴ Дарагезин – Озарбайжондаги кент.

⁵ Ҳамадон – Курдистондаги йирик шаҳар.

⁶ Наҳованд – Курдистондаги йирик шаҳар.



Жаҳонгир Соҳибқирон ҳам уларнинг орқасидан ул томонга йўналди ва мавқаб етиб келгунча Султон Ҳусайн Мирзо ва амирлар Наҳовандни эгаллаб, Баҳдулнинг одамларини шафқатсиз равишда қиличдан ўтказдилар ва унинг ўзини оловга ташлаб куйдирдилар. Бахтиёр ва саодатли Соҳибқирон Ҳамадонга етиб келиб, улкан ғалаба байрамини фалак авжига етказди. Шундай қилиб, муборак рамазон ойини ўша ҳузур бағишлайдиган очиқ фазода охирига етказди.

САОДАТМАНД СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАМАДОНДАН САМАРҚАНД ДОРИЛМУЛКИГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Олий мартабали Соҳибқирон Ҳамадонда ийд кунлари фарз ва суннатларини бажариб, амирзода Муҳаммад Султонни Амир Жалол Ҳамид, Амир Шоҳ Малик ва Амир Арғуншоҳ Ахтачи билан Форс томон жўнатди, ҳар куни йўл юриб, Гармсир соҳилларининг барчасини озод этишни буюрди. Олий даражали Соҳибқирон 798 йил шавволнинг ўн биринчи кунда¹ Мовароуннаҳр томон йўлга тушди. Ул ҳар қайси ўлкага етиб келиб, биринчи навбатда ҳокимлар тизими сифатини сўраб-суриштирар, золимларини жазолар, одил доруғаларни инъом ва эҳсонлар билан хушнуд ва баҳраманд қиларди. Хуросон вилоятига кириб келиши билан Ҳирот волийси Амир Оқ Буғо истиқбол маросимини тезда ўтказганлиги туфайли остона ўпиш шарафига муяссар бўлди. Муносиб пешкашлар тортиб, ўз яшаш жойига шошилиб кетди. Жаҳонгир Соҳибқирон тез суръатлар билан манзилларни босиб ўтди ва Амуя дарёсидан кема орқали ўтди. Ҳазрати олиялар Султон Бахт Бегим, Сароймулкхоним, Туман Оғо ва бошқа билқиссиймо хотинлар амирзода Шоҳрух билан қабул қилинган истиқбол қонунлари асосида саодатли мулоқотни амалга оширдилар ва оёқ тагига гуллар сочиб, тартиб-қоидаларни ўз ўрнига қўйдилар.

¹ Мелодий 1396 йил 18 июли.



Мақтов фазилатли Соҳибқирон Хузордан Кешга бориб, шайх Шамсуддин Кулор ва ул диёрнинг бошқа машойихлари зиёратига ташриф буюрди. Ул мазорларни сақлаш ва қўшни бўлганларни ўраб олишга амр этиб, инъом-эҳсонлар ато этди. Бир неча кунни шоду хуррам ва ҳузур-ҳаловат билан ўтказиб, у ердан Самарқандга тантанавор йўлга тушди. Азиз-авлиё ва буюк инсонларнинг дахмаларини тавоф этиш шарафини ба-жаргандан сўнг хушчақчақлик маишати ва шоду хуррамлик-ни муфассал амалга оширди. Раиятнинг уч йиллик хирожи баҳридан ўтди.

Халққа озор берган қаллоблар ва зодимлардан баъзиларини сиёсатга етказди. Ўша қишда бу жаннатмисол ноҳияда давлат ва иқболнинг ниҳоят даражада фаровонлиги боис яхши яшаб, баҳор фаслининг бошларида «Боғи Шимол» қасрини қурдилар, унинг қурилиши тугагандан кейин хусравона байрамлар уюштирилди.

Назм:

Тахтига Хусравдай ярашган келбат,
Дородай серлашкар, Жамшид табиат.
Йиради неча кун «Боғи Шимол»да,
Саодат, иқболи айни камолда.
Шоду хурсандликда сурди у даврон,
Юрти адолатдан маъмур, фаровон.

АМИРЗОДА ШОҲРУХНИНГ ХУРОСОН МАМЛАКАТИ САЛТАНАТИГА БОРИШИ ВА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ХИЗР ХОЖА ЎҒЛОН¹ ҚИЗИ СУҲБАТИГА ЭРИШГАНЛИГИ ЗИКРИ

Амирзода Шоҳрух Қорачор нўён оиласининг хулосаси ва ҳазрат Соҳибқирон хонадонининг покизаси бўлиб, 799 йил шаъ-бон ойида² падари бузрукнинг марҳамати билан Хуросон мамла-

¹ *Хизр Хожа Ўғлон* — 1396–1398 йилларда Жета (Мўғулистон) хони.

² Мелодий 1397 йил май ойида.





катининг вилоятлари то Райнинг Ферузқўҳигача унга тааллуқли бўлди. Шаҳзода сигир йилига мувофиқ мазкур йилнинг шаъбон ойи бошларида Амуя дарёсидан ўтиб, Ҳирот томон йўл олди.

Ўша ойнинг охирида тоғли ноҳиянинг яйловида тўхтаб, чодир ва даргоҳ қуббасини кўтардилар. Адолат ва инсофни тарғиб қилиб, жабр-зулм ва ҳақиқатдан кўз юмганлар одатини даф этиб, ўша ерда муборак рамазон ойини охирига етказди. Мазкур йил зулҳижжа ойининг йигирма биринчиси жума куни¹ кечасида ул ҳазратнинг оиласида жасур бола дунёга келди ва уни Бойсунқур деб аташди.

Амир Темур Гурагон амирзода Шоҳрухни Хуросон томонга жўнатган ойида Самарқанддан Шаҳрисабзга жўнади ва муборак рамазон ойини Оқсаройда ўтказиб, у ердан Султон Артучнинг ёзги яйловига борди. Ўша мақомда Ҳамадондан чиқиб Форс ва Ҳурмуз денгизи соҳилларига кетган амирзода Муҳаммад Султон бир қанча қалъаларни фатҳ этиб, душманларни шафқатсиз равишда қиличдан ўтказиб, зафарли ва ғалабакор сон-саноксиз бойликлар билан мулозимат саодатига эришди ва пешкаш расмига кўра муносиб совға туҳфалар ва тансиқ нарсаларни топшириш шарафига эришди.

Шу аснода Хизр Хожа Ўғлоннинг қизи билан никоҳ иттифоқини тузиш хаёли бахтиёр Соҳибқирон кўнглида пайдо бўлиб, саодатли ошиёнда яшаётган Хизр Хожа Ўғлон ўғли Шамъи Жаҳонни шоҳона ҳис-туйғулар нурлари билан зийнатлаб, Гиёсиддин Тархон ҳамроҳлигида отасининг олдига ва муҳтарама хотин-қизлардан энг лобар қизни хон ҳарамидан хутба ўқитиб, саройига келтириш учун жўнатди. Улуғ зот Султон Артучнинг ёзги яйловидан кўчиб, Кониғил яйловига шуқуҳ билан жўнади. Ўша йилнинг кузида, яъни 799 йилда² «Боғи Дилкушо» қасрини қуриб, ул жаннатмисол манзил Хизр Хожа Ўғлон қизига тайин этилди.

Ўша пайтда олий мартабали амир Тошкентга келди ва Сайхун сувидан ўтиб, Чинос қишлоғи яқинида катта қишлоқ тарҳини чизиб, унга асос солди.

¹ Мелодий 1397 йил 15 сентябрь.

² Мелодий 1397 йил кузи бошида.



Ўша қишда Муҳаммад ибн Ҳанифа авлодидан бўлмиш Хожа Аҳмад Яссавий қаддаса сирриху мозори устига олий иморат бунёд этди.

800 йил рабиулаввалнинг биринчиси пайшанба кунида¹ Амир Гиёсиддин Тархон Мўғулистондан қайтиб, Хизр Хожа Ўғлоннинг қизини хумоюн ўрдуга олиб келди. Унинг исми Тўкал Хоним бўлиб, уни мукамал зеб-зийнатга ва ҳашаматга ўранган ҳолда ихоталанган майдондан олиб чиқиб келдилар.

Фалақдаргоҳ Соҳибқирон тўй қилишга фармон берди. Ул парипайкарни муқаддас шаръий низом асосида ўз никоҳига киргизди ва бир неча кунни айшу ишрат ва хушчақчақликда ўтказди. Осмон султони қуёш ўзининг шарафли уйига қараб кетаётган пайтда, яъни кун ботаётган маҳали ул ҳазрат ҳам жаннатмонанд Самарқанд томон қараб юрди.

ЖАҲОНГИР СОҲИБҚИРОННИНГ ҲИНДИСТОН МАМЛАКАТЛАРИ ТОМОН ЮРИШИ БАЁНИ

Динни қувватлантириш ҳамда кофир ва исёнчилар ёвузлигини йўқотиш, жиҳод байроқларини баланд кўтариш, илоҳий калом буйруғи ва ҳазрат Пайғамбар (с.а.в) сўзлари тақозосига кўра, улўғворликнинг олий натижаларига етишув воситаси, омонлик ва умид даражаларига эришув сабабчисидир. Шунга кўра ғалаба байроғини зафарёр Соҳибқирон барс йилига тўғри келувчи 800 йилнинг ражаб ойида² вазовот ва жиҳод ниятида, куфр ва туғён аҳлига қарши урушмоқ мақсадида денгиз тўлқини қатраларидан ҳам кўпроқ, ёмғир қуюни томчиларидан ҳам ортиқроқ сонли қўшин, ёмонлик ҳамда бузғунчилик аҳлига қирон келтирувчи лашкар билан Ҳиндистон сари юришни бошлади. Мироншоҳ Мирзонинг ўғли амирзода Умарни Самарқандда ҳукуматга қараб

¹ Мелодий 1397 йил 11 ноябрида.

² Мелодий 1398 йил март-апрелида.



туриши учун тайинлаб, Амуядан ўтиб, от жиловини Андароб¹ йўлига йўналтиради.

Назм:

Лашкардан жунбишга келди кенг олам,
Бундай жунбишларни олам кўрган кам.
Ноғора гумбури қилиб жонсарак,
Карнай наърасидан кар бўлди фалак.

Андароб мавзеи олийжаноб подшоҳнинг ерлари бўлиб, у ерлик халқдан бир тоифаси даъво сифатида подшоҳлик даргоҳига келиб арз қилдилар: «Биз мусулмон халқимиз. Кофирлар ва сиёҳпўшлар² ҳар йили биздан мол талаб қилади. Кимки хирож тўлашдан сал бош тортса уни ўлдириб, аёли ва болаларини асир қилиб олиб кетади».

Байт:

Эрларин ўлдириб аёлларин бот
Асирга олишар, уйга қўйиб ўт.

Бу сўзларни эшитиб подшоҳнинг хусравона асаби ва ғазаб ғайрати жўш уриб, ўғруқни қолдириб, ғалабакор лашкарнинг баъзилари билан ул кофирлар томон илғор уюштирди. Ул динсиз жамоанинг ўраб олинган мустаҳкам қалъасини ўқ ва найза кучи билан эгаллаб, улардан кўпини жиҳод тифига тортди ва Ҳақдан узоқлашган бу халқнинг мол-мулки ва бор-будини талади ҳамда талон-торож қилди.

Байт:

Мулҳид, ярамаслар ўлдирилдилар,
Сипоҳ кўп мол-мулкка эга бўлдилар...

Мазкур сананинг муборак рамазон ойида саккиз юзда бўлиб ўтган бул ғазовот тарихи³ ҳақида у ерда уч бурчак тош ўрнатдилар.

¹ Андароб – Ҳиндикуш тоғларининг шимолий этакларида; Афғонистондаги дарё ва вилоят.

² Сиёҳпўш – кофир афғонларнинг қора либос кийганлигига ишора.

³ 1398 йил май-июнь ойлари.





Амир Темур Гурагон ул бадбахт қавмининг ёвузликларини даф этишдан фориф бўлгач, муборак ўрруқ билан қўшилиб, Кобул томон юрди ва ул юртга етиб келгандан сўнг бир неча кун Дурин¹ яйловида фалакка бўй чўзган сарой қуббасини қурди. Мазкур йил зулҳижжанинг олтинчиси чоҳаршанба кунида² ул манзилдан муборак оёқларини саодатли узангига қўйиб, пайшанба куни Эрёб³ қалъасига етиб келди ва у қўрғон таъмири бобида зарур саъй-ҳаракат қилиб, ўн тўрт кун деганда унинг бу борадаги буйруғи бажарилди. Эртасига мазкур ойнинг ўн еттинчиси жума куни⁴ собитқадам Соҳибқирон Тахтиравон деб аталувчи қўнғир отини миниб, қалъа гирдини айланаётган пайтда рўпарадаги дарвозага етиб келди. Дарвоза устидаги болохона тешигидан ул ҳазрат жонига қасд қилиб ўқ отдилар ва ўқнинг ўтиб кетаётган овозидан от ҳуркиб кетди ва у газанда ўқ ул саодатманд Хусравга тегмади. Подшоҳона ғазаб олови гурил-лаб ёниб, у қалъанинг бошқа дарвозасидан шиддат билан кириб, муқаддам ул қўрғоннинг сардори бўлган Мусо Афғоний ва унинг одамларини қўлга олишга фармон берди. Фармонбардорлар бир соат ичида у жамоатни боғлаб ва кишанлаб ташладилар. Ул жаҳонгир Хусрав томонга ўқ отган саодатсиз кишиларга нисбатан уруш бошлаб, бир неча кишини ярадор қилди. Охир ул Амир Калаки Сейистоний ул жамоани ушлаб, ўша куннинг пешин маҳалида Мусо ўзига тобе икки юз киши билан биргаликда қатл этилди. Эрёб ҳукумати Малик Муҳаммад исмли кишига тааллуқли бўлди. Унинг акаси Мусонинг адолатсиз зулми туфайли ўлдирилган эди.

Мазкур зулҳижжа ойнининг ўн саккизинчи куни⁵ олийжаноб Соҳибқирон Эрёбдан кўчиб, 801 йил муҳаррам ойнининг ўн иккинчиси сешанба кунида⁶ Синд дарёсидан⁷ ўтди ва Жалолий

¹ Дурин – Кобул яқинидаги яйлов.

² Мелодий 1398 йил 21 август.

³ Эрёб – Кобул яқинидаги қалъа.

⁴ Мелодий 1398 йил 31 август.

⁵ Мелодий 1398 йил 1 сентябрь.

⁶ Мелодий 1398 йил 24 сентябрь.

⁷ Синг дарёси – ҳозирги Покистоннинг Синд вилоятидан ўтган дарё.





чўли¹ номи билан машҳур бўлган Чару биёбони чеккасига зафарёр сипоҳ қўнди.

Кўҳи жуд² райлари бахтиёр толенинг раҳбарлигида ул манзилдан олампаҳо даргоҳига келиб, совға-туҳфаларни улашиш маросимини бажардилар, улар мол-мулк бериш ва хизматкорликни қабул қилдилар. Натижада улар Амир Соҳибқироннинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб, хушдил ва масрур ҳолда кетишга рухсат олдилар.

Собитқадам Хусрав оининг ўн учинчиси чаҳоршанба кунида Жамула дарёсидан³ ўтиб, ўн тўртинчиси пайшанба куни Амир Шайх Нуриддинни жасур низомли сипоҳнинг бир гуруҳи билан Аҳмад дарёси бўйида жойлашган Жазира⁴ волийси Шаҳобиддин Муборақшоҳ Тамимийни даф қилишга жўнатди ва ўзи ҳам орқасидан ўша томонга йўл олди.

Шаҳобиддин бўлса Шайх Нуриддин билан урушиб, сўнг зафарёр Соҳибқирон етиб келгач, қочиб кемага кирди. Унинг бор-буди ва унга таалуқли нарсаларнинг барчаси ғолиб аскарлар қўлига тушди. Унинг асир лашкари фано шамолига гирифтор бўлди.

Шундан сўнг жаҳонгир Соҳибқирон Таламба⁵ томон кўчди, 801 йил сафар ойининг биринчиси шанба куни⁶ ул қўрғон атрофида музаффар аскарлар билан бирга тўхтади. У ернинг аҳолиси итоат этиш ва иқдор бўлиш йўлига юриб, мол эвазига омонликни қабул қилдилар. Солиқчилар хирожларни йиғиш учун шаҳарга бордилар.

¹ *Жалолӣ чўли* — ануштегиний хорзмшоҳларнинг охиргиси Жалолиддин Манкбурни Чингизхондан чекиниб, Синд дарёсидан ўтган жойда дарёнинг сўл соҳилидаги чўл. Ҳозирги номи Тҳал.

² *Кўҳи жуд* — Тҳал чўлининг шимолидаги тоғли ўлка. Кўҳи жуд райлари — ўша вилоят қишлоқларининг катталари (рожалари).

³ *Жамула дарёси* — Желам дарёси.

⁴ *Жазира* — Желам дарёсидаги орол. Дарёни муаллиф нега Аҳмад дегани бизга номаълум.

⁵ *Таламба* — Мўлтондан қарийб 100 км. ча шимоли-шарқда, Рови дарёсининг чоп қирғоғидаги шаҳар.

⁶ Мелодий 1398 йил 23 октябрь.



Шу пайтлар музаффар сипоҳнинг озиқага бўлган эҳтиёжи ортиб, «Ким қаерда ғалла топса — олсин» деган ҳумоюн фармони берилди. Шу баҳона билан кечаси қўшинлар Таламбага шошилди, босқинчилик ва талон-торожлик оташи шаҳарда авж олди. Чунончи, саййидлар ва уламолардан ташқари ҳеч ким бу бало-қазодан нажот топмади.

Сафар ойининг саккизинчиси шанба куни¹ зафарли байроқ Таламбадан ҳаракатга тушиб, салоҳиятли аскар йўл асносида икки минг нафар жаҳолат ботқоғига ботган ҳиндийлар билан катта кўл бўйида туриб, босқинчилик қилмоқчи бўлган Нусрат Кўкарийни мағлуб этди ва унга қарашли бўлган одамларнинг кўпини ўлдириб, нимани топса уни ғорат қилди. Музаффар аскарлар кўпгина манзиллар ва маҳаллаларни босиб ўтиб, Биёҳ дарёси² бўйига қўндилар. Шу йўсинда амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир зафарнишон мавкабга қўшилиб, ҳумоюн Соҳибқирон юзи нуридан баҳраманд бўлиб хотири жам бўлди.

**АМИРЗОДА ПИР МУҲАММАД
ЖАҲОНГИРНИНГ ЖАҲОН ТАХТЛИ
СОҲИБҚИРОН МАВКАБИГА ЕТИШИШИ
ЗИКРИ ҲАМДА БАТНИР ҚАЛЪАСИНИНГ
ФАТҲ ЭТИЛИШИ**

Чунончи, юқорида ёзилганидек, жаҳонгир Соҳибқирон Қундуз, Бағлон, Кобул, Ғазнин ва Қандаҳор вилоятлари ҳукуматини шаҳзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга берган эди. Шаҳзода ул вилоятларни ўзининг тасарруф доирасига киритиб олгандан кейин бошқа ўлкалар ва катта шаҳарларни эгаллашга азму қарор қилди. У Синд дарёсидан ўтиб, Уча³ шаҳрини жанг қилиб олди ва Мўлтон ташқарисига илдам бориб, уни қамал ва муҳораба

¹ Мелодий 1398 йил 30 октябрь.

² Биёҳ дарёси — ҳозирги Тожикистондаги Сатлеж дарёси.

³ Уча — ҳозирги Покистонда Панжоб водийсидаги Сатлеж дарёсининг чап соҳилида, дарёдан 25 км. ча шарқда жойлашган шаҳар.



қилди. Ўша пайтда у ернинг ҳокими Саранг эди. Маллухон биродари, Саранг ва Маллу бўлса Султон Ферузшоҳ¹ амирлари тизимига кирар эди. Ул олий шонли подшоҳ вафот этгандан кейин Ҳиндистон мамлакатларининг ихтиёри унга ўтди.

Алқисса, ул шаҳарнинг қамали олти ойга чўзилганлиги боис, Мўлтон аҳолиси қаҳатчилик, очарчилик ва қимматчиликдан танг аҳволга тушиб қолди. Шунинг учун Саранг урушишни тарк этиб, шаҳардан ташқарига мажбуран чиқиб кетди. Мирзо Пир Муҳаммадга фатҳ этиш шарафи муяссар бўлиб, Мўлтон ичкари-сига шукуҳ билан кириб борди. Шу аснода Ҳиндистонда маълум бўлган катта ҳайвонлар ўлати бошланди ва лашкарнинг кўп отлари нобуд бўлди.

Ул ҳудуд ҳокимлари бу воқеани билиб, бу ишга хилоф равишда шиор изҳор қилдилар. Душманлар кечалари шаҳарга келиб, нимаики топса олиб кетар эдилар. Шаҳзода одамлари эса ёпишқоқ лойнинг кўплиги ва тезюрар от туёғининг камлиги сабабли уларни даф қилолмас эдилар. Шубҳасиз ниҳоятда ҳайрон ва ҳайратда қолди, вақт эса ўтарди. Тўсатдан хўжастасифат Соҳибқироннинг зафарли байроғи туғи Ҳинд диёри уфқидан юз кўрсатди. Унинг ҳумоюн офтоби шуъласи ул обод зулматни равшан қилди ва бу ҳолни кўрган толесиз кишиларнинг кўзи қоронғулашиб кетди.

Амирзода Пир Муҳаммад бу даҳшатли танг жойдан нажот топди ва ҳумоюн ўрду томон шошилди. Сафар ойининг ўн тўртинчиси жума куни² Биёҳ дарёси бўйида бузруквор бобосининг мулозиматига етиб келиб, унинг шафқат ва меҳрибонлигига эришди. Ўн бешинчи шанба куни зафарпаноҳ сипоҳ Биёҳ дарёсидан ўтиб, иқбол соясини Жанжон³ манзили узра солди ва у ерда тўрт кеча-кундуз тўхтаб туришга тўғри келди. Ўша айёмда амирзода Пир Муҳаммад бобоси олий мақомли Соҳибқиронга

¹ Ферузшоҳ (1351–1388) – Ҳиндистоннинг туғлуқийлар сулоласидан учинчи султони. Унинг ўлимидан кейин салтанат унинг амирлари Саранг ва Маллухон кўлига ўтган.

² Мелодий 1398 йил 26 октябрь.

³ Жанжон – Мўлтондан 80 км масофадаги шаҳар.



тўй бериб, унга ҳадя берди. Ул ҳазрат эса унга ўттиз минг от бахшида этди.

Шундан сўнг жаҳонгир подшоҳ Батнир қалъаси томон юрди. Сафар ойининг йигирма олтинчиси чаҳоршанба кунида қиёматасар лашкар у қалъани ўртага олди. Батнир ҳинд қалъаларининг энг машҳури эди. Ул қалъа йўлдан узоқроқда жойлашган ва унинг атрофи биёбондир. Қалъа ҳокимини Рову Дўлчин дейишарди. Рову ҳинд луғатида баҳодир деганидир. Рову Дўлчин то шу вақтга қадар бошини ҳеч бир подшоҳга эзмаган эди.

Алқисса, сипоҳ ул қалъа ноҳиясида куч-қудратга эга эканлигини кўрсатди, сурнай фиғонлари ва карнай овозлари шундай чалиндики, гўё замин ва замонда зилзила бўлди деб ўйлайсиз.

Ҳиндлар аввал урушиш учун олдинга қараб юрдилар, аммо Амир Темур сипоҳларининг қудрати ва ботирлиги камолотини кўргандан сўнг омонлик сўрадилар, подшоҳона меҳр-мурувват уларнинг аҳволини тушуниб, сафар ойининг йигирма саккизинчиси жума кунида Рову Дўлчин Шайх Саъд Ажуданий билан ҳазрат Соҳибқирон мулозиматига шошилди ва унинг остонасини ўпиш шарафига муяссар бўлиб, уч тўққиз арабий отни заррин эгар-жабдуқлари билан ҳадя қилди. Ўзи эса зардўзлик либос, безатилган камар ва тилло суви билан безатилган тожни инъом сифатида олиш бахтига эришди.

Бундан олдин Мирзо Пир Муҳаммад одамлари бўлмиш Мусофир Кобулийни минг киши билан вафосизлиги учун ўлдирган Дибалпур¹ аҳолисининг барчаси зафарёр сипоҳнинг интиқом қиличи билан ўлдирилди. Уларнинг бу қилмиши Батнир халқининг кўрқувдан пусиб қолишига сабаб бўлиб, Рову Дўлчиннинг биродари Камолиддин ва унинг ўғли сафар ойининг охирида дарвозаларни очиб юбордилар ва мақсадларига қарши иш қилдилар. Шубҳасиз, Рову Дўлчин ушланди, ғалабакор сипоҳ

¹ Дибалпур (Дебалпур) – Панжобдаги шаҳар, Лоҳурдан 300 км. ча жануби-ғарбда жойлашган.



эса қалъани эгаллашга киришди. Қалъа аҳолиси яна бир марта омонлик сўраб, эшиклар калитини юбордилар.

Рабиулаввал ойининг биринчи куни¹ Амир Шайх Нуриддин ва Амир Аллоҳдод омонлик солиғини олиш учун шаҳарга кирдилар, омонлик солиғини тўлашда улар бепарволик қилдилар. Шубҳасиз, уларнинг бу қилмишидан хусравона ғазабнинг оташи алангаланиб, сипоҳнинг шафқатсиз истилочи гуруҳи Батнир қалъасига кирди. Улар билан ҳиндлар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтди.

Ниҳоят фатҳ ва зафар насими ислом аҳли байроғи узра эса бошлади ва ўн минг масиҳийлар жиҳод қиличидан ҳалок бўлди, уларнинг уй жиҳозлари таланди ва ўт қўйилди. Ул исёнчи бузғунчиларнинг барча иморатлари ғазаб оловида ёнди. Ул диёрда на макон қолди, на диёр.

ҲИНДИСТОН ҲУКМРОНЛАРИ ВА УЛ НОҲИЯЛАР ҲУКУМАТИНИНГ СУЛТОН МАҲМУД ВА МАЛЛУХОНГА ЎТИШИНING ҚИСКАЧА ТАРИХИ ЗИКРИ ҲАМДА ЎРМОН ШЕРЛАРИНИНГ ПОЙТАХТ ДЕҲЛИГА ОЛИБ КЕЛИНИШИ БАЁНИ

Деҳли мамлакати салтанати 717 йилгача² Султон Алоуддинга тааллуқли эди. Ул адолатли подшоҳнинг вафот этганлиги ва охираат оламига байроғини баланд кўтариши муносабати билан маҳкама қозиси Деҳли мулкини Султон Муҳаммад Туғлуқшоҳга имзолаб берди. Ундан сўнг унинг ўғли Султон Муҳаммадшоҳ салтанат тахтига ўтирди. Султон Муҳаммадшоҳ 750 йилда³ лашкар тўплаб Гужаротни⁴ фатҳ этиш учун ҳиммат камарини белига маҳкам боғлади ва ул вилоятни то Бор денгизигача ўз

¹ Мелодий 1398 йил 11 ноябрь.

² Мелодий 1317—1318 йиллар.

³ Мелодий 1349—1350 йиллар.

⁴ *Гужарот* — Синд дарёсининг қуйилиш жойидан шарқроқдаги яриморол.



каламравига олиб, мустаҳкамлади. У сахий подшоҳ бўлиб, саховат соҳиби, фозиллар ва шоирларни тарбиялашда жуда катта мурувват кўрсатар эди. Мавлоно Жамолиддин ибн Ҳисом Бадауний¹ Ҳиндистонга келиб, подшоҳни мадҳ этиб бир қасидани назм ипига тердики, унинг матласи будир:

Шеър:

Илоҳо, то жаҳон тургай тирик тут бу жаҳонбонни,
Муҳаммадшоҳ Туғлуқшоҳ Султон ибни Султонни.

Жаноб фазилатшиор мавлоно Муиниддин Муҳаммад Исфизорий «Ҳирот тарихи»да келтирадики, ибн Ҳисом бу матлани Султон Муҳаммадшоҳга ўқиб берган чоғда, подшоҳ буюрдики, Мавлоно, бас қил, чунки мен бу қасида байтларининг барча тухфаларини тўлаш уддасидан чиқа олмайман.

Шунда Мавлонони йиғинда ўтказди ва ишора қилдики, газначилар тилло келтириб, Мавлононинг атрофига бошига етгунча терсинлар. Улар буйруқда кўрсатилганидек амал қилди, тилло мавлоно Жалолиддиннинг бошигача баланд кўтарилди. У тик турмоқчи бўлиб жойидан кўзгалди, унинг бу ҳаракати Султон Муҳаммадшоҳга ёқиб қолди ва у ишора қилган эди, яна тилло келтирдилар ва унинг атрофига айлантириб тердилар ва бу ҳол унинг тик қомати билан баробар бўлди.

Мисра:

Улуғлар қилгандек қилмоқ керак иш.

Султон Муҳаммадшоҳнинг вафоти 751 йил зулҳижжа² ойда Гужаротдан Синдга келаётган пайтида рўй берди. 751 йил муҳаррам³ ойининг йигирма тўртинчисида амакиси Султон Ферузшоҳ ўринбосар бўлиб, Деҳлига жўнади. У мазкур йилнинг жумодилохирида⁴ кириб келди ва салтанат унинг қўлида қарор

¹ Жамолиддин ибн Ҳисом Бадауний – шоир, тарихнавис.

² Мелодий 1351 йил январь ойи.

³ Мелодий 1350 йил 11 март – 10 апрель оралиғи.

⁴ Мелодий 1350 йил 6 август – 4 сентябрь оралиғи.





топди. Мамлакатда ғалаён ва фитналар ўрнини хотиржамлик ва тинчлик эгаллади.

Султон Ферузшоҳ шундан сўнг унинг набираси Султон Маҳмудни вилоят тахтига ўтказди. Султон Ферузшоҳ амирларидан бўлган Маллухон қудратли бўлишидан ташқари катта имтиёзларга эга эди, шунинг учун ул мамлакатнинг мол-мулкига соҳиб ихтиёр бўлди.

Султон Маҳмуд ва Маллухон зафарёр Амир Соҳибқироннинг келганлигидан хабар топиб, кўп сипоҳ қўлаб-қувватлаши ва ёрдамида сон-саноксиз ҳамда савлатли ҳарбий қисмлар билан урушиш ва олишувга тайёр бўлиб, собитқадам ва мустаҳкам турди. Жаҳонгир Соҳибқирон ул қавмнинг ўжарлиги ва манманлигидан воқиф бўлиб, Батнирни фатҳ этгандан сўнг от жиловини Деҳли томонга қараб йўналтирди.

Йўл асносида ҳар бир ноҳия ва қасабага етиб келиб, кофирлар ва душманларнинг мол-жони ва уйларини оташ ғазабда ёндириб, ҳақ йўлидан адашганларнинг аёли ва болаларини асирликка олдилар. Бу фалокат ва офатга тўла масофа ҳамда даҳшатли анҳор ва дарёлардан ўтиб, 801 йил рабиулаввалнинг йигирма тўққизинчиси душанба кунида¹ Жуун дарёсидан² ўтди ва Луни ҳисори³ ўтлоғига дуч келди. Ўша кун у қалъа яқинига келиб, Маймун⁴ деб аталувчи бадбахт ҳумоюн мавкабни итоат этиб, кутиб олмади. Қалъадаги тақводор бир шайх узоқни кўзловчи ақл насиҳатига қулоқ солиб, содиқлик йўлига кириб ўзи Соҳибқирон даргоҳига келди. Лунийларнинг бошқа халқлари эса ниҳоятда бадбахт ва нодонликдан юзига қаршилик қалқонини тутдилар. Аскарлар дарҳол қалъа атрофида ер остидан йўл кавлаб, икки соат ичида фатҳ сиртмоғини у томонга ташлади. Кофирларни мусулмонларидан ажратиб, жиҳод қиличи маҳоратини кўрсатди. Олий мартабали Соҳибқирон рабиулохир ойининг биринчи кунида⁵

¹ Мелодий 1398 йил 9 декабрь.

² Жуун дарёси — Жамуна дарёси.

³ Луни ҳисори — Деҳлидан шимолроқдаги қалъа.

⁴ Маймун — Луни қалъаси доруғаси.

⁵ Мелодий 1398 йил 11 декабрь.





Луний қалъасидан Жуун дарёси лабига бориб, «Жаҳоннамо» рўпарасида отдан тушди. «Жаҳоннамо» Деҳлидан икки фарсах нарида катта баландлик устига Султон Ферузшоҳ қурган иморат бўлиб, Жуун дарёси ул тепаликлар этагидан оқиб ўтади.

Бошқа куни жаҳонгир Соҳибқироннинг кўнгли «Жаҳоннамо» қасрини томоша қилишга мойиллик кўрсатди ва жангда қатнашиб тажриба орттирган етти юз отлиқ билан у томонга йўналди, у ҳузур бағишловчи манзилни наззора қилиб, дашт ва биёбонларга жиддий аҳамият билан қаради. Унинг фикри олишиш ва жанг учун қайси томон муносиброқ эканлигини билиш эди.

Шу пайт Маллухон тўрт минг совут таққан отлиқ найзачилар, беш минг яхши қурооланган пиёда ва йигирма еттита фил билан шаҳар томонидаги дарахтлар орасидан чиқиб кела бошлади. Тадбирли подшоҳ сувдан ўтиб, ҳумоюн ўрдуга шошилди. Зафарёр сипоҳнинг қоровуллари Саййид Хожа ва Мубашшир Баҳодир матонатли аскарлардан уч юз киши душманнинг манглай қисми билан олишиб ва жангга киришиб, урушган ҳолда то сув бўйигача келди. Ул мавзеда қирғин уруш олови аланга олганлиги боис, Амир Темур Гурагон зудлик билан Севинчак Баҳодир ва Аллоҳдодни қоровулларга ёрдам бериш учун жўнатди. Улар сувдан ўтиб, кўкрак қафасидан жонни суғуриб олувчи ўткир ўқлар зарби билан кек-гина аҳлидан кўпини ҳалок этдилар. Душманлар оёқни қочиш водийсига қўйдилар.

Уларнинг қочиш пайтида тоғ келбатли бир фил йиқилди ва бола ташлади. Зийрак арбоблар бу ҳолатнинг рўй беришидан фатҳ ва ғалабага умид боғлаб, бир-бирига илиқ хабарлар бердилар.

Соҳибқирон мавкаби рабиуссонийнинг учинчиси жума куни¹ Лунийнинг шарқий тарафида ўрнашди ва ул мавзеда саодатманд шахзодалар, машҳур амирлар ва сипоҳ аъёнлари, аслзодалар тўпланди. Уларга мазкур урушнинг аҳамияти, ўзига хос хусусияти, шарт-шароити ҳақида ақлли гапларни сўзлади ва жанг шароити, жангда майдонни эгаллаш ва уруш

¹ Мелодий 1398 йил 13 декабрь.





жиҳозлари, қонун-қоидалари, қилич санчиш, бошқача ибора билан айтганда, мазкур урушнинг нозик томонлари ҳақида ўз фикрларини очиқ-ойдин, тиниқ ва муносиб равишда баён қилди.

Байт:

Ҳар битта китобдан бир фикр айтилди,

Ҳар бир чиганокдан гавҳар ситилди...

Ўша куни энг юқори мансабдор шахс у ердан Деҳли томон йўлга тушди ва Жуун дарёси бўйида дарёсифат сипоҳ учун қўноқ жой ҳозирлади. Бошқа куни денгиздек кенг Соҳибқирон сувдан шамолдек ўтиб Жуун дарёсининг нариги томонида ғалабакор сипоҳга ҳарбий ўрду тайёрлади. Жангчилар эса бажарилиши шарт бўлган фармонга биноан ҳумоюн ўрду атрофида эҳтиёт чораларига риоя қилиб, хандақлар қавладилар. Дарахт шохларидан мудофаа иншоотларини тартибга келтириб, хандақ олдида қўтосларни бир-бирига боғладилар ва чодирларни ўрнатиб, жанг ва олишувларни кутиб ўтирдилар.



ЗАФАРЁР ҚЎШИННИНГ ҲИНД ВОЛИЙСИ СУЛТОН МАҲМУД БИЛАН ЖАНГИ БАЁНИДА



Эртаси рабиуссонийнинг еттинчиси сешанба куни¹ осмоний мавкаблар Хусрави кўмаклар ёрдами билан фол очди. Фатҳ ва ғалаба қиличи бошланишда ҳиндлардан юз ўтирди. Хушхабар фаришталари мужоҳидлар эътиқоди билан жиҳоднинг ғурур майдонини мансуб ва махсус қилдилар. Мамлакатлар соҳиби Соҳибқирон офтоб шуъласи нурлари бадбахт ҳиндлар узра соя ташлаб, йирик катта отга миниб, зафарёр сипоҳнинг баронгорини амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга, Амир Сулаймоншоҳ, Амир Шайх Нуриддин, Амир Музроб, Амир Ёдгор Барлос, Қиморий Ясавул ва Темур Хожа Оқ Буғога топши-

¹ Мелодий 1398 йил 17 декабрь.





риб, жавонғорни Султон Маҳмудхон, амирзода Султон Ҳусайн, амирзода Халил Султон, Амир Жаҳоншоҳ ва Шайх Арслонларнинг шиддаткорлиги билан мустаҳкамлади. Қоровул қисмга эса амирзода Рустам, Амир Шоҳ, Малик ва Аллоҳдод тайин этилди. Ул ҳазратнинг зафар оят хос байроғи, айниқса, сипоҳ қалби (марказ)да мустаҳкам турди.

Байт:

Музаффар лашкарнинг қалби қисмида,
Зафарёр байроғи юксалди жуда.
Тизгинлар бурилди ҳинд ройи сари,
Фотиҳ шамширларни уйнатди бари.
Бошқа тарафда-чи? Хисрав Деҳлавий,
Аён қилди мазҳаби Кайхисравий.

Ўзи Маллухон билан биргаликда лашкар марказида турди ва майманани Малик Муиниддин ва Малик Ҳотий Мўлтонийга берди. Майсарани бошқаришни Тоғайхон ва Мирали зиммасига юкледи. Ўн минг қиличбоз отлиқлар ва йигирма минг ёки қирқ минг яхши қуроолланган пиёда билан қирғин қиладиган майдонга юз бурди. Ҳиндларнинг ишончи ва таянчи бўлган тоғ келбатли беўхшов филлари кўриниши жуда баҳайбат бўлиб, уларнинг сони бир юз йигирматага етарди. «Зафарнома»да қирқ минг¹ ва «Матлаи саъдайн»да йигирма минг деб ёзилган. Бу филларнинг тоғсифат ҳайбатида жасур арбобларнинг отлари ҳам ҳурқади. Ҳиндистон мамлакати амирлари бу тоғсифат филларни қурооласлаҳалар мосламалари билан безатган эдилар. Ҳар фил устида махсус ўқ отувчи қурилма тахта бўлган ва ҳар сандиқ устига мерган ва катта қуроол отувчи ўтириб олган, раъдандозлар² эса филлар ёнида қирғин-барот жангга шай турарди.

Байт:

Пўлатга ўралган сафдаги филлар,
Миядан бўшатар эс тугул, хушлар.

¹ «Зафарнома»да «қирқ минг» деб пиёда аскарлар ҳақида айтилган. Филлар эса «юз йигирма» дейилган (қаранг: 206-бет).

² Раъдандоз — ўқ отувчи, тўпга ўхшаб гулдираб отиладиган мослама.





Гарчи Чифатой қўшини жаҳонгир Соҳибқирон давлати қудрати билан бир қанча кучли душманларни мағлубиятга учратган бўлса ҳам, аммо бундан олдин фил жангини ҳеч кўрмаган эдилар; ажиб хулқли ул жониворнинг маҳобатли кўриниши ва салобатли қилиғи ҳақида афсоналар эшитиб, улардан жуда ҳадиксирар эдилар. Филларини мағлуб этишни эса маҳол ишлар жумласидан деб ўйлардилар. Аслзодалар ва улуглар дилига жанг пайтида ким қаерда туриши, аниқ мавзеларни тайин қилиш пайтида ташвиш ва кўрқинч тушди, чунки ҳазрат Соҳибқирон олий шаънли уламолар ва донишманд фозиллардан сўради: «Сизларнинг жойингиз қаерда бўлади?»

Мавлоно Жалолиддин Кешийнинг ўғли Хўжа Афзалиддин, Қози Нўъмониддин Хоразмийнинг ўғли мавлоно Абдужаббор жавоб бердилар: «Бизнинг жойимиз, аёллар қаерда бўлса ўша жойдадир! Ҳа».

Байт:

Гар Баҳром кўнглида ваҳима-васвас,
Зухро унга бичар муъжизли либос.

Шунга биноан музаффарёр Соҳибқирон буюрдикки, темирдан катта оёққа санчиладиган темир тиканақлар ясадилар, то филлар ҳамла қилгунга қадар зафар нишонли мавкаб пиёдалари уларни йўлда сочиб ташласинлар.

Воқеа тарихи қисқача шундай бўлдики, икки томон баробарлашиб, бир-бирига яқинлашганидан кейин, пок эътиқодли Соҳибқирон белгиланган жойда жаҳонгашта отдан тушиб эҳтиёж юзасидан икки ракат намоз ўқиди ва ихлос билан тупроққа сажда қилиб, Аллоҳи каримдан зафар ва ғалаба сўради. Дуонинг ижобий таъсири савоб кўрсатувчининг илоҳий замирида зоҳир бўлиб, кўнгли кўтарилиб ва катта умид билан муборак оёғини саодатли узангига маҳкам қўйди.

Али Султон Тавочи, Олгун Бахший ва Мусо Камолнинг ўғлини бир неча қўшин билан арбобларнинг довюрақларидан амирларга ёрдам учун қоровул қисм сифатида жўнатди. Уларнинг кўнглидан ўтган эди; агар ҳазрат Соҳибқирон паҳлавон



сафдошларидан бизга ёрдамга юборса, бу фатҳ ва ғалабадан нишонадир. Шубҳасиз, бу жамоат уларга қўшилиши билан, улар бу ёрдамдан кўнгли кўтарилиб Суюнчак Баҳодир, Саййид Хожа, Шайх Али Баҳодир, Аллоҳдод, Нусрат Қиморий ва жанг майдони ўрмонининг шерларидан яна бир қанчалари пистирмада ўтирдилар.

Улар шунчалик сабр-қаноат билан кутдиларки, охири душман манглайи улар олдидан ўтди, шунда жасоратли қиличбозлар гуруҳи пистирмадан ташқарига отилиб чиқди. Биринчи ҳамладаёқ қарийб беш юз кишини тупроқ билан қориштириб ҳалок этдилар. Амирзода Пир Муҳаммад баронфор (ўнг қанот)дан душман жавонғори (чап қаноти) устига ташланиб, қиличлари филга етиб борди ва рўпарасидаги Тоғайхонни қочирди. Шаҳзода Халил Султон, амирзода Султон Ҳусайн, Амир Жаҳоншоҳ ва Фиёсиддин Тархонларнинг майсара (чап қанот) қисми душманининг темир тоғ сингари совуққон ва мустаҳкам турган Малик Муиниддин ва Малик Ҳотий майманаси (ўнг қаноти)ни ёриб ўтдилар.

Бошқа амирлар ва жасур аскарлар ҳам филлар сафига ҳамла қилиб, ўқ ва найза зарби билан ул аждаҳосифат ҳайбатли жониворларнинг хартумларини мажруҳ этдилар ва уларнинг устида тоғларнинг чўққисида тургандек ўтирган филбонларни эса пастга – тупроққа улоқтирдилар.

Шаҳзода Халил Султон ўзининг ўн беш ёшли бўлишига қарамай, кучли ва қудратли филни асир олиб, шавкатли шоҳ олдига сигирдек етаклаб олиб келди. Бу ҳол яхши хислатлар соҳиби Соҳибқироннинг саодатманд куёши чиқишидан, яъни ғалабанинг кўринишидан дарак берди ва душман қуршовида қолган фарзин фанога йўл тутди. Саркаш пиёдалар арабий отлар туёғи остида эзилиб, уларнинг отлиқлари шаҳар томонга қараб қочдилар. Ғалабакор сипоҳ қудратли байроқни баланд кўтариб ҳинд филларини гўё қурбонликка сўядиган туялардек ипга боғлаб қўйдилар. Султон Маҳмуд ва Маллухон лашкаридан кўпини шафқатсиз равишда қиличдан ўтказдилар.



сафдошларидан бизга ёрдамга юборса, бу фатҳ ва ғалабадан нишонадир. Шубҳасиз, бу жамоат уларга қўшилиши билан, улар бу ёрдамдан кўнгли кўтарилиб Суюнчак Баҳодир, Саййид Хожа, Шайх Али Баҳодир, Аллоҳдод, Нусрат Қиморий ва жанг майдони ўрмонининг шерларидан яна бир қанчалари пистирмада ўтирдилар.

Улар шунчалик сабр-қаноат билан кутдиларки, охири душман манглайи улар олдидан ўтди, шунда жасоратли қиличбозлар гуруҳи пистирмадан ташқарига отилиб чиқди. Биринчи ҳамладаёқ қарийб беш юз кишини тупроқ билан қориштириб ҳалок этдилар. Амирзода Пир Муҳаммад баронғор (ўнг қанот)дан душман жавонғори (чап қаноти) устига ташланиб, қиличлари филга етиб борди ва рўпарасидаги Тоғайхонни қочирди. Шаҳзода Халил Султон, амирзода Султон Хусайн, Амир Жаҳоншоҳ ва Гиёсиддин Тархонларнинг майсара (чап қанот) қисми душмanning темир тоғ сингари совуққон ва мустаҳкам турган Малик Муиниддин ва Малик Ҳотий майманаси (ўнг қаноти)ни ёриб ўтдилар.

Бошқа амирлар ва жасур аскарлар ҳам филлар сафига ҳамла қилиб, ўқ ва найза зарби билан ул аждаҳосифат ҳайбатли жониворларнинг хартумларини мажруҳ этдилар ва уларнинг устида тоғларнинг чўққисида тургандек ўтирган филбонларни эса пастга – тупроққа улоқтирдилар.

Шаҳзода Халил Султон ўзининг ўн беш ёшли бўлишига қарамай, кучли ва қудратли филни асир олиб, шавкатли шоҳ олдига сигирдек етаклаб олиб келди. Бу ҳол яхши хислатлар соҳиби Соҳибқироннинг саодатманд қуёши чиқишидан, яъни ғалабанинг кўринишидан дарак берди ва душман қуршовида қолган фарзин фанога йўл тутди. Саркаш пиёдалар арабий отлар туёғи остида эзилиб, уларнинг отлиқлари шаҳар томонга қараб қочдилар. Ғалабакор сипоҳ қудратли байроқни баланд кўтариб ҳинд филларини гўё қурбонликка сўядиган туялардек ишга боғлаб қўйдилар. Султон Маҳмуд ва Маллухон лашкаридан кўпини шафқатсиз равишда қиличдан ўтказдилар.





Назм:

Унгу сўл қанотдан ҳиндий сипоҳлар,
Заминга соядай қулаб тушдилар.
Ҳиндларнинг бошлари оёқ остида,
Гўё дарахтлардан тўкилган улар.
Турклардан филлар ҳам қўрқар савашда,
Гўё тегирмонтош айланар бошда.

Султон Маҳмуд ва Маллухон шаҳарга беркиниб олди. Жаҳонгир Соҳибқирон хос ҳовуз лабини ҳумоюн қўноғи шарафига мўлжаллади. Хос ҳовузни қуриб битирган дарёдил подшоҳ Султон Ферузшоҳдир. Унинг кенлиги шунча катта ва улканки, тавсифини баён этиш мушкул. Ул ҳовуз мавсумда ёмғир суви билан тўлиб, йил бўйи Деҳли аҳолиси ундан сув ичади. Кир ювувчилар доимо у ерда кийим-кечак ювадилар.

Алқисса, хос ҳовуз лаби салтанатнинг мансабга тайинлайдиган жойи бўлганлиги боис, шаҳзодалар, амирлар ва нўёнлар хизмат қилишга шошилиб, табриклаш учун у ёққа йўналдилар.

Бу ерда қудратли давлат шаън-шавкати учун қилинган барча шижоатли ва фаройиб ишлар ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, баён этилди. Ул ҳазрат подшоҳлик вилоятларининг мулозимлари ҳаётига берилган Аллоҳ неъматининг фаровонлигидан сувни кўзга суртиб, ҳаяжонга тушар ва жасур амирлар таҳсинига илиқ сўзлар айтиб, уларга инъомлар буюрарди.

СУЛТОН МАҲМУД ВА МАЛЛУХОННИНГ

ҚОЧИШИ ҲАМДА ҲИНДИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ ТАЛОН-ТОРОЖ

ҚИЛИНИШИ ЗИКРИ

Деҳли ҳукмдорлари жамияти маржондек бир-биридан ажралиб кетди. Лашкарларининг ҳар бири ҳар томонга қочди. Султон Маҳмуд ва Маллухон шаҳарга кириб машварат-маслаҳат тариқида келишиб, қочишдан бошқа чорани тополмадилар. Ўша



кечасида кофирнинг ботинидек зим-зиё, шунингдек, зоҳирда ҳам қоп-қора рангли эди, шаҳарни очиқ қолдириб, қочиш байроғини тикдилар.

Амир Темур Гурагон ярим кечаси душманларнинг қочишидан хабар топиб, баҳодирлардан анчасини қочганлар орқасидан жўнатди ва улар душманлардан кўпини ўлдириб, ҳадсиз ва саноқсиз ўлжалар олдилар.

Маллухоннинг икки ўғли бўлиб, бири Малик Ашраф¹ номи билан машҳур бўлган Сайф ва иккинчиси Худодод исмли эди. Уларни асир қилиб ўрдуга келтирдилар.

Эртаси рабиулохирнинг саккизинчиси чаҳоршанба куни² зар билан безатилган ҳукмдор байроғини кўк рангли қалъа устига ўрнатдилар.

Жаҳонгир Соҳибқирон майдонга чиқадиган дарвозага шошилиб, шоҳ қароргоҳи ва чодирлар ўрнаттирди ҳамда Деҳли саййидлари, қозилари, улуғлари ва аслзодалари остона ўпиш шарафига эришдилар, Маллухоннинг ноиби Фазлуллоҳ Балхий девон аҳли билан мулоқотга киришди ва шоҳона иноятга сазовор бўлиб, унинг бу хизмати ҳисобга олинди ҳамда жони омон қолди.

Шунда жаҳонгирнинг байроқлари кўтарилиб, дарвоза устида баланд овозли ноғораларнинг садоси кўк фалак тоқлари остида янгради. Ғалабакор лашкар тасарруфига кирган бир юз йигирма тоғ келбатли фил ва бир қанча шайтонсифат каркидонлар гавҳар синоатли Соҳибқироннинг олдига келтирилди. Улар худди омонлик талаб қилиб илтимос қилаётган кишилардек, юзини ерга қўйиб, нола қиларди.

Мазкур ойнинг ўнинчиси жума куни³ Носириддин Умар ҳазратнинг бир гуруҳ аъёнлари билан шаҳарга келиб, унинг номига ва жаҳонгир Соҳибқирон лақабларига ҳамда ул ҳазратнинг валиаҳди — Муҳаммад Султон Мирзога чиройли хутба ўқидилар.

¹ Яздий «Зафарнома»сида — Шарафуддин (қаранг: 208-бет).

² Мелодий 1398 йил 18 декабрь.

³ Мелодий 1398 йил 20 декабрь.



Зафарли Соҳибқирон айшу ишрат базми ва хурсандчилик дастурхонини ниҳоятда чиройли безаб, хушчақчақлик ва шоду хуррамлик байроғини Зухро ишратхонасигача етказди. Сарой аҳли кулгу ва хушчақчақлик асносида арғувоний май жомларини бир қатра ҳам қолдирмай сипқордилар. Шу аснода рабиулохирнинг ўн олтинчиси пайшанба куни Мавлоно Жалол Ислон барча ҳурматли хушбахт кишилар ҳамроҳлигида дарвоза олдидаги эшиқда ўтириб, мол-мулкни сақлаб қолиш бўйича тушунтириш ишлари билан машғул бўлиб турган эди, ғалабакор сипоҳдан бир неча минг отлиқ қанд ва ғалла олиш учун Дехлига кирдилар. Бошқалари эса жаноблар ва нуёнлар навкарларидан баҳоналар топиб, шаҳарга бостириб киришди ҳамда ғорат ва талон-торожга қўл уришди. Амирлар қанчалар уларни ман қилишга, кўндиришга, ўзини босишга уринмасинлар, фойдаси бўлмади.

Амир Темур Гурагон эса Фаридун¹ расми ва Кай² қондасига биноан ашула ва май базмида ўтирганлиги учун ҳеч ким у ерга бора олмас ва аҳволни тушунтиролмас эди.

Дехлида фисқу фасод оташи аланга олиб кетди. Ҳиндлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб мол-мулки, аёллар ва болаларини оловга ташлаб, жангу жадал ғуборини кўзғар эдилар.

...Амирлар, сипоҳлар шаҳарга киролмаслиги учун дарвозаларни беркитдилар.

...Эртаси куни ойнинг ўн еттинчиси³ эди, ташқаридагилар ўзларини шаҳарга уриб, ғорат уюштирдилар.

...Фуқаролардан ҳар бири юздан то йигирма нафаргача ҳиндларни асир қилиб олдилар. Қиёматасар сипоҳ қўлига жавоҳир, оқ, қизил зар ва нуқралар шунчалар тушдики, бу ерда унинг васфи қаламга олинса, китобга сифмаслиги мумкин, баёнини эса шарҳлаш ҳам мушкул.

Дехлининг бир-бирига уланиб турган учта шаҳри, бирини Сайри, иккинчисини кўҳна Дехли, учинчисини эса Жаҳонпаноҳ дейишарди, талон-торожда тенг ва баробар ҳиссасини олди. Бу

¹ Фаридун – «Шоҳнома»да келтирилган афсонавий шахс.

² Кай – Эроннинг афсонавий каёний сулоласи асосчиси.

³ Мелодий 1398 йил 27 декабрь.



воқеа улуғ мартабали Соҳибқироннинг қулоғига етиб, бажарилиши шарт бўлган фармони содир бўлди. Унга кўра, ҳунарманд ва санъат кишиларини асирлардан ажратиб олиб, уларни шаҳзодалар ўртасида тақсим қилиб, ўз вилоятига олиб бориши таъкидланди. Сангтарошларни Соҳибқирон ҳазратлари учун ажратиб олиб, уларни олий мавкаб (аъёнлар) ҳимояси ва мулозиматида Самарқандга олиб бориб, у ерда қурилажак жоме масжидида ишлатиш кўзда тутилди.

УЛКАН ГАЛАБАЛАРДАН БАЪЗИЛАРИ ВА АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ САМАРҚАНДГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Жаҳонни равшан қилувчи байроқ туғи Деҳли уфқини ўн беш кундан буён ёритиб, истиқомат қилиб тургандан сўнг ул мамлакатнинг бошқа мавзеларига жўнади ва рабиул-охирнинг йигирма тўртинчи куни¹ ташқаридан жаҳонпаноҳ ҳазратларининг кўчиш ҳаракати бошланди.

Вазиробод мавзеи шонли подшоҳнинг қўниш ўрдугоҳи бўлгач, Лоҳур ҳокими Баҳодир Наҳоднинг элчилари хизматга келиб, Султон Туғлуқшоҳ² салтанати давридан то шу кунгача Ҳиндистон султонлари мажлисида гапга чечанлик ва ширинсўзлик қилган икки оқ тўгини у мустаҳкам қалъа музаффарини шоҳга тўхфа сифатида олиб келдилар ва ул қадрли тўхфалар сайёралар соҳиби шоҳ эътиборига тушди.

Галабаёр байроқ Жуун дарёсидан ўтиб, Гата³ мавзеига етган ҳам эдики, Баҳодир Наҳод ўз ўғли Қалтош билан остона ўпиш шарафига муяссар бўлиб, муносиб пешкашлар келтириб, махсус шоҳона илтифотларга эришди. Амир Темур Гурагон Гата манзилдан Ҳинднинг энг обод вилояти бўлган Давлатободга ташриф буюрди ва у ерда икки кун тўхтаб, сўнг у ердан Ҳинднинг энг машҳур қалъаларидан Мират қалъасига қараб юрди.

¹ Мелодий 1399 йил 3 январь.

² Султон Туғлуқшоҳ — Ҳиндистондаги туғлуқийлар сулоласининг асосчиси.

³ Гата — мавзе номи.



Ул пайтда мавлоно Аҳмад ва Васфий Габр у қалъанинг зобитлари бўлиб, улар бажарилиши шарт бўлган фармонга итоат этмадилар. Рабиулохир ойининг охирида олий мартабали Соҳибқирон у ерга келиб, ғолиб аскарлар урушни бошладилар ва қаттиқ қаҳр-ғазаб билан Мират қалъасини олиб, Васфий Габрни қирғин уруш пайтида тобланган қилич зарби билан у дунёга равона қилдилар, ўғлини эса ўзлари сиғинадиган оташда куйдирдилар...

Шундан сўнг олий мартабали подшоҳ эътиқодсиз кофирларга ғазовот ва жиҳод қилиш ниятида Ганг дарёси бўйига бориб, имонсиз оташпарастрлар билан тўқнашдилар ва олишдилар. Уларнинг кўпини ул дарё соҳили ва Кубла дарасида ўтга ташлаб, ислом байроғини ўрнатдилар. Сўнг қатъият билан қайтишга жазм қилиб, жумодилаввалнинг олтинчиси сешанба куни¹ Ганг дарёси соҳилидан жаннатмисол Самарқанд томонга қараб, муборак оёқларини саодатли узангига қўйиб, кофирмижоз ҳиндларнинг маскани Савалак тоғи йўли орқали жўнади. Улар масканга жумодилаввалнинг ўн бешинчисидан² то жумодилохирнинг ўн олтинчисигача Савалак тоғи ва Кавила тоғ тизмалари ўртасида вақт ўтказиб, шу муддат ичида жаҳонгир Соҳибқирон сипоҳи ва оташпарастрлар ўртасида йигирмадан ортиқ ғазовот уруши бўлиб ўтди. Бу ғазовотларнинг барчасида диннинг содиқ мужоҳидлари ғалабага эришдилар...

Шунчалар ўлжалар олиндики, ҳисобчи ҳам унинг миқдорини аниқлашдан ожизлик қилишини ва ҳисобдан адашиш мумкинлигини эътироф этарди.

Жумодилохирнинг ўн олтинчисида³ Байла⁴ қалъаси ноҳиясида қўниш учун қутлуғ лашкароғ белгиланди. У манзилда Кашмир волийси Шоҳ Искандарнинг элчилари шарафли салтанат тахти остонасига келиб, итоатгўйлик ва хизматкорликка бош уриб, шоҳона иззатга сазовор бўлиб сийландилар. Маз-

¹ Мелодий 1399 йил 14 январь.

² Мелодий 1399 йил 23 январь.

³ Мелодий 1399 йил 23 февраль.

⁴ Байла – Ҳиндистон шимолида Жамму вилоятидаги қалъа.



кур ойнинг ўн саккизинчисида¹ ҳамду сано айтувчилар қайтиб келдилар.

Ўн тўққизинчи чаҳоршанба куни Жамму қасабаси ҳудуди зафарёр отлар чанг-тўзонидан мушкбўй ҳидга тўлди, ўша ҳудудда ҳам музаффар қўшинларни табриклаш ва оқ йўл тилаш маросимлари бўлиб ўтди.

Жаҳонгир Амир ойнинг йигирма биринчиси жума куни² қутлуғ мавкаб (аъёнлар) баҳодирларининг бир гуруҳини Жамму рожалари ва қалъа ичида бекиниб олган унинг одамларини қатл ва ғорат қилиш учун тўхтатиб турди. Ўзи эса давлат ҳамкорлари ва бахтиёр толели инсонлар билан Жамму сувидан ўтишга муяссар бўлди. Ҳиндлар ул ўрмон ичини дарғазаб шерлардан холи тасаввур қилиб, мавзедан беркиниб чиқдилар ва ул жамоа фурсатни фанимат билиб, пистирмадан сакраб чиқиб, улар устига ташланиб, кўпчилигининг ишини кўнгилдагидек адо этдилар.

Давлат Темур Тавочи ва Ҳусайн Малик Қавчин ярадор бўлган Жамму рожасини унинг эллик нафар кишиси билан ҳибсга олдилар ва олампаноҳ даргоҳига олиб келдилар. Рожа анча қўрқитиш ва таҳдиддан сўнг тавҳид калимасини қироат қилиб, унинг динида ҳаром ҳисобланган сигир гўштини ейишга киришди. Шу йўл билан ташриф ҳамда эъзоз қилинишга муяссар ва мушарраф бўлишга эришди ва сунна мазҳабини қабул қилди.

Жаҳонгир байроғи йигирма тўртинчи душанба кунида³ Жанот дарёсидан ўтгандан сўнг, сувга чўкиб фанога кетган марҳумларни эслашди.

Йигирма еттинчи пайшанба куни⁴ подшоҳлик тахтиравони Аллоҳ лутфу карами билан Забартали мавзеига қўноқ қилди ва ўша юртда бажарилиши шарт бўлган фармони кучга кирди. Унга кўра шаҳзодалар, нўёнлар ва сипоҳ бошлиқларининг ҳар бири

¹ Мелодий 1399 йил 25 февраль.

² Мелодий 1399 йил 28 февраль.

³ Мелодий 1399 йил 3 март.

⁴ Мелодий 1399 йил 6 март.

аниқ белгиланган йўл орқали ўз юртларига равона бўлиши лозим эди.

Жаҳондор шаҳриёр мавкаби (аъёнлари) хизматида бўлган музаффар тоифаси бўлмиш Ҳинд мамлакатларининг султонлари ва аъёнлари шоҳона либослар ва ёрлиқларга мушарраф ва мурассар бўлиб, қайтишга рухсат олдилар.

Саранг дамбасидан қочиб, ўша пайтда толеи баланд ошиён остонасида истиқомат қилаётган Хизрхон эса подшоҳона лутфу карам назарига манзур бўлиб, Мўлтон ҳукумати унга тааллуқли бўлди.

Сўнг тождор Соҳибқирон музаффар ўрдуни бошқаришни ҳурматли улуғ амирлар зиммаси масъулиятига юклаб, ўзи жумодилохир ойининг охири якшанба кунинда салтанат маркази ва мустақил ватанга қараб шошилинич равишда кетди. Ражаб ойининг ўн биринчиси пайшанба кунинда¹ Аллоҳ таборак ва таоло кўмагида Кобул шаҳрига етиб келди. Жума куни у ердан ҳам қўзғалиб, манзилларни орқада қолдириб, масканлар орасидаги йўллари тез суръатлар билан босиб ўтиб, ойнинг йигирманчи шанба куни тунд ҳаво қутлуғ мавкаб аъёнлари ғуборидан ўзгарувчан чархпалак тароватини олди ва ўша куни у ердан кун ботиш олдидан йўлга тушиб, ярим кечада Жайхун соҳилининг саодатманд аскарлар қўноқ жойига келиб тушди. Ойнинг йигирма биринчиси якшанба куни² ул адолатли ва хайру эҳсон денгизи кемага ўтириб, дарёдан ўтди.

Ўша пайтда салтанат буржи гавҳари, таниқли амирзода Улуғбек, амирзода Иброҳим Султон ҳамда салтанатнинг покиза, нафис ҳаёли бонулари ва шаҳриёрлари, Мовароуннаҳр минтақасининг бир гуруҳ аъёнлари ва аслзодалари билан истиқбол расмини бажо келтириш учун келиб, саодатли мулоқот дамларини ўтказдилар ва улар шоду хуррамлик ва хурсандчилик учун офиз очиб ҳазрат Соҳибқиронни муборакбод қилдилар ҳамда жуда кўп зар ва жавоҳирларни оёғи тагига сочдилар. Якшанба ва душанба кунлари Термизда қўноқ қилдилар. Келиб чиқиши пайғамбар хонадонига боғлиқлиги шубҳа остида бўлиб,

¹ Мелодий 1399 йил 19 март.

² Мелодий 1399 йил 29 март.





эндиликда оқланган хонзода Алоулмулк ҳазратларига тўй бериб, унга муносиб ҳадялар берилди.

Мазкур ойнинг учинчиси шанба кунидан то йигирма учинчисигача Термиздан кўчиб, йигирма саккизинчи якшанба куни¹ Дилбарчин² мавзеи зафарёр қўшин ўрдугоҳи бўлди. Шу мавзеда Ҳирот дориссалтанасидан амирзода Шоҳрух ва пойтахт Самарқанддан амирзода Умар саодатманд Соҳибқирон мулозиматига эришиб, Соҳибқироннинг илтифоти ва меҳрибонлигидан баҳраманда бўлишди.

Ойнинг охири сешанба куни³ у ердан ҳаракат қилиб, қадимдан улуг зотнинг жаннат боғи ҳисобланган қуббатул-хузуро Кешга келди.

Шаъбон ойининг ўн тўртинчиси шанба кунида⁴ зафарнишон лашкар байроғи Шаҳрисабздан ҳаракатга келиб, Рудак суви бўйидаги оламшаноҳ шоҳ саройига қуёш авжига чиққан пайтда келди.

Ойнинг ўн бешинчиси чаҳоршанба куни у ердан ҳам кўчиш амалга оширилди ва ойнинг ўн саккизинчиси шанба куни Қоратепа боғидаги Жаҳоннамо кўшк оламини безовчи шуъла нуридан рашк қўзғовчи гулистони Эрамга айланди.

Ҳазрат Соҳибқирон ойнинг йигирманчиси душанба куни⁵ чошгоҳ маҳали Дилкушо боғига кириб келди ва йигирма биринчи сешанба куни худди танага кирган руҳдек Самарқанд шаҳри нафасини ўзининг шарафли вужуди билан мушарраф айлади.

Сўнг мозорларни тавоф қилиш, ҳадя инъомлари тақдим этиш, садақалар улашиш ҳамда турмушнинг бошқа ҳожатларини таъминлаш учун анча ишларни амалга оширди. Бир неча кун ғоятда хурсандчилик ва шод-хуррамлик, ниҳоятда гўзал ва чиройли базм йиғилишларида ва маишатларида ҳозир бўлди.

Ундан ташқари муаммоли муҳим ишлар билан шуғулланди, олий ҳиммат зарурат ва эҳтиёжини мамлакат ишлари даражасида тартибга солиш, дин ва давлат арконларини кучайтириш

¹ Мелодий 1399 йил 5 апрель.

² Дилбарчин – ҳозирги Қашқадарё вилоятининг жанубидаги мавзе.

³ Мелодий 1399 йил 7 апрель.

⁴ Мелодий 1399 йил 21 апрель.

⁵ Мелодий 1399 йил 27 апрель.





билан ҳам жиддий машғул бўлди. Амирзода Шохрухни салтанат пойтахти – Ҳиротга жўнатди.

Абадий саодат аҳли эътиқодига таъсир этиш учун донишманд, илми муҳандисларга Самарқанд жоме масжиди иморати-ни қуришга фармон берди.

АМИРЗОДА МУИЗЗИДДИН МИРОНШОҲ МИРЗО АҲВОЛИНИНГ ҚИСҚАЧА ЗИКРИ ВА ОЛИЙ МАРТАБАЛИ СОҲИБҚИРОННИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИК ЮРИШИ БАЁНИ



798 йилнинг¹ кузида шаҳзода Мироншоҳ Мирзо сайду шикорга бориш ниятида учқур жийрон отга минди. Маранд² саҳросини ўраб олиб, Пир Умар мозори³ яқинида жуда кўп оҳу ва тоғ эчкилари йиғилдилар. Жасур амирзода қувиш ва сиртмоқ ташлаш асносида тоғ қўйини тириклай қўлга олиб, эгарга тортди ва ўлжа эса типирчилади, от эса ҳуркиб ов шерининг шаҳсуворини эгар устидан умбалоқ ошириб ерга ағдарди. Бу оғир ҳолатдан у беҳуш бўлиб, бир неча муддатдан кейин бироз ҳушига келди, аҳволи бироз ўнгланди, бироқ содир бўлган воқеадан темурийлар хонадонининг кўзи ва чироғи бўлган амирзоданинг соғлиғига ҳаддан ташқари зиён етди.

Уни муолажа қилишни ният қилган табиб эса атайин уни даволашда хатога йўл қўйди, шунинг натижасида шаҳзода соғлиғида паришонлик хусусияти кўпайиб кетди. Унинг феъл-атворида аслзодалар, ақлли ва лойиқ султонлар аҳволига номуносиб бўлган сўзлар ва қилиқлар зоҳир бўла бошлади. Гоҳида бировлардан бекорга шубҳаланиб, гуноҳкор қонини тупроққа тўкарди. Баъзан эса исрофгарчилик ва талафот

¹ Мелодий 1396 йил.

² Маранд — Озарбайжондаги қадимги шаҳар, ҳозирда Эроннинг шимоли-ғарбида Табриз-Жулфа темир йўлидаги Меренд бекати.

³ Жанубий Озарбайжондаги Хўй шаҳри яқинидаги мазор.





йўлида қилинган ишларга хазинани номуносиб кишилар қўлига берар эди.

Ёз фаслининг бошларида ҳавонинг иссиқлигидан жангчилар эғнидаги зирҳди кийим қаттиқ қиздирган пайтда у ғайриихтиёр равишда ғоятда катта суръатлар билан икки манзилни бир қилиб Бағдод томон от солди.

Султон Аҳмад Жалойир бу фаслда пойтахт шаҳарни қамал қилиш ниҳоятда мушкул эканлигини яхши билганлиги учун оёғини овулдан бир қадам ҳам қимирлатмай, сабот ва қаноат билан ҳеч ёққа ҳаракат қилмади. Мироншоҳ Мирзо эса пойтахт Бағдод яқинига етиб келди.

Шу аснода унинг орқасидан Озарбайжон томондан доимий элчилар етиб келдилар. Улар Табриз аъёнлари ва аслзодаларидан бир тоифаси бир-бири билан шартнома тузиб, ўзаро эътирози борлиги ҳақида хабар бердилар. Бинобарин, олиймақом шаҳзода Бағдод ташқарисида туриб, икки кундан кейин Табризга қайтди. Фисқу фасод аҳлининг бири, жумладан, Табриз қозиси мансабида ишлаб турган кишини қилич билан жазолаб, қатл этди.

Динсиз гуржийлар эса ҳурматли шаҳзоданинг руҳидаги касалликдан воқиф бўлгач, мардлик ва жасорат қадамини олдинга ташлаб, фурсат тўғри келганда Озарбайжоннинг баъзи қишлоқ ва қасабаларини талон-торож қилдилар.

Мироншоҳ Мирзо барча вақтини айшу ишрат, хурсандчилик, май ичиш, кўнгил очиш ва ҳар хил ўйинлар билан ўтказар, мамлакат ишларини тартибга солишдан ғафлатда эди.

Шу аснода ўзининг муҳтарам шаръий аёли Хонзодага тухматга хос гаплар айтди ва бу дилбар аёл эридан ранжиб, Табриздан Самарқандга келди. Амир Темур Гурагон Ҳиндистон юришидан қайтиб Чинор боғида истиқомат қилаётган пайтида саодатли мулоқотга муяссар бўлди. Мироншоҳ Мирзо руҳидаги заифликлар ҳолатини баён этиб деди: «Агар шу кунларда ғалаба ёр сипоҳ Озарбайжон мамлакатига кириб бормаса, шаҳзода мухолифларни таклиф этиб, уларга ҳиммат кўрсатиши эҳтимолдан узоқ эмас».

Шунинг учун фазилатлар соҳиби Соҳибқирон лашкарларни тўплашга фармон берди ва етти йиллик юришга ҳукм қилди.





**СОҲИБҚИРОНИНГ ҚАЙТАДАН
ТУРОНДАН ЭРОНГА ОТЛАНИШИ ЗИКРИ
ВА МИРОНШОҲ МИРЗО НОИБЛАРИ ВА
ЯҚИНЛАРИНИНГ МАҒЛУБ
БЎЛИШИ БАЁНИ**



Юқорида баён қилинганидек, Амир Темур Гурагон Ҳиндистонга қилинган оғир юришдан кейин ором олиши ва бешолти ой давлатнинг мустақкам тахтида маишат ва шоду хуррамлик қилиши кераклигига қарамасдан етти йиллик юришга қарор қилди. Ва ниҳоят даражада олийҳиммат соҳиби эканлигидан бу муҳим хатарли ишга қўл урди. Амирлардан амирзода Шохрух, Саййид Хожани, Шайх Али Баҳодир, Жаҳон Малик ва Пир Муҳаммад Пўлодни Ҳиротга юборди ва фармон бердики, салтанат кўз қорачиғига¹ айтсинларки, «Хуросон лашкарлари билан Озарбайжонга жўнасин ва Амир Сулаймоншоҳни олдинроқ салтанат пойтахти Табризга равона қилсин».

Шаҳзода буйруққа биноан иш тутиб, Жожармга етган пайтда Тўкал Қарқара музаффар Соҳибқирон олдидан келтирдик, «Хуросон лашкари Шосмон йўлидан борсин ва Астробод йўлидан тўхтасин, чунки энг олий ўрду Бастом ва Домгон йўлидан бормоқда». Мажбуран Шохрух Мирзо жilовини Шосмон тарафига бурди. Амир Темур Гурагон жўнаш ҳақида қарор қабул қилгач, Муҳаммад Султон Мирзони пойтахт Самарқандда Турон мамлакатларини бошқариш учун қолдирди. Умаршайх Мирзонинг ўғли амирзода Искандарни Андижон ҳукуматига таъин этди.

802 йил муҳаррам ойининг саккизинчиси чаҳоршанбасида кузнинг биринчи куни эди², тенгсиз Соҳибқирон саодатли ва иқболи баланд сипоҳ билан Жайҳундан ўтиб, қишлоқлар ва шаҳарларни босиб ўтиб, Жом вилоятига етиб келгач, Ҳазрат ҳукмига биноан акаси амирзода Пир Муҳаммад билан бир-

¹ Шохрух Мирзо назарда тутилмоқда.

² Мелодий 1399 йил 10 сентябрь.





галикда Бағдодга бориш учун амирзода Рустамни Шерозга жўнатди.

Амир Севинчак икки минг отлиқ билан шаҳзода мулозиматида йўлга тушди. Фотиҳ Соҳибқирон эса Нишопур йўли орқали Бастомга шиддат билан бориб, Бастомдан Райга қараб юриб, у ердан Айванак қишлоғига равона бўлди. Шу орада Амир Сулаймоншоҳни буйруққа биноан олдинроқ Ироққа юборган амирзода Шоҳрухнинг ўзи Мозандарон йўли орқали юриб, Соҳибқирон мавкаб (аъёнлар)ига қўшилди ва Ҳамадонга етиб бориб, отдан тушди.

Мироншоҳ Мирзонинг ўғли амирзода Або Бакр ва унинг аркони давлати Амир Сулаймоншоҳ олдига чопар жўнатиб, уни Табризга чорлади. Ул амирлик мансабидаги жаноб у ноҳияга бориб, икки кундан сўнг Мироншоҳ Мирзони навкарларнинг кичик гуруҳи билан қутлуғ ўрду томон жўнатди. Фалакнинг шоҳ бошлиқ мавкаби Рай вилоятидан ўтгач, Мироншоҳ Мирзо иқболи баланд остонага етиб келди.

Олий мартабали Соҳибқирон биринчи куни унга тегмади, иккинчи куни шаҳзодани хузурига чорлаб, қучоқласа ҳам, аммо унга илтифот назари билан қарамади.

Темур Хожа Оқ Буғо ва Жалол ал-Исломни унинг давлат ишларини текшириш учун Табризга жўнатди. Улар Мироншоҳ Мирзонинг ноиблари ва хизматчиларини ушлаб, маҳбус этдилар ҳамда ҳисобхоналарни текшириб, умумий ишлар хазинасига тааллуқли бир неча йиллик мол-мулкнинг ярмини ва шаҳзода ўз талабига биноан ҳар кимга бағишлаб юборган нарсаларни қайтариб олдилар.

Ўша кунлари қутлуғ табиатли Соҳибқирон бир неча марта Мироншоҳ Мирзо хоҳиши билан қилинган исрофгарчилик, ичкиликбозлик, хипча бел соқийлар суҳбати ҳамда шоҳ саройига яқин кишилар ва бир ҳовуч созанда устозлар ҳар доим шаҳзода билан ҳамкорлик қилиб юрадиган яқин кишилари эканлигини эшитган эди. Баҳром қаҳрли Соҳибқироннинг ғазаб олови аланга олиб, Мироншоҳ Мирзо йиғинининг надимлари ва созандаларини дорга осишга ҳукм қилди.



Мавлоно Муҳаммад Кўҳакийнинг гапига қараганда, уларнинг ақлий ва нақлий илмлардан чуқур тушунчаси бўлиб, айниқса, назм, наср ва ҳазилда замона фозилларидан мумтози эдилар. Устоз Қутбиддин Ноий, Ҳабиб Удий ва Абдулмўмин ашулачи, уларнинг ҳар бири мусиқа фанида тенгсиз ва мислсиз эдилар.

Уларни дор остига олиб борган пайтда Мавлоно Муҳаммад Кўҳакий ҳазил-мутойиба тарзида устоз Қутбиддинга юз ўтириб деди:

– Устозлик хизмати ҳамиша бизнинг қадамимиз пири ва олди бўлар экан-да! Ҳозир ҳам шу тариқа амалга ошса керак!

Қутбиддин айтди:

– Бу ер ҳазил ва мазах жойими?!

Жаллод аввал арқонни устоз Қутбиддин Ноийнинг бўйнига солиб, уни дорга тортди. Навбат Мавлоно Муҳаммадга етганда, у мана бу икки байтни назм қилди:

Назм:

Эй мулҳид, иш сўнги – умр охири,
Шундоқки, кишида ихтиёр бўлмас.
Дорга судрасалар, дадил қадам қўй,
Одам не, олам ҳам пойдор эмас.

Шу пайт уларнинг бошқа дўстларига ҳам ана шундай шарбатдан ичирдилар.

**АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ АРРОННИНГ
ҚОРАБОҒИДА ҚИШЛАШИ ЗИКРИ ВА
ЎША ДАВР ВОҚЕАЛАРИ ВА
ҲОДИСАЛАРИ БАЁНИ**

Жаҳонгир Соҳибқирон офтобининг шуълалари Ироқ мамлакатлари узра нур сочган пайтда Арроннинг Қорабоғини қишлаш учун ихтиёр қилиб, ўша томонга қараб юз бурди ва Аракс¹ дарёсидан ўтиб, Умар Тобоннинг юрти Қўтуркент атро-

¹ Аракс — Озарбайжон ва Эрон чегарасидаги дарё.





фига аскарлар учун чодирлар ўрнатилиб, мисли мовий осмон гумбазига айланди.

Ўша қишда дунё теварагида ҳар хил воқеалар рўй бериб, турли ахборотлар иқтидорли ходим қулоғига етди. Биринчидан, Тўхтамишхон мағлуб бўлгандан кейин ўзбек улусида Амир Темур Гурагон кўрсатмаси билан Темур Қутлуғ Ўғлон хонлик тахтига ўтирган эди, у киши вафот этиб, Дашти Қипчоқда ҳам тўстўполон ва безовталиқ бошланган эди. Иккинчиси эса, Миср ва Шом мамлакатлари салтанати Малик Зоҳир Барқуққа тааллуқли бўлиб, ҳаёт мазмунини ажал даъвогарига топшириб, унинг амирлари ва аркони давлати ўртасида ихтилофу низолар туғилаётган эди. Учинчиси, Хитой подшоҳи амирзода Тўнғузхон кофирлик йўлига кириб ва ҳақ йўлидан адашиб охират сафарини бўйнига олганлиги учун ҳам ул мамлакатда келишмовчилик мавжуд эди. Тўртинчиси эса, Мўғулистон хони Хизр Хожа Ўғлон охират оламига кетганлиги туфайли, унинг авлоди ҳам ўзаро низо ҳолида эди. Бешинчиси, амирзода Искандар ҳам Хизр Хожа Ўғлон вафотидан кейин Мўғулистон вилоятига қўшин тортиб, ул ҳудуднинг кўшгина қалъа ва ноҳияларини фатҳ этди ва эсон-омон Андижонга қайтиб келди.

Бу маълумотларни эшитишдан жаҳонгир Соҳибқирон ниҳоятда шод ва хурсанд бўлди. Баъзи бир ҳимматли зафарёр сипоҳлар билан жиҳод ва ғазовот маросимлари хусусида ваколат бериб, қишнинг қоқ ўртасида Гуржистонга шошилди. Хамша дарасида қатл ва талон-торож қилиб, Хамша дарасининг ҳокими Каброн эди, уни қувиб юбориб, шиддаткор аскарлар уларнинг уйларига ўт қўйиб, мушрикларнинг черковларини вайрон этдилар. Бир ойдан сўнг ул диёрда қудрат камолини изҳор этиб, қишлаш учун ўша юрт томон юз бурди.

Яна ўша қиш воқеаларидан бири — амирзода Рустам ва Амир Севинчак Шерозда амирзода Пир Муҳаммад билан учрашдилар ҳамда жаҳонгир Соҳибқироннинг Бағдодга юриши ҳақидаги фармонини унга етказишди. Амирзода Пир Муҳаммад укаси билан Ироқи Арабга юрди, то Шулистоннинг Нарбинжонигача¹ борди.

¹ Шулистон Нарбинжони — Шероз билан Арражон орасидаги шаҳар.





Сўнг бўлмаган касаллик баҳонасида у ердан қайтди. Амирзода Рустам эса Амир Севинчак билан ўзаро келишиб, Султон Аҳмад Жалойир вилоятидан бир неча муҳим мавзеларни фатҳ этдилар ва душманларни ғорат ва талон-торож қилиб, ифвогар ва фитначилар ҳаётининг асосини ағдариб ташладилар, аммо амирзода Пир Муҳаммад Шерозга қайтиб келгандан кейин, кўнгли тор тожик халқининг бир гуруҳи ифвоси билан беҳуда хаёллар унинг фикрини чулғаб, қотиллик қаҳрини содир қилди. Унинг навкарларидан бир гуруҳи аҳволни Амир Саид Барлосга айтдилар. Амир Саид эса шаҳзодани Кўҳандиз қалъасида маҳбус этиб, бу борада олампаноҳ даргоҳига ариза юборди ва ул нома Қорабоғ қишлоғида турган Ҳазрат арзига етиб келиб, бажарилиши шарт бўлган жаҳон ҳукмдори ёрлиғи содир бўлди. Унда «Амир Аллоҳдод Шерозга борсин, шаҳзодани ёмонликка йўллаган бир ҳовуч кишилар ясоққа тортилсин, амирзода Рустамни унинг ўрнига Форс ҳокими этиб тайинлансин» дейилган эди.

Амир Аллоҳдод Шерозга тантанали равишда кириб келгач, ул фитнанинг асл сабабчилари Халифа, Сайид Жарроҳ ва Рустам Хуросонийлар ўлдирилди ва Муставфий Фушанжийнинг қўлоёғини кесиб, Муборак Хожа, Муҳиб Шарбатдор ва Шайхзода Фаридни маҳбус этди ва Шероз ҳукуматининг нишонини амирзода Рустам орқасидан Ироқи Арабга юборди. Бу нишон Мандалида¹ амирзода Рустамга етиб боргач, шаҳзода дарҳол Шероз томон йўлга тушди.

Амир Севинчак Қорабоғ томон равона бўлиб, саодатли ўрдуга кўшилди, аммо Бағдод ҳокими Султон Аҳмад Жалойир амирзода Рустамнинг Ироқи Арабнинг Мандали ва баъзи бошқа ҳудудларини истило этганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда қаттиқ изтиробга тушди ва Бағдод дарвозаларини беркитиб, иншоотларни мустаҳкамлади.

Шу воқеалар жараёнида кучли давлат қуввати ҳукмронлигидан Бағдодда ниҳоятда ажиб иш содир бўлди. Унинг шарҳи шуки,

¹ Мандали – Ироқнинг шарқдаги шаҳар.



аввал жаҳонгир Соҳибқирон Хузистон ҳукуматини Ширвон исмли кишига тақдим этган эди. Ул киши вилоятнинг энг бой-бадавлатларидан бўлиб ундан ҳам ниҳоят даражада катта мол-мулкка эга бўлди ва у минг отлиқ билан Бағдодга шошилиб келди. Султон Аҳмаддан тарбия олди ва кўп нарса ўрганди. Хуфиёна равишда эса султонликнинг амирлари ва аркони давлати билан меҳр-муҳаббат ва иттифоқ тарҳини тузиб, сахийлик билан уларнинг ҳар бирига Бағдоднинг ўн минг диноридан бериб, уларни хурсанд қилди.

Илоҳий тақдирлар тасодифидан бу маблағнинг тафсилотлари Ширвон муншийси қўлидан чиқиб кетди. Султон Аҳмаднинг навкарларидан бири — Кўра Баҳодир номли киши ул қоғозни топиб олди ва уни Султон олдига олиб борди. Бу ёзувни кўрган Султон Аҳмаднинг жасур Соҳибқироннинг зафарли лашкарларидан кўрқинчи ва ваҳимаси бир эди — минг бўлди. У ёзувда тўппа-тўғри ўн минг динор унинг номига ёзилган Кўра Баҳодирни дарҳол ўз қўли билан бошини олди. У пайтда Ширвонни баъзи амирлар, масалан, Қутбиддин Ҳайдар ва Мансурлар билан Ўйрот босқинига юборган эди. Бу воқеадан кейин Ёдгор Тавочини амирлар олдига юбориб, бўлган воқеанинг тафсилотини уларга етказди, улар Ширвонни қатл этиб, бошини Бағдодга юбордилар.

Қизиги шундаки, Султон Аҳмад бир ҳафта ичида қарийб ўзининг аркони давлати ва яқинларидан икки минг кишини ўлдириб, Дажла дарёсига ташлади. Қаср эшикларини беркитиб, ҳеч кимни қўймас эди. Ошпазлар хос ошни ҳар куни уй эшиги олдига келтириб, махсус кишиларга топшириб қайтиб кетардилар.

Султон Аҳмад ўз вақтини бир неча кун шу тарзда маъюс, ғамгин ҳолда ўтказди. Маҳрамларидан олти кишига буюрдикки, еттита юк кўтарадиган отни хос отхонадан эгарлаб, Дажланинг у томонига олиб бордилар ва ярим кечада кема орқали сувдан ўтди ва уларга олти киши миниб, Қора Юсуф Туркман элига қараб юрди. Ҳеч бир махлуқ бу ҳолдан хабар топмади.



Султон Аҳмад эса Қора Юсуфга қўшилгач, уни Бағдодни талон-торож қилиш кўйига солиб, улар ўзаро келишиб, пойтахтга қараб юрдилар, аммо Султон Аҳмад пулларни ундиргандан кейин бу ноҳияни қақшатиб талон-торож қилганидан пушаймон бўлди, чунки у шунчалар кўп нақд тилло, газмол, қурол-аслаҳа ва арабий отларни Қора Юсуфга бердики, у Султон Аҳмаддан рози бўлди.

803 йил охирларида¹ Султон Аҳмад ва Қора Юсуф матонатли Соҳибқироннинг Сивосни² фатҳ этиш учун юриш қилиши ҳақида қарор қилганлигини эшитдилар. Шунинг учун улар агар зафарёёр лашкар Рум ва Шом ҳудудига кирсалар, уларнинг бошпанаси ҳисобланган жойларга кириш йўллари батамом бекилади.

Бағдодни Фараҳ исмли кишига топшириб, Ҳалаб йўли орқали Румга қараб юрдилар. Улар бу ерга етиб келгач, ўша пайтда бу чегара ва мамлакатнинг ҳукмрони бўлган Йилдирим Боязид у икки азиз меҳмонни меҳр-муҳаббат ва хайр-саховат билан кутиб олди ва уларнинг яшаш харжларини ҳам кўнгилдагидек таттин этиб, ҳурматини ўрнига қўйди.

ЖАҲОНГИР СОҲИБҚИРОН

ҲАЗРАТЛАРИНИНГ АРРОН³ ҚОРАБОҒИДАН

ГУРЖИСТОН ТОМОН ЮРИШИ ЗИКРИ

*А*мир Темур Гурагон қиш фаслини Арроннинг Қорабоғида ўтказди. Қир-адирларда гул ва ясминлар жавлон уриб очилиб, жаҳонга кўклам кириб келди. Ана шундай дилбар кунларда Соҳибқирон ҳазратлари қурултой чақириб, мамлакатни идора қилувчи амирлар билан маслаҳатлашиб, Гуржистон ва гуржийлар вилоятини вайрон қилишга келишиб олди. Зафарли узан-

¹ Мелодий 1401 йил июль-август ойлари.

² Сивос – Туркия шарқидаги шаҳар.

³ Аррон – Шимолий Озарбайжоннинг илк ўрта асрлардаги номи, Амир Темурнинг беш йиллик юришидан бошлаб у Қорабоғ деб аталган. Бу – Соҳибқирон у ерни Сурхондарёдаги Қорабоғга ўхшатганидан бўлса керак.



гига муборак оёқ қўйиши билан биринчи бўлиб Малик Гурген¹ минтақасига қўшин солди. Гурген эса жанжалдан кўра қочишни афзал кўрди. Зафарёр сипоҳ эса унинг мулкани тамоман остин-устун қилиб ташлади.

Шундан сўнг жамшидсифат Соҳибқирон шиддат билан Жонибек Гуржий дараси томон юрди. Жонибек эса жон талвасасида бу давлат ошиён остонасига илтижо қилиб бош уриб келди. Зафарёр ғозийлар ул вилоятда ҳам қаҳр ва ғазаб оловини ёқиб, дин душманларини ўтда куйдириб, уларнинг қалъасини фатҳ этдилар. Мушрикларнинг ҳаёт иддизларини ағдариб ташладилар.

Шу аснода «Малик Гурген Сванетия қалъасида ўтирибди» деган аниқ хабар келди. У бу қалъа эшикларини худди саодат эшикларини ўзи учун беркитиб олгандек тамбалаб олган эди.

Амир Темур Гурагон от жиловини ўша томонга бурди ва Гургин эса дабдабали подшоҳнинг эътиборига тушиб қолгач, Сванетияни очиқ қолдириб, қочишга тушди. Зафарёр лашкар уни таъқиб этиб, унинг кўпгина ходимлари ва навкарларини ҳалок этди. Гурген эса яримжон ҳолда ташқарига чиқиб, Исмоил исмли бир кишини олампаноҳ даргоҳига жўнатди. Ўзининг аввалги айбларини бўйнига олиб, кечириш ва тавба-тазарру қоидаларини бажариб, «Мен энди хизмат қилиш ва итоаткорлик йўлида қатъий ва собитқадам бўлиб тураман» деб ваъда берди. Хусравона марҳаматлар соҳиби унинг узрини қабул қилди ва зафарёр сипоҳи Иване Гуржий томонга қараб юрди. Ул ҳудуд ҳам Гуржистоннинг бошқа мавзелари қаторига киритилиб, Амир Темур Гурагон қайтиб, Мингкўл² томонга қараб от сурди. Ул манзилда Фаранг³ ҳукмдорлари элчилари тожу тахт соҳиби хизматига етишдилар ва аввалдан юборган кишилари самимият

¹ Малик Гурген деб Гуржистоннинг Сванетия қисмининг ҳоқими аталаяпти. Ўрта асрлардаги Грузия бир неча ўлкалардан (масалан, Кахети, Сванети, Жевахети ва б.) ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳоқимлари «подшоҳ» (малик) деб аталган.

² Мингкўл — ҳозирги Туркия шарқидаги Ван кўли билан Фирот дарёси оралигидаги Бингёл шаҳри.

³ Фаранг — Европа назарда тутилади.



билан хайрихоҳлик изҳор этиб, ҳис-туйғу ва меҳр-мурувватли бўлишга умидвор бўлдилар.

Шундай шароитда Рум қайсарларидан¹ шавкат ва қудратга тўлиб, катта имтиёзга эга бўлган Йилдирим Боязид² мағрурлик ва манманлик димоғи саройига ин қуриб, Арзинжон волийси Тахуртан олдига элчи юбориб, «Сен бунча мол-мулк ва харжларни бизнинг давлат хазинамизга юборишинг керак эди. Акс ҳолда захира дарёсидан бир қатра, яъни сон-саноксиз сипоҳдан яхши қуролланган бир лашкар у томонга равона қиламиз: ул диёрда ҳеч қандай ободончилик қолмайди» деган хабар жўнатди. Тахуртан бўлган воқеани буюк давлат даргоҳига етказди ва музаффар Соҳибқироннинг шуури шуъласи қайсарнинг дабдаба иззат-нафси ва ғурури сари йўналди. Улуғ Амирнинг олий хотири дарғазаб ва таъсирланиб диққат-эътиборини Рум томон қаратди.

Аввал Йилдирим Боязидга насиҳатнома ёзиб жўнатди.

Энди вазиятлар шуни тақозо қилмоқдаки, бу шароитда Усмонли авлоди тарихининг бошланишидан то Рум салтанати Йилдирим Боязидга етганча бўлган даврини баён этиш зарурати туғилмоқда. Шунда ҳангоманинг жозиб асл қисми — ҳазрат Соҳибқироннинг хушбўй қораламаси таҳрири учун сўз очилади.

**РУМ МАМЛАКАТИ САЛТАНАТИНИНГ БАНИ
УСМОН ИБН ДОВУДГА ЕТИШИ ВА УЛАР
АҲВОЛИНИНГ ҚИСКАЧА БАЁНИ ҲАМДА
САОДАТМАНД ЙИЛДИРИМ БОЯЗИДНИНГ
ҲУКМРОНЛИККА КЎТАРИЛИШ
ВАҚТИГАЧА БЎЛГАН ДАВР ЗИКРИ**

Рум ноҳиялари мусофирларидан ва ул мамлакат ҳамда chegarалари қўриқчиларидан бу сатрларни ёзувчига шундай маълум бўлдики, Салжуқ султонларининг энг охиргиси — султон

¹ Рум қайсарлари деб ўрта асрлар ислом мамлакатларида аввалига Рим ва Византия императорлари, XIV асрдан бошлаб эса Усмонли турк султонлари айтилган.

² *Йилдирим Боязид (1389–1403)* — Усмонли турк султонларининг тўртинчиси.



Алоуддин Кайқубод ибн Фаромурз¹ даврида Дашти Қипчоқ туркларидан Довуд исмли киши теварак-атрофдан ўн минг хонадонни турли сабабларга кўра ўз ватанидан ажратиб, Кафа² йўли билан Рум вилоятига келди. Мақсадга етиб келганларидан кейин ўзларига муносиб мавзени танлаб, анжомларини тушириб истиқомат қила бошладилар. Улар бу ерда икки йил эркин ва роҳатда яшадилар. Бир куни Султон Кайқубоднинг йўли уларнинг манзили ҳудудидан ўтиб қолди. Унинг назарида улар жуда кўп кўриниб, уларнинг аҳволи, яшаш шароити ҳақида саволлар берди.

Довуд нутқининг майин ва мазмундорлиги ҳамда жуда зийрак ва донишмандлиги билан ўзига ўхшаш ва тенги йўқлигидан олдинга ўтиб, мана бу мазмундаги шеърни тараннум айлади:

Байт

Йўлинг тупида муштоқларинг масканига,
Минг азиз жон фидо бўлсин қадамингга.

Дуо ва ҳамду сано вазифаларини адо этиб бўлгандан кейин, «Бизлар даштда салтанат тахти пойида адолатли шон-шуҳрати, ифтихори, ҳимматли овозаси ва меҳмондўстлик мақомида турганларини эшитиб, бир қанча вақтдан буён бу вилоятга келиб турибмиз, халифаликнинг шоҳ саройи ходимларининг марҳамати соясида тарихнинг қизгин баҳсларидан тинчмиз. Умидимиз шуки, озгина бўлса-да, фақир ва бечоралар кулбаси ғайратли саодатманд хусрав ҳумоюннинг яхшиликларидан жаннат гулбоғига айланиб, ихлос ва қуллик шароити холис ният ва покиза орзуга сабаб бўлиб, ижобат этилажак» деди.

Кайқубод Довуднинг мақтовга лойиқ териб-териб айтаётган бу сўзлари ва ширин гуфторини эшитиб, унга ўтиришга рухсат берди. Довуд эса қавми оқсоқоллари билан байрам кайфиятида хирожларни, тортиқларни улашиб, арабий отлар, тоғ келбатли туялар қўйди, нафис матолар ва сон-саноқсиз кичик ҳажмдаги

¹ Рум салжуқийларидан султон Алоуддин Кайқубод III (1284–1307) назарда тутилади, унинг отаси Фаромурз эмас, Гиёсиддин бўлган. Муаллиф Усмонлиларнинг келиб чиқиши ҳақида юқорида келтирган ривоят ҳақиқатдан жуда узоқ.

² Кафа – Қримдаги шаҳар.

тиллоларни ҳозирлади. Қадди-қомати ва ор-номуслиги юзидан кўриниб турган ҳамда ботирлик ва ҳушёрлик майдонида ўз даврининг шижоаткорларидан устун чиқиши аниқ маълум бўлиб турган ўзининг катта ўғли Усмонни кимёасар султон назарига солиб, қуллар қаторида пешкаш қилди. Кайқубод эса Усмон юзига кўз қирини ташлаб, ақл-идрок нури билан сездики, яқин вақт ичида унинг саодатли юлдузи давлатнинг энг баланд нуқтасига кўтарилади.

Шубҳасиз, уни ўзига фарзанд деб атади, ул қавм ўзига берган барча ҳадялар ва совғаларни унга бағишлади. Довуд ва унинг ўша даврда фаранглар тасарруфида бўлган Адирна¹ ва Бурса² ҳудудидаги қабиласини бемалол истиқомат қилишга ҳамда иморатлар қуриб, дехқончиликни йўлга қўйиб, у ноҳияни маъмур ва ободон қилишга буйруқ берди.

Довуд буйруққа биноан у ерга шошилиб, Султон Усмонга иноят қилган ноҳияга бориб, ул қабиладаги ҳамма ёшларга тақсим қилиб, яхши қурол-яроғ тақдим этиб, бир неча марта кофирлар вилоятига босиб борди ва ўлжалар олиб, кўпларни ҳалок этиб қайтди.

Фаранг сардорлари уларнинг бу қилмишидан безор бўлиб, Кайқубод олдига чопар жўнатдилар. Улар Усмон устидан адоват камарини белига маҳкам боғлаб, икки ўртада шартлашган аҳду паймонга хилоф равишда доим бу ҳудудга лашкар тортади, кимни кўрса ўлдиради, чунки ўша пайтда султон ва фаранглар ўртасида сулҳ қонун-қоидалари мустаҳкам эди. Фаранг аҳли билан жанг қилиш ислом аҳлига мумкин эмас эди, деб шикоят қилдилар.

Кайқубод ғазабга тўлиб, Усмонни талаб қилиб элчи жўнатди. Чопар Усмон овда бўлганлиги боис Довуднинг уйига тушди. Довуд дарҳол Усмонни чақириш бобида гап-сўзлар сиёқидан тожу тахт соҳибининг фикри ўғли ҳақида ўзгариб қолганлигини тундунди. Шунинг учун шу зоҳотиёқ ўғлининг олдига бир киши

¹ *Адирна (Эдирна)* – Усмонли туркларнинг 1352 йилдан давлатларининг Европа қисмидаги пойтахти, қадимги Адрианополи.

² *Бурса* – Усмонли туркларнинг 1281–1352 йиллардаги пойтахти, қадимги Брусса. Мармара денгизининг жанубида жойлашган.



жўнатиб, бўлган воқеадан уни бохабар этди ва «Мен бу муҳим аҳволни тўғриламагунимча, сенинг бу ерга келишинг маъқул эмас», деб хабар берди.

Бу хабар Усмонга келиши билан у ўйланиб қолди. Мен томондан қилинган журъатли ишлар ислом аҳлини кучайтириш ҳамда ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаловат ва ислом миллатини ҳимоя қилиш учун қилингандир. Бу ишнинг зоҳири шундайки, бу динпарвар подшоҳлар вазабининг ниҳоят даражада кучайишига сабаб бўлмайди. Шубҳасиз, султон хизматига тезроқ боришим зарур ва айтмоқчи бўлган сўзларни бевосита ўзига арз этайин, деган фикр унинг хаёлидан ўтди.

У жўнашга қатъий қарор қилиб, ҳеч бир жойда тўхтамасдан отаси уйи томон қараб от сурди. У етиб боргандан кейин Кайқубод олдидан у ерга бошқа элчи етиб келди ва бошқа аломатни келтирди. Мазмуни шундай эдики, Усмон аввал берган кўрсатмамизга биноан бизга нисбатан ўғил мақомига эгадир. Шунинг учун унга нисбатан подшоҳлик муруввати ғоят даражада баланддир, у фахр ва ифтихор билан олампаноҳ даргоҳига келсин, токи бизнинг илтифот ва хайрихоҳлигимизнинг зиёдлигини яқиндан ўз кўзи билан кўрсин.

Бу аломатни юборишдан мақсад шулки, султон ҳарамида шарипарвар оқила қиз бўлиб, у тожу тахт соҳибининг Усмонга бўлган муносабатидан хабар топди ва айтди: «Бир киши тажовузкор кофирлар диёрида шунчалар қудратли ишларни кўрсатган бўлса, диндор султонлар ҳолига лойиқ ва муносиб эмас, балки Усмонга қайта назар ташлаб, мурувват ва меҳр-муҳаббат билан қарашга муносибдир. У ғазовот ва жиҳодда, кофирлар ҳамда залолат аҳлини тағтомири билан олиб ташлашда аввалгидан ҳам кўпроқ саъй-ҳаракат қилиши мумкиндир». Бу сўз ҳаммага маъқул бўлди.

Алқисса, иккинчи ҳукм Усмонга етган пайтда, у дадил ва ўзига ишонган ҳолда султон мулозиматига борди. У етиб келгандан кейин унинг меҳри ошиб, Кайқубод шабистондаги ифбатли қизни унга никоҳлаб берди. Кетишга рухсат бераётган пайтда, уни хазинага киришга ва у ерда нимани истаса ўшани олишга рухсат берди.



Усмон бир хонага кириб палос, кўрпа, шомиёна¹ ва қилични қўлга олди ҳамда бошқа нафис нарсаларга, ҳад-худудсиз кумуш ва жавоҳирларга қайрилиб ҳам қарамади. Унинг бу қилмиши Кайқубодга жуда ёқди. У деди: «Бу боланинг иддаоСИ салтанатдир, чунки унинг хазинадан олган барча нарсалари подшоҳлик жиҳозлари жумласидандир. Унинг тиллоларга ва нафис нарсаларга эътибор бермаганлиги ҳимматининг баландлигидан далолатдир».

Шунда ўша пайтда санжоқининг² соҳиби румликларнинг урф-одатига кўра эллик минг киши эди, унга мойиллик кўрсатди ва кутилган азиз дўст ва омадди Усмон қайтиб, жиҳод камарини белига қайтадан маҳкам боғлаб, фаранг кофирларини таг-томири билан суғуриб ташлашга бор кучини сарфлаб, талон-торож эшигини ланг очди. Шундай қилиб Авник қалъасини бир қанча бошқа мўътабар қалъалар билан фатҳ этди. Ва Бурсага кўшин тортди. Ул ноҳиянинг ҳокими кўрғон ичига беркиниб олди. Усмон эса уни қамал қилди.

Шу аснода Кайқубод вафот этди. Унинг Усмон никоҳига ўтган қизидан бошқа фарзанди қолмади. Барча амирлар ва аркони давлат Усмон ўрдусига бориб, унинг бошига итоат этиш гулчамбарини кийдирдилар ва унинг барча ҳукмларига бўйсунушга, салтанатига иттифоқдош бўлишга қарор қилдилар. Шундай бир пайтда Усмон сакта³ касалига мубтало бўлиб қолди, қўли ишдан ва иши қўлдан кетиб, бу кўнгилсиз воқеа туфайли барча амирлар ва аркони давлатни чорлаб уларга васият қилдики, унинг вафотидан сўнг ўғли Кайқубоднинг қизидан туғилган набираси Ўрхонни подшоҳ деб билсинлар. Шундан сўнг у салтанат расм-русмлари, қонун-қоидалари ҳамда мамлакат қонунларини барқарор этди. Рум султонлари яқин-яқинларгача шу қонунлар асосида иш юритиб, уни «Усмоний қонунлар» деб номлаган эдилар ва ундан бир баҳя ҳам ташқарига чиқмадилар. Натижада Бурса кофирларига тазйиқ ва уларни камайтириш учун курашиб, ул ноҳияни ислом аҳлининг бошқа ноҳиялари қаторида ўзига қўшиб олдилар.

¹ Шомиёна — чодир тури.

² Санжоқ — Туркияда Усмонлилар давридаги маъмурий бўлиниш.

³ Сакта — инфаркт.



Ул жамоат эса миннатдор бўлди. Ўша кунлари Усмон бу ўткинчи дунёдан фоний дунёга кетди¹. Ўрхон аввал ўринбосар бўлиб, Бурсани қамал қилишда керакли чора-тадбирларни кўришга ҳаракат қилди. Энди фатҳ ва зафар пайкарини кўриш насиб этгач, фарангларнинг маъбудаси бўлган ва ислом аҳли уни масжидга айлантириб олган черковда Усмонни дафн этди.

Ўрхон хутбани ўз номи ва лақабига ўқитиб, тилла тангаларни ҳам худди шундай ўз номи билан беади. Фарангларнинг бошқа ноҳияларини ҳам фатҳ этишда жиддий саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Адирнани ҳам ўткир қилич зарби билан эгаллади. Шундай қилиб, у йигирма саккиз йил салтанат тахтида бахтиёр умр ўтказди.

750 йилда² у вафот этиб, унинг ўғли Мурод мамлакат салтанатига оёқ кўйди. Унинг жаҳонгирлик пайтларида ислом аҳлининг «Оқ ҳисор» ва «Қора ҳисор» ноҳиялари эгалланди. У шундан сўнг ўттиз етти йил подшоҳлик қилди ва вафот этди.

Шунда унинг ўғли қайсар Саид Йилдирим Боязид 787 йилда³ мамлакатни бошқаришга киришди ва унинг мартабаси ота-бобосидан ўтиб, бир неча марта фаранглар билан урушиб, жанг қилиб, уларнинг байроғини афдариб ташлади.

САИД СОҲИБҚИРОННИНГ ЙИЛДИРИМ БОЯЗИДГА МАКТУБ ЖЎНАТИШИ ЗИКРИ ҲАМДА СИВОС⁴ ВА КОНСТАНТИНОПОЛЬ⁵ ДИЁРИ УФҚИДА ОФТОБ НУРЛАРИНИНГ ПОРЛАШИ БАЁНИ

Рум қайсари Йилдирим Боязид мамлакатни кенгайтириш, сипоҳ, раият фаровонлиги, мол ва мулкнинг кўплиги ҳамда қўшин ва ходимларнинг ниҳоятда ортиб кетишидан мағрурланиб,

¹ Усмонли султонлар сулоласининг асосчиси Усмон 680–724/1281–1324 йилларда ҳукм сурган.

² Усмонлилар сулоласидан иккинчи султон Ўрхон 724–761/1324–1360 йилларда ҳукм сурган.

³ Султон Боязид тахтга 791/1389 йил ўтирган.

⁴ Туркия шарқидаги маъмурий марказ.

⁵ *Константинополь* – Византия империясининг пойтахти.

Тахуртандан мол-мулк ва хирож талаб қилди. Арзинжон¹ волийси аризасига биноан унинг тугёни ҳазрат Соҳибқирон олдида таҳқиқ этилди. Ва маслаҳат ва Қуръон билан фол очиш тадбирлари кўриб чиқилгандан кейин ҳазрат Соҳибқирон хотирига биноан Рум ҳукмронини қалам кучи билан муҳолифлик зулматидан ҳамжиҳатлик саҳнасига олиб чиқишга қарор қилинди. Бинобарин, олдида руҳи тоза бир муншийни чорлаб, унга насиҳатомуз бир мактуб ёздирди ва бу мактубнинг мазмуни шундай: «Аллоҳ инояти ва шаҳаншоҳлик хайрихоҳлиги билан бугун жаҳон ободон қисмининг катта бўлаги бизнинг тасарруфимиздадир. Эрону Турон маликлари ва султонлари бизнинг зафарли мулозимларимизга итоат этадилар. Олампаҳоқ даргоҳида итоат этиб турганлар, чунончи, ҳаммага ойдай равшанки, сенинг силсиланг нисбати туркманларнинг кема дарғасига бориб тақалади. Демак, энг маъқули шуки, хотиржамлик ва оқибатли фикр-андишали елканли кемага ўтириб ўйлаб кўр, катта кема елкани жасоратига ишониб, кичик кемада душманлик қилма, токи эсон-омон соҳилга етиб олиб, хусравона ғазаб денгизи мавжлари талотумидан хавфсиз бўласан. Охирги пайтларда қулоққа чалинаяптики, сен жиҳод фарзлари учун муттаҳид камарини боғлаб, ғазовот ва уруш эшикларини фарангийларга очибсан, шунинг учун эътиборингни бул томонларга сарф қилмагин. Шундай мулоҳаза қилинадикки, мабодо тақдир тақозосига кўра фирузлик зоҳир бўлиб, ғалабаёр аскарлар воситасида қаҳрамонлик кўрсатилса, ислом аҳли чехрасига ғам-андуҳ тушмаслиги учун йўли шуки, ўз ота-бобонг ҳаёти тарзидан ўтиб кетмай, қайсарлик ва такаббурликни тарк этиб, ўзингни ғалабакор давлат тарафдорларидан ҳисоблагин, вассалом».

Бу мактуб донишманд одамлар қўлидан ўтиб, Йилдирим Боязид қўлига тегди ва унинг мазмунидан хабар топгач, дарғазаб бўлди. Даҳшатли сўзлар ва ғализ калималар унинг оғзидан чиқди ва деди: «Анчадан буён Амир Темур билан муқотала ва муҳораба қилиш нияти хотирамда қалқиб юрар эди». Элчилар қайтиб ке-

¹ Арзинжон — Туркиянинг шимоли-шарқида жойлашган маъмурий марказ. Ҳозирги номи — Эрзинжон.



лиши билан бу хабарни жаҳонгир Соҳибқиронга етказган эдилар, ҳаяжонланиб, қиёматли сипоҳ билан Сивос томон жўнади.

Амирзода Пир Муҳаммад фитнасини даф қилиш учун Шерозга кетган Амир Аллоҳдод шаҳзодани боғлаб ўрдуга келтирди. Амирзода Пир Муҳаммадни таёқ ясофига урдилар. Шайхзода Фарид ва Муборак хожалар эса шаҳзодани ёмон ишларга ўргатувчи бўлганлари боис сиёсатга етказилди. Фалабакор байроқдорлар у ердан йўлга тушиб, Арзирумда¹ Тахуртан ботир жангчилари билан ҳумоюн ўрдуга қўшилди. 803 йил муҳаррам ойининг бошларида² жаҳонгир илғор қилиб, Сивос шаҳрига юз бурди. Жанговар сипоҳ ул қалъа атрофига яқин келгандан кейин теварак-атрофда манжаниқ³ ва аррода⁴ ўрнатдилар. Ироқ дарвозаси рўпарасига пана жой қурдилар.

Байт:

Беҳисоб халойиқ, жуш урган сипоҳ,
Сивос ноҳиясин қилди маҳшаргоҳ.

Сивосни Алоуддавла Кайқубод Салжуқий бино этган бўлиб, кўринишдан мустаҳкам, тагидан то кунгурасигача катта тарошланган тошлардан терилган ва баландлиги йигирма газ⁵ эди. Унинг уч томони чуқур ва сувга тўла хандақ эди. У шаҳарнинг ғарбий тарафида эса ҳумоюн ҳарбий ўрдугоҳи бўлиб, ер ости йўли қазииш мумкин эди, унинг бошқа уч томонидан қазиишнинг имкони йўқ эди.

Қайсар амирларидан Мустафо исмли киши тўрт минг жасур аскарлар билан ул туманнинг ичида яшар эди. У музаффар кўнгиллилар гуруҳи билан урушиш, жанг қилиш ва қаршилиқ кўрсатишга киришди ва унинг қамали ўн саккиз кунга чўзилди. Сивос буржлари ва қалъали деворлари тош ўқлар захмидан бузилганлиги туфайли лаҳм қазувчилар қалъанинг тагдевори-

¹ Арзирум – Туркиянинг шимоли-шарқдаги шаҳар, маъмурий марказ.

² Мелодий 1400 йил 22 август.

³ Манжаниқ – тош отиб қалъани бузадиган қурол.

⁴ Аррода – қамал қилишга мўлжалланган гилдиракли қурол.

⁵ Газ – узунлик ўлчов бирлиги, 49 см. га тенг. Демак, қалъа баландлиги қарийб 10 м. га етади.



ни бўшатиб, тахта устига ўрнатдилар. Ҳайрат дуди Мустафонинг димоғи саройига урилиб, ожизлик ва мажбурий ҳолда ташқарига чиқди ва саййидлар, уламолар ва саллали кишилар билан жаҳонгир даргоҳига паноҳ излаб келди ва итоаткорлик изҳор этди.

Ҳазрат Соҳибқирон мусулмон амирлари ва девон ходимларига «Омон қолган молларга қаноат қилинсин, насоро ва динсизлар босқин ва талон-торож қилинсин, қурол-яроғ билан уруш қилган Йилдирым Боязиднинг жанг қилган тўрт минг кишисидан баъзилари динсиз-имонсиз эдилар, чоҳларга ташланиб, кўмиб ташлансин, Сивос деворлари ер билан яксон қилинсин!» деган фармон берди.

Шундан сўнг ғалаба ато этувчи Соҳибқирон Обулистон¹ ва Малатия² вилоятларига юриш қилиб, ул ҳудуд қалъаларини фатҳ этди ва Таҳуртанга Арзинжон томон қайтишга рухсат берди.

Малатия вилояти ва унинг тевараги ҳамда музофотларини бошқариш тизгини қудратли Амир Қора Усмон Туркман қўлида қолди ва у қайтиш байроғини тикди.

**ОСМОН ГУМБАЗИДЕК КЕНГ
СОҲИБҚИРОННИНГ ШОМ
МАМЛАКАТЛАРИГА ЮРИШИ ЗИКРИ
БИҲИШТИ ВА АЙНТОБ³ ҚАЛЪАЛАРИНИНГ
ФАТҲ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА**

Араб диёри тасхир этилгач, 795 йилда⁴ Амир Темур Гурагон келиб чиқишининг улуғлиги ва шахсий хизматларининг буюклиги жиҳатидан юқори бўлган Сова шайхини элчи сифатида Миср ва Шом султони Малик Барқуқ олдига юборган эди. Унга яхши, тиниқ ва пухта сўзлар ва маъқул калималар айтиб

¹ Обулистон – Марказий Анатолиядаги ўлка, қадимги Капподокия.

² Малатия – Шарқий Анатолиядаги ўлка ва унинг марказий шахри. Шаҳар Юқори Фиротнинг унг соҳилида жойлашган.

³ Биҳишти ва Айнтоб – Сурия шимолидаги қалъалар.

⁴ Мелодий 1393 йил.



хабар жўнатди, аммо Барқуқ ақлли подшоҳлар қондасига хилоф равишда «элчига ўлим йўқ» дейишга қарамасдан, Шайх ва унинг шерикларини ўлдириб юборди.

У пайтда жаҳонгир Соҳибқирон Дашти Қипчоқда Тўхтамиш-хон билан жон олиб, жон бераётган ҳамда Қора Юсуф Туркман билан Авник қалъаси кутволи Аталмиш Қавчин ўртасида уруш рўй бераётган эди. Тақдир экан, Аталмишни маҳбус этиб, бу воқеани собиқ жазо ҳисобига илова қилди.

Ўша пайтда Малатия ва Обулистон тизгини давлат ошиёни мулозимлари тасарруфига ўтиши учун гапга уста элчиларни отаси Барқуқ вафот этгандан кейин Миср ва Шомнинг ҳукмрони бўлган Фараж¹ олдига жўнатган эди. Улар ваъда ва таҳдидлардан иборат сўзлар билан Аталмишни талаб қилдилар. Фараж эса отаси табиатига мос иш қилиб, элчиларни ҳибсга олди ва зиндонга ташлади.

Бу хабар юқори мартабали Соҳибқиронга етиб келганда, у ниҳоятда дарғазаб бўлди. Шом ҳудудини фатҳ этишни қайсар билан урушишдан аъло билиб, жаҳонгашта ола оти жиловини Шом томон бурди. Биринчи бўлиб, Биҳишти қалъасига яқинлашди. Фараждан олдин у қалъа кутволи Муқбил исмли киши эди. У қалъанинг яқинига ҳам йўлаб бўлмайдиган даражада мустаҳкамлигидан ғурурланиб, собитқадам зафарёр сипоҳ билан солишиш ва олишишга киришди. Икки томондан ўқ ва тош отиб, лаҳм қазувчилар бу урушда озгина вақт ичида қалъа буржларини худди арининг уйидек илма-тешик қилиб, устунлар тагини бўшатиб ташлашди. 803 йилда сафар ойининг еттинчиси якшанба кунида² устунларига ўт қўйилди, буржлари эса бамисоли Муқбил давлатининг иморатларидек йиқила бошлади. Даҳшатли ва қўрқинчли ҳислар таъсирида қалъа аҳолисининг виқор асоси кетиб, саййидлар, қозилар ва уламолар Биҳиштидан ташқарига чиқдилар. Улар олампахоҳ даргоҳига шошилиб, нимани топса ва маъқул кўрса ҳаммасини тортиқ қилдилар. Шоҳрух Мир-

¹ Фараж – Мисрнинг мамлук султони ан-Носир Носириддин Фараж (1399–1405) назарда тутилади.

² Мелодий 1400 йил 17 сентябрь.



зо эса Муқбил гуноҳини кечиришни сўради. Кечиримни қабул қилувчи подшоҳ жарималар қайд қилинадиган китобга у ҳеч нарсага арзимайдиган ғулом номи устига афв хатини тортди. Ва Биҳиштидан тўппа-тўғри Айнтоб томон равона бўлди. У ноҳияда раиятдан бошқа ҳеч ким бўлмаганлиги туфайли бу қалъа жангу жадалсиз қўлга киритилди ва раиятлар итоат тўнларини елкаси-га ташлаб, бахтиёр чаманда омонлик гуллари ял-ял очилди.

ЗАФАРЁР СИПОҲНИНГ ҚИЛИЧИ ВА НАЙЗА ЗАРБИ БИЛАН ФАТҲ ЭТИЛГАН ҲАЛАБ ШАҲАРЛАРИ ВА ҚАЛЪАЛАРИ ЗИКРИ



У пайтда омадли Соҳибқирон Биҳишти ва Айнтоб қалъаларини фатҳ қилгани хабари Ҳалаб вилояти ҳокими Темуртош қулоғига етганида унинг вужудини қўрқув ва ҳадик босди. Шунинг учун у ёрдам сўраб Миср султони Малик Фаражга мактуб жўнатди. Фараж ўз диёри атрофидаги ҳокимларга амр этдики, ул ҳудуд лашкари Ҳалабга борсин ва Темуртошга ёрдам ва мадад беришда ўзидан ҳеч нарсани аямасинлар. Фармонга биноан, Дамашқнинг маликул-умароси султон Шадун ҳам Ҳалабга келди. Ул минтақада шу қадар жанговар лашкар тўпландики, қадимда ҳеч ким бунақасини ҳалигача кўрмаган эди.

Канъону Рамлаю Карак шаҳридан,
Келишди паҳлавон жангчилар яктан.

Шунда оқил ва хирадманд Темуртош эса Шадун ва Шом минтақасининг бошқа амирлари билан маслаҳатлашди.

Назм:

Муҳораба истар бу қудратли зот,
Бас келмоқ имкони бизда йўқ ҳайҳот!
У юксак юдузли, фалак савлатдир,
Қиёмат шукуҳди кучли давлатдир.
Ажам шоҳларига ўхшамас буткул,
Фаридун Жамишддан қудратлироқ ул.

Чунончи, яна дедики, «Ул киши озгина вақт ичида катта лашкарларни синдириб, Эрон, Турон, Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ



ва Мўғулистон султонларини мағлуб ва бўйсундириб, ўз ишини энди бу мамлакатларни фатҳ этишга қаратди.

Байт:

Яхшиси: у билан тотув бўлайлик,
Ҳамма бандаликни қабул қилайлик.

Олий назарларида таъсири муҳим аҳамиятга эга бўлган сай-йидлар, уламолар ва машойихларни шафоат тилаб, унинг олдига юборайлик ва муносиб тортиқлар юборайлик.

Байт:

Бу ҳйла иш берса, булут тез ўтар
Бошқа саҳроларга жаласин тўкар.

Шундай қилиб, бизнинг жонимиз ва молимиз омон қолади, раият иши яхши бўлади».

Кимки донишмандлик ва зукколикдан бенасиб қолмаган бўлса, Темуртошнинг савобга тўла бу сўзларини маъқул деб билди. Баъзи жоҳил арбоблар, масалан, Шадун ва бошқа араблар ул сўзни қабул қилишдан бош тортдилар ва охирида зиён келтирадиган сўзларни айтдилар:

Назм:

Темурнинг галаси кўқдан тушмаган,
Деву алвастига эгизак эмас.
Маҳкамликда эмас темир ёки тош,
Ўқу шамшир унга кела олар бас.

Ваҳима ва қўрқиш ҳисларига асло йўл бермаслик зарур, катта юрак ва улкан умид билан урушиш ва олишиш керак.

Шунақа жуда кўп гап-сўзлардан сўнг, шунга келишилдики, ихтиёр тизгинини бермаслик учун таянч ва мадад умидида қалъа девори орқасида захира турилади. Дарвоқе, агар шундай ҳолатда қатъий турилса, иш узоқ муддатга чўзилиши мумкин».

Ул томондан олийжаноб Соҳибқирон Айнтобдан икки манзилни шитоб билан ўтди ва шомликларнинг ўзини ўзи ҳимоя қилишидан хабар топгач, жаҳонгашта от жиловини тортиб, ҳар куни ярим фарсах йўл босди. Ҳар доим отдан тушганда, ҳумоюн ҳарбий ўрдугоҳи атрофида хандақ қазилар эди. Ҳалабийлар

моҳир подшоҳнинг нозик ҳийлаларидан хабари бўлмаганлиги боис, эҳтиёткорлик ва оҳисталикни заифлик ва қўрқоқлик аломати деб ўйладилар. Бинобарин, мард бўлиб жасорат билан шаҳардан саф бўлиб ташқарига чиқдилар.

Жангу жадал байроғини баланд кўтариб, 803 йил рабиул-аввалнинг тўққизинчиси пайшанба куни¹ жаҳонни забт этишни бошлаб, Ҳалаб ноҳияларига диққатини қаратди. Тадбир соҳиби подшоҳ эса икки кун урушни кечиктирди ва сипоҳларни тайёрлади. Баронғорни бошқаришни амирзода Мироншоҳ, амирзода Шохрух, Амир Сулаймоншоҳ ва бошқа зафарпаноҳ амирларга топширди. Жавонғорга Султон Маҳмудхон, Амир Жаҳоншоҳ ва бошқа мартабаси баланд нуёнлар ва олийшаънли амирларни тайин этди.

Марказий қисми ўз ҳумоюн қуёши нури билан зебу зийнат бағишлаб, Деҳлидан то шу ергача зафарли ҳарбий ўрдугоҳда бўлган тоғдек филларни қатор тизиб, лашкар сафлари олди-га юборди. Ул томондан Ҳалаб жангчилари ва араб диловарлари марказ ва икки қанотда ясаниб, кўнглида қўрқоқлик ва хавфдан безаниб, жасур Соҳибқирон рўпарасида сафларини тўғриладилар ва шавкатли ҳамда жасурлик юзини уруш майдони ва жанг саҳросига қаратдилар.

Назм:

Икки лашкар кирди жанг майдониغا,
Улар ташна бир-бирининг қонига.
Иккала томондан солдилар сурон,
Ҳамлалар шерлардай дадил беомон.

Биринчи бўлиб баронғор қисм сифатида амирзода Або Бакр, жавонғор қисм сифатида амирзода Султон Ҳусайн шомликларнинг маймана ва майсара қисмига ҳужум қилиб, улардан кўпининг ёруғ кунини зим-зиё шомга айлантириб юборди.

Марказий қисм баҳодирлари тоғдан тушган селдек филлар билан Шадун ва Темуртош устига ташландилар ҳамда ўтқир қилич ва учи ўтқир найза зарби билан бирваракайига ҳалабликларни олд қисмдан олиб ташладилар. Шадун ва Темур-

¹ Мелодий 1400 йил 28 октябрь.





тош ўз одамларининг бир гуруҳи билан дарвоза йўлидан шаҳар томонга қочди, қочганлардан бошқа бир гуруҳи Дамашққа қараб юз тутди. Ғалабакор лашкар баҳодирларидан бир гуруҳи уларнинг орқасидан қувиб, ҳаммасининг дармонини қуритди. Фақат битта отлиқ жонини омон сақлаб, Дамашққа етиб бориб, дамашқликларга уруш тафсилотини етказди. Араб лашкаридан Ҳалабга қочаётган бир жамоа ўша йўлда пайдо бўлган бир тўда одамлар сабабли тезлик билан йўл босиб ўтолмади. Жанговар турклар уларнинг орқасидан етиб бориб, интиқом қиличини тиқиб оларди. Ҳалабликлар эса жон аччиғида ўзларини хандаққа ташлардилар. Улар бошқа чорасини тополмай, ноилож бир-бирининг устига тушиб жон берди ва ниҳоят, хандақ тўлди.

Назм:

Араб ботирлари қону тупроққа,
Қоришиб ётарлар ерда чўзилиб.
Турклар қиличининг зарбидан барча,
Жигар-бағирлари кетди эзилиб.

Ўша кунни рабиулаввалнинг ўн биринчиси эди¹, Ҳалаб шаҳри фатҳ этилди. Шадун ва Темуртош қалъага қочди. Жасур аскарлар ниҳоятда мустаҳкам бўлган қалъани забт этишга киришдилар. Нақбчилар ишни бошлаб, икки-уч кун ичида унинг минорали деворларини ғалвирдек илма-тешик қилиб ташладилар.

Иш шунга яқинлашдики, фатҳ ва зафар сурати мурод ойнасида жилвагар бўла бошлади, Шадун ва Темуртош ожизлик ва кескин ўзгариш таъсирини ўз тақдирида кўра бошлади. Саййидлар, уламолар, аслзода ва аъёнлар билан энг нодир нарсалар ва табрикларни олиб қалъа деворидан ташқарига чиқдилар ҳамда фалак билан бўйлашган шоҳ саройига шошилиб, оппоқ ва забун юзларини ерга қўйдилар, шунингдек, қўлдаги нарсаларни, эҳтиёж ва қора кун учун йиғиб қўйганларини ерга қўйдилар. Хазиналар, эшиклар калити ва ерга кўмилган жавоҳирларни олий девон ноиблари қўлига бердилар.

¹ Мелодий 1400 йил 30 октябрь.





Шадун ва Темуртош эса минг киши билан қўлга тушди. У қалъанинг ниҳоятда катта ва кўп ўлжалари мулозимлар ўртасида эгаллаб турган мансабига қараб тақсим этилди.

Амалга ошиши қатъий бўлган фармон кучга кирди: қалъанинг кунгираларини қаҳр-ғазаб билан буржлар тепасидан ерга улоқтирдилар.

Саодатманд Соҳибқирон асирлардан бўлган Исан Буғо Давотдорни Малик Фараж олдига юборди: «Шадун ва Темуртош бу томонда асирдилар. Фараж, уларнинг қутулиш чораси Аталмишдир ва тезда уни юборсинлар, токи биз ҳам уларнинг асирларини батамом қўйиб юборайлик». Шундан сўнг Жаҳонгир Соҳибқирон қалъа ўғригини Ҳалабда қолдириб, Саййид Бадриддин Хазоргирий, Шоҳишоҳон Сейистоний ва Мусо Тўй Буғони ул қалъани муҳофаза қилишга тайинлади.

Ҳалабда ўн беш кун истиқомат қилгандан кейин Шомнинг бошқа вилоятларини фатҳ этиш учун юрди. Ҳама, Хўмс ва Баалбак қалъаларини сулҳ йўли билан қўлга киритиб, илтифот сояларини у ноҳия аҳолиси узра ёйиб, сўнг Шом пойтахти томон фатҳ ва зафар байроғини кўтариб кетди.

МАРДОНА СОҲИБҚИРОННИНГ ДАМАШҚ ВА ФАРАЖ ДАВЛАТИГА МАКР ВА ҲИЙЛА ТАРИҚИДА ЮРИШИ БАЁНИ ҲАМДА ЖАНГДАН СЎНГ МИСР ВА ШОМ СУЛТОНИНИНГ ҚОЧИШИ ЗИКРИ



Зафар нафас Соҳибқирон Баалбак ишларидан фориг бўлгандан кейин жумодилаввалнинг учинчиси якшанба куни¹ Дамашқ томон от сурди. Гап шундаки, уша пайтда Малик Фараж Дамашқ аҳолисининг илтимосига кўра ҳад-ҳудудсиз ва қурол-аслаҳаси тўкис сипоҳлар билан Дамашққа келиб, шаҳар қалъаси бурж ва деворларини таъмир қилишга киришган эдилар. Дамашқ атрофи жаҳонгашта тулпорнинг туёғи губоридан мушк ҳиди билан анқий бошлаган пайтда Миср подшоҳи бир кишини икки

¹ Мелодий 1400 йил 22 декабрь.



жоҳил фидойи билан фазодек кенг жаҳонгир олдига элчи сифатида жўнатди. Уларнинг ҳар бирига заҳарли ханжар бериб, уни этик қўнжига тиқиб қўйишини ва хабарни етказаётган маҳалда бирон хиёнатни ўйлаб топишларини тайинлади.

Бу ғаразли кишилар нусратнишон мавкабга келдилар, бир неча марта баланд мартабали Соҳибқиронни учратдилар, ҳумоюннинг маҳобатли мажлисида бирон иш қилишга журъат этмадилар. Уларнинг вужудида яширинган сир девон ишлари бўйича мутасаддиларидан донг чиқарган Хожа Масъуд Семноний¹ олдига зоҳир бўлиб, ул жоҳилларнинг этиги қўнжига тиқилган заҳарли ханжарларни олиб, бўлган воқеани Амир Темур Гурагонга айтиб берди.

Ул ҳазрат Шайх Зароқни² қатл этишга фармон берди ва ул икки жоҳилнинг эса қулоғи ва бурнини кесиб, Дамашққа қайтариб юборди. Шунда шаҳар ташқарисида Сайёр гумбаз номи билан машҳур бўлган тепа этагида ўзига жой қилди ва хандақ кавлашга ишора қилиб, лашкаргоҳ атрофини жар қазиб, мустаҳкамлади.

Ўша куни қоровул қисмлар ўртасида олишув ва жанг содир бўлиб, подшоҳ сипоҳи ўткир қилич зарби билан эрталаб Шом аҳлини ҳалок қилди. Ўша тоифанинг бир гуруҳини асир олиб, маҳбус этди...

Равшан чехрали ёғду кенг гумбазли ҳарбий ўрдугоҳдан Мағриб диёрига қараб йўл олди. Мирзо Султон Ҳусайн фисқ-фасод аҳлининг ифвоси билан ҳумоюн ўрдудан қочиб, Дамашқ шаҳрига борди.

Ўша кечасиёқ Амир Темур Гурагон унинг номақбул ҳаракатидан хабар топиб, эртасига Сайёр гумбаздан сайрга келди. Канъон тарафдаги кенг саҳрода тўхташни ихтиёр этди. Икки кундан кейин Бўрон Подшони Малик Фараж олдига элчиликка юбориб, хабар бердики, «Бизнинг олийҳимматимиз мақсад ва масалаларига эришишда энг яқин кишилар ва бегона кишилар вужудига жуда ҳам аниқ-равшандир, султонларнинг асл нияти

¹ Хожа Масъуд Семноний – Амир Темурнинг девонбошиши.

² Шайх Зароқ – Амир Темур ҳузурига унга қасд қилиш учун юборилган жосус.



эса қўшин тортишдан ва зарурий хавф-хатарларни бажаришдан раъият номуси ва номини ҳимоя қилишдир, бўлмаса яримта нон бир кунга етади. Бир неча марта чопар юбориб Аталмишни талаб қилдик, аммо унинг ҳеч фойдасини кўрмадик. Энди эса ҳамият қўли билан мажбуран таҳдидкор қиёматасар сипоҳнинг жиловини бу томонга бурдик, чунки иш мурсою мадорадан ўтди. Энди сизнинг аҳволингизда муносиби шуки, Аталмишни юборинг, низо ва жанжал бисоти кенг ёйилмаслиги учун хутба ва тангаларни ҳумоюн исми ва лақаби билан безанг ҳамда келишиш ва ярашиш қоидаларига замин ҳозирласангиз бу иш амалга ошади. Акс ҳолда Дамашқ аҳолисининг қони ва номи худди Шом мамлакатига ўхшаб, беҳуда талон-торож бўлиб кетади. Илоҳий қудрат билан фатҳ ва зафар эшиклари ҳумоюнасар юзига очилади».

Бўрон подшо Дамашққа кириб келгач, Малик Фараж ўз ўтмишига хилоф равишда уни иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром қилиб, аслзода ва аъёнлар жамоаси билан саодатли ошиёнига юборди.

«Биз аввалги қилмишимиздан афсусдамиз ва пушаймондамиз. Беш кун ичида Аталмишни илтифот билан жўнатамиз. Умид шуки, бизнинг хатомиз саҳифалари афв ва мурувват хати билан ўчирилса, мен бундан кейин хизматкорлик ва ихлос йўлида ўзимни кўрсатсам», деб хабар жўнатди.

Амир Темур Гурагон элчилар шарафига ифтихор ташрифлари уюштирди, кўнгилдагидек байрам қилиб, хушвақт ва шоду хуррамлик билан жўнатиб юборди.

Ғалаба шиорли қўшин у ерда ўн кун туриб қолганлиги тугайли ўт тугаб қолди, Футани¹ ҳумоюн ўрдугоҳига айлантириш учун у ердан кўчди.

Малик Фараж ва дамашқликлар зафарли мавкабнинг Дамашқдан кетиб бораётганини кўриб, Чигатой сипоҳи ниҳоят даражада заифлик ва қўрқоқликдан қочиб кетаётибди, деб ўйлади. Бинобарин, фурсатни ғанимат билиб улкан кўнгилчилар тўдаси ва лашкар билан шаҳардан оқиб чиқдилар ва музаффар сипоҳ орқасидан бориб, талон-торож ва босқин қилиш хаёли би-

¹ *Фута* – Дамашқнинг жануби-шарқдаги боғ-ўтлоқлардан иборат ободон ер.



лан ҳамда ғалаба ва истило қилиш андишасида ўқ ва камон, қилич ва найзани ишлатишга киришдилар. Амир Темур Гурагон шомликларнинг жасоратидан хабардор бўлиб билдики, уларнинг бахтиёр куни фалокат оқшомига яқинлашибди. У мажбуран мулойим от жиловини қайтишга ҳозирлади, нусратшиорли сипоҳнинг баронғор ва жавонғор қисмларини тартибга солиб, араблар урушига юзланди. Ўша куни шундай қирғин бўлдики, қонхўр Баҳром кўкиш чўққи устида унинг маҳобатидан титрар ва нурга бой қуёш эса юлдузлар шафағи етиб келиш хавфидан сарғайиб қўрқар эди.

Назм:

У қаттиқ урушдан шафқату раҳим,
Симурдай бекинди Кўҳи Қофда жим.
Найзалар санчилди кўкракни тешиб,
Қиличлар танларни қиймалар кесиб.
Халқнинг ҳаётидан асос бузилди,
Ажал дастгоҳида ўлим тўқилди.

Хуллас, эрталаб фатҳ ва ғалаба хушxabари искандарсавлат Соҳибқирон давлати томонидан эса бошлади. Шом сипоҳи олишувдан кўра қочишни афзал кўриб, улар ҳаётининг кунлари битди.

Ана шундай уруш асносида дамашқликлар майсараси рўпарасида Султон Ҳусайн Мирзо байроғи ҳилпирар, ўзи эса Мироншоҳ Мирзо ва Шохрух Мирзо қаршисида турган эди. Шохрух мавкаби мулозимлари жумласидан Тайлоқ Қавчин байроқни олиб, шаҳзода олдига олиб борди. Бу хабар гавҳар сифатли Соҳибқирон қулоғига етиб, уни ушлаш ва маҳбус этиш ҳақида ҳумоюн фармон берилди.

Бир неча кундан кейин эса Шохрух Мирзо уни ҳимоя қилиб чиқди. Уни ясоқ чўпи билан уриб, қўйиб юбордилар. Бу воқеа 803 йил жумомилавалнинг ўн тўққизинчиси сешанба куни¹ бўлиб ўтди.

Бундан кейин Малик Фараж урушни маъқул кўрмай, амирлар ва аркони давлати билан маслаҳатлашиб, оининг йигирма ик-

¹ Мелодий 1401 йил 5 январь.



кинчи жуманинг ярим кечасида¹ қочиш водийсига қадам қўйди, қочиш жиловини Миср томон қаратди. Амир Чақмоқ ундан қочиб, Шохрух Мирзо хизматига келди. У бўлган воқеани айтиб берди. Шаҳзода уни зафарёр Соҳибқирон олдига юборган эди, унинг ишораси самарасини берди.

Амирзода Або Бакр ва амирзода Жаҳоншоҳ ҳеч ким чиқа олмаслиги учун шаҳар атрофини ўраб олди.

Амир Шайх Нуриддин, Амир Шоҳ, Малик ва Севинчак Баҳодирлар эса Малик Фаражни таъқиб этиб, унинг мулозимларининг кўпини пиёда этдилар ёки ерга қулатиб ҳалок қилдилар ва катта ўлжа олиб қайтдилар. Бошқа куни улуғ мартабали Соҳибқирон зафарёр лашкар билан Дамашқ яқинига бориб, Малик Зоҳир² асос солган Аблақ қасрини ҳумоюн яшайдиган масканга айлантирди. Шаҳзодалар ва нўёнлар ҳам Зоҳир асос солган иморатга келиб тушдилар.

Саййидлар, қозилар, уламолар, машойихлар ва тақводор руҳонийлар дарвозани очиб, итоаткорлик ва бўйин эгишни эътироф этиш учун олампаноҳ даргоҳига шошилдилар. Тортиқлар улашиб, омонлик моллари топширдилар.

Амир Шайх Нуриддин, Амир Шоҳ, Малик, Амир Аллоҳдод, Хожа Масъуд Семноний ва Амир Жалол ал-Исломллар шаҳарга келиб, қутқарилган ва забт этилган мол-мулкни қайд қилишга киришдилар.

Жума куни эса Масжиди жоме (Бани Умаййа)да хутбани ҳумоюн номи ва лақабини зикр этиб ўқидилар, аммо кутволи Диздор Дамашқ аркини беркитиб олиб, амалга ошириб бўлмайдиган фикрларга бориб, бу мустаҳкам қалъанинг орқасини очиқ қолдирди. Жасур диловар аскарлар аниқ кўрсатмалар асосида қалъани забт этишни бошладилар, нақбчилар³ эса ўз ишларига киришдилар. Озгина вақт ичида у қалъа буржлари ичини кавак қилиб, остларига устунлар қўйиб, уларни ёқиб юбордилар. Олов алангаси хусравона газабга таъ-

¹ Мелодий 1401 йил 8 январь.

² Малик Зоҳир — мамлук султони Барқуқнинг айнан ўзи.

³ Нақбчи — қалъаларни йиқитишда остига хандақ қазувчилар.



сир кўрсатиб, қалъанинг баъзи тўсиқ деворлари қулаб туша бошлади. Диздор қаршилиқ кўрсатишдан ожиз қолиб, заифлик ва ноиложликдан ташқарига чиқди ва битмас-туганмас хазиналар ва захираларни фазилатли Соҳибқиронга жўнатди. Аммо унинг ажали тақдирида белгилаб қўйилгани учун, унинг бу итоати фойда бермади, бажарилиши шарт бўлган фармон таъсир этиб қатл этилди.

Бу қалъа жангчиларининг ҳаммаси сотиб олинган қуллар бўлгани сабабли шаҳзодалар ва нўёнлар ўртасида тақсим қилинди. У ернинг бошқа жойдан келтирилган жангчи аскарлари асир олиниб, Мавлоно Сулаймон ва Мавлоно Жамолиддин табибни баъзи бир косиб ва ҳунармандлар билан ҳукмга биноан Самарқандга кўчирдилар. Шундай қилиб, расо ва гўзал фатҳномаларни ёзиб Турон ва Эрон мамлакатлари теварак-атрофига жўнатдилар.

БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК БАЛОСИДА ДАМАШҚЛИКЛАРНИНГ БЕТОБЛИГИ ҲАМДА ЗАФАРЁР ЛАШКАРНИНГ УЛ ВИЛОЯТДАН ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Ҳа пайтда Дамашқ ноҳияси олий мартабали Соҳибқирон шахси шуъласи билан безанган эди. Бир куни саййидлар ва уламо-лар ҳузурида ҳумоюн сўзладики, «Доимо эшитардик, бир замонлар Абу Суфиён ва Марвонийлар авлодлари ҳазрат давлатпаноҳ Муртазо Али ал-Мустафовийга адоват қилган эканлар. Уларга муяссар бўлган нарса шуки, уруш ва қирғиндан ул тоифа одамлар ҳақида таъзим вожиблигини тақдим этишган. Шомликлар эса улар билан номуносиб феъл-атвор ва мақтовга арзимайдиган амалларида мувофиқ бўлганлар, хорижийларни¹ ўринбосар ва

¹ Хорижийлар – 660 йили Сиффин жангида халифа Муъовия билан бўлган жангда ғалабага эришаётганига қарамай, сусткашликка йўл қўйиб, мағлубиятга учраганида ундан норози бўлиб, унинг ўрдусини ташлаб чиққан аскарлар.



ҳомий қилганлар, ақл бу ҳолатни гоёта йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса деб ҳисоблайди. Бу тоифа ўзини пайғамбарнинг энг дилбар уммати деб ҳисоблайди, ул ҳазратнинг ҳидояти ва улкан нурлари бахтига кофирлик саҳросидан нажот топиб, маърифат бошбулоғига етишган бўлсалар керак. Нега энди Байтуллоҳ аҳли уни бузиб шарҳлайди ва уларнинг муҳолифлари билан дўстлашиб, ситам ва бедодликни унинг авлод-аждодига раво кўради, бу исботланган эмас, изоҳланган дин қонуни ва энди бизнинг назаримизда таҳқиқ этилганки, бу воқеа бўлган, акс ҳолда девондан уларга жазо берилмас эди. Бу можаро аниқ бир нарса вужуддан келиб чиққан ва улуғлар ҳам кичиклар хотирига ўрнашиб қолган.

803 йил шаъбоннинг биринчиси чаҳоршанба кунида¹ оташ балоси кўтарилди ва Дамашқнинг барча эркагу аёли, каттасию кичиги қудратли тақдир, от-туяларигача қиёматасар тақдир панжасининг асири бўлди. Ул ўлжанинг кўплиги шу даражага етдики, ўрду чорвалари шунчалик кўплигига қарамай кўзичоғига вафо қилмади. Халқнинг кўпчилиги нафис газламалар, аввал олган мисрий, рум ва кипр кийим-кечакларини ташларди. Нақд пуллар, тилло ва кумушдан қилинган нарсаларни қайтариб олдилар.

Дарҳақиқат, бу диёрда илоҳий ғазаб оташи аланга олганлиги боис, иккинчи шаъбон пайшанба куни² бировнинг қасди ва ихтиёрисиз шаҳарда олов ёнди. Бинобарин, халқ ниҳоят даражада саросимада бўлганлигидан унинг ёнаётганлигига парво ҳам қилмади. У ернинг иморатлари, томи одатда ёғочдан бўлади, шунинг учун ул мавзенинг кўпи ёнмоқда эди, унинг таъсири Бани Умайя масжидига ҳам етиб бориб, унинг шарқий минорасининг сағана, мақбараси ёғочдан қурилганлиги учун ёниб кул бўлди. Дамашқ аҳволи шу даражага бориб етганлигидан кейин Амир Темур Гурагон шомлик асирларни озод этишга фармон берди.

Илон йилига мувофиқ шаъбоннинг тўртинчиси шанба куни³ қайтишга киришилди ва Ғутада бироз тўхтади. Соҳибқирон

¹ Мелодий 1401 йил 17 март.

² Мелодий 1401 йил 18 март.

³ 803 йил тўртинчи шаъбон — 1441 йил 20 март.





ишораси билан салтанат муншийлари Мўғулистон чегарасида турган амирзода Муҳаммад Султонга мактуб ёздилар. Мазмуни шундан иборатки, Худодод Ҳусайний ва Бердибек Сари Буғони ул чегара муҳофазаси учун қолдириб, ўзи олампаҳоқ даргоҳига қайтсин, чунки Ҳалокухон мамлакати вилояти унга номзод қилинган. Дона Хожага уни олиб боришга буйруқ берилди.

Ҳумоюн мавкаби у ердан қўзғалиб, йўл асносида шаҳзодалар ва амирлар туркларнинг Фирот дарёси соҳилидаги зулқадр қабиласининг қора молига ҳамла қилиб, от, туя ва қўйларидан ниҳоятда кўп ўлжа олдилар.

У ернинг аҳолиси муҳолифлик, ёвлашишни изҳор этди, лашкар аҳди эса бир ҳамла билан ул ноҳияни олдилар, аҳолисини асир қилиб, уларнинг хонумонларини босқин ва торож супургиси билан супуриб ташладилар.

Қўшин Фирот дарёсидан ўтгандан сўнг, Бира қалъаси устига юрди, у ернинг ҳокими пешкашлар билан жамшидсифат Хусрав даргоҳига келди ва подшоҳона иноятга эришди. Ул шаҳарнинг ҳукумати унга тааллуқли бўлиб, унинг раиятига зарар етмади.


Шундан сўнг жаҳонгир Соҳибқирон кўтаринки руҳда ов билан шуғулланди, амирлар ва ҳарбий жангчилар ҳам беш кун ҳайвонларни ўраб олиб, тутиш билан машғул бўлдилар.

Раъсул-айн сарчашмасида ов қилиш охирига етди. У ерда ҳайвонот тоифасидан шунчалар ов қилинадиган жониворлар тўпландики, ҳар ким истаган жониворини қўлга олиб, қилич билан бошини олса бўларди. У ердан ҳумоюн мавкаби Руҳога бориб, ул ноҳия ҳавосининг нурли ёғдуларидан баҳраманд бўлиб, руҳини кўтарди.


Мардин ҳокими Султон Исо аҳду паймониға хилоф равишда Шом сафаридан сўнг жаҳонгир Соҳибқироннинг мулозиматиға келмаганлиги ва, ҳатто, ўз ака-укалари ва фарзандларидан ҳеч қайсисини жўнатмаганлиги туфайли, Амир Темур Гурагон яна бир марта уни жазолашга қарор қилиб, Мардин томон юрди ва етиб келгандан сўнг, шаҳар ташқарисидаги иморатларни ёндириб, вайрон эттириб, Амир Қора Усмонга у қалъани қамал қилиб туришни буюрди. Сўнг ўзи Насибин томон саф билан кетди.



Ул мавзенинг аҳолиси қалъа калитини келтириб, унинг хусра-
вона иноятига эришди. Шу аҳвол жараёнида Аланчу қалъаси
фатҳ этилди. Хусрав жаҳонгир ул қалъа аҳолисидан эшитган
эдики, Аланчу қалъаси Эрон, Турон, Ироқи Араб, Ироқи Ажам,
Форс ва Озарбайжондаги қалъаларнинг энг мустаҳкамидир. Уни
жанг ва тадбир билан олиш асло муяссар бўлмайди. Биноба-
рин, жаҳонгир Соҳибқирон ўн йилдан буён доимо сараланган
жангчиларни бу қалъада яшовчи аҳолининг бардошини синаб,
фатҳ этишга муяссар бўлиши учун қамал қилишга жўнатарди.
Амирлар навбат билан уни ўраб олиб тазйиқ қилишга уринарди.
У пайтда қудратли мавкаб Сивосга бораётган эди, амирлардан
амирзода Мироншоҳ, Шайх Муҳаммад Доруға ва аркони дав-
латдан амирзода Шоҳрух, Амир Ферузшоҳ қалъа ташқарисида
ўтириб, муҳим ишга киришдилар. Қалъани ўраб олувчилар иши
бир жойга етганда қамалдагилар эски чарм ва ҳайвонлар те-
рисини қайнатиб, охирги нафас учун ердилар. Охири уни ҳам
топа олмасдилар. Бинобарин, у қалъада қолган озгина кишилар
ҳам ноилож қалъадан чиқиб келдилар. Амирлар Аланчу кутво-
ли Саййид Аҳмад Алишоҳни банд этиб, олампаноҳ даргоҳига
жўнатдилар. Бир неча кундан кейин душман куйдирувчи
Соҳибқирон уни қатл этишга буйруқ берди. Ул қалъа кутволи
қилиб Малик Муҳаммад Авбаҳийни тайин этди.



ДОРИССАЛОМ ФАТҲИ ВА МАНСАБДОР ОДАМЛАРНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ



Зафарёр Соҳибқирон Мардиндан кўчгандан кейин, Султон
Маҳмудхон, амирзода Рустам, Амир Сулаймоншоҳ, Амир Муз-
роб Жоку, Рустам Тоғай Буғо, Севинчак Баҳодир ва Тўкал Бар-
лосларни шижоатли амирлар билан Бағдодни фатҳ этиш учун
йўлга чиқишларига ҳукм қилди. Ул шижоатли амирлар буйруққа
биноан амал қилиб, пойтахтнинг қибла томонига келиб туш-
дилар ва қамал қилишга киришдилар. Жалойир қавмидан Фа-
рах исмли киши ул мамлакат ҳукуматининг мутасаддиси эди,





у арабларнинг бетайин, бевурд кишилари ва туркларни йиғиб, собитқадам жасур сипоҳни қайтариш ва ушлаб туришга киришди ҳамда дарвозаларни беркитиб, узр сўрагандай шундай деди: «Султон Аҳмад мен билан келишганки, агар бу ерга Амир Темур Гурагоннинг ўзи келса шаҳарни топшир, акс ҳолда пойтахт эшикларини ҳеч кимга очма».

Амирлар Фарахнинг сўзларини олий мартабали Соҳибқиронга етказиш учун чопар жўнатди ва у Мосулдан олий ўрдуга етиб келди ва Фарахдан эшитганларини айтиб берди.

Шубҳасиз, порлоқ юлдуз подшоҳ Бағдод сари юришга азму қарор қилиб, Дажла устига кемалардан сол қуришга амр этди. Бир ҳафта ичида шукуҳли ўрдунинг барчаси сувдан ўтди. Бу олтуни кўприк йўлидан пойтахт томон саф тортиб Ал-Аъқаб қишлоғи рўпарасида ҳумо қуши соябон бўлиб ва боргоҳ қуббаси товус ошиёни бўлмиш афсонавий дарахтдан ўтганда заррин қанотли лочин саратон буржи узра офтоби соясини солган пайт эди. Ҳаво ҳароратининг ниҳоятда баландлигидан Дажла суви худди қумдек қизиб кетди. Ҳумоюн мавқаб жангчилари шаҳарнинг теваарак-атрофини ўраб олди ва олишув бошланди. Махсус кийимдаги нақибчилар дарҳол ўз ишларига киришдилар.

Уруш олови ҳамда қамалнинг шиддатли ва тезкор алангаси жиддий тус олаётган пайтда қаттол икки ўқ тақдирга кўра мақсадга урилди. Бири Хожа Имомиддин Масъуд Семнонийнинг жон жойига тегди, иккинчиси Хўжанинг отини ағдарди. Ўша пайтда шафқатсиз Фарах бадбахт жоҳиллар билан ширин жонидан қўл ювиб фидойиларча ҳаракат қилар ва имкони борича қўшинга қаршилик қилишга ва қирғин урушишга саъй-ҳаракат қиларди.

Фарах эса Амир Темур Гурагоннинг ўзи Бағдод яқинига келгани ёки йўқлигини аниқ билмаганлиги сабабли ул ҳазратни танийдиган бир кишини элчи сифатида билиб келиш учун жўнатди. Ул чопар олампаноҳ даргоҳига кириб, ҳеч бир воситасиз Фарахнинг гапларини унга баён этиб, меҳр-муҳаббатга сазовор бўлди ва қайтди. У барча кўрган ва эшитганларини Фарахга сўзлаб берди. Фарах эса қайсарлик билан жосусни ёлғончиликда муттаҳам қилиб, қаршилик қилиш ва даъволашишда собитқадам





бўлиб турди. Қамал қирқ кунга чўзилгач, шаҳарда қаҳатчилик ва қимматчилик балоси тарқалиб кетди. Халқ Фарахдангина эмас, балки очлик шиддатидан ўзини қалъа девори ва буржларидан пастга ташларди ва ҳумоюн мавкабга қўшилиб, очарчилик шиддатидан кейин хурсандчиликка етишарди.

Зулқаъданинг йигирма еттинчиси якшанба куни¹, туш вақти бағдодликлар қуёш ҳароратида туришга тоб бераолмай, минорали деворни бўш қолдирган эдилар ва ўзларини ёғочнинг бир учига мослаб, ўз жойига осиб қўйган эдилар. Шунда галаба-кор сипоҳ бирданига шаҳарга бостириб кириб, нарвонларни деворларга суяб қўйдилар, арқонни эса девор кунгураларига маҳкамлаб, худди чигирткалардай ҳужум қилдилар. Ҳаммадан олдин Шайх Нуриддин юқорига кўтарилиб, нусрат оят байроқни баландликка тикди. Унинг орқасидан бошқа амирлар ва баҳодирлар буржнинг устки қисмига чиқиб ноғора, нафир², сурнай ва карнай ноласи ва овозидан замин жойидан худди осмондек қўзғалиб кўтарилиб кетгандай бўлди. Жангчилар деворларни тешиб, Бағдоднинг теварак-атрофидан оқиб кела бошлади. Шундай тўпалон бўлдики, бағдодликларнинг кўзига маҳшар даҳшати кўринди. Ҳар тарафдан одамлар қочишни мўлжаллар эдилар, бироқ халос ва нажот йўли берк эди, чунки зафарёр лашкарлар чиқиш ва кириш йўлларини бутунлай беркитиб, ёпиб қўйган эдилар. Халқнинг бақириқ-чақириқлари осмонга шундай кўтарилардики, ҳатто хоксор отлар ҳам оташбор қилич шуълаларидан қўрқиб ўзини сувга ташларди.

Фарах шундай шиддатли пайтда ўз қизи билан кемада ўтириб сувнинг юқори қисмига қараб қочди. Нусратпаноҳ сипоҳ сув бўйига бориб, оташбор найза учи билан унинг ҳаётини қуритиш учун сиқиб борди ва у ўзини ваҳимада Дажла дарёсига ташлади ва унинг ҳаёт шуъласи ўчди...

Саййид, уламо, фузало, солиҳлар ва ҳар ким бирор даргоҳга бориб, пана жой топган бўлса саломат қолди ва подшоҳона

¹ Мелодий 1401 йил 9 июль.

² Карнайнинг бир тури.



мурувват билан ул жамоатнинг бошини силаб ва кўнглини кўтариб иноят қилди. Пойтахт аҳолиси иши тамомила бир ёқлама бўлгунча, йиқитилган иморатлар ва масканлар теп-текис қилинди, фақат ҳукмдан мустасно бўлган масжидлар, мадрасалар ва хонақоҳларнигина бузишга ҳеч ким уринмади. Хуллас, муҳолиф шамол эсди, аммо таслим бўлишдан бошқа чораси йўқ эди.

АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ БАҒДОДАН ОЗАРБАЙЖОНГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР ВА НҲЁНЛАР АҲВОЛИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

...Истикболга чиқиб кутиб олган Табризнинг улуғ саййидлари, ҳурматли уламолари, аслзода ва аъёнлари мулоқот шарафига эришдилар. Дўстларни ҳурмат қилувчи Соҳибқирон ул таъзим этиш вожиб бўлган тоифага нисбатан жуда иззат-ҳурматни ўрнига қўйди. Ҳар куни салтанат тахти пойида катта йиғилишлар ташкил этдилар ва у йиғилишларда диний масалалар таҳқиқотлари ва эътиқод асосларини ҳар томонлама текшириш ҳақида сўз юритиларди.

У ердан тўппа-тўғри Учонга¹ бориб, Ғазонхон даврида қурилган кўшк ғайратли Соҳибқироннинг у ерда тўхташи муносабати билан самовий буржлар ҳам порлаб, ярқираб кетди, чунки у ерда бир неча кунни ана шу ҳолатда айшу маишат ва шоду хуррамлик билан ўтказди. Шоду хуррам ва димоғи чоғ бўлиб Табризга келди ва унинг давлат қасрида жойлашди.

Ўша кезлари Хожа Шарафиддин Али Семноний Ҳиротдан, Хожа Сайфуддин Туний Сабзавордан фалақдек қудратли даргоҳга етиб келишди. Хожа Имомиддин Масъуд Семноний Бағдодда шаҳид бўлганлиги боис бу икки хожа вазирликда юқори мансабга мушарраф бўлдилар.

¹ Учон — Табриз билан Туркманчой оралигидаги шаҳарча.



Адибларнинг бир гуруҳи, чунончи, уларнинг одатларидирки, янги вазирларни янги шеърлар билан, Амир Жалол ал-Ислом ва бошқа вазирларни оғзаки мақтовлар билан шод этди.

Жалол ал-Ислом, Хожа Маҳмуд Шаҳоб ва Хожа Исмоил Хофий рўйхатга тушиб ҳибсга олинди, уларнинг ҳар бири бўйнига катта маблағ қўйилди. Солиқ йиғувчилар Жалол ал-Исломни шу қадар азоб-уқубат ва қийноқларга солдики, у чидай олмай ўзига пичоқ урди, аммо ул захм унчалик зарарли бўлмаганлиги учун жарроҳлар унинг ярасини тикдилар, унинг яраси битиб кетди. Амир Темур Гурагон буюрдиларки, у тожик лашкарининг сардори эди, энди молия ишларига аралашмасин.

Хожа Маҳмуд Шаҳоб ишлари ўртача қийматга эга икки юз бош отни нақд топширгандан сўнг жойига тушиб кетди.

Хожа Исмоил Хофий эса ном ва номус дафтарини разолат суви билан ювиб, ҳар куни давлатхона эшиги олдида ўтирар, ўтган-кетган халқдан бир нималар сўрар, дўсту душмандан олган нарсалари эса солиқ йиғувчилар харжидан ошмасди. Шу аснода жаҳонгир Соҳибқирон Табриздан Нахичеванга юрди ва Қора Тўба манзилида Хожа Исмоилни қатл этди.

ЗАФАРЁР ҚЎШИННИНГ НАХИЧЕВАНДАН ЧИҚИШИ, ҚОРАБОҒДА ҚИШЛАШИ, СУЛТОН АҲМАДНИНГ БАҒДОДГА КЕЛИШИ ВА АЛАМ БИЛАН ҚОЧИШИ ЗИКРИ

Амир Темур Гурагон бир ой Нахичеван ҳудудида муваффақият ва бахтли-саодатли вақт ўтказди. Гуржистон томондан Малик Гургеннинг биродари жуда катта ҳадя ва тортиқлар билан олампаноҳ даргоҳига келди. Қорабоғда қишлашга қарор қилиб, Ганжа ва Бардача йўлидан йўлга тушди.

804 йил рабиулохир ойининг йигирма иккинчисида¹ жаҳонгирнинг қўшини ул диёрга етиб келиб, хусрав чодирининг

¹ 804 йил йигирма иккинчи рабиулохир – 1401 йил 29 ноябрь.



қуббаси қудратли гуруҳ ва бахтиёр шаҳзодаларнинг қувончидан осмону фалакка кўтарилди.

Шу аснода бажарилиши шарт бўлган фармонга биноан Мўғулистон чегарасидан Амир Ҳожи Сайфуддин ҳамроҳлигида иқбол ошиён остонага келаётган амирзода Муҳаммад Султон Нишопурга етганда, ул жаноб давлат устунни жонини ажал қўлига топшириб, ҳурматга лойиқ шаҳзода уни кафанга ўраб мақсад сари келаётгани, ҳозир Ардабилдан ўтганлиги ҳақида хабар келди.

Ҳамидасифат Соҳибқирон Амир Сайфуддин вафотидан афсусланиб, Муҳаммад Султон Мирзо келганидан шодмон бўлиб, шаҳзодалар ва нўёнларни давлат ва иқболнинг порлоқ юлдузини кутуб олиш учун жўнатди, улар буйруққа амал қилган ҳолда ҳаракат қилиб, Оқ Қўйлиқ дарёси соҳилида учрашиш шарафига муяссар бўлишди. Икки томондан ўзаро бир-бирига ҳадялар ва тортиқлар нисор этдилар ҳамда биргалашиб халифлик тахти томон жўнадилар.

Муҳаммад Султон Мирзо бузруквор бобоси дийдорини кўришдан боши осмонга етган пайтда тиз чўкиб, муносиб табриклар ва асл тансиқ нарсаларни унинг олдига қўйди. Дарёдек кенг Соҳибқирон салтанатнинг кўз қорачиғини меҳрибонона қучоғига тортиб, бир неча кун маишат ва хушчақчақ яшаб, Муҳаммад Султон Мирзо ҳақида меҳрибонлик кўрсатиб ва инъомлар тақдим этишга ишора қилди. Жумладан, ҳаммаси заррин эгарлар билан безатилган тўққиз оқ от унга бахшида этди.

Шундан сўнг ов қилишга қарор қилинди, шу пайтда оху ва тоғ эчкисини отган пайтда, унинг муборак назари хароб қолга келиб қолган наҳрга¹ тушди. Наҳр бахтиёр шаҳриёрлардан ёдгор қолган тарихий обида эди. Шунинг учун унинг хотирига бир фикр келди: биз ўтиб кетган подшоҳлар тарихий ёдгорликларини томоша қилаётибмиз, демак, биздан кейин ҳам султонлар бизнинг хайрли ишларимизни кўриши керак. Шундай қилиб, Аракс дарёсидан бир наҳр қазिशга фармон берди. Тавочилар ерни амирларга бўлиб бердилар. Бир ой ичида анҳор қазилди,

¹ Наҳрнинг қўплиги анҳор бўлиб, бугунги кунда маъноси каналга тўғри келади.



унинг узунлиги ўн фарсах эди. Уни Наҳри Барлос деб атадилар. Бу анҳорнинг суви билан қанчадан-қанча қишлоқлар, қасабалар ва боғлар бунёд этилди.

Ўша қишда Амир Темурга Султон Аҳмад Жалойир яна бир марта жаҳонни бошқаришни хаёлига келтириб, Румдан Бағдодга келди ва у минтақада қишлоқ хўжалик ҳамда иморат қуришга ҳиммат кўрсатди, деган хабар келди. Шунинг учун жаҳонгир Соҳибқирон шаҳзода ва нўёнлардан тузилган тўрт гуруҳдан иборат қўшинни араб диёрига номзод қилди ва ҳар бир гуруҳ йўлга жиддий эътибор беришини ҳамда Султон Аҳмаднинг умидини ул вилоятдан батамом узишини қатъий тайинлади.

Буйруққа кўра амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх, Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳон Малик ва Пир Али Тозлар Луристон ва Ҳузистон йўли орқали мақсадга қараб юрдилар.

Амирзода Або Бакр ва Амир Жаҳоншоҳ Бағдод томонга равона бўлдилар. Амирзода Халил Султон ва амирзода Султон Ҳусайн Ироқи Араб вилоятининг баъзи бир жойларига юз бурдилар. Амир Бурундук ибн Жаҳоншоҳ жасур амирлардан бир гуруҳи билан Жазирани босқин қилишга бел боғлади, аммо амирзода Або Бакр ва Амир Жаҳоншоҳ кутилмаганда Бағдодга етиб бориб, Султон Аҳмадни шундай саросимага солдики, у ҳатто кийим кийишга ҳам мажол тополмади. У кўйлак остидан киядиган кампалини кемага чиққандан кейин кийди. У ўз ўғли Султон Тоҳир билан биргаликда сувнинг нариги томонида учқур отларига миниб Ҳилла томонга қочди. Амир Жаҳоншоҳ уларни таъқиб этиб борди. Султон Аҳмад эса солларни узиб ташлади. Ҳамид ва Малик Жазира томонга қараб чиқиб кетди. Амир Жаҳоншоҳ эса жиловни тортди. Бошқа шаҳзодалар ва амирлар қаерга борсалар ҳам, муҳолифлардан кимни кўрса ҳам таладилар. Саркаш ва итоат этмайдиганларини эса шафқатсиз равишда қиличдан ўтказдилар. Улар ўша қишни Ироқи Арабда охирига етказиб, баҳорнинг бошида Бағдоддан ўн икки фарсах наридаги Хос кўприқда бир-бири билан учрашдилар ва ҳумоюн ўрду томон юрдилар.





ЙИЛДИРИМ БОЯЗИД ЖАСОРАТИНИНГ ҚИСҚА ЗИКРИ ВА УНИНГ ИЛОҲИЙ ПОДШО ОЛДИГА ЭЛЧИ ЖЎНАТГАНИ БАЁНИ



Амир Темур Гурагон Шом мамлакатини фатҳ этиш учун зарур чораларни кўраётган пайтда Рум қайсари Йилдирим Боязид эса Султон Аҳмад Жалойир ва Амир Қора Юсуф қутқусига учиб Арзинжонга лашкар тортиб, ул ноҳияни фатҳ этган эди. Султон Аҳмаднинг илтимосига кўра, Тахуртан гуноҳидан ўтиб, Арзинжон ҳукуматини яна унга қайтариб берган эди, аммо унинг хотини ва фарзандини гаров расмига кўра ўзи билан олиб кетди. Ўша пайтда Амир Темур Гурагон Табриздан Нахичеванга саф тортиб кетаётган эди. Амир Тахуртан мулозиматга шошилиб, воқеани баён этиб, кўринишдан қайсар бу безбетликдан афсусланиб, пушаймон бўлиб, энди элчи юбориб тавба-тазарру қилиш нияти борга ўхшайди, деди. Шунга қарамай, хусравона ҳамият Рум томон юришга сабаб бўлди. Йиғинларда гоҳида ичидаги фикрларни изҳор қилиш билан илҳомланиб баён этади. Ул ҳазратнинг ўша томонга жўнаш тўғрисидаги қатъий қарори ҳақидаги хабар, ул чегара ва мамлакатда тарқалиб кетгач, баъзи хайрихоҳ насиҳат берувчилар рози бўлиб, Боязидни сулҳ ҳақидаги найрангларга қизиқтирди. Бинобарин, қайсар ул вилоят қозиларидан бирини амир билан жиддий масала учун жўнатди. Улар Аррон Қорабоғида жаҳонгир Соҳибқирон оstonасига етишиб, шу мазмундаги Йилдирим Боязиднинг итоат этиш йўлидаги ҳаракатини назарга олиш кераклиги ҳақидаги мактубни етказишди. Ул ҳазрат айтдиларки, «Румликлар ҳамиша фаранг кофирлари билан жанг қилмоқдалар. Мен ул томонга боришни асло истамайман, чунки ғалабаёр аскарларнинг у томонга боришидан ислом диёри вайрон ва бу воқеа кофир ва зулмат асҳобларининг бировларнинг бахтсизлигидан хурсанд бўлишига сабаб бўлишини истамайман. Афсуски, Қора Юсуф мусулмонлар аҳволини чигаллаштириб, ғалабаёр сипоҳ қилчи зарбидан қочиб қайсарга илтижо қилди. Уни ўлдириш маъқулдир ёки ки-





шанлаб бу томонга юбориш керак ёки бўлмаса икки орада бегоналик пайдо бўлмаслиги учун ўз мамлакатидан ҳайдаб чиқариш зарур».

Элчилар бу сўзларни ғазовот пайтида бизнинг ёрдамимиз Рум мужоҳидлари аҳволи қиёфаси узра порласин деб қабул қилиш учун офиз очган эдилар.

Жаҳонгир Соҳибқирон овга боришга қарор қилиб отга минди. Бу ишлардан бўшагач, уларга хилъат, қалпоқ ва камар совға қилиб қайтишга рухсат берди ва айтди: «Мен ҳамманинг олдида айтаман, бу қишда ҳам шу ерда қишлайман ва баҳорнинг бошида Рум ҳудудига бораман. Агар биз айтган нарсаларни қайсар ўринлатса яхши, акс ҳолда...»

Байт:

Қани кўрайлик-чи: бу юксак фалак
Сиртмоғи қай эрни қилар жонсарак?

Юқори мартабали Соҳибқирон Боязид элчиларига бир кишини ҳамроҳ қилиб жўнатди, токи Йилдирим Боязидга етказсин: «Агар иттифоқдошлик ҳақидаги хаёлинг самимий бўлса Қора Юсуф ишларини биз айтгандек ҳал қил ва ўзингнинг хос одамларингдан бирини аҳду паймон қоидаларини тасдиқлаш учун бу ерга юбор, токи муҳолифликнинг хатарли учқуни минтақа аҳволи саҳифаси узра аланга олмасин».



ОЛИЙГАВҲАР СОҲИБҚИРОННИНГ ҚАЙСАР МАМЛАКАТЛАРИ ТОМОН ЮРИШИ БАЁНИ



Жаҳонгир Соҳибқирон аҳволи турли машаққатли сафарлар ва қарши туришларни такрорлаш, зафарёр қўшинлар дуч келаётган бир неча йилдан буён бўлаётган кетма-кет ва доимий урушларга қарамай, жанговар тайёргарлигининг зиёдлиги ва Йилдирим Боязид қўшинининг кўплиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Сафдаги амирларнинг талабига хилоф равишда илоҳий кўмакка ишониб, Рум мамлакатига юрди. Чунончи, унинг таф-





силоти маълум ва равшандир. Ул диёрда қудратли байроқни тикди ва қайсарни мағлуб этиб, асирга олди. Бунинг таъбири ва аҳволини тушунтириш шулки, чунки 804 йилнинг қиши охирига¹ етаётган пайт эди, музлаш табиат оламида йўқолиб, баҳор султонининг қудратли амалий таъсири кўринарди.

Шунда жаҳонгир Соҳибқироннинг хаёлидан Рум томонга юриш ўтди ва баъзи йиғинларда қисқагина бу ҳақда изҳор этди, катта амирлар эса ботинда бу юришга қарши бўлишди. Улар бир-бирига ўзаро айтдиларки, «Рум мамлакатининг ҳудуди ниҳоятда кенгдир, Йилдирим Боязид эса қўшинлари билан осонгина жангга киришади ва урушади. Биз бўлсак уч йилдирки, юриш қиламиз, қирғин уруш майдонига қадам қўйиб душман ўлдирамиз, шунинг учун яхшиси буни айтиб ҳазрат Соҳибқиронни бу мақсадидан қайтарайлик».

Шунда зукколик ва гапга чечанлик бобида Соҳибқирон мажлисида қатнашадиган Шамсуддин Олмалиғий билан бирга шунга келишилдики, бунга сўз тегиши имкони туғилиши билан «амирлар Румга юриш борасида мулоҳазалар билдиришди ва мунажжимлар ҳам бу юришни макруҳ деб ҳисоблашмоқда» деб арз этсинлар.

Шамсуддин бу гапларни улуғ саркардага айтган пайтда яхши хислатлар соҳиби Соҳибқирон ундан сўради: «Сен нужум аҳли сўзини қаердан оляпсан?» Шамсуддин жавоб беришдан ожиз қолди.

Амир Жалол ал-Ислом журъат қилиб, дарҳол тиз чўкиб арз этдики, «Биз бу юришни амирлар хоҳишига хилоф равишда ва Аллоҳ асҳобларининг маъқуллаши натижасида ихтиёр этдик. Аллоҳ инояти ва подшоҳлик давлатининг қуввати билан умид қиламизки, Румни фатҳ этиш бизга муяссар бўлиб, қайсар эса асир ва қўлга тушади.

Донишманд Соҳибқирон ҳадик ва хавфсирашнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун шу заҳоти давр ҳакимларининг фозил раҳбари Мавлоно Шаҳобиддин Абдулла Лисонни талаб

¹ 804 йил қиши охири – 1402 йил феввали охири.





қилди ва ундан жиддий равишда юлдузлар жойлашиши вазияти тақозосига биноан тушунтириб беришини талаб қилди.

Жаноб Мавлавий жавоб берди: «Мен бу йилги тақвимни туздим ва эҳтиёт шароитларига амал қилинса кундан-кунга улғайиб бораётган давлатнинг бахтиёр юлдузи ниҳоят даражада порлоқдир. Душманнинг шавкат юлдузи ниҳоятда заиф, шу пайтда музаннаб¹ юлдуз ҳамал буржида зоҳир бўлган эди, шунингдек, кун ботиш пайтида шафақ мағриб томондан кўриниб, бир неча кундан кейин эрта тонгда машриқ томондан кўтарилиб чиқа бошлади.

Мавлоно Абдулло шу пайт Муҳйиддин Мағрибий таълиф этган бир китобни ҳумоюн мажлисига олиб келган эди, шу аснода баён этди: «Музаннаб ҳамал буржида зухур этиши шунга далилки, машриқ томондан келган қўшин Рум ноҳиясини истило этади ва Рум ҳокими гирифтор бўлади».

Шубҳасиз, шарафли кишилар кўнгли хотиржам бўлиб, ит йилига мувофиқ жалолий² наврўз кунининг биринчиси, шаъбон ойининг еттинчиси якшанба кунида³ Арроннинг Қорабоғида Шамкур⁴ биёбонига қараб юрди.

Байт:

Румни топташ учун, Румни олгани
Турклар бел боғлашди қаттол урушга.
Гўё ер юзига тушди зилзила,
Жаҳон ҳам бирбора тушди жунбишга.

Мингкўл тевараги ҳумоюннинг порлоқ ёғдусидан жаннат боғига айланган пайтда маълумот келдики, шу ҳудудда Тартум⁵ номи билан аталадиган бир қалъа бор, унда тахминан икки юз нафар гуржий истиқомат қилади. Дарҳол бажарилиши шарт фармон амалга оширилиб, зафарёр аскарлар у минорали қалъани забт этишга киришди. Беш кун ичида қамал ва ҳарбий тўқнашишга

¹ *Музаннаб* – қуйруқли юлдуз, комета.

² *Жалолий* – Жалолиддин Маликшоҳ даврига тааллуқли: тақвими жалолий салжуқийлар султони Жалолиддин Маликшоҳ номидан олинган.

³ *804 йил еттинчи шаъбон* – 1402 йил 13 март.

⁴ *Шамкур* – Шимолий Озарбайжондаги чўл.

⁵ *Тартум* – Грузия жанубидаги қалъа, ҳозирда сақланмаган.





киришиб, олтинчи кунда эса фатҳ этишга муяссар бўлди. Ғозийларнинг сувда тобланган қиличи зарбидан мушриклар дўзах оташига қўшилиб, қалъа эса ер билан теп-текис этиб ташланди. Шундан сўнг Тартум ҳокими олампаҳо, даргоҳидан бошпана топиб, подшоҳона афв унинг жонини омон сақлаб қолди.

Жаҳонгир Соҳибқирон у ердан Авниққа бориб, хотинлар, оғолар ва кичик ёшдаги шаҳзодаларни Султония томон қайтарди. Авниқдан ҳумоюн юриши юз бериб, Арзирум саҳросига ҳужум уюштирди. Ироқи Арабга қараб юрган шаҳзодалар ва нўёнлар шу юртда олий мавкабга қўшилдилар.

Шунда жаҳонгир Соҳибқирон ҳиммат камандини Камох қалъасини забт этишга ташлади. Ул қалъа Арзинжондан етти фарсахлик йўлда бўлиб, унинг баландлиги ва мустаҳкамлигидан фалак кўзи ҳайрон эди.

Амирзода Муҳаммад Султон зиммасига у қалъани фатҳ этиш кафолати юкланган бўлиб, у амирлар ва баҳодирлар, нусратнишон сипоҳдан бир гуруҳини олиб, ул томонга шошилиб кетди. Унинг қамал муддати ўн икки кунга чўзилиб, охир-оқибатда ўрмон жанги шерлари худди тоғ каклигидек мустаҳкам қалъа устида югурдилар. Ул мустаҳкам қалъани мағлуб ва қаҳр-ғазаб билан забт этиб, фатҳ хабарини олийгавҳар Соҳибқиронга жўнатдилар.

Ул ҳазрат эса муборак оёғини узангига тираб, ўша томон шошилди ва ул қалъани эҳтиёткорлик билан кўздан кечириб, унинг кутволлик вазифасини Таҳуртанга топширди.

Тақдирга алоқадор яримойли байроқ у ердан ҳам ҳаракатга келиб, Сивос вилояти узра ўз нурини ташлади.

Боязид Чимбой Элчикдой элчилар расмига кўра Йилдирим Боязид олдига борган эди, қайсарнинг элчилари билан қайтиб келиб, юборилган кишилар олийшаън амирлар воситасида Соҳибқироннинг остонасини ўпиш бахтига муяссар бўлиб, бир нечта ов қилинган жониворлар ва ўн бош от ҳадя этдилар. Улар жаҳонгир Соҳибқирон муддаосига мувофиқ келмайдиган хабарларни баён қилдилар. Ҳумоюннинг табиати ул гапларни эшитишдан ўзгариб ғазабланди ва буюрдик: «Саодат мадад қилмас





экан, насихат ва хайрихоҳлик ҳеч кимга фойда бермайди. Йилдирим Боязид халқ билан гаплашади ва ҳар лаҳзада ўзига матлуб йўлни излайди. Агар Қора Юсуфни юборганида ва Камох¹ қалъасини бизнинг ишончли кишимизга берганида, ул мамлакат ўз ўрнида қоларди. Алҳамдулиллоҳ, унинг марҳаматисиз Камох қалъаси бу остона бандалари тасарруфига ўтди. Энди унга айтинг, мардона сўзларга қулоқ солмадингми, собитқадам бўл, энди мен келдим, жойингни маҳкам ушла».

ЗАФАРЁР СОҲИБҚИРОННИНГ ҚАЙСАРИЯ² ВА АНКУРИЯГА³ ЮРИШИ, ҚАЙСАРГА ЯҚИНЛАШИШИ, СИПОҲ ВА ЛАШКАРНИНГ МОСЛАШИШИ ЗИКРИ



Битти ўлка Соҳибқирони Сивос саҳросида қайсар юборган одамларнинг қайтишига рухсат берди. Шундан сўнг Ҳорук қалъасини фатҳ этиб, Қайсария томон юрди. Ул ноҳия элатидан келганига риоя қилингандан сўнг буюрди: Зафарпаноҳ сипоҳнинг захира қисмини қўзғатишига ишора қилиб, у ердан уч манзил Анкурия томон юриб, тўртинчи куни денгиздек кенг шаҳар ерлари галабаёр сипоҳнинг ҳарбий ўрдугоҳи бўлди.

Уша пайтда қоровул қисмдан «Йилдирим Боязид сипоҳининг қораси кўринди», деган хабар келди.

Маълумки, бажарилиши муқаррар фармон кучга кириб, жангчилар душманнинг қаршиси тарафдаги қуёш томонига жойлаша бошладилар ҳамда эҳтиёткорликни қўлдан бермай, унинг гирди атрофидан икки хандақ кавладилар ва уни мустаҳкамладилар. Нусратоят сипоҳ у ердан ҳам ҳаракат қилган эди, тушаётган соя Қайсария узра ҳам тушди. Ул қўрғонли қалъа кутволи Яъқуб исмли киши эди, у қўрғонли қалъа дарвозаларини зич беркитиб, қайсарлик эшикларини ланг очди.

¹ Камох – Шарқий Анатолияда Арзинжон яқинидаги қалъа.

² Қайсария – ҳозирги Туркия марказидаги Қайсари шаҳри.

³ Анкурия – Марказий Анатолиядаги қадимги шаҳар. Ҳозирда Туркиянинг пойтахти Анқара.



Зафаршиорли мавкаб баҳодирлари шиддат ва дадиллик билан қўрғон томон юрдилар ҳамда тош, ўқ ва тўфанг отишни бошладилар.

Ўша аснода «Йилдирим Боязид олий ўрдудан тўрт фарсах нарида жойлашди», деган хабар келди. Олий фармонга биноан сипоҳ Анкурия жангидан қўл тортиб, бир от чопиб боргунчалик олдинга юрди. Сувни орқада қолдириб, қуёшли томонга келиб тушди. Ўша кечаси музаффар лашкар Рум сипоҳи ҳужумидан ўзини жуда безовта ва серташвиш сезди.

Йилдирим Боязиднинг лашкари ниҳоят даражада кўп сонли ва ҳарбий жиҳатдан жанговар лаёқатли бўлиб, уларнинг барча вақти ғазовот ва жиҳод билан ўтарди.

Амир Темур Гурагон сипоҳи эса уч йилдан буён тинимсиз сафарда бўлиб, кучли душманлар билан олишиб, шаҳар ва мамлакатни фатҳ этарди. Ҳазрат Соҳибқирон кўпинча кечаларни тавба-тазарру ва ялиниб-ёлвориб ўтказар ва Аллоҳдан ёрдам сўрарди.

Эрталабки шафақ пайтида совутлик баҳодирлар ва ҳаяжонга тўлган жангчилар жунбишга келган дарёдек гуруҳ-гуруҳ бўлиб оёққа турди, ҳаяжондан офтоб ойнаси хиралашди.

Баронғор қисмининг жойлашиши нусратшиорли сипоҳ Шоҳрух Мирзо ва амирзода Халил Султон савлатидан куч оларди, Амир Сулаймон Шоҳ, Амир Ёдгор Андхудий, Рустам Тоғай Буғо, Севинчак Баҳодир ва Давлат Темур шавкатидан мадад икки бараварга кўпайди, улар қаторида Султон Ҳусайн Мирзо, Али Султон Тавочи ва Мусо Буғо турарди. Зафарёр қўшин жавонғорида Мироншоҳ Мирзонинг шавкатли ва қудратли байроғи қуёш ва ойнинг энг юқори нуқтасига етишди. Амир Шайх Нуриддин, Амир Бурундуқ, Али Султон Қавчин, Мубашшир, Таҳуртан, Ҳожи Абдулла Аббос, Султон Санжар Ҳожи Сайфуддин, Тобон, Шайх Иброҳимларнинг шижоатли ҳарбий қудрати ул жанобга куч-қувват ва қудрат бағишлади.

Худди шу қабилда амирзода Або Бакр, Амир Жаҳоншоҳ, Амир Қора Усмон, Тўкал Барлос ва Пир Али Сулдузлар ҳам турарди. Кўп гуруҳлар улғу ва машҳур шижоатли жангчилар ва баҳромсифат жасур атоқли кишилар ҳумоюн соябони остига йиғилдилар.



Ҳар қанот бошида амирзода Муҳаммад Султон, амирзода Пир Муҳаммад Умаршайх ва биродари амирзода Искандар, Амир Шамсуддин Аббос, Амир Шоҳ Малик, Илёс Хожаи Шайх Али Баҳодир ва бошқа бир гуруҳ шавкатли ботирлар алоҳида тизилишиб турарди.

Амир Темур Соҳибқирон тартибга солинган қирқ гуруҳ ҳарбий қўшинни ўз олдида ушлаб турарди, чунки қайси бири ёрдамга эҳтиёж сезса, ўша ёққа бу ботирлардан иборат бир гуруҳни жўнатишни мўлжаллаб қўйган эди. Ҳиндистонда ўлжага олинган бир неча баҳайбат тоғмонанд филларга кежим¹ солиб уларни қурол-яроғлар билан мукамал қилиб, ҳар бирининг устига бир тўда асҳоблардан унинг камон ўқлари ҳеч қачон тақдир ўқидек хато кетмайдиган қилиб ўрнатилди ва тайёрлашди. Улар зафарли қўшин сафлари бошида турарди.

Назм:

Соҳибқирон тузган лашкарнинг,
 Ҳайбатидан титради олам.
 Ҳаммаси ҳам ёйчи, қиличбоз,
 Жангарию келбатда Рустам.
 Кийими – зирх, темирдан уст тўн,
 Пулатга фарқ бош-оёқ бутун.

Ул томондан Йилдирим Боязид сипоҳини тартиб солишга ва жанговарлик билан зийнатлашга киришди. Майманада хотинининг акаси Лос Афранжийнинг ўғли йигирма минг қиличбоз билан турарди². Уларнинг барчаси белгиси Ол-аббос либосига кийдирилган эди. Майсарага ўзининг катта ўғли Мусулмон Чалабийни жасур румликлардан иборат катта қўшинга тайинлаган эди. Ва ўзи марказий қисмда жой олиб, учта бошқа ўғли – Мусо, Исо ва Мустафони қанотнинг орқасига тайинлади. Ўз авлодининг каттаси бўлмиш

¹ Кежим – от ва филлар устига ёпиладиган зирхли совут, металл ёпинчиқ.

² Усмонли султон Мурад I билан серб қироли Лазар ўртасида 1389 йили Косово майдонида бўлган жангда султон ҳам, қирол ҳам ўлдирилади, лекин серблар енгилиб, унинг қизи ва ўғли Стефан ғолиб султон Йилдирим Боязидга асир тушади. Сўнг Боязид Лазарнинг қизига уйланади ва унинг акаси Стефанни йигирма минг аскар билан ўз хизматига олади. Муаллиф «хотинининг акаси Лос Афранжийнинг ўғли» деб ана шу Стефанни айтаяпти.



Муҳаммад Чалабий Кўр Шайхий номи билан машҳур бўлган эди, уни ўта довюрак Бол Қуч Пошо, Али Пошо, Убайдбек, Темур Тош, Фируз, Исобек, Ҳасан Пошо, Халил, Мурод, Яъқуб, Юсуф, Тангри Бормиш, Аҳмад, Муҳаммадий, Муқбил ва бошқа амирлар билан ботир ва шижоатли кишиларни муносиб мавзеларга тайинлади.

Рубоий:

Икки лашкар демай, қуш узун тепа,
Замонга кўргазар шукуҳ, дабдаба.
Темир биноларнинг қатори аро
Битта кенг кўча бор – йўқлик шаҳрига.

АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ ЙИЛДИРИМ БОЯЗИД БИЛАН УРУШИШИ ВА ҚАЙСАРНИНГ АСИРГА ТУШИШИ ЗИКРИ

804 йил зулҳижжанинг ўн тўққизинчи куни¹ эрталаб бу икки подшоҳ кек-адоват туфайли шу тартиб ва шароит билан бир-бирларига ташландилар. Икки томон сипоҳлари ур-сурини худди икки кўм-кўк денгизнинг шиддатли совуқ шамолидан тўлқинланиб шовуллагандек, сурнай ва карнай доду фигони мовий осмон авжига олиб чиқди. Сабр ва чидам жангчилар дилидан ўзини четга торта бошлади. Ўқ қуши камон ошиёнидан парвоз қилиб, қаҳр-ғазаб қалқонидан ўтиб олдинга интилди, ўқ шуъласи паҳлавонлар ёнида аланга олиб, таъна тилини узун қилди ва наҳангдек қилич ёшлар ҳаётига зомин бўлди.

Ялтираб тушарди бошга шамширлар,
Ерда қон ариқлар яратди улар.
Дубулғали бошлар учар асабий,
Гўё хўроз боши кесилган каби.
Уруш мардларига ўқ ёғаётир,
Гўё абобиллар² тош ташлаётир.

¹ 804 йил ўн тўққизинчи зулҳижжа – 1402 йил 20 июль.

² Ҳабаш шоҳи Абраҳа Каъбага ҳасад қилиб Ифлис ибодатхонасини қуради. Топинувчилар келмагач, Каъбани бузиш учун фил минган лашкарини жўнатади. Улар Каъбага яқинлашганда абобил (қалдирғочсимон) қушлар кўкда пайдо бўлиб, уларга тошлар ёғдиришади. Барча лашкар ва филлар илоҳий қудрат туфайли нобуд бўлади.



Ўша куни биринчи бўлиб Або Бакр Мирзо жанг майдонида от солиб, нусратшиор сипоҳини баронфюр сифатида душманнинг жавонфюр қисми устига ташлади ва камон ўқи захмидан Мусулмон Чалабийнинг асосий кучини худди Ҳалаб шишасидек тош зарби билан майдалаб синдириб ташлади.

Амир Жаҳоншоҳ ва Амир Қора Усмон ҳам ул томонга ҳамла қилиб, румликларнинг чап қанотини тўзитиб юбордилар.

Қайсарнинг катта ўғли Муҳаммад Чалабий Курашчи номи билан машҳур бўлиб, у кураш ва олишув майдонида ўзини анча кўрсатди, аммо бу ғалабаёр сипоҳга қаршилиқ кўрсатишнинг имкони йўқлигини тушуниб, майдонга орқа қилиб у ердан чиқиб кетди. Амирзода Муҳаммад Султон эса жаҳонгир Соҳибқирон фармонида кўра жавонфюр қисмга ёрдамга шошилди ва унинг жаҳонни ёндирувчи қиличи чақмоғи душманнинг баронфюр қисмини иккига ажратиб юборди. Лос Афранжий ўз ўғли шаҳзода қаршисида қирувчи аслаҳани ишлатишга бекор уринди. Бир неча марта ҳар икки томондан ҳам қочиш ва қувиш ҳолатлари юз берди.

Охирида заифлик асоратлари румликлар томонида эканлиги аён бўлиб қолди. Жаҳонгир Соҳибқирон ғалабакор сипоҳ аъёнларининг барчасига буюрди, токи бирданига ва бараварига урушга киришсин.

Шу пайтда рустамсифат амирзода Муҳаммад Султон бир қир устида турган румликларнинг олти қўшинини қувиб юбориб, уларнинг ўрнига ўзи чиқиб олди.

Йилдирим Боязид марказий қисм қўшини билан шаҳзодага ҳамла қилиб, уни пастга тушириб юборди ва ўзи у тепаликка чиқиб Рум лашкарини кўздан кечира бошлади. Уларнинг аксарияти унинг кўзига ожиз ва паришон бўлиб кўринди. Қайсарни ҳайрат, эсанкираш ва довдираш ҳисси чулғаб олди. У яна отга минди ва унга кўпгина отлиқ ва пиёдалар қўшилдилар.

Амир Темур Гурагон Йилдирим Боязидни тепаликда кўриб, Шохрух Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, амирзода Султон Ҳусайн ва Амир Сулаймоншоҳлар билан ўша томон от сурди. Ғалабакор лашкар у тепани ўраб олди. Қайсар кун охиригача шижоат ва





сабот билан курашди. Кун ботиш пайтида саодати офтобининг завол топиш вақти эди, қаршилиқ кўрсатиш ва урушдан ожиз қолиб, жанг майдонини тарк этиб, қочиш йўлини танлади. У тепалиқдан гангиб пастга тушган пайтда музаффар сипоҳ йўл очди ва у тиру камонга қўл югуртириб, ўқлай бошлади.

У катта суръатлар билан узоқлашарди. Султон Маҳмудхон бир гуруҳ баҳодирлар билан Йилдирим Боязид орқасидан қувиб бориб унга етиб олди ва уни тутиб кечки пайт музаффар подшоҳ даргоҳига келтирди.

«Зафарнома» ва «Матлаи саъдайн»да ёзилганки, музаффар Соҳибқирон қайсарнинг қўлини боғлаб, остонасига келтиришини эшитиши билан унинг қўлини ечиб, таъзим ва эҳтиром билан олиб киришга, ўзига хос муносиб мақомда ўтиришига фармон берган. Аммо марҳум маҳдум ҳазратлари «Равзат ус-сафо»да ўзининг бузруквор волидаси Саййид Ховандшоҳ раҳматуллоҳи тилидан нақл қиладиларки, ўша кечаси Соҳибқирон мажлисининг иштирокчиларидан бири Сайди Аҳмад Тархон бўлган. Ул айтди: «Йилдирим Боязидни қўли боғланган ҳолда саодатли даргоҳга киритдилар. У ҳазрат аввал қайсарга қўпол сўзлар айтди, сўнг буюрган эди, унинг қўлини ечиб, ўтқиздилар».

Амир Темур Гурагон муаррихлари билан биргаликда бу йиғинда ўпкалаб, қайсарга хушмуомалалиқ билан деди: «Гарчанд эзгулик ва ёвузликнинг келиб чиқиши мухтор ва қодир Аллоҳга боғлиқ бўлса ҳам, аммо оламдаги бу ҳамма қийинчиликлар туфайли сенга насиб этган нарсаларга сенинг ўзинг эришгансан. Чунки мен илтимос қилган жузъий нарсаларга хасислик қилмаганингда икки ўртада амалга ошадиган, ечса бўладиган келишувчилик бўларди. Ғалабали мавқаб ўтиши воситасида ҳасрат ғубори бу диёр сипоҳи ва халқи чехрасига ўтирмасди. Шу билан бирга маълумки, агар тақдир аксинча содир бўлганида ва зафар ҳамда ғалаба сенга насиб бўлганида, сенинг қаҳр ва ғазабинг таъсиридан қандай номулойим ишлар мен ва менинг одамларим ҳақида рўй берган бўларди?! Энди бу фатҳ ва ғалабани шукроналик билан қабул қил, мен эсам сенинг авлодинг хусусида яхшилик ва омонлиқдан бошқасини ўйламайман. Сен ҳеч қўрқма ва ташвишланма».




Йилдирим Боязид ўз айбларига иқрор бўлиб, дуо ва санога қўл очди. Амир Темур Гурагон шоҳона марҳамат билан қайсар аҳволини тасаввур қилиб, қоматига яраша подшоҳона хилъат кийгизди. Кўнглига ёқадиган ваъдалар бериб, унинг паришон дилини хотиржам қилди.


Йилдирим Боязид ул ачиниш ва лутфу карамни кўрганидан сўнг «Фарзандларим Мустафо ва Мусо жанг майдонида мен билан эдилар, умидим шулки, даргоҳ мулозимлари уларнинг ҳолидан хабар олиб, ҳаёт бўлсалар менинг оддимга олиб келсалар», деди.

Дарҳол тавочилар ҳазрат Соҳибқирон фармониغا биноан те-варак-атрофга уларни излаб кетдилар. Бир неча кундан сўнг Мусони топиб, саодатли ошиён остонасига келтирдилар. Яхши хулқли Соҳибқирон эса қайсарзодага ҳам муносиб фахрли хилъат кийдирди ва отасининг олдига юборди.

Ўша айёмда боргоҳга яқин жойда қайсар учун мураккаб усул-да катта чодир тикдилар. Ҳасанбек Барлос ва Боязид Жомбой уни муҳофаза қилишга киришдилар.



РУМ МАМЛАКАТЛАРИ АҲВОЛИ ВА ҚАЙСАР ҲАМДА АМИРЗОДА МУҲАММАД СУЛТОН ЎЛИМИНИНГ ҚИСҚАЧА ЗИКРИ



Амир Темур Гурагон Рум сипоҳи ҳужумидан фароғат ва хотиржам бўлгач, фатҳ ва ғалаба қўшини Анкурия яйловига бо-риб тўхтади. Анкурия қалъасининг калитини кутволи Яъқуб ул ҳазрат остонасига келтирди. Ул ноҳиянинг омон қолган моллари йиғиб олинди ҳам ўша айёмда ҳумоюн фармони кучга кирди. Унга биноан амирзода Муҳаммад Султон, амирзода Або Бакр, Амир Жаҳоншоҳ, Амир Шайх Нуриддин ва Амир Севинчаклар ўша пайтда қайсарлар пойтахти бўлган Бурсага боришлари ке-рак.

Амир Шайх Нуриддин бўлса Йилдирим Боязиднинг мол-мулки ва хазиналарини забт этиб, амирзода Муҳаммад Султон





бошқа ҳамроҳлари билан то Асраиқа дарёси¹ бўйигача босиб бориши, шунингдек, ҳукм бўлдики Султон Маҳмудхон, амирзода Искандар, амирзода Султон Ҳусайн, Амир Сулаймоншоҳ, Рустам Тоғай Буғо, Саййид Хожа ва Пир Али Сулдуз буйруқ бўйича Қўния², Оқшаҳар³, Қора Ҳисор⁴, Алания⁵ ва Адолияга⁶ юриши керак эди. Бу икки гуруҳ мақсад сари йўл юриб, қаерга етиб борсалар етук ҳукумат юзини зоҳир қилдилар. Амирзода Муҳаммад Султон то Асраиқа суви қирғоғигача босиб борди ва қайсарнинг катта ўғли Мусулмон Чалабий у ерга қочиб кетган эди, қочганлар устидан ғалаба қозониб, уларни қувиб, Бўғоз⁷ сувидан ўтиб Асраиқага борди. Унинг оиласи ва авлоди асир бўлиб, қўлга тушди. Амирзода Муҳаммад Султон эса музаффар ва ғолиб бўлиб, ҳад-ҳудудсиз ўлжа ва бойлик билан қайтиб, Ниқия⁸ шаҳри яйловида қўним топди.

Ўша пайтда қайсарнинг хотини ва икки қизи ҳамда Султон Аҳмад Жалойирнинг қизи Ниқия шаҳрида яширинган эдилар. Улар Амир Шайх Нуриддин аскарлари қўлига тушдилар. Султон Аҳмад, чунончи, аввал ёзилганидек Бағдоддан Румга борган эди. Қора Юсуф ҳам Қайсария уфқида унинг байроғи ҳилпираб турган вақтда Бурсадан Ҳилла тарафга шошилиб кетган эди.

Алқисса, Амир Шайх Нуриддин Бурса мол-мулкини забт этиб, ул вилоятни горат ва талон-торож қилишдан фориғ бўлиб, Йилдирим Боязид хазинасини, унинг шаръий хотини Дасанта⁹ Лос

¹ *Асраиқа дарёси* – Қора денгиз, Асраиқа, Фракия, ҳозирги Туркиянинг Европа қисми.

² *Қўния* – ҳозирги Туркиядаги Коня шаҳри.

³ *Оқшаҳар* – ҳозир Конядан ғарброқдаги Акшеҳир.

⁴ *Қора Ҳисор* – ҳозирда Туркиянинг ғарбидаги Афйон – Қорасҳисор шаҳри.

⁵ *Алания* – ҳозирда Туркиянинг жанубида-денгиз соҳилидаги шаҳарча.

⁶ *Адолия* – Туркиянинг ғарбида – Гедиз дарёси бўйидаги шаҳар, ҳозирги номи Адана.

⁷ Бу ерда Бўғоз деб муаллиф Босфор бўғозини назарда тутди.

⁸ *Ниқия* – Ғарбий Анталиядаги қадимий шаҳар, ҳозирги Номи Чзник, шу номли кўл бўйида жойлашган.

⁹ *Дасанта* – серб қироли Лазарнинг қизи Йилдирим Боязиднинг хотини Дестина.





Афранжий қизи, ҳамда унинг қизини ҳумоюн ўрдуга келтирди. Ва буйруққа биноан қайсар олдига юборди.

Ана шундай шароитда Султон Маҳмудхон Кичик Бурлағда¹ вафот этди. Амир Темур мусибатли можарони эшитиши билан истиржо калимасини² тилга олди ва унинг руҳини тинчлантириш учун фақир уфуқаро ва мискинларга хайрия ва садақалар улашди.

Ноҳия ҳукмдори Анқурия ҳудудидан кўчиб, Сури Ҳисори³ саҳросида ғайратли ҳумоюн сипоҳи учун осмон билан бўйлашадиган ферузавий чодир қурдирди. Ўша айёмда амирзода Халил Султон, Амир Мубашшир ва Давлат Темурни Туркистон чегарасига жўнатди. Амир Оқ Буғо Ҳиротда вафот этганлиги учун Амир Музроб Жоқуни унинг ўрнига юборди.

Шунда офтобдек ярқираган байроқ туғи Сури Ҳисоридан йўлга тушиб, Кутоҳияга⁴ етиб келди. Бу ноҳиянинг ҳавоси ва табиати ёқимли бўлганлиги учун бир ой у ерда туришди.

Шундан сўнг Амир Темур Гурагон Тўнғузликга⁵ жазм қилиб, Кутоҳиядан йўлга тушди ва Олтунтош⁶ тоғ теварагига етиб келгач, бир кунни маишат базми ва айшу ишрат йиғини ташкил қилди, ниҳоятда тартибли бўлди. Йилдирим Боязидни ҳам бу суҳбатга иззат-ҳурмат билан таклиф қилди. Косалар бир неча давра айлангач, ҳазрат Соҳибқироннинг димоғи арғувоний май таъсиридан қизиди ва қайсар ҳақида фикрларини айтди, жумладан, уларнинг бири – Рум мамлакатини унинг ихтиёрига бериш эди.

Жаҳонгир Хусравнинг хотири базм кайфиятларидан ўзига келганидан кейин яна бир марта муҳим ишлар устида сўз юритди.

¹ *Кичик Бурлағ* – Анталиянинг ғарбида Эгей денгизи соҳилидаги мавзе.

² *Истиржо калимаси* – Қуръон «Бақара» сурасининг 155-ояти: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» («Ҳақиқатан биз Аллоҳга тегишлимиз ва албатта унинг олдига қайтамыз»).

³ *Сури Ҳисори* – Анқара яқинидаги қалъа.

⁴ *Кутоҳия* – Анталиянинг ғарбидаги кичик шаҳар, ҳозирги номи Кютахия.

⁵ *Тўнғузлик* – Анталиянинг жануби-ғарбидаги мавзе, ҳозир Туркиянинг шу тарафдаги Денизли шаҳри.

⁶ Кичик Осиёда ўрта асрларда бир неча мавзе Олтунтош дейилган. Бу ерда уларнинг Кутоҳиядан жануброқдагиси назарда тутилади.





Мавлоно Бадриддин Аҳмад ибн Шайх Шамсуддин Муҳаммад Жазарийни элчи сифатида Мисрга жўнатди ва Малик Фаражга «Ул диёрда бизнинг ҳумоюн исмимиз ва лақабимизга хутба ўқитилиши ва тангалар зарб қилиниши керак!» деб хабар жўнатди.

«Аталмиш ҳибсдан озод этилиб, бу томонга шошилсин, акс ҳолда жаҳонгир Рум вилоятидан қайтиб келгач, ул чегара ва мамлакатга юриш қилади», деган сўзларни ҳам айтди.

Шу ҳолга яқин пайтда Истанбул номи билан машҳур Қўстантания ҳокими Такур элчи бўлиб олампаноҳ даргоҳига келди¹. У сон-саноксиз ашрафий ва жуда кўп ҳадялар келтирди ва юборувчи кишининг итоат этиши ҳақидаги хабарни етказди. Музаффар Соҳибқирон унга афв хилъатини кийдириб, қайтиб кетишга рухсат этди.

Ҳумоюн мавкаб Тўнғузлиғда тўхтаган пайтда Йилдирим Боязид замонида аҳамиятли вазирликда шарафли мансабни қўшиб олиб бораётган Шайх Рамазон унинг ўғли Мусулмон Чалабий олдидан элчи сифатида келиб, лойиқ ва муносиб совғалар ҳамда нодир нарсаларни ҳадя қилиб деди: «Агар қайсарзоданинг жазо саҳифаси устидан подшоҳона лутф билан афв хати чизилса, зудлик билан ҳузурингизга хизматга келади».

Амир Темур дарҳол Шайх Рамазонга назар қилиб, уни илиқ кутиб олди ва деди: «Мусулмонга айт, ғайб пардаси орқасида ёзилган нарсалар зоҳир бўлди, энди улуғлар айтганидек, ўтмишни қайтариб бўлмайди, нима бўлса бўлди. Ўтмишни эсламасдан индамай бу томонга келавериш керак эди, шунда муҳолифлик ғубори мувофиқлик ойнаси билан алмашарди».

Шайх Рамазон бош кийими, камар, от ва тилла инъомлар билан сийланди ва қайтишга рухсат олди. Ҳаво совиб кетганлиги боис жаҳонгир Соҳибқирон лашкар қишлови учун жой тайин

¹ Ўрта аср мусулмон манбаларида Амир Темурга замондош Византия императори негадир Такур дейилган. Соҳибқирон даврида император Мануил II Палеолог (1402–1425) эди. Лекин унинг ўзи Амир Темурнинг ҳузурига келмаган ва аслида Соҳибқирон унинг ҳузурига юборган икки элчисига бир элчисини қўшиб юбориб, у билан анча пул ва бойликларни юборган ҳамда мактуб ёзиб унга тўла итоат қилиши ва бож-хирож тўлашни буйнига олган (Яздий Зафарнома, 265-бет).





этиш билан шуғулланиб, амирзода Муҳаммад Султон олди-га чопар жўнатди ва «Зафарёр байроқни ўнг қўл томон тиксин, кимки бунга хилоф равишда иш қилса, йўқотилсин ҳамда Мағнисийа¹ шаҳрида сипоҳ қишласин!» деган фармон берилди. Шаҳзода фармонга биноан у томонга борди ва жавонғорда бўлган Шохрух Мирзо қишлайдиган юрт Кирмиён эли² қилиб белгиланди. Саодат юлдузли сипоҳ Тўнғузликдан йўлга тушди ва бир неча кун юргандан сўнг Румнинг энг машҳур ноҳияси бўлган Тира³ шаҳрини худди фалак қалъасидек ёп-ёруғ қилдилар ва бирмунча муддат бу ер ғалабаёр аскарларнинг ҳарбий ўрдугоҳи хизматини ўтади.

Мардин ҳокими Султон Исо ўзининг қилмишидан пушаймон бўлиб, ўша манзилда қудратли порлоқ юлдуз остонасига узр сўраб келди. Шохрух Мирзо шафоат тилаб, ўз устига иноят мажбуриятини олиб, уни гуноҳкорлар либосида ялангбош ҳолда Соҳибқирон тахти пойига келтирди. Амир Темур Гурагон шаҳзоданинг илтимосини эътиборга олиб, Мардин ҳокими боши узра меҳр-шафқат қанотини ёйиб, қобилиятли қоматини хос хилъат билан беади, тож ва камар инъом этиб, унинг қизини амирзода Або Бакрга номзод қилди⁴.

805 йил қишида⁵ денгиз бўйида олиб бўлмайдиган қалъа бўлиб, унинг уч тарафи денгиз суви билан ўралган ва бир томони қуруқликка туташган. У ерда оврупаликлар турадилар ва уни Измир деб аташади, деган хабар унинг қулоғига чалинди. Ул мавзени муқаддас жой деб билишади ҳамда бу қалъадан бир от чопиб борадиган масофада тоғ тепасида яна бошқа икки қалъа бор. У ер мусулмонлар маскани бўлиб, уни ҳам Измир деб аташади. Измир аҳолиси ўртасида доим

¹ *Мағнисийа* – Қадимги Магнезия – Кичик Осиёнинг ғарбидаги Сарухон элининг маркази, Гедиз дарёсининг қуйи оқими чап соҳилида жойлашган. Ҳозирда номи Манисалага ўзгарган йирик шаҳар.

² *Кирмиён эли* – усмонлилардан аввал Кичик Осиёнинг жанубидаги Бейлик. Ҳозирда бу ном сақланмаган.

³ *Тира* – Кичик Осиёнинг жануби-ғарбидаги шаҳар, ҳозирги номи Тире.

⁴ Шу абзацдаги воқеа 1396 йилга тааллуқли ва бу ерда хато жойлаштирилган.

⁵ *805 йил қиши* – 1403 йил декабри.





қирғин уруш олови алангаланиб туради. Шунинг учун фарангийларни улардан ажратишга кўп ҳаракатлар бўлган, аммо ислом султонларидан ҳеч ким бу қалъани ололмаган. Мансур Соҳибқироннинг назари бу қалъа аҳволининг қанақалигига тушиб, қони қайнаб, ҳаракати жўш уриб ўша томонга от солди.

Икки ҳафта ичида Измирни фатҳ этди ва қалъани ер билан яксон этди. Измирнинг мустаҳкамлиги ва унинг қамал қилинган кунлари «Зафарнома»да¹ аниқ ва очиқ ёзилган.

Жаҳонгир Соҳибқирон Измир мусулмонларини қўллаб-қувватлашига ҳиммат кўрсатди ва мабодо фарангийлар уларга қарши қурол кўтарса, улар ўзини ҳимоя қила олиш даражасида уларга ҳарбий қуроллар берди.

Ана шундай ҳолатда Шайх Рамазон яна бир марта Мусулмон Чалабий олдидан улуғ даргоҳга келди ва жуда кўп учқур отлар, овланган жониворлар, нафис матолар ва саноқсиз нақд пулларни ўзи билан бирга олиб келди. Улар юборилган амирлар билан бирга жаҳонгир Соҳибқирон даргоҳига келиш шарафига муяссар бўлишди ҳамда Мусулмоннинг ихлоси ва давлатхоҳлик ниятини унга арз этдилар. Унинг нияти иноятга олиниб ва унга биноан риоят қилиниб, Асраиқа вилоятининг барча ҳукумати ва унга тобе музофотларни қайсарзодага хос қилиб бериш ҳақида ҳумоюн фармон кучга кирди. Бу ҳақда бажарилиши шарт бўлган жаҳон ёрлиғи ҳумоюннинг қизил тамғаси билан муҳрланди.

Шайх Рамазон шарафли хилъат ва зарли эгар билан мукамал безанган от билан сийланиш шарафига эришди. Шу билан бирга ўша айёмда қайсарнинг бошқа ўғли Исо Чалабий олдидан Қутбиддин элчи қуёшдек порлоқ Соҳибқирон остонасини ўпиш шарафига етишди, у ҳам иззат-ҳурмат билан кузатилди.

Ўша пайтда зафарпаноҳ сипоҳ Измирдан қайтиб, илтифот соясини Улуғ Бурлағ² қалъасини фатҳ этишга ташлади.

¹ Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»си кўзда тутилмоқда (қаранг: 266 – 267-бетлар).

² Улуғ Бурлағ ҳам Кичик Бурлағ каби Анталиянинг жануби-ғарбида ёнма-ён жойлашган.





Жангу жадал кетаётган бир пайтда Амир Жалол ал-Ислом кўкрагига бир ўқ келиб теккан эди, у шаҳид бўлди. Шу заҳоти қалъа забт... этилди, аёллар ва болалар эса асирга олиндилар. Улуғ Бурлағ қалъаси ер билан яксон қилинди.

Ундан сўнг Эгридир¹ ва Насибин² қалъалари ҳам зафарёр Соҳибқирон ҳаракати билан фатҳ этилди ва ўша ҳудуддаги бошқа қалъаларни ҳам олишга ҳукм этилди.

Шу аснода амирзода Муҳаммад Султон ҳузуридан яхши хабар етказувчининг ўғли Доно Хожа Соҳибқирон хизмати-га етиб келиб, шаҳзода тўсатдан жиддий касалга чалингани, шунинг учун нурли хотири ташвишда эканлигини арз қилди. У Доно Хожани икки от билан орқага қайтариб, амирзода Муҳаммад Султон ўрдусига юборди ва аҳволни билиб, уни аниқ тушунадиган одамни юбориш кераклигини тайинлади. Жаҳонгирнинг мавкаби Насибиндан Оқшаҳарга қараб йўлга тушди.

Ана шундай аҳвол ва вазиятда қайсар Йилдирим Боязид 805 йил шаъбоннинг ўн тўртинчиси пайшанба куни³ ўша шаҳарда нафас қисилиши касали билан оламдан ўтди. Амир Темур Гурагон бу хабарни йўлда кетаётиб эшитиб, ниҳоятда маҳзун ва маъюс бўлди. Шу ҳолга яқин пайтда Доно Хожа амирзода Муҳаммад Султон олдидан келиб, аҳволни баён этди. Мавлоно Фараж табиб шаҳзодага сурги дори берди, аммо у дори фойда бермади, аксинча ёрдам бериш ўрнига тутқаноқ касали билан тугади.

У ерда Йилдирим Боязиднинг қариндошларига тўнлар кийдириб, кўнглини сўради, унинг ўғли Мусо Чалабийга эса хос хилъат, тилла билан безатилган қилич ва садоқларни тақдим этди, шунингдек, юз бош тезюрар от бахшида қилди. Ундан ташқари

¹ *Эгридир* – Анталиянинг жануби-ғарбида шу номли кўлнинг жанубидаги шаҳар.

² Бу Насибин Жануби-Ғарбий Анталиянинг Нисибин шаҳридан фарқли ўлароқ, яриморолнинг жануби-ғарбидаги кўл ичидаги оролдаги қалъа.

³ 805 йил ўн тўртинчи шаъбон – 1403 йил 9 март.



ҳумоюннинг қизил тамғаси билан муҳрланган ёрлиқ ҳам тақдим этилди.

Шу билан бирга қайсарзодага ўз отасининг Оқшаҳарда омонат қўйилган жасадини султонлар қонун-қоидалари асосида Бурсага олиб келишига, шунинг учун қурилган хос иморатда дафн қилишига фармон берилди. Чалабий ишларни фармон асосида бажарди.

Амир Темури Гурагон ўғруқни Оқшаҳарда қолдириб, жуда катта тезлик билан амирзода Муҳаммад Султон ўрдусига юз ўғирди. Мақсадга етиб келгандан сўнг шаҳзодани шундай нотавон ҳолда кўрдик, унинг сўзлашга ҳам мажоли йўқ эди. Шунинг учун ҳазрат Соҳибқироннинг бутун ички дунёсини катта дард қамраб олди. Ўша куни беморни тахтиравонга ётқизиб кўчишга рухсат этилди, аммо қишлоқдан уч манзил ўтгандан кейин тўхтадилар.

805 йил шаъбоннинг ўн саккизинчисида¹, яъни қуёш ҳут даражасининг охирида амирзода Муҳаммад Султоннинг руҳи қуши кўкрак қафасидан охират оламига парвоз қилди. Бу воқеа содир бўлгандан кейин саодатли Соҳибқироннинг бардоши тугади ва кўзи қаъридан ёш ўрнига қон отилиб чиқди. Амир, вазир, катта ва кичикнинг нола-фигони осмоннинг юқори айвонига етди.

Байт:

Давлат бошлиқлари ёқа йиртдилар,
Туялар думию ёлин кесдилар.

Охирул-амр, ҳамма рози-ризалик бериб, марҳум шаҳзодани дафн қилиш маросими билан шуғулландилар ва унинг жасадини тобутга солиб, тобутни эса тахтиравонга мосладилар. Амир Илос Хожани икки юз отлиқ аъёнлар билан у нафис гавҳарни Султонияга олиб бориб, бузруквор Қайдор пайғамбар алайҳиссалом қабристонига, кейин Самарқандга олиб кетиш учун вақтинча қўйишга ҳукм қилинди. Амирзода Муҳаммад Султоннинг ёши йигирма тўққизда эди.

¹ 805 йил ўн саккизинчи шаъбон – 1403 йил 13 март.



МИСР ЭЛЧИЛАРИНИНГ АМИР ТЕМУР ГУРАГОН ДАРГОҶИГА КЕЛИШ ЗИКРИ ВА ЗАФАРЁР ҚЎШИННИНГ ИРОҚ ВА ОЗАРБАЙЖОНГА ҚАЙТИШИ БАЁНИ



Амир Темур Гурагоннинг Мисрга жўнатган Мавлоно Бадриддин ва бошқа кишилари етиб борганларидан сўнг Малик Носир лақабини олган Султон Фараж Румнинг фатҳ ва қайсарнинг асир этилганлигидан воқиф бўлиб, жаҳонгир Соҳибқирон билан муҳолиф бўлишининг фойдаси йўқлигига ишонди. Бинобарин, элчиларни иззат-ҳурмат билан сийлаб, Аталмишни озод этиш ҳақида фармон берибгина қолмай, балки уни ўз боргоҳига келтиришни буюрди. Таъзим этиш маросимини бажарди ва аввал қилган айбларидан узр сўради.

Миср ва Шом мамлакатларининг барча ноҳияларида жаҳонгир Соҳибқирон номига хутба ўқитиб, танга зарб қилдирди. Аталмишни эса ўз мулозимларидан икки киши — Аҳмад ва Ақта исмли кишилар билан мартабали Соҳибқирон томонга юборди. Ҳада сифатида жуда кўп мол-мулк, саноқсиз нақд пуллар, жавоҳир маржонлар, кийим-кечак, чиройли матолар, Миср қиличлари ва арабий отларни жўнатди. Бундан кейин бож ва хирожни умра хазинасига етказишни қабул қилди. Аталмиш ҳамроҳлари билан Оқшаҳар ноҳиясида нусрат қарин Соҳибқирон хизматига етиб келиб, итоатгўйлик маъносига одоб билан ерни ўпди. Миср султонининг табрикларини топшириб, унинг итоат этиш кайфиятини унга етказди.

Ул ҳазрат илтифот ва мойиллигини изҳор этиб, «Малик Носир ёшлигида ота тарбияси ҳомийлигидан чиқиб кетганлиги боис, унинг аҳволи ва шароитини эътиборга олиб, унга подшоҳона ҳиммат кўрсатишни маънавий бурчимиз деб биламиз, чунки ҳар бир гўзал вужуд ихлос йўлида собитқадам бўлса, унинг илтимослари қабул қилинажак. Биз шундай қиламизки, у ўз мамлакатада салтанат қила олсин», деб буйруқ берди.

Аҳмад ва Ақтага эса хос хилъат, тилло, қалпоқ ва камар инъом этди ва улар ҳамроҳлигида Малик Фараж учун тож, зардўзи тўн





ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар бериб юборди. Бу ишлардан фориф бўлгач, Рум юртидан қайтиш ҳақида қарор қилди ва унинг очиқ кўнглида қаро тотор¹ қавмини кўчириш фикри ўрнашиб, зафар байроғи уларнинг юрти бўлмиш Амасия² саҳроси ва Қайсария ерлари томон йўлга тушди. Қаро тотор қавми турклардан бўлиб, Ҳалокухон уларни Мўғулистондан Эронга олиб келган ва нафс ёвузлиги учун Рум мамлакатига юборган эди. У қабила ўттиз-қирқ минг хонадон бўлиб, улар чорва моллари ҳамда қорамолга жуда бой эди.

Алқисса, ҳумоюн байроғи қаро тотор манзили ҳудудига етиб келгач, уларнинг қабила бошлиқларидан икки киши – Ахи Турк ва Мурувват мулозаматга келиб, тилло билан тикилган хилъат ва зарнигор камар билан сийландилар. Улар Мовароуннаҳрга боришга вакил қилиниб, индамай ва истар-истамай рози бўлишди.

Амир Темур Гурагон туман амирларига уларни бўлим-бўлим ва гуруҳ-гуруҳларга бўлиб тақсимлашга фармон берди. Уларни барча отар, йилқи ва қора моллари билан кўчириб йўлга тушдилар.

Бажарилиши шарт бўлган фармон: ҳеч ким улардан енгил бўлиши ва қочиб кетишни хаёлига келтирмаслиги учун қўй ва қорамол сотиб олмасин, деган ҳукм кучга кирди.

Шундан сўнг жаҳонгир Соҳибқирон от жиловини Ироқ ва Озарбайжон томон қаратди.

Султонияга ҳазрати олиялар – Сароймулкхоним, Туман Оғо, Чўлпон Мулк Оғо, шаҳзода Муҳаммад Султоннинг онаси Хонзода, бошқа оғолар ва кичик шаҳзодалар билан то Авник қалъаси ҳудудигача ҳумоюнфол соябонини кутиб олиш учун истиқболга чиқсинлар деган буйруқ жўнатилди.

Саодатли ва бахт-иқболли зафарёр қўшин Сивосдан ўтиши билан Амир Қора Усмонни хусравона марҳаматлар билан сийлаб, кўнглини кўтариб, ўз вилоятига кетишга рухсат берди.

¹ *Қаро тотор* – Мунка қоон Ҳалокухонни Эронга жўнатганда қаро тоторларни ҳам Мўғулистондан кўчириб, унга қўшиб жўнатган. Ҳалокухон уларни Рум ва Шом сарҳадларига жойлаштирган. Улар 52 аймоқ бўлиб, тарқоқ ҳолда яшаганлар. Улар Йилдириш Боязид хизматида бўлган. Унинг ўлиmidан сўнг Амир Темур уларни қайта кўчириб, Жета (Мўғулистон) сарҳадига жойлаштиришга қарор қилади.

² *Амасия* – Анатолия Яшил Ирмоқ дарёсининг ўнг соҳилидаги шаҳар.





Бошқалар ҳам бу вақт ичида унинг кўнглини олишга уриндилар. Арзинжон яйловида Амир Таҳуртан хизматкорлик қонунқоидаларини амалда исботлаб, ҳадя-совғалар бериб, бир-икки манзил унга ҳамроҳлик қилиб сўнг қайтиб кетди.

Арзирумга салтанатнинг ёрқин юлдузлари – амирзода Улуғбек, амирзода Иброҳим Султон, амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ва амирзода Саъд Ваққослар етиб келдилар. Соҳибқирон уларни меҳрибонлик билан бағрига босди, аммо амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ва унинг укасини кўриши билан амирзода Муҳаммад Султоннинг юракни эзувчи воқеаси қалбида янгиланди ва Соҳибқироннинг нурли кўзидан ибратли қатралар қалқиб чиқди.

Ҳазрати олиялар Авниқда ҳумоюн мавкабга қўшилдилар ва у даҳшатли воқеани марҳум шаҳзоданинг онаси Хонзодага эшиттирдилар. Бу дилбар аёл гўё тўрга тушиб қолган балиқдек изтиробга тушиб, чидаб бўлмайдиган даражада шундай ялиниб-ёлвориб, зорланиб йиғладики, мовий осмон агар унинг дил дарди узра гулгун кўз ёшини тўка олганда эди...

Барча оғолар мотам либосини кийиб, Хонзоданинг розилиги билан мотам палосида ўтирдилар ва катта таъзия қилиб, шаҳзода саиднинг руҳини тинчлантириши учун хатми Қуръон ўқитиб, заифу ожизлар ва етим-есирларга таомлар улашилди.

Шундан сўнг олий шаънли фармон кучга кириб, халқ мотам маросимини ўтказиб бўлди. Хусравона меҳр-муҳаббат ила ҳаммага иззат-икром билан хилъат ва инъомлар улашдилар. Собитқадамлик билан Гуржистонга юришга азм қилинди.

СОҲИБҚИРОННИНГ ГУРЖИСТОН ВИЛОЯТИГА ЮРИШИ ВА МАМЛАКАТЛАРНИНГ ШАҲЗОДАЛАРГА БЕРИЛИШИ ЗИКРИ



Жаҳонгир байроғи Рум мамлакатларидан қайтиб, Гуржистон ҳудуди узра ҳилпираган пайтда Малик Гурген ихлос ва итоаткорлик билан ҳумоюн мавкабни кутиб олмади. Амир Темур Гурагоннинг динга эҳтироси ва подшоҳона ғайрати яна бир





марта Гуржистонга келишига сабаб бўлди ва у Мингкўл тарафга равона бўлди.

Шу пайтда Оқ Буғо Гуржининг ўғли муносиб совға-саломлар билан олампахоҳ даргоҳига етиб келди. Унинг орқасидан Малик Гургеннинг биродари Кустандил ҳам давлат оstonаси ҳудудини бахтиёр этди.

Шунингдек, ҳар бир манзилда сарварлар ва ҳокимлар хизматга шошилардилар, ҳадялар бериб хусравона меҳр-муҳаббатга сазовор бўлардилар.

Мингкўл атрофи ҳумоюн тўхтайдиган жой бўлгач, Соҳибқироннинг марҳаматли назари амирзода Пир Муҳаммад Умаршайхга тушиб, яна бир марта Шероз ҳукумати вазифасини унга беришга қарор қилди. Амирзода Пир Муҳаммад Шерозга қараб йўлга тушди. Унинг укаси Рустам Мирзо бу хабарни Қасри Зард яйловида эшитиб ҳумоюн ўрдуга қараб юрди. Жарбодиқонга¹ қарашли Хонсор² манзилида бажарилиши шарт бўлган фармон Рустам Мирзо қўлига тегди. Унда «Исфаҳон ҳукуматини сенга иноят этдик, ўғруқни ўша ноҳияга юбор ва ўзинг Буружердга³ бориб, Урмиён қалъасини иморат ҳолига келтир!» дейилган эди.

Пир Муҳаммад Мирзо ва Рустам Мирзо бир-бири билан учрашиб, ҳар бири ўзи тайинланган ўлкага кетди.

Амир Темур Гурагон Қарс манзилида тўхтаганидан сўнг, унинг фикрига пойтахт Бағдодни таъмир қилиш келди. Ироқи Араб вилоятининг ноҳияларини то Васит, Басра, Курдистон, Мардин ва ул ҳудуднинг бошқа қалъалари билан бирга амирзода Або Бакрга иноят қилди ва буюрди: «Шаҳзода аввал Диёрбакрга борсин ва у ердаги фисқу фасодчиларни қилич тифидан ўтказиб, куз фаслида Ироқи Арабга борсин. Ўша пайтда бу диёрни эгаллаб олган Қора Юсуфни даф қилиб, пойтахт Бағдод ва вазирлар иморатига саъй-ҳаракат билан жиддий эътибор берсин!».

Қора Юсуфнинг Ироқи Араб устидан истилосининг шарҳи шуки, у Бурсада Соҳибқирон мавкабининг Қайсарияга кириб

¹ Жарбодиқон – ҳозирда Фарбий Эрондаги Гулпойагон шаҳри.

² Хонсор – Жарбодиқондан 25 км жанубдаги шаҳар.

³ Буружерд ёки Ружерг – Ҳамадондан 100 км жанубдаги шаҳар.





келганлигини эшитиши билан беқиёс қўрқинч унинг вужуди-ни эгаллаб олди ва у шошилини равишда Ироқи Араб тарафга кетди. Ва туркманларнинг қорамолларини йиғиб, ҳаммани қўрқитиб ўтирди.

Ўша пайтда Бағдодга қайтиб келган Султон Аҳмад Ҳиллага¹ ўз ўғли Султон Тоҳирнинг олдида борди. Султон Тоҳирнинг молия ишлари бўйича мутасаддиси бўлган Оғо Ферузни олди. Шу сабабли ўғли отасидан ваҳимага тушиб, ҳурматли амирлари — Муҳаммадбек, Амир Али, Қаландар Микоил ва Фаррухшоҳ билан биргаликда отасига қарши исён кўтарди, чунки улар ҳам Султон Аҳмаддан хавфсирардилар. Кечаси сувдан ўтиб, эртаси куни Султон Аҳмад солни кесиб, сувнинг нариги томонида — ўғлининг қаршисида жойлашди. Бир кишини Қора Юсуф олдида жўнатиб, уни ёрдамга чақирди. Қора Юсуф унга қўшилиб, биргаллашиб сувдан ўтдилар.

Султон Тоҳир билан урушиб, уни мағлубиятга учратдилар. Султон Тоҳир қочаётиб отини ариқдан сакратиб ўтказмоқчи эди, оти ва аслаҳаси билан сувга қулаб тушди ва ҳаёти шуъласи сўнди.

Шундан сўнг Султон Аҳмад Қора Юсуфнинг қўрқинчли кўринишидан ўйланиб қолди ва ундан ажралиб, Бағдодга борди. Қора Юсуф қўшин орқасидан пойтахтга лашкар тортиб, ул ноҳияни забт этди.

Султон Аҳмад бир гўшага кириб яширинган эди, уни Қора Ҳасан деган киши кўриб қолиб, кечаси елкасида қарийб беш фарсах кўтариб борди ва қандайдир қорамолларга етиб бордилар. Бир сигирни олиб, Султон Аҳмад ул сигирга миниб, Тикритга борди.

Сариқ Умар Ўйрот ўша диёрда эди, у қирқ бош от, нақд пуллар ва аслаҳа ҳамда қўлидан келганча ҳадялар қилди. Султон Аҳмад бадбахт тақдиридан хафа бўлиб, у ердан Шом томон жўнаб кетди. Ироқи Араб бир неча кун Қора Юсуф тасарруфида қолди.

Алқисса, амирзода Або Бакр Ҳиллага етгач, амирзода Рустам Буружерддан бажарилиши вожиб фармонга биноан унга қўшилди.

¹ Ҳилла — Бағдоддан 6 км. ча жанубдаги шаҳар.



Шаҳзодалар икки қанот тузиб Бағдодга қараб йўлга тушдилар. Қора Юсуф уларни жанг билан кутиб олиб, Алғанам канали бўйида қаттиқ жанг рўй бериб, Қора Юсуфнинг биродари жанг майдонида ўлдирилди, ўзи Шом томонга қочди.

Амирзода Рустам Ироқи Ажамга ва Або Бакр Мирзо Бағдодга йўл олди ва вазирлар иморати билан машғул бўлди.

АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ КАРТИН¹ ВА АБХОЗГА² ЮРИШИ ВА ГУРЖИСТОНДАН ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Дўстга меҳрибон ва душманга қаттиққўл Соҳибқирон Гуржистон вилоятига кириши билан эъзозга лойиқ амирлар ул мамлакатнинг қишлоқ ва шаҳарларини тезда босқин қилиб ҳумоюн ўрдуга қўшилдилар. Унинг қулоғига у ерда икки чуқур дара орасида жойлашган тепалиқда бир тоғ бўлиб, унинг ҳамма томонидан баланд, текис ва улуғликда осмон билан баробарлашадиган қалъа бор, унинг жанубий томонидаги тоғдан эса бир шохобчаси ажралиб чиқади, деган гап етиб келди. Дарҳақиқат, бу тоғнинг тепасига чиқиш учун нарвон ёки арқон ва шунга ўхшаш нарсалар бўлмаса, у тоғнинг тепасига от билан боришнинг ҳеч иложи йўқ эди. У тоғда бир тор ва илонизи йўлдан бошқа ҳеч қандай йўл йўқ. Дара атрофининг торлигидан на сипоҳ тушириб, на чодир ўрнатиб бўлади.

Шу боис гуржийлар у ерда қалъа қуриб, фароғатда ўтирибдилар. Уларнинг Назол исмли кутволи ҳам бор ва улар кўп нарсаларни захира қилиб ғамлаб қўйган. Шунингдек, бу қалъани фатҳ этишнинг ўзига хос йўли узоқ муддат қамал қилиндир.

Амир Темур Гурагон бу сўзларни эшитгандан сўнг Картин қалъасини тасхир этишга бел боғлади. Халқ унинг қатъий қароридан ғоятда таажжубга тушди, чунки катта лашкар билан бориб ул қалъа атрофида туришнинг имкони ва озгина сипоҳ

¹ *Картин* — Грузия марказий қисмидаги ўлка, ҳозирги Картли.

² *Абхоз* — ҳозирги Абхазия.



билан бу ёғий вилоятида қалъа аҳлининг захиралари тугагунча кутиш мумкин эмас эди.

Алқисса, 807 йил муҳаррам ойининг ўн тўртинчиси жума куни¹ ғалабаёр байроқ Каргин қалъаси узра соя ташлади ва қудратли аскарлар қамал ва ҳарбий ишларни бошлади. Ўша тоғ тепасидан ўқ ва тошлар худди баҳор булутидан қуйилган ёмғир қатралари сингари оқа бошлади.

Амир Шоҳ Малик ва бошқа амирлар музаффар байроқ Соҳибқирон фармонига биноан ул ўтиб бўлмайдиган қалъа рўпарасида икки-уч мустаҳкам иншоотлар қурдилар, токи бу йўл билан ғалабага эриша олмаса, жангчилар у ерда туриб, қамал қилишга киришадилар. Шундай қилиб бир ҳафта жанг-жадал билан ўтди. Мазкур ойнинг йигирма биринчиси жума кечаси² Тикрит³ қавмидан Беккичик исмли тоғ устида юришга моҳир бир киши қалъанинг жануб томонидаги тош устига чиқди ва яширин равишда қалъа деворига ўтди, бир бош эчки олиб, ўша тош устига олиб чиқиб белги сифатида сўйди ва орқага қайтди.

Гуржийлардан ҳеч бири бу ҳолдан хабар топмадилар. Эртаси куни саргузаштини салтанат тахти пойида баён етиб, қалъани фатҳ этишга ишора қилди. Ипак ва арқондан бақувват танобларни эшдилар. Ёғочларнинг бир бошига таноб ва иккинчи бошини бошқасига мослаб нарвон ясадилар. Баён қилинган нарвоннинг нариги томонини мустаҳкамлаш ҳамда ботирлардан бир қанчаси у тоғ устига кўтарилиши учун аввал тўрт киши осилиб турган тоғ устига чиқсин деган ҳукм бўлди.

Ҳукмга биноан мазкур ойнинг йигирма учинчиси якшанба кечаси⁴ жангчилардан элик икки киши ўша тоғнинг устига чиқди. Эрта тонгда шарқ уфқида нурли қуёш шуълалари нур сочган пайтда кўнгли қора гуржийлар ғафлат уйқусидан уйғондилар.

Аввалги элик икки аскар таркибида бўлган хуросонлик баҳодирлардан бири беихтиёр овоз чиқариб, «Аллоҳу акбар» деб

¹ 807 йил ўн тўртинчи муҳаррам – 1404 йил 23 июль.

² Мелодий 1404 йил 30 июль.

³ Тикрит – Ироқнинг марказида, Дажланинг ўнг соҳилидаги шаҳар.

⁴ Мелодий 1404 йил 1 август.





такбир айта бошлади. Маҳмуд Карнайчи карнайни чала бошладди. Гуржийлар эса хаёлига ҳам келмаган бу ишдан воқиф бўлиб, саросимага тушиб, зарурат юзасидан қўлини қурол-яроққа чўздилар.

Ул томондан жаҳонгир амир отига миниб, замон ботирларидан бир гуруҳи билан қалъа девори тагига шошилди. Жангчиларга юқорига кўтарилишга буйруқ берди. Улар фармонга биноан амал қилиб, юқорига кўтарилдилар. Картин гуржийлари эса ҳайрон бўлиб қолдилар, бу халқдан ўзини ҳимоя қилишга киришсинми ёки уларга қараб тоғ тепасидан келаётганларни даф қилсинми, билишмасдилар. Жангчилар учун ғоятда мушкул аҳвол юзага келди.

Охири дин мужоҳидлари гуржийлар устидан ғалаба қилдилар ва қалъани фатҳ этишга киришдилар. Қалъа кутволи Назол эса қўлга тушди. Бошқа бадқирдор дўстлари билан дўзахга равона бўлди. Уларнинг черковлари вайрон қилиниб, ул диёрда шарафли шиорлари зоҳир бўлди.

Амир Темур Гурагон эса Беккичик ҳамда тоғ тепасига чиққан барча баҳодирларни инъом ва эҳсон билан тақдирлади. Бахтиёр ва кўксини кўтариб, байроғини ҳилпиратиб Абхоз томонга кетди.

Амир Шайх Нуриддин ва Амир Шоҳ Маликни бошқа музаффар байроқ амирлар билан манглай қисм сифатида аввалроқ жўнатди. Улар ул диёр атрофини босқин қилдилар, улардан кўпларини несту нобуд қилдилар. Гуржийларнинг монастир ва маъбудаларини ер билан яксон қилдилар.

Малик Гурген аҳволнинг шу даражага етганлигини кўриб тушундики, агар ҳумоюн мавкаби Абхозга кирса, у ерда битта ҳам насроний ва армани тирик қолмайди. Шунинг учун гапга моҳир элчиларни тавба-тазарруномалар ва жуда мўл ҳадялар билан саодатли ошиён оstonасига жўнатди ҳамда омонлик тилаб, жизя ва хирож тўлашни ўз зиммасига олди.

Амир Темур Гурагон аввал унинг илтимосини қабул қилмай рад қилди. Аммо ислом уламолари арз қилдиларки, ҳар доим бу тоифа жизяни ўз гарданига олса, уларнинг мамлакатига тажовуз қилиш шариат юзасидан жоиз эмас.





Ҳазрат Соҳибқирон бу юришда мавкаб мулозими бўлган Амир Шайх Иброҳим Ширвонийни мамнун қилиш мақсадида «Сен учун Гургеннинг гуноҳларидан кечдим» деди.

Гурген элчилари қайтишга рухсат олиб, бу хабарни унга тезроқ етказишга ҳаракат қилдилар.

Бир неча кундан кейин, ҳумоюннинг исми ва лақаби шарафига битилган минг ашрафий¹ пулни, минг от, жуда кўп нафис матолар, мол-мулк, тилла ва кумуш идишлар, биллур ва ўн саккиз мисқол вазндаги чиройли рангли бир бўлак лаълни ҳадя сифатида олиб келдилар ва жияни ўз зиммаларига олдилар.

Амир Темур Гурагон уларга хилъат бағишлади, улар эса қайтишга рухсат олдилар. Сўнг ҳазрат Соҳибқирон ул диёрдан қайтиш байроғини баланд кўтариб, Кура дарёсидан ўтиб икки манзил юрган эдики, унинг ёдига Байлақон шаҳрида қурадиган иморат тушиб, Аррон Қаробоғига қараб юрди.



АБХОЗДА ЮЗ БЕРГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ



Куз мавсуми келиб ёғингарчилик ва совуқ кунлар бошланганди. Булут сахий кафтидек гоҳ кумуш, гоҳ гавҳардек томчилар ёғдирарди.

Ниҳоят даражада вайрон бўлган Байлақон шаҳри таъмири ул адолат ва хайр-саховат ишлар асосчиси фикрига келди. Муҳандислар ва меъморлар унинг тарҳини девор, хандақ, тўрт бозор, уйлар, масжидлар, ҳаммом ва иморатлардан иборат қилиб чизиб, атрофини ип билан ўлчадилар ва шаҳзодалар ҳамда амирларга бўлиб бердилар. Улар бу ишга жиддий эътибор бериб, жангчилар эса жон-жаҳди билан ишни бошладилар. Иқтидорли султонлар қийинчилик билан бир йилда амалга ошира оладиган иш, ҳумоюннинг доимий эътиборида бўлганлиги туфайли бир ойда тамом бўлди.

¹ Ашрафий – Хондамир даврида Эрондаги пул бирлиги.



Жалол ал-Исломнинг укаси Баҳром Байлақон шахрини муҳофаза қилишга тайин этилди. Ўша айёмда савобли ишларни амалга ошириши шундай ишни тақозо қилдики, Аракс дарёсидан бир суғориш анҳори қазиб чиқилсин ва унинг суви Байлақондан ўтиб, бу ноҳияни сувга сероб қилиб, фарвонлигини ошириш мумкин бўлсин.

Шаҳзодалар ва амирлар бу муҳим ишни битиришга жиддий киришдилар, кўп ўтмасдан беш-олти фарсах узунликдаги ва эни ўн беш газ¹ бўлган анҳор тайёр бўлди.

Ўша пайтда Байлақон ери ғалабалар хабарини етказадиган ахборот маркази эди. Эрон ва Турон мамлакатлари ашроф ва аъёнлари Румнинг фатҳ этилишини табриклаш ҳамда марҳум саид шаҳзода таъзияси учун жаҳонгир Соҳибқирон ўрдусига келган эдилар. Ҳар куни жаҳонгир мажлиси покиза донишманд ва фозил уламолар ташрифи ва ҳузуридан ёрқинлашар ҳамда нозик масалалар ва гўзал ҳикоятлар нақл қилинар эди.

Бир куни суҳбат адолатли подшоҳларнинг одиллиги, хайру саховати ва унинг улуғлиги ҳақида бўлган эди, Амир Темур Гурагон суҳбат мавзусини давом эттиришни истамади. Шунинг учун уламолардан вилоятлар аҳволи, ҳокимлар ва доруғаларнинг маданий-маиший аҳволи ҳақида сўради. Уларнинг ҳар бири ўз мамлакатининг яхши ва ёмон, хайрли ва ёвузликлари ҳақида билганларича гапириб бердилар.

Амир Темур Гурагон аввал эски аҳвол ва ҳолат тартибсизликларини яхшилаш билан шуғулланиб, халқ ва қўл остидагилар ҳолини фаровонлашга жиддий саъй-ҳаракат ва аҳамият берди. Шу билан бирга ўша пайтда хўжастасифат Соҳибқирон зоҳид ва тақводорларни кўпайтириш учун мумтоз ва мустасно бўлган дарс ва фатво саҳобаларидан бир гуруҳини диёнат аҳли билан қўшиб, улардан ҳар икки кишини ҳокимлар ишларини таҳқиқ қилиб, мазлумлар ҳақини золимлардан тортиб олиш ва ситамкорларни қилмишига кўра жазога тортиш учун ўз мамлақати бўйлаб сафарбар қилди.

¹ Газ — ўлчов бирлиги, 49 см. га тенг.



Ўша замон воқеаларидан бири шу эдики, Самарқандда яшаётган амирзода Умар ибн Муизиддин Мироншоҳ Мирзони мухрланган фармон асосида ҳузурига чақириб, 806 йил жумодилаввалнинг биринчи жума куни¹, у остона ўпиш шарафига муяссар бўлган эди. Шаҳзодани чақирришнинг сабаби шу эдики, Озарбайжон мамлакати ва унинг теварак-атрофидаги ҳудудлардан бож ҳақини ундириш унга топширилди.

Воқеалардан яна бири шуки, ўша пайтда Шерозда адолат тизимини ўрнатмаган Мавлоно Қутбиддин Қурумий садр жазога тортилиб, маҳбус этилди.

Мақтовга лойиқ Соҳибқирон инсоф қўли билан унинг эътиборли ҳисобварағини ёзиб қўйган эди. Ўша пайтда нусратнишон қўшин Румга кетаётган эди. Ҳазрат Соҳибқирон Мавлоно Қутбиддинни Шероз молини сақлаш ва у вилоят даромадини ҳисоблаш учун тайин этган эди. Жаноб мавлавий у ерга бориб, совға ва ҳадя баҳонаси билан уч юз минг динор кепакий маблағни оддий аҳоли ва ҳурматли кишилардан ундириб олган эди. Ўша пайтда Форсдан келган Мавлоно Соид бу хабарни етказди. Шайх Дарвиш Илоҳий ул жанобни душоха² ва оёғига кишан солиб Шерозга олиб боришга ҳукм қилди ва маблағни ундан охиригача тўлатиб, ўз эгаларига етказиб берди. Унинг навқари Арғун эса халққа зўравонлик қилгани учун халқумидан ошишга ҳукм этилди. Шайх Дарвиш ҳукмга биноан Шерозга жўнаб мақсадга етгач, биринчи бўлиб Арғунни дорга осди. Жума куни Шерознинг эски Жоме масжидига жуда кўп одам тўпланган эди. Мавлоно Қутбиддинни офир минбар пойига темир кишан ва ёғоч душохага солинган ҳолда келтирдилар. Мавлоно Соид минбар устига чиқиб, ҳазрат Соҳибқироннинг адолати ва хайри эҳсони ҳақида қисқача гапирди ва Хожа Имод Фақиҳнинг³ байтини жиндай ўзгартириб шундай ўқиди:

¹ 806 йил биринчи жумодилаввал – 1403 йил 16 ноябрь.

² Душоха – жиноятчининг қўл ва калласи солиниб, тик туришга мўлжалланган ёғоч жазо қуроли.

³ Фақиҳ – мусулмон шариат қонуншуноси.





Мамлакат хароблигин шоҳдан билмагин зинҳор,
Доно эл биладики: Мавлонодир гуноҳкор.

Теварак-атрофдан адолатли подшоҳ ҳақиға дуо ва ҳамду санолар ёғилиб кетди ҳамда яқин-узоқда шоду хуррамлик ва хушчақчақлик борган сайин кучайиб борди.

Шайх Дарвиш икки ой ичида уч юз минг динор кепакий маблағни кам-кўстсиз қозилар ва ишончли кишилар гувоҳлигида ўз эгаларига етказиб берди.

Пир Муҳаммад Мирзо ибн Умаршайх бўлса Мавлоно Қутбиддиндан кишанни олди. Уни Самарқанд томон жўнатди. Тақводор ва одил подшоҳ Байлақон шаҳрининг таъмиридан фориф бўлгач, қишлаш учун Аррон Қорабоғига жўнади. Хумоюннинг ҳукми кучга кириб, вилоятларнинг кўпгина амирлари ва шаҳзодалар қурултойга ҳозир бўлдилар.

Шу пайтда хуфиялар қудратли Соҳибқиронга унинг ҳукмига биноан Ферузкўҳ ва Демованд волийси Искандар Шайхий ибн Афросиёб Жаллобий қаршилик кўрсатиб ва исён кўтариш хаёлидадир, деган хабарни етказдилар.

Дарҳол «Амирзода Рустам ва Амир Сулаймоншоҳ бу ишга лойиқ сипоҳ билан у ёққа жўнасин!» деган бажарилиши вожиб фармон кучга кирди. Амирзода Рустам ва Амир Сулаймоншоҳ фармонга биноан жўнаб кетишди. Ўша пайтда Андхуд томондан Саййид Бараканинг авлоди бошлиғи ва Мовароуннаҳр минтақасидан Термиз хонзодалари ҳамда ислом шайхлари Хожа Абдулла, Хожа Асоиддин, Хожа Афзал Кеший, Кешнинг Шайхулисломининг ўғиллари Хожа Абдурахмон ва Хожа Абдулҳамид хумоюн ўрдуга келдилар. Муҳаммад Султон Мирзо таъзияси маросимини ўтказдилар.

Тоғли ноҳиядаги Дайлам маликлари ва Гилон шаҳриёрлари шу вақтга қадар келмаганлари учун, улар тухфа ва ҳадялар жўнатиш билан чекланган эдилар, шу пайт юқоридан бўлган ишора билан, амирзода Шоҳрух ва Амир Жаҳоншоҳ, Амир Шайх Иброҳим Ширвоний, Саййид Хожа, Рустам Тоғай Буғо сингари амирлар Гилон томон равона бўлдилар. Улар Қизил Ёғоч¹ деган

¹ Қизил Ёғоч – Гилоннинг шарқидаги мавзе.





жойга етгач, Гилон ҳукмдорлари хирож сифатида катта маблағ юбордилар. Жаноб Муртазавийнинг қариндоши Амир Саййид Ризо Киё эса гилонликларнинг буюк ҳукмдорлари жумласидан ҳисобланган Амир Муҳаммад Рештий билан биргаликда салтанат тахти пойига шошилдилар.

Улар келтирган бож ва хирожлар ҳурмат билан қабул қилинди. Ва ҳар йили шариат қонунига биноан ўн беш минг ман¹ ипак, етти минг от, уч минг қорамол топширишга келишилди. Камтарликда беқиёс Соҳибқирон уларни маъқул топди ва шу жумладан нимаики келтирилса унинг ярми Саййид Амир Ризо Киё ва Амир Муҳаммадга ўтказилсин ва бошқа ярми инъом деб қабул қилинсин. Ва Гилондан келтирилган мол-мулкнинг учдан бири озод қилинсин деб ҳукм этди. Саййид Ризо Киё ва Амир Муҳаммад рози ва миннатдор ҳамда мағрур ва фахр билан ўз диёрига қайтиб кетди.

Ана шундай вазиятда Амир Саййид Барака зоти шарифлари бу... оламдан жаннат боғига сафар қилдилар. Шунинг учун ҳумоюннинг хотирлари маҳзун бўлиб, марҳумнинг жасадини Андхудга олиб бориб, омонат тарзда дафн қилишга ҳукм қилди.

Қорабоғ воқеаларидан яна шуки, тожбахш Соҳибқирон Ҳамадон, Неҳованд, Буружерд ва Кичик Лур мавзеи божини амирзода Искандар ибн Умаршайхга иноят қилди.

Шу қишнинг охирида Мардин ҳокими Султон Исо яна бир марта виқорли Хусрав хизматига ҳозир бўлиб, амирзода Або Бакрга унаштирилган муҳтарама ниҳолни ўзи билан бирга олиб келди.

Муборак рамазон ойи бошлангани ва шаҳзода Муҳаммад Султоннинг вафот этганлигига бир йил тўлиши муносабати билан «вожиб ал-имтисол»² асосида фақир ва мискинларга амирлар ва давлат арконлари тартиб билан ош ва таомлар беришга киришдилар. Бу мажлисни Қуръон қироати билан бошлаб илоҳий амалларни бажаришга даъват билан тугатдилар.

¹ Ман – оғирлик ўлчови бўлиб, Эроннинг ҳар жойида турличадир: Табриз мани 3 кг яқин, Шоҳ мани, Рай мани 12 кг. га яқин.

² «Вожиб ал-имтисол» – мамлакатга тобе барча вилоят фуқаролари ва ҳарбийлари бажариши шарт бўлган буйруқ.



Хонзода рухсат олиб Султонияга кетди. У ердан марҳум ўглининг жасадини Самарқандга кўчириб кетиши керак эди.

Бундан ташқари ўша кунлари жаҳонгиршоҳ шиор қилиб, атрофдаги улуғлар ва аслзодаларга туҳфа ва инъомлар улашди ва улар рухсат олиб, бу дуоғўй ва санохонлар ўз юртига равона бўлдилар.

ЗАФАРЁР ҚЎШИННИНГ ЮРИШИ, ЭЛХОН МАМЛАКАТИНИНГ АМИРЗОДА УМАРГА ТОПШИРИЛИШИ ЗИКРИ

Жаҳонгир Хусрав қиш мавсумини ўша ерда охирига етказиб, қишлаган юртидан муборак рамазон ойининг ўн тўртинчи куни¹ Аракс дарёсидан ўтиб, Барлос шаҳрига қарашли Неъматобод қишлоғини яхшилиқ аломати сифатида ҳиммат билан муқаррам қилди.

Шоҳрух Мирзо Гилондан қайтиб келиб ҳумоюн мавкабга қўшилди. Шу билан бирга ўша пайтда шонли даргоҳ ходимлари подшоҳона тўй ва хусравона байрам уюштирдилар.

Мазкур ойнинг йигирма бешинчи якшанба куни² музаффар Соҳибқирон Ардабил атрофида Ироқи Ажам, Озарбайжон, Аррон, Муғон, Гуржистон, Армания ва уларга тааллуқли ерларни амирзода Умар ибн Мироншоҳ Мирзога топширди ва ҳумоюн қизил тамғаси билан муҳрланган жаҳон ёрлиғини шаҳзодага инъом қилиб, олий фармон билан Форс ва Ироқайн³ ҳокимлари амирзода Умарнинг чақирғига тайёр бўлиб туришини, улуғ амирлардан Амир Жаҳоншоҳ Жоку, Амир Рустам, Амир Мусо, Амир Тўкал Ёдгор Барлос ва Жунайд Бурулдаини унинг хизматига тайинлади. Шунингдек, алоҳида тайинладики, мамлакат ишларини ҳал этиш, шартномалар тузиш, тилхат бериш ва ҳудудни кенгайтириш масалаларини Амир Жаҳоншоҳнинг салмоқли сўзлари ва узоқни кўзловчи ақли билан амалга ошир-

¹ 806 йил ўн тўртинчи рамазон – 1404 йил 26 март.

² 806 йил йигирма бешинчи рамазон – 1404 йил 6 апрель.

³ Ироқайн – икки Ироқ, яъни Ироқи Араб ва Ироқи Ажам.



синлар. Шаҳзоданинг қулоғига зарур ва лозим пандлар, фойдали насиҳатларни қуйди ҳамда адолат ва инсоф билан иш юритишни қайта-қайта тайинлади.

Шундай қилиб, шаҳзода Умар Мирзонинг қобилиятли қомати тож ва хос хилъат ҳамда зийнатланган камар билан оройиш этилди ҳамда безатилган тилло эгарли от инъом этилиб, у Олатоғ яйлови томон чопиб кетди.

Шунингдек, вилоятнинг бошқа ҳокимлари ҳам фахрли хилъатлар, кўп совға-саломлар билан сийландилар ва ўз манзилларига келдилар.

Амир Темур Гурагон Дарё ноҳияси билан машҳур бўлган Оғлақ дарёси соҳилини ҳумоюн мавқаб тўхтайдиган манзил қилди.

**АМИРЗОДА РУСТАМ ВА АМИР
СУЛАЙМОНШОҲДАН ИСКАНДАР
ШАЙХИЙНИНГ ҚОЧИШИ ҲАМДА
МУЗАФФАР СИПОҲ КЕЛГАНДАН KEYIN
ФЕРУЗКЎҲ ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲ
ЭТИЛИШИ ЗИКРИ**



Аввал хабар берилганидек, амирзода Рустам ва Амир Сулаймоншоҳ Искандар Шайхийга қарши маълумотни текшириш учун Рай шаҳрига борди. Улар мақсадга етиб боргандан кейин билдиларки, ул кофир олийгавҳар Соҳибқирондан руҳсат этилган неъматни олиб, сўнг пешонасига исён белбоғини боғлади. Ферузкўҳ қалъасини мустаҳкамлаб, ўз ўғлини Мозандаронлик бир тўда кишилар билан у ерга қўйиб, ўзи эса Жилов ва Рустамдор Кўҳистонига қочиб кетди. Шунинг учун амирзода Рустам ва Амир Сулаймоншоҳ Қум, Кошон, Ова ва Сова каби шаҳарларнинг пиёдаларини йиғиб, Искандар орқасидан Рустамдорга шошилиб кетди. Нур қалъасидан чиқиб келиб ўзларига қўшилган Малик Каюмарсни олиб, Искандар Шайхий олдига жўнатдилар. Ва унга «Сенинг душманингни жазолаб юбордик, чунки ўз аҳволингни, бизга нисбатан кимлигинг-





ни билиб мулозиматга келишинг керак», деб хабар юбордилар. Искандар эса Малик Каюмарсни озод киши деб билиб, унинг гапларига ишонмади. Қалин ва сердарахт тоққа бориб яширинди. Уларга оид бу воқеалар жараёнини амирзода Рустам ва Амир Сулаймоншоҳ Оғлақ дарёси бўйида Амир Темур Гурагонга етказди. У дарҳол Хуросон томон чопар жўнатди ва Амир Музроб Жоку тезда Сори ва Омул йўлига Искандарга қарши азму жазм қилсин, деб фармон берди ҳамда ул ҳумоюн фармон кучга кирди.

Амирзода Искандар ва амирзода Шох Малик дарҳол Миёна ҳудудидан Рай томонга равона бўлдилар. Ул ҳазрат Оғлақ дарёси бўйидан қўзғолиб, зафарли байроқ сояси Сарчашм мавзеига ташланди. У ердан ҳам кўчиб, шаввол ойи йигирманчисида¹ Султония шаҳри қудратли байроқ ўрнатиладиган жой бўлди. Қазвин саҳроси зафарёр аскарлар чодирлари ўрнатилган жой бўлгани учун бирини қўйиб, бирини миниб икки от билан Бағдоддан келган амирзода Або Бакр тўққиз кунда ўша манзилга етиб келди ва бобосининг қўлини ўпиш бахтига муяссар бўлди.

У Сароймулкхоним ва Амир Шайх Нуриддин орқали отаси амирзода Мироншоҳ ўзи билан бирга Бағдодда бўлишини илтимос қилди. Унинг илтимоси қабул қилиниб, дарёдил Соҳибқирон тўрт юз минг динор кепакий нақд пул, уч юз уч бош отни Мироншоҳ Мирзога бахш этди ва уни ёнига олиб, тантанали равишда кетишга рухсат берди.

Соҳибқирон амирзода Або Бакрга кетаётган пайтида хизматлари учун икки юз бош от, юз минг динор кепакий ва юз ҳашамдор либос инъом этди. Ва тезроқ бориб Искандарни даф қилиш ва амирзода Рустамга қўшилишни тайинлади.

Орқадан бошқа лашкарлар етиб келганлиги боис, бажарилиши шарт бўлган фармон содир этилди, улар Искандарнинг орқасидан тушишди. Улар ўрмонзорда дарахтларни йиқитиб ўзларига йўл очиб, Искандарни излар эдилар.

¹ Мелодий 1404 йил 1 май.





Ҳумоюн мавкаби зулқаъда ойининг тўққизинчиси душанба куни¹ Ферузкўҳга² етиб келди. Ғалабакор аскарлар таърифлашга эҳтиёжи йўқ бу машҳур қалъани худди узук кўзидек қамалга олдилар, уруш оловини ёқиб, ўқ ва тош отишга киришдилар. Қалъа аҳлининг зафарёр сипоҳ сиқуvidан қўл-оёғи бўшашиб, одил Соҳибқироннинг шарофати билан ўз айбларини афв этишга муваффақ бўлдилар. Искандарнинг ўғли ўз аъёнлари билан осмонўпар қалъадан авжи ғурур билан чиқиб, мазкур ойнинг ўнинчи кунида саодатманд ошиён остонасига келди. Амир Темур Гурагон уларнинг аҳволи саҳифаси узра мурувват ва сабр-чидам хатини тортди. Ферузкўҳ кутволи вазифасини Амир Зангий Тунийга топширди.

Шу аснода қаро тотор қавмидан бир бўлаги Дамғон атрофида ўз аҳдини бузиб, исён кўтарди, уларни кўчиришни ўз зиммасига олган Тангри Бермишни ярадор қилиб қочди. Бу хабар бошқа бўлимларга етиб бориб, улар ҳам шундай йўл тутдилар.

Севинчак Баҳодир, Амир Шамсуддин Аббос, Аталмиш, Шоҳ Вали ва бошқа у ишга масъул амирлар уларнинг орқасидан таъқиб этиб, кўп халқни ҳалок этдилар. Бу қавм тоифасидан қочганлар асоратга гирифтор бўлиб, уларнинг мол-мулки вораг ва талон-торож бўлиб кетди.



СОҲИБҚИРОННИНГ ИСКАНДАР ОРҚАСИДАН БОРИШИ ЗИКРИ



Амир Темур Гурагон Ферузкўҳни фатҳ этганидан сўнг олий ҳукмдорлар ва ҳумоюн ўғруқни Самарқанд томон жўнатиб, Искандарни даф этиш учун йўлга тушди. Йўл асносида Шоҳрух Мирзонинг тоби қочганлиги туфайли Ҳирот томон равона қилди.

Ҳазрат Соҳибқирон зулқаъда ойининг йигирманчиси жума куни³ Жиловга⁴ етиб келиб, Искандар ва қариндошлари Жаҳан-

¹ Мелодий 1404 йил 19 май.

² Ферузкўҳ – Мозандарон тоғидаги мустаҳкам қалъа.

³ Мелодий 1404 йил 30 май.

⁴ Жилов – Мозандарондаги қалъа.



нам дарага қочганлигидан дарак топди. Бу тоғ йўли ниҳоят даражада тор ва сердарахт бўлишдан ташқари, у ерда доим ёгингарчилик бўлади. От сузиб ўтиб бўлмайдиган катта чуқур сув даранинг ўртасидан ўтади, шунинг учун бу қийинчилик билан ўтадиган дарани Жаҳаннам дара деб бежиз айтишмаган.

Алқисса, машҳур Соҳибқирон Искандарнинг орқасидан дарага кирди ва мазкур сувга етгандан кейин маълум бўлдики, Искандар сувдан ўтиб, кўприкни бузиб кетган экан.

Шубҳасиз, Соҳибқирон кўприк қуришга амр этди ва фармонга биноан амал қилган эдилар, мазкур ойнанинг йигирма учинчиси душанба кунида¹ биринчи бўлиб қоровул қисмдан қирқ баҳодир ўша кўприқдан ўтдилар, уларнинг орқасидан эса Юсуф Барлос, Саййид Хожа, амирзода Султон Ҳусайн ва Шайх Нуриддинлар ҳам ўтдилар. Улар Жаҳаннам дара тоғининг тепасига чиқиб, ўрмон дарахтларини афдариб йўл босар эдилар. Бу зимзиё зулматда ҳаёт суви ўрнига Искандарни излар эдилар.

Мазкур ойнанинг йигирма олтинчиси пайшанба куни² қоровуллардан Шоҳ Малик Барлос, Садр Барлос ва бошқалар Искандарга етдилар. Улар йигирма кишидан кўп эмас эдилар, Искандар ҳамроҳлигида эса икки юз пиёда ва ўттиз отлиқ бор эди. Шунинг учун ниҳоятда ўзини шижоатли ҳис қилиб, Рустами Достонни ҳам отининг жулини ёпувчи деб ўйларди.

Юсуф Барлос, Сайфулмулк Ҳожи, Абдулло Аббос унинг орқасидан етиб бориб, Искандарнинг ўрдасини ғорат қилдилар. Бошқа томонга шошилиб кетаётган Амир Севинчак тўсатдан Искандарнинг амакиваччаси Лухросб ва унинг бошқа ўзига яқин одамлари билан дуч келиб қолиб, ҳаммасини асирга олди. Амирзода Султон Ҳусайн ва Саййид Хожа қоровуллардан олдинга ўтиб, Қулзум денгизи бўйида Искандарга етиб бордилар. Ниҳоят даражада қаттиқ ва катта жанг бўлиб ўтди. Искандар яна бир марта мағлуб бўлиб, озгина кишилар билан Гилон томон қочди. «Зафарнома»да ривоят қилинишича, бошқа ундан ҳеч хабар топилмади.

¹ Мелодий 1404 йил 2 июнь.

² Мелодий 1404 йил 5 июнь.



Амирзода Султон Ҳусайн эса амирзода Рустам, амирзода Або Бакр ва бошқа юборилган амирлар билан қўшилиб, биргаликда Қулзум денгизи соҳилидан уч фарсах Гилон томон юрдилар ва отдан тушдилар. Ўша манзилда фармонга мувофиқ Хуросон қўшини билан Омул ва Сорига келган Амир Музроб Жоку улар билан учрашди. Улар яна бир марта ўрмон шерларидек ўрмонга кириб Искандарни қидирдилар, аммо ундан ҳеч хабар топмагач, олампаҳо даргоҳига қайтиб келдилар ва бўлган воқеани сўзлаб бердилар.

Амир Темур уларни койиди ва танбеҳ берди ҳамда уларни Гилон томон жўнатиб, нима бўлса ҳам Искандарни топиб қўлга туширишга ҳукм этди. Чунончи, «Зафарнома» ва «Матлаи саъдайн»да¹ ёзилишича, улар бир кеча-кундуз ўрмон ва сув-лой ичида саргардон бўлиб юрдилар, аммо Искандарни топа олмадилар. Сўнг ҳумоюн мавкабга қайтдилар.

Аммо Саид Заҳир ўзининг «Тарихи Табаристон»да баён қиладики, илғор қисмда борган амирлар осмондек кенг қудратли Соҳибқирон мулозиматига қайтдилар ва Искандарнинг йўқолганлигини арз этдилар. Ул ҳазрат уларга дарғазаб бўлиб, «Агар уни қўлга туширсангиз албатта сиёсатга тортаман», деб қасам ичди.

Амирлар мажбуран яна йўлга тушиб, Танкабун вилоятига кирдилар. Ва ўша пайтда шу ҳудуднинг ҳокими Саид Ҳоди Киё олдига бир вакил жўнатиб, у орқали «Агар сенинг мамлакатингга тажовуз қилинмасин десанг, Искандар Шайхийни топиб, бизга топшир!» деб хабар жўнатди.

Саид бу сўзларни эшитганидан сўнг «У кишини танимайман ва билмайман, — деб қасам ичди, — аммо бу вилоят ўрмонларининг баъзи ерларида у саросима ва ҳадиқда юрибди деб эшитаман. Яхшиси шуки, сиз Намкоруд соҳилида тўхтасангиз, мен бир киши юбориб, уни топиб ушлайин». Шунда Саид Ҳоди Киё аҳолининг жасурларини Искандар Шайхийни топиш учун ўрмонга юборди. У жамоанинг сардорини Ҳазорасп Муҳаммад дейишарди.

Саид Заҳир ёзадики, мен ҳазрат Муҳаммадни кўрганман ва ундан эшитганман. Биз ўрмонда Искандарни излаб юрган пай-

¹ Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»си ва Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» асарлари назарда тутилмоқда.





тимизда бизнинг олдимизга икки нафар мазандаронлик ва икки бола келиб, егулик сўради. Улар тайёр овқат бор эди, едилар-да ўрмонга кириб кетдилар.

Саиднинг лашкари дарҳол ҳаракат қилиб, ўша ёққа юрдилар. Искандар бу ҳолатни кузатиб турган эди, ҳар икки болани ўлдирди, болаларнинг онаси нола қилиб йиғлаган эди, уни ҳам ҳалок этди, ўзи эса бир навқар билан бир дарахтнинг тагига бориб ўтирди. Шу пайт Саид Ҳоди Киёнинг сипоҳлари етиб келдилар. Искандар эса уларни найза билан ярадор қилди, аммо улар кўпчилик билан ташланиб, унинг ишини ўша ердаёқ ҳал қилди. Бошини узиб Саид олдига олиб бордилар, Саид эса у бошни Соҳибқироннинг ўрдусига етказди.

«Зафарнома» муаллифининг ёзишича, Искандар аслида Бижан ибн Киё наслидан бўлиб¹, жанг майдонида Рустами Достон билан гўё мусобақа қиларди. Шунга қарамай, унинг ҳоли ана шундай маҳзун тугади, чунки ажал вақти келса бу паҳлавонликлардан ҳеч қандай наф йўқ.



ҲОКИМИ МУТЛАҚ СОҲИБҚИРОННИНГ ТЕЗЛИК БИЛАН САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ТОМОН ОТЛАНИШИ ЗИКРИ



Жаҳоний саркарданинг кўнгли Искандар ташвишидан тинчигач, Жаҳаннам дара дарёси бўйидан Калора водийсига² чиқишга шошилиб, ўша манзилда Тибетда тарбияланган Амир Саййид Али ибн Саййид Камолиддин ибн Саййид Қавомиддинга Омул вилояти³ ноҳиясини берди.

Сўнг тезлик билан Мовароуннаҳрга қараб юрди. Икки Ироқ ва Озарбайжон шаҳзодалари ва ҳукмронлари руҳсат олиш шарафига эришдилар.

¹ Қаранг: Яздий. Зафарнома, 91-бет.

² Калора водийси — Биллон яқинидаги ўтлоқ ер.

³ Омул шаҳри ва вилояти инъом қилинган Саййид Али Тибетда эмас, Мазандаронда отаси Саййид Камолиддин ҳузурда тарбияланган.





Амир Севинчакни амирзода Або Бакрга мулозим, Амир Саид Барлосни Рустам Мирзога ҳамроҳ қилиб Исфаҳонга жўнатди.

Жаҳонгир Соҳибқирон зулҳижжанинг йигирма учинчиси сешанба куни¹ Ферузкўҳга қараб йўл олди. Олий мартабали Соҳибқирон Амир Сулаймоншоҳни Рай ва Ферузкўҳга тайинлади ҳамда тилладўзи хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган қалпоқ билан сийлаб, ижозат берди.

807 йил муҳаррам ойининг биринчиси чаҳоршанба куни² Нишопурдан ўтиб Жайхун дарёси соҳилига шошилди. Шу манзилда Шохрух Мирзо унинг хизматига етиб келди, подшоҳона совғалар қўйилди. Уша куни ҳумоюн мавкаб саодатманд ва бахтиёр Мурғоб дарёси бўйига саф бўлиб етиб келди. У ерлик аҳоли Чечакту³ доруғасидан шикоят қилдилар. Уни қатл этишга ҳукм этилди⁴.

Галабаёр қўшин тез суръатлар билан йўл босиб, Термиздаги Амуя кечувидан ўтдилар. Хонзода Алоулмулк Термизийнинг уйи ҳумоюннинг қўноқ жойи бўлди. Хонзода эса тўй лавозимлари ва совға-саломларни тақдим этди.

Жаҳонгир Соҳибқирон у ердан Кешга бориб, Оқсарой яхшилик аломати сифатида жаҳонни безовчи энг афзал ва кўм-кўм осмондек бўлди.

Қаротўба боғи салтанат байроғи ўрнатилган жой бўлгани боис Самарқанд саййидлари, қозию қузотлари, улуғлари ва аъёнлари унинг қўлини ўпиш шарафига муяссар бўлиш учун бу ерга келишди. Ундан сўнг Қаротўба боғи қасридан тандаги жон ва бадандаги руҳдек Самарқанднинг «Боғи Чинор»ига кириб бордилар. Муҳаммад Султон Мирзонинг қуриб битказилган мадрасасига келдилар, чунки уни ҳали кўрмаган эдилар. У ердан зиёрат шартларини бажо келтириб «Боғи Чинор»га қайтдилар. Хурсандчилик ва вақтичовлик гиламини ёйиб, муттасил маишат қилдилар.

¹ Мелодий 1404 йил 2 июль.

² 807 йил биринчи муҳаррам — 1404 йил 10 июль.

³ Чечакту — Хуросонда Амударёнинг Керки кечуви яқинидаги қалъа.

⁴ Қалъа аҳолиси унинг доруғаси Абақ Телбадан шикоят қиладилар ва 1404 йил июлида унинг оёқлари тикилиб, улардан ип ўтказилиб, оёғидан дорга осилади (Яздий, «Зафарнома», 288-бет).





Шу аснода Дашт томондан Идику¹ элчиси келди. У шунқор келтирди ҳамда итоат этишлигини кўрсатди. Шунингдек, фаранг мамлакатлари ҳукмдорлари олдидан тождор Соҳибқирон остонасига чопарлар келиб, ифтихорли табриклар ва нодир тансуқотлар билан арз этдилар². Жумладан, нақш солиб тикилган пардалар бўлиб, унга ўхшашини ҳеч бир расом ҳаёлига ҳам келтирмайди. Унинг суратини Моний кўрса ҳайрон қолади.



БАХТИЁР СОҲИБҚИРОННИНГ ШАҲЗОДАЛАРНИ УЙЛАНТИРИШ УЧУН ТЎЙ ҚИЛИШИ ЗИКРИ



Саховатли жаҳонгир Соҳибқирон жаҳоннинг барча катта шаҳарлари ва ноҳиялари салтанат ошиён бандалари қўл остида бўлиши керак деб ҳисобларди. Хумоюннинг ҳумо куши бутун ер юзиде баландпарвоз бургут сингари мовий фазода иқбол қанотини кенг ёйди. Шунинг учун ўша пайтда етти йиллик урушдан қайтиб келиб, бир неча кун Самарқандда истиқомат қилди. Унинг олий хотирига жаҳонгир лашкарни Хитой томон олиб бориш ҳамда жиҳод ва ғазовот лавозимларини тайёрлаб, санам ва маъбудаларини вайрон қилиб, кофирларга қарши ғазо ўтини ёндириб, бошқа яна тадбирлар қўллаш келди.

Ул сафарга юришдан олдин хавф-хатарга сабаб бўладиган нарсаларни бажо келтиришни ҳамда баъзи шаҳзодаларни шоҳ қароргоҳидаги ифбатли қизларга уйлантиришни мўлжаллади. Бинобарин, фармоннинг кучга кириш жараёни содир бўлиб, тавочилар Эрону Турон теварагидаги аслзодаларга жар солиб, қурултойга чорладилар.

¹ *Идику* – бу ерда Идику Ўзбек (ёки Идику Манғит) назарда тутилади. 1395 йили Тўхтамиш Терекда Амир Темурдан қақшатқич зарба еганидан сўнг Литва ва Польшага қочганида Идику 10 йил, балки ундан ҳам ортиқ Олтин Ўрдада ҳукмронлик қилган ва рус солномаларига Едиген номи билан кирган.

² Руи Гонзалес де Клавихо бошчилигидаги Испания элчилари ва бошқалар назарда тутилаётир.





Чингизий насаб хусравзодалардан Тайзи Ўғлон ва Тош Темур Ўғлон бу тўйда Фазнидан амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир ва Хуросондан Шоҳрух Мирзо келишлари керак дедилар. Соҳибқирон ҳазрат уларга жавоб бериб, «Пир Муҳаммад келсин, аммо Шоҳрухнинг келиши мамлакатлар манфаатига мувофиқ эмас, чунки Ироқ ва Озарбайжон ҳукмдорлари унинг ўша ерда туришидан ботир бўлиб, қувват оладилар» деди.

Элчилар амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирни тўйга таклиф қилиш учун Фазнига жўнаб кетдилар. Тўй байрамлари саройда тартиб билан ўтиши учун барча икир-чикирлари назарга олиниб, ҳумоюн ҳукм содир этилди. Конибил мавзеи бу тўй учун маъқул кўрилди. 807 йил рабиулаввалнинг биринчиси якшанба куни¹ дарёдил подшоҳ, Конибилга борди. Эпчил ва чаққон фаррошлар ҳумоюн подшоҳга махсус жой қилиш учун тўртта шоҳона чодир кенг ва текисликка тортдилар ва икки юз кишилик чодирни нилуфар само билан тенглашадиган қилиб баланд кўтардилар.

Байт:

Осмонупар улкан чодирлар,
Тортидилар ой, қуёш қадар.

Ташқарисидан етти рангли, жумладан, нозик мовий рангли жун мато ва ичкарисидан фаранг баҳмали билан ўралган ўн иккита устун бўлиб, ипак таноблар кўмагида тортилиб ва рангли нақшинкор устунлар билан безатилган эди. Бунинг барисини бир ҳафтада тикладилар. Унинг кенглиги анча катта бўлиб, ўн-ўн икки минг киши сифарди.

Байт:

Санъат-ла бир жаҳон аён этишди,
Жаҳонни жаҳонда пинҳон этишди.

Шундай қилиб, билқиснамо хотин-қизлар, саодатманда шахзодалар ва хос амирлар учун шунчалик кўп кўшк, улкан чодир, махсус уйлар ва хилватхона қурдиларки, худди осмонни юлдузлар билан тўлдирилгандек ер юзини тўлдириб юбордилар.

¹ 807 йил биринчи рабиулаввал — 1404 йил 7 сентябрь.





Бу маконда Туркистон, Муғулистон, Хуросон, Сейистон, Зобулистон ва Журжон теварак-атрофидан келган жуда кўп халқ йиғилдики, уларнинг ҳаммасини шарҳлашнинг имкони йўқ.

Ўша айёмда Малик Тоҳир султон Барқуқ амирларидан Менгли Буғо Ҳожиб Малик Носир Султон Фараж олдидан элчи сифатида келиб, турли совғалар ва тансиқ нарсаларни келтиришди. Жумладан, бир жирафа ва тўққизта туяқуш нодир совғаларга қўшимча сифатида келтирилган эди. Амирзода Халил Султон Луристондан ва амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир Зобулистондан хизматга шошилиб келиб, қўл ўпиш саодатига муяссар бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон амирзода Пир Муҳаммадни кўриб, унинг акаси амирзода Муҳаммад Султон эсига тушиб, баҳор фасли булутидек гирён бўлди. Аммо мотам ва йиғи-сиғи вақти эмас, базм, зиёфат бўлгани учун Соҳибқирон шаҳзодага зарли тўн кийдирди ва унинг қора тусли либосини қоронғи зулматнинг пардасини йиртган кундек ярқираб турган ханжар билан пора-пора қилиб ташлади.

Доимий айш муждаси ва кеча-кундуз ишрати башоратини бошлаб юборди. Эрон, Турон, Миср ва Шом ҳунармандлари шу тўрт ўлкага мослаб турли гумбазлар қурдилар ҳамда хушчақчақлик ва тантана эшикларини очиб, шаҳардаги ҳунармандлар ажойиб ашёлар ва ғаройиб нарсалар ясаб, барча ўйин-кулги билан машғул бўлдилар.

Байт:

Шодмонлик сурури авжига кўчди,
Гўё ғамнинг оти дунёдан ўчди.

Шаҳзодаларнинг никоҳ кечалари ниҳоят даражада тантанали равишда бўлди. Уламо, фузало, қозилар, мавлавийлар, шарафли аъёнлар ва аҳолининг барчаси салтанат тахти пойида жамулжам бўлдилар. Амирзода Улуғбек, Иброҳим Султон Мирзо, Шохрух Мирзо, ўғиллари амирзода Ижал ибн Мироншоҳ Мирзо, амирзода Аҳмад, Сайди Аҳмад Мирзо ва Бойқаро Мирзо, Умаршайх Мирзо ўғиллари салтанат одати ва хонадон иффати билан никоҳландилар.





Бу йиғинда Шайх Шамсиддин Муҳаммад Жазарий никоҳ шартларига риоят қилиб, ҳанафийлик расми ва қоидалари асосида никоҳ хутбасини ўқиди. Вакил оталиқ вазифаси Самарқанд қозию қуззоти Мавлоно Салоҳиддинга топширилган эди, табрик-лаб, қўлини дуога кўтарган эди, сон-саноксиз зар ва гавҳар, кўп тилло пуллари динарлар сочилди.

Ҳазрат Соҳибқирон давлат бошлиғи тахтига кўтарилган эди, билқиссифат хотинлар ҳаммаси Муштарийсиймо ва Зухро юлдузидек унинг атрофини ўраб олиб, унга шуъла ва қувонч бағишладилар. Жамшидсифат шаҳзодалар ва шавкатли нўёнлар, улуғ саййидлар, ислом қозилари, зодагонлар ва аёнлар ўн икки пояли гумбаз остида жойлашдилар.

Байт:

Зардўзи кийимли вазирлар қатор,
Хизмат камарини боғлашган тайёр.

Ва бошқа амирлар ва аёнлар, ҳар ноҳия ва диёрдан келган аслзодалар, ўн икки пояли гумбаздан бир ёғоч узунликдаги жойдан узокроқда ўтирдилар. Ясовуллар тилмадўз чопонлар кийиб, арабий отларга миниб хизмат вазифасини бажарар эдилар.

Ниҳоятда баҳайбат филларни турли жуллар билан безатиб, ҳар бири устига курси ўрнатиб, муносиб жойда боғлаб қўйгандилар. Дастурхончи заррин ва кумуш идишларда солинган ва безатилганлардан шунчалик миқдорда овқатлар ҳозир қилдиларки, нотик нутқи уларни таърифлашга ожизлик ва қусурликни эътироф этади. Ундан ташқари лазиз таомлар, ичимликлар бу тўйхонада шу даражада эдики, уни асло таърифлаб бўлмасди. Маишатни хуш кўрувчилар учун кайфлик ичимликларнинг турли навларини тайёрлаб қўйдилар. Султоний ичимликлардан ташқари тоза бода билан тўлдирилган хусравоний хумларни келтириб одамларни давват қилдилар. Соқийлар эса заррин жомларни биллур қўлларга олиб, гулранг май хусусияти ва тиниқлигидан булбулдай сайрайди.

Рубоий:

Шодмонлик базмида хушдир тўла жом,
Сиймбадан нигор қўлидан таом.
Ҳар кун бир гул юз-ла сабуҳий қилсанг,
Ёр лаъли лабидан баҳра ол мудом.





Назм:

Соҳибқирон подшоҳ буйруғи шафқат,
Элга жарчилардан етди башорат.
Энди тўй айёми, ишрат вақтидир,
Биллурий жомларда майлар мунтазир.
Тўйда ким бўлмасин йўқсил, давлатманд,
Қаттиқ сўз айтишлик қилингандир ман.
Ушбу хушхабарлар элга ёйилди,
Дилларда хурсандлик гули очилди.
Ҳамма ушбу тўйдан насиб ололди,
Созу қўшиқ тинглаб, май сипқаролди.

Шундай қилиб, бир неча кунни катта ва кичик, бой ва фақир еб-ичиш ва ўйин-кулги билан ўтказдилар.

Дарёдил Соҳибқирон шаҳзодалар, амирлар, нўёнлар, Миср, Шом, Фаранг, Ҳинд минтақаси, Дашти Қипчоқ ва бошқа мамлакатлар улуғлари, аслзодаларни қимматли халъатлар ва кўпгина инъомлар билан хурсанд қилди.

Сўнг турли томоша, ўйинлар ҳамда ман этилган баъзи нарсаларни ўтказиб мамлакатнинг муҳим ишларини тартибга келтиришга киришди. Шаҳар бошлиғини амримаърифатни бажаришга ҳамда бемаъни қилмишларни тўхтатишга ишора қилди. Шунингдек, халққа шароб истеъмол қилиш ҳамда бошқа ғайришаръий бошқа ишларга қўл уришни ман этиб, илоҳий амалларни бажаришга киришди.

**ҚЎШИННИНГ ХИТОЙГА ЮРИШГА
ТАЙЁРГАРЛИГИ ҲАМДА АТРОФДАГИ
ҲУКМДОРЛАР ВА ЭЛЧИЛАРНИНГ РУХСАТ
ОЛИШЛАРИ ЗИКРИ**

Музаффар Соҳибқирон Кониғил тўйдан хотиржам бўлгач, шаҳзодалар ва амирлар билан маслаҳат қилди ва унда ўта хавфли Хитой юришига қарор қилинди. Ҳумоюн фармони содир бўлдики, тавочилар сипоҳни мингта-мингта қилиб санаб, ҳар қаерда сони етишмаса, таҳқиқ этиб, унинг сонини тўғриласин ва дафтарга қайд қилсинлар. Тавочи амирлар одамлар қандай





яроқ ва дастур билан юришга келишларини минглик ва юзлик амирларидан талаб қилсинлар.

Нуёнлар ва тавочилар буйруқ асосида иш олиб бориб, вилоятлар ҳокимлари ва ноҳия сардорлари кўринишдан кейин кўнгиллиларни тўплаш учун ўз мавзеларига жўнаб кетдилар.

Амир Темур Гурагон Кониғилдан Самарқандга бориб, Сарой-мулкхоним мадрасасида қўноқ қилди. Бу қасрда амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонғирни от, камар, хилъат ва тож билан сийлаб, савлатли ва обрўли қилиб, Зобулистонга қайтишга рухсат берди.

Амирзода Сайди Аҳмад ибн Умаршайхнинг онаси юқорида эслатилган шаҳзода уйида яшарди. Ўзи мазкур тўйда қизини сўраган эди, унга ҳамроҳ қилди. Улар Ҳирот йўли орқали Қандаҳорга йўл олдилар.

Амир Темур Гурагон Миср султони элчисига ҳам хилъат, камар бериб, бошқа сақланган инъомлардан ҳам баҳраманд қилишга кўрсатма берди.

Мавлоно Абдуллоҳ Кешийни бир гуруҳ билан унга ҳамроҳ қилди. Зар суви билан рангланган эни уч газ (1,5 м.) ва узунлиги етмиш газ (35 м.) бўлган мактубни ҳуснихатда бошқа чиройли ёзадиган ўша замондагилардан устун бўлган Мавлоно Шайх Муҳаммад ибн Хожа Ҳожи Бандагири Табризийнинг моҳир қўли билан ёздириб, Малик Фараж номига жўнатди, чунки Миср султони «Биз Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуфни ушлаб, банд этдик, уларни нима қилиш кераклигини буюрсангиз, ўшандай қилардик», деган хабар жўнатган эди. Амир Темур унинг жавобида «Султон Аҳмадни занжирбанд этиб бизга жўнатсин, Қора Юсуфни ҳаёт кишанидан бўшатиб юборсинлар» деб ёзди ва элчи билан қимматбаҳо совғалар ва муносиб нафис нарсалар билан бирга мактубни ҳам жўнатди. Шундай қилиб атрофдан келган бошқа элчиларга ҳам қайтишга рухсат бердилар.

Сўнг Сароймулкхоним мадрасасидан чиқиб ҳиммати баланд меъморлар томонидан қурилган Кўксаройга келдилар. Амир Бурундуққа «Жангчилар рўйхатини диққат эътибор билан кўриб чиқсин ва бу зафарли юришда неча минг киши қатнашишини аниқласин», деган олий буйруқ содир этилди.



Жаноб Амир Бурундуқ таҳқиқ ва маълумот йиғиб, «Зафарнома» ва «Матлаи саъдайн»да ёзилишига қараганда, Кониғилда ўтказилган кўриқда Мовароуннаҳр, Туркистон, Балх, Хоразм, Бадахшон, Хуросон, Мозандарон минтақалари ва қаро тотор қавмидан қолганларидан ҳаммаси бўлиб икки юз минг отлиқ ва пиёда жанг майдонида жам бўлиши ҳақида ахборот берди.

Чунончи, марҳум ҳазрат отам «Равзат ус-сафо»да¹ ёзадилар: «Бир куни Султон Аҳмад Мирзо ибн Сайди Аҳмад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо айтдиларки, жаҳонгир Соҳибқирон кўригидан ўтганлар дафтари мендадир, у дафтардан маълум бўлишича, у ҳазратнинг хос мулозимлари ва жангчилари сони Хитойга юриш пайтида уч юз саксон икки минг олти юз ўн икки нафар киши бўлганлиги қайд этилган. У сафарда қатнашган зафарёр сипоҳларнинг умумий сони саккиз юз минг отлиқ ва пиёдага етарди»².

ЗАФАРЁР ЛАШКАР ҚЎШИННИНГ ХИТОЙГА ЮРИШИ УЧУН ОҚСУЛОТ ҚИШЛОҒИГА БОРИШИ ЗИКРИ

Субҳоний тақдир ва раббоний қисмат тақозосига кўра мамлакатларни фатҳ ва давлатларни забт этиш асносида ҳазрат Соҳибқироннинг мўъжизакор лашкари ғорат, асоратга солиш ва қирғин урушлар каби даҳшатли ишларни амалга оширди. Ўша пайтда зафарёр саркарда Турон, Эрон, Шом, Рум, Гуржистон ва Ҳиндистон мамлакатларини бўйсундириб, пойтахт Самарқандга қайтиб келди. Кониғил тўйи ва ботир сипоҳ яроғидан хотиржам бўлгач, амирзода Халил Султон, амирзода Аҳмад Умаршайх, Амир Худодод Хусайний, Амир Шамсуддин Аббос ва бошқа музаффар амирлар билан Тошкент, Шоҳрухия ва Сайромга бориб, ул диёрда қишласин, амирзода Султон Хусайн баронғор қисмнинг баъзи

¹ Хондамир онасининг отаси, яъни бобоси тарихнавис олим Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асари.

² Хондамирнинг бобоси бу ерда лоф қилаяпти; Хитой юртига сафарбар қилинган аскарларнинг умумий сони 200 мингдан ошмаган (Яздий, «Зафарнома»).

Алқисса, Оқсулотда ҳумоюн ўрдуси сони, қудрати, дабдабаси ва мол-мулки жиҳатидан шундай даражага етган эдики, бундан олдин ҳеч бир подшоҳ бунақасини кўрмаган эди. Шунинг учун халқ кўз тегишидан қўрқиб, эртаю кеч юлдуздек порлоқ подшоҳнинг саодати боқий бўлишини истаб дуо қилардилар.

ЗАФАРЁР ЛАШКАРИНИНГ ОҚСУЛОТДАН ЎТРОРГА ЮРИШИ ЗИКРИ

Киш ўрталарида нурафшон қуёш жадий буржи охирларида, совуқнинг шиддатидан Сайхун дарёси суви музлаб, худди хом кумушга ўхшаб қолган эди. Тоғ чўққисидаги қор, дашт-сахро фазоси, текис чўл ерлар ва дарё юзи бир-бири билан текисдай кўринарди. Бўрон тинмас ва ёмғирнинг эса ниҳоят кўп ёғишидан ер гўё сунъий кўлга айланиб қолганди. Ана шундай ҳолатда зафарёр Соҳибқирон Оқсулотдан кўчиб, Ўтрорга йўл олди.

Йўл асносида ожиз ва заиф одамларнинг қўли ва оёғини совуқ урди. Ражаб ойининг ўн иккинчиси чаҳоршанба куни¹ Ўтрорда Амир Шайх Нуриддиннинг укаси Бердибек Сари Буғо ҳумоюн мавқабнинг уйида тўхташидан қувониб, яхши кутиб олди, хонада бухорийларга² ўт ёқилди. Гарчи ўша пайтда мулозимлар оловдан таскин топсалар ҳам, аммо бошқа томондан кўнгиллари парижон эдилар. Чунки ўша пайтда катта-кичиклар қўрқинчли тушлар кўрар ва юзага келиши яқинлашаётган воқеа-ҳодисалардан ниҳоятда қўрқардилар.

Ҳазрат Соҳибқирон ўша пайтда Мусо Камолни Пилнинг йўлини билиб келиш учун жўнатди. У буйруққа бўйсуниб, тезда бориб келди ва маълумот берди: «У йўлдан ўтиш мумкин эмас». Бошқа яна бир кишини Сайромга равона қилди. У ҳам қайтиб келиб: «У ерда икки найза қалинликда қор ёғибди» деди. Шу аснода анчадан бери дашт ва саҳроларда саргардон бўлиб юрган

¹ Мелодий 1405 йил 14 январь.

² Бухорий уй ичидаги иситувчи қурилма.



Тўхтамишхон олдидан Қаро Хожа жаҳонгир подшоҳ даргоҳига келди.

Соҳибқирон девонхонада улур ва саодатли тахтда ўтирган куни чингизий шаҳзодалардан Тайзи Ўғлон, Тош Темур Ўғлон ва Жакра Ўғлон ул ҳазратнинг ўнг қўл томонида, чап қўл томонида эса амирзода Улуғбек, амирзода Иброҳим Султон тахтни безаб турган пайтда таниқли амирлар Қаро Хожани остона ўпиш шарафига муяссар этдилар. У кечирим ва афв сўраб арз қилди: «Тўхтамишхон айтдики, анчадан буён умидсизлик водийсида саргардонман. Бу бахтли ошиён остонасидан бошқа мурожаат қиладиган жойим йўқ. Умидим шулки, хусравона марҳамат билан яна бир марта бу шикаста ҳолни қўллаб-қувватласангиз, токи оёқни итоат ва тобеълик доирасига қўйиб, қолган ҳаётимни қўлдан бой берилган ишларни бажаришга киришсам».

Етти иқлим Соҳибқирони ўзининг энг юқори даражадаги илтифоти билан Қаро Хожанинг кўнглини олиб ва маҳрибонлик кўрсатиб деди: «Иншооллоҳ, бу юришдан қайтиб келсак, Дашти Қипчоқ ва Жўчихон улусини яна бир марта душманларнинг туғён тиканидан тозалаб, унга топширамыз». Бир неча кундан кейин Қаро Хожани Тўхтамишхон олдига жўнатишни, сўнг зафар шиор қўшин билан Хитой томонга юрмоқчи хотирига жойлаб қўйган эди, аммо тақдир қаламининг ёзганлари бу фикр ва тадбирга хилоф эди.



ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ГУРАГОННИНГ ЎТКИНЧИ ДУНЁДАН АБАДИЙ ЖАННАТГА КЕТИШИ ЗИКРИ



Худованднинг чексиз инояти, Аллоҳнинг лутфу марҳамати билан ҳар қандай ҳолатда музаффар Соҳибқирон ўша пайтда етти йиллик урушдан саодат ва саломат қайтиб келганидан сўнг, унинг ҳурматли кўнглига ва қуёшдан порлоқ вужуди шунга қаратилдики, бугундан эътиборан тинч-омонлик пайтини аввалги гуноҳларни ювишга сабаб бўлган эзгулик ишларга сарфлайди





сипоҳи билан Ясси ва Сабронда қишни ўтказсин!» деган бажарилиши вожиб фармони кучга кирди. Самарқандни бошқариш Арғуншоҳ зиммасига юклатилди ва хазинанинг муҳофазаси эса Шайх Чухрага топширилди.¹ Жаҳонгир лашкар 807 йил жумо-дилавалнинг йигирма учинчи куни² Самарқанддан йўлга чиқиб Оқсулот қишлоғига йўл олди.

Ер юзи қурол-яроғ, жиҳоз-ускуна оғирлигидан зир титрар, осмон тоқи отлар туғидан чиқаётган чанг-тўзондан эса қопқора эди.

Қўшин Қорабулоқ йўлига юриб, бир қанча манзилни босиб ўтгандан кейин Томлиқ³ деган мавзегга етиб келиб тўхтади. Қуёш қавс буржининг ўртасида бўлгани боис, тўсатдан ҳавонинг совуқ дами юқори даражага етиб, қуюқ булут осмоннинг у четидан — бу четигача қаттиқ совуқ шамол эса бошлади. Жуда кўп қор ва ёмғир ёғди.

Зафарёр мавкаб у ердан қўзғолиб, тез суръатлар билан Оқсулотга етиб келиб тўхтади. Ҳазрат Соҳибқирон, шаҳзодалар ва нўёнлар бажарилиши вожиб фармонга биноан аввалдан қурилган бостирмаларга жойлашдилар. Чунончи, аввал ёзилганидек Амирзода Халил Султон Тошкентга, амирзода Султон Ҳусайн Саброн ва Яссида жойлашдилар. Хислатга бой Соҳибқирон Оқсулотда Амир Бурундуққа Тошкентга бориб, жаҳонгир сипоҳи учун ғалла ташишни буюрган эди. Бир неча минглаб харвор ғаллани аробаларга юклаб, уни кузатиб бориб, уни йўлда экиш-тикишни йўлга қўйди. Кейинчалик музаффар лашкар қайтган вақтда озиқ-овқат танқис бўлмаслиги учун бу ишни амалга ошириш мўлжалланди. Шунингдек, неча минг бўғоз туялар ҳумоюн ўрдуда мавжуд эди. Улар туя сути керак бўлган пайтда сипоҳларга қувват ва лашкарнинг қувватини ошириш учун керак бўларди.

¹ Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида ҳам шундай дейилган (қаранг: 293-бет).

² 807 йил йигирма учинчи жумо-дилавал — 404 йил 27 ноябрь.

³ Бу ерда эслатилган Оқсулот, Қорабулоқ ва Томлиқ мавзелари Арис дарёсининг Сирдарёга қўшилиш жойи атрофидаги жойлар.



ҳамда хато ва янглиш ишларни йўқотишда подшоҳона мазмун касб этади.

Салтанат тахтида осойишта беш ой ўтиргандан сўнг Чин ва Хитой кофирларига қарши ғазовот қилишга азму қарор қилиб, ҳавонинг ниҳоят даражада совуқ шиддати ошган, қор-қировнинг ёғиши кўпайган пайтда фирдавсмонанд Самарқанддан Ўтрорга қараб ҳаракат қилди. Содир бўлаётган воқеалар ҳеч қачон бўлмаган ва бўлиши мумкин эмас эди, аммо у ҳазратга шу сарфарда рўй берди.

Рубойи:

Унинг гуноҳларин суриштирсангиз,
Ул азиз бадфеъл деб юз буришсангиз.
Ундан эзгуликдан ўзга не қолди?
Оқибати хайрли! — деб туришсангиз.

Қисқача қилиб айтилса, ўша пайтда сулаймонсифат Соҳибқирон, билқиссиймо хотинларни Самарқандга қайтариб юборди ва ўзи Ўтрордан кўчиб, Хитойга юришга қатъий қарор қилди.

Май ичишга майл қилиб, бир неча кун доимий равишда соқийлар қўлидан май ичарди, ҳар кеча ҳумоюн мажлиси қипқизил шаробнинг тиниқ шуъласидан равшанлашарди.

Шу аснода араққа рағбат кўрсатди, унга жавҳар келтиришни буюрди: кўринишидан сувдек бўлса ҳам, сифати жиҳатдан оловдек, суюлтирилган биллур эди. Олийнасаб Соҳибқирон икки кеча-кундуз арақ ичди, аммо асло овқат емади. Шунинг учун унинг мижозиди ўзгариш юз берди. Бу ўзгаришни улар хумор белгиси бўлса керак деб тушундилар. Яна унга бир-икки қадах бердилар, ҳарорати бироз таскин топди, аммо вужуди табиатига ул шароб таъсир қилди шекилли, иссиғи кўтарилиб кетди¹.

807 йил шаъбоннинг ўнинчи чаҳоршанба куниди² мушкул касаллик оғирлашди, балки турли хавфли касалликларни даволаш туфайли бири иккинчисидан кучайиб, бирга йиғилдилар.

¹ Бу ерда муаллиф Амир Темурни ўлим тушагига ётқизган касалнинг сабаби ичкиликбозлик деб кўрсатмоқчи бўлади. Ўрта асрлардаги жиддий манбалар бунни тасдиқламайди.

² Мелодий 1405 йил 11 февраль.

Табиблардан Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий мулозиматда бўлиб, илоҳий муъжизакор олтин қўли билан даволаса ҳам ҳеч қайси дори наф бермади. Шунинг учун аҳволи оғирлашмасдан, саодатманд Соҳибқирон ишонч ҳосил қилдики, аҳвол бошқачадир. Ҳаёт моҳияти – тақдир қўлида. Тўғри эътиқод ва рост ният билан барча гуноҳларидан тавба қилди, гуноҳларнинг камайтишига ишора қилди. Хотинлар, оғолар, амирлар ва нўёнларни йиғиб, уларнинг қулоғини фойдали насихатлар билан беади, уларга сабр-қаноат, иттифоқлик ва яқдил бўлишни васият қилди. Самарқанднинг валиаҳдлик мансаби ва ҳукуматини амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга топшириб, Амир Шайх Нуриддин, Амир Шоҳ, Малик ва бошқа улуғ амирларга айтдики, «Ўртада аҳду паймон қилгансизлар, шаҳзодага итоат этишдан бўйин товламанглар, қулоқ солиш ҳалқасига кириб, ундан оёқни тортманглар».

Амир Шайх Нуриддин ва Амир Шоҳ Малик катта даҳшат ва дилда қўрқинч билан арз этдилар: «Агар фармон бўлса, Тошкентда қишлаётган амирзода Халил Султон, амирлар ва нўёнларга хабар жўнатсак, улар олампаҳоқ даргоҳига келиб, ҳумоюн билан мулоқот қилиш саодатига эришса ва бевосита амирзода Пир Муҳаммаднинг тахт ворис эканлигини эшитса маъқул бўларди, чунки айтганлар-ку, эшитгандан кўрган афзал деб».

Ул ҳазрат айтдиларки, «Вақт зикдир, бундай мақоллар айтиш вақти эмас. Узоқдагилар етиб кела олмайдилар, ҳатто сизлар билан ҳам бошқа дийдор кўришиш муяссар бўлмас».

Амирлар ташқарига чиқиши билан етти иқлим Хусравини ўткир ҳиқичоқ тутди. Чодир ташқарисида Раббоний каломини қироат қиладиган ҳофизлар ва маволийлар ишга киришгунча, Мавлоно Ҳайбатуллоҳ, ибн Мавлоно Убайдуллоҳ, чодир ичкарасига кириб, ҳумоюн болиши тепасида Қуръони карим тиловати ва тавҳид калимасини такрорлаб туришга киришсин деган ишорат содир бўлди. Шарқ шоҳининг йўқлиги сабабидан юлдузлар мавкаби кўк рангли мотам либосини кийдилар.

Амир Темур Гурагон шом билан хуфтон орасида бир неча маротаба «ло илоҳа иллоллоҳ» калимасини такрорлади ва покиза руҳи қуши вужудини тарк этиб, жаннат боғига парвоз этди.





Иноят нурларидан порлаган қуёши оламни хавфсизлик соясида хотиржамлик билан ухлаётган пайтда унинг саодатли камоли заволга юз тутди. Унинг топган бахтидан адолат ва истироҳат жаҳонида ҳурлик гул очиб турганида хуршидмисол жамоли кун ботиш томонга эгилди.

Назм:

Дариғо, тожу тахт соҳиби ўтди,
Дину диёнатнинг таянчи кетди.
Ҳай дариф, жаҳондор пок эътиқоди,
Шаҳру халойиқнинг паноҳи эди.

Бу муҳим воқеа ва улкан бадбахтлик 807 йил шаъбоннинг ўн еттинчиси¹ чаҳоршанба кечаси, қуёш ҳут буржи даражасининг саккизинчисида турган пайтда рўй берди. Ўша давр фозиллари бу санани турли иборалар билан шеърга солдилар. Жумладан, Мавлоно Баҳроуддин Ҳожи айтдилар:

Рубоий:

Жаҳон дилин эзган жаҳонгир амир
Ёвлари қонидан ер қизаргандир.
Шаъбон ўн еттиси жаннатга учди,
Оёғин заминдан у торти охир.

ИККИ МАШРИҚНИНГ ҲУҚМДОРИ ТАЪЗИЯСИ ВОҚЕАЛАРИ ВА АМИРЗОДА СУЛТОН ҲУСАЙННИНГ ИСЁН КЎТАРИШИ ЗИКРИ



Ҳша кечаси Ўтрор ҳудудида қиёмат кунлар белгилари ва Сури Исрофилга ўхшаш кунларнинг намуналари содир бўлди.

Назм:

Ўнгу сўл томондан чиқарди нола,
Эр-аёл йиғиси фиғону фарёд.
Ёш-қари «дариф, дод» ғалаёнидан
Гўёки қиёмат-қойими бунёд.

¹ Мелодий 1405 йил 18 февраль.





Олий мартабали шаҳзодалар ўз иззат-нафсини унутдилар, мукаррама аёллар эса сабр-тоқат қила олмасдан гул юзларини тирнадилар ва қоп-қора кокиллари юддилар. Ой юзини тимдалади, Зухра эса зулфини юлди. Юртнинг безаги бўлган амирлар бўлса кийим ва парда ўрнига кўкракларини чок-чок қилар, тахтнинг хос кишилари йиғиси ва зори осмону фалакка етди.

Ўша кечаси мусибатли дўстлардек осмону фалак ҳам тинмай кўз ёш тўқди. Оппоқ булутнинг фаввора кўзидан то эрталабгача ёмғир қатралари оқиб турди.

Хитойга юриш амалга ошмайдиган бўлгани боис улуг амирлар бу фожиали мудҳиш воқеанинг зоҳир бўлишини истамасдилар. Эрталаб эса хотинлар ва эркакларни йиғи-сиғи, нолаю фиғон кийимини ўзгартиришни ман этиб, мағфиратли Соҳибқиронни жўнатишга тайёрлаш ва кафанга ўрашга киришдилар. Марҳум амирнинг васиятига биноан хазиначи Ҳиндушоҳ марҳумни ювишга киришди ва Мавлоно Қутбиддин суннат одатлари ва вожиб амалларни бошлади.

Бу ишлар бажарилганидан сўнг олий шонли нўёнлар Бердибек Сари Буғо, унинг акаси амирлар Шайх Нуриддин, Амир Шоҳ Малик, Хожа Юсуф ва бошқалар ўзаро мухолиф йўлга кирмаслик, юрмасликка ва ҳазрат Соҳибқироннинг васиятидан четга чиқмасликка ҳамда Самарқанд тахтини амирзода Пир Муҳаммадга топширишга аҳду паймон қилдилар.

Шундан сўнг ул воқеа хабарларини етказиб, қатнашишни сўраб Тошкентга амирзода Халил Султон ва унинг мулозаматида бўлган амирлар олдига элчи юбордилар. Бошқа элчини амирзода Султон Ҳусайн олдига Саброн ва Яссига жўнатдилар ва хабар бердиларки, ҳазрат Соҳибқироннинг соғлиғи оғир аҳволда, бир гуруҳ отлиқлар билан олий ўрдуга етиб келинг.

Хизр Қавчин эса амирзода Пир Муҳаммадни ул ҳазратнинг вафоти ва тахт ворислиги ҳақидаги васиятидан огоҳ этиш ҳамда шошилич равишда Самарқандга келишини тайинлаш учун Ҳазнин томон равона бўлди.

Шайх Темур Қавчин Ҳиротга, Сағбача номи билан танилган Али Дарвиш эса Табризга Шоҳрух Мирзо ва амирзода Умарни бўлган воқеадан хабардор этиш ҳамда мамлакатларни сақлаб



қолиш мақсадида васиятни ҳам айтиш учун йўл олди. Аро Темур ҳам шу иш билан Бағдодга, бошқаси эса Исфаҳон ва Шерозга равона бўлди.

Мазкур ойнинг ўн саккизинчиси пайшанба кечасида¹ амирлар ва хотинлар тобутни тахтиравонга солиб, Ўтрордан чиқдилар. Ўша кечаси Хўжанд сувидан² муз устида ўтиб, Ўтрордан икки фарсах нарида тўхтадилар.

Уфқ ёқаси эрталабки таъсирсиз шафақ билан бироз йиртилиб, ғам-андух озгина бўлса-да, мусибатли маҳзун мотамсароларнинг ичини ёритгандай бўлди ва эркагу аёл, амиру вазир ҳам катгау кичикнинг сабр ва бардоши хирмонини бирдан ёқиб юборди. Эрталабки нолаю фиғон ва катта шовқин-сурон оламни тутиб фалакнинг еттинчи қаватидан ҳам ошиб кетди. Қайғу-ғам ва оҳ-зорнинг ҳаддан ошиб кетганлиги туфайли катталарнинг маслаҳати билан бироз тинчиди. Амирлар, аркони давлат, нўёнлар ва ҳазратнинг яқин кишилари билқиссиймо ва ҳаёли муҳтарама хотинлари билан маслаҳатлашиб, марҳум жасадини Самарқандга юборишни ҳамда Халил Султон Мирзо ва амирзода Иброҳим Султон ҳамроҳлигида Хитойга юришни давом эттиришга келишилди.

Ўша куни эрталаб тахтиравонни Хожа Юсуф ва Али Қавчин ҳамроҳлигида Самарқандга равона қилдилар. Улар шаъбоннинг йигирма иккинчисида³ у ноҳияга кириб, покиза жасадни хушбўй қабрга етказдилар. Анчадан кейин ул ҳазратнинг васиятига биноан Саййид Бараканинг жасадини Андхуддан у ерга ўтказдилар ва ҳазрат Соҳибқироннинг бош томонига дафн этдилар.

Амир Шайх Нуриддин ва Амир Шох Малик марҳум тобутини юборгандан кейин, муҳтарам ҳазрат олия аёлларни уларнинг орқасидан амирзода Улуғбек билан Самарқанд томонга ва ўзлари амирзода Иброҳим Султон хизматида бўлиши учун Хитой томонга кўчдилар ва Сайхун сувидан ўтиб, Ўтрорнинг шарқ томонига келиб тушдилар. Ана шундай пайтда чархи-фалак афсунгари низо кўзгадики, ул жамиятнинг пароканда бўлишига сабаб бўлди.

¹ Мелодий 1405 йил 19 февраль.

² Хўжанд суви – Сирдарё.

³ Мелодий 1405 йил 23 февраль.



Марҳум Соҳибқирон вафоти ҳақидаги хабар амирзода Султон Ҳусайнга етиб келганида, ўзи билан бирга бўлган қўшиннинг чап қанотини тарқатиб юборди ҳамда баъзи сипоҳларнинг отларини олиб, икки от билан жуда тез шаҳарга кириш ва уни истило қилиш мақсадида Самарқандга йўл олди.

Унинг бу қилиқлари Амир Шайх Нуриддин ва Амир Шоҳ Маликка етиб келгач, улар Самарқанд ҳокими Арғуншоҳга мактуб жўнатди ва унда «Амирзода Султон Ҳусайн истиқлол фикрига тушиб, ўша жонибга кетди. Самарқанд шаҳрини жуда қаттиқ ҳимоя қилишинг керак, унинг ичкарига киришига имкон берма, агар имкони бўлса уни қўлга олиб, забт этиш керак» деб тайинлади.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек ва мухтарома аёллар олдига чопар жўнатиб, уларни амирзода Султон Ҳусайн қилмишидан огоҳлантирдилар ва «Қаерга борган бўлса уни тўхтатсинлар, токи ўрду уларга етиб олсин» деб илтимос қилдилар.

Худди шу сингари хабарни Халил Султон Мирзо ва Тошкент амирларига ҳам элчи орқали жўнатдилар. Шундан сўнг Амир Бердибек Ўтрорда тўхтаб, Амир Шоҳ Малик ва Амир Шайх Нуриддин ва бошқа Иброҳим Султон Мирзо мулозиматидаги амирлар ҳамда аъёнлар Самарқанд томонга қайтдилар. Сайхун дарёси устидан ўтаётган пайтда муз синиб, учта туяга ортилган хазина сувга чўкиб кетди. Ўрду эса Сайхун дарёсига яқин келиб, у ердан эрталаб тонг қоронғусида Самарқандга қараб йўлга тушди.

**АМИРЛАРНИНГ АМИРЗОДА ХАЛИЛ
СУЛТОННИ ПОДШОҲЛИККА КЎТАРИШИ
ЗИКРИ ВА МАРҲУМ ҲАЗРАТ ДАВЛАТ
АРКОНИ ЎРТАСИДА МУХОЛИФЧИЛИКНИНГ
ПАЙДО БЎЛИШИ БАЁНИ**

Ҷша қишда Тошкентда бўлган ҳурматли амирлар амирзода Султон Ҳусайн кайфиятидан воқиф бўлгач, уларнинг вужудини ташвиш ҳисси қамраб олди ва Амир Худодод Ҳусайний, Ёдгоршоҳ, Арлот, Шамсуддин Аббос ва Бурундук Барлослар амирзода Аҳмад





ибн Умаршайх билан биргаликда ўша пайтда йигирма бир ёшда бўлган Халил Султонни салтанатга кўтардилар. Улар ҳукумат жilовини унга бериб, бу билан Амир Темур Гурагоннинг васиятларини бўлмагандек тасаввур қилдилар. Бу хабар йўлда кетаётган ҳазрати аёллар, Амир Шоҳ Малик ва Амир Шайх Нуриддинга етиб келганида, улар ниҳоятда ташвишланиб, изтиробга тушдилар. Улар қарорни ўзгартириш ҳақида таъна қилиб Тошкентга хат ёздилар ва жўнатдилар. Қисқаси хатнинг мазмуни шундай эдики, «Марҳум Соҳибқирон мамлакатни бошқариш мансабини амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга топширганлиги учун, биз Халил Султон Мирзо фармонига итоат этолмаймиз. Ул тажрибали нўёнлардан гина қилиб, жуда тез Соҳибқироннинг ҳуқуқий тарбия дафтарини унутиб, бу эътиборсиз буйруқ рухсатига жасорат қилдингларми?! Агар бошқа биров бу сўзни айтса, дарҳол уни тутиб, қийноққа солиниши керак» деган сўзлар ёзилган эди.

Бу мактуб амирларга етиб боргач, улар ўз қилмишларидан пушаймон бўлдилар ва Амир Бурундуқни ҳазрати олия муҳтарамалар, амирлар Шоҳ Малик ва Амир Шайх Нуриддин олдига жўнатдилар ҳамда «Бизнинг амирзода Халил Султон билан келишган шартномамиз давлат бардавомлиги ва мамлакат мустақамлиги учун эди. Бу ишда сизлар биз билан ҳамфикр бўласизлар деб гумон қилган эдик, энди билдикки, ҳазрат Соҳибқирон васиятига хилоф равишда қилинган экан, у шартномадан пушаймон бўлдик. У ҳазратнинг васиятлари бобида сиз қандай маслаҳат берсангиз, шундай қиламиз» деган хабар бердилар.

Амир Бурундуқ Оқсулот йўлидан ўрдуга етиб бориб, таъзия маросимларидан кейин Амир Шоҳ Малик ва Амир Шайх Нуриддин билан хилватда учрашди. Амир Худодод, Ёдгоршоҳ Арлот ва Амир Шамсуддин Аббоснинг мазкур сўзлардан иборат мактубини уларга кўрсатди ва марҳум Соҳибқирон васиятларидан қайтмасликлари ҳақидаги аҳду паймон заруриятларини ўртага қўйиб, амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирдан бошқа ҳеч кимни ул ҳазратнинг валиаҳди деб тан олмасликларини келишиб олдилар.

Амир Шоҳ Малик ва Амир Шайх Нуриддин яна бир марта бу борада Тошкент амирларига мактуб ёзиб, Амир Бурундуққа



топширдилар ва унга ижозат бериб, Самарқанд томонга йўлга тушдилар. Бир неча манзилларни босиб ўтгандан кейин Қўрчук мавзеига етиб, у ердан Амир Шоҳ Малик маслақдошларининг маъқуллашига биноан Самарқанд чеккасига шошилди, афсуски, шаҳар дарвозаси берк эди, чунки Самарқанд ҳокими Арғуншоҳ Халил Султон Мирзо кўрсатмасига биноан қалъа ва минорали деворларни мустаҳкамлаган эди.

Амир Шоҳ Малик у ердан Амир Юсуф, Арғуншоҳ ва Самарқанднинг сардорлари турган «Чаҳор роҳа» дарвозасига борди ва эшикларни очишни илтимос қилди. Амир Арғуншоҳ қўлини кўксига қўйиб, Амир Шоҳ Малик илтимосига рад жавобини бериб деди: «Ҳазрат Соҳибқирон бу ноҳияни менга омонат топширган. То амирзода Пир Муҳаммад валиаҳд келмагунча ҳеч кимни шаҳарга қўймасликка сўз берганман. Ул шаҳзода келган пайтда Самарқандни унга топшириб, омонатга хиёнат қилмасам деган фикрдаман».

Амир Шоҳ Малик тушундики, Арғуншоҳ амирзода Халил Султон ваъдаларига аданган. Дарвозалар очилмаслиги аниқ, шубҳасиз, кўнгли ғам-андуҳга ботиб, дарғазаб бўлиб, намли кўзлар билан қайтди. Алиобод саҳросида ҳазрати олия муҳтарама аёлларга етиб, бўлган воқеаларни айтиб берди ва ўша ерда отдан тушиб, хотинлар ва амирлар билан маслаҳатлашиб олгандан сўнг, Амир Шайх Нуриддинни Самарқандга юбориб, Амир Арғуншоҳни муҳолифлик кўчасидан чиқаришга келишилди.

Амир Шайх Нуриддин ҳам «Чаҳор роҳа» дарвозасига бориб, Арғуншоҳ ва Хожа Юсуф билан гаплашиб, худди Амир Шоҳ Малиқдек мақсадга эришмасдан қайтиб келди, аммо Амир Бурундуқ Оқсулотдан Тошкентга етиб келиб, Амир Шоҳ Малик ва Амир Шайх Нуриддиннинг мактубини ва уларнинг сўзларини Амир Худодод Ҳусайний, Ёдгоршоҳ Арлот ва амирзода Халил Султоннинг бошқа мулозимларига етказди. Ул кишилар биргаллашиб, дарвоқе ҳазрат Соҳибқирон уни валиаҳд қилибдими, демак, у тожу тахтга муносиб толеи баланд инсондир ва биз ул ҳазратнинг васиятини ўзгартиришга йўл қўяолмаймиз дедилар. Ўша йиғиндаёқ бу борада аҳднома ёздилар ва амирлар





ул васиқани мухрладилар. Амирзода Халил Султон ҳам зарурат юзасидан имзо чекиб, ўз мухрини унга босди. Аталмишни эса бу аҳднома билан Амир Шайх Нуриддин ва Амир Шоҳ Малик олдига жўнатдилар, токи бу қоғозни уларга кўрсатиб, сўнг амирзода Пир Муҳаммад олдига олиб борсин.

Шундан сўнг амирзода Халил Султоннинг хос ва яқинларидан бир гуруҳини мамлакатни бошқаришга далда бериб қизиқтирди ва тарғиб қилдилар ҳамда айтдилар: «Ал-мулку ақим¹, фурсатни ванимат деб билиш керак ва Самарқандга тезда бориб, хос ва омий кишиларнинг кўнглини эҳсон ва инъомлар билан овлаш керак».

Амирзода Халил Султон бу сўзларни эшитиб, мамлакатни забт этишга жазм қилди ва Самарқандга юрди. Соҳибқирон, шаҳзодалар ва амирларнинг отлари, хачирлари ва туяларидан ўша ноҳиядан қанча кўрган бўлса ҳаммасини тасарруфига киритиб, у билан ғаразсиз ва нифоқсиз яшаётган Ироқ халқининг амирлари, хос кишилари ва тоифалари билан тақсимлаб олди.

Амир Бурундуқ шаҳзода сипоҳининг манглай қисми эди, Сайхун сувидан ўтиши билан кўприкни бузиб ташлади. Ўз аҳдининг уҳдасидан чиқиши учун Рустам Тоғай Буғо билан биргалиқда катта ўрдуга қараб юрди. Шунингдек, Амир Худодод Ҳусайний ва Амир Шамсуддин Аббослар амирзода Халил Султондан юз ўтириб, Очиқ Фаркат томон кетишди. Шунга қарамасдан шаҳзода асло ташвишга тушмади. Сув бўйига шошилиб, сол боғлашга буйруқ берди. Жангчилар ўша кунни кўрсатилган тартибда ишга киришдилар ва эртасига амирзода Халил Султон Сайхун сувидан ўтди.

Амир Бурундуқ Дуоба ноҳиясига етиб келиб, Жалол Баварчидан Амир Шоҳ Малик ва Амир Шайх Нуриддинни Аргуншоҳ Самарқандга қўймабди ва амирзода Халил Султонга итоат этишини айтибди, деб эшитди. Шунинг учун амирзода Халил Султондан ажралганидан пушаймон бўлиб, илтимоснома билан мурожаат қилиб, шаҳзода мавкабига қўшилди ва содиқ фуқаро бўлишга қайтадан киришди.

¹ Ал-мулку ақим — «Мамлакат ишларини қўлга ол, тикла» демақдир.





**МИРЗО УЛУҒБЕК ВА ИБРОҲИМ СУЛТОН
МИРЗОНИНГ АМИРЛААР ҲАМРОҲЛИГИДА
БУХОРОГА ЮЗ ЎТИРИШИ ВА ХОТИНЛАР
ҲАМДА ОҒОЛАРНИНГ АЗА МАРОСИМИНИ
ЎТКАЗИШ УЧУН САМАРҚАНДГА
БОРИШИ ЗИКРИ**



Амир Бурундук, Барлос ибн Жаҳоншоҳнинг жиловдоши Рустам Тоғай Буғо Барлос эса амирзода Халил Султондан ажралган эди. Мазкур амир қайтганидан кейин ўз мақсадида қатъий туриб, Амир Шоҳ Малик ва Амир Шайх Нуриддин олдига келди ва амирзода Халил Султоннинг Самарқандни забт этишга эҳтиросли ва завқли кайфиятини ҳамда Амир Бурундукнинг қайтганлигини бутун тафсилотлари ва икир-чикирларигача сўзлаб берди.

Ҳурматли амирлар бу гапларни эшитгандан кейин, олий иззатга сазовар Мирзо Улуғбек Гурагон ва Иброҳим Султон Мирзо Бухорога бориб, олий зотли муҳтарамаларни Самарқандга юборсинлар деган қарорга келдилар. Келишилгандан кейин муборак рамазон ойининг ўттизинчиси пайшанба куни¹ амирзода Улуғбек, амирзода Иброҳим Султон, Амир Шоҳ Малик, Амир Шайх Нуриддин, Рустам Тоғай Буғо, Аталмиш, Тўкал Қора, Қаро Ҳасан, Чигдовул, Арслон Хожа Тархон, Шамсуддин Олмалиғий, Мусо Камол ва Бастарий ва бошқалар ҳам олий зотли муҳтарамалар билан хайрлашиб, Самарқанд томон кузатиб қўйдилар. Ўзлари эса Бухоро жонибига йўл олдилар. Хайрбодриш деган жойда ҳазрат Соҳибқироннинг юракларни куйдирувчи мусибати янгиланиб, одатга кўра азадорларнинг дод-фиғони фалакка кўтарилди. Анчагача давом этган ғам ва қайғу ноласидан кейин Сароймулкхоним ва Туман оғолар Бойқаро Мирзо, Саъд Ваққос каби ёш шаҳзодалар билан Алиободдан таъзияга мос кийимларни кийиб «Чаҳор роҳа» дарвозасига шошилдилар.

Арғуншоҳ ва Хожа Юсуф ҳадиксираб, шубҳаланиб уларга йўл берди, аммо ўша кечаси уларни шаҳарга қўймадилар.

¹ Мелодий 1405 йил 1 апрель.



Муҳтарама аёллар ўша дарвозага яқин бўлган Шохрух Мирзо чорбоғида кечани ўтказдилар.

Байт:

Эртасига зангори осмон —
Қуёшидан ёриди жаҳон.

Улар шаҳарга кириб, амирзода Муҳаммад Султоннинг хонақоҳига тушдилар, чунки марҳум саид Соҳибқироннинг абадий жаннат дахмаси шу ерда эди. Улар бу ерда туриб дунёнинг бевафолигидан фарёд қилдилар: ялангбош, сочлари тўзиган, юзлари тилинган ҳолда ўзларини тупроққа отиб азадорликнинг йиғисиғи расмини бажардилар. Шаҳарда қолган Хонзода, Руқияхон ва бошқа аёллар, шаҳзодалар ва амирлар, мамлакатнинг аслзода аъёнлари жам бўлиб, кийимларини ўзгартириб, азадорлик амалларини бажардилар. Улар мақбараи мунавварагача бориб, мотам либосини кийдилар. Оғолар, шаҳзодалар, улуғлар ва аъёнлар кийимини ўзгартириб, йиғи ва нола қилиб овоз чиқардилар, гўёки жаҳонни дод-вой, фиғон, ўкириб йиғлаш ва еру осмонни шовқин-сурон босгандай, сочларини тўзитиб, юзларига қора суркаб, елкасига намад ташлаб азада қатнашдилар. Хўжа Абдулаввал, Хўжа Асомиддин, Сайид Шароф Журжоний каби давлат арконлари, мамлакатнинг барча улуғлари, аслзодалари, аъёнлари, донишмандлари ва амирлари кийимларини ўзгартириб жанозада ҳозир бўлдилар.

Аммо шаҳзодалар, амирлар ва нўёнлар Бухорога яқинлашгач, Арғуншоҳ, амирзода Халил Султонни бош эгиб кутиб олди ва Самарқандга киргизди деб эшитдилар.

Ноилож таъна ва ҳақорат тошларидан сўз очдилар ва Самарқанд амирларига ҳақоратомуз сўзлар билан мактублар жўнатдилар. Жуда ҳам тез суръат билан бориб, Бухоро ҳокими Ҳамза Тоғай Буғо шаҳзодаларни истиқбол этиб, Айюб пайгамбар мазоридида улуғ амирлар билан аҳду паймон қилиб, бир-бири билан келишиб шаҳарга киришди.

Шундай қарор қилиндики, Мирзо Улуғбек, амирзода Иброҳим Султон, Амир Шайх Нуриддин ва Амир Шоҳ, Малик қалъада



бўлишлари керак. Шаҳарга очилган дарвоза қалъанинг ярми билан Мирзо Улуғбек ва Амир Шоҳ Маликка тааллуқли бўлиши, ташқарига очилган дарвозанинг ҳимояси деворнинг бошқа ярми эса Иброҳим Султон Мирзо ва Амир Шайх Нуриддинга тааллуқли бўлади.

Рустам Барлос ва унинг биродари Ҳамза, Аталмиш, Тўкал Қора ва бошқа амирлар ҳамда сардорлар шаҳарда жойлашадилар. Улар қалъа ва деворларни сақлаш ва ҳимоя қилиш борасида ўз саъй-ҳаракатларини аямайдилар.

АМИРЗОДА ХАЛИЛ СУЛТОННИНГ ПОЙТАХТ САМАРҚАНДГА КИРИШИ ЗИКРИ ВА САОДАТМАНД СОҲИБҚИРОН ТАЪЗИЯСИНИНГ ТУГАШИ БАЁНИ



Амирзода Халил Султон Сайхун сувидан ўтгач, анча масофа йўл юриб, Самарқандга яқинлашган эди, Амир Хожа Юсуф совға-салом ва ҳадялар билан шаҳардан ташқарига чиқиб, Самарқанддан тўрт фарсах нарида жойлашган Шероз қишлоғида ҳурмат билан истиқбол этишга сарафроз бўлди. Ул ноҳиянинг саййидлари, уламо ва улуғлари истиқбол расмини амалга оширдилар. Ундан кейин Кўҳак суви бўйида шаҳзоданинг боргоҳи маскан тутди. Аргуншоҳ қалъа эшикларини ва қимматбаҳо хазиналар қопқоғини очиш учун хизматга шошилди. Бахтиёр ва саодатли амирзода Халил Султон бутун жаҳон ўлкалари ва шаҳарларидаги барча хазина ва нафис буюмлар мавжуд бўлган фирдавсмонанд Самарқандга кириб келиб, 807 йил рамазон ойининг ўн олтинчи куни¹, қуёш ҳамал буржининг олтинчи даражасида турган пайтда мунажжим Мавлоно Бадриддин кўрсатмасига биноан салтанат тахтига ўтирди. Шаҳзодалар, амирлар ва давлат арбоблари тиз чўкиб, табриклаш маросимини бажо қилдилар.

Амирзода Халил Султон Амир Темур Гурагон васиятини мулоҳаза қилиб, амирзода Муҳаммад Султоннинг ўғли ва валиаҳд

¹ 807 йил ўн олтинчи рамазон – 1405 йил 18 март.



Пир Муҳаммаднинг амакиси амирзода Муҳаммад Жаҳонгирни хонликка кўтарди ва буюрдик, унинг номи расмий равишда шоҳона фармонларнинг бошига ёзилсин.

Икки кундан кейин саид Соҳибқирон мақбараси бўлган амирзода Муҳаммад Султоннинг хонақоҳига бориб, таъзияни бошидан бошлади. Барча шаҳзодалар, аёллар, оғолар, амирлар, аслзодалар ва аъёнлар мотам либосида йиғи-сиғига киришдилар. Мусибатли таъзия амалларини бажаргандан кейин марҳум Соҳибқироннинг буюк руҳини ором олдириш учун парвардигор каломини ўқидилар ҳамда ҳожатмандларга хайру эҳсон ва садақалар улашдилар. Ўша кунларда йўқсил ва қашшоқларга жуда кўп ҳолва ва таомлар тарқатилди. Шундан кейин амирзода Халил Султон, шаҳзодалар, аёллар ва нўёнлар аза либосларини ечиб, уларнинг ҳаммасига қаддига қараб фахрли хилъатлар, тилла иплар билан тикилган либослар совға қилинди. Хазиначилар эшиги ланг очилиб, халққа кўп миқдорда тилла ва гавҳар берилдики, жаҳон бундайини кўрмаган эди. Шаҳзоданинг ўта ортиқча харажати ва чиқими, унинг зарари кейинги саҳифаларда иншоллоҳ ёзилажак.

УЛУҒ НАСАБЛИ СОҲИБҚИРОННИНГ ФАРЗАНД, НЕВАРА ВА ЭВАРАЛАРИ ҲИСОБИ ЗИКРИ

Марҳум Соҳибқироннинг ўғил авлодларидан ул ҳазрат вафот этган пайтда ўттиз олти нафари ҳаёт бўлиб, шундан амирзода Жаҳонгир наслидан ўн бир ўғил, марҳум Муҳаммад Султондан уч ўғил қолган эди. Муҳаммад Жаҳонгир тўққиз ёшли, Яҳё беш ёшли, Саъд Ваққос олти яшар ва амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир етти бола билан, йигирма тўққиз ёшлигида Кобул ва Ғазнин салтанати тахтини эгаллаганди. Қайду тўққиз ёшда, Холид етти ёшда, Бузанжир, Саъд Ваққос, Санжар, Жаҳонгир, Умаршайх Баҳодир наслидан тўққиз ўғил ва неваралар ҳаёт эдилар. Пир Муҳаммад бир ўғил билан йигирма олти ёшда, Умаршайх етти ёшда, Рустам ибн Умаршайх йигирма тўрт ёшда (икки ўғил билан – Усмон олти ёшда), Султонали бир ёшда, , Искандар



ибн Умаршайх йигирма бир ёшда, Аҳмад ибн Умаршайх ўн саккиз ёшда, Сайди Аҳмад ибн Умаршайх ўн беш ёшда, Бойқаро ибн Умаршайх ўн икки ёшда эдилар.

Ўттиз саккиз ёшли шаҳзода Мироншоҳнинг етти ўғил ва набиралари бор эди. Або Бакр йигирма уч ёшида икки ўғил — Илангир тўққиз ёшда, Усмон Чалабий тўрт ёшда эди. Умар ибн Мироншоҳ йигирма икки ёшда, Халил Султон йигирма бир ёшда, Ижал ўн ёшда, Суюрғатмиш олти ёшда. Шохрух Мирзо йигирма ёшлигида Хуросонда подшоҳлик қиларди ва унинг етти ўғли бўлиб, Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султон ҳар иккаласи ўн бир ёшда. Аммо Улуғбек Иброҳим Султондан беш ойлик каттароқ эди. Бойсунқур саккиз ёшда, Суюрғатмиш олти ёшда, Муҳаммад Жўки уч ёшда, Жон ўғлон икки ёшда, Йарди бир ёшда эдилар.

Марҳум Соҳибқироннинг мукаррама қизларидан ўн етти нафари иффат пардасида ўтирарди. Ҳазратнинг туғишган қизларидан Султон Бахт Бегим бўлиб, ул Амир Сулаймоншоҳ никоҳида яшарди. Шаҳид амирзода Умаршайх Баҳодирдан уч нафар дилбар қиз қолган эди. Муҳаммад Султондан уч қиз, Мироншоҳ Мирзодан тўртта қиз ҳаёт эди. Шохрух Мирзода битта, Пир Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Або Бакр Мирзо ва Халил Султон Мирзонинг ҳар бирида биттадан ва амирзода Султон Ҳусайн эса ҳазрат Соҳибқирон қизининг ўғлидир. Унинг онаси Ока Бегидир ва отаси Муҳаммадбек ибн Амир Мусодир.

МАРҲУМ ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ХОТИНЛАРИ ВА КАНИЗАКЛАРИ ИСМЛАРИ ЗИКРИ



Олий шаънли хоқони саид Шохрух Мирзо замонида битилган «Насабнома»да айтилишича, мақтовга лойиқ сифатли Соҳибқирон бутун ҳаёти даврида ўн саккиз аёлни ўз никоҳига олган. Уларнинг исмлари мана будир: Ўлжай Туркон Оғо — Амир Мусалло ибн Амир Қазаған қизидир. Султон Бахт Бегим шу аёлдан туғилган.



Покиза хонзода Сароймулкхоним – Қора Султонхон Турмиш Оғо қизи бўлиб, Жаҳонгир Мирзо ва Оғо Бегининг онасидир. Дилшод Оғо Дуғлотнинг ул ҳазратдан Султон исмли қизи бор эди.

Саодат Султон Туғди Бей Оқсўфи Қўнғирот қизи, Туман Оғо Мусо Тойжувит қизи, Тўкал хоним Хизр Хожaxon қизи, Давлат Туркан Оғо, Султон Оғо, Бурҳон Оғо, Улус Оғо Амир Баён Сулдуз Жонибек қизи, Оғо Мундар, Чўлпон Мулк Оғо, Бахт Султон Орой, Оғо Некуз ва Наврўз Оғо.

Ул шахриёр осмонидаги маҳрамга олинган хос канизакларнинг йигирма иккитасининг исми шу тариқа келтирилган: Товай Туркон Оғо – Қорахитой уруғидан, Шоҳрух Мирзо ундан тувилган. Жаҳон Бахт Оғо, Такор Уч Берур Оғо, Латик Оғо, Ёби Бек Оғо, Дар Султон Оғо, Дилшод Оғо, Мурод Бек Оғо, Пирюз Бахт, Хуш Келдирай Оғо, Дилхуш Оғо, Барот Оғо, Севинч Малик Оғо, Азруний Оғо, Монгулибек Оғо Жони Қурбоний – амирзода Мироншоҳнинг онаси эди, Ёдгор Султон Оғо, Худодод Оғо, Туман Оғо – Умаршайх Мирзонинг онаси эди, Бахт Нигор Оғо, Мулкон Шоҳ Оғо, Филуний Оғо.

**МАШҲУР ХИСЛАТЛАР СОҲИБИ
СОҲИБҚИРОН БИЛАН ЗАМОНДОШ
БЎЛГАН БАЪЗИ САЙЙИД, МАШОЙИХ,
УЛАМО ВА АКОБИРЛАР ЗИКРИ**

*А*хбор арбоблари замирига зоҳир ва ошкор бўлсинким, баланд мартабали ва олий макон тоифадаги бир гуруҳининг кўпчилиги жаҳонгир соҳибқирон Амир Темур Гурагоннинг саодатли даврида жаҳон, инчунин Эрон ва Туроннинг буюк шаҳарларида яшаш шарафига мушарраф бўлганлар, бироқ ул табақа кайфияти ва ҳолати тўлалигича тарих китобларида маълум ва равшан қилинмаган. Шунинг учун бу паришон сўзлар соҳибига маълум бўлган у ақобирлар аҳволининг баъзи бир лавҳалари умумий тарзда қисқача зикр этилиши маъқул кўринди.



Мавлоно Жалолиддин Маҳмуд Зоҳид Мурғобий — зоҳирӣ илмда Мавлоно Низомиддин Ҳиравийнинг шоғирди эди. Ҳазрат пайғамбар алайҳиссаломнинг суннат рисолатларини ихлос билан равон, таъсирли ва маъноли тушунтиришга саъй-ҳаракат қиларди. Художӯй ва тақводори комил эди. Доимо илмни тоатибодат билан улуғларди. Унинг вафоти 778 ҳижрий-қамарий йилнинг зулҳижжа ойида¹ рӯй берди ва ўзининг маскани — Ҳиротнинг Мурғоб деган маҳалига дафн этилди.

Амир Саййид Али ибн Шиҳоб ибн Муҳаммад Ҳамадоний зоҳирӣ ва ботинӣ илмлар соҳиби ҳамда ташқи ва ички маънавий фазилатларни ўзида жам ва мужассам этган шахс эди. Аввал бошқа ихлос билан Шайх Шарафуддин Маҳмуд ибн Абдуллоҳ ал-Маздақоний мулозиматида бўлди, аммо Шайх Тақийиддин Али ал-Дўстийдан тариқат йўлларини ўрганди. Шайх Тақийиддин вафотидан сўнг яна Шайх Шарафуддин Маҳмудга ружу этди ва айтди: «Нима буюрадилар?!» Шайх англаб марҳамат қилдилар: «Ҳукм шундай! Дунёнинг барча узоқ нуқталарига борасан».

Амир Саййид Али не буюрилган бўлса, ҳаммасига амал қилди. Уч марта ер юзини айланиб чиқди ва бир минг тўрт юз валийнинг суҳбатига етишди ҳамда тўрт юзини бир йиғинда (мажлис) кўрди. Амир Саййид Алининг «Асрор ул-нукат», «Шарҳи ас-мои Аллоҳ», «Шарҳи фусул ул-ҳикам», «Шарҳи қасидаи хамрияи форизия», «Захират ул-мулук» сингари ёзилган китоблари орифлар орасида машҳурдир.

У 789 ҳижрий-қамарий йилда² вафот этди, унинг қabri Хутталон вилоятидадир.

Бобо Сангу фидойи дарвеш бўлиб, ундан турли каромат ва фавқулодда ҳодисалар зуҳур бўларди. 782 ҳижрий-қамарий йилда³ марҳум Соҳибқирон Хуросонни фатҳ этиш учун бораётиб Амударёдан ўтганда Андхуд қасабасида у билан мулоқот қилди. Дарвеш ўта қаттиқ кўкрак уриш жазавасида Амир Темур Гура-

¹ Мелодий 1377 йил апрель-май.

² Мелодий 1387 йил.

³ Мелодий 1381 йил.



гон томон қўй тўшини ташлади. Соҳибқирон бу ҳодисани каромат деб билиб айтди: «Худойи таоло рўйи замин кўкси бўлган Хуросонни бизга тортиқ айлади»¹. Худди шундай ҳам бўлди. Бобо Сангу Андхудда вафот этди, қабри ҳам ўша ердадир.

Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Тойободий – зоҳирий ва маънавий камолотлар соҳиби бўлиб, зоҳирий илмларда Мавлоно Низомиддин Ҳиравийнинг шогирдидир. Чунончи, «Нафаҳот»да² ёзилганидек, Мавлоно Зайниддин Абу Бакр дарҳақиқат увайссифат³ бўлган экан. У ҳазрат шайхулислом Аҳмад Жомий (қабри нурга тўлсин) нинг руҳоний-маънавий тарбиясини олган.

Амир Темур Гурагон Ҳиротни забт этишга қасд қилган пайтда Тойобод қасабасида жаноб Мавлавий билан мулоқот қилди. Ул жаноб бул ҳазратга насиҳат қилмоқчи бўлиб оғиз очди ва фойдали сўзлар марҳамат қилдилар.

Айтишларича, тўс-тўполон асносида улуғ хислатлар соҳиби Соҳибқирон ул йўлбошчидан завқ-шавқ билан сўради: «Сиз ношойиста амалларни тарк этиш учун нега Малик Фиёсиддин Пир Алига раҳбарлик этмадингиз?».

Мавлоно Зайниддин айтди: «Унга насиҳат қилдим, аммо кулоққа олмади. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло сенга унга ваколатлик қилиш вазифасини юклади. Агар сен ҳам Худои таоло бандалари билан адолат йўсини ила муомала қилмасанг, бошқаси сенга ҳукмрон бўлиб олади». Амир Темур Гурагон сўрадиларки, «У шахс кимдурки, мени истило қилиш унинг қўлидан келса?» Жаноб Мавлоно жавоб қилди: «Азройил!»

Амир Соҳибқирон бу сўзни эшитиб уни яхшилик аломати деб қабул қилди-да, айтди: «Ҳеч бир султон менинг устимдан зафар қозона олмаяжак. Демак, менинг бу ғам-ғуссали дунёдан кетишим сабаби табиий ажал бўлажак». Мавлоно Зайниддин Абу Бакр вафоти 791 ҳижрий-қамарий йил муҳаррам ойининг охир-

¹ Бу ҳақда қаранг: Яздий. Зафарнома. 89-бет.

² Абдурахмон Жомийнинг (1414–1429) «Нафаҳот ул-унс» асари кўзда тутилмоқда.

³ Увайссифат – яъни зоҳид.





ги куни¹ туш пайтида рўй берди. Малик Имодиддин Завзоний унинг вафоти тарихига мана бу қитъани марҳамат қилди:

Қитъа:

Етти юз тўқсон бир – тарихий сана,
Муҳаррам ойининг сўнгги кунлари.
Пайшанба айёми туш пайти ногоҳ,
Аъзам Мавлононинг руҳи поклари,
Жаннат боғларига айлади парвоз,
«Марҳабо!» деб чиқди малаклар бари.

Фозиллардан яна бошқаси бу борада айтди:

Байт:

Олам қутби вафотининг санаси:
«Сод» устига бир нуқта зиёдаси.

Ул жанобнинг қабрлари Тойобод шаҳарчасидадир.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг номи Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийдир, уни Хожа Муҳаммад Бобо Самосий фарзандликка қабул қилган эди. Тариқат одоби бўйича билимни Саййид Амир Кулолдан олган. «Нафаҳот» да битилганки, Хожа Баҳоуддин дарҳақиқат увайсий бўлган ва Хожа Абдухолиқ Фиждувонийнинг маънавияти руҳида тарбияланган. Бир киши ундан сўради:

Сизнинг дарवेशлигингиз меросийми ёки ўрганилганми?

Жавоб берди:

– Майл ҳукми билан мен Ҳақ майлига баб-баравар амал қилганим учун бу саодатга мушарраф бўлдим.

Яна сўради: Сизнинг тариқатингизда жаҳр зикри ва хилват зикри бўладими? Айтдилар: Бўлмайди. Айтди: Унда сизнинг тариқатингиз нимага асосланади? Марҳамат қилдилар: Хилват йиғинда бўлиб, зоҳирда халқ билан ва ботинда эса ҳақ субҳонаху таоло билан.

Байт:

Зоҳиран бегона, бўл ботинда ошна жонажон.
Бундайин аъло равишни кам билар ёруғ жаҳон.

Хожа Баҳоуддин вафоти 791 ҳижрий-қамарий йили рабиул-аввал ойининг учинчиси, душанба куни² кечаси содир бўлди.

¹ Мелодий 1389 йил 29 январь.

² Мелодий 1389 йил 1 март.



Фозил кишилардан бири бу воқеа санасини сабт этиш учун мана бу қитъани назм ипига терди:

Қитъа:

Хожаи Аъзам Баҳоул — Ҳақ вад-дин Нақшбанд,
Ул вилоят аҳлида энг машҳури даврон эди.
Маскану маъвоси эрди Қасри Орифон, ажаб:
Ақл рихлат тарихин ҳам «Қасри Орифон» деди.

Хожа Алоуддин Аттор исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдур. У Хожа Баҳоуддин Нақшбанд асҳобларининг улуғ туркуми йўлида тарбияланган. Хожа ҳаёт пайтларида Ҳақ йўлидан баъзи солиқлар тарбиясини унга топширар ва айтардилар: «Алоуддин бизнинг юкимизни енгиллаштиради». Хожа Алоуддин вафоти 808 ҳижрий-қамарий йили ражаб ойининг йигирманчиси чоршанба куни¹ кечаси рўй берди. Унинг қабри Нав Чағониён қишлоғидадир.

Мавлоно Саъдиддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний — раббоний олам саодати ва фоний олам алломаси 728 ҳижрий-қамарий йилнинг сафар ойида² Нисо вилоятига қарашли Тафтазон қишлоғида туғилди. У болалик чоғида ўсмирлик маҳалигача илм олиш таҳсилини бошлаб, фан асосларини пухта ва тўлиқ такмил этишга эришди ҳамда бироз муддат ичида илм-фан майдонида ўзидан олдинги замондошларидан анча илгарилаб кетди. Мушкин қаламининг хушбўй ёзуви фузалолар нозик димоғини ўзининг ажойиб ҳиди билан муаттар этди. Ул жаноб ўн олти яшарлигида ёзишни бошлаб, Занжонийга тааллуқли сарф (морфология) шарҳини етук услубда муфассал тарзда охирига етказиб, уни Муизиддин Ҳусайн Карт³ номига йиғган, Хоразмни ватан қилиб, Жонибекнинг⁴ ибратли, адолатли ва эҳсонли экани зикр этилган. «Мухтасар»ни қисқача қилиб, унинг номига бағишлаб иншо ипига терди. Ҳеч бир лофсиз ва газофсиз, чунончи, у олами холис сифатнинг адабий асарларида таҳрирнинг латофати, баённинг

¹ Мелодий 1406 йил 11 ноябрь.

² Мелодий 1327 йил 17 декабрдан 1328 йил 14 январгача бўлган оралиқда.

³ *Муизиддин Ҳусайн Карт* — XIV аср иккинчи чорагида ҳукм сурган Ҳирот ҳукмдори.

⁴ *Жонибек* — Олтин Ўрда хони (1341 — 1357).



лаззати, шарҳнинг сатрлар орасидалиги пинҳонлиги, кесатиқ ва луқманинг нозиклиги, мушкilotнинг ечилиши ва машаққатнинг бартараф этилиши очиқ ва равшан кўриниб турибдики, бу унинг танқидий табиатининг камолотга етганидан далолат беради. Ҳиммати балад бу шахснинг димоғига очкўзлик, зиқналик эҳтиёжи ин қурган эди.

Ўша пайтда Амир Темур Гурагон Хоразмга юришга жазм этган эди. Малик Муизиддин Ҳусайннинг кичик ўғли Малик Муҳаммад Сарахсий ўша подшо аъёнлари орасида мулозим бўлган ўзининг амакиваччаси Малик Пир Муҳаммад ибн Малик Фиёсиддин Пир Алига «Хоразм қачон фатҳ этилса, ул Ҳазратдан рухсат сўраб Мавлоно Саъдиддинни Сарахсга жўнатгин» деб хабар юборди. Ана шунга биноан жаҳон фотиҳи ҳазрат Соҳибқирон тиғи ёғдуси ўша вилоятни ҳудуди доирасига тортгач, у ердан аҳоли ва ғарибу ғураболарни кўчиришга ишорат этдилар. Шунда Малик Пир Муҳаммад тиз чўкиб, ул Ҳазратдан Мавлоно Саъдиддинни Сарахс томонга юборишга ижозат сўраб илтимос қилди. Амир Темур ҳазратлари маликзоданинг илтимосини қабул қилишга мойиллик билдирганидан сўнг, Мавлавий жаноблари Сарахсга равона бўлди. Бу воқеадан кейин ҳазрат Соҳибқирон Самарқандга қайтди. Мовароуннаҳр уламо, фузало ва машойихлари ул жанобга, «гарчи Хоразм забти салтанат ошиёни остонасидаги хизматкорларининг (мушкулотларини) енгиллатган бўлса-да, ул мамлакатнинг ҳосили Малик Муҳаммад Сарахсийга тааллуқли бўлди», деб арз қилдилар. Ул ҳазрат бу қисқа арзнинг муфассал баёини талаб қилди. У жамоа арз этдиларки, ҳозир жаҳон уламоларининг раҳнамоси, башарият фузалоларининг даҳоси Мавлоно Саъдиддин Масъуд ат-Тафтазонийдирки, тўпламларининг фасоҳатли сифатлари ёғдуси худди қуёшнинг шуъласидек оламнинг шарқ ва ғарб қисмини мунаввар этса, мўъжизали етук асарларининг хушбўй ҳиди эса бутун рўйи заминнинг шимол ва жанубига фарвардин¹ ойи насими сингари ям-яшиллик, тозалик ва тиниқлик бағишлади.

¹ Эрон ҳижрий-шамсий йилининг биринчи ойи март-апрель ойларига тўғри келади.



Назм:

Унинг асарлари ёлқини худди,
Тонгги қуёш каби олам тўлдурур.
Сири Суҳо каби кўз илғамас-у,
Мазмуни хуршиддек жаҳонга машҳур.
Илм кашф этар қалам товушин дейсиз:
Довудий¹ овозда ўқилган «Забуру»².

Олдий фозил кишилар илм-фаннинг турли соҳалари бўйича унинг кўнгилни чароғон этувчи илми нурларидан иқтибос этади ва буюк ҳунарманд олимлар эса муҳим билим қатраларидан фойдаланишни илтимос қиладилар. Амир Темур бунга ўхшаш сўзларни эшитгач, ўзининг тақдир дафтарига таассуфларни битиб қўйди ва бажарилиши қатъий бўлган ҳукми Сарахсга жаноб Мавлавий ҳузурига илтимос тариқасида жўнатди. Мавлоно Саъдиддин аввал Ҳижозга сафар қилиш баҳонасида илтимосни ижобатга олмади, аммо Соҳибқироннинг бу борадаги фармони кучга киргач, ул жаноб Самарқанд сари йўлга тушди ва бир неча йил бу шаҳарда иззат-ҳурмат ва ҳашамат маснадида етук олимлар орасида илм билан шуғулланиб, ўша олим ва фузалолар жамоаси орасида бир неча мўътабар асарлар ёзиб ёдгорлик қолдирди.

Амир Темур олимлар подшоҳи ва донишмандлар қуёшига иззат-ҳурмат кўрсатишда жуда муболаға қиларди. Йиғинларда ўз кўрпачасидан жой берар ва қайтишда эса то уйининг эшигигача кузатиб қўярди.

Мавлоно Саъдиддин 797 ҳижрий-қамарий йилда³ вафот этди. Унинг қабри Сарахс туманидадир. Ул жанобнинг ақлий ва нақлий илмнинг барча соҳасида таълиф этган асарлари жуда машҳур ва оммавий бўлганлигидан, уларни санаб ўтишга ҳожат йўқ ва мендек кичик бир олимнинг у китоблар ҳақида батафсил ёзиши учун унинг барча илмларини ўрганиб чиқишим керак. Мавлоно **Саъдиддиндан мавлоно Муҳаммад** исмли бир ўғил қолган.

¹ Довуд – Довуд пайгамбар.

² Забур – яҳудийларнинг муқаддас китоби.

³ Мелодий 1394 йил ноябрь – 1395 йил октябрь.



Мавлоно Муҳаммад ҳам олимлар қаторидан ўрин эгаллаб, бироз муддат Амир Темур мулозаматида бўлган. Мулло Золо исми бир Шайхулисом жанобдан (миллат ва дин шамшири Аҳмад ибн Шайхулисом Қутбиддин Яҳё ибн мавлоно Муҳаммад ибн Мавлоно Саъдиддин Масъуд) қулоққа чалиндики, улар айтган эканлар: Мавлавий жаноблари Самарқандга ташриф буюрган пайтларида менинг бобом – мавлоно Муҳаммад Ҳирот шаҳрида истиқомат қиларкан. Ўша кунларда Мурғоб зоҳидлари ва баъзи бир художўй олимларга хабар етдики, мавлоно Саъдиддин ғалабакор Соҳибқирон йиғинларида ҳалоллиги маълум бўлмаган барча таомларни қилганлар ва қилмоқдалар ва улар тиллари-га эрк бериб, таъна ва ҳақоратга оғиз очиб айтганлар: «Жаҳон олимларининг пешвоси шубҳали луқмани ейиши қандай жоиз бўлиши мумкин?!»

Мавлоно Муҳаммад бу сўзларни эшитгач безовталаниб, бу борада падари бузрукворига икки элик хат ёзиб, ундан ҳазрат Соҳибқирон йиғинларида таом томонга энди қўл узатмаслигини илтимос қилди. Ва бу хатни Ҳиротдан Мовароуннаҳрга кетаётган тавочидан бериб юборди. Тавочи эса мавлонозоданинг хатини бошқа мактублар қатори халтага жойлаб қўйди. У Самарқандга етиб келгач, халтани бошқа моллар билан Амир Темур олдига олиб борди. Соҳибқирон мактубларни мутолаа қилиш асносида кўзи мавлоно Муҳаммад ёзувига тушиб қолади. Унинг мазмунини фаҳмлаб етгач, бу ҳақда лом-мим демади. Мактубни мавлоно Саъдиддинга кўрсатмади.

Бир қанча вақтдан кейин мавлоно Муҳаммад Самарқандга ташриф буюрди. Баланд мартабали Соҳибқирон мулозаматларида бўлди. Соҳибқирон ҳазратлари мавлонозодага иззат-ҳурмат кўрсатиб, кўп илтифотлар изҳор этиб, йиғилиш охирида вазирлик мансаби соҳиби Хожа Маҳмуд Шаҳобга деди: «Мавлонозода ходимларига сарф-харажатлари учун беш минг динор кепакий маблағ берилсин». Хўжа Маҳмуд бўлса Амир тайинлаб қўйган кўрсатмасига биноан деди: «Ҳазинада нақд тилло (пул) қолмаган. Агар буюрсалар мазкур маблағни вилоят ижарачи деҳқонлари ҳисобидан чек ёзиб берсам». Амир Темур буюрдилар: «Ижа-



рачи дехқонлардан бу маблағ кечикиброқ кириб бўлади. Биз мавлонозоданинг бу шаҳарда қийналиб қолишини ҳечам истамаймиз». Хожа жавоб берди: «Яшаш эҳтиёжи учун бериладиган мазкур маблағ тамға воситасида икки кунда етиб келади. Агар фармон этсалар, ўша маблағни мавлонозодага нафақа ёрдам пули сифатида ойлик қилиб берсам». Соҳибқирон ҳазратлари буюрдилар: «Ҳозироқ чек ёзиб қўлига топшир». Хожа Маҳмуд ҳам шу йиғиндаёқ мазкур маблағни Самарқанд тамғаси воситасида чек ёзиб, мавлоно Муҳаммаднинг олдига қўйди. Ул жаноб дуо қилиб, чекни олиб саройдан ташқарига йўрғалади. У энди оёқларини узангига қўйиб отга минмоқчи ҳам эдики, ҳазрат Соҳибқирон киши юбориб уни қайтадан саройга даъват қилди ва табассум билан деди: «Мавлонозода энг ҳаром ҳисобланган тамғали зарни инъом сифатида қабул қилса, худди шу сингари илм-фаңда тенги йўқ отасига Темурнинг таомини тановул қилишни ман қилиши қандай жоиз бўлар экан-а?!» мавлонозода бу таънани эшитиб ниҳоятда хижил ва шармисор бўлиб деди: «Мен уйдан чекни Хожа Маҳмуд Шаҳобга қайтариб жўнатиш ниятида эдим». Амир Темур деди: «Агар шундай бўлганда чек ёзилаётган пайтда жирканиш асарлари сизнинг башарангизда намоён бўлур эди, аксинча, юзингизда қувонч ва сурур ила уни қабул қилдингиз». Мавлоно сўнг ул жанобнинг ишоралари билан мазкур чекни мавлоно Муҳаммаддан қайтариб олиб, хазинадан беш минг динар нақд маблағни унга топширдилар. Мавлоно Муҳаммад Соҳибқирон вафотларидан сўнг ҳам Ҳиротнинг ҳашаматли ва гўзал мавзеида анчагина яшади. 838 ҳижрий-қамарий йилда вабо касаллиги (товун) сабабли оламдан ўтди.

Амир Саййид Шарафуддин Али ал-Журжоний 704 ҳижрий-қамарий йилда¹ Астробод ноҳиясига қарашли Тоғу қишлоғида пинҳоний йўқликдан мавжуд оламга қадам қўйиб, Журжон фазосинигина эмас, балки бутун жаҳонни яхшилик белгили ўзининг шариф зуҳури ила мушарраф этди. Етуклик ва балоғат ёшига етгач, таҳсилга киришди ва кўп ўтмасдан дунё муҳаққиқлари ва олимларнинг етук пешволари наздида эҳтиромга сазовор бўлди.

¹ Мелодий 1304 йил август – 1305 йил июнь.



«Равзат ус-сафо»¹ да ёзилганки, 779 ҳижрий-қамарий йилда² Шоҳ Шужо ибн Муҳаммад Музаффар³ «Зард» қасрида яшарди, Амир Саййид Шарафуддин Ўрда мавзеига етиб келиб, подшоҳ билан учрашиш нияти борлигини билдирди.

Шу пайтда подшоҳ хизматига кетаётган мавлоно Саъдиддин Масъудни кўриб қолди. Ўзининг ҳарбий кийимига ишора қилиб деди: «Мусофирман, камон отувчиман, Мозандарон вилоятидан Шоҳ Шужо ҳузурида учта камон ўқи отиш ниятида келаётибман. Умидим шулки, фурсат топилиши билан менинг арзимни етказсангиз». Мавлоно Саъдиддиннинг узангисига осилиб қасргача борди. Мавлоно айтди: «Сен шу ерда кутиб тур, мен сенинг киришинг учун рухсатнома олай».

Мавлоно подшоҳ мулоқотига мушарраф бўлгач, камон отувчи мусофир ҳақида арз қилди. Шоҳ Шужо дарҳол уни ҳузурига чорлади. Амир Саййид Шариф саройига кириши ҳамон Шоҳ Шужо ундан камон отиш моҳирлиги ҳақида сўраган ҳам эдики, унинг таъби шарифи натижаси бўлмиш асҳоблар эътирозлари битилган асарнинг бир қисмини қўлтиғидан олиб, Шоҳ Шужо қўлига тутди. Шоҳ ўшал саҳифаларни мутолаа қилиб, шарифи хотирларига маъқул кўриб, унга таъзим ва эҳтиром этди ҳамда кўпгина нақд (пул) ва жинс (мол-мулк) инъом этиб, ул жанобни ўзига ҳамроҳ қилиб Шерозга олиб кетди. Ўзининг доришишифосида дарс бериш мансабини ул фазилатли Саййидга топширди. Саййид Шариф ўн йил Форс вилоятида фазл ва камол аҳлига сўз маъноларини ифода этиш бўйича дарс берди. Амир Темур 789 ҳижрий-қамарий йилда⁴ Шерозни фатҳ этгач, Амир ул жанобни Самарқандга ташриф этишларига буйруқ бердилар. Ул жаноб бажарилиши қатъий бўлган фармонга биноан дарҳол ул томонга равона бўлиб, то Соҳибқирон вафотига қадар у ерда бўлдилар. Ўша пайтда у жаноб билан Мавлоно Саъдиддин Тафтазоний

¹ Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»си назарда тутилмоқда.

² Мелодий 177 йил май – 1378 йил март. Лекин бошқа маълумотларга кўра у 741/1340 йили туғилган.

³ Шероз подшоҳи Шоҳ Шужо Музаффарийнинг Амир Темурга 1383 йили йўллаган мактуби юқорида эслатилган.

⁴ Мелодий 1387 йил.





ўртасида баҳслар бўлиб ўтди. Аксарият йиғинларда сержаҳллиги ва зеҳнининг ўткирлиги сабабли у жаноб Мавлавий устидан баҳсда ғолиб бўларди.

Байт:

Пасту баландликни Худо яратган,
Забардастни ундан зурга қаратган.

Амир Темур Гурагон боқий жаҳонга сафар қилгач, хайрул-башар авлодининг пешвоси ва донишманд олимлар сарвари Мовароуннаҳрдан Шерозга шошилиб ва ул диёрда 816 ҳижрий-қамарий йилда¹ вафот этди. Амир Саййид Шарифнинг тасниф этган асарлари жуда кўп ва ниҳоятда машҳурдирлар. Ўзидан олдинги ва замондошлари томонидан ёзилган кўп китобларга етук ва чуқур фикрлар билдирган.

У кишининг муборак умрлари 76 ёшда² бўлган.

Мавлоно Абдулло ибн мавлоно Лисониддин Муҳаммад замонаси донишмандларининг энг фозили ва даври мунажжимларининг энг олими эди. Унинг астрономия соҳасидаги ҳукми қазо ва қадар сингари аниқ эди.

Байт:

Фалак зиждларини жадвалма-жадвал,
Ҳикмат устурлоби дадил қилди ҳал.

Хуршидмисол Соҳибқирон бу фозил кишига нисбатан мислсиз даражада илтифот кўрсатарди. Ул жаноб ҳам ҳамиша тахти баланд ва давлатманднинг мулозаматида бўлиб, ихлос билан (уни) дил саҳифасига битарди.

Мавлоно Низомиддин Шомий – бул жанобни Шиши Ғазоний ҳам деб аташади. Хўжастасифат Соҳибқирон аҳволи у фозили комил тарихида нақд қилинган. «Матлаъ ас-саъдайн»да ёзилганки, мавлоно Низомиддин марвлик бўлиб, у айтди: «Амир Темур биринчи марта Бағдодга лашкар тортиб, Султон Аҳмад

¹ Мелодий 1413 йил.

² Агар туғилган йили юқорида кўрсатилганидек 779 йил бўлса, умри фақат 37 йил бўлади. Агар 741 йилда туғилган бўлса, умри шу рақамга мос келади.





Жалойирни мағлуб этган пайтда пойтахт халқидан¹ биринчи бўлиб мен олампадох даргоҳига бордим ва ул ҳазрат менга илтифот ва мурувват назари билан қарадилар-да, муборак тиллари билан лутф айладилар: «Худойи таолонинг сенга раҳмати ёғилсин, чунки бу ер аҳолисидан бизнинг ҳузуримизга биринчи бўлиб сен келдинг». Ва мени тарбият айладилар ҳамда мазкур китобда зикр қилинганки, Ҳалаб қамал қилинган вақтда мавлоно Низомиддин ўша шаҳарда истиқомат қиларди. У шаҳар қамал этилгандан сўнг Амир Жалол ал-Ислоҳ уни олам ҳукмрони олдига олиб борди ва унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Маълум бўлсинки, бир китобда ёзилган бу икки сўз фарқи мушкулотдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам ушбу сатрлар муаллифи фикрича, бу фикрнинг сиҳатлиси шуки, мавлоно Низомиддин зафарёр Соҳибқирон суҳбатига мушарраф бўлгач, ул давлатманд ва иқболи баланд ҳашаматли даргоҳнинг доимий мулозими бўлиб, ул жаноб воқеалари бобида тарихий асар ёзган.

Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий (Навара Аллоҳ марқадуҳи)² — олий даражали муҳаддислар билимдони ва юқори мартабали донишмандлар пешвоси бўлиш билан бирга, зоҳид ва тақводорлиги билан ҳам машҳур ҳамда доно ва одиллиги билан васф этилган эди. «Зафарнома» ва «Матлаъ ас-саъдайн»да битилганки, Амир Темур Гурагон Йилдирим Боязидни асир олган пайтда Мирзо Муҳаммад Султон ва Амир Шайх Нуриддинни Бурсага юборди. Ул диёрнинг барча ақобирлари денгиз томонга қочдилар. Зафаршиорли лашкар эса шиддат билан орқасидан бориб, уларнинг кўпчилигини қўлга олди: шайх Шамсиддин Муҳаммад Жазарий, Саййид Муҳаммад Бухорий ва мавлоно Шамсуддин Фанорий шулар жумласидан эди. Амир Шайх Нуриддин шайх Шамсуддин Муҳаммадни ўзи билан бирга олий тахт пойига олиб келиб, Кутоҳияда хўжастасифат Соҳибқирон мулоқотига мушарраф эттирди. Ул Ҳазрат назарларига манзур бўлган

¹ Яъни — бағдодликлардан.

² Яъни — «Аллоҳ қабрини нурафшон қилсин».





Марвлик вилоятпаноҳ ҳазрат Хожа Абдуллоҳ айтдиларки, Шайх Камол бир қанча вақт Шошда яшадилар, ана шу муддатда асло мол гўштига рағбат кўрсатмадилар. Бир кун Валид унга айтди:

«Гўштан тайёрланган бир таом бўлса, тановул қилармидилар?»

Уни ҳазрат мутойибага йўйиб, айтдилар: «Сен қачон молингни сўйсанг, биз гўшт ейишга тайёрмиз».

Иттифоқо, отамнинг ғоят семиз моли бор эди. Бу гапни эшитиши билан дарров молни сўйиб, бир таом тайёрладилар ва шайх хузурига элтдилар. Шайх эса у кишининг рўйи-хотирина қилиб, гўштан озгина тановул қилдилар.

Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий «Баҳористон»да бу навони гўзал суханли фузалолар қулоғига етказганки, Шайх Камол сўз латофати ва маънонинг чуқурлигидан шундай мартабага етишганки, бундайини тасаввур қилиш мумкин эмас, аммо муболаға шу тариқа унинг шеърини оддийлик сарҳади доирасидан чиқариб юборган. Ул жаноб шеърда Хожа Ҳасан Деҳлавий услубини қўллаган. Бироқ унинг назмида учрайдиган нозик ва латиф маъноларни Ҳасан шеърятда топиб бўлмайдди. Шунга қарамасдан Шайх Камолни «Ҳасаннинг ўғриси» дейишади. Шунга биноан улар татаббу бўлиши мумкин. Ул жанобнинг баъзи девонларида мана бу байт битилган:

Байт:

Ҳеч ким тутмаган-ку раҳнада мани,
Мен қачон умардим шеърин Ҳасанни?!

Марҳум ҳазрат оталарининг хабар беришларича, Мирзо Мироншоҳ Камолга нисбатан ниҳоят даражада илтифотли ва мойил ҳамда сўзсиз ишонч ва эътиқодли бўлган.

Бир куни ул жанобнинг мулозиматига бориб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган камарбандни назр сифатида шайх олдига қўйди. Шайх одатга хилоф равишда уни уйига олиб бориб қўйди. Бироздан сўнг асҳоблар суҳбатига қайтиб бориб қараса, ҳамма кечикаяпти, шунда у сўради: «Дўстлар нега ҳаял्लаяптилар?» Ҳозир бўлганлардан бири жавоб берди: «Камар





(бел) дардига йўлиққанлар!» Шайх енгил кулиб деди: «Камарбандни келтиринглар, уни тақсимласинлар». Шайх Камол 803 ҳижрий йилда¹ вафот этди. Қабри Табриздадир. Мана бу байтни у жанобнинг қабри устига қўйилган тошга битганлар:

Байт:

Каъбани тарк этиб, жонона кетдинг,
Камол, юз офарин, мардона кетдинг!

Мағрибий номи билан танилган **мавлоно Муҳаммад Ширин** асло Исмоил Сейистий муриди ва шайх Нуриддин Абдурахмон Исфароий эмас. **Шайх Нуриддин Абдурахмон** ўз даврининг етук машойхларидан бўлиб, Бағдодда яшарди. У 795 ҳижрий йилда² Султон Аҳмад олдидан элчи бўлиб Амир Темур Гурагон ҳузурига келди. У ҳазрат эса Шайхга жуда кўп илтифотлар ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатди.

Мавлоно Муҳаммад Ширин ва Шайх Камол Хўжандий замондош ва улар доим ўзаро бир-бирлари билан суҳбатдош эдилар. Мавлоно Муҳаммаднинг шеърлар девони машҳур бўлиб, вазиалиётдан мана бу матла «Нафаҳот ул-унс»да келтирилган:

Байт:

Куёшингни кўриб, заррадан кечдик,
Ул зотни деди-у сифатдан кечдик.

У зот 809 ҳижрий-қамарий йилда олтмиш ёшида вафот этдилар.

Мавлоно Сафоиддин Хутталоний Мовароуннаҳр фозиллари қаторида муносиб ўрин эгалларди. У Амир Темур Гурагоний тарихини туркий тилда битган эди.

Шайх Маҳмуд Зангий Ажамий Кирмоний фазлда хислатли ва таъбда лутфли деб васф қилинган. Гапираётган пайтида тилидан кўпгина вазнли калималар тизиларди. Айтишларича, даставвал Шайх Али Турк ҳамроҳлигида Амир Темур Гурагон хизматига етишди. У Ҳазрат «Сизлар кимсизлар?» деб сўраган зоҳоти, у шеър билан жавоб берган:

¹ Мелодий 1400–1401 йиллар.

² Мелодий 1392–1393 йиллар.





Жалойирни мағлуб этган пайтда пойтахт халқидан¹ биринчи бўлиб мен олампахоқ даргоҳига бордим ва ул ҳазрат менга илтифот ва мурувват назари билан қарадилар-да, муборак тиллари билан лутф айладилар: «Худойи таолонинг сенга раҳмати ёғилсин, чунки бу ер аҳолисидан бизнинг ҳузуримизга биринчи бўлиб сен келдинг». Ва мени тарбият айладилар ҳамда мазкур китобда зикр қилинганки, Ҳалаб қамал қилинган вақтда мавлоно Низомиддин ўша шаҳарда истиқомат қиларди. У шаҳар қамал этилгандан сўнг Амир Жалол ал-Ислом уни олам ҳукмрони олдига олиб борди ва унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Маълум бўлсинки, бир китобда ёзилган бу икки сўз фарқи мушкулотдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам ушбу сатрлар муаллифи фикрича, бу фикрнинг сиҳатлиси шуки, мавлоно Низомиддин зафарёр Соҳибқирон суҳбатига мушарраф бўлгач, ул давлатманд ва иқболи баланд ҳашаматли даргоҳнинг доимий мулозими бўлиб, ул жаноб воқеалари бобида тарихий асар ёзган.

Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий (Наввара Аллоҳ марқадуҳи)² — олий даражали муҳаддислар билимдони ва юқори мартабали донишмандлар пешвоси бўлиш билан бирга, зоҳид ва тақводорлиги билан ҳам машҳур ҳамда доно ва одиллиги билан васф этилган эди. «Зафарнома» ва «Матлаъ ас-саъдайн»да битилганки, Амир Темур Гурагон Йилдиirim Боязидни асир олган пайтда Мирзо Муҳаммад Султон ва Амир Шайх Нуриддинни Бурсага юборди. Ул диёрнинг барча ақобирлари денгиз томонга қочдилар. Зафаршиорли лашкар эса шиддат билан орқасидан бориб, уларнинг кўпчилигини қўлга олди: шайх Шамсиддин Муҳаммад Жазарий, Саййид Муҳаммад Бухорий ва мавлоно Шамсуддин Фанорий шулар жумласидан эди. Амир Шайх Нуриддин шайх Шамсуддин Муҳаммадни ўзи билан бирга олий тахт пойига олиб келиб, Кутоҳияда хўжастасифат Соҳибқирон мулоқотига мушарраф эттирди. Ул Ҳазрат назарларига манзур бўлган

¹ Яъни — бағдодликлардан.

² Яъни — «Аллоҳ қабрини нурафшон қилсин».



шайхни Самарқандга жўнатди ва у жаноб эса Амир Темур вафотига қадар Мовароуннаҳрда кун кечирди ва «Тасҳиҳ ал-масобиҳ» асарини ўша ерда ёзди. Ул ҳазрат вафот этгандан сўнг пойтахт Ҳиротга шошилди ва Мирзо Шоҳрух даврида 833 ҳижрий-қамарий йилнинг рабиулаввал ойининг бешинчиси-да¹ Шерозда вафот этди.

Қози Қутбиддин Абдуллоҳ ал-Имомий ҳимматлик ва юқори мансаб жиҳатидан Хуросоннинг барча ақобир ва аёнларидан кўра мумтоз ва мустасно эди. Узоқ йиллар бул мамлакат истиқлол камолотини ошириш учун шарафли қонуний мансабларни тартибга солишга киришди ва тадбирлар қўлади. Шул вилоятнинг вақф мол-мулки, савдо-сотиғи ихтиёри ҳам бир қанча вақт унинг олиймақом ходимларига тааллуқли эди. У ҳаётининг охирги лаҳзаларигача дабдабали амалда бадавлат кун кечирди. У ҳамиша хотира саҳифаси замири рўйхатига ҳалоллик ва диёнат нақшини битарди. Унинг насаби шарифи Абу Бакр Сиддиқ Разиаллоҳга боғланади, шунинг учун ихтиёрсиз равишда унинг насабини мулоҳаза қилиб, ўз номини Абдуллоҳ деб битган.

Саййид Бурҳониддин Ашраф ибн Муборакшоҳ улуғ саййидлар, олимлар ва ақобирлар қаторида дарс ва фатво берарди. 803 ҳижрий-қамарий йилда² охират олами сари азимат айлаб, у ерга охират байроғини тикди.

Шайх Камол Хўжандий — замонининг буюк шайхлари ва улуғ зоҳидлари пешволари қаторидан ўрин эгаллади. Узоқ йиллар машаққат ва ибодат билан кун кечириб, баъзан пурмаъно шеърлар битган. «Нафаҳот»да ёзилишича, Шайх Камолнинг зоҳиран шеър ёзиш билан шуғулланиши унинг зоҳири ботинига мағлуб бўлмаслиги учун эди:

Байт:

Деманг: бу шеърингни нафис жўшидир.
Юрак сирларимнинг пардапушидир.

¹ Мелодий 1429 йил 3 декабрь.

² Мелодий 1400–1401 йиллар.



Байт:

Биз икки мўйсафид синиқ жуда ҳам,
Али турку Маҳмуд Зангийи Ажам.

Шайх Маҳмуд кўп вақтини Соҳибқирон ҳақидаги тарихий воқеаларни маъқул кўриб, унинг сифати ва хислатларини назм маржонига тизиб «Жўшу Хурўш» деб атади. 806 ҳижрий-қамарий йилда¹ ул ҳазрат Рум юришидан қайтаётган пайтда мавлоно Зиёвуддин Сирож у вилоят қозиси Шайх Садриддин, Саййид Ҳамза бошқа кўпгина Кермон ақобирлари сингари салтанат ошиёни томон равона бўлишди.

Шайх Маҳмуд ҳам «Жўшу Хурўш» китобини ўтказиш ва ўзини ҳазрат илтифоти назарига манзур этиш ниятида улар билан ҳамроҳ эди. Аммо тақдир ва кўргилик экан, сув устига қурилган Тифлис кўпригидан ўтаётиб сувга тушиб кетди, унинг ҳаёт олови сўнди ва бақолик юкини фано шамоли учуриб кетди. Илоҳо унинг жони карам дарёсига фарқ бўлгани ҳамиша рост бўлсин.

Шайх Маҳмуднинг ўғли мавлоно Қутбиддин мазкур нусхани (китобни) анвар юзли ҳазрат назарига етказиб, қимматбаҳо мукофотга сазовор ва баҳраманд бўлди.

Бу байт Шайх Маҳмуднинг бир ғазали мақтасидир.

Байт:

Элга манзур бўлғуси шеърингни ёз, Маҳмуд ва бил:
Ибн Занги² ҳурмати сендай киши туғмас Ажам.

Мавлоно Али Бадр Ҳирот дориссалтана шоирлари жумласидандир. Мирзо Мироншоҳ 791 ҳижрий-қамарий йилда³ Ҳожибек Жони Қурбоний фитнасини бартараф этиш мақсадида Ҳиротга келиб, «Боғи Зоғон»да қўниш қилди. Мавлоно Али Бадр у шаҳзода мулозамати шарафига мушарраф бўлиб қасида ўқиди. Унинг аввалги икки байти мана бу:

¹ Мелодий 1404 йил.

² *Ибн Занги* — Шероз ҳокими.

³ Мелодий 1389 йил.





Назм:

Хуршид жамолингдан ой анвар бўлди,
Зулфингдан бир олам муаттар бўлди.
Мушкин хатинг оппоқ ёнофинг узра,
Хусн-жамол ояти муқаррар бўлди.

Шаҳзода шундан сўнг мавлонога нисбатан улфат мақомида бўлиб, шоирга муносиб тухфалар иноят этишга буюрди.

Хожа Исматулло Бухорий суханпардозликда машҳур шоирлар қаторидан ўрин эгалларди. Унинг шеърлар девони жуда машҳур ва етук маънодор байтлари фозиллар хотираларида сақлангандир. Жумладан, Соҳибқиронга бағишлаб бир марсия битганки, бу қасидани амирзода Халил Султон назаридан ўтказиб, унинг инъом-эҳсонларига мушарраф бўлди. Мазкур қасиданинг матлаи будир:

Марсия:

Эй фалак, чодирни бузгин, чунки Султон йўқ бугун,
Тахт, дегин: «Тупроқда ўлтирким, Сулаймон йўқ бугун».

Хожа Исматулло шеър ва назмда Амир Хисрав Дехлавийга татаббу қилганлиги ва ул жаноб (Амир Хисрав Дехлавий) шеърларининг кўпгина маъноларини ўз манзумаларида қўллаганлиги сабабли фозиллардан бири деган экан:

Назм:

Худо ярлақагур Амир Хисравни
Тушда кўриб: «Исмат-бошоқчинг» — дедим.
Унинг шеъри жуда шуҳрат қозонди!
Деди: «Кўй. Ўзим ҳам бермоқчи эдим».

Байт:

Вафот тарихини Хожа Исматни
Кимки сўрар бўлса билсин «Таммат»ни¹.

Мавлоно Нажмиддин ат-Торумий ўз замонида иншо фани ва имло илмида тенги йўқ ва беназир эди. У Мирзо Мироншоҳ мулозаматида бўларди. Ўша пайтда Ибн Асирнинг «Комил ат-таворих» асарини юқорида зикр этилган шаҳзода буйруғига

¹ Таммат — тугади, поёнига етди, абжад ҳисобида 840 ни беради. Мелодий 1436 йилга тўғри келади.





биноан араб тилидан форс тилига таржима қилди ва китобда фасоҳат усули ва балоғат камолини ўз жойи ва ўрнига қўйди.

Хожа Али Табризий ал-Шатранжий эса ҳофизии каломуллоҳ эди. Бухорийнинг барча саҳиҳларини Шайх Шамсуддин Муҳаммад Жазарий (худо уни раҳмат қилсин) ҳузурда қироат этдилар, ҳадис илмида маҳорат ҳосил қилдилар. Ва Хожа Али шатранж илми бобида шунчалар воқиф эдиларки, ўша замоннинг барча катта-кичиги унинг устозлигини шарт деб билардилар.

Амир Темура Гурагоннинг мажлиси шарифларида доим уни овутиб, кўнглини овлаб ўтирарди.

Мавлоно Ҳисомиддин Иброҳимшоҳ Кирмоний назик табиатли ва инсоний фазилатлар соҳиби эди. Тиб ва касални муолажа қилиш илмида мусосифат, яъни мўъжизакор эди. У ҳам нард ва шатранж бобида комил маҳорат соҳиби эди. У ҳазрат Соҳибқирон даргоҳида мулозим эди, олий мартабадаги йиғинларга қатнашарди. Хожа Абдулваҳоб Табризий, Хожа Юсуф Бухорий ва устоз Шамсуддин Козерунийлар ҳам Соҳибқирон шатранжчиларидан бўлиб, доим салтанат ошиёни остонасида мулозимлик қилардилар.



МИРЗО ХАЛИЛ СУЛТОННИНГ САЛТАНАТИ ЗИКРИ ВА У ОЛИЙЖАНОБ ШАҲЗОДА ДАВЛАТИНИНГ ЗАВОЛ ТОПИШИ САБАБЛАРИ БАЁНИ



Жаҳон адиблари ва тарихнавислари орифларнинг ҳикоятлари ва ривоятларига воқиф бўлганларки, Мирзо Халил Султоннинг салтанатни, мамлакатни бошқариши, шавкатли ҳаётга тайёргарлик кўриш ва мамлакатларни босиб олиши, аввало, бу шаҳзоданинг улуғ хонадондан, ҳазрат Соҳибқирон ўглининг фарзанди эканлигидандир. Ул ҳазрат вафотидан сўнг Тошкентда бўлган мартабали нўёнлар, олий-шаънли амирлар ва зафарёр жангчиларнинг кўпчилиги уни подшоҳликка кўтариб,





унинг ҳукуматини эътироф этдилар ва тезда Самарқанд томон равона бўдилар. Ул фирдавсмонанд ноҳияга етиб келгандан сўнг у шаҳарнинг ҳукмдорлари, улуғлари ва аъёнлари шаҳзодани фармонбардорлик вазифасида кутиб олдилар ҳамда хазина ва дафиналарни мулозимларига топшириб, назр-ниёз удумларини бажардилар. У пайтда ер юзида бундай фаровон жамият мавжуд эмас эди: бу шаҳар теварак-атрофида улуғлар, фозиллар, машҳур кишилар, буюк зотлар, уламолар, аслзодалар ва ҳунармандлар жамоаси йиғилган эдилар.

Нақд пуллар, мол-мулк ва жавоҳирлардан ташкил топган хазина ва дафинанинг кўплиги, қимматбаҳо тошлар ва захиранинг зиёдалиги шу даражада эдики, уни ҳисоб-китоб қилишда энг моҳир ҳисобчилар ҳам ожиз эдилар. Подшоҳликнинг бошқа асбоб-жиҳозлари — ўқ, камон, жиба, қалқон, чодир, катта чодирлар, аёллар чодир ва подшоҳона саройсимон чодирлар ҳам шунчалик зиёд эдики, уларни қалам билан ёзиш ва тил билан шарҳлаш мушкул. Шунга қарамасдан тўрт йил ичида салтанатнинг юқорида санаб ўтган бойликлари ва жиҳозларидан асар ҳам қолмади. Умуман олганда хазина ва мол-мулклар бекорчи ишларга сарфланиб, сирли равишда ул қудратли давлатнинг заволига айланди.

Ҳа, подшоҳликнинг қуёш нурлари порламаса, дарров зар ва гавҳар, сипоҳ ва лашкарнинг кўплиги, салтанат ишлари, мамлакатни бошқаришнинг муҳим йўллари тартибида интизом бўлмайди.

Мирзо Халил Султон ҳукмдорлик даврининг поёни ва қоронлик ишларининг тугаши сабаби шу эдики, шаҳзода Амир Темур Гурагон тириклик пайтида шаҳзоданинг Шодмулк исми билбарга нисбатан кўнглида бир ҳиссиёт пайдо бўлди. Илгари ул қиз Амир Ҳожи Сайфуддиннинг хос канизаги эди. Шаҳзода уни Ҳазрат Соҳибқирондан яширинча ўз никоҳига олди. Марҳум подшоҳнинг ўткир ва зийрак ақли бунга етганлиги боис, ким Шодмулкни қаерда кўрса ўлдирсин деб ҳукм этди.

Мирзо Халил Султон уни қочириб юборди. Ўша пайтда Оқсулот унинг ватани эди, яна бир карра шаҳзода Шодмулкни ўзи билан





бирга олиб юрибди деб эшитди ва қаҳр билан уни чақаришга фармон берди. Амирзода ул заифани ҳозир қилди. Унинг қатли ҳақидаги Ҳумоюннинг ҳукмини астойдил бажаришга киришди, аммо Сароймулкхоним Мирзо Халил Султон хотирини мулоҳаза қилиб, бу аёл Мирзо Халил Султон пушти камаридан ҳомиладордир деб арз этди. Шунинг учун Амир Темур Гурагон уни туққунича Баён Оғога топширишни, фарзанд туғилгач уни сақлаб, онасини оддий ғуломликка беришни буюрди. Ана шунга яқин пайтда мислсиз Соҳибқирон Ўтторга шошилди ва у ерда вафот этди. Шаҳзода қувончга тўла ва нозик гулизорнинг жамолига ошиқ бўлиб, уни оғушига олди. Унинг жамолига мафтун ва висолига ошиқ бўлиб, унинг кўрсатмасидан ташқари чиқишни сира жоиз деб билмасди, балки мамлакатнинг мол-мулки ихтиёрини, жиловини ул мижғов аёл қўлига бериб қўйди.

Байт:

Жон-жон дея унинг измида турди,
Фақат ўша чизган чизикда юрди.

Шубҳасиз, Мирзо Халил Султоннинг давлат ишлари жараёни савоб йўлидан четга чиқди. Маҳбубанинг муддаосига биноан ортиқча сарф-харажатга қўл уриб, ҳатто ҳисобчи тахминий ҳисоблашга ҳам ожизлик қиладиган шунча нақд пуллар ва мол-мулкларни сарфлаб юборди ва кўпини бир гуруҳ одамларга берди, бу эса охирида унинг салобатли қасрининг хароб бўлишига сабаб бўлди. Бу ишлар ва тасодифий ҳадялар, совғаларни бирон-бир динорга зор ва сазовор бўлмаган кишилар кўплаб оларди, аксинча, бошини силашга арзийдиган ҳақли кишилар эса бир дирҳамга зор бўлиб ўтиб кетарди.

Мирзо Халил Султон турли соҳаларда бегона кишиларни тарбиялашга ва уларга меҳрибонлик кўрсатишга ҳаракат қилди, уларнинг ҳар бирини ўзига суҳбатдош қилди ҳамда уларни давлат ишлари даражасига ва уни бошқаришга етказди. Шу жиҳатдан амирлар ва сипоҳ бошлиқлари кўнгилларига малоллик иниб, уларнинг кўнгли чўкиб фисқу фасод кучайди.

Шодмулкнинг ўн кунлик ҳашаматли дабдабаси марҳум Соҳибқирон ҳарами аёллари тақдирини ўзгартириб юборди, ул



иффатли аёллар мартабаси тушиб кетиши учун амирзода Халил Султонни ул ҳазратнинг хотинларидан ҳар бирини ва хос канизакларини хоҳиш-истагига қарамай, ўз қўл остидаги мулозимларининг никоҳига киритишга ундади. Ҳатто, ўзига нисбатан оналик мартабасидаги бир гуруҳни пасткаш ва нияти бузуқ одамларга ҳамдам қилди. Хуллас, ҳурипайкарларни бадбашара шайтон билан жуфтлаштирди, лаъли бадахшонни яман ҳақиқи билан қўшди, ширинсўз тўгини гўнгқарға ошиёнига юборди, дилбар нағмали булбулни хунук овозли калхат билан бир қафасга солди. Амирзода Халил Султоннинг бу каби бемаъни ишлари содир қилишга шароит яратиши катта-кичикни баб-баравар нафратлантирди. Натижада, унинг давлат ишлари тартиб-интизомсизликка юз тутиб, толеи баланд шаҳзоданинг қуёши завола сарҳадига етди, чунончи, уларни баён этишга келгусида аниқлик киритилажак иншооллоҳ¹.

ЗАФАРЁР ҲОҚОН ШОҲРУХ МИРЗО ЗИКРИ

Ҳоқони саид Шохрух Мирзо саодат соҳиби, мукаммал адолатли, ибодатли, рустам шижоатли ва Иброҳим Адҳам зоҳидлигини ўзида мужассам этган подшоҳ эди. Ҳеч қачон унинг хаёли миллат манфаатидан ташқарига чиқмас, унинг вужудида бу фикр доим уйғоқ эди. Бир умр исломни ҳимоя этувчи подшоҳ намозни қанда қилмасди, ҳаёти давомида мабодо шарият тақозоси мажбур қилмаса, ҳеч одамга озор бермасди, ихлос ва зарурат юзасидан дарвешлар ва узлатга чекинганлар мулозиматига шошиларди.

Қайси диёрга борса, биринчи бўлиб азиз-авлиёлар мазорларини тавоф қиларди, сўнг ҳарбий майдонда салобатли тоғдай бўлиб душман рўпарасида собитқадам бўлиб турарди.

Адолати барқарор ва шаън-шавкатли даврида зулм бисотини ёядиган ва унга кўмаклашадиган ҳеч бир фармон соҳиби йўқ эди.

¹ Амирзода Халил Султоннинг бобоси хотирига нисбатан қилган номаъқулчиликлари Яздий «Зафарнома»сида очикроқ ва яхшироқ ёритилган (қаранг: 307 – 308-бетлар).



Хумоюн ҳазрати хоқони саид 779 йил рабиулохирнинг тўртинчиси пайшанба куни¹ туғилди. 799 йил² санасида тожбахш Соҳибқирон Хуросон ҳукумати жиловини унинг иқтидорли қўлига берди. У ҳазрат вафот этгандан кейин 807 йилнинг рамазон ойида³ олий шаънли подшоҳ Хуросонда мустақил бўлганлиги боис давлат ишларини бажаришга киришди, хутбани ўзининг шарафли номига ўқитиб, тангалар зарб эттирди.

809 санада⁴ Мозандаронни фатҳ этди, 811 йилда⁵ эса унинг ғалабакор сипоҳи Мовароуннаҳр вилоятини фатҳ этишга киришди. 817 йилда⁶ Форс мамлакатини ҳазрат ҳукумати доирасига киритди. 819 йилда⁷ Кирмон вилоятини олий шонли подшоҳ фатҳ этди. 823 йилда⁸ Қора Юсуф вафот этиб, Озарбайжон фатҳи амалга оширилди. Мазкур йилнинг ражаб ойи охирларида ул ҳазрат билан Искандар ибн Юсуф ўртасида ҳарбий тўқнашув юз берди. Ғалаба шамоли бу фариштали подшоҳ байроғи узра эсиб, Искандар мағлубиятга учради. 830 йил рабиулохирнинг йигирма учинчиси жума куни⁹ Аҳмад Бадбахт деган киши Ҳиротнинг Жоме масжидида ул ҳазратнинг баданига пичоқ санчди. Аҳмад эса ўша лаҳзада ўлдирилди. Ул ҳазратни ҳаким Али Аъло Талоқ пичоқ зарбидан сақлаб қолди.

832 йилда¹⁰ Искандар яна бир марта Ироқ ва Озарбайжон вилоятларига хужум қилди, Хоқони саид ул томонга шошилиб, Салмос¹¹ саҳросида икковининг ўртасида қирғин жанг бўлиб, Искандар яна мағлубиятга учради.

Шундан сўнг Хуросон, Балх, Бадахшон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Зобулистон, Сейистон, Журжон, Мозандарон, Ироқ,

¹ 779 йил тўртинчи рабиулохир – 1377 йил 10 август.

² 779 йил – 1396 йил 5 октябридан 1397 йил 24 сентябригача бўлган оралик.

³ 807 йил рамазон – 1405 йил 3 мартдан 2 апрелгача бўлган оралик.

⁴ 809 йил – 1407 йил 8 июнигача бўлган оралик.

⁵ 811 йил – 1409 йил 16 майгача бўлган оралик.

⁶ 817 йил – 1414 йил 23 мартдан 1415 йил 13 мартигача бўлган оралик.

⁷ 819 йил – 1416 йил 1 мартдан 1417 йил 18 февралигача бўлган оралик.

⁸ 823 йил – 1420 йил 17 январидан 1421 йил 6 январигача бўлган оралик.

⁹ 830 йил – йигирма учинчи рабиулохир 1427 йил 21 февраль.

¹⁰ 832 йил – 1428 йил 11 октябридан 1429 йил 30 сентябригача бўлган оралик.

¹¹ Салмос – Эрон Озарбайжонида Урмия кўлидан 20 км ғарбдаги шаҳар.



Форс ва Озарбайжон мамлакатлари жаҳонгир хоқон тасарруфига киритилди. Барча ободон ва фаровон минтақалар ва шаҳарларда адолат ва одил қозилик жараёни устувор бўлиб, халқнинг тинч ҳаёти камол топди ва гуллаб-яшнади. Ҳиммати баланд меъморлар мамлакатга тегишли жойларда хайрли ибодатхоналар, масжидлар, хонақоҳлар, мадрасалар бино этдилар, обод ва мустақил алоҳида қишлоқ ва қасабаларни уларга вақф этиб тайинлади.

Хоқони саид қирқ уч йил мустақил равишда салтанат ва давлатни бошқариш тожини кийди ва Рай вилоятида 850 йили зулҳижжасида¹ охираат оламига йўл олди. У етмиш икки ёшда эди. Олий мартабали подшоҳ вафотидан сўнг фитна эшиклари олам ҳаёти ва олам аҳлига очилди.

Мавлоно Жалолиддин Лутфилло, мавлоно Носириддин Иброҳим ва унинг олий гавҳар ўғли мавлоно Муҳаммад Амин, мавлоно Абдулҳамид Қурумийлар адолатпарвар подшоҳ даврида бош вазирлик вазифасини бажарган эдилар.

Хожа Фиёсиддин Солор Семноний, Саййид Фахриддин, Хожа Низомиддин Аҳмад Довуд, Хожа Фиёсиддин Пир Аҳмад Хофий, Хожа Саидий Аҳмад Шерозий, Амир Али Шугоний ва Хожа Шамсуддин Али Болижалар Амир Шоҳрухнинг вазирлари сифатида хизмат қилганлар.

ШОҲРУХ МИРЗОНING ХУРОСОН САЛТАНАТИ ТАХТИГА ЎТИРИШИ ВА ҲАЗРАТ ҲАМДА МИРЗО ХАЛИЛ СУЛТОН ЎРТАСИДА СУЛҲ ТУЗИЛИШИ БАЁНИ

Хоқони саид ва муаййин ас-салтана вал-хулафо Шоҳрух баҳодир марҳум Соҳибқирони қутбул-ҳақ вад-дунё ва ад-дин Амир Темур Гурагоннинг садоқатли меросхўри эди. Ул ҳазрат вафотидан сўнг 807 йилнинг рамазон² ойида Ҳирот ноҳиясида

¹ 850 йил зулҳижжа — 1447 йил 17 феврдан 19 мартгача бўлган оралик.

² 807 йил рамазон — 1405 йил 3 мартдан 2 апрелгача бўлган орлик.



салтанат тахтини эгаллаб давлатни бошқаришга киришди ҳамда ўринбосарлик ва ҳукмронлик тожини кийди.

Адолатпарварлик ва раиятпарварлик соясини жаҳон аҳли бошига солди. Вилоят аҳли унга итоат этиш ва фармонларини бажаришни изҳор этдилар ва ихлос билан унинг оstonасига бориб, мухлислик ва хизматкорликни амалга оширишди. Ул ҳазрат эса амирлар ва давлат устунларини хусравона лутф ва подшоҳона карам билан сийлади ҳамда уларнинг барчаси учун инъом ва эҳсон маросимини ўтказди, шунингдек, адолат ва қонун устуворлиги бисотини ёйиб, шариатнинг муҳим соҳаларини мустаҳкамлаб, миллат ишларига қози ва уламоларни сафарбар этди.

Шу пайтда Мирзо Халил Султон Самарқанд дорилмулкни мустақил қилиш хаёлида у ерни марказ қилиб, қўлини хазина ва дафиналарни беҳуда сарфлашга чўзмоқда деб эшитди.

Бинобарин, вазият ва мамлакат ишлари парокандаликка йўлиқмасидан олдин унинг Мовароуннаҳрга боришини тақозо қилди. Амир Музроб Жоку, Амир Ҳусайн Сўфи Тархон ва Амир Алика Кўкалтошни Хуросонни бошқариб туришга тайинлаб, ғалабакор байроқни ҳилпиратиб пойтахт Ҳиротдан Амуя суви томон ҳаракат қилди. Дарайи Зангий манзилида Амир Саййид Хожа ибн Шайх Али Баҳодир Самарқанддан хизматга етиб келиб, Мирзо Халил Султон аҳволи ҳақида сўзлаб берди. У ҳазрат маслаҳатлашиб бўлгандан кейин Амир Жалолиддин Ферузшоҳ ибн Арғуншоҳни Амир Темур Гурагон истилосидан буён вайрона бўлиб ётган пойтахт Ҳиротнинг минора ва деворларини таъмирлаш учун қайтариб юборди. Саид Амир Хожани Тус қалъаси ҳудудини таъмирлаш учун Тусга жўнатди. Ўзи эса Самарқанд томон йўлга тушди.

Мирзо Султон Ҳусайн Туркистонда амирлар билан ёвлашиб қолгани боис, у билан учрашишга шошилди. Ўша манзилдан хоқони саид Амир Ҳамза Футуқуни элчи сифатида амирзода Халил Султон олдига қуйидаги хабар билан жўнатди: «Сен менга фарзанд, ука эмас, балки азиз жонимдексан, ҳар қанча илтимосинг бўлса, мол-мулкдан дариф тутмасман, аммо ёши улуғ ва йиллар тажрибаси, маърифатлилик ва инсоний қавм-





қариндошчиликнинг ҳам салтанатнинг муҳим тартиб-интизоми барқарорлигида муҳим алоқаси бор. Агар амирлар масофа ва йўлнинг узоқлиги сабабли бизнинг йўқлигимизда бирон иш қилган бўлсалар энди зийраклик билан қадам босишинг ва мамлакат мустақамлигига оид барча ишларни биз билан иттифоқликда қилишинг лозим».

Зафарёр қўшин Андхуддан ўтиб, Жайхун соҳилига етиб келди. Шу пайтда Амир Шоҳ, Малик Бухородан келиб, мартабали шаҳзодаларнинг соғ-саломат эканлиги ҳақида хабарни келтирди ва нурли хотирининг хурсанд бўлишига сабаб бўлди. Шу аҳволга яқин пайтда Мирзо Халил Султоннинг элчиси атоқли амирлар воситасида остона ўпиш шарафига эришиб, марҳамат қилиб арз этди: «Бу воқеа муайяндрки, маслаҳат билан ул ҳазрат Хурсонни идора қилсалар Мовароуннаҳрни бошқаришни эса менга берсалар. Умид шулки, соғ-саломат қайтиб бул мамлакат ҳукуматини менга қолдирсалар, токи ул ҳазрат номидан адолат шарт-шароитини барқарор қилсам. Токи ҳаёт эканман фарзандлик мақомида хизматини қилсам», деб тайинладилар.

Хоқони саид бу илтимосни ижобат айлади ва Амир Шоҳ, Маликни шаҳзодаларни олиб келиш учун Бухорога жўнатди. От жilовини пойтахт Ҳирот томон бурди. Андхудга етиб келгач, амирзода Султон Ҳусайн ҳеч бир сабабсиз қочиб, дарёнинг у томонига келди.

Ўша пайтда Халил Мирзо Самарқанддан чиқиб, Жайхун дарёси соҳилига келаётганлиги ҳақида узлуксиз хабарлар кела бошлади.

Амирлар иложсиз равишда Бухоро шаҳрини очиқ қолдириб, амирзода Улуғбек ва амирзода Иброҳим Султонни олий тахт пойига олиб келдилар.

Амир Шоҳ, Малик дарё бўйини забт этишга тайин этилди, у ерга етиб келгач, шул мазмунда хабар юбордики, «Самарқанд тарафидан Мирак Аҳмад Мирзо, Амир Шамсуддин Аббос ва Амир Арғуншоҳ келдилар, агар омадди ноиб Амир Шайх Нуриддинни бу томонга юборсалар, токи ул жаноб билан суҳбатлашсалар, давлат манфаатига муносиб иш бўлажак».





Ул ҳазрат «Шамсуддин ва Арғун бу томон келсинлар, Шайх Нуриддин эса Мирзо Халил Султоннинг олдига борсин» деб буюрдилар.

Бу хабар дарё соҳилига етиб келгач, икки амир тўхтамай салтанат ошиёни остонасига етиб келдилар ва бу томондан Амир Шайх Нуриддин Самарқандга кетди.

Икки ўртада келишилган қарорга мувофиқ, амирзода Халил Султон марҳум Соҳибқироннинг хазиналаридан баъзисини амирзода Пир Муҳаммад валиаҳдга юбориши, ўзи Мовароуннаҳр салтанати билан қаноатланиши лозим эди.

Шайх Нуриддин зафарёр ўрдуга қайтиб келгандан кейин, хоқони саид Ҳиротга қараб йўлга тушди.

Бу аҳволга қарши ўлароқ, марҳум Соҳибқирон фармониغا биноан Ферузқўҳ ва Рустамдорда ҳукумат юргизаётган Амир Сулаймоншоҳ бўлса, Мироншоҳ Мирзо сипоҳи сиқувидан қочиб, ҳумоюн мавкабига қўшилди ва қўшин осойишталиги учун рухсат талаб қилиб, ўзи эса Андхуд ва Шибирғонда истиқомат қилди.

Байроқдор қўшин зулқаъда ойининг йигирма олтинчисида¹ пойтахт Ҳиротга келиб тушди.

**АМИРЗОДА СУЛТОН ҲУСАЙННИНГ
ОЛИШИШИ ВА УНИНГ ЖАМШИДСИФАТ
ХОҚОН БУЙРУФИГА БИНОАН
ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ ҲАМДА АМИР
РУКНИДДИН СУЛАЙМОНШОҲНИНГ
МУХОЛИФЛИГИ ВА ЁВЛАШУВИ БАЁНИ**

Амирзода Султон Ҳусайннинг гарчи шижоат ва мардлик сифати васф қилинган бўлса ҳам, аммо жунунлик ва девоналикдан ҳам батамом баҳраманд эди, чунончи, марҳум Соҳибқирон Дамашқ теварагида, Миср подшоҳига қарши қирғин урушни ўйлаб ўтирган пайтда ҳеч бир сабабсиз ул ҳазратдан қочиб, Малик Фараж олдига борди. Улуғ бобоси вафотидан сўнг эса

¹ Мелодий 1405 йил 6 май.





амирлар ва аркони давлат билан муҳолифликни бошлади ва ўзи билан бўлган лашкарни тарқатиб юборди. Самарқанд томон илғор қилди, аммо шаҳарга кираолмаслигини билиб, Амуя дарёсидан ўтиб хоқони саиднинг олий мавкабига қўшилди. Жамшидсифат подшоҳ унга шафқат ва меҳрибонлик назари билан қараганлигига қарамай, яна бир марта телбалиги тутиб, Андхуд ноҳиясида ҳумоюн ўрдудан қочиб, дарёдан ўтиб Самарқанд шаҳрида Мирзо Халил Султонга қўшилди.

Халил Султон Мирзо уни инъом ва эҳсон билан сийлади. Ўша пайтда Кобулдан Балхга келган амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирдан хабардор бўлиб туриш учун уни Амир Аллоҳдод, Арғуншоҳ, Темур Хожа Оқ Буғо, Хожа Юсуф ва баъзи бошқа амирлар ва жангчилар билан Жайхун дарёси бўйига юборди.

Дарё бўйида амирзода Султон Ҳусайннинг кўнглида мустақил бўлиш фикри пайдо бўлди. Шунинг учун кенгаш баҳонасида амирлар ва сардорларни хилват жойга чорлади. Темур Хожа ва Хожа Юсуфга шаҳодат шарбатини ичириб, қолганларни ҳибсга олди. Амир Аллоҳдод, Арғуншоҳ ва Мубашшир бу ҳолни кўриб, тавба-тазарру ва зорлик билан омонлик тиладилар. Мирзо Султон Ҳусайн уларга ундан юз ўгирмасликка ва ўз ўринбосари қилишга қасам ичирди.

Ушбу воқеага яқин кунларда Мирзо Муҳаммад Султон ҳарамини жуда кўп мол билан Балхга олиб кетаётган Руқияхон шу ҳудудга етган эди. Мирзо Султон Ҳусайн уни талон-торож қилиб, Самарқандга қараб кетди. Халил Султон Мирзо шаҳардан ташқарига чиқиб, Султон Ҳусайн Мирзо мулозаматида бўлган Амир Аллоҳдод, Арғуншоҳ ва бошқа амирлар гуруҳига яқинлашгандан кейин ундан ажралишиб кетишди ва Мирзо Халил Султон олдига бордилар.

Бинобарин, 808 йил муҳаррам ойининг саккизинчисида¹ Султон Ҳусайн Мирзо Самарқанд лашкаридан қочиб, Андхуд ва Шибирғон ноҳиясида Амир Сулаймоншоҳга қўшилди. Уларнинг ўрталарида ғализ имонга асосланган аҳду паймон қоидалари таъкидланди.

¹ 808 йил саккизинчи муҳаррам — 1405 йил 6 июль.





Пир Муҳаммад Мирзо Жаҳонгир элчисини Амир Сулаймоншоҳ олдига жўнатиб, Султон Ҳусайн Мирзони талаб қилди. Жаноб иморатпаноҳ унинг айтган сўзларига тушунмади.

Пир Муҳаммад Мирзо Жаҳонгирнинг подшоҳлик ғайрати жўшиб, улар устига жангнинг шабихун усулини қўллади. Султон Ҳусайн Мирзо ва Амир Сулаймоншоҳ бирдан-бир чора қочиш деб билди ва Ҳирот томон шошилиб, Шохрух боргоҳи ходимларига қўшилдилар.

Ул ҳазрат маслаҳатлашиб олгандан кейин юз минг динор кепакий ва бир неча бош қимматбаҳо отларни Амир Сулаймоншоҳга иноят қилиб, Сарахсни унга суюрғол қилиб берди ҳамда Сабзаворда турган Амир Музроб ва Амир Саййид Хожага қўшилишни ҳамда Колбушга¹ келган Мироншоҳ Мирзо томонидан кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлади.

Амир Сулаймоншоҳ мақсади томон йўлга тушди. Шохрух амирлари эса давлат манфаати учун Султон Ҳусайн Мирзонинг қатлини мақсадга мувофиқ деб билдилар. Нуширавон Барлос Ироқ дарвозаси ташқарисида у шижоаткор шахзоданинг калласини олди. Бу хабар Амир Сулаймоншоҳга етгач, у мухолифлик йўлига кириб Калотга борди.

Хоқони сайд ҳам ўша ҳудудга юрди. Сулаймоншоҳнинг куёви Амир Абдусамад ибн Ҳожи Сайфуддинни унга насиҳат қилиб, мухолифлик йўлидан қайтариш учун Калотга равона қилди.

Амир Абдусамад амир билан мулоқот қилиб, унга давлат манфаатига мос насиҳатлар берди, аммо мақсадига эришолмай орқага қайтди. Шунда олий мартабали Хоқон Амир Сулаймоншоҳга илтимос ва илтижо қилиш учун Амир Жаҳон Мулкни унинг олдига юборди. Аммо Амир Жаҳон Мулк ҳам худди Абдусамад сингари натижасиз қайтиб келди.

Шунда зафарёр қўшиннинг жанговар қаноти Калот томон шиддат билан ҳаракат қилди. Амир Сулаймоншоҳ бу хабарни текшириб кўриб, Самарқанд томон қочди. Хоқони сайд эса соғ-

¹ Колбуш ёки Кулбуча – Эрон Озарбайжонидан шарқроқдаги ўтлоқ мавзе, Мироншоҳ мулкига кирмаган жой. Шунинг учун Шохрух, Мироншоҳ яна шарқроққа юрмасмикан, деб хавфсираяпти.





саломат қайтиб келиб, 808 йил жумодилаввалнинг еттинчиси-
да¹ пойтахт Ҳиротга етиб келди ва Мирзо Улуғбек ҳамда Амир
Шоҳ Маликни Андхуд ва Шибирғонни забт этишга вакил қилиб
жўнатди. Шитобли фасл ўтиб, яна ҳаволар юмшаб, султон лаш-
карлари тоғ дашт ва саҳроларга чиқиб кетди. Саодатли Хоқон
Мовароуннаҳр ҳақида маслаҳатлашиш учун Бодғис яйловига
саф тортиб борди ва Қизил работ² манзилида Пир Муҳаммад
Мирзо Жаҳонгир ва Халил Султон Мирзоларнинг тўқнашуви
ҳақидаги хабар исботлари билан етиб келди.

**ПИР МУҲАММАД МИРЗО ВА ХАЛИЛ
СУЛТОН МИРЗО ТЎҚНАШУВИ ЗИКРИ
ҲАМДА ХУРОСОН ВОҚЕА-
ҲОДИСАЛАРИНИНГ БАЪЗИЛАРИ БАЁНИ**



Ҳша пайтда амирзода Улуғбек ва Амир Шоҳ Малик Балх ва
Шибирғон ноҳиясида эдилар. Пир Муҳаммад Мирзо Жаҳонгир
чопар жўнатиб, Амир Шоҳ Маликни талаб қилди ва у жаноб Балх-
га бориб, Халил Султон Мирзога қарши муҳолиф бўлиб, шаҳзода
билан бирлашди. Гапга чечан элчини ҳазрат Соҳибқироннинг
мамлакатлар, вилоятлар, аҳду паймон ва иттифоқ бўлиш боби-
даги васиятини етказиш учун Самарқандга жўнатди.

Чопар Халил Султон Мирзо тахти пойига етгач, барча гаплар-
ни унга арз этди. Халил Султон Мирзо эса «Жаҳоннинг аксар
мамлакат салтанатини Амир Темур Гурагонга иноят этган худо-
ванд, Самарқанд вилоятини энди менга иноят этган» деб жавоб
берди.

Пир Муҳаммад Мирзо ва Амир Шоҳ Малик бу жавобни эши-
тиб, изтиробга тушдилар, Мирзо Улуғбекни ўзига қўшиб олиб,
жанговар сипоҳ билан Амуя дарёсидан ўтди. Халил Султон
Мирзо уларни кутиб турди. 808 йил рамазон ойининг иккин-
чиси душанба кунига³ Насаф теварагида икки тараф қўшини

¹ 808 йил еттинчи жумодилаввал – 1405 йил 31 октябрь.

² Қизил работ – Туркменистоннинг ғарбидаги Қизил работ.

³ 808 йил иккинчи рамазон – 1406 йил 21 февраль.





сафга тизилдилар. Балх ва Мовароуннаҳр диловар жангчилари қаҳр ва ғазаб билан бир-бирига ташланиб, Халил Султон Мирзонинг ўзи Пир Муҳаммад Мирзонинг марказий қанотига ҳамла қилди ва уларни жойидан қўзғатди. Биринчи бўлиб арлот қавми қочди, жавонғор ва баронғор қисмлар ҳам пароканда бўлиб, Пир Муҳаммад Мирзо, Мирзо Улуғбек ва Амир Шоҳ Малик яқинлари соғ-саломат дарёнинг у томонига ўтиб олдилар.

Ҳазрати хоқони саид Бодғис яйловида бу хабарни эшитиб, Мовароуннаҳр томон юрди. Мирзо Улуғбек ва Амир Шоҳ Малик йўл асносида унинг мулозамати шарафига етишди. Иморатпаноҳ жаноб заифлик баҳонасида рухсат олиб, бир ой муддатда Бодғисда бўлишини айтди.

Ҳорий манзили зафарёр қўшиннинг ҳумоюн чодирли ўрау-гоҳига айлантирилгач, Халил Султон Мирзо олдидан элчи келиб, шаҳзода тилидан арз қилдики, «Биз дўстлик бўйича зиммамизга олган аҳду вафода собитқадам турамиз, аммо Пир Муҳаммад Мирзо дарёдан ўтиб Самарқанд ҳудудига тажовуз қилди. Зарурат юзасидан қаршилиқ кўрсатиш майдонига қадам қўйиб, уни қайтардик».

Ҳазрати хоқон дарҳол Халил Султон Мирзо мулозими ҳамроҳлигида Мазид Жони Қурбонийни ул томонга жўнатиб, «Биз ҳам ўшандай ўз сўзимизда турибмиз ва шундай бўлажак, лекин то дарё бўйигача боражакмиз, ул фарзанд ҳам ўша ерга келиши керак, агар гапи бўлса суҳбатлашайлик ҳамда аҳду паймон тартибларини қайтадан мустаҳкамлайлик. Агар ўзи келолмаса, ўзи ишонадиган одамларидан баъзиларини юборсин» деб хабар юборди.

Ғалабаёр мавкаб бир неча кун Бурқон ва Илор яйловида тўхтаб турди. Ул киши юртга бориб келиб, Халил Султон Мирзонинг навкарларидан Давлат Хожа исми кишини ҳамроҳ қилиб келтирди ва шаҳзода тилидан арз қилдики, «Ул ҳазрат ҳар кимни маъқул кўрсалар, дарё соҳилига юборсинлар, биз Амир Аллоҳдод Арғун шоҳни ул томонга номзод қилдик».

Олийжаноб хоқон бир зумда Амир Музроб ва шариат ҳимоячиси жаноб Абдуллоҳни бу муҳим ишларни тартибга солиш учун жўнатди.



Шу воқеалар асносида хоқони саид ўша пайтда амирул-умаро мансабида бўлган Амир Саййид Хожанинг камоли эътибори ва ихтиёри орқали Амир Шоҳ Малик иситмаси баланддир, шунинг учун дармонсизлигини баҳона қилиб, бу юришда қатнаша олмайди, деган хабарни эшитди.

Бинобарин, нусратнишон хоқон тезда Сайфал Тавочини юқорида эслатилган амир олдига жўнатди ва «Агар бир ой Бодғисда турсак ҳумоюн мавкабга қўшилсинлар, ҳозир белгиланган вақтдан бир неча кун ўтиб кетди, шунинг учун тезда бу томонга шошилсинлар» деб хабар жўнатди.

Зафарли қўшин Ҳирот дориссалтанасига қараб юрди. Амир Шоҳ Малик эса Ика яйлови йўлидан Балхга кетди.

Хоқони саид ҳашаматли пойтахтга етиб келгач, Амир Саййид Хожа амирул-умаро мансабига ўтиришига қарамай, давлат молмулкининг тақдирини ҳал қилишда мустақилликни хаёл қилиб, фисқу фасодга қўл уриб, бир гуруҳ амирзодаларни, жумладан, Сайфуддин Абдусамад, Уч Қора Баҳодирнинг ўғиллари Тоҳир, Фозил, Шамсуддин, Шайх Али ва Темур Малик Дўлдай кабиларни ўзига иттифоқдош қилиб олди ҳамда 808 йил зулҳижжанинг биринчиси¹ шом намози пайтида Ҳақиқ яйловидан отга миниб, Жом вилояти томон от суриб кетди.

Хоқони саид ўша лаҳзадаёқ уларнинг номаъқул ҳаракатларидан хабар топиб, ярим кечада салтанат ошиёнида ҳозир бўлганлар гуруҳи билан қочганлар орқасидан жўнади. Эртаси куни эрта тонгда Навбарг саҳросида уларга етиб, сўрадилар: «Нима сабабдан бу фосидликка ва мухолифликка қўл урдингиз?»

Саййид Хожа ўз одамлари билан отдан тушиб, ҳазрат Шоҳрухнинг муборак оёқларига юз қўйиб, ўз айбига иқрор бўлиб, зафарёр хоқоннинг узангисига ёпишиб, Ҳиротга қараб юрдилар.

Улар Молон кўприги тарафдан кириб келгандан кейин бахтиёр хоқон олдинроқ ҳашаматли пойтахтга тантанали равишда кирди. Саййид Хожанинг маслақдошларидан баъзилари

¹ 808 йил биринчи зулҳижжа – 1406 йил 20 май.



унга айтдилар: «Агар Шоҳрух Мирзо сенинг гуноҳингдан ўтса, шубҳасиз, эртага бизнинг ҳар биримизни халққа ибрат бўлсин деб азоб-уқубатда қатл этса нима бўлади?» Улар яна ҳаммаси бирлашиб, хилоф йўлига кириб, Тусга қараб йўлга тушдилар.

Хоқони саид эса Амир Ҳусайн Сўфи Тархон ва Амир Қурбон Шайхни насихат қилиш ва қайтариб келиш учун Саййид Хожа олдига юборди. У икки тадбирли Амир Саййид Хожага етиб бориб, мухолифлик йўлидан кечиш ва мувофиқлик ҳалқасига кириш ҳақида кўп саъй-ҳаракат қилдилар. Аммо бу гапларнинг фойдаси бўлмади.

Шу ҳол жараёнида Тўкал Темур Тавочи тезда Амир Музроб ва Қози Абдуллоҳ олдидан келиб қолди ва «Кўзимиз тўрт бўлиб дарё бўйида роса кутдик, аммо Халил Султон Мирзо ваъдасига хилоф иш тутиб, ҳеч кимни юбормади», деб арз қилди.

Юқорида эслатилган амирлар қайтсин деган подшоҳона ҳукм содир бўлди. Ҳазрат хоқон қўшини мазкур зулҳижжанинг йигирма учинчисида¹ Саййид Хожа орқасидан ҳаракат қилиб, бир кунда қанча яйловларни босиб ўтди. Шу аснода Амир Музроб дарё соҳилидан келиб, остона ўпиш саодатига эришди.

Шу аҳвол жараёнида Табас томондан у вилоятнинг доруғаси Амир Юсуф Халилнинг навқари келиб, Амир Саййид Хожанинг ўз мулозими Юсуф Хожа ҳамроҳлигида Искандар Мирзо ибн Умаршайхга юборган мактубини келтирди. Мактубда яқинда Хуросон мамлакатларини сизнинг акангиз учун озод этаман, деган сўзлар зикр қилинган эди.

Ул ҳазратнинг Саййид Хожа тоат-ибодатидан кўнгли совиди ва 809 йил муҳаррамнинг биринчисида² Тусга қараб йўл олди. Муқаддас Машҳадда ҳазрат Али ҳақиға дуо ўқиб турган пайтда Саййид Хожа Калот қалъасида ўзини ҳимоя қилиб ўтирар эди. Сўнг Астробод томон йўлга тушди.

Зафарёр қўшин Журжон томон ҳаракат қилиб, Хабушон ноҳиясига кириб келгандан сўнг Амир Шоҳ Малик Балҳдан келди. Ўзаро илтифотлар қилишди.

¹ Мелодий 1406 йил 11 июнь.

² 809 йил биринчи муҳаррам — 1406 йил 18 июнь.





Хоқони саид Хабушондан ҳам тезда йўлга тушиб, Байлақон яйловига келди ва у ерни қўноқ қилди.

У ердан хусравсифат подшоҳ элчилик одоби ва элчихона расм-русумини яхши биладиган Менгли Темур Наймонни Журжон ҳокими Бирак Подшоҳ олдига юборди ва «Биз Сайид Хожани таҳқир ва хўрликнинг энг пастки нуқтасидан иззат ва сардорлик авжига кўтарган эдик. У куфрлик неъматини танлаб, биздан қочиб у томонга илтижо қилибди. Гап шундаки, бизнинг қадимги аҳду паймонларимиз гулшанини ихлос ва иттифоқ суви билан яшнатиб, Сайид Хожа ва унинг одамларини ул вилоятга қўймасинлар. Ишонинг, агар буйруққа қарши иш қилсангиз, дўстлик лутфи насими душманлик қаҳрининг қаттиқ шамолига айланажак», деган хабарни тайинлади.

Менгли Темур зудлик билан Бирак Подшоҳ олдига борди. Шохрух Мирзо ул мавзеда бир неча кун турди ва ўша айёмда Умар Мирзо олампаноҳ даргоҳига келиб, ихлосмандлик ва иттифоқдошлик ҳиссини изҳор этди.

Достоннавислик қораламаси шу ерга етганда, аввал Мироншоҳ Мирзо ва ул мартабаси улуғ авлоднинг то Шохрух Мирзо ва Умар Мирзо мулоқотигача бўлган тарихини ёзиш мақсадга муносиб кўринди. Шундан сўнг таҳрир этиш жараёни Астробод фатҳини ёритади, иншооллоҳ.

**АМИР ТЕМУР ГУРАГОН ВАФОТИДАН КЕЙИН
МИРОНШОҲ МИРЗО ВА УНИНГ УЛУҒ
АВЛОДИДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ
ҲАМДА УМАР МИРЗОНИНГ АДОЛАТПЕША
ХОҚОН ОШИЁНИ САЛТАНАТИГА
ЕТИШИ ЗИКРИ**

Олий насабли Соҳибқирон етти йиллик юришидан қайтиб келаётган вақтида Ҳалокухон пойтахтини амирзода Умаршайх ибн Мироншоҳ Мирзога иноят этган эди. Пойтахт Бағдод вилоятини унинг акаси Або Бакр Мирзога топширди. Мироншоҳ





Мирзо эса Бағдодда туришига қарор қилинди. Або Бакр Мирзо доим Умар Мирзонинг чорлашига тайёр бўлиб, унинг гапидан чиқмас эди. Бинобарин, Амир Темур Гурагоннинг вафоти ҳақидаги хабар Озарбайжонга етиб келганда Умар Мирзо отаси ва катта акаси билан ҳисоблашмай, хутба ўқитиб, тангани ўз номига зарб қилдирди. Мустақилликка эришиб, мол-мулкларни забт эта бошлади. Умар Мирзонинг амирул-умароси вазифасида ишлаган Амир Жаҳоншоҳ Жоку эса Амир Темурнинг вафоти хабарини таҳқиқ этганидан сўнг фиску фасод аҳлининг ифвосига учиб, Умар Мирзонинг энг муътабар ишончли наварларини қатл этишга қасд қилди.

Рамазон ойининг йигирма иккинчи куни эрталаб, саодатли ошиён остонасига мавлоно Қутбиддин Ўбаҳий, Фушанжий, Шайх Муҳаммад Тавочи, Абдухолиқ ибн Темур Сакурчиларни баъзи бир гуноҳсиз кишилар билан ҳайдаб келиб, ўткир қилич домига тутди. Улар ўзини мустақил деб билиб, подшоҳ ҳарамига кўз тикди.

Умар Мирзо ўзини йўқотмай, мустаҳкам ва жиддий собитқадамлик билан туриб, уй хизматкорлари ва хизматчиларини мукамал қуроллантириб Амир Жаҳоншоҳ жангига юборди. Ҳар лаҳзада шаҳзода одамлари сони кўпайиб, ҳар дамда ул жанобга итоат этувчилар камайиб борарди. Бинобарин, Амир Жаҳоншоҳ қочишни афзал билди. Умар Тобон ботирларнинг бир гуруҳи билан уни таъқиб этиб, ўша куннинг ўзидаёқ унга етиб бориб, уни дарҳол қатл этдилар.

Умар Мирзо эса Умар Тобон тасаввурига қарши ўлароқ, уни уришиб, койиди ва Амир Жаҳоншоҳнинг тирик қолган қариндошларининг бошини силади.

Ана шу аҳволда Або Бакр Мирзо Бағдод иссиғидан зерикиб, Ҳамадоннинг тоғ бағридаги яйловларига келишга ният қилди ва ижозат олиш учун укасининг олдига элчи жўнатди. Умар Мирзо элчини иззат-ҳурмат қилиб, ул жанобнинг илтимосига биноан, акасига давлатнинг мол-мулкани ўзаро келишиб, ҳал қилишимиз учун тезда буёққа ташриф буюрсинлар деган хабар жўнатди.



Або Бакр Мирзо унинг бу сўзларига ишониб, икки юз отлик билан Умар Мирзога келиб қўшилди ва ўша куни ҳибсга олиниб, Қаҳқаҳа қалъасида маҳбус этилди. Мироншоҳ Мирзо эса Або Бакр Мирзонинг ҳибсга олинганидан хабар топиши билан Хуросон томон йўлга тушиб, то Астрободнинг Калбосигача от жоловини тортмай ҳаракат қилди.

Умар Мирзо акасини қўлга олиб, отасининг қочганлигидан кейин тезда сипоҳ ва раиятни ўзи томон афдаришга киришди.

Шу аснода Мароғада Бобобек исмли дарвеш пайдо бўлиб, каромат ва ғайриодатий нарсаларни зоҳир қила бошлади. Умар Мирзо дарвешни қатл этишга ҳукм этди. Бобо охират сафарига кетиш арафасида, «Бизнинг кунимиз тақдирга биноан шундай тугади, аммо бундан кейин қандай фитналар рўй беришини фақат Аллоҳ билади», деб тилга олди.

Бобо воқесидан уч кун ўтгандан кейин, 808 йил муҳаррам ойининг еттинчисида¹ Або Бакр Мирзонинг озод бўлганлиги ҳақидаги хабар тарқалди. Бунинг тафсилоти шуки, Або Бакр Мирзо ҳибсга олиниб, маҳбус бўлган вақтдан озгина муддат ўтгач, қалъа аҳлининг барчасини ўзига дўстлаштириб, уларни ўзига яқдил қилиб олди. Қалъа соқчилари Бунёд Ҳаёт Одил хазиначи, Исо Қўрчи ва Шайх Ҳожини афдариб ташлади ва Султония қалъасини қўлга киритди. Хазиналар ва қурол-яроғ сақланадиган хоналарни тасарруф этиб, унинг барча пуллари ва аслаҳаларини ўз мулозимларига бўлиб бериб, Хуросон томон йўлга тушди. Астрободнинг Калбос мавзеида отасига қўшилди ва қайтдилар.

Аммо Умар Мирзо бу хабарни эшитгандан сўнг Султонияга борди, ул ноҳияни ишончли кишиларга топшириб, Сижос ва Сарой Абоқа йўли орқали йўлга тушди.

Шу аҳволга яқин пайтда Шайх Хусрав Шоҳий Самарқанд томондан келди ва Або Бакр Мирзо Султония хазинасидан олган нарсаларини мусодара қилиб, Табриз бойларига олдиндан белгиланган солиқ сифатида тарқатди.

¹ 808 йил еттинчи муҳаррам – 1406 йил 6 июль.



Умар Мирзо ўзи билан низо мақомида бўлган Бастом амири Жогирни қўлга олди ва унинг шаҳрига борди. Қорабоғ йўли орқали Бастомга бориб, Амир Шайх Иброҳим Ширвонийга қўшилди. Бинобарин, Умар Мирзо ва Амир Шайх Иброҳим ўртасида низо алангаси кучайди. Уларнинг ҳар бири ўз лашкари билан Кура суви бўйига шошилиб, бир-бирининг рўпарасида жойлашдилар.

Бир ҳафтадан сўнг «Мироншоҳ Мирзо ва Або Бакр Мирзо Султония қалъасини истило қилиб, у ерда кимни кўрса асир олиб, нима топса талон-торож қилиб олиб кетибди», деган хабар Умар Мирзо ўрдусига етиб келди.

Умар Мирзо иложсиз равишда Амир Шайх Иброҳим билан келишишга мажбур бўлди ва қайтиб келгани учун ноғора чалинди. Марвнинг Миёнж Газ манзилига кириб келгандан кейин Умар Тобон, Султон Санжар ибн Ҳожи Сайфуддин, Абдураззоқ Худодод, Амир Баён Қавчин ва Шайх Хусрав Шоҳий бевафолик йўлига кириб, Або Бакр Мирзо ва Мироншоҳга қўшилдилар.

Або Бакр Мирзо эса Умар Тобон ва унинг авлодини маъқул кўриб, ёқтириб, уларни тарбиялади. Шайх Золимни эса бошқа қочган кишилар билан ясоққа етказди. Шунда баъзи бир одамларнинг маъқуллаши билан тиллодан тахт ясаб, Мироншоҳ Мирзони унга ўтказди ва унинг исмига подшоҳ сўзини қўшиб, бир неча кунни байрам ва шоду хуррамлик билан ўтказдилар.

Умар Мирзо лашкар тарқаб кетгандан кейин Говруд йўли орқали Мароғага бориб, Амир Холиқ Туркман, Сойиқ Барлос ва барча Сулдузийлар кўмагида Табриз томонга қараб йўлга тушди. Алика ибн Холиқ олдинроқ Табризга қараб ҳаракат қилиб, зулм ва тажовузни бошлади. Шубҳасиз хос ва оддий одамлар ҳужум қилиб, юз минг динор маблағни олган Хожа Пир Алини қатл эттирди. Шунингдек, туркманларни шаҳардан ташқарига ҳайдаб, дарвозаларни беркитиб олдилар.

Умар Мирзо туркман амирларининг ҳарбий олишувига ижозат берди.





Шу аснода Або Бакр Мирзонинг яқинлашиб келаётганлиги аниқланди. Умар Мирзо қаршилик ва уруш қилишга кучи йўқлиги туфайли юриш байроғини Исфаҳон томон бурди.

Ул ноҳиянинг ҳокими Рустам Мирзо мустақиллик маросимини ўтказишга киришиб, иззат-ҳурмат ва улуғлашни ҳам ўрнига қўйди, подшоҳона тўйлар қилди.

Шунда ул икки подшо шижоатли Або Бакр Мирзо ўғруқига тўсатдан ҳамла қилишди ва уни ғафлатда қолдириб, унинг маблағ ва мол-мулкани қўлга киритиб, Исфаҳонга қайтишди.

Рустам Мирзо ўз қароргоҳида қолди, Умар Мирзо эса Шерозга кетди. Пир Муҳаммад Мирзо уни иззат-икром билан шаҳарга киритиб, шоҳона байрамлар уюштирди ва ҳурматига биноан подшоҳона совға-туҳфалар берди.

Шундай қилиб Умар Мирзо ўша қишни Шерозда ҳузур-ҳаловат ва роҳат-фароғатда ўтказиб, баҳор фаслининг бошларида Пир Муҳаммад Мирзонинг розилиги билан Исфаҳонга йўл олди.

Искандар Мирзо ҳам Язддан йўлга чиқиб, унга қўшилди. Ул томондан Або Бакр Мирзо бир неча кун «подшоҳ» сўзини отаси номига қўшди, энди уни олиб ташлаб, ўзи салтанат тахтига суянди.

Мазкур сана жумодилохирнинг оёқроғида Табризга шошилди, лашкар эса райят манзилларига тушдилар. Бу эса ожиз ва нота-вонлар ўртасида кўп ихтилофлар келтириб чиқарди. Умаршайх Мирзо авлоди билан амирзода Умарнинг бирлашиши ҳақидаги хабар Або Бакр Мирзога етган пайтда, у Исфаҳон томон ҳаракат қилаётган эди. У Жарбодиконга кириб боргандан кейин Бастом амири Жогир Табризни эгаллабди, деб эшитди. Озарбайжон ишларини Исфаҳонга юришдан кўра муҳимроқ деб билиб, жилловини орқага бурди.

Умар Мирзо ва Умаршайх Мирзо авлоди бу хабарни эшитиб, Исфаҳондан ташқарига чиқиб, Або Бакр Мирзо орқасидан отларига қамчи босдилар. Бу хабар Арғун яқинида Або Бакр Мирзо қулоғига етгач, жангчиларини меҳр-муҳаббат билан ўзига ийдириб, душманга қарши курашишга жазм этди.





Даргазин ноҳиясида ул ботир султонлар тўқнашуви содир бўлиб, ҳар икки томондан довжурак ботирлар ва жасур гуруҳлар адоват майдонида сафга тизилдилар. Улар эрталабдан то кечгача бир-бирини қириш ва яксон этишга киришдилар. Ўша куни икки томондан қарийб тўрт минг отлиқ ва пиёда ўлдирилди. Шом пайтида икки тоифадан ҳар бири ўз ҳарбий ўрдугоҳига қайтди ва кечаси қоровул қўйиб, эртаси куни эса яна қуёш жамшиди зарли қилич билан осмон юлдузлари ўртасига бостириб келди. Яна икки томондан оҳу нола, бақирӣқ-чақирӣқ ва ноғора товуши кўкка кўтарилди.

Қирғин уруш алангаси авж олиб, Музаффариддин Або Бакр Мирзо етти юз жасур отлиқ билан Пир Муҳаммад Мирзо қароргоҳи бўлган муҳолиф лашкар қалбига ҳамла қилди ва уни олдан олиб ташлаб, маймана ва майсара қисмларнинг ҳам тўхтаб туришига энди мажоли қолмади. Исфаҳонликлар шаҳарга беркиниб олиб, Або Бакр Мирзо қамал қилишни бошлади. Исфаҳон озод этилишига яқин қолган пайтда Або Бакр Мирзо бирдан Амир Шайх Иброҳим ва Бастом амири Жогир Табризда фароғатда ўтирибди ҳамда Шайх Ҳожи Ироқий Султонияни қамал қилиш билан машғул, деб эшитди. Шунинг учун исфаҳонликлар билан сулҳга ўхшаш бир нарса тузди-да, Озарбайжонга қараб от сурди.

Умар Мирзо энди Умаршайх Мирзо авлоди Або Бакр Мирзо олдига келолмаслигини билгач, улардан ажралишиб, олампаҳоқони саид Шоҳрух даргоҳига юз бурди. 809 йил рабиулаввалининг бошида¹ Байлақон яйловининг Хожа Қанбар мавзеида улар учрашиб, ул ҳазратнинг илтифоти ва иноятига сазовор бўлдилар. Унинг барча мулозимлари ва ходимлари фахрли хилъат ва арабий отларга муносиб кўрилди ва бошлари осмонга етди.

Шу пайтларда элчи сифатида Бирак Подшоҳ олдига борган Менгли Темур қайтиб келди ва савобга арзийдиган жавоб олиб келмади. Бинобарин, ул олий мартабали Хоқон Журжонни фатҳ қилишга азму қарор қилиб, Байлақон яйловидан йўлга тушди.

¹ 809 йил рабиулаввал боши – 1406 йил 16 август.



ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ БИРАК
ПОДШОҲ БИЛАН ТЎҚНАШУВИ ВА
АСТРОБОД ҲУКУМАТИНИНГ АМИРЗОДА
УМАР ИБН МИРОНШОҲ МИРЗОГА
ЎТИШИ ЗИКРИ

Куз фасли бошларида атрофда совуқлик боғ-бўстонга ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилар ва совуқ шамол титраб турган барглари ҳайдаб ёзги ҳаво ҳароратини мағлубиятга учратишга уринаётган пайтда хоқони саид Мозандарон яланглигига кирди. Сиёҳ билод мавзеи тақводор ва билимдон ҳукмдорнинг ҳарбий ўрдугоҳи бўлгач, Бирак Подшоҳ тўсатдан Саййид Хожа, Абдусамад Ҳожи Сайфуддин ва Шамсуддин Уч Қора маймана ва майсара қалбини безаб, худди Мозандарон ўрмонидаги йиртқич шердек чиқиб қолди. Қиёматасар лашкар душман рўпарасида сафга тизилиб Мирзо Улуғбек, Амир Шоҳ, Малик ва Амир Мусо баронғор қисмда ўрнашиб олди. Умар Мирзо, Амир Юсуф Халил ва Амир Жаҳон Малик жавонғор қисмда ҳаракат қилди. Ҳазрат Хоқон тархоний амирлар билан марказий қисмдан жой олди. Бу икки лашкар худди икки мовий дарёдек довюрак баҳодирлар ҳамласи шамолидан тўлқинланди. Жанг оламонлари ғубори осмону фалакка кўтарилди. Тобланган оловли қилич тирик бошларни тупроқ билан қориштириб, манфур ва жирканч аҳволга келтирди.

Назм:

Ботирлар қонидан ерлар лоларанг,
Ҳар томонга оқди қондан ирмоқлар.
Қонсочар шамширлар зарбаларидан
Танлардан учарди беҳисоб бошлар.

Охирул-амр, илоҳий иноят насими олий мартабали хоқон байроғи узра эса бошлади. Бирак Подшоҳ кўк лабли, сариқ юзли ва кўз ёшли одамлари ва нарсалари билан қочиш водийсига қадам қўйди. Бирак Подшоҳ Хоразмга қочди, Саййид Хожа ва Абдусамад узоқ Шерозга йўл олди. Шамсуддин Уч Қора ва Саййид Хожанинг жияни Саййид Ҳисом олампаҳоқ даргоҳига илтижо қилиб, ул ҳазратнинг меҳри муҳаббати ва илтифотига эришди.



Журжоннинг барча ҳудуди ҳукмдор хоқон тасарруфига кирди. Саййид Иззиддин Ҳазор Жарибий ўз укасини муносиб совға ва тухфалар билан адолатпарвар ошиёни оstonасига юборди. Хутба ҳумоюн номига ўқитилиб, бож ва хирож мажбуриятларини ҳам тайин қилди.

Сори мавзеининг ҳокими Саййид Муртазо ҳам муте ва бўйин эгиб, мухлислик ва итоат этиш эшикларини очди. Шунда олий мартабали хоқон Астробод вилоятини Умар Мирзога иноят этиб, унинг салтанати жиҳозларини тартибга солди ва ғалабакор кўшин салтанат пойтахти Ҳирот томон йўл олди.

Йўл асносида Тус, Хабушон, Калот, Обивард, Нисо, Ёзар, Сабзавор ва Нишопур мамлакатлари ҳукуматини Мирзо Улуғбекка топширди, сўнг жумодилохир ойининг тўртинчисид¹ Аллоҳ таолонинг ҳимоясида давлат ва иқбол пойтахтига қайтиб келди.

**ПИР МУҲАММАД МИРЗО ИБН
ЖАҲОНГИРНИНГ ҚУДРАТЛИ ХУДОВАНД
ХОҲИШИГА КЎРА ШАҲИД
БЎЛИШИ ЗИКРИ**



Пир Муҳаммад Мирзо ибн Жаҳонгир тўғри кўнгил, кам-озор, сахий ва адолатпарвар подшоҳ эди. Иш фаолияти даврида мол-мулкни Пир Али Тознинг иқтидорли қўлига топшириб, кўп вақт овқатга ранг-таъм бериш ва уд, чанг куйларини эшитиш билан машғул бўларди. Найнинг дилрабо овози салтанатнинг бошқа жойга кўчганлигидан дарак берар эди, рубобнинг ҳаётбахш оҳанги марсияни куйга соларди ва у шуурсиз тоза мусаффо шаробдан эса, чунки айтадилар-ку:

Байт:

Майга боши билан султон чўмса гар,
Кай тожи бошидан тушса — беҳабар.

¹ Мелодий 1406 йил 16 ноябрь.



Шубҳасиз, Пир Алининг куч-қудрати кучайиб, унинг кўнглига истиқлол фикри ин қурди.

809 йилнинг рамазон¹ ойидан Пир Муҳаммад Мирзо ботин хилватхонасида қасам ичиб, афсус ва тавба чироғини ёқди ҳамда надомат алангаси шуъласида шамдек ёнарди. Нопок Пир Али журъатли кишилар билан подшоҳлик ҳарамини ўраб олди. Мазкур муборак ойнинг ўн тўртинчисида² ул шаҳзода сайдни шаҳид қилдилар.

Сайди Аҳмад Мирак Мирзо Шибирғонда бу воқеа-ҳодисасидан кўрқиб, шамолдек тез учар от билан Ҳирот томон шошилди ва Пир Алининг журъат этиб қилган ишини ҳазрат хоқонга етказди. Ул Ҳазрат бу хабарни эшитиб, нузли хотирасини ғам-андух чулғаб олди, шунингдек, Амир Музроб, Амир Ҳасан Сўфи Тархон ва Амир Нуширвонларни Сайди Аҳмад Миракка Мирзо ҳамроҳ қилиб, Балхга жўнатди. Ўзи уларнинг орқасидан йўлга тушмоқчи эди, тўсатдан Умар Мирзонинг мухолифлик хабари томдан тараша тушгандек бутун Хуросон бўйлаб ёйилди.

УМАР МИРЗОНИНГ ҲАЗРАТ ХОҚОН БИЛАН МУХОЛИФЛИГИ ВА УНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ

Умар Мирзо Журжон мамлакатада истило байроғини кўтариб юрган пайтда мард ва ботир арбоблардан бир гуруҳини Райга жўнатди ва ул диёрда Або Бакр Мирзо ўғруқи билан бирга бўлган мўғулларнинг минг хонадонини кўчириб Мозандаронга олиб келди. Шунинг учун Умар Мирзонинг қудрати икки барабар кучайиб, ухлаб ётган истиқлол ҳақидаги хаёли энди бошига урди. Ана шу воқеага яқин пайтларда Шайх Ҳасан Мухафаҳий эса Амир Шоҳ Малик мулозимларидан бир гуруҳи билан қочиб, Журжонга келди ва айтди: «Хуросон лашкари Амир Шоҳ Малик-

¹ 809 йил рамазон ойи — 1407 йил 9 февраль — 11 март оралиғи.

² Ўша йил 22 февраль.



дан ранжиганлар, зафарпаноҳ қўшин ҳар доим у томонга борсалар, уларнинг кўпи мулозиматга шошиб, унга қўшиладилар». Умар Мирзо уларнинг бу сўзларига ишониб, хоқони саиднинг тарбиясини унутди ва яшин тезлигида Астрободдан Хуросонга етиб келди.

Шоҳрух Мирзо Баҳодир бу хабарни эшитгач, мазкур йилнинг ўн саккизинчи шавволида¹ Умар Мирзони кутиб олди. Зулқаъда ойининг тўққизинчиси душанба куни² Жом вилоятига қарашли Бардуба қишлоғи ҳудудида Журжон ва Хуросон қўшинлари бир-бирига етишиб, ҳар икки томондан сафга тизилишга киришилди. Итхин мавзеида Умар Тобон аъёнларидан Жака Тавочи бўлса Умар Мирзодан юз ўтириб, олий мартабали хоқон даргоҳига қараб юрди. Бу ҳолни кўриб турган бошқа амирлар ва жангчилар қочиб, ҳар ким ўзи билган томонга кетди. Бу фатҳнинг омонлик калити эди, шундай бўлди. Умар Мирзо тақдир ханжари дастидан Марврудга қочди ва сув бўйида Амир Музроб навкарлари қўлига тушди. Унинг бошини ярадор қилиб, оёғига кишан солиб, Амрудак мавзеидаги олий ўрдугоҳга келтирдилар.

Хоқони саид марҳамат қилиб, унга тахтиравон иноят қилди ва табиб ҳамда жарроҳ ҳамроҳ қилиб салтанат пойтахти Ҳиротга жўнатди. Умар Мирзо зулқаъданинг йигирма бешинчисида³ Дудар карвонсаройининг Тўққиз работ манзилида бошқа оламга юз тутди ва ўз замонининг йирик олими Имом Фахриддин Розий мақбарасига дафн этилди.

Салтанат пойтахти Ҳирот зулҳижжанинг бошида⁴ хоқон мавкаби кириб келишидан ана шундай бир абадий шукуҳ ва тароватга тўлди.

Шу ойда олий мартабали подшоҳ Бодғис тоғининг яйловига кетди.

¹ Мелодий 1407 йил 28 март.

² Мелодий 1407 йил 17 апрель.

³ Мелодий 1407 йил 3 май.

⁴ Мелодий 1407 йил 9 июнь.





ҲАЗРАТ ҲОҚОН ҲАРАКАТИ БИЛАН ПИР АЛИ ТОЗНИНГ ДАФ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ



Жаҳонгир хоқоннинг вужуди қуёши Умар Мирзодан хотиржам бўлгач, Пир Али Тозни даф қилишга киришди, чунки бунга катта эҳтиёж бор эди.

810 йил муҳаррам ўн тўққизинчисида¹ Бодғис яйловидан зафарнигор қўшин қуббатулислом Балх томон йўлга тушди ва сафар ойининг бошларида Андхуд ҳудудига кириб келди. Пир Али Тоз эса журъат қилиб, то Сарипулгача олдинга юриб келди, аммо ҳумоюн мавкаби Хожа Дукага етганда, Пир Али жilовини мусибат ва фалокат саҳросига буриб, қочишга тушди.

Ҳазрат хоқони саид эса Сайди Аҳмад Мирзони Амир Ёдгоршоҳ, Амир Нуширвон ва Ҳасан Сўфи Тархон билан қувиб боришга жўнатди. Амирлар Пир Алига етиб бориб, унинг юкларини олдилар ва у озгина кишилари билан Якка Ўланг томон чиқиб кетди. Амирлар эса қайтиб, Балхда ҳумоюн мавкабига қўшилдилар.

Осмондек кенг хоқон ўша кунлар қуббатулисломда турган пайти Амир Темур Гурагоннинг Амир Ҳусайн устидан ғалаба қилганидан бери шу вақтгача хароб ва вайрон бўлиб ётган Ҳиндувон қалъасини² таъмирлашга илтифот кўрсатди. Сал вақт ичида мустаҳкам деворни матонат билан таъмир қилдирди.

Балх ҳукумати Пир Муҳаммад Мирзонинг ўғли Қайду Мирзога топшириб, қўшин салтанат пойтахти Ҳиротга қайтди.

Пир Али Тоз яна бир марта қўшин тўплаб, қуббатулисломга лашкар тортиб келди, зафарёр сипоҳдан шикаст еб, мағлуб бўлди ва қочиб кетаётиб, унинг мулозимларининг бошлиқлари ўзаро келишиб, «Бу кўрнамак то бизнинг бошлиғимиз бўлар экан, тожу тахт соҳиблари билан муҳолиф бўламиз ва бу бизга ортиқча ташвиш», дедилар-да, биргалашиб унинг бошини та-

¹ 810 йил ўн тўққизинчи муҳаррам — 1407 йил 26 июнь.

² Ҳиндувон қалъаси — юқорида эслатилган Балхдаги қалъа.



насидан жудо қилиб, салтанат пойтахти Ҳиротга юбордилар. Шундай қилиб халойиқни парокандалик ва паришонликдан қутқардилар.

ИРОҚ ВА ОЗАРБАЙЖОН ВОҚЕАЛАРИДАН БАЪЗИЛАРИНИНГ БАЁНИ ВА СУЛТОН АҲМАД ЖАЛОЙИР ҲАМДА ҚОРА ЮСУФ ТУРКМАННИНГ ИСЁНИ ЗИКРИ



Маълумки, марҳум соҳибқирон Амир Темур Гурагоннинг етти йиллик юриши воқеаси жараёнидан шу нарса маълум бўлдики, у ҳазрат Рум томон диққат-эътибор қилиб турган пайтда Султон Аҳмад Жалойир ва Амир Қора Юсуф Мисрга қараб йўлга тушди. Ўша пайтда Малик Фараж баланд мартабали Соҳибқиронга нисбатан дўстлик ва самимийликдан оғиз кўпиртирарди. Ул икки сардорни ушлаб, ҳар бирини мустақкам қалъанинг ҳеч ким суҳбатига монелик қилолмайдиган алоҳида-алоҳида буржига маҳбус этган эди.

Ул қалъада Қора Юсуфнинг ўғли туғилди ва Султон ул ўғилни этагига солиб, фарзандликка қабул қилди ҳамда ўз олдида ушлаб турди.

Ўша айёмда Султон Аҳмад ва Қора Юсуф ўртасида аҳду паймон тузилдики, агар маҳбусликдан нажот топсалар, яна бир марта давлатни қўлга олишга уринадилар. Улар ўзаро иттифоқ ва бирлашиб, Султон Аҳмад Бағдодда ва Амир Қора Юсуф Табризда ҳукумат тахтига ўтирамиз, деб мўлжалладилар ва келишдилар.

Шундан сўнг Қора Юсуф бир кечаси туш кўрди, унда Амир Темур Гурагон қўлидаги узуклардан бирини олиб, унинг бармоғига тақди. Эртаси куни бу тушни Султон Аҳмадга айтди. Султон деди: «Ҳазрат Соҳибқирон мамлакатларидан бирининг ҳукумати сенга тааллуқли бўлади».

Алқисса, ул икки подшоҳ анча вақтгача маҳбусликда кун кечирдилар. Амир Темурнинг вафоти ҳақидаги хабар Мисрга ҳам етиб келди. Малик Фараж уларни назорати остида тарбия қилди



ва уларнинг ҳар бири беш юз навкардан олиб, уларга минг кишига мўжаллаб харажат, от, қурол-аслаҳа, тилло ва мол-мулк берилсин деб буюрди.

Султон Аҳмаднинг мулозимларидан Мисрда қулла ва шогирдларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди, шунинг учун мисрликлардан олган нарсаларини уларга берди. Аммо Амир Қора Юсуфнинг одамларидан жуда кўплари ул диёрда ишлардилар. У беш юз кишини мукаммал кийинтириб, отга миндирди. Ул жамоат ниҳоят даражада ясаниб хизмат қиларди. Шу жиҳатдан туркманлар шуқуҳи мисрликлар эсида қолди, уларнинг азалий чопари бўлиб қолди.

Бир куни Миср подшоси хос амирлар билан чавгон ўйнайдиган майдонга келди. Қора Юсуф эса ўз мулозимлари билан Малик Фаражга рақиб мақомида майдонга тушди. Туркманларнинг ўта жасурлиги Миср амирларининг мижозига маъқул бўлмади. Улар Амир Юсуфнинг навкарларига отдан тушиб, майдонни майда тошлардан тозаланглар дедилар.

Улар эса бу ҳукмга бўйсунмадилар. Қора Юсуф гўдаиб отда Миср султони ёнига борди ва деди: «Биз келгинди халқмиз. Бизнинг бу вилоятга келганимиз сабаби, подшоҳ бизнинг халқимиздан иноятини дариф тутмаган эди. Энди рухсатингиз билан ўз диёримизга қайтамиз» ва от жиловини буриб мулозимлари гуруҳи билан майдондан чиқиб кетди. Шу заҳоти аёл ва болаларни олиб ўз макони — Диёрбакрга қараб жўнатди.

Миср амирлари Малик Фаражга айтдиларки, бу жамоанинг шу ҳолда чиқиб кетиши салтанат ишида ёмон одатдир. Агар буйруқ бўлса, уларни таъқиб қилайлик. Подшоҳ жавоб берди: «Туркманлар ниҳоятда қўрқмас ва ботирдилар. Ўзлари учун ширин жонидан кечиб бўлса-да фидойилик қиладилар. Уларнинг орқасидан бориш муносиб эмас. Қўйинг, ўз ватанига борсинлар».

Қора Юсуф Миср ҳудудидан то Фирот дарёси соҳилига етишгунча юз саксон мавзеда қалъа кутволлари унинг йўлини тўсдилар, у билан тўқнашувлар ва олишувлар содир бўлди. У бу тўқнашувларнинг барчасида ғалаба қилди.



У Диёрбакрга етиб боргач, у билан Хилот ва Балбис ҳокими Малик Шамсуддин ўртасида дўстлик ва иттифоқлик риштаси боғланди. Малик эса Қора Юсуфнинг қизини ўз никоҳига олди.

Амир Қора Юсуф эса Малик Шамсуддин иғвосига биноан Ван ва Вастон ҳудудига қўшин тортди. У вилоятнинг уй ҳайвонлари, жониворлари, мол-мулки ва жиҳозларини горат ва торож сурпургиси билан тозалаб ташлади. Туркманларнинг барча эл-улуси унга қўшилиб, Авник қалъасини забт этди.

Аммо Султон Аҳмад эса Қора Юсуф кетгандан кейин Мисрда эътибордан четда қолди. Унинг худди Қора Юсуфдек ул мамлакатдан чиқиб кетиш учун катта миқдорда қурол-яроғи ва истеъдоди йўқ эди. У жун чакмон кийиб, кам сонли гуруҳ билан Шомга қараб юрди. У ердан Диёрбакрга бориб, Диёрбакрдан Ҳиллага шошилди ва бир гўшада ўтирди.

Унинг хизматидаги жоҳил ва фитначи одамлари турли ташвишларни келтириб чиқарганлиги боис, Султон Аҳмаднинг Ироқи Арабга келганлиги ҳақидаги овоза тарқалди. Бағдодда шундай миш-мишлар тарқалдики, у мавзенинг ҳокими Давлат Хожанинг тўхташга мажולי қолмади. Ва мажбуран ҳукуматдан қўлини тортиб, Умар Мирзо ўрдусига қараб кетди. Давлат Хожа кетгандан бир ҳафта кейин Султон Аҳмад ўзи ўрганган ватанга шошилди, яна давлат тахтига ўтирди. 808 йил охирида¹ Або Бакр Мирзо Исфаҳонни қамал қилиш билан шуғулланаётган пайт эди.

Амир Шайх Иброҳим Ширвоний олдинроқ Табризга келиб золимлар ва зулм аҳлига қарши курашмоқда эди. Султон Аҳмад курд, ўйрот² жоҳилларидан ҳамда туркманларнинг катталарини йиғиб, Табризга қараб юрди.

Бу хабар 809 йилнинг муҳаррам³ ойида Амир Шайх Иброҳим қулоғига етиб, ўз амирлари билан маслаҳатлашди ва деди: «Озарбайжон узоқ йиллар Султон Аҳмад ота-боболарининг пойтахти бўлган. Биз эса у хонадонга нисбатан доим дўстлик ва иттифоқлик йўлини тутиб, яхши муносабатда бўлганмиз. Энди

¹ 808 йил охири – 1406 йил 17 июнь.

² Ўйрот – туркий уруғ номи.

³ 809 йил муҳаррам ойи – 1406 йил 18 июнь – 18 июль оралиғи.



эса худованд султон ўз мамлакатига эътиборини қаратибдими, муносиби шуки, биз ҳам ўз вилоятимизга борайлик».

Амир Шайх Иброҳим ана шундай қарор қилиб, ўз вилояти Ширвонга йўлга тушди. Шу ойнинг охирларида Султон Аҳмад Жалойир пойтахт Табризга келиб тушди. Табризликлар шаҳарни безаб, шоду хуррамлик ва байрам қилдилар. Улар Султон анча гурбат аламини тортган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини, иссиғу совуғини тотган, вализ ва номаъқул феъл-атворини тарк қилган бўлса керак, деб ўйладилар, аммо унинг ўзи асло феъл-атворини ўзгартиришни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Табризда айшу ишрат ва хушчақчақлик бисотини кенг ёйиб, кўп вақтини каптарбозлик ва содда ўғил болалар билан алоқа қилиб ўтказарди. Шунинг учун амирлар ва давлат аъёнлари Або Бакр Мирзо томон мойил бўлдилар, ҳам ўша пайтда Або Бакр Мирзо исфаҳонликлар билан сулҳга ўхшаш бир нарсани тартибга келтириб, олишиш учун Табризга йўл олди. Султон шаҳзоданинг келишидан хабар топгандан кейин уни журъатсизлик ва қўрқув ҳисси чулғаб олди ва Бағдодга қараб кетди. Ўша йили Табризда кўпгина бахтсиз ҳодисалар юз берди, жумладан, вабо касали ҳам тарқалиб, халқ пароканда бўлиб кетди.

Або Бакр Мирзо рабиулаввалнинг саккизинчисид¹ ул ноҳияга кириб, ҳеч кимни кўрмади. Шунинг учун адолат ва ҳуқуқ тизими жараёнларини тартибга солиб, теварак-атрофга меҳр-муҳаббатга тўла мактублар жўнатди ва ҳеч ким «Ҳеч қачон раиятга зулм ва зўрлик қилмасин», деб фармон берди.

Шу аснода Қора Юсуф Авник қалъасини Дурулдай ўғлидан тортиб олди, жуда кўп туркманлар унинг атрофига йиғилганлар, жуда кўп моллари бор деб эшитди. У Қора Юсуф билан олишишга қарор қилиб йўлга тушди.

Икки гуруҳ тўқнашувидан кейин улар ўртасида уч кун жангу жадал рўй берди ва учинчи куни Або Бакр Мирзо ҳеч бир сабабсиз қочиш водийсига қадам қўйди. Туркманлар жуда кўп ўлжа олдилар. Або Бакр Мирзо то Марандгача жиловни тортма-

¹ Мелодий 1406 йил 23 август.





ди. Унинг сипоҳи у ерда нима топса горат қилди ва Табризга бориб, у ерда ҳам талон-торожга қўл урдилар.

Оқшом тушгач, Табриз аҳли билан шаҳардан қочган Шайх Қассоб саҳрода кўп олов ёқишни буюрди. Або Бакр Мирзо одамлари ёқилган кўп оловларни кўриб, туркманлар орқадан қувиб келдилар деб ўйладилар. Шунинг учун эртаси куни эрталаб Або Бакр Мирзо Табризни ташлаб, Султонияга йўл олди. Шундан кейин амир Қора Юсуф Нахичеванга келди.

Олий машойихлар хонадонидан бўлган Хожа Сайдий Муҳаммад Кажожий унинг олдига бориб, ўша пайтда табризликлар бошига тушган синовлар ҳақида кўнглига таскин берадиган гаплар гапирди ҳамда доруға ва истимолатнома¹ олиб, қаноат ва рози бўлиб қайтди.

Амир Қора Юсуф ўша қишни Марандда ўтказди. 809 йил жумодилохир² ойида Бастом амири Жогир унинг хизматига келди ва амирул-умаро мансабига эришди. Шунингдек, бошқа сардорлар ҳам унинг мулозаматига келдилар.

АБО БАКР МИРЗОНИНГ ИККИНЧИ МАРГА АМИР ҚОРА ЮСУФ ТУРКМАН БИЛАН УРУШИШИ ВА МУИЗИДДИН МИРЗО МИРОНШОҲ ГУРАГОННИНГ ЎЛДИРИЛИШ ЗИКРИ



Або Бакр Мирзо Табризни ташлаб, Султония қалъасига борди. Ҳамадон, Даргузин ва Қазвин вилоятларидан жасур сипоҳлар билан ўтиб, қасос олиш ва олишишга қарор қилиб, Табриз ҳудудига қараб юрди.

Амир Қора Юсуф эса Бастом амири Жогир билан иттифоқликда ва Озарбайжоннинг лаёқатли сардорларининг кўпчилигини ўзига жалб қилиб, тўқнашиш ва олишиш учун 809 йил

¹ *Истимолатнома* – лутфу карам ва меҳр-муҳаббат тўла мактуб, кўпгина сипоҳлар ёки одамларни ўз томонига оғдириш учун ёзиладиган мактуб.

² *809 йил жумодилохир ойи* – 1406 йил 13 ноябрь – 12 декабрь оралиғи.





зулкаъданинг йигирма тўртинчисида¹ Сарвруд манзилида ик-кала гуруҳ ўртасида тўқнашув рўй берди. Ҳар икки томондан баронғор, жавонғор ва марказ қисми ясалиб, ботир ва жасурларини жанг майдонига қадам қўйдилар.

Аввал Амир Қора Юсуф томонидан Бастом амири Або Бакр Мирзо сипоҳи устига босиб бориб, икки кишини уриб йиқитди. Пир Умар, Байрамбек ва Жалолиддин Халифа ҳам кўпларини қочирдилар.

Або Бакр Мирзо душманнинг эпчиллиги ва жасоратини кўргач, худди оҳу ва тоғ эчкисига ташланаётган шердек жанг майдонига отилиб кирди ва Жалолиддин Зийракни эгардан ерга қулатди ҳамда олд томондаги туркманларни мағлубиятга учратди. Ҳар икки қўшин бир-бирига ёпишиб кетди.

Байт:

Табриздан то Сарвруд манзили қадар,

Сипоҳлар дарёдек оқизди қонлар.

Або Бакр Мирзо эса Қора Юсуфнинг баронғорида турган Бирак ва укаси Ёдгоршоҳни олддан олиб ташлаб, уларнинг орқасидан то Биракнинг бошини найза учига илмагунча от жилвини тортмади. Аммо унинг ғойиблигидан фойдаланиб, туркманлар Мироншоҳ Мирзо ушлаб турган сипоҳнинг марказини синдирдилар. Фулом Туркманий билмасдан Мироншоҳ Мирзони ярадор қилиб, уни отдан қулатди ҳамда унинг кийими ва аслаҳасини олиб, унинг муборак бошини танидан жудо қилди.

Або Бакр Мирзо уч соатдан сўнг Бирак орқасидан қайтиб келди ва майдонда ўзининг сипоҳидан биронта тирик зотни кўрмади. Мажбуран от жилвини қочиш водийсига бурди.

Амир Юсуф фатҳ ва ғалабага эришиб, Мироншоҳ Мирзо қотилини жазога ҳукм қилди: «Агар уни тириклайин менинг олдимга келтирганингда, имкон даражасида назарга олардим».

Жангчилар қўлига асир тушган Або Бакр Мирзонинг ҳарамии аёлларини ўз хотинлари олдига юборди. Уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Саид шаҳзода бошини бадани ёнига қўйиб, султон-

¹ Мелодий 1407 йил 2 май.





лар расм-русуми асосида Сурхобда¹ дафн қилдилар. Бир қанча вақтдан кейин Шамсуддин Фурий унинг суягини Мовароуннахрга олиб бориб, қуббатул-хузаро Кешга дафн этди.



АБО БАКР МИРЗОНИНГ КИРМОНГА БОРИШИ ЗИКРИ ВА УЛ БЕНАВО ПОДШОҲНИНГ АҲВОЛИ БАЁНИ



Або Бакр Мирзо Амир Қора Юсуф сипоҳи қўлидан қочиб, Кермон томон келаётганда, узоқ муддат у мамлакат ҳукумати Амир Темур Гурагон фармониға биноан Амир Идику Барлосга тааллуқли бўлиб, ул амир вафот этган эди. Унинг ўғли Султон Увайс ҳукуматни бошқарар эди. Султон Увайс эса Або Бакр Мирзонинг яқинлашиб келаётганидан воқиф бўлгач, зарурат юзасидан истиқбол шартини бажарди. Або Бакр Мирзо Кирмонга келиб, Султон Увайсни мустақил подшоҳ сифатида кўрди. Унинг ботинида алам рашки аланга олди ва Султон Увайсни йўқотишга қасд қилди. Султон Увайс ҳам ўзича шаҳзодани қўлга олиб, маҳбус этишни мўлжаллаб қўйди.

Охири бир кун уруш ногораси чалиниб, Або Бакр Мирзо қасрини ўраб олди. Ўртага яраштирувчилар араллашиб, кирмонликлар Або Бакр Мирзога арз этишга қасд қилмасликка, уни шаҳардан ҳеч нарсани вайрон қилмасдан чиқиб, бошқа мамлакатга кетишига келишилди.

Шунда Або Бакр Мирзо Кермондан Сейистонга кетди. У ва у ернинг ҳокими Шоҳ Қутбиддин ўртасида дўстлик ва иттифоқдошлик риштаси мустаҳкамланди. Уларнинг бу иши хоқони сайд Шоҳрух Мирзонинг Ҳирот ва Сейистонга лашкар тортишига сабаб бўлди. У вилоятни ва унинг теварак-атрофи ҳамда музофотларини хайрихоҳлик ва қатъиятлик билан фатҳ этди.

Або Бакр Мирзо яна қайтадан Кермон томон от суриб, 811 йил жумодилохирнинг ўнинчисида² Бом ва Мухим ҳудуди унга тааллуқли бўлди.

¹ Сурхоб – Табриз яқинидаги қишлоқ номи.

² 811 йил ўнинчи жумодилохир – 1408 йил 2 ноябрь.



Султон Увайс бу хабардан ҳайратга тушиб, ўша ҳолга яқин пайтда Гармсир томон юборган лашкари етиб келди. Шубҳасиз, бу ҳолдан хабар топиб, ражаб ойининг тўртинчи куни Бом томон йўлга тушди. У билан Або Бакр Мирзо ўртасида бир неча марта тўқнашув бўлиб ўтди. Гоҳида Або Бакр Мирзо зафар чехрасини кўриб қувонар, баъзан эса ғалаба Султон Увайсга жамолини кўрсатарди. Охирида эса шаҳзода катта мағлубиятга учраб, пичоқдан ярадор бўлиб, шу билан фоний дунёдан абадий саройга йўл олди.

СОҲИБҚИРОН ВАФОТИДАН КЕЙИН ПИР МУҲАММАД МИРЗО, РУСТАМ МИРЗО ВА ИСКАНДАР МИРЗОНИНГ АҲВОЛИ БАЁНИ

Жаҳонгир соҳибқирон Амир Темур Гурагон вафот этган пайтда Пир Муҳаммад Мирзо ибн Умаршайх Шероз дорилмулкани истило этган эди. Унинг укаси Рустам Мирзо Исфаҳонда ҳукумат юргизарди, бошқа укаси Искандар Мирзо Ҳамадонда ҳукмронлик қиларди. Бу машъум хабар Форсга етганда Пир Муҳаммад Мирзо маслаҳатлашиб олгандан кейин онаси Мулкат Оғо Хизр Ўғлон қизи хоқони сайд хотинлари тизимида бўлганлиги боис, хутба ва тангани Шоҳрух Мирзо номи билан безатди. Бу яхшилик хизматини эълон қилиш учун Хуросонга элчи жўнатди ва бу байт уларнинг истагини ифода этувчи бўлиб ёзилди.

Байт:

Биз, ҳокимлар – Шоҳрухпараст бандамиз,
Мену Рустам ва Искандар – барчамиз.

Ҳазрат хоқони сайд унинг юборган кишисига жуда катта иззат-ҳурмат билан қараб, унга қайтишга рухсат берди.

Умар Мирзо эса, ўша вақтда Амир Жаҳаншоҳни ўлдирди, Або Бакр Мирзони маҳбус этди. Искандар Мирзо эса кўрқиб кетиб Ҳамадондан Шерозга жўнаб кетди. Пир Муҳаммад Мирзо



мурувват қилиб Язд вилоятини унга топширди. Бирмунча вақт 809 йилгача ака-укалар ўртасида яқдиллик ва иттифоқлик ҳукм сурди, аммо ифвогар ва фитначиларнинг фисқу фасоди туфайли яқдиллик бегоналашувга айланди.

Пир Муҳаммад Мирзо эса Искандар Мирзонинг оёғига кишан солиб, баъзи ишончли кишилари ҳамроҳлигида Хуросон томон жўнатди. У Табас чорраҳасида кишанни бузиб, солиқ йиғувчилардан бор-будини олиб, Исфаҳонга кетди.

Рустам Мирзо жаноб Искандарнинг келишини буюк неъмат деб билиб, ҳар иккала ака-ука Шерозга қараб юрдилар. Пир Муҳаммад Мирзо эса уларга нисбатан душманлик йўлини танлади ва улуғ амирлар ҳамда нўёнларни манглай сифатида жўнатди. Уларга «Икки ўртада тўсиқ бўлган дарёнинг ўтиш жойларини жиддий қўриқланг», деб кўрсатма берди.

Исфаҳонликлар ул дарё бўйига етиб келиб кўрдиларки, унинг ўтиш жойлари мустаҳкам беркитилган, бундан ҳайрат денгизига фарқ бўлиб, изтиробга тушдилар.

Охирул-амр, ўша кечаси ёмғир қўйди, Искандар Мирзо номаълум ўтиш жойидан ўтди. Бошқа ўтиш жойларидаги қўриқчилар эса унинг дарёдан ўтганлигидан хабар топдилар. Улар саботлилик, вазминлик жиловини қўлдан бермай, Шерозга қараб жўнадилар. У ерда Пир Муҳаммад Мирзога қўшилиб, шаҳарда беркиниб олдилар.

Рустам Мирзо ва Искандар Мирзо Шерозни ўраб олди. Қамал вақти қирқ кунга чўзилди. Исфаҳонликлар шаҳарни фатҳ этишга эришолмаслигини тушуниб етгач, Форс вилоятининг Гармсир деган жойларини талон-торож қилиб, сўнг Исфаҳон томон жўнадилар.

810 йилда¹ Пир Муҳаммад Мирзо сон-саноксиз қўшин тўплаб, Рустам Мирзо ва Искандар Мирзога қарши урушга сафарбар қилди.

Ўша пайтда Рустам Мирзо вабо касалидан кўрқиб, Исфаҳондан чиқиб, Кандамон мавзеида ўтирган эди. Форс лашкарининг ке-

¹ 810 йил — 1407 йил 8 июндан 1408 йил 27 майгача бўлган оралик.



лаётганлиги ҳақидаги хабар тарқалгач, баъзи бир хайрихоҳ кишилар уни муроса қилишга ундадилар. «Хотирингиз жам бўлсин, Шероз карвони биз учун совғалар ва тансиқ нарсалар олиб келаетибдилар», деб жавоб берди улар.

Шерозликлар яқин келгандан кейин, икки томон қўшинни жангга тайёрлашга киришди, биринчи бўлиб Рустам Мирзо Форс лашкарига ҳамла қилди. Пир Муҳаммад Мирзо Шероз довюраклари билан улардан устун келишга уринарди. Ҳар икки сипоҳ ҳам бир-бирига ёпишиб олишиб кетди.

Охири исфаҳонликлар мағлуб бўлиб, Рустам Мирзо ҳамда Искандар Мирзо қочдилар ва Хуросонга йўл олдилар.

Пир Муҳаммад Мирзо ғолиб бўлиб, сипоҳлар «Асло Исфаҳон халқига жабр-зулм қилмасинлар ва ҳаммасини омонлик соябонига олиб, жой берсинлар» деб фармон берди.

Исфаҳонликлар бу хушxabарни эшитиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, умид билан Пир Муҳаммад Мирзо даргоҳига йўл ола бошладилар. Ул хушхулқли шаҳзода ҳамманинг бошини силаб, бир неча кун Шаҳрак ва Кандамон яйловида от-уловлари семиргунча турдилар. Ундан кейин Кошон, Жарбодиқон ва Исфаҳонга қарашли бошқа ерларини забт этиб, сўнг шаҳарга кирди.

Ўша пайтда қуёш сумбула¹ буржига бориб қолишига қарамай, вабо касаллиги туфайли шу вақтгача Исфаҳон ғалласи ўрилмаган эди. Яхшилик аломати сифатида уни ўриб, Пир Муҳаммад Мирзо вабодан таскин топиб, яна Исфаҳон ноз-неъматга мўл-кўл ва фаровон бўлди.

Исфаҳоннинг ноҳиялари амирзода Умаршайх ибн Пир Муҳаммад Мирзога берилиб, девон ишлари Хожа Музаффариддинга топширилди.

Пир Муҳаммад Мирзонинг хотири бу ишлардан фориф бўлгач, у Шероз дорилмулки томон қараб кетди.

¹ Сумбула – қадимги Шарқ астрономик календарининг олтинчи ойи, 22 август – 21 сентябрга тўғри келади. Бу календарда ойлар эклиптика буржларининг номлари билан аталади.

РУСТАМ МИРЗОНИНГ ДЎСТНАВОЗ ХОҚОН ОСТОНАСИГА БОРИШИ ВА ИСКАНДАР МИРЗОНИНГ ШЕРОЗГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Рустам Мирзо ва Искандар Мирзо Кандамон яйловидан Хуросон томон юрган пайтида, амирзода Рустам толеи баланд Хоқоннинг табиати ва лутф-карамига шошилиб, Ҳирот дорис-салтанатига борди. У ерда уни яхши одамлар тоифаси фахр ва ифтихор билан кутиб олишди.

Искандар Мирзо эса бир неча кун Тун ва Табас¹ ўртасида жойлашган Аҳмад қишлоғида истиқомат қилди. Вақт ўтиши билан унинг сирлари ошкор бўлгач, у ярим кечаси йўлсиз ерлар орқали Балх ва Шибирфонга қараб йўлга тушди. Бу вилоятлар ҳудудида баъзилар унга қўшилдилар. Қайду Мирзо Балх ҳокими эди, унга қарши ҳаракат қилди. Искандар Мирзо унга қаршилик кўрсатишга кучи етмай, Амуя дарёси соҳилига қараб кетди. У ердан Андхудга бориб, ул вилоятнинг ҳокими Сайди Аҳмад Тархон шаҳзодани муносиб равишда кутиб олди. Ва бу ҳолни дарҳол хоқони сайдга етказди. Ул ҳазрат ниҳоят олийжаноб ва кенг табиатлигидан Искандар Мирзонинг илтимоси бобида Пир Муҳаммад Мирзога хат ёзди ва хатни Сайди Аҳмад Тархонга жўнатиб, мактубни Искандарга топшириб қўйишни тайинлаб, «Ўзини мустақил қилгин» деб хабар жўнатди.

Бу хат етиб келгандан кейин Искандар Мирзо Форсга қараб йўлга тушди. 811 йил рамазоннинг йигирма олтинчиси² намоз шом пайтида Шерозга кириб келди. Пир Муҳаммад Мирзо ўз укаси ҳолидан хабардор бўлгач, истеъмол қилаётган таомидан қўлини тортиб, ўша заҳоти уни чорлади ва шунчалар унга лутфу марҳаматлар изҳор қилдики, унинг кўнгли ишончга тўлди.

¹ Тун ва Табас — Хуросондаги шаҳарлар.

² 811 йил йигирма олтинчи рамазон — 1409 йил 12 февраль.

**ПИР МУҲАММАД МИРЗОНИНГ ҲУСАЙН
ШАРБАТДОР ТОМОНИДАН ХОИНЛАРЧА
ЎЛДИРИЛИШИ ВА ИСКАНДАР
МИРЗОНИНГ АКАСИ ЎРНИГА
ЎТИРИШИ ЗИКРИ**

812 йилда¹ Пир Муҳаммад Мирзо Кирмон мамлакатини фатх этишга жўнаб, Искандар Мирзони ўзига ҳамроҳ қилиб олди. У Ду чоҳа (Икки ўра) мавзеига етгач, табобат мартабасидан қўмондонлик даражасигача тараққий қилган Ҳусайн Шарбатдор ёвузлик ва жиноятнинг ниҳоятда зўрлигидан барча ёвузлик аҳлини атрофига йиғиб, ярим кечада Пир Муҳаммад Мирзонинг чодирни атрофини ўраб олиб, ул жанобга шаҳодат шарбатини ичирди.

Искандар Мирзо бу ҳодисадан воқиф бўлиб, дарҳол икки ўртоғи билан Шероз йўлига тушди. Икки кеча-кундуз йўл босиб, шаҳарга кириб келди. У йўлдан тўппа-тўғри аввалдан Шероз ҳокими бўлган Амир Темур Хожанинг уйига бориб, бўлган воқеани сўзлаб берди. Темур Хожа ва Шероз аъёнлари аввал бу ишлар амирзода Искандар томонидан содир бўлган бўлса керак деб гумон қилдилар, лекин бошқа одамлар ўрдудан шаҳарга келгач, ҳақиқатни айтиб бердилар.

Барча амирлар ва аслзодалар ҳукуматни тан олишда Искандар Мирзога қўл бердилар, аммо Ҳусайн Шарбатдор эса Пир Муҳаммад Мирзо жони комига шаҳодат захрини томизганидан кейин, ўзининг укаси Хожа Алини Искандар Мирзога ҳам қотиллик захрини ичиришга жўнатди. Гап шундаки, у шамолдек учиб Шерозга келди. Амир Абдусамад ҳам ўша пайтда Яздга қараб қочди, қолган амирлар эса Ҳусайнга муте бўлиб қолдилар. Ул малъун дабдаба билан шаҳарга киришга хезланди. Искандар Мирзо эса шаҳарни беркитди. Эртасига эрталабдан то шомгача икки томондан ўқ, тош отишга, жанг алангасини қўзғашга киришилди. Қоронғи тушган пайтда амирлар ва жангчилар Искан-

¹ 812 йил – 1409 йил 16 майдан 1410 йил 6 майгача бўлган оралик.

дар жанобларининг хизматига мушарраф бўлдилар. Бошқа куни ул ғаддор бадбахт Кирмон томон қочди. Йўл асносида манглай қисм сифатида Кирмон тарафга бориб қайтиб келаётган Пир Муҳаммад Мирзонинг амирларига дуч келиб қолди. Амир Сиддиқ уни ушлаб, Шерозга олиб келди ва Шайх Муслиҳиддин Саъдий мозори тепасида у динсизнинг мўйлови ва соқолини қириб олиб, афт-башарасини қип-қизил қилиб, жирканч кулоҳни бошига кийдириб, уни жониворга айлантирдилар. Шундай қилиб, ул эшак табиатни Искандар Мирзо олдига олиб келдилар. Шаҳзода ундан сўради: «Акамни нега ўлдирдинг?» Жавоб берди: «Агар уни қатл этган бўлсам, сени деб қилдим!» Бу жавобдан Искандарнинг ғазаб олови аланга олиб, ўз қўллари билан ул малъуннинг ўнг кўзини кўз соққасидан юлиб олди ва буюрди: «Низо ва нифоқ аҳлининг бошлиғи сўйил билан уриб ўлдирилсин!» Унинг жиноят ва ёвузликка тўла калласини Исфаҳонга жўнатдилар. Ва ифлос баданини икки кундан кейин оловда куйдирдилар.

**СУЛТОН МУЪТАСИМ ИСЁНИ ВА УНИНГ
ИСКАНДАР МИРЗО ЛАШКАРИ
ТОМОНИДАН ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ
ҲАМДА РУСТАМ МИРЗОНИНГ ИККИНЧИ
МАРТА ИСФАҲОНГА ЕТИБ ОЛИШИ БАЁНИ**



Ша пайтда олий мартабали Соҳибқирон Султон Зайналобидин ибн шоҳ Шужо ибн Амир Муҳаммад Музаффарни Форсдан Мовароуннаҳрга кўчирганда, унинг ўғли Султон Муътасим Шомга қочган эди. Мазкур аҳвол жараёнида у вилоятдан Озарбайжонга шошилиб, унинг диққат-эътибори Амир Қора Юсуфга қаратилган эди. Табризда вақтини маишат ва хушчақчақликда ўтказиб, бир неча кундан кейин Бастом амири Жогир ҳамроҳлигида ва қози Сайди Аҳмад далолати билан Исфаҳонга юрди.

Умаршайх Мирзо ибн Пир Муҳаммад Мирзо, Амир Саид Барлос ва Амир Жолабоншоҳ ўша ноҳияда эдилар. Бу хабар-





ни текшириб кўргандан кейин қирғин қилиш ниятида шаҳардан ташқарига чиқдилар, аммо жанг майдонига қадам босмасдан, жиловни Язд томон бурдилар, чунки у ернинг доруғаси Искандар Мирзога мухолифлик ҳақида оғиз кўпиртирар эди.

Амир Фозил Умаршайх Мирзодан у ерни тарк этиш ихтиёрини олиб, Зард қасрида воқеа тафсилотини Искандар Мирзога етказди. У жаноб Яздга кетаётган эди, Исфаҳонга юришни биринчи ўринда деб билиб, ўша ёққа йўл олди.


Амир Сиддиқ, Амир Каюмарс ва Амир Баённи Умаршайх Мирзо ва унинг одамлари орқасидан юбордилар. Улар Язд ҳудудида бир-бирига етишиб, қўлларини ўқ-ханжарга югуртирдилар. Искандар тарафидагилар волиб келиб, Амир Жолабоншоҳ уларга қўшилди, бошқалар эса Хуросонни кўзлаб йўлга тушдилар ва етиб келганларидан кейин Рустам Мирзони ҳазрат хоқони саиддан рухсат олиб Исфаҳонга боришга ундадилар, аммо Искандар Мирзо Исфаҳонга яқинлашиб қолган эди, Султон Муътасим эса Искандарий мавкабини кутиб олиб, Оташгоҳ яқинида бу икки гиначи қасоскорлар бир-бирига етишди. Уруш олови аланга олиб, Форснинг баъзи аёнлари ва аслзодалари Султон Муътасимга қўшилдилар, шунингдек, исфаҳонликлар ботир бўлиб, Искандар Мирзонинг марказий қисми яқинигача қувиб юбордилар, аммо охирида ғалаба Искандарий байроғи узра эди. Музаффарий хонадонининг тарафдорлари қочдилар. Ироқ ва Озарбайжон сипоҳининг кўпгина катталари асир бўлиб қўлга тушдилар. Султон Муътасим мағлуб бўлиб, бир катта ариқ бўйига етиб борди ва ундан отини сакратиб ўтмоқчи эди, катта жуссали йигит бўлгани боис, ўзини эплай олмай, орқага ағанаб тушди. Шероз жангчиларидан бири унга етиб келиб, сув бўйида ҳаёт шуъласини тобланган қилич билан сўндирди.

Бу аҳволга қарамай, қози Низомиддин Сайди Аҳмад пешанасига фитна рўмолини танғиб, Исфаҳон шаҳрининг эшикларини Искандар Мирзога очмади. Шунинг учун ул ноҳиянинг ташқи томони вайрон этилди. Шу аснода Рустам Мирзо ул шаҳар ҳудудига етиб келди ва Қози Аҳмад Ироқ дорилмулкининг сардорлари билан ул жанобни кутиб олдилар ва шаҳарга киритдилар.




Искандар Мирзо бу хабарни эшитиб, Шерозга қараб кетди. Шу аҳвол жараёнида унинг Язд томонга кетган амирлари шаҳарни қамал қилиб, ул ноҳияни фатх этдилар. Ул жаноб Амир Юсуф Халилни мамлакат ҳукуматига жўнатди ва хоқони саид ҳузурига арзномасини равона этди. Унда итоат ва бўйсунитишни изҳор этиб, илтимос қилдики, ака-укалардан кимни муносиб кўрсангиз, буёққа жўнатиб, токи бир-биримизга ёрдам бериб, бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик.

Ул ҳазрат унинг элчисига иззат-ҳурмат кўрсатиб, Бойқаро Мирзо ибн Умаршайх Мирзони новора, байроқ, қўшин ва мулозимлар билан Искандар Мирзо олдига равона қилди ва унга ёздики, биз ўша одатларимиз мазмунини мулоҳаза қилиб, олийжаноблик, мардлик ва бахт-иқболлик асарлари кўриниб турган укангни сен томонга жўната ётибмиз. Унга нисбатан акалик ва самимийлик кўрсатгин, у шунга лойиқдир, токи дўстона муносабатлар мустаҳкам бўлсин ва у ернинг ишлари одатдагидек тинчиб кетсин.



АМИР ҚОРА ЮСУФ ВА СУЛТОН АҲМАД БАҒДОДИЙ АҲВОЛИ БАЁНИ ҲАМДА СУЛТОН АҲМАДНИНГ ТАБРИЗДА ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ



Амир Қора Юсуф Мироншоҳ, Мирзо Гурагоннинг ўлдирилиши ва Або Бакр Мирзонинг Кирмон томонга қочишидан кейин Озарбайжон ва Аррон мамлакатларининг барча ҳудудини ўз тасарруфига киритиб олди. Адолат ва ҳуқуқ қонунлари шиори-ни изҳор этди.

Султон Аҳмад Жалойир мерос сифатида ҳам, ўзи эришиб олганлиги учун ҳам Озарбайжонни унга тааллуқди деб, ўзининг ўғли Пир Будокни ўғлим деб атаганлигини баҳона қилиб уни подшоҳлик тахтига ўтказди.

Ўзининг қўл остидаги ҳудудда унинг номига хутба ва танга зарб қилдирди. Шоҳона ва давлат аҳкомлари бошида бундай





Ўзилсин деб буюрди: «Пир Будоқ Баҳодирхон ёрлигидан Абу Наср Юсуф Баҳодир сўзимиз»¹.

Пир Будоқ доим мажлисга кирса, Қора Юсуф унинг қўлидан олиб тахтга ўтқазиб, сўнг ўзи пастда одоб билан чўккалаб ўтирарди. Бу хабар атрофдаги султонлар ва ҳукмдорларга етиб боргач, уларнинг элчилари тухфалар ва тортиқлар билан Амир Қора Юсуф даргоҳига табриклаш учун келдилар.

Қора Юсуф эса Султон Аҳмад олдига чопар жўнатиб, «Ҳазрат Султон Пир Будоқни фарзандликка қабул қилган эдилар, биз у азиз фарзандни салтанат тахтига ўтқаздик, ўзим эса лашкар-кашлик мақомида ва ёвузликни даф қилишга камарбаста бўлиб туришимиз сизнинг олий раъйингизга маълум бўлсин», деб хабар берди.

Султон Аҳмад Қора Юсуфнинг элчисини иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, Пир Будоқ учун соябон ва бошқа подшоҳлик жиҳозларини жўнатди, анча вақтгача Султон Аҳмад ва Амир Қора Юсуф ўртасида мустаҳкам иттифоқдошлик асослари ҳукм сурди.

Охир-оқибатда уларнинг дўстлик ришталари чокидан йиртила бошлади. Уларнинг ёвлашувига шу сабаб бўлдики, Султон Аҳмаднинг ўғли Алоуддавла Самарқанд зиндонидан нажот топиб, Озарбайжонга шошилди. Амир Қора Юсуф бир неча кун унга мурувват назари билан қараб, меҳру муҳаббат кўрсатди. Охири отасининг олдига боришга рухсат берди.

Алоуддавла хаёлида бузғунчилик бўлганлиги боис, йўлдан қайтиб келиб, Амир Қора Юсуф Хой шаҳрида бўлган пайтда Табризга кирди ва жинойткорлар аҳлидан бўлган тоифаларни тўплади. Қора Юсуф бу хабарни эшитиб, бир кишини юборди. Ул киши орқали аввалдан Табризда ҳукумат билан шуғулланувчи Ҳожи Кучак дастурхончига тайинладик, Алоуддаврани ушлаб, Одилжавоз² қалъасига қамаб қўйсин. Бу хабар Султон Аҳмадга етгач, Бағдоднинг минорали деворларини мустаҳкамлаб,

¹ Бу сўзлар қўлёзмада туркий тилда берилган.

² *Одилжавоз (Адилжевоз)* – Кичик Осиёда Ван қўлининг шимолий соҳилида Ахлотдан шарқроқдаги шаҳарча.





Амир Қора Юсуф ва Пир Будокхон олдига чопар жўнатди ва соғлигининг заифлиги ҳамда Бағдод ҳавосининг иссиқ шиддати туфайли келгуси баҳорда Ҳамадон яйловида дам олишини билдирди, аммо Алоуддавлянинг маҳбус эканлиги ҳақида оғиз очмади.

Қора Юсуф бу хабардан ва илтифотнинг йўқлигидан таъсирланиб, Султон элчиларига унчалик эътибор бермади. Кўклам фаслида Олатоғ¹ яйловига шошилиб, ул вилоятни забт этиш билан машғул бўлди. Аржис² ҳамда Одилжавоз ҳудудигача борди.

Ул тарафдан Султон Аҳмад ғалаба ҳамда катта босим билан Ҳамадон яйловига кириб келди. Бастом амири Жогир гумашталари билан ўша вилоятда эди, ваҳимасидан қўрқиб беркиниб олди.

Султон Аҳмад ёзни Ҳамадонда ўтказиб, куз мавсумида Султонияга қараб кетди. Бастом амири Жогирнинг акаси Маъсум деб аталарди ва ўша ноҳияда ҳукумат юргизарди, у шаҳар тева-рагини беркитди.

Султон у қалъани ўн саккиз кун қамал қилиб, ҳеч нарсага эриша олмади. Шунда эшитдики, Увайс исмли киши Бағдодда унинг ўғлиман деб даъво қилиб жоҳил ва ғализ кишилар унинг атрофига йиғилиб олган эканлар. У иложсиз от жилловини ислом маскани Бағдод тарафга бурди. У шаҳарга етиб келганидан кейин Увайсни ушлаб, ифвогарларни қатл эттирди.

Ўша қишда Амир Қора Юсуф Табризда қишлади, баҳор бошларида Амир Қора Усмоннинг Озарбайжон вилоятига ва у ернинг ҳокими Истиғоса Тахуртан ўғлининг тажовузи туфайли ўша томон юрди. Ўзининг ўғли Шох Муҳаммадни Озарбайжонда ўринбосар қилди.

Султон Аҳмад фурсатни фанимат билиб 813 йилнинг муҳаррам³ ойида катта ва шукуҳли қўшин билан Бағдоддан Табризга қараб

¹ Шарқий Анаталиядаги Олатоғ (ҳозирги Туркиядаги Аладаг) ҳақида юқорида айтилди.

² Аржис – Шарқий Анаталиядаги, ҳозир Туркиянинг шимолидаги Эржиш шаҳри.

³ Мелодий 1410 йил май ойи.





йўлга тушди. Шоҳ Муҳаммад Хойга қочиб кетди. Султон эса рабиулаввалнинг биринчисида¹ дабдаба ва ҳашамат билан мамлакат пойтахти Табризга кирди.

Амир Қора Юсуф Арзинжонни сулҳ йўли билан фатҳ этганидан кейин ўзининг ноиби Пир Умарни у ерга ҳоким қилиб тайинлади. Султон мавкабининг Табризга кирганлигини эшитиб, от жilовини қайтишга бурди.

Султон унинг қайтаётганлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, ҳарбий тўқнашув ва олишувга шайланди. Мазкур йил рабиул-охирининг йигирма саккизинчиси жума кунида² Шанби Фазон³ ноҳиясида икки ўртада қирғин жанг рўй берди. Амир Қора Юсуф ғолиб келди. Султон эса шаҳар томонга қочди. Бир туркман уни танимасдан икки зарба урган эди, у отдан қулаб тушди. Унинг кийими ва аслаҳасини олиб кетди. Султон сувнинг ўтиш жойидан бир боққа кирди. Калишдўз бир чол уни таниб қолиб, дарҳол унинг хизматига шошилиб деди: «Эй Жаҳон Султони бу не ҳол». Султон айтди: «Жим бўл! Менинг сиримни ошкор қилма! Бу шаҳарда бизнинг одамларимиз кўп. Қоронғи тушсин, тилло, от ва нима истасак улардан оламиз. Сени рози қиламан ва Бағдодга етиб боришимиз билан Баъқуба вилоятини суюрғол сифатида сенга топшираимиз».

Калишдўз чол унинг гапига кўнди ва уйига кирди. Гап шундаки, унинг бир ожизаси бўлиб, у фол очарди ҳамда яширин ишлардан хабар берарди. Чол бўлган воқеани ёш хотини билан маслаҳат қилди: «Қандай қилсак маъқул бўлади», — деб сўради. Ожизаси фол кўрди ва ундан бўшагач эрига айтди: «Биз ва Баъқубанинг орасида узоқ масофа бор. Ундан бизга ҳеч наф йўқ. Яхшиси оқшом тушиши билан Султон олдига жуда кўп халқ тўпланган пайтда, сенинг билан учрашишга имкони бўлмас, шундай ўлжа тузоқдан чиқиб кетмасин. Маслаҳат шуки,

¹ Мелодий 1410 йил 4 июль.

² Мелодий 1410 йил 31 декабрь.

³ Шанби Фазон — XII аср охирида Табриз яқинида Эроннинг мўғул хони Фазонхон (1295—1304) томонидан барпо қилинган шаҳарча. Тарихчи Низомиддин Шомийнинг ватани. Фазонхоннинг мақбараси шу шаҳарчада.





дарҳол сен Қора Юсуфнинг олдига бор, бўлган воқеани айт ва ундан яхшигина мукофот талаб қил». Чолга кампирнинг сўзи маъқул келди. Амир Қора Юсуфнинг олдига борди, уни султонга кўрсатди. Амир Қора Юсуф ўзининг ишончли кишиларини олийжаноб подшоҳни ушлаш учун юборди, уни эски тўнга ўраб, йиртиқ тоқини бошига кийдириб, боргоҳга киритдилар.

Амир Қора Юсуф жаноб Султонга таъзим қилиш учун ўрnidан турди, сўнг уни ўз ёнига ўтқазиб, катта гапларни айтди ва келишилган аҳду паймонни бузганлиги учун таъна қилди.

Сўнг ҳеч боши эгилмаган подшоҳни ўз ёнидан охириги қаторга жўнатди. Унга ҳазил ёки жиддийлик билан буюрди: ўз дастхати билан Озарбайжон вилоятини Пир Будоққа топшириш бобида зар суви билан кўрсатма ёзди. Бошқа шоҳона фармонни эса Бағдод ҳукуматини Шоҳ Муҳаммадга тааллуқлидир деб битди.

Шоҳ Муҳаммад ўша йиғиндан тўғри дорилисломга йўл олди. Қора Юсуф Султон жонига тажовуз қилишни истамас эди, аммо Бағдод амирлари Султоннинг ҳаёт қасрини йиқитиш бобида муболағани ошириб юбордилар.

Охирида Амир Қора Юсуф ҳам бу кўрсатмага қўшилиб Султон Аҳмадни Шайх Али мадрасасига олиб борди. Хожа Жаъфар Табризий ва бошқа солиҳлар уни ҳалок этдилар. Унинг ўзи томонидан ўлдирилган акаси Султон Ҳусайннинг оёқ томонига дафн этдилар.

Султон Аҳмаднинг ўғилларидан баъзилари жангда асир бўлган эдилар. Алоуддавла Одилжавоз қалъасида маҳбус эди, унга ҳам шу шарбатдан ичиришди.

Айтишларича, Султон Аҳмаднинг шаҳид этилгани ҳақидаги хабар Ҳиротда тарқалгач, Шоҳрух Мирзо бир неча йиллар Султон Аҳмаднинг суҳбатида бўлган мусиқачи Хожа Абдуқодирдан сўради:

Дўстингиз ҳақида нима дея оласиз?

Абдуқодир мана бу рубоийни ўқиб берди.

Рубоий:

Кўздан Абдуқодир тинимсиз тўк қон,
Аччиқ-тизиқларни ёқтирмас осмон.





Фалак қуёшидай сарвар вафоти,
Тарихи «Табризга қасд»¹ бўлди аён.

Аммо Қора Юсуфнинг ўғли шоҳ Муҳаммад Бағдодга етиб боргач, Султон Аҳмаднинг кичик ёшдаги авлоди шаҳарда беркинди. У эса шаҳарни қамал қилиб, бир ярим йилдан кейин қамалдагилар кемаларга ўтириб, қочдилар.

Шоҳ Муҳаммад пойтахт Бағдодни олиб, Ироқи Арабнинг барчасига ҳукмрон бўлди. Ўз номига хутба ўқитиб, танга зарб эттириб, қайтиб отасининг олдига бошқа бормади. Қора Юсуф ҳам унга тажовуз қилмади.

МОВАРОУННАҲР ВОҚЕАСИ ВА УЛ МАМЛАКАТНИНГ ХОҚОНИ САИД ТАЪСИР ДОИРАСИГА ЎТИШИ ЗИКРИ

Ўтган гал айтилганидек, Мирзо Халил Султоннинг иқбол қуёши завол сарҳадига қараб кетди. Ул жаноб ва Худодод Ҳусайний ўртасида келишмовчилик рўй берди. Худодод Туркистон ҳудудида ғалаба қилиб, энди Мовароуннаҳр ноҳиясини фатҳ этишга ҳиммат кўрсатмоқда эди. Бу маълумотлар салтанат пойтахти Ҳиротда ёйилгач, Самарқандни фатҳ этиш нияти саодатманд хоқон кўнглига ўрнашиб қолди. 811 йил зулқаъданинг бешинчисида² салтанат пойтахтидан Бодғис томон ҳаракатта тушди.

Мирзо Халил Султон ҳам Мовароуннаҳр лашкари билан Самарқанддан ташқарига саф тортиб чиқди ва Кеш ноҳиясида жойлашди. У бу ерда Худодод Ҳусайний Хўжанд суви соҳилига келибди, деб эшитди. Шунинг учун Амир Аллоҳдод ва Арғуншоҳни уч минг отлиқ билан ул томонга номзод қилди.

Ҳар икки лашкар Язақ ҳудудида бир-бирининг қорасини кўриб, бир неча кун бир-бирининг рўпарасида ўтирди. Илғор

¹ *Табризга қасд* — «Қасди Табриз» ибораси абжад ҳисобида Султон Аҳмаднинг ўлдирилган йили 813 йил бўлади.

² 811 йил бешинчи зулқаъда — 1408 йил 22 март.





қисм амирлари Халил Султон Мирзодан кўмак сўрадилар, жасур шаҳзода тўрт минг отлиқ билан ул томонга равона бўлди. Самарқанддан ўтиб Шероз¹ қишлоғига келиб тушди. Худодод шаҳзоданинг яқинлашиб келаётганлигидан огоҳ бўлиб, кечаси худди шамолдек Шероз қишлоғи томон ҳаракат қилди ва эртаси куни пешин намози пайтида Халил Султон Мирзога етишди. Уруш олови алангаланди, самарқандликлар мағлуб бўлдилар. Халил Султон Мирзони вайрона Шероз қишлоғига олиб бордилар. Худодод дарҳол қишлоқни олиб, шаҳзода устидан ғолиб бўлди, Мовароуннахрнинг барча ҳудудини тасарруфига киритди.

811 йил зулқаъданинг ўн учинчисида² Халил Султон Мирзо Худододнинг қўлига тушди.

Ҳазрат хоқони сайд Бодғис яйловида бу хабарни эшитгач, мазкур ойнинг йигирма биринчисида ғалабакор қўшин ўша ёққа қараб жўнади. Зулҳижжанинг олтинчисида дарё соҳили зафарёр аскарларнинг ҳарбий ўрдугоҳи бўлди.

Амир Шайх Нуриддин бу пайтда Самарқандда эди, ҳазрат подшоҳга тарафдор бўлиб, Бухорога етиб келди, аммо Амир Худодод унинг орқасидан илғор қилиб, одамларини тўзғитиб юборди.

Шоҳрух мавкаби ғалаба ва ҳузур-ҳаловат билан Жайхундан ўтди. Мирак Аҳмад Мирзо ва Сайди Аҳмад Мирзолар эса Ҳисори Шодмонда эдилар, улар ҳам етиб келиб мулозаматга эришдилар ва хусравона илтифотларга сазовор бўлдилар.

Хузур ҳавоси зафарли мавкаб ғуборидан хушбўй ҳидга тўлганлиги боис, Худодод Муғулистон томон қочиб, Халил Султон Мирзони ҳибс этиб, ўзи билан бирга олиб кетибди, деган хабар тарқалди.

Самарқанд зулҳижжанинг йигирманчисида³ саодатманд хоқоннинг кириб келишидан жаннат боғи сингари гулистонга айланиб кетди. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ва уламоларгина

¹ Шероз — Самарқандга яқин, унинг шарқдаги қишлоқ.

² 811 йил ўн учинчи зулқаъда — 1408 йил 30 март.

³ Мелодий 1409 йил 6 июнь.





эмас, балки барча катта-кичиклар зиёрат қилиш шарафига эришиб, подшоҳона навозиш ва илтифотларга сазовор бўдилар. Ўша кунги хурсандчилик фахри ва ифтихори осмону фалакка кўтарилди. Шу аснода Ладино Тархон жаҳонгир хоқон фармонига биноан насихат қилиш ва мулозаматга келтириш учун Амир Худодод олдига борди. Амир Худодод жавоб берди: «Менга маълум бўлишича, ҳурматли зоти олий хоқон кўнгли мени тарбиялашга қаратилган экан, аммо зоҳиран Амир Шайх Нуриддиннинг ифвоси бунга моне бўлади. Агар ул ҳазрат чин қалбдан менинг ихлос камаримни боғлашимни истаса, уни кишанлаб бу ерга юбориши лозим».

Шоҳрух Мирзо Баҳодир савобдан узоқ бу жавобни эшитганидан аччиқланиб, дарғазаб бўлиб, 812 йил муҳаррам¹ ойида Самарқанддан Мўғулистон томон жўнади ва баъзи шаҳзодалар, Амир Шоҳ Малик, Амир Али Тархонларни манглай қисм сифатида олдинроқ равона қилди.

Шу аснода ҳеч кимнинг хаёлига келмаган иш бўлди. Унинг тафсилоти шуки, Амир Худодод Мўғулистон подшоҳи Муҳаммадхондан мадад сўраган эди. У ўз укаси Шами Жаҳонни ёрдамга номзод қилди. Худодод эса Шами Жаҳоннинг яқинлашиб келаётганидан бохабар бўлди ва давлат чироғи нурларидан умидвор бўлиб, унинг истиқболига шошилди. Икки ўртада мулоқот юз бергандан кейин Шами Жаҳон ўзининг хос ва яқин одамлари билан маслаҳатлашиб деди: «Худодод одам танимайдиган ношукур ва бевафо одам, чунки унга нисбатан Амир Темур Гурагоннинг қилган хайрихоҳлик ва яхшиликларига қарамай куфрлик йўлига кирди ва унинг авлодига нисбатан ҳам шу йўлни тутмоқда».

Шундан сўнг уни ўлдиришга қарор қилиб, унинг ҳаёти хирмонини қилич алангаси билан ёқди, бошини танасидан жудо қилиб, Амир Шоҳ Малик олдига жўнатди.

Амир Шоҳ Малик манглай қисмининг бошқа амирлари билан орқага қайтиб, Худододнинг боши ва Шоҳрухияда истиқомат

¹ 812 йил муҳаррам ойи — 1409 йил 16 май — 15 июнь оралиғи.





килаётган ўгли Аллоҳоднинг бошини ҳумоюн ўрдуга етказдилар ва чексиз иззат-ҳурматга сазовор бўдилар.

Шундан сўнг Амир Шайх Нуриддин арз қилди: «Мўғулар Туркистонга кириб, бузғунчилик қилмоқдалар. Агар ҳумоюн ҳукми содир бўлса, у ёққа бориб, уларнинг ёвузликларини даф қилишга ҳиммат қилай».

Ҳазрат хоқони саид унга ижозат бериб, тезда қайтишини тайинлади. Шу аҳвол жараёнида Мирак Аҳмад Мирзо ибн Умаршайх Мирзонинг хайрихоҳлигини назарга олиб, Ўзганд¹ вилояти ноҳиясига юборди.

МИРЗО ХАЛИЛ СУЛТОННИНГ ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИД МУЛОЗИМАТИГА КЕЛИШИ ВА ВИЛОЯТ НОҲИЯЛАРИНИНГ ШАҲЗОДАЛАРГА ТОПШИРИЛИШИ ЗИКРИ



Мирзо Халил Султон Амир Худодод қатл этилганидан сўнг, унинг ишончли кишиларини ўзига ҳамжиҳат ва яқдил қилиб олди ва Олой қалъаси тарафга кетди. Ўша қалъада бўлган Амир Худододнинг ўгли Амир Абдухолиққа бориб қўшилди. Бу хабар ҳазрат хоқон қулоғига етгач, Амир Шоҳ Маликни баъзи сардорлар билан ўша томонга равона қилди. Ўзи эса Самарқанд томон йўл олди.

Амир Шоҳ Малик мақсадга шошилиб, қалъани қамал қилди. Халил Султон Мирзо унга хабар жўнатди: «Бизнинг йўлимизни очиб қўй, дарадан чиқиб, Шоҳрух Мирзо мулозиматига бораин». Амир Шоҳ Малик қамални тарк этишни маъқул кўриб, ҳумоюн ўрдуга қараб йўлга тушди.

Шу аснода Амир Шайх Нуриддин исён қилиш фикрида эканлиги маълум бўлди. Бинобарин, олийшаън хоқон «Зудлик билан мавлоно Қутбиддин ва Тўкал Қарқарани нима сабабдан мулози-

¹ Ўзганд — Фарғона водийсининг шарқида, ҳозир Қирғизистон таркибидаги шаҳар.





матдан бўйин товлаётганини сўраб-суриштиринглар», деб унинг олдига жўнатди.

Улар учрашдилар ва ундан бу жавобни эшитдилар: «Хоқоннинг менга нисбатан лутфу карами ва меҳр-шафқати бисёрдир. Хизмат жараёнида мендан содир бўлган хатолардан уяламан. Илтимос шуки, мени ҳозир мулозаматига таклиф қилмасинлар, зафарёр байроқ ҳаргоҳ Мовароуннахрдан қайтсалар, остона ўпишга ўзим бораман».

Шу воқеага яқин пайтда Мирзо Халил Султон Олой қалъадан пастга тушиб, Амир Шайх Нуриддинга қўшилди. Мавлоно Қутбиддин ва Тўкал қайтиб келгач, Амир Шайх Нуриддиннинг сўзини хоқони сайдга етказдилар. Ул ҳазрат унинг гапларини эшитиб, кўнглида мухолифлик ҳидини сезиб, ул томон йўлга тушди.

Оқсулотда Халил Султон Мирзонинг эски навкари Яҳёка исми киши келиб, шаҳзоданинг ихлоси ва эҳтиёт-заруриятлари бобида сўзлашди ва чексиз меҳрибонлик ҳамда мурувватларга сазовор бўлиб, қаноатланиб қайтиб кетди.

Мирзо Халил Султон ўз навкари Яҳёкани ҳазрат хоқон олдида аҳду паймон тузиб, «Нўёнлардан кимни маъқул кўрсалар юборсинлар, то мен хизматига борайин», деб жўнатган эди. Ҳазрат хоқони сайд эса Яҳёка ҳузурида «Ҳаётимда фарзандим Халил Султон Мирзо жонига қасд қилмайман ва уни эъзоз ҳамда ҳурмат қиламан» деб қасам ичди. Шаҳзодани тахти олий пойига олиб келиш учун Амир Шоҳ Малик, Амир Ҳасан Сўфи Тархон, Амир Алика Кўкалдошларни Яҳёка ҳамроҳлигида юборди. Амирлар амирзода Халил Султон ва Амир Шайх Нуриддиннинг масканига яқинлашгач, Амир Шоҳ Малик дарё соҳилида тўхтади. Амир Ҳасан Сўфи ва Амир Алика унинг манзилига шошилдилар. Амирзода Халил Султонни хоқоннинг иноятига умидвор қилиб, у билан зафарёр ҳарбий ўрдугоҳига шошилиб жўнадилар. Оқ Ўзан мавзеида шаҳзода саховатпеша хоқони сайд билан кучоқлаб ўпишиш шарафига муяссар бўлиб, рақиби яқин муносабатда ва ҳамсуҳбат бўлиб, ҳурмат бисотини кенг ёйди.





Сўнг жамшидсифат хоқон от жilовини Хуросон томон бурди. Самарқанд мамлақати ва унинг тева­рак-атрофи, иккинчи да­ражали ноҳияларини Мирзо Улуғбек Гурагонга берди ва Амир Шох Маликни унинг хизматида қолдирди.

Ҳисори Шодмон вилоятини Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ибн Муҳаммад Мирзога иноят қилди.

Ҳумоюн мавкаб Жайҳундан ўт­гач, қуббатулисом Балхни Мирзо Абулфатҳ Иброҳим Султонга берди. Қайду Мирзони Ко­бул, Ғазни ва Қандаҳор ҳуку­матини бошқаришга жўнатди.

Зафарли байроқдор қўшин тез суръатлар билан йўлни босиб ўтиб, 812 йил шаъбоннинг ўн олтин­чисида¹ қаноат ва мамнуният билан давлат пойтахтига етиб келди.

Бир неча кундан кейин Мирзо Халил Султон салтанати жиҳозларини тартибга солиб, Амир Ҳамза Қутуқу, Бек Пўлод, Ҳузаро Сипоҳий, Садр Ҳасан ва Хожагийларни тақрибан ўн минг кишилиқ қўшинни шаҳзода хиз­мати­га бериб, «Ироқи Ажамга бориб, Мироншоҳ Мирзога ва Умар Мирзога тааллуқли мам­ла­катлардан ҳар қанчасини эпласанг забт эт», деб буюрди. Халил Султон Мирзо фармонга итоат этиб, мазкур йил зулқаъданинг еттин­чисида² у томон юриш бошлади.

АМИР ШАЙХ НУРИДДИННИНГ ИСЁНИ ҲАМДА УНИНГ ЗАФАРЁР ҲОҚОН ЭЪТИБОРИ БИЛАН ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ



Ҳазрат хоқони саид Самарқанд мамлақатини Мирзо Улуғбекка бериб, Амир Фиёсиддин Шох Маликни шаҳ­зо­данинг хизматида қолдириб, ўзи байроқдор қўшин билан Ҳирот сал­танати­га қараб йўлга чиққач, Амир Шайх Нуриддин ниҳоятда дарғазаб ва гина-кудурат билан Туркистон лашка­рини тартиб­сиз равишда атрофига йиғиб, бутун эътиборини Самарқандни эгаллашга қаратди.

¹ 812 йил ўн олтинчи шаъбон — 1409 йил 24 декабрь.

² Мелодий 1410 йил 13 март.





Амир Шоҳ Малик шаҳардан ташқарига чиқиб, душман билан тўқнашиб ва олишишга қарор қилиб мағлубиятга учради. Ўзини Самарқанд ва Кеш ўртасидаги Оқсароқ тоғида мустаҳкамлади. Вафодор Амир эса Амир Шайх Нуриддин қўлига асир тушиб занжирбанд этилди.

Иморатмаоб жаноб шаҳарга кириш қасдида 812 йил зулҳижжанинг олтинчиси жума куни¹ шаҳар дарвозасига шошилди. Хожа Асомиддин, Хожа Абдулқодир, Хожа Абдулаввал, Қози Салоҳиддин ва Шаҳзода Соғарчийнинг ўғли сингари Самарқанднинг катталари йўлни беркитиб қўйган эдилар. Шаҳар қамалига кўнгил қўйган Шайх Нуриддин умидсизлик ва маъюслик қадами билан қайтиб Термизга кетди. Қалъа ҳокими Муҳаммад Жаҳонгирни ҳийла-найранг билан ўзига қўшиб олди. Вафодор амирни қатл этди.

Ҳазрат хоқони саид эса Амир Шайх Нуриддиннинг исёни хабарини эшитиб, Бойсунқур Мирзони Хирот ҳукуматига тайинлаб, 813 йил муҳаррамнинг ўн тўртинчисида² Мовароуннаҳр томон ҳаракат қилди. Бир неча манзиллар ва масканларни босиб ўтгандан кейин Калиф кечувига³ келиб, у ерда ҳумоюн мавкабининг келишини кутиб турган Мирзо Улуғбек Гурагон билан кўришишга мушарраф бўлди.

Сафарнинг ўн еттинчи⁴ жума кунида зафарёр байроқдор қўшин Жайхундан ўтганда, Мирак Аҳмад Мирзо ва Амир Шоҳ Малик ҳам бу олий ўрдуга қўшилдилар. Амир Шайх Нуриддин жасорат билан олдинга юриб, Қизил Робот ва Оби Бом тева-рагида фалак савлатли хоқон рўпарасида сафга тизилди. Шу пайтда Амир Мубашширдан гумонсираб, унинг ишини охирига етказди.

Сўнғ ҳар икки қўшин диловарлари қўлини қилич, ўқ ва ханжарга югуртирдилар ва олишув бошланди. Улуғ Аллоҳ инояти

¹ 812 йил олтинчи зулҳижжа – 1410 йил 11 апрель.

² 813 йил ўн тўртинчи муҳаррам – 1410 йил 19 май.

³ Калиф кечуви – Термиздан шимоли-ғарбдаги Амударёдан кечиб ўтиладиган жой.

⁴ Мелодий 1410 йил 21 июнь.





билан фатҳ ва зафар насими одил хоқон байроғи узра эсди. Амир Шайх Нуриддин эса қочиб водийсига қадам қўйди. Бу ғалаба мазкур йилда рабиулаввал ойининг тўққизинчиси шанба куни¹ рўй берди.

Мазкур ойнинг ўн биринчиси душанба куни² ҳумоюнфол хоқоннинг соябони салтанат пойтахти Самарқанд узра иқболли қанотини ёйди. Ҳазрат хоқон шаҳарни забт этишда ниҳоятда саъй-ҳаракат қилган ул ноҳиянинг катталарини назарга олиб, уларга мурувват ва хайрихоҳлик кўрсатди.

Амир Шоҳ Маликни кўп сонли яхши қуроолланган қўшин билан Амир Шайх Нуриддин орқасидан Инзор мавзеига юборди. Ўзи эса ҳашаматли мустақкам пойтахт томон йўлга тушди ва рабиулохирида³ салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келди.

Шу билан бирга бу йилда фахрли Ҳирот тумани ичида Ихтиёриддин қалъасига ёндош жойлашган мадраса ва хонақоҳ биносини кўтардилар ва озгина вақт ичида ғоятда гўзал ва мураккаб усулда ул иморат қуриб битказилди. Шу билан бирга Ҳиротнинг шимоли-шарқда жойлашган «Боғи Сафид»нинг тарҳини чиздилар.

814 йил бошларида⁴ Умаршайх Мирзо ибн Пир Муҳаммад Мирзо ибн Умаршайх Мирзо Ироқ томонидан келиб, бошқа улуф шаҳзодалар қаторидан ўрин олди. Шундан сўнг Мовароуннаҳр томонидан Амир Шоҳ Малик Туркистондан катта ўлжа билан Самарқандга қайтди, деган хабар келди. Аммо Амир Шайх Нуриддин Муғулистон ҳокими Муҳаммадхондан мадад сўради.

Мирзо Улуғбек ва Амир Шоҳ Малик ўртасида бироз ўзаро адоват рўй берди.

Юқорида номи зикр этилган Амир Шайхни даф этиш учун яна қайтадан Туркистонга йўл олди. Бу иш нима билан туташи ҳали маълум эмас. Шунинг учун хўжастасифат хоқон безовта бўлиб, яна Мовароуннаҳр томон равона бўлди. Жумодилаввалнинг йи-

¹ 1410 йил 12 июль.

² 1410 йил 14 июль.

³ 1410 йил август ойи.

⁴ 814 йил боши – 1411 йил апрелида.



гирма биринчисида¹ Амуя дарёсидан ўтиб то Қашқа мавзеигача² тўхтамади. Шу маконда Мирзо Улуғбек Гурагон, Самарқанднинг аслзодалари ва аъёнлари у билан кўришиш шарафига эришиб, ул ҳазратнинг навозишлари ва хайрихоҳликларидан фахрга тўлиб, бошлари осмонга етди. Кониғил манзили одил подшоҳнинг ҳарбий ўрдугоҳи бўлди.

Бир неча кундан кейин Амир Шоҳ Малик Туркистондан келиб, Амир Шайх Нуриддиннинг калласини ҳумоюн ўрдуга келтирди. Амир Шайх Нуриддиннинг ўлдирилиши шундай юз берган эди. Амир Шоҳ Малик охири марта Туркистонга борган пайтда, Саброн³ қалъаси яқинига етиб борди. Ўша замонда Амир Шайх Нуриддиннинг беркиниб оладиган жойи шу ер эди.

Юқорида номи эслатилган Амир изтиробга тушиб, баъзи бир амирларга топшириқ берди: «Шундай қилингики, мен ва Амир Шоҳ Малик ўртамизда муомала қилиш ва суҳбатлашиш рўй берсин». Амирлар бу борада Шоҳ Маликка айтдилар. Бу икки амир бирор восита орқали бир-бири билан суҳбатлашишга қарор қилинди. Эртаси куни Саброн қалъаси яқинида бу ҳодиса рўй берди. Аммо Амир Шоҳ Малик ҳар қанча Амир Шайх Нуриддинга мухолифлик ниятидан қайтиб, олампаноҳ даргоҳига борсин деб насиҳат қилмасин бирон натижага эришмади.

Ҳаво ҳарорати кўтарилиб, Амир Шоҳ Малик қайтишга майли бўлди ва Амир Шайх Нуриддинга айтди: «Бизга кечки овқатга таом юборгин, бу ноҳияда бироз дам олайлик».

Қалъадан сал нарироқ бориб тўхтади. Амир Шайх Нуриддин ҳануз девор эшиги олдида отлиқ ҳолда турар эди. Амир Шоҳ Малик эса Амир Мусо Ака ва Амир Давлат Хожага айтди: «Яна бир марта у бедавлатнинг олдига боринг, унга насиҳат қилинг, агар унинг ўзи ҳазрат хоқони саид олдига бораолмаса, фарзандлари ёки ака-укаларидан бирини юборсин, токи биз ҳам шу баҳона билан қайтайлик».

¹ 1411 йил 10 сентябрь.

² Қашқа мавзеи — Қашқадарё буйидаги мавзе.

³ Саброн — ўрта асрлардаги Сирдарёнинг унг соҳилида — Туркистондан кейинги йирик шаҳар, ҳозирда Саврон қишлоғи.



Амирлар эса Амир Шайх Нуриддиннинг яқинига бориб, жанжал кўтардилар. Шу ҳолда Амир Шоҳ Малик дарҳол Амир Шайх Нуриддиннинг эски дўсти Ҳурқадоқни эркалаб айтди: «Агар сен бугун журъат билан олдинга қадам қўйиб, сенга ўргатганимдек қилсанг, фатҳ ва ғалаба чехраси ғайб пардасидан жилва қилади деб умид қиламан. Сенинг шижоатли ва паҳлавонлик номинг жаҳон тарихида боқий ва адабий қолади». Ҳурқадоқ жавоб берди: «Нимага олий буйруқ берилса миннатдорчилик билан адо этаман».

Амир Шоҳ Малик айтди: «Яхшиси шуки, амирлар Шайх Нуриддин олдидан қайтган заҳоти, сен унинг яқинига бор. Ҳеч шубҳа йўқки, у сени кўриши билан олдига чақириб, оғушига тортади. Шу пайт сен уни отдан пастга торт, то биз ўзимизни сенга етказиб, бу муҳим иш билан битмагани битирайлик».

Ҳурқадоқ бу жасоратни чин дилдан қабул қилди. Амирлар қайтгандан сўнг ўзини Амир Шайх Нуриддин кўзига кўрсатди. Тадбир тақдирга мувофиқ келиб, жаноб Амир овоз чиқарди: «Ҳурқадоқ оғо, буёққа кел». Ҳурқадоқ отдан тушиб, бир неча марта эгилди, Амир Шайх Нуриддин от устидан эгилиб, уни кучоқлади. Шунингдек, Ҳурқадоқнинг қўллари Амир Шайх Нуриддиннинг орқасида бир-бирига етганда, у кучининг борича уни отдан пастга тортиб ерга ағанатди ва унинг кўксига тиззасини тираб, қиличини филофидан чиқарди.

Амир Шайх Нуриддиннинг навкарларидан қалъа эшиги олдида турган баъзилари Ҳурқадоқнинг устига ёпирилди, биттаси у томонга қилич отди. Ҳурқадоқ қиличини унинг отининг жигилдонига тиради.

Амир Шоҳ Малик бу ҳолни кўриб турган эди, отига қамчи уриб, одамлари билан у томонга шошилди. Ҳурқадоқ кўрдик, ёрдам етиб келди, сакраб қиличининг бир-икки зарбаси билан Амир Шайх Нуриддиннинг калласини тупроққа ағанатиб юборди.

Шундай қилиб, фавқулодда ҳодиса ҳазрат хоқони саид давлатида рўй берди. Амир Шоҳ Малик эса Ҳурқадоқни жуда қаттиқ навозиш қилди ва унга жуда кўп инъомлар ато этди. Бахтиёр ва қаноат билан қайтиб, Кониғилда марҳаматли хоқон мулозимати



шарафига эришди ва унинг қиёфаси узра шоҳона илтифот ва иноят шугъласи ёғилди.

ЗАФАРЛИ БАЙРОҚНИНГ МОВАРОУННАХРДАН ПОЙТАХТ ҲИРОТГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИ ҲАМДА БАЪЗИ ҲОДИСАЛАР БАЁНИ

Жаҳонгир хоқон кўнгли Амир Шайх Нуриддин ишидан, Туркистон ва Мовароуннахрнинг жиддий ишларидан фориғ бўлгач, Амир Шоҳ Маликни ҳумоюн мавкабга мулозим этиб тайинлади ҳамда кундан-кунга ўсиб бораётган давлат тахтини мустаҳкамлашга эътибор қаратди.

Хоқони саид шонли Ҳирот ҳудудига кириб келгандан кейин марҳум Соҳибқирон вафотидан сўнг Амир Шайх Нуриддин никоҳига кирган маҳди улё Туман Оғони Саброндан салтанат пойтахти Ҳиротга келтирди. Ҳазрат хоқони саид унга эъзоз ва эҳтиром шароитини муҳайё қилди ва Кусуя¹ туманини унга суюрғол қилиб берди. Бу улугвор бонунинг муҳим хайрли ишлари мазкур қасабада ҳалигача сақланиб қолган.

Мазкур йилда зулқаъданинг тўққизинчисид² саодатманд хоқон тавоф эҳромини кийиб, худо ошиёни остонасига илтижо ва ихлос қадами билан ул муқаддас имом каъбасига шошилди. Ва ҳурматли ва ҳаворийлар,³ олийжаноб саййидлар ва унга яқин мақомдаги одамларни хайру эҳсони ва инъомлари билан рози ва хурсанд қилиб, салтанат пойтахти Ҳиротга қайтди.

815 йил муҳаррамнинг жума кунид⁴ ҳумоюннинг ҳумо соябонни етиб келиб «Боғи Зоғон» узра ўз сояси билан уни баҳраманд қилди. Шунга яқин пайтда Хитой хони Вой Манг Хоннинг элчилари келиб, у олийжаноб подшоҳнинг турли саналарда ёзил-

¹ Кусуя – Нишопурдан шарқроқдаги қасаба.

² Мелодий 1412 йил 22 февраль.

³ Ҳаворий – зуҳд эгаси, йирик диний арбоб; ҳаворийлар – унинг издошлари.

⁴ Мелодий 1412 йил 15 апрель.



ган мактубини топширди. У мактуб салом ва табрик сўзларидан ташқари Халил Султон Мирзонинг мақтовга молик қилмиши ва ишларидан иборат эди.

Ҳазрат хоқони саид элчиларга шоҳона иззат ва ҳурмат кўрсатиб, «Олий мартабали шаҳзодалар ва амирлар уларга тўй қилиб берсин!» деб буюрди.

Шу аснода Сейистон ҳокими Малик Қутбиддин олампадох даргоҳига келди. У аввал Або Бакр Мирзо билан дўстлашган эди, энди олий мақом хоқон аскарларининг қонли қиличидан қўрқиб, ул ҳазратнинг лутфу карамига ишониб қайтиб келди ва заиф ҳамда руҳи тушган ҳолда ялиниб, бож ва хирож шартларини қабул қилди. Мурувватли подшоҳ илтифот ва мурувват назари билан қараб, Сейистон вилояти ҳукуматини олдинроқ кўрсатма билан унга иноят этди.

Хитой элчилари ишларини ҳам етарли даражада тезлаштириб, Шайх Муҳаммад Хўшийни уларга ҳамроҳ қилиб, ул томонга жўнатди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ АҲВОЛИ ВА УЛ МАМЛАКАТНИНГ ЖАНГСИЗ ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИД ДЕВОНИ ДОИРАСИГА КИРИШИ ЗИКРИ



«Матлаи саъдайн» саҳифаларидан бу ривоят ҳикояти ёғдуси порлаб турибдики, Амир Темур Гурагон вафот этган пайтда Хоразм ҳукумати Амир Мусокага тааллуқли эди.

808 йилнинг ражаб¹ ойида Дашти Қипчоқ подшоҳи Шодибекхоннинг² амирул-умароси Амир Идику³ бу мамлакатни фатх этишга азму қарор қилди. Амир Мусока Мовароуннаҳрга қочди. Идику Амир Анкани у ерга амир қилиб, Дашти Қипчоққа қайтди.

811 йилда Шодибекхон вафот этди. Ўзбек диёри салтанати Фулодхонга насиб этди.

¹ 808 йил ражаб ойи — 1406 йил январь ойи.

² Шодибекхон — Жўчи улуси хони (1401—1407).

³ Идику — юқорида эслатилган Идику Манғит (Едигей).





Амир Идику эса Анкани чақириб олиб, унинг ўрнига Буқалжани юборди. Фулодхон¹ 813 йилда у дунёга кетди. Темурхон ибн Темур Қутлуқ² эса Дашти Қипчоққа ҳукмрон бўлди. У Идикуга қасд қилди. У Хоразмга қочди.

814 йилнинг бошида³ Дакана ва Фазон⁴ бу шаҳар атрофига келди, Идикуни қамал қилдилар. Улар олти ой Хоразм теварагида ўтиргандан сўнг Тўхтамишхоннинг ўғли Жалолиддин Темурхонни мағлуб этиб, подшоҳлик тахтига мустаҳкам ўтирди,⁵ деган хабар тарқалди. Бу хабар тарқалган вақтга яқин пайтда Темур паришон бўлиб, Дакана ва Фазонга қўшилди. Фазон ва Даканани шароб билан машғул қилиб, ўзининг навкарларидан бири Жон Хожа исми кишига Темурни қатл этишни буюрди.

Жалолиддин эса Фазондан миннатдор бўлиб, у бизнинг махсус одамларимиз жумласидандир, Хоразм амирлари унинг буйруғидан четга чиқмасинлар, деб белги жўнатди. Фазон эса Идику билан сулҳ тузиб, Дашти Қипчоққа кетди. Йўл асносида Қочули Баҳодир Балуқийё мавзеида унга етиб келиб, уни ҳақорат қилиб деди: «Хоразмни забт этмасдан, нега қайтдингиз?» У жавоб берди: «Биз ўнг минг киши билан етти ой Идикуни қамал қилдик, аммо ҳеч натижа чиқаролмадик. Мажбуран қайтдик. Маъқули шуки, сен ҳам қайт, чунки бу уч-тўрт минг навкар билан ул ноҳияни фатҳ эта олмайсан».

Қочули деди: «Мен танҳо ўзим Идикудан устун келаман». Ва ҳаволи ғурур билан Хоразм ҳудудига борди. Идику уни кутиб олди. Икки ўртада қаттиқ жанг рўй берди. Тақдир тақозосига кўра, қилич зарбидан Қочули ҳалок бўлди.

815 йилда⁶ Ҳазрат хоқони саид дарҳол Амир Алика Кўкалтош, Амир Илёс Хожа ва Амир Мусокани Хоразмни фатҳ этиш учун

¹ Фулодхон ёки Пулодхон – Жўчи улуси хони (1407 – 1410).

² Темурхон ибн Темур Қутлуқ Уғлон – 1410 – 1412 йилларда Жўчи улуси хони.

³ Мелодий 1412 йил апрель ойининг охири.

⁴ Дакана ва Фазон – Жўчи улуси хони амирларидан.

⁵ Хон Жалолиддин Жўчи улусида 1412 йилнинг бир неча ойидагина хонлик қилган.

⁶ Мелодий 1412 йил 13 апрель – мелодий 1413 йил 3 апрель оралиғи.





номзод қилди. У пайтда Идикунинг ўғли Муборакшоҳ у диёрнинг подшоҳи эди.

Амирлар Хоразмга яқинлашгач, сулҳ сўзи орага тушиб, хоразмликлар ташқарига совринлар юбордилар. Шу аснода Амир Илёс Хожа навкарлари ул ҳудуд теварагидан бу тарафга ўтиб, халқнинг бир гуруҳини ўлдирдилар, қолганларини асир олдилар. Шу жиҳатдан Хоразм аҳли жанг ва разм қилишга қарор қилиб, хос ва ом одамлар шаҳардан ташқарига чиқиб, эртадан-кечгача мардонавор урушдилар. Кечга яқин ноғорани шодиёна чалиб, Амир Идику келди деб овоза тарқатдилар. Бинобарин, амирларнинг баъзилари юкларини қолдириб, Хуросонга йўл олдилар.

Ҳазрат хоқон бу хабарни эшитиб, паришонхотир бўлиб, қайтадан Амир Саййид Али Тархон ва Амир Шоҳ Маликни ул вилоятни фатҳ этишга жўнатди. Улар Хоразм теварагига келиб тушгач, Идикунинг ўғли аҳолига ўтказган зулми туфайли, у ернинг аъён ва аслзодаларидан қўрқиб қочди.

Саййидлар, уламолар ва шаҳарнинг катталари Амир Шоҳ Маликни кутиб олиб, шаҳар калитини топширдилар. У жаноб Хоразмга кириб, халқ ва давлат манфаатига мос ишларни йўлга қўйиш, мамлакат қонунларини ва адолатли қонунлар тизимини тартибга келтириш учун бир неча кун у ерда қолди. Бу муҳим ишлардан фориғ бўлгандан кейин салтанат пойтахти Ҳиротга йўл олди. Ўша вақтда хоқони саид Хоразм вилояти ва унинг атрофини ул адолатпарвар амирга топширди. Бу мамлакат Шоҳрух умрининг охиригача унинг ва ўғли Султон Иброҳим тасарруфида эди.

РУСТАМ МИРЗО ВА ИСКАНДАР МИРЗОНИНГ АҲВОЛИ ҲАМДА ХАЛИЛ СУЛТОН МИРЗОНИНГ МАЛИКУЛ-МУЛККА ҚЎШИЛИШИ ЗИКРИ



Ҳша пайтда Искандар Мирзо Форс мамлакатини забт этишдан фориғ бўлгач, унинг баланд ҳимматли ёрқин шуъласи Ироқи Араб вилоятини забт этиш фикрини ёлқинлантириб юборди.



Амир Абдусамад ва Амир Содикни Исфаҳон томон равона қилди. Улар Варзанага бориб, унинг қалъасини беркитдилар. Рустам Мирзо у қалъанинг ташқарисига шошилиб, қамал билан шуғулланди. Искандар Мирзо бу ишдан хабар топиб, Амир Тулак ва Амир Юсуф Халилни лашкар гуруҳи билан қамалдагиларга мадад сифатида жўнатди. Рустам Мирзо шерозликларнинг эътиборини тушуниб, от жilовини уларни кутиб олишга қаратди. Ул жамоат қаршилик кўрсатишга қурби етмаслиги боис, Дастгирд қалъасига беркиниб олдилар.

Ўша аснода Шерозга кетаётган Байқаро Мирзо Ироққа етиб борган эди, Рустам Мирзо уни ўзига шерик, иттифоқдош қилиб олди, ҳар икки ака-ука бир-бири билан келишиб, Дастгирд атрофига тушдилар. Тўсатдан Искандар Мирзо Зард қасрига етибди, Рустам Мирзо жilовини Исфаҳон томон бурди, Искандар Мирзо унинг орқасидан ҳаракат қилиб келаётибди, деган хабар тарқалди. Шаҳардан уч фарсах нарида баҳром қаҳрли бу икки подшоҳ ўртасида тўқнашув содир бўлди. Тўқнашув ва олишувдан сўнг Рустам Мирзо Исфаҳонга қочди. Искандар Мирзо Оташгоҳ манзилида оддий чодир ва катта шоҳона чодир тикиб ўтирди. Рустам Мирзо эса ўша пайтда Райга келган Халил Султон Мирзодан кўмак сўради. Ул жаноб Исфаҳонга қараб юриб, Искандар Мирзо олдига бир неча марта чопар жўнатиб, у билан келишишга ундаб, ундан илтимос қилди, аммо натижа бўлмади. Иложсиз, ундан умидини узиб, тўсатдан Исфаҳонга кирди. Шу вақтда шерозликлар ва исфаҳонликлар ўртасида қаттиқ жанг рўй берди.

Исфаҳонда ҳосил бўлмай, катта очарчилик ва қимматчилик бошланди. Рустам Мирзо шаҳарни очик ташлаб, Қора Юсуф ўрдуси томон йўл олди. Халил Султон Мирзо эса Рустам Мирзодан бир неча кун кейин қамал ҳолда қолди.

Шу аснода курд ва шул¹ лашкаридан бир гуруҳи Искандар Мирзонинг рухсатисиз Шероз томонга байроғини ҳилпиратиб йўлга тушди. Жаноб Искандарий ҳам қамални тарк этиб, ўз дёрига қайтди.

¹ Шул — Фарбий Эрондаги Шулистон вилоятининг аҳолиси.



Исфаҳонда очарчилик ва қашшоқлик шу даражага етдики, Халил Султон Мирзо ул шаҳарни муҳофаза қилишдан тўйиб кетди ва қайтди.

Аммо Рустам Мирзо Табриз ноҳиясини манзил қилгач, Амир Қора Юсуф ўн фарсахча йўл юриб, ул жанобни кутиб олиб, подшоҳона тўй бериб, инсонийлик ва мурувват вазифаси нимани талаб қилса, ҳаммасини бажарди. Рустам Мирзо ҳам муносиб тортиқлар совға қилди.

Ул икки подшоҳ ўзаро хилватда суҳбатлашиб, давлат ишлари тизими борасида ҳам фикрлар ўртага ташланди.

Амир Қора Юсуфнинг кўнгли Озарбайжон вилоятларидан бирини Рустам Мирзога суюрғол қилиб, шу усул билан қурол-ярғ топиб, Шомни фатҳ қилиш масаласини ўртага қўйди, аммо Рустам Мирзо бу фикрни қабул қилмади. Исфаҳон томонга кўпроқ эътибор қаратишни таъкидлади.

Бинобарин, Қора Юсуф туркман сипоҳларидан бир гуруҳининг Рустам Мирзо хизматида Исфаҳонга боришига буйруқ берди. Ул жаноб ўша томон йўлга тушди. Йўл юриш жараёнида туркманлар қайтдилар. Рустам Мирзо ўзининг хос кишилари билан Исфаҳон ҳудудига шошилди.

Хожа Сайди Аҳмад олий мавқабни кутиб олди. Ул жаноб шаҳарга кириб, икки ой фароғатда кун кечирди. Хожа Аҳмад давлат ишларини унинг раъйига хилоф равишда ҳал қилгани учун Рустам Мирзонинг қиличи сиёсатига учради. Шунинг учун Исфаҳон аъёнлари шаҳзодага бўлган муҳаббат нақшини дилларидан батамом ўчирдилар. Ул жаноб у ерда туришни маъқул кўрмай, Бойқаро Мирзо маслаҳати билан Хуросонга кетди ва у ерда 814 йил охирларида¹ хоқони саиднинг саодатли қўлини ўпиш шарафига етишди.

Шундан сўнг Искандар Мирзо Форс ва Ироқи Ажам мамлакатларининг барига ҳукмрон бўлиб, Исфаҳонни пойтахт қилиб олди.

Шу воқеалар жараёнида Халил Султон Мирзо Рай мамлакатада икки-уч кун нотавонлик тўшагига елкасини қўйиб, маз-

¹ 814 йил охири — 1412 йил апрелининг иккинчи ҳафтаси.



кур йил ражаб ойининг ўн олтинчисид¹ вафот этди. Бу хабар хоқони саидга етиб келгач, маҳзун бўлиб ғам-қайғуга ботди. Ҳали бу мусибатнинг жароҳати битмай туриб, Халил Мирзонинг онаси Хонзода Машҳадда вафот этди ва Боғи Беҳишт ёнида дафн этилди.

ХОҚОНИ САИДНИНГ ОЗАРБАЙЖОН ВА ИРОҚҚА ЮРИШИ ҲАМДА ЖАНОБ ИСКАНДАРИЙ МУЛОЗИМЛАРИНИНГ ЎВЛАШУВИ БАЁНИ

Хусрави мағфират паноҳ Муиззиддин Мироншоҳ Мирзо Амир Қора Юсуф Туркман билан жангда шаҳид бўлган даврдан бери хоқони саид доим унга қарши кишиларнинг қасосини кўнгли ва вужуди замирида сақлаб келарди, аммо рўй бераётган воқеа-ҳодисалар бу ниятини амалга оширишга имкон бермас эди.

819 йилда² эса Мовароуннаҳр ва Хуросон вилоятида унинг равшан кўнглини безовта қиладиган қўрқинч қолмади. Аммо Амир Қора Юсуфнинг Озарбайжон, Аррон, Ироқи Ажам ва унинг теварак-атрофини истило этганлиги хабари тинмай унга етиб турарди.

Шунинг учун ул томонга боришга қарор қилиб, баҳром савлатли тавочилар ўз қамровидаги мамлакатларнинг ўлкалар, ноҳиялар ва шаҳарларида қўшин тўплаш учун ҳаракатга тушдилар. Ўлка ва шаҳарлардан сон-саноксиз қиличбозлар ва найза санчувчи сипоҳлар тўпланиб, махсус кийимда ражаб ойининг ўн саккизинчисид³ салтанат пойтахти Ҳиротдан Мозандарон тарафга йўлга тушди.

Нишопур ноҳиясига кириб келган пайтда ҳазрат хоқони саид дарҳол Искандар Мирзога мактуб ёзди, шу мазмундаки,

¹ 814 йил ўн олтинчи ражаб – 1411 йил 3 ноябрь.

² 819 йил – 1416 йил март бошидан 1417 йил 18 февралигача бўлган оралиқ.

³ 819 йил ўн саккизинчи ражаб – 1416 йил 11 сентябрь.



олий байроқдорлар Қора Юсуф Туркман фитнасини даф қилиш учун Озарбайжонга кетаётибди, у фарзанди азиз, бирдамлик ва яқдиллик йўлига юриб, Форс ва Ироқ аскарлари билан Рай туманида ҳумоюн мавкабга қўшилсинлар.

Абу Саид Малик бу ёзилган хатни Исфаҳонга етказиш учун Журжонда тўхтади. Мозандарон, Ҳазор Жариб ва Гилон ҳукмдорлари мулозамат шарафига етишдилар. Уларга жуда катта инъом ва эҳсонлар бериб, қайтишга рухсат берди. Абу Саид Исфаҳонга етиб келгач, хоқони саиднинг мактубини Искандар Мирзога етказди.

Жаноб Искандарий ул ҳазратни ўз мамлакатига қасд қилмоқда, Озарбайжонга боришни эса вақтдан ютиш учун тилга олмоқда, деб гумон қилди. Шунинг учун илоҳий калима мазмунидан ғофил бўлиб, Абу Саидга кескин ва ғализ жавоблар айтди, ўз навкарларидан бирини унга ҳамроҳ қилиб, қайтишга ижозат берди. Абу Саид Мозандарон қишлоғида Искандар Мирзонинг навкарини олий мартабали хоқон ҳузурига олиб келди ва келтирган жавобни айтди.

Ул ҳазрат унинг сўзларига унчалик илтифот қилмади. Ва агар фарзанди Искандар Мирзо ўзи Озарбайжон юришига кела олмаса, қўшин юборсин деб буюриб, унинг навкарларига рухсат берди.

Аммо Искандар Мирзо навкарлари қайтиб келгандан кейин олийжаноб подшоҳга қарши шиорларни зоҳир қилди. Ҳумоюн Шоҳрух исмини ўз қаламравида хутбадан олиб ташлади ва ўзининг номига танга зарб этиб, элчилари ҳамроҳлигида Қандаҳор, Кобул, Фазни, Сейистон вилоятлари теварак-атрофларига белгилар жўнатди ҳамда ул ҳудуд ҳукмдорларини бўйсунтириш ва итоат этишга даъват этди. Унинг ҳукм-фармонида бундай иборалар бор эди: Ал-қоим баумур ул-муслимин ва валий амиралмўминин ас-Султон Искандар мин амриҳи ал-Мата.

Сейистон ҳокими Малик Қутбиддин эса Искандар Мирзонинг Кофи Ислоом номли элчисини маҳбус этиб, унга ёзган мактуби билан Ҳиротда падари бузрукворининг ноибни бўлиб турган



Суюрғатмиш Мирзо олдига юборди. Суюрғатмиш Мирзо эса у тухфани ҳумоюн ўрдусига равона этди.

Шубҳасиз, Искандар Мирзонинг мухолифлиги таҳқиқ этилди.

Ҳазрат хоқони саид Озарбайжон юришини бекор қилди ва баҳорнинг бошида Бойсунқур Мирзони салтанат пойтахти Ҳиротга равона этди. Ўзи 817 йил муҳаррам ойининг тўртинчисид¹ Рай мамлакатига йўл олди. Рай яқинидаги жой зафарли сипоҳларнинг ҳарбий ўрдугоҳига айлантирилгач, Искандар Мирзонинг кўпгина навкарлари қочиб, оламpanoҳ даргоҳига келдилар ва қадрли ҳукмронга етказдиларки, амирзода Искандар амирлар ва жангчилардан бир гуруҳини Сова қамалига номзод қилди. Аслида бўлган воқеа бундай эди: ул пайтда зафарёр мавкаб Мозандарон қишлоғида истиқомат қиларди. Насрулло Сова бир чопарни оламpanoҳ даргоҳига юбориб, доруға сўраб илтимос қилди. Бу илтимос қабул қилиниб, Шоҳрух қўл остидаги мулозимларидан бири Совага борди. Бу хабар Искандар Мирзонинг қулоғига етди. Амир Юсуф Халил, Жолабоншоҳ, Барлос, Баён Қавчин, Абдулла Парвоначи ва Саъдуллои Совани фатҳ этиш учун номзод қилди.

Бу халқнинг шароити ва аҳволи Искандар Мирзонинг навкарлари хабаридан олий хоқон олдида ошкор бўлгач, Амир Ҳасан Сўфи Тархон, Давлат Хожа, Амир Жаҳоншоҳ, Иноқ ва Амир Чаҳоршанбани ўн минг отлиқ билан Нусрат Насрулло ва Сова раиятларига вакил қилиб юбордилар.

Искандар Мирзо амирлари бу қўшин ниятидан воқиф бўлгач, бир-бири билан маслаҳат қилиб кенгашиб, Искандар Мирзонинг аҳди-паймон шартномасини унутдилар, ихлос ва давлатхоҳлик истаги билан олийшаънли хоқоннинг кўп сонли илғор қисми амирларига қўшилдилар, ва бирлашиб ҳумоюн ўрдуга равона бўлдилар.

Шаҳриёр қалъаси ноҳиясида Баён Қавчин, Абдулло Парвоначи ва Саъдулло номдор шаҳриёр билан кўришиш шарафига мушарраф бўлдилар.

¹ Мелодий 1414 йил март ойи.



Хумоюн мавкаби Совага шошилиб, шу юришда Искандар Мирзонинг Амир Ҳасан Сўфи, Амир Саид Али ва бошқа амирларини фаридун ҳашам хоқон мулозаматига олиб келдилар. Ул ҳазрат бу каби инсонлар тоифасига меҳр-мурувват ва юмшоқ кўнгиллигини дариф тутмади.

Сованинг дилрабо ҳавоси қучоғида шикор қилиб, жаҳонгирлик байроғини Исфаҳон томон ҳилпиратиб жўнади.

ЗАФАРЁР МАВКАБНИНГ ИСФАҲОН ТАШҚАРИСИГА ЕТИШИ ЗИКРИ ВА ЎША ПАЙТДА РЎЙ БЕРГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ



Ҳазрат хоқони саид Сова вилоятида шикордан бўшагач, олийҳиммат шунқорини Сайид Малик ҳавосида учириб, Исфаҳон юришини бошлади. Бир неча манзилларни босиб ўтиб, ул тумандан икки фарсах наридаги Боғи Рустам манзили подшоҳи оламнинг келиши билан Эрам гулистони бўлди.

Шайх Муҳаммад, Қаробат Амир Аббос ва Шайх Али Қазоқ тахминан уч юз отлик билан амирзода Искандардан қочиб, ўша манзилда хоқони саид билан кўришиш саодатига эришдилар.

Ул ҳудуднинг кўчманчи халқидан баъзилари ҳам олий ўрдуга шошилиб, бошқа бандалар тизимида салтанат ошиён остонасига йиғилдилар. Искандар Мирзо бу қиёматни кўриб, чуқур ўйга толди ва амирлар ҳамда аркони давлат билан кенгашишга мажбур бўлди.

Катта ва кичикнинг кўнгли уруш ва солишув оловини ёқишга мойил бўлди. Булутнинг беҳисоб ёмғиридек ҳамда ёмғирнинг ҳисобсиз қатрасидек лашкар билан Исфаҳон ичкарасидан мардлар майдонига отилиб чиқди.

Олий маконли хоқоннинг душман билан олишув ва солишув ҳақидаги «вожиб ул-изъон» фармони содир бўлиб, кўшин денгиздек жўшиб, момақалдиروقдек гулдираб Исфаҳонга қараб ташланди. Сафларни тартибга солгандан сўнг ва қиличлардан фойдаланишдан олдин Искандар Мирзо олий мартабали хоқон



лашкарининг савлати ва шавкати ўз кўзи билан кўриб тушундики, ул ҳазрат қаршилигига тоб бериши унинг қудратидан ташқаридир.

Иложсиз Форс ва Ироқ сардорлари байроғи ва иттифоқи жанг майдонига орқа ўтириб, Исфаҳонга қараб қочдилар. Шоҳрухнинг зафарёр мавкаби диловарлари уларнинг орқасидан таъқиб қилиб, кўпчилигини ўткир қилич дамидан ўтказдилар. Искандар Мирзо эса минг бир ҳийла билан шаҳарга кирди.

Хоқони саид мазкур йилда рабиулаввал ойининг тўртинчисид¹ Исфаҳон ташқарисидан одан тушди, амирлар ва жангчиларга эса қамал ва олишувга амр этди.

Бу хабар Шерозга етиб боргач, раислар ва катталар Искандар Мирзонинг доруғаси Шайх Муҳаммад Сова билан бирлашиб, хутба ва тангани подшоҳ Шоҳрухнинг лақаби билан безадилар.

Искандар Мирзонинг ўғли ва Абдусамад Мирзо авлоди, Шайх Ясовул, Юсуф Қўрчи ва Дороблар Искандарнинг ишончли кишилари жумласидан бўлганлиги боис ушландилар.

Ҳазрат хоқони саид бу хабарни эшитиши билан қойил қолиб ва хурсанд бўлиб, Нўкба Бахши ва Лутфилло Баён Темурни Форс мол-мулкини забт этишга тайинлади. Ҳасан Сўфи Тархон ва Жолабон Барлосни Искандар Мирзонинг ўғли ва Абдусамаднинг авлодини олиб келиш учун жўнатди.

Бир неча кундан кейин Нўкба Бахши Шероздан қайтиб келиб, Амир Лутфилло Амир Жолабон Барлосни исён кўтаради деб ўйлаб, уни қатл этди деган хабарни келтирди. Ул ҳазрат нодон Лутфилло ва Нўкба Бахшини берилган мансабдан олиб ташлади. Саид Али Тархонни улар ўрнига юборди ва Жолабоншоҳ қатли сабабини таҳқиқ этишни буюрди. Ҳазрат хоқони саид Исфаҳонни эллик кун қамал қилиб, ҳар қанча мурсою мадорага ундаса ҳам, Искандар Мирзо кўнишга мойиллик кўрсатмади.

817 йил жумодилаввалнинг иккинчисид² султоний жанг бошлады. Зафарёр қўшиннинг диловарлари зирх ва жавшан либоси-

¹ 817 йил тўртинчи рабиулаввал — 1414 йил 24 май.

² 817 йил иккинчи жумодилаввал — 1414 йил 20 июль.



да¹ шундай уруш бошладиларки, гўё осмонда заррин карнай ва сурнай ғулғуласи, заминда эса зилзила юз берди.

Байт:

Баҳодирлар ҳайқириб, ноғоралар қоқмоқда
Авжига чиқиб, фалак пахта тикди қулоққа.

Шаҳардан кўп сипоҳлар беҳисоб қурол ва яроғ билан ташқарига чиқиб кела бошладилар, икки томондан ўқ-камон ва қиличу найзаларни қўлга олдилар. Охирида иш муштлашиш ва ёқадан олишгача етди; сарварларнинг бошлари майдонларда қулаб ётарди.

Ўша куни бу икки қўшин кечгача урушдилар, дашту саҳроларда ярадорлар ва ўлдирилганлардан тепаликлар пайдо бўлди. Исфаҳоннинг Зиндаруд дарёси ҳалок бўлганлар қонидан лолақизғалдоқдек қизариб кетди. Охирида бахт жаҳон подшоси хоқон мавкаби мулозимларига насиб этиб, фатҳ ва ғалаба насими унинг байроғи узра эса бошлади ва жирканч, разил, қабихлик ва шармандалик Искандар Мирзо байроғи устидан эсди ва унинг сипоҳи мағлубиятга учради. Искандар Мирзонинг хос одамлари, амирлари ва аъёнлари Исфаҳон қалъасига қочиб кирдилар. Зафарли қўшин шаҳар деворларига нарвонлар қўйдилар.

Уруш асносида Амир Абдусмад шаҳардан қочиб, хоқони саид мулозаматига етишди. Шунинг учун Искандар Мирзо вазминлик ва саботлиликни қўлдан бериб, қочиш даштига йўл олди.

Эртаси куни шаҳар истехкоми бойлигини қуёшдек порлаб турган мавкаб киришидан олдин талаб кетдилар. Зафарёр аскарлар Исфаҳонга ёпирилиб кириб, шаҳарда талон-торож ва талаш бошланди. Уларнинг қўлларига шунчалар тилло, жавоҳирлар, қимматбаҳо тошлар, нафис матолар ва ажиб нарсалар тушдики, уларнинг ҳеч ҳисоб-китоби йўқ.

Шоҳрух Мирзо қўшиндан бир гуруҳини Искандар Мирзо орқасидан юборди. Улар уни ушлаб, олий тахт пойига олиб

¹ Зирҳ ва жавшан либоси — металл тўр ва пўлат парчаларидан тўқилиб ясалган устки мудофаа кийими.



келдилар. Ҳукм чиқаришни Рустам Мирзога топширдилар. Рустам Мирзо инсоният кўзига мурувватсизлик тупроғини сепди ва қиздирилган оловли милни акасининг очиқ кўзларига тортди.

ВИЛОЯТЛАР ҲУКУМАТИНИ ШАҲЗОДАЛАРГА ТОПШИРИШ ВА ЗАФАРЛИ ҚЎШИННИНГ САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ҲИРОТГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Ғалаба ва фатҳ нури мурод уфқидан чиқиб, Исфаҳон ҳудуди олий шаънли хоқон мамлакати ҳудудига кириб, у макон аҳолиси учун хотиржамлик ва омонлик кенг қулоч ёйғач, юз минг динор кепакийни мазорлар назрига атаб, фақирлар ва ҳожатмандларга берди ва ўша йилги ҳосилнинг учдан бирини ўша вилоят аҳолисига бағишлади.

Амирзода Рустамни Ироқ дорилмулкига ҳоким этиб тайинлади. Ҳамадон туманлари, Ружерд, Неҳованд ва Луристон қалъаларини амирзода Бойқаро ибн Умаршайх Мирзога иноят қилди.

Ийжал Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо қарорга биноан Рай мамлакати ҳукуматига кетди. Қум тумани теварак-атрофи билан Саъд Ваққос Мирзога тааллуқли бўлди.

Баланд мартабали хоқон шаҳзодаларнинг қулоғига яхши насиҳатларни қуйди. Шундан сўнг ҳазрат хоқоннинг қуёшдек порлоқ хотири Ироқ ишларидан фароғат бўлиб, Шероз дорилмулкига шошилди.

Сулаймон тахти ҳукуматига Амир Музроб номзод қилинди.

Ўша кунларда тақдирга кўра мағлуб жаноб аморат маобнинг касаллик асоратлари кўзғаб, табиблар уни муолажа қилишда ожизлик қилдилар. Унинг шариф руҳи қуши қафаснинг тор дарбандидан арвоҳлар олами фазосига парвоз қилди.¹ Ҳазрат

¹ Матннинг шу ерида англашилмовчилик бор. Хаттот «мағлуб» ўрнига «ғолиб» сўзини ёзиб чалкашликка йўл қўйган. Аслида кўзига мил тортилган Искандар Мирзонинг ўлими назарда тутиляпти.



хоқони саид унинг орқасида қолганларига бениҳоят иноятлар кўргизди.

Форс мамлакати салтанати ҳукуматини эса номдор шахзоданинг иқтидорли, бир сўз билан айтганда ҳоқонлар эварасининг адолатли қўлига, яъни Иброҳим Султонга берди. Халифат ва давлатнинг у кўз қорачиғига ҳукуматни адолатли бошқариш ва аҳоли ҳақиға риюя этиш асослари ҳақида насиҳатлар қилдилар.

Сўнг Форсдан ибодат маскани – Язд йўлига тушди. У ердан Қўҳистон биёбони йўли орқали ҳаракат қилиб, мазкур йилнинг йигирма иккинчи ражаб ойида¹ машҳур Ҳирот туманига кириб келди ва у диёр аҳолисига сахийлик ва адолат эшикларини очди. Атрофлардан ҳукмдорлар, аслзодалар, катта амалдорлар у адолат ва инсоф тимсоли салтанат пойтахтига келгандан кейин давлат ошиёни остонасига оқиб кела бошлади. Уларга меҳрибонлик, лутфу карам кўрсатилиб, улар дуо ва ҳамду сано ўқиб ўз манзилларига қайтиб кетишди. Бастом амири Жогир эса Қора Юсуфдан юз ўгириб кетган эди, рустамдорлик Каюмарсининг укаси Тожуддавла, совалик Насрулло Саҳроий ҳам шулар жумласидан эди.

Ўша пайтларда Саййид Абдуллатифнинг акаси Саййид Абдулмалик Маккаи муборақдан қайтишда ул муқаддас мақбаранинг волийсидан муҳаббат ва самимиятга тўла мактубни олиб келди.

МОВАРОУННАҲР ВА ТУРКИСТОННИНГ АҲВОЛИ ҲАМДА МИРЗО УЛУҒБЕК ГУРАГОННИНГ ОЛИЙШОН HOҚОН ОСТОНАСИГА ЕТИШИШИ ЗИКРИ



Ўша вақтда хоқони саид Исфаҳон ҳудудида бўлган пайтда Мирзо Улуғбек Гурагон Самарқанддан Ўзжандда² ҳукуматни бошқараётган Аҳмад Мирзо олдиға элчи жўнатиб, уни ҳузурига чорлади. Мирак Аҳмад Мирзо эса фармонға итоат этишда но-

¹ 817 йил йигирма иккинчи ражаб – 1414 йил 7 октябрь.

² Ўзжанд – ҳозирги Ўзганд шаҳри.





писандлик билан кечирим сўради. Жаноб Улуғбек эса хос ва қариндошлари ҳисобланмиш Амир Боязид Парвоначини ўша муҳим иш билан Ўзжандга жўнатди. Амир Боязид ҳам аввалги элчидек қайтиб келди, Мирзо Улуғбек эса Андигонга йўл олди.

Мирак Аҳмад Мирзо ул ҳудуд қалъаларини мустақкамлаб, ўзи ўтиш офир бўлган олис тоғда паноҳ топди. Мирзо Улуғбек Ҳасси қалъасини фатҳ этиб, уни Поянда Баковулга топширди. У ердан Андигон томон йўлга тушди ва у ерга етиб боргандан кейин маълум бўлдики, Мирак Аҳмад Мирзо бир қароргоҳни топибдики, уни у ердан келтириш жуда мураккаб экан. Иложсиз аҳволда қолган Мирзо Улуғбек қайтиш байроғини кўтарди. Амир Мусока, Амир Муҳаммад Тобон ва Амир Али Қавчинни жасоратли сипоҳдан бир гуруҳи билан у вилоятда қолдирди.

Мирак Аҳмад Мирзо эса жаноб Улуғбекнинг қайтаётганидан хабар топиб, ҳалиги тоғдан пастга тушиб келди. Амирлар у билан разм қилишга жазм қилиб, Андигондан кенг саҳрога шопшилди. Мирак Аҳмад Мирзо тўсатдан уларга ҳамла қилиб, сардорларнинг кўпчилигини ўтқир қилич зарби билан ҳалок этди, қолганлари эса Андигон қалъасига кириб, қалъа ва унинг минора деворларини беркитдилар.

Мирак Аҳмад Мирзо бир неча бор қамал қилди, аммо фатҳ этиш мумкин эмаслигини тушунгандан сўнг қайтди.


Олий байроқдор гуруҳининг салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келганлиги ҳақидаги хабар Мовароуннаҳрда тарқалгандан кейин, Мирзо Улуғбек падари бузрукворини зиёрат қилиш ниятида Хуросонга йўлга тушди ва муборак рамазон ойининг ўн иккинчисида¹ салтанат ошиёни остонасига етиб келиб, иззат ва ҳурматга сазовор бўлди, бир неча кун бу ерда бахт саодат ва ҳузур-ҳаловатда кун кечирди, сўнг қайтишга рухсат олди.

Ўша кунлари хоқоннинг иноятли нури марҳамати ва меҳрибонлик қуёшнинг ёрқин ва порлоқ зиёси мақтовга сазовор шаҳзода Бойсунқур Мирзонинг қиёфасини ёритди. Тус, Машҳади муқаддас, Обивард, Байлақон, Жармиқон, Хабушон,


¹ 817 йил ўн иккинчи рамазон – 1414 йил 25 ноябрь.



Нисо, Ёраз, Астробод, Шосмон ва Кабуд Жома¹ ноҳиялари ҳамда уларга қарашли музофотлар у жанобга тааллуқли бўлди. 818 йилда² оламнинг ҳумоюн хоқони кўнглига Ихтиёриддин қалъасини таъмир этиш келди, чунки бу қалъа марҳум Соҳибқирон Хуросонни фатҳ этиш жараёнида вайрон этилган эди. Бироз вақтдан кейин бу қалъа ва унинг деворлари таъмир этилди. «Матлаи саъдайн»да ёзилганки, бу қалъада етти юз минг киши ишлаши натижасида ишлар тезда поёнига етказилди.



САОДАТЛИ ХОҚОННИНГ ИРОҚ ВА ФОРС ВИЛОЯТЛАРИДАН ҚАЙТГАНДАН КЕЙИН У ЕРДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ ҲАМДА УЛ ҲАЗРАТНИНГ ЯНА ШЕРОЗ ДОРИЛМУЛКИГА БОРИШИ БАЁНИ



Олий байроқдор сипоҳининг Ироқ ва Форс вилоятидан қайтгандан сўнг рўй берган воқеалар жумласидан бири шуки, Рай ноҳиясини бошқариш Ийжал Мирзога тааллуқли эди, у касал бўлиб, ётиб қолди ва 818 йил муҳаррам ойининг охирларида³ бу оламдан у дунёга сафар қилди.

Бу хабар салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келгач, ҳазрат хоқони сайд дарҳол Илангиз Мирзони назарга олиб, Амир Юсуф Хожа, Амир Фиёсиддин ва Ажаб Шер билан уни Рай ҳукуматига ҳамда Озарбайжон ҳудудини забт этиш учун жўнатди.

Воқеалардан яна бири — Қора Юсуф Туркман Султония қалъасини забт этиш ниятида қўшин тортди. Ўша пайтда жаҳонгир хоқон ҳукмига биноан у қалъада ҳукмронлик қилган Бастом амири Жогир қочиб келиб, Қум⁴ туманида амирзода Саъд Ваққосга қўшилди. Бу содда шаҳзода Бастом амирини маҳбус этиб, бўлган воқеани олий тахт соҳибига арз этди. Пок вужуд-

¹ Кабуд Жома — Мозандароннинг шарқий томонидаги туман.

² 818 йил — 1415 йил 13 мартдан 1416 йил 1 мартигача бўлган оралиқ.

³ 818 йил муҳаррам ойининг охири — 1415 йил 11 апрель.

⁴ Қум — Техрондан 150 км жанубдаги шаҳар, Эрон шиаларининг маркази.

ли хоқонга Бастом амири Жогирнинг маҳбус этилиши маъқул бўлмади ва уни озод этиш ҳақида фармон бериб, истимолатнома¹ юборди. Лекин Саъд Ваққос ул ҳукмга тушунмади. Қил Хўжани ўғруқ бошида туришни тайинлаб, Қумда қолдириб, Бастом амирини ўз ҳамроҳлигида олиб, Қора Юсуф олдига кетди. Қора Юсуф уни лутфу илтифот ва иззат-ҳурмат билан кутиб олди ҳамда Ироқи Ажамни забт этиш тамасини қилди.

Бастом амирини ҳибсдан бўшатиб, аввалги кўрсатмага амал қилган ҳолда тарбиялади. Али Фараж исмли унинг ўғлини бир гуруҳ туркманларга бошлиқ қилиб, Саъд Ваққос Мирзонинг ҳарами – Мироншоҳ Мирзонинг қизи Оғо Бегини Озарбайжонга кўчириб келиш учун Қумга жўнатди.

Али Фараж Қумга етиб келгач, Оғо Беги оқила аёл бўлгани боис ўзича ўйлади: «Саъд Ваққос ёмон иш қилди, Шохрух Мирзонинг ҳукми ва фармонидадан бўйин товлаб, бул хонадоннинг душмани бўлган Қора Юсуфнинг олдига борди. Эҳтимол, яқинда Қора Юсуф унга қасд қилиши мумкин, унда бизнинг ҳолимиз туркманлар орасида асирликда ўтадимиз?!» Шундан сўнг, ўз навкарларини қурол-яроғ билан тўлиқ мукамал таъминлаб, ҳамма туркманларни қўлга олди. Саъд Ваққос Мирзони Қора Юсуф томонга ағдарган ифвогарлар Темур Шайх, Қутлуғ Хожа ва Шайх Али Зиндаларни ўлдириб, уларнинг бошларини хоқони саидга жўнатиб, бўлган воқеаларни тайинлаб юборди.

Шохрух Мирзо эса бу шерсифат аёлнинг мардоналик камолидан таажжубга тушди ва унинг юборганларига жиддий эътибор бериб, инобатга олди ҳамда истимолатномалар ёзиб, Қумга юборди.

Яна бир бўлган воқеа шулки, шаҳзода Бойқаро Мирзо Ҳамдон, Неҳованд ва Бўрижерда² ҳукуматни бошқариб турган эди, ўзининг акаси Искандар Мирзонинг ифвосига учиб, ёвлашиб, Шерозни забт этиш хаёлига мубтало бўлди. У икки-уч минг отлик аскар йиғиб, ўша томонга ҳаракат қилди. Искан-

¹ *Истимолатнома* – меҳрибонлик, кўнгил кўтариш ҳамда ўзига ийдириш мақсадида ёзилган мактуб.

² *Бўрижерг* – Фарбий Эронда – Луристондаги шаҳар.



дар Мирзо кўзига мил тортилгандан кейин унинг қарамоғида яшарди.

Рустам Мирзо бўлган воқеадан воқиф бўлиб, Исфаҳон сипоҳининг деярли ҳаммасини акаларининг йўлига ров бўлиш учун жўнатди. Улар Жарбодикон теварагида уларга тўқнаш келдилар. Ситамгар чархифалак тақозосига кўра, Искандар Мирзо Улуғбек Восилнинг қўлига тушиб қолди ва уни Рустам Мирзо олдига олиб бордилар ва маҳбус этдилар. Шу сабабдан Бойқаро Мирзонинг қасд қилувчи ўқи қароргоҳи қутисида ва шиддатли қиличи филофида қолиб, сўнг у бир неча кунни Кандмонда ўтказди.

Бойқаро Мирзонинг муҳолифлик хабари Шерозга етиб келгач, Иброҳим Султон Мирзо дарҳол Искандар Мирзонинг Шерозда турган Севинч Хожа, Ардавон ва Мазид каби озгина навкарларини ҳибсга олиб, ишончли кишилар ҳамроҳлигида Хуросонга равона қилди. Маҳбуслар зиндонда ўз қоровулларини ўлдириб, Кандмонга шошилдилар ва Бойқаро Мирзо олдида сўзлашга имкон топиб, дедилар: «Жаҳонгирликда тўхтамоқлик фойда бермайди».

Биобарин, Бойқаро Мирзо яна бир марта Шероз томон ҳаракатга келди. Иброҳим Султон Мирзо эса сипоҳи билан уни кутиб олишга шайланиб, Байзо ноҳиясида муҳолифлар учрашдилар. Икки томондан ҳам марказ, маймана ва майсара қисмлар тартибга келтирилиб, олишув бошланди. Иброҳим Мирзонинг баронғор ва жавонғор қисмлари биринчи ҳамладаёқ Бойқаро Мирзонинг чап қўл ва ўнг қўл қисмларини рўпарадан олиб ташладилар, аммо майманани забт этиш вазифаси Амир Абу Саидга юклатилган эди, қочиш асносида жиловни тўсатдан марказ томонга буриб, шаҳзодага қўшилди. Бойқаро Мирзо ниҳоятда жасорат ва довюрақлик билан ҳалиги номи келтирилган амир билан бирга отни ўйнатиб, шерозликлар сипоҳининг марказига ташланди. Иброҳим Султон Мирзо унинг ҳамласини қайтаришдан ожиз бўлиб, Абракўҳ¹ томон юз ўгирди. Бойқаро

¹ Абракўҳ – Шероздан 180 км шимолдаги шаҳар. Ҳозирда унинг ўрнида Зуберку номли кичик шаҳарча жойлашган.





Мирзо эса фатҳ ва ғалабага яқинлашиб, ўз отасининг дорилмулкига қараб юрди. Ва 818 йил рабиулаввал охирларида¹ комрон ва сарафроз ҳолда Шерозга кириб борди. У ерда айшу ишрат байроғини ўрнатиб, дилбар соқийлар қўлидан арғувоний май қадаҳларини сипқорди.

Рустам Мирзо бу хабарни эшитгандан сўнг фитналарнинг асл сабабчиси Искандар Мирзони қатл эттирди. Ҳазрат хоқони саид эса Форс ва Ироқ воқеаларини эшитиб, Бойқаро Мирзо кучга тўлмасдан ва қудратга эришмасдан бурун Форс ҳудудини унинг тасарруфидан тортиб олишни маъқул кўрди.

Бинобарин, қўшин тўплашга фармон берди ва жумодилохирнинг ўн еттинчисида² жаҳонгирнинг ҳаракати бошланди.

Бойқаро Мирзо амирлари қанчалик ҳазрат хоқони саиднинг кириб келишини, доимий шаробхўрликдан ва гўзал дилбар андомларига яқинлашишдан ўзини тийишни, тўқнашув жиҳозларини тартибга солиш, қалъа ва минораларни мустаҳкамлаш тадбирига киришишни унга айтмасинлар, фойдаси бўлмади.

У жавоб берди: «Хоқони саид шундай подшоҳки, у жуда жасур ва журъатлидир. Шерозни фатҳ этиш учун ўзи бу томонга лашкар тортмайди. Амирлар ва шаҳзодалардан кимни ҳам юборса, бизнинг сипоҳ қиличи шуъласини кўриши биланоқ шу заҳоти мағлубиятга учрайди».

Шундай дейиши билан етти кишвар хоқонининг зафарёр байроғи муборак рамазон ойининг учинчи куни³ «Аллоҳу акбар» тепалиги уфқида намоён бўлди.

Иложсиз қолган Бойқаро Мирзо саросимага тушиб, бироз ўйлаб, фикрлаб олганидан сўнг Амир Абу Саидни Бойсунқур Мирзо олдига юборди ва ундан Ҳазрат хоқондан ўзининг қилмиш ва айбларидан кечишини илтимос қилишни сўради.

Бойсунқур Мирзонинг ул шаҳзоданинг мардлиги ва жасоратига нисбатан шаҳзоданинг муҳаббати ниҳоятда кўплиги боис,

¹ 818 йил рабиулаввалнинг охири — 1416 йил 28 май.

² 818 йил жумодилохирнинг еттинчиси — 1416 йил 14 август.

³ 818 йил ўнинчи рамазон — 1416 йил 1 ноябрь.





унинг илтимоси мажбуриятини бўйнига олди. Шоҳрух Мирзо Баҳодир эса Бойсунқур Мирзо хотири учун унинг илтимосини инобатга олиб, Бойқаро Мирзо жаримаси дафтарига афв рақамини чизди ҳамда Амир Абу Саидга хайрихоҳлик кўрсатди, шунингдек, шаҳзода ташқарига чиқиши билан, унга мурувват ва шафқат кўрсатаман деб онт ичди.

Амир Абу Саид эса олий тахт пойидан кўнгли тўлиб, қа-ноатланиб чиқди ва қаср эшиги олдидан яна саройга қайтди. У ерга тизза қўйиб арз қилди: «Илтимос шулки, агар ҳурматли ходимлар Бойқаро Мирзога нисбатан қасос олиш мақомида бўлсалар, аввал мени ясоққа етказсинлар».

Ҳазрат хоқони саид яна бир марта меҳр-шафқатга тўла сўзларни изҳор этиб, Амир Абу Саиднинг хотирини жам қилди. Жаноб иморатмаоб ҳумоюн мажлисидан чиқди. Ҳазрат хоқон марҳамат қилдилар: «Ҳар кишининг бу кишидек ўн нафар нав-кари бўлса, нега мустақил бўлишни ўйламаслиги керак?!»

Алқисса, Бойқаро Мирзо Амир Абу Саид қайтганидан кейин муборак рамазоннинг бешинчиси шанба кечаси Шероздан Дурга келиб, Бойсунқур Мирзонинг уйига шошилди.

Бойсунқур Мирзо эртаси куни уни шоҳ саройига олиб борди. Хоқони саид аввал ваъда бергани учун уни ҳадеб қийнаб ва шаҳзоданинг жонига тегавермади, аммо ишонган кишилардан кўпчилигининг гапи билан Қандаҳорга жўнатди. У ерда у Қайду Мирзо назоратида яшади.

Яна бир марта Аллоҳ инояти билан Шероз дорилмулки хоқон қўл остига ўтиб, ул саодатли хоқони саид муборак рамазон ойини ўша жаннатмакон туманда ўтказди.

Иброҳим Султон Мирзони ўзининг меҳри ва хайрихоҳлик муруввати остига олиб, олдинги кўрсатмага биноан бул вилоятни унинг қудратли қўлига топширди. Қум, Кошон, Рай ва Рустамдордан то Жилон ҳудудигача бўлган ерлар ҳукуматини бошқаришни Амир Илёс Хожа Баҳодирга берди ва вилоятлар амирлари ҳамда ҳукмдорларга ўз юртига қайтишга рухсат этилди. Ўзи эса байроғини тинч, хотиржам ўлка – Кермон томон қаратиб йўлга тушди.



ОЛИЙ ШАЪНЛИ ҲОҚОННИНГ ШЕРОЗДАН КЕРМОНГА¹ ЮРИШИ ҲАМДА СИРЖОН² ҚАСАБАСИДАН ХУРОСОН ЖОНИБИГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Ҳазрат Соҳибқирон тарбияси ҳуқуқи асослари ва баланд мартабали ҳоқон ходимлари анъанаси шуни тақозо қилар эдики, салтанат тахти ва давлатни бошқариш подшоҳ Шохрух билан зийнатланса, Кермон волииси Султон Увайс ибн Идику Барлос олий тахт пойи мулозиматига шошилиши ва ўзини офтоб-дек порлоқ подшоҳнинг бир заррасига айлантириб, туҳфалар, ҳадялар жўнатишда, бож-хирож қабул қилишда беғамликка, бепарволикка ва алдашга йўл қўймаслиги керак эди. У эса бу ихлос ва одат расм-русмига хилоф равишда амал қилди, бу муддат ичида одамга маъқул бўладиган бирон хизмат қилмади. Шунга қарамай бир неча марта элчилар уни талаб қилиб келдилар, аммо у мактубга ва бажарилиши шарт бўлган фармонга итоат этмади.

Ҳазрат ҳоқони саиднинг хусравона ҳамияти ва подшоҳона ғайрати жўшиб, Форс ва Ироқни фатҳ этиб, уларнинг ишларини тартибга солгач, ул томонга ҳаракат қилишга мажбур бўлди.

Султон Увайс бундан хабар топиб, ислом мамлакатларининг Али сингари пири ва Аллоҳ авлодининг пешвоси Саййид Шамсуддин Али Бўлийни зафарли мавқабни кутиб олиш учун жўнатди. Жаноб саййидлар ҳимоячиси Сиржон қасабасида бахтиёр ошиён остонасига етишди ва шафоат сўраб оғиз очди, ул ҳазрат қабул қилди. Ҳумоюн мавқаб салтанат пойтахти Ҳиротга шошаётганлиги учун Султон Увайсни улкан салтанат тахтига келишига қарор қилди.

Ҳазрат ҳоқони саид эса Саййид сўзларини розилик билан эшитиб, қулоғига жойлади. Ул жанобни рози-ризо ва қаноатлантириб, Кермон томон қайтариб юборди. Ўзи эса Ху-

¹ Кермон — Эроннинг жануби-шарқдаги вилоят ва унинг маркази.

² Сиржон — Кермондан 150 км жануби-ғарбдаги шаҳар, ҳозир унинг ўрнида Сендобод номли шаҳарча мавжуд.



росонга қараб йўлга тушди. Комёб ва комрон ҳолда Кўҳистон вилоятидан ўтиб, 819 йил муҳаррам ойи ўртасида дилбар Ҳирот шаҳрига етиб келди.



БАЪЗИ ШАҲЗОДАЛАРНИНГ АҲВОЛИ ВА БОЙСУНҚУР МИРЗОНИНГ ДЕВОН МАСНАДИГА ЎТИРИШ ЗИКРИ



Ҳша пайтда олиймакон хоқон Форс юришидан қайтиб, ўзининг ҳашаматли пойтахтида эди.

Мирак Аҳмад Мирзо аввалги пайтда Мирзо Улуғбек Гурагон билан келишмай, унга қаршилиқ кўрсатиб, Андигонда кўпгина амирларни ҳалокатга етказган эди. Шунга қарамай, хоқоннинг ишонч ва меҳр-қарамига муяссар бўлиб, Ҳирот салтанатига қараб йўл олди ва у ерда хоқони саиднинг ниҳоят даражада диққат-эътиборига манзур бўлиб, Илангир Мирзо ибн Або Бакр Мирзо билан яхши ва яқин муносабат ўрнатди.

Бу икки шаҳзода ўзаро келишиб, ҳазрат хоқони саидга қарши тил бириктирдилар. Ана шундай вазиятда «Қайду Мирзо олди-дан олампаҳоқ даргоҳига элчи келди ва у ёзма равишда баён-нома тақдим этди. Унинг мазмуни шу эдики, Бойқаро Мирзо баъзи бир ифвогар одамлар тоифаси билан иттифоқ тузиб, менга қарши қасд қилмоқда. Шунинг учун уни қўлга олиб, қамаб қўйдим, у жаноб хоқони саид нима деб буюрсалар, унга нисбатан шундай йўл тутсам».

Ҳазрат хоқон дарҳол Қайду Мирзога Бойқаро Мирзони Синд дарёсидан ўтказиб юборсин, у қаерга истаса кетаверсин деган ҳукм содир қилди.

Мирак Аҳмад Мирзо Каъбаи муаззамга йўл олди. Илангир Мирзо эса кемага ўтириб, денгиз бўйлаб сафар қилишни ихтиёр этди.

Ҳукмга биноан бу икки шаҳзода мулозаматига бир неча ишончли кишилар тайин этдилар, токи улар шаҳзодаларни ба-





жарилиши вожиб фармонга итоат этишга кўндириб, тўғри йўлга йўналтирсинлар.

Улар кетишди, аммо Қайду Мирзо бўлса Бойқаро Мирзонинг дўсти бўлган Бойсунқур Мирзонинг кўнглини оғритиб қўймаслик учун шаҳзодани дарёдан ўтказмади.

820 йилда¹ олийжаноб хоқон Қандаҳорга қараб юрди. Уни эса ҳумоюн ўрдуга жўнатди.

Ҳазрат хоқон дарҳол амирзодани ишончли кишиларининг бир гуруҳи билан Самарқандга юборди. Шундан сўнг ундан ҳеч бир хабар келмади.

Жаҳонгир хоқоннинг давлат байроғи ҳилпираб, салтанат гулзорини итоат этмайдиган саркаш хас-хашак ва тиканлардан тозалогач, девон тахтини Фиёс ас-салтана вад-дунё вад-дин² Бойсунқур Мирзонинг шарафли вужуди билан безади ва подшоҳ боғининг ўспирин гулини девон маснадига тайинлаб, фуқаролар муаммоли масалаларига адл юзасидан қараб, адолатли ҳуқуқ йўлини оммага кенг очсин ҳамда давлатнинг муҳим масалалари моҳияти ва аҳамиятини назарга олиб, золимдан мазлумнинг ҳаққини қонуний ва адолатли ҳимоя қилсин, деган буйруқ содир бўлди.

Бойсунқур Мирзо эса Мирзо Шохрух Баҳодир кўрсатмасига биноан иш юритиб, унинг адолатли ишларидан булут ёмғири томчиларидан баҳра олгандек дин ва давлат боғи баҳраманд бўлди, шунингдек, давлатнинг ҳуқуқий тизими асослари назоратини қайтадан амалга оширди.

Унинг марҳамати шуъласи зарраларидан мамлакат ва давлат боғи янада гуллаб-яшнади ҳамда унинг нурлари жилосидан юрт ва миллат ниҳоли ҳазрат хислати асосида янада яшарди.

Шеър:

Давлати файзидан мамлакат боғи гуллаб-яшнади.

¹ 820 йил – 1417 йил 18 февралдан 1418 йил 8 февралигача бўлган оралик.

² *Фиёс ас-салтана вад-дунё вад-дин* – «Салтанат, дунё ва диннинг нажоти» – Бойсунқур Мирзонинг шарафли лақаблари.





СУЛТОН УВАЙС ИБН ИДИКУ БАРЛОСНИНГ ИҚБОЛИ БАЛАНД ОШИЁН ОСТОНАСИГА КЕЛИШИ ЗИКРИ



Саййид Шамсуддин Али Бўлий халқ йўлида тақводор порсо киши бўлиб, Кермоннинг муҳим ишларини тартибга солувчи инсон эди. У Сиржондан Султон Увайснинг олдига бориб, уни қанчалик олий тахт пойига ундасин, ҳеч натижа бермади. Шунинг учун муртазовий сифат¹ Ҳирот Саййид салтанат пойтахтига бориб, Султон Увайснинг қаршилиги сабабини баён қилди. Бу хабардан хоқоннинг ғазаб олови алангаланиб, Амир Жаҳоншоҳ Барлос, Амир Ҳасан Сўфи Тархон, Амир Қурбон Шайх ҳамда Фароҳ ва Сейистон вилоятларининг ҳокимлари ҳамда тўрт минг зафарли сипоҳ билан биргаликда Кермонни тасхир этиш учун жўнасин деган олий фармони кучга кирди.

Амирлар буйруққа биноан йўлга тушиб, улар ул ҳудудга кириши билан Султон Увайс шаҳарда беркиниб олди. Ғалабакор сипоҳлар қамал ва ҳарбий тўқнашувни амалга ошира бошладди, етмиш кундан кейин Султон Увайс амирлар ҳузурига элчи юборди ва «Агар ҳазрат хоқони саид менинг гуноҳимни кечирсалар, сизлар қайтинглар, мен ўзим юқори мартабали остона эгаси мулозиматига бораман», деб тайинлади.

Амирлар бўлган воқеани олий тахт пойига арз этдилар. Ул ҳазрат жавоб берди: «Агар Султон Увайс ўз сўзига содиқ бўлса, ўзининг ишонган одамларидан бирини жўнатсин. Шундан сўнги қиёматасар лашкар қамални бўшатади. Акс ҳолда, амирлар то Кермонни олмасдан қайтмайдилар!»

Амирлар Султон Увайсни бажарилиши шарт фармондан огоҳ этдилар. У аркони давлати жумласидан бўлмиш Шайх Ҳасанни амирлар олдига жўнатди. Улар Кермон теваарагида туриб, Хуросонга йўл олдилар. Ражаб ойининг охирида² Шайх Ҳасанни хоқоннинг ҳузурига бошлаб бордилар. У тавба-тазарру сўраб,

¹ Муртазовий сифат — халифа Али авлодига тегишли.

² 819 йил ражаб ойининг охири — 1416 йил 23 сентябрь.



Султон Увайснинг гуноҳини кечиришини илтимос қилди. Унинг илтимоси аҳд қоидаларини таъкидлаш ва қасам ичиш билан яқунланди. Ҳазрат хоқони саид эса Шайх Ҳасаннинг илтимосини қабул қилиб, Султон Увайс ҳақида ёмон фикрга бормаслик учун афв этиш чизифини унинг гуноҳи, айблари ва янглишиши устидан чизиб ташлади.

Шайх Ҳасан Кермонга қайтиб, Султон Увайснинг хотирини жам қилди. Шундан сўнг у каъбасифат муқаддас жойларга бориш учун эҳромлар кийиб, мазкур йилнинг ўн иккинчи шавволида¹ йўлга тушди. Бир неча манзилларни босиб ўтиб, салатанат тахти пойига етишиб, подшоҳона лутфга ва хусравона мурувватга эришди.

820 йил рабиулохирнинг охирида ҳукмга биноан Самарқандга йўл олди. Кермон фатҳи амалга оширилган йилнинг охирида, яъни 819 йилда² улўф мартабали хоқон Суюрғатмиш Мирзони Бадахшон вилояти туманига жўнатди. 820 йил жумодилаввалнинг биринчиси пайшанба³ кечасида Рукниддин Алоуддавла Мирзо ибн Бойсунқур Мирзо туғилди.

ВАЗИР САЙЙИД ФАХРИДДИННИНГ АҲВОЛИ ВА УНИНГ ВУЖУДИ ПОК ХОҚОННИНГ ҒАЗАБИГА УЧРАШИ ЗИКРИ

Саодатли хоқон Шохрух Мирзо Баҳодирнинг вазири салтанатнинг бошланиши пайтида Саййид Фахриддин эди. Ул жаноб икки-уч йил вазирликнинг иқболи баланд байроғини кўтариб боргач, марҳум Соҳибқирон девонининг машҳур котиблари тизимида бўлган ва Язд дорилфатҳи унинг саъй-ҳаракати билан бино этилган Хожа Ғиёсиддин Солор вазир бўлди.

810 йилда⁴ Саййид Фахриддин устидан шикоят тушди ва ишдан бўшади.

¹ 820 йил рабиулохирнинг охири — 1417 йил 15 июнь.

² 819 йил охири — 1417 йил 17 февраль.

³ 820 йил жумодилаввалнинг биринчиси — 1417 йил 16 июнь.

⁴ 810 йил — 1407 йил 8 июндан то 1408 йил 27 майгача бўлган оралик.



Хожа Гиёсиддин Солор вазир вазифасида иш бошлагандан сўнг аҳолига ва қўл остидагиларга нисбатан адолат ва эҳсон маросимларини бажарди, аммо амирлар ва аркони давлатлар билан эса майда-чуйда нарсалар борасида зикналик қилиб, жанжалларди. Шунинг учун хос ва яқин одамларнинг кўпи Гиёсиддин Солор қонига сувга чанқоғи босилмаган одамдек ташна эдилар.

У вазирликда иш бошлаганидан бир йил ўтганидан кейин, Саййид Фахриддин унга уч юз туман¹ миқдорида пул берди. Девонда Хожа Гиёсиддин ва унинг ходимлари устидан қўзғатилган жиноят ва хиёнат ишлари тасдиқланди. Катта амирлар қасос қиличини филофдан чиқардилар. Ул тадбирсиз вазирни охира-оламига жўнатдилар. Шундан сўнг Саййид Фахриддин яна мустақил равишда вазирлик маснадига ўтириб, мол-мулк ишларини тартибга солишга киришди.

Гарчи Саййид сахий ва олийжаноб бўлиб, саййидлар, ула-молар ва мансабдор шахслар хотирида меҳр-шафқат ва эҳсон уруғини экарди. Аммо унинг туғма фазилатларидан бошқа номуносиб одатлари, жумладан, манманлик, димоғдорлик, кибр-ҳаво, худбинлик, вазминлик, ва мардумозорлиги ҳам бор эди.

Гиёсиддин Солор қатл этилгандан сўнг уч юз туман миқдордаги пул қабиҳ ва азоб-уқубат усулида девон идорасидан олинди.

Кундан-кунга унинг қадри ва мартабаси ошиб, ниҳоят шундай ҳуқуққа ва қудратга эришдики, энди унинг фармони олий шаънли Хоқон мамлакатларининг теварак-атрофида тақдир ҳукми сифатида кучга кирар эди. Унинг даргоҳи ҳар бир ўлка ва диёрдаги катта ва кичикнинг нажот уйи бўлиб қолди, остонаси эса шаҳар ва қишлоқлардаги жинояткор ва ағёрларнинг доимий маконига айланди.

Байт:

Қадрининг қасрида бир айвон фалак,
Буюк даргоҳининг чўриси малак.

Унинг мулозаматига борадиган замон аъёнлари ва жаҳон асл-зодалари ғаразсиз, ҳеч кимни кутдирмасди, рухсат тегиши билан

¹ Туман – пул бирлиги.



бир неча ёпиқ эшиклардан ўтгандан кейин, маълум кишилардан бошқа ҳеч кимнинг у ерга киришга ҳаққи бўлмаганлиги боис, кўпинча учрашмай қайтишарди.

Жаноб Саййид қарийб ўн йил ҳузур-ҳаловатда яшагандан кейин фалак ўзининг одати бўйича ўзи ато этган совға ва тухфаларни қайтаришга ҳаракат қилди.

819 йилда¹ Бойсунқур Мирзо унинг баъзи номуносиб қилиқларини ошкор қилди. У Хожа Низомиддин Аҳмад ибн Хожа Довудни ўзига шерик қилиб, уни вазирликда мансабга тайинлади. Хожа Аҳмад ибн Довуднинг феъл-атвори тажанглик ва зийракликда ажралиб турар эди. Озгина вақт ичида Саййид Фахриддиннинг муҳим ишлари ва муомалаларини билиб олиб, гоҳида жиддий, гоҳида ҳазил йўли билан Саййидга сўз қотарди. Саййиднинг қўли қаллоблик ишларнинг кўплигидан қисқа бўлиб қолди. Бу қиссанинг гуссасидан тинчлиги бузилди.

Шунга қарамай, девон соҳиби Саййид Фахриддиннинг нуқсон ва камчиликларидан девон хизматчилари воқиф бўлди, уларнинг сиёсатидан кўрқиб, тол баргидек титрар ва унинг хилоф ишларини айтишнинг имконини тополмас эди, аммо Бойсунқур Мирзонинг соғлиғи ўзгариши билан ҳамкорлари олдида яққол ошкор бўлиб қолди.

Амир Али Шифоъий аризачи сифатида икки юз туман кепакий миқдорида пул берилсин, деб сабабини кўрсатиб ариза ёзди. Бойсунқур Мирзо бу масалани ундан сўради. Амир Али аввал айтдики, Саййид давлат хазинасидаги барча маблағни тасарруф қилибди.

Саййид эса унинг бу сўзини инкор қилди. «Хазиначига арз қилинсин!» деган ҳукм содир бўлди. Хазиначи бетоқат бўлиб, Саййид номига маблағ олиб кетганларнинг барчасига айтди: «Мендан олган маблағни қайтаринг, акс ҳолда ҳаммангиз расво бўласиз».

Шу жумладан Саййиднинг сирдош яқин дўсти Хожа Пир Али ибн Хожа Муҳаммад Боязид ҳам бор эди. У ўз номига ёзма тилхат

¹ 819 йил – 1416 йил 1 мартдан 1417 йил 17 февралигача бўлган мuddат.



ёзиб хазиначига берган ва ундан маблағлар ундириб, Саййидга топширган эди. Энди у даъвогар сифатида тилло талаб қилиб, ҳар куни бир неча марта айтарди: «Иш ғализлик кўчасига етиб келди ва пардасини йиртиб кўчага чиқди ва ҳаммаёққа ёйилиб кетди».

Бу баҳсли ишнинг тақдири хоқони саидга арз этилди. Подшоҳнинг ўзи тафтиш этишнинг бошида турди. Саййид эса уни инкор этишга қатъий ҳаракат қилди. Пир Али эса ўзининг ёзма тилхат ёзганлигига иқрор бўлди.

Шоҳрух Мирзо ҳукм қилди: «Пир Али хазиначисидан олган маблағини қайтиб берсин, шундан сўнг ҳар ким ҳар нимани олган бўлса, тилхати бўлса ундириб олинсин».

Шунинг учун бу муомалада қатнашган Хожа Пир Али ва бошқалар ҳибсга олиндилар. Саййид Фахриддин эса қўллаб-қувватланиб, шунингдек, вазирлик маснадида мустаҳкам ўрнашди, лекин Хожа Пир Али ва бошқа маҳбуслар сиёсат ваҳимасидан кўрқиб, ўзича секин гапиролмасликлари учун баланд овоз билан девонда гапирар эдилар.

Саййидга пора берган бошқа кишилар ҳар тарафдан дод-фарёд кўтардилар. Саййид Фахриддин фикр денгизига чуқур ўйга толиб, икки юз туман маблағ олишни маъқул кўрди ва шу йўл билан улар билан баҳслашишни йиғиштириб, қутулиб қолишни ўйлади.

Икки юз кепакий бир йил ичида тўлаш муддати билан қарз беришини сўраб ариза ёзди. Шунда девондагилар фармонга кўра, маҳбуслар қарзини Саййид номига ёздилар ва уни солиқчилар қўлига бердилар. Саййид Фахриддиннинг иши зўрлик ва мажбурийлик тусини олди. У Бойсунқур Мирзога ариза ёзди ва ҳазрат Рисолатпаноҳнинг (с.а.в) руҳиятидан илтижо қилиб, бу байтни ул арзномада муҳрлади:

Байт:

Жигар — чўғда, қонга ғарқ — юрак,
Раҳм-шафқатинг бўлса — бугунга керак.

Шаҳзода жавоб берди: «Ҳеч шубҳа йўқки, ҳазрат Расулуллоҳ (с.а.в)нинг руҳи Саййид Фахриддиндан содир бўлган бу жир-





канч ва ифлос кирдикорларга рози эмас ва унга насиб этадиган нараса унинг хунук ва ғализ ишининг самарасидир».

Байт:

Зулм қилиб, адолатни сўрайсан,
Элга берган шарбатингни ичгайсан.

Саййид бу жавобдан қотиллик заҳрининг ҳукми борлигини сезиб, Бойсунқур Мирзо томонидан ноумид бўлиб, унинг онаси маҳди улё Гавҳаршод оғодан нажот излади. Ул жаноб унинг та- зарру ва илтимосига раҳми келиб, ўглининг олдида шафоатдан сўз очди.

Бинобарин, маҳбусликни олиб ташлаш ҳукми содир бўлди, аммо солиқ йиғувчилар кўрсатмага биноан ҳар кунги ҳоқимият ва вазирлик хизматини амалга ошириб, бўлиб-бўлиб тўланадиган икки юз туман маблағнинг бир қисмини талаб қиларди. Саййид ул маблағни турли йўл ва усуллар билан тўплар ҳамда ҳийла- найранг ва чаққон-эпчиллик билан халқдан нақд пул ёки мол сифатида қарз оларди.

Шунга қарамай кеча-кундуз вазирлик орзусида эди. Ҳушли қулоғини ғафлат пахтаси билан беркитиб, унинг кўнгил қуши дабдабали мансаб фазосида парвоз этарди. Ҳамиша унинг тили- дан «фалон кишидан бир қанча туман олиш мумкин» деган сўз тушмасди.

Байт:

Табиатга одат бўлса қай иллат,
Тандан жони билан чиқади фақат.

Шу аснода, ғам-ғуссанинг кўплигидан турли касалликлар ва қарама-қарши зиддиятлар унинг вужудини қамраб олди, ҳатто табибларнинг моҳир қўллари ҳам уни муолажа қилишдан ожиз қолди. Саййид ичи тўла гина ва қасосга банд қалб билан нота- вонлик тўшагига йиқилди ҳамда вазирлик ҳасратида совуқ бир оҳ тортиб, 820 йил жумодилаввалнинг охирида¹ нариги дунёдан абадий манзил топди.

¹ 820 йил жумодилаввалнинг охири — 1417 йил 15 июль.





Ироқ ва Хуросон аъёнлари унинг ваҳимасидан симоб қатрасидек доим титроқ ва изтиробда эдилар, энди ўз ҳаётларига умид назари билан қараб, унинг таъзиясида қатнашдилар.

ГАРМСИР ВА ҚАНДАҲОРГА ЮРИШ ҲАМДА ХОЖА ПИР АҲМАД ХОФИЙНИНГ ВАЗИРЛИК МАСНАДИДА ЎТИРИШИ БАЁНИ



820 йилда Гармсир томондан жаҳонгир хоқон тахти пойига чопар келиб, Қандаҳорийнинг ўғли ва Малик Муҳаммад доим бири бири билан низо ва хусуматда бўлади деб арз этди. Уларнинг ҳар бири ҳукмга биноан у вилоятнинг туманларида ҳокимлик вазифасида ишларди. Шунинг учун у туманларнинг аҳолиси заҳмат ва машаққатда яшардилар. Бинобарин, жаҳонгир хоқон давлати байроғи ўша қишни Ҳирмаң дарёси¹ бўйида ўтказишни ҳамда ифвогарларни жазога тортиб, адолат ва инсоф эшикларини Гармсир² ва Қандаҳор вилоятлари атрофидаги аҳолига очиб қўйишни тақозо қилди. Олий байроқдор мавкаб саф тортиб ражаб ойида³ салтанат пойтахти Ҳиротдан йўлга тушди ва шаъбон ойининг ўн тўртинчисида⁴ зафарли байроқ у юртга ҳиммат соясини солди.

Ул манзилда Суюрғатмиш Мирзо Бадахшон амирлари билан зафарёр мавкабга қўшилди. Ҳазрат хоқони саид у ердан тўп патўғри Қандаҳорга йўл олди, чунки у Қайду Мирзонинг вазияти ва аҳволидаги иккиланишни сезган эди. Мазкур ойнинг йигирма иккинчисида⁵ зафарёр қўшин байроғи ул диёр уфқидан кўтарилди ва муборак рамазон ойининг ўттизинчисида⁶ Ғазни аслзодалари ва аъёнлари зафарли ўрдуга келдилар.

¹ *Ҳирмаң дарёси* — ҳозирги Афғонистондаги Тилмаң дарёси.

² *Гармсир* — ҳозирда Афғонистоннинг жанубида Гауди Зира кўлидан шарқроқдаги Гармсир саҳроси.

³ *820 йил ражаб ойи* — 1417 йил 24 августдан 12 сентябргача бўлган оралиқ.

⁴ *820 йил ўн тўртинчи шаъбон* — 1412 йил 26 сентябрь.

⁵ 1412 йил 4 октябрь.

⁶ *820 йил ўттизинчи рамазон* — 1417 йил 10 ноябрь.





Қайду Мирзо томонидан бир киши келиб, «шахзода қочибди» деб айтди. Ул ҳазрат айтдиларки, қўрққан бўлса керак ва ҳеч кимни унинг орқасидан таъқиб этишга юбормади. Кейинги оининг тўққизинчисид¹ келиб, Кобул ва Ғазнида Қайду Мирзонинг одамларидан асар ҳам қолмади, деди.

Шунда олий ҳимматли хоқон Иброҳим Мирзо Жаҳоншоҳни у томонга жўнатиб «Агар Қайду олдинга келса, сулҳ тузиб, Ғазнини унга бергин, акс ҳолда ул мамлакатни ҳам ўз қамровинга киритиб ол!» деб тайинлади.

Аҳвол шундай кетаётган пайтда садрлик мансабига мушарраф бўлган Мавлоно Садриддин Иброҳим ҳазрат хоқон кўрсатмасига биноан ҳазоралар орасига бориб, уларга фойдали маслаҳатлар бериб, дилга ўтирувчи ваъзлар айтиб, саркашлик мақомидан қайтариб, фармон йўлига солиш учун кетди.

Жаноб садрнинг шарафли нафаслари кор қилиб, ул қавмнинг бошлиқлари итоат ва бўйсуннишни изҳор этиб учқур отлар, юк кўтарувчи туяларни қудратли подшоҳ остонасига жўнатдилар ҳамда бож ва хирожни ҳам қабул қилдилар. Катта чодир-соябонлар Қандаҳор тумани ва ҳудудидан қишлоқ қилиб турилган манзилга жўнатилди. Ул юртда бир куни гижинглаган отга минди, тоғ ва даштнинг пасту баланд нишаб жойларидан ўтди, от тўсатдан ҳуркиб, ул ҳазрат эгардан ағдарилиб ерга йиқилди. Шу лаҳзадаёқ элчилар яшин тезлигида синган аъзоларни тузатиш илмида заргар қўлидек енгил касб эгаси устоз Миравий Камонгарни олиб келиш учун салтанат пойтахти Ҳиротга от сурдилар. Дарҳол устозни олиб келдилар, у эса муолажа қилишга киришди.

Ҳазрат хоқон зоти шарифи шунақа эдики, тезда оёққа тура бошлагани сабабли, устоз Миравийни инъом ва эҳсон билан шунчалик сийладики, энди муҳтожлик ва қашшоқлик унинг эсига ҳам келмасди. Хоқон хотирасига яшаб турган чайласида вазирлик мансабига муносиб кишини тайинлаш келди. Ва бир қанча фикр ва мулоҳазадан сўнг, вазирлик хилъати Хожа Гиёсиддин

¹ 1417 йил 19 ноябрь.



Пир Аҳмад Хофийнинг қобилиятли қоматига ёпилиб, девонхона ишлари қўлига топширилди. Хожа Пир Аҳмад бу қалтис ишни шундай бошладики, ҳам аҳоли рози бўлди, ҳам девондаги ишлар шошилишч бўлмасдан бир маромда олға силжиди. Шундай қилиб, ўттиз йилдан ортиқроқ муддатда ул зар қаламли вазир мамлакатни тадбир билан бошқарди. Улуғ насабли Хожа ул подшоҳ даврида мамлакатда адолат пойдеворини мустаҳкамлади ва шунчалик хайрли ишларни амалга оширдикки, узоқни кўра оладиган ақл собиқ вазирларнинг адолатли ва хайрли ишларини туш ва хаёл деб ўйларди.

Байт:

Бундай вазир ва бундай хоқон,
Кўрмагандир жумлаи жаҳон.

ҚИШЛИК МАНЗИЛ ВОҚЕАЛАРИ ЗИКРИ ВА ДОНГДОР ХОҚОННИНГ ҚАЙТИШИ БАЁНИ

Офтоб шуъласида қўшин байроғи Қандаҳор ҳудудидан қайтиб, рамазон ойининг ўн бешинчисида¹ Ҳирмаңд дарёси бўйи узра ҳилпираган пайтда, ўша ойнинг охирида² Амир Иброҳим Жаҳоншоҳ Кобулдан келиб, «Қайду Мирзо тез кунлар ичида келиб, остона ўпиш саодатига мушарраф бўлади» деб хабар берди.

Шу воқеалар жараёнида Амир Шайх Луқмон Барлос ҳазоралар ўз бўйнига олган молини олиш учун ўша ёққа кетган эди. Бир неча кундан кейин «ул жамоа мажбуриятни бажаришда бепарволикка йўл қўймоқда» деган хабар келди. Амир Муҳаммад Сўфи Тархон, Амир Мусока, Амир Туз бажарилиши шарт бўлган фармонга биноан ҳазора устига босиб бориб, уларнинг ишларини кўнгилдагидек бажариб, зулқаъданинг йигирманчисида³ катта бойлик билан қайтиб келдилар.

Юқори мартабали хоқон баҳор фаслининг бошларида ўзининг «байтул-шараф»ига⁴ қайтиб, Қайду Мирзонинг укаси

¹ 820 йил ўн бешинчи рамазон — 1417 йил 26 октябрь.

² 1417 йил 10 ноябрь.

³ 820 йил йигирманчи зулқаъда — 1417 йил 29 декабрь.

⁴ «Байтул-шараф» — хос уй; бу ерда Ҳирот кўзда тутилмоқда.

Санжар Мирзо, Амир Ёдгоршоҳ Арлот, Амир Алика ва Амир Ферузшоҳларни ул диёрда қолдирди ва уларга Қайду қачон келса унинг одамларини босқин қилиб, ўзини топиб, Ҳиротга — олампаноҳ даргоҳига олиб боришини буюрди.

Дашт ва тоғлар бағри кўм-кўк сабза ўтлар ва қип-қизил лолалар билан безанган зулҳижжанинг ўртасида¹ зафарли байроқ салтанат пойтахти Ҳиротга қараб ҳилпирай бошлади ва йўлга тушди.

Муҳтарам ва азиз ҳумоюн мавкаби муҳаррам ойининг иккинчисида салтанат пойтахтига олдинроқ келиб, уни гулистони Эрамга айлантириб қўйган эди.

821 йил рабиулаввалнинг бошида² олампаноҳ қулоғига «Қум шаҳрини ташлаб, Амир Қора Юсуф олдига кетган Саъд Ваққос Мирзо ўтибди» деган хабар эшитилди. Шу аснода Қандаҳор томондан амирлар Қайду Мирзони бирга олиб келдилар. Унга эътибор берилиб, илтифотлар кўрсатилди.

Бу воқеалар орқасидан «Бадахшон шоҳлари мустақиллик ҳаёлини кўнглига тугиб, тугён ва исён кўтарди» деган хабар тарқалди. Хоқони сайд дарҳол «Амир Шайх Луқмон, Амир Иброҳим, Амир Муҳаммад Сўфи Тархон, Амир Ферузшоҳ ва Амир Ҳамзага Қундуз, Бағлон, Арҳанг ва Соли Сарой сипоҳларини йиғиб, жасур шаҳзода Суюрфатмиш Мирзо бошчилигида Бадахшонга жўнасинлар!» деб фармон берди.

Шаҳзода Кашм³ манзилига келиб тушиши билан бу хабар ҳиди бадахшонликлар димоғига урилди. Ул ўлка ҳокими Шоҳ Баҳроуддиннинг ўғли Хожа Тожиддин Ҳасан Агторни шаҳриёр даргоҳига жўнатди ва итоат этишни изҳор этиб, бож ва хирож қоидаларини ҳам қабул қилди. Ул Ҳазрат эса Хожа Ҳасаннинг шафоат тилаб қилган илтимосини яхши қабул қилиб, шоҳлари жазоси устидан афв чизифини тортди.

Шаҳзода ва амирлар қайтдилар. Бадахшон ҳукумати шоҳлар ихтиёрида қолди.

¹ 820 йил зулҳижжанинг ўртаси — 1418 йил 23 январь.

² 821 йил рабиулаввалнинг боши — 1418 йил 8 апрель.

³ Кашм — Бадахшонда Таллиқон билан Файзобод оралигидаги шаҳарча, ҳозирда Кишим деб аталади.



Мазкур йилнинг ражаб ойида¹ Қайду Мирзо хоқоннинг уни тарбиялашдаги ҳуқуқини инобатга олмай, ярим кечада бир гуруҳ фитна аҳли билан Қандаҳорга йўлга тушди. Мирзо Бойсунқур шер йигитлар билан унинг орқасига тушди. Улар Сабз қишлоғида Қайду Мирзога етиб олдилар, уни занжирбанд қилиб, олампаҳоқ даргоҳига келтирдилар. Уни ҳукмга биноан Ихтиёриддин қалъасида ихтиёрдан маҳрум қилиб, маҳбус этдилар.

Шунда олампаҳоқ подшоҳ Қандаҳор, Кобул, Ғазни мамлакатларини Суюрғатмиш Мирзога берди. Унга қимматбаҳо насиҳатлар ва пандлар айтиб, жўнатиб юборди.

Ўша йил шаъбон бошида² гўзал хислат соҳиби Хоқон жаннатдек Машҳадга ташриф буюрди. У ерда тавоф амалларини бажарди ҳамда уч минг мисқол тиллодан³ ясалган қандилни назр сифатида мақбара гумбази шифтига осди. Каъбадек эҳтиром қилинадиган бу муқаддас дахманинг ҳудудидаги маконларни хайру эҳсон ва садақалар билан сийлаб қайтди.

822 йил рамазон ойида⁴ Ардашер тавочи Мочиннинг⁵ Дой Манг хонлиги элчилари ҳамроҳлигида олампаҳоқ даргоҳига қайтди. У 820 йилда Хитойга кетган эди. У подшоҳона совға-саломлар келтириш билан бирга, Дой Манг Хоннинг меҳру муҳаббат ва яқдилликка тўла мактубини ҳам етказди. Ҳазрат Саид эса Чиннинг⁶ Би То ва Мочин хони элчиларини иззат-ҳурмат билан қабул қилди ва уларга жуда кўп инъомлар берди. Элчиларнинг баъзилари Мирзо Иброҳим Султоннинг олдига – Шерозга кетдилар, бир гуруҳи эса Амир Ғиёсиддин Шоҳ Малик билан учрашиш учун Хоразмга қараб йўлга тушдилар.

823 йилда⁷ ҳаммалари биргалашиб Самарқандга келдилар. Мирзо Улуғбек Гурагон уларга катта тўйдек базм уюштирди ва Хитойга кузатиб қўйди.

¹ 821 йил ражаб ойи – 1418 йилнинг 4 августидан 3 сентябригача бўлган оралик.

² 821 йил шаъбон боши – 1418 йил 3 сентябрь.

³ Агар Шоҳруҳ даврида 1 мисқол 3,852 г бўлганини этиборга олсак, Машҳаддаги мақбара шифтига осган тилло қандилнинг оғирлиги 1,745 кг бўлганини кўраимиз.

⁴ 822 йил рамазон ойи – 1419 йил 21 сентябрь ва 20 октябрь оралиғи.

⁵ Мочин – Шимолий Хитой.

⁶ Чин – Жанубий Хитой.

⁷ 823 йил – 1420 йил 17 январдан 1421 йил январгача бўлган оралик.



Ҳазрат хоқони саид элчилик йўсинини бажариш учун Амир Шоди Хожани, Бойсунқур Мирзо Султон Аҳмад Хожа Фиёсиддин Наққошни, Иброҳим Султон Мирзо Амир Ҳасан Паҳлавон Жамолни, Суюрғатмиш Мирзо Амир Шоҳ Малик Арғунни, Бадахшон шоҳлари Хожа Тожиддинни Хитойга жўнатган эди. У жамоанинг Хитойда кўрган ажиб хотиралари иншооллоҳ китоб хотимасида баён қилинади.

Ўша йили, яъни 823 йилда зафарёр хоқон Марвда қишлади ва баҳорнинг биринчи кунлари Бодғиснинг жонга озиқ берувчи бағрига шошилиб, у ердан салтанат пойтахти Ҳирот сари йўлга тушди ва Озарбайжонга юришни азму қарор қилди.

АМИР ҚОРА ЮСУФНИНГ АМИР ШАЙХ ИБРОҲИМ ШИРВОНИЙ БИЛАН ТЎҚНАШУВИ ВА КЕЛИШУВИ ЗИКРИ ҲАМДА ОЗАРБАЙЖОН ҲОКИМИНИНГ ҲАЗРАТ ХОҚОН ФАРМОНИГА БЎЙСУНМАСЛИГИ БАЁНИ

Амир Қора Юсуф Султон Аҳмад Жалойир устидан ғолиб бўлиб, унинг ҳаёти риштасини қилич зарби билан ҳал қилган пайтда, Ироқи Араб, Озарбайжон ва Аррон ҳудудидаги барча амирлар ва ҳокимлар қаерда бўлишидан қатъи назар, Амир Қора Юсуф фармониغا бўйсунмади, фақат Амир Шайх Иброҳим Ширвоний унга ишонмади, унга итоат этмади.

Ширвоншоҳнинг Озарбайжон шоҳидан шубҳа қилишининг сабаби шунда эдики, Султон Аҳмад Табризга қараб юрган пайтда ўз ўғли Малик Каюмарсни ёрдам бериш учун бағдодликлар ҳарбий ўрдугоҳига юборган эди.

Алқисса, тарафлар ўртасида низо шундай бир ҳассос дамларга етиб келди, Амир Шайх Иброҳим зудлик билан Ширвон сипоҳини тартибга солиб, гуржилардан кўмак сўради. Кустандил¹ эса икки минг мукамал отлик билан унга қўшилди.

¹ *Кустандил* – Гуржистоннинг Картли қисмининг подшоҳи Константин.

Амир Қора Юсуф эса Ширвоншоҳ хайл-фикридан воқеъ бўлди. Эзақарийдан. Аррон ва шижоатли туркманларнинг катта гўруҳи билан мухолиф кузлар тўмон ҳаракатга тушди. Кармиён дарёси бўйида бу икки жасур сардор ўртасида

низо олови аланга олиб, ширвонликлар мағлубиятга учрадилар, гуржиларнинг кўпи қатл этилди. Амир Шайх Иброҳим эса урушдан кўра қочишни афзал кўрди, қочиб кетаётиб, қўшин атрофидаги хандақлар устидан сакраб ўтаман деб, эгардан ерга ағдарилиб тушди ва қўли синди. Бир нотаниш туркман устига келиб қолиб, унинг оти ва кийимини ечиб олиб, ўзини ташлаб кетди.

Амир Шайх Иброҳим қўл офриғидан изтиробга тушиб, ўзини туркманлардан бирига кўрсатди. У киши бўйнига бир парча латта бойлаб, қўлини бўйнига осиб, уни Амир Қора Юсуф олди-га олиб борди. Шунингдек, Кустандил ҳам Гуржистоннинг бир гуруҳ забардаст қаҳрамонлари билан, тақдир тақозосига кўра асирга тушди. Амир Қора Юсуф гуржийларни қасос тивидан ўтказди.

Амир Шайх Иброҳим маҳбус ҳолда Табризга келтирилди. Табризликлар Ширвон подшоси уларнинг тарафдори бўлгани боис, улардан қайсиси Амир Қора Юсуф йиғинида сўзлашга имкони бўлса, улар Амир Шайх Иброҳимнинг мақтовга лойиқ феъл-атвори ва муносиб амаллари, сўзлаш одоби ва эзгу қилмишларини сўзлар эди. Шунинг учун Амир Қора Юсуф Ширвоншоҳни афв этиб, уни ўз базмига чорлади. Унинг арбоблари Амир Шайх Иброҳимга бода ичиргандан сўнг, Ширвон подшосининг димоғига хушбўй бода таъсир этиб Амир Қора Юсуфга шундай ёқимли сўзлар изҳор этдики, уни мафтун қилиб қўйди. Унинг оёғидаги кишанни олиб ташлаб, унга ўз ёнидан жой берди.

Шу билан бирга бу базмда Ахи қассоб ва Табриз арбоби ҳадылар келтириб, Амир Қора Юсуфга айтдилар: «Амир Шайх Иброҳим олий девон ноибларидан қанча маблағ қабул қилса, биз кафилмиз, фақат солиқ йиғувчилар тилло ўрнига мол олиш шартини қабул қилса бас».



Амир Қора Юсуф бу илтимосни ижобий ҳал қилди. Шундай қилиб, Амир Шайх Иброҳим бир минг икки юз туман ироқий маблағни қабул қилди. Шунда Қора Юсуф Ширвон ҳукумати белгисини унга берди. Ширвон доруғаларини ўз мамлакати туманлари ва қалъаларига жўнатди. Ўша қишда у Амир Қора Юсуф базмидаги ҳамтовоғи ва дўсти эди.

Озарбайжон девони ходимлари унинг олган мажбуриятлари тилхатини Ахи қассоб ва кафил бўлган бошқа арбобларга ёздилар, улар газмол ва кийим тилхатини бериб, Амир Шайх Иброҳимдан Ширвон моллари эвазига ундириб оларди.

Бироз вақтдан сўнг бир минг икки юз туман ўзидан қўйиб, баҳор бошида Амир Шайх Иброҳим ижозат олиб, ўз пойтахтига шошилди.

Истиқлол тантанаси Амир Қора Юсуфнинг шавкати ва саодати Хуросонга ҳам етиб келиб кенг ёйилди. Ана шу пайтда эзгу хислатли хоқон Сиддиқ номли элчини Амир Қора Юсуф олдига жўнатди. Ўзига итоат этиш ва бўйсунушига даъват қилди. Сиддиқ эса Озарбайжон ҳокимидан паришон ва тарқоқ жавоблар эшитиб, унда қайсарлик ва саркашлик аломатларини кўриб, олий пойтахтга қараб жўнатди. У ерда нима кўрган ва эшитган бўлса, батафсил сўзлаб берди.

Шунинг учун олий мақсадли хоқон зафарёр қўшинни Озарбайжонни фатҳ этиш ниятида шайлади.

ЗАФАРЁР ҚЎШИННИНГ ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ФАТҲ ЭТИШ УЧУН ХУРОСОНДАН ҲАРАКАТГА ТУШИШИ БАЁНИ

Амир Қора Юсуфнинг тўқнашув нияти ва Амир Қора Юсуфнинг вафоти ва Озарбайжон мамлакатларининг ишғол этилиши тафсилоти қисқача шундан иборатки, ҳазрат хоқони саид Озарбайжон мамлакатини фатҳ этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган пайтда ҳумоюн фармони кучга кирди. Тавочи амирлар зафарёр аскарларни қайта чақирсинлар, ўз ҳудудларидаги



мамлакатлар сипоҳини Туркистоннинг баъзи жойларидан то Ҳиндистон чегарасигача ғалабакор ҳарбий ўрдугоҳлардаги белгиланган жойга ва муайян вақтда йиғсинлар деб жар орқали эълон қилдилар. Шунингдек, уруш анжомлари, жиҳозлари билан таъминлашга буйруқ берилди.

Мансабдор амирлар ҳумоюн қуролхонасида фақат ўттиз минг жиба мавжуд деб айтдилар. У ҳазрат эса айтди: «Яна ўн мингта жиба тайёрлаш керак!»

Аниқ кўрсатмага биноан Мирзо Улуғбек Гурагон Туркистон ва Мовароуннаҳр ҳимоясига, Суюрғатмиш Мирзо Кобул, Ғазни ва Зобулистонни забт этишга тайинланди. Амир Сайди Аҳмад Тархон эса салтанат пойтахти Ҳирот ҳукуматига белгиланди.

823 йил шаъбон ойининг ўн биринчисида¹ ҳумоюн соябон қуши «Боғи Зоғон»дан йўлга тушиб, жаннатдек бир яйловга келиб қўнди. Ҳаво ҳароратининг ниҳоятда баландлиги ҳамда қўшин йиғилгунча бир неча кун у ерда тўхтаб туришга келишишди.

Ул манзилда Амир Ғиёсиддин Шоҳ Малик Хоразм сипоҳи билан ўрдугоҳга етиб келиб, остона ўпиш шарафига эришди. Амир Ҳасан Сўфи ҳамроҳлигида ғалабаёр қўшиннинг манглай қисми олдинроқ жўнаб кетди.

Ҳазрат хоқони саид муборак рамазон ойининг тўртинчисида² саодатли юлдуз остида бир қанча манзил ва масканларни босиб ўтди ва муборак ойнинг йигирманчисида³ ов қилиш жараёнида Нишопур вилоятини ҳам орқада қолдирди.

Бойсунқур Мирзо эса жасур ва мард аскарларнинг бошловчиси бўлди. Ойнинг йигирма тўққизинчисида⁴ Баҳробод⁵ қасабаси фазоси улуғ насабли подшоҳ мавкаби кириб келиши нуридан янада равшанлашди.

Ҳазрат хоқон шул пайтда ийди фитр фарзлари ва суннатлари қоидаларини бажаришга киришди.

¹ 823 йил ўн биринчи шаъбон — 1420 йил 21 август.

² 823 йил тўртинчи рамазон — 1420 йил 12 сентябрь.

³ Ҳашта йил 28 сентябрь.

⁴ Ҳашта йил 7 октябрь.

⁵ Баҳробод — Ҳирот шимолидаги мавзе.



У ердан ҳам йўлга тушиб, шаввол ойининг ўн тўртинчисида¹ Семнон ноҳиясида тўхтади. Шу ҳолатда қўшинлар йиғилиши давом этиб Сейистон, Фароҳ², Кўҳистон, Гармсир, Қандаҳор, Кобул ва Ғазни қўшинлари ғалабаёр сипоҳга қўшилдилар. Шунингдек, Амир Илёс Хожа ҳам Қум ва Кошон³ аслзода ва аъёнлари билан салтанат ошиёнига шошилиб келарди.

Музаффар қўшин мазкур ойнинг йигирмасида⁴ Намак кўлидан⁵ ўтиб, Рай даласини эзгулик аломати сифатида яйловга айлантирди.

Шу аҳволда Мирзо Иброҳим Султон Форс қўшини билан ташриф буюрди ва бузруквор отаси билан кўришиш шарафига мушарраф бўлди.

Худди шундай Рустам Мирзо ҳам Исфаҳон аскарлари билан, Султон Увайс ишдан четлатилганидан кейин Кермон ҳокими бўлган Амир Гиёсиддин ҳам ҳумоюн ўрдуга етиб келди.

Амирлар ва тавочилар бир неча кун қўшинларнинг эҳтиёт қисмларини ҳисоблаб, икки юз минг отлиқ эканлигини аниқладилар.

Рубойи:

Уммондек мавж урар лашкарда журъат,
Ботирлар Баҳромдек, кийими — пўлат.

Ул томондан Амир Қора Юсуф ҳам кўп ва мағрур қўшин билан саркашлик ва манманлик мақомида собитқадам бўлиб, олишиш ва солишишга шай бўлиб, Табриз дорилмулкидан Ужон⁶ чегарасига келди.

Шу вақт ичида Амир Гиёсиддин Шоҳ Малик гапга уста ва чечан мулозимларидан бирини элчи сифатида Амир Қора Юсуф олди.

¹ 823 йил ўн тўртинчи шаввол — 1420 йил 22 октябрь.

² Фароҳ — Афғонистоннинг жануби-ғарбидаги вилоят ва шаҳар, Фарахруд дарёсининг чап қирғоғида жойлашган.

³ Кошон — Техрондан 200 км жанубдаги шаҳар.

⁴ 823 йил йигирманчи шаввол — 1420 йил 28 октябрь.

⁵ Намак кўли — Эроннинг марказий қисмида Қумдан шарқроқда ва Кошондан шимолдаги кўл. Форсча номи Дадёчай намак.

⁶ Ужон — Озарбайжонда Табриз билан Туркманчой оралиғидаги шаҳарча.



жўнатиб, «Ҳазрат хоқони саид ниҳоятда улуғ мартабали подшоҳ бўлиб, марҳум жаҳонгир Соҳибқироннинг ўринбосаридир. Шунинг учун улар кечирим ва афсусдан сўз очиб, бахтиёр шахриёр сўзига хилоф равишда қилинган аввалги ишлардан афсус-надомат изҳор қилиб, Султония қалъаси ва Қазвин туманини олий девонга қолдирсангиз, токи биз ўч олишдан ҳазрат Хоқонни қайтариб, Озарбайжон, Аррон ва Бағдод вилоятларини то Рум, Шом ҳудудигача ул жаноб номига ўтказиш ҳақидаги белгини жўнатаётибмиз» деб хабар юборди.

Амир Қора Юсуф эса ёрдамчи ва ансорларнинг¹ қўллаб-қувватлайдиган шижоатли қўлларнинг зиёдлиги ва қувватидан мағрурланиб, бу сўзларни эшитгач, жаҳли чиқиб ғазабланди ва юборилган кишини ҳибсга олиб, маҳбус этди.

Душманнинг журъати ва жасоратининг зиёдлиги ҳақида қудратли Хоқонга айтганларида, ул жаноб уларнинг зоҳирий кўринишларига аҳамият бермай, Парвардигор даргоҳига юз тутди, ундан ғалаба ва фатҳ этишда кўмак тилади. Жамоага эса ўн икки минг марта «Инна фатаҳна» сурасини ўқишни буюрди. Ул диндор подшоҳнинг фикру зикрига ғайбдан фатҳ ва ғалаба хушxabари эшитилгандан сўнг Амир Юсуф Хожани минг нафар яхши қуролланган отлиқ аскар билан Қазвин² томон жўнатди. Қосим деган киши Амир Юсуфдан олдин ул сарзаминнинг ҳокими эди, у шаҳарни ўз ҳолига ташлаб, Султонияга шошилиб кетди.

Амир Қора Юсуфнинг ўғли Жаҳоншоҳ Мирзо эса ул қалъани забт этишга киришган эди, уни воқеадан хабардор қилиб қўйди.

Амир Юсуф Хожа Қазвинга кириб, у ернинг аҳолисига амну омонлик берди, аслзода ва аъёнларни саодатли ошиён остонасига жўнатди.

Жаҳоншоҳ Мирзо Султонияда қуёшдек порлоқ қўшиннинг Ироқ вилоятига кирганлигидан хабардор бўлгач, қалъа буржи ва деворларини мустаҳкамлашга белини маҳкам боғлади ва тартиб

¹ Ансорлар – Муҳаммад пайгамбарнинг қурайш мушрикларига қарши курашида унга ёрдам бериш ҳақида у билан иттифоқ тузган мадиналиклар.

² Қазвин – Техрондан 150 км шимоли-ғарбдаги шаҳар.



билан ўзини ҳимоя қилиш жиҳозлари билан шуғулланди. Шу аснода Табриздан бир чопар келиб, «Амир Қора Юсуф ширин жонини Аламут мулкига¹ топширди, тожу тахт билан видолашди», деган хабарни етказди. Шубҳасиз, Жаҳоншоҳ Мирзо саросимага тушиб қолди ва Султонияни ташлаб қочди.

Бундан ташқари ўша айёмда элчи Қазвиндан Оқхожа манзилида бўлган зафарёр ўрдуга қараб ҳаракат қилиб, зулқаъданинг ўн биринчисида² олампаҳоқ даргоҳига етишди ва Қора Юсуфнинг вафоти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Ҳазрат хоқони саид фотиҳа қилиб, Султония томон ҳаракат қилди. Бойсунқур Мирзони Амир Алика Кўкалдош билан Табриз томон жўнатди. Мирзо Иброҳим Султон эса фармонга биноан Марофага йўл олди.

Жаҳонгир туғи зулқаъданинг ўн бешинчисида³ Султония яқинига кириб келди. Бечора оддий халқ қиёматасар лашкарнинг Хоқон мавкабини кутиб олди.

Ҳазрат ул жамоат аҳволига раҳм қилиб, шаҳарга чопар жўнатиб, «Ҳеч бир махлуқ қалъадан ташқарига чиқмасин», деб буюрди.

Амир Мусока бўлса Султония шаҳрини муҳофаза қилишга тайинланди.

Жаҳонгир хоқон Ардабилга⁴ ташриф буюрди ва ҳазрат Султон Авлиё ва Бурҳон ул-асфиё Шайх Сафоуддин⁵ мақбара ва дахмаларини зиёрат этиш шарафига муяссар бўлди.

У ердан Муғон⁶ йўлига тушиб, мазкур йил зулҳижжа ойининг саккизинчисида⁷ Арас дарёсидан ўтиб, эртаси куни Аррон Қорабоғида тўхтади ва бу ерда қишлаш режасини кўзлади.

¹ Бу ерда муаллиф заҳарҳанда қилаяпти: «Аламут» атамаси «Қалъатул мавт», яъни «Ўлим қалъаси» атамасининг содалаштирилгани. Демак, у «Қора Юсуф ўзини ўлим мулкига топширди» демоқчи.

² 823 йил ўн биринчи зулҳижжа — 1420 йил 17 ноябрь.

³ Ўша йил 21 ноябрь.

⁴ Ардабил — Эрон Озарбайжонидаги шаҳар, Каспийга яқин жойлашган.

⁵ Шайх Сафоуддин — Эрон сафавийларининг аждоди. Муаллиф уни «Султон Авлиё», «Бурҳон ул-асфиё» деб улуғламоқда.

⁶ Муғон — Эрон Озарбайжонидаги чўл.

⁷ 823 йил саккизинчи зулҳижжа — 1420 йил 14 декабрь.



АМИР ҚОРА ЮСУФНИНГ ТАШВИШЛИ ОЛАМДАН КЕТИШИ ВА БОЙСУНҚУР МИРЗОНИНГ ПОЙТАХТ ТАБРИЗГА ЕТИШИШИ ЗИКРИ



Амир Қора Юсуф ғурур ва кеккайиш тожини бошига қўйиб мағрурлик ва гердаиш билан Ужон чегарасини ҳарбий ўрдугоҳ қилиб, сипоҳини беадад ёшлар билан безаган пайтда, тўсатдан ажал ва хатарли касаллик етиб келди. 823 йил зулқаъданинг еттинчи пайшанба кунид¹ унинг ҳаёт йўли охирига етди.

Ўша пайтда Қора Юсуфнинг ўғилларидан ҳеч ким ўрдуда йўқ эди. Туркман амирлари ўша мудҳиш воқеадан кейин паришон бўлиб, ҳар бири боши оққан томонга кета бошладилар, эгасиз майит эса катта чодирда қолиб кетди. Оддий халқ эса талон-торожга қўл чўзиб, ҳатто, Қора Юсуфнинг қулоғидаги тилло балдоғини олиш учун унинг қулоғини кесиб кетдилар.

Мазкур ойнинг саккизинчиси жума куни Сайди Муҳаммад Кўхжоний ва Табризнинг бошқа аъёнлари Амир Шоҳ Малик навкарларини йиғиндан ташқарига чиқариб, тавба ва илтижо амалларини бажариб, Амир Қора Юсуф ота-боболари мақбарасига дафн этиш учун Аржис томон жўнатди.

Бойсунқур Мирзо биринчилардан бўлиб Табриз давлатхонасини эгаллаб олди ва танга хутбасини ўзининг бузруквор отаси исми ва лақаби билан безаб, адолат байроғини тикди.

Ўша пайтда Амир Қора Усмоннинг ўғли Амир Алибек эса Амир Қора Юсуфнинг ўрдусида маҳбус эди. У ўз бошлиғи Амир Қорадан рухсат олиб, чакмон кийган ҳолда шаҳзода мулозиматига эришди ва отаси олдига кетди.

Бойсунқур Мирзо Табризнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим ишларидан фориф бўлгач, ҳазрат хоқони саиднинг Кодрудга бориб, олампаноҳ даргоҳига хирож юбормаган Амир Бобо Ҳожини тутиш ҳақидаги фармони қўлига тегди.

Бу воқеанинг тафсилоти бундай: Амир Шайх Муҳаммад Ироқийнинг ўғли Амир Бобо Ҳожи жасур, шижоатли бўлганлигидан

¹ 823 йил еттинчи зулқаъда – 1420 йил 13 ноябрь.



бошқалардан мумтоз ва мустасно эди. Умар Мирзо замонида унинг отасини Амир Жаҳоншоҳ Жоку ўлдирган эди, у эса отасининг қасосини олиш учун Амир Жаҳоншоҳни ҳалок этди. Амир Қора Юсуф истилоси замонида эса у билан туркманлар ўртасида бир неча марта мухолифлик ва ҳарбий тўқнашувлар рўй берди. Охирида унинг ўзи Амир Қора Юсуфнинг олди-га бориб, Кодруд вилоятининг туманида унга турли мурувватлар кўрсатиб сийлайди. Шунинг учун хоқон байроғи Қаробоб қишлоғига қараб юрди.

Амир Бобо Ҳожи ваҳимага тушиб, ўзининг укасини муносиб ҳадылар билан унинг ошиёни остонасига жўнатди, аммо қудрат ва виқор этагидан асло пастга тушмади. Унинг бу иши улуғ мартабали хоқон кўнглига оғир ботди, шунинг учун Бойсунқур Мирзони Кодруд юришига тайинлади. У зафарёр қўшин билан Бобо Ҳожи беркиниб олган мавзе – Кодруд қалъаси яқинига келди ва унинг олди-га гапга чечан элчини юборди. У яхшилик ва эзгуликка чорлайдиган сўзларни ҳамда мухолифликнинг оқибати ваҳимали бўлишини айтди.

Амир Бобо Ҳожи бирдан-бир чора келишишда деб билиб, илтимос тадбирини қўллаб, қалъадан ташқарига чиқди. Шаҳзода унга берган ваъдасидан икки баробар кўп инъом ва эҳсон берди.

Амир Бобо Ҳожи саодатли шаҳзода ҳамкорлигида ҳумоюн ўрдуга қараб юрди ва зулҳижжанинг ўн олтисида мақсадга етиб келиб, ҳазрат хоқони сайд лутфу карамига эришиб, боши осмонга етди ва бошқа улуғ амирлар сафидан ўрин олди.

ҚОРАБОҒДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ ҲАМДА ИСФАРЗАН ВА БОЯЗИД ҚАЛЪАСИ ФАТҲИ БАЁНИ

Ҳазрат хоқони сайд муваффақиятга эришиб, 823 йил зулҳижжанинг тўққизинчисида¹ Аррон Қорабобига бориб, қишлаш учун у манзилни ихтиёр қилди ва жаҳонпаноҳ боргоҳи қуббасини

¹ 823 йил тўққизинчи зулҳижжа – 1420 йил 15 декабрь.

қуёш ва ой сингари осмону фалакка етказди. Теварак-атроф маликлари, ўлка ҳоқимлари турли совға-салом ва ҳадялар билан олий ўрдуга келиб, қўл ўпиш маросимига эришдилар.

Хожасифат хоқон илтифоти шуъласи ҳамма узра сочилиб, ифтихорлик ва фахр туйғуси осмону фалакка етди. Жумладан, отаси Амир Халилуллоҳ Ширвоний вафотидан кейин Амир Шайх Иброҳим Ширвон шоҳи бўлган эди. Унинг шакли шамоилдан насли тоза ва олийжаноблиги очиқ-ойдин кўриниб турарди. Мазкур ойнинг ўн тўртинчисида¹ зафарёр хоқон мулоқотига эришиб, унинг мурувватига сазовор бўлди. Ҳазрат хоқон Амир Қора Юсуф ҳарамсаройида яшаётган Або Бакр Мирзонинг қизини унинг никоҳига берди.

824 йил муҳаррам ойининг ўн тўртинчисида² аввалги фармонга биноан Мароғага³ кетган Мирзо Иброҳим Султон қайтиб келиб, олий мартабали отаси билан кўришиш шарафига эришди ва кўнгли фахр-ифтихор туйғуси билан тўлди.

Шу воқеалар жараёнида Дехлидан чопар келиб, пешкаш-ҳадя сифатида Ҳиндистоннинг тансиқ нарсаларини қўйиб, ул диёрда ҳоқим бўлган Хизрхон номидан эҳтиёж ва қашшоқлик ҳақида сўзлади.

Олий мартабали хоқон қишки юриш даври ўтганлиги боис, рабиулаввалнинг ўн тўққизисида⁴ қишлоқ юртидан Табризга йўл олди. Мазкур ойнинг йигирма иккинчисида⁵ Бойлақонда тўхтади. У ердан ҳам ҳумоюн ҳаракати бошланиб, Қарокўмак мавзеига етган пайтда «Ёрмуҳаммад Қарамон Ганжа⁶ ва Бардаъа⁷ худудида босқин қилиб, фитна-фасод байроғини кўтарибди», деган хабар келди. Шунинг учун салтанатнинг жасур таянчи Бойсунқур Мирзо у бадбахтнинг илдинини қуритиш учун жўнатилди.

¹ Ўша йил 20 декабрь.

² 824 йил ўн тўртинчи муҳаррам — 1421 йил 19 январь.

³ Мароға — Эрон Озарбайжонида Урмия кўлининг шарқий соҳили яқинидаги шаҳар.

⁴ 824 йил тўққизинчи рабиулаввал — 1421 йил 24 март.

⁵ Ўша йил 27 март.

⁶ Ганжа — Шимолий Озарбайжондаги шаҳар, Низомий Ганжавийнинг ватани.

⁷ Бардаъа — Шимолий Озарбайжондаги қадимги шаҳар, ҳозирги номи Барда.



Ёрмуҳаммад эса Гуржистон диёрига қараб қочиб, Исфарзан қалъасидан бошпана топди. Бойсунқур Мирзо ул қалъа яқинига шошилиб бориб қамал қилди ҳамда ғалабаёр сипоҳ уларни қамал этиб, тўқнашувлар содир бўлди.

Ёрмуҳаммад икки-уч кун ўзини мудофаа қилиб, қаршилиқ кўрсатди, сўнг қалъадан чиқиб, олийжаноб шаҳзода даргоҳига юкиниб келиб, омонлик сўради. Бойсунқур Мирзо эса Ёрмуҳаммаднинг жазоси баҳридан ўтиб, уни ҳамроҳ қилиб қайтди.

Ҳасанхон манзилида уни занжирбанд ҳолда ҳазрат хоқон пойига олиб келди. У ҳазрат Ёрмуҳаммадга деди: «Ўзингни беобрў қилдинг!»

Сўнг уни Амир Чаҳоршанбага топширди. Шундан сўнг ҳумоюн мавкаби у мавзедан йўлга тушиб, жумодилаввалнинг ўнинчисида¹ Аракс дарёсидан ўтди. Зафарёр сипоҳ Арзоб водийсига етганда, шу минтақада Боязид² номли қалъа бор, ниҳоятда баланд ва мустаҳкамлигидан Амир Қора Юсуф буни эшитиб, беҳисоб нафис бойлиги ва захираларини шу ерга юборган деб эшитди.

Унинг вафотидан кейин унинг ўғли Амир Испанд ул қалъани қўлга киритиб, ўзининг одамларидан баъзиларини у ерда беркитиб қўйган эди.

Ҳазрат хоқони саид Боязид номли қалъани фатҳ этишга қарор қилди ва жумодилаввалнинг йигирма учинчисида³ ул қалъа теварагида тўхтади. Ва у ерга бир кишини юбориб, бу қалъа бошлиқларини итоат этиш ва бўйсунушига даъват этди. Ул халқ қалъани топширишдан бош тортди. Қиёматасар қўшин улар устига жанг оловини ёқиб, тош ва ўқ ёғдирдилар.

Қамалдагилар қаршилиқ ва тўқнашувга қарор қилиб олдинга чиқдилар, эрталабдан кечгача саъй-ҳаракат қилдилар. Ўша куннинг охирида, қуёш ботаётган пайтда таслим бўлдилар.

Жуда кўп бойликлар зафарёр сипоҳга насиб қилди. Сўнг Олатоғ яйловига қараб юрдилар. Ҳазрат хоқони саид ҳумоюн

¹ 824 йил ўнинчи жумодилаввал – 1421 йил 13 май.

² Боязид қалъаси – ҳозир Туркиянинг шарқидаги Дўғубаязит шаҳри.

³ Ўша йил 26 май.



ўғруқни Заранжий тоғи этагида тўхтатди. Ўзи эса элик минг бақувват донгдор отлиқ сипоҳ билан Ахлотга ташриф буюрди.

Шул мақомда Авник қалъаси ҳокими Амир Дўлдой, Ван ҳокими Малик Изиддин Шернинг ўғли Султон Малик Муҳаммад ва Қора Усмоннинг ўғли Амир Али салтанат ошиёни остонасига келиб, хусравона саховатдан бошлари осмонга етди.

Жумодилохирнинг ўн олтинчисида¹ зафарёр хоқон Ахлотдан² Аржисга қараб йўл олди. У ердан Оқбулоққа борди. Оқбулоқда Амир Қора Усмон ҳумоюн мавкабига қўшилиб, олам подшосининг қўлини ўпиш бахтига мушарраф бўлди.

Пешкаш-ҳадялар бериб, хусравона инъомларга ва махсус подшоҳона тож ва камар олишга муяссар бўлди ҳамда олийшоҳ хоқон билан жиловдош бўлиб, Табриз томон равона бўлдилар.

ОЛИЙЖАНОБ ХОҚОННИНГ АМИР ҚОРА ЮСУФ ТУРКМАН АВЛОДИ БИЛАН ЖАНГИ ЗИКРИ

Офтоб шуълали хусравсифат қўшин Оқбулоқдан Табризга келаётиб, йўл асносида Амир Қора Юсуфнинг ўғиллари – Искандар ва Испанд кўп сонли сипоҳ билан ҳар хил гапларга ишониб, исён кўтариш хаёлида, Одил Жавоз ва Ахлот ҳудудига келдилар деб эшитди.

Бинобарин, яхши хислатли хоқон қарғишга лойиқ душманни кўпориб ташлашга жазм қилиб, қирғин уруш майдонига от сурди.

Амир Қора Усмон ва Амир Илёс Хожа зафарёр қўшин бошловчиси бўлиб, олдинроқ йўлга чиқдилар. 824 йил ражаб ойининг охирида³ икки қўшин бир-бири рўпарасига келиб, тарафлар сафларини тўғрилашга киришди. Карнай, сурнай ва ноғораларнинг маҳобатли садоси еру кўкни зилзилага солди. Давр ботирлари жанг майдонига кирдилар.

¹ 824 йил ўн олтинчи жумодилохир – 1421 йил 18 июнь.

² Ахлот – Ван қўлининг шимолидаги қалъа, ҳозир унинг харобалари қолган.

³ 824 йил ўттинзинчи ражаб – 1421 йил 31 июль.



Ўша куни қуёш кўтарилганидан то қоронғу тушгунча кек-адоватли бу икки лашкар олишишди. Бир-бирини йўқ қилишда қилич ва ханжар жиддий ишга солинди.

Кеч тушиши билан ҳар томон ўз ҳарбий ўрдусига кетди. Эҳтиёт чоралари қўрилиб, эрталабгача қоровуллик қилдилар.

Эртаси куни қуёш чиқиши билан комёб хоқон отга миниб, зафаршиор қўшиннинг баронғор ва жавонғор қисмларини тартибга солиб, душман томонга юз бурди.

У ердан амирзода Искандар ва амирзода Испанд ҳам қиёматасар қўшинлар солишаётган ерга келди. Яна бир марта совут кийган баҳодирлар худди мавжланаётган Қулзум денгизидек жўш урарди.

Ўша куни амирзода Рустам Умаршайх ва Амир Иброҳим Жаҳоншоҳ шундай жанг қилдиларки, Рустам ва Исфандиёрнинг¹ шижоатли қаҳрамонлик достони бир зум бўлса ҳам одамлар хотирасидан кўтарилди. Туркман қўшинининг довьорак сипоҳларидан ҳисобланган Пир Ҳусайн Саъд асирга тушди.

Қоронғу тушиши билан икки қўшин аскарлари ўз манзилларига кетдилар ва қоровулликни давом эттирдилар.

Учинчи куни эрталаб шаъбон ойининг биринчиси² туркманлар иқболининг завол топиш куни бўлди, зафарёр қўшин қирғин ва қизғин уруш майдонига кирди.

Ўша куни туркманларнинг жасур сипоҳи кетма-кет ҳамла қилиб, Хожа Муҳаммад Мушарраф Семнонийни бир неча хурсонликлар билан қиличдан ўтказдилар. Ҳумоюн мавкаби мулозимларига зарар етишига сал қолди.

Шу пайт диндор хоқон фармонига биноан жанг майдони ўртасида қурилган таҳоратхонага келиб, чошт намозини умрида қанда қилмаган ҳазрат хоқон ҳеч шошмасдан таҳорат қилди икки ракат намоз ўқиди, пешонасини эҳтиёж юзасидан ерга теккизди, Аллоҳ даргоҳидан ғалабага мадад беришини сўради. Ҳумоюн вужудида дуонинг ижобат белгилари зоҳир бўлгач, сирлар хилватхонасидан ташқарига чиқди ва шоҳона отга миниб, қўшин маркази томон от суриб, ўз жойида турди.

¹ Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги афсонавий қаҳрамонлар.

² 824 йил биринчи шаъбон – 1421 йил 1 август.





Шу маҳалда Амир Гиёсиддин Шоҳ, Маликнинг кўнглига ҳарбий бир ҳйла келиб, ғалабадан башорат берувчи шодиёна ноғора ва карнай чалишни буюрди. Улар шундай баланд овоз билан чалдиларки, амирзода Испанд жанг майдонида қотиб қолди. Искандар эса бу шодиёна қувончли садони эшитиб, ҳанг-манг бўлиб донг қотди. Туркманлар от жиловини олишув сафидан чиқариб, қочиш водийсига бурди. Ғалабакор лашкар ботирлашиб, бирданига марказ, баронғор ва жавонғор томондан душман устига ташландилар.

Қора Юсуф авлодининг мустаҳкам ва барқарор тадбири парчаланиб, афсус ва надомат билан мағлуб бўлиб қочдилар. Зафаршиор қўшин эса ғалаба ва фатҳ қиличини яланғочлаб, уларни таъқиб этди ҳамда жуда кўп ўлжалар олиб, етти кишвар подшоҳи ҳарбий ўрдугоҳига қайтди. Ҳазрат хоқони саид ўз давлатига керакли мамлакатларга фатҳномалар жўнатди. Ва Хой¹ йўли орқали Табриз томон йўналди ва Озарбайжон аҳолисига амну омонлик либосини кийдириб, инсонлар ўртасида адолат ва хайрихоҳлик байроғини тикди.

ХОҚОНИ САИДНИНГ ТАБРИЗДАН САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ҲИРОТГА ҚАЙТИШИ ВА ВИЛОЯТДА СОДИР БЎЛГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ



Хоқони саид Озарбайжоннинг давлат ишларидан фориғ бўлгач, Хуросон жонибига майл кўрсатиб, зафарёр қўшин Табриздан йўлга тушиб, муборак рамазон ойининг бошида² Султонияга етиб келди. Вилоятнинг аксар ҳокимлари ва доруғаларининг таклифларини қабул қилмай, у ердан ҳам хумоюн ҳаракати содир бўлиб, Қазвин ҳудудида Иброҳим Султон Мирзо ва Рустам Мирзо рухсат олиб, Шероз ва Исфаҳонга шошилдилар.

¹ Хой – Шимоли-Ғарбий Эронда Урмия кўлидан шимолроқдаги шаҳар.

² 824 йил биринчи рамазон – 1421 йил 30 август.



Зафарнишон мавкаб Хуросон мамлакатига кирган пайтда Амир Гиёсиддин Шоҳ Малик ҳам рухсат олиб, Астробод йўли билан Хоразмга кетди.

Шавволнинг ўн тўққизида¹ ҳазрат хоқон соғ-саломат «Боғи Зоғон»га етиб келиб, у манзилга жаннат боғи тароватини ато этди.

Ўша ойда Шермуҳаммад Ўғлон, Саруқ Ўғлон ва Садрул Ислон Мўғулистондан Мирзо Улуғбек Гурагон ошиёни салтанатига келиб, кўп иззат-икром кўрди.

Бир неча кундан кейин Шермуҳаммад Ўғлон ва Саруқ Ўғлон ўринсиз шубҳаланиб, Мўғул элининг катта гуруҳи билан қочиб кетди. Жаноб Улуғбек уларни таъқиб этиб, Кичкина булоқ деган жойда уларга етиб, Шермуҳаммад Ўғлон ва Саруқ Ўғлонни асир этиб, орқага қайтди.

Самарқандга кириб келгандан сўнг у маҳбусларнинг айбини афв этиб, Шермуҳаммадга подшоҳлик жиҳозларини бериб, Мўғулистон салтанатига жўнатди.

825 йил ражаб ойининг ўн еттинчисида² Аллоҳ таоло Бойсунқур Мирзога саодатли ўғил каромат қилди. Олийшонли хоқон чақалоққа Бобур исмини берди ва унинг кунясини Абулқосим деб атади.

826 йил³ ва 827⁴ йилларни ниҳоятда тинч-хотиржамлик билан ўтказди ҳамда адолат ва инсоф қоидаларини кенг ёйди.

828 йилда⁵ Шермуҳаммад Ўғлон эса Мирзо Улуғбек Гурагон раияти ҳуқуқини поймол этиб, унга қарши қўл кўтариб, ўртага низо солди.

Бинобарин, толеи баланд шахриёр ўзининг бузруквор отасидан ижозат сўраб, еттинчи ҳутга тўғри келадиган рабиулаввалнинг йигирма еттинчисида⁶ катта қўшин билан унинг ғаразли ёвуз ниятини даф этиш учун Мўғулистонга йўл олди. Бир қанча манзилларни босиб ўтгандан сўнг Қайтуқ мавзеида Шермуҳаммад

¹ 824 йил ўн тўққизинчи шаввол – 1421 йил 17 октябрь.

² 825 йил ўн еттинчи ражаб – 1422 йил 7 июль.

³ 826 йил – 1422 йил 15 декабридан 1423 йил 4 декабригача бўлган оралиқ.

⁴ 827 йил – 1423 йил 5 декабридан 1424 йил 22 ноябригача бўлган оралиқ.

⁵ 823 йил – 1424 йил 23 ноябридан 1425 йил 12 ноябригача бўлган оралиқ.

⁶ 828 йил йигирма еттинчи рабиулаввал – 1425 йил 16 февраль.



Ўғлон сипоҳи намоён бўлди. Жумодилохирнинг ўн бешинчисида¹ бу гина-кудуратли икки қўшин бир-бирининг рўпарасида туриб қаттиқ шовқин солди. Карнайнинг бағ-бағидан фалак қулоғи кар бўлди. Икки тараф ботирлари ўқу камон, қилич ва найзаларни ишга солиб, жанг майдони саҳнига шошилдилар.

Шу аснода Шермуҳаммад Ўғлоннинг қўшини чап қўл ва ўнг қўл қисмларини марказий қисм билан қўшишни тақозо этиб бирваракайга Самарқанд қўшинининг жавонғор қисмига ҳамла қилди.

Амир Арслон Хожа у томонда худди тоғдек собитқадам бўлиб, душмандан ҳимоя қилиб турди. Мўғуллар қанчалик ҳаракат қилмасинлар, уни жойидан силжита олмадилар.

Мирзо Улуғбек Гурагон жавонғор қисмга мадад жўнатди. Мўғул қўшини мағлубиятга учради. Шермуҳаммад Ўғлон от жиловини қочиш томонга бурди, зафарёр аскарлар душманни таъқиб этди ва Мўғулистоннинг кўпгина мавзеларида ғалаба байроғини тикиб, уларнинг анчасини тигдан ўтказдилар. Кўп бойликлар ва беҳисоб моллар олиб, олий мавкабга қўшилдилар. Голиб ва музаффар Мирзо Улуғбек Самарқандга кириб келгандан сўнг олампаноҳ даргоҳига элчи жўнатиб, ҳазрат хоқонга бу тўлиқ ғалабани эълон қилди. Шаъбоннинг бошида² салтанат пойтахтига чопар келиб, бўлган воқеани батафсил сўзлаб берди. У ҳазрат Аллоҳга шукур қилиб, шод ва хурсанд бўлди.

Мирзо Улуғбек шу йилнинг охирида жамшидсифат хоқон мулозиматига боришга қарор қилиб, зулҳижжанинг ўн бешинчисида³ бузруквор отаси ва бахтиёр ака-укалари билан кўришиб, уларни хурсанд қилди.

Бир неча кунни Хуросон дорилмулкида хушчақчақ ва шоду хуррамлик билан ўтказиб, сўнг Муҳаммад Жўки Мирзони⁴ ўзига ҳамроҳ қилиб, Самарқандга қайтди. Бир ҳафта ичида Хиротдан Мовароуннаҳрга етиб келди.

¹ 828 йил ўн бешинчи жумодилохир — 1425 йил 4 май.

² 828 йил биринчи шаъбон — 1425 йил 18 июнь.

³ 828 йил ўн бешинчи зулҳижжа — 1425 йил 28 октябрь.

⁴ Муҳаммад Жўки Мирзо — Улуғбекнинг укаси.





Бу икки бахтиёр ака-ука бир неча ой жаннатмакон Самарқандда маишат ва комронликда яшади. 829 йилнинг жумодилохирида¹ Мирзо Муҳаммад Жўки Мирзо Улуғбекдан рухсат олиб салтанат пойтахти Ҳиротга қайтди.

Шу йил рабиулаввалнинг ўн бешинчиси душанба кечасида² яхши хислатлар соҳиби амири кабир Фиёсиддин Шоҳ, Малик Хоразм мулкида вафот этди. У шон-шараф ва юқори мартаба соҳиби обрўли ва иқтидорли киши бўлиб, Амир Темур Гурагон ва Шоҳрух Султон давлатининг бошқа амирларидан кўра мумтози ҳамда улардан истисно эди. У доимо таълим-тарбияга, аҳолига илму фазилат тарқатишга, хайру эҳсон беришга ва меҳру мурувват кўрсатишга бор кучини сарфларди. Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразм диёри атрофида хайрли ишларга қўл уриб, мадрасалар, хонақоҳлар, масжидлар, работлар ва ҳовузлар куриб, ўзидан ёдгорлик қолдирди.

Ҳазрат хоқони сайд Хоразм мамлакатини унга иноят қилган ўша пайтда Дашти Қипчоқ мамлакатининг саркаш қайсарлари ва аслзодаларини бўйсундириб, муте ва тобе қилиб, адолат ва раиятпарварлик байроғини баланд кўтарган эди.

Амир Фиёсиддин Шоҳ, Малик ҳақидаги бу мудҳиш хабар Ҳазрат хоқони сайдга етиб келгач, дилтанг бўлиб, ғам ва андуҳга ботиб, унинг катта ўғли амирзода Иброҳим Султоннинг кўнглини кўтариб, Хоразм ҳукуматини бошқаришни унга топширди.

Улуғ мартабали ҳазрат хоқони сайд боргоҳининг мўътабар кишилари қаторида турувчи Мавлоно Шаҳобиддин Абдурахмон Лисон Амир Шоҳ, Малик вафоти кунини бу қитъа билан дилларга муҳрлади:

Қитъа:

Эй хаста кўнгил, бу не фалокат?
Собиту сайёрлар қонли ёш тукар.
Фалак этаги ҳам юрагимдай қон,
Қуёшнинг юзини босди ажинлар.

¹ 829 йил жумодилохири — 1426 йил 10 апрель ва 8 май оралиғи.

² 829 йил ўн бешинчи рабиулаввал — 1426 йил 25 январь.





Амир Шоҳ Маликнинг қабри муқаддас Машҳадда, бузруквор имом Абул Ҳасан Али ибн Мусо ар-Ризо қабри ёнидадир.

Ўша йилда Гилон подшоҳи ҳам ташвишли дунёни ташлаб кетди.

830 йил муҳаррам ойининг ўн олтинчисида¹ шижоатли ва шиддаткор шаҳзода Мирзо Суюрғатмиш Баҳодир ҳам Кобулда абадий маконга йўл олди. Сафар ойининг биринчисида² бу совуқ хабар Ҳиротга етиб келди. Хоқони сайд салтанатининг кўз қорачиғи вафотидан кейин маҳзун бўлиб қолди ва Ҳиротда таъзия маросимини ўтказди.

Марҳум шаҳзодасининг суюрғоли бўлган барча мамлакатни садоқатли меросхўри Султон Масъуд Мирзога марҳамат қилди.

МИРЗО УЛУҒБЕК ГУРАГОННИНГ СИҒНОҚҚА ЮРИШИ ВА ҚИЁМАТАСАР ЛАШҚАРЛАРНИНГ СОВУҚ ДАСТИДАН МАҒЛУБИЯТГА УЧРАШИ ЗИКРИ



Бароқ Ўғлон³ Ўрисхон набираларидан бўлиб, 823 йилда⁴ Дашти Қипчоқдан Самарқандга келиб, Улуғбекдан ҳимоясига олишни илтижо қилган эди. Шаҳзода уни иззат-ҳурмат ва мақомини жойига қўйиб, салтанат ва шахриёрлик жиҳоз-асбоблари билан таъминлаб, дашт томон қайтариб юборди. Унинг омади келиб, ўзбеклар подшоси Муҳаммадхон устидан ғалаба қилиб, салтанат тахтига қадам қўйди.

823 йил бошида⁵ Сиғноқ ҳудудига кириб, Мирзо Улуғбек олдига чопар жўнатди ва шу кунларда олий мартабали ходимлари ҳиммати билан Жўчи улуси зулмидан қутулдим, деб хабар берди.

¹ 830 йил ўн олтинчи муҳаррам — 1426 йил 17 ноябрь.

² 830 йил биринчи сафар — 1426 йил 2 декабрь.

³ Бароқ Ўғлон — 1422—1427 йилларда Олтин Ўрда хони.

⁴ 823 йил — 1420 йил 17 январидан 1421 йил 5 январигача бўлган муддат.

⁵ 823 йил боши — 1420 йил 17 январь.



Жаноб Улуғбек эса Бароқ Уғлондан шариат юзасидан ҳам, анъанага кўра ҳам Сиғноқ менга тааллуқлидир деганини эшитгани учун, унинг элчисига муддаосига мувофиқ жавоб бермади.

Шу аҳвол жараёнида ўша чегаранинг ҳокими Арслон Хожа Тархоннинг Бароқ навкарлари бу вилоятда кўп вайронагарчиликлар содир қилиб, у ўзини мутлақ ихтиёр соҳиби деб тасаввур этиб, салтанатдан лоф урмоқда деб арз қилди. Шунинг учун Мирзо Улуғбек Гурагон дарҳол Бароқ урушига қурол-яроғларни тайёрлашга буюриб, рухсат олиш учун салтанат пойтахти Ҳиротга чопар жўнатди. Ҳазрат Хоқон эса низо, хусумат вайронагарчиликка сабаб бўлади, деб бу юришни ман этди, аммо шунга қарамай бир қўшин тайёрлаб, уни Муҳаммад Жўки Мирзо бошчилигида Мовароуннаҳрга жўнатди.

Шаҳзода рабиулохирнинг ўн еттинчисид¹ Ҳиротдан чиқиб, Самарқандга йўл олди. Мирзо Улуғбек эса унинг етиб келишини кутмай, олдинроқ Сиғноққа юриш бошлади. Муҳаммад Жўки Мирзо унинг тезкорлигидан хабар топиб, тўхтамасдан акасининг орқасидан шиддат билан юриб, унга етиб олди. Шаҳзодалар бир-бирига жиловдош бўлиб йўл босдилар ва улкан ғурур билан Бароқ томон юрдилар.

Бароқ ҳам тўқнашув ва олишув томон олдинга юриб, ҳар икки қўшин бир-бирининг рўпарасида сафга тизилди. Бароқ ўзининг измидаги барча қўшинни марказий қисмга йиғди ва бирданига Мовароуннаҳр сипоҳи устига ташланди. Жанг дарёси кескин ва шиддат билан мавжланиб йигитлардан иборат ҳаёт кемаси гирдоб қаърига фарқ бўлиб, изсиз йўқолди, қон худди Амударёдек чўлу биёбон текислиги бўйлаб оқа бошлади ва қулоқни кар қилувчи доду фарёд мовий осмону фалакка кўтарилди.

Байт:

Тан оддан, бош тандан ажралди бугун,
Ер — дарё, осмон — қон саҳроси гулгун.

Мирзо Улуғбек Гурагон сон-саноқсиз сипоҳнинг кўплигидан мағрур турарди, муҳолифнинг озгина қўшинига кўп аҳамият

¹ 830 йил ўн еттинчи рабиулохир — 1427 йил 15 февраль.

бермади, аммо ул жамоага ғалаба юзи кўринди. Мовароуннахр кўшини мажбуран жиловни қочиш водийсига бурди. Мирзо Улуғбек ва Мирзо Муҳаммад Жўкини ҳайрат ва таажжуб ҳисси чулғаб олди. Уларнинг ўзлари бу ҳалокатли жангга кирмоқчи эдилар, аммо баъзи амирлар монелик қилиб, уларни ҳийла билан хатарли дарёдан нажот соҳилига олиб чиқдилар.

Шаҳзодалар Самарқандга қайтдилар. Бароқ одамлари эса Туркистон теварак-атрофида ҳамда Мовароуннахр ҳудудида кўп бузғунчиликлар қилдилар.

**МИРЗО ШОҲРУХ БАҲОДИРГА
ҲИРОТНИНГ МАСЖИДИ ЖОМЕСИДА
АҲМАД ЛУР ТОМОНИДАН ПИЧОҚ
САНЧИЛИШИ ЗИКРИ**



Одил подшоҳ ҳазрат хоқон доимо вожиб нарсаларни адо этишга жиддий ҳаракат қилар, ўзининг бахтиёр вақтини тоатибодат қилишга сарфлар эди. Жамоанинг кўпчилиги Жоме масжидга ташриф буюрар ва ихлос билан ерга сажда қиларди.

830 йил рабиулохирнинг йигирма учинчиси жума кунида¹ Ҳирот Жоме масжидида намозни ўқиб, отга миниб кетмоқчи бўлиб турган пайтда Мавлоно Файзулло Астрободийнинг муриди, жун чакмон кийиб олган Аҳмад Лур деган шахс арзиҳол айтмоқчи бўлиб, арзгўй сифатида қўлида қоғози билан йўлга чиқди. Ҳазрат хоқон яқинларидан бирига айтди: «Бу кишининг сўзига қулоқ сол». Шу пайт Аҳмад Лур фурсат топиб, ўйламасдан олдинга чопди ва ул ҳазратнинг қорнига пичоқ санчишга улгурди, аммо у омадли хислат соҳибининг қодир ҳимоячилари бўлгани боис, пичоқ оғир зиён етказмади. Ва ички аъзоларига таъсир кўрсатмади.

Али Султон Қавчин ул малъуннинг қатли рухсатини олиб, шу заҳоти уни ўлдирди. Амир Алика ва Амир Ферузшоҳ ўша пайтда масжид эшиги олдида турар эдилар.

¹ 830 йил йигирма учинчи рабиулохир — 1427 йил 21 апрель.





Шу пайт ноғорачилар белгиланган вақтдаги кўрсатмага бинноан ноғора чалишни бошладилар. Тўсатдан мудҳиш хабарни эшитиб, уларнинг қўллари ҳаракатдан тўхтади. Шунинг учун халойиқ ҳайрон бўлиб, қотиб қолди.

Ҳазрат хоқони сайд Амир Ферузшоҳни чорлади, у ҳам от устида масжидга кириб борди ва яранинг унча оғир эмаслигини билгач, яратувчига шукр айтди.

Ҳазрат хоқон тахтиравонда кетишга майл қилди, Амир Ферузшоҳ бунга эътироз билдириб айтди: «Агар халқ ҳазратни от устида кўрмаса, унинг ҳаёти ҳақида ҳар хил фикрларга бориб, шубҳаланадилар ва бу катта ифволарга сабаб бўлади». Шунинг учун олий мартабали хоқон оёғини саодатли узангига қўйиб, отга минди. Ноғоралар шукуҳ ва маҳобат билан чалинди.

Ул ҳазрат бозор йўли билан «Боғи Зоғон»га ташриф буюрди. Табиб ва жарроҳлар унинг ярасини ўрганишга киришди, бир неча кун ичида тўлиқ шифо топди.

Алқисса, бу воқеа бўлиб ўтгандан кейин, Бойсунқур Мирзо ва амирлар Аҳмад Лур аҳволи ҳақида маълумот йиғиб, унинг ўлдирилишидан пушаймон бўлдилар.

Унинг кийимлари орасидан бир калит топилди, бу билан кичкина карвонсаройнинг эшиги очилди. Карвонсарой одамлари шунақага ўхшаш одам бу хонада тоқия¹ тикарди, унинг олдига кўпгина зиёли кишилар келардилар, жумладан, мавлоно Маъруф хаттотдир. Бу мавлоно Маъруф марвлиқ бўлиб, фозил ва ҳунарманд киши сифатида тавсифланади ҳамда хуснихат ва таъбининг латифлиги билан машҳур эди. Ниҳоят даражада хушмуомала ва ширин калом бўлиб, жуда истеъдодли фозил кишилар унга таассуб қилардилар. У олий сифатли намаг кияр ва шу жинсдан узун тоқия ҳам бошига қўйди эди. Охирги пайтларда Султон Аҳмад Жалойирнинг хизматини қиларди, кейинги кунларда ундан нафратланиб, Шерозга кетиб қолди. Ўша пайтда у диёрнинг ҳокими Искандар Мирзо бўлиб, жаноб Мавлавийни

¹ Тоқия – қалпоқ, дўппи; конуссимон бош кийим.



қаттиқ ҳурмат қиларди, шунинг учун уни хос кутубхонасига му-
дир қилиб тайинлади.

Мавлоно Маъруф ҳар куни беш юз байт ёзишга рози бўлган
эди. Ўша пайтда икки кун шеър ёзмади. Мавлавийни ҳузурига
чорлаб, нега шеър ёзмаётганлигининг сабабини сўради. У эса
«бир кунда бир минг беш юз байт ёзмоқчиман», деб жавоб
берди.

Искандар Мирзо хурсанд бўлиб, муносиб жойда чодир қуриб
беришга фармон берди ва мавлоно Маъруф у ерда ўтириб, шеър
ёзишга киришди, ўз шогирдларидан бирини қаламни тарошлаб
туришга тайинлади, то намозгаргача шеър ёзиш билан машғул
бўлиб, бир минг беш юз байт гўзал шеър битди. Искандар Мир-
зо эса уни ўзининг инъом ва эҳсонлари билан хурсанд қилди.

Ҳазрат хоқони саид Шероз фатҳ этилгандан сўнг мавлоно
Маъруфни Ҳиротга кўчириб, ҳумоюн кутубхонасига ишга та-
йинлади.

Хуросоннинг баъзи фойдани кўзловчи кишилари хат ёзуви-
нинг айрим жиҳатлари учун Мавлавий билан суҳбатлашишга
мойил бўлдилар. У ўзини тута биладиган ва мағрур киши бўлиб,
Бойсунқур Мирзонинг Шайх Низомийнинг «Хамса»сини ёзиш
учун берган қоғозини бир йил ушлаб турди, охири ёзмасдан
қайтариб юборди. Шу сабабли мавлоно Маъруфнинг гина-куду-
рати Бойсунқур Мирзонинг кўнглида муҳрланиб қолди.

Ул жаноб бу пайтда Аҳмад Лур билан дўстлашиб қолгани ту-
файли айбланиб, уни қатл этишга ҳукм қилинди.

Бир неча марта мавлонони дор тагига олиб келдилар, охи-
ри Ихтиёриддин қалъаси зиндонида маҳбус этдилар. Бу матла
унинг манзумалари жумласидандир:

Байт:

Туркона чавандоз кўзингдан учган
Ғамза ўқларини юрагим кучган.

Аммо Хожа Азиддин эса мавлоно Файзулло Астрободийнинг
жияни (синглисининг ўғли) эди, ундан бошқа Аҳмад Лур тараф-
дорларининг ҳаммаси қатл этилдигина эмас, балки ёқилди.



Шу аснода Бойсунқур Мирзонинг қулоғига, Аҳмад Лур гоҳида қавм пешвоси, нуфузли, маърифатли, ҳақ йўлига боғловчи ҳазрат Амир Саид Қосимнинг олдига борарди деган гап чалинди. Ул ҳазрат Хуросонда ортиқ бўлмасин деган ҳукм қилди. Амир Қосим Мовароуннаҳрга жўнади, ул ҳазрат Самарқанд туманига келиши билан Мирзо Улуғбек Гурагон фурсатдан фойдаланиб унинг шариф қадамларини қадрлаб, иззат-ҳурматини жойига қўйди.

ҲУМОЮН ХОҚОН МАВКАБИНING САМАРҚАНД ДОРИЛМУЛКИГА БОРИШИ ВА УНИING ҚАЙТИШИ БАЁНИ

Аниқ кўрсатмага хилоф равишда Бароқ Ўғлон билан бўлган жангда Мирзо Улуғбек Гурагоннинг зафарёр сипоҳи мағлубиятга учради, бу фурсатда ҳазрат хоқоннинг Аҳмад Лур урган пичоғи яраси ҳам тузалиб кетди. Шу парокандаликни тўғрилашга тай-ёрлик кўриш учун Самарқанд томон ҳаракат қилди.

830 йил шаъбоннинг биринчисида¹ салтанат пойтахти Ҳиротдан йўлга тушиб, то қуббатулислом Балхга етиб келгунча Бойсунқур Мирзо ҳумоюн мавкаб билан бирга келди. Шу ерда Мирзо Улуғбек илтимоси ва олий мартабали хоқон фармонига биноан у Ҳиротга қайтиб кетди.

Муборак рамазон ойининг ўн бешинчи кечаси² Хожа Жалолдин Қамбар шаҳзода ўрдусида бир кишини ўлдириб кетди, қотил топилмади.

Бойсунқур Мирзо кўп йўл юриб, қишлоқларни босиб ўтиб, мазкур ойнинг йигирма биринчисида³ Иззат деган мустаҳкамланган жойга келиб тўхтади.

Яхши хислатли хоқон эса Бойсунқур Мирзога рухсат берганидан сўнг Амуя дарёсидан ўтгач, Самарқанднинг мансабдор шахслари ва аслзодалари уни кутиб олиш учун чиқдилар. У

¹ Мелодий 1427 йил 28 май.

² 830 йил ўн бешинчи рамазон – 1427 йил 10 июль.

³ 830 йил йигирма биринчи рамазон – 1427 йил 16 июль.



ҳазрат жаннатмакон диёрга етиб келиши биланоқ Бароқ билан бўлган уруш тафсилотларини текширишга киришди, амирлар ва ҳарбий қисм бошлиқларининг баъзиларини жазолади.

Мирзо Улуғбек бир неча кун ихтиёр ва эътибордан четда бўлди, ammo охирида насл-насаб туйғуси жўш уриб, қайтадан шаҳзода хоқон мойиллиги билан Соҳибқирон дорилмулки вилоятига муносиб кўрилди. Бароқ эса таниқли хоқоннинг Самарқандга келганидан хабар топиб, Сифноқ ҳукуматини ташлаб қочди.

Олам подшоҳи ва қўмондони Мовароуннаҳр ишларини тартибга солиб, йўлга қўйгач, Ҳирот томон қайтди ва 831 йил муҳаррамнинг ўн биринчисида¹ мақсадга етиб келди.

«Боғи Зоғон»ни ғайрат ва дид билан гўзал боққа айлантирди. Шунда Аллоҳ таоло Муҳаммад Жўки Мирзога ўғил каромат қилди. У бола Маҳмуд бўлиб, Або Бакр Мирзо номи билан аталди. Бир неча кун маишат, хушчақчақлик ва шоду хуррамлик билан ўтди.

ҲУМОЮН ХОҚОННИНГ ИРОҚ ВА ОЗАРБАЙЖОН ВИЛОЯТЛАРИГА ҚАЙТАДАН БОРИШИ ЗИКРИ



833 йил муҳаррам ойининг бошида² олийжаноб хоқон қулоғига Искандар ибн Амир Қора Юсуф яна қайтадан истило оловини ёқиб исён кўтарибди ва Бароқ келиб Султонияни босиб олибди деган гаплар чалинди.

Шунинг учун олий мартабали хоқон Мовароуннаҳр, Туркистон, Хутталон, Ҳисори Шодмон, Қундуз, Бағлон, Бадахшон, Хурросон, Сейистон, Фазни ва Кобулистон мамлакатларида қўшин тўплашга фармон берди. Ҳумоюн хоқон сипоҳи ражаб ойининг бешинчиси якшанба куни³ «Боғи Зоғон»дан Озарбайжон томон йўлга тушди.

¹ 831 йил ўн биринчи муҳаррам – 1427 йил 1 ноябрь.

² 833 йил биринчи муҳаррам – 1429 йил 30 сентябрь.

³ 833 йил бешинчи ражаб – 1430 йил 31 март.



Салтанат ва халифат ёрдамчиси Бойсунқур Мирзо, Амир Шайх Луқмон Барлос, Амир Алика Кўкалтош манглай қисм сифатида олдинроқ йўлга тушдилар. Эътиқоди пок ҳазрат хоқон ҳар бир қасаба ва шаҳарга етиб бориши билан улуғ шайхлар мазорларини тавоф қилар, азиз-авлиёлар мақбараларини инъом ва эҳсонлар билан баҳраманд этарди.

Рай вилоятида Табаристон, Ироқ, Исфаҳон, Форс ва Луристон сипоҳлари етиб келгунча, бир неча кун тўхтаб турди. У вилоятда Иброҳим Султон Мирзо Шероздан, Рустам Мирзо Исфаҳондан, Амир Чақмоқ Шомий Язддан, Амир Тархон Абарқухдан ва Амир Ғиёсиддин Кермондан зафарёр ўрдуга келиб, жамшидсифат хоқон хизматига эришиб, уни бахтиёр ва хурсанд этишди.

Шундан сўнг зафарёр қўшин ул вилоятдан йўлга тушиб, рамазон ойининг йигирма биринчисида¹ Султония яқинига етиб келдилар. Зафарёр қўшин келишидан олдин, етиб келган хабарни эшитган Искандарнинг гумашталари, ул қалъани ташлаб қочиб кетган эдилар. Ҳазрат хоқон рамазонни шу ерда охирига етказиб, ҳайит маросимларини бажаришга киришди.

У ердан Табризга йўл олди. Табриздан Салмосга ўтди. Ул юртда Искандарнинг катта қўшин билан келаётгани ҳақида миш-миш тарқалди. Музаффар ҳазрат хоқон жасур ва журъатли қўшинни тартибга солишга киришиб, Иброҳим Султон Мирзони шижоатли Форс қўшини билан баронфор қисмга тайинлади. Бойсунқур Мирзони эса Хуросон ва Мозандарон ботирлари билан жавонфор қисмга жўнатди. Марказий гул қисмини ҳумоюн вужуди нури билан зийнатлади.

Муҳаммад Жўки Мирзони бир неча минг отлиқ қўшин билан марказий қисмга яқин ерга қўйди. Уни қайси томондан ёрдамга эҳтиёж сезса, ўша ёққа зудлик билан етиб боришини таъминлади. Ул томондан Искандар ҳам маймана, майсара ва марказий қисмларни сафга тизди.

¹ 833 йил йигирма биринчи рамазон – 1430 йил 13 июль.



Икки томон диловар сипоҳлари тўқнашиб, жанг қилишга киришдилар. Иброҳим Султон Мирзо ўзи нафақат қиличбоз кишилар, балки жавонғорда турган кучларнинг сара гуруҳлари устига ҳам ташланди.

Искандарнинг укаси Амир Жаҳоншоҳ ҳимоя қилиш учун олдинга чиққан эди, зафарёр сипоҳнинг ҳамласини кўриб, унинг оёқ-қўли титрай бошлади. Кўпгина довьорак ва мардларнинг қонларини беҳуда тўқди. Бу томондан ҳам жасур ўғлонлардан Иброҳим Султон Мирзо ёрдамида жанг майдонига босиб кириб, қирғин уруш бўлди.

Кечқурун ҳар икки қўшин ўз ҳарбий ўрдугоҳига қайтиб, ўша кечаси эрталабгача қўриқчилик ва пойлоқчилик қилди.

Эртаси куни искандарсифат хоқон ва рустам қудратли Искандар бир-бири рўпарасида лашкарларини тартибга солишди.

Ўша куни жуда қирғин уруш бўлди. Амир Искандар жасурлик ва мардлик кўрсатди, аммо омади юришмаса кўп уринишдан не фойда?!

Зафарёр хоқон пешин намозини адо этиб, яна отга миниб, душман томонга кетди. Илоҳий қудрат билан яна ғалаба ва фатҳ шамоли олий мартабали хоқон байроғи узра эса бошлади.

Искандар бу аҳволни кўриб, олишиш ва урушишдан қўлини тортди ва қочиш водийсига қадам қўйди.

Ҳазрат хоқони саид бу улғў ғалабадан Аллоҳга шукурлар айтиб, ўз қўл остидаги мамлакатларга фатҳномалар жўнатди.

Мухаммад Жўки Мирзо баҳодир фармонга биноан душманни то Арзурумнинг Муш¹ саҳросигача қувиб борди, сўнг орқага қайтди.

Шу аҳвол асносида Мовароуннаҳр ва Туркистон томондан Мирзо Улуғбекнинг чопари келиб, Мўғулистонда Султон Маҳмуд Ўғлон ва Бароқ Ўғлон ўртасида тўқнашув рўй бериши натижасида Бароқ охират оламига йўл олибди, деган хабарни етказди.

¹ Муш — ўрта асрларда Шарқий Анатолияда Ван қўлининг шимолидаги йирик қалъа, ҳозирда кичик шаҳарча.



Шу билан бирга ўша пайтда Хуросондан ҳам элчи келиб, олий мартабали шаҳзодалар — Музаффар Мирзо ибн Бойқаро Мирзо, Мирзо Пир Муҳаммад Кобулий, Умаршайх Мирзо ибн Пир Муҳаммад Шерозийлар бу оламни тарк этдилар деган хабарни келтирди. Беназир ҳазрат саид таниқли шаҳзодаларнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда хафа бўлди. Уларнинг руҳларини шод ва осойишта этиш учун хатми Қуръон ва худойи қилишга буйруқ қилинди. Мовароуннаҳрдан яна бир чопар келиб, «Муҳаммад Ғозий ёвлашгани учун Султон Муҳаммад Ўғлонни абадий оламга равона этди», деган хабарни келтирди.

ЗАФАРЛИ ҚЎШИННИНГ САЛМОСДАН АЛАНЧУҚ ҚАЛЪАСИГА ЮРИШИ ВА УЛ НОҲИЯДАН ҚАЙТИШИ ЗИКРИ

Жаҳонгир хоқоннинг кўнгли Искандардан тинчигач, 834 йил муҳаррам ойининг саккизинчисида¹ Салмос худудидан кўчди. Ва жаҳонгашта от жиловини Аланчуқ қалъаси томон бурди. Улар мақсадга етиб келгач, у қўрғон-қалъада беркиниб ўтирган Искандарнинг қариндошлари Ниёз мавзеи томон ҳадя ва тортиқлар чиқариб юбордилар. Бу қалъа мустақкамлиги жиҳатидан Садди Искандарий билан тенг келарди², ҳазрат эса Искандарнинг авлоди юборган нарсалардан рози бўлиб, Қорабоғ томон қайтиб кетди.

Сафар ойининг ўн тўққизинчисида ул манзилга етиб борди ва Амир Абу Саид ибн Амир Қора Юсуф ҳумоюн ўрдуга қўшилиб, ҳазрат хоқон билан кўришиш саодатига ҳамда унинг хусравона мурувватига эришди.

Ҳазрат хоқони саид ўша қишни Аррон Қорабоғида ўтказди. Озарбайжон мамлакатининг барча вилоятлари ҳукуматини Амир Абу Саидга топширди.

¹ 837 йил саккизинчи муҳаррам — 1430 йил 26 сентябрь.

² Муаллиф бу ерда сўз ўйини қилапти: Қора Юсуфнинг ўғли Искандар беркинган Аланчуқ қалъаси; у Шохрухга ҳадя ва тортиқлар чиқаргани учун Аланчуқ қалъаси Искандар Зулқарнайн томонидан барпо этилган афсонавий Садди Искандарийга ўхшатилапти.

Шаъбон ойининг ўн бешинчисида¹ пойтахт томон йўл олди, рамазоннинг еттинчисида² Султонияга келиб тушди ва рамазон ойининг ўттизинчи кунини³ шу мақомда ўтказди. Шавволнинг ҳилоли саодатли ва толеи баланд жамолини кўрсатгач, ийд кунлари маросимини ўтказишга киришдилар.

Форс ва Ироқ вилоятлари ҳукмдорлари Мирзо Иброҳим Султон, Рустам Мирзо, Амир Ғиёсиддин ва Амир Чақмоқ Шомийларга қайтиш учун рухсат берилди.

Шаввол ойининг иккинчи куни зафарёр қўшин Султониядан салтанат пойтахти томон ҳаракат қилди. 835 йил муҳаррам ойининг саккизинчисида⁴ «Боғи Зоғон» ғайратли ҳумоюн ташрифидан яна равшанлашди.

САЛТАНАТ ВА ХИЛОФАТНИНГ МАДАДКОРИ БОЙСУНҚУР МИРЗОНИНГ АСТРОБОДГА БОРИШИ ЗИКРИ ҲАМДА ЎША ПАЙТДА ЮЗ БЕРГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Жаҳонгир хоқон кенгашида баъзи бир мамлакат манфаатига молик ишлар шуни тақозо қилдики, салтанатнинг кўз қорачиғи Бойсунқур Мирзо 835 йилда⁵ Журжон вилоятига бориб қишлашига тўғри келди. Ҳазрати хоқон Амир Алика Кўкалтош ва Амир Муҳаммад Сўфи Тархонни барча нўёнлар билан ўша юришда шаҳзоданинг ҳумоюн мавкаби хизматида бўлишини истади. Бойсунқур Мирзо мазкур йил сафар ойининг ўртасида жаҳонгашта от жilовини Журжон ҳудудига қараб бурди.

Бир қанча шаҳар-қишлоқларни босиб ўтгандан кейин, Астро-бод дорилфатҳига кириб, ул шаҳардагина эмас, балки атрофида адолат тизимини ўрнатди ва у ерда қишлашга қарор қилди. Ўша қишда Искандар яна қайтадан Озарбайжонга қўшин тортиб, ўз

¹ 834 йил ўн бешинчи шаъбон – 1431 йил 28 апрель.

² Ўша йил 19 май.

³ Яъни 834 йил биринчи шаввол – 1431 йил 12 июнь.

⁴ 835 йил саккизинчи муҳаррам – 1431 йил 16 сентябрь.

⁵ 835 йил – 1431 йил 9 сентябрдан 1432 йил 27 августгача бўлган оралик.

оғаси Амир Абу Саидни қатл эттиргани аниқ бўлди. Қиш фасли ўтиши билан Бойсунқур Мирзо Хуросон томон юриб, падари бузруквор билан кўришишга мушарраф бўлди.

836 йилда¹ Искандарнинг ўғли амирзода Ёр Али отасидан қочиб, Амир Халилулло Ширвонийнинг олдига борди. Ширвоншоҳ эса амирзодани ҳибс этиб, олампаноҳ даргоҳига жўнатди. Ҳазрат хоқони саид уни яхши қабул қилиб, тарбиясига олиб, шаҳзодалар қаторидан жой берди, аммо унинг нолойиқ хатти-ҳаракатидан жаҳли чиқиб, Ёр Алини ҳибсга олиб, Самарқанд томон олиб кетдилар. Шу йили Шероз дорилмулкида Иброҳим Султон Мирзонинг оиласида давлатманд бола туғилди, унга Абдулло Мирзо деб исм қўйишди. Худди шу йилда Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ибн Муҳаммад Султон Мирзо ибн Жаҳонгир Мирзо ибн Амир Темур Гурагон олий мартабали хоқон билан қуда бўлишга мушарраф бўлган эди, оламдан ўтди. Шунингдек, Амир Муҳаммад Дарвеш ул ҳазрат билан қариндошлик даъвосини қилар ва Ҳирот доруғаси эди, ул киши ҳам охират сафарига йўл олди. Унинг мансаби эса катта ўғли Султон Абу Саидга тааллуқли бўлди.

САЛТАНАТ ВА ДИННИНГ МАДАДКОРИ БОЙСУНҚУР МИРЗОНИНГ ФАЗИЛАТИ ЗИКРИ ҲАМДА УЛ ЖАНОБНИНГ ЁШЛИК АЙЁМИДА ДУНЁДАН КЕТИШИ БАЁНИ

Бойсунқур Мирзо гўзал хислатли, яхши ахлоқли ва юқори фазилатли подшоҳ бўлиб, саройидаги давр тождорлари у билан фахрланардилар. Омадли юқори мартабали олий тахтда ўтирувчи саодатли кишилар ҳам фидойиларча хизмат қилиб, унинг фармонларини бажарар эдилар. Унинг улуғворлиги ва иқболининг буюклигига қарамай, илм ва камол арбоблари у билан дўстона алоқа қилишга ниҳоятда ҳаракат қилар ва мойиллик кўрсатардилар. Ҳурмат қилиш ва улуғлашда фазилатли ва ҳунарманд кишилар ҳеч қачон бепарволик ва хатога йўл қўймас

¹ 836 йил — 1432 йил 28 августдан 1433 йил 17 августгача бўлган оралик.



эдилар. Комил донишмандлар Эрон ва Турон атрофидан Ҳиротга келиб, унинг ошиёнида йиғилардилар. Етук донишмандлар ва зукко фасоҳатли кишилар Ироқ, Форс ва Озарбайжон мамлакатлари шаҳарларидан даргоҳига келиб, эрта ва кеч хизматида бўлардилар. Ул олий шонли шаҳзода бу қадрли тоифани тарбиялашда ҳаракат қилар, ҳаммасини кўпгина инъом ва эҳсон бериб шоду хуррам қиларди, уларнинг ҳаммаси билан ҳиммати ва лаёқатига қараб муомала қиларди.

Байт:

Султон Бойсунқурдек бўлмади ҳеч шоҳ,
Адлу адолатда, мардликда танҳо.

Ул олийжаноб шаҳзода ёшлик фаслининг гуллаб-яшнаётган пайтида шароб ичишга ружу қўйди. Бахтиёр йиғинларни ва фанимат дамларни райҳоний шаробсиз ва қип-қизил майсиз ҳаром деб биларди. Ҳар куни эрталаб базмда лўппи юзли соқийлардан хуштаъм май сўрарди. Ҳар кечаси қадаҳлар давра бўйлаб айланганда, гул юзли дилбарлар қўлидан олиб ичарди.

Бу ҳол ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги учун шароб ҳарорати унинг мижозини бутунлай эгалаб олди, касаллик белгилари кучайиб, унинг кучли табиатида ўзгаришлар юз бериб, соғлиғи ёмонлаша борди. Тажрибали табиблар ва билимдон ҳакимлар қанча муолажа қилишга уринмасинлар, натижа бермади.

Ул шавкатли подшоҳ эрталаб фоний оламдан абадий маконга кетди.

Ҳазрат хоқони саид бу мудҳиш ҳодисадан бохабар бўлгач, ниҳоятда ғам ва ҳасрат билан «Боғи Зоғон»дан марҳум шаҳзоданинг маскани «Боғи Сафед»га шошилди.

Исломий суннат бўйича барча таомил ва расмларини амалга ошириб бўлгандан сўнг, кечаси ўша боғда марҳум устида намоз ўқилди. Ҳазрат хоқон ўша ерда турди. Улуғ амирлар ва мансабдор аъёнлар тобутни кўтариб, маҳди улё Гавҳаршод Оғо мадрасасига олиб бордилар ва ўша ерда дафн этдилар.

Ўша куни барча амирлар, вазирлар, саййидлар, уламолар, оддий кишилар ва худо яратган барча инсонлар кўк ва қора ки-



йим кийган эдилар. Қирқ кунгача ҳар куни Қуръон ҳофизлари бу шарофатли мадрасада йиғилиб, каломуллони хатм қилдилар. Шундан сўнг саховатли подшоҳ халойиқни кўк ва қора кийимларни ўзгартиришга, мотамни тугатишга буйруқ берди.

Бу совуқ хабар Самарқандга келиши билан Мирзо Улуғбек Гурагон ғам-андуҳ ва изтироб чекиб, таъзия маросимини бажариш учун Ҳирот дорилмулкига шошилди ва падари бузруквори билан кўришиш саодатига эришди. Яна ўша мусибатнинг жароҳати янгиланиб, яна амиру вазирлар ҳамда сагиру кабирнинг доду войи кўкка кўтарилди.

Охир-оқибатда бутун дунё одатига кўра ҳаммалари таскин топиб, таъзия бисотини йиғиштирдилар. Вилоятлар ҳокимлари ўз тахтига шошилиб, хурсандчилик ва маишат билан машғул бўлдилар. Бойсунқур Мирзодан уч ўғил ёдгор бўлиб қолди: Рукниддин Алоуддавла Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо ва Абулқосим Бобур Мирзо. Ҳазрат хоқони саид зеҳни ўткир ва мард ўғли вафотидан сўнг, унинг мансабини Алоуддавла Мирзога топширди. Султон Муҳаммад Мирзо ва Бобур Мирзога эса маош ва нафақа тайинлади.

ЗАФАРЁР ҚЎШИННИНГ ИСКАНДАРНИ ДАФ ЭТИШ УЧУН ОЗАРБАЙЖОНГА ЮРИШИ БАЁНИ ҲАМДА ҒАДДОР ЗАМОНАНИНГ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРИ ЗИКРИ

838 йил бошида¹ Амир Халилулло Ширвонийдан ҳазрати хоқонга билдириш қоғози келди. Унда Искандар ибн Қора Юсуф Озарбайжонни босиб олишдан хотиржам бўлиб, Ширвоннинг шаҳар ва туманларини вайрон этишга киришмоқда деб билдирилган эди.

Шунинг учун саодатли хоқон яна бир марта Ироқ ва Озарбайжонга боришга қарор қилди. Амирларнинг кўпчилиги бу

¹ 838 йил боши — 1434 йил августи иккинчи ҳафтасининг боши.



юришни давлат манфаатига мувофиқ эмас деб ҳисоблар ва юқори мартабали хоқонни бу юришни бекор қилишга ундардилар, аммо Амир Жалолиддин Ферузшоҳ хилватда подшоҳга, бу йил Амир Бойсунқур Мирзо вафот этганлиги боис, баъзи бир калтабин кишилар бу қусур музаффар аскарлар руҳиятига таъсир қилган деб ўйлайдилар. Озарбайжон юриши имзо қилинса мақсадга мувофиқдир, деди.

Бу сўзлар жаҳонгир подшоҳ вужуди замирига қаттиқ ўрнашиб, дарҳол қўл остидаги мамлакатлардан аскар чақириш ҳақида фармон кучга кирди. Амир Қурбон Шайх салтанат пойтахти Ҳирот ҳукуматига тайинланди. Амир Али Шаҳоний ва Хўжа Рамазон Туний девон мол-мулки ишини бошқаришга тайин этилди.

Музаффар қўшин рабиуссонийнинг иккинчисида Аллоҳ ҳимояси ва кўмагида давлат пойтахтидан йўлга тушди. Ул пок эътиқодли подшоҳ одати бўйича йўл асносида азиз-авлиёлар мазорларини ва унга яқин муқаддас қадамжоларни зиёрат қилар, фақирларга ҳадя ва садақалар улашар ҳамда улуғ тақводор ва зоҳидлар руҳи покидан ёрдам сўрарди.

Ҳар куни ҳокимлар ва бошлиқлар ҳумоюн ўрдуга келиб, ҳадя ва пешкашларини тақдим этар ва, ўз навбатида, подшоҳнинг иззат-ҳурматига ва лутфу карамига сазовор бўлишарди.

Искандар зафарёр мавкабнинг келишидан воқиф бўлгач, Озарбайжон мамлакатини ташлаб чиқиб кетди. Ул диёрнинг аслзодалари ва аъёнлари кўкси баланд шаҳриёр даргоҳига юз бурдилар. Амир Халилуллоҳ Ширвоний ҳам кўришиш шарафига эришди.

Шу аҳвол жараёнида Амир Жаҳоншоҳ ибн Қора Юсуф сазовор ва иқболнинг кўрсатмасига кўра салтанат даргоҳига етиб келди. Ҳазрат хоқони сайднинг чексиз иззат-ҳурмати, илтифоти ва мурувватига сазовор бўлди.

Шу воқеа асносида Мирзо Иброҳим Султон Шерозда бетоб бўлиб қолди. Табиблар ҳар қанча даволашга уринсалар ҳам фойдаси бўлмади. Мазкур йил шаввол ойининг тўртинчисида¹ ул шаҳзода сайднинг руҳи қуши кўкрак қафасидан жаннат ошиёнига парвоз қилди.

¹ 838 йил тўртинчи шаввол — 1431 йил 15 июнь.





Иброҳим Султон Мирзо яхши хулқ ва ахлоқ соҳиби бўлиб, олимлар ва санъаткорлар, ҳунармандларни тарбиялашда жаҳонгир Соҳибқирон наслидан бўлган бошқа султонлардан кўра кўп имтиёзларга эга эди. Шунингдек, шариат ишларини кучайтириш ва миллат манфаатини кенг ёйишда доимо саъй-ҳаракатни аямасди. Шу вақтга қадар ҳеч ким амалга оширмаган, етук услубда битилган «Зафарнома» китоби Иброҳим Султон Мирзо туфайли дунё юзини кўрди. Фозилларнинг энг расоси ва баён этиш услубининг етуги Мавлоно Шарафуддин Али Яздийнинг бу шарофатли китобни ёзишида, унга инъом ва эҳсон кўрсатиб, қўллаб-қувватлаб турди. Унинг шон-шуҳрати теварак-атроф мамлакатларида машҳурдир.

Алқисса, у шаҳзоданинг вафоти ҳақидаги хабарни ҳазрат хоқони сайд эшитгач, жаҳонгир сипоҳ қуёшининг ғам-андуҳ олови алангаланиб кетди, ташвиш ва изтироблари кўпайиб, мотам ва таъзия расм-русумини адо этди.

Форс ҳукуматини бошқариш фармонини марҳум шаҳзоданинг содиқ вориси Абдуллоҳ Мирзо номига ёзиб, ул вилоятнинг молмулки масалаларини Шайх Муҳибиддин Абулхайрга топширди.

Уша пайтда Носириддин Ховандшоҳ ибн Амир Арғуншоҳ, Амир Жалолиддин Ферузшоҳнинг акаси Рустам Мирзо вафотидан кейин Исфаҳон ҳукумати унга тааллуқли эди, Райда вафот этди.

Худди шу йили Ҳирот туманлари ва вилоятларида вабо касаллиги қўзғалиб, халқнинг кўп қисми ҳалок бўлди. Бу бахтсиз ҳодиса шиддати шунчалик эдики, бир кунда ўн минг кишигача одамлар шаҳар ва унинг ташқарисида ўларди. Бу хабар ниҳоятда қийинчилик билан бўлса-да, ҳумоюн ўрдуга етиб келарди, бу эса катта-кичикнинг кўнглига ғулғула солишга сабаб бўларди. Бинобарин, Хуросондан ўрдуга келадиган ҳар бир мактубни ҳеч ким ўқимасин, шунингдек, уни очмаган ҳолда ноибга етказиб берилсин, деган бажарилиши шарт фармон кучга кирди.

Булар турган юртга Амир Илёс Хожа вафот этди, деган хабар келди. У ҳазрат унинг вафотидан афсусланиб, Радкон қасабасини унинг ўғли Саййид Юсуф Хожага суюрғол сифатида марҳамат қилди.



**ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ ОЗАРБАЙЖОН
ДОРИЛМУЛКИГА ЮРИШИ ҲАМДА
МУҲАММАД ЖЎКИ МИРЗО БАҲОДИРНИНГ
ИСКАНДАР ОРҚАСИДАН ОЗАРБАЙЖОНГА
БОРИШИ ЗИКРИ**

Фарвардин шамоли эсиб, ҳамма нарсалар тозариб, янгилаётган баҳор фасли бошида ҳазрат хоқони саид қишлаб турган юртидан ҳаракат қилди ва Муҳаммад Жўки Мирзо баҳодирни илғор қисм сифатида Искандар орқасидан жўнатди. Ҳумоюн мавқаб эса секин йўл юриб, Ужон яйловини жаннат боғига айлантирди. Шу зайдда Табриз саййидлари, қозилари, аъёнлари ва аслзодалари кутиб олиш қоидаларини адо этдилар ва подшоҳона меҳр-муҳаббат билан ҳаммани сийладилар. Ул ҳазрат ёз ва куз фаслларини Озарбайжон дорилмулкида роҳат-фароғатда ўтказиб, ўзи ўша қишда Аррон Қорабоғи томон йўл олди, аммо амирзода Муҳаммад Жўки Баҳодир эса Искандарни излаб то Озарбайжонгача тўхтамади, ундан ҳеч бир нишона топа олмай, бир неча кун ул вилоятда истироҳат қилди.

Амир Қора Усмон ўша айёмда зиёфат ва меҳмондорчилик маросимини бажарди. Муҳаммад Жўки Мирзо ул жаноб билан қуда бўлишни майл қилиб, ул хонадоннинг дилбар гулига хутба ўқитишни истади. Амир Усмон бу илтимосни инобатга олиб, фалак буржи Зухросини само салтанатининг дурру гавҳарига айлантирди. 839 йил рабиулаввалнинг ўн иккинчисида¹ никоҳ ўқитиш маросими бўлиб ўтди. Бу хабар ҳазрат хоқони саид қулоғига етгач, мард ва зукко ўғлини жуда мақтади.

Ўша айёмда самодек кенг хоқон Қорабоғ томон от сурди ва рабиуссонийнинг йигирманчисида² ул юрт хоқон байроғи келишидан жуда безанди.

Ул манзилдан одил Хусрав (Шоҳрух Мирзо) Шайх Нуриддин Муҳаммад ибн Шайх Муршиддин Жунайд Козерунийни элчи

¹ 839 йил ўн иккинчи рабиулаввал — 1435 йил 5 октябрь.

² 839 йил йигирманчи рабиуссоний — 1435 йил 12 ноябрь.

сифатида Румга жўнатди ва ул диёр подшоҳи Султон Муродга, Қора Юсуфнинг ўғли Искандар доимо ҳумоюн мавқаб ғойиб пайтида Озарбайжон мамлакатига ҳамла қилади. Музаффар қўшин уни даф қилишга келса қочиб кетади. Агар ул мамлакатга илтижо қилиб, бошпана сўраса, Озарбайжон халқи унинг фисқи фасодидан омон бўлиш учун унинг мулозимларини ушлаб, маҳбус этиб, менинг даргоҳимга юборсалар яхши бўлур эди деб хабар берди.

ЗАФАРЁР ҚЎШИННИНГ ҚАЙТИШИ ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲУКУМАТИНИНГ АМИР ЖАҲОНШОҲГА ТОПШИРИЛИШИ БАЁНИ

Яхши хислатли хоқон 839 йил шаввол ойининг ўн бешида¹ Қорабоғдан Ужон томон йўлга тушди ва у ерга келиб, Озарбайжон ҳукуматининг бошқарувини Қора Юсуфнинг ўғли Амир Жаҳоншоҳнинг қудратли қўлига топширди. У подшоҳона пешкашлар ҳадея қилиб, хусравона байрамларни уюштирди. Мулк подшоҳининг кўнгли Озарбайжон мамлакатини забт этиш ишларидан хотиржам бўлгач, жаҳонгашта от жilовини салтанат пойтахти Ҳирот томон бурди.

840 йил рабиулохирнинг иккинчисида² давлат айни қудратли ва улуғвор мустаҳкам маҳобатга етишган пайтда Хуросоннинг мансабдор шахслари ва аъёнлари икки йил муддатда ҳижратда бўлган салтанат саройи ходимларини орзиқиб кутган кўзларини мунаввар этдилар. Ул ҳазрат ҳаммани вожиб ишларга йўллаб, адолат бисотини кенг ёйди. Оддий аҳолининг гуллаб-яшнаши ва тинч-хотиржам яшashi шундай муболағага эришдики, ундан ортиғини тасаввур қилиш асло мумкин эмас.

Ўша айёмда Рум мамлакатига кетган Шайх Нуриддин Муҳаммад Муршидий қайтиб келиб, Султон Муроддан эшитган муҳаббатга тўла сўзларни айтиб берди.

¹ 839 йил ўн бешинчи шаввол — 1436 йил 2 май.

² 840 йил иккинчи рабиулохир — 1436 йил 12 октябрь.



Бу воқеалардан сўнг яхши хислатли хоқон бир неча йил Хуросон вилоятининг кам-кўстсиз ҳаётида саодатли ва толеи баланд бўлиб вақтини ўтказди.

Доимо давлат ва миллат, қолаверса дин ва давлатнинг муҳим ишларини бир маромда, саранжом-сарошта ва тизимли тартибда олиб боришга саъй-ҳаракат қилди. Комрон ҳукмдорлар ва таниқли султонлар фармонга итоат этиб, раббоний иноят ва Аллоҳ иродаси билан осойишта орзу-умид эшикларини инсониятнинг ором ҳаёти учун очиб, саодатманд ҳумоюннинг бахт қуши давлат ва уни бошқариш фазосида эркин учар ҳамда хурсандчилик ва шоду хуррамликка лиммо-лим тўла қадаҳ халқ ҳаёти базмида доим бор эди.



ИСКАНДАРНИНГ БАДАХЛОҚ ЎғЛИ ТОМОНИДАН ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ



Искандар ибн Қора Юсуфнинг Қубод исмли ўғли бўлиб, Қубод отасининг энг яқин маҳбубаларидан Хон Султон исмли, Лайли лақабли дилбарга ошиқу беқарор эди. Ўша пайтда олий мартабали хоқон Озарбайжондан Хуросон томон қайтиб кетаётганда, Искандар Аланчуқ қалъасига борди. Қубод ва Лайлига нисбатан ғализлик ва қўполлик қилди. Чунончи, сиз нима учун Мавлоно «Жиғ»га, яъни Шохрух Мирзога ҳады-пешкаш жўнатган эдингиз?

Қубод ва Лайли ҳар қанча маъқул исбот-далиллар келтирсалар ҳам унга мақбул бўлмасди. Уларга қатл этаман деб таҳдид қиларди. Шунинг учун Қубод ва Лайли эса Искандар улар ўртасидаги хушторликни сезиб қолди деб тасаввур қилиб, бири бири билан маслаҳатлашиб, унинг жонига қасд қилишга келишипти.

Бир кечаси Искандар кўп шароб ичиб, қалъа томи устида ухлаб қолган эди. Лайли нарвонни шартга хилоф равишда тепага тортиб олмади. Қубод бундан фойдаланиб, ул нарвон орқали том устига чиқиб, отасига ханжар урди. Искандар уйқудан



уйғониб, ўзининг қотили бегона киши бўлса керак деган тасаввур билан, Қубоднинг номини тилга олиб, уни ёрдамга чақирди. Ул бадахлоқ ўғил эса ханжар санчиб, отасини бошқа оламга жўнатди.

ЧИЧАКТУҚО НОМЛИ ЭЛЧИНИНГ МИСР ВА ШОМ ВОЛИЙСИ ОЛДИДАН КЕЛИШИ ҲАМДА ХАЛҚ БИЛАН БЎЛГАН БАЪЗИ ҲОДИСАЛАР ЗИКРИ

Миср мамлақати Малик Ашрафга тааллуқли бўлган пайтда унинг мирохўри¹ Чақмоқбек омад кўмагида кечаси бир туш кўрди. Унда ҳазрат Шохрух уни кўтариб, подшоҳ тахтига ўтказди. Ниҳоятда хурсанд бўлганидан, хушёрлик ҳолатига келиб, Миср мамлақатидан умидвор бўлиб яшади.

Малик Ашраф вафот этгач, аркони давлат ва улуғ аъёнлари, жумладан, амирларнинг кўпчилиги Чақмоқбекни салтанатга лойиқ деб топди. Уни подшоҳ тахтига ўтказиб, ал-Мулки Зоҳир деб лақаб бердилар ҳамда итоат этиш қонун-қоидаларини бажариб, унинг салтанатига меҳр қўйдилар.

Чақмоқбек давлатни бошқаришда мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейин хос амирлар сафида турувчи Чичактуқони муносиб табриклар ва ҳадялар билан олампаноҳ даргоҳига юборди.

Чичактуқо 843 йилда² Ҳирот дориссалтанатига етиб келиб, уч кундан кейин улуғ амирлар воситасида ҳазрат хоқон билан кўришиш саодатига эришди. Ул ҳазрат лутф кўрсатиб ва марҳамат қилиб, мамлакат аҳволини унга зоҳир айлади, меҳрмуҳаббат ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳақида ўз ақидаларини изҳор этди.

Унинг учун ўнг қўлда катта амирлар учун бир қатор жой тайин этди ва ўша куни катта тўй уюштирилган эди. Ҳумоюн

¹ *Мирохўр* — охур бошлиғи.

² 843 йил — 1437 йил 1 июндан 1440 йил 1 июнгача бўлган оралик.



йиғинда ишлатилган идишларнинг аксарияти тоза қизил тиллодан ва улар гавҳар тошлар билан безатилган эди.

Чичактуқо зиёфатдан кейин иззат ва ҳурмат билан ўз маконига қайтди, улуғ шаҳзодалар ва ҳурматли амирлар навбати билан унга атаб тўй қилдилар. Улар зарли эгар билан безатилган арабий отлар ва шоҳона хилъатларни Миср султони учун жўнатдилар.

Уша аснода Чичактуқо арз этдики, Султон Чақмоқ етти ўлка подшоҳи кутубхонасидан аҳли суннат ва жамоа учун шарҳланган бешта мўътабар китобни сўраганлар. Уларнинг муаллифлари шайх Абу Мансур Мотуридий, аллома Розийнинг «Тафсири кабир»и, Хожа Масъуд Бухорий асарининг шарҳи, Мавлоно Аълоуддиннинг «Шарҳи Кашшоф»и ва шофеъийлар мазҳабидаги равзалардир. Бу китоблар мажмуаси ҳумоюн кутубхонасида мавжуд бўлганлиги боис хоқони саид буйруқ бердики, ҳар беш китобни чиройли хат билан ёзиб, жадвал тартиб, Чичактуқога топширдилар. Чичактуқо қайтишга ижозат сўраганда, унга атаб қайтадан зиёфат берди ва Султон Чақмоқ учун подшоҳона табриклар ва хусравона ҳадялар тайин этилди. Элчига эллик минг динор кепакий миқдориде маблағ инъом этилди, унинг эллик навкарининг ҳар бирига от, кийим ва минг динор иноят қилинди.

Мавлоно Ҳисомиддин Муборакшоҳ Парвоначининг элчи сифатида ул элчи ҳамроҳлигида Мисрга боришига қарор қилинди.

Мазкур йил ражаб ойининг ўн саккизинчисиде¹ Чичактуқо рухсат олиб, йўлга тушди. Бу элчилар гуруҳи Исфаҳон Шероз, Язд ва Кошон орқали ўтишни ният қилганлари учун, ҳазрат хоқони саид ул вилоятларга чопарлар жўнатиб, «Элчилар шаҳарга кирган вақтда шаҳарни безатсинлар ва ҳар тўрт шаҳардан эллик минг динори кепакий унга инъом этсинлар», деб хабар берди.

Шу йили шаъбон ойининг учинчи кечаси² Аллоҳ Алоуддавла Мирзога ўфил ато этди. Бу муҳтарам болага Султон Иброҳим

¹ 843 йил ўн саккизинчи ражаб — 1439 йил 25 декабрь.

² 843 йил учинчи шаъбон — 1440 йил 9 январь.





исмини беришди. Худди шу йили салтанат ошиёнида олий мартабали хоқонга жуда катта эътибор билан муносабатда бўлган амир Қурбон Шайх вафот этди.

844 йилда¹ одил подшоҳнинг амира Алоуддин Алика Кўкалтошнинг ёши тўқсондан ошган эди, бу оламдан кўз юмди. Унинг ҳиммати билан Ҳирот хиёбони бошида қурилган мадраса гумбазида дафн этилди. Амир Аликанинг хайрли ишларидан Ҳиротдан беш фарсах шимолда бир работ қурилган, бу жой кенг ва катта ердан иборат бўлиб, то 949 йилгача² етиб келиб, бу иморатнинг хоналари бузила бошлади.

Алқисса, ҳазрат хоқони Саид Амир Алика вафотидан сўнг унинг мансабини катта ўғли Амир Абдулфазлга топширди.

Шунингдек, мазкур йилда салтанат пойтахти Ҳиротга Мавлоно Ҳисомиддин Муборақшоҳ вафот этди деган хабар келди. У Мисрга кетган эди. Унинг ўғли Амир Раҳимдод Чичактуқо ҳамроҳлигида Султон Чақмоқ олдига кетган эди.

Ана шу пайтларда Кобул ва Ғазнидан Хизр Ўғлоннинг қизи катта Бону Милкат Оғо дунёдан кўз юмди деган хабар келди. Ул Бону аввал Мирзо Умаршайх ибн Амир Темур Гурагон никоҳида эди. Искандар Мирзо ва Бойқаро Мирзо ундан туғилган. Умаршайх Мирзо шаҳид бўлгандан кейин ҳазрат хоқони саид уни ўз ҳарамига жойлаштирди. Суюрғатмиш Мирзо ундан пайдо бўлди. Милкат Оғодан қолган иморатлардан қуббатулислом Балхда маҳобатли ва кенг безатилган мадраса мавжуд. Ул Бонунинг қабри ўша муқаддас жойнинг муҳташам гумбазидадир.

Ҳирот шаҳрида Милкат Оғо хонақоҳ, дорил-ҳадис, дориш-шифо ва икки ҳаммом қурди. Ҳиротдан тўққиз фарсах нарида Дарайи Зангий ва Чилдухтарон ўртасида кенг ва катта работ пойдеворини қурди. Ушбу йилларда вақт ўтиши билан бу даҳманинг кўп қисми нурамоқда ва ҳеч бир давлат соҳиби бу иморатни қайта тиклашга майл кўрсатмаяпти.

¹ 844 йил — 1440 йил 2 июндан 1441 йил 21 майгача бўлган оралик.

² 949 йил — 1542 йил 17 апрелдан 1543 йил 5 апрелгача бўлган оралик.





**ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ МАЛИК
КАЮМАРСНИНГ ИСЁНИ САБАБЛИ
НИШОПУРГА ЮРИШИ ҲАМДА МИРЗО
БОЙСУНҚУРНИНГ ЎҒЛИ СУЛТОН
МУҲАММАД МИРЗОНИНГ САЛТАНАТ
ҚОНУНЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН
ИРОҚҚА БОРИШИ БАЁНИ**



845 йилгача¹ ёрқин осмон қуёшига нисбатан бўйсунтириш ва итоат этиш йўлида юрган Малик Каюмарс Рустамдорий бўлиб ул итоат этиш маслагидан четга чиқди. Рустамдор қасабасининг барча сипоҳини Рай ҳудудини босиб олиш учун жўнатди. Бу юртда фитна ва исён ғавғоси анча юқорилади. Бу хабар салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келгач, етти ўлка хоқони жуда катта қўшин билан 842 йил баҳор фаслининг бошида² бадбахт муҳолифларнинг ёвуз ниятини даф этиш учун йўлга чиқди. Зафарёр хоқон Нишопур ноҳиясидан ўтгач, Малик Каюмарснинг исёнини журъатсизлик селоби ва қўрқоқлик ҳисси босиб кетди. Дарҳол гапга чечан чопарларни салтанат ошиёни остонасига жўнатди ва улар ожиз ва ялиниб, унинг тилидан арз қилдиларки, биз сизга ҳеч муҳолифлик қилмаймиз. Керак бўлса, қўшинни зафарёр сипоҳ хизматига бераман. Агар хумоюннинг нияти муте қилиш ва бўйсундириш бўлса, мен доим хизматкорман. Агар майлингиз мамлакат ва вилоят бўлса, ҳар кимга фармон бўлса топшираман.

Ул юборган амирлар Малик Каюмарснинг маҳзун, ожиз ва изтиробларини шарҳлаб арзи ҳол айтиб, назокатли тил билан эзгу ниятли хоқоннинг ғазаб оловини ўчиришга муваффақ бўлдилар.

Ҳоким тайинлаш бобида эса Ироқ ҳукуматини эплай оладиган одамни топиш учун кенгашиб олишимиз керак дедилар.

Шу аснода Амир Жалолиддин Ферузшоҳ айтди: «Айни пайтларда Шайх Баҳроуддин Умар Ҳижоз сафаридан салтанат пойтахти Ҳиротга қайтди, шунингдек, марҳамат қилдиларки, энг улуғ кишиси ҳазрат зубдатул-масоликайн турбати бошида Шайх

¹ 845 йил – 1441 йил 22 майидан 1442 йил 11 майигача бўлган оралик.

² 842 йил баҳор боши – 1439 йил феввали.



Аҳмад Ғаззолий қаддаса сирруҳу бизга зоҳир бўлдиларки, авлиёлар улуғи Султон Муҳаммад Мирзо ибн Бойсунқур Мирзони Ироқ салтанатига кўтардилар ва ул ёш шаҳзода давлатининг байроғини ул мамлакат тепасига тикдилар.

Бинобарин, музаффар хоқон Султония, Қазвин, Рай ва Қум вилоятлари ҳукуматини ул жаҳонни забт этувчи буржининг гавҳари қўлига топширди ҳамда шаҳзодага фойдали маслаҳатлар бериб, унга рухсат берди.

Амир Жалолиддин Ферузшоҳ то Бастомгача Султон Муҳаммад Мирзонинг хизматида бўлиб, иззат-ҳурмат билан уни кузатиб, сўнг қайтди.

Султон Муҳаммад Мирзо мақсадга етиб боргач, адолат ва эҳсон байроғини баланд кўтарди, атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардан жуда кўп халқ шаҳзода даргоҳига оқиб кела бошлади.

Ўзбошимча сардорлар ва рустамваш лашкар бошлиқлари бошқа ходимлар қатори тартиб-интизом йўлига кириб, подшоҳлик қадами тупроғини тўтиёдек кўзга сура бошладилар.

Ноилож шаҳзоданинг даромади харжига вафо қилмади, баъзи бировлар бойлик орттириш учун тасарруф қўлини чўза бошладилар. Бу хабар салтанат пойтахти Ҳиротга етиб борди. Халқпарвар хоқон дарҳол «Султония ва Қазвин суюрғол сифатида Султон Муҳаммад Мирзога берилсин ва Ироқнинг бошқа вилоятларига дахл қилинмасин!» деган фармон берди.

Хожа Шамсуддин Муҳаммад Бухорийнинг шаҳзодадан тортиб олган вилоятлари аниқ бўлди. Бу ҳукмнинг содир бўлишидан Султон Муҳаммад Мирзо таъсирланди ва иш шунга етдики, мухолифлик шиори билан исён кўтарди.

Агар энди умр вафо қилса бу қиссани қалам баён қилажак.

МИРЗО ЖАЛОЛИДДИН ФЕРУЗШОҲНИНГ АҲВОЛИ ВА ОЛИЙЖАНОБ ХОҚОННИНГ БЕТОБ БЎЛИШИ ЗИКРИ

Амир Ферузшоҳ ибн Арғуншоҳ яхши хислатли ва феъл-атвори ёқимли киши бўлиб, ёшлик кунларидан то умри охиригача хоқони сайд мулозиматида ихлос ва садоқат билан хиз-



мат қилди. Унинг ишлари кундан-кунга эътиборга молик бўлиб, тараққий этиб борди. Истиқлолдан бошлаб, давлатнинг барча муҳим ишлари ихтиёрини ва молини ўзининг иқтидорли қўлига киритди.

Ул киши ҳамиша саййидлар, уламолар, фақиру фуқаролар, раият ва мискинлар ишини ўзининг маънавий ҳаёти учун вожиб ва лозим деб ҳисобларди. Барча халқнинг хотиржам ва фаровон йўлида холис хайру эҳсон қилар, хайрихоҳлик кўрсатишга ҳаракат қиларди.

Салтанат пойтахти Ҳиротнинг ичкари ва ташқарисида, бошқа мамлакат ва вилоятларида мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, работлар ва ҳовузлар бунёд этиб, уларни охирига етказди. Шаҳар ва қишлоқларда обидаларни кўтаришда, дахма ва сағаналарни таъмир этишда, уларни ободонлаштиришда катта хизматлар қилди.

Ҳаётда жафо кўрган ва ситамкор замонадан изтироб чеккан ҳар бир киши унга умид қўлини чўзди, улар бебаҳра ва чорасиз қолмади.

Амир Алика Кўкалтош вафотидан кейин Амир Жалолиддин Ферузшоҳнинг эътибори ва ихтиёри ваколати аввалгисидан ҳам ортди. Бошқа ҳеч қайси амир ва давлат арконларида давлат мол-мулкига бўлган ҳақ-ҳуқуқи қолмади. Ул жаноб муҳим давлат ишларига кимни эътиқод билан кўрсатса, ҳеч бир киши унга хилоф иш қила олмас эди. Бу иш албатта олам ҳумоюн подшоҳига оғир ботарди, аммо бошқа нўёнлардан мамлакат ишига аралашадиган ҳеч ким йўқ эди.

847 йилда¹ Амир Жалолиддин Ферузшоҳ Амир Имомиддин Маҳмуд Жанобзайни бошқалардан устунлиги ва камолини тавсифлаб, Балх мол-мулкани рўйхатга олиш учун тайинлаган эди. Саййид бу амални қабул қилишдан истеъфо бериб, бу борада қанчалик уринса ҳам самара бермади. Олий мақом Амир Саййиднинг буйруғига кўра қуббатулислом Балхга йўлга тушди.

Ҳазрат хоқони сайд кетиши пайтида унга айтди: «Текширинг! Ўша пайтда Дехлидан Балх йўли орқали Ҳиротга келтирилган

¹ 847 йил – 1443 йил 1 июнидан 1444 йил 19 апрелигача бўлган оралиқ.





мол-мулк қанча маблағ ва миқдорда бўлган экан», чунки олий мартабали шарифнинг қулоғига етган эдики, Амир Ферузшоҳ навкарлари тасарруф этиш қўлини шунинг учун чўзган эдилар. Шунингдек, Саййид Имомиддинга Балх назоратчисининг уч йиллик фаолиятини текширишга ваколат берилган эди.

Ўша йилда тасодифан Муҳаммад Жўки Мирзо Баҳодир Балх ҳудудида бўлган эди. Ҳазрат хоқони саид ул вилоят мол-мулкида кўплаб талафот бўлганлигини биларди. Уларнинг кўпи Амир Ферузшоҳнинг ноибига тааллуқли эди. Саййид кўмаксиз бу муҳим ва жиддий ишни ҳал қила олмас эди. Шунинг учун бажарилиши шарт фармон содир бўлиб, унда қуббатулислом Балхнинг ишлари фарзанди Муҳаммад Жўки Мирзо иштирокида текширилиши кўрсатилди. Гап шундаки, шаҳзоданинг муносабати у жанобга нисбатан жуда ёмон эди.

Алқисса, Саййид Имомиддин мақсадга етиб келгач, Муҳаммад Жўки Мирзонинг ноиби билан биргаликда савдо муомаласи, ҳисоб-китоб ишлари, мол-мулкни рўйхатга олишда жиддий ҳиммат кўрсатди. Кўпгина тасарруф ва айбу-хатолар Амир Ферузшоҳ вакиллариники бўлиб, бу борада янги тузатилган ва қисқартирилган дафтар ёзилди. Саййид Балхдан қайтишидан олдин, 848 йилда¹ ҳазрат хоқони саиднинг соғлиғи мўътадил йўлдан четга оғиб, беҳол ва бетоблик сарҳадига етди, кучли қувват ғоятда заифлашиб борди. Бу хабар етти ўлка атрофида тарқалиб, жаҳон мамлакатлари, хусусан Хуросон жуда ташвишга тушиб паришон бўлдики, унинг шарҳини баён этишга қаламнинг кучи етмайди.

Амир Жалолиддин Ферузшоҳ моҳир ва эпчил Исо нафас табиблар ҳамда Хизр қадамли ҳақимларни тўплади. Унинг касаллиги сабаби ва соғлиғини тиклаш, дори-дармон тартиби, ичимлик ва овқатнинг таркибини текшириш билан машғул бўлди. Дарвешлар ва узлатга чекинганлар тавба-тазарруга қўл очиб, ҳақимлар даргоҳидан ул зоти олийга шифо тиладилар. Оқибатда Аллоҳ инояти билан соғлиғи яхшиланиб, эрталаб мурод куёши чиққандек, касаллик дарди пасайиб, мижози мўътадил ҳолга келди.

¹ 848 йил — 1444 йил 20 апрелидан 1445 йил 8 апрелигача бўлган оралик.





КАЪБАИ МУАЗЗАМАГА ЖОМА ЁПИШ ЗИКРИ ВА АМИР ЖАЛОЛИДДИН ФЕРУЗШОҲНИНГ АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ҲУЗУРИГА БОРИШИ БАЁНИ



Ҳатан йилда ҳазрат хоқони саид жаноб Муртазовий Саййид Муҳаммад Замзамийни Султон Чақмоқдан Каъбага жома ёпиш учун рухсат олишга Мисрга жўнатди, Саййид ул вилоятга шошилиб, Миср подшоҳидан муддаога мувофиқ жавоб олиб, қайтди.

Шунинг учун ушбу кунда шариф зотли хоқон шифохонадан Аллоҳ лутфи-карами билан саломатлик шарбатини ичиб, ўша сафар қарори бўйича Шайх Нуриддин Муҳаммад ал-Муршидий ва мавлоно Шамсуддин Муҳаммад ал-Абҳарийни Байтуллоҳга бориш учун вакил этиб тайинлади ва улар бу ишга киришдилар.

Ҳазрат шайхулислом ва жаноб мавлавий жомаларни Язд дорилибодасида тайёрлатиб, Ҳиротга олиб келган эдилар, уни олиб йўлга тушдилар. Улар Шом мамлакатига кирган ҳам эдилар, ул давлат амирлари ва аъёнлари буларга нисбатан ҳурмат кўрсатиб, зиёфат бердилар. Миср ҳудудига киргандан кейин эса Султон Чақмоқ ўз яқинлари ва хос одамларини у икки бузрукворни кутиб олиб, иззат-ҳурмат билан шаҳарга келтиришлари учун жўнатди.

Жаноб Шайх ва ҳазрат Мавлоно уч кун дам олгандан кейин Султон уларни ҳузурига чорлаб, уларни эъзозлаб, уларга илтифот кўрсатди. Улардан хоқони саиднинг аҳволини сўради.

Бир неча кундан сўнг Ҳижоз сафари жиҳозларини тўғрилаб, уларга рухсат берилди.

Элчилар Маккага етиб келгач, тавоф саодатига эришиб, Аллоҳ уйига жома кийгиздилар. Шундай буюк иш жаҳонгир хоқон эътибори туфайли амалга оширилди. Жаноб шайх ва ҳазрат мавлавий ҳаж амалларини бажаргандан сўнг Хуросон томон йўлга тушдилар. Ул узоқдан-узоқ масофаларни босиб ўтиб,





Ҳирот дориссалтанатида хоқон хизматига етишдилар ва бўлган воқеаларни сўзлаб бердилар.

Мазкур 848 йилда¹ Мирзо Муҳаммад Жўки Баҳодир қуб-батулислом Балхдан Саййид Имомиддин Маҳмуд Жанобзайни олий тахтга ўзи билан бирга олиб келди. Барча бўлиб ўтган воқеаларни ва ул вилоят сарф-харажатлари, чиқимларини тўшунтириб берди.

Ҳазрат хоқони сайд олдида ул назоратчининг мол-мулкидан барча маблағлари Амир Ферузшоҳ вакиллари ва қариндошларидан ундириб олиниши аён бўлди.

Шубҳасиз, ул жаноб берилган саволларга жавоб берди. Амир Ферузшоҳнинг кўнглига бунга ўхшаш саволлар берилиши келмасди. Шунинг учун жаҳли чиқиб, этагини силтаб ҳумоюн йиғиндан чиқиб кетди ва бир неча кун девонга келмади. Шунда олийжаноб хоқон дарҳол мавлоно Ёқуб Парвоначинини ул жанобнинг олдида жўнатди ва тайинлади: «Биз томондан амир кўнглига малол келадиган бирон иш бўлгани йўқ».

Балх мол-мулкини тасарруф этиш учун унинг вакиллари ва қариндошларини сўроқ қилиш ҳумоюн кўнглида умуман йўқ эди. Агар шундай бўлса, подшоҳни қолдириб, ўзини четга тортиб йиғиндан чиқиб кетиши керак эди. Амир Ферузшоҳ бу гапнинг ҳидидан қасос таъмини сезиб, ўзининг ғализ ҳаракатидан пушаймон бўлди.

Ва ҳаддан ортиқ ғам-андуҳ унинг соғлиғига таъсир қилиб, касал бўлиб қолди. Ҳазрат хоқони сайд лутфу карами ва инсондўстлигининг ниҳоятда кучлилигидан уни кўришга бориб, унинг аҳволи ҳақида кўп қайғуриб, дил сўзларини изҳор қилди, аммо фойдаси бўлмади. Амир Ферузшоҳнинг касали кундан-кунга кучайиб, охири Аллоҳ таоло ҳузурига кетди. Унинг қабри Ҳирот дориссалтанати ташқарисидаги маҳди улё Гавҳаршод Оғо иморатига яқин мадраса гумбазидадир.

¹ 848 йил – 1444 йил 20 апрелидан 1445 йил 8 апрелигача бўлган оралик.





Ҳазрат хоқони саид у амир вафотидан кўп афсусланди. Унинг мансабини унинг катта ўғли Амир Низомиддин Аҳмадга топширди.



МИРЗО МУҲАММАД ЖЎКИ БАҲОДИРНИНГ ВАФОТИ ЗИКРИ



Мирзо Муҳаммад Жўки Баҳодир фаридунҳашам хоқони саиднинг кичик ўғли бўлиб, унинг шижоати ва мардлиги белгилари, жасур ва донишмандлиги нури пешонасига ёзиб қўйилгандек маълум эди. Унинг ўқи осмон кўзини очиб ва унинг қасам қиличи Баҳром дилига ҳасрат доғини михлаб қўярди. Ул жаноб ҳамиша падари бузруквори хизматида яшарди. Ул ҳазрат номдор боласига хайрихоҳлик одатларини ўргатар эди, аммо катта Бону Гавҳаршод Оғо хоқоннинг олийжаноб одатини ўз ҳолига қўймас эди. Доимо шаҳзоданинг ножўя ишларинигина етказарди, холос. Подшоҳ эса мажбуран Муҳаммад Жўки Мирзонинг кўзини давлат ишларида дахлдор эмас деб билар эди. Ваҳоланки, унинг акалари Алоудавла Мирзо ва Абдуллатиф Мирзо ниҳоятда эътибор билан вақтини ўтказарди.

Бинобарин, бу нарсалар шаҳзодага таъсир қилиб, унинг табиатида зиддиятли касалликлар пайдо бўлишига сабаб бўлди, шунга қарамай, ниҳоятда ғайратлилигидан ўзини маҳзун қилиб кўрсатмас, доимо тахтиравонга ўтириб, Хуросон диёри атрофида сайр қилиб юрарди.

848 йилда Сарахс ноҳиясида унинг руҳи қуши кўкрак қафасдан парвоз қилди ва илоҳий чаман булбули билан сирдош дўстга айланди. Ҳазрат хоқони саид бу ғамли хабарни эшитиб, ниҳоятда изтиробга тушди. Охирида сабр-қаноат этагига қўл уриб, калимасини дилдан ўтказди. Шаҳзоданинг жасадини Сарахсдан Ҳиротга келтириб, маҳди улё Гавҳаршод Оғо мадрасаси гумбазида акаси Бойсунқур Мирзо ёнига дафн қилдилар. Улуф амирлар хоқон фармонига биноан унга суюрғол қилинган вило-





ятни, унинг авлоди Муҳаммад Қосим Мирзо ва Або Бакр Мирзо ўртасида тақсимлаб бердилар.

СУЛТОН МУҲАММАД МИРЗОНИНГ ЖАҲОН ҲУКМДОРИГА НИСБАТАН МУҲОЛИФЛИГИ ҲАМДА ЗАФАРЛИ ҚЎШИННИНГ ФОРС ВА ИРОҚ ВИЛОЯТИГА ЮРИШИ БАЁНИ



Зиёли ахлоқли муаррихлар ва ҳурматга лойиқ тарихчилар китоб саҳифаларини шундай безаганларки, Форс отчопари шавкатли Султон Муҳаммад ибн Бойсунқур Ироқ мамлакатида салтанат тахтига мустаҳкам ўрнашиб олгач, теvarак-атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардан олийжаноб шаҳзода даргоҳига жуда кўп халқ йиғилишиб келди. Улар хусравдек бағри кенг инсон айтган сўзларига вафо қилмади дейишди.

Бинобарин, уларнинг баъзилари, маънавий-диний заифлик ҳазрат ҳумоюн вужудини қамраб олибди, кучли одам бирдан заифлашибди. Ул ҳазратнинг қимирлашга мажоли қолмабди. Фурсатни фанимат билиб, Исфаҳон ва Шероз ноҳияларини тасарруф этиш керак деб айтдилар.

Гап шундаки, ўша пайтда Исфаҳон ҳукумати саодатли Амир Ховандшоҳга тааллуқли эди. Мирзо Иброҳим Султоннинг ўғли Абдулло Мирзо эса Шерозда ҳукумат байроғини тиккан эди.

Алқисса, Султон Муҳаммад Мирзо Ироқдаги фитна қўзғовчи кишиларнинг сўзларига ишониб, тўсатдан Исфаҳонга ҳамла қилди ва саодатли амирни қўлга олиб, маҳбус этди. Ул вилоятдан кўп мол-мулк, ўлжа олиб, сипоҳларга улашди ҳамда Форсга қараб йўлга тушди.

Абдулло Мирзонинг урушга куч-қуввати йўқлиги боис, Шероз дарвозаларини беркитиб, уни муҳофаза қилиб, салтанат пойтахти Ҳиротга яшиндек тез учадиган отлик чопарни жўнатди ва бўлган воқеаларни мактубга жойлади.





Бу хабар олий мартабали хоқонга етиши билан руҳий заиф ҳамда озгин бўлишига қарамай, подшоҳлик номусини ҳамда ифбатпаноҳ жаноб, яъни маҳди улё Гавҳаршод Оғонинг гапини инобатга олиб, 850 йилда¹ зафарёр қўшинни Форс ва Ироқ томон бошлади.

Алоуддавла Мирзони салтанат пойтахти Ҳиротга ўринбосар қилиб тайинлади.

Рай мамлакати ҳарбий ўрдугоҳ бўлганлиги боис у ерда Амир Султоншоҳ Барлос, Амир Алика Кўкалтошнинг ўғли, Амир Шайх Абулфазл ва Амир Низомиддин Аҳмад Ферузшоҳ ҳукмга биноан манглай қисм сифатида олдинроқ йўлга тушдилар. Ҳумоюн мавкаб ҳам уларнинг орқасидан ҳаракатга тушди.

Султон Муҳаммад Мирзо бу хабарни текшириб кўриб, Шерозни қамал қилишни тарк этиб, Луристон томонга юз тутди. Шон-шарафли хоқон шаҳзоданинг қочганлигини билгач, от жилвини Кандамон² манзилдан Исфаҳон томон бурди.

Бу туманда тўхтаб, Султон Муҳаммад Мирзо тарафдорлари сафида бўлган саййидлар ва фузалоларнинг барчасини жазога маҳкум қилдигина эмас, балки муборак рамазон ойининг ўртасида³ у олий шонли қавмнинг аксариятини ясога етказди⁴.

Муҳаққиқ фузалолар шарафи мавлоно Шарафуддин Али Яздий эса Султон Муҳаммад Мирзо суҳбатида бўлгани учун қўлга тушган эди. Шунинг учун ҳазрат хоқон бир пайтлар Мавлавийнинг шеърини шаҳзодага ўқиганлигини эшитган эди.

Фалак мўйсафиду бахт юдузинг ёш,
Чол ёшга давлатин бергани яхши.

Ва ҳазрат хоқони саид бу томонга ҳеч қачон келмайди деган экан. Ул жанобни ҳузурига чорлаб сўради: «Менинг бу томонга келмаслигимни қаердан билдинг?» Мавлоно жавоб берди: «Мен бу сўзларни юдуз ҳаракатига қараб айтмадим, балки ақл-идрок

¹ 850 йил — 1446 йил 29 мартдан 1447 йил 18 мартгача бўлган оралик.

² Кандамон ёки Кандавон — Райдан (ҳозирда Техрондан) шимолроқдаги яйлов ва тоғ довори.

³ 850 йил рамазоннинг ўртаси — 1446 йил 14 декабри.

⁴ Ясога етказди, яъни қатл этди.





юзасидан арз этдим, чунки шаҳзода давлат ариғи ёнида ўсаётган ёш ниҳолдир ва толеи баланддир ҳамда кенг бепоён уфқдан кўтарилаётган порлоқ қуёшдир.

Ҳазрат хоқони сайд фузалолар Шарафи хизматини шаҳзодага топширди. У ҳазрат у жанобни хуфия равишда салтанат пойтахти Ҳиротга кузатди.

Ҳазрат хоқони сайд ўша қишни Райда ўтказди. Қиш фасли тугагандан кейин ҳумоюн фармони кучга кирди. Унга биноан Султоншоҳ Барлос, Шайх Абул Фазл, Мирак Аҳмад Ферузшоҳ каби улуғ амирлар Султон Муҳаммад Мирзо олдига бориб, шундай қилсинларки, шаҳзода кечирим ва тавба-тазарру йўлига кириб, ўзининг катта бобоси даргоҳига келсин, агар уларнинг насихатларини қулоққа олмаса, уни мажбурий равишда хизматга келтирсинлар деган буйруқ берилди.

Амирлар бир-бирининг орқасидан ул томонга равона бўлдилар. Амир Шайх Абул Фазл шерикларидан олдин Султон Муҳаммад Мирзо хизматига етиб борди ва унга илиқ, назокатли ва самимий сўзлар билан у ҳазратни хоқон мавкаби мулозама-тига боришга кўндирди, аммо шу пайтда бир воқеа содир бўлиб, ҳумоюн ўрдуда бўлган ҳар бир киши ҳар томон қараб кетди.

ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ АБАДИЙ ЖАННАТГА КЕТИШИ БАЁНИ ВА ЎРДУДА ЮЗ БЕРГАН БАЪЗИ ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ



Уша пайтда зафар байроқли ҳазрат хоқони сайд ер юзининг кўпгина аҳоли яшайдиган обод қисмида давлат байроғини тикди ва адолатли қонунлар билан безади.

Тўсатдан Аллоҳ таоло тақдирга кўра ҳаёт манбаи қуввати уни тарк этиб, айни камолотида бало ўқи жафо камонидан отилиб унинг азиз жонига тегди.

Юракларни эзадиган бу воқеанинги аниғи ва оғир ҳодисанинги тафсилоти шуки, ўша пайтда Рай мамлакати ҳашаматли соҳиб хоқоннинг яшайдиган жойи эди. Баъзида ул меъда оғриғи ва соғлиғининг заифлигидан шикоят қиларди.





850 йил зулҳижжа ойининг йигирма бешинчи якшанба куни¹ эрталаб, наврўзнинг биринчи кунига тўғри келадиган куни шароб ичиб, муборак оёқларини саодатли узангига қўйиб, машо-йихлар мақбарасини зиёрат қилиш учун Таборак² қалъасига йўл олди ва от жловини ўша томонга бурди. Катта майдонда хачирга миниб, сайр қилиб юриш асносида, улов саркашлик қилган эди, ўзини тутиш қобилияти қўлдан чиқиб кетди.

Шунинг учун хачирдан тушиб, тахтиравонга ўтирди. Ўша лаҳзада меъдада яна хуруж пайдо бўлдики, энди унинг тадбири катта ва кичик, ёшу қари ожиз қолди. Олам подшоси ўзининг боргоҳига етиб келишдан олдин охиратга сафар қилди. Халифатпаноҳ хоқоннинг шарафли руҳи қуши нариги дунё мусофирларига дўст бўлиб, жаннат боғидан паноҳ топди.

Ўша оғир куни жаҳонгир шаҳзодалардан Абулқосим Бобур Мирзо ибн Бойсунқур Мирзо, Абдуллатиф Мирзо ибн Мирзо Улуғбек, марҳум хоқоннинг қиз набираси, Мирзо Халил Султон ибн Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирдан бошқа ҳумоюн ўрдуда ҳеч ким йўқ эди. Амирлардан ҳам Луқмон Барлосдан бошқа ҳеч ким йўқ эди, чунки бошқа нўёнлар Султон Муҳаммад Мирзо билан суҳбатлашиш учун унинг олдига кетган эдилар. Ўша куни ва ўша кечаси толиқтирадиган воқеалар ҳақиқати махфийлигича қолди.

Маҳди улё Гавҳаршод Оғо обрўли, эътиборли ўғли Мирзо Улуғбек Гурагон хотири учун мулоҳаза қилиб, ишончли кишини Абдуллатиф Мирзо олдига жўнатди ҳамда «Мамлакат ҳукмдори ва тақводори орамиздан кетди, эл-улуснинг энди сарвари йўқ. Сен энди халойиқни ҳимояга олиб, ўрду аҳволи паришонликка йўл тутмаслиги учун ҳаракат қилсанг яхши бўлар эди» деб хабар юборди. Абдуллатиф Мирзо унинг илтимосини инобатга олиб, баронфордан зафарли ўрдуга шошилди.

Эртаси куни тонгда машаққатли бу воқеалардан шошиб, шарқ қуёши уфқнинг ёқасини йиртди ва мотам учун ҳазрат шаҳриёр кўк либос кийди.

¹ 850 йил йигирма бешинчи зулҳижжа – 1447 йил 3 март.

² Таборак – Рай яқинидаги қалъа.





Амир ва вазир, каттаю кичикнинг дод-фарёди ва йиғи-сифиси осмону фалакка кўтарилди. Дилбар аёллар қора либосларини кийдилар.

Ўша пайтда Абулқосим Бобур ўзининг махсус жасур гуруҳи билан Хуросон томон юрди. Мирзо Халил Султон ҳам шу томон юриб, Бобур мавкабини олдинга ўтқазиб юбориб катта ҳиммат қилди.

Ул икки шаҳзода мулозимлари йўл устида жойлашган ўрду бозорида талон-торожликка қўл урдилар. Ифвогарлик дилсиёҳликлари ҳаяжонга келиб, оддий одамларнинг ғавғоси, тўс-тўпалони кўтарилди. Абдуллатиф Мирзо отга миниб, ўрду атрофида югириб-елиб назорат қилди ва бир неча кишини жазолади ҳамда тобланган қилич билан тўполончиларни тинчлантирди. Икки-уч кун ниҳоятда жиддий ҳаракат ва куч билан раият ва сипоҳлар мол-мулкини (ҳимоя) қилиб, бу воқеадан падари бузрукворини хабардор қилиш учун Самарқандга чопар жўнатди.

Учинчи куни марҳум жасадни тахтиравонга солиб, қишлаган юртидан кўтариб, Хуросон томон йўл олишди. Бир-икки манзилни босиб ўтгач, баъзи бир жинойтчи ёвуз жоҳил кишилар шаҳзода олдига келиб, «Маҳди улё Гавҳаршод Оғо тархон¹ амирлари билан иттифоқ тузиб, хиёнат қилиш ниятидадир», деб маълум қилдилар.

Шаҳзодада жунунлик аломатлари анча баланд бўлгани ва бувисининг меҳр-муҳаббати Алоуддавла Мирзога нисбатан кўпроқлиги боис, юқоридаги сўзларга ишониб, маҳди улё ва тархонларни ғорат ва талон-торож довулига мубтало қилди, кимнинг ҳимояси бўлмаса, уларни ҳибсга олди. Жаноб Султоннинг² яқинларидан Амир Низомиддин Алишернинг айтишича, Абдуллатиф Мирзо эътиборсизлиги учун кўчиш пайтида хуш ахлоқли, ҳурматли ва иффати покиза бир аёл минишга улов тополмай, қўлига ҳасса олиб, пиёда йўлга тушди.

¹ Тархон — олий ҳукмдор олдида фавқулодда хизматлари учун ўзи ва авлодлари барча солиқлардан озод қилинган ўта имтиёзли шахс.

² Жаноб Султон — Ҳусайн Бойқаро.





Шунда барлос амирларининг навкарларидан бири етиб келиб, ўз отини таклиф қилди, иффати пок маҳди улё минди. Абдуллатиф Мирзо Домғонга етиб келгач, у ернинг доруғаси шаҳарда беркиниб олиб, қаршилиқни ихтиёр ва изҳор этди. Шаҳзода эса қамал ва урушдан сўнг қаҳр-ғазаб билан шаҳарни олиб, у ерда умумий ғорат ва талон-торож амалга оширди.

Абдуллатиф Мирзо Домғондан Бастомга ўтди. У ерда Бобур Мирзо ҳинд амири хоҳиши билан Журжонга келиб, подшоҳлик тахтида катта қудратга эришибди, деб эшитди.

Иложсиз ўша томонга қараб йўлга тушди, сўнг бу қарорни бекор қилиб, зафарёр ўрду Сабзавор томон ҳаракатга тушди. Йўл асносида Амир Султоншоҳ Барлос Султон Муҳаммад Мирзо ўрдусига кетган амирлар билан мулозиматга келаётибди деган хабар келди.

Амир Шайх Абулфазл ҳам у ерда тўхтади, Амир Низомиддин Аҳмад Ферузшоҳ Туршиз¹ йўли орқали Ҳиротга шошилди, эртаси куни Амир Султоншоҳ олий мавкабга кўшилди. Абдуллатиф Мирзо Сабзавордан Нишопурга саф тортиб кетди. Ўша ноҳияда Алоуддавла Мирзо хазинанинг эшикларини очиб, жуда кўп тиллани лашкарига тарқатди, деб эшитди. Унинг қўшини бошлиқларидан бир гуруҳи муқаддас Машҳадга келдилар.

Шаҳзода ниҳоятда мағрурлигидан бу хабарга ишонмади. У қийин аҳволга тушиб қолмагунча, ғафлат йўлида юрди. Бу воқеанинг қисқача тафсилоти шуки, ўша пайтда Рай мамлакатада ҳазрат хоқоннинг мудҳиш воқеаси содир бўлди. Маҳди улё Гавҳаршод Оғо Ҳиротга яшин тезлигида чопар жўнатди ва аҳволни тушунтирди.

Алоуддавла Мирзо ул ноҳиянинг ҳокими эди, бу хабарни эшитиши билан кўзларидан фавворадек қонли кўз ёшлари лолагул юзига селдек оқди. Амирлар ва аркони давлатни махфий ҳолда бир жойга тўплаб, ўртага қуръакашлик маслаҳатини солди ва тўс-тўпалондан, жанжалдан сўнг Мирзо Улуғбекка итоат

¹ Туршиз – ўрта асрларда Хуросоннинг Нишопур вилоятига кирувчи Пушт туманининг бош шаҳри бўлган. Ҳозир унинг номи ўзгариб, Турбаби Ҳайдария дейилади.





этиб, барча маблағни Самарқандга жўнатишга ҳамда қимматбаҳо тухфаларни улуғ бузруквор амакисининг шарафли хотирини рози қилиш учун юборишга келишилди.

Аммо ўрду томондан Абдуллатиф Мирзо маҳди улё Гавҳаршод Оғога нисбатан ҳурматсизлик қилибди деган хабар келгандан сўнг, Алоуддавла Мирзо ташвишга тушиб, истиқдол хаёлига тушди ва келишилган қарорга қарши йўл тутди. У дарҳол Ихтиёриддин қалъасига бориб, хазинанинг эшикларини очди ва шунчалик тилло ва жавоҳирни қўшинга бағишладики, бундан олдин ҳатто кондан ҳам бунчалик олишнинг имкони бўлмас эди.

Шунда Пир Муҳаммад Мирзо Шерозийнинг ўғли Солиҳ Мирзони Амир Увайс Тархон, Аҳмад Тархон ва бошқа машҳур шижоатли кишилар билан Абдуллатиф Мирзони даф этишга номзод қилди. Солиҳ Мирзо эса шериклари билан муқаддас Машҳадга шошилиб келиб, шаҳзода ўрдусининг тартибсизлиги ҳақидаги миш-мишларни эшитди. Ва шубҳасиз фатҳ ва зафарга умидвор бўлиб, Нишопур томон илғор қилдилар.

Сафар ойининг ўн учинчиси шанба куни¹ эрталаб тўсатдан Абдуллатиф Мирзонинг марказий қисмига ҳамла қилиб маҳди улё ва тархоний амирларни ёв қўлидан чиқариб олдилар.

Муносиб мавзеда урушга шайланиб, бурғу чалдилар ва олишувга тайёрландилар, карнай-сурнай овози мовий осмону фалаккача авжга чиқди.

Абдуллатиф Мирзо шу вақтгача ўз бахтидек уйқуда эди, карнай-сурнайнинг шовқинли овозини эшитгач, хушёр тортиб, ўзини истироҳат кўрпа-тўшагидан тургандек ҳис этди. Ва тезлик ва шиддаткорлик билан қирғин жангга саф бўлиб тизилди. Ўзи ёв сафига босиб бориб, тўхтовсиз ҳамлалар қилди. Ўзбошимча кишиларнинг бошини худди чавгон чопаётган отлар оёғи остидаги коптоқдек ағдарди, хуллас, ниҳоятда шижоат кўрсатди.

Шу аснода тулпор қора оти қалқиб кетиб, эгардан ерга ағдарилди. Хуросоннинг барча сипоҳлари уни ушлаб, Солиҳ Мирзонинг олдига олиб бордилар, иқтидорли байроқни баланд кўтариб, шаҳзоданинг қанотини парчалаб ташладилар.

¹ 851 йил ўн учинчи сафар — 1447 йил 30 апрель.



Шундан сўнг Солиҳ Мирзо ва тархонлар марҳум хоқон жасади ва маҳди улё Гавҳар Шод Оғога ҳамроҳ бўлиш учун Ҳиротга йўл олдилар. Алоуддавла Мирзо кутиб олиш учун Жомнинг Саъдобод мавзеигача келиб, шу мақомда ўзининг иффати пок эканини кўрсатди.

Сарой атрофини яхши безатиб, Абдуллатиф Мирзони чақиришга фармон берилди. У шаҳзодага берилган фармон, уни худди гуноҳкорлардек камарни белидан ечиб, чап томондан киритиб, салтанат тахтига олиб келдилар. Алоуддавла Мирзо ғурур билан ундан сўради: «Ўз энангга нисбатан нега ҳурматсизлик қилдинг?» Абдуллатиф Мирзо жавоб берди: «Мен ёмонлик қилиб, жафо кўрдим. Сен яхшилик қилсанг вафо кўрасан».

Алоуддавла Мирзо амакиваччасининг жазосига афв чизигини тортди ва унга махсус хос чодир тайинлади. Ишончли кишилардан қоровул тайин этди. Шундан сўнг салтанат пойтахти Ҳиротга шошилиб, шаҳзодани Ихтиёриддин қалъасига маҳбус этди.

Олий мартабали хоқоннинг муборак жасадини маҳди улё Гавҳаршод Оғо мадрасасида тупроққа топширдилар ва бир неча кун хатми калом қилиб, хос ва оддий кишилар, фақиру фуқаро ва етим-есирларга ош тортилди.

Ҳазрат хоқони сайднинг етти ўғли бўлиб, улар қуйидаги тартибдадир: Мирзо Улуғбек Гурагон, Иброҳим Султон Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Суюрғатмиш Мирзо, Муҳаммад Жўки Мирзо, Жон Ўғлон ва Йарди.

Жон Ўғлон ва Йарди ёшлигида вафот этишган. Мирзо Иброҳим Султон, Бойсунқур Мирзо ва Жўки Мирзо ҳам ул ҳазрат ҳаётлик пайтида вафот этганлар. Иброҳим Султон Мирзодан Абдуллох Мирзо исми ўғил қолган эди. Шаҳзода бузруквор отаси вафот этган пайтда Шерозда ҳукумат юритарди. Суюрғатмиш Мирзо эса икки нафар ўғлини ёдгор қилиб қолдирди: Султон Масъуд Мирзо ва Қорачор Мирзо, аммо Бойсунқур Мирзонинг уч ўғли бор эди: Алоуддавла Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо ва Бобур Мирзо.

Муҳаммад Жўки Мирзодан икки ўғил қолган эди: Муҳаммад Қосим Мирзо ва Або Бакр Мирзо. Марҳум хоқоннинг қизлари



икки нафар бўлиб, улардан бири Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг никоҳида бўлиб, ундан Халил Султон Мирзо туғилган.

МАРҲУМ ҲАЗРАТ ХОҚОННИНГ ВАЗИРЛАРИ ЗИКРИ

Шунингдек, тарихий китоблардан шу нарса келиб чиқадики, Мавлоно Жалолиддин Лутфулло, Мавлоно Садриддин Иброҳим, Мавлоно Камолиддин Абдулҳамид ибн Мавлоно Қутбиддин Қурумий ва Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Амин ибн Мавлоно Садриддин Иброҳим олий насабли хоқон салтанати замонида вазирлик мансабига эришганлар, улар саййидлар, уламолар ва фузалоларнинг муҳим ишларини тартибга солиш бобида уларнинг хайрли абадий ишларининг ривож ва равнақ топишига саъй-ҳаракат қилганлар.

Мавлоно Жалолиддин Лутфулло доимо вақф мол-мулкани кўпайтириш ва яхши сифатли фозил кишиларни тарбиялашда кўп саъй-ҳаракат қилди. Мавлоно Лутфулло 842 йилда¹ вафот этди. Бу фазилатли вазирдан қолган обидалар Ҳирот ташқарисидаги мадраса бўлиб, Пир мазорига яқин Абулвалид Аҳмад обидасига яқин жойда қурилган.

Мавлоно Садриддин насабининг улуғлиги ва уруғининг келиб чиқиши ва хонадонининг шарафлилиги жиҳатидан Самарқанднинг мансабдор шахслари ва аъёнларидан имтиёзлироқ эди. У олий мартабали хоқон давлатининг бошланишида назарга тушиб, вазирлик байроғини баланд кўтарди, унинг олий ҳиммати ҳамиша унинг эҳтиёжи аҳоли, уламо фозиллар, улуғ кишиларни тарбиялашдан иборат эди. Вақф ерлари ҳосилини сарфлашда шарт-шароитларини мулоҳаза қилиб, муқаддас шариат тақозосидан асло ошириб юбормас эди. Шубҳасиз, умрининг охирига қадар унинг ишларига ҳеч қанча шубҳа туғилмади. Кундан-кунга бахтиёр подшоҳнинг нури аввалгидан ҳам кўпроқ унинг қиёфасини ёритарди.

¹ 842 йил – 1438 йил 5 июлдан 1439 йил 13 июнгача бўлган оралик.




Мавлоно Садриддин Иброҳим 832 йилда¹ вафот этди. Ул киши саксон уч йил умр кўрди. Мавлоно Қутбиддин Қурумийнинг ўғли Мавлоно Абдулҳамид Амир Темур Гурагон давлати пайтида вазирлик лавозимига киришган эди. Мавлоно Абдулҳамид эса ҳазрат хоқони саид салтанати пайтида бир неча йил мавлоно Жалолиддин Лутфулло билан бу ишга аралашиб юрарди.

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Амин эса Лутфулло вафотидан сўнг олий хислатли хоқон назарига тушиб, ўзининг падари бузруквори Мавлоно Садриддин Иброҳим ўрнига бош вазирлик мансабини эгаллади ва адолатли подшоҳ умрининг охиригача бу вазифасини бажарди. Ҳазрат хоқон фоний оламдан абадий дунёга сафар қилгач, ул зот тарки дунё ва узлатга чекинишни ихтиёр қилиб, ниҳоятда ҳимматининг баландлигидан бошқа олий мартабали султонлар даргоҳи атрофига яқинлашмади, Абулқосим Мирзо ва Султон Абу Саид Мирзо ул жанобни қанчалик меросий мансабни қабул қилишни таклиф қилмасинлар, у киши кўнмади. 887 йилда² етмиш етти ёшида вафот этди. Ул жанобнинг обидаларидан Ҳирот ичкарисидаги Қичон бозорчаси ёнида қурилган масжиддир. Ундан ташқари Ҳирот вилоятига қарашли Қилич қишлоғи довонининг икки томонида қурилган икки работдир, аммо зафарёр хоқоннинг вазирлари аҳволи ҳали ёзила-жақдир.



¹ 832 йил — 1428 йил 11 октябрдан 1429 йил 29 сентябргача бўлган оралиқ.

² 887 йил — 1482 йил 20 февралдан 1483 йил 8 февралгача бўлган оралиқ.





МАҒФИРАТЛИ ХОҚОНИ САИД
ШОҲРУҲ МИРЗОНИНГ ВАЗИРЛАРИ
АҲВОЛИДАН БИР БЎЛАГИ ЗИКРИ



Ўтган арақлар услуби ва тузилиш боблари ёғдуси орқали уйғоқ кўнгиллар¹ огоҳлик топгани ва онг нурлари бу мавзу узра шуъла сочганидек, ҳазрат хоқоннинг салтанати айёми бошларида Саидхожа Фиёсиддин Солор Семноний, Саййид Фахриддин Маҳмуд, Хожа Низомиддин Аҳмад бин Довуд гоҳида эркин ва гоҳида шерикликда вазирлик мансабида турган эдилар.

820 йил охирларида² Хожа *Фиёсуггин Пир Аҳмад Хофий*³ ҳазрат хоқоннинг иноят назарига манзур бўлиб, Хожа Аҳмад Довуд билан биргаликда мулк ва молия ишларини тартибга солишда ҳалоллик ва очиқ қўллик намунасини кўрсатдилар. Ул икки соҳиб тадбир вазир ҳамиша қувонч палосини ёйиб, бири бири билан ҳазил-ҳузул ва мутойиба мақомида бўлишар, зарофат қоришиқли сўзлар сайқали воситасида кўнгил саҳифаларидан ташвиш зангини кетказишарди.

Хожа Аҳмад Довуд охират оламига кўчиб ўтгач, Хожа Фиёсиддин Пир Аҳмад мазкур вазифада эркин фаолият юргиза бошлади ва ўттиз йилга яқин тўла давлату иқбол билан умр ўтказиб, инъом ва эҳсони нурларини Ироқи Ажам⁴ ва Хуросон шаҳарлари ҳудуди аҳолиси турмуши саҳифалари узра ёйди.

Шунингдек, айни ўша вақтларда вилоят ва шаҳарларда хайрия иморатлари қурдирди ва обод қишлоқлар, кўркам ер-мулкларни

¹ Китобхонлар кўзда тутилмоқда.

² 820 йил охирлари – 1418 йил 9 январь.

³ Хофий нисбаси Хоф шаҳрида туғилганларга берилиб, афсуски, айрим манбашунослар уни хато равишда «Хавофий» тарзида ёзиб келмоқдалар.

⁴ Ироқи Ажам – Эроннинг шимоли-ғарбидаги ўлкалар.





вақф қилиб, савобли ишлар эшикларини фуқаро ва мискинларнинг умид юзи сари очди.

Осмон тахтли хоқоннинг аянчли воқеаси ва Мирзо Абдуллатифнинг тутқунлиги ҳодисасидан сўнг эса, салтанат уйи Ҳирот сари ошиқиб, Мирзо Алоуддавланинг иноятига эришди ва қайтадан вазирлик ишларига мутасадди бўлиб, Мирзо Улуғбек Гурагоннинг Мирзо Алоуддавла давлатини истило этиши замонагача тўла эътибор ва ихтиёр оғушида ҳаёт кечирди. Ул мақтов хислатли хожанинг бошқа ҳолатлари эса келажак дostonлар асносида зикр қилинажаги учун бу ўринда чиройли юришли қалам унинг тафсилоти баҳридан воз кечишга мажбур бўлди.

Ғиёсиддин Сайди Аҳмад бин Хожа Низомиддин Аҳмад Шерозий олийжанобликда тилга тушгани, хонадонининг юксак қадрланиб, шараф топгани ва ота-бобосининг баланд мақоми туфайли ўзига ўхшаганлар қаторидан ўзиб кетган эди.

Ул жаноб 838 йил сафар ойида¹ вазирлик ишида Хожа Ғиёсиддин Пир Аҳмад билан шерик бўлиб, инсоф туғини баланд кўтарди.

«Равзат ус-сафо» китобида ёзилишича, Хожа Сайди Аҳмад вазирлиги айёмида бир куни алақандай иш юзасидан мавлоно Мирзо Бойсунқурнинг вазири бўлмиш Фасиҳ Хофийнинг уйига ташриф буюради. Жаноб мавлоно дастурхонга меҳмон учун бир неча товоқда думбали тутмож² шўрваси тортади. Хожа Сайди Аҳмад ул таомга ибрату ҳикмат кўзи билан назар солгач, мавлоно Фасиҳга қараб, итобу ғазаб тили билан «одамлар ҳаромхўр³ ва мана шунақа [қимматли] таомлар ейишади» дейди. Аммо, ўша аснода хожанинг қўли товоққа тегиб кетиб, шўрвадан озгинаси дастурхонга тўкилади. Эртаси куни мавлоно Фасиҳ девонхонада Хожа Сайди Аҳмад ўтирган пайти шу ердаги бир нечта кишига қараб «кеча Хожа Сайди Аҳмад бизнинг уйга келган эди-

¹ 838 йил сафар ойи — 1434 йил 6 сентябрь — 5 октябрь оралиғи.

² Тутмож (тумож, тимож) — қўй гўштининг думба ёғига қовуриб пиширилган ва узоқ вақт сақланиши учун тузлаб, хум идишларга солиб қўйиб, вақти-вақти билан истеъмол қилинадиган овқат ва овқат масаллиғи.

³ Ҳаромхўр — бу ерда давлат мулкани ўмариб, шунинг орқасидан бой-бадавлат яшовчи маъносида.



лар, дастурхонни ёғ қилиб кетдилар» дейди. Хожа Сайди Аҳмад бу сўзларни эшитиб «Мавлоно, ташвиш тортмай қўя қолинг, шўрвангизда дастурхонга тўкилса, уни мой қиладиган даражадаги ёғнинг ўзи йўқ эди» дея, ўзининг [ҳаромга шерик бўлгани] сирини очиб қўяди.

Хожа Сайди Аҳмаднинг вафоти 839 йил йигирманчи шаъбон¹ куни Арроннинг Қорабоғ шаҳрида рўй берди ва азиз фарзанди Хожа Шамсиддин Муҳаммад отаси тобутини Ҳиротга келтириб, Пири Мужаррад² Хожа Абулвалид Аҳмаднинг файзу баракат аломатлик мозори ёнида тупроққа топширди.

Амир Алоқдун Шақоний хоқони сайд ҳазрат Шоҳрух Мирзонинг саодат нишонли замонида бир неча йил вазирлик ишида Хожа Фиёсиддин Пир Аҳмад Хофий билан шерик бўлган эди.

Бир гал улар ўртасида аллақандай зиддият юз бериб, бу икки вазирдан ҳар бири ўз шеригининг давлат мулкини ўмаргани-ю, камчилик ва айблари борасидаги сўзларни тожу тахт эгаси арзига етказдилар. Ул ҳазрат эса «Хожа Фиёсиддин Пир Аҳмад Амир Алининг девон ишларини қўлга олсин, Амир Али ҳам Хожа Пир Аҳмаднинг ишларини текширсин» дея буйруқ берди. Буни қарангки, Хожа Фиёсиддин Пир Аҳмад Хофий Ҳиротга қарашли ва ҳар йили катта маблағ тушуми бор Яхёобод қишлоғини арзимаган солиқ тўлови эвазига хоқоннинг қутлуғ мажлисида амирлар ва давлат устунлари билан ҳазил-мутойиба қилиб юриш даражасидаги табиатан ҳазилкаш Сафиуддин бин Хожа Абдулқодир гуяндага ижарага бериб қўйганди. Амир Али ана шу камомадли муомаладан хабардор эди ва шу сабабли биринчи бўлиб Яхёобод қишлоғи тушумини текширишга тушди. Мазкур қишлоқда эса Сафиуддин бу мулойим табиатли вазирни ўз уйига таклиф қилиб, овқат пиширишга уннаркан, бир тарафига маст қилиш даражасида кайф берувчи ичимлик ва қорадори аралаштирилган маъжунли товоқдаги овқатни меҳмон олдига келтириб қўйди. Амир Али олдин таомга шубҳа билан қараб, кўнглида гумон пайдо бўлди ва «бунга банг со-

¹ 839 йил йигирманчи шаъбон — 1436 йил 11 март.

² Пири Мужаррад (Ёлғиз пир) — Хожа Абулвалид Аҳмад сўфининг лақаби.



лингган бўлмасин тағин» деди. Сафиуддин онт ичиб «бунда банг ҳам, қорадори ҳам йўқ, умуман ҳеч нарса солинмаган» дея идишнинг бир чеккасини кўрсатганча, ўзи ўша еридан бирикки чимдим олиб, оғзига солди. Шунга кўра Амир Алининг кўнглида ишонч ҳосил бўлиб, мазкур маъжундан ярим сер¹ миқдорда еганини билмай қолди. Сўнг шу заҳоти ёнбошлаб, ўша ердаёқ бошини дафтар устига қўйганича мудроқ уйқусига кетди. Сафиуддин эса дарҳол отга миниб, тўппа-тўғри Шоҳрух Мирзонинг олдига борди ва «Хожа Пир Аҳмаднинг девонлик ишларини текшириш учун тайинлаган вазирингиз мен фақир ижарага олган далага келиб шу қадар банг едики, баданидан бирор аъзосини кесиб кетсалар ҳам ҳеч сезмайди» дея арз етказди. Дину диёнатли подшоҳ бу каби ишнинг рўй берганига ишонқирамай, ишончли кишилардан бирини Амир Алининг аҳволини кўриб келиш учун ўша ёққа жўнатди. Ул киши Яҳёобод қишлоғи сари ошиқди ва Амир Алини онгу ҳушини билмай ётган ҳолда кўриб, подшоҳ олдига қайтиб келди ва ўз кўзи билан кўрганларини арзга етказди. Ночор подшоҳона газаб олови алангаланиб, амирни чақиртириб олиш учун ахтачини² юборди. Ахтачи Яҳёобод қишлоғида Амир Алини «на ўла олур ва на яшай олур»³ калимасига мос ҳолатда отга миндириб, аъло тахт остига етказди. Амир Али сўроқ ва итоб қилиниб, жарима сифатида анча маблағ тўлаб, ғоятда ихтиёрсиз ва эътиборсиз бўлди. Бу воқеадан сўнг барча ишларни ҳал қилишда Хожа Ғиёсиддин Пир Аҳмадга итоат этишни ихтиёр қилди ва қайтиб қаршилиқ йўлидан юрмади.

«Матлаи саъдайн» китобининг саҳифалари ёғдусидан ушбу ҳикоят шуъласи ўқувчилар назарига тушадик, 845 йил сафар ойининг охирги чаҳоршанба куни⁴ Хожа Пир Аҳмад ва Амир Али Шақоний Жом вилоятининг тушум ва йиғими борасида

¹ *Ярим сер* — 38 грамм.

² *Ахтачи* — бу ерда: сарой отхонаси мутасаддиси. Ахтачи ҳам мироҳўрга ўхшаб мансабдор саналган.

³ *На ўла олур ва на яшай олур* — Қуръони карим, Тоҳа (20) сураси, 74-оятдан.

⁴ *845 йил сафар ойи охири* — 1441 йил 19 июль.





аъло мақомли хоқон арзига бир неча сўз айтмоқда эдилар. Мазкур вилоятнинг молиявий ишларидан хабардор **Хожа Шамсиддин Али молиячи** олдинга чиқиб, бу ишдан бир бўлаги ҳақида сўзлаб берди. Шунда Шохрух Мирзо ул мавзеларнинг барча моллари борасида суриштирди. Хожа Шамсиддин Али молиячи ҳам билган воқеасини дилга ёқадиган бир тарзда қайта айтаркан «Амир Али Шақонийга эътирозим бор» деди. Шохрух Мирзо «Амир Жалолиддин Ферузшоҳ девондагиларнинг ишларини ўргансин» дея буйруқ берди. Бу буйруқ Хожа Пир Аҳмаднинг кўнглига оғир ботди ва ўй-фикр денгизига чўмди. Хожа Шамсиддин Али молиячи бир-икки марталик тафтиш жараёнидаёқ Амир Али Шақоний бўйнига турли-туман айбу камчилик юклади. Воқеа олий қулоққа етиб, ҳазрат хоқон Амир Али Шақонийни бош вазирлик вазифасидан бўшатди. Хожа Шамсиддин Али молиячи Амир Али Шақоний ишдан четлашгач, 845 йили¹ ҳазрат хоқоннинг бош вазирлиги мансабига ўтирди. Хожа Шамсиддин Али Семнон вилоятининг улуғзодаларидан бўлиб, илму фан соҳасида юксак иқтидори билан тавсифланган эди. Ва ҳамиша ҳимматини илм аҳлига яхшилик кўрсатиш сари қаратарди.

Хожа Шамсиддин Али молиячининг ул мансабга тайинланиши Хожа Пир Аҳмаднинг табиатига сира мос тушмади ва уч-тўрт кун уйда думалаб ётиб, девонга келмади. Ўша айёмда Шероз томондан тахт пойига арзадоштлар² келиб, Хожа Шамсиддин Али уларни Хожа Пир Аҳмадга кўрсатмай ва билдириб ҳам ўтирмай, ул хатлар мазмунини хоқоннинг арзига етказди ва жавобида фармонлар ёзиб, муҳр босиб, фақат шундан сўнггина Хожа Пир Аҳмад олдига юборди. Бу ҳолат қанчалик жаноб вазирнинг кўнглидаги гина-кудуратига қўшимча бўлмасин, бироқ ҳазрат Шохрух Мирзонинг ғазабидан қўрққанидан ул нишонларга муҳр босиб берди-ю, шу сабабли эртаси куни девонга ташриф буюришга мажбур бўлди.

¹ 845 йил — 1441 йил ўрталари кўзда тутилмоқда.

² *Арзадошт* — улуғ зотлар ёки юқори мансабдорларга оғзаки ва ёзма мурожаат; хат, ариза.





Хожа Шамсиддин Али Семноний то хоқони саид умрининг охиригача вазирлик мансабида ўтирди. Ул ҳазратнинг даҳшатли воқеаси рўй бергач эса, қутлуғ ўрдудан қочиб, ўз ватанига кетди. Сўнгги ҳаёти маълум эмас.

ИБОДАТЛИ ОДИЛ ХОҚОН БИЛАН ЗАМОНДОШ БЎЛГАН АЙРИМ САЙЙИД ВА МАШОЙИХ ҲАМДА ФОЗИЛЛАР ЗИКРИДАГИ СЎЗЛАР



Кўрар кўз аҳлари кўнгилларидан яширинча ва бекитиқча қолмасинким, ҳазрат хоқони саиднинг давлати айёми кўп йиллар давом этгани ва ул соҳиби таид¹ подшоҳнинг адолат ва инсофи етуклиги туфайли салтанати айёмида Эрон ва Турон мамлакатлари, айниқса, Хуросон шаҳарларида жуда кўплаб саййиду уламо, фузало ва шуаро тўпланган эдилар. Бу зиёлилар ҳазрати хоқоннинг марҳамати сояси ва меҳрибонлик паноҳида бениҳоят фароғатда яшаб, илму фазл ёйилишига машғул бўлдилар. Уларнинг барча ҳолатини баён этадиган бўлсак, гап чўзилиб ва сўз узайиб кетади. Шу сабабли билимдон қалам бу варақлар юзини ул буюк шонли табақанинг энг машҳурлари аҳволининг қисқача зикри билан безайди ва ул буюк зотлар ичида илгарироқ бу ўткинчи оламдан мангулик жаҳонига кетганлари борасида сўз юритади.

Хожа Муҳаммад Порсо бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий ана шу улуғ зотлардан бўлиб, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг аъзам саҳобаларидан эди. Хожа Муҳаммад Порсо Абдуллоҳ бин Жаъфар Тайёр авлодидан (*Аллоҳ улардан рози бўлсин*) биридир. 822 йил муҳаррам² ойида ислом ҳажи ва хайр ул-башарнинг (*с. а. в.*) мунаввара равзаси тавофи сари юзланиб, Амуя дарёсидан ўтди. Ана шу сафар давомида

¹ *Соҳиби таид (соиби таид)* — илоҳий тақдир қўлловига эга; Аллоҳ томонидан мангуга тайинланган.

² 822 йил муҳаррам ойи — 1419 йил 28 январь — 1419 йил 26 февраль.





қай бир шаҳар ва қишлоққа етса, ўша ернинг саййид, уламо ва фозиллари улар қадамини эъзоз-икром билан кутиб олдилар.

Хожа Муҳаммад Порсо муборак Маккага етишгач ва ҳаж шартларини адо этгач, оғир касалга йўлиқди. Кажавага ўтира олиш даражасида ҳам бўлмаса-да, видо тавофини адо қилди ва жуда бир заиф ҳолатда шарафли Мадина томон йўлга тушиб, йўл асносида бир куни ёнидаги яқинларини чақириб, улардан бирига ўзининг 822 йил зулҳижжа ойининг ўн тўққизинчи¹ шанба куни муборак Маккадан йўлга чиққани борасидаги сўзларни қаламга олишни буюрди ва ул жаноб мазкур ойнинг йигирма учинчиси-да² чоршанба куни Мадина шаҳрига етиб, пайшанба куни вафот қилди. Мавлоно Шамсиддин Қанорий ва карвон аҳли жанозасини ўқиб, жумага ўтар кечаси жасадини Аббоснинг (*Аллоҳ ундан рози бўлсин*) улуғвор мозори ёнида тупроққа топширдилар.

Хожа Муҳаммад Порсо ёзган асарларидан бири «Китоби фасл ул-хитоб»дир. Ул китобнинг кўплаб ўринларида ўн икки имом маноқибиде сўз юритилган эса-да, бироқ бу «Фасл ул-хитоб»да шиа мазҳабига қарши сўзлар ҳам айтилгани учун шиа уламози ул китобни илтифот назарига сазовор қилмаганлар.

Айрим фозиллар «фасли хитобий»³ сўзларини абжад бўйича муаллифнинг ўлими санаси ҳисоблашган.

Хожа Муҳаммад Порсо вафотидан кейин унинг дарахти меваси Хожа *Ҳофизуддин Абу Наср Порсо* етук олимлиги орқасида отасининг ўрнига ўтирди. Абу Наср Порсонинг вафоти эса 865 йилда⁴ рўй берди ва қуббатулислом Балхда дафн қилинган. Шоирлардан бири унинг вафоти тарихини шундай айтган.

Назм:

Азиз улуғ Хожа Абу Наср Порсо,
Бақо оламига кўчирди кўчин.
Боши Ҳаққа етгач, вафот тарихи,
Бўлди «Сари Худо»⁵ сўзлари тайин.

¹ 822 йил ўн тўққизинчи зулҳижжа – 1420 йил 6 январь.

² 822 йил йигирма учинчи зулҳижжа – 1420 йил 10 январь.

³ *Фасли хитобий* – абжадда бу сўзлардан 822 сони ҳосил бўлади.

⁴ 865 йил – 1460 йил 17 октябрь – 1461 йил 5 октябрь оралиғи.

⁵ *Сари Худо* – абжад ҳисобида бу сўзлар ҳарфлари йиғиндисидан 865 сони ҳосил бўлади.





Хожа Лутфуллоҳ бин хожа Азизуллоҳ илмми ва ҳозиржавоб, топқир воиз эди. Кўп йиллар давомида Ҳирот шаҳрининг Жоме масжиди меҳробида яхши ваъзлари билан халқнинг панд-насиҳатига машғул бўлди. Вафоти 823 йил¹ рўй берди ва Ҳиротнинг Хиёбон кўчасида аллома Розий мозори ёнида дафн этилди.

Амир Фиёсуггин Муҳаммад яқин тариқи² солиқларининг пешвоси ва дин қоидаларини тартибга солувчиларнинг бошлиғи эди. Бахтли ботини илоҳий маърифат нурларининг тушиш жойи ва файзли қалби яратган эгам камолоти аломатларининг намойишгоҳи эди. Ул жаноб ёшлик айёми ва ҳаёти давомида бир неча марта уйғоқлик аҳли³ хизматида туриб, мақтов соатли вақтини Аллоҳ истовчилик йўлида қийинчилик чекиш ва ибодатга сарфлаган. Камол даражасига тараққий этгач, Бодғис вилоятига бориб, ҳозирда⁴ ул жанобнинг муқаддас лангари⁵ бўлмиш жойда истиқомат тўшагини ташлаган.

Алар ташаббуси билан озгина вақт ичида ўша экин ўсмас водий саналган манзилда ариқлар қазилиб, шу миқдор деҳқончилик қилинган ҳамда иморатлар қурилганки, бора-бора бу жой умумхалқ яшайдиган обод шаҳар мақомини олган. Амир Фиёсиддиннинг шон-шарафи ва юксак макони шу даражага етганки, йўлбошчилик шиорли, валийлик аломатли ҳазрат Амир Қосим Анвор⁶ гоҳида эҳтиёж қадами билан дориссалтана Ҳиротдан ул мақтов сифатли саййидни кўриш учун муқаддас лангарга келаркан.

Ҳазрати хоқон Шоҳрух Мирзо ҳам бир гал лангарга ташриф буюриб, бир-икки кун ўша ерда туриб, жаноб саййидга нисбатан эътиқод ва эргашиш шартларини адо этганлар.

Ишончли кишилардан эшитишимизча, ҳазрати хоқон Шоҳрух Мирзо Амир Фиёсиддин билан мулоқот қилган ўша куни Амир

¹ 823 йил – 1420 йил.

² Яқин тариқи – сўфийлик йўли, орифлик.

³ Уйғоқлик аҳли – сўфийлар, тариқат аҳли.

⁴ Ҳозирда – 1523 йил. Ҳиротга яқин ердаги Фиёсия лангари кўзда тутилган.

⁵ Лангар – бу ерда: сўфийлар қўш ташлаган жой, хонақоҳ.

⁶ Қосим Анвор – мутасаввиф шоир Али ибн Носир ибн Хорун ибн Абулқосим ал-Ҳусайний ат-Табризий. Шоҳ Анвор лақабли бу шоир ҳақида куйироқда махсус маълумот берилган.



Гиёсиддин Муҳаммад жаноблари олий ҳиммати кўплигидан Амир Жалолиддин Ферузшоҳни чақириб, лангарнинг омбор ва анжомхонаси калитларини унинг олдига қўйган ва «дарвешларимиз бу хоналардаги нарсаларни тақсимлаш урдасидан чиқа олмайдилар, умид шулким, Сиз лутф қилиб, келганлардан кимга нимани муносиб кўрсангиз, шу ердан буткариб, уларга беринг» деган. Амир Ферузшоҳ бу хизматни адо этишдан боши осмон баробар баланд бўлиб, буйруқни бажарган. Шунга кўра мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо замонасида ҳам ҳамиша Амир Ферузшоҳнинг ўғиллари лангарнинг мутаваллилигига даъвогарлик қилардилар.

Хуллас, Амир Гиёсиддин Муҳаммаднинг шу ишончи сабабли Амир Абдухолиқ Ферузшоҳ бир неча вақт ул ишни ўз зиммасида тутиб юрди. Амир Гиёсиддиннинг вафоти 824 йилда¹ рўй берди.

Мавлоно Яқуб Чархий ва мавлоно **Низомиддин Хомуш** Мовароуннаҳр шайхлари қаторидан жой олгандилар ва ҳамиша ҳимматни ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбандга эргашиш сари қаратардилар.

Хожа Ҳасан Аттор жаноблари хожа Алоуддавла Атторнинг ўғлидир ва улуғ шайхлар тизимида ўрин тутган бўлиб, вафоти Ҳижоз сафари асносида 826 йил² Шероз шаҳрида рўй берди ва саҳобалари жасадини ул вилоятдан Чағониёнга келтириб дафн қилдилар.

Шайх Муҳиддин Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Тусий — ғоятда олим ва зоҳид, ҳудожўй эди. Султон ва амирлар билан эҳтиёжсизлик³ мақомида туриб муомала қиларди. Бир неча марта ҳажга бориб қайтди ва охириги гал Ҳижозга боришда Халбоний⁴ теграсида 830 йил рамазон ойи ўртасида⁵ оламдан ўтди. Фозиллардан бири бу борада дейди.

¹ 824 йил — 1421 йил.

² 826 йил — 1422 йил 15 декабрь — 1423 йил 4 декабрь оралиғи.

³ Эҳтиёжсизлик — сўфийлик қоидасига кўра, ўзгалар илтифотига қиё боқмаслик, тамасизлик.

⁴ Халбоний ёки Халабоний — қуйидаги байт мазмунига қараганда бу жой Ҳалабга қарашли туман номи.

⁵ 830 йил рамазон ойи ўртаси — 1427 йил 10 июль.

Жаҳон кутби шайх Муҳий Тусий вафоти,
 Ҳалаб ўртасию рамазоннинг ўртасидадир.

Мавлоно Жалолиддин Юсуф Убаҳий замон фозилларининг энг олими ва даврон уламози афзали эди. Муҳаққиқлар¹ султони, мудаққиқлар² далили мавлоно Саъд ил-миллата вад-дин Масъуд ат-Тафтазонийнинг³ дарсларида таҳсил олганди. Маъқул⁴ фанлари ва манқул⁵ илмларида маҳорати шу даражага етдики, ҳазрат мавлавий ул жанобга ёзган рухсатномасида қарам қалами билан «бу шогирдим агар менинг китобларимда баён хатолигидан хабар топса, ўрганиб чиққач, уларни тузатишга ижозатлидир» деб ёзганлар.

813 йилда⁶ ҳазрат хоқони сайд Шохрух Мирзонинг Ҳирот қалъаси ичидаги Ихтиёриддин кўрғони рўпарасида жойлашган шарифа мадраса ва маърифат паноҳли хонақоҳи қурилиши якунига етганда ул ҳазрат дастлаб дарс бериш рақамини жаноб мавлоно Юсуфнинг ҳаёти саҳифаси узра битиб, очилиш маросими куни шахсан ўзи дарсда қатнашди ва ул жанобнинг қобилият қоматини қимматбаҳо тўн билан безади.

Шунингдек, ҳазрат хоқони сайд ўша куни олимлар ва аҳолининг мурожаатгоҳи мавлоно Жалолиддин Юсуф Ҳаллож ва нафсоний фазилатлар⁷ эгаси мавлоно Низомиддин Абдураҳим Ёр Аҳмад ва жаноб ифодатпаноҳ⁸ Хожа Носириддин Лутфуллоҳ

¹ Муҳаққиқ – нарсалар моҳиятини Ҳақдан билувчи кишилар – орифлар. Ҳақ йулидаги сўфийлар.

² Мудаққиқ – нарсалар моҳиятини тажриба, яъни илм орқали билувчи кишилар – олимлар.

³ 1322 йил Нисога яқин Тафтазон қишлоғида туғилиб, 1390 йили Самарқандда вафот этган машҳур олим Саъдиддин Масъуд бин Аҳмад ат-Тафтазоний кўзда тутилмоқда.

⁴ Маъқул – ақлий илм ҳам деб аталувчи бу соҳа инсон кашфиётига мансуб фалсафий, аниқ ва табиий фанларни ўз ичига олади.

⁵ Манқул – нақлий ҳам дейилувчи бу илмлар пайғамбар ҳадислари ва диний ақидаларга оид соҳалардир.

⁶ 813 йил – 1410 йил 6 май – 1411 йил 24 апрель оралиғи.

⁷ Нафсоний фазилатлар – дунёвий илмлар.

⁸ Ифода, ифодат – ўқитиш; ифодатпаноҳ – ўқитувчилар устоз санаб, мурожаат қиладиган киши.



бин Хожа Азизуллоҳни шу мадрасада мударрислик мансабига тайинлади. Хонақоҳнинг шайхлигини жаноб шайхулислом Хожа Алоиддин Али ал-Чиштиёга топширди.

Ишончли кишилардан эшитилдиким, мазкур олимлар тайинланганидан бир неча вақт ўтгач, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Жожармий улардан бирининг ўрнига ўтирди ва йиғин куни уламнинг каттаси шайх Шамсиддин Муҳаммад Жазарий ва амирларнинг улуғи Амир Алика, Амир Ферузшоҳ ул мадрасага ташриф буюрдилар. Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Жожармий «Кашшоф»дан «Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг ўзи борлигига гувоҳлик бердилар»¹ ояти тафсирини дарс мавзуси қиларкан, шайх Шамсиддин Муҳаммад Жазарий «мавлоно Саъдиддин ат-Тафтазонийнинг «Ҳошия»сига ушбу масала ёзилган бўлиб, менинг унга ўнта эътирозим бор» деди ва форсчани яхши билмагани учун ўзининг бу эътирозларини араб тилида баён қилди. Мажлис қатнашчиларидан бири бўлмиш мавлоно Жалолиддин Юсуф Убаҳий шайх Жазарийга қараб «амирлар ва бошқа қатнашчилар айтган фикрларингизни яхши тушунишлари учун энди мазкур шубҳаларни форсча ҳам айтиб беринг» деди. Мавлоно Муҳаммад Жожармий бу илтимосни олимларга кўрсатилаётган эътибор ва мушфиқликка йўйиб, шайх Жазарийнинг ул эътирозларини ўзи форс тилида шарҳлаб берди. Сўнг мавлоно Жалолиддин Юсуф Убаҳий жавоб айтишга тутиниб, ҳалиги олтига эътирозни шундай бир тарзда рад ва инкор қилдики, масала ҳақиқати барча қатнашчиларга тушунарли бўлди. Кейин амирларга юзланиб «яна қолган тўртта эътироз сўзларини шунга қиёсланг ва билингким, мавлоно Саъдиддин Тафтазоний шундай киши эдики, мабодо, унинг битта «Ҳошия»сидан ўнта эътироз топилгудек бўлсайди, китоблари оламнинг шарқу ғарбида бунчалик обрў-эътибор топмаган бўларди» деди. Амир Ферузшоҳ мавлоно Юсуфга таҳсин айтиб «бугун мавлоно Саъдиддин Тафтазонийнинг зиммангизда бўлган барча ҳаққини адо этадиган бир

¹ Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 18-оятдан.





иш қилдингиз» деди. Мавлоно Юсуф Убаҳий жаноблари эса «ул ҳазратнинг мен ҳақимда қилган яхшиликлари шу даражаки, агар юз йил даргоҳини киприкларим билан супурсам ҳам, шунча кўп марҳаматидан озгинасини-да, адо этмаган бўламан» дея жавоб берди.

Мавлоно Жалолиддин Юсуф Убаҳийнинг валийлик шиорли ҳазрат Мир Саййид Қосим Анворга эътиқоди кучли эди. Вафоти 833 йил шаъбон ойининг бешинчиси¹ шанбага ўтар кечаси Ҳирот шаҳрида рўй берди.

Хожа Муизигдин Халилуллоҳ Жомий Хожа Жалолиддин Маҳмуд *Баланг*нинг ўғли эди ва ҳазрат шайхулислом Аҳмади Жоми Зиндафил авлодлари ичида мартаба ва шавкати кўплиги билан устун ва мустасно бўлиб, вафоти 833 йил шаввол² ойида рўй берди ва Хуросоннинг улуғ шайхлари ул олий шонли хожадан айрилиб қолганлари сабабли кўзларидан бағир қонини тўқдилар.

Азалий сирлар қошифи **Амир Нуригдин Неъматуллоҳ Вали** араб ва ажам³ саййидларининг пешқадами бўлиб, каромат ва одатдан ташқари ишлар кўрсатиш бобида соҳибсаодат шайхларнинг барчасидан мусобақа тўпини олиб қочарди. Замон султонлари ва давроннинг фармони кучли ҳокимлари аларнинг ҳидоят ошиёнли даргоҳига эътиқод бошини қўяр эдилар. Билимдон олимлар ва иззатли фозиллар ҳамда айёмнинг бошқа катталари ва таниқди кишилари Каъба мисол даргоҳини ишларни ўнглаш қибласи деб билардилар. Ул валийлик аломатли саййиднинг ҳақиқат шиорли шеърлар девони машҳурдир.

Ул соҳиб камолнинг ғуборли дунёдан анбар сириштли жаннат манзилларига кўчиб ўтиши Кермоннинг Моҳон қишлоғида 834 йил ражаб ойининг йигирма бешинчисида⁴ содир бўлди. Жон талваса қилиб турган чоғи шакар сочувчи кўнгил тўтиси ушбу латофат белгили байтлар назмига тил чоғлаган.

¹ 833 йил бешинчи шаъбон — 1430 йил 29 апрель.

² 833 йил шаввол ойи — 1430 йил 23 июнь—21 июль оралиғи.

³ Ажам — араб бўлмаган халқлар яшовчи юртлар.

⁴ 834 йил йигирма бешинчи ражаб — 1431 йил 8 апрель.





Қитъа:

Жонин Неъматуллоҳ жононга берди,

Гуё бир маст учиб йиқилган эрди.

«Барча нарса ўлур, У фақат ўлмас!»

Оятин оламга ўқиган эрди.

Ҳақдан «Қайт!» нидосин эшитгач хушқол,

Ишқида жонини Жабборга берди.

Дўстлар, эслаб туринг Неъматуллоҳни,

Деманг: Ўзи йўқнинг кўзи йўқ энди.

Ҳофизу Абру лақаби билан танилган **Мавлоно Нуриддин Лутфуллоҳ** иншо ва тасниф аҳлининг энг улуғи, таълиф арбобининг каттаси эди. Ул жаноб Ҳиротда туғилган. Аммо Ҳамадонда ўсиб-улғайиб, ўша ерда таҳсил олган.

Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Гурагон ул фозилга нисбатан кўп илтифотли эди ва ҳамиша уни ўзининг хос ўтиришига чақириб, кўнгли розилигини топарди.

Жаноб мавлавий соҳибқирон вафотидан кейин яхши хислатли хоқон Шоҳрух Мирзонинг олий бўсағасига ошиқди ва шаҳзода Бойсунқурнинг илтифот нури унинг турмуши саҳифаси узра таралди. Ул жаноб оламнинг воқеа ва ҳодисалари, бани Одам табақалари аҳвол ва вазиятининг қанақалиги борасидаги ҳикояларни ўз ичига олган «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунқурий» асарини ўша бахт нишонли замонда ёзиб, мазкур қўлланма сифатли китобда ер юзининг 829 йилгача¹ рўй берган муҳим воқеаларини батафсил баён этган.

Байт:

Ҳофизнинг сўzlари бир жойга етди,

Фалак сўз палосин силкитиб отди.

Ҳофизу Абрунинг вафоти санаси ва бу дунёдан кетган мавзеи қуйида ёзилажак байтда зикр қилинган.

Байт:

Саккиз юз ўттиз тўрт шаввол² ойида,

Ҳофиз Абру фавти Занжондаб ўлди.

¹ 829 йил – 1425 йил 13 ноябрь – 1426 йил 1 ноябрь оралиғи.

² 834 йил шаввол ойи – 1431 йил 12 июнь – 10 июль оралиғи.





Мавлоно Рукниддин Муҳаммад ал-Хофий зоҳирий фанлар йиғиндиси ва маънавий илмлар тўплами эди. Узоқ йиллар салтанат пойтахти Ҳиротда дарс ва ўқитиш ишларини олиб борди. Хуросоннинг уламо ва зодагонлари фазилат ошиёنли даргоҳини мурожаат жойи ва паноҳгоҳ сифатида билар эдилар. Амирлар ва олий шонли хоқон давлатининг устунлари ул замон ягонасининг шариф суҳбатини топмоқни истардилар.

Жаноб мавлавий ёшлик айёми ва йигитлик давронида ислом ҳажини адо этмоққа аҳд қилиб Хуросондан Ироқ ва Форс сари йўлга тушди ва ўша вақтда жаҳон бўйсунувчи подшоҳ Жалолиддин Шоҳ Шужонинг иззат қароргоҳи бўлмиш Шерозда бир неча кун сокин турди. Ўша пайтлари Шерознинг фармонфармоси¹ бўлмиш Шоҳ Шужо ул жанобнинг мулоқотига кўп майл қилди ва бир неча навбат ҳузурига эришиб, таъзим шартларини бажо келтирди. Мавлоно бир амаллаб рухсат олиб, Ҳижозга шошилди ва бир неча марта ислом ҳажини адо этиб, ҳазрат хайр ул-башарнинг (с.а.в.) мунаввар равзасини зиёрат қилди. Ул муборак сафардан қайтиб Хуросонга келгач, ҳеч бир султоннинг мажлисига борди-келди қилмоқни хоҳламади.

Ул жаноб 834 йил шаввол ойининг йигирма еттинчисида² вафот этди ва бу ҳолат фоҳира Ҳирот шаҳри ташқарисисидаги Авза қишлоғида Дарвоза мавзеида рўй берди.

Хожа Абулвафо Хоразмий зоҳирий ва ботиний илмларни пухта эгаллашга муваффақ бўлиб, ёшлик айёми бошидан то умри охиригача сўфия тариқида юрди. Тавҳид илмида шариф таъби меваларидан бир нечта рисоласи машҳурдир. Чечанлик намунаси бўлмиш айрим рубойлари ҳам халқ тилида зикр этилади. Мана бу рубойи ана шулар жумласидандир.

Рубойи:

Сендан айрилмадим то бўлдим мавлуд,
Шудир саодатим – толеи масъуд.
Агар кўринмасам зотингда маъдум,
Нурингда зоҳирман гар бўлсам мавжуд.

¹ Фармонфармо – ҳарбий ҳоким, генерал-губернатор.

² 834 йил йигирма еттинчи шаввол – 1431 йил 8 июль.



Хожа Абулвафо Хоразмда 835 йилда¹ вафот қилди ва ўша вилоятда дафн этилган.

Мавлоно Камолиддин Ҳусайн Хоразмий хоқони саид Шохрух Мирзо замонасининг машҳур фозиллари қаторидан ўрин олганди. Ҳазрат мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишернинг «Мажолис ун-нафоис»и ҳикоясидан шундай келиб чиқадики, мавлоно Ҳусайн Хоразмий ҳазрат хоқони саид Шохрух Мирзонинг давлати айёмида ушбу матлали бир ғазални назм ипига тизган экан.

Байт:

Бутун борлиқ коинотнинг бор мавжуду пинҳони сен,
Сен ошиқ дилида дарди ҳамда давоси они сен.

Ҳанафия фақиҳларидан бир аҳмоқ гуруҳ ул ғазал байтларидан баъзисининг маъносини юзаки равишда қараб чиқиб, фикҳий масалага қарши, деб топдилар ва ул жанобни кофирга чиқариб, воқеани олий тахт эгаси Шохрух Мирзога етказдилар. Шунга кўра хоқони саид мавлавий ҳазратларини ул масалани сўраш учун Хоразмдан Ҳиротга чақиртириб олдилар. Аммо қанчалик уринмасинлар, даъвогарлар ўз муддаосини исботлаб бера олмадилар. Мавлоно Ҳусайн даъвогарларнинг эътирозларига тўғри бир йўсинда жавоб бериб балодан қутулди.

«Мақсади ақсо» мавлоно Камолиддин Ҳусайн Хоразмийнинг китоблари жумласидандир. Ҳақиқатан ҳам ул фойдали асар фоятда фасоҳат ва балоғат билан ёзилган. Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Румийнинг «Маснавий»си шарҳи ҳам ул жанобнинг сўзамол қалами маҳсулотидандир.

Мавлоно Ҳусайннинг шаҳидлиги Хоразмда ул вилоятни истило қилган ўзбек² қўшини аскарлари қиличи зарбидан 836 йил³ рўй берган. Қабри ўз пири Хожа Абулвафо Хоразмий мазорининг оёқ томонидадир.

¹ 835 йил – 1431 йил 9 сентябрь – 1432 йил 27 август оралиғи.

² Ўзбек – Дашти Қипчоқдаги «ўзбек улуси» кўзда тутилмоқда. Ўзбек улуси ҳақида қуйироқда муфассал изоҳ бердик.

³ 836 йил – 1432 йил 28 август – 1433 йил 19 июль оралиғи.



Саййиг Садриддин Юнус ал-Ҳусайний Хуросон саййидларининг улуғларидан эди ва ҳамиша зуҳду тақво тариқатига амал қиларди. Нафсоний фазилатлар йиғиндиси шайхулислом Сайфиддин Аҳмад Тафтазонийдан шундай эшитилган эдиким, Амир Фахриддин вазир бир кечаси ҳазрат рисолатни (*с.а.в.*) тушида кўриб, «Эй Аллоҳнинг элчиси, Амир Садриддин Юнус Сизнинг авлодингизми ё йўқми?» деб сўрабди. Пайғамбар «ҳа, менинг авлодим» дея буюрибдилар. Эртаси куни Амир Фахриддин вазир хайр ул-башарнинг авлоди сараси Саййид Садриддинга ҳаддан зиёд ҳурмат-иззат кўрсатди ва токи, бош вазирлик ихтиёри жилови қудрат қўлида турар экан, Хуросон улуғларидан ҳеч бир кишининг ул жанобдан юқори туришига йўл бермади.

Саййид Садриддин Юнус ...¹ йилда Ҳирот шаҳрида вафот қилди. Ундан ёмон нарсалардан сақланувчи ва ўта диндор Муиниддин Муртазо исми бир ўғил ёдгор қолганди. Саййид Муиниддин Муртазо ҳам оламдан ўтди ва унинг ҳам бир ўғли бор бўлиб, исми Саййид Разиуддин Абдулаввал эди (*уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин*).

Хожа Соиниддин Али Исфаҳоний дунёвий ишларга бойлиги ва инсоний камолот касб этгани билан васфу таъриф қилинган бўлиб, турли фанларда арабча ва форсча китоблар ёзган. «Шарҳи Фусус ал-ҳикам»² ва «Китоби мафоҳис», «Шарҳи қасидаи Ибн Фориз» шулар жумласидандир.

[Техрон нашрини тайёрлаган Муҳаммад Тақий Шуштарийнинг изоҳи: Махфий қолмасинки, бу ажойиб китобнинг муаллифи Хондамир ҳазратлари мавлоно Камолиддин Ҳусайн Хоразмий, Саййид Садриддин Юнус ва Саййид Муиниддин Муртазонинг (*уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин*) вафот қилган санасини рақам қилмаганлар. Бундай дейишимга сабаб шундаки, марҳум мусаннифнинг ўз дастхатига мансуб нусха асосида чоп этилган бошқа нашрларда ҳам худди шу каби ҳолат учради. Афти-

¹ ... Техрон нашрида кўрсатилмаган саналарга уч нуқта белгисини қўйдик. Бу ҳақда ноширнинг ўзи изоҳ берган бўлиб, у қуйироқда ҳавола этилди.

² Фусус ал-ҳикам – Ибн ал-Арабий (ваф. 1043)нинг китоби.





дан китоб таълиф этилаётган вақтда муаллиф садоқат рақамли қаламни уларни ёзишдан қантариб қўйганлар].

Хожа Соиниддин Али Исфаҳоний жанобларининг вафоти салтанат пойтахти Ҳиротда 830 йил зулҳижжа ойининг ўн тўртинчисида¹ рўй берди.

Мавлоно Абдулгаффор мавлоно Исҳоқ Самарқандийнинг ўғли ва мавлоно Камолиддин Абдураззоқ муаррихнинг акаси эди. Диния илмлари такмили ва маориф таҳсилида ўзига ўхшаш кишилар ва яқинларидан устунлик ва пешқадамлик қиларди. Вафоти мазкур йил зулҳижжа ойининг ўн тўққизидида² рўй берди.

Валийлик шиорли ҳазрат Амир Қосим Анвор. Ул нақобат ва ирфон аҳли сарварининг улуғ обрўси икки тилли қалам бу варақларда ундан бир бўлагини ҳам баён қилишдан ожизлик қилувчи даражада улуғдир. Ул зотнинг каромат ва эътиқод асҳобининг мурожаат этадиган олий макони юксаклиги шу даражаким, баён бармоқлари ундан озгинасини ҳам неча йиллар ёзса-да, битик доирасига кирита олмайди.

Амир Қосим Анвор ҳол бошида эътиқод ва иродат қўлини ҳазрат шайх Садриддин Ардабилийга берган бўлиб, бир неча вақтдан сўнг шайх Садриддин Али Яманий хизматига етишиб, ул жанобга ҳам ихлос билан боқди. Амир Қосим зоҳирий ва ботиний камолотни такмил қилгач, ўзи туғилиб ўсган Озарбайжондан Ҳиротга келди ва аҳолига туғри йўл кўрсатиш билан иршодга машғул бўлди. Озгина вақт ичида Хуросоннинг кўпчилик улуғзодаю шариф кишилари ҳидоят ошиёнли даргоҳнинг муридлари бўлишди ва қибла мисолли даргоҳини ўзларининг мурожаатгоҳию паноҳи билиб, тонгу оқшом эҳтиёж оёғи билан алар мулозиматига ошиқдилар.

Ул ҳазрат Султон Шоҳрух Мирзо ва унинг ўғиллари билан ўта эҳтиёжсизлик расмида мулоқот қилгани ва бу ҳукмдорлар кутганидек уларга нисбатан таъзим ва ҳурмат изҳор этмагани учун шаҳзода Бойсунқур Мирзонинг кўнгли оғринди ва ул

¹ 830 йил ўн тўртинчи зулҳижжа – 1427 йил 6 октябрь.

² 830 йил ўн тўққизинчи зулҳижжа – 1427 йил 11 октябрь.



ҳазратни шаҳардан ҳайдаб юборишга чоғланди. Аммо шахзода бирор баҳона ёрдамисиз юрагидаги бу ниятини айта олмасди.

830 йилда¹ Аҳмад Лўр ҳазрат хоқони саид Шохрухга пичоқ ургач, маълум бўлдики, бу шахс гоҳида ул каромат осмони қуёши ва имомлик буржи дурининг хизматига бориб тураркан. Мирзо Бойсунқур бу воқеани отаси арзига етказди ва Амир Қосимни юртдан қувиб чиқариш учун рухсат олиб, бу ҳақда шайхнинг олий бўсафаси ходимларига хабар берди. Ночор ул ҳазрат Мовароуннаҳр сафарига азму қарор қилди.

Ўша маҳал бир ғазал ёзган бўлиб, матласи ушбудир.

Байт:

Вақти келди, пайти бўлди, эй Аллоҳ ошиқлари,
Кўнглим ҳуши парвоз этар еттинчи осмон сари.

Бу ғазалнинг мақтаси эса ушбудир.

Байт:

Қосим, сўзингни қисқа қил, тургину йўлга азм қил,
Тутига сочгин шаккаринг, мурдорни ер қузғунлари.

Амир Қосим (*қабри Аллоҳ нурига тўлсин*) раҳмат нурлари билан йўлларни босиб ўтиб, Самарқанд шаҳрига яқинлашгач, Мирзо Улуғбекнинг амир ва садрлари² «ул ҳазрат мақтов хислатли подшоҳ билан учрашиш учун салтанат саройига ташриф буюришни илтимос қилармикан ёки Мирзо Улуғбекни имомликнинг олий бўсафасига таклиф этармикан» деган ўйга чўмдилар. Ҳазрат Амир Қосим Самарқанд шаҳрига киргач, тасодифан йўли Арк эшиги олдидан тушиб қолиб, Мирзо Улуғбекнинг шу Арк саройида эканини англадилар ва ҳеч бир тақаллуфсиз юқори қалъага кўтарилиб, ул жаноб билан учрашдилар. Мирзо Улуғбек ул кишилар яхшиси (*с.а.в.*) авлоди паноҳгоҳининг барокатли нурини кўрмоқ шарафига эришиб, шайхнинг гавҳар сочувчи тилидан дарвешона сўзлар ва сўфиёна гаплар эшитиб, ўша мажлисдаёқ эътиқод исирғасини қулоғига осиб олди ва яхши эътиқод занжирини елкасига ташлади. Натижада бир неча йил давомида

¹ 830 йил – 1426 йил 2 ноябрь – 1427 йил 21 октябрь оралиғи.

² *Садр (сугур)* – вақф мулклари бўйича вазир.



Амир Қосим Анвор катта мартаба ва шавкат билан ул диёрда яшаб, умри айёмининг охирларида яна бир бор Хуросон диёри-ни ҳузури нури билан мунаввар айлади.

Ҳазрат Саййид 837 йилда¹ вафот этиб, Жом вилоятининг Харжерд қасабасида дафн қилинди.

Ул ҳазратнинг дур сочувчи қалами асарларидан сўфиёна оҳангдаги шеърларни ўз ичига олган ғазаллар девони турли халқлар орасида шуҳрат топган. Шунингдек «Анис ул-ошиқин» номли мухтасаргина китоби ҳам пайғамбар авлодининг ул сараси манзумалари жумласидан саналади.

Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад бин Муҳаммад бин Аъло кўп илми ва диндорлиги, фазлга конлигию парҳезкорлиги орқасида Хуросон диёрининг бошқа улуғларидан устунликка эга эди. Ҳамиша дарс ва фатво ишлари билан банд бўлиб, ўқитиш нақшини илм талабалари кўнглининг саҳифалари узра битарди.

Хоқони сайд Шоҳрух Мирзо бир неча бор ул жанобдан шариат мансабларини қабул қилишни илтимос қилган эса-да, ундай ишлардан ҳеч бирининг кафолатини бўйнига олмади. Шунга қарамай, Шоҳрух Мирзо кўпчилик шариат ҳукмларини ул фозил зот кўрсатмасига суяниб ҳал қиларди. Ул жанобдан сўраб-суриштирмасдан диний ҳукмлардан ҳеч бири борасида сўз очмасди. Мавлоно Фасиҳиддин азиз умри саксондан ошган вақтда Ҳирот шаҳрида 837 йил жумодилохир ойининг ўртасида² оламдан ўтди ва Гозургоҳда ҳазрати Борий³ таолонинг яқини Абдуллоҳ Ансорийнинг (*сирлари муқаддас бўлсин*) муаттар мақбараси пастида дафн қилинди.

Мавлоно Фасиҳиддиннинг оға-инисининг ўғли Хожа **Абулмакорим** она томондан Хожа Аълоулмулк хонадонидан хонзода⁴ Мужир ул-мулк бин хонзода Аълоулмулк Термизийнинг авлоди бўлиб, ул хожа Термиз саййидларидан мартаба ва шавкат-

¹ 837 йил – 1433 йил 18 август – 1434 йил 7 август оралиғи.

² 837 йил жумодилохир ўртаси – 1434 йил 27 январь.

³ Борий – яратувчи; Борий таоло – буюк Яратувчи эгам.

⁴ Хонзода – Термиз саййидлари ўз замонаси ҳукмдорларига турмушга чиққан қизлари ёки ҳукмдорлар қизига уйланган ўғилларидан дунёга келган авлодларини ана шундай аташган.





да устун эди. Хожа Абулмакорим насаби улуғлигидан ташқари фазлу одоби зиёдлиги билан ҳам Жомнинг бошқа шайхлари, балки ўша айёмнинг кўпчилиги каттаконларию йўлбошчиларидан устунликда ажралиб турарди. Ўткир зеҳн ва соғлом таъб билан ҳам тавсифланган бўлиб, чечанлик қалами билан фасоҳат аломатли байт ва иншоларни турмуш варақларига битарди. Қўли очиқлик ва сахийликда ҳам машҳур эди. Яхши хулқию мукарам атвори тилларда зикр қилинарди.

Ул жанобни хоқони сайд Мирзо Шоҳрух ўз давлати айёми охирларида Бангола мулкига элчиликка тайинлади. Хожа Абулмакорим олий фармонга кўра Ҳиндистон мамлакатларининг энг чеккаси бўлмиш ўша ўлкага ошиқиб, манзилга етгач, элчилик мазмунини гўзал иборалар билан ул диёр ҳокими Султон Маҳмуднинг арзига етказди. «Бирон жон қай ерда ўлишини била олмас»¹ ояти каримаси мазмуни бўйича, ул мақтов сифатли хожанинг вафоти ўша борган Бангола юртида рўй берди. Бу воқеанинг санаси каминага маълум эмаслиги учун сўз битгувчи қалам уни ёзиш бобида оғиз оча олмади. Хожа Абулмакоримдан уч нафар ўғил қолди. Хожа Абулфатҳ Жом вилоятида отаси ўрнига ўтирди ва макорим ахлоқи туфайли улуғлиги овозаси Фарқад юлдузидан² ошди.

Хожа Муҳаммад Асғар Хожа Абулфатҳнинг тўнғич ўғлидир. Ул жаноб ёшлик айёмида мавлоно Муизиддин Шайх Ҳусайн ва ўқитиш иши билан машғул бошқа олимлар дарсида илмлар таҳсил қилди ва озгина вақт ичида камол даражасигача ўсиб, ўз тенгқурларидан ўзиб кетди.

Хожа Муҳаммад Асғар илмли бўлишига қарамай, дағал сўзли киши ҳам эди ва ҳаминша тил қиличи билан инсонлар қалбини яралаб, уларни хафа қилиб қўйиши мумкинлиги борасида сира ўйлаб ўтирмасди. Мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг подшолиги даври бошларида кўпчилиги йиғинларда Амир Алишерни ёмонлаб гапирарди ва шу сабабли мансур хоқон унинг ватандан

¹ Қуръон, Лукмон (31) сураси, 34-оятдан.

² Фарқадин юлдузи – Кичик Айиқ юлдузлари туркумига кирувчи икки ёруғ юлдуз.



чиқиб кетиши ҳақида фармон берди. Шунга кўра, Хуросондан Ироқи Ажам ва Озарбайжонга кетиб, Яъқуб Султоннинг назарига манзур бўлди ва ундан кўп илтифот ва ғамхўрлик кўрди.

909 йили¹ Яъқуб подшоҳ вафотидан сўнг Амир Алишернинг вафоти хабарини ҳам эшитиб «ватанни севмоқ иймондандир» ҳадисига кўра, Хуросонга қайтди. Етиб келгач, бир неча кун Ҳиротда яшади. Ҳаётининг охирида Жомнинг муқаддас Турбатига² кетиб, 913 йил муҳаррам ойида³ дунёдан ўтди.

Хожа Шаҳобиддин Абулмакорим. Бу улуғлар бошлиғининг шариф насаби олти орқа айланиб ҳазрат шайхулислом Аҳмад ал-Жомий Зиндафилга (*сирлари муқаддас бўлсин*) уланади.

Аларнинг мажид отасининг отаси **Мавлоно Ҳамидиддин Атиқуллоҳ бин Мавлоно Яҳё** ҳам фазилатли улуғлар қаторидан жой олганди ва ўша бахт нишонли замонда бир неча йил Ҳиротда муҳтасиблик⁴ вазифасида хизмат қилиб, 833 йил⁵ бомдод намозига машғул пайти Ҳақ чақириғига «лаббайка» дея жавоб бериб, саждага бош қўйган маҳал юзини Адн жаннати сари қаратди.

Ушбу варақлар қораловчисининг насабидан бир қисми мазкур мавлонога бориб улангани учун мушкин саллали қалам аларнинг таърифида бундан ортиқча сўз юритишни ўзига эп кўрмайди.

Шайх Зайниддин Абубакр ал-Хофий алайҳурраҳма улуғ валийлар жумласидан бўлиб, пайғамбар суннатига эргашишда кўплардан устун эди. Кўп йиллар Ҳирот ташқарисида меҳроб мартабасини оширувчи бўлиб, олий ҳимматини иршод учун қаратди. Шайх Нуриддин Абдурахмон Мисрийнинг халифалари⁶ жумласидан эди ва ўзини машаққатлар гирдобига ташлаб, сўфийлик сулукида олий даражаларга эришди.

¹ 909 йил – 1503 йил 26 июнь – 1504 йил 13 июнь оралиғи.

² Турбат – Хуросондаги Турбати Ҳайдария тумани кўзда тутилмоқда.

³ 913 йил муҳаррам ойи – 1507 йил 13 май – 11 июнь.

⁴ Муҳтасиб – шариат ҳукмларининг бажарилишини назорат қилувчи мансабдор.

⁵ 833 йил – 1429 йил 30 сентябрь – 1430 йил 18 сентябрь оралиғи.

⁶ Халифа – ўринбосар.



Ҳазрат хоқони саид, соҳиби таид подшоҳнинг амиру давлат устунлари ҳамиша эътиқод қадами билан алар ҳузурига келишарди.

Вафоти вабо касали сабабли 838 йил шаввол ойининг иккинчисида¹ якшанба кунига ўтар кечаси рўй берди. Дастлаб Молин қишлоғида дафн этилди. Сўнг у ердан Дарвешобод мавзеига кўчирдилар. Кейин жасадини Дарвешободдан Ҳирот Ийдгоҳи ёнига олиб бориб тупроққа топширдилар. Хожа Гиёсиддин Пир Аҳмад Хофий бу шайх мазори бошида олий иморат қурдирди ва ҳозиргача ул бинонинг қолдиқлари сақланиб қолган.

Марҳум бобом Амир Хонд Муҳаммаддан эшитган эдимки, мазкур йилда Ҳирот ва унинг ён-теварак туманларида вабо касали ёйилгач, ашроф ва аъёндан бир гуруҳи шайх Баҳоуддин Умар ҳузурига борганлар ва «дуо қилиб, ул офатни қайтаришни ҳазрат мужиб уд-даъвотдан тиланг» дея илтимос қилишган. Шайх «қасоскор жаббори эгам [ўзининг бу ишида] шу даража қаҳрда эрурким, қўлини дуога кўтарган кишининг қўлига уради, ким тилини шафоатга² чоғласа, ўшанинг тили узилиб тушади» дея жавоб берган. Бу гапни эшитган ул жамоат шайх Баҳоуддин Умарнинг ҳузуридан чиқиб, шайх Зайниддин ҳузурига бориб, мазкур илтимосни қилишган. Шайх Зайниддин эса, шайх Баҳоуддин Умарнинг акси ўлароқ, дуо қилган. Аммо шундан сўнг тилига вабо тушган ва ўша касаллик билан вафот этган.

Қози Сағруддин Муҳаммад бин қози Қутбиддин Абдуллоҳ ал-Имомий отаси вафот этгандан сўнг кўп йиллар Ҳирот ҳамда шу атрофнинг туман, музофотларида қозилик қилди ва адолату инсоф билан иш кўрди. Ҳукм чиқаришда тамагирлик ёки иккиюзламачилик қилмади. Таъби соғлом ва зеҳни ўткир бўлиб, гоҳида ажойиб шеърлар назм қиларди.

838 йил шаввол ойининг олтинчисида³ вабо касали билан оламдан ўтди ва Гозургоҳда Имомий қозилари ҳазирасида дафн этилди.

¹ 838 йил иккинчи шаввол — 1435 йил 1 май.

² Шафоат — ўртага тушиб, бошқалар гуноҳини тилаб олиш.

³ 838 йил олтинчи шаввол — 1435 йил 5 май.





Мавлоно Зиёиддин Нуруллоҳ ал-Хоразмий етук олим ва равшан қалбли фозил эди. Кўп йиллар давомида Ҳирот шаҳрининг Жоме масжидида имомлик ва хутбага машғул бўлди. Айтишларича, ул жанобнинг арабиятдаги илми ва фасоҳат қуввати шу даража бўлганки, ҳар жума куни Жоме масжиди йўлида ҳар гал янги бир хутба иншо қилиб, халойиққа етказар экан.

У ҳам мазкур йилда вабо касалига йўлиқиб, ширин жонидан ажраган. Қабри Гозургоҳда Абдуллоҳ Ансорийнинг оёқ томонида бўлиб, мағфиратли мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Аълонинг қабрига ёпишиб турибди. *Барчаларига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, омин.*

Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Қоиний диндор воиз ва фозил киши бўлиб, бир неча вақт Ҳиротда мухтасиблик мансабида турди. Ҳадис айтиш бўйича рухсатини шайх Муҳаммад Жазарийдан олган бўлиб, ҳамиша ўқитиш нақшини ҳадис толиблари кўнглига битарди.

Мазкур йилда халқ вабо балосидан қочиб, шаҳардан ташқари чиққанида, мавлоно жаноблари уларни бу ишдан тўхтатишга уринган экан. Аммо вабо ўзига ҳам юқиб, оламдан ўтган. Қабри Жуғратон қишлоғида.

Мавлоно Жалолиддин Муҳаммаддан бир мадраса ёдгор қолган бўлиб, Ҳирот Жоме масжидининг жануб томонида жойлашган. Бу мадраса халқ орасида «Мадрасаи Пешбурд» номи билан машҳур.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Авҳаф Сабзбаромон мадрасасининг мударриси ва маҳди улё Гавҳаршод Оғо қурдирган Жоме масжидининг имом-хатиби эди. У ҳам мазкур йилда вабо касали билан оламдан ўтди.

Шайх Абусаид бин Шайх Шамсиддин бин қози Жалолиддин бин Маҳмуд ал-Имомий қози Қутбиддин Абдуллоҳнинг акасининг ўғли эди. У ҳам мазкур йилда вабо касалиги сабабли фоний жаҳон билан видолашди.

Хожа Абдулқодир Гўянда турли хил фазилатларда етук ўринга эга эди. Мусиқа ва адвор¹ илмида замонанинг ҳеч бир кишиси

¹ *Адвор* — доира шакли ичига битилган куй нотаси; куй басталаш, бастакорлик илми.





унга тенглашиш хаёлини ўзининг кўнгли яқинига йўлатмасди. Қироат, шеър ва ҳуснихат соҳасида ниҳоятда моҳир эди. Хайрия биноларига китобалар ёзишда қўли нур сочувчилик қиларди.

Фаолияти бошида дориссалом¹ Бағдодда Султон Аҳмад Жалойирнинг қошида бўлди ва Султон уни азиз дўст ўрнида билиб, ҳамиша кўп илтифотлар кўрсатарди. Қазову қадар фаррошлари Султон Аҳмад Жалойир салтанатининг шоҳона чодирини йиғиштиргач, Хожа Абдулқодир Мирзо Мироншоҳнинг мусоҳиб ва мулозимлари қаторидан жой олиб, шаҳзоданинг меҳрибонлик нурлари турмуши юзи узра таралди.

«Мажолис ун-нафоис»дан маълумки, Мирзо Мироншоҳ миясида ишқал борлиги учун ёмон ишларга қўл ургач, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Гурагон бу шаҳзоданинг таъзирини бериб қўйишга бел боғлаб, унинг надимларини қатл этишга буюрган. Хожа Абдулқодир гўянда эса ўша вақтда иложини топиб, қочиб қутулган. Бир неча вақтдан сўнг бўлса, қаландарлар кийимидаги бу хожа тасодифдан осмон ҳашаматли даргоҳнинг яқинидан ўтиб қолган. Шунда ҳазрат соҳибқироннинг кўзи хожага тушган. Абдулқодир гўянда буни пайқаб, дарҳол баланд товушда Қуръон ўқий бошлаган. Бу ҳолатни кўрган жамшид манзилли подшоҳ² табассум қилиб, мана бу мисрани тилга олган.

Мисра:

Абдол зи бим чанг дар мусҳаф зад³.

Маъноси:

Қуръонга ёпишди кўрқиб қаландар.

Шундан сўнг соҳибқирон хожанинг қобилият қоматини афв ва эҳсон туни билан безаб, яхшилик ва риоят эшикларини турмуши юзи сари очди. Хожа Абдулқодир гўянда жаҳон олувчи соҳибқирон вафотидан кейин олий маконли подшоҳ, Султон

¹ Дориссалом – жаннатлардан бирининг номи; тинчлик-осойишталик уйи. Бу ерда сифат.

² Соҳибқирон Амир Темур кўзда тутилмоқда.

³ Бу мисра XI асрда Меҳна шаҳрида яшаган машҳур сўфи шайх Абусаид Абулхайрга нисбат берилади.



Шоҳрух Мирзо хизматида умр кечирган кўйи 838 йили¹ вабо касалига чалиниб, охиратга сафар қилди.

Саййиғ Нуриддин Муҳаммад бин ал-амир ул-кабир уш-шаҳир саййиғ Шарифиддин Али ал-Журжоний насаб олийлиги ва ҳасаб шарафию одоб яхшилиги ва ахлоқ гўзаллиги билан мақталиб, эл аро танилган эди. 838 йили² Шероз ўлкасида жаннат гулзорларига кўчиб ўтди.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад бин мавлоно Шайх Али диндорлик ва тақво сифати билан тавсифланган эди ва ҳамиша ислом аҳли ишларини бутқаришга тиришиб, хайрхоҳлик нақшини каттаю кичикнинг қалби саҳифасига битарди.

«Матлаи саъдайн» асарида ёзилмишким, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад бин Шайх Али бир гал саид хоқон Шоҳрух арзига «[давлат томонидан] совунхона қуриш бидъат, ул ишдан мусулмонларни ман қилиш эса шариатга хилофдир» деди. Ул ҳазрат бу борада бир баҳона билдирди. Мавлоно подшоҳ ҳузурида осмонга юзланиб «Эй Худойим, кўраяпсанми, ҳукмингни етказсам, бу мўғул³ боласи эшитмаяпти» деди. Мағфиратли саид хоқон бу сўзни эшитиб қаттиқ таъсирланди ва дарҳол «совунхонани бузиб ташланглар, совун пиширгани учун эса халққа тегманглар» дея фармон берди.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад 842 йил рабиулаввалнинг йигирма биринчиси⁴ жума куни оламдан ўтди. Бу дунёда 127 йил умр кўрди.

Устод Қавомиддин Меъмор Шерозий замон муҳандислари бошлиғи ва даврон меъморлари паноҳгоҳи эди. Ул нодир ишли устоднинг асарлари жумласидан бири салтанат пойтахти Ҳиротдаги маҳди улё Гавҳаршод Оғонинг олий иморати бўлди.

Тилларда доимо зикр этилувчи бир машҳур ҳикоя бор: Бир гал ҳазрат саид хоқон қайсидир иморат масаласида устод Қавомиддиндан ранжиб, бир йил давомида саройга келиши-

¹ 838 йил – 1435 йил ўрталари.

² 838 йил – 1435 йил.

³ Бу ерда темурийларнинг Чигатой улусига киргани учун мазкур атама қўлланилган.

⁴ 842 йил йигирма биринчи рабиулаввал – 1438 йил 11 сентябрь.



га рухсат бермабди. Устод юлдузшунослик илмида ҳам моҳир бўлгани учун шу давр мобайнида бир тақвим чиқариб, хизматга ижозат бўлгандан сўнг уни саид хоқонга кўрсатибди. Шоҳрух Мирзо табассум қилиб, унга қараб мана бу байтни ўқибди.

Байт:

Ердаги ишларни «қойиллатиб» сан
Осмон илмига ҳам дахл қилибсан!

Устод Қавомиддиннинг ҳаёт биноси бузилиши 844 йил шаъбон ойи бошида¹ рўй берди.

Мавлоно Имоғиддин Абдулазиз Абҳарий замон уламосининг пешқадами ва фақиҳ либосли фозилларнинг аълами бўлиб, ҳаётининг охирги вақтларида ислом ҳажи ва пайғамбар равзаси зиёрати учун Хуросондан йўлга тушди ва ул азим давлатни қўлга киритиб, Макка ва Мадинадан қайтгандан кейин Шом вилоятига² яқин Аъло қишлоғида 843 йил ражаб ойининг ўн саккизинчисида³ бақо оламига кетди.

Мавлоно Яҳё Себак Хуросон диёрининг фозилларидан эди. Ҳамиша гавҳар нигорли қалам билан таълиф ва тасниф нақшини турмуш варақлари узра битарди. Фасоҳатли насрлари гоятда ҳаёлангез ва латофатли назмлари ниҳоятда рангомез эди.

«Мажолис ун-нафоис»да ёзилганки, мавлоно Яҳё дастлаб «Таффоҳий» тахаллус қиларкан, кейинроқ «Таффоҳий»ни «Фаттоҳий»га ўзгартирган. Унинг «Хуморий» ва «Асрорий» тахаллуси билан ёзган ғазалари ҳам бор. Фаттоҳий тахаллуси билан ёзган ғазалидан икки байти ушбу ўринда қайд этилди.

Байт:

Лола фасли қадаҳларни майдан этарсан холи,

Умр ўтар сўрамайсан не кечар ошиқ холи?

Булбул каби уч-тўрт кун сен ҳай-ҳай дея сайрагил,

Ҳай! – дегунча бу жон қуши учиб кетади ҳали.

¹ 844 йил биринчи шаъбон – 1440 йил 26 декабрь.

² Бу ерда Хуросондаги Шом тумани кўзда тутилмоқда.

³ 843 йил ўн саккизинчи ражаб – 1439 йил 25 декабрь.





«Асрорий» таҳаллуси билан ёзган ғазалари жумласидан Хожа Ҳофиз Шерозий татаббусида битган бир ғазали ҳам бор бўлиб, ушбу байт мазкур ғазалидандир.

Байт:

Эй бангилар, каноп япроғи қирраси ўткирлиги,
Ақл ва иймонингизни тагидан қирқиш учундир.

Мавлоно Яҳёнинг манзума рисолаларидан бири «Туш таъбири»дир. Насрда битган асарлари жумласидан «Шабистони хаёл» ва «Ҳусну дил» машҳур бўлиб, ул икки китобда ажойиб ҳикматлар кўпдир. Вафоти 852 йилда¹ рўй берди.

Мавлоно Шарафиддин Али Язғий Эрон фузалосининг энг шарифи ва даврон уламосининг энг латифи эди. Билим камоли ва сўзамоллик илми, фан жамоли ва сўз санъаткорлиги билан ўзи кабилар ва яқинларидан ўтиб кетган бўлиб, насрлари тизими яширин маржонлар сингари кўнгилга қувонч бағишловчи, назмлари дури кўрар кўзлар назарида жавоҳирот тизмасидан аълороқ эди.

Мавлоно Шарафиддин Али ҳамиша Форс ва Ироқда улўф султонлар ёнида эъозли ва муҳтарам бўлиб, латофатли қалами билан гўзал асарларни замон саҳифалари ва кечаю кундуз варақларига битарди. Шу жумладан биттаси фасоҳатли «Зафарнома» китобидир. Каминанинг эътиқодича, тарих фанида латофат ва тиниқликда унга тенг келадиган форсий услубли бошқа бирор китоб ёзилмаган. Ул шариф китоб Мирзо Иброҳим Султоннинг савобли саъй-ҳаракати туфайли 828 йили² ёзиб тугалланган. Чунончи, «Санафа фи Шероз»³ сўзлари абжад ҳисобида ўша йилни билдиради.

Муаммо ва луғз фанида ёзилган «Ҳулали мутарриз ва мунтахаби он» китоби, «Шарҳи қасидаи Бурда» асари ҳамда сонлар тенгламаси илмида «Кунҳил мурод» қўлланмаси ҳам ул зотнинг фикри мевалари жумласидандир.

¹ 852 йил – 1448 йил 7 март – 1449 йил 23 февраль оралиғи.

² 828 йил – 1424 йил 23 ноябрь – 1425 йил 12 ноябрь оралиғи.

³ *Санафа фи Шероз* (Шерозда тасниф этилди) – абжадда бу сўзлар ҳарфлари йиғиндисидан 828 сони чиқади.





Вафоти Язднинг Тафт қишлоғида 834 йили¹ рўй берди ва ўз маскани бўлмиш хонақоҳда дафн этилди.

Мавлоно Шаҳобиддин Абдурахмон Лисон мавлоно Абдуллоҳнинг ўғли бўлиб, насаби она томондан Фаҳриддин Розийга бориб тақалади.

Мавлоно Шаҳобиддин бир неча вақт катта эътибор билан ҳазрат саид хоқон Шохрух Султоннинг хизматини қилди ва ул ҳазратнинг меҳрибонлиги туфайли жуда кўп бойликка эга бўлди. Олтин пулга сотиб олган минг нафар ғуломи бор эди. Қолган буюм ва молини шундан қиёс қилаверасиз.

Мавлоно Шаҳобиддин қолдирган ёдгорликлар жумласидан Малик бозори ўртасида қурдирган бир ҳаммом ва Ферузобод бозорида бино қилдирган карвонсарой бор. Ишончли одамлардан эшитилдики, мазкур ҳаммом қурилиши битган куни мавлоно у ерга киргач, ёнидаги яқин хизматчисидан «бу ҳаммом қурилишига қанча маблағ харж қилинди?» деб сўрабди. Суҳбатдоши «саккиз марв динори» дея жавоб берибди. Мавлоно таажжубланиб ва бу сўз ҳақиқатини аниқлаштирган бўлиб «Қизик, бу ҳаммомнинг биносини менинг ғуломларим қуришган ва унинг қурилиш ашёларини бошқа ҳунарманд мамлуклар² тайёрлашган. Фақат қалайи қуювчи ғуломим бўлмагани учун кечаги куни саккиз динор бериб, бу иморатнинг эшикларидаги занжирини қалайи қилдирган бўлсам?» деган эканлар³.

Мавлоно Шаҳобиддин 858 йил жумодиуллохир ойининг йигирма саккизинчиси⁴ шанба куни вафот қилди. Умри муддати олтимиш уч ёш бўлди.

Мавлоно Жалолиддин Абдурахим садр мавлоно Шаҳобиддиннинг ота бир, она бошқа укаси эди. Жуда улуғворлик ва қудрат билан Мирзо Бойсунқур ва Мирзо Алоуддавла каби ҳукмдорларнинг садрлик лавозимини бажарарди. Илму фази-

¹ 834 йил — 1430 йил 19 сентябрь — 1431 йил 8 сентябрь.

² Мамлук — қул.

³ Бу ҳикояда ҳаммом Шаҳобиддин Абдурахмоннинг пулига эмас, балки вақф маблағлари, халқ ҳашари йўли билан қурилганига ишора қилинмоқда.

⁴ 858 йил йигирма саккизинчи жумодилохир — 1454 йил 25 июнь.





латларни тўла эгаллаган эди. Шу сабабли ҳамиша фозиллар ва олимларга моддий ёрдам берарди.

Мавлоно Жалолоддин ота-бобосининг камтарлик равишини тарк этиб, Мирзо Бойсунқур ва Мирзо Алоуддавланинг хизматида тургани ва сипоҳилик вазифасида умр кечиргани учун ўтириб-туриши ғоятда дабдаба ва ҳашаматли эди. Мирзо Улуғбек буни кўриб, бу одам илму донишдан беҳабар бўлса керак ва шунга кўра хизмат йўлини ихтиёр этган кўринади, деб ўйлаб, шу жиҳатдан садр жанобларини ёқтирмай юраркан, бир куни «буни уятдан бир замбил лой қилай» деган мулоҳаза билан риёзиёт¹ ва ҳайъат² илмининг баъзи бир масалаларини ўз ичига олган варақни қўлига тутқазиб: «Менинг булар ечимида ўзимдан бироз ҳадигим бор, сен учун эса бу фан ота меросдир, шу сабабли бир ўрганиб чиқиб, ўша шубҳамни йўқотсанг тузук бўларди», – деди. Мавлоно бир лаҳзагина ул саҳифага тикилиб ва ечимини топиб, Мирзо Улуғбекдан: «Аъло кўнглингизга тушган иккиланиш гапи асл ечимдами ёки ёғдули кўнглингиздан шундай ўтганидами?» – деб сўради. Ул ҳазрат: «Менинг бу ечимда шубҳам бор», – деди. Мавлоно: «Марҳамат, бўлмаса айтинг», – деди. Мирзо Улуғбек кўнглига келган шубҳани айтиб берди. Мавлоно Жалолоддин бу ҳадикка дилга ёқар тарздаги сўзлар билан жавоб қайтарди. Мирзо Улуғбек унинг таъби соғлом ва зехни ўткирлигини билгач, таҳсинлар айтди.

Мавлоно 849 йилда³ вафот этди. Умри муддати отаси ва акасиникига ўхшаб олтмиш уч йил бўлди.

Муртазо саҳҳоф зухду тақвода етук эди. Ҳазрат сайд хоқон Шоҳрух Мирзо давлати замонасининг ўрталарида мавлоно Абдулжалил Қоиний билан шерикликда муҳтасиблик вазифасини бажарди. Шариатпарвар подшоҳ унинг мутасаддилик қўлини бу ёрқин ишни тартибга солишда шу даража қудратли қилиб қўйдикки, Муртазо саҳҳоф жаноблари қайси амир ёки давлат устунининг уйидан шароб топса, ул сабил қолгурни ерга тўкиб,

¹ Риёзиёт – математика.

² Ҳайъат – астрономия.

³ 849 йил – 1445 йил 9 апрель – 1446 йил 29 март оралиғи.





эди. Назминг барча услубида ғариб бир маъноларни битарди. Айниқса қасидалари гўзал ва ғазаллар девони бағоят машҳур эди. Мазмундор қасидаларининг кўпида Бойсунқур Мирзонинг мадҳи ёзилган. Шеърятнинг *тажнисот*, *зулбаҳрайн*, *зулқофиятайн* соҳалари борасидаги рисола ва «Ҳусн ва Ишқ», «Нозир ва Манзур», «Баҳром ва Гуландом», «Муҳиб ва Маҳбуб» ул ширин сўзли шоир маснавийлари жумласидан бўлиб, бу дostonларнинг байту ҳикоялари ғоятда латофатли чиққан.

Мавлоно Котибий 893 йил¹ Астробод вилоятида вабо касалига йўлиқиб, нотавонлик тўшаги узра қулади ва ўлар чоғи ушбу қитъани назм қилиб, тилни унинг баёнига чоғлади.

Қитъа:

Тупроғи мушқдан хушбўй Астробод ногаҳон,

Вабо олови қаҳридан бўлди хароба – вайрон.

Ўт агар ўрмонга тушса ҳўл-қуруқ бирдай ёнар,

Шаҳарда ёшу қаридан қолмади ному нишон.

Бобо Савдоий Обивард вилоятидан бўлиб, шеърда Ховарий тахаллус қиларди. Кутилмаганда жазаба етишди ва бир неча вақт бош очиқ, оёқяланг тоғу даштларда кезиб юрди. Кейин тағин ўз ҳолига қайтиб, Савдоий тахаллус қила бошлади. Доимо Бойсунқур Мирзо мадҳида гўзал қасидалар назм қиларди. Гоҳида ғазал ёзишга ҳам майл кўрсатарди ва ҳаминша тилни ҳазил қоришиқли сўзларга чоғларди.

Умри саксон ёшдан ошганда Обивардда вафот қилди. Бу матла унинг шеърларидан.

Байт:

Мийининг холу чеҳрангга гулу райҳон рашк қилур,

Тор оғзинг гунчаю тиш дуру лабинг маржон эрур.

Мавлоно Маҳмуд Орифий ҳазрат хоқон Шоҳрух Мирзо замонасининг таниқли шоирларидан бўлиб «Салмони соний»² та-

¹ 893 йил – 1487 йил 17 декабрь – 1488 йил 5 декабрь оралиғи.

² *Салмони соний* (Иккинчи Салмон) – мавлоно Маҳмуд Ориф XIV асрда элхонийлар саройида ижод қилган машҳур шоир Салмон Соважийга (1299 – 1376) эргашиб шеърлар ёзгани учун шу тахаллусни қўлаган.





халлуси билан ёзган ғазаллари эл аро машҳур ва мана бу матла ўша варақларда мастурдир¹.

Байт:

Аҳд қилдим: чиқмагум майхонадан,
Умр тўлиб-тошмаса паймонадан.

Мавлоно Орифийнинг маснавиёти жумласидан «Гўй ва чавгон» жуда маромига етган бир манзума бўлиб, қуйидаги от таърифидан айтилган уч байт ўша китобдандир.

Назм:

Осмон қуёши йўналган қўйи,
Майдонда сакраб юрдинг кун бўйи.
Терга жикқа ғарқ бўлганда ҳар чоқ,
Ёмғирлар ора сен эдинг чақмоқ,
Думингда эди гўёки куюн,
Туюқларингдан учарди учқун.

Амир Шоҳийнинг исми **Оқмалик** эди. Насаби Сабзавор сарбадорларига улангани ва шиа мазҳабида экани учун Шоҳий тахаллус қиларди.

Бир гал Мирзо Бойсунқур уни олдига чақириб: «Яхшиси бу тахаллусни бизга бер, сен эса ўз шеърларингни бошқа тахаллус билан безат», — деди. Амир Шоҳий бу таклифга кўнмади. Шунга кўра ҳазрат Бойсунқур сўзамоллик осмонининг ул қуёшига камроқ илтифот кўрсатишни бошлади.

Айтишларича, бир куни Амир Шоҳий ўзи мансуб тоифанинг бир гуруҳи билан бирга ул олий мартабали подшоҳ саройига борибди. Мирзо Бойсунқур ул жамоани чақириб, аммо Амир Шоҳийни ҳузурига киритмабди. Амир Шоҳий бу борада мана бу ғазални битиб, ул ҳазрат олдига юборибди.

Ғазал:

Эй ки шодлик базмида сен муттасил май тортасан,
Ўз юрак қонингни ичмай ишқдан лоф урасан.
Ҳайфки, сен нозингни қилгунг аҳли давлатлар учун,
Ғам билмас дилларга сен бекор ўқлар отасан.
Наргиси раъно — кўзингни оч ноз уйқусидан,
Умр замони кўз юмиб очгунча зое қиласан.

¹ *Мастур* — сатрга битилган.





Зулфларингни ёя-ёя дилларни ғорат этиб,
 Кўрсатиб оразни олам ўтга ташлаб кетасан.
 Бу эшикдан маҳрум айлаб Шоҳийи бечорани,
 Рад қўлин маҳрам бўлурлар кўкрагига урасан.

Ишончли кишилардан эшитилдиким, Амир Шоҳий умри давомида ўн икки минг байтни назм тизимига терган ва ул жумладан ҳозир фозиллар ўртасида машҳур минг байтидан девон тузиб, қолганларини йўққа чиқариш суви билан ювиб ташлаган. Ҳақиқатан ҳам ўша минг байт оламнинг барча фозиллари таъбига ёққан ва бани Одам фозилларининг бутун улуғлари кўнглига мақбул тушган. Ҳозиргача ким ул бадое аломатли ашъорни ўқиган бўлса, баён тилини таъриф ва таҳсинга очгандир.

Амир Шоҳий Астробод вилоятида 857 йилда¹ илоҳий мағфират ёнига кетди ва жасадини Сабзаворга элтиб, ота-бобоси мақбарасида дафн қилдилар. Хожа Авҳадий Сабзаворий ул сўзамоллик майдонининг чавандози мотамида бир марсиянома битган бўлиб, ундан бир байти ушбудир.

Байт:

Кўз ёши, оҳимдан остин-устун бўл, эй Сабзавор,
 Чунки шоҳ, шаҳри ҳам энди Шоҳийсиз нега яроқ?

Мавлоно Шамсиддин ал-Ҳиравий мавлоно Маъруф хаттотнинг шогирди эди ва Мирзо Бойсунқур ғамхўрлиги шарофатидан ҳуснихатда шу даража тараққий қилдики, ўзининг кўпгина хатларини «Ёқут Мустаъсимий»² номига нисбат берар, қилни қирқ ёрар кўрар кўзлар унинг бу гапига ишонар эдилар.

Мавлоно Жаъфар Табризий турли хил хатларни битишда камолот даражасига эга эди. Айниқса, насхтаълиқда тенгсиз эди. Ўз замонасининг Ибн Муқла Сайрафийси ва ўз даврининг Ёкути саналмиш мавлоно Азҳарий, мавлоно Шаҳобиддин Абдуллоҳ

¹ 857 йил — 1453 йил 12 январь — 31 декабрь оралиғи.

² Ёқут Мустаъсимий — халифа Мустаъсим Биллоҳнинг ҳуснихатда машҳур бўлган Ёқут исмли қули. Айтишларича, Ҳалоқухон 1258 йил Бағдодга бостириб кирган чоғда ҳам, Ёқут минора устида ўтириб олиб хат машқига машғул бўлган экан.





ошпаз, мавлоно Шайх Маҳмуд кабилар мавлоно Жаъфарнинг шоғирди бўлганлари учун шу мартабага етганлар.

Ушбу сўзлар битгувчиси дейдики, олий маконли хоқон Шоҳрух Султоннинг яхши нишонли замонаси фозиллари аҳволдан бир бўлаги баён тизимига тизилгани ва сўзамол қаламнинг подшоҳлик айёми воқеаларини ёзиш жараёнида ул мағфиратли саид подшоҳнинг авлодлари зикрини бошлаш вақти етгани учун бу жузвнинг давомини ул давлатли сулоланинг бошқа султонлари аҳволининг қисқача зикри билан безайди. *Ёрғам ва тавфиқ Аллоҳдангир.*



САЛТАНАТ ВА ДАВЛАТ УСТУНИ АЛОУДДАВЛА МИРЗОНИНГ ЗИКРИ



Донгдорлик буржининг нур сочувчи юдузи ва мақсади ҳосиллик дуржининг¹ тунни ёритувчи гавҳари Алоуддавла Мирзо шаҳзода Бойсунқур Мирзо бин Шоҳрух Мирзо ўғилларининг тўнғичи бўлиб, яхши хулқи ва ёқимли одоби, чиройли юзи ва гўзал ички дунёси билан темурийлар хонадонининг бошқа шаҳзодаларидан устунлик ва мустаснолик қиларди. Унинг мақтов сифатли зоти адолат ва инсофга мойил, саховат баракатли вужуди чиройли ишлар билан сифатланиб лутфларга бурканган эди. Аммо ул жаноб айшу ишрат пойдеворини қуришга, ўйинкулги ва хурсандчилик палосини ёйишга қаттиқ берилган бўлиб, жасурлик ва юрт олишлик расмидан узоқ турган ҳолда гул рангли шароб хаёли ва дафу² чанг овозини эшитиш истагидан бошқа нақшни кўнгли саҳифасига чизмас эди. Шунга қарамай, ҳазрат саид хоқон Шоҳрух Мирзо ўғли Бойсунқур Мирзо вафотидан сўнг бу неварасини олий девон амирлиги мансабига тайинлаб, мамлакат ва молиявий ишларнинг эркин бошқарув ихтиёрини Алоуддавла Мирзонинг иқтидор қўлига топширди. Шаҳзода «эркин-озод фарзандлар шарафли ота-боболарига эргашади»³ ка-

¹ Дурж – қимматбаҳо нарсалар солиб қўйиладиган қути.

² Даф – мусиқа асбоби: шақилдоқли кичик доира.

³ Арабча ибора.





лимасига кўра эса, лутф ва эҳсон эшигини инсон табақалари турмуши юзи сари очди.

Ҳазрат саид хоқон нусрат оятли байроқни Султон Муҳаммад Мирзо исёнини бостириш учун Ироқи Ажам томон ҳилпиратган вақтда Мирзо Алоуддавлани янгидан шафқат назари билан манзур тутиб, шаҳарлар фахри Ҳиротда ўз ўрнига ўринбосар қилиб қолдирди.

Ҳазрати саид хоқон Шохрух Мирзо Рай юртида ўткинчи жаҳондан мангулик оламига кўчиб ўтган маҳалда Алоуддавлани Мирзо эмин-эркинлик ўйи билан салтанат ва иқбол тахтига ўтириб, хазиналар эшикларини амирлар ва лашкар аҳли юзи сари очди.

Байт:

Лашкар чорлаб газна эшигин очди,
Этаклаб олтину гавҳарни сочди.

Ул шаҳзода бир йил мобайнида тўла давлат ва мақсади ҳосиллик билан вақт ўтказгач, 852 йилда¹ Тарноб манзилида Мирзо Улуғбек Гурагон қўшини ҳамласига дош бера олмай енгилганча Астробод тарафга қочди. Бир неча ой укаси Абулқосим Бобур Мирзонинг ҳимояси остида яшади. Абулқосим Бобур Мирзо эса салтанат ўйи Ҳиротни эгаллаган мазкур йил охирида Алоуддавлани Мирзони ўғли Иброҳим Мирзо билан бирга тутиб қамоққа ташлади. Бир неча вақтдан сўнг ул жаноб қамоқдан қочиб, Ироққа Султон Муҳаммад Мирзонинг олдига борди. Султон Муҳаммад Мирзо Чиноронда ўлдирилган куни Абулқосим Бобур Мирзо акаси Алоуддавлани Мирзони ушлаб, кўзига мил тортишни буюрди. Аммо бу мудҳиш иш масъули бўлган киши қиздирилган милни салтанат кўз қорачиғининг жаҳонни кўрувчи кўзига шундай бир суратда чекдики, натижада унинг кўриш қувватига бирор зарар етмади. Ниҳоят бир неча кундан сўнг укасининг ўрдусидан² қочди ва анча вақт олам аро саргардон юриб, яна бир неча марта ака-укалари ва қариндошлари билан

¹ 852 йил – 1448 йил 7 март – 1449 йил 24 февраль оралиғи.

² Ургу – ҳукмдор қароргоҳи.





уруш қилди. Аммо ҳеч бир жанг майдонида ғалабага эришмади ва 875 йил бошларида¹ Қулзум денгизи² соҳилида Малик Бистун Рустамдорийнинг уйида йўналиш тизгинини охираг олами сари бурди. мулозимлар унинг жасадини Ҳиротга олиб бордилар ва маҳди улё Гавҳаршод Оғонинг мақбарасида тупроққа топширдилар.

Салтанати даврида вазирлик мансаби хожа Фиёсиддин Пир Аҳмадга тааллуқ топган ва давлати айёмида мавлоно Жалолиддин Лисоний садрлик туғини ҳилпиратган эди.



МИРЗО УЛУҒБЕК ГУРАГОННИНГ ЗИКРИ



Муҳаммад Тарағай номли Мирзо Улуғбек фазилати кўплиги ва илмпарварликда ҳазрат саид хоқон Шоҳрух Мирзонинг бошқа ўғилларидан устунлик жиҳатдан тенгсиз бир подшоҳ бўлиб, адолат бобида ўзи каби султонлар ва қариндош ҳукмдорлардан ажралиб турарди. Жолинус³ билимини Кайковус⁴ ҳашамати билан ўзида мужассам қилди ва бошқа фанлар, айниқса, илми риёзий ва нужумда ўша замонда унга тенг келадиган ва ўхшашлик даъво қиладиган киши йўқ эди. Қуръони мажидни етти хил қироатда ёддан ўқир ва ҳамиша ҳимматини фазлу камол аҳли тарбиясию риояти учун қаратарди.

Илгарироқ мақтов хислатли соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти баёни асносида зикр қилинганидек, бу илму ҳикматга паноҳ подшоҳнинг саодатли туғилиши 796 йил ўн тўққизинчи жумодававалда⁵ якшанба куни Султония қалъасида

¹ 875 йил боши — 1470 йил 30 июнь.

² Қулзум денгизи — Қизил денгиз; лекин эронликлар хато бўлса-да, Каспий (Хазар) денгизини ҳам шундай атайдилар. Бу ерда Каспий денгизи кўзда тутилмоқда.

³ Жолинус — V асрда Рим императори саройида фаолият кўрсатган врач Гален кўзда тутилмоқда.

⁴ Кайковус — каёнийлар сулоласига мансуб қадимий Эрон шоҳларидан.

⁵ 796 йил ўн тўққизинчи жумодававал — 1394 йил 22 март.





рўй берган бўлиб, шариф ёши ўн бирга етганда ҳазрат соҳибқирон мангулик оламига кўчиб ўтди ва ўша чоғдан бошлаб жаноб Улуғбек Мирзо ўз улуғвор отаси тарбияти остида яшаркан, 814 йилда¹ Мовароуннаҳр вилоятини бошқариш билан сарафрозлик топди ва адолату халқпарварлиги шарофатидан қисқа вақт ичида ул мамлакатни ободонликда шу даражага етказдики, давлати мартабаси юксакликда баланд осмондан ўтиб кетди.

824 йилда² ул тенгсиз подшоҳ фоҳира Самарқанд шаҳрининг қоқ ўртасида баланд иморатли мадраса ва бир хонақоҳ қурдириб битказди ва мўл даромад келтирувчи кўплаб дала, қишлоқ ва мол-мулкни унга вақф қилиб берди. Шунингдек, ишбилармон усталарнинг ул жаннат белгили шаҳарда бир расадхона қуришлари борасида ҳам фармон берди ва иккинчи Батлимус³ саналган мавлоно Гиёсиддин Жамшид, инсоний етукликлар тўплами бўлмиш мавлоно Муиниддин Коший ул бинога тартиб беришда катта саъй-ҳаракатлар кўргуздилар. Ва ул расадхона ишлари натижаси ўлароқ битта Зиж яратилди. Уни «Зижи жадиди Гурагоний» дейдилар. Эндиликда кўплаб тақвимларни ўша Зиждан чиқарадилар.

Мирзо Улуғбек Гурагон улуғвор отасининг салтанат бошқаруви айёмида тўла иқтидор билан қувонч аломатли умр кечирди. Ул ҳазратнинг вафоти хабарини эшитгач эса, эмин-эркин равишда юрт бошқариш ишига мутасадди бўлиб, жаҳон олувчилик байроғини Хуросон сари кўтарди. Гарчи Мирзо Алоуддавла устидан ғалаба қозониб, Хуросонни фатҳ этса-да, аммо уни сақлаб қола олмади.

Олдинроқ кетиб айтадиган бўлсак, жаноб Улуғбек Мирзонинг ҳаёт айёми ва мақсади ҳосиллик даврони ниҳоясига етишаркан, ўғли Мирзо Абдуллатиф отасига қарши ҳиммат камарини белига боғлаб, ул жаноб устидан ғолиб чиққан кўйи Самарқанд тахтига ўтирди. Мирзо Улуғбек эса 853 йилда⁴ ана шу ақлсиз фарзанди

¹ 814 йил — 1411 йил 25 апрель — 1412 йил 13 апрель оралиғи.

² 824 йил — 1421 йил 6 январь — 1421 йил 26 декабрь оралиғи.

³ Батлимус — қадимги юнон астрономи Клавдий Птоломей (милоднинг 90 — 160-йиллари).

⁴ 853 йил — 1449 йил (аниқроғи: 1449 йил 25 октябрь).





фармонига биноан шаҳидлик шарбатини татиб, охират боғига ошиқди.

Хожа Носириддин Насруллоҳ, Хофий, Саййид Имодиддин бин Саййид Зайнулобидин Жанобазий Мирзо Улуғбек вазирлари қаторидан жой олиб, имконлари етганича қобилият ва ишбилармонлик нақшини ул адолат шиорли подшоҳнинг турмуш варақлари узра битган эдилар.

**МИРЗО УЛУҒБЕК ГУРАГОННИНГ
АМУДАРЁДАН ЎТИШИ ВА АБДУЛЛАТИФ
МИРЗОНИНГ АЛОУДДАВЛА
МИРЗО ТУТҚУНЛИГИДАН
ҚУТУЛИШИ БАЁНИДАГИ ГАПЛАР**



Мирзо Улуғбек жаннатмисол Самарқандда турган пайти саодатманд хоқон Шоҳрух Мирзо вафотидан хабар топиб, бир неча кун давомида таъзия ва мотам маросимини ўтказиш билан машғул бўлиб, олимлар моликининг каломи хатмларини адо этди ва фуқарога ошу таом торттириб, етим-есирлар бошини садақалар билан сийлади.

Хоқони мағфурнинг бошқа туққан ўғилларидан ҳеч бири ҳаёт бўлмагани учун жаноб Мирзо Улуғбек ул ҳазрат мамлакатини тўлалигича ўзиники деб ўйлаган кўйи, мусибат ва мотам шартларини бажаргандан сўнг, Мовароуннаҳр ва Туркистон қўшинини йиғиб, Хуросонни ишғол этиш мақсадида қўзғалди ва Жайхун дарёси қирғоғини қутлуғ лашкаргоҳига айлантириб, ўша манзилда «Арҳанг, Соли Сарой, Хатлон вилоятлари суюрғол¹ қилиб берилган Абубақр Мирзо бин Муҳаммад Жўки Мирзо хоқоннинг қайғули воқеасини эшитибди ва мустақил ҳукм юргизишни кўнглига туғиб Балх, Шибирғон, Қундуз, Бағлон ҳудудини эгаллабди» деган хабарни эшитди. Шунга кўра эҳтиёткорликка риоя қилиш йўсини тақозо қилиниб, Мирзо Улуғбек кетма-кет ра-

¹ Суюрғол – турк-мўғулча: қишлоқ, туман, вилоят тушумининг мукофот сифатида берилиши.





вишда мазкур шаҳзода олдига элчи ва мактублар жўнатганча, уни ўз куёвлиги шарафини топтиришга ваъда берди. Натижада шаҳзода бўйин товлашлик мақомидан воз кечиб, улуғвор амаки-си ўрдуси сари юзланди.

Шаҳзода етиб келиб, орадан бир неча кун ўтгач, унинг аҳволи пешонасида ҳийла ва алдов аломатлари кўринди. Шу сабабли Мирзо Улуғбек Абубақр Мирзони ушлатиб, кишанга солдириб Самарқандга юборди. Сўнг давлат ва иқбол билан Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, Балх ҳудудида истиқлол байроғини ҳилпиратди. Ўша аснода Нишопурдаги шабихун¹ ва Абдуллатиф Мирзонинг тутқунликка тушгани қиссаси эшитилди. Мирзо Улуғбек юриш қилиш ёки тўхтаб туриш лозимлиги борасида амиру нўёнлар билан маслаҳатлашди. Анча баҳсу мунозара ва тортишувдан сўнг шарофатли аъло ақл «Алоуддавла Мирзо билан сулҳу яраш қилайлик, токим, подшоҳлик конининг гавҳари Ҳирот қалъасидан Бадахшон тоғи лаъли каби эсон-омон ташқари чиққай» деган қарорга келди ва садрликнинг олий мансабига мушарраф бўлмиш мавлоно Мирак Маҳмудни элчилик расми билан укасининг ўғли олдига юборди ва унга қўшиб, бирдамлик пойдеворини бунёд этиш, тескаричилик дарахтини эса кесиб ташлаш сиёсатига йўналган мактуб йўлади. Ўша вақтда Мирзо Алоуддавла зафарли лашкар билан Самарқанд қўшинига қарши урушиш учун Мурғоб дарёси бўйигача келган бўлиб, жаноб садр унинг ҳузурига етишган айни чоғда Абулқосим Бобур Мирзонинг Журжон² тарафдан Хуросон сари йўналгани хабари Алоуддавла Мирзо ўрдуси аро ёйилди. Шохзода икки томондан бало денгизининг ўзи томон юзланганини кўриб, Мирак Маҳмуднинг сўзларини қабул иззатига яқин тутди ва салтанат пойтахти Ҳиротга қайтиб кетиб, Абдуллатиф Мирзони эъвоз ва эҳтиром билан улуғвор амакиваччаси олдига кузатиб қолди. Абдуллатиф Мирзо Балх яқинида ўз отаси билан учра-

¹ Шабихун — тунги юриш; тунда билдирмасдан душман устига бостириб бориб тўсатдан чопқин қилиш.

² Журжон — Каспий денгизининг жануби-шарқидagi Эронга қарашли вилоят ва шаҳар номи.





шиш шарафини топди. Мирзо Улуғбек жонга пайванд, йўқ-йўқ, бу ўринда хато айтдим, тўғрироғи, аксинча – жон олувчи душманни меҳрибонлик оғушига тортиб, бағрига босди ва тилини ўғли кўнглига тасалли беришга чоғлаб, Балхни суюрғол йўсини билан унга бағишлади. Сўнг қайтиш байроғини Самарқанд сари кўтарди.

САЛТАНАТ ВА ДИН МАДАДИ
БОЙСУНҚУР МИРЗОНИНГ ТЎНҒИЧ ЎҒЛИ
АБУЛҚОСИМ БОБУРНИНГ АҲВОЛИДАН
БИР БЎЛАГИ ЗИКРИ



Мирзо Абулқосим Бобур юмшоқ кўнғил ва яхши хулқ билан сифатланган бир ҳукмдор бўлиб, шоду хуррамлик палосини ёйишга жуда берилган бир подшоҳ эди. Ўта камтарлиги ва нафсни тийиши натижасида салтанати давомида сира тахт устига чиқиб ўтирмади. Яхши ахлоқининг етуклиги ва ички дунёсининг мулоимлиги туфайли ҳеч қачон қўпол сўз билан ҳеч кимнинг кўнглини оғритмасди. Уруш майдонида эса мисли ханжар санчувчи қутурган шер ва йиртқич йўлбарс каби эди. Базм йиғинида гавҳар сочувчи булут бўлиб, саховати мўллигидан назарида олий сифатли соф олтин ва арзимас тош-кесак бир хил қийматга эга эди. Ҳиммати олийлиги сабабли денгиз ва кон каби бойлиги бахш этувчи қўлида бир кунча ҳам ушланиб турмасди.

Мирзо Абулқосим Бобур ҳазрат сайд хоқон Шохрух Мирзо даврида ўз оға-инилари Алоуддавла Мирзо ва Султон Муҳаммад Мирзога қараганда анча эътибордан четда эди. Фақат ўзи учун тайин қилинган нарсалар билан умр кечириб, замона жафосига сабр қиларди. Ҳазрат хоқоннинг ҳаёт палоси субҳоний тақдир қўли билан Рай шаҳрида йиғиштирилгач, ул жаноб Халил Султон Мирзо бин Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо билан бирга Хурсон томонга йўналди ва Бастомга етишгач, ўша йили мағфиратли сайд хоқон Шохрух Мирзонинг фармонида кўра қишлоғини





Журжонда ўтказган Амир Ҳиндуканинг чопарлари шаҳзоданинг мулоқоти шарафига эришдилар ва унга Мозандарон мамлакатининг салтанат тахти борасидаги хушхабарни етказиб, ўша томонга олиб кетдилар.

Амир Ҳиндука истиқбол ва кутиб олиш шартларини бажо келтириб, чодир ва саропарда¹, ўтов ва кўринишхона ҳамда подшоҳликнинг бошқа асбоб-буюмларини тортиқ қилди. Унинг бу иши таҳсинга сазовор бўлиб ва дилга мақбул тушиб, ул мамлакат Абулқосим Бобур Мирзонинг қудрат қўлига ўтди.

853 йили² Абулқосим Бобур Мирзо Хуросонни ҳам қўлга киритиб, давлати байроғининг ойчаси нурини салтанат пойтахти Ҳирот аҳолиси аҳволи манглайи сари таратди.

855 йили³ эса Чинорон мавзеида ўз укаси Султон Муҳаммад Мирзо билан урушиб, уни асир олди ва ака-укалик меҳрини дил саҳифасидан ғазаб суви билан ювиб ташлаб, укасининг ҳаёт пойдеворини қулатди.

Сўнг Ироқи Ажам ва Форсга юриш қилиб, ул вилоятларни ҳам ўзининг эгаллаш доирасига киритди ва бу ерларга ҳокимлар тайинлаб, Хуросонга қайтди.

Сал олдин кетиб айтадиган бўлсак, Абулқосим Бобур Мирзонинг вафоти 870 йил йигирма бешинчи рабиулохирида⁴ сешанба куни чоштгоҳ маҳали Али бин Мусо ар-Ризонинг (*саловот ва табрикларимиз тухфа бўлсин*) муқаддас Машҳадида юз берди. Юртбошилиқ бўйича йўлбошчилиги умрининг охирига қадар даври ичида икки йилгина бўлди.

Абулқосим Бобур Мирзонинг вазирлик ишларини Хожа Важиҳиддин Исмоил Семноний ва Хожа Қутбиддин Товус бошқардилар. Давлати айёмида Шайхзода Пир Қавомиддин ва мавлоно Муҳаммад Бухорий Меъморий садрлик туғини кўтардилар.

¹ Саропарда – шоҳона чодир.

² 853 йил – 1449 йил 24 февраль – 1450 йил 14 февраль оралиғи.

³ 855 йил – 1451 йил.

⁴ 870 йил йигирма бешинчи рабиулохир – 1465 йил 15 декабрь.



МИРЗО АЛОУДДАВЛА БИЛАН МИРЗО
АБУЛҚОСИМ БОБУР ЎРТАСИДА ЯРАШУВ
АМАЛГА ОШГАНИ БАЁНИ ВА СОРИЙ
ШАҲРИНИНГ ОЛИНИШИ ҲАМДА
МИРЗОШОҲ МАҲМУД БАҲОДИРНИНГ
ДУНЁГА КЕЛГАНИ ЗИКРИ

Мирзо Абулқосим Бобур Журжон мамлакатини забт этиш ишидан тинчигач, ўта жасурлиги орқасида оти жиловини Хуросон вилоятлари тарафга бурди ва тошқин тўлқинли денгиздек қўшин билан Хабушон вилоятига етиб бориб, ҳарб ва уруш солиш мақсадида тўхтади. Мирзо Алоуддавла бу хабарни эшитгач ва юқорида айтилгани каби Мирзо Улуғбек билан сулҳ тузгач, Машҳад сари юзланди. Ул табаррук манзилга етгандан сўнг ўзи ўша ерда турган кўйи кўплаб амир ва лашкар аҳлини укасига қарши урушга юборди.

Уруш-савашга талабкор лашкар Мирзо Абулқосим Бобурнинг зафар киришимли қўшини рўпарасида саф ясагач, яхши ўйли доно кишилар оёқларини ярашув майдони сари босиб, ҳар икки тарафнинг амирлари ўртага тушдилар ва сулҳ битимини «ака-укалар мамлакати орасидаги масофанинг чегара нуқтаси Хабушон шаҳри бўлсин» деган тарзда тузадиган бўлдилар. Шу йўсинда аҳду паймон сўзи онт ва иймонни ўртага қўйиш билан таъкидланиб, Мирзо Алоуддавла Ҳиротга қайтди.

Мирзо Абулқосим Бобур эса оти тизгинини Мозандарон томонга бурди ва Астрободга етгач, ўша вақтда Сорий вилояти ҳокими бўлиб ўтирган Саййид Муҳаммаднинг шаҳриёрлик даргоҳи эгаси Мирзо Абулқосим Бобурга итоат этиш занжиридан бўйин товлагани ва бошини фармон бажаришлик ҳалқасига тикмаётганини эшитди. Шунга кўра 851 йил охирида¹ ҳар бири йиртқич шер ва қутурган баҳайбат филдек лашкар билан Журжон тўқайдан Мозандарон ўрмони томон йўлга тушди.

У тарафдан эса Саййид Муҳаммад ҳам Сорий ва унга қарашли ерлардан бариси девсифат мозандаронликдан иборат бўлган кўп

¹ 851 йил охири – 1448 йил 6 март.



Байт:

Бу қувончдан дўст бошига гул-чечаклар сочди бустон,
Бу севинчдан кўкка отди дўшисини юксак осмон.

**МИРЗО АЛОУДДАВЛА БИЛАН МИРЗО
АБДУЛЛАТИФНИНГ ИККИНЧИ МАРТА
ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ ВА МИРЗО
УЛУҒБЕК ГУРАГОННИНГ МАМЛАКАТ
ОЛИШЛИК НИЯТИДА АМУДАРЁДАН
КЕЧИБ ЎТГАНИ ЗИКРИ**



Мирзо Алоуддавла Абдуллатиф Мирзони ҳибсдан чиқариб, отаси олдига юборган вақтда унга «Нишопур воқеасида қўлга тушган навкарларингдан бир гуруҳини озод қилиб, ихтиёрларини қўлига топшираман ҳамда мағфиратли саид хоқон Шохрух Мирзонинг хазинасидан нима лойиқ бўлса, ўшани улуғвор амалим ҳузурига жўнатаман» дея ваъда берган эди. Аммо Мирзо Алоуддавла бу ваъдаларига вафо қилмади. Мирзо Абдуллатиф қанчалик чопарлар юбориб, ўз мулозимларини сўратмасин, бирор натижа чиқмади. Ҳатто, Мирзо Алоуддавла Андхуд ва Шибирғон вилоятини босиб олиш ниятида Мирзо Солиҳни Хуросон қўшинидан бир бўлаги билан бирга Мурғоб дарёси бўйига жўнатди.

Мирзо Абдуллатиф шу жиҳатдан дарғазаб бўлди ва кутилмаганда Мирзо Солиҳ устига бостириб борди. Мирзо Солиҳ эса қочиб қолишни фанимат билиб, минг бир чораю ҳийла-тадбир билан Ҳиротга етиб олди. Мирзо Алоуддавла бу ҳодиса рўй берганидан феъл-авзойи ўзгариб, Мирзо Абдуллатифнинг асирликда турган бояги навкарларидан бир гуруҳини қатлга етказди ва қиш фасли ўртасида йўналиш тизгинини Балх ва Шибирғон тарафга тўғрилади. Андхуд теғрасига етишган чоғда Мирзо Улуғбек ёнидан элчи келиб, унинг «агар Абдуллатиф томонидан ножўя ҳаракат содир этилган бўлса, дарров ёмон ишга қўл уравермасдан, фарзандимизга бу ҳақда билдирмоқ муносиброқ эди. Энди олддаги вазифа шуки, орқага қайтилса ва қўшинни





вайронгарчилик этишдан тақиқланса» деган сўзларини арзга етказди.

Мирзо Алоуддавла бу сўзни қабул қулоғи билан эшитди ва юзни Ҳирот сари бурди. Аммо аскарлари Андхуд ва Шибирғонда халқии ёппасига талашди ва қаерда нима топишса, ўғирлаб кетишди. Мирзо Алоуддавла давлати пойтахтига етишгач ва қиш фасли поёнига етиб, баҳор султони боғу бўстонлар фазосини турли-туман гулчечак ва райҳонлар билан беаган, булбуллар юз хил оҳангли тил билан айшу ишрат садосини янгротган ва гул жилвалар қилиб, феруза рангли тахт устида ўтирган, наргис олтин қадаҳни қўлига олган вақтда Мирзо Алоуддавла яхши юлдузли ўғли Мирзо Иброҳим Султоннинг суннат тўйи учун тантанасобларини тузатишни буюрди ва ҳавоси мўъгадиллиги, фазоси кўркамлиги ва гулзори таровати, дарахтлари ям-яшиллиги билан донг таратган Боғи Зоғонни шу иш учун белгилади. Чаққон қўлли фаррошлар ул дилтортар саҳнда чодир ва ўтов қуббасини қуёш ва ой авжигача кўтардилар, ширинкор муҳандислар фалак нишонли кўп безакли чортоқларни¹ тайёр ва муҳайё қилдилар. Санъаткор хунармандлардан ҳар бири ўз хунарига яраша қалъани ўта даражадаги нафис ва ажойибот нарсалар билан тўлдирдилар. Тархонлик фармони² чиқарилиб, катгаю кичик, ёшу қари шоду хуррамлик бисотини ёйишга майл кўргуздилар. Мирзо Рукниддин³ Алоуддавла салтанат айвонидан базму ишрат мажлисига ташриф буюрди ва Зухро манглай соқийлар қўлидан жаннат сувидан тиниқроқ шароб ичишга тушиб, вам суратини дил лавҳидан ўчиришга киришди. Шароб офтобининг ёғдусидан соқий юзи лолага тўла гулзордек сероб ва биллур қадаҳлар қизил бода латофатидан кўрувчи назарида ол ёқутдек кўринарди. Нағмасоз муғаннийлар ва хушовоз созандалар дилочар товушлар ва қувонч орттитар нағмалар билан зангори фалакни рақсга

¹ Чортоқ — вақтинча ясаиб, тўй-ҳашам ўтказадиган уйлар, тўйхона майдони.

² Тархонлик фармони — барча солиқлардан маълум муддатга озод қилиш фармони.

³ Рукниддин — дин устун; афтидан ўша пайтда Мирзо Алоуддавлага берилган лақаб.





туширар, салтанат ошиёнли даргоҳнинг дастурхон тўшовчилари хаёл ҳафсаласига сиққанидан кўпроқ миқдорда турли-туман анвойи таомларни муҳайё ва тайёр қилишганди.

Аmmo ўша аснода инсон билан чиқиша олмайдиган фалак-рўзгор ўзининг эски одатини бошлаб ва фитна шамоли эсишга киришиб, ул тўйни мотамга, қувончни ғаму аламга айлантирдикўйди. Яъни, умумий тўй берилиши тайинланган ва элнинг бой ва камбағали ул йиғинда дудокларни қувонч анжомли қадаҳлар лабига босадиган куни Андхуд тарафдан бир чопар яшин ва елдек етиб келиб, Улуғбек Мирзонинг урушга азму жазм қилиб, Ҳирот шаҳридан икки фарсах¹ наридаги Деҳи Қози қишлоғини давлати чодирига айлантиргани хабарини етказди. Ҳа, олам тупроғи ғам билан қориштирилган ва ҳеч кимнинг аҳвол манглайига турғунлик рақами ёзилмаган. Дунё роҳати жароҳатсиз эмас, зангори фалак меҳрибонлиги қўрқинчсиз эмас.

Байт:

Хазинаю илон, гул билан тикон,
Ғамлару шодликлар биргадир ҳар он.

**МИРЗО УЛУҒБЕК БИЛАН МИРЗО
АЛОУДДАВЛАНИНГ ТАРНОБ МАНЗИЛИДА
УРУШГАНИ ВА САБАБЛАР САБАБЧИСИ
ҲАЗРАТИ ТАОЛО ТАҚДИРИ ТАҚОЗОСИЧА
ХУРОСОН ҚЎШИННИНГ ЕНГИЛГАНИ
БАЁНИДАГИ ГАПЛАР**

Олий шон-шавкатли подшоҳ, Мирзо Улуғбек Гурагон Хуросон қўшинининг Андхуд ва Шибирғон вилоятларида амалга оширган зулмидан хабар топгач, қасос олиш азму қарорига жазм қилиб, чексиз денгиз тўлқинларидек Амуя дарёсидан кечиб ўтди ва Деҳи Қози қишлоғида қутлуғ қўшин лашкаргоҳини ясаб, юзини Ҳирот сари қаратди. Мирзо Алоуддавла тўй асносида бу ҳолатдан воқиф бўлиб, базм палосини йиғиштирди ва бор

¹ Фарсах – 6 – 7 километрлик масофа.





саъй-ҳаракати билан қўшин аҳлига пул ва қурол улашиб, уруш майдони сари йўналди. Амир Муҳаммад Сўфи Тархон¹ ва Амир Султон Абусаид доруғани² эса Ҳирот ҳукуматини бошқариш ва доруғалик қилиш учун шаҳарда қолдирди. Хусусиятлари кўплиги билан барча ишончли кишиларидан устун бўлган мавлоно Аҳмад ясовулни чексиз ганжина ва нақдиналар хазинаси жойлашган Имод қалъасига юборди. Ихтиёридан қалъаси кутволлигини³ Оқо Ҳожибекка топширди. Шундан сўнг қўзғалиш аломатли байроқ Мурғоб дарёси қирғоғи сари кўтарилди. Санжоб доводидан ўтгач, кўнглидан «яна бир бор улўғвор амакиси билан сулҳ тузиш ва ул фитна оловини тадбир суви билан ўчириш» фикри кечди. Шунга кўра хос ичкиларидан бир нечтасини шайх Баҳоуддин Умардан бу ерга қадам ранжида қилиш ва Мирзо Улуғбек олдига бориб, сулҳ ва яраш эшикларини очишни илтимос қилишлари учун шаҳарга қайтарди. Шайх бу илтимосни розилик қулоғи билан эшитиб йўлга тушди. Бироқ у вазифани адо этиш учун манзилга етиб боргунича воқеа кайфияти қўйидаги янглиғ кечди: Мирзо Улуғбек Гурагон Мирзо Алоуддавланинг шаҳардан ташқари чиққанидан воқиф бўлгач, осойишталикни юдузлардек юрт бўйлаб ҳаракатда ва манзилларни босиб ўтишда, деб билиб, яшин ва шамол сингари Мурғоб дарёсидан кечиб ўтди ва Тарноб манзилини зафарга ёр лашқаргоҳга айлантирди. Бу томондан Мирзо Алоуддавла ҳам ночорлик қадами билан олға босиб, ҳар икки тарафдан сафларни тўғрилаш ва қурол-аслаҳаю уруш асбобларини тайёрлашга киришилди. Қўшиннинг маймана, майсара, қалб, қанот қисмларини⁴ тартибга келтириб,

¹ *Тархон (гархон)* – турк-мўғулча: барча тўлов ва солиқлардан озод қилинган шахс. Бу ерда лақаб.

² *Доруға (гаруға, гарға)* – турк-мўғулча: бошлиқ. Бу атама шаҳар маъмурий ишлари бошлиғи; китобхона мудир; кема бошлиғи (капитан); шаҳар миршаблари бошлиғи маъноларида ишлатилган. Бу ерда шу соҳалардан бирида ишлаган кишининг лақаби.

³ *Кутвол* – қалъа беги.

⁴ *Маймана* – арабча атама: қўшиннинг ўнг қанот қисми. Мўғул-туркчаси: баронғор. Арабча *майсара* атамаси қўшиннинг чап қанот қисмини билдириб, мўғул-туркчаси – жавонғор; *қалб* – қўшин ўртаси. Туркий тилда – *қул, кул*.





уруш-саваш ва жанг эшикларини бир-бири ҳаётлари юзи сари очдилар. Самарқанд лашкарининг ғул қисми Мирзо Улуғбек Гурагоннинг нур сочувчи тожи билан безанди. Жавонғорда Мирзо Абдуллатиф тасарруф шиорли туғни кўтарди, баронғорда эса Мирзо Абдулазизнинг зарҳал байроғи соябони айланувчи осмонга етди. Қалб қисм қай тарафда ёрдамга эҳтиёж туғилса, дарҳол ўша ёққа кўмак учун боришга шай турувчи ботир марди-майдонлар ва рустам нишонли баҳодирлардан иборат бир неча гуруҳлар билан тартиб ва мукамаллик топди.

Хуросон қўшинининг ғул тарафдан умид кўзи Мирзо Алоуддавла байроғи моҳчаси нури билан ёруғлик топган, баронғор Мирзо Солиҳнинг қудрат белгили укпаридан мустаҳкам бўлган эди. Жавонғор эса Мирзо Халилнинг қиличи ва найзаси шуъласидан оройиш олганди. Қалб қисмда бир нечта туман амирлари ёрдам йўсини билан шижоатлилик туғини кўтаргандилар.

Байт:

Бошда ғазаб қайнар, дилда — адоват,
Қошлар чимирилган, ҳарбий салобат.

Ул уруш истар икки сипоҳ шу тартиб ва йўсин билан жанг майдонига етишгач, карнай ва сурон фигони, бурғу ва оху дод шовқини Баҳром¹ манзилининг дарвозасидан ўтди.

Байт:

Икки лашкар жанги гўё пўртана,
Ваҳмаси нар шерни қилди девона.

Буни қарангки, ўша ҳол асносида Мирзо Абдуллоҳ Шерозий² [хиёнат йўлига кирган кўйи] Хуросон қўшини сафини бузиб, араб насли елдек югурак оти жиловини Самарқанд лашкари томон бурди. Бу иш эса Мирзо Алоуддавланинг юрагига оғир бот-

¹ Баҳром — Марс сайёраси, римликлар ақидасича бу юлдуз уруш, қаҳр, шижоат рамзи бўлган.

² Мирзо Абдуллоҳ Шерозий — Форс ўлкасидаги Шерозда подшоҳлик қилган Иброҳим Султон Мирзо ибн Шохрух Мирзонинг ўғли. Отаси ўлгач, Шерозда анча йил ҳукмронлик қилган.





ди. Бироқ хуросонликлар шу сабаб синиқ кўнгил бўлишганига қарамай, майдонда собит қадамлик кўрсатиб, ҳужум шамоли билан уруш оловини аланга олдирдилар. Самарқандликлар ҳам сувдек ялтироқ қиличларни қасос қинидан суғуриб, кўпларни ҳалокат тупроғи узра қулатдилар.

Байт:

Қиличлар ярақлар қонлар ялашиб,
Майдонда қурбонлар кетди қалашиб.

Мирзо Алоуддавла бул урушда кўрқинч ичида бўлса-да, қўлидан келган имкони қадар сабр ва чидам қоидасига риоя қилди. Аммо қараса, раббоний иноят Мирзо Улуғбек Гурагон сари инмоқда. Ниҳоят йўналиш туғини қочиш водийси томон кўтарди. Хуросон аскарлари ҳайиқиб ва кўрқиб.

Мисра: Бирданига тарқалиб кетдилар ва ихтиёр тизгинини қўлдан чиқариб, ҳар бири бир тарафга ура қочдилар. Алоуддавла Мирзо муқаддас Машҳадгача ҳеч бир жойда тўхтамади. У ердан эса Абулқосим Бобур Мирзо ўрдуси сари ҳаракатланиб, Хабушон шаҳрида укаси билан учрашди. Мирзо Абулқосим Бобур Баҳодир ул жанобни меҳрибонлик оғушига олиб, мунгли кўнглини дилга ёқар ваъдалар билан тасалли топтирди ҳамда ҳол-аҳвол ва кўнгил сўраб, лутф ва меҳрибонлик эшикларини акаси юзи сари очди.

Тарноб воқеаси салтанат пойтахти Ҳиротга етишгач, маҳди улё Гавҳаршод Оғо ўз укаси Муҳаммад Сўфи Тархон ҳамда Хожа Пир Аҳмад, Султон Абусаид доруға билан бирга шошилинч суръатда Ироқ йўли сари йўналдилар. Султон Абусаид доруға йўл асносида асир тушиб, бошқалар эса соғ-саломат қутулиб чиқдилар. Мирзо Улуғбек Гурагон фатҳ ва зафар жамолини мурод ойнасида мушоҳада қилгач, ғалабага ёр лашкарга енгилган хуросонликларни ўлдиришни тақиқлади ва илоҳий шукронани бажо келтириб, Хуросон ва Мовароуннаҳр мамлакатлари ёнтеварагига фатҳномалар юборди.

Мазкур жангда Абдуллатиф Мирзо ниҳоятда довюраклик ва паҳлавонлик кўрсатганига қарамай, Мирзо Улуғбек Гурагон



фатҳ мукофотини кичик ўгли Мирзо Абдулазиз номига битди ва шу сабабли шаҳзоданинг кўнгил ҳошиясига хусумат чанги ўтирди. Бу иш ниҳоят Мирзо Абдуллатифнинг бузруквор отасига қаршилик изҳор қилиб, адоват камарини белига қаттиқ боғлашига сабаб бўлди.

Алқисса, Мирзо Улуғбек Гурагон мақсади ҳосиллик ва муродига етган ҳолда Гарноб манзилидан мағфиратли хоқоннинг дорилмулки бўлмиш Ҳирот шаҳри томон йўналди. Чиҳилдухтарон манзилида эса, Самарқанд қўшини сулҳ тузиш палосини ёйиш учун юзланган шайх Баҳоуддин Умарга дуч келиб, ёнида нима-си бўлса талон-торожга учратдилар. Мирзо Улуғбек ҳам ўша манзилда шайхга йўлиқиб, камситгансимон бир тарзда таъзим адо этди, аммо ул жанобнинг кажавали от-уловларини қайтариб беришни буюрди.

Ҳирот қалъаси чети ҳавоси адолат шиорли ул шаҳриёр мавкаби чангидан анбар исли бўлгач, саййидлар, мавлонолар ва шаҳар аҳолиси истиқбол¹ маросими учун шошилдилар ва расмдаги дуоғўйлик, ҳамду сано ўқиш шартларини бажаришга тутиндилар. Мирзо Улуғбек ҳам шафқат назарини ул тоифа аҳволи узра ташлади ва барчасини хусравона лутф ва подшоҳона меҳрибонликлар билан сийлади.

Ўша ҳол асносида Тирату қўрғони кутволи қалъа калитлари ва хазинадаги жамғармаларни юбориб, итоат изҳорини қилди. Шунингдек, Ихтиёриддин қалъаси қўрғонидаги Оқо Ҳожибек ҳам бу кутволга эргашиш йўлини тутиб, ниёзу нисор² шартларини бажо келтирди. Мирзо Улуғбек салтанат пойтахти Ҳирот шаҳри ташқарисидан ўз мулозиматида турган Мирзо Ёрали бин Искандар бин Қора Юсуфни ва Султон Абусаид доруғани кишанлаб, Тирату қалъасига юборди. Шундан сўнг Мирзо Алоуддавла ва Мирзо Абулқосим Бобурнинг давлату шон-шавкатини йўқ қилмоқ учун йўналиш жilовини Астро-бод тарафга бурди.

¹ *Истиқбол* – кутиб олиш учун чиқиш.

² *Нисор* – сочқи. Бу ерда: бошдан ўгириб танга сочиш.





**МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ЖУРЖОН
ТОМОН ЮРГАНИ ВА СУЛТОН АБУСАИД
ДОРУҒА ВА МИРЗО ЁРАЛИ
ТУРКМОННИНГ¹ ИСЁН КЎТАРГАНИ
БАЁНИДАГИ ГАПЛАР**



Мирзо Алоуддавла Хабушон шахрида Мирзо Абулқосим Бобур Баҳодирга қўшилгач, Тарноб урушининг кўплаб қочоқлари йўналиш тизгинини ўша тарафга тўғрилаб, ака-укалар байроғи остида катта бир издиҳом² ҳосил бўлди. Мирзо Улуғбек бу хабарни эшитиб, улар йиғини шишахонасига³ тарқаб кетиш тошини отишни истади. Шунга кўра, ўша томонга қараб йўналди ва муқаддас Машҳадга етишгач, Мусо ар-Ризонинг мунаввар равзаси зиёрати ва тавофи шартларини адо этиб, ул каъба мартабали даргоҳ мужовирларига садақа ва назру ниёзлар улашди. У ердан Родгон сайҳонлигига бориб, бир неча кун ул дилни ёритар ўтлоқзор чорбоғида истиқомат байроғини ҳилпиратди.

Ва ўша манзилда Мирзо Абулқосим Бобурнинг элчиси олам-паноҳ даргоҳга келиб, тухфа ва ҳадялар ўткарди ҳамда Мирзо Абулқосим Бобур томонидан Мирзо Улуғбек Гурагон номи билан безанган хутба ўқиш ва танга зарб этиш мажбурияти қабул қилинганини билдириб, унинг ихлос ва итоат этиш нақдинасининг⁴ асиллигини айтди. Мирзо Улуғбек иноят ва шафқат изҳор этиб, элчини инъом ва эҳсонга кўмган кўйи қайтишига рухсат бергач,

¹ *Туркмон* — асли Туркистондан чиқиб, асосан, Ироқи Ажам ва Озарбайжон минтақасида ўтrockлашган оққўюнли ва қорақўюнли ўғизлар, шунингдек, Каспий денгизи бўйининг Манғишлоқдан то Астрободгача ерларида «*Сайинхон улуси*» номи ҳамда Усмонли турклар давлати таркибидаги Ироқ, Сурия мамлакатларида «туркман» номи остида яшаган кўчманчи ўғизлар ёзма манбаларда ана шу шаклда ифодаланган. Оққўйли ва қорақўйлиларни шиша мазҳабидаги Сафавийлар давлати даврида *озарбайжон*, *қизилбош*, *сафавий*, *ироқий* нисбалари билан ҳам аташган (Ушбу нашримизда фарқлаш учун *Сайинхон улусидан* чиққан сунний мазҳабли кўчманчи туркманларни ҳозирги талаффуздаги «туркман» шаклида бердик).

² *Издиҳом* — оломон, йиғин.

³ *Шишахона* — гўзал кошинлар билан безатилган иморат, сарой. Бу ерда сўз ўйини сифатида ишлатилган.

⁴ *Нақд*, *нақдина* — олтин танга; хазина.





хар ерда бир қўш ташлаш билан юриб, Исфароин шаҳригача оти жilовини қўлдан қўйвормади. Сўнг йигирма кун давомида ўша шаҳар ташқарисида улўғлик ва ҳашамат соябонини кўтаргач, Мирзо Абдуллатиф ва Мирзо Абдуллоҳ Шерозийни сарафрозлик тўқайи шерларидан бир гуруҳи билан бирга Бастом томон юбориб, ўзи эса Пули Абришамгача борди-ю, аммо ҳеч бир сабабсиз қайтиш жilовини орқага бурди. Ваҳоланки Мирзо Алоуддава ва Мирзо Абулқосим Бобур ўз кўнгилларига «қачон Мирзо Улуғбек байроғи ойчаси етишиш нурина Бастом сайҳонлиги узра сочса, мол-мулкидан қўл ювиб, Ироқи Ажам вилоятига қочиб кетамиз ва ҳеч бир эҳтиёж бўлмаса-да, ожизлик ва ўтинч-ёлвориш билан Мирзо Султон Муҳаммаднинг итоат этагига осиламиз» деган қарорни жойлаб ўтирган эдилар.

Алқисса, Мирзо Абдуллатиф ва Мирзо Абдуллоҳ Султон Улуғбек Мирзонинг Бастом чегарасидан бемаҳал ва мавридсиз қайтганидан хабар топиб, улар ҳам қайтиб келдилар. Мирзо Абдуллатиф йўл асносида касалга чалиниб, муқаддас Машҳадда қутлуғ мавкабга қўшилди ва ул муқаддас манзил файзу барокати таъсири сабабли бадани шаҳристонига тўла сиҳат-саломатлик йўл топиб, касаллик қўшини истиқомат кўч-кўронини йиғиштирди.

Мирзо Ёрали ва Султон Абусаид доруғанинг исёни воқеаси эса шундай бўлган эди: улар бир неча кун Тирату қўрғонида тутқунлик ва маҳбусликда тургач, Султон Абусаид доруғага тарафдор бир киши бир эговни кўмоч нони ичига жойлаб, унинг олдига киритиб юборади. Ул икки азиз эса мазкур эгов воситасида темир кишанларни ечиб ва бир чеккага улоқтириб, зиндондан қутулган кўйи қалъада турган бошқа тутқунларни ўзларига эргаштирадилар ва бир нечта қўриқчини ўлдириб, бир қанчасини эса итоатга киритиб бўйсундирадилар. Сўнг Султон Абусаид доруға қалъадан ташқари чиқади, Мирзо Ёрали эса хазина ва захира омборлари эшигини очиб, сахийлик ва қўли очиклик кўргузганча, халққа мўл-қўл олтин-кумуш ва турли хил қимматли буюмлар улашади. Шу сабабли анча одам унга эргашади ва Мирзо Ёрали ул халқ маслаҳати билан салтанат пойтахти Ҳиротни эгаллаш учун юриб, қалъадан ташқари чиқади. Мирзо Улуғбек Гурагоннинг фармони



билан Ҳиротда ҳукумат юргизиб ўтирган Мирзо Боязид парвоначи¹ ҳодиса кайфиятидан огоҳ бўлиб, шамол ва елга тизгиндош бир чопарни аъло ўрдуга жўнатади.

Мирзо Ёрали Каррух шахрига киргач, Амир Боязид унга қарши урушга қарор қилиб «Ҳирот халқидан кимда от-улов бўлса, менга ҳамроҳлик қилсин» дея буйруқ берди. Бошқа жойлардан келган қишлоқлик турку тожик, ҳатто савдо-сотик билан шуғуланувчи бозор аҳлидан ҳам бир гуруҳи амирга тизгиндош бўлиб, Каррух сари йўлга тушдилар. Бироқ саҳар чоғи Мирзо Ёрали улар устига ёпирилиб, келаётган барча турку тожикнинг бор яроқ-буюмларини тортиб олди. Ҳиротликлар эса қайта шаҳарга қочиб кирдилар. Мирзо Ёрали ул шаҳар ташқарисида манзил тутди ва қамал ишига киришди. Ҳиротликларни ўн етти кун давомида қамал исканжасида сақлаш учун жон-жаҳди билан саъй-ҳаракат қилгандан сўнг ва Мирзо Улуғбек муқаддас Машҳад томондан Ҳирот яқинига етиб келгач, Мирзо Ёрали жўнаб қолишни ганимат билиб, Тирату қалъасига қайтиб кетди. Мирзо Улуғбек эса салтанат пойтахти Ҳиротга келиб тушди. Амир Боязид «агар шаҳар ташқарисидаги халқ Ёрали билан ҳамкорлик қилмаганларида, унга бу шаҳарни қамал қилиш муяссар бўлмас эди» дея арзга етказди. Амир шу даража ифво қилдики, унинг ёмонлик ели орқасида Мирзо Улуғбекнинг жаҳонни ёндирувчи ғазаби оташи қаттиқ аланга олди ва «шаҳар ташқарисини фораг ва талон-торож қилинглари» дея фармон берди. Лашкар аҳли 852 йил рамазон ойи охирида² уч кеча-кундуз давомида талон-торож иши билан машғул бўлиб, ён-атрофдаги даҳаю қишлоқларни шип-шийдон ва бор аҳолисини қип-яланғоч қилдилар. Яъни, нимани «нарса» деб аташ мумкин бўлса ўшани

¹ *Парвона* — рухсатнома. Масалан: парвонаи иқома — тураржой учун рухсатнома (прописка). *Парвоначи* — давлат девонининг мамлакатдан чиқиш ва кириш, хорижга мол чиқариш-киритиш каби рухсатномаларини бериш мутасаддиси. Эслатма: «Парвона» сўзининг тунги капалакни билдирувчи «парвона»га шаклий ўхшашликдан бошқа ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қаранг: Персидско-русский словарь. Том I. Москва: Русский язык, 1985, С. 291; Бу ерда шу мансабда ишлаган киши лақаби.

² 852 йил рамазон ойи охири — 1448 йил 27 ноябрь.



тортиб олиб, раҳм-шафқатсизлик қўли билан зулм оловини гуриллатиб ёқдилар. Айтишларича, ўшанда бор-йўқ нарсаси ғорат ва талон-торож елига совурилган бир фақир киши ҳайит куни оч ва яланғоч ҳолда Мирзо Улуғбекнинг оти олдига тушиб: «Эй одилу фозил подшоҳ, мусулмонларга ажиб бир яхши ҳайитлик совғасини бердинг, Худо умрингга барокат берсин» қабилидаги кесатиқ сўзларини айтганча югуриб борган экан.

Шу воқеалар бўлиб турган пайтда Ҳирот шаҳрида «Мирзо Абулқосим Бобурнинг жасур қўшин билан келаётгани» овозаси тарқалди. Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр тарафга кетиш қарорига келиб, қўлдан чиқиб кетиш остонаси ва бошқанинг ихтиёрига ўтиш арафасида турган Ҳирот ҳукуматини Мирзо Абдуллатифга топширди.

Ўша пайтда Мирзо Улуғбек Гурагоннинг буйруғи бўйича, ҳазрат саид хоқон Шоҳрух Мирзонинг жасадини Гавҳаршод Ого мақбарасидан олиб, Мовароуннаҳрга элтдилар ва Самарқанд дорилмулкида мағфиратли соҳибқирон [Амир Темур Гурагон] мақбарасида дафн этдилар.

Мирзо Улуғбек Гурагоннинг ўзи Марв йўлидан қўзғалиш байроғини кўтарди ва Амуя дарёсидан ўтиб, Хуросон вилоятларини тасарруф этиш ишидан қўл тортди.

Мисра:

Ўз шаҳримга борай-да, ўз юртим подшоси бўлай.

**МИРЗО АБУЛҚОСИМ БОБУРНИНГ
САЛТАНАТ УЙИ ҲИРОТ САРИ ЙЎНАЛГАНИ
ЗИКРИ ВА МИРЗО ЁРАЛИ АҲВОЛИНИНГ
БАЁНИ ҲАМДА БОШҚА ВОҚЕА
ВА ҲИКОЯЛАР**

Мирзо Абулқосим Бобур Бастом ва Домғон ҳудудига етишгач, Мирзо Улуғбек Гурагоннинг Сарипули Абришам мавзидан қайтиш жоловини бурганини эшитиб, Хуросон вилоятларини эгаллашга умид боғлаб, йўналиш туғини бузруквор амакиси орқасидан кўтарди ва жуда тезликда қўзғалиб, Амир Ҳиндукани





эса Самарқанд қўшинининг олдини тўсиб чиқиб ҳамла қилишлари учун жанг ўрмонининг бир гуруҳ шерлари билан бирга Марв томон жўнатди. Амир Халил ва Бонхўжани арслон аломатли жангчилардан яна бир гуруҳи билан бирга салтанат пойтахти Ҳиротга юборди. Ўзи эса оти жиловини Сарахс тарафга тўғрилади.

Амир Ҳиндука бир кечаси Мирзо Улуғбек ўрдуси яқинига етишди ва лашкар четидаги Амир Иброҳим Ийгу Темурни асир олиб, Марв томон қайтди. Амир Халил ва Бонхожа эса Фушанж қасабасига келиб қўнган пайтда, Ҳиротда ўн беш кун ҳукумат юргизган Мирзо Абдуллатиф бир оқшом ярим тунда қочиб қолишни ғанимат билиб, юзини Мовароуннаҳр сари қаратди. Мирзо Абулқосим Бобурнинг амирлари Ҳиротга келиб, халқ сари зулм ва раҳмсизлик қўлини чўздилар. Ўша аснода Мирзо Ёрали иккинчи марта жаҳонгирлик ҳавасини қилиб, Ҳирот ташқариси томон ошиқди ва Ҳирот шаҳрини уч кун қамал қилгач, Мирзо Абулқосим Бобур кишилари жавру жафосидан жонлари бўғзига келган улуғлар ва аёнлар жума тонгида Ироқ дарвозаси томондан Ёралини шаҳарга киритдилар. Мирзо Абулқосим Бобур амирлари эса ноилож Ихтиёриддин қўрғонига яшириниб, эртаси кун аҳду паймон сўзлари билан ташқари чиқдилар. Кечаси эса ўғринча яна қўрғонга кириб, хазинани кўтарганча олиб қочиб кетдилар. Шундан сўнг Ёрали ўзини эмин-эркин мустақил подшоҳ хаёл этиб, ўзининг ақли ва билими етуклигига орқа қилиб, хурсандчилик палосини ёйди ва гулранг май ичиш, даф ва чанг овозини эшитиш билан машғул бўлган ҳолда сира ҳам қалъа дарвозаларию шаҳар атрофини қўриқлаш ишларига парво қилмади. Вилоят ҳудудларидан хабардор бўлишни-ку, мутлақо эсига келтирмади.

Йигирма кунга яқин вақтини ўта гафлатда ўтказгач, 852 йил зулҳижжа ойи охирларида¹ тўсатдан Мирзо Абулқосим Бобурнинг зафарпаноҳ қўшинидан мукаммал равишда қуролланган бир гуруҳ жангчилар Малик дарвозаси тарафидан шаҳар сари бостириб келишди. Бу илғор тўда шаҳар боғи сари ошиқиб, Ёралини маст ҳолатида қўлга туширди ва Хиёбон кўчаси бо-

¹ 852 йил зулҳижжа охири – 1449 йил 23 февраль.



шида Мирзо Абулқосим Бобур олдига элтди. Ул олий мартабали подшоҳ, Боғи Сафид боғига бориб тушди ва унинг буйруғига кўра, Ёралини Ҳирот чорсусига олиб бориб, қилич захми билан вужуди нақшини ҳаёт саҳифасидан ўчирдилар.

Шу ҳолат рўй бериб турган вақтда Амир Ҳиндука Марв томондан етиб келди ва Амир Иброҳим Ийгу Темурни аъло тахт пойига етказиб, ёлвориш сўзларига тилини чоғлаганча унинг қонини тилаб олишга тушди. Амир Ҳиндуканинг бу илтимоси ижобат иззатини топди. Шу тариқа Мирзо Абулқосим Бобур Хуросон салтанати тахтига ўтириб, шавкатининг байроғи Фарқад юлдузлари¹ бошидан ўтиб кетди. Хуросоннинг барча вилоятларида хутба ва танга унинг шариф исми ва лақаби билан безанди.

Тун тумани бошқаруви суюрғол расми билан Мирзо Алоуддавллага берилди ва ул жаноб ўз ўғли Мирзо Иброҳимни ўша томон юбориб, ўзи Ҳиротда қолди.

Бироқ кўп ўтмай, Мирзо Абулқосим Бобур чақимчи ва тухматчи кишилар ифвосига учиб, Мирзо Алоуддаврани ҳибсга олди. Мирзо Иброҳимни ҳам тутиб, салтанат пойтахти Ҳиротга келтириш учун ўзининг ишончли амирларидан бирини Тун туманига жўнатди. Шундан сўнг жамшид мартабали подшоҳ тинч кўнгили билан ишрат базмини ясаб, лола юзли соқийлар қўлидан тотли қадахлар сипқорди ва маишат билан тунни саҳарга, тонгни тунга улаб, одамзодни яратган ҳазрат эгамнинг омонати бўлмиш халқ аҳволига қарамай қўйди. Натижада юқори мартабали амирлар зулм ва ситамни бошлаб, Ҳирот шаҳри аҳолиси ва ён-атрофда яшовчи халқни оғир солиқ, ҳаддан зиёд ўлпонлар билан қийнаб юбордилар. Фақат Амир Ҳиндукагина бошқа амирларнинг бу янглиғ ишларидан уялиб, бу ярамас қилиқдан ўзини тийди ва Мирзо Абулқосим Бобурдан рухсат сўраб, Амир Иброҳим Ийгу Темур билан бирга Бодғис томон кетди.

853 йили² Мирзо Абулқосим Бобурнинг шариф қулоғига Сейистон ҳокими Шоҳ Ҳусайн итоатнинг тўғри йўлидан ташқари

¹ *Фарқад юлдузлари* – Кичик Айиқ юлдузлари туркумига кирувчи икки ялтироқ юлдуз.

² 853 йил – 1449 йил кўзда тутилган.



чиқиб, муҳолифат йўсини йўловчиси бўлгани эшитилди. Шунга кўра, нусрат нишонли байроқларни Нимруз мамлакатини эгаллаш учун кўтариб, Сабзавор қасабасини зафар шиорли аскарлар чодирига айлантиргач, амирлар ва қўшиндан бир гуруҳи манглай тарзида олдинроқ жўнаб кетди. Шоҳ Ҳусайн бу хабарни эшитгач ва ул қўшинга қарши уруш-саваш яшашнинг уддасидан чиқа олмаслигига кўзи етгач, аъло тахт пойига тавбаномалар юбориб, тилини узр ва кечирим учун човлаган кўйи божу хирож тўлашни ўз зиммасига олди. Мирзо Абулқосим Бобур унинг гуноҳлари саҳифаси устига кечирим ва афв чизифини тортиб, юзини салтанат пойтахти Ҳирот сари қаратди.

Шу воқеалар бўлиб турган пайтда Амир Ҳиндука муҳолифат эшикларини очиб, Амир Иброҳим Ийгу Темурни Самарқандга жўнатди, ўзи эса Журжон тараф йўналди. Мирзо Абулқосим Бобур бу ҳодисадан хабар топгач, Султон Абусаид доруға ва Шайхали Баҳодирни Амир Ҳиндукани орадан кўтариш учун тайинлади. Улар эса Хабушон яқинида Ҳиндукага етишиб, қўлни қилич ва найза, ўқ ва камон томон чўздилар. Енгилиш дастлаб Абулқосим Бобур кишилари сари бўлди ва Султон Абусаид доруға ўзининг борлиқ кўч-кўронини фано елига совурди. Охирида эса Амир Ҳиндука мағлубиятга учради ва Шайхали Баҳодир шижоат қўли билан унинг ҳаёти туморини¹ эзфилаб ташлади.

Шунингдек, ўша йили гўё «Эрам боғи устунлари шундайки, бошқа шаҳарлар ичида унга ўхшагани яратилмаган»² ояти қаримаси хабар берганидек, мустаҳкамликда донг таратган ва Мирзо Алоуддавла қўйган одамлар тасарруфида турган Имод қалъаси Абулқосим Бобур Мирзо даргоҳи ходимлари қаторидан жой олган Амир Муҳаммад Солиҳнинг яхши бир тадбири орқасида фатҳ этилди ва кўп захира, сон-саноқсиз нақд пуллар Мирзо Абулқосим Бобур қўлига тушиб, мирзо уларнинг кўпини кўриб ҳам ўтирмасданоқ амирлар ва давлат устунларига бахшида қилди.

Ўша воқеа рўй бериб турган вақтда, бир кечаси, Мирзо Алоуддавлани қўриқлаб турган соқчилар рафлатда қолишиб, Мир-

¹ Тумор – арабча ёзув тури; бўйинга осадиган дуо-тумор.

² Қуръони карим, 83-сура, 7–8-оятлар.



зо Алоуддавла посбонлар йиғини орасидан билдирмай ўтганча ташқарига қочиб чиқди ва Ғур, Ҳанисор йўли орқали Сейистонга кетди. У ердан эса Ироқи Ажам томонга ошиқиб, Мирзо Муҳаммадга қўшилмоқчи бўлди. Аммо ул жаноб учрашишни жойиз кўрмади ва «ул биродаримиз Язд мағозасида¹ тўхтаб турсин, биз Хуросонга бораётган вақтимизда алар билан мулоқот қилгумиз ва нима нарса давлат манфаати учун мос тушса, ўшанга қараб иш тутгумиздир» деди.

**МИРЗО УЛУҒБЕК ГУРАГОН ВА МИРЗО
АБДУЛЛАТИФНИНГ БИР-БИРИ БИЛАН
ЁВЛАШГАНИ ҲАМДА ОЛИЙ ЗОТЛИ
ОТАНИНГ БАХТИҚАРО ЮЛДУЗЛИ ЎФИЛ
ФАРМОНИ БИЛАН ЎДДИРИЛГАНИ БАЁНИ**

Нужум илмининг айрим соққа ташловчилари Мирзо Абдуллатифнинг толе зойчасига диққат билан назар ташлагач, ҳойнаҳой, отага шу боласи борлиғидан зиён-заҳмат етса керагов, деган фикрни билдирган эдилар.

Мирзо Улуғбек ҳам бу фанда тўла маҳоратга эга бўлгани учун бу ишни сезган эди. Бу ҳол кайфиятини жўгилардан билиб олган Ҳиндистон волийси Хизрхон ҳам бир гал подшоҳ олди-га мактуб юбориб, бу ғаройиб ишдан бир бўлагини ул хатда ёзиб юборди. Толе илмини билган ва фол соҳасидан тўла воқиф бўлган ва ҳамиша яширин тақдирлардан хабар бериб юрувчи мавлоно Муҳаммад Ардастоний Мирзо Улуғбекнинг «тез орада ҳазрат саид хоқон Шоҳрух Мирзонинг барча мамлакатларини эгаллаш доирамга киритаман» деган сўзларни тилга олган бир мажлисида «Агар Мирзо Абдуллатиф бунга йўл қўйса» деб юборди. Шу гапга кўра, Мирзо Улуғбек Гурагон ҳамиша Мирзо Абдуллатифга нисбатан иноятсизик йўлини тутарди ва олий ҳимматини ўзининг кенжа ўғли Мирзо Абдулазиз тарбиясига

¹ Мағоза – чўл-биёбон, дашт; сайхонлик, яшил водий, дара. Бу ерда бирор мавзе номи ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин.



қаратарди. Шу жиҳатдан Мирзо Абдуллатиф бузруквор отасига қарши адоватни сийнасига жойлаб юрар экан, ниҳоят, очиқдан-очиқ мухолифат изҳорини қилиб, душманлик эшикларини ўз турмуши юзи сари ланг очди. Мирзо Абдуллатиф Абулқосим Бобур Мирзонинг лашкари савлатидан кўрқиб, салтанат пойтахти Ҳиротни ташлаб қочганича Самарқандга юзланган вақтда Амударёдан кечиб ўтгандан сўнг отаси олдига бир чопар юбориб, ўзининг келаётганини билдирди. Мирзо Улуғбек қуйидаги мазмунли фармон йўллади: «Балх сенинг суюрғолингдир. Ўша томон қайтишинг керак ва ул мамлакатни бошқаришинг лозим».

Мирзо Абдуллатиф бу гапни катта бир бахт билиб орқага қайтди ва ул вилоят ишларини бошқариш ва муаммоларини ҳал этиш борасида саъй-ҳаракат кўргузди. Шундан сўнг отасига қарши исён кўтаришни кўнглига туғиб, мухолифат туғини кўтарди ва тамға солиғи қутисини синдириб ташлаб «ҳеч ким бу жиҳатдан халққа тегмасин» дея жар солишни буюрди. Бундай хабар сабаби шунда эдиким, Мирзо Улуғбек ўғли Абдуллатиф қармоғидаги халқдан тамға пули йиғиш ва закот солиғи ундириш борасида қаттиқ талаб қўйганди. Алқисса, Мирзо Абдуллатифнинг бу каби қаршилиқ ва бўйин товлашлиқ қилиғи хабари Самарқандга етиб боргач, Мирзо Улуғбек ҳайрон бўлди ва Мирзо Абдулазизни Самарқандда ўз ўрнига ўринбосар қилиб қўйиб, катта қўшин билан Жайхун дарёси соҳили томон ошиқди. Мирзо Абдуллатиф ҳам у тарафдан қўзғалиб, ул жанобнинг дарёдан ўтишига тўсқинлик қилди ва ота-бола бир-бири қаршисида ўтирганча ҳар икки томон аскарлари бир неча навбат дарё юқориси ва қуйисидан у ёқ-бу ёққа ўтиб, уруш оловини алангалатиб турдилар. Бу олишувларда кўпинча Мирзо Абдуллатифнинг қўшини ғолиб келарди. Мазкур жанглардан бирида Мирзо Абдуллоҳ, Шерозий асир тушди, аммо Мирзо Абдуллатиф унга тегмай, жонини омон қолдирди.

Шу воқеалар рўй бериб турган вақтда Самарқанддан Мирзо Улуғбек ўрдусига «Мирзо Абдулазиз ярамас ишларга қўл уриб, амирлар ва халқнинг хотин-халажи ва норасида бола-чақасини зўрлик билан тортиб олмоқда» деган хабар келди. Мирзо Улуғбек





бу сўзни эшитиб, ўғлига қўрқитиш ва дўқ-пўписа оҳангидаги хатлар жўнатди. Аммо булардан ҳеч фойда чиқмади. Амирлар эса ташвишга тушиб, сабру қарорини йўқотдилар ва иш Мирзо Улуғбекни ушлаб, Мирзо Абдуллатифга топширишга яқин етди.

Шу аснода ғайб пардаси ортидан ҳеч кимнинг хаёл саҳифасига чизилмаган бир сурат кўриниш берди. Бу воқеанинг шарҳи шуки, доим Мирзо Улуғбек ҳузурида умр кечириб турган ҳамда юрт бошқариш ва мамлакат олишлик нақшини қалби лавҳи ва кўнгли саҳифасига чизиб юрган Султон Абусаид Мирзо ибн Мирзо Султон ибн Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ ибн Амир Темур Гурагон ота-бола бир-бири қаршисида ўтирган пайтда фурсатни ғанимат билиб, *арғун* элини ўзига иттифоқдош қилганча юрт олиш ва подшоҳлик қилиш туғини фирдавсмонанд Самарқанд сари кўтарди. Мирзо Абдулазиз шаҳардан ташқари чиқиб урушга кучи йўқлигидан шаҳар дарвозаларини беркитиб, қалъада қамалиб ўтирди. Мирзо Улуғбек бу меҳнат аломатли хабарни эшитгандан сўнг қаттиқ эзилиб, оти жиловини мамлакат пойтахти сари бурди. Самарқанд ташқарисида ўтирган Султон Абусаид Мирзога эса ул жанобнинг яқинлашиб қолгани маълум бўлиб, қамални тўхтатган кўйи *арғун* эли орасига кетди. Мирзо Абдуллатиф ҳам ўша кунларда дарёдан ўтиб, Самарқанд томон қараб юрди. Мирзо Улуғбек юзини ўғил сари ўгириб, Дамашқ қишлоғида тарафлар тўқнаши амалга ошди. Мирзо Улуғбек бир тепалик устига чиқиб, жангни кузатаркан, қон тўкувчи ул икки лашкар ва фитна қўзғовчи ул икки тоифа қиёмат куни аломатини намоён этган кўйи қилич, ханжар, найза, шамширни бир-бири боши узра санчиб, неча-нечаларни ҳалокат тупроғига улоқтирдилар. Шу зайл уруш-савашга машғул бўлиб турганларида қодир Подшоҳнинг¹ тақдир қўли Мирзо Улуғбекнинг оти жиловини тортқилаб, тепаликнинг у тарафи пастига қараб етаклади. Ул олий мартабали подшоҳ Самарқанд сари юзланган кўйи ҳасрат ва афсус-надомат чекиб бораркан, шаҳар дарвозасига етишгач, Мирзо Улуғбекнинг ўзи шаҳарда қўйиб кетган Мироншоҳ Қавчин қалъа дарвозаларини беркитиб, ичкари

¹ Яъни – Аллоҳи таоло.



киришга қаршилиқ қилди. Мирзо Улуғбек намли кўз ва ғамли дил билан Мирзо Абдулазизни ёнига солиб, бир нечтагина хос кишилари ҳамроҳлигида бир неча кун мустаҳкам Шоҳрухия қалъасида турмоқ ва даврон қийинчилигию нотинч турмуш меҳнатидан бирпас қутулиб яшаш умидида мазкур Шоҳрухия тарафга йўл олди. У ерга етганда эса, бу қалъа кутволи ва Мирзо Улуғбекнинг қули бўлмиш Иброҳим Пўлод раҳмсизлик ва шафқатсизлик орқасида ўз валинеъмати жонига қасд этишни ният қилди. Мирзо Улуғбек бу ҳолдан хабар топиб, ўз оёғи билан овчи тузоғига борувчи ўлжадек, Мирзо Абдуллатиф олдига кетди. Бу пайтда Мирзо Абдуллатиф Самарқандда салтанат тахтига ўтирган бўлиб, ота ва ўғил ўртасида учрашув рўй берди. Мирзо Абдуллатиф ўта тошбағирлиги ва уяти камлигидан масхаралаш ва истехзо юзасидан аввал воситачи орқали, сўнг ўзи бевосита ёқимсиз сўзларни отаси қулоғига етказди.

Ва ўша айёмда ул номард шаҳзода ҳазрат соҳибқирон Амир Темурга тақлид қилиб, Чингизхон авлодидан бир ҳилвираб қолган қарияни хонлик тахтига ўтказди ва отаси бир пайтлар Мирзо Улуғбек фармонида кўра қатл этилган Аббос исмли кишига «[мазкур чингизий] хон олдида тиз чўкиб, Мирзо Улуғбек ноҳақ равишда менинг отамни ўлдирган» дея шикоят қилишини буюрди. Чингизий хон эса «шариат бу борада нимани талаб қилса, шуни бажаринглар» деган ҳукми берди. Самарқанднинг барча фақиҳлари ҳам «Мирзо Улуғбекдан хунбаҳо сифатида қонга-қон қасоси олинсин» деган фатво ёзиб бердилар.

Фақат Амоҳ раҳмат қилсин қози Мискингина улар билан бу ишда шерик бўлмайди.

Шундан кейин Мирзо Абдуллатиф жаноб Улуғбекни Амир Ҳожи Муҳаммад Хусравга ҳажга олиб бориши учун топширди. Ҳазрат маҳдумий-марҳумий Мирхонд «Равзат ус-сафо»да мазкур амир тилидан нақл қилишларича, Амир Ҳожи Муҳаммаднинг ўзи бувам Мирхондга шундай деган экан: Шом пайти Мирзо Улуғбекнинг узангиси хизматида Самарқанддан йўлга чиқдик. Ул жаноб хурсанд ҳолда хушчақчақлик билан от ҳайдаб, ҳар борада менга қизиқарли ҳикоят ва латифалар айтиб борар эди.



Озгина масофа босиб ўтилгач, тўсатдан орқамиздан бир одам етиб келиб, қўлимдан тортди. Ортимга қайрилиб қарасам, Мирзо Абдуллатиф олдида сўзлаш мақомига эга ва сулгуз уруғидан бўлмиш бир киши экан.

— Тинчликми ўзи? — деб сўрадим ундан.

— Ҳа, тинчлик. Аммо чингизий хоннинг топшириғи шуки, Мирзо Улуғбек қишлоқ бир жойга тушсинлар ва аларга аталган йўл анжомлари тайёрлангунга қадар шу ерда тўхтаб турсинлар — дея жавоб берди келувчи.

Мирзо Улуғбек бу хабарни эшитгач, тили гапиришдан қолди ва қутлуғ чехрасида оғриниш аломати пайдо бўлди. Ноилож шу ерга яқин бир қишлоққа тушдик. Мирзо Улуғбек ҳавонинг қаттиқ совуқлиги сабабли олдида ўт ёқиб, кабоб қилишларини буюрди. Хизматкорлардан бир нечтаси буйруққа амал қилиб, олов ёқишга тутинганларида тўсатдан бир учқун сачраб келиб, подшоҳнинг ридосига¹ тушди ва озгина жойини куйдирди. Мирзо Улуғбек қўли билан ўтни ўчираркан «сен ҳам билдинг»² деди. Ўша аснода Аббос исмли киши ёнида биттаси билан келиб, [биз ўтирган] хонага кирди. Жаноб Мирзонинг кўзи буларга тушгач, ўзини билмаган бир ҳолатда ўрнидан сакраб турди ва Аббоснинг кўксига бир мушт туширди. Аббос билан бирга келган ҳалиги киши эса жаноб подшоҳнинг олтойи пўстинини эгнидан тортиб олди. Аббос бўлса арқон келтириш учун хонадан ташқарига чиқиб кетди. Мен эшикни беркитдим ва Мирзо Улуғбек фусл қилиб олди. Шундан сўнг Аббос қайтиб келиб, подшоҳни олиб чиқиб кетди ва ёниб турган машғалга яқин ерда ўтқазиб, ўткир қилич зарби билан ҳаёти шамини ўчирди;

¹ *Rigo* — енгил тўн, чопон. Кейинги сатрда эса бу кийим Олтой ўлкаси ўрмонларида яшайдиган олмахон, қоқим, сувсар, тулки каби ҳайвонлар терисидан тикилган «олтойи пўстин» шаклида берилган. Ўзбек классик шоири Муқимий ўзининг «совуқ» радифли шеърда ёзади:

Олтойи пўстин кийишган, борса бойларга, дуруст,
Камбағалларга ёпишгай, ўхшатиб нодон совуқ.

² *Сен ҳам билдинг* — бу сўзлар асар матнида айнан шундай туркийча келган бўлиб, Хондамир унинг ёнида «ту ҳам донисти ки ҳол чист (гап нелигини сен ҳам билдинг — И. Б.)» шаклидаги форсча таржимасини ҳам берган.



Мирзо Абдуллатиф бу воқеадан икки-уч кун олдин ўз укаси Мирзо Абдулазизни ўлдирган эди. Бу оқибати йўқ шаҳзода тахту салтанатга ўта ошиқлиги натижасида шахсий фазилатларда тенгсиз шундай отани, ҳали ёшлик айёми ва йигитлик даврони нашидасини суриб улгурмаган укани ўлдирди. Аммо барибир салтанати муддати олти ойдан ошмади.

Фозиллардан бири ушбу қитъани Мирзо Улуғбек шаҳидлиги борасида айтган эди.

Қитъа:

Улуғбекким, илму ақл денгизи эди,
У дунёю диннинг азим таянчи эди.
Ул Аббосдан шаҳидликнинг болини тотди,
Вафот тарихи ҳам «Аббос ўлдирди» бўлди¹.



МИРЗО УЛУҒБЕК ГУРАГОН ЗАМОНАСИНИНГ ФОЗИЛЛАРИ ЗИКРИ



Олий мартабали подшоҳ Мирзо Улуғбек илму фазилати кўплиги туфайли ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг азиз авлодлари ичида тўла устунликка эга эди ва ҳамиша олий ҳимматини олимлар ва фозиллар тарбияси ва риояси учун қаратарди. Давлати замонида ул тоифадан кўпчилиги Самарқанд шаҳрида йиғилган ва бу подшоҳнинг давлату иқболи соясида фоятда фароғат ва тўкин-сочинликда ҳаёт кечирган эдилар.

Шу жумладан биттаси мавлоно *Фуёсугдин Жамшид* бўлиб, ҳайъат² ва риёзий илми³ ва нужум⁴ фанида тенгсиз ва беназир эди. Мирзо Улуғбек расадхона қурганда ул жаноб мавлоно Муиниддин ал-Коший ва Қозизода Румий номи билан танилган мавлоно Салоҳиддин Мусо билан бирга ўша ишни йўлга қўйишга киришди.

¹ *Аббос кушт (Аббос ўлдирди)* – бу сўзлардан абжадда 853 сони ҳосил бўлиб, хижрий 853 мелодда 1449 йилга тўғри келади.

² *Ҳайъат илми* – астрономия фани.

³ *Риёзий илми* – математика фани.

⁴ *Нужум* – астрология.





Мавлоно Аълои Шоший Самарқанд олимларининг улуғлари қаторидан жой олган бўлиб, гоҳида шеър ва муаммо айтишга ҳам майл билдирарди.

Мавлоно Нафис ўша замон табибларининг энг яхшиси бўлиб, касалликларни даволашда Исо пайғамбарнинг қутлуғ нафасини намойиш этарди. Ул жаноб ёзган китоблар жумласидан «Шарҳи мужаз», «Шарҳи асбоб ва аломот» асарлари машҳурдир. «Шарҳи асбоб ва аломот» асари дебочасида Мирзо Улуғбекка мадҳу сано ёзилган.

Мавлоно Муҳаммад Олим ҳам Самарқанд олимлари қаторида турарди ва Мирзо Улуғбек Гурагон билан сабоқдош эди. «Мажолис ун-нафоис»да зикр қилинишича, мавлоно Муҳаммад Олим ҳазилкаш ва ҳозиржавоб киши бўлгани сабабли Мирзо Улуғбек билан жуда беадаблик билан баҳсга киришар, подшоҳлиги мартабаси одобига риоя қилмас экан. Шунга кўра Мирзо Улуғбек ул жанобни Самарқанддан чиқариб юборишни буюрган. Мавлоно эса салтанат пойтахти Ҳиротга келиб, то вафот этгунига қадар шу шаҳарда турғун яшаб қолган. Мана бу матла унинг шеърларидандир.

Байт:

Биз бахтиқаромиз, юдузи куюк,
Орзу шамин бир тун ёқмадик тузук.

Хожа Асомиддин мартабаю шавкати, илм ва камолоти кўплиги туфайли Мовароуннаҳр ўлкасининг бошқа олимларидан устунликка эга эди. Кўп йиллар мазкур ўлка вилоятларида шайхулисломлик мансаби билан сарафроз бўлиб, ҳимматини шариат рукнларини мустаҳкамлашга қаратди.

Хожа Афзалиддин Кеший Самарқанд олимлари жумласидан эди ва ҳаминиша ўқитиш ишларини олиб борарди.

Саййид Ошиқ зуҳд ва диндорлик, илм ва парҳезкорлик, яъни шариатга зид ишлардан тийиниш сифати билан васф қилинган бўлиб, амримаъруф ва наҳйи мункирни¹ ҳаддан оширарди. Шунга кўра Мирзо Улуғбек Самарқанд ҳукуматининг ҳисоб-китоб

¹ Кишиларни яхши ишларга буюриб, ёмон қилиқлардан қайтариш.





ишларини унга иноят қилганди, саййид ҳам қўлидан келганича ул ишни амалга оширишда омонат ва диёнат шартларини бажо келтирарди.

Ишончли кишилардан шундай эшитган эдим: Мирзо Улуғбек Кониғил мавзеида ўғли Мирзо Абдулазизнинг суннат тўйини ўтказди ва халқни бир йиллик солиқдан озод қилиб, тархонлик фармонини чиқарди. Тўй тантанасида қатнашаётган хосу авом халқ доимий ичкиликка машғул бўлиб, ҳатто, шароб идишларини очикдан-очик ҳар тарафга элтиб юришди. Ана ўша кунларнинг бирида Самарқанд катталари ва аъёнлари подшоҳ мажлисида ўтиришаркан, Саййид Ошиқ жуда қўрс-қўпол бир важоҳатда ул йиғинга кириб келди ва Мирзо Улуғбекка юзланиб: «Муҳаммад динини четга суриб қўйиб, куфр шиорини илгари сурдингиз» — деди. Жаноб Улуғбекнинг бундай гапдан авзойи қаттиқ ўзгариб, аммо бироз ўйлангач: «Саййидлик ва билим шарафи билан сифатланган ҳамда қариллик ёшига етган одамсиз. Энди, афтидан, шаҳидлик иззатига етишмоқни ҳам истаб қолганга ўхшайсиз ва шу сабабли бу сингари дағал сўзларни арзимизга етказмоқдасиз. Ваҳоланки, мен Сизни бу орзу ва тилагингизга етказмоқни истамайман» — дея жавоб берди.

Бу гап-сўзлардан бир неча кун ўтгач, шайхулислам Хожа Асомиддин Самарқанд шаҳрида қурдираётган ҳаммом биносининг қурилиши ниҳоясига етди ва ул ҳаммомни ишга тушириш муносабати билан очилиш маросими ўтказилган кечаси муғанний аёллар ҳам ҳаммом бошига бориб, эркаклар билан бир қаторда давра қуриб ўтирдилар ва эркак ашулачиларга жўр бўлиб, қўшиқ айта бошладилар. Саййид Ошиқ бу воқеадан хабар топиб, Хожа Асомиддиннинг олдига борди ва: — Эй шайхулислами беислом, хотинларнинг эркаклар билан бир йиғинда ўтириб, ашула айтишларига қайси мазҳабда рухсат берилган? — деди тутоқиб. Хожа Асомиддин бу сўзларни эшитиб ғазабланди ва эртаси куни Мирзо Улуғбекнинг олдига бориб, дод ишташ тили билан Саййид Ошиқ айтган сўзларнинг барчасини арзга етказди. Мирзо Улуғбек эса Кониғилда эшитган сўзлари сабабли ҳалигача саййиддан хафа экани жиҳатидан «рўй берган воқеа борасида





сўроқ ўтказиш учун эртага қози ва уламо йиғилсин ва Саййид Ошиқнинг айбини бўйнига қўйиб, жазо берайлик» деган буйруқни тилидан жорий қилди.

Эртаси куни ул улуғ шонли гуруҳ халифа ошиёнлик даргоҳ ҳовлисида тўпланиб, подшоҳнинг ташқарига чиқишини кутиб туришди. Ўша пайт абдолваш ва тақводор киши бўлмиш ҳамда Мирзо Улуғбек унга қай пайтда қутлуғ мажлисга киришни истаса, киравериши ва қандай сўзи бўлса, воситачисиз арзга етказиши учун рухсат бериб қўйган мавлоно Абулфатҳ Забоба салтанат уйига келиб қолди ва йиғилган улуғлардан оддинроқ Мирзо Улуғбекнинг ёнига кириб кетиб, бу тоифанинг жам бўлгани боисини сўради. Подшоҳ: Анчадан бери Саййид Ошиқ оёғини ўз ҳаддидан ташқари босиб юрибди. Кониғилда ўтказилган тўй куни менга «пайғамбар шариати ҳукмларини четга суриб қўйдинг ва куфр шиорини намоёиш этдинг» деди. Кеча эса илму дониш ва тақво сифатига эгалиги туфайли шариф кишилар ва уламонинг бошлиғи бўлмиш Хожа Асомиддинга «шайхулисломга беислом» дебди. Шунга кўра қозилар ва уламою фузалони бу воқеани ажрим қилиш ва шариат бўйича қандай жазо бўлса, шуни бериш учун чақирдик, дея жавоб берди.

Мавлоно Абулфатҳ: «Саййид Сизга ва шайхулисломга нисбатан бу тариқа сўзларни тилга олиб, яхши иш қилмабди. Чунки, Сиз етук адолат ва халқпарварлик йўлидан юрмоқдасиз ва шариат арконига қувват бериш бобида жуда тиришқоқлик кўрсатмоқдасиз. Шайхулислом ҳам илму амал сифати билан тавсифланган зот», — деди.

Айни шу гап-сўзлар бўлиб турган маҳалда бир сипоҳи тиз чўккалаб: «Укам ўлиб, ундан икки фарзанд қолган ва мен «ана шу жиянларим етим қолиб, қийинчилик тортмасинлар» деган мақсадда укамнинг беvasини ўз никоҳимга киритмоқчи эдим. Аммо ул хотин идда муддати ўтгач, бир баззозга тегмоқчи бўлиб, ундан нафақа ундирмоқда» деган сўзларни арзга етказди.

Мирзо Улуғбек бир ясовулига қараб «бор, ул заифага айт, қайиноғасининг никоҳига киришга кўнсин. Баззознинг эса бу аёлга уйланишига тўсқинлик қил» деб буюрди. Мавлоно





Абулфатҳ бу ҳукми эшитгандан сўнг Мирзо Улуғбекка юзланиб: «Саййид Ошиқ Сизга нисбатан айтган сўзлар ҳақиқатдан узоқ эмас экан» деди. Подшоҳ: — Нега? — деб сўради. Дарвеш: — Шунинг учунки, шариат бўйича, ўз ақлу ҳушида ва етуклик ёшида бўлган ҳар бир хотин-қиз қай бир кишига тегмоқчи бўлса, ўшанинг никоҳига киришга ҳақлидир. Сиз уни қайси мазҳаб бўйича баззозга тегмасликка ундаб, бу муғулнинг никоҳига эса розилик беришига чақирмоқдасиз? — деди. Ул мағфиратли подшоҳ бу сўзлардан ниҳоятда таъсирланди ва ясовулни бу ишдан тўхтатди. Сўнг: — Саройга йиғилган катталар ва шариф кишиларга уй-уйларига кетиш учун рухсат бериб юборинглар. Чунки Саййид Ошиқ айтган гапларнинг бариси ҳақ бўлиб чиқди, — деди подшоҳ. Ул жамоат ночор маъюс ҳолда қайтиб кетишди ва шу билан саййидлик паноҳи можаросининг палосини йиғиштирдилар.

Мавлоно Муҳаммад Ардастоний замоннинг ажойиб ва давроннинг нодир кишиси эди. Фол ва толе кўриш илмида етук маҳорат ҳосил қилган бўлиб, чиқарган хулосалари воқеликка тўғри келмай қолмасди. Бу борада ул жанобдан кўп ҳикоялар нақл қилишади.

Мавлоно Алоиддин Али Қушчидан ривоят қилинувчи мана бу ҳикояни қабул этишда ушбу варақлар ўқувчиларидан сабр сўраймиз. Ҳазрат маҳдумий-марҳумий бувам Мирхонд «Равзат ус-сафо»да ёзмишлар: Мавлоно Али Қушчи менга шундай ҳикоя қилиб берган эди: — Бир куни Мирзо Улуғбекнинг қутлуғ мажлисида ўтирган эдим. Мавлоно Муҳаммад Ардастоний кириб келди. Жаноб Улуғбек унга «бир фол кўриб, менинг юрагимдаги гапларни билдир» — деди. Мавлоно келажақдан фол кўрди ва рамал жадвалини чизиб, «саволингиз ҳарам ҳақида» деди-ю, жим бўлиб қолди. Подшоҳ эса «Али Қушчи маҳрамимиз, кўнглингга келганини тортинмай айтавер» деди. Мавлоно: — Подшоҳимиз ўз никоҳидаги икки хотинидан биттасини ўлдиради. Хоннинг қизи бўлмиш яна биттасини эса талоқ қилади, — деди. Маълумки, Мирзо Улуғбекнинг зуҳд ва иффат сифати билан безанган ва жуда ҳам севувчи хон қизини талоқ қилиши эҳтимолдан узоқ





бир нарса эди. Буни қарангки, ўша гаплардан бир неча кун ўтиб, Мирзо Улуғбек мавлоно Муҳаммад «ўлдирасиз» дея фол кўрган хотинини чиндан ҳам охират оламига жўнатди. Хоннинг қизи бу воқеа содир бўлганидан севиниб, бировнинг ўлиmidан шу даража қувонч сўзларини изҳор этдики, Мирзо Улуғбек вазабланиб, уни талоқ қилди.

❦ **Қози Муҳаммад Мискин** илму тақво ва шариат ишларини бекаму кўст адо этиш борасида мақталган ҳамда анча йиллар омонат ва диёнат билан Самарқанднинг қозиюл қуззотлик мансабида иш юргизган киши эди.

Жаноб шайхулислом мавлоно Сайфиддин Аҳмад ат-Тафтазонийдан эшитишимизга қараганда, Мирзо Улуғбек Гурагон ўз салтанати замони ва мақсади ҳосиллиги айёмида савдогарлардан бирига савдо-сотик қилиб, ундан тушган қўшимча даромадни давлат хазинасига топшириш шарти билан каттагина маблағ берган экан. Бир неча йилдан сўнг ана шу савдогарнинг ҳаёт кемаси фано денгизига чўкибди. Жаноб Улуғбек эса савдогар қолдирган меросдан ўз улушини олишга умид боғлаб «ул савдогарга подшоҳлик хазинамизнинг нодир ашёларидан саналмиш бир қимматбаҳо лаъл берган эдик» дебди ва даъвосига яраша гувоҳларни ҳам ҳозир қилибди. Тожу тахт эгасининг қалбидаги гаплар қози Шамсиддин Муҳаммад Мискиннинг қулоғига етгач, сарой ноибларидан бирини олдига чақириб, у орқали подшоҳга шундай дея айттириб юборибди: — Бу ишда даъвогарлик тортишуви ва гувоҳ кўрсатиш кабилар масалани Сизнинг фойдангизга ҳал этишда унчалик ёрдам бермайди. Чунки, ушбу масала ажрим қонун талаби бўйича менга аён. Агар, албатта Сизнинг даъвоингиз асосида ҳукм чиқаришимни истасангиз, у ҳолда ушбу совуқ ҳаволи кунларда қўл-оёғимни боғлаб, бир неча марта муздек сувга шўнғитиб олсангиз, балки ўшанда чидам бера олмаганимдан савдогардан қолган буюм ва ашёларни йўқолган лаълнингиз ўрнига олиб бериш борасида қозилик ҳукмини чиқаришимга тўғри келар.

❦ Ноиб бу сўзларни Мирзо Улуғбек Гурагоннинг арзига етказибди. Подшоҳ дину адолат ёнини олибди ва ўта диёнат билан





қози жанобларига офаринлар айтиб, мазкур даъвосидан кечибди.

Шунингдек, Мирзо Абдуллатиф отасини ўлдириш мақсадида «ким ноҳақлик билан бирор мусулмонни ўлдирса, ундан қасос олиниши вожибдир» деган фатво ёздирмоқчи бўлганида, қози Муҳаммад Мискин ул фатвога ризолик бермади ва «Мирзо Абдуллатифнинг бу каби фатводан мақсади Мирзо Улуғбекни ўлдиришга рухсат олиш бўлса, билсинки, агар подшоҳ юрт ва давлат манфаатини ўйлаб, ўз тобеларидан бирини жазо ўрнида ўлдирган экан, унинг қасоси ҳеч кимдан талаб этилмайди» деди. Мирзо Абдуллатиф қанчалик ваъда ёки қўрқитишлар билан жаноб қозини бу баҳсу мунозарадан воз кечириб, фатвога қўл қўйдиришга уринмасин, булардан ҳеч натижа чиқара олмади. *Тавфиқ ва ёрдам фақат мақтовли Аллоҳдандир.*

Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий «Бўстон» китобининг муаллифи фақиҳ Абуллайсининг авлодидандир. Хожа Фазлуллоҳнинг ҳаёти жамоли фазлу камол билан безанган бўлиб, ҳамиша шариф вақтини ўқитиш дарслари учун сарфларди. Гоҳида шеър ва муаммо ёзиш билан ҳам шуғулланарди. Ушбу матла унинг назмидан бир намунадир.

Байт:

Сарвдек қаддинг менга жон, балки чин руҳи равон,
Қоматинг сарвига келгин, мен фидо этайин жон.

Мавлоно Алоуддин Али Қушчи замон олимларининг энг билимдони ва даврон ҳақимларининг энг яхшиси эди. У кичик ёшдан Мирзо Улуғбекнинг шафқат назарига ёққан бўлиб, ул олий мартабали подшоҳнинг тарбияти барокати туфайли илмда олий даражаларга етишганди. Мирзо Улуғбек уни «ўғлим» деб чақирар эди ва хусусиятини камолга етказиш учун гоҳида қўлига ов қушларини ўтқазиб қўярди. Шунга кўра «қушчи» лақаби билан танилди.

Мавлоно Али Қушчи ёзган китоблардан Хожа Насириддин Тусийнинг «Тажрид» асарига битган шарҳ машҳур бўлиб, яқин-йироқдаги барча олимлар таъби таҳсинига сазовордир. Мавлоно Али Қушчи умрининг охирларида Рум диёрига бориб қолди ва





ул мамлакатда охират сари олиб кетувчи касалга чалиниб, бақо кўч-кўронини фаю елига совурди¹.

Хожа Абдулмўъмин Мирзо Улуғбек мажлисининг хос на-дими ва махсус базмининг улфати эди. Таъби латиф ва зеҳни ўткирлиги туфайли Самарқанднинг зариф ва фозил кишилари-дан устун ва тенгсиз эди.

Ишончли кишилардан эшитганимга қараганда, ул олий мар-табали подшоҳнинг мақтовли замонида Қарши қозиси шариат ҳукмини чиқаришда бир томонга ён босиб, лаганбардорларча йўл тутибди. Бу хабар эса Мирзо Улуғбекнинг нурли кўнглига маълум бўлиб «қозининг соқолини тагидан қириб ташлаб, эл аро шарманда қилинлар» дея буйруқ берибди.

Қози бу ҳукмнинг олдини олиш учун Хожа Абдулмўъминга мурожаат қилибди. Ул жаноб салтанат тахти пойида шафелик² тилини кечирим воситачилиги учун чоғлабди ва гаплашув-дан сўнг Қарши қозисининг соқолини қирдириб ташламаслик баробарида жазо ўрнида йигирма бош отни давлат ҳисобига ўтказиши тайинланибди. Шундан сўнг қози кишини шармисор қилувчи ҳукм ижросидан қутулиб, келишилган отларни Хожа Абдулмўъминга топширибди. Хожа эса ҳалиги жарима отлари-ни ўз уюри орасига юборибди. Аммо бироз вақт ўтгач бошига «бу хиёнатим маълум бўлиб қолса, подшоҳ ғазабига йўлиқиб қолмай тағин» деган ўй келиб, шунга кўра бир куни қозига қараб «яхшиси сен эртага узоқроқдан ҳазрат Мирзога кўриниш берсанг, мабодо кўнглида ул иш жиҳатидан бирор ғубор қолган бўлса, мен уни йўқотишга уринай» дебди. Эртаси куни қози топшириққа амал қилибди-ю, Мирзо Улуғбекнинг кўзи унга тушиб қолибди. Шунда Мирзо Улуғбек Хожа Абдулмўъминни чақириб «бу қози йигирма бош от масаласини қабул қилган эди, нега келтириб мирохўрларга топширмаяпти?» деб сўрабди. Хожа Абдулмўъмин эса: — Қози отларни топишдан ожизлик қилган, ҳозир эса соқолимни қирдириб, сазойи қилаверсинлар деб келибди, — дея жавоб берибди. Мирзо Улуғбек бу сўзни

¹ Али Қушчи 1474 йил 17 декабрда Истанбулда вафот этган.

² *Шафе* — воситачи; ўртага тушиб, гуноҳкорнинг айбидан ўтишни тиловчи.





эшитиб, хохолаб кулишга тушибди ва шундан сўнг қозига озор бермабди.

Мавлоно Хаёлий Бухоро шоирлари қаторидан ўрин олган бўлиб, Хожа Исматуллоҳга нисбатан шогирдлик йўлини тутган. Унинг шеърларидан эсимда қолган ушбу икки байт ёзилиб, диққатингизга ҳавола этилмоқда.

Назм:

Эй ишқинг ўқига ошиқ дил нишон,
Халқ сени ғамингда, сен эса пинҳон.
Қўналғам гоҳо дайр, гоҳ масжид макон,
Уйма-уй излайман сени ҳар қачон.

Мавлоно Бадахший Мирзо Улуғбек замонида Самарқанд шоирларининг боши эди. Ушбу матла унинг манзумоти жумласидандир¹.



МИРЗО СУЛТОН МУҲАММАД БИН МИРЗО БОЙСУНҚУР ЗИКРИ



Мирзо Султон Муҳаммад ақл ва донолик етуклиги билан танилган, саховат ва муруввати кўплиги билан мақталган бир подшоҳ бўлиб, ўта шижоат ва жасурлиги орқасида хатарли жангларда ўзи шахсан қатнашиб, уруш-саваш ишини қиздирарди. Душман лашкари қанчалик кучли ва шавкатли бўлмасин, бундан сира ҳам ҳайиқмасди. Саховат ва тантилиқда мўътадиллик² йўлини тутарди. Яъни хасислик ҳам қилмас, ортиқча исрофга ҳам йўл қўймасди. Бир гал хос кишиларидан биттаси Мирзо Абулқосим Бобурнинг бағишлов ишида кўп сарфлиги ва қўли очиқлигини айтди ва «шундай экан, нега Сиз бу ишда ул жанобга эргашмайсиз» дея сўради. Мирзо Султон Муҳаммад унинг жавобида ушбу байтни ўқиди.

Байт:

Олим ва жоҳилни фарқ этар тамиз:
У доим тизгинда. Бу-чи? Бошвоқсиз.

¹ Матла матнда мавжуд эмас.

² *Мўътадил* – ўрта миёна.





Мирзо Султон Муҳаммад бин Бойсунқур Мирзо бин Шоҳрух Мирзо мақтов сифатли хоқон Шоҳрух Мирзонинг ҳаётлик замонида умрининг беш йилини Ироқи Ажам мамлакатида давлат ва иқбол билан ўтказди. Ул ҳазрат Рай шаҳрида охират сафари сари йўл олган пайтда бу толели шаҳзода Луристон вилоятига қарашли Хуррамобод мавзеидан Рай томонга ошиқди ва улуғвор отаси юртига тушиб, сўнг у ердан Исфаҳонга кетди. Ул жаннатга ўхшаш шаҳарни забт этгач, оти жиловини Шероз томон бурди. Мирзо Абдуллоҳ эса қаршилик ва уруш қадами билан Форс ўлкаси пойтахти Шероздан ташқари чиқиб, тарафлар ўртасида ўта шиддатли бир жанг рўй берди. Мирзо Абдуллоҳ бу тўқнашувда енгилиб, Истахр қалъасига беркинди. Ироқ лашқари эса Форс қўшини ташлаб қочган мол ва ашёларини ўлжа олиб, Мирзо Султон Муҳаммад иззат ва виқор билан Шероз шаҳрига кириб борди ҳамда ул шаҳарнинг шарифларидан Саййид Низомиддин Аҳмадни Мирзо Абдуллоҳни чақириб келиш учун Истахр қалъасига жўнатди. Муртазавий жаноблари мақсад-манзилга етишгач, шаҳзоданинг кўнглини Мирзо Султон Муҳаммад борасида тўқ қилди. Шунга кўра у қалъадан чиқиб, Мирзо Султон Муҳаммаднинг ҳузури сари ошиқди. Мирзо Султон Муҳаммад уни марҳамат назари билан манзур тутиб, Ироқи Ажам шаҳарларидан қай бирини хоҳласа, ўша ерда ватан тутиши ёки хоҳласа Хуросонга бориши мумкинлигини айтди. Мирзо Абдуллоҳ Султон Мирзо Улуғбекка куёв бўлиш умидида Хуросон сафарини ихтиёр этди ва Ҳиротга етишгач, бир неча кунни Мирзо Алоуддавланинг меҳрибонлиги соясида ўтказди. Аммо юқорида зикр этганимиздек, Тарноб воқеаси куни Хуросон қўшини сафини бузиб, Мирзо Улуғбек сари юзланди. Мирзо Султон Муҳаммад Форс ва Ироқи Ажамда ўрнашди. Жаҳон бўйин товлочилари итоат бошини унинг фармон хати сари эгдилар. Фақат Мирзо Жаҳоншоҳ бин Амир Қора Юсуфгина¹ қаршилик изҳорини қилиб, Султония ва Қазвинни ўз та-

¹ Қора Юсуф – Эрон Озарбайжони ва Ироқи Ажамда 1380–1468 йиллари ҳукмронлик қилган қорақўюнли ўғизлар сулоласига мансуб ҳукмдорлардан (1389–1420 йиллар).



сарруфи остига киритди. Мирзо Султон Муҳаммад бу туркмон подшоси исёнидан хабар топиб, қўшинни тайёрлашга машғул бўлди ва ҳазрат саид хоқон Шохрух Мирзо йўсини билан Мирзо Жаҳоншоҳ номига қутлуғ нишон битди. Хат мазмуни шундай эди: — Подшоҳона иноят билан сийланган аъзам шахриёр Амир Жаҳоншоҳ билсинки, бу янглиғ эшитилишича, у тайинлаган гумашталар қутлуғ ҳукмга хилоф равишда Султония ва Қазвинга кирибдилар. Бу иш қоидага қарши рўй бергани учун ул шахарларни олий девон эгасига қайтариб берсин ва мағфиратли ҳазрат саид хоқон унинг учун тайин қилган мамлакатга қаноат қилсин. Акс ҳолда уруш майдони сари ошиқаверсин, қани кўрайликчи, Тангри таолонинг қазову тақдири тақозоси билан нима юзага чиқаркан.

Мирзо Султон Муҳаммад ёрлик устига муҳр босиб, уни сўзга уста бир элчи орқали Амир Жаҳоншоҳга юборди. Ўзи эса чексиз сонли лашкар билан элчи кейнидан йўлга тушди. Амир Жаҳоншоҳнинг кўзи ул ёрликқа тушиб, мазмунидан хабар топгач, таажжубланган кўйи «нима бало, бу шахс шунчалик шижоат ва жасорат эгаси ёки телбалик туйғусидан баҳраманд бир савдойи одам бўлса керакки, мендек подшоҳга бу каби ёрлик ёзмокда» деди ва катта қўшин билан Форс ва Ироқи Ажам томонга юзланди. Тарафлар орасидаги масофа яқинлашгач, ҳар қалай, икки томондан ҳам элчи юбориш ва хат алмашиш ишлари ўртага тушди. Ниҳоят низо ва қарама-қаршилик масаласини сулҳ ва ярашга айлантирдилар. Мирзо Султон Муҳаммад Шерозга қайтиб, Амир Жаҳоншоҳ оти жиловини Озарбайжон тарафга бурди.

Ул шахзода улуғвор отаси вафот этганидан сўнг беш йил салтанат ва давлат узра умр кечирди ва 855 йилда¹ Чинорон урушида Мирзо Абулқосим Бобур қўлига тушиб, мулкларнинг қудратли молики тақдири унинг ҳаёти палосини йиғиштирди. Яқин келажак саҳифаларда бу гаплар сатрларга тизилажак ва тиришқоқлик нури бу ҳикоя тафсили узра ёғилажак.

¹ 855 йил — 1451 йил.



МИРЗО СУЛТОН МУҲАММАДНИНГ
САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ҲИРОТ ТОМОН
ҚЎШИН ТОРТГАНИ ВА УРУШ ТУГАГАЧ,
ЯНА ИРОҚ САРИ ҚАЙТГАНИ
БАЁНИДАГИ ГАПЛАР

Мирзо Султон Муҳаммад бин Мирзо Бойсунқур Форс ва Ироқ мамлакатларини забт этгач, Мирзо Улуғбек ишининг нима билан тугаганини эшитди ва ўта олий ҳимматли киши бўлгани учун ўй-фикр арқонини Хуросон мулкларини эгаллаш сари отди ва фалаклар ҳаракати сингари чексиз лашкар билан ул тарафга юзланди. Мирзо Абулқосим Бобур ҳам сон-саноксиз қўшин ҳамроҳлигида салтанат пойтахти Ҳиротдан акаси қаршиси сари қўзғалиб, ул баҳром қасосли икки подшоҳ Жом атрофида бир-бирига дуч келдилар ва ҳар икки мамлакат ботирлари, ҳар икки лашкар мардлари бир-бири устига ташланиб, чексиз мардоналик ва жасурлик намуналарини кўрсатдилар. Ниҳоят ғалаба ва зафар насими Мирзо Султон Муҳаммад байроғи сари эсди, Мирзо Абулқосим Бобур эса қаттиқ мағлубиятга учраб, истило саодати ироқликларга муяссар бўлди. Мирзо Абулқосим Бобур ёнидаги жасур кишилардан олти нафари билан бирга ул ғарқобдан жонини омон сақлаганча нажот соҳилига чиқди ва шу қочганича Имод қалъасига етиб олди. Мирзо Султон Муҳаммад голиб лашкар ва катта дабдаба билан салтанат пойтахти Ҳирот сари от йўрғалатиб, улуғворлик байроғини баланд кўтарди. Давлат ишларини тартибга солгач ва салтанат пойдеворини мустаҳкамлагач, бир неча кун айшу ишрат палосини ёйишга киришди. Мирзо Иброҳимни бўлса, Мирзо Абулқосим Бобурнинг тутқунлигидан қутқариб, ёнида ўзига қўшиб олиб келган Мирзо Алоуддавланинг олдига юборди.

Ўша йилнинг қиш фаслида Ҳирот шаҳрида қаҳатчилик ва қаттиқ очлик рўй берди. Бир харвор¹ буғдойнинг баҳоси тўрт юз кепакий динорга² етди. Жаннатмакон саид хоқон даврида

¹ Харвор – 300 килограмм.

² Динор – 4,235 граммга тенг олтин пул.



Кермон шаҳри доруғаси бўлган ва Мирзо Султон Муҳаммад замонида бу Мирзо амирлари ичида қудрат ва эътибор жиҳатдан устунликда ягона саналган Амир Ҳожи Муҳаммад Финоширин зулм ва зуғум ўтказишни бошлаб, турку тожикнинг кўнглини мусодара қилиш ва тортиб олиш ишлари билан озорга солди. Мирзо Султон Муҳаммад девонида улўф амирлар қаторида муҳр босувчи Хожа Фиёсиддин Пир Аҳмад Хофий ул амирни жабру зулм оловини бунчалик алангалатмасликка чақириб, қанчалик бу ишини тақиқлашга уринмасин, фойдаси бўлмади. Натижада халқ мулку моли сари зиён ва зарар йўл топиб, имкони бор киши салтанат пойтахти Ҳиротдан қочиб кетганча йўналиш жilовини Мирзо Абулқосим Бобур хизмати томон бурди.

Мирзо Абулқосим Бобур бир неча кун Имод қалъасида тургач, илгариги дастурга кўра ул қўрғонни Амир Муҳаммад Солиҳга топшириб, Обивард йўли орқали йўналиш юзини Астробод томон қаратди ва Мирзо Султон Муҳаммаднинг у ерга қўйиб кетган гумашталарини ул шаҳардан ҳайдаб чиқариб, қайтадан салтанат байроғини кўтарди. Бу хабар Мирзо Султон Муҳаммад қулоғига етишгач, Мирзо Абулқосим Бобурни орадан кўтаришни ҳиммати назарига нишон қилиб, Мирзо Алоуддавлани Гармсир ҳукуматини бошқариш учун жўнатди. Ўзи эса арслон қалбли қўшин билан Астробод томон йўналди. Амир Ҳожи Муҳаммад Финоширинни бошқа жасур амирлар ҳамроҳлигида манглай расми билан олдинроқ юборди. Мирзо Абулқосим Бобур эса қутурган шер каби Журжон ўрмонидан отилиб чиқиб, Роз туманида Ироқи Ажам амирларига дуч келди ва ҳар икки томондан ор-номус талабкорлари жанг майдони сари югуриб, қон сачратар қиличлар билан ер юзини Бадахшон лаъли рангига киритдилар, аждаҳо аломатли найзалар воситасида бир-бирининг кўксидан дарчалар очдилар.

Бу гал илоҳий иноят Мирзо Абулқосим Бобур аҳволи сари инди, Ироқ қўшини эса тор-мор бўлиб, қазо қўли Амир Ҳожи Муҳаммад Финоширин ва амиру нўёнлардан бир тўдасининг ҳаёт дафтларини йиртиб ташлади.





У томондан Мирзо Султон Муҳаммад Амир Ҳожи Муҳаммаднинг ҳалок бўлганини эшитиб, Тус шаҳрида ўғруққа¹ қарашни Хожа Пир Аҳмад Хофий зиммасига юклаб, амирлар кейинича илғор соларкан, йўл асносида Роз воқеасидан қочиб қутулганларга дуч келди. Улар эса бўлиб ўтган ҳодисани айтиб бердилар. Шаҳриёрликнинг газаб ўти аланга олиб, кучли эсувчи шамолдек юриш тезлигини оширди. Гарчи қутлуғ мавкабида уч юз кишидан ортиқ отлиқ қолмаган эса-да, улар Мирзо Абулқосим Бобурнинг ўрдусига яқинлашгач, Журжон аскарлари тумтарақай қочиб, ҳар тарафга тарқаб кетишди. Мирзо Абулқосим Бобур тагин Имод қалъасига қараб қочди. Мирзо Султон Муҳаммад эса «муҳолифнинг бу ишида бирон айёрлик ва ҳийла борга ўхшайди» деган ўйда ўша кечасиёқ қайтиш жиливини Тус тарафга тўғрилади. Аммо йўлда кетаётиб, ўғруқнинг бузилиб, ҳар ким боши оққан томонга қочганча турли тарафга тарқаб кетганини эшитди.

Бу ҳолнинг воқеаси қуйидагича бўлганди: Мирзо Султон Муҳаммад илғор йўсини билан кетгандан сўнг қутлуғ ўрдуга ҳам амирларнинг жангда ўлдирилгани хабари етиб келади ва қолган қўшин аҳли орасида саросима бошланиб, Хожа Фиёсиддин Пир Аҳмад қанчалик уринмасин, ҳеч кимни қочишдан тўхтатиб қола олмайди.

Мирзо Султон Муҳаммад ғалаба аломатли лашкаргоҳнинг ҳувиллаб қолганини кўриб, ҳайратга тушди ва бир-икки кун ўша ерда тўхтаб турди. Ўша аснода Мирзо Алоуддавланинг Гармсирдан Ҳиротга келгани ва ул жаноб қўйиб кетган кишиларни шаҳардан чиқариб юбориб, фармон берувчилик ўриндифига ўтиргани маълум бўлди. Шундан сўнг Мирзо Султон Муҳаммад ўзининг хос кишилари билан маслаҳатга киришган кўйи «Ҳирот халқининг кўнгли Мирзо Алоуддавададир, шу туфайли у ҳозир ул шаҳарда салтанат байроғини кўтарди. Бизнинг қўшин аҳлимиз эса тарқалиб кетишган. Яхшиси шуким, Ироқи Ажамга қайтиб кетайлик ва ҳар ёнга тарқаган ўз одамларимизни йиғиб, қайтадан Хуросонни эгаллаш учун юриш қилайлик» деди. Маз-

¹ Ўғруқ – ҳукмдор билан бирга сафарда юрган оила аъзолар ва ҳарам аҳли.





кур маслаҳатга келишилиб, Мирзо Султон Муҳаммад Ироқи Ажам томонга кетди. Мирзо Абулқосим Бобур бу хабарни эшитгач, Ҳирот шаҳри сари юзланди.

Мирзо Алоуддавла Ихтиёриддин қўрғонини мавлоно Аҳмад Ясовулга топширди ва юзини қуббатулислом Балх томон қаратди. Мирзо Абулқосим Бобур салтанат пойтахти Ҳиротга кириб, ҳимматини Ихтиёриддин қўрғонини эгаллашга йўналтирди. Аммо тўрт кун давомида ул мустаҳкам қўрғонни қамал қилсада, фатҳу зафар жамоли юз кўрсатмади.

Сўнг мавлоно Аҳмад Ясовул «ҳазрат шаҳриёрнинг ёрқин кўнгли менинг бу қўрғондан чиқишим сари йўналган бўлса, у ҳолда бу ҳукмдорнинг шайх Баҳоуддин Умар ва Амир Носириддин Қурайш ҳузурида қўрғон ичидагиларга мутлақо тегмаслик ва бошқа биронтанинг ҳам жонимизга қасд қилишига йўл қўймаслик борасида онт ичиши керак бўлади» дея хабар юборди. Мирзо Абулқосим Бобур бу талаб шартини адо этгач, мавлоно Аҳмад ўзига қарашли кишилар билан бирга қўрғондан чиқди. Мирзо Абулқосим Бобур ҳам ўз аҳдида туриб, ҳеч бир кишига тегмади.

МИРЗО АБДУЛЛАТИФНИНГ САМАРҚАНД МАМЛАКАТИДА САЛТАНАТ ЮРГИЗГАНИ ВА УНИНГ ТЕНГСИЗ МАЛИКЛАР ПОДШОСИ ТАҚДИРИ БИЛАН ЎЛДИРИЛГАНИ ЗИКРИ



Мирзо Абдуллатиф латиф кўнгилли ва ўткир зеҳнли подшоҳ сифатида тавсиф топган ҳамда шахсий фазилатлари кўплиги ва инсоний етуклиги зиёдлиги билан яхши таъриф олган шаҳзода бўлиб, дарвешлар ва узлатга чекинганлар суҳбатига катта майли бор эди. Шайх ва уламонинг йиғинида одоб тиззаси билан чўкка ўтирар ва ҳимматини уларга яхшилик қилишга қаратарди. Аммо, начора, табиатида савдойи мижозлик ва жиртакилик ҳамда қўпол сўзлик каби ёмон иллатлар ҳам мавжуд эди. Озгина айби бор кишини ҳам қаттиқ азоблашга буюрарди.





Мирзо Абдуллатиф болалик айёми бошида ҳазрат сайд хоқон Шохрух Мирзонинг тарбият ва шафқати соясида умр ўтказди. Ул ҳазратнинг бу шаҳзодага бошқа улуғ ўғиллар рашкига сабаб бўлиш даражасида муҳаббати кучли эди.

Мирзо Абдуллатиф, илгари зикр қилганимиз сабабларга кўра, ўз азиз отасига шаҳидлик шарбатини ичириб, жаннат боғига жўнатди ва Самарқанд шаҳрида салтанат ўриндигига ёнбошлаб, давлат ва иқбол байроғини кўтарди. Тагин халифаларга тақлид қилиб, жума кунлари шахсан ўзи хутба ўқиб, номозда имомлик қилишни одатга айлантирди. Халқларварлик ишида саъй-ҳаракат шартларини адо этиб, адолат ва инсоф палосини тўшади. Аммо ўзининг хизматида туриб жонбозлик кўрсатган Амир Маҳмуд Тойбуқ, Султон Жунайд, Султон Юсуф, Амир Исмоил Сўфи Тархон сингари *барлос* ва тархонлардан бир гуруҳини хос мажлисга чақириб, қатлга етказди. Чунки Мирзо Улуғбек қочган куни бу кишилар Мирзо Абдуллатиф ҳузурига паноҳ истаб келаётган Амир Султоншоҳ *Барлос* ва ўғли Амир Жалолиддин Муҳаммадни ўлдирган эдилар.

Алқисса, *барлос* ва тархон амирларини шу зайл қатлга етказгани сабабли бошқа нўёнлар Мирзо Абдуллатифга хизмат этишдан ҳазар қилдилар ва айни чоғда марҳум Мирзо Улуғбек ва Мирзо Абдулазизнинг навкарлари билан унинг иқбол ва давлат ниҳолини қўпориб ташлаш борасида бир-бири билан маслаҳат қурдилар ва жадал суръатда Абдуллатиф қатли учун тайёргарлик кўриб, 854 йил рабиулаввал ойининг йигирма олтинчиси¹ жума кунига ўтар кечаси адоват пистирмасида ўтириб, телбасифат бу шаҳриёр Боғи Чинордан шаҳар томон келаётган пайти унга қарата камондан битта ўқ отдилар. Ул ўқ мақсуд нишонига тегиб, Мирзо Абдуллатиф қўли билан отнинг ёлини маҳкам ушлаб энгашганича «Ўқ тегди!» дея қичқириб юборди. Султоннинг узангиси хизматидаги мулозимлар нима қилишларини билмай, дуч келган томонга ура қочдилар. Душманлар эса югуриб келиб, Мирзо Абдуллатифнинг бошини танасидан жудо қилдилар ва олиб бориб, Мирзо Улуғбек мадрасаси пештоқига осиб қўйдилар.

¹ 854 йил йигирма олтинчи рабиулаввал — 1450 йил 9 май.





Мирзо Абдуллатифнинг подшоҳлик муддати олти ой бўлди. Унинг ўзи ҳам, улуғ отасини ўлдиргач, доим ушбу байтни так- рорларди.

Байт:

Отанинг қотили подшоҳ бўломас,
Агар бўлса, олти ойдан ошолмас.

Фаройиб тасодифлардан бири шу бўлдиким, Мирзо Абдуллатиф Бобо Ҳусайн исмли киши томонидан ўлдирилди ва ота- си қатли тарихига ўхшаган равишда қазо қалами унинг ҳам ўлдирилиши тарихини «Ҳусайн кушт» шаклида битди.

Байт:

Абдуллатиф эди жамшидсимон шох,
Қуллари сафида Фаридун, Зардушт.
Бобо Ҳусайн отни уни жума кеч,
Тарихини ёзгин: «Бобо Ҳусайн кушт»¹.

Мирзо Абдуллатиф ўлдирилгач, амирлар ва каттаконлар ит- тифоқи билан Мирзо Абдуллоҳ Шерозий дунёвий салтанат байроғини ҳилпиратди.

МИРЗО АБУЛҚОСИМ БОБУРНИНГ БАЛХ ВА БАДАҲШОН ТОМОН ЮРГАНИ ВА ХУРОСОН ДАВЛАТИ ПОЙТАХТИДА УВАЙСБЕКНИНГ ИСЁН КЎТАРГАНИ ЗИКРИ



Илгари мушк тароватли қалам мутолаа қилувчиларнинг жон димоғига қуйидагича хабар етказган эди: Мирзо Алоудда- ла Мирзо Абулқосим Бобурнинг келаётгани хабарини эшитгач, салтанат пойтахти Ҳиротни бўш қолдириб, йўналиш туғини Балх тарафга кўтарди. Мақсаддаги манзилга етгандан сўнг халқдан бир тўдаси Мирзо Алоуддава байроғи остида тўпланишди. Бу- лар Мирзо Абулқосим Бобурга маълум бўлгач, жасорат аломат-

¹ Бобо Ҳусайн кушт – абжадда бу сўзлардан 854 сони – ҳижрий йил ҳосил бўлади.





ли қўшин билан укасини орадан кўтариб ташлаш учун отланди. Мирзо Алоуддавла эса тўқнашувдан ҳайиқиб, юзини Бадахшон тоғлиги сари қаратди. Мирзо Абулқосим Бобур қуббатул-ислом Балхга етгандан кейин ҳавонинг қаттиқ совуқлиги ва ёфингарчилик кўплигига қарамай, Мирзо Алоуддавнинг кейинидан таъқиб қилишга тушди ва унинг йиғини асбобини остинустун ва бутунлай ағдар-тўнтар қилиб ташлаб, Балхга қайтиб келди. Сўнг Балх ва Қундуз, Бағлон ҳукуматлари бошқарувини инсоф, саховат, шижоат каби сифатлар билан васф этилиб, эл орасида яхшлиқда танилган Амир Пир Дарвеш Ҳазораспий ва унинг иниси Амир Алига топшириб, ўзи ғалаба белгили байроқни салтанат пойтахти Ҳирот сари кўтарди.

Саодат ва иқбол билан иззат ва улўғворлик қароргоҳига бориб тушгач, қараса, қутлуғ мавкаб йўқлигида ғоятда ғаройиб бир воқеа содир бўлиб, тақдир қўли тугён ва бузуқлик эшикларини ой юзликлар турмуши сари очибди.

Бу ҳол шарҳи ва бу сўз маъноси шуки, Мирзо Абулқосим Бобур Балх юришини ихтиёр этган вақтда Ихтиёриддин қўрғонини Увайсбекка топширди ва у бир неча кундан сўнг қалъабонлик ишига киришиб, ҳукумат қилиш шарбати унинг жон табиатини ширин қилди. Шундан бўйин товлашлик ва мағрурлик тутуни димоғи саройига йўл топиб, давлатни қўлга киритиш хаёлида қалъадорлик асбобини тартибга келтирди ва уятсизлик қўли билан исён ва бузилиш, зулму бўйсунмаслик туғини кўтарди. Гоҳида қўрғондан пастга тушиб, ўта улўғворлик билан қалъа дарвозаси олдида ўтириб олиб шароб ичар, ҳусн ва малоҳат аҳлидан бир нечтасини зўрлик ва қийнов йўли билан бозордан судратиб келиб, қўрғонга олиб кетарди. Мирзо Абулқосим Бобур Балх юришидан музаффар ва ғолиб қайтиб келиб, Боғи Сафидга тушган эса-да, Увайс бурунгидек исён ва тугён мақомида ўтирмоқда ва сира ҳам такаббурлик ва ўжарлик мартабасидан қуйи тушмас эди.

Мазкур қалъа мустаҳкамликда айланувчи осмон қалъаси билан беллашиш лофини уриш билан бирга ўша вақтда мўл-кўл дон-дун, озик-овқат, буюм-ашё ҳамда сон-саноқсиз аслаҳа за-





хирасига ҳам эга эди. Шу сабабли Мирзо Абулқосим Бобурга бу янглиғ қалъани қамал этиш ва ҳужум урушини уюштириш иши маъқул кўринмади ва жаҳонни фатҳ этувчи ақли ул воқеани ҳал қилиш масаласини қийин билиб, бир ҳийла пайдан бўларкан, маҳрамларидан бирини Увайс олдига юбориб, у орқали «Увайсбек, сен қалъадан ташқари қадам босиб ўтирма, сен билан бир отамлашгани ўзим ўша ёққа бораман» деб айттирди. Сўнг ул Жамшид мартабали подшоҳ бир оқшом шаҳарга ташриф буюрди ва созу овоз аҳлидан бир тўпини қалъа ичига юбориб «биз ҳам кейинингизча етиб борамиз» деди-ю, жасур кишилардан бир бўлагини ҳам орқаларидан эргаштирди. Қўрғон ичида «ҳазрат Мирзо келибди» деган гап тарқалди. Увайс қўрғон даҳлизигача илгари босиб чиққан маҳал Мирзо Абулқосим Бобурнинг баҳодирларидан бири бўлмиш Шайх Мансур номли жасур киши келишилгани бўйича бу ўжар бек устига ташланди. Увайс эса абжирлик қилиб, битта ханжар зарбидаёқ уни ҳалок қилди. Шунда бошқа довюраклар ҳам Увайс ёнига етиб келишди ва кетма-кет зарбалар билан бекнинг палид руҳини дўзахга равона қилишди.

Бир-икки кундан кейин Увайснинг иниси Юсуфшоҳ ва унинг яқин кишиси бўлмиш Мурод туркмон ноиложлик оёғи билан Ихтиёриддин қўрғонидан ташқари чиқдилар ва қўрғон калитларини юксак мақомли подшоҳлик даргоҳи эгасига топшириб, улар ҳам кўч-кўронини охирач оламига орқалаб кетдилар.

Шу аснода Мирзо Алоуддавланинг хос кишиларидан биттаси Мирзо Абулқосим Бобур олдига келиб «жаноб шаҳриёр Мирзо Алоуддавла шаҳар яқинига етишганди, аммо Гозургоҳ тоғи этагида назаримдан ғойиб бўлди» дея арзга етказди. Салтанат ошиёнли даргоҳ мулозимлари дарҳол ахтариш ва излаш иши билан машғул бўлдилар. Ниҳоят Мирзо Алоуддавлани Искандарбекининг уйдан топиб, ташқарига тортиб чиқардилар ва буйруққа биноан ишончли кишилардан бир нечтаси қўлига топширдилар.

855 йили¹ Абулқосим Бобур Мирзо Султон Муҳаммад Мирзо томонидан бўлаётган ҳадикка кўра, қишлоғини Астрободда

¹ 855 йил – 1451 йил 3 февралдан 1452 йил 23 январигача бўлган оралиқ давр.



ўтказиш мақсадида йўналиш байроғини кўтарди ва Султон Майдон мавзеига етишгач, жаҳонни кезувчи оти жиловини Бастом тарафга буриб, бир неча кун ул мақомда истиқомат тўшагини тўшади.

**МИРЗО СУЛТОН МУҲАММАДНИНГ МИРЗО
АБУЛҚОСИМ БОБУР БИЛАН ЧИНОРОН
МАНЗИЛИДА ИККИНЧИ МАРТА УРУШ
ҚИЛГАНИ ВА УЛ МАҚСАДИ ҲОСИЛЛИК
БОҒИ САРВИНИНГ ЖАНОБ СУБҲОНИЙ
ҚАЗОВУ ҚАДАРИ ШАМОЛИДАН ЕР
ТУБАН ҚУЛАГАНИ БАЁНИ**

855 йили¹ Мирзо Султон Муҳаммад бин Мирзо Бойсунқур иккинчи марта Форс, Ироқ вилоятларидан йиғилган жасур қўшин билан бирга Хуросонни эгаллаш ва олий шон-шавкатли акаси билан уруш солиш ниятида оти тизгинини ўша томон бурди.

Мирзо Абулқосим Бобур Бастом вилоятида бу хабарни эшитгач, ўша вақтда Султон Абусаид Мирзонинг истилоси сабабли Мовароуннаҳрдан келган жаноб шайхулислом Хожа Мавлонони элчилик расми билан Мирзо Султон Муҳаммад олдига юборди ва сулҳ илтимосини қилди.

Хожа жаноблари салтанат аломатли даргоҳ сари ошиқиб, элчилик шартларини бажаришга киришди. Мирзо Султон Муҳаммад дастлаб ул ишни қабул қилишдан бош тортди ва, ниҳоят, Хожа Мавлононинг ўта илтимос ва кўп ёлворишига биноан розилик бошини қимирлатди. Иш Хуросон мамлакатидан озгинаси Ироқи Ажам давлати девонига кириши ва Мирзо Абулқосим Бобур давлатининг барча ҳудудларида хутба ва танганинг Мирзо Султон Муҳаммад номи билан безаниши шarti билан якун топди.

Мирзо Абулқосим Бобур Хожа Мавлоно қайтиб келгандан сўнг сулҳ сўзига ишониб, Бастомдан Мозандаронга кетди ва қишловни ўтказиш учун ҳозирланди.

¹ 855 йил – 1451 йил декабри кўзда тутилган.

Бироқ қишлоғи кезлари асносида Султон Муҳаммад Мирзонинг аҳду паймон дафтари унутилиш тоқчаси узра итқитгани ва Бастом, Домғондан ўтиб, Исфароин сайхонлигига киргани ҳақида кетма-кет хабарлар кела бошлади.

Мирзо Абулқосим Бобур бу сўзларни эшитгач, қаттиқ ғазабланди ва йиртқич йўлбарс каби Мозандарон ўрмонидан уруш майдони сари йўналди. Султон Муҳаммад Мирзо укаси келатганидан хабар топиб, Исфароин вилоятидан оти жиловини Астробод тарафига тўғрилади ва Чинорон мавзеида шавкат дастгоҳли ул икки сипоҳ баҳор қуюни сингари тошиб-кўпириб бир-бири билан тўқнаш келдилар ва ҳамла шамоли билан олишув оловини аланга олдилар. Мирзо Султон Муҳаммад ўша куни жасурлик қиличини қинидан суғуриб, шахсан ўзи Хуросон сипоҳи устига ташланди.

Байт:

Қай томон хезланса қиличу найза,
Бош кесиб, кўкрақдан очарди дарча.

Мирзо Абулқосим Бобур ҳам олишув чақирғини уруш майдони узра янгради.

Байт:

Камондан ўқ узиб, найзалаб танга,
Қиёмат кунини солди душманга.

Ўша аснода Амир Абусаид Мирам Султон Муҳаммад Мирзонинг ёнидан қочиб, Мирзо Абулқосим Бобурнинг олдида кетди ва «Мирзо Султон Муҳаммад катта қўл қисм томонга ташланмоқчи. Яхшиси, қўшин орқага чекинган бўлиб, орани очиқ қолдирсин. Шунда у сафлар ўртасига тушиб қолади. Сўнг ён-атрофдан кириб, орадан қайтиб чиқиб кетишга йўл қўймасинлар» деди.

Ўша маҳалда шижоат шиорли шахриёр чиндан ҳам Хуросон лашкарининг қалб қисмига ҳамла қилиб «Муҳаммад бин Бойсунқур менман» дея наъра тортиди.

Мирзо Абулқосимнинг қўшини эса Амир Абусаид ўргатгани бўйича иш тутиб, ул жанобни ўртага олган кўйи ироқликларнинг қутлуғ мавқабга қўшилишига йўл қўймади. Шу зайл қирғин ва





чопқин вақти анча чўзилиб, ниҳоят фатҳу зафар насими Мирзо Абулқосим Бобур томон эса бошлади.

Ироқи Ажам қўшини эса қочиш водийси сари юзланиб, Мирзо Султон Муҳаммад тақдир сарпанжасига асир тушди ва Хуросон ҳукмдори ҳали отдан тушмасдан бурун унинг олдига судраб бордилар. Мирзо Абулқосим Бобур акасига хитоб қилиб, таъна тили билан «Биз томонимиздан нима айб ўтдики, мусулмонларнинг қони ва жонига қасд қилиб, икки марта Хуросон устига қўшин тортдингиз ва ўзингизни бундай аянчли кунларга солдингиз» деди.

Мирзо Султон Муҳаммад эса: «Мамлакат ишларини тартибга солишда ҳамиша бу каби воқеалар рўй бериб келган» дея жавоб берди.

Мирзо Абулқосим Бобур айрим калтафаҳм кишилар қутқусига учиб, шижоат ва мурувват, инсонгарчиликда ҳали ундай ўғил жаҳон онасидан вужудга келмаган шундай ака қатлига буйруқ берди. Яширин топшириқ олганлар ул жанобни отга миндириб, ҳукмни бажариш учун қай тарафгадир олиб кетдилар.

Йўл асносида Мирзо Султон Муҳаммад яраланган қўлини танғиш учун рўмол сўради. Ижрочилар: «Иш бу кабилардан аллақачон ўтган» дейишди. Ул жаноб: «Бобур мурувват қилмадимиз?» деб сўради. Улар эса: «Йўқ» дея жавоб беришди. Мирзо Султон Муҳаммад «Ундай бўлса мени қаерга олиб кетмоқдасиз?» деди ва ўша ердаёқ отдан тушиб, таслим бошини олдга чўзди. Мирзо Абулқосим Бобурнинг сардорларидан бири битта қилич зарби билан ул олий насабли шахриёрнинг ишини бир ёқлик қилди.

Рубоий:

Фалак асосида йўқ эрур қарор,
Замон биносида на устун, мадор.
Жаҳонда омонлик йўқ. Одам зоти
Ситамлар тигидан қутулмас зинҳор.

Мирзо Абулқосим Бобур фатҳу зафар қоматини кўргач, боши осмон қадар кўтарилди ва илоҳий неъматга шукрлар бажо келтириб, ўзига қарашли мамлакатлар ён-теварагига фатҳномалар юборди ва олий зотли акаси жасадини салтанат пойтахти Ҳиротга олиб бориб, отаси Мирзо Бойсунқур ёнига дафн қилиш ҳақида фармон берди.





Кўнглини битта оға-иниси ташвишидан тинчитгач, ўша кун яна бир оға-иниси ишини бир ёқлик қилишга киришди ва Мирзо Алоуддавланинг ёруф оламини кўрувчи кўзини мил чўғи воситасида кўриш либосидан айиришга фармон берди. Аммо бу аянчли ишни бажаришга тайин қилинган киши ул жанобга раҳм қилиб «йиғи ёши билан кўзингизни намланг» деди ва мил чўғини кўзи қорачиғига зарар етказмайдиган тарзда қовоқлари устидан тортди.

Мирзо Абулқосим Бобур шунчалик чиройли ахлоқ ва гўзал одоб эгаси, туғма меҳрибонлик ва зотий мурувват соҳиби бўлганига яраша, ака-укалари айблари устига «бу кун сизлар айбланмайсиз»¹ калимаси рақамини тортиши ва уларни кечириб, «қудрат устида турган пайтда кечириш қудрат эгасининг энг олий ҳимматидир»² калимаси мазмунини юзага чиқариши лозим эди. Начора, ихтиёр ипининг учи қазову қадар иш буюрувчисининг қудрат қўлида бўлгани учун ва яхши-ёмоннинг юзага келиши энг Буюк молик ул-мулук тақдирига боғлиқлиги сабабли азалий муваффақият нури ҳаёти жамоли узра сочилмади ва ўша ёқимсиз қилиққа ўхшаган ишлар ул доно подшоҳдан содир бўлди.

МИРЗО АБУЛҚОСИМ БОБУРНИНГ ШЕРОЗ ДОРИЛМУЛКИГА БОРГАНИ ВА ИШЛАРНИ ЎНГЛОВЧИ ТАНГРИ ИРОДАСИ БЎЙИЧА ОРҚАГА ҚАЙТГАНИ БАЁНИ



Мирзо Абулқосим Бобур давлат ва иқбол ёрлиги туфайли ака-укалари ишини бирёқлик қилиб, кўнгли бу масаладан ҳам тинчигач, йўналиш юзини Форс ва Ироқи Ажам мамлакатлари сари қаратди.

Мирзо Султон Муҳаммаднинг қўшини Рай вилоятдан ҳарбий юриш билан ўтгани сабабли Рай мамлакатининг ғалла ва дон-дунига катта зарар етган эди. Шу сабабли нусрат оятли байроқ Язд томонга Туршиз йўли орқали юзланди. Ул вилоят ҳудудига

¹ Қуръони карим, Юсуф (12) сураси, 92-оятдан.

² Арабча ибора.



бориб тушилгач, Мирзо Султон Муҳаммад амирларидан саналмиш ва Амир Ферузшоҳ авлодидан бўлмиш Амир Низомиддин Аҳмад ва Амир Фиёсиддин Султон Ҳусайн кабилар Абулқосим Бобур Мирзонинг палосини ўпиш шарафига муяссар бўлиб, олий девон ишларига ҳам тайин қилиндилар. Шунингдек, Хожа Пир Аҳмад Хофий олампаҳо даргоҳга келди ва шафқат назарига манзур бўлди. Зафарга ёр мавкаб обидлар уйи Язддан ифтихор ва боши баланд ҳолда машҳур Шероз шаҳри томон юрди.

Дўстни сийловчи подшоҳ ўша шаҳарда чанг навосию айшу ишрат созини тузиб, силлиқ юзли ёшлар ва Ноҳид жамолли ой баданлилар билан тотли май ичишни ихтиёр этиб, бир неча кун давомида қадамини қувонч базмидан салтанат саройи сари ташламади.

Ўша аснода туркмон сипоҳининг Сова шаҳрини босиб олгани хабари тарқалди ва Мирзо Абулқосим Бобур базм палосини йиғиштириб-йиғиштирмай йўналиш тизгинини уруш майдони томон бурди.

Бу воқеанинг тафсилоти шундай бўлган эди: Чинорон ғалабасидан кейин Мирзо Абулқосим Бобур Форс ва Ироқи Ажам ўлкаси вилоятларидан ҳар бирини давлат устунларидан биттасига топширди. Шу жумладан Совани Амир Шайх Али Баҳодирга, Қумга қарашли туманларни Амир Дарвеш Алига берганди. Улар эса Рай йўли орқали мазкур шаҳарлар сари юриб кетдилар ва халқдан ўлпон ундириш учун ул вилоятлар аҳолиси молини мусодара қилиш ва тортиб олиш исканжасига солдилар. Амир Шайх Али зулм ва ситам оловини аланга олдиришга кўп тиришгани учун Сованинг таниқли кишилари ул ҳудуддаги бир гуруҳ туркмонлардан ёрдам сўрашди ва туркмонлар тўсатдан Амир Шайх Али устига ёпирилиб, уни ушлаганча Амир Жаҳоншоҳ олдига юбордилар. Ироқи Ажам мамлакатининг ҳақиқий калити бўлган Сова шаҳри шу зайл осонгина Амир Жаҳоншоҳ туркмоннинг тасарруфи остига кириб, у бошқа шаҳарлар тамаси пайига ҳам тушгани орқасида Озарбайжон қўшинидан бир бўлагини Қум шаҳри томон юборди. Амир Дарвеш Али эса Қум қалъасининг девор ва минораларини мустаҳкамлаб, беркиниб олди.



Мирзо Абулқосим Бобур Шерозда айшу ишрат билан тўрт ойни ўтказгачгина бу хабарни эшитиб, Форс туманларини Мирзо Муизиддин Санжарга топширди ва шахсан ўзи йўналиш байроғини Исфаҳон сари ҳилпиратди.

Йўл асносида ғалаба аломатли ўрдусига Хуросон тарафидан элчи келиб «Мирзо Алоуддавла Хуросонда исён кўтарди ва байроғи остига кўп халқ йиғилди» дея аъло арзга етказди. Шунга кўра, Мирзо Абулқосим Бобур Ироқ мамлакатада тўхтаб туришни ўринли кўрмай, 855 йил ражаб ойининг ўн олтинчисида¹ пайшанба куни Кўшки Зард мавзеидан жаҳон кезар оти жиловини салтанат пойтахти Ҳирот томон бурди ва ўша ойнинг йигирма иккинчисида² Яздга қарашли Тафт туманига етиб келиб, ул вилоят ҳукуматини Мирзо Халил Султон бин Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирга берди ва у ердан Тун тумани йўли бўйлаб йўналиш байроғини кўтарди.

Мазкур сарзаминга етгандан сўнг Амир Султон Ҳусайнни Тун тумани ҳукуматига тайинлади. Қутлуғ мавкаб Тун туманидан чиқиб, Ҳирот сари ҳаракатланган кўйи шаъбон ойининг ўн иккинчисида³ бахту иқбол билан шавкат ва улуғворлик қароргоҳига бориб тушди. Шунда Мирзо Алоуддавла иши Амир Пир Дарвеш Ҳазораспий шижоати туфайли ҳал бўлиб, ул жанобнинг эса Сейистон йўли орқали Рай тарафга кетгани маълум бўлди ва бу воқеа шарҳи кўйида ҳавола этилиб, қисқа тарзда ҳикоя қилинажак.

МИРЗО АЛОУДДАВЛАНИНГ АРЛОТ УРУҒИ ҚАВМИ ЁРДАМИДА ИСЁН КЎТАРГАНИ ЗИКРИ ВА ЯНА БОШҚА ВОҚЕА- ҲОДИСАЛАР БАЁНИ

Мирзо Алоуддавланинг ситамдида кўзи ўтлиғ темир таёқчасидан омон қолгач, ажиб бир чора-тадбир воситасида Мирзо Абулқосим Бобур ўрдусидан қочиб кетиб, муқаддас Машҳад

¹ 855 йил ўн олтинчи ражаб — 1451 йил 15 август.

² 855 йил йигирма иккинчи ражаб — 1451 йил 20 август.

³ 855 йил ўн иккинчи шаъбон — 1451 йил 9 сентябрь.



шаҳрига етиб олди ва у ердан Маймана ва Форёб тарафга қараб йўлга тушди. Ул шаҳарга етишгач, синглиси олий зотли Мирзо Алоуддавла ҳарамида бўлган Амир Султон Маҳмуд бин Амир Ёдгоршоҳ *Арлот* ўша ҳудуддаги *арлот* уруфининг бошқа кишилари билан Мирзо Алоуддавллага қўшилдилар ва ул жанобни салтанат тахтига чиқаришда бирдамлик кўрсатиб, хизматкорлик камарини жон белига боғладилар. Мирзо Алоуддавла ул жамоат кўмагидан баҳраманд бўлиб, яхши қуролланган қўшин билан Балхга йўналди.

Амир Дарвеш ва Амир Али Тохаристон лашкари билан бирга *арлот*лар қаршисига чиқиб, икки ўртада қаттиқ уруш-саваш рўй берди. Бу жангда Амир Султон Маҳмудга битта ўқ тегиб, ер тубан қулади. Бунни кўрган Мирзо Алоуддавла бошқа тобе кишилари билан қочиш водийси сари юзланиб, муқаддас Фиёсия Лангари йўли орқали салтанат пойтахти Ҳиротга йўналди. Шу тариқа Ҳирот шаҳри ва унинг ён-атроф туманларида бузғунчилик ва талон-торож чанги кўтарилди. Мирзо Абулқосим Бобурнинг Хуросон шаҳарларидаги амирлари Мирзо Алоуддавла исёнини бостириш учун қўзғалиб, ҳаммадан олдин Амир Пир Дарвеш Ҳиротруд дарёси атрофида ул толесиз шаҳриёрга тўқнаш келди ва бир ҳамладаёқ унинг йиғинини тор-мор келтирди.

Мирзо Алоуддавла Ҳиротруддан Сейистонга қочиб, у ердан Райга ошиқди ва Мирзо Жаҳоншоҳ билан учрашиб, бу туркмон подшоҳининг илтифот нури шаҳзода аҳволи сари таралди.

Мирзо Абулқосим Бобур салтанат пойтахти Ҳиротга келди ва Мирзо Алоуддавла иши нима билан якун топганини билди. Тагин фароват топиб, дам олиш учун айшу ишрат мажлисини ясатди ва Зухро манглайли соқийлар ва қуёш нурли ой баданлилар қўлидан райҳоний майга тўла жомлару арғувоний¹ шаробга лим қадаҳларни сипқорди. Аммо Озарбайжон шаҳриёри Амир Жаҳоншоҳ *Туркмон* Мирзо Абулқосим Бобурнинг қайтиб кетганидан хабар топгач, ҳиммат оти жиловини Ироқи Ажам ва Форс вилоятларини эгаллаш сари бурди. Абулқосим Бобурнинг

¹ *Арғувон* — япроқ ва гуллари қизил рангли дарахт. Бу ерда қизил рангга ишора.





хоким ва жойларда қўйган кишилари ул ҳашаматли подшоҳга қаршилиқ қилишдан ожиз келиб, юзларини Хуросон томон ўгирдилар.

857 йилда¹ Мирзо Муизиддин Санжар ва Мирзо Халил Султон ул шаҳарларнинг бошқа доруғалари билан бирга аъло тахт пойига келиб, бор воқеани гапириб бердилар.

Ўша йили Мирзо Абулқосим Бобур Хожа Пир Аҳмад Хофийни содир этган бир кўнгил қолишлиқ иши учун талаттириб, жабру жафо ва азоб-уқубат билан икки юз туман кепакий миқдоридаги маблағини тортиб олди ва яна бошқа нарсаларини мусодара қилиш бўйича ҳам буйруқ берди. Натижада ул жаноб нафсоний ғараз ва бошқа нотавонлик сабаблари натижасида ўткинчи жаҳон билан хайрлашди ва Шайх Зайниддин Хофий мозори бошида ўзи қурдирган мақбарага дафн қилинди.



СОҲИБИ ТАИД ПОДШОҲ МИРЗО СУЛТОН АБУСАИДНИНГ ЗИКРИ



Мирзо Султон Абусаид ҳиммат улуғлиги ва манзилат юксаклиги, ақлу фаросат етуқлигию фаҳму идроки тўлалиги билан мағфиратли соҳибқирон Амир Темур Гурагон сулоласи султонлари ичидаги бошлиқлардан бўлиб, инсоф палосини ёйиш ва халқпарварлик хислати ҳамда адолат пойдеворини қуриш ва марҳамат кўргузиш бобида шу қадар кўп тиришқоқлик намоеън этардики, ҳеч ким бу янглиғ мартабадан ортиғини тасаввур қила олмасди. Жаҳон олувчи ақлининг ёғдуси мамлакат теграсию миллат йўлини ёритар ҳамда осмонўпар соябонининг ойчаси ой ва қуёш нурини сўник ва йўқ санар эди. Ҳукм чиқариш ишларини ҳал этишда ҳеч қачон пайғамбар шариати йўлидан ташқари қадам босмасди. Саййидлар ва олимлар, машойих ва фозилларга яхшлиқ қилишда ҳамиша саъй-ҳаракат шартларини бажо келтирарди.

Давлати айёмида Туркистон, Мовароуннаҳр, Бадахшон, Тохаристон, Зобулистон, Сейистон, Хуросон, Мозандарон вилоятлари

¹ 857 йил – 1453 йил.





ободлик ва фаровонликнинг чўққисига етишди. Адолати юксаклигидан неча йиллик зиён-заҳматлар аритилиб, омонлик ва озо-йишталик қанотию инъом ва эҳсон байроғи ул жаннат аломатли мамлакат ўлкалари аҳолиси боши узра ёйилиб ва ҳилпираб турди.

Султон Абусаид Мирзо ҳазратлари Муҳаммад Мирзо бин Мирзо Мироншоҳ бин Амир Темур Гурагоннинг ўғли бўлиб, дастлаб Арастудек илму фазилатли Мирзо Улуғбек Гурагоннинг хизматида турар ва ҳиммати баландлиги натижасида субҳи сабо эса бошлаши ва нашъу намо ёлқини аланга олиши аввалида доимо фикру ўй қалами билан жаҳонгирлик нақшини қалби саҳифаси узра чизаркан, кези келган чоғи ҳар қандай фурсатдан фойдаланар ва юрт олишлик ишини уддалашда ўзини замондош султонлардан устунроқ сезарди.

Ҳамиша уйғоқ қалб аҳли, яъни сўфийларнинг файз бағишловчи кўнгиллари ва қуёшдек порловчи қалбларидан ҳиммат ёрдами ҳамда ҳол тилию мақол лисони билан аларнинг қутлуғ ёғдули ботинидан салтанат ва иқбол саодатини тиларди.

Юқорида зикр қилинганидек, саккиз юз эллик учинчи йили¹ Мирзо Улуғбек Гурагон ва Мирзо Абдуллатиф Амуя дарёси бўйида бир-бирининг жони қасдида истиқомат чодирини кўтарган пайтда ул ҳазрат *арғун*лар қутқуси билан исён ясаб, Самарқандни қамал қилди. Мирзо Улуғбек бу хабарни эшитгач, ўғли рўпарасидан кўзғалиб Самарқанд сари юзланди. Мирзо Султон Абусаид эса ул шаҳар ташқарисидан *арғун* эли жойлашган ерларга қочиб кетди ва бир неча кун оёғини сабр этаги ичига тикқанича тақдирнинг бирор-бир ўйини рўй беришини кутиб ўтирди.

Мирзо Абдуллатиф отаси Мирзо Улуғбекни ўлдириб, подшоҳлик тахтига чиққач, одам юбориб, ул жанобни Самарқандга олдириб келди ва қамоққа ташлади. Султон Абусаид Мирзо эса бир амаллаб қамоқдан қутулиб қочиб, Бухоро сари ошиқди.

Мирзо Абдуллатиф Самарқандда қатлга етиб, Мирзо Абдуллоҳ Шерозий подшоҳ бўлган кечаси, бундан кейинги сатрларда

¹ 853 йил – 1449 йил охири – 1450 йил боши оралиғи.





кўпинча номини «саид султон» лақаби¹ билан тилга олмоқчи бўлганимиз Султон Абусаид Мирзо бу воқеалардан беҳабар равишда Бухорода исён кўтарган, натижада Бухоро доруғаси ул ҳазратни ҳибсга олган ва бахиллар кўнглидан ҳам торроқ жойда сақлаб турган эди.

Эртаси куни бу диёрга ҳам Мирзо Абдуллатифнинг ўлдирилгани хабари етиб, Бухоро амирларию улуғлари ёлвориш қадами билан саид султон олдига бордилар ва тилни тавбага чоғлаб, ул ҳазратни тутқунликдан чиқардилар ва салтанат тахтига ўтқазиб, ихлос ва эҳтиёж хазинасини нисор йўсини билан боши узра сочдилар.

Байт:

Миср Азизин акалари амал деб қизгансалар,
 Чоҳ қаъридан Аллоҳ ўзи ой ёнига етказар.

Ул олий манзилат подшоҳнинг юксак ҳиммати ниҳоятда чексиз бўлгани учун мақсади ҳосиллик айёми бошланиши ва шаҳриёрлик замони аввали эканига боқмай, Бухоро вилояти салтанати билан қоникмади ва ҳиммат камарини Самарқанд шаҳрининг баланд кунгураси устига ташлади.

Мирзо Абдуллоҳ эса ул мансаб ва мартаба маркази доираси нуқтасининг мустақиллик ҳақидаги ўй-фикридан огоҳ бўлиб, шаҳар мудофааси учун отланиб, душмани олдига чиқди ва икки ўртада қаттиқ олишув ва аёвсиз жанг рўй бергач, Самарқанд лашкари ғолиб чиқиб, Султон Абусаид Мирзо қочиш жоловини Туркистон томонга тўғрилади ва Ясси шаҳрини ўз тасарруфи остига киритиб, бир неча кунни ўша шаҳарда осойишталик билан ўтказди.

Мирзо Абдуллоҳ бу ҳолдан воқифлик топгач, қўшинни қуроллантириб, бир неча шижоат паноҳли амирлар бошчилигида ўша ёққа юборди. Бу қўшин қиш фасли ўртасида Ясси шаҳрига етди, Султон Абусаид эса шаҳарни ичдан беркитиб, мудофаага тайёр турди. Келган амирлар қамал ва ҳужум амалиётларини бошлашди.

¹ Саид Султон – шахидлик бахтини топган султон.





Шу аснода Султон Абусаид Мирзо ўз ишончли кишилари-дан бир гуруҳини яширинча тарзда ташқарига чиқарди. Улар эса узоқдан душманга кўриниш бериб, баланд овоз билан «ўзбек лашкари етиб келди» дея қий-чув қилганча, шовқин солдилар. Шаҳар ичкарасида ҳам хурсандчилик ноғораларини чалишга тушдилар. Шунга кўра, Мирзо Абдуллоҳ қўшини аскарларининг сабру қарор устунлари ларзага келиб, бошлари оққанча Самарқанд йўли бўйлаб кета бошладилар.

Султон Абусаид Мирзо қўшини баҳодирлари душманни таъқиб қилиб, уларнинг кўплаб буюм ва ашё, қурол-яроғ ва юкларини уруш ўлжаси сифатида қўлга киритдилар.

Қочоқлар салтанат уйи Самарқандга етишгач, Мирзо Абдуллоҳ хазиналар эшикларини ланг очиб, лашкар аҳлига кўп миқдорда олтин-кумуш берди ва қайта урушга чорлаб, жанг анжомларини тайёрлаш ва олишув қуроallarини мукамал этишга қақирди.

У томондан эса Султон Абусаид Мирзо ўзининг ишончли бир кишисини ўша пайтда Жўжихон улусининг подшоҳи бўлиб ўтирган Абулхайрхон олдига юбориб, ёрдам сўради. Абулхайрхон ҳам бу илтимосни қабул иззатига етказиб, чексиз сонли қўшин билан Ясси атрофида Султон Абусаид Мирзога келиб қўшилди ва ул икки подшоҳ мулклар бағишловчи Аллоҳи таолонинг иноятига суяниб, юзларини салтанат пойтахти Самарқанд шаҳри сари қаратдилар.

Мирзо Абдуллоҳ душманнинг бирлашганидан хабар топиб, ёмғир томчилари каби сон-саноксиз катта бир қўшин билан шаҳардан ташқари чиқди ва Кўҳак дарёсидан ўтган пайтида Абулхайрхон ва Султон Абусаид Мирзо лашкари қораси кўринди.

Ул иккала олий зотли подшоҳ жанг сафларини тузишгач, икки томондан довьорак эрлар Кўк денгиз¹ тўлқинлари сингари бир-бири устига ташландилар ва қудрат бағирларида то

¹ Кўк денгиз – нашр матнида «Баҳри ахзар» (Кўк денгиз). Осмон ва денгизга берилган сифат.





қувват сўли борича, ботирлик ва паҳлавонлик намунасини кўрсатдилар. Ер юзи ўлганлар қонидан шафақ тусига кирди, осмону фалак уруш майдони чанги кўтарилишидан кўринмай қолди.

Ниҳоят, Аллоҳи таоло марҳамати Султон Абусаид Мирзо сари тушиб, Мирзо Абдуллоҳ эса оти жиловини қочиш водийси томон тўғрилади. Аммо йўл асносида оти лойга ботиб, бул шаҳзода тақдир қўлига асир тушди ва саккиз юз эллик бешинчи йил жумодилаввал ойининг йигирма иккинчиси¹ душанбага ўтар кечаси Султон Абусаид Мирзонинг буйруғига биноан шаҳидлик қадаҳини сипқорди.

Султон Абусаид Мирзо бу довруқли ғалаба рўй бергани учун ҳазрати Парвардигорга шукр қилиш шартларини бажаришга киришиб, ҳашамат ва дабдаба байроғини кўтарди. Аммо агар ўзбеклар Самарқандга кирсалар, зулм ва зўравонлик эшикларини самарқандликлар юзи сари очажакларини билганидан уларни тезроқ ўз юртларига қайтариб юборишга бел боғлади ва шаҳарга яқинлашгач, Абулхайрхоннинг қутлуғ мавкаб билан бирга келаятган амирларини ғафлатда қолдириб, бирданига шаҳар дарвозаси сари якка ўзи от чоптириб кетди ва яқин етишгач, дарвоза қоровулларини олдига чақириб «Мен Султон Абусаид Мирзо бўламан, ўзбеклар зўравонлигидан соғ-омон қолай десангиз, тезда дарвозани очинг» деди. Ул кишилар шу заҳоти буйруққа амал қилдилар ва Султон Абусаид Мирзо Самарқандга кира солиб, подшоҳлик тахтига ўтирди ва шаҳар деворию дарвозасини мустаҳкамлаган кўйи Абулхайрхон ва унинг яқин амирларига лойиқ совғалар, қимматбаҳо тортиқлар жўнатиб «ҳазрати хоқон Абулхайрхоннинг шарофати туфайли ота-боболаримиздан қолган салтанат пойтахти Самарқанд шаҳри тасарруфимиз доирасига кирди. Эндиликда хоқонлик мавкаби мулозимлари ўз уйларига қайтиб кетаверсалар ҳам бўлаверади, уларнинг бу ерда бошқа ушланиб туриши ҳожатсиз ва фойдасиз иш» дея айттириб юборди.

¹ 855 йил йигирма иккинчи жумодилаввал — 1451 йил 22 июнь.





Абулхайрхон бу илтимосни қабул қилишдан ўзга чораси йўқ эканини билгани учун оғриниш қўли билан қайтиш жilовини орқага буриб, Дашти Қипчоқ сари ошиқди¹.

Султон Абусаид Мирзо эса мустақил равишда мамлакат ва давлат ишларини бошқаришга киришиб, қўлидан келганича адолат ва инсоф туғини кўтариш, жабру зулм биносини эса қулатишга бел боғлади. Узоқ-яқиндаги исёнчию халққа озор берувчиларни итоат занжирига боғлаб, Мирзо Абдуллатифнинг қотилларини ҳам ўлимга маҳкум қилди.

Султон Абусаид Мирзо етти йил давомида адолати нурларини Мовароуннаҳр диёри узра таратгандан сўнг Хуросон томон ошиқиб, Ироқ сарҳадига қадар ерлар ҳам бу адолат ошиёнли даргоҳ эгасининг тасарруфи остига кирди ва ўн бир йил давомида Туркистон шаҳарларидан то Озарбайжон ҳудудигача ўлкалар ул саодат аломатли подшоҳнинг эгаллаш доирасида бўлди.

Шу давр мобайнида бул вилоятлар ободонлиги ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмайдиган даражага етди.

Иқболи қуёши йитиш чегарасига қараб йўналгач, саккиз юз етмиш иккинчи йилнинг шаъбон ойи бошларида² Ироқ ва Озарбайжон тарафга юзланди ва Арроннинг Қорабоғ ҳудудида рўй берган жангда енгилиб, саккиз юз етмиш учинчи йилнинг ражаб ойида³ тақдир панжасига асир бўлди ва икки-уч кун ҳибсда тутқун туриб, Амир Ҳасанбекнинг⁴ қўли унинг ҳаёти палосини йиғиштирди. Бу ҳикояларнинг тафсилоти яқин орада ёзув тизимига терилади ва ул соҳиб саодат султон воқеасининг ҳақиқати келажак дostonлар зикрида ойдинлик сифатини топади.

Хожа Шамсиддин Муҳаммад бин хожа Сайди Аҳмад, Хожа Қутбиддин Товус Семноний, Хожа Муизиддин Қаржақ, мавло-

¹ *Дашти Қипчоқ сари ошиқди* – Абулхайрхонни тинчитиб, тинчлик билан изига қайтариш учун ўшанда Мирзо Улурбекнинг қизи Робия Султон Бегим мазкур хоқоннинг никоҳига киритилган эди.

² *872 йил шаъбон ойи боши* – 1468 йил 25 февраль.

³ *873 йил ражаб ойи* – 1469 йил 14 февраль – 14 март оралиғи.

⁴ Оққўюнли ўғизлари сулоласи вакили Амир Ҳасанбек (Узун Ҳасан) кўзда тутилмоқда.





но Амир Самарқандий, Хожа Неъматуллоҳ Қаҳистоний, Хожа Абдуллоҳ Ахтаб кабилар Султон Абусаид Мирзонинг вазирлари қаторидан ўрин олишганди. Ул олий мақомли подшоҳ давлати даврида мавлоно Фатҳуллоҳ Табризий, мавлоно Абдулкарим Самарқандий, Шараф Жаҳонмирак Абдурахим сингари кишилар эса садрлик байроғини кўтаргандилар.

**МИРЗО АБУЛҚОСИМ БОБУРНИНГ ЖУРЖОН
ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОВ ҚИЛГАНИ ВА
ХУРОСОН МАМЛАКАТЛАРИ ҲУДУДИГА
БАХТЛИ СУЛТОН АБУСАИД СУЛТОННИНГ
КЕЛИШИ САБАБЛИ ОРҚАГА
ҚАЙТГАНИ БАЁНИ**



Баҳром жасоратли подшоҳ Мирзо Абулқосим Бобур 857 йил ўрталарида¹ яна бир марта Форс ва Ироқи Ажам ўлкаларини эгаллаш хаёлига тушиб, қуёш ёғдули байроқни ўша томонлар сари ҳилпиратди ва ражаб ойининг йигирма учинчисида² душанба куни салтанат пойтахти Ҳиротдан қўзғалиб, бир неча йўл ва манзилларни босиб ўтгач, Хабушон туманининг Ёлғизёғоч деган мавзеини қутлуғ лашкар қароргоҳига айлантирди.

Ўша манзилда Мирзо Халил Султон бин Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирнинг маҳрамларидан бири қутлуғ қулоққа ул шахзоданинг ёмон ниятли кишилардан бир гуруҳи билан иттифоқ тузиб, ёвузлик қасдига тушганини етказди. Бу воқеани текшириб кўриш учун барча бажариши лозим бўлган фармон чиқиб, улуғ амирлар текшириш ва тафтиш шартларини адо этишга киришдилар. Мазкур шахснинг сўзлари тўғрилиги ойдинлашгач, Мирзо Халил Султонга гап ўргатганлар дарҳол қатлга етдилар, шахзода эса бир неча кун тутқунликда сақланиб, йигирма иккинчи рамазонда³ у ҳам йўқлик юртига равона бўлди.

¹ 857 йил ўрталари — 1453 йил июль ойи боши.

² 857 йил йигирма учинчи ражаб — 1453 йил 30 июль.

³ 857 йил йигирма иккинчи рамазон — 1453 йил 26 сентябрь.





Мирзо Абулқосим Бобур ўша тушган ерида рўза ҳайити қоидаларини адо этиб, шаввол ойи бошларида¹ саодат ва иқбол билан Журжон қишлови сари йўналди.

Зулқаъда ойининг ўн бешинчисида² Астрободнинг Султон-обод мавзеи диндор ва адолатли подшоҳ қадами шарофатидан Шаддоднинг³ етти айвони саҳнининг рашк этадиган жойига айланди. Ўша маконда тўхтаб, қиш фасли охирига етгач ва кўкламзору райҳонлар кўшини боғу бўстонларни безаш учун ер юзи палоси узра ёйилгач, зафарга ёр подшоҳ қишлови юртидан Ироққа юришни амалга ошириш ниятида кўзғалди.

Ўша аснода Балх томондан элчи келди ва қутлуғ арзга султони саид Султон Абусаид Мирзонинг Хуросон вилоятларини эгаллаш ўйида Амуя дарёсидан кечиб, ел ва яшин тезлигида ҳаракатлангани, Амир Пир Дарвеш Ҳазораспий ва Амир Али эса, жасурлик кўрсатган ҳолда Андхудгача илгари юриб, иккала оғани ҳам уруш-савашдан сўнг зумрад гавдали қилич захмидан ертубан қулаганлари, ҳозирда Бадахшон ҳудудидан Мурғоб дарёси қирғоғигача шаҳриёр тасарруфига киргани ва тўс-тўполон, бузғунчилик чанги Хуросон вилоятларининг барчасида осмон қадар кўтарилгани хабарини етказди. Мирзо Абулқосим Бобур бу хабарни эшитгач, ул ҳодисани бартараф этмоқ ишини Ироқ ва Форс ўлкаларини эгалламоқдан ҳам муҳимроқ ва афзалроқ билиб, қайтиш жиловини орқага бурди ва Мовароуннахрни фатҳ этмоқ учун олийҳиммат камарини белига маҳкам боғлаб, масофаларни босиб ўтишда тезликни оширди.

Ғалабага ёр мавқаб Мурғоб дарёсидан кечиб ўтгандан сўнг Балх тарафдан «Султон Абусаид Мирзо арабларнинг «қайтмоқ афзалдир» мақолига амал қилиб, ўз мамлакати пойтахтига кетди ва Тохаристон мамлакатини бўш қолдириб, Амуя дарёсидан кечиб ўтди» деган хабар келди. Аммо Мирзо Абулқосим Бобур аҳд

¹ 857 йил шаввол боши – 1453 йил 5 октябрь.

² 857 йил ўн бешинчи зулқаъда – 1453 йил 17 ноябрь.

³ *Шагдоғ* – Арабистонда Эрам боғини қурдирган ҳукмдор номи. Шаддод бу боғни ер юзида осмоний жаннатга тенг қилиш ниятида қурдирган, бироқ боғ барпо этилиб, ичига кириб улгурмасдан шоҳ Шаддод ҳалокатга учраган ва боғ ҳам ер билан яксон бўлган.





қилгани бўйича, юриш тезлиги бобида ҳаддан ошириш расмини бажо келтирди ва 858 йил рамазон ойининг бошида¹ Қундуз ва Бағлон кечувидан ўтди. Бир неча кун Арҳангда истиқомат лангарини ташлади ва улуғ амирларни кемаларни йиғиб келтириш учун тайинлади.

**МИРЗО АБУЛҚОСИМ БОБУРНИНГ
САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ САМАРҚАНД
ТАШҚАРИСИГА БОРГАНИ ВА
ОЛИЙШОНЛИ САОДАТМАНД СУЛТОН
БИЛАН ЯРАШГАНИ ЗИКРИ**



Оқил ва тадбиркор амирлар ғалаба нишонли подшоҳнинг топшириғи бўйича бир нечта кемани Арҳанг кечувиغا йиғиб келтиришгач, **мисра:**

Пок динли шоҳ кемага кирди

ва амирлару қўшин бошлиқлари ҳамда ясовулар билан бирга кемада дарёдан ўтиб, бир неча кун Соли сарой мавзеи мамлакат олувчи байроқлар ўрнатилган жойга айланди. Сўнг шоҳ ва сипоҳ Вахш дарёсидан ҳам кечиб, Ҳисори Шодмон вилояти сари ошиқди. У ердан ўтиб эса Навандок² мавзеига боришди.

Байт:

Сафарда толиқди шоҳу ҳам лашкар,

Бироз тин олгани гўша топдилар.

Навандокда йўлбошчи сўфийлар авлодидан бўлмиш Хожа Низомиддин Мавдуд ва мавлоно Фатҳуллоҳ Табризий элчилик расми билан Султон Абусаид Мирзо олдидан соҳиб таид подшоҳ даргоҳига келдилар. Бироқ улар амирлару давлат устунлари билан сулҳ тузиш ва тинчликка эришиш борасида сўз очиб, қўпол жавоблар эшитдилар. Бу баҳсу мунозаралар охирида мавлоно Фатҳуллоҳ: — Элчининг вазифаси ўз зиммасидаги барча

¹ 858 йил рамазон ойи боши — 1454 йил 25 август.

² Навандок — нашрда Тўндок шаклида берилган. Асли Навандок.





сўзларни иккинчи томонга етказишдир. Шулардан ҳозирча битта сўз қолди, уни албатта айтишим шартлиги хусусида менга онт ичириб қолишган, — деди.

Йиғиндагилар «Ул нима гап экан?» деб сўрашди. Мавлоно Фатҳуллоҳ эса: — Султон Абусаид Мирзо «Мен бу вилоятни дарвешлик либоси саналмиш капанак¹ кийиб юрган кезларим қўлга киритганман, уни шунчаки осонлик билан қайтариб бермайман ва унча-мунча нарсадан ҳам қўрқавермайман. Кучим етгунича саботу барқарорлик оёғида маҳкам туражакман» демоқдалар, — дея жавоб берди.

Амирлар бу сўзларни эшитгандан сўнг олдингидан ҳам баттароқ равишда ғазабланиб, дағаллик ва қўрс-қўпол сўзлик ишини ҳаддан оширдилар ва элчиларни ҳибсга олиб, яна юришда давом этдилар.

Муборак рамазон ойининг охирида² Абулқосим Бобур Мирзо қўшин аҳли арзини тинглаб ва олий мартабали амирлар заруриятини бутлаб, эртаси куни рўза ҳайити қоидалари шартини адо этди. Шундан сўнг ҳар кўчишда бир тўхтаб, салтанат уйи Самарқандга йўналди ва ўн тўртинчи шавволда³ чоршанба куни саодат ва иқбол билан мазкур шаҳарнинг бир фарсахлик ерида қўш ташлаб, даргоҳ чодирини қуёш ва ой устигача кўтарди.

У томондан эса Султон Абусаид Мирзо валийлик паноҳли ҳазрат Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ва Самарқанднинг бошқа аъёну шариф кишилари маслаҳати ва маъқуллови билан кўнглини қалъа ичида туриб урушишга чоғлади. Шаҳар ташқарисидаги аҳолини ҳам ичкарига киритиб, қалъанинг девор ва шинакларини шарҳини айтиш ва ёзиш билан изоҳлаб бўлмас даражада мустаҳкамлади.

Мирзо Абулқосим Бобур Ҳашарту қишлоғида жойлашгач, Хуросон қўшини довюракларидан Амир Халил, мавлоно Аҳмад Ясовул, Сайид пиёда, Қадам Кобулий, Малик Муҳаммад Омон

¹ *Кпанак* — дарвешларнинг ичи юнг, сирти матодан тикилган енги калта туни.

² *858 йил рамазон ойи охири* — 1454 йил 23 сентябрь.

³ *858 йил ўн тўртинчи шаввол* — 1454 йил 7 октябрь.





кабилар жасурлик қиличини қинидан суғуриб ва уруш асбобларини муҳайё қилиб, шовқин-сурон кўтариш йўсини билан шаҳар дарвозаси тарафга югуриб кетдилар.

Мовароуннаҳрнинг баҳром қаҳрли лашкаридан бир нечалар ҳам шаҳардан ташқари чиқиб, уруш оловини аланга олдиришга киришдилар. Натижада хуросонликлар енгилиб, Амир Халил ва мавлоно Аҳмад Ясовул бир тўда кишилар билан бирга асир тушдилар. Бир нечалар эса қиличлар зарби ва ўқлар захмидан ҳалок бўлишди.

Самарқандликлар асирларни Султон Абусаид Мирзо олдига олиб борганларида, ул жаноб Амир Халил ва мавлоно Аҳмадни яқинроқ чорлаб, уларга қарата бир нечта таҳдид сўзларини айтди. Шу аснода мавлоно Аҳмад Ясовул довюрраклик билан: «Умидимиз борки, биз тутқунлар сабабли Сиз ака-укалар ўртасида ярашув амалга ошса» деди. Бу гап подшоҳнинг кўнглига маъқул тушиб, уларни сақлаш ва ҳол-аҳволларига қараб туриш борасида буйруқ берди.

Эртаси куни Мирзо Абулқосим Бобур қутурган шер каби кўрқмас баҳодирлардан бир тўдаси билан бирга юзни шаҳарни эгаллаш сари қаратди.

Султон Абусаид Мирзо лашкаридан уруш марди майдони саналган ва довюррак баҳодирлар ҳисобланган бир гуруҳ қадамларини дарвозадан ташқари босиб, қўлларини ўқ отмоқ ва қилич солмоқ сари чўздилар.

Ўша куни Абулқосим Бобур Мирзонинг амирларидан Паҳлавон Ҳусайн Девона ғоятда мардоналик кўрсатиб, самарқандликлардан анча кишини ҳалокат тупроғи узра қулатди.

Сайёралар мавкабининг султони – Қуёш бу даҳшатли урушни кўриб, малол ҳиссини туйган ҳолда мағриб қалъасини ўз манзилига айлантиргач, тарафлар жиловни орқага тортиб, ўз манзилгоҳларига ошиқдилар.

Ана шу каби жангу жадаллар қирқ кунгача давом этиб, Самарқанд атрофида ҳар кун уруш олови ловуллаб ёнди ва ўлим учқунлари ички ва ташқи халқ юзи саҳифалари узра сачраб турди.





Ўша айёмда Султон Абусаид Мирзонинг амирларидан Амир Абдулали Тархон, Амир Аҳмад Афзал сардорлардан бир тўдаси билан бирга бобурийлар қўлига тушиб, тутқун бўлдилар.

Шундан сўнг совуқ ва изғирин лашкари бош кўтариб, ҳамлага ўтаркан, қўшин аҳлининг аъзойи баданларида ҳаракат қилиш мажоли қолмади ва натижада ҳар икки томондан ярашиш ва сулҳга мойиллик кўриниб, икки орада элчи ва воситачилар борди-келдисию музокара ишлари амалга оша бошлади.

Ниҳоят тарафлар ҳар икки олий мартабали подшоҳнинг асирларни қўйиб юборишлари, Султон Абусаид Мирзонинг эса Мовароуннаҳр мамлакати билан қаноатланиб, бундан кейин Хуросон вилоятларига кўз олайтирмаслиги борасида бир қарорга келишди. Шу хусусда аҳду паймон қилингач, Мирзо Султон Абусаид Амир Халил, мавлоно Аҳмад Ясовул ва бошқа асир тушганларга қимматбаҳо тўнлар кийгизиб, кетишларига рухсат берди.

Мирзо Абулқосим Бобур ҳам Хожа Низомиддин Мавдуд ва мавлоно Фатҳуллоҳ Табризий ҳамда тутқунликдаги Самарқанд амирларига подшоҳона либослар иноят қилиб, шаҳарга қўйиб юборди. Ғалаба аломатли байроқлар эса салтанат пойтахти Ҳирот сари ҳаракатга келиб, мазкур йилнинг зулҳижжа ойи охирларида¹ қўшин аҳли Карки кечуvidан соғ-саломат ўтиб олишди.

Мирзо Абулқосим Бобур Самарқанд юришида шижоат ва қаҳрамонлик кўрсатган бир гуруҳ сардор ва аскарларни ўз марҳаматига сазовор қилиб, уларга муносиб мансаблар иноят қилди. Қуббатулислом Балх туманлари бошқаруви амир Шайх Ҳожига берилди. Амир Али Форсий *Барлос* эса Сон² ва Чаҳоряк вилояти ҳукуматини бошқариш учун кетди. Андхуд ўлкаси Амир Шайх Зуннун ва укаси Амир Аҳмад Муштоққа тааллуқ топди. Амир Бобо Кўкалтош Шибирғонда давлат байроғини юқори кўтарди. Юртлар бағишловчи подшоҳ Қундуз ва Бағлонни Амир Пирсултон *Барлос*га берди ва қутлуғ юзини Хуросон пойтахти Ҳирот сари қаратиб, муҳаррам ойининг тўртинчисида³ эъ-

¹ 858 йил зулҳижжа ойи охири — 1454 йил 21 декабрь.

² Сон — нашр матнида *Кошон* шаклида нотўғри берилган.

³ 859 йил тўртинчи муҳаррам ойи — 1454 йил 25 декабрь.





зоz ва икром билан фохира Ҳирот шаҳрига етишди. Ул диёр аҳолиси ҳол ва қол тилини ушбу мақол мазмунини айтмоқ учун чоғладилар.

Байт:

Юз шукурким йўлдош бўлиб иқболу бахтга,
Шоҳ байроғин ҳилпиратиб кирди пойтахтга.

**СЕЙИСТОН МАМЛАКАТИ ФАТҲИ ВА
МОЗАНДАРОНЛИКЛАРНИНГ ИМОД
ҚАЛЪАСИДА ИСЁН КЎТАРГАНИ ЗИКРИ
ВА МИРЗО АБУЛҚОСИМ БОБУР
ҲАЁТИНИНГ ОХИРГИ КУНЛАРИДА РЎЙ
БЕРГАН ЯНА БОШҚА ВОҚЕАЛАР БАЁНИ**

Саккиз юз элик тўққизинчи йил бошларида¹ Мирзо Абулқосим Бобур арзига Сейистон ҳоқими Малик Али ўғли Шоҳ Ҳусайннинг осмон ҳашамли даргоҳ эгасига нисбатан таъзим ва эҳтиром лавозимини унчалик адо этмаётгани ва ўз ота-бобоси йўсинига хилоф иш тутиб, такаббурлик ва калондимоғлик йўлига кирган ҳолда мустақиллик нақшини кўнгли саҳифасига чизаётгани хабари етишди.

Шунга кўра, олий маконли подшоҳ Амир Халил Ҳиндукани ҳеч нарсадан қўрқмайдиган турклар қавми билан бирга Сейистонни эгалламоқ ишига тайинлади. Амир Халил илоҳий иноятга суяниб ва подшоҳлик давлати қувватига ишониб ул томон юрди.

Шоҳ Ҳусайн ўз кучи доирасида ул ботирлик тўқайи арслонига қарши туриш имконини кўрмай, Нимрўз мамлакатини бутунлай бўш қолдириб, оти жilовини қочмоқ сари тўғрилади. Амир Халил эса музаффар ва мансур ҳолда Сейистонга кириб, ул мамлакат ён-теварагини забт этди ва фатҳ хабарини хатга битиб юбориб, истиқдол байроғини ҳилпиратди.

Яна ўша йили Шоҳ Ҳусайн бир нечаларни йиғиб, Амир Халил Ҳиндукага қарши урушга отланди ва анча саъй-ҳаракатлардан кейин енгилиб, бир йўласи ҳукумат баҳридан ўта қолди. Сўнг ўз

¹ 859 йил бошлари – 1454 йил 22 декабрь.





навкарларидан бири томонидан ўлдирилиб, бошини Амир Халил олдига олиб бордилар. У эса узилган бошни ибрат дорига осиб қўйиш учун пойтахт Ҳиротга жўнатди.

Ўша йили Мирзо Абулқосим Бобур қайтадан Мирзо Муизиддин Санжарга илтифот назари билан боқиб, уни илгари Амир Халил Ҳиндуканинг суюрғоли бўлган Марв ва Мохон вилоятига ҳоким ва фармонраво¹ қилди.

Шу воқеалар юз бериб турган чоғларда Амир Бобо Ҳасаннинг буйруғи бўйича Имод қалъасида маҳбус бўлиб турган девсифат мазандаронликлар мазкур амир Астрободда пайти қўриқлашга масъул қилинган кишилардан бирини ўзлари томонга оғдириб, исён кўтардилар ва қалъанинг Бобо Ҳасан навкарлари қаторида турган доруғаси устига ёпирилиб бориб уни ўлдирдилар. Қай бир кишига ишончлари бўлмаса, ўшани қалъадан ҳайдаб чиқариб, ул мустаҳкам қўрғонни тўла эгаллаб олдилар.

Бу хабар Мирзо Абулқосим Бобур қулоғига етгач, қаттиқ газабланди. Аммо табиатидаги оғир-босиқлик ва вазминлик етуклиги сабабли буни билдирмади. Бир неча вақт қалъа мазандаронликлар тасарруфида қолиб кетди.

Ниҳоят Машҳад доруғаси Жалолиддин Маҳмуд Амир Бобо Ҳасан навкарлари билан бирга «кундан-кун кучайиб бораётган давлат қуввати шарофатидан илоҳий бир иноят хушхабари ва қутлуғ толе саодати Имод қалъаси фатҳи овозасини Шаддоод айвони устигача чиқаришга имкон берар» деган умидда мазкур қўрғон устига юриш қилди. Жалолиддин Маҳмуд қалъа ёнига етиб, нарвон ва арқон ҳамда қалъа олувчиликнинг бошқа асбобларини ясатиш билан машғул бўлиб турган пайтда мазандаронликлар итоат ва бўйсунуш борасида гапириб қолиб, улардан бир тўдаси яраш палосини тўшаш учун қалъа дарвозаси олдига келдилар. Шунда Жалолиддин Маҳмуд Амир Бобо Ҳасан навкарларидан бири билан биргаликда дарвоза томон олдинроқ юрди.

У томондан эса мазандаронликлардан иккитаси шериклари орасидан ажралиб чиқиб, дарвоза тепасида турганча уларга яқин келишди ва икки орада сулҳ тузишга оид сўзлар айтила бошлади.

¹ Фармонраво – фармон берувчи, бошлик.



Гап-сўз охирида мазандаронликлар аҳду паймон қоидасини қўл сиқиб таъкидлаш мақсадида қўлларини Жалолиддин Маҳмуд ва Бобо Ҳасаннинг навқари томон чўздилар. Жалолиддин Маҳмуд ва ёнидаги ўртоғи ул икки шахснинг қўлларини қаттиқ ушлаб, пастга тортдилар. Улар эса ихтиёрсиз равишда дарвоза устидаги бостирмадан ағанаб ерга қуладилар ва пастдагилар қўлида шу заҳоти қатлга етдилар.

Ул гуруҳнинг бу воқеани кўрган бошқа кишилари эса олдингидан ҳам кўпроқ равишда қаршилик ва исён сўзларини билдиришга киришдилар.

Бир неча кундан сўнг мазкур қалъада яшовчи ва мазандаронликлар зулмидан роса жонидан тўйган бир темирчи уста ишончли киши топиб, у орқали Жалолиддин Маҳмудга «Қалъанинг фалон буржида ўн кун ичида теша олиш мумкин бўлган бир жой бор бўлиб, мана мен етти кундан бери ўша ерни ковлаш билан овораман. Тағин уч кунни ўтказиб, кечаси кутиб туринглари ва ўша бурж-минорада чироқ ёғдусини кўрганингиз заҳоти ҳеч товуш чиқармай қалъа тагига келсангизлар, албатта қалъани олиш муяссар бўлажак» дея айттириб юборди.

Жалолиддин Маҳмуд ва унга қарашли кишилар келишилган тунда кутиб туришган эди, шу вақт бирдан, **мисра:**

Чироғ ёғдуси кўриниб,

умидлари тонги мурод-мақсаднинг порлаш жойидан намоён бўлди. Қалъа тагига етиб, нарвонларни қўйган ҳолатда мустажоб чақириқларни кутган каби юқори оламга кўтарилишга жазм қилиб турдилар. Шунда ҳалиги темирчи ва шогирдлари арқонларни пастга тушириб, юз нафарга яқин кишини ул бурж тепасига тортиб чиқардилар.

Сал ўтгач, бу воқеадан хабар топган мазандаронликлардан айримларининг пайтавасига қурт тушиб, жон ҳоври қочганча, ҳаётларини сақлашга улгурган бўлишса, қолганлари сиёсат шамшири зарбидан юзни охират олами сари бурдилар.

Амир Жалолиддин Маҳмуд ўлдирилганларнинг бошларини Хиротга жўнатди. Буни кўрган Абулқосим Бобур Мирзонинг





қалби қувончларга тўлди. Ул шижоат шиорли сардорга нисбатан эса эҳсон ва таҳсин шартларини адо этди. Қалъа кутволлиги мансаби келишилган қоидага кўра Амир Бобо Ҳасанга берилди. Хуллас, ул ойдин фатҳ тантанаси мазкур ғойибдан келган воқеа сабабли кайвон¹ айвонидан ошиб тушди.

Саккиз юз олтмишинчи йил бошларида² Мирзо Абулқосим Бобурнинг шариф табиати мўътадиллик йўлидан оғишиб, мақтов сифатли зотини бир оғир касаллик ўз исканжасига олди. Бироқ Исо нафасли табиблар даволаш ишида тиришқоқлик шартларини адо этгач, бир неча кундан сўнг озгина соғлик жамол кўрсатди.

Ўша аҳвол асносида думли юлдуз ўта улуғворлик ва маҳобат билан Савр буржи ўтрусида жойлашди. Нужум илми бўйича бу салтанат пойтахти Ҳиротнинг толе буржи ва жадвалдаги саккизинчи хона Мирзо Абулқосим Бобурнинг толе ва бахт хонаси бўлгани учун мунажжимлар орасида ҳар хил яхши-ёмон сўзлар тилга олинди. Шу жиҳатдан тожу тахт эгаси ҳамда амиру вазир, бой ва камбағалнинг юрагини ваҳима босиб, қалбларини кучли қўрқув ҳисси чулғаб олди. Шундан кўп ўтмай, ҳақиқатан ҳам ҳиротликлар сари турли-туман балою офатлар йўналиб, ҳар хил ёмонликлар олови бу барча халқ ҳаётига чанг солди. Бу борадаги сўзлар, Худо хоҳласа, келгуси гапларимиз асносида яна ҳам ойдинлик топажак.

МИРЗО АБУЛҚОСИМ БОБУРНИНГ МАШҲАД ШАҲРИГА БОРГАНИ ВА ФОНИЙ ЖАҲОНДАН МАНГУЛИК ОЛАМИГА КЕТГАНИ БАЁНИ

Мутлақ ҳаким «касал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга шифо берур»³ шифохонасидан олам подшоҳининг шариф табиатига тўла шифолик бағишлагач, ул пок эътиқодли подшоҳ 860

¹ Кайвон – Зухал (Сатурн) сайёраси.

² 865 йил бошлари – 1460 йил 17 октябрь.

³ Қуръони карим, Шуаро (26) сураси, 80-оят.





йилнинг йигирма бешинчи шаъбонида¹ олий зотли Имом Ризо ибн Мусо бин Жаъфар *алайҳиссалом*нинг Машҳад шаҳридаги покиза қабри ва муаттар шаҳидгоҳини тавоф қилиш мақсадида сафарга отланиш учун тайёргарлик кўриш ниятида Боғи Сафиддан Боғи Мухторга ташриф буюрди ва рўза ойини ўша ерда тоат-ибодат, қазову вожибот амалларини адо этиш билан ўтказиб, ҳайит куни² намоздан сўнг подшоҳона байрам ва тўй тантаналарини ясади.

Шаввол ойини ҳам ўша боғда ниҳоясига етказиб, зулқаъда ойи бошларида³ оламни кезувчи қашқа оти жиловини муқаддас Машҳад шаҳри томонга бурди.

Мазкур ойнинг ўн тўртинчисида⁴ Машҳад шаҳрининг Чаҳорбоғ хиёбони қутлуғ қадам баракатидан ўзгарувчан олам гумбази фазосининг рашк этадиган жойига айланди. Эртаси куни подшоҳ ҳаммомга бориб, ғусл қилгач, мунаввар Разавия қабри зиёрати шартларини адо этишга тушди ва ул каъба мартабали даргоҳ бўсағасига назру ниёзлар садақа қилди. Халқ ишларини ўнглаш ва заифлару фақирлар аҳволини сўраш борасида ҳам саъй-ҳаракат шартларини бажо келтирди.

Ўша қишда қишлоқ истиқомати ҳам жаннат рутбали мазкур шаҳарда амалга ошди ва олий мартабали подшоҳ эҳсон булутини билан инсон тоифаси умиди экинзорини ям-яшил ва сероб қилиб, денгиз атоли қўлини саховат ва бахшиш учун очди.

Шу аҳвол асносида бир неча навбат амирлар ва давлат устунлари орасида қарама-қаршилик сурати юз кўрсатиб, бу иш ул салтанат ва давлат осмони қуёши кўнглининг офринишига сабаб бўлган ҳолда гоҳи лутф, баъзида қаттиқўллик билан уларни тергади. Ниҳоят улуғ амирлар ярашув ва келишувга рози бўлиб, бир томондан Амир Худодод, Амир Шер Ҳожи, Паҳлавон Ҳусайн Девона, иккинчи томондан эса Амир Шайх Абусаид ва унинг укаси Амир Ҳусайн Али ҳамда Хожа Важиҳиддин Семноний

¹ 860 йил йигирма бешинчи шаъбон – 1456 йил 29 июль.

² 1456 йил 2 сентябрь.

³ 860 йил зулқаъда ойи боши – 1456 йил 1 октябрь.

⁴ 1456 йил 14 октябрь.





охирзамон пайғамбари оиласи сарасининг мунаввар равзасига кирдилар ва бундан сўнг бир умр бир-бирига нисбатан ёмон фикр ўйламаслик ва қарама-қаршилик қилмаслик каби аҳду паймон шартларини ўртага солдилар.

Мисра:

Ҳар қандай шароитда ҳам яраш-сулҳ урушдан яхшироқдир.

Ва Мирзо Абулқосим Бобур амирларнинг ярашувидан шоду хурсанд бўлиб, чиройли баёнли тилини уларни мақташ ва таҳсинига сазовор этиш учун чоғлади. Амирлардан ҳар бири ярашув расмига биноан алоҳида-алоҳида тарзда зиёфат ясаб, подшоҳга шоҳона таом ва тортиқлар тортдилар.

Ўша вақтларда жаноб султон шароб ичишдан тавба қилган бўлиб, кўпинча созчи ва хушовоз ашулачиларни ўзи билан бирга олиб юриб, Машҳаднинг кўркам манзарали жойларида сайр қиларди. Ана шундай кунларнинг бирида дилочар бир жой ва руҳга тетиклик бағишловчи бир мавзегга тушаркан, кутилмаганда сочлари тўзғиган, очиқ чехрали бир дарвеш подшоҳ ва амирларга яқин ердаги қоя тош устида кўриниш бериб қолиб, тўхтовсиз аллақандай тарже шеърни ўқишга тушди. Ул тарже шеър дунёнинг бевафолиги ва ўткинчи оламнинг эътиборсизлиги шарҳини ўз ичига олган бўлиб, унинг банди эса қуйидагича эди.

Байт:

Подшоҳ учун ушбу дунё дабдабаю асъасадир,
Жунун аҳли олдида-чи? Булар бари пуч нарсадир.

Каттаю кичикнинг кўнгли байтлари сони тахминан эликтага етувчи бу тарже маъносини мулоҳаза қилгач, қаттиқ мунг ва қайғуга ботди. Дарвеш кишиларга йўл кўрсатиш мазмунидаги мазкур шеърни ўқиб тугатгач, турганлар назаридан ғойиб бўлди. Салтанат ошиёнли даргоҳ мулозимлари дарвешни қанчалик тоғу тош ва дашту биёбон оралаб излашмасин, ҳеч қаердан топа олишмади.

Қиш фасли кўпинча тез якун топувчи шодлик ва қувонч айёми худди шамол дашт узра эсиб ўтгандек кечгач, Мирзо Абулқосим Бобур саккиз юз олтмиш биринчи йилнинг учин-





чи рабиулохирида¹ ҳали оламини ёритувчи офтоб Ҳут буржида² турган пайти Родгон сайҳонлиги сари юрди ва бир неча кун ул дилни ёлқинлантирувчи мавзеда ов қуши учирмоқ билан машғул бўлди.

Ўша айёмда олий мартабали шахриёр жуда ёқтириб, меҳр билан қаттиқ парвариш қилувчи «Оқ шунқор» номли лочинининг тўсатдан тирноғи синди. Бу воқеа подшоҳнинг файзу барокатли кўнглига оғир келиб Машҳадга қайтди ва шаҳарга етишган куни ушбу байт мазмунини чиройли баёнли тилидан жорий қилди.

Байт:

Тавба қилдим майдану келди баҳор,
Тавба синдирувчи соқий қайда бор?

Абулқосим Бобур Мирзо шуларни деркан, салтанат саройи ходимларига айшу ишрат ва хушчақчақлик бисотини ёймоқни буюриб, сарв қоматли гул юзликлар қўлидан қизил бода жомлари ва райҳоний май қадахларини сипқорди.

Рабиуссоний ойининг йигирма бешинчи куни³ сешанба тонгида айни шодлик ва хуррамлик пайти Машҳад Чаҳорбоғида маҳофага ўтириб, бироз вақт сайр қилди ва қайтганидан сўнг давлат тахтида қарор топди. Шунда тўсатдан қувончга тўла табиати ўзгарди ва бир нечта амирларга ғазабини сочиб, ўрнидан турди ва ҳарамсаройга кириб кетган кўйи ўша куннинг чоштгоҳида умри куни туганиб, иқболи осмонининг офтоби мартаба ва улуғлик буржидан фано мағриби сари ботди, шунингдек, салтанат ҳамда давлати осмони буюклик ва иқбол авжидан йўқолиш сарҳади сари оғди. Бу ҳолни кўрган амиру вазир, каттаю кичик нолаю фиғон чекиб, кўзлар фавворасидан қон тошқинларини Жайхун дарёси каби оқиздилар. Ўша кунда булут ҳам таъзиячиларга қўшилгандек ёмғир тўфонини ёғдирди.

Байт:

Ғам-алам ёмғирин булути етди,
Тоғдан-тоққа қадар сел тутиб кетди.

¹ 861 йил учинчи рабиулохир – 1457 йил 29 февраль.

² Ҳут (Балиқ) буржи – 19 февралдан 20 мартгача бўлган оралик.

³ 861 йил йигирма бешинчи рабиуссоний – 1457 йил 22 март.





Эртаси куни олий зотли амирлар мағфиратли подшоҳни ювиб-кафанлаш ишига киришдилар ва пок жасадини Разавия алайҳиссалом вал-тахҳиятанинг мунаввар равзасининг чап томонида жойлашган гумбазга дафн қилдилар. Доно ҳиссиётли табиблар заҳарни заҳар билан кесдилар ва фаросатли ақлу заковат эгалари саккизинчи имом алайҳиссалом қабри ёнини шу муддаога далил-исбот қилдилар. Сўзга чечан мавлоно Абдулқаҳҳор ул ёқимли хулқли подшоҳ вафоти тарихини қуйидагича битди.

Назм:

Бобурхон юртининг қуёши сўнди,
Шундай порлоқ офтоб пинҳондир энди.
Рабиуссонийда навбаҳор фасли,
Лола дил қонига лиммо-лим бўлди.
Фалакка юзландим: жигарлар лахта,
Кўзлар кўз ёшидан, этак дур тўлди.
Бу не ҳол ва қандоқ ҳодиса эди?
Деди: «Улуғ Султон Бобурхон ўлди»¹.

Мирзо Абулқосим Бобурнинг Шоҳ Маҳмуддан ўзга ўғли йўқ эди. Унинг зикри эса ўша замон улуғларининг бир нечтаси исмидан кейин ёзилажак.

САҲОВАТЛИ ПОДШОҲ МИРЗО АБУЛҚОСИМ БОБУРГА ЗАМОНДОШ МАШОЙИХ ВА ФОЗИЛ КИШИЛАР АҲВОЛИДАН БИР БЎЛАГИНИНГ ЗИКРИ

Мирзо Абулқосим Бобур давлати замонида ўткинчи жаҳондан мангулик оламига кўчиб ўтган ҳурматли машойихлар жумласидан бири **Шайх Баҳроуддин Умар** эди. Ул зот шайх Муҳаммадшоҳ Фароҳийнинг синглисидан бўлган жиянидир.

Мазкур шайх Муҳаммадшоҳ дарвешлик мазасидан тўла лаззат топган киши эди. Хўрмуз йўлидан муборак Маккага бораётган

¹ Аслиятдаги «Мавти султони муъаяд Бобур» сўзларидан абжадда 861 сони, вафот йили ҳосил бўлади.



пайтида Манужон деган манзилда жони ганжинасини руҳларни олувчининг қўлига топширди.

Шайх Баҳоуддин Умар болалик чоғидаёқ мажзуб бўлди ва унда жазаба аломатлари кўриниш бериб, ҳамиша намозни адо этиш пайти бирор кишини ёнида ўтқазиб, ул кишини салот намози ракатлари сонича койирди.

Шайх Баҳоуддин Умарнинг силсиласи субҳоний даргоҳ яқини шайх Рукниддин Алоуддавла Семнонийга¹ уланади. Айтишларича, ундан то шайх Алоуддавлага қадар оралиқда бу силсиладан бирор киши унинг даражасидаги ихлос билан тақво сажжодаси устида ўтирмаган экан.

Шайх Баҳоуддин Умар олий зотли хоқон Мирзо Шоҳрух замонида 844 йилда² ислом ҳажини адо этмоқ ва одамлар яхшиси ҳазрат *алайҳиссаловоти васалламнинг* жаннат рутбали мақбарасини тавоф қилмоқ учун салтанат пойтахти Хиротдан йўлга тушиб, замон аъёнларидан мавлоно Саъдиддин Кошғарий, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад, Хожа Зайниддин Жомий, мавлоно Қутбиддин Заҳирий, мавлоно Шарифаддин Абдулқаҳҳор, мавлоно Тожиддин Ҳасан, мавлоно Саъдиддин Фаррух, Хожа Шаҳобиддин Исмоил Ҳисорий ва бошқа бир гуруҳ кишилар шайх ёнида Ҳижоз томонга равона бўлганлар ва ул олий заминда рукн ва мақом тавофи, пайғамбар *саллаллоҳи алайҳивасалламнинг* атр сочувчи қабри зиёрати шарафига мушарраф бўлиб қайтганлар.

Ҳақиқатпаноҳ, кишилар афзали ҳазрат мавлоно Нуриддин Абдурахмон ал-Жомий «Нафаҳот ул-унс»да мавлоно Саъдиддин Кошғарий тилидан шундай нақл қиладилар: «Шайх Баҳоуддин Умарга Макка саҳросида бир касаллик ёпишди. Ул жаноб умрлик рўзадор бўлгани учун ёнидагилар мазкур касаллик шифоси юзасидан оғизни очиш, яъни ифтор қилиш лозимлигини маслаҳат беришди. Қабул қилмади. Шунда кутилмаганда ғайб аҳлидан бир жамоанинг шайх тушган маҳофа томонга келаётганини кўриб қолдим. Улар маҳофа эшиги оғзига етганларида, тезлашиб ўтиб кетдилар.

¹ Шайх Рукниддин Алоуддавла Семноний — тасаввуф намояндаси Рукниддин Аҳмад бин Муҳаммад ал-Баёнагий Алоуддавла Семноний (ваф. 1336) кўзда тутилмоқда.

² 844 йил — 1440 йил 2 июнь — 1441 йил 22 апрель оралиғи.





Мен бу қиссани шайхга айтиб бердим. Шайх деди: Қутб эди, унинг саҳобалари маҳофа эшиги оғзига етганларида мен оёғимни узатгандим, шу жиҳатдан тез ўтиб кетдилар. Оёғимни йиғиштиргач, қайтиб келдилар ва ёнимга яқинлашиб, фотиҳа ўқидилар».

Шайх Баҳоуддин Умар 857 йил ўн еттинчи рабиулаввалда¹ салтанат пойтахти Ҳиротга қарашли мавзеларидан бири бўлмиш Жафора қишлоғида вафот қилди.

Мирзо Абулқосим Бобур бу хабарни эшитган кунидек мазкур қишлоққа бориб, ул ҳазратнинг ўғли шайх Нуриддин Муҳаммаддан ҳол-аҳвол сўради ва майитни кўтаришдан олдинроқ қайтиб, Ҳиротнинг Хиёбон кўчаси сари ошиққанича шайхнинг тобутини шу ерга олиб келганларига қадар кутиб турди. Шундан сўнг ул олий мартабали подшоҳ тоғ гавдали отдан тушиб, тобутни кўтаришиб, шайх васияти бўйича Ийдгоҳ майдонида жаноза намозини ўқиш мақсадида бу варақлар қораловчисининг бобоси олам ашрофи Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ билан бирга ҳаммадан олдинроқ юрди.

Шайх Умарнинг қабри Ҳирот Ийдгоҳининг шимол томонида жойлашган. Мирзо Абулқосим Бобур ул мазор устига оз фурсат ичида олий бир иморат қуриб битказтирди.

Яна ўша ойда² қозийи қуззотилислом, яъни жаноб мулло зул-линомий *қози Қутбигдин Муҳаммад ал-Имомий* абадийлик оламига кетди. Мавлоно Шарифаддин Абдулқаҳҳор унинг вафоти санасига атаб ушбу қитъани назм қилди.

Назм:

Шариат паноҳи, қозилар боши
Муҳаммад, имомлар қавми имоми.
Наби вафотидан ўн икки кун сўнг
Қозихонадан жаннатга³ хироми.
Наби⁴ ўрнида эрди тарихи бу:
Вафоти наби алайҳиссаломи.

¹ 857 йил ўн еттинчи рабиулаввал – 1453 йил 28 февраль.

² 1453 йил 24 март кўзда тутилмоқда.

³ Жаннат (беҳишт, учмоқ, бўстон) саккизта бўлиб, улар Хулд, Дориссалом, Дорилқарор, Адн, Маъво, Наим, Илиийин, Фирдавс номлари билан аталади.

⁴ «Вафот ун-наби алайҳиссалом»дан «Наби» сўзи олиб ташланса, 857 сони чиқиб, йил ҳисобида 857 йил ўн иккинчи рабиулаввал санаси ҳосил бўлади.





Мавлоно Саъдигдин Кошғарий ҳаёти бошида илмларни эгаллаш билан машғул бўлди ва замонамизда расм бўлган кўпчилик китобларни ўрганиб чиқди. Охирида зуҳд ва тақво йўлига кириб, мавлоно Низомиддин Хомушнинг муридлари ва ўринбосарлари қаторидан жой олди. Шу зайл қийинчилик тортиб яшаш нурларининг зиёси ҳаёти сари иниб, маърифат ёғдусининг шуъласи саодатли ички дунёсини ёритди ва етуклик жойнамози узра ўлтириб, кўплаб солиқларни валийлик мартабасига етказди.

«Матлаи саъдайн» асарида ёзилишича, 860 йилнинг жумодилохир ойи бошларида¹ мавлоно Саъдиддин касалга чалиниб, кўрпачақ миҳланиб қолди ва касаллиги гоҳ кучайиб, гоҳ сусайган паллада ушбу рўё мазмунли гаплар тилидан жорий бўлиб турди: – Мени бўлмақ ва кетмоқ ўртасида ихтиёрли қилдилар. Мен кичик ёшдаги болаларим бўлгани учун «бўлмақ»ни танладим.

Жаноб мавлавий шу сўзларни айтгандан сўнг икки ой ўтиб, яъни 860 йил жумодилохир ойининг олтинчиси², ҳафтанинг тўртинчи куни вафот этди ва Ҳиротнинг Хиёбон кўчаси бошида дафн қилинди.

Мавлоно Шамсигдин Муҳаммад Араб. «Матлаи саъдайн»да ёзилишича, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Араб ёқимли ахлоқли дарвештабиат киши бўлган ва арз этагини дунёвий ишлар билан камроқ булғаган.

Аммо раислик қилишни яхши кўрар экан. Мирзо Абулқосим Бобур бу борада илтифот кўрсатавермагач, шу сабаб бўлиб, доимий равишда дилни ўғирловчи сўзлар билан Мирзо Алоуддавллага нисбатан муҳаббат нақшини одамлар кўнгли саҳифасига битиб юрган. Ҳатто халқни унинг салтанати сари ундаб, Мирзо Абулқосим Бобурга эргашишдан қайтарар ҳам экан.

Ҳижрий 860 йили³ Лўристон томонидан Саййид Абдуллоҳ номли бир киши сипоҳийлар расмича салтанат пойтахти Ҳиротга келган ва жаноб мавлавий билан Мирзо Алоуддавллага тарафдорлик юзасидан тил бириктирган.

¹ 860 йил жумодилохир ойи боши – 1456 йил 7 май.

² 860 йил олтинчи жумодилохир – 1456 йил 12 май.

³ 860 йил – 1455 йил 11 декабрь – 1456 йил 29 октябрь оралиғи.





Шундан кўп ўтмай, Ҳирот доруғалари бир кишини ушлаб, Мирзо Абулқосим Бобур ҳузурига келтирганлар ва унинг жосуслик йўли билан Мирзо Алоуддавла олдидан келгани ва мавлоно Муҳаммад Араб ва Саййид Абдуллоҳга хатлар келтирганини айтганлар. Шунга кўра Мирзо Абулқосим Бобур ўшал саййидни Андхудга бадарға қилди, жаноб мавлавийни Сейистонга чиқариб юборди. Жосусни эса ўлдирди. Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад ҳам Сейистонда охираат оламига кетди. Мана бу байт унинг манзумаларидан.

Байт:

Шоҳдан ўзга киши шоҳга маҳрам эмас,
Шоҳ ҳолидан шоҳдан ўзга огоҳ бўлмас.

Қози Абдулваҳҳоб Машҳадий илму фазилат ва етукликлардан баҳраманд эди. Назм ва наср иншосида қўли моҳирлик кўрсатарди.

Айтишларича, бир гал зариф кишилардан бирининг кўнглига мақлуби муставий санъати бўйича ушбу иборалар келибди: — Муроде дорам ба арзи қози расонед (Бир муродим бор, қозига етказинг).

Ул жаноб озгина ўйланиб туриб, ўша санъатни қўллаган ҳолда жавоб берибди: — Барояд ё Раб¹ (Юзага чиққай, эй Худойим).

Қози Абдулваҳҳобнинг Мирзо Абулқосим Бобурнинг вазирлари ичида эътиборлироқ саналган Хожа Важиҳиддин Семноний мадҳидаги қитъаси ҳам машҳурдир.

Мавлоно Жалолиддин Абу Язид Пуроний ҳамиша тоат вази-фаларини адо этмоқ, ибодат қоидаларини бажармоққа машғуллик кўрсатарди. Шариат буйруқларига риоя қилиш ва ҳазрат рисолат (с.а.в.) суннатига эргашгани сабабли юксак мақомотларгача тараққий қилди. Мурोजаат қилиб келган кишиларнинг ишларини бажариб беришга тиришар ва бу борада амалдорларнинг қай бирига мурोजаат қилиниши керак бўлса, шахсан ўзи у билан учрашарди. Яхшилик қилиш суратини қалби лавҳига чизганди.

¹ «Муроде дорам» бирикмаси араб ёзувида тескари ўқилса «Барояд ё Раб» бўлади. — 1458 йил 19 сентябрь.





Ҳамиша зиёфат дастурхонини ёйган эди ва келувчи-кетувчи учун лаззатли таомлар ҳозирларди.

«Нафаҳот»да ёзилишича, мавлоно Жалолиддин Абу Язиднинг зоҳирда пири бўлмай, шу сабабли «Увайсий» экан ва «қачон қийинчиликка дуч келсам, уни ҳазрат рисолат (с.а.в.) руҳонияти воситасида ҳал қиламан ва шу туфайли мушкулим осон бўлади» деркан.

Вафоти 862 йил ўнинчи зулқаъда¹ душанбага ўтар кечаси рўй берди ва Пурон қишлоғида дафн қилинди. Яхши эътиқодли подшоҳ салтанат ва давлат шарафи Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо ўз ҳукмронлиги айёмида мазори устига бир олий иморат қурдирди. Мавлоно Абу Язиднинг умри тўқсон ёшдан ошган эди.

Хожа Шамсигун Муҳаммад Кавсавий шайхулислом Аҳмад ал-Жомий ал-Номиқий (*сурлари муқаддас бўлсин*) авлодидан эди. Илоҳий муваффақият ёрлиги туфайли зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллади.

Гарчи жаҳрия зикрида шайх Зайниддин Хофийга эргашса-да, аммо шайх Баҳоуддин Умар суҳбатига кўп қатнардди ва ул жанобга нисбатан ихлосу эътиқоднинг етук шартларини бажо келтирарди.

Салтанат пойтахти Ҳиротнинг Жоме масжидида халққа ваъз ўқиш ва насихат қилиш билан шуғуланарди. Минбар бошида илоҳий калом оятлари ҳақиқатлари ва ҳазрат рисолатпаноҳнинг ҳадислари мазмуни бўйича тилни баёнга чоғларди.

Мавлоно Саъдиддин Кошғарий, мавлоно Жалолиддин Боязид Пуроний, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад унинг ваъз мажлисига қатнардилар ва ундан нимани эшитсалар, ўз мақтов ва таҳсинига сазовор қилардилар.

Султони саид Мирзо Абусаиднинг унга кучли эътиқод ва ҳурмати бор эди. Ҳамиша бу хожага эргашиб ва ихлос суратини ўзининг ёрқин кўнглига нақш қиларди.

Ишончли кишилардан эшитишимча, Султон Абусаид Мирзо ўз салтанати айёмининг биринчи жумасида Хожа Шамсиддин Муҳаммаднинг ваъзига ташриф буюрган. Ул жаноб сўз айтаёт-

¹ 862 йил ўнинчи зулқаъда — 1458 йил 19 сентябрь.



ган аснода қатнашчилардан бири гўё ҳаяжонланган бўлиб, аммо ҳеч бир сабабсиз қичқириб юборибди. Султон Абу Саид эса бу ўринсиз ҳайқириқдан таажжубга тушиб ғазабланибди. Шунда Хожа Шамсиддин Муҳаммад подшоҳга юзланиб: — Биз ҳали важду ҳол, яъни жазава ва тўлқинланишга сабаб бўлувчи бирон сўз айтмадик. Афтидан бу азизнинг дили бошқа жойдан тўлганга ўхшайди? — дебди.

Хожа Шамсиддин Муҳаммад 863 йилнинг йигирма олтинчи жумомилававалида шанба куни¹ чоштгоҳида вафот этди.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад таъб ўткирлиги ва зеҳн кучлилигида фозилу олимлар орасида катта шуҳрат қозонган эди. Ҳаёти бошида бир неча вақт илмларни эгаллашга киришиб, кейинчалик ҳимматини охират камолотини ҳосил қилиш сари қаратди.

Шайх Баҳоуддин Умар, шайх Зайниддин Хофий, мавлоно Саъиддин Кошғарий билан суҳбатдош эди.

864 йил рамазон ойи бошида² жумага ўтар кечаси оламдан ўтди. Қабри Гозургоҳ қабристониди, ҳазрат Аллоҳга яқин киши саналмиш Хожа Абдуллоҳ Ансорий³ мақбарасининг оёқ учи томонида жойлашган.

Шайх Озарий Исфароиний ўз замонаси шоирларининг машҳурларидан эди. Кичик ёшида дарवेशлар тариқати сулукига мойил бўлиб, Исфароиндан Ҳижозга ошиқди ва ислом ҳажи амаллари ва башар аълоси пайғамбар (с.а.в.)нинг ёғдули қабри тавофини адо этгач, йўналиш жиловини Ҳиндистон тарафга бурди. Ул диёр султонлари жаноб шайхга кўп меҳрибонликлар кўргузишди ва ҳурмат тариқини тутиб, мўл-кўл инъом ва эҳсонлар тортиқ қилишди. Шунга қарамай, шайх Озарий жаноблари «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадиси талаби бўйича ул вилоятларда ватан тутмоқдан воз кечдилар ва бу байтни назм тизимига тиздилар.

¹ 863 йил йигирма олтинчи жумомилававал — 1459 йил 31 март.

² 864 йил рамазон ойи боши — 1460 йил 20 июнь.

³ Хожа Абдуллоҳ Ансорий — хуросонлик машҳур сўфий, фикҳшунос олим Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Абу Мансур Муҳаммад ал-Ансорий ал-Ҳиравий (1006 — 1088) кўзда тутилмоқда.



Байт:

Жайпол ўлимтик деб, Ҳиндни тарк этдим,
Арпача қадри йуқ, Жўна ҳашаматин.

Шайх у ердан Исфароинга келиб, тоат ва ибодатга машғул бўлди.

Вафоти 866 йили¹ рўй берди. «Хусрав»² сўзи абжад ҳисоби билан айнан ўша санани англатади.

Шайх Озарийдан «Ажойиб уд-дунё» ва «Жавоҳир ул-асрор» китоблари ёдгор қолган. Гўзал ва мазмунли шеърларидан ташкил топган девони ҳам замонамиз кишилари орасида шуҳрат қозонган.

Ўша йилда³ машҳур шоирлар қаторидан жой олган **Мавлоно Тўтининг** ҳам руҳи қуши тутқунлик қафасини синдириб, қудсий боғлар сари парвоз қилди. Мавлоно Тўтининг асли Туршиздан эди ва Мирзо Абулқосим Бобур унга нисбатан кўпдан-кўп илтифоту иноятлар кўргузарди. Ушбу матла унинг кўнгил хазинаси самараларидан саналади.

Байт:

Олти тоқли ҳужра, қўш эшик жаҳон,
Тўрт томондан чиқар фарёду фиғон.

Мавлоно Тўти ёшлик айёмидаёқ мангулик оламига кетди. Ҳазрат Султон Ҳусайн Мирзонинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер Навоий унинг вафоти санасини «хурус»⁴ (хўроз) сўзидан топган эди.

Назм:

Турлик ширинкалом шоирга доим
Бокира маънолар эдилар ҳамроз.
Тўти учиб кетди, лекин қизиғи:
Ўлими тарихи топилди «Хўроз».

Саййиғ Фиёсиггин Фазлуллоҳ Роггоний илму фазилатлари ва яхши хислатлари кўплиги билан ўзига ўхшаш яқинларидан

¹ 866 йил — 1461 йил 6 октябрь — 1462 йил 26 сентябрь оралиғи.

² *Хусрав* — абжадда бу сўздаги ҳарфлар сони йиғиндиси 866 га тенг.

³ Ҳижрий 866 йил кўзда тутилмақда.

⁴ *Хурус* — абжадда бу сўздаги ҳарфлар сони йиғиндисидан 866 чиқади





кўра аълороқ ва мустасно эди. Таъб латофати ва чечан тилликда ҳам ўз даври фозилларининг боши эди.

Хатни ниҳоятда чиройли битарди. Ҳамиша султон ва ҳукмдорларнинг мўл-кўл инъому лутфлари билан сийланиб, ана шу фахрдан боши осмон бўйи кўтарилиб юрарди.

Вафоти 867 йил жумодилохир ойининг йигирма иккинчисида¹ якшанба куни Ҳиротда рўй берди ва Мусаррах гўристонида Амир Ҳусайний мақбараси ёнига дафн этилди.

Мир Ислom Фаззолий ҳужжатилислом имом Муҳаммад Фаззолийнинг² авлодидан эди. Тиб ва ҳикмат илмида катта маҳорат ҳосил қилганди. Гоҳида шеър назми билан ҳам шуғуланарди ва қасидалар яратишда ширин тиллик ва сўзамолликни ўз ўрнига қўярди.

«Мажолис ун-нафоис»да ёзилишича, Мир Ислomнинг шеър ёзишда бақувват эканини унинг Ҳаким Анварий³ қасидасига жавобан яратган асаридан ҳам яхши билса бўлади. Бу қасидаси Мирзо Алоуддавла мадҳини ўз ичига олган бўлиб, матласи ушбудир.

Байт:

Мулкисиз бут бўлмас ҳашам либоси,
Улуғлик Ўзидан чин илтимоси.

Мир Ислom жаноблари Ҳазораспий амирлари ҳукумати замонида Балхда яшаб турди ва шундан сўнг оламдан ўтди.

Мавлоно Сиймий шеърнинг муаммо соҳаси, нома иншо қилиш ва ҳуснихат турларини битиш каби турли хил санъатлардан тўла баҳраманд эди. Бир гал бир кунда икки минг байтни назм қилиб ёзган экан⁴. Шунга нисбат бериб, ушбу байтни ўз узугига ўйиб қўйганди.

¹ 867 йил йигирма иккинчи жумодилохир — 1463 йил 14 март.

² Файласуф Абу Ҳомид Муҳаммад Фаззолий (ваф. 1112) кўзда тutilмоқда.

³ Ҳаким Анварий — Авҳадиддин Муҳаммад Анварий (ваф. 1152) кўзда тutilмоқда.

⁴ Нашрдаги матн пастида Муҳаммад Тақий Шуштарий томонидан қайд этилган қуйидаги изох келган: «Маълум бўлсинки, Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкирасида ёзилишича, мавлоно Сиймий бир кеча-кундузда икки минг байт назм қилган экан, тагин, ҳол ҳақиқатини билгувчи ёлғиз Аллоҳдир».





Байт:

Бир кун покнасаб шоҳни улуглаб,
Сиймий икки минг байт ёзди эплаб.

Мавлоно Сиймийнинг асли Нишопурдан эди. Очофатлиги сабабли кўп овқат ерди.

Манави ҳикоят машҳурдир. Зикр этишларича, бир гал бир киши йиғинларнинг бирида «Мавлоно Сиймий бир ўтиришда йигирма ман¹ хурмони ея олади» деб қолибди. Шунда бошқа бирови бу гапга ишонмай, иккови пулга шарт боғлашибди ва йигирма ман хурмони кўтариб, мавлавийнинг ҳузурига боришибди. Иттифоқо, ўша куни мавлоно озгина хасталаниб, заифликдан узала тушиб ётган экан. Шунга қарамай, ул икки азизнинг келганини билгач «хурмоларни тўшагимга яқин ерга қўйинг, кўрайчи, иш нима билан тугаркан» дебди. Топшириққа амал қилинганча, мавлоно кўрпа ичидан қўлини ташқари чўзиб, хурмоларни ҳовуч-ҳовуч қилиб олганча паққос туширишга киришибди ва бир дона ҳам қолдирмай еб тугатибди. Шундан сўнгра ул икки кишидан «данаги билан шарт боғлашган эдингларми ёки данаксиз» дея сўрабди. Улар эса «ҳеч ким хурмони данаги билан емайди-ку, шу сабабли бу ҳақда гап бўлган эмас» дейишибди. Мавлоно Сиймий «ана кўрдингларми, шунинг учун ҳам мабодо ораларингда қайтадан баҳс ва жанжал чиқиб қолмасин, дея хурмоларнинг ҳаммасини данаги билан едим» деган экан.

Дарвеш Бобо Али [Мансур] дарвешликнинг покиза турмушли ва латиф сўзли вакиллари эди. Мирзо Абулқосим Бобур Машҳадда қишлоқ ўтказаетган ўша қиш фаслида² Сабзавордан мақсади ҳосил подшоҳ ҳузурига ошиқди ва мўл-кўл илтифоти иноятга эришди.

Мансур дарвеш тақво ва нафсни тийиш каби сифатлар билан таърифланган бўлиб, сўфийлар тариқати қоидасига кўра ўта қийинчилик тортиб ва машаққат чекиб яшарди.

¹ Ман — оғирлик ўлчови бўлиб, ҳар ерда ҳар хил вазни билдирган. Улар 860 граммдан тортиб, 12 килограммгача оғирликни англатади.

² 1457 йил январь ойи.





Шу билан бирга доим фазилат ва етуклик нақшини кўнгли саҳифаси узра битарди. Шеърятнинг аруз ва саное фанларида мавлоно Яҳё Себакнинг шогирди эди. Тасаввуф илмида ҳужжати Ҳофиз Али Жомийга уланарди.

Аруз илмида икки рисола битган ва Хожа Салмон Соважийнинг масну қасидасига жавоб ёзиб, тиришқоқлик ва етуклик намунасини кўрсатган. Дарвешнинг бу қасидаси матлаи ушбудир.

Байт:

Кўп югурдим етиш учун ёр васлига,
Тополмадим мардни ошно иш аслига.

Мансур Дарвеш қаламига мансуб манзумалар жумласидан яна бир рубойси ҳам машҳурдир.



МИРЗО ШОҲ МАҲМУД САЛТАНАТИ ВА УНИНГ ДАВЛАТИ АЙЁМИДА РҶЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ



Мирзо Абулқосим Бобурнинг ҳаёт қуёши фано мағрибига ботган куни амирлар ва давлат устунлари Мирзо Шоҳ Маҳмудни ўн бир ёшида подшоҳлик тахтига ўтқаздилар. Амир Хусайн Али Ҳирот шаҳри томон юзланиб, унинг акаси Амир Шайх Абусаид мамлакатнинг айрим зарурий ишлари учун Сарахс тарафга кетди. Садрликнинг олий мансаби билан сарафрозлик топган Шайхзода Пир Қавом эса Мирзо Муизиддин Санжарни янги ҳукмдор итоатига даъват қилиш масаласи бўйича Марвга йўл олди. Мирзо Шоҳ Маҳмуд отаси ўлганидан ўн кун кейин Ҳирот томон йўналди ва йўл асносида шайхзода Пир Қавом Марвдан қайтиб келиб «Мирзо Санжар бўйин эгмаслик даъвосини қилмоқда ва бошини ҳеч кимнинг итоат занжирига тикмоқчи эмас» деган сўзларни арзга етказди. Шу пайтда Ҳиротдан ҳам Амир Хусайн Алининг чопари келиб «марҳум подшоҳнинг қайғули хабари шаҳарга етишган куни Мир Хубби доруға шаҳзода Мирзо Иброҳимни қўриқлашдан ғофил қолибди, шаҳзода эса ўтирган





еридан ташқари чиқиб, Аҳмад тархоннинг уйига борибди ва ўша амирлик паноҳи билан бирга Мухтор тоғи этагига кетибди. Сўнг олий мавкабнинг Машҳаддан йўналгани хабарини эшитиб, Мурғоб дарёси бўйига борибди ва унинг атрофига кўп сонли кўшин тўпланибди» дея арзадошт қилди.

Алқисса, бу хабарлар эшитилгач, каттаю кичикнинг кўнгли хавотирга тушди ва Мирзо Шоҳ Маҳмуд йўл юришни тезлатиб, жумодилаввал ойининг йигирма олтинчисида¹ Боғи Мухторга келиб қўш ташлади. Саййидлар ва қозилар, аслзодаю аъёнлар мулозиматга ошиқиб, таъзия ва кўнгил сўрашлик маросимини адо этган кўйи ул оламини куйдирувчи мусибат доғини яна қайталадилар. Мирзо Шоҳ Маҳмуд Боғи Мухтордан Боғи Зоғонга қараб юрди.

Ўша кунлари Амир Шайх Абусаид Сарахс томондан қайтиб келиб, зулм ва жабр оловини ҳиротликлар турмуши узра пуркади. Бу сўзнинг изоҳи шуким, нафси ёмонлиги ва шафқатсизлиги билан эл аро танилган ва Абулқосим Бобур Мирзонинг бошқа амирларидан ҳашамат ва қудрату бойлиги зиёдлиги жиҳатдан устунликка эга Амир Шайх Абусаид Сарахсдан Ҳиротга келгач, олтину кумушга муҳаббат қўйган бу одам ўз манфаати йўлида ул диёр аҳолисидан одам бошига жон солиғи солиб, катта миқдордаги маблағ ундирмоқни мақсад қилиб, бу иш бўйича солиқ хатларини шаҳарни икки қисмга бўлиб ёзди. Бир қисмда Амир Шайх Абусаид мулозимлари йиғувчи бўлди, иккинчи қисмга Амир Шерҳожи навкарлари тайинланди² ва шу зайл жумодилохир ойининг еттинчисида³ йиғувчилар пул ундиришга тушиб, икки-уч кун ичида қанча маблағ ундирилиши мўлжалланган бўлса, ҳаммасини йиғиб олдилар.

Бу воқеалар рўй берган вақтда Хожа Кулол Баркаш ва Хожа Али бин Амир Хожа кабилар Мирзо Шоҳ Маҳмуд девонида муҳр босардилар. Ва ул икки зolim вазир тил бириктириб, биринчидан,

¹ 861 йил йигирма олтинчи жумодилаввал – 1457 йил 21 апрель.

² Амир Шерҳожи навкарлари подшоҳ, яъни давлат учун солиқ ундирувчи бўлишган.

³ 861 йил еттинчи жумодилохир – 1457 йил 2 май.





вақфдан тушган йиғимларни тўла ўзлаштириб олдилар. Иккинчидан, одам бошига сочиладиган бир динорни ўн динор қилиб ундириш борасида хат битдилар. Шунга кўра раҳм-шафқат билмас солиқ ундирувчилар бунни тўлай олмаган бечора кишиларни тўтиб боғлаб, жуда қаттиқ қийноқларга солиб, пул талаб қилдилар. Бунча пулни тўлашга халқнинг кучи етмагани сабабли оилалар бошидан жонни куйдирувчи тутун чиқди ва хонадонларга жабру зулм олови сочилди. Қалин бир доду фарёд ва оҳу нола саслари осмонга кўтарилиб, тинчлик сурати Анқо қуши каби юзини яширинлик пардаси ортига тортди. Осойишталик сифати кимё амали ва фузало иши ривожини сингари йўқолиб қолди. Фуқаронинг кўп қисми аҳлу аёлини тарк этиб, қочиб кетдилар. Кўп кишилар эса қийноқлар остида ҳаётдан кўз юмиб, жон хазинасидан айрилдилар. Мастура аёллар боши очиқ, оёқяланг бўлиб ва тўзфиган сочларини ёйиб, давлат девони сари чопқиллаган ҳолда ожизлик ва оҳу зорлик билан додларига етишни талаб қилдилар. Худони танимас Амир Шайх Абусаид эса ул бечораларнинг фарёду фиғонидан сира ҳам таъсирланмади.

Бироқ ўша айёмда мўъжиз низомли «ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида дуосини ижобат қиладиган ва унинг мушкулани осон қиладиган»¹ сўзларга асосан атолар бағишловчи Буюк подшоҳ² аянчли аҳволда қолганларга ёрдамчи бўлди ва мазлумлар додига етиб, Амир Шайх Абусаиднинг шум ва палид вужудидан чанг чиқарди. Бу воқеанинг шарҳи шуки, Амир Шерҳожини бахтиқаро Амир Шайх Абусаиднинг ёмонлигини аритиш учун бел боғлаб, йигирма биринчи жумодилохирда³ Мирзо Шоҳ Маҳмудни Боғи Зоғондан шаҳар ичкарасига киритди ва «жон боши солиғи пули масаласида ҳеч бир кимса бирор кишига бир динор ҳам бермасин, нима берган бўлса, қайтиб олсин ва Амир Шайх Абусаиднинг навкарларини қаерда кўрсалар, ўша ердаёқ таласинлар» дея жар солишга буйруқ берди. Бунини эшитиб, золимлар ва ситам аҳли оёқни қочиш водийси сари қўйдилар. Бошқа амирлар эса

¹ Қуръони карим, Намл (27) сура, 62-оятдан.

² Буюк подшоҳ – Аллоҳи таоло кўзда тутилмоқда.

³ 861 йил йигирма биринчи жумодилохир – 1457 йил 16 май.





Амир Шерҳожининг ёнини олиб, ўша оқшом шаҳарни қўриқлаб чиқдилар. Эртаси куни шаҳар ташқарисида ўтирган Амир Шайх Абусаид ўз укаси Амир Ҳусайн Али билан биргаликда қочиш жоловини Мурғоб дарёси тарафга бурдилар. Амир Шерҳожи кўпгина амир ва лашкар аҳли ҳамда шаҳарнинг хунарманд-косиб ва бозорчилари билан бирга шаҳардан ташқари чиқиб, унинг кетидан қувлашга тушдилар. Мухтор тоғи ва Тўққузработ оралигини боғлаб турувчи бир далада Амир Шайх Абусаиднинг кейинидан етиб олиб, уруш оловини аланга олдирдилар. Амир Шайх Абусаиднинг ҳаёт хирмони ўт пурковчи шамшир зарбидан куйиб кул бўлди. Амир Шерҳожига қарашли кишилардан бири унинг бошини танасидан жудо қилди ва Дарвозаи Маликка элтиб, кўрганларга ибрат бўлиши учун дарвоза устига илиб қўйди. Ул бадбахтнинг укаси ва навкарлари қочиб қолишни ғанимат биллиб, улар йиғини ипи узилиб кетди.

Мисра:

Зулмнинг хосияти шундай эрур мудом.

Шу воқеалар асноси ва бу ҳодисалар рўй бериб турган чоғи бир тўда одамларнинг Мирзо Иброҳимнинг зафарга ёр байроқлари остида тўплангани хабари эшитилди. Бу шаҳзода амиру нўёнлар билан биргаликда олийҳиммат белини пойтахт Ҳиротни эгалламоқ учун боғлаган эди. Шунга кўра, Амир Шерҳожи, Амир Низомиддин Аҳмад Ферузшоҳ, Паҳлавон Ҳусайн Девона ва тархоний амирлари кенгаш қурдилар ва «қандай бўлмасин, Мирзо Шоҳ Маҳмуд билан Мирзо Иброҳим ўртасида яраш қоидаларини амалга ошириш борасида бир қарорга келайлик, токим, шу тўфайли Хуросон мамлакатлари бўйлаб тинчлик ва осойишталик нурлари ёйилса» деган келишув бўйича, маҳди улё Гавҳаршод Оғо кўрсатмасига биноан ул иффат маликаси бўсағасида хизматкорлар сафида турган Турконшоҳни ул ишни амалга ошириш мақсадида Мирзо Иброҳимнинг ўрдусига юбордилар.

Аммо Турконшоҳнинг қайтишидан олдин фитна қўзғовчи бир тўда кишилар Амир Шерҳожи кўнглига қутқу солиб «маҳди улёнинг Мирзо Алоуддава ва унинг ўғли Мирзо Султон Иброҳимга



меҳри кўплиги оламини ёритувчи қуёш ёғдусидек жаҳон аҳлига равшан, тархоний амирларининг эса ихлосу тарафдорлиги ул улўф маликага нисбатан аниқ бир гапдир. Демак, бир тадбир ўйлаб топиш лозимким, ихтиёр ипи қудрат қўлидан чиқмасин» дедилар.

Шунга кўра Амир Шерҳожи замонанинг тулки мисол ўйинларидан чўчиб, Паҳлавон Ҳусайн Девона билан бирга тил бириктириб, тархоний амирларини ўлдирмоқни мақсад қилди ва бир қуни кенгаш баҳонасида уларни Боғи Зоғон қўшиқига чақирди. Йиғин тўплангач, Амир Аҳмад Ферузшоҳ ақлу фаросат нури орқасида гап нимадалигини англаб етди ва бир баҳона билан боғдан ташқари чиқиб, Тун шаҳри томонга қараб от солди. Чунки укаси Амир Султон Ҳусайн ўша шаҳар ҳокими эди. Ўша лаҳзадаёқ Амир Шерҳожи ва Паҳлавон Ҳусайн Девонанинг навкарлари тархоний амирларни аёвсиз қилич билан чопиб ташладилар. Қўлидаги пичоғи билан гўшт тўғраётган Амир Увайс тархон эса ажиб бир абжирлик қилиб, Амир Шерҳожининг ёнига етиб борди ва унинг қорнига пичоқ урди. Амир Шерҳожи у билан олишишга тушиб, мулозимлар Увайс тархонни ўғли Юсуф тархон ва Хусрав тархон билан бирга ўша ондаёқ ўлдирдилар.

Паҳлавон Ҳусайн Девона ўзидан нажот тилаб борган Муҳаммад тархонни ҳам қатлга етказди ва ўша қуниёқ ўз суюрғоли бўлмиш Хоф шаҳри тарафга йўл олди. Йўл асносида эса тасодифдан Амир Аҳмад Ферузшоҳга дуч келиб қолди. Салом-алиқдан бурун ул икки сардор қасос қиличини қиндан суғуриб, бир-бири устига ташландилар. Олишувда Паҳлавон Ҳусайн Девона ғолиб чиқиб, яхши хулқ-атвори билан ном чиқарган Амир Аҳмад Ферузшоҳ шаҳидлик шарбатини татиди.

Амир Муҳаммад Гиёсиддин тархон ва мавлоно Аҳмад Ясовул ул фитнадан жонини омон сақлаб, ўлим гирдобидан қутулиб чиқдилар ҳамда Мурғоб дарёси бўйида Мирзо Султон Иброҳимга бориб қўшилиб, кўрганларининг барисини битта қолдирмай айтиб бердилар.

Амир Шерҳожи бундай хатарли ишга қўл ургач, Мирзо Шоҳ Маҳмуд Боғи Зоғондан чиқиб, шаҳарга кириб Ихтиёрдин кўрғонида манзил тутди. Маҳди улё Гавҳаршод Оғога


эса ул кўрфон рўпарасидаги ҳазрат саид хоқон Шоҳрух Мирзо қурдирган мадрасада сокин туришни буюрди. Бир неча кун ўтиб, Амир Шерҳожи қорнидаги пичоқ захмидан етган яра тузалди. Айни ўша пайтда Мирзо Иброҳимнинг катта издиҳом ва кўп кишилар билан бирга урушга жазм қилганча, пойтахт Ҳиротга бостириб келаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалди.

Шунга биноан, Амир Шерҳожи Мирзо Шоҳ Маҳмудни Боғи Мухторга олиб кетиб, натижада Ҳирот шаҳри амирлар ва давлат устунлари вужудидан холи қолди. Қози Қутбиддин Аҳмад ул-имомий маҳди улё Гавҳаршод Оғо кўрсатмасига биноан шаҳар қалъасини беркитиб мустаҳкамлади ва дарвозаларга кўриқчилар қўйди ҳамда шу қозининг буйруғи бўйича «ҳеч бир инсон босқин-талон қўлини халқ томон чўзмасин ва оёғини ўз ҳаддидан ташқари босмасин» дея жар солдилар.

Мисра:

Қани кўрайликчи, бундан сўнг нима бўларкан?

**МИРЗО СУЛТОН ИБРОҲИМНИНГ
ПОДШОҲЛИК ТАХТИГА ЎТИРГАНИ ВА
МИРЗО ШОҲ МАҲМУДНИНГ ИЛОҲИЙ
ТАҚДИР БИЛАН ЕНГИЛГАНИ ЗИКРИ**

 **Д**нг қудратли Султоннинг¹ иродаси шу эканки, «Иброҳимга Ҳақ йўлини ато этдик»² карима калимаси бўйича Мирзо Султон Иброҳимнинг қобилият қомати бор-йўғи бир неча кунгина тараққий топиш ва ҳукмронлик қилиш тўғриси билан безанди ва дўст тутиниш нурлари партави «Иброҳимни Аллоҳ ўзига дўст тутган»³ каломи балқиши бўйича бу султон аҳвол манглайи сари чарақлади. Мазкур машғум ҳодиса ва эслатилган мудҳиш фитна сабабли Мурғоб дарёси бўйида чексиз сонли қўшин ақл-тадбир эгаси бўлмиш ул подшоҳнинг жаҳон олувчи байроқлари остига

¹ Аллоҳи таоло кўзда тутилмоқда.

² Қуръони карим, Анбиё (21) сураси, 51-оятдан.

³ Қуръони карим, Нисо (4) сураси, 125-оятдан.





тўланди. Шундан фатху зафар қоматини кўришга умид боғлаб, пойтахт Хирот сари юзланди ва бир қанча манзилларни босиб ўтиб, неча бир бекатларни ортда қолдириб, 861 йил ражаб ойининг еттинчисида¹ сешанба тонги Боғи Мухтор яқинига етишди.

Мирзо Шоҳ Маҳмуд бу хабарни эшитиб, ихтиёр жilовини қўлдан чиқарди ва юзини Машҳад тарафга қаратиб, қадамини қочиш водийсига қўйди. Амир Шерҳожини эса Тирату қўрғони сари кетди. Аллоҳнинг қазову тақдири сабабли бобурийлар йиғноқининг палоси йиғиштирилди. Ўша куннинг пешин маҳали Мирзо Султон Иброҳим Боғи Мухторга келиб тушди.

Амирлар ва лашкар аҳлидан бир тўдаси душман орқасидан қувлаб кетдилар. Ул гуруҳдан бир бўлаги Мирзо Шоҳ Маҳмуд кейнига тушишди. Искандар Қора Юсуф ўғли Малик Қосим, Давлаткелди Тоғай, Қарамон Туркмон, Ҳожини Халил ва унинг укаси Ҳожини Абдуллоҳини ушлаб олиб Мирзо Иброҳим олдига элтдилар.

Малик Қосим ва Қарамон Туркмон маҳди улё Гавҳаршод Оғонинг шафоати билан қутулдилар. Номини тилга олганларимизнинг бошқа барчаси қатл этилди. Амир Шерҳожини таъқиб қилиб кетган бўлак унга етиб олиб, қўлни қилич ва найза сари чўзиб, олишувда ғалаба қозондилар. Амир Шерҳожини яралансада, жанг майдонидан қутулиб чиқишга муваффақ бўлди ва Тирату қўрғонига кириб олди.

Мирзо Султон Иброҳим бу фатҳларни муяссар этгани учун атолар бахш этувчи ҳазрати таолога шукрлар айтиб, инъом ва эҳсон эшикларини инсон табақалари юзи сари очган ҳолда отабобосининг салтанат тахти узра ўтирди.

Фозиллардан бири ушбу рубоийни назм ипига тизганди.

Рубоий:

Адолат билан юртга ёрдам этувчи шоҳ,
Мулкка келган бахти қайтмас давлат гўё.
Шоҳаншоҳлик тахтига ўтиргани учун,
Тарихи «мулк тахтига чиқиш» бўлди.

¹ 861 йил еттинчи ражаб – 1457 йил 1 июнь.





Мирзо Султон Иброҳим олий бахтли ҳимматини юрт юмуши ва давлат ишларини тартибга солиш, мамлакатга қараш кабилар сари йўналтириб, вазирлик мансабини Хожа Шамсиддин Муҳаммад Бухорий ва Хожа Саъдиддин Муҳаммадга иноят қилди.

Шаҳар доруғалиги лавозимини Мирзо Алоуддавланинг хос кишиларидан саналмиш Амир Қора Баҳодирга топширди.

Пул, лашкар, мол, ашё кабиларни қўлга киритгандан сўнг туркий Ўд йилида, мазкур йилнинг шаъбон ойи ўрталарида¹ Мирзо Шоҳ Маҳмуд билан урушга азми қарор қилиб, юзини Машҳад сари қаратди ва Ихтиёриддин қўрғонини ўзи қаттиқ ишонган мавлоно Аҳмад Ясовулга топширди.

У томондан шоҳ Маҳмуд муқаддас Машҳадда чексиз сонли аскар тўплаб, қайтиш жиловини пойтахт Ҳирот томонга бурди. Мирзо Султон Иброҳим ҳам душман сари йўналиб, кўнгли тўридан урушга мустаҳкам жой ажратди.

Тарафлар бир-бири билан дуч келмасдан олдин Мирзо Бойсунқур, Мирзо Алоуддавла, Мирзо Абулқосим Бобур каби ҳукмдорларнинг давлатида бир неча йиллаб вазирлик қилган Хожа Важиҳиддин Семноний Мирзо Шоҳ Маҳмуд ҳузуридан қочиб, Мирзо Султон Иброҳимга бориб қўшилди. Бироқ Мирзо Султон Иброҳим томонидан кишанланиб ва мусодара қилиниб, Фушанж туманида кўч-кўронини охират сари орқалаб кетди.

Шунингдек, Мирзо Абулқосим Бобур замонида Ҳирот доруғаси бўлган ва подшоҳ буйруғига биноан Мирзо Иброҳимни бироз вақт ҳибсда ушлаб турган Мир Ҳубби ўша даврда содир этган айби сабабли йўналиш туғини мангулик олами томон кўтарди.

Алқисса, Шоҳмалик Работи ва Кавсавия қишлоғи ўртасидаги майдонда ул икки урушқоқ шаҳзода рўпарама-рўпара келиб, сафларни тўғрилашга киришдилар. Қўшинлар тўпи худди денгиз каби мавжланиб кўпирган кўйи қилич ва найза кўтариб, майдон сари чопдилар.

Дастлаб Мирзо Шоҳ Маҳмуд қўшини ғолиб келиб, душманнинг маймана ва майсарасини қочириб юборди.

¹ 861 йил шаъбон ойи ўрталари – 1457 йил 10 июль.





Кейинроқ эса Амир Аҳмад тархон ғул қисм ботирлари билан душман томон йўналиб, етук шижоат ва баҳодирлик намунасини кўрсатдилар. Дастлаб енгилган Мирзо Султон Иброҳим энди зафар қозониб, Мирзо Шоҳ Маҳмуд тағин Машҳад тарафга қочди. Мирзо Иброҳим улуғ тангрига шукрлар айтиб, битмас-туганмас ўлжани қўлга киритган ҳолда душманларни қувлашга тушди.

Бу пайтда тағин бирданига бир нечта гаройиб воқеа рўй берди: Шаъбон ойининг йигирма бешинчисида¹ душанба куни чоштгоҳ маҳали «Мирзо Шоҳ Маҳмуд фатҳу ғалабага эришди» деган хабар келган бўлса, бир неча лаҳза ўтмай, бу хабар кетидан бошқа кишилар келиб «Мирзо Иброҳим зафар чехрасини кўришга муяссар бўлди, Мирзо Шоҳ Маҳмуд эса қочиш водийси сари қадам қўйди» дейишди.

Ўша куннинг пешин вақти чоғи бўлса, Султон Абусаид Мирзонинг элчиси ташриф буюриб, улуғлар ва шариф зотлар номига битилган нишон-фармонларни кўрсатди. Улар мазмуни қуйидагича эди: — Эртага тонгда Султон Абусаид Мирзонинг қутлуғ мавкаби ғалаба ва ютуқ тантанаси билан шаҳар боғига келиб тушажак ҳамда подшоҳона қўли билан адолат ва эҳсон эшикларини инсон табақалари турмуши юзи сари ланг очажак.

СУЛТОН АБУСАИД МИРЗОНИНГ ДОРИССАЛТАНА ҲИРОТГА КЕЛГАНИ БАЁНИ ВА РҶЙ БЕРГАН БОШҚА ҲОДИСАЮ ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ



Султон Абусаид Мирзо Самарқанд тахтига чиққани бошиданоқ ҳиммати юксаклиги сабабли Хуросон мамлакатларини, балки бутина эмас, ҳатто, Эроннинг бошқа юртларини эгаллаш режасини ёғдули кўнгли лавҳига нақшлаган эди. Мирзо Абулқосим Бобурнинг вафот этганини эшитиб, ул муддаоси яна ҳам кучайди. Ўша аснода Балх ҳокими Амир Шайх Ҳожи ул Жамшид мартабали подшоҳ ҳузурига чопар юбориб, ушбу гап-

¹ 861 йил йигирма бешинчи шаъбон – 1457 йил 18 июль.





ларни арзга етказди: — Хуросон ўлкасида фармони ўтувчи бирор султон қолмади. Агар зафар аломатли байроқлар бу томонга қараб йўналса, ғалаба юзи мурод ойнасида жамол кўрсатажак. Камина эса хизмат камарини белимга боғлаб, қутлуғ мавкабингиз мулозиматида бўлажакмен.

Султон Абусаид дарҳол фатҳу ғалабага тизгиндош лашкар билан Амуя дарёсидан ўтиб, чақмоқ чақини ва ел тезлигида йўналиш юзини пойтахт Ҳиротга қаратган ҳолда шаъбон ойининг йигирма бешинчисида душанба куни Соқи Салмон қишлоғининг Пашт мавзеига етиб келиб, шу ерда чодир ва саропарда қуббасини қуёш ва ой авжигача кўтарди. Сўнг Ҳирот улуғлари билан учрашишга талабгор бўлиб, ул жамоат эса шошилиш қадами билан мақтов хислатли подшоҳни кутиб олдилар ва ниёзу нисор шартларини бажо келтириб, тилни дуо ва ҳамду саного чоғладилар.

Ихтиёридин қалъаси кутволи мавлоно Аҳмад Ясовул ва Ҳирот доруғаси Қора Баҳодир дастлаб шаҳарни беркитмоқчи бўлдилар, аммо бунга ожизлик қилишларини билиб, бу иш баҳридан воз кечдилар ва фақат ўзлари турган Ихтиёридин қалъасини ҳимоя қилмоқ истаги билан кифояландилар.

Эртасига қуёш жамшиди уфқ доирасидан осмон шаҳристонига кириб келиб, қадамини феруза рангли тахт устига қўйган маҳали Султон Абусаид Мирзо Қипчоқ дарвозаси орқали пойтахт Ҳиротга кириб келди ва шаҳар боғига қутлуғ қадами шарафи билан безак ва зийнат бағишлади ҳамда салтанат ва юртга эгалик қилиш тахтига чиқиб, инсон тоифаси қулоғига тинчлик ва осойишталик башоратини эшиттирди. Шу тариқа адолат ва халқпарварлик палосини ёйишидан хушхабар етказиб, зулм ва зўравонлик расмини йўқ қилди.

Ўша куниёқ эътиборли зотлардан бир гуруҳини мавлоно Аҳмад Ясовул олдига жўнатиб, уни итоат ва бўйсунлишга чақирган ҳолда иноят ва меҳрибонлик қилиш ваъдасини берди. Мавлоно Аҳмад Ясовул «бу уйни валинеъматим менга топшириб, уни қўриқлашим борасида қаттиқ илтимослар қилгани сабабли куфрони неъмат бўлиб, хўжайиним тузлуғига тупур-





ганча хиёнат йўлига киришим ва қалъани бировга топширишим ҳеч ҳам мумкин эмас. Агар осмондан тош ва ўқ ёмғири ёғса-ю, ер тагидан найзаю қилич униб чиқса-да, бу ишни ўзимга раво кўрмайман ва қўрғон эшикларини душманга очиб бермайман» дея жавоб берди. Саид султон бу жавобни эшитганидан сўнг дарғазаб бўлиб, эртаси куни шаҳардан ташқари чиқиб кетди ва маҳди улё Гавҳаршод Оғонинг мулоқотига етиб, Боғи Зоғонни ўз истиқомат жойига айлантирди.

Сўнг Ихтиёриддин қўрғонини забт этмоқ ҳаракатининг байроқларини ҳилпиратди. Хожа Шамсиддин Муҳаммад ва-зир ва салтанат тахти поясида турган бир гуруҳ амалдорлар қамал ва уруш оловини ёқиб, қўлларидан келгунча жанг қилиш ва қон тўкиш шартларини адо этдилар. Аммо ул қалъа жуда мустаҳкамликда айланувчи осмон қалъаси рашкини келтирувчи бўлгани ҳамда ўша вақтда ичи урушга яроқли қурол-аслаҳа, қалъа сақлашликка жавоб берувчи асбоблар билан тўлалиги учун уруш-саваш ва хужум қилиш оловини ёққандан фойда чиқмади. Мавлоно Аҳмад Ясовул ҳар қандай гап-сўз билан ҳам мудофаа урушидан ҳеч воз кечмади.

Ўша аснода фитна қўзғатувчи бир тўда бузғунчилар султонни саиднинг арзига қуйидаги ифво гапларини етказиб: — Мирзо Султон Иброҳимнинг ишончли кишилари тинимсиз равишда маҳди улё Гавҳаршод Оғонинг олий даргоҳига келиб, бу ердаги хабарларни ўрганиб яна орқага қайтиб кетишмоқда. Шунингдек, Сизнинг олдингиздан Амир Шерҳожини келтириш учун Тирату қўрғонига кетган элчининг қайтиб келиб айтишича, мазкур амир «гарчи тархоний амирлари ўлдирилган бўлса-да, аммо, модомики, Гавҳаршод Оғо тирик экан, мен Султон Абусаид Мирзонинг хузурига бора олмайман» демоқда эмиш, — дедилар.

Шу икки ишга кўра, Султон Абусаид Мирзо муборак рамазон ойининг тўққизинчи куни¹ ул замон Билқисини² ўлдириш бора-сида фармон берди.

¹ 861 йил тўққизинчи рамазон — 1457 йил 31 июль.

² Билқис — Сулаймон пайгамбарнинг хотини малика Билқиснинг поклик ва бойлигига ишора.





Бу ўта аянчли воқеа эса ул мақтов хислатли подшоҳ давлати кўзига тушган ярашиқсиз ва хунук хол бўлиб қолди. Гавҳаршод Оғо иффат ва инсофлилик сифати билан мақталган малика эди ва доим олий барокатли ҳимматини хайрия иморатларини қуриш ва хайру эҳсон улашиш сари қаратганди. У қурдирган бинолар жумласидан пойтахт Ҳиротнинг шимол тарафидаги мадраса ва жоме масжиди ҳисобланиб, бу иморатлар деворларига жуда гўзал нақшинкор безаклар берилган. Машҳаддаги муқаддас имом Ризо мақбараси мажмуасида ҳам бир муҳташам ва ниҳоятда чиройли жума масжиди биносини қурдирган ҳамда бу даргоҳга атаб яхши ер-сув мулки ва гўзал асбоблар вақф қилган.

Алқисса, мағфиратли малика ҳодисасидан сўнг Амир Шерҳожи Тирату қўрғонини ўз ишончли кишиларидан бирига топшириб, пойтахт Ҳиротга ошиқди ва саид султоннинг мулозимати шарафини топди.

Яна ўша айёмда ул қўрғонда жуда ғаройиб бир воқеа рўй берди. Бу воқеанинг шарҳи шуки, Бирка мўғул номли насабу ҳасаби номаълум бир киши кунлардан бирида намозгар пайти Тирату қўрғони олдига бир нечта қўй етаклаб келиб, дарвоза қўриқчилари билан гаплашиб, кечаси шу қўрғонда тунаб қолишга рухсат беришларини илтимос қилади. Илтимоси қабул тушиб Тирату қўрғонига киради. Тун ярмидан оған пайти ёнидаги арқон билан қўрғон тагида турган бир тўда ўртоқларининг барисини девор оша тортиб қўрғонга киритади ва улар билан биргаликда журъат қиличини яланғочлаб, қутилмаган бало янглиғ қалъабегини устига ёпирилиб боради. Ул бечора бир нечта жойидан яраланиб, зўрға қочиб қутулади. Бирка шу зайл Тирату қўрғонини қўлга киритиб, эл орасида «пахлавон» номи билан шухрат қозонади.

Султон Абусаид Мирзо бу воқеанинг шарҳини эшитгандан сўнг ва Балх томондан ҳам Мирзо Абдулатиф авлодининг исён кўтаргани хабари келгач, Хуросонда ортиқ тўхтаб туришни маъқул топмай, шаввол ойининг тўққизинчисида¹ оти жиловини Ҳиротдан Мовароуннаҳр тарафга тўғрилади. Амир ва лашкар

¹ 861 йил тўққизинчи шаввол – 1457 йил 31 август.





аҳлидан бир гуруҳини душман фитнасини йўқотиш учун ўзидан сал олдинроқ жўнатди ва улар Балх атрофида жасурлик майдонида мухолифат отини йўрттириб юрган Мирзо Аҳмад бин Мирзо Абдуллатифга дуч келиб, икки тараф қўлларини уруш асбобларини ишлатиш сари чўздилар. Мирзо Аҳмад жангда ўлдирилиб, укаси Мирзо Муҳаммад Жўки қочиб кетди. Султон Абусаид Мирзо Аллоҳи таоло ҳимояси остида қуббатулислом Балхга етиб бориб, қишлоқ расми билан қишни ўша шаҳарда ўтказди.

Султон Абусаид Ҳиротда турган пайти Хоф ва Бохарз турманларида истиқомат қилиб турган Мирзо Иброҳим эса ул жанобнинг юртига қайтиб кетганидан хабар топгач, бир неча кеча-кундуз шодлик ногорасини чалиб, Амир Аҳмад тархонни ул фоҳира шаҳар ҳукуматини бошқариш учун юборди. Амир Аҳмад халқпарварлик ва аҳолини ҳимоя қилиш бобида етук марҳамат ва адолат намунасини кўрсатиб, ҳодисалар шамолидан қўпорилиш даражасига етиб қолган омонлик ва осойишталик чинорини лутфу эҳсон суви билан «асил дарахтнинг илдизи ер тубига маҳкам ўрнашган, шохлари эса юксак осмонда»¹ сифатини бағишлади.

Рўза ҳайити куни маҳди улёнинг пок руҳига бағишлаб хатми Қуръон туширтирди ва фақиру етим-есирларга ошу таом бериш маросимларини адо этиб, таъзия йиғини палосини кенг ёйди.

МИРЗО СУЛТОН ИБРОҲИМНИНГ ЖУРЖОН МАМЛАКАТИ САРИ ЮЗЛАНГАНИ ВА МИРЗО ЖАҲОНШОҲ ТУРКМОННИНГ ҚЎШИНИ ҲАМЛАСИДАН ТОР-МОР БЎЛГАНИ ЗИКРИ

Улуф фозилларнинг анбар сочувчи ёзувларидан ушбу хабар таровати одамлар тоифаси димоғига етадиким, Мирзо Шох Маҳмуд Иброҳим Мирзо билан бўлган жангда енгилиб, бир неча

¹ Қуръони карим, Иброҳим (14) сураси, 24–25-оятлардан.





кун Машҳадда тургач, йўналиш тизгинини Журжон тарафга бурди ва ул диёр ҳокими Амир Бобо Ҳасан шаҳзодага нисбатан дилга ўрнашар хизматлар бажо келтириб, салтанати асбобларини бутлаб берди. Мирзо Иброҳим душманнинг бу каби йиғинидан ҳабар топиб, Нисо ва Ёзир йўлидан йўналиш байроғини ул тарафга қараб кўтарди. Мирзо Шоҳ Маҳмуд Астробод қўшини билан амакиваччаси қаршисига қараб юриб, урушмоқ қарорига азму жазм қилди. Аммо йўл юриш асносида Мирзо Жаҳоншоҳнинг Ироқ ва Озарбайжон лашкари билан Сандуқшикан номли тоғ йўлига етганини эшитди.

Мирзо Жаҳоншоҳнинг ул томонга лашкар тортгани сабаби шунда эдики, Сори вилояти ҳокими Амир Низомиддин Абдулкарим Амир Бобо Ҳасаннинг зулмларидан танг аҳволга келганди ва доим Озарбайжон шаҳриёри даргоҳига элчилар юбориб «Хуросонда фармони нуфузли ва гап-сўзи ўтувчи бирор подшоҳ қолмаганидан Мирзо Иброҳим ва Мирзо Шоҳ Маҳмуднинг боши бир-бири билан жанжалдан чиқмаяпти. Агар жаҳон олувчи байроқ етишиш соясини бу вилоятлар худудига ташласа, фатҳу ғалаба офтоби мурод уфқидан яхши бир суратда балқиб чиқажак» дея айттириб турди. Ҳамиша ул мамлакатларни эгаллаш орзусида юрган Мирзо Жаҳоншоҳ ҳам Амир Абдулкаримнинг сўзларини қабул қулоғи билан эшитиб,

Байт:

Шижоатга ёр подшоҳ Райдан,
Шитоб этди Журжонга шаҳдам.

Сандуқшикан деган тоғ сўқмоғидан ўтгач ва бу гап Мирзо Шоҳ Маҳмуд олдида аён бўлгач, Амир Бобо Ҳасан билан биргаликда оти жilовини қочиш сари бурди. Лекин Мирзо Иброҳим бу ҳақдаги миш-мишларни душманнинг макру алдовига йўйиб, жуда тезликда масофаларни босиб ўтган ҳолда Астрободнинг бир фарсахлик яқинига етди. Шу ерда амирлар ва яхши ниятли тарафдорларнинг қанчалик «Мирзо Жаҳоншоҳ ҳақидаги гаплар аниқ-тиниқ маълум бўлгунига





қадар тўхтаб туриш керак» деб жон куйдирганига қарамай, бу гапларни ризолик қулоғи билан эшитмасдан, у ердан ҳам қўзғалиб, довюраклардан бир тўпини манглай йўсини билан олдинроқ юборди.

Ул кетганлар тўқай ва ботқоқзор оралаб озгина йўл юргач, туркмон сипоҳининг бир гуруҳ қоровуллари дарахтлар ортидан пайдо бўлишди. Хуросонликлар эса ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмасдан жангга киришдилар. Шунда кутилмаганда тўқайзор ичидан жуда кўп сонли халқ чиқиб, хуросонликлар устига ташланди ва қудрат панжаси билан хуросонликларнинг йиғин занжирини узиб юборди.

Назм:

Пистирмадан чиққанда туркмон,
Қўрқувидан титради замон.
Қоровулар шиддаткор кучдан:
Қочдилар соядай куёшдан.

Шу аснода Мирзо Иброҳим қўрқувдан икки бўлак бўлган юрак билан манглай қисмга келиб қўшилиб, озгина вақт душман қаршисида турди. Ёвга қарши курашишга кучи йўқлигини билгач, мажбурлик қўли билан жиловни қочиш дашти сари бурди. Озарбайжон сипоҳи ботирлари эса, хуросонликларнинг кейинидан қувиб, кўпчиликни аёвсиз қилич тифидан ўтказдилар ва бир тўда паҳлавонларни асир олдилар.

Амир Саййидхожа ўғли Амир Саййид Юсуф, Амир Ферузшоҳ ўғли Амир Султон Ҳусайн, Амир Саодат Ховандшоҳ ўша пистирмада ўлдирилган кишилар жумласидан эдилар. Амир Саййидхожанинг Амир Абусаид Мирам исмли яна бир ўғлини эса тирик қўлга тушириб, Амир Жаҳоншоҳ олдига элтдилар ва уни ҳам Жаҳоншоҳ фармонига биноан қатлга етказдилар. Бу воқеа 862 йилнинг йигирма бешинчи муҳаррамида¹ сешанба куни рўй берганди.

Мирзо Султон Иброҳим бу урушдан эсон-омон чиқиб қутулгач, ой тез юрган вақтдаги каби бирор лаҳза ҳеч бир ман-

¹ 862 йил йигирма бешинчи муҳаррам – 1457 йил 12 декабрь.





зилда дам олмай, сафар ойининг еттинчисида¹ якшанба куни ўзининг оз сонли мулозимлари билан бирга Ҳиротга етиб олди.

Ишончли кишилардан эшитишимча, Мирзо Иброҳим ўша куни Ҳирот шахрининг Хиёбон кўчасига кирган чоғи дўкончада ўтирган бир қаландар ўрнидан туриб: — Эй жаҳон аҳлининг подшоси, умринг узоқ бўлсинким, агар яна бир шунақа юриш қилсанг, Чифатой султонлари уруғи қурийдиди-қолади, — деган экан.

Алқисса, Ҳирот ҳокими бўлмиш Амир Аҳмад тархон шахзоданинг шаҳарга яқин келиб қолганидан хабар топгач, кутиб олиш шартларини бажаришга уннаб, сон-саноксиз олтин-кумуш тангалар, елдек учар отлар, хачир ва уловлар, шоҳона чодир ва ўтовлар, нафис газламалар, қимматбаҳо гилам ва палослар тортиқ қилди. Хуросоннинг бошқа шариф кишилари ва аъёнлари ҳам ниёзу нисор шартларини бажо келтирдилар.

Шу зайл Мирзо Иброҳим яна бир бор салтанат тахтига ўтирди. Мавлоно Аҳмад Ясовул Ихтиёриддин қалъасидан ташқари чиқиб, шахзодани кўриш шарафига эришди. Мавлоно Аҳмад Ясовул Султон Абусаид Мирзо каби қудратли подшоҳга қарши туриб, қўрғонни сақлашда чин садоқат ва ихлос намунасини кўрсатгани учун Мирзо Иброҳимдан кўпроқ даражада лутф ва иноятлар кутган эди. Аммо кутганига қарши ўлароқ, Мирзо Иброҳим мавлонининг иззатини унчалик жойига қўймади ва ўта эътиборсизлиги оқибати билан унинг барча жасоратли амаллари баробарида ўзини худди ҳеч нарса билмагандек тутди. Шунга кўра мавлоно Аҳмад Ихтиёриддин қалъасига қайтиб кириб исёнга қўл урди ва Аҳмад тархон узр сўраш мақсадида қанчалик олдига одам юбориб, инъом ва эҳсон ваъдаси дони билан қайтадан ул ёввойи қушни аврашга уринмасин, барибир фойдаси бўлмади. Мавлоно қайтиб қалъадан чиқмади. Ниҳоят Мирзо Иброҳим мавлонони талатиш ёқасидан тегажоғлиқ қўлини тортиб, Ихтиёриддин қўрғонини ноиложликданми ёки ўзи хоҳлаганиданми, ҳар қалай мавлоно Аҳмад Ясовулнинг ихтиёрида қолдирди.

¹ 862 йил еттинчи сафар ойи — 1457 йил 25 декабрь.



УЛУҒ МАХДУМЛАРДАН БИР ГУРУҶИНИНГ
 ЭЛЧИЛИК ЙЎСИНИ БИЛАН
 СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО ҲУЗУРИГА
 ЮЗЛАНГАНИ ЗИКРИ ВА АЛОУДДАВЛА
 МИРЗОНИНГ АНЧА ВАҚТДАН СЎНГ
 САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ҲИРОТГА ҚАЙТИБ
 КЕЛГАНИ БАЁНИ

Мирзо Султон Иброҳим Ҳирот шаҳрида бир неча кун дам олиб, вақтини фароғатда ўтказгач, амирлар ва давлат устунлари маслаҳатига кўра Султон Абусаид Мирзо билан келишув пойдеворини мустаҳкамлаш ва дўстлик ишларини боғлаб, қарама-қаршилик биносини бузиб ташлашни маъқул топди. Ва бу ишни рўёбга чиқариш бўйича ихтиёр қуръаси уч нафар улуғ киши номига ташланди: Биринчиси Шайх Нуриддин Муҳаммад бин Шайх Баҳоуддин Умар, иккинчиси Хожа Шамсиддин Муҳаммад ал-Кавсавий ал-Жомий, учинчиси эса ушбу қоралама муаллифининг бобоси Амир Бурҳониддин Ховандшоҳ. Ҳазрат Султон Ҳусайн Мирзонинг яқин кишиси, яъни Амир Низомиддин Алишернинг отаси Амир Фиёсиддин Кичкинани эса бу сафарда ул учта олий зотли улуғ киши ёнида бўлиб, ҳол-аҳволларига қараб бориш ишига тайинладилар.

Ул таъзим ва эҳтиромга лойиқ кишилар Султон Абусаид Мирзо ҳузурига бориб етишгач, яқинлашув ва ярашув сўзларини қандай суратда лозим бўлса, шундай тарзда адо этиб, подшоҳ арзига етказдилар. Саид султон ул гапларни қабул қулоғига жойлаб: — Келишув қоидаларини мустаҳкамлаш, яқинлашув ва дўстлик пойдеворини тиклаш борасида Мирзо Иброҳим қилаётган ҳар қандай илтимос унинг пойтахт Ҳиротни бизга топшириши ва унинг ўрнига Хуросон вилоятларидан истаган бир бошқа шаҳарни тасарруф қилиш шартига кўнишига бориб тақалади. Шунингдек, туркмон лашкари билан урушишда биз билан иттифоқчилик йўлида юриши лозим, — деди. Сўз шу қарорда тўхтаб, улуғ маҳдумлар эъзоз ва эҳтиром, инъому



икромга эришиб қайтдилар ва Султон Абусаид Мирзодан нимани эшитган бўлсалар, Мирзо Иброҳимнинг арзига етказдилар.

Бу даврдаги гаройиб ва ажойиб воқеалардан энг қизиғи шу эдиким, ўша йили Мирзо Жаҳоншоҳ Хуросоннинг Астро-боддан то Сабзаворгача бўлган ерлардаги ён-атроф шаҳар ва қалъаларининг ҳеч қайси бир-бирига бўйсунмайдиган бир нечта фармони ўтувчи нуфузли ҳокимликларини ўз қудрат қўлига киритганди. Мирзо Султон Абусаид эса Балхда ҳукумат юргизарди. Мирзо Султон Иброҳим Ҳиротда ўтириб, ҳеч бир зотга бош эгмасди. Мавлоно Аҳмад Ясовул-ку, Ихтиёриддин қўрғонини беркитиб, барча султонларни йўқ бўлган ҳисобларди. Мирзо Султон Санжар Марвда истиқомат қиларди. Мирзо Шоҳ Маҳмуд Тусда мустақил давлат нақшини ўз хаёл лавҳига ўйиб ёзганди. Бирка мўғул Тирату қалъасини эгаллаган эди. Амир Абдуллоҳ Пирзода Сарахс қалъасини ўзиники қилиб қўриқлаб ўтирарди. Амир Искандар Қора Юсуф ўғли Малик Қосим Амир Халил билан иттифоқликда Сейистон мамлакатини то Фароҳу Исфироргача эгаллади. Хабушон қалъасида Ҳасаншайх Темур сардорлик лавозимини адо этарди. Табас қалъаси Амир Увайс ибн Ховандшоҳ тасарруфида эди. Мирзо Алоуддавла бир неча йилдан сўнг Дашти Қипчоқдан қайтиб келиб, бир неча кун Обивард атрофида истиқомат чодирини тикди.

Мирзо Алоуддавланинг турмуш ҳоли бахт уфқидан балқиб чиққани ушбу янглиғ эътиборингизга ҳавола этилади: у Балх шаҳрини Мирзо Абулқосим Бобур сипоҳи қўлига ташлаб, қочиш байроғини Бадахшон тарафга қараб кўтарган вақтларда, бир неча кун ўша тоғлик ерларда саргардон бўлиб юрди. Кейин Дашти Қипчоққа кетди ва Мирзо Абулқосим Бобур вафотини эшитган давргача ўзбеклар орасида умр кечирди.

Сўнг Хуросонга йўл олиб, Хоразм йўли орқали Нисо ва Обивард вилоятига кириб борди. Ўзининг қутлуғ қадами етиб келаётгани хабарини билдириш учун Мирзо Иброҳим олдига чопар юборди. Шаҳзода эса хурсанд ва шоду хуррам бўлиб, меҳру муҳаббат қоришиқли сўзларни айттириб, қимматбаҳо





туҳфалар жўнатди. Аслида эса «ал-малику ақимун [ва ло арҳома байн-ал-мулуку]»¹ ҳукмига биноан, ичидан отасининг келганини ёқтирмай, ниҳоятда ғам-ғуссага ботди. Мирзо Алоуддавла Обиварддан Ҳирот шаҳри сари йўналиб, мақсаддаги манзилга яқин етгач, Мирзо Иброҳим кутиб олиш маросимига шошилди. Санжоб дарёси бўйида Мирзо Алоуддавла кўзини саодатманд ўғли дийдоридан равшан қилиб, ушбу мақол мазмунини тилга олди.

Байт:

Шукриллоҳ, қайтдинг йироқ сафардан,
Дийдорингдан кўзлар бўлдилар равшан.

Мирзо Иброҳим ҳам мўл-кўл қувонч ва чексиз севинч нишонасини кўрсатиб, мақтов сифатли отаси қўлларини ўпиш бахтини топганидан атолар бахш этувчи Эгамга шукр қилиш шартларини адо этди.

Байт:

Мен дўст дийдорига ноил бир банда,
Шукринг изҳорига ожиз шарманда.

Ота ва ўғил мулку давлат манфаатларига оид сўзларни гаплашиб, қуйидагича қарорга келинди: Мирзо Иброҳим лашкар билан Тахти Малик мавзеида турадиган, Мирзо Алоуддавла эса Ҳиротга бориб, бир неча кун йўл заҳматини танидан аритиб, ҳордиқ чиқарадиган бўлди.

Шунга кўра ул жаноб Ҳирот сари йўлга тушиб, 862 йил еттинчи жумодилохирда² жума куни Соқи Салмон қишлоғига етиб келди. Қозилар, мавлонолар ва шаҳар аҳолиси қутлуғ мавкабни кутишга ошиқиб, ниёз ва сочқи шартларини бажо келтирдилар. Ўша кун бозор аҳли ва оддий халқдан ҳам томоша учун шу қадар кўп киши шаҳардан ташқари чиқдики, ҳали шу чоққача ҳеч бир ҳайит тантанаси пайти ёки Наврўз байрами чоғи бирон кимса бу каби йиғинни кўрмаган эди.

¹ Нашр матнида бу арабча мақолнинг фақат «ал-малику ақимун» сўзлари берилган. Биз унинг арабча шаклини тўлиқ бердик. Таржимаси: Бепушт подшоҳнинг подшоҳлар орасида ҳам қариндош-уруғи йўқ.

² 862 йил еттинчи жумодилохир — 1458 йил 2 май.





Байт:

Уша кун шунчалик қайнади одам,
Ки ерга илож йўқ қўймоққа қадам.

Мирзо Алоуддавла Хиёбон кўчасига кириб, махди улё Гавҳаршод Оғо мадрасасига ташриф буюрди ва буюк бувиси равзаси зиёрати маросимини бажо келтириб, у ердан Боғи Зоғонга кетди. Сўнг айшу шодлик палосини ёймоққа буйруқ берди.

Байт:

Мажлис безовчилар енгил туришди,
Айшу шодлик базмини қизитишди.

Ул оламини ёғдулантирувчи подшоҳ бахту ферузлик ёронлигида бир неча кун айланувчи қадахга ҳамдам ва гул андомли гўзалларга ҳамнафас бўлиб, ҳаёт лаззатларидан тўла ҳузур-ҳаловат топди. Лекин ҳали бу ишлардан қўл тортмай туриб, Мирзо Жаҳоншоҳ қўшини келаётгани хабарини эшитгач, қочиш байроғини кўтаришга мажбур бўлди.

Байт:

Қайси мурод жоми гардиш бошлайди,
Фалак ҳасад қилиб хашак ташлайди.

МИРЗО МУЗАФФАРИДДИН

ЖАҲОНШОҲНИНГ МАҒФИРАТ ПАНОҲЛИ

ҲАЗРАТ ХОҚОННИНГ ТАХТГОҲИГА

ЕТИШГАНИ ЗИКРИ



Мирзо Жаҳоншоҳ Журжон мамлакатини забт этиш ишларидан бўшагач ва бир неча вақт Исфароин шаҳрини салтанат чодирлари устунлари тикланадиган жойга айлантиргач, қиёмат аломатли лашкар билан худди темир совутли зангори осмонга ўхшаб салтанат пойтахти Ҳиротга йўналди.

Султон Иброҳим Мирзо ул олий мартабали подшоҳнинг келаётганидан хабар топиб, қочиш жilовини Ғур тоғлиги сари тўғрилади ва отаси олдига чопар юбориб «бундан кейин ул ҳазратнинг Ҳирот шаҳрида туриши маъқул кўрилмайди» дея айттирди.





Мирзо Алоуддавла ноилож салтанат ўтида минг бир дарду алам билан куйганча, 862 йил шаъбон ойи бошида¹ юзини ўғли қароргоҳи сари қаратди.

Ул жаноб кетганидан кейин Ҳирот шахрининг саййиду уламо, фуқарою камбағалигача бутун аҳолиси туркмон қўшинидан қўрқиб, саросима ва паришонлик аро қолдиларким, баён бармоқлари уни шарҳлаш уддасидан чиқа олмайди. Фурсатдан фойдаланган чапани ва бебош кишилар талон-торож ишига шу даража киришдиларки, икки тилли қалам уни ёзмоқ кафолатини бўйнига олмайди.

Ўша воқеалар юз бериб турганда Мирзо Жаҳоншоҳ Кавсавия кишлоғига етиб келди ва Ҳиротнинг каттаю кичиги олатасирда қолганию қоча-қочга тушгани хабарини эшитиб, шу жиҳатдан шахарнинг аъён ва шариф кишиларига ўз паноҳи остига олиш хатларини юборди ва Амир Пирзода Бухорийни шахар доруғалиги мансабига тайин қилиб, халқ юрагига адолату инсоф билан идора этиш умидини солган ҳолда шахсан ўзи шаъбоннинг ўн бешинчисида² етишув соясини Боғи Зоғон узра ташлади.

Сўнг Ихтиёриддин қалъасини эгалламоқни ҳам олий кўнглига тутди.

Мавлоно Аҳмад Ясовул бир неча кун қалъани сақлаш шартларини бажо келтириб, ниҳоят омонлик тилаганча ташқарига чиқди ва хусравона меҳрибонлик кўрганча подшоҳлик назарига манзур бўлиб, яна орқага қайтди.

Мирзо Жаҳоншоҳ Хуросоннинг салтанат тахтида ўрнашиб олгач, саййидлар, қозилар, уламо, ашроф ва аъёнларга озми-кўп иззат-икромлар кўрсатиб, мағфиратли саид хоқон Шохрух Мирзонинг эски дастур-қоида ва ҳукмларини амалга оширишда давом эттиришлари юзасидан фармон берди.

Бир неча кун Ҳиротнинг шарқий томонида жойлашган Кўҳистон сайхонлиги Мирзо Жаҳоншоҳ чодирлари тикланган давлат қароргоҳига айланиб, ул соҳиб ҳашамат подшоҳнинг улуғлик ва шавкати овозаси кайвон айвонидан ўтиб кетди.

¹ 862 йил шаъбон ойи боши — 1458 йил 14 июнь.

² 862 йил ўн бешинчи шаъбон — 1458 йил 28 июнь.





**МИРЗО АЛОУДДАВЛАНИНГ МАҚТОВ
СИФАТЛИ ЎҒЛИ БИЛАН ЁВЛАШГАНИ
ВА УЛ ЖАНОБНИНГ МИРЗО ЖАҲОНШОҲ
ДАЪВАТИГА БИНОАН САЛТАНАТ УЙИ
ҲИРОТГА БОРГАНИ**



Мирзо Алоуддавла ва Султон Иброҳим Мирзо Ироқи Ажам ва Озарбайжон қўшинидан қўрқиб, Ғур туманига қочишаркан, ота пастки Ғурда манзил тутди, ўғил юқори Ғурда истиқомат чодирини тиклади.

Ўша аснода Мирзо Алоуддавланинг яқин кишиларидан саналмиш Амир Халил ўз ўғли Муҳаммад Халил билан бирга Иброҳим Мирзонинг қоровули бўлган Қора Баҳодир устига шабхун уюштирди ва унинг барча ашё-буюмларини талон-торожга йўлиқтирди. Отасининг бундай ноўрин қилиғидан қаттиқ ажабланган Султон Иброҳим Мирзо отаси оддига чопар юбориб, у орқали шикоят оҳангидаги гапларни етказди. Мирзо Алоуддавла жавобда ушбуларни билдирди: — Ғуломим бўлмиш Қора Баҳодир томонидан нурли қалбимиз четига кўнгил қолишлик ғубори кўнган эди. Шунга кўра унга бу янглиғ зарар-зиён етди.

Ана шу жиҳатдан ота ва ўғил ўртасида гина-кудурат сурати кўриниш бериб, бирдамлик туйғулари адоват ва бегоналикка айланди. Икки тарафдан лашкар сафлари ясалиб, бир-бири устига ёпиридилар.

Айни шу орада тархоний амирлари Мирзо Иброҳимни ташлаб қочиб, Мирзо Алоуддавлага бориб қўшилдилар. Мирзо Иброҳим ноилож ўкинч ва ёлвориш қадами билан бузруквор отаси оддига боришга мажбур бўлди. Аммо отаси томонидан қўлга олинди.

Бу воқеалар устига Султон Иброҳим Мирзонинг буйруғига биноан элчилик расми билан Султон Абусаид Мирзо ҳузурига кетган Амир Абдуллоҳхожа тархон қайтиб келди ва шаҳзоданинг ҳибсга олинганидан ғазабланиб, тархонлардан бир бўлагини ўзига иттифоқчи қилган ҳолда бир кечаси наъра тортиб чиқди ва шу ондаёқ Мирзо Иброҳимни тутқунликдан қутқариб, йўналиш туғини Сохар ва Тулак сари кўтарди.





Бу воқеанинг хабари Мирзо Жаҳоншоҳ қулоғига етгач, Фурга бир чопар юбориб, Мирзо Алоуддавлани ўз ҳузурига чорлади. Мирзо Алоуддавла бу ишни ўз давлатининг ривож олиши муқаддимаси, иқболи юксалиши асбобининг зарур ашёси англаб, чақмоқ чақини ва шамол мисоли тезлик билан туркмон подшоси қароргоҳига кетди. Мирзо Жаҳоншоҳ Рамазон ҳайити куни ўта ҳашаматли ва дабдабали зиёфат ясаб, улуг амирлар Мирзо Алоуддавлани катта ҳурмат билан Мирзо Жаҳоншоҳ олдига олиб бордилар. Туркмон шаҳриёри ул жанобга таъзим қилиб, муносиб ўринга ўтқазди ва лутфу аҳвол сўраш тили билан кўнглига таскин бериб, меҳрибонлик ва иззат дақиқаларидан ҳеч бир онини бўш ўтказмади.

Ўша ойнинг ўн саккизинчисида¹ Мирзо Жаҳоншоҳнинг катта ўғли бўлмиш ва Форс мамлакатада ҳукумат юргизиб ўтирган Мирзо Пирбудоқ отаси ҳузурига келди. Келишининг сабаби шунда эдиким, Мирзо Жаҳоншоҳнинг Султон Абусаид Мирзо томонидан қўрқинч ва ҳадиги бўлиб, ана шу хавф-хатардан чўчиган зайл ўғлининг ҳар қалай ёнида туришини истаб, Шерозга элчи юборган ва суюкли фарзандини ҳузурига чақириб олдиртирган эди.

**СУЛТОН АБУСАИД МИРЗОНИНГ МИРЗО
ЖАҲОНШОҲГА ҚАРШИ УРУШ УЧУН
ЙЎНАЛГАНИ БАЁНИ ВА УЛ ОЛИЙ
МАРТАБАЛИ ИККИ ПОДШОҲ ЎРТАСИДА
ЯРАШУВ ВА БИРДАМЛИК ПАЛОСИ
ТЎШАЛГАНИ ЗИКРИ**

Султон Абусаид Мирзо Балх ҳудудида Мирзо Музаффариддин Жаҳоншоҳнинг дориссалтана Ҳиротга бориб тушганидан воқиф бўлгач, хаёл ҳисобчиси аскарлари сонини ҳисоб дафтарига кириштишдан ожиз қоладиган ва қаламнинг учқур оти баёни масофасини босиб ўтишга кучи етмаслигини тан оладиган миқдордаги катта

¹ 862 йил ўн саккизинчи шаъбон — 1458 йил 1 июль.





қўшин билан уруш майдони сари йўналиб, бир неча кун давомида Мурғоб дарёси бўйида жаҳонпаноҳлик даргоҳи қуббасини қуёш ва ой тепасидан ошириб турди. Ул олий зотли подшоҳ ҳашаматининг ҳаддан зиёдалиги ва темир совутли қўшини сонининг чексизлиги Мирзо Жаҳоншоҳни ваҳимага солиб қўйди. Шу сабабли қаттиқ ўйга ботиб, озгина вақт урушиш фикрини қилса, бирор фурсат ярашиш таклифини ўртага ташлаш ҳақида бош қотирди.

Ўша аснода рўза ҳайити куни мавлоно Нажмиддин Умар ва мавлоно Юсуф Аттор Султон Абусаид Мирзо олдидан элчи бўлиб келдилар ва ул қудратли подшоҳ тилидан сулҳ қоришиқли сўзларни арзга етказдилар. Мирзо Жаҳоншоҳ қудратли султонлар йўсинича элчилар билан учрашди ва жаноб вазир Саййид Ошурни ярашиш палосини тўшаш учун уларга қўшиб жўнатди. Вазир ғалабага ёр лашқаргоҳга етишиб, салтанат тахти пойини ўпиш шарафини топгач, яраш ва тинчлик борасида дилга ёқар сўзларни арз қилди. Султон Абусаид Мирзо муҳаббат қоришиқли гаплар ва меҳрга йўғрилган сўзларни тилга олиб, қуёш аломатли кўнгли келишув ва бирдамлик майлини билдирди.

Саййид Ошур муваффақиятга эришиб қайтди ва Мирзо Жаҳоншоҳ ярашув ишидан кўнгли тўлиб, Кўҳистон сайхонлигидан қўзвалганча зафарли байроғи матосини Мухтор тоғи этаги сари ҳилпиратди.

Бу ҳолат устига-устак, Аҳмад тархон ўзининг бир нечта яқинлари билан бирдамликда Мирзо Иброҳимдан юз ўтириб, Мирзо Жаҳоншоҳ хизматига ошиқди ва турли-туман подшоҳона меҳрибонлигу сийловга эришган кўйи ўзи тенгилардан кўпроқ устунликка эга бўлди.

Мирзо Жаҳоншоҳ қишлоқ истиқоматини ўша қиш Хуро-сонда ўтказишни ўйлаб турган ва жамшид мартабали подшоҳ Мирзо Шоҳрух тахтгоҳида ўйин-кулги билан дам олишни режа қилаётган пайти Султон Абусаид Мирзонинг Лангари Мирғиёс йўли орқали Ҳиротруд шаҳрига киргани ҳақидаги туйқус хабар келиб қолди. Мирзо Жаҳоншоҳ ҳайрат денгизига чўкиб, бирдан ғайрат олови ичидан ловуллаб аланга ола бошлади ва урушга жазм қилиб, тўнғич ва қўрқмас ўғли Мирзо Пирбудоқни манглай





расми билан оддинроқ юборди. Ўзи ҳам уларнинг орқасидан отланиб, Яхёобод қишлоғига бориб тушди.

Мирзо Пирбудоқ Султон Абусаид Мирзо лашкарининг қоровул қисми билан тўқнаш келиб, жангга киришди. Бу олишувда туркмон қўшини ўжарларидан бир тўдаси тақдир панжасига асир бўлдилар. Шаҳзода қочиб водийсига қадам босиб, паришонҳол суратда отасининг тахти пойига етишди ва воқеани арз қилди.

Шу орада Озарбайжон томондан элчи келиб, Мирзо Жаҳоншоҳнинг бир неча вақтдан бери ҳибсда сақланиб турган ўғли амирзода Ҳусайн Алининг қамоқдан қутулиб, тасарруф қўлини хазина сари чўзганча, қўшин тўплаб юргани борасидаги хабарни келтирди. Шунга кўра Мирзо Жаҳоншоҳ барча ҳимматини яраш битими томон қаратиб, яна бир марта Саййид Ошурни мазкур ишни ҳал этиш учун Султон Абусаид Мирзонинг олдига юборди.

Султон Абусаид Мирзо «Мирзо Жаҳоншоҳ; Мирзо Шохрух Гурагон унга иноят қилган Озарбайжон мамлакати билан қаноатланиб Форс ва Ироқ ўлкаларини эса асл эгаси бўлмиш Биз ва бизнинг олий девонимиз тасарруфига қайтариб берсагина сулҳ барқарор бўлади» дея жавоб берди. Анча гап-сўзлар ва элчиларнинг бир неча бор борди-келдиси амалга ошгандан сўнг қўйидаги яраш битимига келинди. Мирзо Жаҳоншоҳ қўлини Хуросон, Журжон, Мозандарон каби мамлакатларнинг барчасидан тортади ва ҳеч бир бузғунчилик қилмасдан, йўналиш юзини Табриз томон қаратади. Шунга қарор қилиниб, аҳду паймон битими тузилди ва Мирзо Жаҳоншоҳ Яхёобод қишлоғидан қайтиш жоловини Озарбайжонга тўғрилаганча, 863 йил сафар ойи бошларида¹ Ҳирот шаҳрининг жануб томони ва Мурғоб, Зиёратгоҳ қишлоғининг қўйи қисмидан ўз юрти сари кетди.

Мазкур ойнинг саккизинчисида² жума куни Амир Саййид Асил Арғун ҳамда Ҳусайн Девонанинг паҳлавонлари Султон Абусаид Мирзо қароргоҳидан пойтахт Ҳиротга келиб, шаҳар ва қалъани қўлга киритиб, халқу фуқарони тинчлик ва осойишталик паноҳига олган ҳолда адолату инсоф байроқларини баланд кўтардилар.

¹ 863 йил сафар ойи боши – 1458 йил 8 декабрь.

² 863 йил ўн саккизинчи сафар ойи – 1458 йил 25 декабрь.





СУЛТОН АБУСАИД МИРЗОНИНГ ИККИНЧИ МАРТА САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ҲИРОТГА КЕЛГАНИ БАЁНИ ҲАМДА ПОДШОҲЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲАЁТ АЙЁМИ ТУТАГАНИ ЗИКРИ



Раббоний иноят офтоби саодат уфқидан балқиб чиқиб, Султон Абусаид Мирзо давлатининг кўзини ёруғ қилгач, Мирзо Жаҳоншоҳ эса йўналиш, тўғрироғи, қочиш байроғини Ироқ ва Озарбайжон вилоятлари сари кўтаргач, қутлуғ мавкаб Ҳиротруд ҳудудидан ғалабага ёр қўшинга тизгиндош бўлиб ўрнидан қўзғалганча, хайру зафар билан якун топгувчи сафар ойининг ўн тўртинчисид¹ пайшанба куни Мухтор тоғи этагига келиб қўш ташлади ва ўша куни кутиб олиш расми билан истиқболига чиққан саййид, қози, уламо ҳамда шаҳар катталарию шариф кишиларни турли-туман лутфу атолар билан сийлади. Эртасига шаҳар боғи саид султон чехраси ёғдусидан жаннат боғларининг рашкини оширадиган бахт маконига айланди. Султон Абусаид Мирзо шу зайл адолат ва халқпарварлик тахтига қадам қўйиб, ул давлат осмони қуёшининг ҳашамат ва улуғворлиги овозаси кайвон айвонидан ўтди. Охират азобига дучор қилувчи ишлардан ҳазар қилгани ва ҳазрат пайғамбар шариатини кучлантиришга урингани сабабли ўша куни Жоме масжидига бориб, намоздан сўнг ҳазрат шайхулислом Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кавсавийнинг ваъз мажлисини шариф қадами баракатига мушарраф қилди. Масжидда хутба тағин ул олийжаноб подшоҳ номига ўқилди ва танга ул мақсади ҳосил фармон берувчининг қутлуғ исми билан зебу зийнат топди.

Ўша йили *туркмоннинг* қиёмат аломатли лашкари ўтгани ва давроннинг яна бошқа воқеа-ҳодисалари сабабли Хуросон вилоятларининг донлию дуккакли экинларига ҳаддан зиёд зиён-заҳмат етган эди. Мазкур йилнинг қиш фаслида² Ҳирот шаҳри ва унга қарашли ён-атрофдаги музофот, қишлоқларда жуда қаттиқ

¹ 863 йил ўн тўртинчи сафар ойи — 1458 йил 21 декабрь.

² 863 йил қиш фасли — 1458 йил декабрь — 1459 йил январь-февраль ойлари.



қаҳатчилик рўй берди. Сон-саноқсиз халқ нон йўқлигидан жон бердилар ва каттаю кичикнинг кўпчилиги офизлари таомга етмай, юзни мангулик олами сари қаратдилар. Султон Абусаид Мирзо аҳволни бу янглиғ кўргач, халқнинг тўқлигини адолат аломатли назарининг асосий истаги қилган ҳолда лашкарнинг катта қисмини Мовароуннаҳр тарафга жўнатиб юборди ва лутфу ёрдам қўли билан инъом ва эҳсон эшикларини фақир ва ожиз кишилар турмуши юзи сари очди.

Мирзо Алоуддавла, Мирзо Иброҳим ва Мирзо Санжар додга етувчи султон сипоҳининг камлигидан хабар топгач, бир-бирига элчию хатлар юбориб, келишув ва бирдамлик кўйига тушдилар. Натижада саид султонга қарши чиқиш ва урушиш ниятида Сарахс атрофида бир-бирига қўшилиб, дабдаба байроғини кўтардилар. Султон Абусаид Мирзо бу хабарни эшитгач, ўша вақтда иқбол ошиёнли даргоҳ мулозиматида сони икки минг нафардан ортиқ бўлмаган жасур кишилари билан бирга «Аллоҳ изни билан озчилик кўпчилик устидан ғалаба қозонади»¹ деган қутлуғ сўзлар мазмунини кўзда тутиб, душманларнинг балою офатини йўқотиш учун отланди. Йўл асносида ҳазрати Илоҳ буюклиги шарофатидан Амир Саййид Мазид *арғун* ва Амир Султон Аҳмад Темуртош жангга талабгор қўшин билан Самарқанд тарафдан келиб қолиб, саодатли султон мавкабига қўшилдилар.

Жумодилаввал ойининг ўрталарида² Марв ва Сарахс орасида Мирзо Алоуддавла ва ўғли Мирзо Санжар лашкарининг илғор қисми кўришиб, икки томондан сафларни тизишга киришилди. Мулку давлат удабуронлари жанг ва уруш майдонида шижоату баҳодирлик сафларини намоён этдилар. Ўша куни шижоат шиорли султон қўшинининг баронғор ва жавонғори душманлар сипоҳининг маймана ва майсара қисмлари ҳамласидан мағлубиятга учраб, юзни қочиш водийси сари бурдилар. Ҳатто айрим қочоқлар то Мовароуннаҳргача оти жilовини орқага тортмадилар ва шу тариқа фалак ҳашаматли подшоҳнинг енгилгани хабарини ул диёрга ҳам тарқатдилар.


¹ Қуръони карим, Бақара (2) сураси, 251-оятдан.

² 863 йил жумодилаввал ойи ўрталари — 1459 йил 20 март.


Султон Абусаид Мирзо баронғор ва жавонғор қочганидан сўнг гул қисмининг довжорақлари билан жангга киришиш учун қонютар қиличини қасос қинидан чиқариб, оламини кезар қора отини паҳлавонлик пошнаси билан ниқтаб, қиёмат куни аломатини кўргузди. Қиличи қизил қондан сармаст бўлиб, бўйинларни узиб туширишга бошлади. Найзаси бераҳм босқинчилар каби босқин-чопқин расмини адо этди. Ҳали бирор лаҳза ўтмай туриб, фатҳу зафар қуёши саид султоннинг юрт олувчи байроғи ойчасини ялтиратди.

Мирзо Алоуддавла эса ўғли билан бирга оти жиловини қочиш водийси томон бурди. Мирзо Санжар қўлга тушиб, шаҳидлик шарбатини татиди.

Султон Абусаид Мирзо чексиз илоҳий лутфлар атоси баробарида Аллоҳга шукрлар айтиш шартларини адо этиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр мамлакатлари ён-атрофига фатҳномалар юборди. Амир Али Форсий, Амир Саййид Асилни Мазинон ва Сабзавор тарафга қочиб кетган Мирзо Алоуддавла ва унинг ўғли Мирзо Иброҳим кетидан қувиш учун тайин қилиб, ўзи эса Бодғис яйлоғи томонга кетди. Ўша ерда қочганлар кейинидан кетган илғор қисм амирлари қайтиб келдилар ва Мирзо Алоуддавла ва Мирзо Иброҳимнинг Мазинондан Бастому Домғон тарафга кетганини арзга етказдилар. Шундан сўнг қутлуғ мавкаб оламини яратган Эгам инояти сақловида давлат ва иқбол қароргоҳига ташриф буюрди. Султон Абусаид Мирзо бу гал пойтахт Ҳиротнинг Ийдгоҳ мавзеида бир иморат қурилишини бошлашди ва ул танга роҳат бериб, кўнгил оромини оширувчи бинони қуриб битказишда саъй-ҳаракат шартларини бажо келтирди.



**ТИРАТУ ҚЎРҒОНИНИНГ ЭГАЛЛАНИШИ
ВА ИМОД ҚАЛЪАСИНИНГ ОЛИНИШИ
ҲАМДА ЎША КЕЗЛАРДА РЎЙ БЕРГАН ЯНА
БОШҚА ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ**



Ҳтган ҳикоятлар боғидан ушбу хабар таровати кечмиш хабарларига ташналарнинг жон димоғига етадики, Бирка мўғул ўта мустаҳкамлик ва пишиқликда осмон бўйли қурилган барча





қалъалардан устун турувчи Тирату қалъасини неча бир тадбиру ҳийла билан қўлга киритди ва икки йил давомида турли-туман офатлар рўй бергани, хилма-хил ҳодисалар юзага чиққани сабабли подшоҳ ёки султонлардан ҳеч бирининг ўй-хаёл нури ул қалъани эгаллаш сари таралмади.

Султон Абусаид Мирзо ҳам ёғдули кўнглини Хуросон мулки ворислари жиҳатидан хотиржам қилган ушбу айёмдагина ҳиммат камарини ул ўхшаши йўқ қўрғонни эгаллаш тадбир-чораси девори устига отиб, бу подшоҳ амрига кўра Амир Сайид Мазид Арғун ва вазири аъзам Хожа Шамсиддин Муҳаммад Тирату атрофига бориб, ул мустаҳкам қалъага кириш-чиқишни эҳтиёт назорати остига олдилар.

Кўп ўтмай, бу бошлиқлар бир нечта амирлару қўшин аҳлидан бир тўдасини қўрғон рўпарасида манжаниқ ясаш ва қамални холи қолдирмаслик учун қолдирган ҳолда, ўзлари эшикларни очувчининг иноят калитлари ёрдамисиз бул мурод эшикларининг очилиши муяссар бўлмаслигини билиб ва ёлғиз қилич, ўқ ишлатишдан фойда чиқмаслигини англаб, қайтиш туғини кўтардилар.

Қамал учун тайинланган ул бечоралар эса умид кўзини «кундан-кун ортиб бораётган давлат ишимизни ўнглаш учун бирор иш кўрсатиб қолар, кин-адоватга тўла замона ҳам ўз қўли билан машаққат тупроғини каззоб Бирка устига сочса ажабмас» деган мақсад йўлига тикиб ўтирдилар.

Ўша айёмда мўъжиз низомли «ва дилларига қўрқинч солди»¹ каломи тақозосича, қалъа аҳлида бир-бирига нисбатан шубҳа туғилиб, ораларида ихтилоф пайдо бўлди. Бирка ҳам ўз қўл остидагиларидан гумонсираб, бир нечта кишини қатлга етказди. Бошқа тирик қолган тобе кишилар бўлса, Бирканинг бу ишидан қўрқув ва ҳадикка тушиб, тонг пайти яланғочланган қиличлар билан ул эски бедавлат устига ёпирилиб бориб, бир лаҳзада бошини танидан айирдилар ва Ҳиротга юбордилар. Бу фатҳ, 863 йил муборак рамазон ойи бошларида² рўй берди.

¹ Қуръони карим, Аҳзоб (33) сураси, 26-оятдан.

² 863 йил рамазон ойи боши – 1459 йил 2 июль.





Ўша ойнанинг ўрталарида¹ Мирзо Султон Иброҳимнинг вафоти воқеаси ҳам юз берди. Бу сўзнинг баёни шуки, Мирзо Алоуддава ва Мирзо Иброҳим Султон Абусаид Мирзо билан бўлган урушда енгилиб қочган кўйи Домғон ҳудудига етишган пайтлари ота-бола бир-биридан ажралдилар.

Мирзо Иброҳим ул вилоятлардан қўшин тўплади ва йўналиш жиловини муқаддас Машҳад томонга тўғрилади. Аммо йўл асносида бетоб бўлиб, табиблар бу хасталикни тузатишга қанчалик уринишмасин, фойда бермади ва ул буюк зотли шаҳзода юзини мангулик олами сари қаратди. Айрим вафодор мулозимлари мағфиратли жасадини Ҳиротга келтириб, мазкур шаввол ойида² Гавҳаршод Оғонинг мағфират уйида тупроққа топширдилар. Султон Абусаид Мирзонинг амирлари барча бажариши шарт бўлган фармонга биноан Қуръонни хатм қилиш ва ошу таом тортиш қоидаларини бажо келтирдилар.

Ўша йили атолар бахш этувчи улуғ бағишловчимиз³ Султон Абусаид Мирзога бир ўфил иноят қилди. Ул оқибати мақтовли бўлган мавлуд Руқия Султон бегим бинт Мирзо Алоуддавадан вужудга келгани учун болага «Мирзо Шоҳрух» деб исм қўйилди.

Ўша йили мақтовсифатли подшоҳ фармонига биноан Амир Али Форсий Имод қалъасини эгаллаш сари отланди ва ул мустаҳкам қўрғон ёнига етгач, Амир Бобо Ҳасан буйруғига кўра қалъани эгаллаб ўтирган Муҳаммад Девона итоат ва бўйсунуш қадами билан истиқболга чиқди. Амир Али Форсий подшоҳдан олган буйруққа кўра қалъанинг девор ва буржу борасини йиқтирди.

Ўша йил охирларида Мирзо Жаҳоншоҳ қорақўюнлининг қўшини қочганидан сўнг Сейистон вилоятига бориб қолган Мирзо Шоҳ Маҳмуд ибн Мирзо Абулқосим Бобур Амир Халил Ҳинду ва Кобул ҳокими Амир Бобо ўртасида бўлиб ўтган урушда шаҳидлик шарбатини татиди. Ўша олишувда Абулқосим Бобурнинг садри аъзамлари қаторида хизматда турган Шайхзода Пир Қавом ҳам шаҳид бўлди.

¹ 863 йил рамазон ўртаси – 1459 йил 17 июль.

² 863 йил шаввол – 1459 йил август ойи.

³ Аллоҳи таоло.



**ЖУРЖОН МАМЛАКАТИНИНГ ФАТҲ
ЭТИЛИШИ ВА АМИР ХАЛИЛ
ҲИНДУКАНИНГ ҚЎЗҒОЛОН ВОДИЙСИДА
ЮРГАНИ БАЁНИДАГИ ГАПЛАР**

Бу ҳикоя тафсилотининг ёғдуси келгуси саҳифалар уфқидан ярқираган қуёш каби қуйидагича порлаб чиқажакки, 864 йилнинг бошларида¹ ўша вақтларда Журжон вилоятини истило қилган музаффар туғли подшоҳ Абулғозий Султон Ҳусайннинг қўшинидан бир бўлаги Сабзавор ҳудудигача босқин-чопқин уюштирдилар ва босиб олиш қудрати аломатини намойиш қилиб, талон-торож шартларини амалга оширдилар. Султон Абусаид Мирзо бу хабарни эшитгач, жумодилаввал ойининг тўртинчисида² чоршанба куни Журжонга қараб йўналди. Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо тўқнашиш ва уруш-савашни маъқул кўрмай, Астрободни бўш қолдирганича қочиш байроғини Адоқ томонга кўтарди. Султон Абусаид Мирзо бир неча кунни Журжон ўлкасида айшу мақсади ҳосиллик билан ўтказиб, ул мамлакат бошқарувини ўзининг тўнғич ўғли Султон Маҳмуд Мирзога иноят қилди ва ўзи йўналиш юзини улуғлик тахти қароргоҳи сари қаратди.

Қутлуғ мавкаб Ҳиротда йўқ пайти жасурлик шиорли сардор бўлмиш ва Мирзо Абулқосим Бобурнинг подшоҳлиги бошидан то ўша вақтгача Сейистон вилоятида ҳокимлик қилиб келган Амир Халил Ҳиндука Султон Абусаид Мирзодан кўрқуви ва ҳадиги борлиги сабабли мустақиллик кўйига тушиб, Нимрўз қўшини билан йўналиш байроғини Ҳирот сари кўтарди ва муборак рамазон ойининг ўн иккинчисида³ шаҳар ташқарисига келиб, қамал ва уруш ишига киришди. Султон Абусаид Мирзо томонидан шаҳарга ҳоким қилиб қўйилган Амир Низомиддин Аҳмад Барлос ва Амир Назир Доруға саййидлару қозилар, шаҳар улуғларию шариф кишилар билан биргаликда Ҳирот қалъасининг минора ва деворларини мустаҳкамладилар ҳамда

¹ 864 йил боши – 1459 йил 28 октябрь.

² 864 йил тўртинчи жумодилаввал – 1460 йил 26 февраль.

³ 864 йил ўн иккинчи рамазон – 1460 йил 1 июль.



сейистонликлардан шаҳарни ҳимоя қилиш учун ўта жасурлик ва паҳлавонлик билан мудофаа урушига киришиб, қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар.

Қалъа ташқарисидаги Амир Халил Ҳиндука ҳар куни тонгдан кечгача уруш-саваш ва олишув билан машғул бўлиб, чарчаш нелигини билмасди. Ичкарию ташқаридан ўқ ва тошлар худди ёмғир томчилари ёки тақводор одамларнинг дуога очилган кўллари каби юқори кўтарилиб, пастга тушарди. Амир Халил Ҳиндука бошида бир дона ҳам туки йўқ кал киши бўлиб, ўша вақтларда мавлоно Ҳасаншоҳ бунга ишора қилиб, бир қитъа айтиб, қоғозга туширган ва ўша қоғозни ўқ учига боғлаб, унинг аскаргоҳи томон отганди. Шу зайл бу шеърни ўқиган Амир Халилни ва унинг ёнида турганларни қаттиқ уялтириб, шарманда қилганди. Қитъа эса ушбудир.

Қитъа:

Дўстлар, ушбу дарак Халилга етсин:
Мақсад от чоптириш бўлса кўрамиз.
Ҳар куни бекорчи бош оғриқ бўлма,
Ҳайит куни келгин қовоқ урамиз!

Алқисса, мазкур ойнинг бир жума куни тонгида Амир Халил Ҳиндука кўп аскарли қўшин билан Ҳиротни эгаллаш учун қаттиқ ҳужумга киришди ва одамлари чексиз саъй-ҳаракат қилиб хандақдан ўтдилар ва қалъанинг буржу девори остини ковлашга тушдилар. Хуллас, шаҳарни истило қилишларига жуда оз қолди. Ҳиротликлар жума намозини адо этгач, катта бир жамият йиғини билан шаҳар дарвозасидан ташқари қуйилиб, сейистонликлар томон юзланиб, душмандан кўпининг қонини йўлдаги тупроққа қориштириб «Мирзо Султон Абусаид келди» дея қичқириб-бақирганча шодлик ноғораларини янгатдилар. Шу сабабли Сейистон лашкарининг чидам ва барқарорлик оёғига қалтироқ тушиб, Амир Халил Ҳиндука ва унга тобелар Ҳиротни олиш баҳридан кечдилар ва жиловни қочиш томон буриб, Нимрўз юртига қараб кетдилар.

Султон Абусаид Мирзо Астрободдан қайтиш пайти Амир Халил Ҳиндуканинг бу каби ярамас журъатини эшитиб, ўта тезликда йўл



босишга тушди. Аммо, шунга қарамай, сейистонликлар қочганидан сўнггина муборак рамазон ойи охирларида¹ давлати пойтахтига етиб келди ва душманни енгилда мардлик намунасини кўрсатган бир гуруҳ кишилар ҳақида турли-туман лутфу сийловларни адо этди. Шундан сўнг ғалаба дастгоҳли сипоҳдан бир тўпини Амир Халил Ҳиндуканинг иқбол ниҳолини тағ-туғи билан қўпориб ташлаш учун кейинидан юборди ва уларга «уни асир олиб, хору зор этмагунча орқага қайтманглар» дея топшириқ берди.

Амир Халил Ҳиндука зафар аломатли қўшин юзланганидан хабар топиб изтироб чекди, ожизлик ва тушкунлик белгиси аҳволи саҳифаларидан кўриниш бериб, олий мартабали султонга қуллик этиш исирғасини қулоғига тақди ва эҳтиёж юзини халифа ошиёнли даргоҳ сари қаратиб, Исфирор мавзеи чеккасида ўзини йўқотиш учун юборилган Каримдодга учрашди. Каримдод эса Амир Халилга нисбатан эскидан бор меҳру муҳаббатига кўра у билан дўстлик ва келишув йўлида туриб, ўзига ҳамроҳ қилган ҳолда жаҳонпаноҳ даргоҳга элтиди. Султон Абусаид Мирзо бу исёнчининг гуноҳлари ёзуви устидан кечирим ва афв чизигини тортди. Амир Халил Ҳиндука эҳтиёж юзини иқбол ошиёнли даргоҳ бўсағасига суриб, бошқа амирлар қаторидан жой олди.

Шундан сўнг ҳамма бажариши шарт фармонга биноан Сейистон бошқаруви ул диёр маликзодалари жумласидан саналган Шоҳ Яҳёга берилди. Ул жаноб ўз меросий мулки сари ошиқиб, давлат ва иқболи барқарор истиқомат қилиш сифатини топди.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА ЮЗ БЕРГАН БОШҚА ВОҚЕАЛАР ҲАМДА АМИР ХАЛИЛНИНГ АСТРОБОД ШАҲРИДА ҚАТЛАГА ЕТГАНИ ЗИКРИ

Саккиз юз олтмиш бешинчи йили² Султон Абусаид Мирзо билан бўлган ўша урушда енгилб қочганидан кейин тоғу тошлар ва дашту биёбонлар атрофида саргардон кезиб юрган

¹ 864 йил рамазон охири — 1460 йил 19 июль.

² 865 йил — 1460 йил 17 октябрь.



Мирзо Алоуддавла Қулзум денгизи бўйида устунсиз¹ ҳукмдор Малик Бесутун Рустамдорнинг уйида оламдан ўтди. Сафар ойининг йигирма биринчисида² жума оқшомида жасадини Ҳиротга келтириб, маҳди улё Гавҳаршод Оғо мадрасасида тупроққа топширдилар. Ул марҳум подшоҳнинг Султон Абусаид Мирзонинг муҳтарам ҳарамида турган қизи Руқия Султонбегим азадорлик ва мискину фуқарога ош-таом бериш қоидаларини бажарди.

Ўша воқеалар асносида Мовароуннаҳр томондан «Мирзо Муҳаммад Жўки ибн Мирзо Абдуллатиф Султон Абусаид Мирзонинг тарбиятини топганлар сирасидан бўлмиш Амир Нур Саид³ ёрдамига суяниб, мухалифат байроғини кўтарди ва ул вилоятнинг ён-атрофини талон-торож оловига ташлади» деган хабарлар етиб келди. Шунга кўра, саодат нишонли Султон Абусаид Мирзо жумодилаввал ойининг йигирма саккизинчисида⁴ Мовароуннаҳр томонга равона бўлди.

Мирзо Муҳаммад Жўки мамлакат олувчи байроқ юзланганини эшитган заҳоти қочиб йўлини ихтиёр этди ва Шохрухия қалъасига бориб беркинди.

Султон Абусаид Мирзо ғалабага тизгиндош бўлиб, Жайҳундан ўтганча салтанат пойтахти Самарқанд сари ошиқди. Бир неча кунни Самарқандда айшу ишрат ва шоду хуррамлик билан ўтказгач эса, у ердан юриш жоловини Шохрухия тарафга тўғрилади. Ул мустаҳкам қалъа атрофига етгач, ғалаба шиорли мавқаб мулозимлари уруш оловини ёқмоққа машғул бўлиб, тонг оқаргандан то шафақ тушгунга қадар вақт ичида ўқ отиш ва душманни бир ёқлик қилишга тиришдилар.

Фатҳ ва ғалаба чехраси музаффар байроқли подшоҳ Султон Абусаид Мирзо истагидек жилва қилишига озгина қолиб турган маҳалда Хуросондан элчи келди ва Султон Ҳусайн Мирзо-

¹ Устунсиз (матнда: бесутун) — бу сўз Малик Бесутун нисбасига киноя сифатида ишлатилган.

² 865 йил йигирма биринчи сафар — 1460 йил 6 декабрь.

³ Амир Нур Саид — «Шайбонийнома» асари муаллифи Амир Муҳаммад Солиҳнинг отаси Амир Нур Саид Шодмон билкут кўзда тутилмоқда.

⁴ 865 йил йигирма саккизинчи жумодилаввал — 1461 йил 22 март.





нинг Журжон ҳудудини эгаллагани, эндиликда бутун Хуросон ўлкаларини босиб олиш учун йўналгани хабарини етказди.

Султон Абусаид Мирзо бу хабарни эшитгач, қаттиқ таъсирланиб, ташвишга тушди ва Амир Саййид асил *Арғун*, Амир Саййид Муродни ул мамлакат ҳудудларини қўлга олиш учун жўнатди. Бу амирлар момақалдироқ чақмоғи чақини ва шамолдек тез юриб, Амуя дарёсидан кечиб ўтиб Хуросонга кириб бордилар ва Нишопур, Сабзавор тарафларга ошиқдилар. Ул вилоятда эса, Мирзо Султон Ҳусайннинг юриш қилаётгани рост эканидан хабар топиб, қочиш тизгинини салтанат пойтахти Ҳирот сари бурдилар ва шаҳар яқинидаги маҳаллалар халқини шаҳарга киритиб, қалъа сақловчилик асбобини мукамал даражада тартибга солдилар.

Мирзо Султон Ҳусайн улар кейинича Ҳирот шаҳри ташқарисига келиб тушди ва икки томондан уруш байроғи кўтарилиб, жангу жадал олови ташқарию ичкаридаги халқнинг ички ўчоғига ўт қалади.

Мирзо Султон Абусаид Ҳирот қамал қилингани хабарини эшитгач, Мирзо Муҳаммад Жўки билан апил-тапил яраш битимини тузиб, дарҳол Жайхўндан кечиб ўтди-да, то Маймана ва Форёбгача оти жilовини қўйвормади. Мирзо Султон Ҳусайн ул ҳазратнинг келаётгани хабарини эшитиб, Ҳирот четидан қўзғалди ва ул мақтов хислатли подшоҳ келаётган томонга юриб, то Сатувки манзилигача борди. У ердан эса Сарахс йўли орқали Астрободга қараб кетди. Мирзо Султон Абусаид унинг кейинидан Журжон тарафга ошиқди.

Мирзо Султон Ҳусайн то Харосхона мавзеигача илгари юриб, ул манзилдан исён аҳлининг қоп-қора кўнглига ўхшаш зим-зиё ва ёмғир ҳам шовуллаб ёғиб турган бир тунда оти тизгинини Адоқ томонга бурди. Султон Абусаид Астрободга қарашли Гулафшон манзилни ўзининг шариф қадами барокатидан Эрам гулистонининг ҳасадини оширадиган жойга айлантириб, бир неча кунни ўйин-кулги ва шоду хуррамлик билан ўтказди.

Ўша вақтда Амир Халил Ҳиндука ўзининг ярамас қилиқлари жазосига йўлиқиб, Султон Абусаид Мирзо унинг бору йўқлик ву-





жудини яксон қилди. Бу сўзнинг баёни шуким, гарчи Амир Халил Сейистон ҳукуматини тарк этган ва олампаҳо даргоҳига кечирим сўраб келиб мулозимликка кирган ва бошпана топган бўлса-да, доимо давлатга интилиш хаёли билан кун кечираркан, саодатга ёр султоннинг иқбол ниҳолини қўпориб ташлашни ўзи учун мажбурийят қилиб олиб, шу ишни амалга ошириш фурсатини интизорлик билан кутарди. Бир неча гал бу сурат унинг ўтириб-туришидан яққол даражада кўриниб ҳам қолганди. Султон Абусаид Мирзо буни сезса-да, балки қарама-қаршилик саҳросидан келишувнинг тўғри йўлига кириб қолар, деган умидда унга яхшиликлар қилишда давом этаверди. Бу каби олийжаноблик аксинча, Амир Халилнинг ярамаслиги тағин-да ортишига сабаб бўлиб, қутлуғ мавкабнинг кўпчилик шижоатли кишилари Мирзо Султон Ҳусайн кетидан отланган ўша кечаси у ўзининг қалбида яширин шум ниётни рўёбга чиқаришга қасд қилди. Шунга кўра саид султоннинг олдига бориб, «Сиз шахсан ўзингиз ёғий орқасидан қувласангиз маъқул иш бўларди» дея қисталанг қила бошлади. Ул ҳазрат фаросат нури билан ул ғаддор ярамаснинг ўй-фикрида нима борлигини англаб «Халилбек, ахир султонларнинг тунда душман кетидан қувлашлари қоидада йўқ-ку» дея жавоб берди.

Алқисса, шу бўлиб ўтган гапларга кўра, мақсади ҳосил султон Астрободда пайти улуғ амирларни Амир Халилнинг мол-мулкини мусодара қилиб, ўзини қатлга етказишга буюрди. Амирлар кенгаш баҳонасида Амир Халилни қутлуғ чодирхонага элтиб, ўша ерда ўлдирдилар. Ўғилларини ҳам ўша кунни отаси кейинидан равона қилдилар. Шундан сўнг Султон Абусаид Мирзо яна бир марта Журжон вилояти бошқарувини Мирзо Султон Маҳмудга топширди ва ғалаба аломатли байроқни Хуросон томон кўтариб, 866 йил йигирма иккинчи рабиулохирда¹ Боғи Сафидни қутлуғ қадами барокати билан зангори осмоннинг рашк этадиган жойига айлантирди.

Ўша айёмда қуёш ҳашаматли Султон Абусаид Мирзо одамлар ҳол-аҳволини сўрашга киришаркан, Хожа Музиддин вазирнинг олий мавкаб йўқ пайти лашкар ва рўйхатта олувчи солиқчи

¹ 866 йил йигирма иккинчи рабиулохир — 1462 йил 25 январь.





бошлиқларнинг хизмат ҳақи учун маблағ йиғиш баҳонасида Хурсон диёрининг ёшу қарисига кўп зарар-заҳмат етказгани маълум бўлди. Бундан подшоҳона ғазаб аланга олиб «жаноб вазирнинг оёқ-қўлини боғлаб, суви қайнаб турган қозонга ташланг, токим, ҳаёти шуъласи сўнсин» деган бажарилиши шарт бўлган буйруқ чиқди. Буйруқни ижро этувчилар Ихтиёриддин қўрғони девори тагида ҳамма бажариши шарт бўлган мазкур фармонни амалга оширдилар. Адолат паноҳли подшоҳ иноят булути томчилари билан шаҳару қишлоқ аҳлининг умид боғини парваришлаб «бундан кейин ҳеч бир зот Ҳирот шаҳри ва унга туташ маҳаллаю бошқа туманлар аҳолисидан лашкар ва солиқчи амалдорлар хизмат ҳақи учун ҳеч қандай пул талаб қилмасин ва маблағ ундирмасин» деган ҳукм чиқариб, ҳатто, бу борадаги нишон матнини тошга ўйиб ёздирди, тошни эса Ҳиротнинг Жоме масжиди деворига қоқиб қўйдилар.

Ўша кезларда Хожа Қутбиддин Товус Семноний ва Хожа Исмоил Кўрк вазир, Хожа Музаффар Мухтор кўпгина айби ва давлат мулкани ноқонуний ўзлаштиришга оид гуноҳлари бўлгани учун вазирлик мансабидан четлаштирилдилар. Айтишларича соҳиби девон Хожа Шамсиддин Муҳаммад Хожа Муизиддиннинг қайноқ сувга ташлангани ва Хожа Музаффарнинг ишдан бўшатилганини эшитгач, султонлик сиёсатидан қўрқиб ҳушидан кетган экан. Мавлоно Ҳасаншоҳ шоир бу борада қуйидаги қитъани айтган.

Байт:

Муизиддин сувда куйиб, Музаффар кетгач ишдан,
Хожа Шамсиддин эшитиб бир бора кетди хушдан.

СУЛТОН АБУСАИДНИНГ ЯНА БИР МАРТА ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИГА ЮРИШ ҚИЛГАНИ БАЁНИ ВА ЗАМОН ҲОДИСАЛАРИЮ ДАВРОН ВОҚЕАЛАРИДАН ЯНА АЙРИМЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Султон Абусаид Мирзо Мозандарон юришидан қайтиб, бир неча кунни фоҳира Ҳирот шаҳрида бахту иқбол билан ўтказгач, олампаноҳ даргоҳга Мовароуннаҳрдан кетма-кет ва устма-уст





равишда элчилар келиб «Мирзо Муҳаммад Жўки яна олдинги дастур билан муҳолифат майдонида жавлон урмоқда» деган сўзларни олий арзга етказдилар. Шунга кўра, подшоҳнинг жаҳон олувчи ақли ул шаҳзоданинг иқбол ниҳолини қўпориб ташламоқни ҳиммат назарининг мақсади қилиб, йигирма еттинчи жумодилаввалда¹ пойтахт Ҳиротдан Мовароуннаҳр ўлкаси томонга қараб йўналди. Қуббатулислом Балх олий мавкаб келиб тушиш бахти билан безангач, бир неча кун шу ерда тўхталиниб, зафар юришли байроқ тўққизинчи ражабда² Жайҳундан кечиб ўтиб, етишиш соясини Самарқанд устига ташлади. У ердан эса Шохрухияга борилгач, ул қалъанинг девор ва миноралари нурли назарга ниҳоятда мустаҳкам кўринди. Шунга кўра, амирлар ва қўшиндан бир бўлагини тош отувчи манжаниқларни яшаш учун тайинлаб, ўзи Самарқандга қайтди.

Ул мақтов сифатли подшоҳ Мовароуннаҳрда турган вақтларда Хуросон шаҳарларида, айниқса, пойтахт Ҳирот ва унга туташ туманларда вабо касали тарқалди ва бу юқумли касаллик одамларни изтироб гирдобига ташлаб, кўп кишиларнинг ёстиғини қуритди.

867 йил бошларида³ Султон Абусаид Мирзо иккинчи марта Самарқанддан Шохрухия қалъаси ташқарисига бориб қўш ташлади. Бироқ ғалаба белгили аскарлар қамал ва уруш ишини бошлаб, бир йилгача уринсалар-да, фатҳ муяссар бўлмади. Шундан сўнг қалъа аҳолиси иши аянчли ҳолга келиб, озиқ-овқат, ўқ-яроғ каби жамғармалари тугади. Мирзо Муҳаммад Жўки Хожа Носириддин Убайдуллоҳ (*сирлари муқарраб бўлсин*) олдига элчилар юбориб, яраштириш майдонига қадам қўйиб, гуноҳларини султони сайдан сўраб беришларини илтимос қилди. Хожа шаҳзоданинг илтимосини қабул қилиб, Султон Абусаиднинг қароргоҳига ташриф буюрди ва ул қалъада яшовчилар учун омонлик тилади. Султон Абусаид Мирзо ул жанобнинг ўртага тушиб шафелик қилганини инобатга олгач, хожа ҳазратлари Шохрухия

¹ 866 йил йигирма еттинчи жумодилаввал — 1462 йил 27 февраль.

² 866 йил тўққизинчи ражаб — 1462 йил 9 апрель.

³ 867 йил боши — 1462 йил 26 сентябрь.



қалъасига кириб кетди ва 868 йили тўққизинчи муҳаррамда¹ жума куни Мирзо Муҳаммад Жўкини саид султон назарига олиб келди. Подшоҳ шахзода ҳақида лутфу марҳаматини дариг тутмади ва сўнг [шахзода билан бирга] Самарқандга қайтди. У ердан эса давлатининг пойтахти сари йўналиб, йигирма иккинчи рабиуссонийда² мақсади ҳосиллик билан Боғи Сафидга келиб қўш ташлади. Шундан сўнг ўзи билан ёнида Ҳиротга олиб келган Мирзо Муҳаммад Жўкини Ихтёриддин қалъасида ҳибсда сақлашни буюрди. Шахзода то мангулик оламига юзлангунига қадар шу қалъада тутқунликда яшади.

Бу юриш муддати бир йилдан ортиқ бўлгани учун Султон Абусаид Мирзо саодат билан қайтган пайтда шахсан ўзи девон ишларини текширишга киришди ва Хожа Қутбиддин Товус, Хожа Исмоил, Хожа Неъматуллоҳ ва мавлоно Амир каби улуғ вазиру девонхона соҳиблари тўлдирган ҳисоб-китоб дафтарларини подшоҳ назарига ҳавола қилдилар. Султон Абусаид Мирзо аъзам вазирлар ишларини кўздан кечиргач, улар ҳисоботидан кўнгли тўлмади ва Хожа Товуснинг турмуш варақлари устига ишдан четлатиш чизигини тортди. Хожа Исмоил қамоққа олиниб, навбат Хожа Неъматуллоҳнинг ишларини сўрашга етганда, у Шамсиддин Муҳаммад хожага нисбатан қоралов сўзларини айтди. Шунда Шамсиддин Муҳаммад жаноблари «мен Хуросон халқию шарифзода ва таниқли кишиларидан хизмат ҳақи сифатида бирор нарса ундирар эдим-у, лекин султонликнинг хос молидан ҳеч нарсани ўзлаштирмаганман» деди. Султон Абусаид Мирзо «кимдан нимани олган бўлсанг, барчасини сенга бахшида қилдим ва вазирлик мансабидан четлаштириш билан кифояландим. Ўзинг биласан, баъзида айб қилган вазирлар менинг қаттиқ газабимга дучор бўладилар. Бироқ сендан яхши хизматлар ҳам юзага чиққанини ҳисобга олиб, шу сабабли сенга бирор зиён-заҳмат етишини истамайман» деди таъкидлаб. Хожа Шамсиддин Муҳаммад бу сўзларни эшитгач, тиз чўкиб, ўз бармоғидан узугини чиқарганича уни тахт олдига элтиб қўйиб, орқага тиса-

¹ 868 йил тўққизинчи муҳаррам — 1463 йил 23 сентябрь.

² 868 йил йигирма иккинчи рабиуссоний — 1464 йил 3 январь.



рилди ва ўз ўрнига келиб турди. Афтидан ҳеч бир вазир қилган айби учун бу каби осонликча мансабидан туширилган эмас.

869 йили¹ Султон Абусаид Мирзонинг қутлуғ кўнгли бу йилги қишлоғни Марв шаҳрида ўтказишни тусади ва тавочилар фармонга кўра амирлар ва лашкар аҳлига бу хабарни жар солиб етказдилар. Ғалаба белгили байроқлар рабиулохир ойи охирларида² мақсад сари йўналди. Етук хислатли шаҳзода Мирзо Султон Муҳаммад пойтахт Ҳиротга ҳоким бўлиб қолиб, салтанат ишларини бутламоққа киришди. Султон Абусаид Мирзо ўн кун давомида Панждеҳ қишлоғида тўхтаб, жумодилаввал ойи ўрталарида³ Худои таоло инояти паноҳида қишлоғ юртига етишди ва ўша қишни ниҳоятда иқбол ва мақсади ҳосилликда ўтказиб, баҳор фаслида – кеча ва кундуз тенглашган пайтда⁴ нур сочувчи қуёш каби ўз шараф уйи томон йўналди. Қуёш Ҳамал буржининг ўн еттинчи даражасида турган вақти шаъбон ойининг иккинчисида⁵ жума куни Боғи Сафидга келиб тушиб, қайтадан адолат ва халқпарварлик эшикларини очди.

870 йили⁶ бир неча кун қутлуғ табиати тенглик чегарасидан четга чиқди, аммо мутлақ табибнинг (*шаъни улуғдирким*) инояти бўлганидан яна сиҳат топиб, касалдан тузалди.

Бу йилда дов-дарахтлар учун солинадиган солиқни бутун Хуросон мамлакатлари бўйлаб бекор қилиб, халқ ва қишлоқ хўжалиги ходимларига бахшида қилди ва шу сабабли инсон тоифасининг тинчлик ва омонлик дарахти «асил дарахтга ўхшаб, илдизи ер остига маҳкам ўрнашган, шоҳлари эса осмонда»⁷ калимасидек гуркираб ўсиб, бошини Сурайёгача етказди.

Яна ўша йили атолар бағишловчи буюк Аллоҳнинг иноят булути файзидан давлат ва иқбол чаманида тоза бир гул очилди ва мақтов хислатли подшоҳнинг мурод тизими қимматбаҳо

¹ 869 йил – 1464 йил 3 сентябридан 1465 йил 24 августигача давр оралиғи.

² 869 йил рабиулохир ойи охирлари – 1464 йил ноябрь охири.

³ 869 йил жумодилаввал ўрталари – 1465 йил 14 январь.

⁴ Ҳамал буржи кирган вақт – 21 март кўзда тутилмоқда.

⁵ 869 йил иккинчи шаъбон – 1465 йил 30 март.

⁶ 870 йил – 1465 йил 24 август – 1466 йил 13 август.

⁷ Қуръони карим, Иброҳим (14) сураси, 24–25-оятлар.





бир дурдан зебу зийнат сифатини топди. Яъни, шаввол ойининг бошларида¹ Султон Абусаид Мирзонинг ҳарамсаройида қуёш юзли бир ўғил туғилиб, исмини «Мирзо Бойсунқур» қўйдилар. Подшоҳнинг севинч ва хурсандчилиги ул салтанат кўз қорачигини кўргандан сўнг яна неча чандон ортиб, чортоқ боғламоқ борасида қутлуғ фармон берилиб, шу баҳонада бошқа шахзодаларнинг ҳам суннат тўйлари ўтказиладиган бўлди. Шаҳар ҳунармандлари ва қишлоқ деҳқонлари бажарилиши шарт фармонга биноан Боғи Зоғонда чортоқ кўтара бошлаб, ул жаннат қоидали боққа Рум атласи, Чин зарбофтлари билан ясанган юксак қубба ва баланд айвонлар билан безак бердилар. Ҳар тоифа ўз касб-ҳунари бўйича ажойиб нарсалар ясаб, ўз санъати маҳсулотини кўз-кўз қилдилар.

Шунингдек, ўша йили жаҳон муҳандислари Хуросон пойтахти Ҳиротда йиғилган бўлиб, барчаси ўз зеҳни қуввати ва таъб диққати билан ажойибот ишларини намойиш этдилар. Шу жумладан Хожа Али Оразигар Исфаҳоний олам корхонасида мавжуд бўлган ўттиз икки хил ишлаб чиқариш ҳунармандларини бир шишада² кўриниш доирасига киритди. Яъни, ўттиз икки дўкон ва корхона сурати очилиб, уларда ҳар бир ҳунарманд ўз мутахассислиги бўйича ишга машғуллик намоён қиларди. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракатланишга эҳтиёжи бор тикувчи, пахта тозаловчи, дурадгор, темирчи каби айрим шаклларни эса, қимирлаб турган ҳолда тасвир қалами билан чизган эдики, хаёл ойнасида ундан чиройлироқ сурат кўриниш бермасди.

Султон Абусаид Мирзо бу ғариба ихтироларни кўргач, ғоятда таажжубланиб, замонанинг ул ажойиб ягона устасига таҳсинлар айтиб, унинг ҳақида турли-туман эҳсон ва инъомлар иноят қилди.

Кўргазма томошасидан сўнг ўйин-кулги зиёфати ва айшу ишрат мажлиси ясатилиб, қувонч бағишловчи қизил шароб хурсандчилик ва мақсади ҳосиллик боғини суғурди, нағмасоз мут-

¹ 870 йил шаввол ойи боши – 1466 йил 17 май.

² Шиша – мосламалар жойлашган корхона кўзда тутилмоқда.



рибларнинг руҳга тетиклик бахш этувчи наволари андуҳ пардасини хосу авомнинг дилидан сидириб ташлади. Кумуш баданли соқийлар улфатчилик йиғинини офтобдек юзлари товланиши ила Эрам гулзорининг рашк этадиган жойига айлантирдилар. Лим тўла қадаҳлар билан букри чолларни сармаст қилиб, уларга ёшлик айёми либосини кийдирдилар. Қутлуғ олий даргоҳнинг дастурхончилари хаёл ҳафсаласига сиққанича миқдордан ҳам ортиқ даражада турли-туман лазиз таомларни ҳар кун бир неча мартаба тортиб турдилар.

Шаввол ойи бошидан¹ то зулҳижжа ойининг бешинчиси² жума кунигача тўй-томоша ва шодлик тантаналари давом этиб, подшоҳу гадо, қарию ёш туну кун айшу ишрат давронини сурдилар. Олий зотли шаҳзодалар ўша улуғ тўй берилган кунiek ислом дини қоидасича хатна қилиндилар. Шундан сўнг жамшид мартабали подшоҳ ҳаракат нуруни салтанатнинг улуғ ишларини бажармоқ сари таратиб, олий мақомли ходимлар ўйин-кулги ва шодлик палосини йиғиштирдилар.

871 йили³ Султон Абусаид Мирзо қутлуғ вақтини катта давлату иқбол билан пойтахт Ҳиротда ўтказди ва яна бир бор илтифот нурларини Хожа Қутбиддин Товуснинг аҳволи ривожу узра таратиб, олий девоннинг шариф ишларини унга топширди.

872 йили⁴ саодатга ёр подшоҳ қишлоғни ўтказиш учун Марвга отланиб, ўша ерда ўйин-кулги ва мақсади ҳосиллик палосини тўшаб, улуғлик ва подшоҳлик туғини баланд ҳилпиратди. Ана шу янглиғ дам олиш соатлари давом этиб турган қишлоғ чоғи Мирзо Жаҳоншоҳ [қорақўюнли]нинг ҳалок этилгани хабари тилларда миш-миш бўлиб, йўналиш байроғи Озарбайжон тарафга қараб кўтарилди.

Мисра:

Афсуски, энди қайтиб келмаяжак.

¹ 870 йил шаввол ойи боши — 1466 йил 17 май.

² 870 йил бешинчи зулҳижжа — 1466 йил 19 июль.

³ 871 йил — 1466 йил 13 август — 1467 йил 2 август оралиғи.

⁴ 872 йил — 1467 йил 2 август — 1468 йил 22 июнь оралиғи.



МИРЗО ЖАҲОНШОҲ ВА МИРЗО ПИРБУДОҚ
АҲВОЛИДАН БИР БЎЛАГИ БАЁНИ ВА
ОТА-БОЛАНИНГ МУЛКЛАРНИНГ МУТЛАҚ
ПОДШОСИ ҚАЗОВУ ҚАДАРИ БИЛАН
ЎЛДИРИЛГАНИ ЗИКРИ

Ушбу қўлингиздаги хабарлар китоби Озарбайжон ва Ироқи Ажам султонлари аломатлари кўриниши борасида ҳам олам майдонини қуйидагича мунаввар қиладики, Мирзо Муҳаммад бин Бойсунқурнинг иқбол офтоби камол авжидан йўқлик тубанлигига тушгач ва ажалнинг тез учар ели ул мақсади ҳосиллик гулшани самарасининг ҳаёт дарахтини Чинорон манзилида қулатгач, Мирзо Музаффариддин Жаҳоншоҳ [қорақўюлли]нинг жаҳон олувчи байроғи ойчаси шараф буржига етишди ва Озарбайжон, иккита Ироқ – Ироқи Ажам ва Ироқи Араб ҳамда Форс мамлакатлари тўлалигича, шунингдек, Уммон денгизи соҳилларию Арманистон, Гуржистон ерлари ҳам ул фармони ўтувчи подшоҳ томонидан эгалланди. Атрофдаги барча сардорлар ҳамда ён-теварақдаги бўйсунмас ҳокимлар ҳам унинг ҳукми ва нишонига итоат қилиб, фармон бажарувчилик шартлари ва хирож тўлашлик лавозимларини бажо келтирган кўйи Жаҳоншоҳнинг илтифоту инояти билан фахрланиб, бошлари осмонга етди.

Фақат Амир Ҳасанбек бин Амир Али бин Амир Қора Усмон [оққўюлли]гина Диёрбакр ўлкасининг бир нечта қалъаларини забт этиб, Мирзо Жаҳоншоҳга нисбатан итоат йўлини тутмай, ҳаминша олийҳиммат қалами билан мустақиллик нақшию истибод суратини кўнгли лавҳига ва хаёли саҳифасига битиб ўтирарди.

Албатта, бу иш Мирзо Жаҳоншоҳнинг кўнглига оғир келиб, доимо бу масалани бирёқлик қилиш ўйида юрарди. Амир Ҳасанбекка қарашли қалъаларнинг ўта мустаҳкам ва пишиқлиги сабабли ул мурод қомати ва мақсад чехраси муддаодаги каби ҳадеганда буй кўрсатиб жамолини кўз-кўз қилавермасди.

Ўша аҳвол асносида тақдир пардаси ортидан бошқа бир чехра жамол кўрсатди ва илоҳий қудрат қўли Жаҳоншоҳ мамлақати-



дан тинчлик ва хавфсизлик палосини йиғиштирди. Бу воқеанинг тафсиллини ширин сўзли қалам тўтиси ушбу янглиғ рақам қилади: Мирзо Жаҳоншоҳнинг энг шижоатли ва тўнғич ўғли бўлмиш ва отасининг ноиб сифатида Форс вилоятларида ғоятда кучли бир суратда ҳукумат юргизиб ўтирган ҳамда Султон Абусаид билан Мирзо Жаҳоншоҳ ўртасидаги тўқнашув Хуросонда сулҳ билан яқун топгач, Табас ва Язд йўли орқали яна Шерозга қайтиб келган Мирзо Пирбудоқ [қорақўюлли] ярамас хаёлот ва ҳосилсиз тасаввурот орқасида отасига ихлос-саодат билан бўйсунмиш мақомидан воз кечди. Мирзо Жаҳоншоҳ бир неча марта ўғли олдига элчи ва хат юбориб, унга қанча фойдали насиҳатлар қилмасин ҳамда ақл-ҳушлик, офир-босиқлик йўлига чорламасин ва қаршилиқ кўрсатишнинг оқибати аянчли ҳолларга олиб келишидан чўчитмасин, аммо Мирзо Пирбудоқ ул сўзларни ризолик қулоғи билан эшитмади. Оёғини сира ҳам исён йўлидан тортмади, қадамини тўғрилиқ ва яхшилиқнинг катта йўли сари ташламади. Ниҳоят Мирзо Жаҳоншоҳнинг Мирзо Пирбудоқни туққан муҳтарам ҳарами Шерозга бориб, осий ўғлига Форс ўлкасини ташлаб, Бағдодга бориб ҳукумат ўриндигига ўтиришни насиҳат қилди. Мирзо Пирбудоқ онаси сўзига кўнди. Мирзо Жаҳоншоҳ бу иш ташвишидан қутулиб, Шероз вилояти бошқарувини ўзининг яна бир ўғли Амирзода Юсуфга иноят қилди. Мирзо Пирбудоқ «дориссалом» сифати билан улуғланувчи Бағдодда подшоҳлик пойдеворини тиклаб, озгина вақт ичида араб Ироқини обод ва фаровон қилди. Аммо Шероз мулки келинининг висоли сира ҳам кўнглидан чиқмасди ва доимо Жаҳоншоҳ мамлақати ён-атрофини қўлга киритиш ғамида юраркан, отаси юрагини шу жиҳатдан ғаш қилиб, ҳар хил зўравонлик ва зулмга қўл урарди. Мирзо Жаҳоншоҳ қанчалик подшоҳона чидамни ўзига одат қилмасин ва элчию хатлар орқали ақлсиз фарзандига насиҳатлар этмасин, булар бирон натижа бермай, ул такаббур шаҳзода ўзини қаршилиқ ва айирмачилиқ ишидан тиймасди.

Ниҳоят Мирзо Жаҳоншоҳ бу ўғли иқболи ниҳолини кўпориб ташлашни кўнглига тутиб, 870 йили¹ катта қўшин билан дорис-

¹ 870 йил — 1465 йил 24 август — 1466 йил 13 август.





салом Бағдод шаҳри атрофига ошиқди. Мирзо Пирбудоқ шаҳар қалъаси деворини мустаҳкамлаб, қамалга қарши мудофаа жангига тайёр турди. Мирзо Жаҳоншоҳ қамални бошлади-ю, бироқ дориссалом Бағдод қалъаси пишиқлиги ва Баҳром қасосли шаҳзодага қарашли кишиларнинг шижоатда зўрлиги сабабли бир йил давомида ғалаба жамолини кўра олмади.

Ўша давр мобайнида Ироқ ва Озарбайжон қўшинлари қаттиқ қийинчилик билан тонгдан кун ботгунча урушиб, Мирзо Пирбудоқ ва бағдодликлар ҳам имкон борича қаршилиқ ва мудофаа жангига тиришиб, ниҳоятда мардоналик ва жасурлик кўрсатиб туришаркан, охир-оқибатда фаровонлик ҳамда соғ-саломатлик чеҳраси бағдодликлардан юз ўтирди. Қаттиқ қаҳатчилик ва озиқ-овқат танқислиги рўй бериб, очарчилик балоси ёпирилиб келди. Кўзичоқ гўштини кўкатсиз емайди-ган кишилар чириган мол терисини қайнатиб паққос ейишдан жирканмадилар. Ноз қилиб, новвот ва ҳалвога қўл чўзмайдиган одамлар озиқ-овқат учун ит ва мушукларни сўйиб ейишдан ҳазар қилмадилар.

Бағдодликлар аҳволи шу даражага бориб етдики, бирданига доду фарёд садоларини осмон авжига чиқариб, Мирзо Жаҳоншоҳ олдига одам юбора бошладилар ва омонлик сўрадилар. Мирзо Жаҳоншоҳ улар кўнглини ўз мурувватидан тўқ қилди, Бағдод аҳолиси эса бунинг эвазида қалъа дарвозаларини очиб бердилар. Очиқдан қийналган шаҳарликлар чексиз шодлик ва қувонч билан Мирзо Жаҳоншоҳ қароргоҳи сари юзландилар.

Бироқ Мирзо Пирбудоқ бу пайтда оёғини мағрурлик ва виқор этаги остига тикиб ўз уйида ўтираркан, отасининг уни ўлдириш ўй-фикридан йироқ эмаслигини кўнгли яқинига ҳам келтирмади.

Ўша айёмда Мирзо Жаҳоншоҳ ўзининг Муҳаммадий исмли яна бир ўғлини бир тўда амирлар билан Мирзо Пирбудоқни ўлдириш учун тайинлади. Улар тўсатдан қалъа дарвозаларини беркитиб, шаҳзода устига бостириб бориб қўлни қиличларни яланғочламоқ сари чўздилар. Муҳаммадий акаси томон шамшир сермаб, уни деворга қисиб қўйди. Бошқалар эса ишини





бирёқлик қилишди. Аммо бу ножўя ҳаракат Мирзо Жаҳоншоҳга қут-барака келтирмади, аниқроғи, унинг бу ишидан нафратланган халқ бўйсунидан бош тортди.

Хуллас, баҳром қасосли подшоҳ кўнглини ўғли ишидан хотиржам қилгач, барча ҳимматини амир Ҳасанбек [оққўюнли]ни йўқотиш учун йўналтириб, юриш байроғини Диёрбакр томон ҳилпиратди.

Амир Ҳасанбек душман келаётганидан огоҳ бўлиб, лекин қарши курашишга кучи етмаганидан жуда мустаҳкам бўлган бир тоғ сўқмоғида беркиниб олди.

Мирзо Жаҳоншоҳ Муш ва Орзум саҳросига ошиқиб, Амир Ҳасанбек манзил тутган ерга яқин жойда истиқомат чодирини тикди.

Амир Ҳасанбек ўта доно ва ишбилармон киши бўлгани учун Озарбайжон подшоҳи олдига сўзамол элчилар юбориб, эҳтиёж ва ниёзмандлик сўзларини айттирди. Мирзо Жаҳоншоҳ бу ишни ул жанобнинг ожизлик ва заифлигига йўйиб, ёз ва кузни ўша мавзеда ўтказди. Бироқ қиш қўшини ҳужуми бошланиб, совуқ шиддати кучайгандан сўнг лашкар аҳли бу очиқ саҳрода туришни тўғри иш билмай, қайтиб кетишга рухсат сўрадилар. Туркмон подшоси ул тоифага рухсат бериб, ўзи хос ва яқинлари билан бир неча кун ўша маконда айшу ишратга машғул бўлди.

Амир Ҳасанбек душманнинг рафлатдалиги ва ёвни енгувчи қўшини тарқалиб кетганидан хабар топиб, икки минг нафар бошдан-оёқ қуролланган жасур чавандоз билан Мирзо Жаҳоншоҳни йўқ қилиш учун кўзғалди ва тонг чоғи тўсатдан унинг қароргоҳи яқинига етиб борди. Туркмон подшосининг ақлу ҳуши жойида одамларидан бир гуруҳи ёғий бостириб келганидан хабар топиб, тўрга тушган балиқдек ўзларини у ёқ-бу ёққа уришга тушдилар. Мирзо Муҳаммад ва Мирзо Юсуф олишиш учун илгари юриб, аммо битта ҳамлага ҳам дош бериша олмай, қароргоҳга қайтиб келиб, отасини бу даҳшатли воқеадан воқиф қилдилар. Бу пайтда Мирзо Жаҳоншоҳ эгнига енгил тўн кийган, битта оёғининг пайтавасинигина ўраб олган бўлиб, душ-





ман ҳақидаги хабарни эшитгач, иккинчи пайтавасини ўрамасдан туриб, отга миниб қочишга тушди. Амир Ҳасанбек [оққўюлли] ўша лаҳзадаёқ қароргоҳга кириб, Муҳаммадий ва Юсуфни асир олди. Озарбайжоннинг бошқа барча сардорлари ҳаёти пойдеворини эса тагидан қўпориб ташлади.

Мирзо Жаҳоншоҳ қочган пайтда Амир Ҳасанбек қўшинидан Исқандар исмли бир киши Мирзо Жаҳоншоҳга дуч келиб қолди ва отию кийими тамасида уни ўлдириб, қароргоҳга қайтиб келди. Бироқ бу қилган иши ҳақида ҳеч кимга чурқ этмади. Шу зайл бу воқеадан ҳеч бир зот хабар топмади.

Амир Ҳасанбек душманига нима бўлгани билан қизиқиб, анча суриштирди. Ўша аснода Амир Жаҳоншоҳга жуда ўхшаб кетадиган бир қўриқчининг кесилган бошини ул ҳазрат олди-га келтирдилар. Амир Ҳасанбек бошни Мирзо Муҳаммадий ва Юсуфбек олдига юбориб «бу кимнинг боши?» деб сўраттирди. Улар «отамизга жуда ўхшаб кетадиган бир қўриқчининг боши» дея жавоб бердилар.

Амир Ҳасанбек тағин излаш ишларини бошлади. Шунда бир киши «фалон аскаримиз эгнига подшоҳона либослар кийиб юрибди, ўшанинг Мирзо Жаҳоншоҳдан хабари бўлиши мумкин» деб қолди. Амир Ҳасанбек ҳалиги Исқандарни хузурига чорлаб «бу қимматбаҳо кийимлар қаердан сенинг қўлингга тушиб қолди?» деб сўради. Исқандар отлиғ аскар «фалон-фалон кўринишдаги бир одамни фалон мавзеда ўлдирдим ва бу либосларни унинг эгидан ечиб олдим» дея жавоб қайтарди. Амир Ҳасанбек дарҳол айтилган ерга одам жўнатди. Шу тариқа ўлдирилган кишининг бошини танидан жудо қилиб, подшоҳ назарига олиб келдилар. Аниқланишича, ул ўлдирилган шахс Мирзо Жаҳоншоҳ экан. Ниҳоят Амир Ҳасанбек Аллоҳга шуқр ва ҳамду сано шартларини адо этди. Муҳаммадийни ўқ отиб ўлдириб, Мирзо Юсуфнинг кўзига ўтда тобланган темир таёқча тортиб кўр қилди.

Байт:

Хонадон давлатин тугаганин кўр,
Бирисин ўлдирди, бирин қилди кўр.





**МИРЗО ЖАҲОНШОҲ ВОҶЕАСИ
ХАБАРИНИНГ СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО
ГУРАГОН АРЗИГА ЕТГАНИ БАЁНИ ВА УЛ
ОЛИЙ МАКОНЛИ ПОДШОҲНИНГ ИРОҚ
ВА ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТЛАРИ
ТОМОН ЙЎНАЛГАНИ ЗИКРИ**



Абунаср¹ Амир Ҳасанбекнинг иқбол қуёши фатҳу зафар уфқидан порлаб чиққач, Мирзо Жаҳоншоҳнинг ишлари эса юқорида ёзилгани зайлда бирёқлик бўлгач, Ироқ ва Озарбайжон қўшини аҳли умид юзини Жаҳоншоҳнинг тўнғич ўғли бўлмиш амирзода Ҳусайн Али даргоҳи сари қаратдилар. У хазина ва бойликлар эшикларини ланг очиб, бир юз саксон минг отлиққа маош берди. Афтидан, ҳеч бир шаҳзодага бу янглиф иш муяс-сар бўлмаган ва ҳеч бир тарихчининг қалами билан бу сингари воқеа ёзилмаган.

Амирзода Ҳусайн Али ул мукаммаллик топган қўшин билан уруш пойдеворини тиклаб, аҳвол шарҳини олампаноҳ Султон Абусаид Мирзо даргоҳига хабар қилди ва ғалаба аломатли байроқнинг Ироқ ва Озарбайжон томон келишини илтимос этди ва ўзининг хизматкорлик камарини жон белига боғлаб, мамлакат калитларию қалъа ва шаҳарлар очқичларини халифа ошиёнлик даргоҳ эгасига топширишини билдирди. Бу хабарни эшитиб, қувонч ва севинч нурлари мақтов хислатли султон кайфияти сари таралди ва давлатга қарашли мамлакатлардан қўшин йиғилиши борасида фармон чиқди.

Ул олий мартабали подшоҳ ҳамиша дин ва давлатнинг барча масалаларини валийлик паноҳи, ҳақлик дастгоҳи ҳазрат Хожа Носириддин Убайдуллоҳ маслаҳати билан ҳал қилиб келаётгани учун ул жанобнинг мулоқотини тилаш мақсадида Мирак Камолиддин Абдураҳим садри Самарқандга юборди. Хожа ҳазратлари султоннинг илтимосини қабул қилиб, Марвга қараб юрди. Мирзо Султон Абусаид Ироқ ва Озарбайжон юриши бо-

¹ *Абунаср* – ғалабалар отаси; бу ерда сифатлов.





расида ул ҳазрат билан маслаҳатлашди. Анча суҳбатлардан сўнг кўнгиллар ул юришни амалга оширишга қарор топиб, Хожа Убайдуллоҳ Мовароуннаҳрга қайтиб кетди.

Мирзо Султон Абусаид қишлоқ юртидан жуда кўп сонли кўшин ва қурол-яроғ билан бирга 872 йил шаъбон ойи бошлари¹, Ҳут буржи охирларида Озарбайжон ва Ироқи Ажам томонга йўналди.

Султон Абусаид Мирзо қайси шаҳар ва вилоятга етса, ўша ерлардаги авлиё ва машойих мазорларини тавоф этиш учун бориб, эътиқод шароитларини бажаришни бир нафас ҳам қанда қилмасди. Фақирлар ва мискинларга садақаю назр-ниёзлар улашарди.

Шу зайл, қуёш жамшиди илтифот нурларини шараф уйи даричасидан сочган ва барча гўзалликни яратган улугъ рассом саҳрою дашт саҳнини гулчечак ва райҳонларни очилтириш орқали Чин наққошхонаси рашк этадиган жойга айлантирган вақтда зафар нақшли туғ ойчаси Родгон сайҳонлигига қўш ташлади. Султон бир неча кунни ул дилтортар ўтлоқзорда ўтказиб, у ердан Колпуш тарафга йўналди.

Шу аҳвол асносида доим Форс ва Ироқ мамлакатлари ёнтеварагидан олам ботирлари ва жаҳон машҳурлари умид юзини бу ҳурматга лойиқ подшоҳ даргоҳи сари қаратиб турдилар. Ҳар бир манзилда ҳоким ва фозиллар мулозимат шарафига етиб, ниёзу сочқи қилардилар. Доно ва фазилатли подшоҳ Колпуш сайҳонлигида амирлар ва ишончли кишилардан бир тўпини ул вилоятларни бошқариш учун тайинлади. Аниқроғи, барчасининг қўлига бўйсундириш нишонларини тутқазиб юборди. Шу жумладан қилич ва қалам соҳиби бўлмиш Хожа Шамсиддин Муҳаммад Исфаҳонга кетди, Амир Низомиддин Аҳмад бин Амир Али Барлос Форсий Шерозга қараб йўл олди. Амир Жалолиддин Маҳмуд Барлос Кермон ҳукуматини бошқариш сари йўлга тушди, Амир Саййид Муроднинг укаси Амир Саййид Муҳаммад эса Қазвин ва Султония ҳукуматини бошқариш учун юборилди. Ҳамадон ва Дарагаз Амир Ҳусайн Али Қавчинга тааллуқ топди. Язд вилоят-

¹ 872 йил шаъбон ойи боши – 1468 йил 25 февраль.





ти Амир Қарамон Шайхга берилди. Бу номи тилга олинганлардан қайси бирор вилоятга кетган бўлса, яратганнинг инояти ул шаҳарлар ва аҳолини ёрлақаб, мақсуд нақдини мурод енги ичига қўйди. Шу тариқа Ироқ мамлакатларининг кўпчилиги мақсади ҳосил султон даргоҳи мулозимларининг қудрат қўлига ўтиб, адолат аломатли офтоб нурлари ул ҳазратнинг марҳамат соясини мазкур шаҳар ва ўлкалар узра таратди.

Амир Ҳасанбек [оққўюнли] Мирзо Жаҳоншоҳ [қорақўюнли] ташвишидан ёғдули кўнглини тинчитган вақтдан то султонлик мавкаби Колпуш яйлоғида чодир ва ўтов қуббасини қуёшу ой авжига етказган замонгача Амир Ҳасанбекнинг элчилари бир неча марта олампаҳоқ даргоҳга келиб, ихлос арзию садоқат шарҳини билдирдилар ва амирлар воситасида аъло шарафли қулоққа Амир Ҳасанбекнинг «Амир Қора Юсуф [қорақўюнли] нинг ўғиллари ҳеч қачон ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Гурагоннинг олий шаънли хонадонига самимий қалб билан тарафдорлик мақомида собитқадам бўлмагайлар, камина эса уларнинг аксича худди ота-боболарим сингари ихлос йўлини тутмоқдаман ва ҳеч қачон қаршилиқ чанг-ғуборини кўнглим четига ҳам қўндирмагайман» қабалидаги сўзларини етказдилар. Султон Абусаид Мирзо Колпуш яйловида элчиларга зиёфат бериб, меҳрибонликлар кўрсатди. Амир Ҳасанбек учун совға тариқасида зардўзи чопон, наврўзий кулоҳ, қимматбаҳо тошлар билан безатилган қилич камарини юборди ва шундай тайинлади: — Амир Ҳасанбек ўз қўшини билан ул тарафдан юриш қилиши лозим. Ғалабага ёр аскарлар бу томондан йўналадилар. Шунда бирданига исён аҳлининг бузуқ ўйлари орадан кўтарилади.

Шунингдек, Амирзода Ҳусайн Алининг элчилари ҳам кўп тухфа ва мўл-кўл совға, сон-саноксиз олтину кумуш тангалар билан осмон қудратли даргоҳга келиб, қулик ва бўйсунлиқ изҳорини қилган ҳолда ул шаҳзода тилидан «Ироқ, Озарбайжон, Форс мамлақати ва уларга қарашли ерлар катта хазина билан каминанинг тасарруф доираси ичида турибди. Қўлим остида ни-майки бўлса, ул зафарга ёр подшоҳнинг асл мулки деб биламан.



Мисра:

Биз Сизники, немиз булса, у ҳам Сизники.

Умидимиз шулки, иноят назарини бу синиқ қанотлининг аҳволдан дариф тутмагайлар. Олий ҳимматини зулм қиличи билан отамни шаҳид қилган мухолифларни йўқотиш сари қаратгайлар» деган сўзларни айтдилар. Султон Абусаид Мирзо унинг элчиларини ҳам ўз мушфиқона тортиқ ва лойиқ эҳсонига эриштириб, кетишлари учун рухсат бераркан: «Ҳозир жаҳон олувчи байроқ Озарбайжон томонга йўналган, борганимиздан кейин қандай иш давлат манфаатига мос кўрилса, ўша нарса амалга ошади» деб айтиб юборди.

Ўша айёмда қутлуғ мавкаб Колпушдан қўзғалиб, анча йўл ва масофаларни босиб ўтгач, Рай мулки ғалаба аломатли қўшин аскаргоҳига айланди. У ердан Амир Мазид амирлардан бир гуруҳи ҳамроҳлигида манглай йўсини билан олдинроқ юриб кетдилар ва жиловни тортқилаганча Табриз шаҳрига бориб кирдилар. Шу воқеалар асносида амирзода Ҳусайн Али қорақўюнли қочиб қолди.

АМИРЗОДА ҲУСАЙН АЛИНИНГ МАРАНД МАВЗЕИДА ЕНГИЛГАНИ ВА УНИНГ ОЛИЙ МАКОНЛИ САОДАТМАНД СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО ҲУЗУРИГА ЕТГАНИ ЗИКРИ

Рай мамлакати саид султон қўшини аскарлари чодирини устунига айланиб турган вақтда Мирзо Жаҳоншоҳнинг ўғли Амирзода Ҳусайн Али қорақўюнли Маранд манзилида истиқомат қилиб ўтирган ва Амир Ҳасанбек оққўюнлига қарши урушиш хаёлини кўнгли лавҳига рақам қилиб қўйганди. Душман яқинлашиб қолгани хабарини эшитгач, Амир Шоҳали ва Амир Иброҳимшоҳни ҳамда даргоҳ амирларидан бир нечтасини қоровул расми билан юборди. Ул жамоат Жаҳоншоҳнинг ўзларига қилган илгариги яхшиликларини сира кўрмагандек бўлиб, Амир Ҳасанбекнинг хизматиغا кетдилар.

Амирларнинг вафосизлиги ва Султон Абусаид Мирзонинг қўшини Табризга етгани хабари Амирзода Хусайн Али қорақўюнли қароргоҳида тарқалгач, одамлар шу даража талмовсираб, ўзларини ҳар ёнга ура бошладиларки, уларни ушлаб туришнинг ҳеч иложи бўлмай қолди. Қўшин аҳлидан баъзилари Амир Ҳасанбекка бориб қўшилдилар, кўпчилиги Султон Абусаид Мирзо даргоҳидан паноҳ топдилар. Натижада Озарбайжонни истило этиш истаги саид султон қалбида олдингидан ҳам зиёд даражада ўрнашди ва Райдан Султонияга қараб юрди.

Қутлуғ мавкаб ул диёрга яқинлашган вақтда Амир Мазид ва Табризга кетган бошқа амирлардан хат келди. Мактуб мазмуни қуйидагича эди: Амир Ҳасанбек итоат қилишдан бўйин товлади ва биз бандаларингизга ушбу фармонни ёзиб юборди: «Чифатой амирлари Табриздан чиқиб кетишлари лозим, мен ул шаҳарни ўғлим Ўғурлу Муҳаммадга берганман». Шу сабабли, энг яхшиси шуки, галаба белгили байроқ тезликда илтифот нурини бу диёр узра сочса, ўнгланиш ва яхшилик сурати мақсуд ойнасида кўриниш беражак.

Аммо Амир Ҳасанбек оққўюнли Султон Абусаид Мирзонинг Султонияга келиб қўш ташлаганини эшитгач, Табризнинг саккиз чақиримлик еридан кучиб, Қорабоғ туманига кетди. Саид султон бундан хабар топгач, Паҳлавон Юсуф Шерозийни Табриз доруғалигига тайинлаб, ўша ёққа юборди-да, ўзи Султониядан Миёна мавзеи сари отланди. Мазкур мавзеда амирзода Хусайн Али ва унинг ўғли Султон Али ва укаси амирзода Юсуф Макҳул ҳамда туркмон амирларидан бир тўдаси лашкардан элик минг нафарга яқин киши билан қутлуғ қароргоҳга келдилар.

Султон Абусаид Мирзо Жаҳоншоҳнинг ўғилларини очиқ кўнгил билан кутиб олиб, сийловларга эриштирди ва дилга ёқар ваъдалар бериб, ўз лутфидан умидвор қилди.

Шу аснода Амир Ҳасанбек ўз жияни Юсуфбекни элчилик расми билан аъло тахт пойига юборди. Султон Абусаид Мирзо роятда дабдабаю маҳобатли йиғин ясади ва улуғ амирлар тўла қоида билан Юсуфбекни саид султон олдига элтдилар. У эса Султон Абусаид Мирзонинг қўлини ўпишга муяссар бўлиш учун





йўналар экан, саид султон амирларининг тайинловига кўра йигирма етти жойда тиз чўккалаб бориб, бу бахтга эришди. Юсуфбек шунда ҳам фақат амирлар орқалигина ўз амакиси тилидан айтиб юборилган ушбу оғзаки сўзларни етказиш имконига эга бўлди: Юз йилга яқин даврдан бери ота-боболаримиз ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари хонадонига нисбатан тарафдорлик ва давлатхоҳлик йўлини тутиб келишган. Мана бугун бу мухлисингиз ҳам ўша йўлдан четга чиқмай, Форс ва Ироқ вилоятларини душманлар чангалидан озод қилдим ва олий даргоҳ эгаси мулозимлари қўлига топширдим. Умид шулки, бу қамишзорда то қиш фасли тугаб, йўллардаги қорлар эриб, Дирбақрга қайтиб кетишимиз имкони юзага келгунга қадар туришимиз учун рухсат берсангиз.

Шунингдек, Амир Ҳасанбек жияни Юсуфбек орқали мазкур сўзларни ўз ичига олган бир хат ҳам юборганди ва унда ушбу байтни битган эди.

Байт:

Маъшук ўз аҳдини узмасин десанг,
Калава учини қўлдан қўйма сан.

Алқисса, Султон Абусаид Мирзо Амир Ҳасанбекнинг хат-хабарини ҳам ўқиб, ҳам эшитгач шундай жавоб бериб: Қутлуғ мавкаб ул диёр сари юрмоқда. Борганимиздан сўнг нима маъқул кўринса, ўшани амалга оширажакмиз, деркан ўз аммасининг ўғли Мирзо Маҳмуд ҳамда Хожа Лоқни Юсуфбекка қўшиб, Амир Ҳасанбек *оққўюли* ҳузурига юборди.

Мирзо Маҳмуд Амир Ҳасанбек қароргоҳига етишгач, ул ҳазрат ҳам подшоҳона қабул маросими тайёрлаб, кўринишхона ўртасида олтин тахт ўрнатиб қўйдирди ва унга Ёдгор Муҳаммад Мирзо бин Султон Муҳаммад Мирзо бин Мирзо Бойсунқурни ўтқазди-да, ўзи ўта улувворлик билан ўша тахтнинг чап томонида ўтирди ва амирлару қўшин бошлиқларига қуролланган, ҳарбий либосларни кийган ҳолатда ҳар кимнинг тайин этилган ўз жойида туришини буюрди. Шундан сўнггина Мирзо Маҳмудни ичкари кириш учун таклиф этди.





Мирзо Маҳмуд ўта даҳшат ичида кўрунишхонага кириб, бир неча бор тиз чўккалади ва Амир Ҳасанбекнинг имоси билан дастлаб Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг қўлини ўпди. Кейин Амир Ҳасанбекнинг қўлини ўпиш иззатига мушарраф бўлди. Айтиш керак бўлган бор сўзини арзга етказиб, уларнинг жавобларини эшитди-ю, икки-уч кундан сўнг қайтиш жilовини қўлга олди.

**ЭРОН ВА ТУРОН ПОДШОСИ ҚЎШИНИ УЗРА
БУЗИЛИБ ҚОЧИШ ВА ТУМТАРАҚАЙЛИК
ШАМОЛИНИНГ ЭСИШИ ҲАМДА
ХУРОСОНЛИКЛАР ЁҒДУ ЧИРОФИНИНГ
АРРОНГА ҚАРАШЛИ ҚОРАБОҒ МАВЗЕИДА
ЎЧИШИ БАЁНИДАГИ ГАПЛАР**



Малол уйи иқболи офтоб чўққиси каби тез ботувчидир, мансабу жалол офтоби булут сояси мисол ўтиб кетиш шарафига маҳкумдир. Подшоҳи мутаолнинг истак-иродаси султонлик давлатининг ўзгаришига тааллуқ топса, бу давлатнинг барқарор қолиши жасур қўшиннинг кўплиги туфайли ҳам тартиб топа олмайди. Мулкларнинг қудратли малики иродаси қачон олам олишлик қўшинининг тарқаб кетиши сари бўлса, унинг йиғини доно оқиллар тадбири мўлжали билан ҳам амалга ошмайди.

Бу ёзувнинг таҳлили шуки, қазою қадар Подшоси¹ бахтли султон Абусаид Мирзонинг давлати биноси ва ҳаёти иморати бузилишига қарор қилган экан, мард жангчиларининг кўплиги ва уруш-саваш асбобининг мўл-кўллигига қарамай, ул жанобга Озарбайжон юришида ғалаба чехраси жамол кўрсатмади. Аксинча, фатҳу зафар насими Абунаسر Ҳасанбек оққўюнлининг юрт олувчи байроғи узра эсиб, субҳоний иноят қўли салтанат ва подшоҳлик эшикларини ул мақсади ҳосиллик осмонининг куёши турмуши юзи томон ланг очди.

Бу ҳолнинг қисқача шарҳи шуки, Миёна манзили замона султони чодир тикланган қароргоҳга айланиб, лашкаргоҳ қўшин

¹ Аллоҳи таоло кўзда тутилган.





сони кўплигидан қиёмат куни дашти аломатини намоён этиб турган вақтда, кутилмаганда совуқ ва аёз лашкари олам кенглигида қўлини талон-торож сари чўзди. Сайёралар подшоси — қуёш булут қопини елкасига ташлаб, совуқ ҳаво қўрқинчидан бошини ложувард чодирдан ташқари чиқармай қолди. Шунга кўра саид султон амиру нўёнларни чақириб, қишлоқ юртини тайин қилиш борасида маслаҳат ўтказди. Барчаси бир овоздан Амир Ҳасанбекни Қорабоғдан чиқариб, бу қишни ул олий маконли подшоҳ ўрнида қишлоқ йўсини билан ўтказишга қарор қилдилар.

Олий байроқ шу йўналиш бўйича ҳилпираб, Қорабоғнинг етти чақиримлик жойи қутлуғ қўш ташлаш ерига айлангач, озиқ-овқат камлиги сабабли тадбир аҳли «Маҳмудобод мавзеига борсак, у ерда шу пайтгача тарафдорликдан лоф уриб юрган Ширвоншоҳ ҳам аъло ўрдуга қўшилса» деган фикрни маъқул кўрдилар. Шу азму қарор билан кўчиб, ўт-ўлани заҳарли ва қай майсасини от-улов, мол-ҳол еса ажал бўриси чангалидан омон қолмайдиган бир ўтлоқзорга етдилар. Маҳмудобод сайхонлиги олий насли подшоҳнинг лашкаргоҳи бўлгач, қўшин орасида қаҳатчилик ва очлик шу даражага етдики, бир ман ғалланинг баҳоси ўн диноҳ кепакийгача кўтарилди.

Амир Ҳасанбек барча йўл ва сўқмоқларни беркитиб, Хуросон, Ироқ, Форс тарафлардан ҳеч кимнинг қутлуғ қароргоҳ сари боришига йўл қўймади.

Аммо бир неча кун Ширвон томондан кема билан мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотларини қароргоҳга келтириб турдилар. Бироқ ўша озуқа келмаган давр мобайнида Хуросон ҳарбийларининг отлари жуда мадорсизланиб қолган эди. Туркмонларнинг от-уловлари эса, тинчгина озуқаланиб, семирган қўйи куч-қувватга тўлиб тураркан, *оққўюнлилар* ҳамиша қароргоҳ ён-теварагига босқин-чопқин уюштиришар ва кимни қўлга туширсалар, охирач оламига равона қилар эдилар.

Бир неча кун аҳвол шу зайл ўтгач, Ширвоншоҳ Амир Ҳасанбекнинг ваъдаю пўписалари сабабли саид султонга ёғий бўлди. Бу ҳодиса қутлуғ мавкабнинг Маҳмудободдан Ардабил томон қўзғалишига сабаб бўлиб, йўл асносида ботқоқ бир жойга етил-





ди ва кўпгина от-уловлар ажал лойига ботди. Шоҳ ва сипоҳ бир амаллаб у ердан ўтиб олишди ва Тобтон мавзеида манзил тутишди. 873 йил ўн иккинчи ражабда¹ пайшанба куни Амир Саййид Мурод қоровуллик йўсини билан Амир Ҳасанбекнинг лашкаргоҳи томонга кетди. Аммо йўл асносида тўрт юз нафар тиш-тирноғигача қуролланган отликқа дуч келди. Уларнинг бошлиғи Амир Бек *Туркмон* олдинга чиқиб, Саййид Муродга қарата: Султон Абусаид Мирзо юз йиллик душманларни дўст, *юз йиллик дўстларни эса душман билди*. Энди уруш қилмасдан ёки сулҳ тузмасдан туриб қаерга ҳам *борарди*. *Эртага у томондан* улуғ амирлар келишлари лозим ва Амир Ҳасанбек ҳам яраш битимини тузиш учун ўз хос ва яқинларини юборажак, деди.

Саййид Мурод шу ердан орқага қайтди.

Эртаси куни Амир Саййид Мазид баланд мартабали амирлардан бир тўпи билан лашкаргоҳдан чиқиб, ўтган куни *туркмонлар* келган жойгача бордилар. Амир Мазид ўз одамлари сонини *туркмонларга* қараганда кўпроқ билиб, ўта мағрурлик билан туркмонлар устига от қўйди ва ул жамоанинг йиғин пойдеворини бузиб юборди. Амир Султон *Арғун* қанчалик «бу гуруҳнинг орқасида мадад кучлари бор, кетидан қувмайлик, тўхташ лозим» деганига боқмай, Амир Мазид унинг сўзини инобатга олмади ва бир неча фарсах ергача қочганар орқасидан қувлаб борди.

Ўша аснода Амир Ҳасанбек жангга шай ҳолатдаги икки-уч минг отлик билан пистирмадан чиқиб, қўққисдан Хуросон сипоҳига ҳужум қилди. Султон Жунайд, Паҳлавон Ҳусайн Девон, Ҳусайн Али *Арлот*, Шермуҳаммад Бағдодий, Пирмуҳаммад Қўрчинини² беш юзга яқин тобе кишилари билан бирга қатлга етказди.

Амир Саййид Мазид асир тушиб, қолганлар юзни Султон Абусаид Мирзо қароргоҳи сари қаратдилар.

Султон Ҳусайн Али Мирзо *қорақўюнлининг* ўғли Амирзода Султон Али Ҳамадон тарафга қочиб, ўша ерда ўлдирилди. Отаси ўша пайтда Табризда эди.

¹ 873 йил ўн иккинчи ражаб — 1469 йил 26 январь.

² Қўрчи — қурол-аслаҳа ишлари бўйича мутасадди.





Алқисса, бу ташвишли хабар улуғвор қароргоҳ аро ёйилгач, Султон Абусаид Мирзо чора ахтариб, ота-боболари Мозандарон волийлари қаторида турган Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Жалолиддин Абдулваҳҳоб бин Амир Фиёсиддин бин Амир Камолиддин бин Амир Саййид Қавомиддинни сулҳ ва яраш палосини тўшаш учун Амир Ҳасанбек ёнига юборди. Бу саййид жаноблари орқасидан ўз онасини ҳам саййид Садриддин Иброҳим Қумийга қўшиб, ўша иш бўйича жўнатди.

Амир Ҳасанбек аъзам саййидлар ва маҳди улёга нисбатан таъзим ва эҳтиром шартларини бажо келтириб «дўстлик ва сулҳ пойдеворини тиклаш бобида нима десалар, ижобат иззатига етказай» деган қарорга келиб турган пайтда, кутилмаганда, Амир Ҳасанбек булар келишидан олдин элчилик расми билан саид султоннинг олий қароргоҳига юборган Саййид Ардабий қайтиб келиб «хуросонликлар ниҳоятда ёмон ва паришон аҳволга тушишган, сира ҳам сулҳ ва ярашишига кўнмаслик лозим. Ўзи шундоқ ҳам уларнинг ўзлари шармандали бир суратда қочиб қоладилар» дея арзга етказди. Шунга кўра, Амир Ҳасанбек маҳди улё ва Саййид Садриддин Иброҳимни ноумид қайтарди. Амир Фиёсиддин Муҳаммадни марҳамат назарига эриштириб, унга Сори тумани бошқарувини топширди.



СУЛТОНИ САИД СУЛТОН АБУСАИД МИРЗОНИНГ МУДҲИШ ВОҚЕАСИ ЗИКРИ



Саййид Садриддин Иброҳим Қумий ва маҳди улё олий тахт поясига қайтиб келдилар. Аммо ҳали гап-сўзларини тугатиб улгурмасдан, Амир Ҳасанбекнинг зафарга ёр қўшини илғор қисмининг қораси кўринди. Хуросонлик амирлардан бир нечтаси ўз мурчалларини¹ ташлаб чиқиб, вафосизлик қадами билан душманга қўшилдилар. Шунга кўра Султон Абусаид Мирзо ражабнинг ўн олтинчисида² куннинг қоқ ярми чоғи меҳнат ва

¹ Мурчал — жанг пайти қазиладиган ертўла.

² 873 йил ўн олтинчи ражаб — 1469 йил 30 январь.





укубатга тизгиндош бўлиб, юзни қочиш томонга қаратди. Амир Ҳасаннинг икки ўғли эса қувлашга тушиб, ул жанобни ушлаб олишди ва ярим кечада ўз отаси қароргоҳига олиб келиб, ҳушёр кўриқчиларга топширганча, қаттиқ сақловда тутишди.

Икки кундан сўнг Амир Ҳасанбек Бахт ва ферузлик тахтига ўтириб, ул олий мартабали подшоҳни ёнига чақирди. Саид султон даргоҳга яқинлашгач, Амир Ҳасанбек ўрнидан туриб, таъзим ва ҳурмат шартларини адо этди ва мўлжаллаб қўйган жойига ўтқазди-да, шикоят ва гина қоришиқ сўзларни тилга олди. Саид султон вақт тақозосига мос жавоблар бераркан йиғин аҳли сари боқди. Амир Ҳасанбек ул олий шарафли подшоҳнинг жонига бирор озор етказмоқни истамаганди. Аксинча, муддаоси яроқ ва асбобларини бериб, Хуросон тарафга қайтариб юбориш эди. Аммо анча гап-сўзлардан сўнг Ширвон қозиси ифвоси ва туркмон амирларидан бир тўдаси маслаҳати орқасида ул адолат ва эҳсон манбасини ўлдирмоққа қарор қилди.

Ражаб ойининг йигирма иккинчисида¹ тайинланган вакиллар Султон Абусаид Мирзони Ёдгор Муҳаммад Мирзони кўриш учун шаҳзода олдига олиб бордилар. Шаҳзода истиқбол шартларини бажо келтириб, ул икки подшоҳ қучоқлашиб, бир-бирларини бағрига босиб кўришдилар. Мирзо Ёдгор Муҳаммад чодирга қайтиб кирди, муҳассиллар эса саид султонни орқага қайтариб олиб кетдилар ва ўша лашкаргоҳда шаҳидлик шарбатини ичирдилар.

СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО ҚОЧГАНИДАН СЎНГ ХУРОСОН АМИРЛАРИ ВА ҚЎШИНИ САРИ ЮЗЛАНГАН ВОҚЕАЛАРДАН БИР БЎЛАГИНИНГ БАЁНИ

Султон Абусаид Мирзо йўналиш жиловини қочиш сари бурган вақтда қиёмат куни аломатлари бахтсиз лашкаргоҳда даҳшатли бир даражада намоён бўлди. «У кунда киши ўз оға-

¹ 873 йил йигирма иккинчи ражаб – 1469 йил 5 февраль.





инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола-чақасидан ҳам қочур»¹ сурати кўриниш бериб, каттаю кичик, амиру вазир, ёшу қарининг дод-вой, қий-чув, нолаю фифон товушлари кайвон айвонидан ошди.

Байт:

Аросатда қолган: нажот йўли берк,
Қолмоққа илож йўқ, қочишга на эрк.

Ўша лаҳзадаёқ Амир Ҳасанбек қўшини ботирларининг ҳар бири жон олувчи найза ушлаб ва қон оқизувчи камон ўқини отиб, лашкаргоҳ сари чопганича талон-торожни бошлаб, турку тожик йиғини биносини тагидан қўпордилар. Аммо ҳали чодир ва ўтов, шоҳона саропардаю подшоҳ кўрунишхонаси ўз ўрнида турган пайти Абунаср Музаффариддин Ҳасанбек ташриф буюрди ва отдан тушмасдан подшоҳ чодир эшиги олдида турди-да, *туркмон* қўшинини ярашиқсиз қилиқлардан тўхтатди. Ҳарамнинг хожасаро ва тан қўриқчиларини илгариги дастур бўйича ҳарам аҳлини қўриқлашга тайинлади. Хазиналар ва қимматбаҳо газламаларни эса ўз тасарруфига ўтказиб, шундан сўнг бошқа ишларни буткармоққа киришаркан, шахсан ўзи қўшиннинг хуросонликларни талашни ҳаддан ошираётган айрим тўдаларини бу ишдан тўхтатишга машғул бўлди ва бундай кишилардан бир нечасини ўқ отиб, қатлга етказди. Шунингдек «Озарбайжон *туркмонлари* ва Хуросон ясоқчилари лашкаргоҳдан ташқари чиқсинлар, шаҳид бўлган подшоҳнинг амирларию қўшин аҳли эса Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг ҳимояти остига йиғилсинлар» деган фармон берди.

Саид султоннинг яқинлари ва тобе кишиларидан кўпчилик қисмига ўзининг чексиз инояти соясида жой бериб, марҳамат ва меҳрибончилик эшикларини ул бечоралар турмуши юзи сари очди.


Улуғ амирлар ва олий мақомли садрлардан Амир Саййид Мазид *арғун*, Амир Маҳмуд Мусика, Амир Аҳмадёр, Мирак Абдулкарим, Мирак Абдурахим садр, Амир Абдулваҳҳоб, мавло-

¹ Қуръони карим, Абаса (80) сураси, 34–36-оятлар.




но Қутбиддин табиб бир неча вақт занжирбанд ва кишанбанд ҳолича тургандилар. Ниҳоят Мирак Абдурахим ўзи айтган айрим фитна қоришиқ сўзлари сабабли ўлдирилиб, бошқа бандилар эса нажот топдилар. Улардан айримлари Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг хизматига кириб, бир нечалари Хуросонга юзландилар. Кўпчилик ҳарбийлар Ширвон, Гилон йўли орқали ўз ватанларига кетдилар. Саид султонининг вазирларидан Хожа Бурҳониддин Абдулҳамид ўрдада Амир Ҳасанбек хизматига бориб, девонликнинг ашраф мансабига эришди. Исфаҳонда ҳоким бўлиб ўтирган Хожа Шамсиддин Муҳаммад ул хабарни эшитгандан кейин бу зафарга ёр туркмон подшоҳининг даргоҳига ошиқиб, вазирлик байроғини кўтарди.

Ироқнинг айрим ҳудудларида давлат солиғини ундириб юрган Хожа Қутбиддин Товус рухсат тилаб, Хуросон томон кетди.



**МАҚТОВ ХИСЛАТЛИ СУЛТОН
АБУСАИДНИНГ ШОН-ШАВКАТЛИ
ЎФИЛЛАРИ АҲВОЛИНИНГ
ҚИСҚАЧА ЗИКРИ**



Қазову қадар девони Султон Абусаид Мирзонинг ҳаёт дафтарига ғаразли тугалланиш рақамини битган вақтда ул жанобнинг ўн бир нафар бахт юлдузли ўғли бор эди ва улар номларининг тартиби қуйидагичадир: Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Мирзо Умаршайх, Або Бакр Мирзо, Султон Мурод Мирзо, Султон Халил Мирзо, Султон Валад Мирзо, Султон Умар. Бу ўн тўрт шаҳзодадан эса тўрт нафари салтанат ва фармон беришлик мартабасига етишдилар. Ва уларнинг исмлари ушбудир: Султон Аҳмад Мирзо, Маҳмуд Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мирзо Улуғбек.

Бу тўрт нафар мақтов хислатли подшоҳлар ва Султон Абусаид Мирзонинг бошқа ўфиллари воқеалари тафсилоти ушбу сатрлар муаллифига унчалик маълум бўлмагани сабабли икки тилли



қалам уларнинг мухтасар аҳволини ёзмоқ билан чекланиб, қай бири салтанатга эришган бўлса, фақат ўшанисининг зикрига киришади.

Муиз ус-салтана вал-хилофа¹ Султон Аҳмад Мирзо Султон Абусаиднинг азиз ўғилларидан тўнғичи бўлиб, 855 йили² салтанат пойтахти Самарқандда Буво Тархоннинг ёрқин шариатга кўра ул саодат аломатли подшоҳ Султон Абусаид никоҳига кирган қизидан дунёга келганди.

Султон Абусаид Хуросон фатҳидан сўнг ҳазрат соҳибқирон дорилмулки Самарқандга қарашли вилоят ва туманларни ўшал кўзининг нурига топшириб, Жонибек ва Султонбек Кошғарийнинг укаси Дўлдайни мазкур шаҳзоданинг отабеклик мансабига тайинлаб, қудрати байроғини Самарқанд ва Бухоро узра кўтарди.

Ул соҳиби далил подшоҳ Султон Абусаид Мирзонинг бутун умри давомида Мовароуннаҳрда сарафрозлик тахтида макон тутди. Раият ва қўшин аҳлига нисбатан тўла адолат ва эзгулик билан муносабатда бўлди.

Қорабоғ воқеасидан кейин эса Хуросон вилоятларини эгаллаш учун Амуя дарёсидан ўтиб, Андхуд чегарасига етгач, мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг истилоси хабарини эшитди ва шунга кўра қайтиш тизгинини Самарқанд сари буриб, «ал-авд аҳмад»³ ибораси мақтов хислатли бу подшоҳ ҳоли васфи учун инди.

Мирзо Аҳмад ўзининг подшоҳлиги айёмида тўрт навбат муҳолиф аҳли билан уруш қилди. Биринчиси, Неъмат исмли Шайх Жамол арғуннинг укаси билан Зомин теварагида тўқнашиб, ул жангда Султон Аҳмад Мирзо ғалаба қилди. Неъмат эса ўзининг неъматга кувфрлиги балосига йўлиқиб, қочиш водийси сари ошиқди.

Иккинчи марта ўзининг укаси Умаршайх Мирзо билан Шоҳрухия ва Ўратепа оралиғидаги Хавос қишлоғида уруш қилди. Ўша куниси ҳам фатҳ ва ғалаба нури ул ҳазрат байроғи туғи сари сочилди.

¹ *Муиз ус-салтана вал-хилофа* — салтанат ва давлатга шараф бағишловчи.

² 855 йил — 1451 йил.

³ *Ал-авд аҳмад* — арабча ибора: Қайтиш мақтовли ишдир.





Учинчиси шуки, бир гал мўғуллар¹ орасида «Хоникахон» лақаби билан танилган Султон Маҳмудхон бин Юнусхон Самарқандни олишни мақсад қилиб, Тошканд атрофини ўз лашкаргоҳига айлантирди ва мўғул қўшинлари Туркистон атрофи ва Мовароуннаҳр теграсида қўлни ғорат ва талон-торож учун чўздилар. Султон Аҳмад Мирзо эса Самарқанд шахридан уруш оловини алангалатмоққа жазм қилиб, ғалаба белгили байроқ ва тугларни баланд кўтарган ҳолда душман сари юзланди. Айрим чопқунчи мўғулларнинг пўрталларини² олиб, Султон Маҳмудхон черики қўнган Чир дарёси қирғоғига етиб келди. Бироқ иккала қўшин қарама-қаршилик қуроallarини ишга солмасдан ҳар тоифа ўз мамлакати сари қочиб қолишди.

Тўртинчиси шуки, Ҳайдар Кўкалтош қадамини қаршилик водийси аро ташлаб, ботирлик отини ғанимлик майдонида йўрттирди. Султон Аҳмад Мирзо эса довюрак кишилар тўдаси билан бирга уни йўқ қилмоқ ниятини кўнглига тугди ва оти жilовини исёнчининг аскаргоҳи сари буриб, Ёзййлоқ навоҳисида тарафлар тўқнаши юз берди. Урушда Ҳайдар енгилиб, Мирзо Султон Аҳмад музаффар бўлди ва ғалабага ёр ҳолда ўз мамлакати пойтахти сари қайтди.

899 йилда³ эса Умаршайх Мирзо Гурагон муносабатларидан ўта безор бўлган Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмудхон бир-бири билан иттифоқ бўлиб, ул салтанат доираси марказининг иқбол ниҳоли томирини қўпориб ташламоққа қарор қилдилар ва Султон Маҳмудхон Хўжанд дарёсининг шимол томонидан, Султон Аҳмад Мирзо эса ул дарёнинг жануб тарафидан Андижон томонга юзландилар.

Шу аснода ҳеч қутилмаган бир воқеа рўй берди ва ажал лочини Умаршайх Мирзоннинг руҳ қушини овламоқ ҳавосида

¹ Мўғул – XIV аср ўртасида Чигатой улуси иккига – шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб, шарқий қисмини ғарбдагилар Жета ва Мўғулистон, аҳолисини эса «мўғуллар» дейишган. Бу атама XVII аср бошигача сақланган. Чигатой наслидан бўлмиш Юнусхон Кошғарийга тегишли ерлар Мўғулистон аталиб, уларни «мўғул» деб аташган. Бобур Мирзо ёзишича, улар мўғул урф-одатлари ва мўғул тилида айтиладиган дуоларни ўз ҳолича сақлаб келишган.

² Пўртал – лашкарнинг юк ва мол, буюм каби нарсалари.

³ 899 йил – бу ерда 1494 йил ёзи кўзда тутилмоқда.



парвозга киришиб, ул ҳазрат 899 йил муборак рамазон ойининг тўртинчисида¹ душанба куни Аҳси кабутархонаси тоmidан учиб, ардоқли жонининг лочини юксак жаннат покликларида уя қурди. Султон Аҳмад Мирзо бу хабарни эшитиб, Фарғона мамлакатини эгаллаш бобида яна ҳам қатъийлик ва тиришқоқлик кўрсатиб Ўратепа, Хўжанд, Марғинонни қўлга киритди ва сўнг Андижоннинг тўрт фарсахлик ерида қўш ташлади. Аммо мазкур вилоят фатҳи унга муяссар бўлмади. Булар, Худо хоҳласа ушбу варақларда ёзув ипига тизилажак.

Хуллас, Султон Аҳмад Мирзо отаси вафотидан кейин сарварлик тахтига ўтирган ҳазрат подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан сулҳ тузиб, орқага қайтди. Аммо икки-уч манзилни босиб ўтгач, шариф саломатлиги ўз меъерий ҳолати йўлидан кучсизлик ва беҳоллик сари майл кўрсатиб, қаттиқ ёндирувчи иситма ул адолатпарвар подшоҳнинг ҳаракат марказини заифлантирди ва мазкур йилнинг ўрталарида Ўратепа навоҳасида Оқсулот² дарёси бўйида ҳаётининг шуъласи тақдир ажалининг суви билан ўчирилди. Ул ҳазрат қирқ тўрт йил давомида бу уқубатли уйда умр кечирганди. Султон Аҳмад Мирзо эътиқоди поклиги ва тариқат сулукида етуклиги билан васф этилган бўлиб, яширин намозлар адосида тиришқоқлик шартларини бажо келтирганча ҳеч қачон ибодатни тарк этмасди. Ҳамиша «ақд-битимларга вафо қилинг»³ ояти мазмунини ўзининг олий асарли мақсади қилиб олганди ва ҳеч қачон аҳду паймон масаласига қарама-қарши иш фикрини олий кўнгли сари йўлатмасди. Ва гарчи урушларда ўзи шахсан жанг қуроларини ишлатмаса-да, аммо ул жаҳонбонлик асослари қурувчисининг ҳаракатлари-ю ўтириб-туришида шижоат ва баҳодирлик ҳамда паҳлавонлик белгиси юзага чиқарди. Ўқ отиш ва қовоққа чопиш⁴

¹ 899 йил тўртинчи рамазон – 1494 йил 8 июнь.

² Оқсулот – Оқсув дарёси бўлиши лозим.

³ Қуръони карим, Моид (5) сураси 1-оятдан: *Эй мўъминлар, ақдлар (ўзаро келишилган битимлар)га вафо қилинг!*

⁴ Қовоққа чопиш (матнда «қабақ тохтан» – қовоқ томонга қараб отда чопмоқ) – тепалик ерда ўрнатилган хода учига қовоқ қўйиб, от чоптирганча келиб, камон ўқи билан шу қовоқни уриб тушириш машқи ва мусобақаси. Голибга соврин сифатида бериладиган тилло танга ёки олтин қўймасини шу қовоқ ичига ҳам қўйиб ўтказадиган бундай мусобақани «олтин қовоқ отиш» ҳам дейилган.





соҳасида замоннинг кўпчилик ўқчиларидан устун эди. Узоққа отган ўқи кўпинча мақсад нишонига етиб, ҳеч қачон хато кетмасди. Ул ҳазратнинг таъби қуввати шу даража эдики, агар истаса, бир кеча-кундуз давом этувчи шароб мажлисида гул юзли соқийлар қўлидан тотли бода қадахларини бемалол симириб ўтираверарди ва базм йиғинида ғоятда инсонийлик кўрсатар, яъни ҳеч қачон ул оқил подшоҳ томонидан ёқимсиз ишлар юзага чиқмасди. «Жим турган киши қутулади»¹ калимаси мазмуни ҳамиша нурли қалби учун ибрат эди. Сўзлашув чоғи гапни чўзиш ва сергапликни жойиз кўрмасди.

Султон Аҳмад Мирзо ўз умри мобайнида олти нафар аёлни ўз никоҳига киритди. Ва унга Худои субҳона ва таоло етти нафар қиз ато қилди.

Ул тахту тожни безовчининг хотинлари номи қуйидаги тарзда ёзиб кўрсатилмоқда: Биринчиси Мехр Нигорхоним Юнусхон қизи, иккинчиси эса насаби Тархон амирларига уланувчи Тархонбегим; учинчиси Тархонбегимнинг кўкалтоши Қабақбегим эди. Тўртинчиси насаби Термиз хонзодаларига боғланувчи Хонзодабегим. Бешинчиси Латифбегим Амир Аҳмад Ҳожи қизи. Олтинчиси Султон арғуннинг оға-инисининг қизи бўлмиш Ҳабиба Султонбегим.

Айтмоқ лозимки, Султон Аҳмад Мирзонинг ўғил фарзандлари икки нафар бўлиб, аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам кичикликда оламдан ўтишган.

Ул олий шаънли подшоҳнинг қизлари жумласидан тўрт нафари Қабақбегимдан вужуд оламига келган эдилар. Бир нафари эса Ҳабиба Султонбегимдан эди. Қабақбегим қизларидан энг тўнғичи Робиа Султонбегим бўлиб, уни Қарокўзбегим ҳам дер эдилар. Қарокўзбегим Султон Аҳмад Мирзо ҳаётлигида Султон Маҳмудхоннинг никоҳига кирди. Султон Маҳмудхон шаҳидлик топгач, ул ифбатли аёлга шайбоний Жонибек Султон уйланди. Иккинчиси Солиҳа Султонбегим бўлиб, уни Оқбегим ҳам дейишар эди. Оқбегим отаси вафот этгач, ўз амакасининг ўғли

¹ Ҳадисдан: Билмаган нарсанг ҳақида ёлгон сўзлагандан кўра, жим турсанг иймонли бўласан.





Султон Масъуд Мирзонинг никоҳига кирди. Учинчиси Ойиша Султонбегим бўлиб, бир неча вақт жамшид мартабали подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳарамида турди. Тўртинчиси Султонбегим бўлиб, Султон Али Мирзо Самарқанд салтанатида чоғи уни ўз никоҳига киритди. Бешинчиси Ҳабиба Султонбегимдан туғилган қизи бўлиб, исми Маъсума Султонбегим эди. У халифатпаноҳ ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг ҳарами сари йўл топиб, бир неча вақтдан сўнг битта қиз туғди. Ўшанда онаси вафот этиб, қизга онасининг исми қўйилди.

Султон Маҳмуд Мирзонинг дунёга келиши ҳижрий 857 йили¹ рўй берган. Ул ҳазрат Султон Абусаиднинг азиз ўғилларидан етуғи ва Султон Аҳмад Мирзонинг ота бир, она бошқа укаси эди. Шижоат ва мардоналик сифати билан васф этилган, донолик ва саховату тантилиқ бобида танилган, яхши хулқ ва чиройли одоб эгаси, адолат ва инсоф пойдеворини мустаҳкамлаш, зулм ва ноҳақлик қоидаларини вайрон этишда султонлар устунига бошчилик қиларди. Ўткир қиличи уруш пайти дину давлат душманларининг иқбол дарахтини чопар, қон оқизувчи найзаси жанг майдонида мулку миллат аъло байроғининг энг баланди эди. Шунингдек, оламини безовчи ақли хуршид каби машриқдан нур сочувчию ёғдулик кони, тўғри тадбири қоронғи кечадаги ўн тўрт кунлик ой мисоли ёруғлик манбаси, пок кўнгли маоний ҳақиқатларини англовчи ва ўткир зеҳни нуктадонлик² ҳикматлари тўплами, сахий қўли фозиллар турмушининг кафолати ва инъомининг кўзи олимлар ҳаётининг шарофати эди.

Назм:

Юртида маъмурлик адолатидан,
Зулм эли маҳв эрур сиёсатидан.
Унинг насабидан тахту тож кўркам,
Олам кўёшидай райидир равшан.
Саховатли кафти гавҳар ёғдирар,
Гавҳари таъбида хайрли ёғдулар.

¹ 857 йил – 1453 йил.

² *Нуктадонлик* – нозик фикр, юксак маъноларни билишлик.





Ва ул олий зотли шаҳзода отаси ўлим домига гирифтор бўлган пайтда ҳазрат парвардигор ҳимояси кафолати остида Хуросон томонга йўналди ва 873 йил муборак рамазон ойининг иккинчисида¹ пайшанба куни соғ-омон салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келиб, кўшин ва халқ аҳволига қараш ишлари билан машғул бўлди.

Мазкур ойнинг учинчисида жума куни² ул фохира шаҳарнинг жоме масжидида ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Гурагон ва Султон Абусаид Мирзо ва Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзо номига хутба ўқидилар ва шу тариқа Султон Абусаиднинг жонни куйдирувчи воқеаси хабари маълум бўлиб, хос ва авом кишилари тоифасининг бари йиғи ва нола товушларини зангори фалакка етказдилар.

Байт:

Олам қоидаси бузилиб кетди,

Бир ажаб мушкул қол ташрифи етди.

Ойнинг тўртинчисида шанба куни³ тонгида эса Ихтиёриддин қалъасининг кутволи исён кўтарди ва халқ гуруҳ-гуруҳ Султон Ҳусайн Мирзога тарафдорлик шиорини илгари суриб, иш тадбир доирасидан ташқари чиқди.

Шунга кўра қуёш тепада вақти Султон Маҳмуд Мирзо Амир Ёр муғул ва Амир Қанбар Али ҳамда бирдамлик йўлининг соликларидан бир тўдаси билан биргаликда Ҳиротнинг Хуш дарвозасидан ташқари чиқиб, йўналиш юзини Самарқанд сари қаратдилар.

Ул жаннатга менгзар шаҳарга етишгач, Султон Аҳмад Мирзо лутфу марҳамат эшикларини укаси юзи томон очди ва бир неча вақт ака-укалар ўртасида келишув йўллари сақланиб турди.

Аммо бир куни Султон Маҳмуд Мирзо шикор баҳонаси билан шаҳардан ташқари чиқди ва Аҳмад Муштоқ, Саййид Бадр, Амир Хусравшоҳ ҳамда саройга яқин яна айрим кишилар ифвosi бўйича Ҳисори Шодмон тарафига кетди. Мақсаддаги манзилга етишгач, ўша пайтда ул шаҳарда ҳоким бўлиб ўтирган Амир

¹ 873 йил иккинчи рамазон — 1469 йил 16 март.

² 873 йил учинчи рамазон — 1469 йил 17 март кўзда тутилмоқда.

³ 873 йил тўртинчи рамазон — 1469 йил 18 март кўзда тутилмоқда.





Қанбар Али Султон Маҳмуд Мирзони салтанат узра кўтарди ва ул ҳазрат Термиз, Чағониён, Ҳисор, Хатлон, Қундуз, Бағлон, Бадахшон вилоятларидан то Ҳиндукуш довоғигача салтанат байроғини кўтарди.

Мирзо Султон Маҳмуд фармонфармолиги замонида бир неча навбат Катвар ва Сиёҳдушон тоғи томонга қўшин тортиб, ул дёрнинг кофирларига қарши ғазовот ва жиҳод ишларини амалга оширди. Шу сабабли «ғозий» лақабига эришди ва ўз фармонлари туғросини «Султон Маҳмуд Ғозий» деб ёзадиган бўлди.

Ул ҳазрат ўз салтанати замонида Султон Ҳусайн Мирзо билан қайта-қайта уруш ва яраш қилиб юрди. Келажак воқеалари баёни асносида икки тилли қалам ул ҳолатлар борасида ҳам тилни баёнга келтиражак.

Саккиз юз тўқсон тўққизинчи йил шавволида¹ Султон Аҳмад Мирзо Самарқандда вафот этгач, Султон Маҳмуд Мирзо амирларнинг улуғлари талабига мувофиқ Ҳисордан Самарқанд сари ошиқди ва иқболнинг юлдузи камол даражасига етишиб, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур давлати даврининг дорилмулки саналмиш Самарқанд шаҳрида мақсади ҳосиллик тахтига ўтирди. Амирлар ва давлат устунларини ўз тарафига оғдиришга киришиб, айшу ишрат эшикларини очаркан, шу аснода ўзининг куёви ва Султон Абусаид Мирзонинг акаси Манучехр Мирзонинг ўғли бўлмиш ва мустақил ҳукм юргизиш пайида юрган Малик Муҳаммад Мирзони бошқа бир нечта темурий шаҳзодалар билан бирга тутиб қатлга етказди.

Халқни ҳамиша ҳокимлар зулмидан ўз ҳимояси сояси остида омон сақлашда кафил бўлиб келаётган валийлик паноҳи ҳазрат Хожа Носириддин Убайдуллоҳнинг қариндош ва яқин кишиларига нисбатан ҳам қўпол муомалада бўла бошлади. Ҳатто унинг зулми аломати касофати мазкур ҳазрат хожанинг иззатли ўғилларига ҳам тегмай қолмади.

Султон Маҳмуд Мирзо хушбичим маҳрамлар билан ўтиришда жуда «ботир»лиги ва силлиқ юзли ўғлонлар ҳамда қуёш чехрали ёшлар суҳбатида «жасорат» кўргузгани учун давлатининг устун-

¹ 899 йил шаввол ойи – 1494 йил 5 июль – 7 август.





Темуртошга тааллуқ топди ва соҳиб давлат шаҳзода тизгинида давлат ва иқбол ҳамроҳ бўлиб, еттига обод ва фаровон қасабадан ташкил топган Фарғона мамлакати сари ошиқиб, илгари замонда номи афтидан «Ахси сакат» бўлиб, замонлар ўтиши билан эса товушлар сони қисқариб ва талаффузи бузилиши натижасида ҳозирда «Ахси» шаклига келган Ахсини ўз мулкининг пойтахти қилди. Бу мақсади ҳосиллик эгасининг мақтовли хислати шева-сидан билиниб турганидек, адолат ва раиятпарварлик байроғини ҳилпиратди. Ҳар қасабага бир инсофли доруға тайинлади. Иши тушиб келганларнинг илтимосларини ижобат этишда иноят ва илтифот лавозимларини бажо келтирди.

Байт:

Шафқатидан баҳра топди бечоралар,

Муродига етди неча оворалар.

Ва Мирзо Умаршайх Гурагон жаннатмакон отасининг тириклик айёми ниҳоясига етгач, ҳиммати юксаклиги орқасида Андижон вилояти тушумига қаноат қилмасдан, доимо юрт олишлик ўй-фикрида Султон Аҳмад Мирзонинг мамлакатига қўл чўзиб, низо эшикларини очиб юрди.

Худди шу каби баъзида Мўғулистон томонга ҳам қўшин тортар ва ул диёр аҳолисининг тинч турмушига халақит бериб, зиён-заҳмат етказарди. Шу жиҳатдан ул ҳазрат билан Юнусхон ўртасида нифоқ чанги кўтариларди ва қаршилиқ, душманлик алангаси мўғулларнинг ички ўчоғига ўт ташларди. Аммо шунга қарамай, қайинотаси Юнусхон бир неча бор ота-болалиқ ҳуқуқи мулоҳазаси сабабига кўра Умаршайх Мирзо Гурагонни ўз олдига чақирди ва инсонийлик расмини тутиб, бир нечта жойни ул ҳазратнинг меросий ўлкасига қўшиб берди. Аммо Умаршайх Мирзонинг муддаоси бундан ҳам ортиқроқ бўлгани учун бу янглиф инъом ва бахшиш туфайли уруш ва қон тўкишлик олови сўниш сифатини топмади.

Ул ҳазрат уч навбат яқинлари ва бегоналар билан тўқнаш келди. Биринчиси муҳтарам ҳарамининг олий отаси Юнусхон билан Андижон қасабасининг шимол томонида Сайхун дарёсининг қирғоғида рўй берди. Ул жангда Умаршайх Мирзодан ғоятда жа-



сурлик ва баҳодирлик юзага чиққан бўлса-да, аммо Аллоҳнинг тақдири билан фатҳу зафар насими Юнусхоннинг байроғи сари эсди. Лашкар бошлиқлари ул эҳсон осмонининг қуёшини ушлаб олиб, хон олдига элтдилар. Ул ҳазратнинг оталик нисбати сабабли томирида шафқат қони жўшиб, меҳрибонлик ва мурувват йўлини тутди ва Мирзо Умаршайх Гурагонни ўз илтифот ва иноятига сазовор қилиб, ўз вилоятига қайтариб юборди.

Яна бири шуки, бир гал Дашти қипчоқлик ўзбекнинг қиёмат нишонли лашкаридан бир тўдаси Самарқанд атрофидаги ерларни босқин-чопқин қилиб, сон-саноксиз молни қўлга киритганча ўз манзиллари сари қайтиб кетдилар. Бу хабар ул шижоат сийратли подшоҳ қулоғига етишиб, адоват ойинли шижоатлилар ва темир совутли баҳодирларнинг бир гуруҳи билан ўзбекларни қувлаш сари юзланди ва Арис дарёсида муз устидан ўтиб, муҳолифларга яқинлашди. Ул жамоат эса олий мавкаб чангини кўрганларидан сўнг жиловни жанг майдони сари бурдилар ва дарё бўйида икки томон ўртасида уруш олови аланга олиб, шамол асарли ҳамла елидан диловар кишилардан кўпларининг қомати дарахти ҳалокат тупроғи узра қулади. Жон олувчи найзалар учию ўқ пайкони ҳамда ўлим юришли санчқилар паҳлавонларнинг кўзу дилидан қон олови булоғини очди. Ниҳоят зафар ва ғалабанинг анбар тароватли насими ул сарварлик осмонининг қуёши байроғи сари эсишга тушди ва ўзбеклар тор-мор бўлиб, нусрат нишонли мавкаб мулозимлари самарқандликларнинг босқинчилар тортиб олган барча молларини қайтариб олдилар ва ҳеч зиён-заҳмат етказмасдан бенуқсон ҳолатда эгаларига келтириб бердилар.

Учинчиси шуки, бир гал Мирзо Султон Аҳмад ёмғир томчилари сонли қўшин билан Самарқанддан Фарғона тарафига юзланди. Умаршайх Мирзо ҳам лашкар билан урушга азму жазм қилиб, акаси олдига чиқиб, Шохрухия ва Ўратепа оралиғида жойлашган Хавос қишлоғида томонлар бир-бири билан тўқнаш келдилар. Жанг чангини тўзғитганларидан сўнг Султон Аҳмад Мирзонинг туғи ойчаси зафарнинг саодат аломатли юдузига яқинлашди, Умаршайх Мирзо Гурагон эса қайтиш тизгинини ўз мамлакати пойтахти сари бурди.



Байт:

Шундайдир айланма фалакда одат:
Гоҳо меҳр кўрсатар, гоҳи адоват.

Илгари айтиб ўтганимиз кўринишда Умаршайх Мирзонинг баракатли руҳи қуши Ахсидаги кабутархона томидан йиқилиб тушиши натижасида 899 йил тўртинчи рамазонда¹ душанба куни жаннат боғлари сари парвоз қилди. Азиз умри муддати ўттиз тўққиз йил бўлди.

Ул ҳазратдан уч нафар олий зотли ўғил ва беш нафар яхши юлдузли қиз ёдгор қолди. Энг катта ўғли суву қуруқлик подшоҳи Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳозий бўлиб, у Юнусхоннинг қизи Қутлуғ Нигорхонимдан туғилган.

Иккинчиси бу мустақил ҳукми подшоҳдан икки яшар кичикроқ бўлмиш Муизиддин Жаҳонгир Мирзо эди ва унинг онаси *Муғулистон* туманидаги амирлардан бирининг қизлари сирасидан бўлиб, исми Фотима Султондир.

Учинчи ўғил Султон Носир Мирзо бўлиб, онаси Андижондан, исми Умид эди.

Мирзо Умаршайхнинг энг катта қизи Хонзодабегим бўлиб, мамлакат олувчи ҳазрат Муҳаммад Бобур подшоҳнинг бир онадан туғишган опасидир.

Иккинчи қизи Меҳробону бегим бўлиб, у Султон Носир Мирзонинг онасидан туғилган эди.

Учинчиси Шаҳробону бегим бўлиб, у ҳам Султон Носир Мирзо билан бир онадан туғишган сингил эди.

Тўртинчиси Ёдгор Султон бегим бўлиб, онаси Оғо Султон исми *қўнжи*² эди. Бешинчиси Руқия Султон бегимдир. Бу кейинги икки қиз фарзанд Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг туғилганлар.

Бу айтилганлардан ташқари Умаршайх Мирзо никоҳида яна бошқа аёл ва канизак хотинлар ҳам бор эди. Шундай завжалари жумласидан бири Улус Оғо бин Хожабек эди. Яна бири

¹ 899 йил тўртинчи рамазон – 1494 йил 8 июнь.

² *Қўнжи* – Муғулистондаги жой ва муғул уруғларидан бирининг номи.



Қароқўзбегим бўлиб, у ўзини Манучехр Мирзонинг қизи дерди. Яна бири мўғулар наслидан саналган Қумонун Султон эди.

Мирзо Улуғбек Гурагон [бин Абусаид Мирзо] донгдор отаси тириклигида Кобул, Ғазнин ва унинг ён-атроф ҳудудларига эгаллик қилиш фахрию сарафрозлигини топган эди. Давлати айёми анча чўзилиб, кўп вақт ўта адолат ва раиятпарварлик билан ул вилоятларда ҳукуматга машғул бўлди.

Ҳижрий сана 900 йилдан¹ ўтгач, ул инсоф-диёнат қоидали подшоҳ жаннат боғлари сари юзланди ва ўғли Мирзо Абдураззоқ отаси ўрнига ўтирди. Аммо кичик ёшдалиги ва амирлару давлат устунларининг қарама-қаршиликлари сабабли ул вилоятларни бошқаришнинг уддасидан чиқа олмади. Натижада Шужоиддин амир Зуннун *арғун*нинг ўғли Муқим Мирзо Қандаҳордан Кобул устига лашкар тортди ва шаҳзодани қочириб, бир неча кун ул шаҳарни ўз жавлонгоҳига айлантирди.

Кейинчалик ҳазрат салтанатпаноҳ, дин ва подшоҳлик ҳимоячиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо бин Умаршайх Мирзо Баҳодирхон бин Султон Абусаид Мирзо иқбол ва осмоний саодатга тизгиндош бўлиб, Кобул томон ошиқди ва ул ҳудудни сулҳ билан Муқим Мирзо *арғун*дан тортиб олиб, адолати нурлари зиёсини Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг вилоятлари² ён-тевараги узра таратди.

Байт:

Ғозий Султон Маҳмуд мулки адлидан,
Наби Мадинаси бўлди янгидан.

Ва ҳижрий 929 йил муборак рамазон ойи охирига³ етишган ҳозирги давргача ул адолат қоидали подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ шу мамлакатнинг давлат ва эркин ҳукмронлик ўриндиғида ўтирибди. Бу подшоҳнинг султонлар паноҳи бўлмиш Шоҳ Исмоил даргоҳи ходимларига нисбатан яхши ўй ва эзгу нияти ҳаддан зиёдалиги туфайли бошқа барча

¹ 900 йил – 1494 йил 2 октябрь – 1495 йил 21 сентябрь.

² Султон Маҳмуд бин Сабуктегин Ғазнавийнинг (ваф. 1030) Афғонистондаги илк ҳукумати давридаги Ғазни, Кобул каби ҳудудлар кўзда тутилмоқда.

³ 929 йил рамазон ойи охири – 1523 йил 12 август.

султонлар ҳам ихлос ва давлатхоҳлик кўрсатадилар. Чунончи, Муизиддин Жаҳонгир Мирзо ва Султон Носир Мирзо бу ака-сига доимо итоатда эрурлар.

Султонмуҳаммад Мирзо ва **Шоҳрух Мирзо** ҳазрат сайд султоннинг мағлубияти куни оққўюнли Амир Ҳасанбекнинг¹ мулозимлари қўлига тушдилар ва анча вақт Озарбайжондаги қалъаларда тутқунликда сақланиб, ниҳоят халослик топдилар. Аммо ёмон ҳолат ва паришонликда умр кечирдилар. 899 йили² эса Шоҳрух Мирзо салтанат пойтахти Ҳирот сари йўлга тушиб, Сори вилоятига етиб келган чоғда Аллоҳи таолонинг мағфирати паноҳига кўчиб ўтди.

Султон Ҳусайн Мирзо унинг жасадини Ҳиротга келтириш учун Сорий шаҳрига одам жўнатди. Жасад олиб келинган, султонлар қоидаси бўйича маҳди улё Гавҳаршод Оғо мадрасасига элтдилар ва таомилга кўра дафн қилдилар. Султонмуҳаммад Мирзо укаси вафотидан сўнг ҳам то оламдан ўтганига қадар ўша мамлакатда³ бўлди.

Або Бакр Мирзо Султон Абусаид Мирзонинг ўғиллари ичида энг шижоатлиси эди ва отаси ҳаёт пайти Бадахшон мамлакатида фармон берувчилик ишига мансуб турди. Ул ҳазрат шаҳид бўлган, дастлаб Султон Ҳусайн Мирзога нисбатан ихлосмандлик йўлини тутиб юрди, кейинчалик эса қаршилик байроғини ҳилпиратиб, бир неча вақт ҳужум ва қочиш ишларини амалга ошириб турди. 884 йилнинг ражаб ойи охирида⁴ Астробод ҳудудида қўлга тушиб, сиёсат қўли унинг ҳаёти кўч-кўронини йиғиштирди. Бу ҳикоят тафсили Султон Ҳусайн Мирзо давлати айёми воқеалари асносида чечанлик қалами билан рақам қилинажак.

Султон Мурод Мирзо отаси ҳукмронлиги даврида Гармсир ва Қандаҳор вилоятида ҳукумат тахтига чиқди. Ул мамлакатнинг ихтиёр эгаси бўлмиш Амир Низомиддин Аҳмад *барлос* бу шаҳзода

¹ Амир Абунаср Музаффариддин Ҳасан бин Амир Алибек бин Амир Қора Усмон кўзда тутилмоқда.

² 899 йил – 1493 йил 12 октябрь – 1494 йил 2 октябрь оралиғи.

³ Эрон Озарбайжони кўзда тутилмоқда.

⁴ 884 йил ражаб ойи охири – 1479 йил 17 октябрь.



хизмати учун бел боғлаб, итоат ва ихлос эшикларини у сари ланг очди. Султон Абусаид Мирзо Ҳиротдан чиқиб, Озарбайжон вилоятига кириб борган вақтда¹ қутлуғ буйруқ чиқарилиб, унга кўра Султон Мурод Мирзонинг Кермон томонга кетиши айтилди ва шаҳзода ўша томонга йўналиб, аммо йўл асносида отасининг қайғули воқеаси хабарини эшитди ва совуқ бир оҳ чекиб, оти жilовини Гармсир томон бурди. Ҳирманд дарёси бўйида эса, Юсуф Тархон исён қилиб Султон Мурод Мирзонинг ёнидаги қимматбаҳо буюм ва ашёларини талон-торож елига совурди. Ноилож шаҳзода Ҳирот сари кетиб, бир неча кун салтанат ва халифалик шарафли Султон Ҳусайн Мирзо хизматида турди. Шундан сўнг олий шонли султон уни Мовароуннахрга ака-укалари олдига жўнатди. Султон Мурод Мирзо оға-иниларидан шафқатсизлик рўй беришини англаб, яна қайтиб Хуросон томон юз тутди. Султон Ҳусайн Мирзо эса шаҳзодани 880 йили² Тирату қалъасига юборди.

Мисра:

Шундан сўнг ундан ҳеч бўлмади дарак.

Султон Халил Мирзо Султон Абусаид Мирзо Озарбайжонга юриш қилган вақтда Ҳирот шаҳрида отаси ўрнига қолган эди. Бу шаҳар юрт олувчи подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзо томонидан эгаллангач, мансур султон Султон Халил Мирзони Самарқандга юборганди. Шаҳзода ўша шаҳарда исёнчи сифатида бош кўтариб чиқди ва натижада Султон Аҳмад Мирзо амирларидан бири қўлида қатлга етди.

Султон Валад Мирзо отаси фармонига биноан *арлот* амирлари орасида яшаб юрди. Султон Абусаид воқеасидан кейин кўп ўтмай, ҳалокатнинг ёқимсиз аччиқ шарбатини татиди.

Султон Умар Мирзо отаси шаҳид бўлган пайти Самарқанд шаҳрида эди. Ўша воқеадан бироз вақт ўтгач эса, Султон Аҳмад Мирзо укасининг ҳаракат ва юриб-туришида мухолифат аломатларини сезиб, уни шаҳардан ҳайдаб чиқаришларига буйруқ

¹ 1468 йил ўрталари кўзда тутилмоқда.

² 880 йил – 1475 йил 7 май – 1476 йил 25 апрель.





берди. Шаҳзода Мирзо Або Бакрга қўшилди. Мирзо Або Бакр Марв атрофида олий мартабали подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзо қўшини ҳужумидан шикаст топган маҳалда эса, Мирзо Султон Умар Нисо ва Обивард тарафларга бориб қолди ва ўша вилоятда амирлардан бири уни ушлаб, Ҳиротга юборди. Султон Ҳусайн Мирзо бўлса, шаҳзодани дастлаб Ихтиёриддин қалъасида ҳибсда сақлаб, 883 йилнинг ражаб ойида¹ Тирату қалъасига жўнатди. Шундан сўнг ундан ҳеч бир хабар бўлмади.

МАҒФИРАТЛИ СУЛТОН АБУСАИД МИРЗОГА ЗАМОНДОШ БЎЛГАН УЛУҒ САЙИД, МАШОЙИХ ВА УЛАМОЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИНГ ЗИКРИ



Султон Абусаид Мирзо Гурагоннинг бахт аломатли замонида бу олий шонли тоифанинг кўпчилиги Мовароуннаҳр ва Хуросон вилоятларида ватан тутиб, диндорлик байроқлари, ҳаром ва ёмон ишлардан сақланиш туғларини ҳилпиратдилар. Уларнинг барисини зикр этмоқ гапнинг узоққа чўзилишига сабаб бўлиши боис бу ўринда энг машҳур бир гуруҳининг аҳволидан бир бўлаги баён қилинади. *Ёрдам ва муваффақият Амоҳдан.*

Мавлоно Фатҳуллоҳ Табрезий ақлий ва нақлий илмларида моҳир эди. Анча йиллар сайд султон Султон Абусаид Мирзо Гурагоннинг хизматида садрлик мансабида турди. Бу расмий вазифа билан шуғулланишига қарамай, гоҳида ўқитувчилик қиларди ва толиби илмларни ўзининг таъби хазинаси самараларидан баҳраманда этарди. Сайд султон Шохрухияни олиш мақсадида ўша томонга йўналган 867 йилда² мавлоно Фатҳуллоҳни Ҳиротруд дарёсига сол-кўприк боғлаш учун қолдирди. Мавлоно қўлидан келганча ул ишни ҳал қилиб, Ҳиротга қайтди ва ўша йил рабиулаввал ойининг ўттизинчисида³ вафот қилди.

¹ 883 йил ражаб ойи – 1478 йил 28 сентябрь – 27 октябрь оралиғи.

² 867 йил – 1462 йил 26 сентябрь – 1463 йил 15 сентябрь оралиғи.

³ 867 йил ўттизинчи рабиулаввал – 1462 йил 23 декабрь.





Мавлоно Муҳаммад Жомий одамлар афзали мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг укаси эди. Уша замон баъзи олимларининг айтишича, илмлар мутолаасида акасидан устунлик қиларди. Шунга қарамай, жуда камтар ва хоксорлик билан нафсини тийган ҳолда умр кечирарди. Гоҳида шеър назм қиларди. Вафоти ... йил рўй берди. Жаноб мавлоно Жомий укаси вафоти муносабати билан жуда таъсирчан бир марсия назм этган бўлиб, шундан икки байти ушбудир.

Назм:

Бу жаҳонда икков эдик, укагинам,
Фазл аҳлининг тизимида гавҳаргинам.
Илму фанда бундай етук укаларни,
Бу замонда энди туғмас она ҳеч ҳам.

Мавлоно Шарифиддин Абдулқаҳҳор ақлий ва шариат илмларини эгаллаган, усул ва фуруъ¹ соҳасини яхши ўзлаштирган эди. Шеър назмида замонасининг бошқа сўзамолларидан устунлик майдони мусобақаси аро анча ўзиб кетганди.

Ул жаноб иншо фани ва ҳисоб-китоб илмида ҳам маҳоратли эди. Гоҳида кимёвий моддалар яратишга майл кўрсатарди.

Ҳаж ва пайғамбар равзаси тавофи шарафига ҳам етишганди.

869 йил² Ҳирот шаҳрида оламдан ўтди. Укаси Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн»да ёзганидек, абжад ҳисобида «афсус аз шарифи дин»³ сўзлари вафоти санасини билдиради. Шайх Баҳоуддин Умарнинг мазорига дафн этилган.

Мавлоно Муъиниддин Туний саид султон замони олимларининг улуғларидан илму дониши кўплиги билан устунлик қиларди. Ҳамиша ўқитиш ва диний илмларни ёйиш байроғини кўтарарди. Кўпчилик талабалар ул жанобнинг дарсига қатнаб, шариф таъби меваларидан ҳузур-ҳаловат ва фойда топардилар.

Вафоти ... йилда рўй берди ва Чихилгаз мазорига дафн этилди.

Шайх Сағриддин Равосий шайх Зайниддин Хофийнинг ўринбосарларидан бўлиб, зоҳирий илмларни эгаллаган ва ботиний

¹ Усул ва фуруъ – исломнинг асосий ва иккинчи даражали масалалари.

² 869 йил – 1464 йил 3 сентябрь – 1465 йил 24 август оралиғи.

³ Абжад ҳисобида бу сўзлар ҳарфлари йиғиндисидан 869 сони ҳосил бўлади.





фанларнинг ҳам мажмуаси эди. Сўфийлиги бошида бир неча йил Мадина шаҳрида умр кечирди ва Миср, Шом ўлкаларида чилла ўтирди.

Арабистондан қайтгач, ўзи туғилиб ўсган Исфароин шаҳрида яшади ва йўл кўрсатиш, яъни иршодга машғул бўлди. Султон Абусаид Мирзо замонида Исфароиндан салтанат пойтахти Ҳиротга келиб, истиқомат палосини ёйди. Қудратли подшоҳ ул жанобни ўз эҳсон ва марҳамати назарига илинтирди.

Шайх Равосийнинг вафоти 871 йил рамазон ойининг ўнинчисида¹ рўй берди ва саид султон Султон Абусаид Мирзо шайхнинг тобути кейнида бориб, жаноза намозида қатнашди ва шайхнинг ўғли шайх Қутбиддин Муҳаммад Ризога таъзия билдирди. Шайх Қутбиддин Муҳаммад Ризо марҳум отасини Жуваинга элтиб, шайхнинг ўзи қурдирган хонақоҳга дафн қилди.

Мавлоно Жалолуддин Лутфуллоҳ кўп илмлардан баҳраманд эди. Анча йиллар Бухоро мамлакатида қозилик мансабида ўтирди.

Вафоти 871 йил зулҳижжа ойининг йигирмасида² Ҳиротда рўй берди. Улуғ ўғиллари жаҳон шарафи мавлоно Жамолиддин Абдурахим садр ва амирлик паноҳи жаноб Амир Низомиддин Абдулваҳҳоб азадорлик маросимини бажо келтирдилар. Саид султон аза йиғинига ташриф буюрди ва улардан ҳол-аҳвол сўраб, қимматбаҳо тўнлар кийгизди. Мавлоно Лутфуллоҳнинг жасадини Ҳиротдан Бухорога олиб кетиб, лойиқ бир мавзеда тупроққа топширдилар.

Шайх Камол Турбатий Хуросон ўлкаси зарифлари ва хуштаъбларининг бошлиғи эди. Шеър, муаммо ва қофия фанларидан тўла воқиф эди. Умрининг охирида Ҳижоз сафарини ихтиёр этиб, ҳаж амалларини бажармоқ ва расули акрамнинг (с.а.в.) мунаввар равзасини тавоф қилмоқ бахтига муяссар бўлди. Ул сафардан қайтиб келди ва туғилиб-ўсган Турбат қасабасига етгач, вафот қилди.

¹ 871 йил ўнинчи рамазон — 1467 йил 10 апрель.

² 871 йил йигирманчи зулҳижжа — 1467 йил 23 июль.



Саййид Камол Кажкулий шеърда шу даража маҳоратли эдики, юз минг¹ байт назм қилганди. Унинг бир қасидаси бўлиб, ундан ўн икки² маснуъ байт чиқарса бўлади. Ҳазрат султоннинг яқини Амир Низомиддин Алишер ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида шундай ёзганлар: Саййид Камолнинг бадое ашъоридан мен кўрган нарса шуким, Хожа Абу Наср Порсо марсиясида назм тизимига бир қасида терган эди ва унинг ҳар мисрасидан хожанинг вафоти тарихи чиқиб, бир неча байт тўла равишда ул санадан хабар берса, яна бир неча байтида санъат бўлиб, ҳар байтидан уч-тўртта тарих чиқарди ва бу билан сира ҳам ул қасиданинг шеъри маъносига путур етмасди.

Саййид Камол Кажкул Балхда яшарди ва ўша шаҳарда оламдан ўтди.

Мавлоно Фозил Самарқанд олимларининг афзаллари қаторидан ўрин олганди ва «Шарҳи шамсия»га шарқ ёзган эди.

Хожа Муайяд Девона эҳтироми вожиб улуғ шайх бўлмиш сулук ва сайр ифтихори Абусаид Абулхайр авлодлари тизимидан жой олганди ва телбалик нашъаси сабабли ҳамиша салтанат нақшини хаёл қалами билан кўнгли саҳифасига битиб юрар ва қариндош ҳамда муридлари олдида юрагидаги бу гапларни очиқ айтиб, ўзича Хуросон ўлкаси юртларини уларга бахш этарди. Мансур подшоҳ Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо билан саид султон Султон Абусаид Мирзо ўртасида қарама-қаршилик юзга келган вақтларда мана бу матлани назм қилганди.

Байт:

Кўз тутармиз ул саодат шамъининг ёлқинларин,
То жаҳонни қайтадан нури мунаввар айлағай.

Хожа Муайяд девонанинг [мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо ёнини олиб айтган] бу сўзлари саид султон Абусаид Мирзонинг қулоғига етишгач, яширинча равишда буйруқ бериб, хожани шаҳид қилдирди.

Хожа Муайяд Меҳна зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаганди ва шайх Абусаид Абулхайрнинг бошқа авлодларидан фаз-

¹ «Мажолис ун-нафоис»да «беш юз минг» шаклида келган.

² «Мажолис ун-нафоис»да «ўн икки минг» шаклида келган.



лу камол зиёдлиги билан устун эди. Ҳамиша халққа ваъз ўқиб, тўғрилиқ йўлини кўрсатишга машғул бўларди. Саид султон ул жанобни қаттиқ ҳурмат қиларди. Хожа Муайяд ... йилда вафот қилди.

Хожа Юсуф Бурҳон шайхулислом Аҳмади Жомнинг авлодларидан эди ва фақру ёлғизлик тариқида умр кечирарди. Мусиқа фанидан тўла хабардор эди. Гоҳида илмий рисоалар битар ва шеърлар назм қиларди. Ёзган асарлари жумласидан бири салаф улуғлари иншоларини ўз ичига олган рисоласи бўлиб, халқ орасида машҳурдир. Тотли шеърларидан бир байти «Мажолис ун-нафоис»да ҳам келган.

Хожа Мавлоно Самарқандий Хожа Асомиддиннинг етук ўғли эди ва ўз отасига ўхшаб кўп йиллар Мовароуннахрнинг шайхулисломлик ишига машғул бўлди. Илмлар касб этганди. Шариат ишларини адолат ва диёнат билан ҳал қиларди. Ул жаноб Мирзо Абдуллоҳ Шерозийга эргашишга ўта тарафдорлик кўрсатгани учун саид султон Султон Абусаид Мирзо Самарқандни эгаллаган вақтда юрагига қўрқув тушиб Хуросонга кетди. Абулқосим Бобур Мирзо Хожа Мавлонони иззат-ҳурмат билан қабул қилиб, лутфу инъом эшикларини турмуши юзи сари очди. Бир неча йилдан сўнг мавлоно жаноблари Ҳиротда тўла эъзоз-эҳтиром билан умр кечиргач, саид султоннинг даъватига биноан қайтиш жиливини асл ватани сари бурди. Аммо умрининг охирида тагин салтанат пойтахти Ҳиротга келиб, 876 йил шаввол ойининг ўн биринчиси¹ яқшанба куни Амир Чўқмоқ Шомийнинг мақбараси саҳнида вафот қилди.

Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ. Ул ҳазратнинг шариф насаби тўрт восита орқали Мовароуннахр саййидларининг улуғлари қаторида турган Хованд Саййид Ажалл² Бухорийга уланади. Саййид Ажаллнинг ота-боболари силсиласи Зайд бин имом Зайнулобидинга (*барчаларига Аллоҳнинг саломи бўлсин*) уланади. Олий зотли отасининг номи Амир Ховандшоҳ Камолиддин Маҳмуд эди. Саййид Маҳмуд жаннат боғлари сари кетган пайт-

¹ 876 йил ўн биринчи шаввол – 1472 йил 22 март.

² Ажалл – улуввор; бу ерда лақаб.





да Саййид Ховандшоҳ кичик ёшда бўлгани учун турмуш бад-бахтликлари сабабли туғилиб ўсган ватанидан муҳожират сафарига чиқиб, Балхга келди ва шу ерда илмлар таҳсил қилиб, ақлий ва нақлий фанларни ўрганишга киришди ва озгина вақт ичида замон улуғлари қаторига қўшилиб, охираат йўли сулуки билан машғул бўлди. Сўнг Балхдан йўлга тушиб, Ҳиротнинг буюк шайхлари хизматига етишди. Шайх Баҳоуддин Умарнинг ул ҳазратга нисбатан чексиз меҳру муҳаббати бор эди. Чунончи, касал пайти «менинг жанозамни Амир Ховандшоҳ ўқисин» дея васият қилди ва ўша айёмда бир куни ул ҳазратни ёнига чақириб «саййид, бирга бўлайлик дегандим, аммо Султон Аҳмад Хузравия¹ бўйнингиздан кучиб, ўзлари сари тортдилар» деди.

Ул жаноб Шайх Баҳоуддин Умар вафот этгач, Ҳиротдан Балхга қайтди. ... йилда вафот қилди ва Султон Аҳмад Хузравия мақбарасининг рўпарасида дафн қилинди.

Ул ҳазратдан уч ўғил ёдгор қолди: Биринчиси каминанинг онасининг бузруквор отаси Амир Хованд Маҳмуд, иккинчиси йиллар мобайнида Султон Бадиуззамон Мирзо хизматида садрлик мансабида турган саййид Низомиддин Султон Аҳмад, учинчиси мажзуб бўлиб туғилган ва одатдан ташқари каромат ишларини зуҳурга чиқариб юрган Саййид Неъматуллоҳ.

Шайх Нуриддин Муҳаммад шайх Баҳоуддин Умарнинг етук ўғли эди. Саид султон ул жанобга нисбатан таъзим шартларини ҳаддан оширарди. Шайхнинг вафоти 878 йил рамазон ойининг ўттизинчиси² жума куни тонгида рўй бериб, тоғаси шайх Жалолоддин Маҳмудшоҳ жаноза номозини ўқиди. Шайх Нуриддин Муҳаммад ўз отаси мазоридида дафн қилинди.

Қози Қутбиддин Аҳмад бин мавлоно Нуриддин Муҳаммад бин қози Жалолоддин Маҳмуд ал-Имомий Хуросон улуғларининг мурожаатгоҳи ва жаҳон шаҳарлари олимларининг паноҳгоҳи эди. Саид хоқон Мирзо Шохрух давлати замонасининг охириларида то мансур подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзо салтанати

¹ Султон Аҳмад Хузравия – Балхда яшаб, ўша шаҳарда дафн этилган сўфи. Ҳозир ҳам мақбараси ёнидаги гуристон катта зиёратгоҳ саналади.

² 878 йил ўттизинчи рамазон – 1474 йил 18 февраль.





давригача пойтахт Ҳиротда қозилик қилди ва қозилик ишларини бажаришда ото-боболари дастурича диёнат ва адолат тариқиғариоя қилди. Қозилик мансабида ўтирганига қарамай, фатво дарсини ўқитиш ва диний илмларни ёйишга ҳам киришиб, ҳамиша талабаларни ўз билимларидан баҳраманда қиларди.

Қози Қутбиддин 878 йил шаввол ойи бошида¹ Султон Ҳусайн Мирзонинг онаси мақбарасида таом еб ўтирган пайти тўсатдан вафот қилди ва аллома Розий мазорига дафн қилинди.

Мавлоно Қутбиддин Яҳё мавлоно Шамсиддин Муҳаммад бин мавлоно Саъдиддин Масъуд ат-Тафтазонийнинг ўғли эди. Мақтов хислатли саид хоқон Шоҳрух Мирзонинг давлату иқбол замони охирларидан то яхши феълли подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзонинг мустақил давлати бошигача шайхулисломлик мансабида турди. Диния илмларини тўла ўзлаштирган эди. Доим талабаларни ўқитиш ишига машғул бўларди. Шариат ҳукмини адолат ва диёнат билан ҳал қиларди. Ҳеч қачон ҳеч бир сабабга кўра ҳеч бир томонга ён босмасди.

Мавлоно Қутбиддин Яҳёнинг вафоти 887 йил зулҳижжанинг йигирма тўртинчиси² душанба куни рўй берди ва Аллоҳнинг яқини Хожа Абдуллоҳ Ансорий ҳазратларининг нурга тўла мазоридида дафн қилинди.

Саййид Сағриддин Иброҳим Қумий соҳиб саодат саййидлар улуғлари жумласидан эди ва ҳамиша саид султон Мирзо Султон Абусаид билан суҳбатлар қуради. Айтишларича, Саид султон Санжар Мирзони ўлдирмоққа фармон берганида, саййид Иброҳим салтанат тахти остида бошини яланғочлаб, ул подшоҳнинг қонидан ўтишни сўрабди. Султон Абусаид Мирзо эса ул жанобга бақриб бериб, илтимосини қабул қулоғи билан эшитмабди. Эртаси куни султон овлоқ бир жойда саййидни чақриб, тилини узр сўраш учун чоғлабди ва «ахир Мирзо Санжар лашкар тўплаб, бошқа бир қанча муҳолифлар билан иттифоқликда бизнинг давлатимиз дарахтини кўпориб ташламоқ учун йўналганди, Аллоҳи таоло уни бизнинг қудратли

¹ 878 йил шаввол ойи боши — 1474 йил 19 февраль.

² 887 йил йигирма тўртинчи зулҳижжа — 1483 йил 3 февраль.



қўлимизга туширгач, бу муҳолифни озод қилишимиз фитна ва бузғунчиликка сабаб бўларди. Шунга кўра кеча Сизнинг талабингизни розилик қулоғи билан тингламадим» дебди. Саййид Иброҳим кўнглига етган ўша озор бўйича «Мирзо Санжарни ўлдиришнинг сабаби-ку, ойдинлашди. Аммо билмайман, ул фақира кекса кампир, яъни Гавҳаршод Оғо нима гуноҳ қилган эдики, муборак рамазон ойида уни ҳам қатлга еткардилар» дебди. Саид султон бу киноя қоришиқли сўзларни эшитгач, кўнгли бузилиб, қаттиқ таъсирланибди ва ўрнидан туриб мажлисдан индамай чиқиб кетибди.

Саййид Иброҳимнинг жаннат боғларига кетиши мансур подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзонинг давлати бошларида рўй берди.

Мавлоно Шамсиддин Али ал-Форсий замон фузалоси аълами ва даврон уламиси афзали эди. Саид султони ул жанобга нисбатан кўп илтифот ва иноят кўрсатарди. Насаби «Кашфи кашшоф» муаллифига улангани учун «соҳиб кашф» лақаби билан машҳур бўлди. Йиллар давомида Ҳирот шаҳрида Фиёсия мадрасасида дарс ўқитиш билан машғул эди. Саид султон шаҳидлигидан кейин ва Султон Ҳусайн Мирзо давлати офтоби порлаб чиққач, жаноб мавлавий бир неча муддат ул ҳазратнинг воқеалари тарихини ёзмаққа машғул бўлди. Кейинчалик эса салтанат саройи эгасидан кўнгли қолиб, Ҳисори Шодмон томон кетди ва Мирзо Султон Маҳмуднинг илтифотига етди ҳамда то оламдан ўтгунига қадар ўша шаҳарда яшаб қолди.

Мавлоно Асомиддин Довуд Хофий илму камолда замонанинг яғонаси эди. Бироз вақт пойтахт Ҳиротда ўқитиш ишлари билан банд бўлди. Фасоҳатли баён ва ширин калом эгаси эканию илмий масалаларни тушунарли қилиб талаба қалбига бита олгани сабабли ул жанобнинг дарслари талаба халқи билан тўлиб кетарди. Бу эса Хуросоннинг бошқа олимлари рашки ва ҳасадига боис бўлди.

Ўша пайтлари саид султон мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайдан¹ «Хуросон донишмандларидан қайси бири ўғлим Султон

¹ Қуйироқда бу мавлоно ҳақида ҳам махсус маълумот берилган.



Маҳмуд Мирзога таълим беришга лойиқ?» деб сўраган экан. Жаноб мавлавий «маvloно Довуд» дея жавоб берган. Султон Абусаид Мирзо мавлоно Довудни салтанат кўз қорачиғининг устодлиги ҳамда садрлик мансабига тайинлаш борасида буйруқ берган. Устод жаноблари эса бу ишлар кафолатини бўйнига олишдан қочишга уринган. Аммо бунга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир фойдаси бўлмаган. Ночор мулозимат тариқини ихтиёр этиб, садрликнинг олий мансабига ўтирган. Шу зайл мавлоно Довуд умрининг охиригача Султон Маҳмуд Мирзонинг хизматида бўлди.

Вафоти ... йили Ҳисори Шодмон шаҳрида рўй берди.

Ёзганларидан «Шарҳи Шамсия» ҳозиргача талабалар ўртасида машҳурдир.

Мавлоно Қутбугдин ан-Насафий табобат илмида замоннинг кўпчилик табибларидан кўпроқ маҳоратга эга эди ва саид султон саройининг хослари қаторидан ўрин олган бўлиб, яқинлик туғини баланд кўтарганди. Бир неча муддат муҳрдорлик мансабида ҳам турди ва олий фармонларга муҳр босиш учун ҳар тонгда давлат устунларининг кўпчилигидан олдинроқ Султон Абусаид Мирзо билан учрашарди. Ул соҳиб саодат подшоҳнинг шаҳидлигидан кейин бир неча вақт Амир Ҳасанбек оққўюнлининг қамоғида ўтирди. Ул тутқунликдан қутулгач, Румга кетиб Султон Муҳаммад Румийнинг иноятига эришди ва бир неча муддат Қайсар¹ саройида давлат ва иқбол билан умр кечирди. Ажал элчиси етишгач, ҳаёти хазинасини руҳларни олувчига топширди.

Мавлоно Лутфий таъб майинлиги ва хулқ яхшилиги билан бошқа сўзга оро берувчи шоирлардан устун эди. Туркий ва форсий тилларда дилни ўғирловчи шеърлар назм қиларди.

«Мажолис ун-нафоис»да ёзилганки, мавлоно Лутфий 99 ёшида «офтоб» радифли қасида битган ва замон шоирлари ул қасидага татаббу қилиб, ҳеч бири матлаи жавоби уддасидан чиқа

¹ *Қайсар* (кайзер, цезарь) — Гай Юлий Цезардан бошлаб Рим императорларининг лақаби. Милоднинг IV асрида масиҳийликни қабул қилган император Константин давлат пойтахтини Византияга кўчиради ва бу ерда қад кўтарган пойтахт унинг номи билан Константинополь деб аталади. Иккинчи Рим (Рум), яъни Константинополни 1453 йили Усмонли турклар забот этганидан сўнг Шарқда Усмонли султонларига нисбатан мажозий маънода «Рум Қайсари» ибораси қўлланилган.





олмаган. Мавлоно Лутфий ҳаётининг охирларида бир матла битиб, Абдурахмон Жомий олдига элтган ва шуни ғазал қилиб, ўз девонига ёзиб қўйишни илтимос қилган. Ул жаноб бу илтимосни қабул қилган. Мавлоно Лутфий йигитлигида илм ўрганишга киришган, шундан сўнг дарвешлар тариқати сари юзланиб, то оламдан ўтгунига қадар бу равишда собитқадам бўлди.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бухорий «Мавлоно Муаммой» лақаби билан танилган эди ва йиллар давомида катта ихтиёр билан Абулқосим Бобур Мирзонинг садрлик мансабида турди. Мирзо Султон Абусаид мулозиматида ҳам катта эътиборга эга эди. Ҳамиша ҳазиломиз сўзлар ва қувонч бағишловчи гаплар айтарди. Мирзо Абулқосим Бобур Шероздалиқ пайти Хожа Ҳофиз Шерозийнинг мозори устига бир гумбаз қуришни буюрди. Гумбаз қурилгач, Шероз шаҳрининг ҳазилкаш шоирларидан бири ул иморат деворига ушбу байтни ёзган экан.

Байт:

Бугун шаҳар вақфларини этиб ғорат,
Худо хайрин берсин: қилди бу иморат.

Садр жаноблари Мирзо Абулқосим Бобурни ўша ерга олиб бориб, зиёфат бераётган чоғда подшоҳнинг кўзи мазкур ёзувга тушиб, мавлонога роса тегишибди.

Саид султон Абусаид Мирзо Озарбайжон ва Ироқи Ажам вилоятига кириб борган пайтда мавлоно Муҳаммадни муҳолифатдан дам уриб юрган Шероз ҳокими олдига элчилик йўсини билан юборди. Йўл асносида *туркмон* сипоҳидан бир гуруҳи уни ушлаб, Амир Ҳасанбек *оққўюнли* олдига элтдилар. Туркмон подшоси мавлоно Садриддин Муҳаммад табибнинг ўртага тушиб аралашуви билан мавлавийнинг қонидан кечиб, кўнгли Мирзо Султон Абусаид ишидан тинчигунга қадар¹ уни қамоқда ушлаб турди. Сўнг рухсат берди. Мавлоно Муҳаммад Ҳиротга келди ва ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер ва мансур подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзо давлатининг бошқа устунлари билан борди-келдини бошлади.

¹ 1469 йил феввали кўзда тутилмоқда.





Умри охирида эса мансур подшоҳнинг опасининг Кичик Мирзо номи билан танилган ўғли Муҳаммад Султон Мирзога қўшилиб Ҳижозга кетди ва ҳажи ислом шарафию пайғамбар равзаси тавофи бахтига муяссар бўлди. Бироқ қайтиш чоғи ҳазрати Аллоҳи таолонинг мағфирати паноҳига кетди.

Мавлоно Абдулҳай Мунший таълиқ хатида илгари ўтган ҳуснихат хаттотлари ва замонасидаги хушнавислар бошлиғи эди. Саид султон Султон Абусаид Гурагон замонида анча йиллар иншо девонининг бошлиғи бўлди ва олий фармонлар матнини ёзиш билан шуғулланди. Қорабоғ воқеасидан сўнг Амир Ҳасанбекнинг ғамхўрлик назарига илиниб, то умрининг охирига қадар ўша оққўюлли султонлари хизматида мазкур мансабда турди. Абдулҳай мунший бу оламда ҳамиша султонларга нақиблик ва яқинлик туғини кўтариб ўтди.

Мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайн. Бу улуғ олимлар ифтихорининг илму донишдаги шуҳрати ўлкалар аро шу даражаки, шарҳу баёнига эҳтиёж йўқ. Фозиллар паноҳи Камолиддин Шайх Ҳусайн саид султон Султон Абусаид Мирзо замонасида икки тилли қалам баёнидан ожиз қолиш даражасидаги эътиборга эга эди. Ўша мақтов бошланишли ва бахт яқунли айёмда муҳтасиблик мансаби, яъни фисқу фужур аҳлини ёмон ишлардан тўхтатиб, уларга жазо бериш лавозими тўла эркинлик билан мавлоно Камолиддинга топширилган эди. Мавлоно мазкур вазифани виждонан ва қаттиққўллик билан адо этишда шундай саъй-ҳаракатлар қилгандики, замон аъёнидан ҳеч бири шароб ичиш хаёлини кўнгли кўчасига ҳам йўлата олмасди. Саид султон бошқа шариат ишларида ҳам доимо мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайн билан маслаҳат қиларди ва кўп ҳолларда ул камол аҳлининг пешвоси сўзию кўрсатмасидан ташқари чиқмасди. Жаноб мавлавий олий фармонга биноан ҳамиша ҳимматини саноат ва ҳунармандчилик ишларидаги кашфиётлар сари қаратарди ва салтанат пойтахти Ҳиротнинг туман амирини ўзича ижтимоий қарорлар чиқариш ва ўлпон солишда ўз ихтиёрига ташлаб қўймасди. Ҳатто «солиқ ундириш баротлари¹ менинг тасдиғимдан ўтмагунча, бозор-

¹ Барот — чек қоғози.



чилардан ҳеч бири солиқчилардан бирови кимсага битта чақа бермасин» дея қарор чиқарган эди. Бу қоида саид султоннинг умри охиригача қўлланиб келинди. Шунингдек, мавлоно Шайх Ҳусайн мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо замонида ҳам бир неча вақт мухтасиблик қилди. Мирзо Кичик дарс ўрганиш учун ул жанобнинг олдига тез-тез бориб турарди. Аммо шунга қарамасдан, эндиликда олдинги йўсиндаги каби мавлонода тўла ихтиёр ва эътибор йўқ эди.

Камолиддин Шайх Ҳусайн жаноблари 886 йилда¹ вафот этди.

Хожа Носиригдин Убайдуллоҳ [Аҳроп] Туркистон машо-йихи ва Мовароуннаҳр улуғларининг барчасидан мартабаю шавкати юксаклиги, тобеларию мол-мулкининг кўплиги билан устун ва тенгсиз эди. Ёшлигида мавлоно Яъқуб Чархий ва мавлоно Низомиддин Хомушдан иршод топиб, сулукка машғул бўлди. Озгина вақт ичида илоҳий иноят нурлари бахт аломатли ботинини чексизлик оламининг файзлари зиёси билан равшан қилиб, валийлик чироғини ёқди ва гумроҳлик водийси саргашталарининг ҳидоятига киришиб, бидъат аҳлининг хирмонини шарият ёғдуси учқунлари билан куйдирди. Каъба мартабали бўсағаси динпарварлик маслаклари² солиқларининг паноҳига айланди ва каромат ошиёнли даргоҳи подшоҳлар эҳтиёжларини қондирувчи бўлди. Замон султонлари ва Туркистон шаҳарлари бошидан то Ироқ ва Озарбайжон шаҳару ўлкалари охиригача бўлган юртларнинг фармони нуфузли хоқонлари ул жанобга нисбатан тўла иродат ва ихлосли эдилар. Алардан қай бир сўз эшитсалар, ноёб дур каби ҳуш қулоқларига безак қилиб, тўғрилиқни кўрсатувчи раъйига хилоф ишни ўзларига раво кўрмасдилар. Айниқса, Султон Абусаид Мирзо мулку миллат ишларини тартибга солишда ҳамиша ҳазрат хожа билан машварат қиларди ва ўта эътиқоди орқасида гоҳо пойи пиёда хожа минган от билан тенг юриб, иродат-эътиқод етуклиги маросимини бажарарди.

¹ 886 йил — 1481 йил 2 март — 1482 йил 22 февраль оралиғи.

² Маслак — йўл; ғоя. Солик — йўловчи; ғоя издоши. «Маслак», «солик» тасаввуф атамалари саналади.



Ул султон ҳазратларининг мажид ўғиллари ҳам ўз бузруквор оталари анъанасига эргашиб, ҳазрат хожага итоат қилиш йўлидан ташқари чиқишни жойиз билмас эдилар ва доим олий ҳимматларини улар шаъни улуғлиги ва мақоми юксаклиги сари қаратар эдилар. Бир ҳикоят халқ орасида машҳур ва ишончли кишилар тилида мазкурки, бир навбат Умаршайх Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзо бир-бирлари билан иттифоқ бўлиб, Самарқанд устига қўшин тортадилар. Султон Аҳмад Мирзо ҳам шаҳардан ташқари чиқиб, оға-инилари билан тўқнашиш ва уруш қилиш учун белига ҳиммат камарини боғлайди. Ҳар икки қўшин бир-бири рўпарасида уруш сафини тузган куни тўсатдан «Хожа Носириддин Убайдуллоҳ жанг майдони сари келмоқдалар» деган хабар етишади. Учала подшоҳ ул ҳазрат ҳурмати учун жиловни орқага тортиб, хожанинг келишига нима сабаб бўлганини билмоқ мақсадида қўлларини уруш асбобларини ишлатмоқ сари чўзмай турадилар. Ўша лаҳзада Хожа Убайдуллоҳ ул ерга етишиб, панду насиҳат суви билан уруш ва жанг оловини ўчиради. Яъни, ҳар учала подшоҳни яраш ва сулҳу тинчликка қўндирашкан, майдонда бир чодир тикишларини буюради. Мирзо Султон Аҳмад ва Мирзо Султон Маҳмуд ва Мирзо Умаршайх ўз лашкари сафлари ичидан айрилиб чиқиб, ул чодир сари кетадилар. Чодирга киргач, ҳар учови бир гиламда ўтириб, хожа ҳузурда «бундан сўнг бир-бирови билан келишув мақомида бўлиб, нифоқ яқинига эса асло йўламаслик» борасидаги аҳду паймон сўзларини ўртага соладилар. Шундан сўнг ҳар қайси ўз қўшинига қўшилиб, ўз вилоятларига кетишади ва то умрлари охиригача келишув йўлида собитлик билан қадам ташлайдилар.

Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор 896 йили¹ Самарқандда вафот этди. Бу хожанинг ўлимидан сўнг кўп ўтмай, Мовароуннаҳр халқининг бирлиги тарқоқлик ва аҳволи паришонликка дучор бўлиб, неча турлук машаққат ва нотинчликни бошидан кечирдилар.

¹ 896 йил – 1490 йил 14 ноябрь – 1491 йил 3 ноябрь.





Ҳазрат Султоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер Навоий мазкур Хожа Убайдуллоҳнинг вафоти тарихида демишлар: Қитъа:

Хожалар сардори пок Убайдуллоҳ –
 Ҳақни дегучилар муршиди ўлди.
 Жаннатга кетди у, вафоти учун
 «Хулди барин»¹ тарих санаси бўлди.

Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳдан икки нафар ҳидоят сийратли ва йўлбошчи сифатли ўғил ёдгор қолди: Хожакон лақаби билан машҳур Хожа Муҳаммад Убайдуллоҳ ва Хожа Қутбиддин Яҳё.

Имкони келиб, сўзларни рақам этгувчи қалам муваффақ бўлса, Мовароуннаҳр султонлари ахборида ул икки мақтов сифатли улуглар аҳволдан бир бўлагини ҳам турмуш воқеалари саҳифалари узра битажакдир.

Тушунтириш. Мақтов рақамли қалам сиёҳ томчилари ёрдамида Султон Абусаид Мирзо ҳаёти ва ул шаҳид подшоҳнинг етуқ ўғиллари аҳволини айрим машҳур саййидлар ва машойих, уламо ва фозиллар зикри билан бирга қўшиб беаган экан, энди мақсади ҳосил мансур хоқон ва қудрат далили, Жамшид ҳашаматли, Фаридун² лашкарли, Искандар ҳимматли, Кисро³ марҳаматли султон, салтанат ва халифалик шарафи Абулғози Султон Ҳусайн Мирзонинг ахбороти гулзори тароватидан фазлу камол боғлари ифторининг иштиёқмандлари димоғини муаттар айлағай ва ул адолат либосли подшоҳнинг ажойиб атвор белгилари насимларидан бу латофат сифатли саҳифаларнинг роҳат орттирувчи фазосини тароват ва сафода аъло осмоннинг фирдавс рангли саҳнига етказгай.

Байт:

Бир вазнани идрок кони тўлдирадур,
 Ферузмисан, ферузаю дурмисан дур!

¹ *Хулди барин* – энг юксак жаннат; абжадда бу сўзлардан 896 сони ҳосил бўлади.

² *Фаридун* – афсонага кўра, Эрон шоҳларининг пешдодийлар сулоласига мансуб қудратли ҳукмдор.

³ *Кисро* – Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ, Хусрав I Ануширвон (531 – 579)нинг лақаби. У форс адабиётида адолатли подшоҳ сифатида тилга олинади.





Ул мукаррам хоқоннинг атоқли номи ёзилиши ҳикоялар битиги асносида васфсиз ва олқишсиз тилга олинishi одоб қоидасидан узоқ бўлгани, бироқ ул шариф исм зикр этилган ўринларда бу олқиш ва васфнинг қайд этилиши гапни анча чўзиб юбориши мумкинлиги боисидан ўтмас кўнгилга шундай фикр келдики, ана шундай жойларда ул мақтов хислатли хоқонни «мансур хоқон» кўринишида ҳавола этсам, токи зиёда мадҳу сано такрори ўқувчи кўнглига малол келмасин¹. «Мансур хоқон» сўзини танлашимнинг бошқа сўзлардан кўра муносиброқ кўрингани сабаби шундаким, ул олий мартабали подшоҳнинг олий зотли отаси «Мансур» номи билан улуғланган эди. Шунингдек, ул ҳазрат барча уруш ва тортишувларда нусрат (ғалаба)га ёр, яъни мансур (ғолиб) бўлиб, Аллоҳнинг иноят қўли зафар ва ферузлик эшикларини аларнинг қутлуғ аломатлик юзи сари очар эдиким, чунончи келгуси ҳикоялар асносида бу даъвоимиз ўз исботини топажак ва ул ёқимли сифатли хоқоннинг ғалабалари шарҳ этилиб, арзга етказилажак. *Ютуқлар Аллоҳи таолодангир ва У ҳар нарсага қодирдир.*

**ҒАЛАБА ТУҒЛИ, САЛТАНАТ ВА ДАВЛАТНИ
ШАРАФЛАНТИРУВЧИ МАНСУР ХОҚОН
АБУЛҒОЗИЙ СУЛТОН ҲУСАЙН
МИРЗОНИНГ АҲВОЛИ ВА ВАСФИДАН БИР
БЎЛАГИНИНГ ЗИКРИ**

Сўз бокиралари юзини пардозловчи ва янгию эски ҳикоялар чеҳрасини безовчи қалам мансур хоқон ҳақида сочилиб ётган сўз гавҳарларини шундай намоиш этадики, ул подшоҳлик тариқининг солики илоҳий кўрсатмалар далили, Худо тавфиқлари вакили бўлиб, сахийлик ва очиққўллик осмонида

¹ Одатда, пайғамбарлар, авлиёлар, шоҳлар исми тилга олинса, албатта ҳамду сано, яъни узундан-узоқ улуғлаш унвонларини тиркаш лозим бўлган. Бу ерда шунга ишора қилинмоқда.



Мисра:

Порлоқ қуёш каби саховатга бой

Мисра:

Ярақлаган юзи гўё тулин ой

давлати айёмининг баҳори худди баҳор фаслидагидай гуркираган, салтанати яшнаши фурсатидаги янглиғ ғамдан йироқ, адолат ва эҳсони булути томчилари мамлакат гулшанини жаннатдек салсабил¹ сувидан сероб этган, фазлу меҳрибонлиги гулзори насими иқболи ниҳолини Тубидек² кавсар суви томчиларидан ям-яшил ва қуюқ сояли қилган. Яхши ахлоқи тароватларидан омонлик димоғи муаттар, мақтовли одоби шабадаларидан мақсади ҳосиллик боғи гуллаган эди.

Шижоат майдонидаги ботирлиги ўз етуклиги билан Рустамнинг руҳини уялтирар, жанг ва қилич солиш пайти олишув ва қон оқизиш кучи билан Исфандиёр қувватли шижоатли душман пойдеворини қўпорарди. Бир неча ман офирликдаги гурзиси зарбидан еттинчи осмон ларзага келар, ўқининг пайкони учи ваҳимасидан кечаси Миррих осудалик тўшагида тинч ёта олмас, сувдек ярқировчи шамшири тўқнашув денгизида доимо ғаним елкасигача сузиб борар, қон оқизувчи найзаси саваш саҳросида душманлар ҳаёти хирмонини ўтда куйдирарди.

Қувончу ўйин-кулги базми жаннатдаги каби ҳамиша ҳур юзли ёшлар билан безанган, ишрату севинч мажлиси Эрам гулистони сингари бўлиб, озор берувчи тикан захмидан тозаланган эди. Салтанат тахтида ўтирган чоғи адолат талабларини бажариб, зулм ва зўравонлик аҳли вужуди нақшини сиёсат қиличи билан борлиқ саҳифасидан ўчирарди.

Камтарлик борасида пайғамбар суннатларига эргашиб «ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман»³ мазмуни бўйича ўзини халифа ошиёнлик даргоҳ мулозимлари билан бир хил санарди.

¹ *Салсабил* — жаннатдаги булоқ номи.

² *Туби* — жаннатдаги дарахт номи.

³ Қуръони карим, Каҳф (18) сураси, 110-оятдан.



Ойдин шариат рукнларини кучайтиришда ва мусулмонлар ишларини ўнглаб беришда имкон борича саъй-ҳаракат қиларди. Ҳамиша олий ҳимматини бидъат қоидаларини йўқотмоқ ва золиму тубан шахслар ниҳолини тағ-туғи билан қўпормоққа қаратарди. Улуғ саййидлар ва ислом уламозию замон фозиллари ва сўз санъатини улуғловчи шоирларга чексиз ёрдамлар кўрсатиб, бу масалада бирор лаҳзада ғафлатга берилмасди. Бу карим тоифанинг мудом илтимосларини бажариб, суюрғол ва инъомлар бериш борасида ҳамма бажариши шарт фармонлар чиқарарди. Ҳафтада икки марта душанба ва пайшанба кунлари қозилар ва уламони олий мажлисига чорлаб, турмушда юз берган ҳар бир масалани дин имомлари фатвоси талабича ҳал қиларди.

Дарвешлар ва узлатга чекинган кишилар суҳбати ҳамда ваъз йиғинларига кўп ташриф буюрарди. Ислом машойихлари ва ширин сўзли воизлар таъзимию ҳурматини жойига қўйишни ўзининг мажбурий вазифаларидан бири деб биларди.

Хайрия бинолари ва масжид, хонақоҳ, работ иморатларини қуришга жуда мойил ва рағбат кўргузувчи эди. Ўзининг холис молидан обод қишлоқлар ва дилга ёқар боғ-маҳаллаларни сотиб олиб, вақф қиларди. Дилочар қасрлар, руҳни тетиклантирувчи иморатларни қуришда ҳаддан зиёд тиришқоқлик кўрсатарди. Боғу бўстонлар яратиш, дарахту гуллар экиш, уларни парваришlash ишларида шахсан ўзи ташаббускор бўлиб, бош-қошлик қиларди.

Болалик сабоси насими эсишга киришган дамлар бошидан ва ўсмирлик даврининг аввалиданоқ доим ўй-фикр қалами билан жаҳонгирлик нақшини кўнгли саҳифасига битиб, ҳиммати юксаклигидан ёшлик пайтидаёқ шавкатли султонлар, ҳашаматли хоқонларни мағлуб этиш пайдан бўлди. Шунга кўра, 861 йили¹, Хуросонда бир нечта фармони ўтувчи олий мартабали подшоҳлар бўлишига қарамай, Марв шаҳрида юрт олишлик эгарига ўтириб, бош кўтариб чиқди ва бир неча кун ичидаёқ қанчадан-қанча улуғ шаҳарларни забт этди. Бироқ айрим амирларнинг вафосизлиги сабабли юзни сахрою биёбон сари қаратди.

¹ 861 йил – 1456 йил 29 ноябрь – 1457 йил 19 ноябрь оралиғи.





862 йилнинг зулҳижжа ойида¹ Астробод дорилфатҳини Мирзо Жаҳоншоҳ Туркмоннинг қариндоши бўлмиш Ҳусайн Саъдунинг қўлидан тортиб олди. Султон Абусаид Мирзо Астробод томонга йўналгач, мудофаа ва урушни маъқул топмай, Адоқ томонга юзланди.

873 йилда² Султон Абусаид Мирзонинг шаҳид бўлгани воқеаси юз бергач, илоҳий мадад ва зафарга тизгиндош бўлиб, пойтахт Ҳирот сари ошиқди. Ул фоҳира шаҳар жуда осонликча бу подшоҳ томонидан эгалланиб, мазкур йилнинг ўнинчи рамазонида³ жума куни хутба ва танга мансур хоқоннинг довруқли номи ва отабоболари исми билан зийнатланди. Ул ҳазратнинг адолат булути томчилари воситасида Хуросон диёри бўйлаб ёниб турган фитна ва бузуқчилик олови ўчирилди.

874 йили⁴ мансур хоқон билан Мирзо Ёдгор Муҳаммад орасида Чинорон мавзеида қаттиқ уруш-саваш рўй берди. Ғалаба шабадаси ул ҳазрат байроғи сари эсиб, Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг қўшини қутлуғ мавкаб баҳодирлари ҳамласи зарбидан тор-мор келтирилди. Аммо ўша йилнинг охирларида⁵ Ёдгор Муҳаммад Мирзо Амир Ҳасанбек Туркмоннинг ёрдамидан баҳраманда бўлиб, пойтахт Ҳирот сари юзланди ва 875 йил муҳаррам ойида⁶ ул шаҳарни истило қилди. Мансур хоқон эса йўналиш жиловини Маймана ва Форёб томонга бурди. Қирқ кун ўтгандан кейин яна фатҳу зафарга йўлдош бўлиб, давлат ва иқбол қароргоҳи сари илғор солди ва сафар ойининг йигирма учинчисига⁷ ўтар кечаси саҳар вақтига яқин Боғи Зоғонга кириб, Мирзо Ёдгор Муҳаммадни мангулик оламига жўнатди.

Ўша йилнинг охирларида⁸ Чакман мавзеида душманни енгувчи хоқон билан Султон Маҳмуд Мирзо ўртасида уруш рўй бер-

¹ 862 йил зулҳижжа ойи — 1458 йил 10 октябрь—8 ноябрь.

² 873 йил — 1469 йил феввали назарда тутилмоқда.

³ 873 йил ўнинчи рамазон — 1469 йил 24 март.

⁴ 874 йил — 1469 йил 11 июль — 1470 йил 30 март оралиғи.

⁵ 874 йил охири (зулҳижжа) — 1470 йил июнь ойи.

⁶ 875 йил муҳаррам ойи — 1470 йил 30 июнь—29 июль.

⁷ 875 йил йигирма учинчи сафар ойи — 1470 йил 21 август.

⁸ 875 йил охирлари — 1471 йил май-июнь.





ди. Ғалаба қуёши ул мансур хоқоннинг иқбол уфқидан балқиб чиқиб, Мирзо Султон Маҳмуд қочиш сари юзланди. Шундан сўнг Амуя дарёси қирғоғидан то Семнон вилоятигача ерлар мансур хоқоннинг тасарруфи остига кириб, 912 йилгача улуғ давлат, юксак мартабада шоду хуррамлик билан бахтли ҳаёт кечирди.

Бироқ шу янглиғ салтанат ва фаровон ҳаёти асносида мафосил¹ касали сабабли осмон ғуломли подшоҳнинг оёқлари юришдан қолди. Шундан сўнг ул ҳазратнинг етук ўғилларининг ҳар бири салтанат ва давлатни қўлга киритишни кўнгилларига туга бошладилар.

Мазкур йилнинг шаъбон ойида² Пули Чироқ манзилида мансур хоқон билан тўнғич ўғли Мирзо Бадиуззамон ўртасида уруш олови аланга олди. Бадиуззамон Мирзо жангга тоб бера олмай, Қандаҳор томонга қочди. Кейин ҳам ота-бола ўртасида бир неча марта ана шу янглиғ тўқнашувлар бўлиб турди. Ниҳоят ярашиш ва сулҳ юзи жамол кўрсатиб, Бадиуззамон Мирзо Балх ва унинг Мурғоб дарёсигача ён-атроф ерлари ҳукумати билан қаноатланди. Шундан сўнг отасига қарши исён кўтариш йўлига кирмади.

911 йилда³ мансур хоқон Мовароуннаҳр мамлакатларини истило қилган Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбонийга қарши урушиш учун пойтахт Ҳиротдан чиқди ва Бобо Илоҳий манзилига етишгач, илоҳий тақдир тақозосича ул подшоҳлик осмони қуёшининг зотига ўлимли касал ёпишиб, мазкур йил зулҳижжа ойининг ўн биринчи куни⁴ охирида жаннат боғига кўчиб ўтди.

Ул ҳазрат етмиш йилга яқин қийинчиликлар уйи бўлмиш бу ўткинчи дунёда яшади ва мустақил равишда Хуросон, Тохаристон, Қандаҳор, Сейистон, Мозандаронда ўттиз саккиз йил давлат байроғини ҳилпиратди.

Хожа Убайдуллоҳ Ахтаб, Хожа Шамсиддин Муҳаммад Марворид, Хожа Алоиддин Али ас-Сонейй, Хожа Сайфиддин Му-

¹ Мафосил – ревматизм, оёқ бўғинлари оғриғи (артрит) касали.

² Бу ерда аслида илгарироқ Пули Чироқда рўй берган ота-бола тўқнашуви кўзда тутилган.

³ 911 йил – 1506 йилнинг апрель ойи кўзда тутилмоқда.

⁴ 911 йил ўн биринчи зулҳижжа – 1506 йил 6 май.



заффар Шабонкора ва унинг укалари Хожа Гиёсиддин Мансур, Хожа Муизиддин Ҳусайн ҳамда Хожа Маждиддин Муҳаммад, Хожа Қавомиддин Низомулмулк Хофий, Хожа Алоиддин Али Мийкол, Хожа Жамолиддин Атоуллоҳ, Хожа Неъматуллоҳ Сурх, Саййид Зайнулобидин, Жалолиддин бин Қосим Фаранхудий кабилар музаффар байроқли мансур хоқоннинг вазирлари қаторидан жой олган эдилар.

Саййид Низомиддин Ҳамза Андхудий ал-Малакий, Мавлоно Қутбиддин Муҳаммад ал-Хофий, Хожа Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий, Саййид Шамсиддин Муҳаммад Андижоний, Хожа Гиёсиддин Одилшоҳ Гилоний, Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ Марворид, қози Бурҳониддин Муҳаммад Марвазий, Мирак Жалолиддин Қосим бин мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Амин, Саййид Гиёсиддин Муҳаммад Машҳадий, мавлоно Гиёсиддин Жамшид Жулобий, Хожа Шаҳобиддин Исҳоқ Хофий, Амир Камолиддин Ҳусайн Табасий, Амир Садриддин Султон Иброҳим Амний навбатма-навбат ул ҳазрат давлатининг садрлик мансабига кўтарилдилар.

Модомики, мансур хоқоннинг мақтовли хислату сийратидан бир бўлаги ёзилган экан, шу ерда сўзларни рақам қилувчи қалам баён жиловини ул ҳазратнинг барча воқеа ва ишлари тафсили томон бурди. *Аллоҳи таоло ёрдам ва муваффақият ато этсин.*

**МАНСУР ХОҚОН СУЛТОН ҲУСАЙН
МИРЗОНИНГ ОЛИЙ НАСАБИ БАЁНИ ВА
УЛ ОЛИЙ МАРТАБАЛИ, ҒАЛАБА ТУҒЛИ
ПОДШОҲНИНГ САОДАТЛИ
ТУҒИЛИШИ ЗИКРИ**

Буюк тангри айрим улуғ султонларга бахшида қилган гўзал хислат ва чиройли сувратлар насабнинг энг олий неъматидирки, макорим ахлоққа лозим ва яхши одобга вожибдир. Шунга кўра барча миллат ва динларда ажам ва араб аъёни насабни соғлом, яъни нуқсонсиз сақлаганлар ва ота-боболари шон-шавкатидан фахрланиб, ғурур ҳиссини туйганлар.



Ҳеч шубҳасиз мансур хоқон ҳам ота томондан, ҳам она тарафдан соҳибқирон султонлар сулоласининг сараси, кишвар олувчи хоқонлар оиласининг покизаси эди. Чунки ул мақсади ҳосил подшоҳнинг ёқимли атворли, хўжаста аломатли отаси Султон Гиёсиддин Мансур бин Амирзода Бойқаро бин Умаршайх Баҳодир бин Амир Темур Гурагондир.

Султон Гиёсиддин Мансурнинг онаси Қутлуқ Султонбегим эди. Қутлуқ Султонбегимнинг отаси Элчиқдой қавмидан амирзода Искандар бўлиб, олти насл орқали Чингизхонга уланарди. Қутлуқ Султонбегимнинг онаси Амир Кайхусрав бин Ҳанзал Сувдун бин Бот Келкой бин Туманакхоннинг қизи Биби Фотима эди. Биби Фотиманинг онаси Кепакхон авлодидан бўлмиш Эсан Темурхоннинг қизи Қутлуқхоним эди. Қутлуқхонимнинг онаси Сакина Хотун бўлиб, уни Биби Тўхти ҳам дерлар эди. Биби Тўхти солиқлар бошлиғи шайх Шамсиддин Муҳаммад Мискиннинг қизи эди. Ул жаноб эса шайх Абдулвоҳиднинг ўғли, шайх Абдулвоҳид Хожа Абдулҳодийнинг ўғлидир. Ул жаноб Аллоҳга яқин киши Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг ўринбосари эди.

Мансур хоқоннинг яхши юлдузли онаси Ферузабегимдир. Ферузабегим Амирзода Султон Ҳусайн бин Амир Муҳаммадбек бин Амир Мусонинг қизи бўлиб, Амир Мусо *танжит* қавмидан эди. Амирзода Султон Ҳусайн маҳди улё Оқобегим бинт Амир Темур Гурагоннинг ўғли эди. Улуғ бону Ферузабегимнинг онаси Қутлуқ Султонбегим Мирзо Мироншоҳ қизи эди. Қутлуқ Султонбегимнинг онаси Ўрун Султон Суюрғатмишхон бин Донишмандачхон бин Қайдухон бин Нурхон бин Ўқдай қоон эди.

Мисра:

Бундай насаб олам аро ҳеч кимда йўқдир.

Мансур хоқоннинг бахтли туғилиши 842 йили муҳаррам ойида¹ салтанат пойтахти Ҳиротнинг шарқи-шимолидаги Сарипули Тулки кўпригига яқин ерда жойлашган Давлатхона номи билан танилган саройда рўй берди ва офтоб балқишли ёғдуси қутлуғ давлат ва кундан-кун ортувчи юлдузи толе нурлари тамоми ер

¹ 842 йил муҳаррам ойи – 1438 йил 24 июнь – 23 июль оралиғи.





юзига зиё ва ободонлик сифатини бағишлади. Мунир ой жаҳонни безовчи жамоли ёлқинини кўргач, қуёшдан нур олишини канда қилди, соф кўнгилли Муштарий сурурни орттирувчи ёғдусидан баҳраманд бўлгач, мангу саодат сармоясини қўлга киритди. Ҳали ҳукмдорлик гулзорининг ул ғунчаси болалик сабоси насимидан тўла очилмасдан туриб, фармон беришлик тароватлари ҳаёти ва гап-сўзларидан жон димоғи сари етарди. Ҳануз донгдорлик боғининг ниҳоли ўсиб-улғайиш нурлари зиёсидан бош чиқармай туриб, юрт олишликнинг жасурлик бағишловчи аломатлари далили ҳаракати ва ўтириб-туришидан кўриниб турарди. Мансур хоқон эмизикли айёми ва гўдаклик давронини ўз ота-онасининг аллаловчи бешиги ва бош-қошлик тарбиясида бахт-саодат билан ўтказди. Улғайган сайин бўлажак шон-шавкати ва улуғворлик ҳиммати қилган ишларию гапираётган гап-сўзларидан билина борди. Доно кишилардан қай бири фаросат кўзи билан бу қуёш ёғдули йигит манглайига боқса, яқин орада унинг тараққий камоли авжига етажагини англар эди. Илоҳдан билувчи кишилар ҳидоят нури орқали мақтовли ахлоқию ёқимли атворини мушоҳада қилса, тез орада давлат калитлари билан иқбол ва умид эшиклари унинг турмуши юзи сари очилажагини кўнглидан ўтказарди.

**МАНСУР ХОҚОННИНГ ЙИГИТЛИК
ДАВРОНИДАГИ АҲВОЛИДАН БИР БЎЛАГИ
БАЁНИ ВА УЛ ҲАЗРАТНИНГ ҚУВОНЧ
ВА МАҚСАДИ ҲОСИЛЛИК БИЛАН
САНЖАР МИРЗО КУЁВЛИГИГА
МУШАРРАФ БЎЛГАНИ ЗИКРИ**

Мансур хоқон етти ёшга етганда 849 йили¹ Султон Фиёсиддин Мансур мағфират подшоси ёнига юзланди ва ул шараф садафининг ноёб дури яна етти йил ўз давлатхонаси² ичра муқим

¹ 849 йил – 1445 йил 9 апрель – 1446 йил 29 март оралиғи.

² Давлатхона – арз сўраладиган давлат маҳкамаси, девонхона. Бу ерда: темурийзода саройи.





туриб, ўн тўрт кунлик ой мисоли умр бекатларини босиб ўтгач, хотиф иқболли ҳол тилидан¹ ушбу сўзлар мазмунини эшитди.

Назм:

Эй кўзим қораси, ўн тўрт ёш инди,
Ўйин вақти эмас, иш кўрсат энди.

Шундан сўнг оқила онаси билан маслаҳатлашиб, Мирзо Абулқосим Бобур ҳузурига ошиқди ва ул жаноб билан ўтириб-туришиш нақшини кўнгли саҳифасига битди.

Мирзо Абулқосим Бобур ул ҳазратни шафқат ва меҳрибонлик назарига илинтириб, муносиб вазифалар топширди. Ҳар куни янгидан-янги лутфлар ва кўнгил сўрашлар билан ҳолидан хабар олиб турди.

858 йили² Мирзо Абулқосим Бобур Баҳодир Самарқанд ташқарисида Султон Абусаид Мирзо билан ярашган пайтда мансур хоқон яқин қариндошлик мулоҳазасини қилиб, Султон Абусаид Мирзони кўришга майл билдирди ва Абулқосим Бобур Мирзодан айрилиб, Самарқандга кетди. Бир неча кун Султон Абусаиднинг меҳрибонлик нурлари ёлқини мансур хоқоннинг турмуш юзи узра порлади.

Ўша кезларда Мирзо Султон Увайс бин Мирзо Муҳаммад бин Бойқаро бош кўтариб чиқиб, муҳолифлик байроғини қилпиратди. Султон Абусаид Мирзо бошқа шаҳзодаларга нисбатан ишончини йўқотиб, мансур хоқонни яқинларидан ўн уч киши билан бирга Самарқанд қалъасида қамоққа ташлади. Аммо Юсуф талъатли Миср азизига қамоқ эмас, салтанат тахти лойиқлигини ва ҳасадчи акалари макри ва зиндон тутқунлигидан зарар ва зиён етмаслигини ҳамда бу Сулаймон ҳашаматликнинг вақти келиб, фармонфармолик тахтига минишию девсийратлар зулми ва ёмон ниятлар макри ҳеч таъсир етмаслигини билмади.

Алқисса, бу меҳнат аломатли хабар пойтахт Ҳиротда маҳди улё Ферузабегим қулоғига етишгач, онаи зор қайғу ва ғам карвонига қўшилиб, нолаю оҳу додга ҳамроҳ бўлиб, Самарқанд сари

¹ Хотиф иқболли ҳол тили — яъни, гайбдан.

² 858 йил — 1454 йил 1 январь — 1454 йил 22 декабрь оралиғи.





йўналди. Мақсад-манзилга етишгач, Султон Абусаиддан тўнғич ўғлини озод қилишни илтимос қилди. Маҳди улёнинг ўтинчи қабул қилиниб, ул оламни ёритувчи қуёш қоронғулик зулматидан ташқари чиқди ва йўналиш жоловини Хуросон томон бурди.

Мансур хоқон шу кетишда катта тезлик ва шитоб билан неча бир манзилларни босиб ўтиб, яна қайтадан Абулқосим Бобур Мирзонинг хизмати бахтини топди ва ул фахр отчопарининг чавандози ҳаётининг охиригача хизматида умр кечириб, шундан сўнг Марви Шоҳижаҳонга кетди.

Марв мулки ҳукмдори Муизиддин Санжар Мирзо давлату иқбол тожининг кўрар кўзи билан ул мақтов хислатли хоқон турмушига илтифот назарини солиб, шариф қадамини ғанимат билди ва чексиз шафқату меҳрибонлик намоён этиб, иффат пардаси ортида ўтирган ўз қизи Бека Султонбегимни мансур хоқоннинг никоҳига киритди. Бир неча кун тўй ва тантана шартларини бажариб, ўйин-кулги ва томоша расмларини ўтказди. Шодлик палослари тўшалди, айшу ишрат дастурхонлари ёзилди. Кумуш баданли соқийлар қуёшдек юзлари билан қизил шароб қадаҳларини айлантиришга тушириб, ул қутлуғ висол оқшоми довуғи Ноҳид манзили ва Қуёш ишратгоҳидан ошиб кетди. Соқий чехраси ёғдусидан ва қувонч базмидан ўтиришлар сув билан лиммо-лим суғорилган гулзорга айланиб, аччиқ шароб ярқирашидан гўзаллар рухсори лоззордек кўринарди. Зухроваш¹ муғаннийлар дилкаш нағмалар ва руҳлантирар наволар билан букри чолларни чангак зулфли ёшлар қонуни² овозидан рақсга тушириб, дилнавоз созандалар, пардасоз навозандалар нишот мизробини билан хушчақчақлик йўлида ҳар дам бир ўзгача оҳанг ва бетакрор наволар билан мажлис аҳли дилларини ишқу муҳаббат торларига боғлар эдилар.

Катта тўй берилган куни Султон Санжар Мирзо қозилар ва аъёнлар, амиру нўёнларга қимматбаҳо тўнлар кийгизди. Мансур хоқон билан ул парию жаннат ҳурлари рашкини келтирувчи малика ўртасида яқинлик ақди тузилиб, кўп ўтмай хоқонлик меҳри

¹ Зухро – ялтироқ Зухро (Венера) юлдузи. Зухроваш – Зухро кўринишли.

² Қонун – мусиқа асбоби.





булути томчиларидан ул иккинчи Билқиснинг вужуд садафида бир дурдона тугун боғлади ва ул тунни ёритувчи гавҳар йўқлик қаъридан зухур оламига қадам қўйди. Ул жавҳар номини Султон Бадиуззамон Мирзо деб атаб, қувонч ва севинч навосини Кайвон айвонидан оширдилар. Бир неча вақт Муизиддин Санжар Мирзо ва Фаридун тожли мансур хоқон бир-бири билан ота-ўғил мақомида яшадилар. Аммо сўнгроқ икки орада қарама-қаршилиқ рўй берди. Мушкин саллал қалам энди ўша воқеа шарҳига тил очажак.

ОЛИЙ ЗОТЛИ МАНСУР ХОҚОННИНГ ЮРТ ОЛУВЧИЛИГИ БОШЛАНИШИ ВА МУЗИДДИН САНЖАР МИРЗО БИЛАН ЁВЛАШГАНИ ЗИКРИ



Саховатли атолар бағишловчининг (*шони улуғдир*) инояти тақозоси мансур хоқонни истиқлол юзисиз беминнат суратда салтанат ва давлат тахтига ўтқазиб, халифалиқнинг тожу укпарини унинг Фарқад юлдузига етувчи боши билан юқори кўтармоқчи бўлгани учун Марви Шоҳижаҳонда яшаб турган пайтлари шундай бир иш рўй бердики, мансур хоқон қайнотаси Санжар Мирзога қарши курашишга қурби етмай, мулк олишлиқ эгарига минди. Бу воқеанинг шарҳи шуким, 861 йил шаъбон¹ ойида шоҳ Маҳмуд Мирзо бин Абулқосим Бобур Мирзо Иброҳим Мирзо бин Алоуддавла Мирзо қўшинидан енгилгач, Муизиддин Санжар Мирзо мансур хоқонни Марвада ўз ўрнига ноиб тайинлаб, йўналиш жиловини Машҳад тарафга тўғрилади. Мирзо Санжар йўқлигида Фаридун иқболли мансур хоқон билан Муизиддин Санжар давлатининг етакчи жонкуярларидан бўлмиш Ҳасан Арлот ўртасида жанжал чанги кўтарилиб, Ҳасан ул жанобни ҳибсга олмоқчи бўлди. Аммо бир хабарчи ул жоҳилнинг бўлмағур уй-фикрини арзга етказиб, довюрак хоқон беш нафар жасур отлиқ билан бирга шаҳардан чиқиб кетди.

¹ 861 йил шаъбон ойи — 1457 йил 24 июнь — 22 июль.





Фалакни босиб ўтувчи мавкаб йўлга тушгач, унинг кейинича Жон Али Ясовул ботир кишилардан олтмиш нафар чавандоз билан бориб, ул ҳазратга қўшилди. Олий зотли хоқон шу туфайли фатҳ ва зафар қоматини кўргач, умид билан оти жilовини қайтиб шаҳар томонга бурди ва ҳеч бир қийинчиликсиз Марвга кирди. Амир Ҳасанни кишанлаб, улуғлик ва мақсади ҳосиллик оёғини юрт сўраш тахтига қўйди. Эртаси куни Санжар Мирзонинг Муҳаммадбек Шерозий, Шайх Зуннун Ироқий сингари мулозимларидан бир тўпи Эл ўғли амирлари билан иттифоқ бўлиб, хоқони мансур ов қушлари учирини учун шаҳардан ташқари чиқиб кетган пайт, кутилмаган чоғда зулм шамширини қасос қинидан чиқардилар ва Бўлдой Шайх Баҳодир, Шерали ва олий маконли хоқоннинг яна бошқа хос кишиларига девон хосхонасида шаҳидлик шарбатини ичириб, исён ва ёғийлик туғини кўтарганча, Мирзо Санжарга тарафдорлик билдириб, қалъа дарвозаларини беркитдилар ҳамда қалъанинг буржу минораю деворларини мустаҳкамлаш мақомида туриб, исён садосини феруза рангли осмон тоқи узра янгротдилар. Лекин Жон Алининг бир укаси бисотида бор бир ҳийласини ишлатганча шаҳардан қочиб чиқди ва мансур хоқон ҳузурига бориб, кўрганларини гапириб берди. Ўша заҳотиёқ тожу тахтни безовчи хоқон худди зoлимлар йиғинини йўқотиш учун буржлар меърожига чиқадиган жаҳон олувчи қуёш каби муҳолифларни орадан кўтармоқ сари йўналиб, олтмиш нафар баҳодир билан Кожинкон тарафидаги буржга чиқди ва қалъанинг ўша тараф йўлаки устидаги кишиларни кўз қовоғларини тикувчи ўқ учи билан ер тишлатди. Шунга кўра шаҳарда алғов-далғов ва тўс-тўполон чанги кўтарилиб, хосу авом қуёш ҳашаматли хоқонга қарши муҳолифат камарини белига боғладилар. Фатҳу ғалаба насабли узангининг мазкур бурж чеккасида турган мулозимларидан бир тўпи ҳаммадан бурун марвликлар ҳужумидан хабар топиб, вафосизлик чангини ўз давлати бошлари узра сочиб, қочиш сари юзландилар. Ниҳоят, осмоннинг турғун ва сайёр жисмлари подшоҳи, яъни қуёш кун ярмининг олий буржидан қуйига иниш томон майл кўрсатган чоғда мансур хоқон қалъанинг мазкур буржидан пастга тушиб,



Банди Султон мавзеи тарафга йўналди. Ул манзилга етгач, Ҳасан черкас ва эранжи ўртоқ элининг халқи мулозиматга ошиқиб, икки юзга яқин отлиқ мансур хоқоннинг нусрат шиорли байроғи остига тўпландилар.

Ўша вақтларда Муизиддин Санжар Мирзо ўз давлатининг қароргоҳига қайтиб келиб, амирлар ва лашкар аҳлидан анчасини қутлуғ мавкаб ортидан юборди. Шу зайл Марв ва Талхтон оралиғида уруш олови аланга олиб, дастлаб мансур хоқон қилич ва найза зарби билан марвликлар устидан голиб келди. Аммо кейинроқ душман катта бир йиғин билан сипоҳ қалбига ҳамла уюштириб, Жон Али Ясовулни шаҳидлик мартабасига етказдилар. Шунда ғалаба насабли узангининг бошқа мулозимлари ҳам синиқ кўнгил бўлиб, уруш майдонини дили адоватга кон мухолифларга бўшатиб бердилар. Мақсади ҳосил хоқоннинг ёнида бор-йўғи йигирма беш нафардан ортиқ жангчи қолмади. Шунга қарамай, ул мардлик тўқайининг йиртқич арслони ўзининг эски йўсини бўйича ботирлик ва ўздан кечишлик белгисини кўрсатди. Қон ичар қиличини қасос қинидан суғуриб, ҳар лаҳза мухолифлар сафига ташланиб турди. Султон Санжар лашкарининг сони кўп бўлганидан Муҳаммад Жаҳон ва Қул Аҳмад кабилар моликларнинг бу кўз қорчиғига зиён-заҳмат етишидан ҳадиксираб, ихлос қўли билан қутлуғ тавсан жilовини ушладилар ва кўп ўтинчлар билан ул ҳазратни жанг майдонидан олиб чиқдилар. Мухолифлар олий мавкаб кетидан бир неча фарсанг қувиб боришгач, у ёққа ўтишдан қўрққанча орқага қайтдилар.

Мансур хоқон Марвчоқ томон ошиқиб, ўн беш кун Панждеҳ ва Берктош мавзелари орасида истиқомат тўшагини ёйиб юрди. Сўнг ул манзилдан кўчиб, Ахта Охур мавзеини жаҳонни кезувчи самани туёғи чанги билан мушқу анбар сочувчи жойга айлантирди.

Бироқ ўша вақтда Султон Абусаид Мирзо Балх шаҳрида яшаб турган бўлиб, Амир Султон Барлос осмон асосли даргоҳ ходимларидан бир гуруҳи билан Балх томонга қочиб кетди. Шунга кўра бу ерда туриш муносиб кўрилмади ва мансур хоқон Ахта Охурдан муборак оёғини саодат насабли узангига қўйиб, Бобо Қанбар манзили сари кўчди. У ердан Мохон томон юзланиб, бир неча ой





давомида ҳар куни бирор биёбонда ётиб юрди. Муваффақиятсиз кунлар аламига чидам бериб, илоҳий иноят ғам нақшини кўнгли саҳифасидан бирон кун ўчираб деган умидда бўлди.

Уша вақтларда Санжар Мирзо бир неча гал ул ҳазрат устига илғор усули билан қўшин юборди. Аммо бирор ишни уддалай олмади. Умуман музаффар туғли хоқон устидан ғалабага эришишга муваффақ бўлмади. Ул ҳазрат изғиринли қиш фаслида Хивақ ва Марв ўртасида жойлашган саҳрода умр кечираркан, оёғини сабру тоқат этагига тикиб, ғайбдан бир ҳодиса рўй беражани интизорлик билан кутди.

ДУШМАННИ ЕНГУВЧИ ХОҚОННИНГ ТАЖАН ТОМОН ЙЎНАЛГАНИ ВА АМИР БОБО ҲАСАН УСТИДАН ҒАЛАБА ҚОЗОНГАНИ БАЁНИ



Қиш изғирини шиддатидан яшириниш саҳросига беркинган баҳорнинг ажойибот қоидали султони борлиқ тахтгоҳига чиққач, сайёралар шоҳи ғурбатнинг қайғу манзилдан ҳаракатга келиб, зангори гунбаз тепасида ўз шараф уйини қутлуғ қўш ташлаш жойига айлантиргач, мансур хоқон асосан пиёдалардан иборат йигирма икки нафар мулозими билан қишлоб юртидан Марвнинг Кўк Гунбаз мавзеи томон йўналди. У ердан Хожаберди ясовулни яна тўрт нафар киши билан олти келиш учун Поёбга юборди. Улар мазкур ҳудуддан йигирма бош олти келиб, мақсади ҳосиллик майдони шаҳсуворининг назарига етказдилар. Ул ҳазрат олти келиш орасида тақсимлагач, Тажан тарафга кетдилар.

У мавзеге етишган чоғда Ўрусхожа Миш Султон Санжар лашкари таъқибидан қочган бир тўда кишилар билан келиб, қутлуғ мавкабга қўшилди. Мансур хоқон ул жамоани меҳрибонлик назарига манзур қилиб, жаҳон олувчи байроқни Нисо тарафга кўтарди. Йўл асносида Алоуддавла Мирзо навкарлари ичида бўлган Миср ва Миршоҳ, *Туркмон* ғалаба аломатли қутлуғ мавкаб





мулозимлари қаторидан жой олиб, иноят ва илтифотга эришдилар.

Яҳё Маҳал Гули манзили довюраклик ўрмони шерининг қўш ташлаш жойига айлангач, «Амир Бобо Ҳасан Амир Жаҳоншоҳ Мирзо Туркмон қўшинининг ҳужуми сабабли Журжондан қочиб, Обивард тарафдан қутлуғ мавкаб ортича келмоқда» деган хабар келди. Мансур хоқон бу хабарни эшитгандан сўнг зафар қоматли байроқ остида йиғилган уч юз нафар ботир киши билан оти жиловини Журжон тарафга бурди ва кун подшоси тун қўшини устига бостириб бориб, юддузлар лашкарини мағлуб ва тор-мор этган тонг маҳали Анбу манзилида Амир Бобо Ҳасанга дуч келди. Ул сафёраар паҳлавон ўз билаги кучига мағрур бўлиб, душманлик отини тубанлик майдонида йўрттирганча жанг сафини ясагиб, урушга киришди. Мансур хоқон ботир кишиларини мўл-кўл иноятларга умидвор қилиб ва Баҳром қасосли қиличини шижоат қинидан суғуриб, душман сафи сари ташланди. Қон оқизувчи шамшир учи ва фитна қўзғовчи найза зарби билан Амир Бобо Ҳасан лашкаридан бир тўдасини мажруҳ ва берух қилиб, уларни машаққат тупроғи узра қулатди. Ботирлар ҳамласи шамолидан уруш олови туташиб, аланга олди ва шижоат аҳди тадбиридан соғлик кўзлари тикиб ташланди. Сувдек ялтироқ қиличлар гавҳари ўликлар қони аксидан алвон ёқут рангини олди. Ўт пуркар ўқлар пайкони саргашталар дили куюкидан бадахшоний лаъл тусига кирди.

Ниҳоят рустам қудратли хоқон ҳамласи зўридан Журжон қўшини уруш йўлини ташлаб, юзни қочиш сўқмоғи сари қаратди. Нусрат нишонли мавкаб мулозимлари Бобо Ҳасанни ушлаб, ҳаёти шуъласини оташ сачратар қилич суви билан ўчирдилар. Унинг мулозимларидан бўлмиш бир тўда кишилар эса олампаноҳ даргоҳдан омонлик тилаб, подшоҳона лутфни ўз гуноҳларига шафе қилдилар ва хусравона меҳрибонлик қўлидан кечирим тўнини кийиб, юзни хизмат палосига суркадилар.

Мақтов сифатли хоқон фатҳларининг муқаддимаси бўлган бу фатҳ 862 йили ражаб¹ ойида юз берди. Ул ҳазрат Анбу

¹ 862 йил ражаб ойи — 1458 йил 15 май — 13 июнь оралиғи.



манзилидан Нисо вилоятига бориб, барс йилида ул вилоятни олиб, амирлар ва қўшин аҳлига бўлиб берди. *Муваффақият Аллоҳгандир.*

МАНСУР ХОҚОННИНГ ФАТҲ УЙИ АСТРОБОДГА ЙЎНАЛГАНИ ВА ЮРТЛАРНИ ЯРАТГАН ЭГАМНИНГ ИНОЯТИ БИЛАН УЛ МАМЛАКАТНИНГ ФАТҲ ЭТИЛГАНИ БАЁНИ

Нисо ва Обивард вилояти ғалабага ёр аскарлар лашкаргоҳига айланган айёмда Шох Фариб, Абдуллоҳ Қамариддин, Абдурахмон арғун Султон Санжар Мирзодан юз ўгириб, қутлуғ мавкабга келиб қўшилдилар.

Мансур хоқон ота-болалик ҳаққи ҳурматини қилиб, Фироқ элчи лақаби билан танилган Маҳмуд Туркистонийни келишув ва бирдамлик қоидаларини тиклаш учун Марвга жўнатди. Санжар Мирзо ҳеч мулоҳаза қилиб ўтирмасдан, Маҳмудни қамоққа солиб, Ҳасан Шайх Темур ва Шайх Зуннунни битта қўшин билан Нисо ва Обивард томонга юборди. Бу хабарни эшитган мансур хоқоннинг ғазаб ўти ловуллаб, ул паришон тўдани тор-мор этиш учун йўналиш жиловини бурмоқчи бўлди. Бироқ ўша аснода *жалойир* қавмидан ва Журжон ҳудудида юрган бошқа сипоҳийлардан мингга яқин отлиқ салтанат ошиёнли даргоҳга келиб, Астробод мамлакати келини тасвирини ул ҳазрат кўзи ўнгида намоён этиб, ихлосу давлатга тарафдорлик тили билан бу янглиғ сўзларни арзга етказдилар: «*Туркмоннинг кўпчилик улуғ амирларидан кўра юксак ва устунлик мақомига эга ва ҳозир Журжон ўлкасида ҳукумат байроғини кўтариб, ҳеч кимни назар-писанд кўзига илмаётган Хусайн Саъду шояд қутлуғ кўнгил юзланиши шарофатидан мағлуб бўлса-ю, шу билан бошқа туркмонларда ҳам Хурросонда турмоқ мажоли қолмай, меросий мамлакатлар гулзори муҳолифлар исёни хас-хашагидан тозаланиб, чифатой улусининг амирларидан қай бири қай юртда юрган бўлишса, олампаноҳ даргоҳни ўзининг бошпанаси ўрнида билса*».



Бу сўзларнинг асли жаҳонгир хоқоннинг қалб маҳакида¹ аён бўлгач, Нисодан Астробод томон юрди. Ферузғанд мавзеига етишган пайтда илгари Абулқосим Бобур Мирзонинг амирлари қаторида турган Муҳаммад Худодод бир гуруҳ кишилар билан қутлуғ мавкабга келиб қўшилди ва мўл-кўл подшоҳона иноятга сазовор бўлиб, ифтихор ва ғурур туғини Фарқадон юлдузидан юқори кўтарди. Шу орада кунора бошқа тошқин дилли ва кўпирган қонли сипоҳиларнинг ҳам саркардаю аскарлари хизматга келиб турдилар ва ниёзу сано шартларини бажариб, зафар шиорли мавкаб чангини уйғоқ бахтлари кўзига тўтиё қилдилар.

У томондан Ҳусайн Саъдлу туркмон мансур хоқоннинг келатганини эшитгач, Астрободдан ташқари чиқиб Султон Майдон текислигини лашкаргоҳ қилди. 864 йил зулҳижжанинг биринчи ўн кунлигидаги² душанба кuni тонгида мансур хоқон юлдузлар султони қуёш осмон майдонига чиққани каби Султон Майдон ёнига қудрат байроғини тикди. Сўнг икки тараф ҳам лашкар сафини ясаб, темир совут ва дубулға кийишга тушдилар ҳамда уруш тайёргарлигини кўриб, кураш ва олишув эшикларини бири-бири юзига қаратиб очдилар. Дастлаб Ҳусайн Саъдлу қўшинидан бир гуруҳи жанг чангини тўзғитиб, тўсиқдан ошиб ўтдилар ва ғалаба асарли лашкар қалбига яқин бориб, уруш асбобларини ишга соддилар.

Мансур хоқоннинг шахсан ўзи олдинга чиқиб, сувдек ялтироқ қиличи булоғидан улар қўшинидан бир ботирга ҳалокат шарбатини ичирди. Яна биттаси мансур хоқон олдига чиқмоқчи бўлган эди, у ҳам ўша қадахдан бир қултум аччиқ шароб татиди. Шундан сўнг ҳар икки тараф баҳодирлари мардоналик қўлини жасурлик енгидан чиқариб, бири-бири устига чопдилар ва ер сатҳини ўликлар қонидан Бадахшон кони лаълидек қип-қизил қилдилар. Ҳусайн Саъдлу ва туркман сипоҳи мансур хоқон ва зафар нишонли мавкаб довьорақлари ҳамласини кўриб, бирдан нига уруш майдонига орқа ўтирдилар ва юзни қочиш водийси

¹ Маҳак — тиллонинг софлигини аниқлайдиган тош; шу жиҳатдан баъзи билимдон кишиларга маҳак сифати берилган.

² 864 йил зулҳижжанинг биринчи ўн кунлиги — 1460 йил 17—27 сентябрь.



томон қаратдилар. Нусратпаноҳ қўшин уларни таъқиб қилиб, туркманлардан кўпини аёвсиз қиличдан ўтказдилар.

Хусайн Саъду ва сардорлардан бир тўдасини асир олиб, буйруққа биноан қатлга етказдилар.

Мансур хоқон бу довруқли фатҳга муяссар қилган яратган эгамга ҳамдлар бажо келтириб, ўша уруш майдонида жасурлик чавғони билан мусобақа тўпини олиб қочган кишилардан бир гуруҳини турли-туман сийловлар билан хурсанд қилди.

Туркманларнинг мастура аёлларини аскарлар таҳқиридан омон сақлаб, ўз туғилиб-ўсган ватанларига¹ кетишга рухсат берди. Душманнинг аҳли аёлию бола-чақаси жамшид мартабали жаҳонгир адолати ва меҳрибонлиги туфайли сипоҳ аҳли оёғи остида топталмай, хавф-хатарсиз равишда ўз юртлари сари тезда йўлга тушдилар.

МАНСУР ХОҚОННИНГ ЖУРЖОН САЛТАНАТИ ТАХТИГА ЎТИРГАНИ БАЁНИ ВА ШУНДАН СЎНГ ЮЗАГА ЧИҚҚАН АЙРИМ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР ЗИКРИ

Илоҳий чексиз иноят офтоби ул тахтни безовчи умидининг уфқидан порлаб чиққач ва Султон Майдон манзилида ул адолату эҳсон мажмуасининг музаффар байроғи ойчаси фатҳу зафар авжида чеҳра очгач, Журжон мамлакатининг гулзори туркман сипоҳининг жабру исён тиканидан тозаланиб, ситамкор фалак ул диёр аҳолисига зулм ва зиён-заҳмат етказиш баҳридан ўтди. Мансур хоқон давлат ва иқболга жиловдош бўлиб, Астрободнинг Гулафшон мавзеини қутлуғ қадами шарофатидан Эрам гулистонининг рашкини оширадиган жойга айлантирди ва салтанат тахти узра чиқиб, саййиду қозилар, аёну шариф кишиларни инъомлар билан сийлади. Яхши хислатининг булути томчилари билан ситам оловини ўчирди ва адолату карам қуёшининг шуълалари билан ул вилоят аҳолисини зулм зулматидан чиқарди.

¹ Яъни, Озарбайжон ва Ироқи Ажам минтақасига.

Иноятининг муҳаббати бечора халқни Бурҳон *Туркман* даврида қоқилган ҳодисалар қозифининг зиён-заҳматида қутқарди. Меҳрибонлиги зилоли овора мазлумларни додга етмаслик офтоби жазирамасидан халос қилиб, раҳмат эшикларини улар юзи сари очди.

Бу қутлуғ тахтга чиқишнинг барокатли қадами зулҳижжанинг ҳайитдан дарак берувчи биринчи ўн кунлик бошида ташлангани учун Муҳаммад Худодод ва юқори зотли бошқа амирлар адолатли ва диндор хоқон арзига «шуниси энг муносиб кўринмоқдаки, ҳайит хутбаси Султон Абусаид номи билан безанса-ю, икки ўртада келишув ва бирдамликнинг ёқимли йўли юзага чиқса» дея етказдилар. Ул ҳазрат бу сўзни қабул қулоғи билан эшитмади ва хутбани ўзи номига ўқишлари, олтин танга устига Султон Ҳусайн ва бахт насабли аждоди номини ўйиб ёзишни буюрди.

Шу воқеалар асносида Қутлуқ Дарвеш Султон Абусаид олдидан салтанат тахти поясига келиб, меҳру муҳаббатга тўла дўстона алоқа ўрнатиш қоидалари битилган мактубни топширди. Шунингдек, саид султон Абусаид Мирзонинг «оға-ини дегани *туркман* сипоҳи шавкати байроқларини йўқотиши ва бу сулола мамлакатининг душманларини нобуд қилишда саъй-ҳаракат шартларини бажариши лозим бўлиб, ул қариндош мухолифат тариқини йўқотиш борасида мендан ўз ёрдамини қанда қилмаса, муқаррардирким, қайси бир вилоят *туркман* жамоати тасарруфидан озод қилинса, ул ҳазратга берилади. Ҳеч ким дахл этмоқ эшикларини унинг юзи сари очмагай» деган сўзларини ҳам оғзаки тарзда арзга етказди. Хоқони мансур Қутлуқ Дарвешни мўл-кўл инъом билан сийлаб, қайтишга рухсат берди ва саид султон учун лойиқ совғалар ва қимматли тансуқотлар юборди.

Аммо саид султон Султон Абусаид Мирзо истиқлол байроғини Хуросон мамлакатлари узра ҳилпиратгач ва ёрқин кўнглини Мирзо Жаҳоншоҳ *Туркман* ҳамда бошқа душманлар ташвишидан қутултиргач, Муҳаммад Муштоқни ғалабага ёр хоқон одамларидан Муҳаммад *Қавчин* тасарруфида турган Биёржумандга¹ юборди. Муҳаммад *Қавчин* қудратли давлат шарофатидан

¹ Афтидан ҳозирги Биржанд шаҳри кўзда тутилмоқда.





Муҳаммад Муштоқни енгиб, уни кишанбанд қилганча мансур хоқон олдига жўнатди. Ул ҳазрат ўзидаги туғма мурувватга кўра Муҳаммад Муштоқни от ва тўн инъомлари билан сийлаб, Амир Саййид Кўкалтошга қўшиб, Султон Абусаид Мирзо олдига қўйиб юборди ва ўз элчиси орқали «Муҳаммад Муштоқ аҳду паймон юз-хотирини қилмай, ўткир қилич зарби билан урушқоқ душманлардан тортиб олган вилоятимга келиб кирди. Уни лутфу иноятга мушарраф қилиб, Сидра¹ манзилли бўсағага юбордик ҳамда оға-инилик ва садоқатнинг қувонч бағишловчи шаробини лойқалатмадик» деган сўзларни айттирди.

Муҳаммад Муштоқ ва Амир Саййид Кўкалтош салтанат пойтахти Ҳиротга етишгач, саид султон Султон Абусаид Мирзо мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг бу хайрли ишига қайрилиб ҳам боқмади. Аксинча амир Саййид Кўкалтошни ушлаб қамаб ташлади.

Ўша замондан тагин мансур хоқон ва Султон Абусаид Мирзо ўртасида адоват ниҳоли муҳолифат заминидан униб чиқди ва кундан-кун тақдир боғбони суғоришидан униб-ўсаркан, кечаю кундуз бир-бирини қувлаб ўтавергани сайин бунинг меваси турмуш фазосида зоҳир ва ошкор бўлди.

**БАХТЛИ СУЛТОН АБУСАИД МИРЗОНИНГ
ДАВЛАТ ҚУЁШИ ДОРИЛФАТҲ АСТРОБОД
УФҚИДА БАЛҚИБ ЧИҚҚАНИ ВА УЛ
МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИНГ ОЛИЙ
НАСАБЛИ МАНСУР ХОҚОН СУЛТОН
ҲУСАЙН МИРЗО МАРҲАМАТИ
СОЯСИДАН МАҲРУМ БЎЛГАНИ ЗИКРИ**

864 йил бошларида² мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг қутлуғ қулоғига «Биёружманд теграсида яшовчи кўчманчи араб қабилаларидан айримлари ҳамиша ул шаҳар

¹ *Сидра* (*Сиграт ул-мунтаҳо*) — ривоятга кўра жаннатдаги энг баланд дарахт.

² 864 йил бошлари — 1459 йил октябрь ойининг охири.





аҳолиси устига босқин уюштириб, ўтган-қайтганларни ҳам талаб ўтиришибди» деган гап-сўзлар эшитилди. Шунга кўра Абдулали Тархонни музаффар қўшиндан бир гуруҳи билан ул жамоанинг адабини бериб қўйиш учун тайинлади. Абдулали Тархон арабларнинг ишини бирёқлик қилгандан сўнг Нишопур ва Сабзавор атрофларигача эгаллаб, қудрат байроғини ҳилпиратди.

Бу хабар Султон Абусаид Мирзога етгач, Амир Али Форс Барлос, Ҳасан Шайх Темур, Амир Нур Саид, Амир Саййид Мазидни ўша томонга жўнатди. Абдулали Тархон Хуросон амирларининг келаётганидан воқиф бўлиб, Астрободга қайтиб кетди. Султон Абусаид Мирзонинг мамлакатига бостириб киргани учун тархоннинг бу ишидан мансур хоқоннинг жаҳди чиқиб, унга қарата газаб оловини сочди.

Саид султоннинг амирлари Родгон сайҳонлигига етишгач, Ҳиротга қуйидаги мазмунда хат юбордилар: «Абдулали Тархон бизларнинг йўлга тушганимиз хабарини эшитган заҳоти Астрободга қайтиб кетиб, Мирзо Султон Ҳусайнга бориб қўшилибди. Ул ҳазрат ниҳоятда ҳашамат ва улуғворлик оғушида ўша мамлакатда давлат тахтида ўтирибди. Мустақиллик байроғини ҳилпиратиб, ўзга ҳеч кимни шахриёрликка сазовор кўрмаяпти».

Саид султони бу ариза мазмунидан воқиф бўлгач, Журжонга юриш уюштиришни кўнглига тугди. Шу мақсадда Хуросоннинг барча қўшини билан бирга жумодилавалнинг тўртинчисида¹ чоршанба куни ўша тарафга йўналди.

Аммо саид султоннинг амирлари Родгон сайҳонлигига келиб тушганини эшитгач, бир гуруҳ ханжарсанчар баҳодирлар билан улар устига илғор солган эди. Мухолифларга яқинлашгандан сўнг Султон Абусаиднинг катта қўшин билан булар орқасидан келаётганини эшитди. Шунга кўра, эҳтиёткорлик шартига риоя қилиб ҳамда уруш асбобларини тайёрлаб, довлонлар оғзини беркитиб, бемалол жойлашиб олгандан сўнг душманга қарши му-

¹ 864 йил тўртинчи жумодилавал — 1460 йил 27 февраль.



дофаа жанги ва уруш-савашни амалга ошириш учун Астрободга қайтиб кетди.

Ўша аснода Аҳмад ва Бобо Ёқут *жалойир* қавми билан бирга давлатга орқасини қаратиб, қутлуғ мавкабдан юз ўғирдилар. Шу жиҳатдан зафарли қўшин аҳволига анча путур етди ва ғалабага ёр лашкарнинг чидам қондасига нуқсон йўл топди. Ноилож, уруш ва курашни маъқул кўрмай, Астробод мамлакатини бўш қолдирди ва қуёш ёғдули туғларни Ўғранжа¹ томонию Адоқ ўлкаси сари кўтарди. Олийжаноб мансур хоқоннинг саховат булути томчиларидан маҳрум бўлган Журжон аҳолиси кўзларидан қонли ёш томчиларини оқиздилар ва ул диёрнинг ўтлоқзори мақсади ҳосил подшоҳнинг сарвдек қоматидан айро тушиб, ҳосили фақат заҳарли ўт бўлди, бу заққум печаклар эса ҳайронликдан қаққайиб қолган дарахтларга чирмашиб, юқори ўрладилар. Ўша кечаси худди етим қолган журжонликлар ғамига шериклик қилгандек булутлар кўзидан ёмғир ёшлари томчилай бошлади ва замона кўзи ул шаҳар халқи сингари кўз ёши селларини ёмғир булути фавворасидан оқизишга киришиб, уч кечаю кундуз давомида ҳол шу зайл кечаркан, ўша кунлар ичида жаҳонни қиздирувчи офтоб ақалли ёлғондакамига ҳам ўз жамолини кўрсатмади. Шу туфайли саид султон лашкарига ул ҳазратнинг мавкаби орқасидан қувлаб бориш ва зафарли узанги кейинича йўл олган аскарлар юзи сари ҳамла эшикларини очиш муяссар бўлмади.

Султон Ҳусайн Мирзо етти кун давомида масофаларни босиб ўтгач, беш юз нафар кишиси билан Амуя дарёси қирғоғига етиб, кема ва ёғоч, қамиш солларда сувни кечиб ўтдилар.

Султон Абусаид Мирзо ул ҳазратнинг кетгани хабарини эшитгандан сўнг зафар ва иқболга тизгиндош ҳолда Астробод томонга ошиқди ва ул мамлакат бошқарувини Султон Маҳмуд Мирзога топширгач, қайтиш жиловини Хуросон сари бурди.

¹ Ўғранжа – ўша пайтда Амударёнинг Каспий денгизига қуйиладиган еридаги Ўғирчи ороли кўзда тутилган.



**МАНСУР ХОҚОН СУЛТОН ҲУСАЙН
МИРЗОНИНГ ПИР БУДОҚ ВА МУСТАФОХОН
БИЛАН КЕЛИШУВ ВА ҚАРАМА-
ҚАРШИЛИКЛАРИ ЗИКРИ ҲАМДА
ҒАЛАБА БЕЛГИЛИ БАЙРОҚНИНГ
ИККИНЧИ МАРТА ЖУРЖОН МАМЛАКАТИ
САРИ КЎТАРИЛГАНИ БАЁНИ**



Зафар туғли мансур подшоҳ Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо Амуя дарёси соҳилини музаффар мавкаб тушиши шарофатидан Эрам гулистонининг рашкини оширувчи жойга айлантиргач, ўша ён-атрофда яшаб турган *миршод* ва *султонали* уруғлари халқи қутлуғ қадам етишганидан шоду хуррам бўлиб, палос ўпиш иззатини қўлга киритдилар.

Ўша манзилда хоқони мансур кўнглидан Абдурахмон Жодуни Вазир шаҳрига Мустафоҳон олдига юбориш ва бирдамлик изҳорини қилиб, ёрдам тилаш фикри ўтди. Мустафоҳон ўша вақтда ўзбек хонлари тизимидан жой олиб, Хоразмнинг бир нечта шаҳарларида бошқарув байроғини ҳилпиратиб ўтирганди. Аммо Абдурахмон Жоду Мустафоҳон қароргоҳига юзланмасдан бурун кутилмаганда нусрат нишонли сипоҳ қоравуллари келиб қолишди ва қандайдир ёғий келаётгани хабарини етказишди. Ҳатто кимлиги номаълум ул жамоадан тўққиз кишини ушлаб, салтанат тахти остига келтирдилар. Бу иш ҳақиқати сўраб-суриштирилгач, маълум бўлишича, шу ён-атрофда Мустафоҳоннинг укаси Пир Будоқ Султон манзил тутган бўлиб, ёғий деганлари ўшалар экан. Шунга кўра мансур хоқон ушлаб келинганларни қўйиб юбориб, Пир Будоқ Султонга муҳаббат қоришиқли сўзларни ёзиб жўнатди. Икки ўртага сулҳ сўзи тушиб, бирдамлик битими тузилди.

Шу воқеалар асносида Пир Будоқ Султоннинг кўнглига юксак манзиллик мансур хоқонни яқиндан кўриш истаги келди ва ҳомийлик биносини куёвлик пойдевори билан мустаҳкамлашни хоҳлаб, подшоҳлик ҳарамининг каримаси, яъни илоҳий раҳмат лутфининг ойнаси бўлмиш мансур хоқоннинг сингисини ўз никоҳига киритмоқни ният қилди.



Айтиш керакки, бундан сал олдин Мустафоҳон Астрободга бир чопар юбориб, олий насабли хоқондан ўзи учун шу илтимосни қилган эди. Аъло ҳазрат «агар Аллоҳи таолонинг хоҳлагани бўлса, бу иш албатта рўёбга чиқажак» деган эди. Шу сабабли мансур хоқон дастлаб Пир Будоқ Султоннинг илтимосини қабул қилмади. Аммо амирларнинг кўп ўтинчи ва қайта-қайта мурожаати орқасида розилик бошини қимирлатиб, салтанат тожининг дури хонлик конининг гавҳари билан ақду никоҳ қилинди ва давлат буржининг дури саодат осмони юдузи билан яқинлашди.

Мустафоҳоннинг Пир Будоқ Султон ёнида юрган амирларидан бир тўпи ҳолни бу янглиғ кўргач, султондан айрилиб, ўз хони олдига ошиқдилар ва воқеани ётиғича сўзлаб бердилар. Шунга кўра ака-укалар ўртасида жанжал кайфиятлари вужудга келиб, мансур хоқон Пир Будоқ Султонга қўшилди. Икки тараф жанг майдони сари отилиб, орада бир неча марта кураш ва қаттиқ олишувлар рўй берди. Ниҳоят Мустафоҳон ўз мулки пойтахти бўлмиш Вазир шаҳрида қамалиб олиб, мансур хоқон эса Пир Будоқ Султон билан бирга ул шаҳарни қамал қилди ва қирқ бир кун давомида душманни куйдирувчи қўшин Вазир шаҳри атрофида турди. Ҳар кун ичкаридан ва ташқаридан душманлик ва уруш-саваш майдони босиб ўтилиб, бир-бирини йўқлик оламига жўнатиш учун ҳиммат камарини белларидан ечмадилар.

Ўша кунларда йигирма беш мартаба очиқ жанглар бўлиб ўтди ва ҳар икки томон қаҳрамонларидан кўпининг ҳаёти биноси кулаб турди. Ниҳоят, Мустафоҳон тўғри йўлни қаршилиқнинг ярамас расмини орадан кўтаришда, деб билди ва сулҳ тарафдори бўлиб, келишув асосини тиклашга қарор қилди. Мансур хоқон олдига чопарлар юбориб, кўнглидагини айттирди. Ул ҳазрат хоннинг илтимосини ижобат иззатига яқин тутиб, инсонийлик шартларини бажарди. Ақду паймон қоидалари онт-қасамлар билан мустаҳкамланиб, Мустафоҳон ўзининг хос шунқорини хоқони мансурга совға сифатида юборди. Ул ҳазрат эса ҳали бирор от жаҳон майдонида бу каби жавлон урмаган ўхшаши йўқ Беҳбуд номли тўбичоқини Мустафоҳонга тортиқ қилди.





Юрт олувчи подшоҳнинг ёрқин кўнгли Вазир шаҳри қамали ташвишидан тинчигач, Оқ Сўфининг маслаҳатига кўра Адоқ томонга ошиқди ва ул манзилда бир неча кун дам олиб, вақтини шоду хуррамлик билан ўтказди.

865 йили¹ қутлуғ қулоққа Самарқанддаги Муҳаммад Жўки Мирзо қаршилиқ йўлига киргани сабабли Султон Абусаид Мирзонинг Ҳиротдан Туркистон тарафга, яъни Самарқандга лашкар тортиб кетиб, Муҳаммад Жўки Мирзо беркинган Шоҳрухия қалъасини қамал қилиб ўтиргани хабари етишди. Шунга кўра мансур хоқон фурсатни ғанимат билиб, муборак оёғини зафар насабли узангига тиқиб, озгина одамлари ва кўп умидлар билан Астробод томон йўналди.

Отаси буйруғи бўйича Астрободда ҳоким бўлиб ўтирган Султон Маҳмуд Мирзо чексиз сонли кўшин билан уруш майдони сари олдинга чиқди ва икки орада жуда қаттиқ уруш-саваш рўй бериб, фатҳу ғалаба қуёши мансур хоқоннинг орзулари уфқидан балқиди. Султон Маҳмуд амирларидан Амир Шайх Ҳожи бин Амир Ҳусайн *Жонгор*, Амир Аллоҳберди ва сардорлардан бир начтаси ўлдирилиб, шаҳзода оти жilовини қочиш водийси сари бурди.

Мансур хоқон мазкур йилнинг шаъбон ойи ўрталарида² Астрободга кириб, қайтадан салтанат тахти узра қадам қўйди. Журжон ўлкаси мамлакат олувчилик осмонининг ул қуёши талъати ёғдусидан осмон буржлари рашкини орттирди. Хутбаяна қайтадан қутлуғ исм ва ота-боболар номи билан безаниб, бу фатҳ овозаси тўққиз қаватли осмон минбаридан ошди.

Ул олий наслли подшоҳ Астробод вилоятининг пок яйлоқзорларида ўтириб, шодлик палосини ёйди ва бир неча кун жуда хурсандчилик ва хуррамлик билан димоғи чоғлик қилиб, яхши соат ва дақиқаларини фароғатда ўтказди. Шундан сўнг Астробод мулки ишларига тартиб-низом беришни Абдурахмон *арғунга* топшириб, ўзи оти жilовини салтанат пойтахти Ҳирот сари тўғрилади.

¹ 865 йил — 1460 йил 17 октябрь — 1461 йил 6 октябрь оралиғи.

² 865 йил шаъбон ойи ўртаси — 1461 йил 27 май.



ШАҲАРЛАР ФАҲРИ ҲИРОТ ШАҲРИНИНГ ҚАМАЛ ҚИЛИНИШИ ЗИКРИ ВА ЎША ПАЙТДА РЎЙ БЕРГАН БОШҚА ВОҚЕАЛАР ҲИКОЯСИ

Ўтти иқлим майдони ҳиммати назарида «мим» ҳарфи ҳалқасидан ҳам кичикроқ кўринувчи соҳибби ҳашамат бир мамлакатни эгаллаш билан қандай қаноат қилсин? Шунга кўра зафар туғли мансур хоқон офтобдек кўнглини Журжон ўлкаси забтидан тинчитгач, Хуросон томонга қўзғалиб, ҳиммат арқонини ул вилоятни эгаллаш кунгураси устига отмоқни кўзлади.

Бу хабар Султон Абусаид Мирзонинг амирлари қулоғига етишиб, Нишопур ва Сабзавор теграсида турган Саййид Асил *арғун* ва Амир Саййид Мурод тезликда салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келдилар. 865 йил шавволида¹ ён-атрофдаги катта маҳалла ва қишлоқлар аҳолисини шаҳарга киритиб, қалъа мудофааси асбобларини етарлик даражада муҳайё ва тайёр қилдилар. Бу жаннатга менгзар шаҳар доруғаси бўлмиш Амир Бийназир қалъанинг Малик дарвозасини қўриқлашни ўз бўйнига олди, Амир Абдунасир Ироқ дарвозаси кафолатини зиммасига олди. Ферузобод дарвозаси шаҳар ҳокими Амир Аҳмад Ҳожига топширилди. Қипчоқ дарвозасини сақлаш учун Амир Аҳмад Ёр тайинланди. Хуш дарвозаси Амир Султон Ҳусайн Архангийнинг ақлу тадбири қўлига топширилди. Кечалари қалъа девори, минора ва устки йўлақларда «тайёр тур» деган бақириқ-чақириқ саслари эшитилиб, бешинчи қалъа кутволининг қароргоҳидан ошар эди.

Саййид Асил *арғун* ва Саййид Мурод ёрдамчи қисмга тайинланган бўлиб, шаҳарнинг барча ён-атрофини қўриқлаш ишларини бажариб, дарвозаю минораларнинг барча соқчиларига эҳтиёж сезилганда кўмак бериб турдилар.

Мансур хоқон дастлаб Сарахс томон бориб, ул ўлкани эгаланиш доирасига киритди ва бошқарувини ишончли кишила-

¹ 865 йил шавволи — 1461 йил 10 июль — 7 август.



ридан биттаси зиммасига юклаб, жаҳон кезувчи оти жиловини Ҳирот томонга бурди.

Зулқаъда ойининг йигирма тўртинчи куни¹ Мухтор тоғи йўлидан Хиёбон кўчасига кириб келиб, Боғи Зоғонни салтанат осмонининг Ҳумо қуши қўнадиган жойга айлантирди ва «балки Ҳирот халқи жангга киришмай туриб, дарвозаларни очишар» деган хаёлда бир неча кун уруш-саваш оловини ёқишни орқага сурди. Ваҳоланки, ҳиротликлар Султон Абусаидга тарафдор бўлганлари сабабли бу каби ўй-фикрдан анча узоқ эдилар ва кундан-кунга қалъани мустаҳкамлаш ва қалъа сақловчилик ас-бобларини тартибга солиб, яхшигина мудофаа тайёргарлигини кўриш билан машғул эдилар.

Ўша аснода бир куни мансур хоқон ўз яқинлари гуруҳисиз фақат бир нечта хос ходимлар ҳамроҳлигида ҳаммомга бориш учун учқур абраш отига миниб, Боғи Зоғондан ташқари чиқди. Шунда пистирмада пойлаб ётган бир жосус яшин ва ел тезлигида шаҳарга шошилиб, бу хабарни амирларга етказди. Улар бу воқеани катта омад деб билдилар ва ҳимматни ул давлат ва иқбол қалъаси лочинини овламоқ сари қаратдилар. Шу қарор билан бир нечтаси бошдан-оёқ темир совут ва қиличу ўқ-камонга фарқ бўлиб, шаҳардан ташқари отилдилар. Аммо бу вақтда турғун ва сайёр сайёралар подшоси, яъни қуёшнинг ёлғиз ўзи фалакнинг зангори отига миниб, олтин тусли қиличини сермаган чоғи зулмат лашкарининг йиғини ҳақида ўйлаб-нетиб ўтирмаслиги, йиртқич арслон танҳо бўлгани билан қулон ва оҳуни гала-гала қилиб ҳар томонга қувлаши эсларига келмаган эди.

Мансур хоқон ҳиротликлар ҳужумини билгач, яратганга таваккал қилиб, худди тўлқинли денгиздек ва йиртқич арслондек оти жиловини келаётган ғанимлар томонга бурди ва қон ютар қиличини қасос қинидан чиқариб, битта ўзи девсифатлар устига ташланиб, биринчи ҳамладаёқ анчагинасини отдан қулатиб, ер тишлатди. Бошқа тирик қолганлари орқага тисарилиб, шаҳар сари ура қочдилар ва минг бир тадбир ишлатиб, қалъа девори тагига етиб олгандан сўнггина қўлни ўқ-ёй сари чўздилар.

¹ 865 йил йигирма тўртинчи зулқаъда — 1461 йил 31 август.





Ўн бир кун мобайнида аҳвол ушбу каби кечганидан кейин ва Ҳиротда ўтирганлар кўнглига итоат ва бўйсунуш хаёли келавермагач, мансур хоқон Боғи Зоғондан кўчиб, Кўҳистон сайхонлигида чодир қуббасини ой ва қуёш авжигача кўтарди ва икки-уч мартаба нусрат аломатли аскарлар билан Хуш дарвозасигача от чоптириб жанг қилди. Аммо шаҳар қалъасининг ўта мустаҳкам ва ичида Баҳром қаҳрли мухолифлар кўп эканидан фатҳ юзи чеҳра очмади. Зафарга ёр байроқлар Кўҳистондан қўзғалиб, Хўнжаободга бориб тушди. Шундан сўнг мансур мавкаб курашчилари бир неча кун давомида ханжарсанчувчи қуёшнинг олтин тусли байроғи бу зангори қалъа томига чиқиш вақтидан то айланувчи осмон авжи аро турғун ва сайёр жисмлар машғалларини ёққунга қадар Ферузобод дарвозаси томонидан уруш асбобларини ишга солиб, дил тикувчи ўқ ва юракни куйдиргувчи найзалар пайкони захми билан ҳиротликларни майибмажруҳ ва беруҳ қилганича, ботирлик белгисини кўрсатдилар.

Ҳирот халқи ҳам ўша кунларнинг кўпида дарвозани очиб, яхшигина жанг қилдилар. Амир Саййид Мурод ва Амир Ҳасан Шайх Темур худди йиртқич арслон ва қутурган фил каби мардоналик майдонида жавлон уриб, ўта шижоат шартларини бажо келтирардилар. Қутлуғ мавкаб мулозимларидан қай бири ҳиротликлар қўлига асир тушса, қулоқ-бурунларини кесиб, шаҳардан ташқарига ҳайдаб юборар эдилар. Шаҳарликлардан ҳам ким тақдир панжасига асир тушса, жаҳон олувчи хусрав аскарлари уларга ўша шарбатдан насиба ичирардилар.

Шу аснода музаффар туғли хоқон арзига Султон Абусаиднинг Мирзо Муҳаммад Жўки билан яраш сулҳини тузиб, Амуя дарёсидан ўтганини етказдилар. Шунга кўра мансур хоқон ул олий мансабли подшоҳ билан урушмоққа жазм қилиб, зулҳижжа ойининг йигирма еттисида¹ Хўнжаободдан Мурғоб дарёси томон йўналди.

Бодғис вилоятидаги Тудан манзили душманни янчувчи хоқон қўш ташлагани туфайли жаннатнинг яшил гулшани рашкини оширувчи бўлгач, Ҳирот қамали пайти буйруққа биноан хабор

¹ 865 йил йигирма еттинчи зулҳижжа – 1461 йил 3 октябрь.





билиш учун Мурғоб дарёси қирғоғига кетган Амир Музаффар Барлос олдидан бир қосид келиб, Амир Саййид Мазид ва Халил Ҳиндука уруш тўқайининг бир тўда шерлари ва Мовароуннаҳр юртининг бир гуруҳ ботирлари билан жанг тандирини қизитмоқ мақсадида Тамузий¹ манзилига келгани ва Мирзо Султон Абу-саиднинг ҳам улар кейнича келиши хабарини етказди. Мансур хоқон бу хабарни эшитгандан кейин амирлар ва қўшин бошлиқлари билан маслаҳат анъанасини адо этиб, каттаю кичикнинг кўнгли ҳамла шамоли воситасида уруш оловини аланга олдириш ва душманлар ҳаёти хирмонини жон олувчи найзалар, олов пурковчи ўқлар учи билан куйдириш борасида бир тўхтамга келди. Шу қарор билан Тудан мавзеидан кўчилиб, Тарноб манзилида Амир Музаффар Барлос осмон асосли мавкабга келиб қўшилди.

Зафарга ёр хоқон Тарнобдан тунда бостириб бориш амалиёти бўлмиш шабгир усулини қўллади.

Ўша кечаси Али Шайх Темур бахтсизлик ва машаққат туйғуси сингари нусрат аломатли мавкабдан қочди ва Мурғоб томонга кетиб, саид султон давлатининг амирлари этагига осилди. Саҳтаракий манзили бахтли хоқон пойини кўришга мушарраф бўлгач, шу орада амирлар ва давлат устунлари ўртасида анчагина қарама-қарши фикрлар юзага чиққанидан иш уруш қилмоқ ва душманга қарши бирдам бўлиб курашмоқ даражасидан ўтди. Ночор 866 йил муҳаррам ойининг бешинчисида² зафар матоли байроқ Сарахс тарафга қараб ҳаракатга келди. Манзилга етгач, мансур хоқон ул қалъани Амир Саййид Оқога³ топширди ва жаҳон кезувчи мавкаб Обивард йўли билан Астрободга қараб юрди. Мансур хоқон бир гуруҳ ҳамдам мулозимлар билан бирга манзил ва бекатларни босиб ўтгач, соғ-саломатликда бахту саодат оғушида мулк уйи Журжонга етди.

¹ Тамуз – жазирама иссиқ, ёз фасли маъносини беради. Шу сабабли туман номи сўз уйинига жалб этилган.

² 866 йил бешинчи муҳаррам – 1461 йил 10 октябрь.

³ Амир Саййид Оқо – Алишер Навоийнинг тоғаси Амир Саййид Оқо Кобулий кўзда тутилмоқда.



Қутлуғ кўнгил илтифоти билан ул мулкда оёғини баландлик ўриндигига қўйиб, ҳукумат юргизиб турган Абдурахмон *арғун* ниёз ва нисор тариқасини бажо келтириб, подшоҳона тантана ва хусравона тўй тартиб берди. Мансур хоқон бир тўп хослар ва бир гуруҳ ичкилар билан базм мажлисида ўтириб, қувонч ва шодлик эшикларини очди. Шўх соқийлар қўлидаги гул тусли бода давра бўйлаб айланишга тушди, хуш оҳангли мутриблар созидан чанг ва уд нағмаси баланд кўтарилди. Бу ўтиришлар бир ҳафтага чўзилди.

Шу аҳвол асносида миш-миш хабарлар келиб маълум бўлишича, Султон Абусаид Мирзо қутлуғ мавкабнинг Журжон томонга қайтиб кетганини билгач, дастлаб Сарахс қалъасига қараб юрибди ва Амир Саййид Оқони шаҳид қилиб, сўнг оти жилвини Журжон томон бурибди. Ноилож мансур хоқон айшу хурсандлик палосини эҳтиёткорлик қўли билан йиғиштириб, амирлар ва давлат устунлари ила машварат қилди. Ул жамоанинг барчаси бир овоздан «душманлар сони ҳаддан зиёд кўплиги, нусрат паноҳли сипоҳ эса жуда камлиги сабабли муносиб кўрилмоқдаки, Астробод мулкани яна бир бор ташлаб, қўлни сабру тоқатнинг метин тоғи сари чўзиб, ҳарб ва кураш ишини бир неча вақт тўхтатиб турсак» дея арз қилдилар. Каттаю кичикнинг кўнгли шу зайл Адоқ тарафга кетмоққа қарор топиб, шомнинг мушкфом пардаси куннинг оппоқ юзини гуландом гўзаллар юзидаги хол сингари қора тусга киритгач, мансур хоқон юриш байроғини ҳилпиратди. Кўз нури кўришдан қолган ул зим-зиё кечада қўшин аҳли йўлдан адашиб, ўтиш жойлари денгизга яқинлигидан ботқоқ ва лой конига айланган бир ердан тушиб қолди ва турли-туман қийинчилик ҳамда мисли кўрилмаган чарчоқ балоси олийжаноб хоқон ва нусрат аломатли мавкаб мулозимларини ўз гирдобига олди. Қазову қадар мулозимлари¹ офтобнинг олтин тусли қайиғини фалакнинг зангори денгизига солган вақтда салтанат осмонининг ул қуёши сувдан ўтди. Бироз вақт шу манзилда тўхтаб, Султон Абусаиднинг ан-

¹ Қазову қадар мулозимлари – фалак, табиат, айланувчи осмон ва ер кўзда тутилмоқда.

чагина амирлари чексиз сонли аскарлар билан орқадан келаётгани учун тагин мақсад сари отландилар. Уч-тўрт кечаю кундуз давомида масофаларни босиб ўтиб, соғ-саломат Адоққа бориб қўш ташладилар. Мансур хоқон ул ҳудуднинг сокинлари боши узра меҳрибонлик соясини солиб, барчаларини мул-кўл инъомлар билан сийлади.

ВАЗИР ШАҲРИНИНГ ОЛИНИШИ ВА ОСМОН АЛОМАТЛИ ВОҚЕАЛАРДАН ЯНА АЙРИМЛАРИ ЗИКРИ

Мамлакат олувчи мансур хоқон тақдир подшосининг омонлик сояси остида Адоқ мавзеида қуёш ёғдули байроқни ҳилпиратиб, ул диёр ён-атрофи аҳолисини юксак мақомли туғи сояси остида тўплаб, меҳрибонлик ва лутфларига мушарраф этгач, мансур хоқонга ихлоси баланд хос кишилар жумласидан бўлган Давлатхожа Ўзбекни зариф тухфа ва қимматбаҳо тортиқлар билан Мустафоҳоннинг олдига юбориб, у орқали «ота-боболаримиздан мерос қолган борди-келди алоқалари мавжудлиги, диндошлигимиз ҳақи ҳурмати, муҳаббат ва дўстлик иplarининг боғланганлиги туфайли кўнгилдан шундай кечмоқдаки, ул томонга бориб, бир неча кун бемалол ўтирсам ва қувонч палосини ёйсам. Кейин эса юрт олишлик ишларини бутлашда тўғрилиқни кўрсатувчи ақл тақозосича амал қилсам» дея айттириб юборди.

Давлатхожа Ўзбек Вазир шаҳрига борди. Мустафоҳон зиёфат шартларини бажарди ва учрашув сабабчиси бўлмиш сўзлар жавобида қуйидагиларни тилга олди: — Эшитишимизча, ул азиз фарзанд ўтган юриш чоғи юқори мартабаларга тараққий қилиб ва Хуросон вилоятларидан қай бирига борса, ўша ерда хутбани ўз қутлуғ исми билан безабди. Тақдир ҳукмича ушбу вақтларда бизнинг салтанатимиз пойдеворларига биров путур етган ва шу сабабли ул ҳазрат бу шаҳарга ташриф буюрсалар, биз эса кўнгилдагидек хизмат ва зиёфат қилишнинг урдасидан чиқа олмасак керак, деган ҳадикдаман. Бу иш айб изловчилар таънасига сабаб бўлмаса яхши эди.



Мустафохон шундан сўнг Муҳаммад Сўфи Қўнғиротнинг ўғли Усмон ҳамда Яъқуб ўғлонни қутлуғ мавкабни кутиб олишга тайинлаб, истиқбол чоғи хизматкорлик лавозимини яхши тарзда адо этишларини топширди. Давлатхожа Ўзбекка эса рухсат бериб, ўзи юзни Манғитқишлоқ сари қаратди.

Давлатхожа Ўзбек тахт пойига келиб, кўрган ва эшитганини арзга етказди. Қуёш ёғдули байроқ Адоқдан қўзғалиб, Жайхун дарёси қирғоғи қутлуғ мавкабнинг қўшига айланди.

Аммо ул манзилда маълум бўлишича, Усмон Қўнғирот Мустафохоннинг фармониغا хилоф равишда иш тутиб, ҳазрат шахриёрга хизмат қилиш истагидан воз кечибди, ҳатто, исён белбоғини белига боғлаб, бошқа ўй-фикрга тушибди. Шунга кўра мансур хоқон Жайхундан кечиб ўтиб, дарё қирғоғидаги Осаф Ўкузи мавзеи чети қутлуғ лашкарнинг чодирлари тикилган жойга айланди. Зафарли байроқлар келгани Вазир шаҳри аҳолисига маълум бўлгач, жасур кишилардан бир тўпи ул шаҳардан чиқиб, шаҳар қалъаси олдидаги мустаҳкам бинолар ичида беркиниб олдилар. Бироқ ўша кечаси урушга киришмадилар. Эртасига осмон майдони шоҳсувори¹ тонгнинг ялтироқ дубулғасини кийиб, нур чизиқлари байроғини кўтариб, фалакнинг зангори кўрғонини эгаллаган маҳалда Усмон Қўнғиротнинг Мирзо Оёқ лақаби билан танилган укаси Муҳаммад Али Қўнғирот девор орқасидан кўриниш бериб, дала майдонига чиқди ва уруш сафларини ясадди. Мансур хоқон ул бахти қайтганни орадан кўтармоқ учун отланиб, ҳар икки томондан бурғу товуши ва сурон овозлари янгради. Жасур кишилар адовати елидан уруш олови ловуллаб ёна бошлади ва қаҳрамонлар жанги учқунидан жанг сафи ботирларининг ҳаёт хирмонига ўт тушди.

Ўша аснода Муҳаммад Али Қўнғирот саркардаси Давлатхожа Ўзбек бўлмиш жавонгор орқасидан кирди ва саркардани қўлга тушириб, қалъага олиб кетди. Аммо бошқа мухолифлар шижоат сифатли хоқоннинг қўшини зарбасига дош бера олмай, қалъага қараб қочдилар ва дарвозаларни мустаҳкамлаб, буржу боралар устига чиқиб олиб ўқ ва тош отишни бошладилар.

¹ Қуёшга ишора.





Қутлуғ мавкаб курашчилари қалқон ва тўраларни бошларига тутиб, мардоналик оёғи билан хандақдан ўтиб, тоғ каклигидек тепалик устига чиқдилар. Ўша вақтда фатҳу ғалабанинг анбар исли насими «ғалаба фақат Аллоҳ ҳузуридан келур»¹ жаннатидан эсишга киришди, зафар ва ютуқнинг мушк тароватли ҳидлари «Аллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, уни тўсиб қолувчи бўлмас»² карамининг қувонч аломатли гулзоридан тарала бошлади. Усмон Қўнғирот ёнидаги барча тобеларию Мустафоҳоннинг лашкар аҳли билан қочмоқни ихтиёр қилиб, Вазир шаҳрини бўш қолдирдилар. Қутлуғ мавкаб одамлари эшикларни очувчининг тақдири тақозосича Вазир шаҳрига кириб, эғалик ва қудрат байроғини ҳилпиратдилар. Шарифлар, аъёнлар ва шаҳар аҳолисию деҳқонларни адолат ва эҳсон паноҳи остига олдилар. Ёрдам булути томчилари билан мамлакат боғига ободлик бағишлаб, зулму ситам расмини унутулиш тоқчасига ирғитдилар.

Ўша айёмда Усмон Қўнғирот ҳам шоҳона лутфни ўзининг гуноҳлари учун шафе билиб, осмон ҳашаматли бўсавага келди ва подшоҳона кечиримга эришди.

Шу воқеалар асносида Вазир шаҳри аҳолиси ул тожу тахт безовчиси арзига «бизнинг асл туғилиб-ўсган юртимиз Хоразм ўлкасидир, Мустафоҳон зўравонликни жойиз кўриб, бизни бу диёрга олиб келган эди. Умид шулким, уй-юртсиз биз бечораларни олий маконли хоқон инояти шарофатидан ўз ота ватанимизга қўйиб юборсалар» дея мурожаат қилдилар. Бу илтимос қабуллик даражасига етиб, мансур хоқон йўналиш туғини Хоразм томон кўтарди ва озгина вақтда ул адолат уйи меъморни Журжония³ шаҳрини фаровон ва ободон қилди. Бир неча вақтдан сўнг ул мамлакат бошқаруви тизгинини Саййид Зайнобиддин Хивақийнинг ихтиёр қўлига тутқазиб, Хуросон юриши юзасидан яна Адоққа кетди.

¹ Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 126-оятдан.

² Қуръони карим, Фотир (35) сураси, 2-оятдан.

³ Журжония – Гурганж (ҳозирда Туркменистон ҳудудига жойлашган Кўҳна Урганж) шаҳри кўзда тутилмоқда.



Шу воқеалар бўлиб турган маҳалда Хивақ аҳолиси хоқонлик даргоҳи эгаси Султон Ҳусайн Мирзога тарафдорлик қилиш ниятида, Султон Абусаид Мирзонинг топшириғи билан келиб, Хивақда ҳоким бўлиб ўтирган Қутлуқ Дарвеш Илоҳийга қарши бош кўтариб, унинг ўғлини ўлдирдилар ва воқеани давлат тахти мулозимларига ёзиб юбордилар. Қутлуғ мавкаб ўша томонга ошиқиб, адолат нурлари партавини ул шаҳар аҳолиси боши узра сочди.

Бир неча кундан сўнг қайтадан Урганж ўлкаси ғалабага ёр байроқларнинг ойчаси шуъласидан равшанлик топди. Хоқони мансур қутлуғ ўғруқни ўша ерда қўйиб, яна бир бор йўналиш байроғини Хуросон сари кўтарди. Марв теграсига етган чоғида, Саййид Асил *арғун* ва Ҳасан Шайх Темур, Саййид Мурод кабиларнинг Султон Абусаид Мирзо қўшинидан бир бўлагини етаклаб, ул шаҳарни эгаллаб ўтиргани маълум бўлди. Мансур хоқон шу заҳотиёқ қайтиш жоловини Хоразм томон бурди.

**ҚУТЛУҒ МАВКАБНИНГ ЖАНГ УЧУН
ЙЎНАЛГАНИ ВА БУ ТЎҚНАШУВНИНГ
СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО АМИРЛАРИ
БИЛАН ТУРШИЗ ВИЛОЯТИДА РЎЙ
БЕРГАНИ БАЁНИ**

Султон Абусаид Мирзо Туркистон ва Мовароуннаҳр шаҳарларидан қаҳрли қўшин билан қайтиб, Бодғис яйлоғини иззат чодирларининг тикланиш ерига айлантирган 868 йили¹ Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо Хоразм ўлкасидан уруш чангини тўзғитишга қарор қилиб, жаҳон кезувчи оти жоловини Хуросон томонга бурди ва тез юрар ойдек ҳеч бир бекатда дам олмай, Нисо ва Обивард йўлидан Сабзавор, Нишопур ва Туршиз теграсига шошилди. Музаффар аскарлар қайси вилоятдан ўтсалар, шу ерни босқин-чопқин ва талон-торожга учратиб бордилар. Мухолифдан кимни кўрсалар, ўша ердаёқ ўлдирдилар.

¹ 868 йил — 1463 йил 15 сентябрь — 1464 йил 3 сентябрь оралиғи.



Султон Абусаид Мирзо бу хабарни эшитгач, ўзини тута олмай Бодғис сайҳонлигидан Фушанж вилояти сари от қўйдирди ва улуф амирлардан Шайх Ҳожи ва Амир Аҳмад Ёрни бир неча минг кишилик жасур қўшин билан зафар аломатли мавкаб мулозимларини йўқотиш учун тайинлади. Амирлар шошилинич қаноти билан ул томонга илғор солиб, фитна қўзғовчи андишасизлардан катта бир тўпи Турпиз атрофида ул уруш тўқайининг арслони кетидан етиб олдилар ва буни қарангки, ўша куни тақдирга кўра, нусрат насабли узанги хизматида саксон нафар ханжарсанчар жангчидан ўзга бирон киши йўқ эди. Ул ҳазрат «ким Аллоҳга таваккал қилса бас, Аллоҳнинг ўзи унга етарлидир»¹ ояти мазмунига қўл уриб, қутлуф «Аллоҳнинг буйруғи билан озчилик кўпчилик устидан ғалаба қозонади»² ояти каримасини ойдин кўнглидан ўтказди ва ул озгина жамоат билан уч-тўрт минг дев сийратли, шайтон сифатли суворийлар рўпарасида уруш сафини ясади. Душман сипоҳининг қалб қисми яқинига етгач, оҳулар ғаласидан кўрқмайдиган йиртқич йўлбарс сингари ва қушлар кўплигини назарига илмайдиган юксак учувчи лочин каби улар устига ҳамла қилди ва зангори қиличини ор-номус кетидан юрган мардлар қонидан алвон ёқутдек қилиб, етук мардоналик намунасини кўрсатди. Буроққа ўхшаш самани самандардек уруш майдони шуъласи ўртасида жавлон урар, аждаҳо юришли шамшири наҳангдек уруш-саваш денгизида сузиб, душманнинг ҳаёт кемасини фано гирдобига ғарқ қиларди. Қон сочар пайкони учи билан мухолифларнинг кўзу дилини Бадахшон лаъли каби қизартирар эди. Жон олувчи найзаси зарби исён тариқатининг соликлари ҳаёти дарахтини таг-томири билан кўпорарди. Жанг чанги ер палосидан кўк гумбаз авжига етди ва бошлиқлар бошию ботирлар танлари йўл тупроғи билан тенг бўлди. Ушбу варақлар қораловчиси бирон киши воситасида эмас, балки ул шарафли подшоҳнинг шахсан ўз оғзидан эшитганманким, ул мукаррам зот ҳикоя қилиб «Туршиз муҳорибаси куни урушқоқ душмандан ўн беш кишини қон оқизувчи қиличим билан мажруҳу берух қилганман» деган эдилар.

¹ Қуръони карим, Талоқ (65) сураси, 3-оят.

² Қуръони карим, Бақара (2) сураси, 251-оят.





Мазкур жангда қутлуғ мавкабнинг бошқа баҳодирлари ҳам қаҳрамонлик кўрсатиб, душман йиғноқи палосини йиғиштирдилар. Султон Абусаид Мирзонинг амирлари ҳолни бу янглиғ кўргач, отлари жловини қочиш водийси сари буришди. Нусрат аломатли лашкар довюраклари эса қасос қиличини сермаб, фанимнинг кўпчилик қисмини ҳалок қилдилар. Яраланган уўлганлар ва йиқилиб-емирилганлар кўплигидан саҳро юзи тепалик билан тенглашди. Қузғун ва ўлаксахўр қушлар учун девонликнинг мўл-кўллик дастурхони ёзилди.

Мансур хоқон зафар ва ғалаба қучгач, Нишопур, Машҳад ҳудудидан ўтиб, Мохон саҳросига қўш ташлади. Айрим амирларнинг маъқуллови бўйича у ердан Марв қалъаси ташқарисига ошиқиб, музаффар аскарлар ўзларининг айрим юмушларини бутлаш учун шаҳарга кирдилар. Баъзилари эса талон-торож учун қишлоқ ва қасабалар¹ ичра тарқаб кетдилар.

Ўша аснода Султон Абусаиднинг ҳалиги мағлубиятдан сўнг бир-бирига яна қўшилиб, қутлуғ мавкаб кетидан қувлаб келаётган амирлари қораси кўриниб қолди. Қўшиннинг бояги йўсинда тарқаб кетгани сабабли тўхтаб туриш маъқул кўрилмади. Мансур хоқон хос отхонанинг бошқа отларидан қуввати кўплиги ва тез юриши билан устунликка эга арлотий отга минди ва Жуйи Нав йўли билан юзини Хоразм саҳроси томон қаратди. Иртиш мозорига етишгач, қутлуғ кўнгилга «билдирмасдан Хивақ аҳолиси устига бостириб борсам-у, ул шаҳарни забт этсам» деган фикр келди. Чунки, ҳазрат мансур хоқон йўқ пайти ул макон аҳолиси қаршилик сари тиришиб, Шодмон исми Амир Нур Саидга қариндошликлари сабабли шу амирнинг фармони остига кирган эдилар.

Шу воқеа асносида Бобартан сафёраар хоқоннинг лашкаргоҳидан қочиб, Хиваққа кетди ва у ернинг халқини ул ҳазратнинг келаётганидан огоҳлантирди. Хивалиқлар қалъани беркитиб, Амир Шодмон Нур Саид душманни даф этиш учун уруш байроғини ҳилпиратди. Шундан сўнг тўғрилиқни кўрсатувчи ақл «бир неча шижоатли кишига темир совут устидан эски кий-

¹ Қасаба — бир неча кичик даҳа ва қишлоқларни ўз ичига олган катта қишлоқ, кичик туман.





имларни кийдириб ва эшакларга миндириб қалъага юбориш» режасини тақозо қилди. Яъни улар шаҳарга киргач, хоқоннинг шахсан ўзи ул қалъа атрофига бориб, урушга киришиб, шу тadbир билан фатҳу зафарга эришмоқчи бўлди. Шу ўйда ўн етти нафар совут кийган амирни бу ишга тайин қилди. Масалан, Амир Музаффар *Барлос*, Амир Валибек, Абдурахмон *Арғун*, Ҳайдар Али Кўкалтош, Дайлав Машойих, Шайх Абусаиджон *Дармиён*, Мир Али Мирохўр¹, Қулали Чухра², Шоҳқули Баковул, Оқожон *Қурлос*, Юсуф Танбурчи, Довуд Миришкор ва бошқалар мазкур тайинланган кишилар билан бирга қалъага кетдилар. Шибли Чоржуйини музаффар тугли хоқон ул жамоат кетидан юборди. Шибли амирлар қачон Хивага кирсалар, дарҳол қайтиб келиб бунинг хабарини хоқонга етказиши керак эди.

Шибли мақсад-манзилга етгач, қараса амирлар алақачон шаҳарга кириб кетишибди. У ҳам ҳеч бир тўхтовсиз шаҳарга кирди.

Шу аснода қози Муайяд шаҳардан ташқари чиқиб, соҳиби ҳашамат хоқон олдига ошиқди ва бўсаға ўпиш саодатини топиб, ҳозиргина фалон кўринишдаги бир гуруҳ одамлар Хиваққа кирдилар, дея арзга етказди. Ул ҳазрат шаҳар тарафга қараб юрди.

Амирлар дарвозадан кириб қалъа даҳлизига киргач, дарҳол Шодмоннинг ўша ерда турган укасини ўлдирдилар ва қалъа деворининг устки йўлагига чиқдилар. Ўша заҳоти шаҳар халқи ёпирилиб келиб ўқ ва тош отишга тушдилар. Абдурахмон *Арғун*ни икки жойидан қилич уриб, қалъа йўлаги устидан пастга улоқтирдилар.

Хоқони мансур қалъа дарвозасига яқин келгач, душман томонга бир нечта ўқ отди. Аммо ортиқ бу ерда тўхташни маъқул кўрмай, одамларига Абдурахмон *Арғун*ни туяга юклаб, йўлга тушишни буюрди. Хивақнинг бир тўда пиёдалари ҳамла қилиб, Абдурахмон *Арғун*ни қайтариб олмоқчи бўлдилар. Ҳазрати хоқон ул жамоанинг бундай журъатини кўриб, шахсан ўзи улар устига от қўйди ва Абдурахмонни туяга ётқизиб йўлга тушди. Эртаси куни Абдурахмон вафот қилди. Дўстни сийловчи хоқон

¹ *Мирохўр* – саройдаги отхона бошлиғи. Мирохўрлар давлат амалдори ҳам саналганлар.

² *Чухра* – тан қуриқчи.



унинг укаси Қодирбердига акасини муносиб бир ерга элтиб дафн қилиш, аммо қабр аломатини билинтириб қўймаслигини уқтирди.

Шундан сўнг қутлуғ мавкаб Ҳазорасп томон ошиқиб, у ердан Тирсак қалъасига ўтиб кетди ва бу қўрғонни янгидан қурдириб, ўзига яқин айрим кишиларга шу ерда ватан туттирди.

ОЛИЙ МАКОНЛИ МАНСУР HOҚОН СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ ЁРДАМ ТИЛАБ ДАШТИ ҚИПЧОҚДАГИ АБУЛХАЙРХОН ОЛДИГА КЕТГАНИ БАЁНИ

Мансур хоқон яна бир неча вақт носоз турмуш билан чиқишиб, умрини Хоразм ва Бухоро сахроларида ўтказгач, кўнглига ўша даврда Дашти Қипчоқ қоони ва жаҳон хоқонларининг бошлиғи бўлиб ўтирган Абулхайрхон олдига бормоқ ва ул ҳазратдан кўмак тилаб, Хуросон мамлакатларини эгалламоқ истаги келди. Шу ниятда яқин кишилар ва хос мулозимлардан бир гуруҳи билан бирга баракатли оёғини нусрат насабли узангига тикиб йўлга тушди.

Мансур хоқон Дашти Қипчоққа яқинлашгач, Абулхайрхон зафар нишонли мавкаб келаётганидан воқиф бўлиб, Жўжи насабли шаҳзодалардан бир тўпи ва жасур нўёнлардан бир гуруҳини мақтов хислатли хоқон истиқболига юборди. Улар катта ҳурмат ва чексиз таъзим билан ул ҳашамат доираси нуқтасини кутиб олдилар ва қучоқлаб кўришиш шартларини бажариб, қутлуғ қўш учун муносиб бир уй тайин қилдилар.

Эртаси кuni шарқ подшоси, яъни қуёш зангори фалак даргоҳини ҳумоюн талъат нури билан безаган маҳалда Абулхайрхон шаҳзодалар ва нўёнлар ҳамда шарифлар ва аъёнларни хонлик тахти остига чорлаб, жаҳонбонлик ўриндигига чиқиб ўтирди. Сўнг ҳазрат мансур хоқонни кўринишхонага олиб киришларини буюрди. Хону наввоб ва нўёнларнинг мудраоси ул ҳазратни хонга таъзим қилиш учун тобуғ қилдириш эди. «Тобуғ» деб ўзбеклар тилида хонлик тахти рўпарасида туриб, бош киймини ечиб, бир қулоғини ниёзмандлик қўли билан ушлаб, худди



рукуга эгилганлар каби икки букилиб таъзим бериш ҳаракатига айтилади. Бироқ мансур хоқон бундай ҳаракатдан бош тортиб, бу борада анча гап-сўзлар ҳам бўлиб ўтди.

Ниҳоят Абулхайрхон, ул ҳазратнинг тиз чўкиб таъзим қилиш маросимини бажарса, бас, эканини айтди. Шундан сўнг мансур хоқон осмон қадарли кўринишхонага кирди. Абулхайрхоннинг кўзи мансур хоқоннинг қутлуғ чехраси ва бахтли манглайига тушиб, уларда давлат ва мақсади ҳосиллик нурларию шахриёрлик ишида мустақиллик зотини мушоҳада қилгач, мушфиқлик ва меҳрибонлик юзасидан ул жаҳонбонлик асосчисини бағрига босди ва ўзи ёнидан жой бериб кўнги сўраш ва сийлов шартларини бажо келтиргач, базм мажлисини яшашга буюрди. Фармон ижрочилари буйруққа амал қилиб, шароб, асал ва қимиз қадаҳларини айлантиришга тушдилар. Абулхайрхоннинг димоғи тотли бода оташидан қизигач, синаб кўриш мақсадида майга лим тўла қадаҳларни бирин-кетин мақтов хислатли хоқон қўлига тутқозишга киришди. Ул ҳазрат қанчалик кўп шароб ичса-да, сўзи ва феълида ҳеч бир ўзгариш кўринмади. Бу эса хон эътиқодининг кўпайишига сабаб бўлиб, зафарга ёр мансур хоқонга таҳсинлар айтди ва ул ҳазратни тўла ўтинч билан ўзига шу даража яқинроқ тортдики, мансур хоқоннинг ҳар иккала тиззаси ҳам ўзбек хонининг тўшагига тегди. Ўша пайтда Абулхайрхон фалаж касалига мубтало бўлгани сабабли саодатли темурийзоданинг тиззалари ўзининг ўриндиғига теккан заҳоти ул ҳазратга хитоб қилиб: «Илоҳий иноят сен ҳақингда келган бўлиб ва тез орада давлат тепасига чиқишинг аён бўлгани туфайли, шоядки сенинг қутлуғ қадаминг шарофатидан менинг зотимга ёпишган касаллик ҳам ариб совайиб қолсам», — деди ва ул мажлисда ҳар лаҳза кўнги сўраб, мусофирнавозлик қиларкан, бошидан қалпоғини олиб, ўтирган ерида мансур хоқонга тобуғ расмида таъзим ҳам адо этиб «мулоқот вақтида менга тобуғ қилмаганинг баробарида сенинг ҳурматинг учун бу ишга биз бел боғладик» деди. Ҳазрат хоқон хоннинг бу илтифотидан уялиб, дарҳол ўрнидан қўпди ва тобуғ расмини бажо келтирди.



Алқисса, мансур хоқон бир ҳафта мобайнида Абулхайрхон ўрдусида эъзоз ва эҳтиром билан вақт ўтказди. Абулхайрхон нусрат шиорли мавкабга қўшиб, Хуросонни эгаллаш учун жуда кўп сонли лашкар тайин қилмоқчи эди. Аммо тақдир ҳукмига кўра аини ўша вақтда хоннинг умри соатлари тутади ва кутилмаганда табиатининг ақли бадан ишларини тартибга келтиришдан калталиқ қилди. Ўзбекнинг эл ва улуси шу даража ўзини йўқотиб қўйишдики, мансур хоқоннинг бундан буюғига Дашти Қипчоқда яшаб қолиши амримаҳол бўлиб қолди. *Аллоҳнинг ўзи меҳрибондир.*

ҚУЁШ ЁҒДУЛИ БАЙРОҚНИНГ ДАШТИ ҚИПЧОҚДАН ҚАЙТИШИ ВА МУТЛАҚ ПОДШОҲ ИРОДАСИ ТУФАЙЛИ ХУРОСОННИНГ ЭГАЛЛАНИШИ БАЁНИ

Жаҳон олувчи мансур хоқон, мағрибу машриқликлар султони Абулғози Султон Ҳусайн Мирзонинг тақдирида ёзилгани ҳеч кимнинг ёрдамисиз Хуросон мамлакати салтанати тахтига чиқиш экани учун Абулхайрхон ул ҳазратга аскарӣ мадад бераман деб турган ерида вафот қилди.

Шу сабабли ул подшоҳ ўзбекнинг қаҳри қаттиқ қўшини кўмагидан умид узиб, бу сафарда фатҳу зафар янглиғ ўзига тизгиндош бўлиб борган хос мулозимлардан ўттиз нафари билан Хуросон томонга йўналди ва «бирон иш қилмоқчи бўлсангиз, Аллоҳга таваккал қилинг¹» карима калимаси тақозосича таваккал йўлини тутиб, фатҳу ғалаба қоматини кўришни жасур лашкар кўплиги ёки урушга лаёқати зўрлигидан эмас, балки фақат ҳазрат парвардигор иноятидан деб биларкан, қай бир манзилга тушса, ғайб ҳотифи ушбу садони ҳуш қулоғига етказарди.

Байт:

Қаерга юзлансанг тақдир сенга ёр,
Узангингда давлат эрур жиловдор.

Ва қай бир бекатдан қўзғалса, иқбол башоратчиси бахт фолли мавкаб истиқболига ошиқиб, ҳол тили билан шундай дерди.

¹ Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 153-оятдан.



Байт:

Қай манзилга тушса қўшинг оёғи,
Шоҳлик тахти бўлур йўлинг тупроғи.

Қаламнинг ширин сўзли тўтиси ҳол кайфиятини бу янглиф рақам қиладиким, Обивард теграси жаҳонни кезувчи мавкаб етишидан оламни айланувчи қуёш манзили рашкини келтирувчи жойга айлангач ва султони саид Султон Абусаид Мирзонинг Аррон минтақасининг Қорабоғ мавзеида мағлубиятга учрагани тилларда дoston бўлгач, мансур хоқон ҳеч қийинчиликсиз Обивардга кирди.

Ул шаҳар улуғлари ниёз ва нисор шартларини бажармоққа ошиқдилар ва подшоҳлик мавкаби эгасига тарафдору давлат-хоҳлик изҳорини қилишга оғиз жуфтладилар.

Бу хабар салтанат пойтахти Ҳиротга етишгач, шаҳар ҳокими ва доруғаси бўлиб ўтирган Амир Тожиддин Ҳасан Маликий ва Амир Бийназир қалъа дарвозаю деворларини мустаҳкамлашга киришиб, воқеани Самарқандга ёзиб юбордилар. Мирзо Султон Аҳмад ёмғир томчилари сонича сипоҳ билан мансур хоқонга қарши урушмоқ учун Жайхундан кечиб ўтди¹.

Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо ўша вақтда кишвар олувчи байроқ сояси остида тўпланган беш юз нафар жасур киши билан Обиварддан Марв томонга юрди. Амир Муборизиддин Валибекни Нишопур ва Машҳад тарафга юборди. Отаси султони саид асир тушган пайтда Қорабоғдан қочиб келган Султон Маҳмуд Мирзо Жомнинг Фароҳжардида Амир Валибекка дуч келиб, икки ўртада уруш-саваш рўй берди. Жангда шаҳзода енгилиб Ҳирот томон қочиб кетди.

Юқорида эслатганимиздек, Султон Абусаид Мирзонинг қайғули воқеаси хабари ҳиротликларга аниқ-таниқ маълум бўлгач, халқнинг кўпчилиги Ҳиротга келиб, ўзи ва ота-бобоси номига хутба ўқитган Султон Маҳмуд Мирзога эмас, балки мансур хоқонга тарафдор бўлиб, тўп-тўп умид юзини ул ҳазратнинг

¹ Эслатиш лозимки, ўша пайти Алишер Навоий ҳам шу қўшиндаги ҳомийси Самарқанд шаҳри доруғаси Амир Ҳожибек Аҳмад билан бирга Самарқанддан Хуросон ҳудудига келган эди.



олампаноҳ даргоҳига қаратдилар. Шунга кўра Султон Маҳмуд Мирзо Мовароуннаҳр томон кетишга мажбур бўлиб, йўл сари қўзгалди.

Мансур хоқон Марвдан ўтиб, Панждеҳ қасабасига етганда, Султон Маҳмуд Мирзонинг озгина лашкар ва катта хавф билан Кайҳон¹ кезар ўрдунинг ярим фарсахлик еридан ўтиб кетаётганини эшитди. Амирлардан айримлари тиз чўкиб, ул шаҳзоданинг олдини тўсиб чиқишга рухсат сўрадилар. Мансур хоқон туғма мурувват эгаси бўлгани учун бу ишга рухсат бермай, ушбуларни айтди.

Байт:

Олдини тўсайми ушбу сарсонни,
Отаси сўйилган, бахти қайтганни?!

Султон Маҳмуд Мирзо соғ-саломат Андхуд яқинида Султон Аҳмад Мирзога бориб қўшилди ва воқеани айтиб, ака-укалар келишув ва бирдамликда Хуросонни эгаллашдан воз кечдилар ва Амуя дарёсидан ўтиб, йўналиш юзини Самарқандга қаратдилар. Музаффар туғли мансур хоқон Панждеҳ қасабасидан кўчиб, бир-икки бекатни босиб ўтгач, Амир Султон Арғун бир неча кишилар билан салтанат пойтахти Ҳиротдан келиб, қутлуғ мавкабга етишди ва нусрат нишонли узангини ўпишга мушарраф бўлиб, ушбу сўзлар мазмунини арзга етказди.

Байт:

Жамшид тахти оёғинг кутмоқдадир,
Фаридун тожи бошингга мунтазир.

Сўнг зафарпаноҳ хоқон Амир Шайх Абусаидхон *Дармиёни* Ҳирот доруғаси қилиб юборди. У мазкур фохира шаҳарга киргач, халқининг молига қўл чўзган фитна ва фасод аҳлидан анчасининг боплаб таъзирини бериб, адолат ва дод сўраш палосини ёйди. Жар чақиртириб «ҳеч бир одам бирон-бир сабаб билан бўлса ҳам, ҳеч бир кимсага тегмасин» деган буйруқни халққа етказди ва ул жанобнинг инсофлиги шарофатидан ҳиротликлар бебош ва бузуқиларнинг жабру жафосидан қутулдилар.

¹ Кайҳон – коинот.



873 йил муборак рамазон ойининг саккизинчисида¹ чоршанба куни мансур хоқоннинг қутлуғ мавкаби бахту давлатга тизгиндош ҳолда узангида иқбол ва ғалаба билан Булигоҳ тоғининг шимолига етганда, бу қувонч асарли хабарни эшитган саййидлар, қозилар, улуғлар ва шариф кишилар истиқбол расми билан шошилиб кутгани чиқдилар ва турли-туман илтифот ва муруватга етишиб, тилни дуо ва саного чоғладилар. Ҳожибек тахти мавзеи қутлуғ қўшдан ўзгарувчан фалак рашкини оширувчи жойга айланди.

Мазкур ойнинг тўққизинчисида² пайшанба куни Амир Муборизиддин Валибек муқаддас Машҳад томондан келди ва қутлуғ палосни ўпиш бахтига мушарраф бўлди.

Жума куни ойнинг ўнинчисида³ Ҳиротнинг жоме масжидида хутба мақсади ҳосил мансур хоқон исми ва ота-боболари номи билан безаниб, сочқи расми билан кўп олтин тангалар сочдилар. Ул табаррук ибодатгоҳ ичини табрик ва қутлов садолари чулғаб олиб, шоду хуррамлик товушлари фалакнинг тўққиз пояли минбари хатибининг⁴ ҳуш қулоғигача бориб етди.

УЛ САЛТАНАТ ОСМОНИ ЛОЧИННИНГ ЮРТГА ЕТИШИБ, БОҒИ ЗОҒОНГА САРАФРОЗЛИК БАҒИШЛАШИ ҲАМДА АДОЛАТ ВА БАНДАЛАРНИ СИЙЛАШ ҚАНОТИНИ ХУРОСОН ЎЛКАЛАРИ АҲОЛИСИ УЗРА ЁЙИШИ БАЁНИ

Султон Абусаид Мирзо Гурагоннинг иши Қорабоғда бир ёқли бўлган пайтда ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Гурагоннинг сулоласида олий маконли юрт олувчи Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхондан ўзга подшоҳликка яроқли киши йўқ эди. Аллоҳи таолои эгам мўъжиз безакли «осмонлар ва ернинг калитлари

¹ 873 йил саккизинчи рамазон – 1469 йил 22 март.

² Мазкур ойнинг тўққизинчиси – 1469 йил 23 март кўзда тутилмоқда.

³ Жума куни ойнинг ўнинчиси – 1469 йил 24 март.

⁴ Ой қурраси кўзда тутилмоқда.





Унинг қўлидадир»¹ каломи бўйича Хуросон вилояти салтанатини «Аллоҳ мулк эгасидир, уни истаган кишисига берур»² каримасига биноан ул қудратли подшоҳнинг иқтидор қўлига топширди.

Мансур хоқон 873 йил рамазон ойининг ўнинчисида³ жума куни Ҳожибек тахти мавзеидан Боғи Зоғонга ташриф буюриб, подшоҳлик тахтига чиқди. Мағфиратпаноҳли саид хоқон Шохрух Мирзонинг тахтгоҳи ул олий мартабали подшоҳ қадами шарофатидан ой ва қуёшнинг феруза рангли тахти рашкини оширди. Тўртинчи иқлим пойтахти ул Искандар дастгоҳли султон адолатидан ободонликда еттинчи фалақдан ошди.

Ул ҳазрат ҳашамат ва комронлик ўриндигига суяниб, бақувват дил ва эзгу умидлар билан юзни жаҳонбонлик ишларини ўнгламоққа қаратди: меҳрибонлик ва мурувват нурларини узоқ-яқиндаги барча аҳоли ишларига тартиб бермоқ сари сочиб, марҳамат ва эҳсон қанотини инсон тоифалари боши узра ёйди.

Саййидлар, қозилар, фозиллар, ўқитувчилар ва муфтилар ҳаққида чексиз мурувватлар кўргазишга тиришди. Музаффар туғли мансур хоқоннинг доим пайғамбар авлодларига ихлос ва эътиқоди ўта кучли равишда бўлиб, «эй пайғамбар хонадони аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди»⁴ каломини қаттиқ ушлаганча, уларга муҳаббат ва меҳрини юрагига нақшлаган эди.

Хуросон салтанати тахтига чиққан ва ул ҳазратнинг динпарварлик нурлари шуъласи ул мамлакат ён-атрофи бўйлаб ёйилган пайтда шариат безовчи ақли хутба ва тангани маъсум имомлар исмлари ва алар аждоди номи билан зийнатлашни истади.

Бу мақтовли қарор хабари жаҳон атрофи бўйлаб ёйилиб, хошимий пайғамбарининг қоидаларини янгиламоқ овозасини кайвон айвонидан оширди.

Аммо ўша даврда пойтахт Ҳиротда ўта даражада эътиборли ва қудратли бўлмиш ҳанафий мазҳабининг вакиллари

¹ Қуръони карим, Зумар (39) сураси, 63-оят.

² Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 25-оятдан.

³ 873 йил ўнинчи рамазон — 1469 йил 24 март.

⁴ Қуръони карим, Аҳзоб (33) сураси, 33-оятдан.





бир гуруҳи салтанат тахти пойига бориб, аҳли суннат расм-русумларини устун тутиш борасида сўзлар айтиб, хутбани ўзгартириш фикридан қайтаришга эришдилар. Ўша вақт бул жамоа илтимосини қабул қилиб, фитр ҳайити куни¹ хатиб хутбани таомил бўйича ўқиди.

Ўша пайтда яхши хислатли подшоҳнинг ойдин кўнглига Султон Абусаид Мирзонинг қизи — салтанат тожининг дури Шаҳрбону бегимга уйланиш фикри келди ва ақд-никоҳ маросимининг шариф йиғинини саййидлар, қозилар, уламо ва ашроф вужуди билан безаб, ул ҳаёлик паноҳини ойдин шариат қонуни бўйича ўз никоҳига киритди. Ўйин-кулги ва қувонч бурчаги зийнат топиб, жаҳонни кўрган фалак ўз чўнтак ва этагида парваришлаган ялтироқ жавҳарлар тизимини ниёз суратида сочқи қилди.

Тўлин ойнинг кумуш баданли келини феруза рангли фалак хонасида нурли юзидан ниқобни олган вақтда олийжаноб шоҳ офтобдек юзи билан ифбат бонуси ҳужрасига кириб, мақсади ҳосилик буржи бўлмиш Биржис² донгдорлик авжи бўлган Ноҳид билан яқинлашди.

Аммо тақдир тақозоси билан аълоҳазрат ва маҳди улё ўртасида улфатчилик ва дўстлик туйғулари юзага чиқмади. Бир неча вақтдан сўнг олий мартабали хоқон уни талоқ қилиб Самарқандга узатди. Сўнг унинг синглиси Поянда Султонбегимни ўз никоҳига киритди. Икки ўртада муҳаббат ва севги ҳислари рўй берди.

Ўша айёмда осмон ғуломли подшоҳнинг интизор кўзи мурод ва истакнинг бокира келинчагини кўриш билан равшан тортаркан, шу муносабат билан кейинчалик «Жаҳоноро» номи ила аталган мурод боғи қурилишига фармон берди. Моҳир меъмор ва билимдон муҳандислар тўрт юз қирқ жариблик³ бир кенг боғ ва жуда гўзал баланд бир қаср лойиҳасини ишлаб, бинокор

¹ 1469 йил 14 апрель.

² *Биржис* — Юпитер сайёраси, Шарқда Муштарий деб ҳам аталиб, бахт (Саъди акбар) ва гўзаллик сайёраси ўрнида талқин этилади.

³ *Жариб* — минг метр квадрат ер майдони.





усталар ва бақувват ишчилар ишни бошлаб юбордилар. Барчаси бир тан, бир жон бўлиб латифлик ва гўзаллик, пишиқлик ва мустаҳкамлик, покизалиқда тенгсиз ул жаннатсифат бўстонни қуриб битказишда ўта даражадаги ҳаракатларни адо этдилар. Озгина вақт ичида жаҳонни безовчи «Боғи Жаҳоноро» қутлуғ подшоҳни қабул қилиш даражасига етиб, юрт олувчи подшоҳ «Боғи Зоғон»дан ўша ерга кўчиб ўтди.

Кейинги умри давомида ҳам ул қувонч бағишловчи гулшанни кўркам тарзда обод ва чиройли қилиш учун тиришиб, куч ва маблағини аямади. Шу туфайли бу боғнинг дил очар фазоси беҳишт майдони каби гул ва райҳонларга тўлди, руҳ тетиклигини оширувчи ҳавоси қайғули дилларга севинч келтирувчи жаннат эпкинни сингари бўлди. Тозаю саранжом-сарипшталигидан фалак кўкаламзори уялар, майин зилол сувини кўрган жаннатдаги мангулик булоғининг пешонасини хижолат тери босарди. Дилга ўрнашар иморати кунгураси афсонавий Хаварнақ саройи ва Садбар қасрини¹ масхара қилиш учун тилини чиқарарди. Нуқсону қусурдан холи қасрлари айланувчи осмоннинг етти қаватли гунбазидан баландлик тўпини олиб қочарди.

**АМИРЛАР ВА ВАЗИРУ СУДУРДАН БИР
ГУРУҲИНИНГ МАНСУР ХОҚОН ҲУЗУРИ
САОДАТИГА ЭРИШГАНИ ЗИКРИ ҲАМДА
УЛУҒ ИШЛАР ВА ЎТА МУҲИМ
ЮМУШЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИНГ
БУТЛАНГАНИ БАЁНИ**

Шунингдек, салтанат пойтахти Ҳирот мансур хоқоннинг қутлуғ қадами шарофатидан фалак устахонаси рашкини келтирувчи жойга айланган ўша пайтларда соҳиби ҳашамат, сойби тадбир амир, ёруғ қалбли улуғ фозилларнинг мурожаат этадиган

¹ Хаварнақ саройи ва Садбар қасри – Эроннинг сосонийлар сулоласи шоҳларидан Хусрав Ануширвон (531 – 579) Куфа шаҳри яқинида қурдирган муҳташам Хаварнақ саройи ҳамда Садбар қасри кўзда тутилмоқда.





гамхўр кишиси Низом уд-давлата вад-дин Амир Алишер Султон Аҳмад Мирзо ўрдусидан ажралиб, аълоҳазрат ҳузурига келди ва турли-туман лутфу меҳрибонлик билан сарафроз бўлиб, жаҳонпаноҳ даргоҳ ичкилари қаторидан жой олди.

Бу воқеанинг қисқача баёни шуки, кўёш ҳашаматли бу амирнинг мукаррам ота-боболари қадим замонлардан бери Умаршайх Мирзо Баҳодир бин Амир Темур Гурагон хонадонининг ичкилари тизимида жой олиб, кўкалтошлик хизмати нақшини эътибор қалами билан кўрар кўзли кўнгиллари саҳифасига битиб келганлар.

Ул жаноб гўдаклик айёмида ва болалик даврони бошида ҳамиша музаффар тўғли мансур хоқон ёнида бўлганлар. Мансур хоқон Абулқосим Бобур Мирзо билан ўтириб-туришган даврларда Амир Алишер ҳам ул олий мартабали подшоҳ хизматига кирди.

Абулқосим Бобур Мирзо вафот этгач ва мансур хоқон муқаддас Машҳаддан Марвга ошиққан вақтда тўғри кўнгилли Амир Алишер Машҳад шаҳарида сокин туриб, фазлу илмларни эгаллаш билан машғул бўлди.

Султон Абусаид Мирзо давлати замонида салтанат пойтахти Ҳиротга бориб, бир неча кунни иқбол ошиёнли даргоҳ хизматида ўтказди. Аммо ўз хизмат ва истеъдодига яраша қадрланмади.

Шунга кўра Хуросондан Самарқандга кетиб, Хожа Жалалиддин Фазлуллоҳ Абуллайсий хонақоҳида сокин бўлди. Кўп вақтини илм ўрганиш ва китоб ўқишга сарфлаб, гоҳида Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Мовароуннаҳрни бошқаришда ихтиёр эгаси бўлмиш Амир Аҳмад Ҳожи билан ўтириб-туришарди.

Султон Аҳмад Мирзо мансур хоқоннинг Хуросон томон йўналгани сабабли Амуя дарёсидан кечиб ўтган айёмда Амир Алишер ҳам ўрдуга қўшилиб ўша ёққа кетди.

Султон Абусаид Мирзо фожиаси маълум бўлгач ва музаффар тўғли мансур хоқон Ҳирот шаҳрини истило қилгач, Амир Аҳмад Ҳожидан рухсат олиб, Ҳиротга юзланди ва ажибким, рўза ҳайити куни¹ мансур хоқоннинг мулоқоти саодатини топди. Яъни, бир неча муддатлар нисбий фароват кўргач, кўзи хоқоннинг нурга

¹ 1469 йил 14 апрель.





тўла чинакам жамолидан ойдин бўлиб, чексиз илтифот ва иноятга эришди.

Байрам куни кўнгли хазинасининг натижаси сифатида ҳар бир байти обдор гавҳар рашкини келтирувчи ва шоҳвор жавҳар ҳасадини кўзғовчи «Ҳилолия» қасидасини мансур хоқоннинг қутлуғ базми учун тортиқ қилди. Бу иш адолат асосли хоқоннинг амирга нисбатан эътиқоди ортишига боис бўлди ва кундан-кун фазилат шиорли амирнинг эътибор ва қудрати ул мақсади ҳосил подшоҳ хизматида ортиб борди.

Иш шу даражага бориб етдики, давлатнинг узоқ ва яқиндаги барча катта юмушларини битказиш ул амирнинг тўғрилиқни кўрсатувчи ақли ихтиёрига топширилди. Худои таоло хоҳласа, келгуси ҳикоялар асносида буларнинг барига ойдинлик киритиб ўтилади.

Мансур хоқоннинг тахтга чиқиш айёми бошларида Амир Саййид Мурод ҳамда Султон Абусаид Мирзо давлатининг эътиборли кишиларидан бўлган Ўғлоқчи бир тўда қариндош яқинлари билан ҳамда мавлоно Қудбиддин ал-Хофий, Хожа Қутбиддин Товус Семноний, Хожа Сайфиддин Музаффар Шабонкора Ироқ ва Озарбайжон томондан олий мартабали хоқон даргоҳига келдилар. Амир Саййид Мурод амирлик мансабига мушарраф бўлиб, Хожа Қутбиддин Товус қутлуғ девонлик мартабасига эришди. Мавлоно Қутбиддин Хофий садрлик вазифасига тайинланди. Вазирлик ишлари хожа Сайфиддин Музаффар Шабонкора зиммасига юкланди.

Шу воқеалар бўлиб турган вақтда хоқони мансурнинг синглизидан туғилган Кичик Мирзо лақаби билан танилган жияни амирзода Муҳаммад Султон онаси ва отаси Султон Аҳмад Мирзо бин Сайди Аҳмад Мирзо бин Мироншоҳ Мирзо бин Амир Темур Гурагон билан бирга Қорабоғ тарафидан пойтахт Ҳиротга келишди. Хоқони мансур уларни марҳамат ва мушфиқлик назари билан манзур тутиб, Кичик Мирзони ноқора, туғ ва хизматчилар инояти билан эъзоз ва эҳтиромга етказиб, мулку мол ишларининг ихтиёр жоловини унинг қудрат қўлига бериб, қўлдан келгунча яхшилик қилишга киришди.





Ўша вақтда Сейистон волийси Шоҳ Яҳё ва Амир Ҳасан Шайх Темур олампаҳоқ даргоҳга келиб, меҳрибонлик ва марҳаматга эришдилар.

Айни ўша пайтларда Амир Зайнобиддин *Арлот* яхши сифатли хоқон хизматига келиб, мансур хоқон унга Балх ва Шибирғон шаҳарларини эгаллаш вазифасини топширди. Зайнобиддин ўз амакиси Амир Пирмуҳаммад бин Амир Ёдгоршоҳ *Арлот* билан биргаликда ўша ёққа отланиб, улар билан Султон Маҳмуд Мирзо томонидан мазкур ерларда ҳокимлик қилиб турган Ёр Али Мўғул ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Ёр Али Мўғул тўқнашувда асир олиниб, Амир Зайнобиддин ул шаҳарларни ишғол қилди.

Ёр Али Мўғулни кишанлаб, шаҳарга юборди. Ҳазрат хоқоннинг сиёсат посбони эса уни қатлга етказди.

Ўша чоғларда осмон ғулумли мансур хоқон Амир Шайх Зоҳид Торамийнинг Астробод вилояти бошқаруви мансаби билан бошини баланд қилди ва ул жаноб ўша томонга бориб, Султон Абусаиднинг катта акаси Манучеҳр Мирзонинг Қорабоғ воқеасидан кейин Сори туманига келиб, шавкат туғини юқори кўтариб ўтирганини эшитди. Амир Шайх Зоҳид Торамий унинг кўнглидаги ушалмас орзусини саробга айлантириш учун тўсатдан Манучеҳр Мирзонинг устига бостириб борди ва вужуди тахтини ҳаёт ҳокимидан тортиб олди.

Аллоҳи таолонинг ёрқин «Аллоҳнинг суннат-анъанасини ҳеч қачон ўзгартира олмассиз»¹ анъанаси бўйича қачон давлат ва иқбол тонги орзу ва умид уфқидан балқиб чиқса ва мартабау мансаб қуёши ўхшаши йўқ жамол билан оламни безаса, унинг кетидан меҳнат заҳматли шом ҳам келади ва зулматли тун ўзини кўрсатади.

Яхши хислатли хоқон Абулғози Султон Ҳусайн Мирзонинг салтанат ва истиқлол нурлари Хуросон минтақаси вилоятларини мунаввар қилиб турган вақтда, ул ҳазратнинг юрт олувчи байроғи ойчаси ҳашамат соясини ул ўлкалар аҳолиси боши узра ташлаган пайтда подшоҳнинг онаси маҳди улё Ферузабегим 874

¹ Қуръони карим, Ахзоб (33) сураси, 62-оят.



йил ўн тўртинчи муҳаррамада¹ оламдан ўтди ва юксак жаннатда ҳурлар гуруҳи билан ўтириб-турувчи бўлди.

Мансур хоқон аза ва мотам маросимларини бажаришга киришди ва бир неча кун давомида хатми Қуръон туширтириб, халққа ошу таом бериш билан машғул бўлди. Марҳума маҳди улё Ферузабегим қабри учун Хиёбон кўчасида жуда катта ва безакли ҳазира қурдирди. Ҳозирги кунларимизгача ул жаннатдан дарак берувчи гулистон обод ҳолда бўлиб, узоқ-яқиндаги аҳолининг зиёратгоҳи саналади.

ЁДГОР МУҲАММАД МИРЗОНИНГ ХУРОСОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ЭГАЛЛАШ МАҚСАДИДА ОЗАРБАЙЖОНДАН ЙЎЛГА ТУШГАНИ БАЁНИ

Жаҳоншоҳ Туркман Мирзо Султон Абусаид Мирзо Гурагон билан ярашиб, Хуросондан Озарбайжон томонга қайтиб кетган вақтда Ёдгор Муҳаммад Мирзо бин Султон Муҳаммад Мирзо бин Мирзо Бойсунқур бин Мирзо Шоҳрух бин Амир Темурагон ўз аммаси, яъни ўқимишли ва оқила малика ҳамда инисининг ўғли бўлмиш ўзига ғамхўрликлар кўрсатиш бобида кўп саъй-ҳаракатлар қилаётган Поянда Султонбегимнинг кўрсатмасига биноан қорақўюнли Жаҳоншоҳ Туркман Мирзо хизматини ихтиёр қилиб, бир неча вақт унинг ғалаба аломатли туғи остида жуда фаровонлик ва тинчликда умр кечирди.

Жаҳоншоҳ, ўлдирилгач, оққўюнли Абунаسر Амир Ҳасанбек ҳам Ёдгор Муҳаммад Мирзога олдингидан ҳам кўпроқ эҳтиром ва таъзим кўрсатди.

Амир Ҳасанбек Султон Абусаид Мирзони ўлдириб, кўнгли бу ташвишдан тинчигач, Хуросон амирларидан бир нечтасини катта қўшин билан шаҳзода Ёдгорга қўшиб, меросий мамлакатларини эгаллашга ундади. Ёдгор Муҳаммад Мирзо ўта ғурурланиш билан жаҳонгирлик байроғини ҳилпиратиб, дастлаб Жур-

¹ 874 йил ўн тўртинчи муҳаррам — 1469 йил 24 июль.



жонга¹ ошиқди. Амир Шайх Зоҳид Торамий унинг лашкари савлатидан қўрқиб қочди.

Бу хабар мансур хоқон Абулғози Султон Ҳусайн Мирзога етгач, Амир Носириддин Абдулхолиқ бин Амир Низомиддин Аҳмад бин Амир Ферузшоҳ, Амир Муборизиддин Валибекни илғор расми билан шижоатли аскарлардан бир тўпи ҳамроҳлигида душман келаётган томон жўнатди. Улар Нишопурдан Самалқонга бориб, бир неча кун ўша ерда ётдилар.

Мансур хоқон Мирзо Кичикни улар кетидан юбориб, бу шахзода Самалқонда илғор қисм амирларига қўшилди. Сўнг биргаликда Астробод довони оғзидан чиққан Ёдгор Мирзо томон юриб кетдилар. Шўроб манзилига етгач, аъло тахт пойидан уларга юборилган фармон талабига биноан жиловни уруш майдонидан қантариб, баландлик ва мустаҳкамликда зангори фалакнинг рашкини ва Искандар тўғонининг ҳавасини келтирадиган Хурус Яйлоғи тоғида беркидилар.

Мирзо Ёдгор Муҳаммад ул осмон шавкатли тоғ этагига бориб қараса, хаёл арқони ҳам уни эгаллаш кунгурасига ета оладиган эмас. Сабр этагини ёйиб, ой тезликли отини Исфароин тарафга ҳайдади.

У томондан юдуз мавкабли мансур хоқон 874 йил тўртинчи рабиулаввалда² пойтахт Ҳиротдан зафар аломатли байроқни кўтариб чиқиб, муқаддас Машҳадга бориб қўш ташлади ва имом Али бин Мусо ар-Ризо алайҳиссаломнинг атр сочувчи жаннатга менгзар қабрини тавоф қилиб, ул табурук бўсағанинг ходим ва мужовирларига садақаю инъомлар улашди.

Кичик Мирзо ва илғор амирлари нусрат шиорли мавкабнинг яқинлашиб қолганини эшитишгач, Хурус Яйлоғи тоғидан пастга тушиб, Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг орқасидан йўлга тушдилар.

Мансур хоқон Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг Исфароин шаҳрига кирганидан хабар топиб, уруш майдонига кирмоққа жазм қилди ва Родгон сайҳонлигидан ўтиб, Хабушон ва Ёлғизёғоч сайҳонлигидан Хабушон ва Исфароин орасида жойлашган

¹ Журжон — Гургон.

² 874 йил тўртинчи рабиулаввал — 1469 йил 11 сентябрь.





Шаъбқуҳ тоғига кирди. Кичик Мирзо ва илғор амирлари ўша манзилда нусрат асарли ўрдуга қўшилдилар ва Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг Озарбайжон сипоҳи билан қаергача келгани хабарини етказдилар.

Мансур хоқон бу ярамас душман борасидаги гапларни эшитгач, Саййид Мурод Ўғлоқчи ва Мир Али Мирохўр, Шайхим Эл ўғлини мингта жасур отлиққа бош қилиб, манглай расми билан олдинроқ юбориб, ўша кечаси уруш-саваш асбобларини тайёрлаш ва ханжар санчар муборизларни ёрдамга чақиртириш билан машғул бўлди.

Илғор қисм амирлари Амир Али Жалойирга дуч келиб қолиб, икки ўртада жанг бўлиб ўтди. Амир Али Жалойир ғолиб келиб, Амир Саййид Мурод ҳалок бўлди. Қолганлар эса қутлуғ ўрду сари қочиб кетдилар.



МАНСУР ХОҚОННИНГ ЧИНОРОН МАНЗИЛИДА ЁДГОР МУҲАММАД МИРЗО БИЛАН УРУШГАНИ ЗИКРИ



Эртаси куни феруза тахтли подшоҳ (қуёш) ҳарбу жанг учун чарақлаган байроғини зангори осмон фазоси узра кўтарган тонг маҳали ва оламни айланувчи қилич шуъласидан юдузлар лашкарларини қочириб, фатҳу ферузлик овозасини ер юзига ёйган субҳидам чоғи зафар байроқли мансур хоқон Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо қаршилиқ йўлининг йўловчилари билан тўқнашиш ва уруш қилиш қарори билан эғнига темир совут кийди ва отига миниб музаффар сипоҳни тартибга келтирди. Маймана қисм сардорлигини Амир Муборизиддин Валибекка топширди. Майсара қисмга бошчилик қилиш ишини Кичик Мирзо ва Амир Абдухолиқнинг қудратли қўлига тутқазди. Амир Ҳасан Шайх Темур, Амир Мўғул, Амир Шайх Абусаидхон Дармиённи ҳировулга қўйди. Ўзи эса лашкарнинг қалбида турди.

Сипоҳилар ясови ясалганини кўрган ўткир чангалли Баҳром сайёраси само авжида уларнинг қон ичар пайкони қўрқинчидан





куёшнинг заррин қалқонини боши узра тутди, тез юрар денгиз наҳанги уларнинг жон олувчи найзаси хавфидан совут кийди.

У томондан Абулмузаффар Мирзо Ёдгор Муҳаммад қора тусли жанг оти шабдизни паҳлавонлик пошнаси билан ниқтаб, уруш майдони сари юрди ва юзини лашкарни ҳозирлашга қаратиб, ўзи фул қисмда манзил тутди. Амир Али *Жалойир*ни баронфорда қўйди, Амир Аҳмад Али Форсий *Барлос* ва Амир Султон Ҳасан Арҳангийни жавонфорга юборди. Айюб ва Шайхи *Жалойир* ва Муҳаммад Кўкалтошни ҳировул қилиб, қўшин сони кўплиги ва душман адади чексизлигига мағрур бўлиб такаббурлик байроғини кўтарди. Ҳақиқатан ҳам ўша куни шаҳзоданинг оламни куйдирувчи сипоҳи кўкликда дарахтлар япроқларидан зиёда ва кучқувватда ҳам Рустам ва Исфандиёрдан қолишмас эдилар.

Ул икки жасур ва шижоатли подшоҳлар лашкари сафи ясалгач, бир-бири рўпарасидан жой олишди ва сурон кўтариб уруш оловини ёқишга фармон бердилар.

Султон Ҳусайн Мирзо жаҳонтоб офтобга ўхшаб зарҳал қилични қинидан суғурди ва қон ютар Баҳромдек қасос мақомида қаттиқ қадам ташлади.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо дилтикар пайконга қаҳр захрини суртди ва тўрт парли ўқ таёғини каёний камон ипига жойлади. Карнай ва ноғора фигони осмон кузатувчилари қулоғига етди. Отлар туёғининг чанги сурма ниқобини оламтоб офтоб юзига ёпди. Ҳарб учқуни фано ўтини жонлар хирмонига қарата отди. Ҳамла шамоли бақо ниҳолини вужуд боғидан қўпорди.

Ўша аснода мансур хоқоннинг қўшини баронфоридаги Амир Муборизиддин Валибек бир ҳамла билан душманлар жавонфорини тор-мор қилди. Амир Ҳасан Шайх Темур чап қўлдан майдон сари от қўйиб, мухолифлардан бир тўдаси ҳаёти биносини қулатди. Ёдгор Муҳаммад Мирзо ул қаҳрамонлик тўқайи арслони, яъни Ҳасан Шайх Темурни жавонфорда кўрмагани учун ўша тарафга ҳамла қилиб, ўз қудратини намойиш қилиб зафарли ясол орқасига ўтиб олди.

Рустам хислатли хоқон бу ҳолни кўриб, қутлуғ мавкаб баҳодирларига ўша томонни ёшасига ўққа тутиш борасида буйруқ





берди ва қон ичар бургутлар шу заҳоти камол ошиёнасидан парвозга киришиб, душмандан биттасини эгардан ер тубан қулатдилар.

Аммо ўлим асарли ўқлар ёмғирининг кўп бўлишига қарамай, *туркман* қўшинидан бир тўдаси кетма-кет ҳамлалар билан ўзларини зафар асарли мавкаб яқинига етказдилар ва қўлни қиличу найза ишлатиш сари чўзиб, уруш-саваш оловини аланга олдирдилар.

Ўша маҳалда довюрак хоқон қувват ва қудратга тўла ҳолда душманлар устига от солди ва қиёматдек қўрқинчли ҳамла ели билан улар йиғини ва чидами устунларини ларзага солиб, ҳаммасини тумтарақай қилиб қочириб юборди.

Туркманларнинг чидам ва қудратда ўзини Рустами Достондан устун билиб ҳамда журъат ва жасурликда темир танли Исфандиёрни ўзининг хизматкори деб ўйлаб юрган шижоат аҳли шамол эсишига тоб бера олмайдиган заиф танли пашша каби ва офтоб нурлари шуъласига чидам бера олмай, беркиниб оладиган юлдузлар сипоҳи сингари шижоат паноҳли подшоҳ қаҳри ели эсишидан ва нусрат дастгоҳли хоқоннинг қилич ва найзалари ялтирашидан йўналиш юзини қочиш водийси сари қаратдилар.

Илоҳий тақдир хушxabарчилари ва шаҳаншоҳнинг тақдирини ўнгловчи осмоний кучлар фатҳу галабанинг руҳни тетиклантйрувчи овозаси, зафар ва яхши кунларнинг дил очар муждаси садосини янгрatдилар.

Мансур хоқон қочганларни қувлаб кетди. Улардан бир тўдаси нусрат нишонли мавкаб баҳодирлари қиличи зарбидан қатлга етдилар. Бир бўлаги эса мансур хоқоннинг эгаллаш қўли ва қудрат панжасига асир тушдилар. Баҳлул Кошоний, Шайх Саид Тўғоний, Муҳаммад Кўкалтош, Амир Айюб, Амир Аҳмад Али Форсий, Султон Ҳасан Арҳангий ўша асир тушганлар жумласидан эдилар. Амир Айюб, Амир Аҳмад, Султон Ҳасан салтанат ошиёнли даргоҳ хосларининг ўртага тушиши орқасида нажот топиб, номи тилга олинганларнинг барча қолганлари йўқлик биёбони сари йўл олдилар.

Мансур хоқон фатҳу зафарга эришгач ва Аллоҳи таолога шукру ҳамд шартларини бажо келтиргач Амир Ҳасан Шайхни Астробод





вилояти бошқарувига юборди. Ўзи эса йўналиш жilовини давлати қароргоҳига буриб, ул катта масофани шошилич равишда жуда тезлик билан босиб ўтди. Яъни, муқаддас Машҳаддан Ҳиротгача йўлни уч кун ичида босиб ўтиб, Ҳожибек тахтига келиб тушди. Кутиб ўтирган халқнинг кўзи осмон мартаба мавкаб чангидан ёруғлик топиб, Худои таолога чексиз шукрлар қилдилар ва назру садақа бермоқ пайидан бўлдилар. Олий мақомли хоқон ўша қишда қишлоғни Боғи Сафидда ўтказди ва ўз меҳрибонлик соясини Хуросон ўлкаси халқлари боши узра солди.

**ЖАҲОНШОҲ ТУРКМАН МИРЗО
АМИРЛАРИДАН БАЪЗИСИНИНГ
ЖАҲОННИНГ ХАЛОЙИҚҚА ПАНОҲ
ХОҚОНИ ДАРГОҲИГА ЕТИШГАНИ ВА
ЁДГОР МУҲАММАД МИРЗО ДАВЛАТИ
БАЙРОҒИНИНГ ОЗАРБАЙЖОН ВА ИРОҚИ
АЖАМ ПОДШОҲИ ЁРДАМИ БИЛАН ЮҚОРИ
КЎТАРИЛГАНИ ЗИКРИ**



Довюрак хоқон Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодир Боғи Сафидда айшу ишрат палосини ёйиб, қадаҳлардан бода симирганича уруш шиддатлари ғуборию йўлиққан хавф-хатар чангини аритиб ўтирган ўша қишлоғда Ёр Али Туркман, Байрам ва Муҳаммад Али Шакарнинг Озарбайжондаги улуғ амирларидан саналмиш ўғиллари минг нафар шижоатли кишилар билан бирга Иброҳим Мирзо бин Муҳаммадий Мирзо бин Жаҳоншоҳ Туркман Мирзо иттифоқлигида Амир Ҳасанбекдан юз ўгириб, жўналиш жilовини Хуросон сари бурдилар ва хоқонликнинг осмон асосли саройига етиб, султонлик сийловларига эришдилар.

874 йил саккизинчи ражабда¹ Амир Ҳасанбек оққўюнлининг яқинларидан саналмиш Қози Али элчилик расми билан ташриф буюриб, ул олий шаънли подшоҳ тилидан олий маконли хоқоннинг шариф қулоғига қуйидаги арзни етказди: «Ҳами-

¹ 874 йил саккизинчи ражаб – 1470 йил 11 январь.





ша муаззам ота-бобонгиз билан бизнинг аждодимиз орасида дўстлик пойдевори ва муҳаббат биноси мустаҳкам қурилган бўлиб, яхши алоқалар давом этиб келган. Аллоҳи таоло инояти бизга Мирзо Жаҳоншоҳни йўқ қилмоқни муяссар этгач, Султон Абусаид Мирзо ота-боболарининг мақтовли анъанаси йўлидан ташқари қадам босиб, Озарбайжон устига қўшин тортиб келди. Биз томонимиздан уларга нисбатан ўта камтарлик ва ўтинч туйғулари изҳори амалга ошгани билан ишлар ўнганмади. Оқибатда қасос жаббори унинг учун аталган ғайб пардаси ортидаги яширин суратни юзага чиқарди. Эндиликда муддао шуки, меросий алоқаларга риоя қилинса ва биздан юз ўгириб, аммо ул даргоҳга паноҳ тилаб борган *қорақўюнли туркманлари* жамоасини бу томонга қайтариб юборсалар».

Мансур хоқон Қози Алини кўп сийловларга эриштириб, бир неча кун кетишига рухсат бермай ёнида ушлаб турди. Жаҳоншоҳ Мирзо *қорақўюнли* амирларини эса Амир Ҳасанбек *оққўюнли* олдига юборишни мурувват қоидасидан ташқари санаб ва инсофсизлик ўрнида билиб, ул талаб сўзлари жавобида Амир Ҳасанбек ҳузурига бир элчи жўнатди.

Ўша қишда Амир Мўғул Балх шахрини бошқариш мансаби билан сарафроз бўлиб ўша мамлакатга кетди. Шоҳ Яҳё Сейстон ҳокимлигига тайинланди. Қаҳдистон ҳукумати жилови Амир Шайх Зоҳид Торамийнинг ихтиёр қўлига топширилди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо Чинорон жангида омон қолиб, Домғон ва Семнон ҳудудига етгач, бўлиб ўтган воқеани Амир Ҳасанбекка ёзиб юбориб, ёрдам сўради. Амир Ҳасанбек *оққўюнли* бу шахзодага кўмак беришдан тоймай, ўз қариндошлари Амир Юсуфбек ва Амир Ҳусайнбекни Амир Шоҳмансур бин Амир Шоҳсувор Қаромонлу билан бирга бошдан-оёқ қуролланган икки минг нафар жангчи ҳамроҳлигида Ёдгор Муҳаммад Мирзога ёрдам учун тайинлади. Шу зайл шахзода Ёдгор Мирзо уруш-савашга тайёр бўлиб, яна орқага қайтди ва Хуросон вилоятларига келиб, зулм ва зўравонликни бошлаб юборди.

Ўша вақтларда Қоин вилоятининг ўз қариндошлари билан чиқиша олмай қолган бир гуруҳ катталари Кермонга бош олиб





кетдилар ва амирзода Зайналбек бин Амир Ҳасанбек оққўюли билан учрашиб, Қахдистонни босиб олиш мажбуриятини бўйнига олдилар. Шаҳзода уларга минг нафар отлич аскар қўшиб ўша томонга юборди. Улар қутилмаганда Амир Шайх Зоҳид Торамий устига бостириб бориб, ҳаёти биносини қулатдилар.

Бу каби хабарлар пойтахт Ҳиротга етиб келиб, Амир Айюб, Шайхий *Жалойир*, Неъмат Хоразмийга ўхшаш баъзи калтафаҳмлар адолат мазҳабли хоқондан юз ўғирдилар ва Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг ўрдуси тарафга қочиб кетдилар.

Мансур хоқон эса бу жамоанинг қочиб кетганига унчалик эътибор ҳам бермади ва Амир Абдухолиқ Ферузшоҳ, Байрам Туркман ва Ёр Али Туркманни лашкар аҳлидан анча қисми билан илғор йўсинида душман олдига юборди.

Улар муқаддас Машҳадга етгач, Ёдгор Муҳаммад Мирзо қўшинидан Нишопурда зўравонлик ва босқинчилик билан машғул бўлиб юрган кишилар қочиб, Исфароинда шаҳзоданинг қароргоҳига бориб қўшилдилар.

Илғор қисм амирлари Родгон сайҳонлигига бориб истиқомат чодир ва ётиш ўтовларини тикладилар. Ёдгор Муҳаммад Мирзо Сабзаворга келиб, ул шаҳарни ўз тасарруфи доирасига киритди. Бу хабар ғубори олий мартабали хоқоннинг қалбига келиб ўрнашгач, кундан-кун тараққий топаётган давлатнинг душманларини шахсан ўзи йўқ қилишга чиқмаса бўлмаслиги ва шусиз кўнгилдаги муродларнинг юз кўрсатмаслигини билди.

Шунга кўра, рамазон ойининг бошида¹ катта қўшин билан фоҳира Ҳирот шаҳридан қўзғалди ва Родгон сайҳонлигида илғор қисм амирларини ўзига қўшиб олиб Сабзавор томонга юрди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо бу хабарни эшитгач, Сабзаворни ўзининг бошқа хос кишиларига қараганда кўпроқ ишонадиган маҳрами Қозибекка топширди ва йўналиш юзини Бастом ва Домғон тарафга қаратди.

Сабзавор ташқариси мансур хоқоннинг юрт олувчи байроғи ўрнатилган жойга айлангач, зафарга ёр аскарлар озгина фурсат ичида ул шаҳарни ишғол этдилар ва Қозибекни етмиш нафар то-

¹ 874 йил рамазон ойи боши — 1470 йил 4 март кўзда тутилган.



белари билан бирга кишанга солиб, занжирбанд қилдилар. Сўнг Қозибекни тирик қолдириб, бошқа асирларни эса лаҳад зиндонига улоқтирдилар. Ул шаҳар арбобларидан ҳазрат шаҳриёрлик узангиси эгасига тарафдорлик қилиб юрган саййид Насруллоҳ Кесканий ва Хожа Муин Мухтор турли-туман сийловларга эришдилар.

Ғалаба шиорли мавкаб Сабзавор ишларидан фориг бўлгач, Мирзо Ёдгор Муҳаммад томонга йўналиб, Баҳробод вилоятлари чеккасидаги Панждаҳана мавзеи олий насабли хоқон лашкаргоҳига айлангач, шаҳзоданинг қаровуллари зафар аломатли ўрдудан илғор расми билан чиқиб кетган Ёр Али Туркман, Байрам Туркман, Шайх Эл ўғлига дуч келиб қолдилар ва Жожармнинг Сарипулида қилич ва ўқ шуъласи билан уруш майдонини қизитдилар.

Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг қоровуллари енгилиб, улуғ амирлар Неъмат Хоразмий, Абдуллоҳ Жалойир, Қосим Давлатмулкни бошқалар билан бирга асир олдилар ва олий тахт пойига келтирдилар. Асирлар ичидан фақат амир Ҳасанбек оққўюнлининг хос навқари бўлган бир шахсгина марҳаматга эришиб, ул тоифанинг бошқалари қатл этилди.

Сўнг офтоб атоли байроқ ойчаси ул манзилдан қўзғалиб, етишув нурларини Жожарм қасабаси узра сочди. Бироқ ул мавзеда ситамкор фалак ўзининг келиша олмаслик қилиғини намоён этди.

Мисра:

Фалак иши шундай бўлган ҳамиша.

УРУШ НИЯТИНИНГ ЎЗГАРГАНИ САБАБИ ЗИКРИ ВА ХОҚОНЛИК БАЙРОҒИНИНГ ЭҲТИЁТКОРЛИК ЮЗАСИДАН ЖОЖАРМДАН ҚАЙТГАНИ БАЁНИ

Жожарм қасабаси мансур хоқоннинг қўш ташлашидан Эрам гулистони каби ободу кўркамлик касб этган кунларда шармсиз замона ва уятсиз фалак ўз ситамкорлигини бошлади.



Яъни, зафар асарли лашкаргоҳда «Ёдгор Муҳаммад Мирзо Астробод кираверишида ўтирган Амир Ҳасан Шайх Темурнинг йиғин ипини шижоат панжаси билан узиб, ҳар ёққа тарқатиб юборибди, Амир Ҳасан Шайх Темур эса Шамосон қалъаси томон қочиб, бир неча кундан кейин у ердан ҳам чиқиб, эҳтиёж қўли билан шаҳзода давлати этагига осилибди» деган миш-мишлар тарқалди.

Бу сўзлар лашкар аҳли ичида ёйила бошлагани заҳоти саф ёрувчи сардорлар тўп-тўп бўлиб, Рустам қудратли хоқон мавкабидан қочиб кетиб душман қароргоҳи сари юзландилар.

Буни кўрган ул ҳазрат бошқа амир ва давлат устунларига нисбатан ҳам ишончини йўқотди ва эҳтиёткорлик юзасидан бир неча кун уруш майдонига чиқишдан ўзини тийиб, Жожарм мавзеидан кўчиб кетди.

Неча бир манзил ва бекатларни босиб ўтгандан сўнг разиёнинг муқаддас Машҳадига ошиқиб, имомларнинг олийси Али ибн Мусо ар-Ризо алайҳиссаломнинг баракатли руҳидан паноҳ истаб, ул аршга тегувчи қуббани тавоф этиш шартларини бажо келтирди ва атолар бахш этгучи парвардигордан давлат кўркамлигини тилаб, қутлуғ ўғруқ қўш ташлаб ўтирган Пули Хотун кўприги¹ тарафга йўл олди.

Ул манзилга етгач, қутлуғ арзга «дориссалтана Ҳиротда азим бир ғавфо рўй бериб, қудратли молик тақдири билан адолатсизлик эшиклари ул диёр аҳолиси юзи сари очилгани» маълум қилинди.

Бу гап-сўзлар баёни шуки, ўтган воқеалар асносида Хожа Абдуллоҳ Ахтаб Хожа Қутбиддин Товус Семнонийга нисбатан айблов сўзларини ҳазрат хоқон арзига етказган, натижада Хожа Қутбиддин Товус мусодара қилиниб, ҳибсга олинган ва ундан уч юз минг динор кепакий маблағ ҳам ундирилган ҳамда Хожа Абдуллоҳ унинг ўрнига олий девонлик мансабига чиққан эди.

Ҳиротликлар мансур хоқоннинг адолат соябони остидан узоқ тушган ушбу айёмда Хожа Абдуллоҳ Хожа Низомиддин Бах-

¹ Турк-мўғул ҳукмдорлари маликаларидан бири қурдирган бу кўприк Сарахсга яқин дарё устида ҳозир ҳам мавжуд.





тиёрӣ Семноний билан оғзи бирликда Ҳиротда девонлик ишларини бажариб ўтираркан, фуқаро ва аҳолига зулм солиғини солиб, адолатсизлик олови билан мазлумлар кўксидан оҳ тутунини чиқарди.

Халқ бундан азоб чекиб иш шунгача бориб етдики, авом кишилар хужум қилиб, Хожа Абдуллоҳни Шоҳрух Мирзо қурдирган Дориладода¹ ўтирган пайти ва инсоф эшикларини халойиқ юзи сари бекитган палласи тошбўрон қилдилар. У эса ўтирган еридан зўрға қутулиб қочиб, мадраса хужраларидан бирига кирди ва минг бир ҳийла-тадбир билан ул ҳалокат балосидан жон сақлаб қолди.

Пули Хотун манзилида бу хабар қутлуғ арзга етгач, салтанат ошиёнли даргоҳ мулозимлари аёнларидан бири ҳамма бажариши шарт фармонга биноан шаҳарга ошиқди ва Хожа Абдуллоҳни кишанга солиб, қутлуғ қароргоҳга олиб келди.

Шунинг кетидан мақтов хислатли мансур хоқон Амир Низомиддин Алишерни адолат ва инсоф ишини йўлга қўйиш, зулм ва зўравонлик расмини йўқотиш учун пойтахт Ҳиротга юборди ва айни чоғда ул диёр аҳолисига мурувват кўрсатилиши борасидаги фармон ҳам содир бўлиш шарафини топди.

Амир Алишер ул фохира шаҳарга кетди ва ўзининг туғма одади талабига кўра айём тифидан жароҳат топганлар ярасига раҳм ва шафқат малҳамини босди. Қўлидан келгунича мазлум халқ ва эзилган кишиларга мурувват кўргузиш, зулм ва зўравонлик ниҳолини қўпориб ташлашга ҳаракат қилди. Хоқоннинг фитнани ўчирувчи мазкур фармони ҳам жума куни минбар устида халққа ўқиб эшиттирилди.

Ниҳоят халқ адолатли кун келганига ишонч ҳосил қилиб ва кўнгиллари тинчиб, хоқоннинг давлати бардавом бўлиши ва ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг мансабу мартабаси ортиши учун тилни дуога чоғладилар.

Амир Низомиддин Алишер топшириқни бажариб, қутлуғ қароргоҳга қайтгач, Хожа Низомиддин *Бахтиёрӣ* кишанла-

¹ Дориладола – Адолат уйи. Арз сўрайдиган девонхона маъносида.





ниб, инон-ихтиёридан айрилди. Хожа Қутбиддин Товус эса яна қайтадан девонлик мансабига ўтирди.

Шундан сўнг қутлуғ ўғруқ Пули Хотундан тўғри Тирату қалъаси сари кетди. Мансур хоқон эса салтанат пойтахти Ҳирот томон йўналиб, мазкур йилнинг ўн биринчи зулҳижжаси¹ куни Назаргоҳ боғига бориб тушди ва ўша ойнинг ўн еттинчисида² у ердан Пули Солор рўпарасида жойлашган Машарту сайҳонлигига ошиқди.

У томонда Ёдгор Муҳаммад Мирзо зафар асарли мавкабнинг қайтиб кетганидан хабар топгач, Хуросон мамлакати келини³ висолига етишишдан умидвор бўлиб, муқаддас Машҳадгача оти жиловини қўйиб юбормади.

Ўша айёмда Султон Маҳмуд Мирзо Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, Балх ва Хон Юрти ҳудудида туғён ва исён чангини осмон авжига чиқарди.

Бу хабарлар зафар асарли ўрдуда миш-миш бўлгач, ёвузлик пардаси кўрар кўзларини қоплаган бир гуруҳ амирлар ўрдудан чиқиб, қадамини қочишнинг бепоён биёбонига қўйдилар.

Бу иш ҳазрат хоқоннинг нурли қалби паришонлигига сабаб бўлиб, бундай вазиятда бир неча кун душман билан тўқнаш келиш ва уруш-савашдан сақланиш фикри муносиб кўринди ва Машарту сайҳонлигидан Соқи Салмон даштига кўчиб борди.

Бу манзилда ҳам оқибатсиз кишилардан кўпчилиги қутлуғ мавкабдан ажралиб, жиловни қочиш сари бурдилар.

Осмон ғуломли хоқон ўрдусига паришонлик кайфияти бутунлай йўл топиб, ғалаба яқунли байроқлар Соқи Салмон даштидан Тўққуз Работ йўли билан Тирату қўрғонига юзландилар. Чунки мансур хоқон кўнглига «бир неча кун давомида қутлуғ ўғруқни айланувчи осмон қалъаси каби турмуш ноиблари арқонидан дахлсиз ва омон сақланиш имконига эга ўша қўрғон ичида беркитиб, ўзим эса қаерни муносиб билсам, ўша ёққа қараб йўналиш байроғини ҳилпиратаман» қабилдаги қарор келган эди.

¹ 874 йил ўн биринчи зулҳижжа – 1470 йил 11 июнь кўзда тутилган.

² 874 йил ўн еттинчи зулҳижжа – 1470 йил 17 июнь кўзда тутилган.

³ Хуросон мамлакати келини – пойтахт Ҳирот шаҳри кўзда тутилмоқда.





Қутлуғ йўналиш Қайсар атрофидан *арлот*лар томон амалга ошиб, Амир Пир Муҳаммад ўз ўғиллари ва қариндошлари билан Сидра дарахти бўйлик тахт устунларини кутиб олиш учун чиқиб, кўп шоҳона лутфлар ва мўл-кўл подшоҳона сийловларга эришиб ўзига ўхшаш кишилар тоифасидан юксакроқ имтиёз ва истиснолик топдилар.

Сўнг у ердан кўчилиб, Маймана қасабасининг чорбоғи қутлуғ қўш ноғораси тантанасидан баян овоза бўлди. Ён-атрофдан ихлос аҳлидан анчагина кишилар юксак мартабали бўсаға мулозиматига етиб, жаҳон шоҳининг эзгу ахлоқи барчани мўл-кўл марҳамат ва мушфиқлик билан сарафроз қилди. Ҳазрат хоқон ўша манзилда то йўналиш байроғини тахти қароргоҳи, яъни Ҳирот томон кўтаргунга қадар истиқомат қилиб турди.

ЁДГОР МУҲАММАД МИРЗОНИНГ ХУРОСОН САЛТАНАТИ ТАХТИГА ЧИҚҚАНИ ЗИКРИ ҲАМДА ИРОҚИ АЖАМ ВА ОЗАРБАЙЖОН АМИРЛАРИ ЗУЛМИДАН БИР БЎЛАГИНИНГ БАЁНИ



Олий шонли хоқон Абулғози Султон Хусайн Баҳодирхон Машарту сайҳонлигидан Тирату қўрғони томон қўзғалган пайтгача Абулмузаффар Ёдгор Муҳаммад Мирзо ҳали Тус шаҳрида турган эди. Аммо шаҳзоданинг аммаси Поянда Султонбегим Амир Фаридун *Барлос* ва Султон Аҳмад Чаҳоршанба гижгижи ва қутқуси билан Ҳирот ташқарисадаги манзилидан шаҳар ичкарисига кириб, ул фоҳира шаҳарни укасининг ўғли учун беркитди ва шодлик ноғорасини чалдириб, 875 йилнинг олтинчи муҳаррамида¹ жума куни хутбани Абулмузаффар Мирзо Ёдгор Муҳаммад исмига ўқиттирди.

Ўша айёмда мавлоно Ҳасаншоҳ шоир мазкур Поянда Султонбегим мадҳида бир қасида битди ва матлаи ушбудир.

¹ 875 йил олтинчи муҳаррам – 1470 йил 5 июль.



Байт:

Ҳақ фазлидан пайғамбар Сулаймонга узук теғди,
Юрт Билқиси Султонбегим Пояндага мулк теғди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо Жом вилоятига етиб келгач, Ҳирот шахрининг катталари ва шарифлари номига ўзига оғдиришнинг мурувват сўзларига тўла хатларини юборди ва шаҳарнинг шимол томонидан ўтиб, Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо кетидан то Мурғоб дарёси бўйигача борди ва Амир Ҳасан Шайх Темурни ул ҳудудни ишғол қилиш ишига тайинлаб, йўналиш туғини давлат пойтахти сари ҳилпиратди.

Санжоб Работи йўлидан Ҳирот четига етишиб, саййид ва қозилар, акобир ва аъёнлар истиқбол расми билан унинг олдига шошилдилар. Шаҳзода улар таъзимига тиришиб, барчасини чексиз сийловлар билан сарафроз қилди. Қамар буржи куйдириш йўлида бўлган ўша кун Кўҳистон сайхонлигида манзил тутди.

Бурж яхшиланиш кунининг эртаси, яъни муҳаррам ойининг тўққизинчиси¹ душанба кун Боғи Зоғонга кетди ва бир неча йилдан бери Султон Абусаид Мирзонинг авлодлари жамоли ёғдусидан маҳрум қолган салтанат тахтини қуёш янглиғ пешонаси нури зиёсидан мунаввар қилди.

Абулмансур Амир Ҳасанбек оққўюнлининг қариндошлари ва шаҳзодага суянчиқ сифатида ёрдам қўшини бўлиб келган Озарбайжон амирлари Хуросонда истиқомат қилмоққа майл билдирдилар. Шаҳзода уларнинг ҳаммасини султонларнинг боғу бўстонлари ва жаннат кўринишли уйларга тушириб, улар ҳақида ғоятда кўп риоятлар кўргузди. Хутба масаласида эса унинг бошида Амир Ҳасанбек оққўюнли давлатининг бардавом бўлиши дуоси зикр этилиб, сўнг Ёдгор Муҳаммад Мирзо номини тилга олишга қарор қилинди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо подшоҳлик тахтига ўтиргандан сўнг девонлик мансабини Хожа Қутбиддин Товус Семнонийга берди. Мулку мол ишларини бажариш жиловини Поянда Султонбегининг ихтиёр қўлига топширди.

¹ 875 йил тўққизинчи муҳаррам — 1470 йил 8 июль.



Содда шаҳзоданинг ўзи эса айшу ишратга муккасидан берилиб, кўп вақтини гулранг бода ичиш, уд ва чанг нағмаларини эшитишга сарфлай бошлади ва шунинг учун мамлакат ишларига қараш сира парвосига келмай қолди. Қай бировдан бирор зулм содир бўлса, уни сўраб-суриштириш шартини ҳеч амалга оширмади.

Туркман амирлари Хуросон вилояти ҳудудида жабру жафо ва зўравонлик эшикларини халқу фуқаро юзи сари очдилар ва бало тўфони кучайгандан-кучайиб, кўпгина хуросонликлар бошқа жойларга бош олиб кетиб, ватанни тарк қилдилар.

Амир Ҳасанбек оққўюнлининг ўгли Султон Халил Родгон сайхонлигида истиқомат чодирини тиклаб, ул ҳудуд аҳолисига зуғум ўтказди. Укаси Зайналбек оққўюнлининг Кўдистон вилоятида турган амирлари томонидан юзага чиқаётган озор ва зулм эса ҳаммасидан ҳам ошиб тушди.

Шу аҳвол асносида Мурғоб соҳилидаги ерларни забт этиш учун тайинланган Амир Ҳасан Шайх Темур ўзининг Амир Али Жалойирга нисбатан гина-кудурати бўлгани сабабли Сарахс йўлидан ўз суюрғоли бўлмиш Самалқон ва Жармуғон томон йўналди. Бу ишнинг юзага чиқиши эса мансур хоқон давлати қуёшининг яна бир бор салтанат пойтахти Ҳирот уфқида балқиб чиқишига сабаб бўлди.

МАНСУР ХОҚОННИНГ ТўЛА ҲАШАМАТЛИ СОҲИБИ ТАДБИР АМИРЛАР МАСЛАҲАТИДАН СўНГ БУЮКЛИК ВА ОЛИЙЖАНОБЛИК ТАХТИ МАРКАЗИ САРИ ЙўНАЛГАНИ БАЁНИ



Маймана қасабаси салтанат ва давлат шарафи Абулғози Султон Ҳусайн Мирзонинг баракатли қадамидан олий жаннат кенглигининг рашкини оширадиган жой бўлиб турган кунларда кетма-кет ва устма-уст равишда шавкат ва улўфворлик қулоғига «Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг мағрурлик бодаси кайфидан жуда эси оғиб, узум шаробини тўхтовсиз ичаверганидан гоҳ маст, гоҳ ширакайф ўтириб, мулку мол ишларини қўлга олиш ўй-



фикрини сира кўнгли саройига йўлатмаяпти. Бирон ерга лашкар тортиб бориш ва мамлакат олишлик нақшини дил лавҳига ҳеч ҳам чизмаяпти. Аъёнлари баттоллигидан Хуросон ўлкасида тинч-фароғат ҳаёт сурати кўриниш бермаяпти, давлати устунлари тубанлигидан шариф шариат, мусулмончилик қоидалари пойдевори бузилиш ва қулаш жарига яқин қолган» қабилидаги гап-сўзлар етиб кела бошлади.

Шунга кўра, музаффар туғли мансур хоқон фатҳу феруз қоматини кўришдан умидвор бўлиб, Ҳирот томонга тўсатдан бостириб бориш ва қиёмат аломатли ҳамла ели билан муҳолифларнинг иқбол ниҳолини тағ-томири билан қўпориб ташлаш ниятини жаҳон олувчи ақлидан ўтказаркан, бегоналар юзи томон беркирилган жаҳонпаноҳ даргоҳнинг хилват бурчагида Амир Низомиддин Алишер билан машварат эшикларини очди ва ёрқин кўнглига келган ниятидан бир бўлагини ул соҳиб тадбир амирга айтди.

Ул жаноб таҳсин ва офарин шартларини бажаргач, бу ниятни ўта яширин тутиш лозимлигини таъкидлади ва «агар бу сўзни менга ҳам айтмаганингизда яхшироқ бўларди» дея қўшиб қўйди. Мансур хоқон «бу борадаги ушбу янглиғ таъкид ва ўтинч сабаблари недур?» деб сўради. Олийжаноб амир «бу сирни билдирмаслик масаласи вожиб ва зарурий ишлар сирасидандир. Чунки аъло мавкабдан қочиб, Ёдгор Муҳаммад Мирзо олдига бориши мумкин бўлган кишилар агар бу ниятдан воқиф бўлсалар, ҳеч шубҳасиз бу қутлуғ юриш воқеасини унинг арзига етказадилар. Шаҳзоданинг ақл нури эса қуёш аломатли кўнгилдаги яширин ният сари тушиб, эҳтиёт ва ҳушёрлик йўлини тутди. Бизнинг мақсадимиз эса шу зайл ҳосилсиз қолади ва умидимиз ушалмайди» дея жавоб берди.

Алқисса, тенгсиз шаҳриёр мақтов хислатли Амир Алишернинг таъкидига биноан бу фикрини бошқа амирларга билдирмасдан, ғалаба байроғини ҳилпиратиб, Майманадан қўзғалди ва Мурғоб дарёси бўйига кетиб, анча манзилларни босиб ўтгандан сўнг Буканга қўш ташлади.

Сўнг олий мақомли амирлар ва жамшид ҳашаматли нўёнларни кенгаш мажлисида ўтқазиб, ўз юрагидаги режасини айтди ва



«ўз ишларингизда уларга маслаҳат солинг»¹ карима калимаси талабини бажо келтириб, машварат ишига киришди.

Ул жамоанинг барчаси бир тил ва бир дилдан олий кўнгилда қарор топган юриш режасига таҳсин айтдилар. Истак ва рағбат билан итоат ва бўйсунуш изҳорини билдириб, дуо ва сано шартини адо этдилар. Душманларни янчувчи хоқон тўла ишонч ва чексиз қўллов туфайли Букандан қўзғалиб, йўлга равона бўлгач, Тобон Сарипули қутлуғ қўш ташланиш шарофатидан ўзгарувчан фалак рашкини оширувчи жойга айланди.

Ўша бекатда Амир Пир Муҳаммад Арлот, Амир Сорбон бир нечта киши билан ҳамма бажариши шарт фармонга бинотан қутлуғ ўғруқни қўриқлаш учун қолдилар. Бошқа амирлар ва давлат устунлари саодат мавкабли узанги мулозиматида юришга қарор қилдилар.

**ЗАФАРГА ЁР БАЙРОҚНИНГ САЛТАНАТ
ПОЙТАХТИ ҲИРОТ ТОМОН ТЕЗЛИК
ЙЎСИНИ БИЛАН ЙЎНАЛГАНИ ВА ЁДГОР
МУҲАММАД МИРЗОНИНГ МУЛКЛАРНИНГ
БУЮК МОЛИКИ ҚАЗОВУ ТАҚДИРИ
ҚИЛИЧИ БИЛАН ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ**



Ёдгор Муҳаммад Мирзо Ҳиротда ниҳоятда улўворлик ва ҳапамат билан мақом тутиб, ором олиб ўтирган ҳамда бир неча минг нафар Баҳром қасосли отлик суворийлар кечаю кундуз хизматида шай турган, Хуросондан то Бағдодгача ердан доимий равишда сипоҳий ёрдам олиб юрган, шу сабабли ҳеч кимнинг кўнгли ёнига ул давлатнинг ўзгариши хаёли йўлай олмайдиган айёмда Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо душманнинг сон жиҳатдан кўплигини хаёлига ҳам келтирмай ва писандига ҳам илмай, ғалабага ёр узанги хизматидаги озгина мулозимлар билан бирга Мурғоб дарёси бўйидан илғор солиб, оти жоловини Ҳирот томон бурди ва фалак жисмлари каби бир кеча-кундуз ичида бир олам масофани

¹ Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 159-оятдан.





босиб ўтиб, кутилмаган бир тонг маҳали Боғи Зоғонга бориб тушиб, Ёдгор Муҳаммад Мирзони мангулик оламига жўнатди.

Бу воқеанинг шарҳи шуки, ҳазрат хоқоннинг иқбол асарли кўнглидаги нияти мақсади ҳосиллик осмонининг ул куёши мавкаби мулозимларининг барчаси томонидан қўллаб-қувватланиб, юришга қарор қилинган, мансур хоқон Мурғоб дарёси соҳилида темир совутларни тақсимлаб, саккиз юз эллик нафар метиндек тошни тешар найза учи воситасида ой юзидаги ҳуснбузарни урувчи ва пайкон зарби натижасида думли юлдуз кўзидан дарча очувчи мерган чавандозлар билан бирга шавкат ва улуғворлик тахти жойлашган Ҳирот томон илғор солди ва бир неча манзилларни босиб ўтган, ярим кечаси Боғи Работ мавзеига тушиб, эртаси куни чоштгоҳида у ердан Бобо Хокий Лангари йўли билан мақсад сари йўналди.

Йўл асносида шоҳ ва сипоҳнинг фатҳу зафарга бўлган ишончи яна ҳам ортди. Бу илоҳий туҳфа сабабларидан бири шуки, ёшлиги бошидан то қариллик аломатлари пайдо бўлгунга қадар кексаю ёш билан ўтириб-туришдан тийиниб, бир тоғ этагида бошини ибодат ёқасига тикиб келаётган жазаба аҳлининг бошлиғи Бобо Хокий юртларни фатҳ этувчи қутлуғ байроқнинг етишгани хабарини эшитган, бу гал ўзининг шоҳларга бўйин индирмайдиган одатига хилоф равишда, яхши сифатли хоқон билан учрашишга майл билдириб, ўзини ул ҳазрат назарига манзур қилди ва бир туғ, бир қўй, битта ўқ-ёй тортиқ айлаб, хоқондан бирор лаҳза ўз манзилини ташриф нури билан ёритишни илтимос қилди.

Мансур хоқон унинг илтимосини қабул қилиб, тайёр овқатини тортгунга миқдор вақт дарвешнинг уйида ўтирди. Сўнг йўлга тушди. Бобо Хокий мансур хоқонни зафар асарли қўшин ўтадиган Қалъаи Кухгача кузатиб борди ва ўз найзасини мансур хоқон қўлига тутқазиб, ғоятда дарғазаб бир ҳолатда Ҳирот тарафга қарата қўлини худди қилич сермагандек қилиб, уч марта ўқталди ва ҳарбийлар одати бўйича шовқин-сурон солиб, сўнг шу зайл орқасига қайтиб кетди¹.

¹ Бобо Хокий Амир Темур юришларида қатнашган бўлиб, кейин сўфийликни ихтиёр қилган ва бу учрашув пайти юз ёшида бўлган. Бу ҳақда яна Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарига қаранг.



Мансур хоқон зоҳирӣ ва маънавий қувват топиб, оламини кезувчи самани жиловини Ҳаводаштак йўли бўйлаб буриб, оқшом киргач, Ширам қоровулни тил ушлаш ва хабар билиш учун олдинга юборди. Ҳаводаштак саҳросида ўтган кун намозгариди Ёдгор Муҳаммад Мирзо олдидан чиқиб келаётган бир шахс қутлуғ мавкабга дуч келди ва унинг гап-сўзидан қудратли давлат душманлари жаҳонни кезар байроқнинг бу томонга келаётганидан мутлақо беҳабар эканликлари маълум бўлди. Зафар ҳашаматли мансур хоқон бу гапдан сўнг олдингидан ҳам тезроқ йўл юришга тушди.

Ўша лаҳзаларда Ширам қоровулнинг олдидан ишончли бир одам келди ва «Хайздук чашмасигача бордим, ҳиротликларнинг рафлатдалиги-ю ақлу ҳушдан айрилиб ўтирганларидан ўзга бирон гап эшитмадим» деган хабарни келтирди. Бу воқеа сешанбага ўтар оқшоми йигирма учинчи сафарга¹ тўғри келиб, ой чиққач, қуёш ёғдули байроқнинг ойчаси етишув нурини Чашмаи Хайздук мавзеи узра таратди. Ўша мавзеда галабага ёр қўшин темир совут ва дубулғаларни кийиб, урушга тайёр бўлди. Ҳамма бажариши лозим фармонга биноан Амир Музаффар *Барлос*, Шайх Абусаид *Дармиён*, Иброҳим *Барлос*, Дарвеш Али *Арлот* шижатли бир юз элик нафар киши билан Боғи Зоғоннинг катта дарвозасини очиш учун олдинроқ кетдилар.

Ҳожи Муҳаммад Хусрав тил ушлаш учун илғор қисм амирлари кетидан от чоптирди ва Боғи Зоғон яқинигача бориб, яна қайтиб келди ва «Ёдгор Муҳаммад Мирзо ўз бахтидек ўта рафлат ичра ухлаб ётибди» деди. Мансур хоқон бу хабарни эшитгач, хурсанд ва шод бўлиб, Хиёбон кўчаси йўли билан селдек шитоб айлаб, йўлга тушди ва аллома Розий мазорига етгач, Мирзо Кичикни Амир Музаффар *Барлос*га ёрдам бериш учун жўнатди.

Дўланг Ўзбек ва Султонхожа Ўзбекни ўзбеклар жамоаси билан бирга марҳума Гавҳаршод Оғо мадрасасига уланган боғ дарвозасига юборди. Мирзо Султон Аҳмадни лашкар аҳлидан бир тўдасига қўшиб, Пири Мужаррад Хожа Абулвалид Аҳмад мазорига уланган дарвозага жўнатди.

¹ 875 йил йигирма учинчи сафар – 1470 йил 21 август.





Амир Носириддин Абдулхолиқ ва Амир Валибекни Амир Али *Жалойир* манзил тутиб ўтирган Амир Ферузшоҳнинг уйига юборди. Ўзи эса қиёмат аломатли аскардан саксон нафари билан Амир Музаффарнинг орқасидан йўналди. Йўл асносида Ёдгор мирохўр Амир Музаффар ёнидан келиб қолди ва «улуғ амирлар Боғи Зоғон боғининг дарвозасини худди душманлар давлати пойдеворидек бузиб ташлаб, боққа кирдилар» дея арзга етказди. Ул ҳазрат юксак учар лочин каби Боғи Зоғон сари ошиқиб, Мирзо Ёдгор Муҳаммад ухлаб ётган ер бўлмиш Боғи Шимолгача оти жиловини қўйиб юбормади.

Ул боғдаги қаср теварагида тикилган чодирга кўзи тушгач, ёнидаги ичкилардан бир нечтасига «чодирга киринглар ва ичида ким бўлса, олдимга олиб келинглар» деб буюрди. Ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси Амир Алишер жасурлик қадамини илгари босди ва ўша вақтларда ўзининг навқари¹ бўлган Амир Бобо Алини чодир ичига юборди. У ичкарини текшириб чиққач, қайтиб келиб «бу чодирда ҳеч ким йўқ» деди.

Шундан сўнг мансур хоқон кўшкни ўраб олиб, қутлуғ мавкаб мулозимларини юқорига чиқишга буюрди. Аммо ҳеч кимдан сас ва товуш чиқмади. Чунки мулозимлар қалбини қўрқинч туйғулари қамраб олган эди.

Ниҳоят, Амир Низомиддин Алишер бу топшириқни бажариш учун рухсат олди ва ўз отини Амир Бобо Алига топшириб, қиличини қинидан суғурди ва уни худди ҳассага ўхшатиб ушлаб, ҳеч ким билмайдиган бир йўл орқали тепага чиқа бошлади.

Шундан сўнг зафар нишонли мансур хоқон Амир Қул Алини ҳам мазкур ишга тайинлади.

Шу чоғда Меҳтар² Исмоил фаррош боғдан ташқари чиқиб, бир даста шам топиб, уларни ёққан ҳолда боғга олиб кирди. Шу сабабли қутлуғ мавкаб мулозимларининг давлат чироғи ёниб, душманлар ҳаёти хирмонини куйдиришга ишонч ҳосил қилдилар ва турли

¹ Яъни Амир Алишернинг навқари.

² *Меҳтар* — каттакон, бошлиқ. Бу ерда сарой юмушлари бўйича мутасадди маъносидаги лақаб. Яна меҳтар атамаси ташқи ишлар вазири; саройдаги ашулачилар дастаси бошлиғи маъноларида ҳам келади.





йўллар орқали қасрга кирдилар. Ҳожи Али *Пиёга* Ёдгор Муҳаммад Мирзони ноз уйқуда ётган ҳолда кўриб қолиб, қўлга олди. Аммо Амир Қул Али шаҳзодани ундан тортиб олиб, Амир Низомиддин Алишер тепага чиққан хуфия йўл орқали пастга судраб тушди ва шу судраганича олий шонли подшоҳ олдига келтирди.

Байт:

Сенга ким айтди ухла деб айш боғию ноз тахтада,
Кечаси май ичиб, тўйиб қотиб ётгин тонг пайтида?!

Хоқони мансур ўзининг туғма марҳаматига кўра, Ёдгор Муҳаммад Мирзо билан сўзлашишни бошлаб, унинг қонидан кечмоқчи бўлди. Аммо шаҳзоданинг тирик қолиши ўзларининг ўлимига сабаб бўлишини билган улўф амирлар бу ишни маъқул кўрмадилар. Начора, ўша лаҳзадаёқ, ажал посбони ўз ишини бажону дил бажариб қўйди.

Мавлоно Камолиддин Абдулвосе [Бохарзий] Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг ўлими воқеасига бағишланган тарихида шундай дейди.

Байт:

Сафар ои шаҳид бўлди ва шаҳри сафар¹,
Шаҳидлиги санасидан беради хабар.

Бу фаройиб хабар ва ажойиб ҳодиса шов-шуви бир қисми Боғи Нав боғида, яна бир бўлаги эса Зубайда боғида истиқомат қилиб ўтирган *туркман* амирлари қулоғига етгач, ўша кечасиёқ аянч жиловини йўл кўрсатувчилик қўли билан қочиш йўлига тўғрилаб «ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар»² мазмуни улар ҳолининг васфи бўлди.

Юрт олувчи хоқоннинг байроғи остидан қочиб, Ёдгор Муҳаммад Мирзога бориб қўшилган гуруҳдан айримларининг гуноҳини кечишни эса давлатнинг айрим устунлари мансур хоқондан тилаб, хусравона меҳр ва подшоҳона марҳамат туфайли бу гумроҳлар афв этилдилар. Аммо шаҳзода Ёдгор Мирзонинг барча ишларини бутлашга масъул бўлиб юрган Амир Али Жалойир эртаси куниёқ сиёсатга етди.

¹ *Шаҳри сафар* — абжадда бу сўзлардан 875 сони чиқади.

² Қуръони карим, Қамар (54) сураси, 45-оятдан.



**МАНСУР ХОҚОННИНГ ИККИНЧИ МАРТА
САЛТАНАТ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ
ТАХТИГА ЧИҚИШИ ВА ЖАНГУ УРУШ
ЙЎЛИНИНГ АЙРИМ СОЛИКЛАРИ ИСЭНИ
ЖИҲАТИДАН МАРВ ТОМОН
БОРИШИ БАЁНИ**

Эртаси куни мақсади ҳосил олий мартабали хоқон Абулғозий Султон Хусайн Мирзо салтанат ва подшоҳлик тахтини ўзининг хуршид сиймоли талъати бахтидан зангори осмоннинг рашк этадиган жойига айлантирди ва катгаю кичикка бошпана бўлиб, улар кўнглини ўзига мойил қилишда жаҳду жадал кўрсатиб, адолат ва инсоф палосини ёйиш борасида барча бўйсунувчи фармонлар чиқарди. Қўлдан-қўлга ўтиб, беқарор бўлаётган шахриёрлик узуги ниҳоят мақсади ҳосил подшоҳнинг қудрат бармоғида қарор топди. Озор тиканини катгаю кичиклар дили даласига экиб юрган ҳаёт ва инсон зоти билан чиқишмас турмуш поёнига етди.

Улуғ саййид ва ислом қозилари ҳамда замонанинг шундай ёруғ кунни интизорлик билан кутиб, тунларни ана шу орзуда дуо билан бедор ўтказиб ўтирган олий мақомли уламою фузалоси иқбол каби Сидра мисол даргоҳга ошиқиб, фатҳ ва ғалаба табригини адо этдилар.

Бедодлик оловида куйганлар ва номуродлик водийсида тупроққа айланганлар осмон ғулумли подшоҳнинг умумий лутфи булути томчиларидан умидвор бўлиб, қутлуғ «бас сиз Аллоҳнинг раҳмати — ёмғирнинг изларига қаранг: У қандай қилиб ерни ўлгандан кейин тирилтиради-я»¹ оятини тилга олдилар. Ҳеч бир такаллуфсиз ва сўзамолликка берилмай, маддоҳликка ружу қўймай айтадиган бўлсак, ўша кун Ҳирот халқи учун бамисоли рўза ҳайити бўлди ёки Наврўз айёми сингари халқ ўзини шоду хуррамлик оғушида кўрди.

Назм:

Эски жаҳон янгидан ҳаёт топди,
Чехраси нуридан саодат топди.

¹ Қуръони карим, Рум (30) сураси, 50-оятдан.



Шараф буржида кун олам ёритди,
Наврўз куни келди, совуқ қиш кетди.

Мансур хоқон ўша куни қаноти қайрилган мазлумларнинг тушкун кайфиятини кўтариш учун юзланиб, қози Қутбиддин Аҳмад ал-Имомий, мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайн ат-Тақавий гувоҳлигида «қишлоқ аҳолисию деҳқонлар, Ҳирот шаҳри ва унга туташ маҳаллалардаги косибу ҳунармандлар икки йилгача хорижий солиқ маблағи ва қўшин пули солиғидан озод бўладилар, белгилаб қўйилсинким, девон амалдорлари ўша солиқ пуллари ундириш учун фуқаронинг яраланган дилларига туз сепмасинлар» деган фармонни эълон қилди.

Ул олий мартабали подшоҳ ойнинг йигирма бешинчисида¹ пайшанба куни Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг мазорини зиёрат қилиш учун Гозургоҳ мавзеига ташриф буюрди ва эҳтиёжмандлик ва ихлос юзини ул баракатли бўсаға сари қаратиб, у ернинг мужовирларига нисбатан сийлов лавозимини бажо келтирди.

Ва ул шариф манзилда мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайнни салтанат тахти яқинига чорлаб «салтанат пойтахти Ҳиротни худди Султон Абусаид Мирзо замонасидаги шариат қоидаси бўйича бошқармоқ керак. Агар шахсан мен ёки укам ё ўғлимга нисбатан шаръий жазо қўлланиш тақозо этиб қолинса, унинг ижросини орқага сурмаслик лозим» деди.

Шунга ўхшатиб, мансур хоқон шариатнинг бошқа мансабдорлари ёнини олиш борасида ҳам нуфузли ҳукмлар чиқарди ва диний қоидаларни мустаҳкамлаш бўйича яна бошқа гўзал қўллов қонунларини қабул қилиб, шариатпарварлик палосини ёйди.

Ўша вақтда жалол қулоққа Кобулдан Балх атрофига келган ва укаси Султон Маҳмуд Мирзо билан иттифоқликда ул қалъани камал қилиб ўтирган Мирзо Улуғбек бин Султон Абусаид Мирзонинг у ердан Марв томон бориб, босқин-чопқин уюштиргани ва ул вилоят аҳолиси йиғини хирмонига паришонлик учқунини сачратаётгани эшитилди.

¹ 875 йил йигирма бешинчи сафар — 1470 йил 23 август.





Бу хабарни эшитгач, олий зотли хоқоннинг ғазаб ели эсишга киришди ва зафар безакли байроқни хилоф аҳлининг иқбол ниҳолини қўпориб ташламоқ учун Марв томон йўналтирди. Банди Черкас манзилига қўш ташлангач, давлат душманининг ғалаба нишонли мавкаб келаётганидан хабар топиб, қочмоққа азми қарор қилгани маълум бўлди. Мансур хоқон ўта тезлик билан дарёнинг ўша кечув жойидан елдек кечиб ўтиб, Марв сари юзланди.

Мирзо Улуғбек ва унга қарашли кишилар ул ҳазратга қарши туришга тоб бера олмасликларини билиб, қуёш чиқишидан олдин қочиб қолувчи юлдузлар каби жировни саҳро томон бурдилар.

Мансур хоқон чексиз ҳашамат ва мақсади ҳосиллик билан Марвга кириб бориб, ўша қишда қишловни Марвда ўтказишга қарор қилди. Кўпинча яхши онларини шаҳар ва қишлоқларни таъмирлаш ва халқ арзини тинглаш, мусулмонлар ишларини ўнглаш ва паҳлавонлик маслакларининг солиқларига тарбиятлар кўргазишга сарфлади.

**ҚУББАТУЛИСЛОМ БАЛХНИНГ МИРЗО
СУЛТОН МАҲМУДНИНГ ЭГАЛЛАШ
ДОИРАСИГА КИРГАНИ ЗИКРИ ВА ҲАЗРАТ
ХОҚОН БИЛАН ҚИШЛОВ ЮРТИДА РЎЙ
БЕРГАН АЙРИМ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ**



Ўтган саҳифалар боғистони тароватидан ва тилга олинган ҳикоялар гулзори ифоридан ушбу хабар ўқувчиларнинг жон димоғига етишадикки, Мирзо Ёдгор Муҳаммад иккинчи марта Амир Ҳасанбек оққўюнлининг мададига суяниб, Хуросонни эгалламоққа юзланган вақтларда иттифоқчилик юзасидан Мирзо Султон Маҳмуд ҳам Амуя дарёсидан ўтиб, Балхни забт этишни мўлжаллаган эди.

Олий насабли мансур хоқон буйруғига биноан Балхда ўтирган Амир Мўғул ва Султон Али Кичкина кўп захира йиғдилар. Султон





Маҳмуд Мирзо қамални бошлаб юбориб, бир неча вақт ҳар икки томондан чексиз қаҳрамонлик ва мардоналиклар амалга ошди.

Ўша аснода Султон Маҳмуд саройида тарбия топган Аҳмад Муштоқ феруз бахт кўрсатмаси, нур сочувчи толе ҳидояти ту-файли шаҳзода Ёдгор Муҳаммад Мирзодан юз ўтириб, мансур хоқоннинг даргоҳига ошиқди ва муродининг чеҳраси шоҳона иноят ёғдусидан ёруғлик касб этиб, турли-туман сийловларга эришди.

Аммо Балх сардорларидан Султон Али Кичкина зулмоний нафс алдовига учиб, шайтоний васвасага тобе бўлган кўйи қадамини алдов ва макр йўли бўйлаб босди ва Мирзо Султон Маҳмудга тарафдорлик билдириб, Хожа Аккоша дарвозасини шаҳзоданинг сипоҳилари учун очиб берди.

Хуллас, Мирзо Султон Маҳмудга Балх фатҳи муяссар бўлиб, Амир Мўғулни асир олди ва ўзининг ишончли кишиларидан бўлмиш Ёдгор Аткага¹ қўшиб, Самарқанд томон жўнатди. Ёдгор Атка эса йўл давомида олий мартабали хоқонга хизмат қилиш сари мойил бўлиб, Мирзо Султон Маҳмуднинг тарбият ҳаққи дафтарини унутулиш тоқчасига ирғитди ва Амир Мўғул билан иноқликда оти жиловини Марв тарафга қараб бурди.

Ўша пайтда рўй берган қизиқ воқеалардан бири шуки, ман-сур хоқон Жадий буржининг² биринчи кечасида Марв шаҳрида базм мажлисида ўтирар ва ихлос аҳлию сарой надимларидан бир гуруҳи билан ҳар тўғрида суҳбатлашарди.

Шу чоғда Амир Мўғулнинг ушланиб, кишанга солингани во-қеаси ёғдули ёдига тушиб, кўнгли анча мунг ва қайғуга тўлди ва Амир Низомиддин Алишер билан мувофиқликда бу амирнинг озода бўлиши ниятида фотиҳа қироат қилди.

Буни қарангки, айни ўша лаҳзада Амир Мўғул ва Ёдгор Атка олампаноҳ даргоҳга кириб келишса бўладими! Бундай қувончли тасодифдан жаннат сурурли суҳбат қатнашчиларининг ўта бир даражада таажжубга тушганларини айтмайсизми!

¹ Атка – оталиқ.

² Жадий буржи – мелодий йилнинг 22 декабрь – 20 январь оралиғига тўғри келади.




Ўша қишда Амир Муборизиддин Валибек муқаддас Машҳад шаҳри ҳукуматиани бошқариш учун тайинланиб, мазкур ўлка сари жўнаш учун рухсат олди.


Султонлик сиёсатининг олови учқуни Муҳаммад Муин ва Абдулҳоди сингари икки нафар ёв сифатли амалдор турмуши сари сачради.

Ҳут буржи бошларида¹ шукуҳли қулоққа Султон Маҳмуд Мирзо амирларидан бир тўдасининг қўшин қисмларидан анчаси билан бирга илғор йўсинида Мурғоб дарёси бўйига босқинчопқин юриши уюштириб, мазкур мавзеда қишлоқ расми билан ўтирган Амир Пир Муҳаммад *Арлот*, Амир Музаффар *Барлос*, Амир Каримдодни енгиб, Пир Муҳаммадга сувдек ялтироқ пайкондан шаҳидлик шарбатини ичирганлари, Амир Каримдодни эса қудрат панжасига асир қилганлари хабари эшитилди.

Шунга кўра, олий шаънли хоқоннинг ғазаб олови алангаланди ва Султон Маҳмуд Мирзо билан уруш қилиш учун юришга қарор қилиб, оти жilовини Мурғоб тарафга қараб тўғрилади.



ҒАЛАБА АЛОМАТЛИ БАЙРОҚНИНГ ДУШМАН ТОМОН ҚЎЗҒАЛГАНИ ВА ЧАКМАН МАВЗЕИДА УРУШ-САВАШ ВОҚЕАСИНИНГ РЎЙ БЕРГАНИ БАЁНИ



Шарқ шоҳи (қуёш) Ҳут буржи манзилларидан ўн беш даражани² босиб ўтиб, фаслар алмашинуви рўй бергач ҳамда қиш ва баҳор қўшинлари бир-бири устига ёпирилиб, натижада баҳорнинг мўътадил аломатли султони ғолиб келгач, шижот баҳрининг наҳанги, салтанат ва давлат безагининг фарҳанги Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо зафар асарли лашкар денгизини уруш-саваш, жангу муҳориба қилиш учун кўпириб тўлқинлантирди ва муборак рамазон ойининг охирларида³ иқболу дав-

¹ Ҳут буржи боши – мелодий йилнинг 21 мартга тўғри келади.

² Мелодий йилнинг 6 март куни.

³ 875 йил рамазон охири – 1471 йил 22 март.





лат бу подшоҳга тизгиндош бўлиб, қишлов юртидан Мурғоб дарёси бўйига йўналди.

Ҳайит ҳилоли рамазон¹ лабташналарига кўриниш бергач, сарафрозлик осмонининг ул ойи Сарикбози манзилига етишди ва ул қувонч яқунли мақомда рўза ҳайити одобларини адо этиб, икки-уч кун байрам ва шодлик шартлари, айшу сурур маросими ижросига киришди.

Сўнг уруш-саваш асбобларини ҳозирлаб, олий ҳимматини давлат душманларига қарши курашиш учун қаратди. Момақалдироқ гулдиракли, чақмоқ чақинли сипоҳ юришига яқин қолганда, гуллаб-яшнаш султони² райҳонлар ва чечакларнинг кўркамлик лашкарини дашту тоғлар саҳни узра тортди ва лоланинг лаъл қоматли соябонини кўтариб, зумрад аломатли палосни ёйди.

Назм:

Ажиб саф тузди баҳор султони,
Лоладан – байроқ, гулдан қалқони.
Лашкар гуруҳлари гулу сабзалар,
Сайроқи булбул томон йўл олар.

Панждеҳ манзили қутлуғ тушиш шарафидан еттинчи осмон ўтлоқзори кўркамлигини топгач, қутлуғ тахтга чиқиш пайти элчилик расми билан Амир Ҳасанбек оққўюнли олдидан олий мартабали хоқон даргоҳига келиб, Ёдгор Муҳаммад Мирзо истилосидан сўнггина қайтиб кетган қози Али яна бир бор мулозимат шарафини топди ва Озарбайжон подшоҳининг муҳаббат қоришиқли сўзларни ўз ичига олган мактубини мансур хоқон арзига етказиб, турли-туман шоҳона сийловга эришгач, қайтишга рухсат тилади.

Ғалаба аломатли байроқлар эса Панждеҳдан Гулбоғбон мавзеига ошиқиб, у ердан Чечактуга кетди. Оламни куйдирувчи қўшинлар йиғилиши учун бир неча кун Чечактуда тўхтаб турди. Ул бекатдан қутлуғ фолли соябон Алмол манзилига юрди. Тенгсиз мансур хоқон Алмода темир совут тарқатиб, Андхуд шаҳри сари юзланди ва Чакман мавзеи саф ёрар қўшиннинг қўш

¹ 1471 йил 23 март.

² Гуллаб-яшнаш султони – баҳор фасли кўзда тутилмоқда.





ташлаш жойига айланиб, шу ерда Султон Маҳмуд Мирзонинг чексиз сонли лашкар билан Балх ҳудудидан қўзғалиб, Куҳпоя йўли билан отлангани ва Пули Чироқдан ўтиб, Майманада манзил тутгани ҳамда шу зайл мансур хоқон қўшинининг орқасидан кириб, жасорат қадамини олға босганча тўсатдан ҳужум қилиш хаёли бор экани борасида хабар келди.

Бу хабар аниқ бўлгандан сўнг зиё таратувчи ақл шундай тақозо қилдики, қутлуғ ўрду Балх томонга чекинса-ю, орқадан қувлашга тушган душман сипоҳи сув ва обод ерлардан узоқ бўлган саҳродан ўтиш пайти қийинчиликка дуч келиб шояд енгилса.

Шунга кўра Чакман манзилидан кўчилиб, Хожа Дукка мавзеи зафар асарли лашкаргоҳ қўшига айланди. У ерда Султон Маҳмуд Мирзонинг Андхудда қўш ташлагани маълум бўлди. Мансур хоқон давлат устунлари билан маслаҳатлашиб, Балхга кетишни орқага сурди ва қайтиш жиловини тортиб, душман билан тўқнашув қарорини кўнглига тугди.

Хожа Дуккадан кўчиб, намозшом пайти Чакман мавзеининг икки фарсахлик жойига келди. Ёв ёнига яқин келингани сабабли оқшомдан то тонг отгунча хоқон мавкаби ходимлари қўриқлаш ва посбонлик ишларини бажариш, уруш асбобларини ҳозирлаб, ўзларини уруш майдонига кириш учун тайёр ҳолатда тутишлари лозимлиги борасида олий буйруқ чиқарилди.

Эртасига оқ байроқли жамшид, яъни юлдуз ҳашамли хуршид уруш учун олтин тусдаги зафар асарли жавшан кийган ва айланувчи осмон жанггоҳи саҳнига қадам қўйиб, туннинг зулмат рангли қўшинини мағлуб этганда, бурғу ва ноғоралар шовқини оламини ларзага келтирди.

Мансур хоқон зафар дубулғасини бошига қўндирди ва илоҳий сақлов совутини эгнига кийиб, қамар сайрли отга миниб, юрт олувчи сипоҳни тартибга келтириш ва саф торттириш учун йўналди. Баронғор қисмда ғалаба шиорлик шох, яъни акаси Бойқаро Мирзо¹ фатҳ оятли байроқни кўтарди. Амир Ҳасан

¹ *Бойқаро Мирзо* – Султон Ҳусайн Мирзо бин Мансур бин Бойқаронинг акаси. Унга бобосининг номи қўйилган.



Шайх Темур жасорат аҳлидан ташкил топган катта бир қисм билан ул ҳазратга ёрдам қиладиган бўлди. Жавонғор қисм Султон Аҳмад Мирзонинг шавкати мўл-кўллиги билан мустаҳкамланди. Шайх Абдуллоҳ Аббосий, Амир Абдулхолиқ бин Амир Ферузшоҳ қўшиннинг чоғроқ қисми билан унинг кўмаги учун тайинландилар. Амир Музаффар *Барлос*, Амир Аҳмад Али Форсий, Шайх Абусаидхон *Дармиён* ва Амир Мўғул, Олгун Ошиқ ҳировул қисмда туришди.

У томонда Султон Маҳмуд Мирзо ҳам лашкар сафини ясади. Маймана ва майсара ва соқа¹ ва муқаддимани ханжарсанчар мардлар ва уруш тўқайининг йўлбарслари билан мустаҳкам қилди ва уруш майдони сари от йўрттириб, қаршилиқ ва тўқнашув туғини кўтарди.

Ҳусайн исмли, ғозий лақабли подшоҳ сипоҳи қон сачратар қилич билан паҳлавонларнинг биқинини йиртишга киришиб, олий шаънли, маҳмуд оқибатли султон лашкари тошни тешар найзани уруш ўрмонининг шерлари қалбига қараб ота бошладилар. Шу зайл олмос тўғли шамшир душман бошидаги томирни ёрар ва ўлим асарли ўқ ажал элчисидек жонлар томон ошиқарди.

Ўша аснода Қанбар Али Мирохўр қаҳрамонлик тариқининг бир бўлак соликлари билан тизгиндош бўлиб, Султон Маҳмуд Мирзонинг жавонғоридан жасорат қадамини олға босиб, Амир Ҳасан Шайх Темурга ҳамла қилди ва ўқнинг тез учар қушларини камон ошиёнидан учирма қилиб, ёппасига ўқ отиш мартабасини ҳаддан оширдилар. Уларнинг қон ичар ўқлари кўплигидан қаттиқ қасос олувчи Баҳром офтобнинг олтин тусли қалқонини боши узра тутди.

Назм:

Баҳром табиатли ёйчи ботирлар,
Камондан ўқларни ота бошлашди.
Шунчалик кучайди ўқлар ёмғири,
Камон булут билан гўё учашди.

Ўша маҳалда Амир Ҳасан Шайх Темур кучли бир тадбир ишлатди: ўз одамлари билан қалқон ва тўраларни олдинга ту-

¹ Соқа – қўшиннинг орқа қисми.





тиб, душманга қарши уруш қуроладини ишга солмай тура-
верди. Бу иш музаффар туғли хоқон кўнглига бошқача тарзда
туюлиб, Амир Ҳасаннинг душман билан тили бирга ўхшайди,
адоват қиличини қасос қинидан чиқармаяпти-ку, деган гу-
монга борди. Шунга кўра Амир Низомиддин Алишернинг ука-
си Дарвеш Али китобдор, Амир Беҳбуд, Муҳаммад Али Атка,
Бахшика, Шоҳвали Қилчоқ, Дўст Муҳаммад Чухра, Амир Қул
Али, Алайка Такташни уч юз нафар Рустам аломатли баҳодирга
қўшиб, агар Ҳасан Шайх Темурнинг қочиш нияти бўлса, оташ
пурковчи пайкон олови билан ҳаёти хирманини куйдирсинлар,
деган мақсадда «тўлғама қўшин»и йўсини билан Ҳасан томон
юборди.

Аммо душман томондан Қанбар Али Мирохўр ва ёнидагилар
ўз жасорат таркашида қанча ўқ бўлса, барчасини отишгач ва
отларни йўрттиравериб чарчатгач, Ҳасан Шайх Темур ёнидаги
қаҳрамон отличлар билан бирга пана қилиб турган тўра ва ча-
парларни бошларидан олиб ташлаб, бош ёрар шамширни фило-
фидан чиқардилар ва оҳулар подасига ташланган йиртқич шер-
лар каби душман устига отилиб, уларнинг Сурайё каби бир ерга
тўпланган йиғини тизмасини Банот ан-наъш¹ сингари тўзғитиб
ва тарқатиб юбордилар.

Шунга ўхшаб нусрат аломатли лашкар жавонғоридан Султон
Аҳмад Мирзо, Амир Шайх Абдуллоҳ, Амир Абдулхолиқ, Минг
Будоғ Султон, Давлатхожа Ўзбак ва ҳировулдан Амир Музаффар
Барлос бошқа зафар иқтибосли баҳодирлар билан бирга душман
сафига ҳамла қилиб, қиёмат куни аломатини намоён қилдилар.
Ул жасурлик ва мардоналик тоғи йўлбарслари, шижоат ва жон-
бозлик денгизи қаърининг наҳанглари бу урушда қанчалик оли-
шув ва қон тўкишлик имкони бўлса, ҳеч камчиликсиз шунчаси-
ни бажо келтирдилар.

¹ *Банот ун-наъш* (тобут қизлари) – араблар чўмичга ўхшаш Катта (Етти қароқчи) юлдуз туркумининг «чўмич»ни ташкил қилувчи тўрт юлдузини тобут (наъш)га ва «чўмич» бандидаги уч юлдузни тобут олдида йиғлаб бораётган қизлар (банот)га ўхшатганлар. Бу ҳолатга ишора «тарқоқлик», «айрилиқ» маъносини ҳам билдиради.





Султон Маҳмуд Мирзонинг одамлари ҳам чидам оёғини қаттиқ тираб ва жасурлик қўлини паҳлавонлик енгидан чиқариб, бир жанг соддиларки, ер юзи палосининг кўзи отлар туёғи зарбаси шиддатидан ёйилган нур зарраларидек ҳавога йўналди, мавкаблар отлари тақалари ниқоби шу даража гарду губор тўзғитдики, жаҳонни қиздирувчи офтоб чанглар ниқоби ортида беркилиб, чехра очмади. Оташ сочувчи найзалар шуълалари яшиндек тириклик хирмонини кўйдирар эди. Чақин кирдорли қон ичар пайконлар жон кўйдирувчи оловни одамларнинг ички ўчоғига пуркар, сув тусли қиличлар кўп қон тўкавериб, уруш саҳроси чангига сув сепарди. Оғир гурзилар ботирлар бўйинини юмшатиб, уларни эгарлардан ер тубан ағанатарди.

Ниҳоят иқбол хабарчиси «Аллоҳ, сизга қудратли ёрдам бериш учун Биз сизга равшан ғалаба бердик»¹ муждасини музаффар туғли хоқоннинг ҳуш қулоғига етказди, Султон Маҳмуд Мирзо сипоҳи аҳволи саҳифаси узра эса ожизлик ва тушкунлик аломатлари намоён бўлди.

Хоқоннинг зафар киришимли қўшини фатҳу ферузлик байроғини ҳилпиратиб, душманни тор-мор келтирди. Фаним лашкаридан жуда кўпчилиги ҳалок бўлиб, олам аро «шак-шубҳасиз Бизнинг қўшинимиз ғолиб бўлгувчидирлар»² каримаси овозасини ёйдилар.

Тақдирни қарангки, жанг сўнгроғида Султон Маҳмуд Мирзо қўшинидан икки юзга яқин суворий ўттиз киши билан ғалаба шиорли лашкарнинг баронғор қисмида турган Бойқаро Мирзо устига бостириб келишди. Мирзо Бойқаро улар ҳужумини қайтаришга машғул бўларкан, тўсатдан отининг туёғи сунчикиб кетиб, ул жаноб эгар устидан ер тубан кулади. Шунда оёғининг бир бармоғи синди ва Султон Маҳмуд Мирзо ботирлари ул олий насабли подшоҳни ушлаб, ёнида олиб кетдилар. Аммо ўз лашкаргоҳи сари бир неча қадам илгари юришгач, кутилмаганда ўз подшоҳининг қочгани хабарини эшитдилар. Апил-тапил Бойқаро Мирзони қўйвориб, ўзлари ҳам қочишга тушдилар. Ул

¹ Қуръони карим, Фатҳ (48) сураси, 3-оят.

² Қуръони карим, Вас-саффот (37) сураси, 173-оят.





жаноб бир амаллаб мақсади ҳосил укаси олдига етиб келиб, аъло ҳазрат кўнгли бу ташвишдан қутулди.

Алқисса, мансур хоқон фатҳу зафар қоматини кўргач ва юлдузи куйган душманлар қочганини мушоҳада этгач, жаннат аломатли манзилга қўш ташлади. Мансур хоқон ул урушда ғоятда шижоат ва паҳлавонлик кўрсатган Исфандиёр аломатли амирлар ва Рустам кирдорли нўёнларни турли-туман подшоҳона лутфлар ва анвойи шоҳона тортиқлар билан сийлаб, бошларини осмон қадар кўтарди. Олий мансаб ва баланд мартабалар иноят қилиб, қадр қийматларини Фарқадон юлдузи бошигача юксалтирди.

Шу жумладан жасурлик майдонига журъат оёғини қўйиб, қаҳрамонлик кўрсатиш асносида бир нечта жойидан яраланган Аҳмад Муштоқни қуббатулислом Балх бошқаруви билан сарафроз қилди. Сўнг зафар қоматли қутлуғ соябон қодир Аллоҳ ҳимояси сақловида Чакман манзилдан Андхуд атрофига қайтиб, бир неча кун истиқомат тўшагини тўшади.

СУЛТОН АБУСАИД МИРЗОНИНГ ЎҒЛИ АБО БАКР МИРЗОНИНГ СОҲИБ ТАДБИР МАНСУР ХОҚОН ҲУЗУРИГА КЕЛГАНИ ЗИКРИ



Султон Абусаид Мирзо аҳволи баёни асносида маълум бўлганидек, довжорак ва баланд ҳимматли шаҳзода Або Бакр Мирзо улўғвор отаси давлати айёмида Бадахшон мамлакатада ҳукумат юргизарди. Қорабоғ воқеасидан кейин Амир Жалалиддин Мазид Арғун Бадахшонга кетиб, мазкур шаҳзодага бўйсунуш занжири-ни елкасига ташлади ва шунинг воситасида бу шаҳарда амирлар ва лашкар аҳлидан анчасини йиғиб, натижада Або Бакр Мирзо ишлари ўнгланиб кетди. Чакман мавзеида душманни енгувчи подшоҳ Аллоҳи таоло инояти билан Султон Маҳмуд Мирзо устидан ғалаба қозонгач ва ғалаба оятли байроқ ойчаси нурлари ул ҳудуд мамлакатлари ён-атрофига сочилгач, Або Бакр Мирзо мансур хоқон билан ихлос ва муҳаббат риштасини боғлашни кўнглига тутиб, келишув ва бирдамлик борасида гапираркан, падшоҳлик



хонадонидан бир каримани ўз никоҳига киритиш фикрига тушди ва шу қарор билан Бадахшондан Жайхун дарёси бўйига келиб, аъло тахт пойига элчи юборди ва нурли юрагида яширинган ниятидан бир бўлагини олампаҳо даргоҳ эгасига айттирди.

Мансур хоқоннинг ақл нурлари бу маъно сари тушгач, ғоятда хурсанд ва шод бўлди. Маслаҳат ва рухсатдан сўнг ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер шаҳзода ҳузурига бориши ва уни хоқонликнинг чексиз иноятидан умидвор қилиб, қандай бўлмасин шаҳзоданинг сидрат-ил-мунтаҳо мартабали даргоҳга келишига эришиши лозимлиги борасидаги қарорига келинди.

Амир Алишер фармонга биноан олий маконли шаҳзода даргоҳига бориб, ул жанобнинг тасаввур қилинган даражадаги фаросат етуклиги ва ақл баркамоллиги туфайли элчилик расмини адо этиб, ул олам султонлари бошлиғининг яхши хулқи ва мақтовли атвори борасида тўлақонли тарзда сўзлаб бергач, шаҳзода Амир Жалолиддин Мазид Арғун билан биргаликда қутлуғ мулоқотга ошиқди ва Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Қози қишлоғида учрашув шарафини топди.

Мансур хоқон Або Бакр Мирзони мўл-кўл тортиқ ва инъомлар, меҳрибонлик ва мушфиқлик билан сийлаб, бир неча кун давомида тўй тантанасини ўтказди ва айш зиёфатларини ясаб, иффату ҳаё ва ҳашамат пардаси хонанишини Султонбегимни шаҳзодага унаштириб, шариф кўнглини қувончга тўлдириб шоду хуррам қилди.

Тўй ва зиёфат кунлари тугагандан сўнг ул халифалик қўшининг нурли қалби салтанат ва подшоҳликнинг буюк ишларини саранжомлаш сари йўналиб, Або Бакр Мирзога яна бир марта тиллодўзи хилъат ва гардун қувватли отлар тортиқ қилиш билан ифтихор туйғусини бағишлади. Амир Мазид Арғун ва шаҳзоданинг бошқа амирлари ва хос кишиларини кийим ва пул, бошқа нафис буюмлар инъоми билан сарафроз қилиб, қайтишларига рухсат берди.

Шаҳзода Бадахшон шаҳрига етиб боргач, Амир Мазид Арғундан кўнгли қолди ва унинг давлатдаги ихтиёр ва эътибор





мартабаси табиатларига мувофиқ тушмай юрган бир тўда ичкилар ифвоси ва қутқуси билан Амир Мазидни шаҳидлик даражасига етказди. Натижада Або Бакр Мирзонинг молу мулкига катта бир бузилиш йўл топди. Султон Маҳмуд Мирзо бундан фойдаланиб, Бадахшон мамлакатини босиб олиш ниятида ул ўлкага кўз олайтирди. Шаҳзода яна бир марта мансур хоқоннинг ҳузурига ошиқди ва бир неча кун ул ҳазратнинг ғамхўрлиги ва меҳру муҳаббати сояси остида тинч-осуда ҳаёт кечирди. Аммо Аҳмад Муштоқнинг исёни даврида қочиб, оти жиловини Бадахшон сари бурди. Худо хоҳласа келажак ҳикоялари асносида бу воқеаларга ойдинлик киритилажак.

**МУҲАММАД УМАР МИРЗОНИНГ МАНСУР
ХОҚОНГА ҚАРШИ ЧИҚҚАНИ ВА ШОҲ
ФАРИБ МИРЗОНИНГ ЙЎҚЛИК ОЛАМИДАН
БОРЛИҚ МАЙДОНИГА КЕЛГАНИ ЗИКРИ**



Бдгор Муҳаммад Мирзонинг Хуросондаги айрим шаҳарларни истило қилгани натижаси ўлароқ баъзи бир калтабин кишилар адолат мазҳабли хоқоннинг қутлуғ мавкабини тарк этиб, қочиш йўлига кирган вақтларда Муҳаммад Умар Мирзо бин Султон Халил Мирзо бин Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо бин Муҳаммад Султон Мирзо бин Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо бин Амир Темур Гурагон, Юсуф Тархон ва бир тўп сардорлар билан бирдамликда 874 йил ўн тўққизинчи зулҳижжада¹ Соқи Салмон даштида қутлуғ ўрдудан қочиш юзини Гармсир ва Қандаҳор тарафга ўтирди ва ул вилоятлар ҳудудига етишгандан сўнг Султон Абусаид Мирзонинг улуғ амирларидан бўлган ва Қандаҳорда ҳукумат юргизиб ўтирган Амир Низомиддин Аҳмад бин Тўкал Барлос шаҳзода олдига элчи юбориб, унга бўйсунуши ва итоат этиши борасидаги хушхабарни айттирди.

Муҳаммад Умар Мирзо Қандаҳорга кириб бориб, оёғини сарварлик тахтига қўйди. Мансур хоқон Султон Маҳмуд Мирзони

¹ 874 йил ўн тўққизинчи зулҳижжа — 1470 йил 29 июнь.





йўқотиш билан машғул бўлиб юрган пайтларда Муҳаммад Умар Мирзо фурсатни ғанимат билиб, катта қўшин билан Қандаҳордан Қаҳдистон сари ошиқди ва куч-қувватини кўрсатиб, лашкари зулми учқуни ул вилоят аҳолисининг ички ўчоқлари сари тушди. Мансур хоқон Андхуддан қайтган вақтда Або Бақр Мирзога Бадахшон тарафга кетиши учун рухсат бериб, у музаффар ва ғолиб суратда Чечактуга бориб, истиқомат байроғини ҳилпиратди.

Муҳаммад Умар Мирзонинг тўс-тўполони воқеаси миш-миш бўлишга киришгач, мансур хоқон унинг иқбол ниҳолини қуритмоқ хаёлини кўнглига тутиб Қаҳдистон томон юзланди.

Охта Охур манзилига етишгач, атолар бағишловчи малики маннон мансур хоқонга фармон берувчилик тожига муносиб бир ўғил ва мамлакат олувчилик тахтини безашга лойиқ бир фарзанд иноят қилди. Яъни ойдин шариат ҳукми бўйича саодатли хоқоннинг никоҳига кирган маҳди улё Хадичабеги Оғодан Абулфаворис Шоҳ Ғариб Мирзо дунёга келди. Бу иш қутлуғ кўнгилда қувонч ва севинч ортишига сабаб бўлиб, бир неча кун хурсандчилик ва ишрат палосини ёйишга киришди.

Тўй ва тантана маросимлари тугагач, у ердан кўчиб, манзил ва масофаларни босиб ўтгач, Хофнинг Ҳаддодон мавзеини шоҳликнинг жоҳу жалол чодирлари тикилган жойга айлантирди. У бекатдан Қоин шаҳри таркибига кирувчи Испандор мавзеига ошиқиб, йўлда душман қоровуллари яқинлашиб келгани хабарини эшитди ва жасурлик майдони курашчиларидан бир бўлагини улар устига юборди. Кетганлар тез орада душманнинг қоровул қисмидан тўққиз кишини асир олиб, салтанат тахти остига келтирдилар. Ул ҳазрат бу жамоадан Муҳаммад Умар Мирзо борасида сўраб-суриштиргач, шаҳзоданинг Қоин қасабаси ташқарисига тушиб, қамалга машғул экани маълум бўлди. Шундан сўнг шижоатпаноҳ хоқон ғалаба шиорли қўшиндан тўрт минг отлични танлаб олиб, илғор йўсини билан душман томон юзланди.

Бу хабар Муҳаммад Умар Мирзога етишган заҳоти қочмоқ қарорини ихтиёр этди. Аскарлардан айримлари шаҳзода кишилари кейинидан қувиб, кўп уруш ўлжасини қўлга киритди-





лар. Аммо шаҳзоданинг кейинидан қувиб ета олмасликларига кўзлари етгач, орқага қайтишга мажбур бўлиб, соғ-омонлик кафолати остида хоқонлик мавкабига келиб қўшилдилар. Сўнг ул ҳазрат салтанат пойтахти Ҳирот томон юриб кетди ва қишни жаннатдан нишон берувчи мазкур шаҳарда давлат ва иқбол билан ўтказаркан Хуросон мамлакатлари аҳолиси боши узра меҳрибонлик ва эҳсон қанотини ёйди.

Муҳаммад Умар Мирзо эса Қандаҳорга етиб боргач, яна бир марта жасур қўшин йиғиб, Фароҳ қасабаси тарафга от солди. Бу хабар ҳазрат хоқоннинг шариф қулоғига етиб, Амир Музаффар Барлос ва зафарга ёр амирлардан бир нечтасини голиб келувчи қўшиндан бир гуруҳи билан ўша томонга юборди ва икки ўртада уруш-саваш ишлари амалга ошиб, босар-тусарини билмай юрган шаҳзоданинг жон чиқар жойига ўқ тегди. Шу зайл Қандаҳор мамлакати жамшид иқтидорли хоқон тасарруфи остига кириб, ул исён олови қилич ва ўқ суви воситасида ўчирилди.

**ДАВЛАТ УСТУНЛАРИДАН БАЪЗИЛАРИНИНГ
МАНСУР ХОҚОН ТАРБИЯТИ ТУФАЙЛИ
БОШЛАРИ БАЛАНД БЎЛГАНИ, ҲАСАН
ШАЙХ ТЕМУРНИНГ ЭСА ЭЪТИҚОДИ
БУЗУҚЛИГИ ВА ШУМ НИЯТЛИГИ
САБАБИДАН ЎЛДИРИЛГАНИ ЗИКРИ**

Жаҳон олувчи подшоҳнинг оидин кўнгли ҳамиша хайрия иморатлар қурувчиси ва савоб ишларнинг асосчиси, таъб латофати ва қалб тозалигида ўхшашию тенги йўқ Амир Алишерни шон-шавкат мансабининг энг олий мартабасига кўтармоқчи бўлиб юргани сабабли салтанат ва жаҳонбонлик тонги қуёшининг балқishi бошларида¹ давлатнинг катта муҳрини сақлашни ул жаноб зиммасига юклади. Амир Алишер ҳам бир неча вақт муҳрдорлик вазифаси шартларини бажаргач, ул мансабдан истеъфо бериш мақсадида мансур хоқондан ўз ўрнига Амир Ни-

¹ 1469 йил март ойи кўзда тутилмоқда.



зомиддин Шайх Аҳмад Суҳайлийни муҳрдор қилишларини илтимос қилди. Мансур хоқон бу илтимосни ижобат иззатиға етказди.

876 йил шаъбонида¹ ул бандаларни сийловчи подшоҳ бу таъзими вожиб амирни олий девон ишлари бошлиғи саналмиш энг юқори мансабга тайинлашни истади. Амир Низомиддин Алишер дастлаб бу ишни қабул қилишдан тортиниб, шундай дея арзга етказди: Соҳиб мансаб бўлмасам-да, мен ҳозир Сидра мартабали бўсаганинг ичкилари қаторида туриб, улуғ амирларнинг барчасидан кўра энг тўрда осмон ҳашаматли тахтга яқинроқ ўтирибман. Мабодо давлат мансабларига мутасаддилик қилгудек бўлсам, яъни давлат хизматчисига айлансам, маълумки, яссо ва тўра қонунига биноан айрим *барлос* ва *арлот* амирлари ҳар қандай мансабдорга нисбатан тахтга яқинроқ ўтиришлари шартлиги сабабли, демак, мен бундай мансаб эгаси бўлиш баробарида аслида қуйи мартабага тушиб қолган бўламан.

Мансур хоқон бу баҳонани қабул қилмади ва чексиз иноят юзасидан «Амир Музаффар *Барлос*дан бошқа олий асосли амирлардан ҳеч бири Амир Алишердан олдин муҳр босмасин» деган қутлуғ фармон берди.

Шундан сўнг ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси хоқоннинг ойдин кўнгли истаги бўйича олий девон амирлиги² мансабининг эгаси бўлиб, зардўзи жубба (усти ҳашаматли кийим) ва наврўзий кулоҳ кийиш билан ифтихор ва сарафрозлик топди.

Одамлар энди Амир Алишер ҳамма бажариши шарт фармонга биноан бошқа амирлардан кўра юқорироққа муҳр босади, дея тасаввурда эдилар. Аммо ўша куни ул жанобнинг қўлига яхши бир соатда муҳр босиш учун ҳужжат-фармон қоғозини тутқазганларида, амир ўта камтарлик ва нафсни тийиш хислати юзасидан шундай бир жойга муҳр босдики, ҳеч кимнинг ундан қуйироққа муҳр босиши учун жой қолмади.

¹ 876 йил шаъбон — 1472 йил 13 январь — 10 февраль оралиғи.

² Олий девон амирлиги — давлат девони ўз вазифаси ва номига эга бир нечта девонлардан ташкил топган бўлиб, бу девондаги нуфузли девон бошлиғи ва вазирлардан ҳам юқори турувчи бош вазирни шундай аташган.



Байт:

Замон минг хил ўйин қилар басма-бас,
Бизнинг тасаввурда биттаси бўлмас.

Бу иш хос ва авомнинг таҳсинига сазовор бўлиб, ислом подшоҳининг эътиқоди яна ҳам ортишига сабаб бўлди. Ҳужжатнинг ул тўғри кўнгилли амирнинг шариф муҳри билан нақшланадиган жойи шундай ўрин даражасига етдики, шундан сўнг кимга муҳр беришса, улар ҳам худди ўшандай ерга муҳр босишга уриниб, шуни илтимос қиладиган бўлишиб, «жой шарафи қудрат билан мустаҳкам» ҳикматининг ҳақиқати барча кишилар назарида юзага чиқди.

Илму фазилатлар эгаси жаноб мавлоно Бурҳониддин Атоуллоҳ ар-Розий Низомиддин Алишернинг амирлиги тарихини шундай айтганди.

Қитъа:

Фалак қадр Алишер шараф бобида,
Камолин билишдан ақл ожиз қолди.
Шоҳ Ғозий лутфидан Ҳақ қисмати-ла,
Шаъбоннинг сўнгида девонга келди.
Давлат девонида муҳр босган сана,
Ўша: «Мир Алишер муҳр босди»¹ бўлди.

Амир Низомиддин Алишер девон амирлиги мансабига ўтирган ўша куни Ҳасан Ардашер ҳам девонлик мансаби билан сараф-роз бўлди.

Ўша йили Хожа Қавомиддин Низомулмулк Хофий вазирлик мансабига чиқди. Хожа Низомулмулк мавлоно Шаҳобиддин Исмоилнинг ўғли бўлиб, бир неча вақтдан бери Хоф вилоятининг баъзи бир қасабалари қозилигини бажариб келарди.

Ўша йил охирларида² тенги йўқ хоқон Хожа Ғиёсиддин Пир Аҳмад Хофийнинг ўғли Хожа Маждиддин Муҳаммадни инояти назарига манзур тутиб, ул фозиллар паноҳи бўлмиш хожанинг

¹ *Мир Алишер муҳр зағ (Мир Алишер муҳр босди)* – абжадда бу сўзлардан 876 сони чиқади.

² 876 йил охирлари – 1472 йил май ойи.





парвоначи ва рисолатчилик¹ мансаби мутасаддиси этиб тайинланиб, барча мулкӣ ва молиявий ҳужжатларга муҳр босиши ва қачон подшоҳ девонда ўтирса, подшоҳ тахти остида ўтириб, воқеа-ҳодисалар, дод истовчилар сўзи ва улар иши юзасидан чиқарилган ҳукмларни ёзиб бориши ҳамда фармонлар устидаги олий толели қутлуғ катта муҳр рўпарасига тавқи² битишига оид фармон чиқарилди. Хожа Маждиддин Муҳаммад Султон Абу-саид Мирзо замонида бир неча вақт иншо мансабида мавлоно Низомиддин Абдулҳай мунший билан шерикчиликда ишлаган эди ва мансур хоқоннинг салтанати бошларида Кичик Мирзонинг вазирлик лавозимини бажарарди. Қобилияти кўплиги ва салоҳияти етуклиги подшоҳнинг нурли кўнглига маълум бўлгач, уни шаҳзодадан талаб қилиб, мазкур мансаблар билан сарафроз қилди.

Алқисса, Амир Низомиддин Алишернинг амирлиги шарофатидан ва Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг ноиблиги туфайли салтанат ва подшоҳлик ишлари янгидан ривожу равнақ топди ҳамда халқ ва қўшин ишлари қайтадан тартибу назм сифатига эга бўлди.

Назм:

Ул яхши хислатли мир адолати,
 Ердан осмонгача маъмурлик этди.
 Ул пок динли хожа тадбиридан ҳам,
 Бошқарув тизимга метинлик етди.

Бу жамоатга шу каби меҳрибонлик ва ғамхўрлик амалга ошиб турган пайтлари Амир Ҳасан Шайх Темур ўзининг қора ишлари учун жазога йўлиқди ва хоқоннинг сиёсат қўли ул паҳлавонлик тўқайи шерининг ҳаёт кундалигини йиртиб ташлади.

Ҳасан Шайх Темур Мирзо Абулқосим Бобур замонида ясовул эди ва қуввату шижоати кўплиги туфайли ул олий мартабали

¹ *Рисолатчи* — девонга ҳокимлар ёки арзчилардан келган хатларни ўрганиб, уларга жавоб битувчилик мансаби. *Рисолат* — ёзишма.

² *Тавқи* — олий фармон ёки хат устига қўйиладиган махсус белги; хат усти ёки остига битиладиган лозим ибора, топшириқ сўзлари; тавқили хат: подшоҳ белгиси ва муҳри қўйилган хат.



подшоҳ кундан-кунга тарбиясини ошириб борди. Амир Ҳасан Шайх Темур Мирзо Абулқосим Бобур вафот этгач, олий мансаб ва юксак мартабаларга эришиб, улуғ амирлар қаторидан жой олди. Гарчи у жасурлик ва паҳлавонлик сифати орқасида замоннинг кўпчилик ботирларидан анча устунликка эга бўлса-да, аммо туғма хислатининг мақсади улуғ валинеъматлар ҳақиға риоят қилмайдиган ва ҳамиша қалбига макру ҳийла нақшини чизиб юрадиган одам эди. Султон Абусаид Мирзо салтанати замонида бир неча вақт мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг хизматида турди.

Ул ҳазрат мушфиқона тарбиятлар қилганига қарамай, ҳеч сабабсиз қочмоқни ихтиёр этиб, Султон Абусаид Мирзонинг хизматида кетди.

Қорабоғ воқеасидан кейин тағин оламини олувчи мансур хоқон даргоҳига ошиқди ва шоҳона меҳрибонлик кечирим рақамини унинг гуноҳлари саҳифаси узра битиб, Астробод вилояти бошқаруви Ҳасан Шайх Темурга топширилди. У эса яна бир марта бевафолик йўлини тутиб, Ёдгор Муҳаммад Мирзога қўшилди. Кўп ўтмай Ёдгор Муҳаммад Мирзодан ранжиб, Мурғоб дарёси бўйидан Самалқон ва Жари Муғон вилоятига кетди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг ишлари бир ёқли бўлгач, Марв қишловида ҳазрат хоқони мансур хизматида етишиб, тағин риоят ва тарбиятга эришди. Аммо шунчалик марҳамат ва яхшиликка қарамай, кўрар кўзини неъматга куфроналик доғи қоплади. Ўтган воқеаларгача даврда исён чангини тўзғитмоқ ўйида юраркан, унга бериб қўйилган Хабушон қалъасини барча захиралари ва қабилаю уруғларни ўша қалъага кўчириб киритиш воситасида мустаҳкамлаб, ишончли кишиларига кечаси Ҳирот шаҳри ташқарисидан қочиб, ўша ёққа кетишни тайинлади. Шу ниятда ўз уйининг далага қараб турган деворларидан бирини тешишни буюрди. Навкарларидан Мардоншоҳ исми бир шахс бу воқеа ҳақиқатини давлат устунларидан бири орқали арз шарафига етказди. Хоқоннинг ғазаб олови алангаланиб, Ҳасан Шайх Темурни Ихтиёриддин қалъасидаги зиндонга ташлатди. Жамшид қудратли шаҳриёр ул ғаддорнинг иши борасида улуғ амирлар



билан маслаҳат қурди. Шунда Амир Носириддин Абдулхолиқ деди.

Мисра:

Мулкка рахна солувчининг боши кесилгани яхши.

Ҳасаннинг ҳаёт ипи дўстларидан биттаси олиб келиб берган эгов воситасида кишанни эговлаб, ҳийла арқони ёрдамида Ихтиёриддин қалъасидан пастга тушиб қочмоқчи бўлган куни сиёсатнинг ўткир қиличи билан узилди.

ҚУЁШДЕК ПОРЛОҚ БАЙРОҚНИНГ АҲМАД МУШТОҚ ИСЁНИ ВА БУЗУҚЛИГИНИ ЙЎҚОТИШ УЧУН ҚЎЗҒАЛГАНИ БАЁНИДАГИ ГАПЛАР



Аҳмад Муштоқ қуббатулислом Балхда бир неча вақт бошқарув ишини бажаргач, такаббурлик ва ғурур тутунига димоғи сари йўл бериб, мустақиллик пойдеворини тиклаш режасини тузди. Бор кучи ва ўта тиришқоқлик билан қаршилик ва душманлик асбобини топиб, Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзо олдига элчилар юбориб, ўзини уларга тарафдорлар қаторига қўшди.

Бу хабарлар салтанат пойтахти Ҳиротда маълум бўлгач, хоқоннинг жаҳон олувчи ақли Аҳмад Муштоқни усталик билан Балхдан чиқариб олиб, бундан буёғига ул диёр ихтиёри тизгинини унинг қудрат қўлига бермасликни тақозо қилди.

Шунга кўра подшоҳ Амир Абдулхолиқни бир гуруҳ иттифоқдош сардорлар билан бирга қуббатулислом Балхга жўнатаркан уларга: Балх шаҳрига киргач, Аҳмад Муштоққа «бизнинг Балхга келишимизга сабаб шуки, мабодо Мовароуннаҳр томондан душман лашкари келиб, дарёдан ўткудек бўлса, уларни шу ердан туриб қайтариш осонликча муяссар бўлади» денглар. Шунда Аҳмад Муштоқ гапингизга ишониб, кўнгли хавотир ва шубҳадан холи бўлади. Сўнг қулай фурсатини пойлаб, имкон туғилди дегунча қўлга оласизлар ва қамаб қўясизлар, дея таъкидлади.





Амир Абдухолиқ бекат ва манзилларни босиб ўтгандан сўнг Балхга кириб борди. Аҳмад Муштоқ унинг ҳаракат ва ўтириб-туришидан амирнинг келиш сабабини жуда яхши фаҳмлади ва гапнинг пўсткаласини айтиш учун амирни шаҳардан ташқарига таклиф қилиб «мен ўзим ҳам тез орада олампаноҳ даргоҳга бормоқчиман ва фитнаю исён аҳли арз қилган чақувлардан ўзимни оқлаб, тухмат айбловларини зиммадан соқит қилмоқчиман» деди.

Амир Абдухолиқ аъло ҳазрат тахти пойига етиб, Аҳмад Муштоқдан нимани кўриб-эшитган бўлса, барчасини айтиб берди. Мансур хоқон бир неча кун интизорлик кўзи билан «Аҳмад Муштоқ тавфиқ йўлбошчиси кўрсатмаси орқасида хилоф ва нифоқ саҳросидан чиқиб, вафо ва бирдамликнинг тўғри йўлига киргандир» деган умидда йўлига термулиб ўтирди. Аммо унинг ваъдасидан асар ҳам кўринмагач, Аҳмад Муштоқнинг адабини бериб, эсини киритиб қўйишни олий кўнглига тутиб, зафар оятли байроқни қубатулислон Балхни забт этиш ниятида баланд кўтарди ва салтанату жаҳонбонликнинг кўз қорачиғи Бадиуззамон Мирзони салтанат пойтахти Ҳирот ҳукумати бошқарувига тайинлаб, Амир Мўғулни мазкур шаҳзода хизматида қолдирди.

Амир Аҳмад Муштоқ мукаррам хоқоннинг Балх устига юриш билан келаётганидан хабар топиб, Балх қалъасининг буржу деворларини мустаҳкамлади ва шаҳар ичига беркиниб урушишга қарор қиларкан, Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзо ҳузурига ой йўналишли элчиларни юбориб, ёрдам сўради.

Ул икки олий мартабали подшоҳ Балхни эгаллаш мақсадида Аҳмад Муштоққа мадад учун юзланиб, Султон Маҳмуд Мирзонинг шахсан ўзи дарё бўйига юрди.

Султон Аҳмад Мирзо гарчи дарҳол йўлга тушмаса-да, аммо Самарқанд амирлари ва қўшин аҳлидан катта бир бўлагини ўша томон жўнатди.

Хоқоннинг галаба аломатли байроғи ойчаси Балх ҳудудини ёруғлантиргач ва Аҳмад Муштоқнинг қалъани беркитгани ва исёнга қўл ургани аниқлангач, зафарга ёр хоқон ойдин манглайини қаҳр ажини билан тириштириб, қамал асбоблари-





ни тузатмоқ ва уруш қуроладини тартибга солмоқ борасида буйруқ берди.

Қалъа атрофи амирларга тақсимлаб берилиб, ҳар ким ўз мурчалаига бориб тушди. Хоқонлар фармонфармоси Шох Ҳусайн буржи рўпарасида жойлашди. Ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси Амир Алишер қалъанинг Ширхўр дарвозасини лашкаргоҳга айлантирди. Бошқа амир ва давлат устунларию Миррих савлатли аскарлар ул осмон кирдорли қалъани марказвор ўртага олдилар ва хандақ сувини бошқа тарафга олиб сепдилар. Ясоқлар чуқурни теп-текис қилиш учун ичига дарахт ғўлаларини улоқтириш, тупроқ ва хашак билан кўмишни бошлаб юбордилар.

Шу аснода аъло ҳазрат арзига Султон Маҳмуд Мирзонинг катта қўшин билан Амуя дарёси бўйига келиб қўш ташлагани ва Аҳмад Муштоққа ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани хабари етишди. Шунга кўра қутлуғ фармон чиқарилиб, Амир Музаффар *Барлос* зафар иқтидорли қўшиндан бир бўлаги билан Термиз кечувига бориб, қудратли давлат душманлари рўпарасида истиқомат чодирини тиклади ва Самарқанд, Ҳисори Шодмон лашкарининг дарёдан ўтишига қаршилик қилиб, уруш-саваш ва олишув байроғини ҳилпиратди.

Аҳмад Муштоқ Султон Маҳмуд Мирзонинг Жайхун дарёси бўйига келганини эшитгандан сўнг юраги дадил тортиб ва кўнгли ёруғлашиб, қадамини қаршилик ва нифоқ водийси бўйлаб қаттиқроқ ташлади. Ҳар кун такаббурлик ва мағрурлик шамоли билан уруш оловини алангалатиб, ниҳоятда чексиз паҳлавонлик кўрсатди.

Бу тарафдан ҳар куни қуёшнинг найза санчувчи чавандози ҳиммат камарини айланувчи қўрғон устига отган тонг маҳали хоқони мансур тоғ гавдали отига миниб, ул осмон кирдорли қалъа фатҳини иқбол аломатли кўнглига тугарди. Ноғора ва бурғу товушлари Сурайё юлдузига етар, карнай ва сурнай садолари олам устунларини ларзага соларди. Қутлуғ мавкаб баҳодирлари қалқон ва чапарларни бошлари узра ёпиб, оёқларини кураш майдонига қўйишарди. Шижоат ва журъат қўли билан ўлим таъсирли ўқ



бургутларини камон уясидан учирма қилиб, душманлар боши миясидан насиба топтиришарди.

Ўша аснода бир куни мардоналик осмонининг тўлин ойи, кучқувват ва журъат бобида Рустам нишонли паҳлавонлардан устун ва мустасно бўлмиш Амир Саййид Бадр зафар асарли қўшин ботирларидан бир тўпи билан бирга уруш солиб, дилни тикар ўқ учи билан қалъа йўлаки тепасида тош ва ўқ отиб турган бир нечтасини ҳалок қилди ва қалъа хандақидан ўтиб, жасурлик оёғини олға босаркан, хокрез¹ ўртасидаги Шайх Ҳожи хандақи четига-ча етишди ва у хандақдан ҳам ўтмоқчи ва шижоат арқони билан Шоҳ Ҳусайн буржига кирмоқчи бўлганида, Аҳмад Муштоқ ҳолни бу янглиғ кўриб, ўз қўшинидан бир тўп ботирларни Амир Саййид Бадр ва ёнидагиларга тўсқинлик қилиш учун минорадан пастга юборди. Улар ичидан бир *туркман* қўлидаги найза во-ситасида Амир Саййид Бадр билан олишувни бошлади. Ул юк-сак мартабали саййид паҳлавонлик панжаси билан душманнинг найзасини қўлидан юлиб олиб, ўзи томонга шундай тортдики, *туркман* саййиднинг оёғи остига келиб тушди. Шунда саййид унинг устига ўтириб олиб, ўткир қилич билан бошини танасидан жудо қилмоқчи бўлиб турганида, тўсатдан бошқа биттаси келиб қолиб, у ҳам найза ўқталди. Ул жаноб ўша ўтирганича қўлини чўзиб ва бунинг ҳам найзасини илиб олиб, олдингиси каби шундай тортдики, буниси ҳам ер тубан қулади. Саййид Бадр ҳар иккаласини ҳам ўлдириб, бошларини кесди ва Фаридун тожли хоқон назарига етказди. Ул ҳазрат эса Ҳайдари каррор² авлодининг бу сарасини турли-туман подшоҳона лутфлар ва ҳар хил хусравона меҳрибонликлар билан сийлаб от, олтин, қимматбаҳо тўн ва бошқа буюмлар билан сарафроз қилган ҳолда қадр ва мансабини оширди.

Алқисса, Балх қалъаси ўта даражада мустаҳкамлиги ва ша-ҳарда мўл-кўл озиқ-овқат, қурол-яроқ каби захиралар ғамлаб

¹ *Хокрез* – ҳарбий истехком: қалъа деворининг пастки қисмида баланд кутарилган тупроқ уюми.

² *Ҳайдари каррор* (*ботир Ҳайдар*) – ҳазрати Али бин Абу Толибга берилган сифат.



қўйилгани натижасида мудофаа уруши ва қамал муддати уч-тўрт ойга чўзилди. Ўша вақт давомида кўпинча тонгдан шомгача уруш олови шуълаланиб, шомдан бомдогача «тайёр тур» садолари кайвон айвонидан ошиб турди.

Ўша тунлари Қора Жарчи лақаби билан танилган бир туркман ҳар кечаси қалъанинг Шоҳ Ҳусайн минораси тепасига чиқиб, қутлуғ давлатхона¹ рўпарасида турар ва тилини сўкиш ва уят гаплар учун чоғлаб, мансур хоқон ва зафар нишонли мавкабнинг барча мулозимларини ҳақорат сўзлари билан бўралаб сўкарди. Мансур хоқон тўғри ақли ва ўтқир фикрини ул ёмон юлдузли бадбахт ёмонлигини аритиш учун тўғрилаб, бир кечаси, ўқчилардан уч-тўрт кишига мазкур минора рўпарасида бири-бирига жуда яқин ва зич туриб ва қон ютар ўқларни камон ипига қўйиб отишни буюрди. Қора Жарчи ҳақорат ва сўкишни бошлагани заҳоти бу лаънатининг овози шовқини остида бирданига ўқ отишга тушдилар. Бу ҳийла тақдирга мос тушиб, ўқлардан биттаси ул малъуннинг бўғзига тегиб, энсасидан тешиб чиқиб кетди. Сўнг ер тубан қулаб тушганича, қайтиб бошини ердан кўтармади. Бу воқеа Аҳмад Муштоқ ва бошқа бузуқиларнинг руҳи тушишига сабаб бўлиб, шундан сўнг ҳеч бир киши сўкишга оғиз очмади.

Шу аҳвол асносида Амир Музаффар *Барлос* дарё бўйида ажиб бир ҳолга дуч келди ва мансур хоқон бу ҳодиса рўй берганидан таъсирланиб, унинг қайтишига рухсат берди.

Воқеанинг шарҳи шуким, Амир Музаффар дарё бўйида зафарли байроқни кўтариб, Мовароуннаҳр лашкарининг дарёдан ўтишига қаршилик қилиб турган айёмда гоҳида ноибларидан бир нечтаси кемага ўтириб, дарё ўртасигача боришар, у томондан ҳам Амир Шужоиддин Муҳаммад бин Амир Али бин Амир Бурундуқ бин Амир Жаҳоншоҳ бин Амир Жоку *Барлос*нинг ичкилари олдинга келиб, сулҳ ва уруш борасида сўзлашар эдилар. Бир куни иш шунга қарор топдики, бу томондан Амир Музаффар *Барлос*, у тарафдан Амир Муҳаммад, Амир Жаҳонгир *Барлос* қайиққа ўтириб, дарё ўртасигача келишди ва бевосита музо-

¹ *Давлатхона* – шоҳ саройи, давлат девони идораси. Бу ерда шоҳ қароргоҳи.





карага киришиб, ярашув асосини тикламоқчи бўлишди. Шунга кўра томонлар қарама-қарши тарафдан сузиб боришди. Аммо гаплашув асносида тўсатдан қаттиқ шамол қўзғалиб, Амир Музаффарнинг қайиғини мухолифлар турган қирғоққа оқизиб кетди. Қайиқ ҳайдовчилар қанчалик уринишмасин, қайиқни тўхтата олишмади. Султон Маҳмуд Мирзонинг у соҳилда турган одамлари қувонч ва севинчдан қичқиришиб, хурсандлик овозларини осмонга ўрлатиб шовқин кўтардилар. Амир Музаффар эса изтироб денгизида саргардон бўлиб, ягона чорани фақат ўзини сувга ташлаб сузганича юзни ўз ўрдуси сари қаратмоқда билди. Мухолифлар эса ёппасига ўқ отишни бошлаб, тадбир ўқдонларида қанча ўқлари бўлса, барчасини отиб тугатдилар. Аллоҳи таоло иродаси ул амирнинг ҳаёти олови сўнишини тақозо қилмаган экан, душманнинг сувдек ялтироқ ўқи пайконида ҳеч бири унга тегмади ва навкарларидан бири бу томондан дарёга туширган от воситасида нажот соҳилига чиқиб олди. Амир Музаффар гарчи субҳоний меҳрибонлик кемаси ва хоқонлик давлати қуввати билан ул бало ғарқобидан халослик топган эса-да, аммо у билан кемада бирга бўлган сардорлардан бир гуруҳи Султон Маҳмуд Мирзо аскарлари қўлига тушдилар. Амир жуда қийин аҳволда қолиб, воқеа кайфиятини тахт поясида турганларга ёзиб юбориб, қайтишга рухсат сўради. Хоқони мансурнинг ақл нури ул ариза мазмуни узра сочилиб, Амир Музаффарнинг осмон мартабали мавкабга келиб қўшилиши борасида қутлуғ буйруқ чиқарилди.

Шу аснода қамал кунларининг чўзилиб кетиши натижасида аъло ўрду, яъни лашкар ичида қаттиқ қаҳатчилик ва очарчилик бошланди. Аскарларнинг тинка-мадори қуригани сабабли урушга қувватлари етмай қолди ва ким имконини топса, қочишга тушди. Зафар насабли мавкаб хизматида икки мингдан ортиқ киши қолмади.

Амир Музаффар *Барлос* ғалабага ёр мавкабга етиб келган чоғда «Амир Низомиддин Алишер салтанат пойтахти Ҳиротга борсин ва имкон борича Хуросон вилоятларидан ғалла йиғдириб келиб, ўрдуга юборсин» деган олий фармон чиқарилди. Ул жаноб буйруққа кўра иш тутиб, икки-уч минг харвор ғалла ва дон



маҳсулотини йиғишга эришди ва араб қабиласи туяларини кира қилиб, ул ғаллани Балх томон жўнатди.

Амир Алишер шаҳарда экани пайтида темурий шаҳзодалар қаторида турган Абулхайр Мирзо ёғий бўлиб, Ҳиротдан қочди. Ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси Амир Алишер уни қувлаб, Яздоний¹ муваффақиятга кўра, қўлга туширди ва Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйди.

**МАҚСАДИ ҲОСИЛ ҲОҚОННИНГ БАЛХ
ТАШҚАРИСИДАН МУРҒОБ ДАРЁСИ САРИ
КЕТГАНИ ҲАМДА АБО БАКР МИРЗОНИНГ
ФОРЁБ МАНЗИЛИДАН ҚОЧГАНИ ВА
МУХОЛИФЛАРНИНГ ЗАФАР БЕЛГИЛИ
МАВКАБНИ ГАРМОБ МАВЗЕЙГАЧА
ҚУВГАНИ ЗИКРИ**

Амир Музаффар Амуя дарёси бўйидан қайтганидан кейин Султон Аҳмад Мирзо Самарқанд қўшини билан Султон Маҳмуд Мирзога қўшилди ва иккала ака-ука биргаликда Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, уруш майдонига қадам қўйганича душманлик оловини аланга олдиришга қарор қилишди. Юрт олувчи хоқон келаётган бу хабарларни аниқлаштириб олгач, тўғрилиқни кўрсатувчи ақл тақозосича ой юришли тавочиларни салтанат пойтахти Ҳирот ва Хуросоннинг бошқа вилоятларига «ҳоким ва доруғаларнинг ул ҳудудлар қўшинларини йиғиб, тезликда зафарли мавкабга келиб қўшилишларини» айтиш учун жўнатди.

У томонда Султон Маҳмуд Мирзо қараса, зафарли сипоҳдан дарё бўйида бирор жонли зот қолмабди. Амир Айюбга минг нафар жасур суворий билан дарёдан ўтиб, ғалаба аломатли лашкаргоҳга шабихун уюштиришни буюрди. У ўша томонга юзланиб, ўзича жасорат оёғи билан Муштоқий анҳоридан ўтмоқчи ва қутлуғ ўрдуга ҳужум билан кириб, қўлини қилич ва ўқ ишлатиш сари олиб бормоқчи бўлди. Буни қарангки, иттифоқо,

¹ Яздон – Худо, Илоҳ.

бир куни намозгар вақтида олий зотли хоқон тоғ сағрили отга миниб, мурчаллар атрофида айланиб юрганди. Ўша аснода назари Муштоқий анҳори кўпригига тушиб, ҳар эҳтимолга қарши шу кўприкни бузиб ташлашни буюрди. Айнан ўша кечаси Амир Айюб ҳалиги минг нафар кишиси билан мазкур анҳоргача етиб келиб, қараса, кўприк бузилган. Ўйлаган хаёли амалга ошадиган эмас. Ночор ўша ерданоқ сурон солиб, орқага қайтиб кетди. Эртаси куни хоқони мансур жасур кишилардан бир тўдасини таъқиб этишга Амир Айюб кетидан юборди. Улар бориб бу амир қўшинидан бир нечта пўртгалларни қайтариб олиб келдилар.

Амир Айюб дарё бўйига қайтиб келгач, Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзо бало якунли лашкар билан дарёдан ўта бошлашди.

Мансур хоқон душманнинг бу каби журъатидан воқиф бўлгач, Мурғоб дарёси бўйига боришни ва зафарли қўшин йиғилганидан сўнг оти жиловини душманларга қарши уруш солиш учун буришни маъқул топди. Шу ният билан Балх атрофидан кўчиб, Дарагаз йўли орқали Сон ва Чаҳоряк томон кетди. У ердан ҳам қўзғалиб, Форёб теграси зафарли лашкароҳга айланди.

Мирзо Або Бакр ўша манзилда олий шаънли хоқоннинг тарбияти ҳуқуқи устига йўққа чиқариш рақамини чекиб, қочиб кетди. Мақсади ҳосил хоқон Форёбдан кўчиб, Гармобга етганида, Султон Аҳмад Мирзо дарёдан ўтгач, ака-уканинг Балх атрофига кетганлари маълум бўлди. Аммо кутилганига хилоф равишда Аҳмад Муштоқ шаҳар дарвозаларини уларнинг умид юзи сари очмади. Ака-укалар ул шаҳарни эгаллашдан умид узиб, осмон мартабали мавкаб кетидан ҳамла қилиш учун қўзғалдилар.

Мансур хоқон ноилож нусрат насабли узанги мулозимларига совут кийдириб, Гармобдан Чечактуга кетди ва у ердан Тобон Сарипулига қараб юрди. Йўл асносида Султон Бадиуззамон Мирзо ва Амир Мўғул икки минг пиёда ва отлиқ билан Ҳирот томондан келиб қолиб, шоҳ ва сипоҳнинг қўллаб-қувватланишига сабабчи бўлди.

Мансур хоқон Мурғоб дарёсидан ўтиб, дарё бўйидаги тепаликлар устини зафарли аскарнинг лашкароҳига айлантирди.



Ўша манзилда Марвчоқ ва Бодғис вилоятларининг уруғ ва аймоғлари Кайҳонни босиб ўтувчи ўрду атрофида йиғилиб, шу сабабли ғалла ва қўй ҳамда гардун асосли мавкаб ходимлари учун зарур бошқа нарсалар арзон-гарон бўлди. Лашкар аҳли қаҳатчилик ва очлик балосидан қутулиб, фаровонликка эришдилар. Қутлуғ мавкаб дарё бўйига етиб келган вақтда ҳар кун Хуросон вилоят ва шаҳарларининг аскарлари тўп-тўп ҳолда ўз ҳоким ва сардорлари билан бирга тахт пойига етишиб турдилар ва тилни дуойи санога чоғлаб, жангга тайёр эканликларини билдирдилар.

У томондан Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзо Гармоб манзилига етишгач ва зафар киришимли қўшин йиғилганидан хабар топишгач, улар қалбини азим бир қўрқинч қамраб олди. Айни ўша воқеалар пайти Мовароуннаҳрдан «мансур хоқон мавкабидан қочиб, Бадахшонга борган Мирзо Або Бакр қўшин тўплабди ва Ҳисори Шодмонни эгаллаш учун белига ҳиммат камарини боғлабди» деган хабар келди. Шунга кўра ака-укалар нусрат аломатли мавкабни қувлашдан тийиниб, оти жilовини уруш майдонидан Мовароуннаҳр тарафга бурдилар.

Уларнинг қайтиб кетгани хабари олий маконли хоқон ҳузурида маълум бўлгач, Амир Музаффар *Барлосга* кавкаб асосли катта қўшин билан душманлар кетидан таъқиб қилишни буюрди. Амир Музаффар *Барлос* буйруққа амал қилиб, Балх ташқарисигача оти жilовини қўйвормади. Гарчи Мирзо Султон Аҳмад ва Мирзо Султон Маҳмуд орқасидан ета олмаган эса-да, аммо уларга қарашли баъзи бир кичик қўшинларнинг пўрталларини тасарруф қилди. Сўнг Аҳмад Муштоқ олдига элчи юбориб, унга «эндиликда хилоф ва нифоқ йўлидан юрмай, дўстлик ва бирдамликнинг катта тўғри йўлига киришни» насиҳат этди. Аҳмад Муштоқ ўзининг бу янглиғ исён ва тақаббуруна иш тутганидан қаттиқ пушаймонда экани сабабли «бу каби журъат ва жасорат кўрсатганимдан мақсадим қутлуғ қалбга менинг қўлимдан ҳам бирор иш келиши ва Амир Абдулхолиққа ўхшаганлар мени алдов ва ҳийла билан бало





тутқунлигига сола олмаслигини билдириб қўйиш эди» дея жавоб берди. Шундан сўнг томонлар ўртасида аҳду паймон сўзи орага солиниб, Аҳмад Муштоқ қуббатулислом Балхни Амир Музаффарга топширди ва йўналиш юзини қутлуғ ўрду тарафга қаратди.

Амир Музаффар бўлиб ўтган воқеани аъло тахт ёнида турганларга ёзиб юборди. Ул ариза Мурғоб дарёси бўйида нурли қутлуғ назарга етишгач, мақсади ҳосил хоқон зафар тизгиндош, узангида ғалаба билан салтанат ва иқбол пойтахти сари қўзғалди. Мансур хоқон фоҳира Ҳиротга яқинлашган пайтда Аҳмад Муштоқ қилич ва кафанни бўйнига осиб, халифа ошиёнлик даргоҳга келди ва ниёз юзини йўл тупроғи узра сураркан, аҳволи жамолида пушаймонлик сурати намоён бўлди ва ул осмон қуёшининг лутфу марҳаматига кўнгил боғлаб, ўзининг ярамас қилиқларидан шармисор ва шаҳриёрликнинг аялмас иноятдан умидвор бўлиб турди. Мансур хоқон ўзининг туғма карами ва табиатида аввалдан мавжуд меҳрибонлиги орқасида афв ва кечирим кўзини унинг гуноҳларидан чирт юмиб, раҳмшафқат кийимхонасидан инъом ва эҳсон хилъатини бу амирнинг қобилият қомати устига ташлади.



БОШҚА БАЪЗИ БИР ВОҚЕАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЗИКРИ



Мақтов хислатли мансур хоқоннинг ойдин кўнгли Балх эгалланишидан тинчигач, ул мамлакат ҳукумати тизгинини комкор шаҳриёр Мирзо Бойқаронинг ихтиёр қўлига топширди ва ул жаноб ўша томонга кетиб, Амир Музаффар *Барлос* осмон асосли даргоҳга қайтиб келди ва бир неча вақтдан сўнг табиий ажал етиб келгани сабабли касалланиб, вафот этди. Шу воқеалар пайти Амир Шужоиддин Муҳаммад Бурундуқ *Барлос* Амир Жаҳонгир *Барлос* билан биргаликда Султон Маҳмуд Мирзодан юз ўтириб, дориссалтана Ҳиротга келишди ва мансур хоқоннинг иноят назарига тушишди. Амир Муҳаммад амир-ил-умаролик мансабига





эришиб, тавочилар¹ ва мол девонида барча улуғ амирлардан олдин муҳр босадиган бўлди.

Мазкур воқеалар асносида мамлакат олувчи хоқоннинг офтоб асарли қалби Мирзо Султон Абусаиднинг Руқиябегим бинт Мирзо Алоуддавла исмли хотинидан туғилган қизи Хонимбегимни Бадиуззамон Мирзонинг никоҳига киритишни истади. Шунга кўра тўй асбобларини таёрлаш ва чортоқ боғламоққа буйруқ берди. Осмон ҳашаматли даргоҳ ходимлари буйруққа биноан шаҳар аҳли ва қурувчи меъморларни Боғи Зоғонда жуда баланд ва жаннат боғларининг рашкини оширувчи чортоқ қурмоққа сафарбар қилдилар. Ҳар бир ҳунарманда ўз соҳаси бўйича муносиб ихтиро ишларини намоён этди. Ҳикмат иқтибосли юлдузшунослар фикрат устурлоби билан тайин қилган соатда саййидлар, қозилар ва олимлар аъло шариф мажлисга йиғилиб,

мисра:

Ойни юлдузга боғладилар.

Сўнг шоҳ ва сипоҳ бошлиқлари жуда қувонч ва мақсади ҳосиллик билан ўйин-кулги базмига ўтирдилар. Ҳур юзли соқийлар тотли бода соғарларини давра бўйлаб айлантиришга киришдилар, хушнаво муғаннийлар яхши соз ва ширин овоз билан майпарастлар хушчақчақлигини яна ҳам оширдилар. Дастурхон ёйғувчилар турли хил лазиз таом ва майин ичимликлардан одамлар орасида оламда очлик расми йитиб кетадиган даражада муҳайё қилдилар.

Шу тариқа тўй ва шодлик, ўйин-кулги ва сурур айёми бир ойга чўзилиб, шундан сўнг олий маконли хоқон йўналиш юзини давлат ва мол-мулк ишларини тартибга солмоқ сари қаратди. 878 йили² Кермон вазирзодаларидан бўлмиш ва Султон Абу-

¹ *Тавочи* — ҳукмдор буйруқларини жойлардаги ҳокимлар ёки лашкарбошиларга етказиш билан бирга бошқа вақтда шаҳар маҳаллаларида маҳкама миршаби ва терговчи вазифасини бажарувчилар. Олий девонда уларнинг «тавочилар девони» бўлими ҳам бўлган.

² 878 йил — 1473 йил 29 май — 1474 йил 19 апрель оралиғи.





саид Мирзо замонида мансаблардан истеъфо берган Хожа Афзалиддин Муҳаммад хоқонликнинг фаровонлик инояти кўзига илиниб, вазирлик тўнини киймоқ билан сарафроз бўлгач, озгина вақт тараққий топганча Хожа Қавомиддин Низомулмулк билан биргаликда хожа Маждиддин Муҳаммаднинг мол ўмаргани ва ишдаги камчиликлари борасидаги гап-сўзларни мамлакат олувчи хоқон арзига етказди. Бу сўзлар ўз таъсирини кўрсатиб, Хожа Маждиддин Муҳаммад мусодара учун сўроқ қилинди ва Амир Бадриддин унинг молини ундирувчи қилиб тайинланди. Аммо ўша айёмда мансур хоқоннинг ўзи ҳам бу воқеа юзасидан сўроқ-суриштирув ўтказмоққа киришди. Хожа Низомулмулк ва Хожа Афзал осмон миқдорли тахт остида тўсатдан Хожа Маждиддин Муҳаммад билан айтишиб қолиб, жанжал кўтара бошладилар. Адолатпаноҳ подшоҳ бу ҳолни кўриб: Инсоф йўли шуки, Хожа Маждиддин билан битта-битта гаплашинглар, бараварига устига ташланманглар ва икков бир бўлиб олиб, бирваракайига тўхмат тошини отманглар! – деди. Хожа Маждиддин Муҳаммад бу янглиғ иноятдан дадил тортиб, ўтирган ўрнидан сапчиб турди ва қайта тиз чўкалади. Бу масала бўйича мутасаддиликка тайинланган баъзи бир кишилар мазкур ҳолни кўриб, шу чоғда тилларини тишлаб, жим туришни афзал билдилар. Ниҳоят ул йиғинда Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг айби борасида ҳеч бир нарса исботланмагач, мансур хоқоннинг унга нисбатан фармони чиқиб, хожа олтмиш минг диноҳ кепакий маблағни шукрона расми билан давлат хазинасига ўтказиши, девонлик юмушларини эса эндиликда Амир Муҳаммад Али Атка парвоначи билан шерикликда бажариши тайинланди. 892 йилгача¹ Хожа Маждиддин ишлари шу зайл давом этди. Шундан сўнг яна қайтадан подшоҳдан тарбиятлар топиб, иқтидор ва ихтиёр байроқларини ҳилпиратди. Яхши хислатли қалам келажакда бу гапларни ҳам рақам қилажак ва бу воқеанинг тафсилоти бадий баёнли қалам тилидан қуйилажак, иншоаллоҳи таоло.

¹ 892 йил – 1486 йил 28 декабрь.



БОСАР-ТУСАРИНИ БИЛМАЙ ҚОЛГАН
 МИРЗО МУЗАФФАРИДДИН АБО
 БАКРНИНГ БЕКОРЧИ ШОВҚИН-
 СУРОНИДАН БИР БЎЛАГИ ВА УНИНГ
 МАКРГА ТЎЛА ЗАМОНА ЗЎРЛИГИДАН
 ЎЛДИРИЛГАНИ ЗИКРИ

Форёб манзилида мақсади ҳосил хоқоннинг зафар аломатли узангисидан ажралиб хилоф йўлига кирган Мирзо Музаффариддин Або Бакр Ҳисори Шодмон ҳудудига ошиқиб, ул вилоят халқининг мол-мулкига кўз олайтирди. Мирзо Султон Маҳмуднинг хоқонлик мавкаби ортидан қайтиб келганидан кейин қаршилиқ қилишга кучи етмай, Бадахшон тоғлиқларидан бошпана топди ва у ерда қўшин тўплаб, Хуросон томон юзланди. Йўл юриб, Марви Шоҳижаҳон атрофига келди.

Бу хабар яхши хислатли хоқон арзига етишгач, Амир Носириддин Абдухлоиқ Ферузшоҳ ва Муизиддин Ясовул, Амир Аҳмад Ёрийни минг нафар жанговар киши билан шаҳзодани йўқотиш учун тайинлади. Мирзо Або Бакр бу қўшиндан енгилиб, Марвдан Балх томон қочди. У ердан Кобул йўли билан Сейистонга ошиқди. Сейистондан оти жilовини Кермон тарафга бурди ва туйқусдан Кермон атрофини ўраб олиб, шаҳарнинг тўрт тарафидан сурнай ва карнайларни пуфлатиб, сурон товушларини нилгун фалак авжига етказди. Кермон доругаси бўлмиш Алихон Мирзо қочишни ихтиёр этиб, Мирзо Або Бакр эса шаҳарга кирди ва бир неча ой давомида ўйин-кулги ва айшу ишрат билан машғул бўлди. Халқ билан яхши муомала қилди.

Ироқи Ажам ва Озарбайжон подшоҳи бу воқеадан воқиф бўлгач, *боёндурий* амирларидан биттасини анчагина довюралар билан бирга Кермонни озод қилиш учун юборди.

Шаҳзода ул қўшин билан уруш-саваш ясашни ўз қудрат доирасидан ташқари билиб, тагин Сейистон томон кетди. Ул вилоят ҳудудига етгач, ҳазрат мансур хоқоннинг ниқрис¹ касали ва оёқ

¹ Ниқрис — оёқ бўғинлари ва товоннинг зирқираб оғриши.



оғриғи дарди кучайгани хабарини эшитди. Шунга кўра бу шаҳзода Байрамбек *Туркман*, Пир Али *Туркман* ва бошқа амирлару қўшин аҳли билан биргаликда тезликда салтанат пойтахти Ҳирот сари йўналди. Барчасининг ўй-фикридаги хаёл худди мансур хоқон Маймана ва Форёбдан илғор солиб келиб, Ёдгор Муҳаммад Мирзони ўлим камандига илинтиргани каби улар ҳам ҳазрат хоқонни ушлаб олиш ва қўлга киритиш панжаси билан ранжу азоб бандига мубтало қилиш бўлди. Аммо йиртқич йўлбарс нотавон тулкининг ҳийласи билан тузоққа туша қолмаслигини билмадилар.

Алқисса, ғофир Худо инояти билан мансур хоқон шаҳзоданинг кўнглидаги фикридан воқиғлик топиб, касаллигининг оғирлигига қарамасдан, маҳофага ўтириб ва ўша вақтда иқбол ошиёшли даргоҳ, хизматида турган беш юз нафар довюрак отлиқ билан давлат пойтахтидан Исфизор қасабаси томон йўналди ва меросий мамлакатлар ён-теварагига тавочилар юбориб, нусратпаноҳ сипоҳ йиғилиши борасида фармон берди. Шу пайтда атолар бахш этувчи Тангри таоло карами билан қизиқ бир воқеа рўй берди ва шу восита билан Мирзо Або Бакр енгилиб, оти тизгинини қочиш томон бурди. Бунинг воқеаси шуки, хоқонлик саройининг ходимларидан ўзининг донолиги ва сўзга чечанлиги билан устун турувчи Жон Аҳмад Чўли Або Бакр Мирзо келишидан олдин олий тахт эгасидан рухсат олиб, ўз улуфасини¹ ундириш мақсадида Фароҳ томонга кетган эди. Шу кетишида Сабзавор ҳудудида бир кечаси Мирзо Або Бакрнинг қоровулларига дуч келиб, шу заҳотиёқ уни ушлаб олдилар ва шаҳзода олдига элтдилар. Шаҳзода ҳазрат хоқоннинг ҳол-аҳволи борасида суриштирганда, гайб илҳомлантирувчисининг илҳоми билан: — Ушбу кунларда ул ҳазрат Сиз олий мавкаб эгасининг фикридан хабар топиб, ўн-ўн беш минг киши билан Ҳирот шаҳри атрофида пистирма қўйиб, қачон ғалаба хислатли байроғингиз етишув соясини ул ҳудудга ташласа, жасорат оёғини олға босиб, ҳамла қилмоқчилар. Султон Абусаид Мирзонинг яхшиликлари ҳақ-ҳурмати бу банданинг зиммасида ҳаддан зиёд экани учун шаҳардан қочиб, душман-

¹ Улуфа — қўшин харажати учун ажратилган маблағнинг бирон туман ёки вилоят ҳисобидан ундириладиган қисми.





ларингиз кўнглидаги қасду ният ҳақиқатини айтиш мақсадида истиқболингизга ошиқдим, — деди. Мирзо Або Бакр бу хабарни ҳақиқат деб ўйлаб, Жон Аҳмад Чўлини от ва кийим инъоми билан сийлагач, ўзининг Ҳиротга юриши режасини ўзгартириб, юзини Хоф ва Бохарз тарафга қаратди. Жон Аҳмад ҳам ўша кечаси шаҳзодага йўлдош бўлиб, аммо бомдод намози пайти қочишга эришди ва Баҳра қишлоғи атрофида зафар баҳрали хоқон ҳузурига етиб, воқеанинг шарҳини арз қилди. Ул ҳазрат таҳсин ва эҳсон шартларини Жон Аҳмад Чўли ҳаққида адо этиб, Мирзо Або Бакрнинг орқасидан яшин ва шамол тезлигида от қувдириб кетди. Мирзо Або Бакр қутлуғ мавкаб келаётганидан хабар топиб, ўта кўркўв ва хавф билан Хофдан чиқиб, Астро-бод томонга йўналди. Бироқ ҳар манзилда ёнидаги одамлардан анчаси қочиб кетиб, ҳар бекатда одил хоқон ўрдусига бориб қўшила бошладилар. Ул ҳазрат масофаларни босиб ўтиш жараёнида шу даража тезликни оширдик, Або Бакр Мирзо билан мансур хоқон орасида бир чақиримдан ортиқ масофа қолмади. Або Бакр Мирзо Гургон дарёсига етиб, озгина кишиси билан дарёдан кечиб ўтди ва чарчоқ ҳамда ёғин кўплиги сабабли у тарафга ўтибоқ, қўш ташлаб, бир кеча дам олди.

Аммо мансур хоқон ўша тунда дам олишдан тийилиб, қўшиннинг қалб, маймана ва майсара қисмларини тартибга солганича йўл юришда давом этди. Қуёшнинг олтин тусли кемаси фалакнинг зангори денгизига тушган тонг маҳали юрт олувчи қўшин манглайи Гургон дарёси бўйига етишиб, дастлаб Амир Али мирохўр, Палангпўш¹ Баҳодир, Шайхим Эл ўғли ва Ёр Муҳаммад Сарик Чўли дарёдан ўтдилар. Уларнинг кейинидан осмон мартабали мавкаблар ҳам дарёдан кечиб ўтди.

Ўша маҳалгача ўз бахти каби ухлаб ётган ва фақат сурнай ҳамда сурон овозидан уйғониб кетган Або Бакр Мирзо дарҳол отга миниб, ёлғиз ўзи қочиб кетишга улгурди. Нусрат аломатли қўшиндан бир нечта киши Або Бакр Мирзо кетидан қувлаш учун тайинландилар. Улар жумласидан Амир Аҳмад Ёрий ҳаммадан ўзиб кетиб, Мирзо Або Бакрга яқинлашиб қолди. Шаҳзода унинг ёлғиз ўзи

¹ Палангпўш — Ялангпўш бўлса керак.





келаётганини кўриб, оти жиловини қантарди-да, бўғзига қараб бир ўқ отди. Сўнг Амир Ҳайдар ҳам Або Бакр Мирзога етиб олиб, кўлини найзаю қилич ишлатиш сари чўзди. Бироқ яккама-якка олишувда енгилди. Мирзо Або Бакр қишлоқ сари ошиқиб, ул мавзе катталаридан битгасининг уйига тушиб, бало гирдобидан нажот соҳилига чиқиб олиш илинжида от сўради. У қабул бармоғини кўзига босиб, ул жанобнинг кўнглини ишонч сўзлари билан тинчитди ва хизматида бир нечта одамни қўйиб, шу лаҳзадаёқ аъло тахт пояси сари кетди. Мулозиматга етишгач, бўлган воқеани мақсади ҳосил подшоҳ арзига етказди. Мансур хоқон Қанбар Али жаллодни бир нечта ботир кишилар билан бирга Мирзо Або Бакрни ушлаш учун тайинлади. Улар қишлоққа бориб, билдирмасдан шаҳзода тушган уйни ўраб олдилар. 884 йилнинг ражаб ойи охирида¹ Мирзо Або Бакрни ушлаб, ҳаёти ипини ўткир қилич билан кесдилар. Або Бакр Мирзони ўз уйига тушириб, сўнг кечирим сўраган қишлоқликни ҳам унинг кетидан жўнатдилар. Қутлуғ ҳукмга биноан Мирзо Або Бакрнинг бошини Қосим Абдулазиз Ҳиротга олиб бориб, ул диёрнинг жуда қўрқувда ўтирган каттаю кичиги кўнглини мазкур ташвишли фикрдан фориф қилди. Ҳирот шаҳри ҳокими бўлмиш Амир Низомиддин Алишер бу хабар етишганидан хурсанд ва шод бўлиб, камбағалларга назру ниёз улашди.

Мансур хоқон кўнгли ул ғала-ғовур гаплардан тинчигач, оти жиловини салтанати пойтахтига қараб бурди ва соғ-омон Боғи Жаҳонорога етиб келиб, эски одатига кўра адолат ва инсоф байроқларини кўтарди.

АМИР ШУЖОИДДИН ЗУННУН АРҒУН

АҲВОЛИ ВА УНИНГ ДАВЛАТИ

БАЙРОҒИНИНГ ҚОДИР ЭГАМ

ИНОЯТИДАН ЮКСАЛГАНИ ЗИКРИ

Шижоат ва баҳодирлик сифатлари билан темурий улуснинг кўпчилик ботирларидан анча устун турувчи ва эътиқоди тозалигию ибодати чексизлиги билан зоҳидлик аҳли орасида мустаснолик

¹ 884 йил ражаб ойи охири — 1479 йил 17 сентябрь.





касб этган Амир Зуннун бин Ҳасан Басрий бахтли султон Мирзо Абусаид Султон салтанати замонида ул салтанат ошиёнли даргоҳ мулозимлари қаторидан жой олган бўлиб, уруш-саваш замонию кураш айёмида қиличу найза ишлатишни моҳирлик билан уддалаб, тенгсиз жасорат ва мардоналик бажо келтириб юарди. Шу туфайли иноят назарига манзур бўлиб ва тарбияту риоят кўзига яхши кўриниб, турли-туман инъому эҳсонларни қўлга киритиш орқали ўзи қатори кишиларни ҳасад туйғуси аро қолдирганча мартабаси қариндошлари ва биродарлари даражасидан ошиб кетган эди.

Қорабоғ воқеасидан сўнг¹ Амир Зуннун Ҳиротга ошиқиб, бир неча кун олампаноҳ даргоҳ хизматида умр кечирди. Аммо кутганидек миқдорда яхшилик кўрмади. Шунга кўра, қочишни кўнглига тугиб, ғалаба белгили байроқлар Мирзо Ёдгор Муҳаммадни даф этиш сари йўналган вақтда Хабушоннинг Билғарёғочидан² оти жilовини Мовароуннаҳр диёри томонга тўғрилади ва Самарқандга кетиб, Султон Аҳмад Мирзонинг илтифот нури унинг аҳволи узра таралди.

Икки-уч йил ул диёрда яшаб, шундан сўнг тархоний ва *арғуний* амирлар ўртасида рўй берган жанжалу низолар сабабли яна қайтадан йўналиш юзини Хуросон тарафга қаратди.

Салтанат пойтахти Ҳиротга келгач, мансур хоқон диққатини ул тўғри қалбли амирга ғамхўрлик кўрсатиш сари йўналтириб, Ғур ва Заминдовар вилоятлари бошқарувини унга берди. Ваҳоланки ўша вақтда *ҳазора* ва *накударий* қабилалари ул ҳудудни тўла истило қилган бўлиб, ўй ва хаёлпарастлик ёрдамида бўйсунмаслик ва истиқлол нақшини кўнгиллари лавҳига ўйиб ёзган эдилар.

Амир Зуннун 884 йили³ озгина лашқар ва катта умид билан ўша томонга йўналиб, уч-тўрт йил мобайнида бир неча марта ул жамоаларга қарши уруш қилди ва хоқонлик давлати қувватию ўзининг ҳаддан зиёд шижоат ва паҳлавонлиги орқасида барча жангларда зафар қучиб, ғалаба қозонганича мазкур вилоятларни тасарруф доирасига киритди.

¹ 1469 йил феврaли кўзда тутилмоқда.

² *Билғарёғоч* – афтидан Ёлғизёғоч номли мавзе кўзда тутилган.

³ *884 йил* – 1479 йил 25 март – 1480 йил 13 март оралиғи.





Ҳазора ва накударий қабилалари бу каби ҳолатга қайта-қайта дуч келавергани учун бўйсунуш ва итоат бошини ихлосу фармон бажарувчилик чизифига қўйиб, қайтиб қаршилиқ теварагига йўламадилар. Мол солиғи ва хирож тўловини зиммага олиб, исён ва такаббурлик мақомидан воз кечдилар.

Амир Зуннуннинг бу каби яхши хизматлари қабул мақомига етиб, бандаларни сийловчи хоқон Қандаҳор, Фарох, Ғур, Сохар, Тулак ва Заминдовар ўлкалари ишларининг бошқарув тизгинини унинг қудрат қўлига топширди. Аммо бир неча йил мобайнида шахзодалардан айримларини навбат билан ҳукумат қилишлиқ номи остида Қандаҳор мулкига юбориб турди. Ниҳоят Амир Зуннун *Арғун* ул вилоят бошқарувида эркинликка эришиб, улуғворлик ва шавкат байроғини ҳилпиратганча адолати нурлари зиёсини Шол, Мастун, Сивай ҳамда ўша ўлкадаги ён-теварак ноҳияларга ҳам таратиб турди.

Бўрттирмай ва тилёғламалиқ қилмай бор гапни айтадиган бўлсак, бу амир жаноблари комил шижоату адолат эгаси эди. Тоату ибодат вазифаларини адо этишда ҳамиша тиришқоқлик туғини баланд кўтарарди. Тонгдан оқшомгача вақтини инсоф ва эҳсон кўрсатмоқ, шомдан бомдодга қадар соатларини нафл намозларини ўқимоқ ва Қуръони каримни тиловат қилмоқ билан ўтказарди. Тўқнашув ва уруш-саваш майдонида Исфандиёр ва Рустамнинг руҳи унинг жасоратию паҳлавонлиги кўплигига офаринлар айтишарди. Ибодат ва намоз меҳробида Зуннун Мисрийю¹ Иброҳим Адҳам² руҳлари унга тўла ихлос ва ниёзмандлик билан таҳсинлар ўқишарди.

Амир Зуннун *Арғун* кўп нафис моллар тўлагани ва ҳаддан зиёд қобилиятли жанг кишиларини йиғгани туфайли катта мададга эга бўларкан, мазкур юртларнинг барчасини ўз мамлакати дея тасаввур қилиб, тайин этилган солиқ ва ўлпонни тўлашни унутиб қўйди. Қандаҳор ҳукуматини ўзининг тўнғич ўғли Шужобекка берди, Сохар, Тулак доруғалигини Абдулали тархонга иноят қилди. Ғур

¹ *Зуннун Мисрий* – 859 йилда вафот этган мисрлик тасаввуф олими.

² *Иброҳими Адҳам* – асли балхлик илк мутасаввифлардан Абу Исҳоқ Иброҳим бин Сулаймон бин Мансур Балхий (ваф. 782) кўзда тутилмоқда.





раислигини Амир Фахриддин ва Амир Дарвешга топширди. Ўзи Заминдоварда турғун яшаб, ўша диёрда олий бир иморат қурдирди.

Чақимчи ва тухматчи кишилар эса фурсатини топиб, бир неча марта жамшид манзиллик хоқон арзига «Амир Зуннун хазинаю пули кўплиги, одамларию қўшини зиёдлигига мағрур бўлган, димоғдорлигию кеккайиши ва такаббурлигию ҳашамати мўътадиллик чегарасидан чиқиб кетган. Мангуликка уланган давлат манфаатига мос иш шундай кўринмоқдаки, қалби аро тузлуққа тупуриб, куфрони неъматлик қилиш ва қаршилиқ водийси йўлига кириш каби фикрлар ораламай туриб, муаззам шахзодалардан бири ул вилоят бошқарувига тайинланиб, баҳром қасосли қўшиндан бир бўлаги ўша ёққа йўналса» дедилар. Кўпгина юришларда Амир Зуннун Қандаҳор ва Заминдовар лашкари билан ферузий асарли мавкабга қўшилиб келгани сабабли мансур хоқон анча вақт фараз аҳлининг сўзига эътибор бермай юрди. Сўнгроқ «эшитмаслик бахилликдир»¹ ҳукми бўйича иш ул жамоанинг қутқусига учиб даражасигача бориб етиб, бўҳтончиларнинг айтганига амал қилишни кўнглига тугди.

Бироқ ўша маҳалда Бадиуззамон Мирзонинг бузруквор отасига қарши чиқиш воқеаси рўй берди ва хоқоннинг ғазаб денгизи талотумидан ниҳоятда қўрқувга тушиб ўтирган Амир Зуннун Арғун мазкур шахзоданинг келишув кемасидан паноҳ топиб, эсон-омон нажот соҳилига чиқиб олди. Бу ҳикоянинг тафсилоти ҳали ўз ўрнида ёзилажак, иншооллоҳи таоло.

ҲАЗРАТ ШОҲИМАРДОНГА МАНСУБ ЖАННАТ АЛОМАТЛИ МОЗОРНИНГ ХОЖА ХАЙРОН ҚИШЛОҒИДА БУНЁД ЭТИЛИШИ ЗИКРИ



Муин ус-салтана Мирзо Бойқаро қуббатулислом Балҳда бошқарув ва халққа яхшилиқ қилиш туғини ҳилпиратиб ўтирган 885 йилда² ғайб пардаси ортидан ғоятда ажиб бир сурат кўриниш

¹ Арабча ибора.

² 885 йил – 1480 йил 13 март – 1481 йил 2 март оралиғи.



берди. Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуки, насаби киром валийлар сараси ва улуғ сўфийлар бошлиғи ҳазрат Султон Абу Язид Бастомийга (*сирлари муқаддас бўлсин*) уланувчи Шамсиддин Муҳаммад исми бир азиз мазкур санада Кобул ва Ғазни томондан қуббатулислом Балхга келди ва Мирзо Бойқарога мулозимат шартини бажаргач, Султон Санжар бин Маликшоҳ салжуқий¹ замонасида битилган бир тарих китобини кўрсатди. Ул китобда «валийлар шоҳи ва сўфийлар бошлиғи Асадуллоҳ ал-ғолиб амиралмўминин Али бин Абу Толибнинг (*унга Аллоҳнинг саломи бўлсин*) қабри Хожа Хайрон қишлоғининг фалон мавзеида» деб ёзилган экан. Шунга кўра, Бойқаро Мирзо Балхнинг саййид, қози ва аъёну ашрофини йиғиб, улар билан маслаҳатлашгач, Балхдан уч фарсах масофадаги мазкур қишлоққа ташриф буюрди ва китобда кўрсатилган мавзедаги ичида бир қабр бор гумбазни кўриб, ул қабрни кавлашларини буюрди. Фармонни бажарувчилар озгина кавлаган заҳотиёқ оқ тошдан ясалган бир лавҳ кўринди. Унга араб тилида «Бу қабр Аллоҳнинг шери, Аллоҳ элчисининг иниси, Аллоҳнинг дўсти Алиники» дея ўйиб ёзилган эди. Шу ондаёқ бу ерда турганлар жони тўридан фарёду фиғон ноалари кайвон айвони сари ўрлаб, барчаси ниёз юзини ул турбат узра сурдилар ва камбағалларга назрлар улашган ҳолда эҳтиёж ва ихлос эшикларини очдилар.

Бу хабар вилоятнинг ён-тевараги аро ёйилиб, айниқса, умрлик касалга мубтало бўлган дардманд кишилар умид юзини ул жаннат аломатли даргоҳ сари қаратдилар. Бу ернинг баъзи бир мужовирлари ривоят қилишича, ул тоифадан кўпчилиги тез орада соғайиб, омадлари чопганича ўз ватанларига қайтиб кетганлар. Шу жиҳатдан хос ва авом йиғини ул Сидра мақомли бўсағада ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада юзага чиққан ҳамда назр сифатида келтирилган нафис буюм, нақд пуллар кўплиги шу даражага етганки, ақл одамлар қўлида бу миқдор тилло тангаю жавоҳир борлигидан таажжубда қолган.

¹ Султон Санжар бин Маликшоҳ салжуқий – салжуқийлар сулоласидан чиққан саккизинчи ҳукмдор (1108 – 1157).

Мирзо Бойқаро ҳолни бу тарзда кўргач, яшин ва шамолга тизгиндош бир чопарни салтанат пойтахти Ҳиротга юбориб, воқеани хат орқали сарой мулозимларига етказди. Хоқони мансур мактуб мазмуни билан танишганидан сўнг бу сингари ажойиб-ғаройиб сурат кўриниш берганидан таажжубга тушиб, ул орзу ва умид қибласини тавоф этмоқ эҳромини боғлади ва бир гуруҳ хос амирлар ҳамроҳлигида ўша томонга йўналди.

Айтилган мавзегга етгач, ўта даражадаги ниёзу ихлос шартини бажо келтирди. Сўнг ул жаннат манзилатли қабр устига жуда ҳам баланд ва кенг ҳашаматли қубба қурдириб, атрофида айвонлар ва ҳужралар бино қилдирди. Мазкур қишлоқда бир нечта дўкон ва ҳаммомни ўз ичига олган бир бозор қурилишини ҳам бошлатиб юборди. Балх анҳорларидан бири, аниқроғи, ҳозирда «Наҳри шоҳий» номи билан аталувчи анҳорни ул баракат аломатли мозорга вақф қилди. Мазкур олий бўсаға нақиблиги мансабини эса Саййид Бараканинг¹ қариндошларидан бўлмиш ва ҳиммати баландликда юксак мартабага эга саналмиш саййид Тожиддин Ҳасан Андхудийга берди. Шайхлик ишини Шайхзода Бастомийга иноят қилиб, вақф ва назру ниёзлар назорати учун эса ишончли бир амалдор тайин қилди. Сўнг олий мартабали хоқон қайтиш тизгинини давлати пойтахти сари тўғрилаб, соғсаломат Ҳиротга кетди ва лутфу марҳамат эшикларини сипоҳ аҳли ва халқ юзи томон очди.

Алқисса, ҳазрат Али Шоҳимардоннинг нурга тўла марқади топилгани хабари ҳазрат хоқоннинг у ерга бориб, иморатлар қуриш лойиҳа ва режасини тузгани ҳамда вақф тайин этгани туфайли мамлакатнинг ён-атрофига ёйилиб, озгина қурби етганлар йўналиш туғини ўша томонга қарата кўтара бошладилар. Шу зайл халқнинг ул каъба мартабали бўсағага келиб-кегиши туфайли ҳар йили нақд пул ва буюм сингарилар ҳисобидан юз тумон кепакийга яқин назр тушуми ҳосил бўлиб, ул бахт мақомли даргоҳнинг нақиб, шайх ва амалдори

¹ Саййид Барака – Соҳибқирон Амир Темурнинг пири Амир Саййид Барака кўзда тутилмақда.



эса, бу барча маблағни келиб-кетувчилар овқати, хизматчилар маоши, қурилиш ва таъмир ишлари харажати учун сарфлар эдилар. Хожа Хайрон қишлоғи иморат ва зироат кўплигидан катта шаҳар сифатини олиб, озгина вақт ичида ул Сидра мартабали бўсаға ён-теварагида шу миқдор аҳоли келиб жойлашдики, бунинг шарҳини гапириб ва ёзиб чиқиш билан удалаб бўлмайди.

Энди бу қизиқ воқеани ҳам эшитинг: пойтахт Ҳирот шаҳрининг аравакашларидан саналмиш битта устаси фаранг бундай ҳолни кўргач, ўзича ёлғондакам ривоят тўқиб, одамларни алдашни кўнглига тутди ва бир қалбаки мозор ясаб, шунинг воқитасида кўп олтин ва гавҳарни қўлга киритиб, оёғини иззат даражаси узра қўймоқчи бўлди. Шу ўйда бир куни намозшом пайти Гозургоҳдаги Ансория даргоҳига яқин жойда қўйлаги ёқасини йиртиб, доду фарёд солишга бошлади. Атрофида одамлар тўпланиб, воқеани сўраганларида «ҳозиргина ушбу далада арабий насли отларга минган араб халқи кўринишидаги тўрт нафар киши олдимда пайдо бўлиб, ҳидоят аҳлининг валийлик паноҳи ҳазрат шоҳнинг¹ (*алайҳиссалом ват-таҳият*) баракат бахш этувчи қабри фалон мавзедадир дейишди» дея жавоб бераркан, Шамсиддин сангтарошнинг ҳазирасига яқин ердаги бир тахтни кўрсатди. Одамлар аравакаш билан биргаликда ўша тахт устига боришди. Дарҳол қаландар ва дарвешлардан ҳам бир тўдаси шу ерга йиғилдилар ва сохта қабр атрофида зикр солиб, бақириб-чақиришга тушиб кетдилар.

Эртаси куни бу хабар Ҳирот шаҳрига ёйилиб, эркак ва аёлнинг хос ва авоми Гозургоҳ томон юзландилар ва аравакашнинг оёғи гардини худди тўтиёдек кўзга сурдилар ва Хизрнинг ҳаёт суви булоғи узра эгилгани сингари таъзим қилган кўйи нималари бўлса, ниёз тариқасида аравакашнинг қўлига тутқаздилар. Ул ҳийлагар аддоқчи киши ҳам мазкур қабр жойлашган ернинг тупроғидан олиб ким сўраса, ўшанга озгина иноят қилиб турди ва эвазида кўплаб олтину жавоҳир ундирди.

¹ Ҳазрат Али ибн Абу Толиб кўзда тутилмоқда.





Имомнинг яна бир қабри пайдо бўлгани ҳақидаги мишмишлар халқнинг турли қатламлари орасида тарқалгач, ҳар куни ул мавзегга тўп-тўп халойиқ, айниқса, ногирон ва касаллар иниб кела бошладилар ва назрлар бериб, эҳтиёж юзини ерга сурмоқ билан банд бўлдилар. Бу ернинг қоидаси қуйидагича эди: Бирор чўлоқ ёки кўр киши ул қабр устига келса ва ўзини ул тупроқ устига ташласа, қаландарлар ва аравакашга қарашли кишилар ундан «касалинг тузалиб кетдими ё йўқми» деб сўрашар, агар «ҳа» деса, саловат айтиб, мазкур зиёратчини даст кўтарганча фарёду фиғонни осмон авжигача чиқаришарди. Мабодо «касалим ўша эски ҳолича турибди, тузалмадим» дегудек бўлса, ул бечорани оёқлари тагига олиб, ўлгудек қилиб эзиб тепкилашаркан «бу одам шаккок ва мунофиқдир, шу сабабли уни ўлдирмоқ ва ўтда куйдирмоққа лойиқ эрур» дер эдилар.

Алқисса аравакаш ўн-ўн беш кун ичида шу йўл билан хаёл хазинасига сифмайдиган даражада кўп пул, жавоҳир ва бошқа нафис буюмларни назр сифатида ундириб, хос ва авом мурожаат қиладиган шахсга айланди.

Шу зайл ҳунарсиз яна бошқа бир гуруҳ одамларнинг ҳам бошига бу сингари ҳавас тушиб, бунисига ўхшаган ёлғондакам ривоятлар тўқиб, ҳар бири Ҳирот ичи ва ташқариси ҳамда айрим вилоятлардаги маҳаллалардан бирортасида имом қабрининг пайдо бўлгани ҳақидаги овозаларни тарқата бошладилар.

Аравакаш аҳволни бу янглиғ кўргач, расво бўлишдан кўрқиб, жуфтакни ростлаб қолди.

Мансур хоқон ва Ҳиротнинг олиму аъёнлари наздида ул жамоанинг ёлғони маълум бўлиб, мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайн уларнинг адабини бериб қўйиш учун тайинланди. Ул жаноб бу фирқанинг кўпчилигини ушлаб ва қилмишларини аниқлаб, дарра урдиргач ва бир қанчасини қамоққа ташлатгач, ниҳоят бу каби ғавво ва ғала-ғовурлар тинчиб, шундан сўнг ҳеч бир ҳаваскорнинг ички ўчоғига бундай ярамас хаёл учқуни тушмади.

Хожа Хайрондаги олий даргоҳ масаласига келсак, ул муқаддас ер ҳозирги кунга қадар обод ва яқин-узоқдаги барча халқнинг тавоф қиладиган зиёратгоҳи бўлиб турибди.



КИЧИК МИРЗО НОМИ БИЛАН ТАНИЛГАН
 МИРЗО МУҲАММАД СУЛТОН АҲВОЛИДАН
 БИР БЎЛАГИ БАЁНИ ВА ФАЗИЛАТЛИ УЛ
 ШАҲЗОДАНИНГ БУ ЎТКИНЧИ ДУНЁНИНГ
 МЕҲНАТ-УҚУБАТЛИ САРОЙИДАН
 ЖАННАТИ АЪЛОГА КЎЧИБ ЎТГНИ ЗИКРИ

Мирзо Кичик номи билан танилган шаҳзода Муҳаммад Султон Мирзо бин Султон Аҳмад Мирзо хушсурат йигит бўлиб, яхши хулқ, тоза кўнгиллик сифатлари билан таърифланган, ширин сўз ва чиройли ишлари ҳаммага ёққан эди. Олиму фозиллар суҳбатига бағоят мойил, барча ҳимматини илмий масалаларни ўрганиш сари қаратган, илоҳий ва дунёвий илмларни ўзлаштиришда ягона ҳамда ақлий ва нақлий фанларни эгаллашда тенгсиз эди. Илму фазилатлари борасида оқиллар берган шарҳ бу шаҳриёрнинг камолотлари олдида уммондан бир томчию донишмандлар сўзлари обдор лафзларига нисбатан чексиз денгиздан бир қатра. Ва мақсади ҳосиллик буржининг бу дури жаҳонбонлик асбобини ҳосил қилишига қарамай ва мамлакат олувчилик мартабасига эришганига боқмай, болалик вақтида ва йигитлик айёмида мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайн дарсида замонамизда расм бўлган китоблар мутолааси шартларини бажо келтирар, Шоҳ Қосим Нурбахшнинг хуршид ўринли ботинидан саодат нурларини иқтибос қиларди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Қорабоғ воқеасидан сўнг отаси ва олий зотли мансур хоқоннинг эгачиси бўлмиш онаси билан бирга Арроннинг Қорабоғидан Ҳиротга келиб, мақтов хислатли тоғасининг вамхўрлиги соясида ором топгач, ул ҳазратнинг иноят нурлари ҳаёти саҳифаси узра таралди. Мансур хоқон давлатнинг мол-мулки назоратига оид ихтиёр жиловини шу жияни қўлига топширди ва салтанатнинг йирик-йирик ишлари шаҳзоданинг ойдин кўнгли диққат-эътибори шарофатидан тартибу саранжом сифатини топди.

Бир неча йилни шу зайл ўтказгач, ўзининг ақлу фаросати ва илму билимдонлигига мағрур бўлиб, гап-сўзи ва феъл-атворидан

мустақилликка интилиш аломатлари маълум бўла бошлади. Мансур хоқон азиз опасининг юз-хотири мулоҳазасини қилиб, бир неча кун подшоҳона сабр ва юрагига яқин олмаслик равиши билан иш тутди ва, ҳатто, «Кичик Мирзо ўз ақлига иш буюриб, итоатнинг тўғри йўлидан чиқмас» деган хаёлда адабга чақириб қўйишдан ҳам тийинди.

Ўша аснода бир пайшанба куни мансур хоқон ул кеккайган шаҳзода билан бирга Гозургоҳга борди ва тангрининг яқини Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг (*сирлари муқаддас бўлсин*) файз аломатли мозори тавофини бажо келтирди. Саройга қайтишда жасур шаҳзода қуёш иссиғилигидан сақланиш учун боши узра соябон тутишга журъат қилди, ваҳоланки, мақсади ҳосил хоқон унинг ёнида офтобда йўл юриб бормоқда эди. Бундай одобсизликни кўриб, мансур хоқоннинг қиёмат оловли ғазаб ўти аланганди ва қутлуғ манзилга бориб тушилгач, мансур хоқон Кичик Мирзони ушлашга буйруқ бериб, иш мурсою мадородан ўтди. Улуғ амирлар шу лаҳзадаёқ шаҳзодани ушлаб, Ихтиёридин қалъасига элтдилар ва осмонўпар миноралардан бирига қамаб, хушёр соқчилар қўлига топширдилар.

Кичик Мирзо бир неча вақт кон бағридаги лаъл ва Уммон садафи қаъридаги дур каби мазкур зиндон сифатли қалъада умр кечиргач, ҳазрат хоқоннинг қариндошлик шафқати қони жўшиб ва туғма марҳамат хислати ҳаракатга келиб, шаҳзоданинг ихтиёр жilовини бутунлай ўзига топширди. Шундан сўнг шаҳзода ўта пушаймон ҳолда давлат даргоҳида хизматга машғул бўлди ва эски қилиқларидан тийилиб, беҳуда гап-сўзларидан қайтиб, узр ва тавба шартларини бажо келтириб юрди. Сўнг эса нурли қалбида ислом ҳажини адо этмоқ ва башар аълосининг (*алайҳиссаловоти васаллам*) мунаввар равзаси зиёратига эришмоққа истак пайдо бўлиб, ўта ўтинч ва қистов билан мансур хоқондан рухсат олиб, фозил кишилар ҳамроҳлигида юзини ул файз якунли мақом сари қаратди. Буюк подшоҳи эгамнинг тавфиқ қарвони ҳурматли ходимларга рафиқ бўлиб ва мангулик мулкининг молики тақдири ҳамроҳлиги кавкаб ҳашаматли мавкабга тизгиндошлик қилиб йўл юришаркан, Табриз ҳавоси ул соф қалбли подшоҳнинг шабди-





зи туёғи ғуборидан анбарга тўлгач, музаффар байроқди Султон Яъқуб Мирзо¹ шаҳзоданинг шариф қадамани азиз ва ғанимат биллиб, шойиста тухфа ва муносиб тортиқлар юборди ва меҳмонни сийлаш шартларини ўзининг олий ҳимматига яраша равишда адо этиб, учрашишни илтимос қилди. Кичик Мирзо: Байтуллоҳнинг тавоф эҳромини боғлаганим ва ҳолу² қол³ тилини фақат *лаббайка аллоҳумма, лаббайка* сўзлари адосига чоғлаганим учун бу сафарда ҳеч бир яралмиш билан учрашишни муносиб кўрмайпман ва ўз арзим этагини мажозий⁴ олам подшоҳларидан ҳеч бирининг иқбол ошиёнли даргоҳи бўсағаси ғубори билан булғашни муносиб билмаяпман. Агар ул ҳазрат лутф айлаб, мусофирнавозлик қилсалар ва бу заиф манзилига ташриф буюриб «зиёратчини зиёрат қилиш яхшидир» ҳадиси талабига амал қилсалар, – деб айттирди. Султон Яъқуб Мирзо подшоҳлик номусини сақлаш учун бу илтимосни қабул қилмади. Кичик Мирзо ҳам оёғини эҳтиёжсизлик этаги ичра тикиб, бир неча кун икки орада шу каби гап-сўзлар билан ўтди. Ниҳоят қуйидаги битимга келинди: Кичик Мирзо бир куни Табриз мазорларидан бирининг зиёратига борадиган, Султон Яъқуб Мирзо ҳам ўша ерда турадиган бўлди. Шу тариқа келишилган куни ваъдаланган мақомда улар ўртасида мулоқот рўй бериб, ҳар икки тарафдан таъзим ва тақрим лавозими адо этилди. Султон Яъқуб Мирзо шаҳзода Кичик Мирзони лутфу марҳамат оғушига тортиб, турли хил мушфиқлик ва меҳрибончилик кўрсатди. Сўнг ул соҳиби тавфиқ шаҳзода иззат ва эҳтиромга рафиқ бўлиб, Табриздан Шом юрти сари юрди ва у ердан Мисрга ўтди. Ул жаноб ва Миср султони Малик Қайтбой ўртасида Султон Яъқуб Мирзо топшириғига биноан мулоқот амалга ошди. Кичик Миср Мирзодан хурсанд ва боши баланд ҳолда Ҳижоз томонга йўналди. У ерга етиб, ислом ҳажи амаллари ва расули акрамнинг (с. а. в.) пок равзаси тавофини адо этгандан кейин хушхиромли

¹ Султон Яъқуб Мирзо – Диёрбакр, Шарқий Туркия ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилган оққўюнлилар сулоласининг олтинчи ҳукмдори (1478 – 1490).

² Ҳол – эътиқод орқали моҳиятни англаш – орифлик.

³ Қол – тажриба орқали моҳиятни англаш – олимлик.

⁴ Мажозий – ёлғондакам, ўткинчи, дунёвий.





оти жиловини Хуросон томонга тўғрилади. Атолар бахш этувчи ҳазратнинг омонлик кафолати остида йўл юриб, ниҳоят, мулк уйи Ҳирот яқинига етди. Мирзо Султон Аҳмад ва Огаҳбегимнинг хуш қулоғи азиз фарзанди қадами етгани хабарини эшитгач, уларнинг умид дарахти ҳазрат Борий инояти булути томчилари суғорувидан мангу саодат меваси билан ҳосилдор бўлди ва фироқ зовиясининг ул икки эътикоф ўтирувчисининг¹ таманно боғида висол муждаси насими билан орзу гуллари очилиб, ушбу мақол мазмуни уларнинг ҳолу қол тилидан жорий бўлди.

Назм:

Ёруди кўзлар бугунким дийдамызга нур келур,
Ул қуёш сиймою ой юз, гўёиким ҳур келур.
Мангу бўлсин давлату бахту саодат унга ёр,
Ул бақолиғ давлати Аллоҳ таолодин келур.

Султон Аҳмад Мирзо ва маҳди улё шаҳзоданинг олий мавкабини иштиёқ қадами билан кутиб олиб, айрилиқ ғамхонасида «ғам-аламда у зотнинг кўзлари оқарди (ожиз бўлиб қолди)»² сифатини олган кўзларини ул салтанат Мисрининг Юсуфига етишув тароватидан равшан қилдилар ва олиймақомли шаҳзоданинг мақтов сифатли зоти саломатлиги ҳамда ислом ҳажи бахтига эришгани баробарида илоҳий ҳамду сано шартларини бажариб, камбағалларга назру садақалар улашдилар.

Шунингдек, саййидлар, қозилар, уламо, мавлоно, амир, садр, вазирлар ҳамда шаҳару ён-атроф аҳолиси кутиб олиш маросими сари қадам босдилар ва ниёзу нисор шартларини адо этиб, тўла ихлос ва яқинлик намунасини кўрсатдилар.

Мансур хоқон ҳам бир неча фарсах олдга юриб, Кичик Мирзони кутиб олди ва ортиғини тасаввур қилиб бўлмас даражада меҳру муҳаббат кўргузди. Кичик Мирзо қувонч ва севинчларга тўлиб, туғилиб-ўсган ватани ва яйраб-яшнаган масканига келиб кираркан, бундан буёғига доим Ҳирот шаҳрининг кўркем жойларида бир гуруҳ яхши сифатли олимлар билан осойишталак ва фароғатда

¹ Эътикоф ўтирув – бирор муқаддас гўшада бир неча вақт фақат дуо зикри билан машғул бўлиб ўтириш.

² Қуръони карим, Юсуф (12) сураси, 84-оят.



суҳбатлар қурадиган бўлди. Бахт лаҳзали вақтининг кўпини илм ўрганиш ва илмий масалаларни аниқлаштириш билан ўтказиб, ҳимматини охират саодатларини қўлга киритишга қаратди.

Аммо айёр фалакнинг бу ўткинчи бекатда вафо аҳлини тинч ва ўз ҳолига қўйиши амримаҳол бўлгани сабабли 889 йили¹ ул юксак мартабали шаҳзода зотига ҳасба² касали ёпишди. Ҳозик ҳақим ва табибларнинг даволашларидан фойда бўлмай, иш овқат ейиш ва сув ичишдан ҳам ўтиб «Аллоҳ тинчлик диёри — жаннатга даъват қилур»³ даъвати «эй хотиржам-сокин жон»⁴ чақирғини Кичик Мирзонинг ҳуш қулоғига етказди ва шаҳзода дунёвий неъматлардан кўнгили узиб, «у жойда кўнгилар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган барча нарса бор»⁵ зиёфатхонаси сари йўналди. Иқбол гулзорининг мева берувчи ниҳоли фано шамолдан қулади ва давлат буржининг қуёш ёғдули дури камол авжидан йитиш тубанлиги томон юз қаратди. Ул олий мартабали шаҳзоданинг бузруквор отаси ва иффат шиорлик онаси изтироб қўли билан сабру тоқат либосини пора-пора қилиб йиртдилар ва ўзларини йўл тупроғи узра ташлаб, кўз ёшлари селини ер тубигача етказиб, оҳу дод тутунини Сурайё авжигача чиқардилар.

Мансур хоқон марҳум шаҳзоданинг уйига ташриф буюриб, Султон Аҳмад Мирзо ва азиза опасига тасалли берди ва жиянининг пок жасадини ювиб-кафанлаш ишларига буйруқ бериб, улўф амир ва нўёнлар ҳамда осмон нишонли тахт пойида турганлар шукуҳ қоидали султонлар дастури, балки чечан қалам таърифини ёзишдан ожизлигини бўйнига олиш даражасидаги улўфворлик ва ҳашамат билан мағфират андозали шаҳзоданинг жасадини тобутга қўйиб кўтардилар. Барча саййид, қози, уламо, шариф, каттакон, аъён ва инсон табақаларининг хос ва авоми пиёда йўлга тушиб, Хиёбон кўчаси йўли бўйлаб ийдгоҳга ошиқдилар ва мангу зотнинг илоҳий раҳматга етишган бандаси-

¹ 889 йил — 1484 йил 30 январь — 1485 йил 18 январь оралиғи.

² Ҳасба — айрим лўғатларда бу касал «терлама» (брюшной тиф, сыпной тиф), баъзисида «чечак» (корь) деб берилган.

³ Қуръони карим, Юнус (10) сураси, 25-оят.

⁴ Қуръони карим, Вал-фажр (89) сураси, 27-оят.

⁵ Қуръони карим, Зухруф (43) сураси, 71-оятдан.



нинг енгилгина тобути узра жаноза намозини ўқиб, подшоҳлик конининг ул гавҳарини Гозургоҳдаги мана шу ишлар юзасидан бино қилинган хилхонага олиб бордилар ва башар аҳлининг аълоси ҳазрат пайғамбарнинг (с.а.в.) ойдин суннати бўйича тупроқ хазинабонига топширдилар.

Шундан сўнг бу катта мусибат ва азим таъзия эгалари анъанага кўра, бир неча кун давомида фақиру мискинларга ош тортиб, субҳона ва таоло Аллоҳнинг мўъжиз низомли каломи хатмларини адо этиб, олий зотли шаҳзоданинг пок руҳини турли-туман садақалар улашиш билан шод қилиб, мунаввар мақбара гунбазига ҳар хил безаклар воситасида яна ҳам кўпроқ зебу зийнат бердилар. Ҳазрат ҳақиқатпаноҳ, инсонлар афзали мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий (*гўри Аллоҳ нурига тўлсин*) ўша айёмда ул гунбаз китобаси учун бир қасида битди. Ўша қасиданинг матласи эсимда қолгани туфайли бу ерда ёзиб кўрсатиш имкони туғилди.

Байт:

Хуршидиким кўк гунбазиде порлаб турур,
Шаҳаншоҳлар мақбарасин қандилидур.

Шунингдек, шаҳзода қабр тоши битиғи учун Амир Низомиддин Аҳмад Суҳайлий қуйидаги рубоийни назм ипиға терди.

Рубоий:

Олам султонлигин сен ор деб билдинг,
Даврон азобларин сен дор деб билдинг.
Бу фоний жаҳондан кўчирдинг тахтинг,
Замонани балки сен фор деб билдинг.

БАДЕУЛЖАМОЛ БЕГИМНИНГ САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ҲИРОТГА ЕТИБ КЕЛГАНИ ЗИКРИ ҲАМДА БОШҚА ҲОЛАТ ВА ҲИКОЯТЛАР БАЁНИ



Илгариги воқеалар баёнидан аён бўлганидек, мансур хоннинг синглиси Бадеулжамол бегим ул ҳазрат Журжон вилоятини Султон Абусаид Мирзога қолдириб, Адоқ ўлкасида қуёш ёғдули байроқни ҳилпираган йили Пир Будоқ султоннинг никоҳига кирган эди. Пир Будоқ султон вафот этгач, Дашти





Қипчоқ хоқонларининг барчасидан улуғлик ва шавкатда устун турувчи Аҳмадхон салтанат тожининг ул дурина ўз никоҳига киритди ва Бадеулжамол бегим мазкур Аҳмадхондан икки ўғил ва бир қиз туғди. Сўнг ул олий мартабали хон охират сафари кўрпа-тўшагини орқалаб, бу ўткинчи дунё билан хайрлашди.

Маҳди улё акасини кўриш учун Хуросон томон йўналиб, тўнғич ўғли Султон Маҳмудхонни ота-бобоси салтанати пойтахтида қолдирди. Кичкина ўғли Баҳодир Султон эса синглиси Хонзодахоним билан бирга онасига эргашдилар.

Ул иффат шиорли замон Билқисининг олтин тусли маҳофаси Ҳирот ҳудудига етишгач, мансур хоқон халифалик пардаси ортида ўтирган покиза афифалар ва шаҳзодалар, амиру давлат устунларини кутиб олиш учун жўнатди. Улар Бадеулжамол бегимни катта ҳурмат-эҳтиром билан давлат пойтахтига олиб келиб, ниёз ва нисор сочқиси шартини бажардилар. Бегим ҳам акасининг дийдори билан кўзини равшан қилиб, лойиқ тортиқлар тортди. Мансур хоқон азиза синглиси ва унинг болаларига меҳрибонлик ва ғамхўрлик назари билан боқиб, инъом ва эҳсон шартларини бажарди.

Шу воқеалар бўлиб турганда яхши хислатли хоқоннинг қутлуғ ақлли акаси Бойқаро Мирзони Балҳдан олампапоҳ даргоҳга чақириб, ул мамлакатнинг бошқарув жиловини Амир Низомиддин Дарвеш Али Кўкалтошнинг доно қўлига топширишни тақозо қилди. Бойқаро Мирзо Ҳиротга келгач, олиймакон шаҳзода Музаффар Ҳусайн Мирзонинг суннат тўйи учун тўй анжомларини тайёрлаш ва чортоқ кўтаришни буюриб, бу иш учун Боғи Зоғон тайин қилинди. Шаҳзодалар ва амиру нўёнлардан ҳар бири мазкур боғнинг тотли сувга тўла кавсардек ҳовузи атрофида чиройли безаклари билан зангори осмон равоқининг рашкини келтирувчи чортоқ кўтардилар. Санъаткор уста ва ҳунармандлар боғ дарвозасининг тўғри кўчаси бўйлаб ҳовуз четигача безакли ва ғаройиб қойдали чортоқлар қуриш билан Чин нигорхонаси ҳасадини ошириб, юксак чарху буржларнинг рашкини келтирдилар. Мансур хоқон Боғи Жаҳонородан ўшал кўнгилочар манзилга кўчиб ўтиб, икки ойгача ҳар куни пешин намозидан сўнг жаннат кўринишли сарой яқинларининг бир гуруҳи билан бирга тилла ва ложувард





билан нақшланган ва расмлар чизилган хос ҳумоюн чортоқда хурсандчилик ва қувонч базмида ўтирди. Амиру шаҳзодаларнинг ҳам ҳар бири ўз чортоқида қарор топиб, райҳоний май ичиш ва яхши куй-қўшиқларни эшитиш билан машғул бўлдилар.

Ўша айёмда узоқ-яқиндаги аҳолининг бариси кўнглига қувонч ва шодлик йўл топган ва яхши ўйли ҳар бир ҳунару санъат муҳандислари турли-туман ғаройиб мосламалар, ҳар хил ажойиб ишларни борлиқ оламига чиқарган эдилар. Ҳар бир тоифа ўз соҳасига муносиб нодир бир сурат ва бадий аломатли бирор шаклни намоён этарди.

Шунингдек, ҳусну малоҳат аҳли ва хушсурат созандаю навозандалардан бир гуруҳи ҳар кун ва ҳар тун айшу ишрат арбоблари мажлисида ҳозир бўлар ва кўнгилочар нағмалар ва қувонч бағишловчи тараннумлар билан ёшу кекса, каттаю кичикнинг севинчига-севинч қўшар эдилар. Тотли шароб билан лиммо-лим биллур қадахлар ёғдуси майпарастлар базмига нур ва сафо бағишларди. Қуёш билан тенглашувчи Зухро манглайли соқийлар юзининг чароғонлиги мастлар йиғинини юксак осмон фазоси янглиғ равшан қиларди. Бу қувонч яқунли айёмда фалак ҳашаматли даргоҳ баковуллари ҳар лаҳзада феруза рангли чарх юлдузлари сонича таомларга тўла дастурхонларни тайёр ва муҳайё қилар, лазиз таомлар кўплиги ва латиф ичимликлар мўллигидан очарчилик расми олам курраси юзасидан супурилиб ташланганди. Катта тўй куни мунажжим ва тақвимчилар белгилаб берган лаҳзада Музаффар Ҳусайн Мирзонинг хатнаси амалга ошди ва ҳазрат хоқоннинг иноят қўли амирлару нўёнлар ва Сидра мартабали бўсаға яқинлари устига нафис тўнлар ёпди.

Музаффар Ҳусайн Мирзонинг сурурга тўла тўйи бўлиб ўтган кундан ҳеч қанча вақт кечмай, мансур хоқон кўнглининг етук ҳудудига Бадеулжамол бегимнинг қизи Хонзодахонимни шу шаҳзода никоҳига киритиш фикри йўл топди ва бу борада хоқоннинг қутлуғ фармони чиқиб, мазкур қоида бўйича Боғи Зоғонда чортоқ боғлаш ва тўйнинг бошқа юмушлари амалга ошди ва 892 йил бошида ¹ бахтли бир соатда ва олқишли бир за-

¹ 892 йил боши – 1486 йил 28 декабрь.





монда саййиду қозилар, уламою фузало аъло ашраф мажлисида тўпланиб, ҳазрат шайхулислом мавлоно Сайфиддин Аҳмад ат-Тафтазоний саодат денгизининг ул икки гавҳарига никоҳ ўқиди. Ўша йиғиндаёқ жаннат аломатли қатнашчиларга нисбатан ниёзу нисор ва тўн кийгизиш расму шартлари керагича амалга ошди. Ўша тунда Абулмансур Музаффар Хусайн Гурагон билан Хонзодахоним ўртасида эр-хотинлик шартлари юзага чикди.

Аллоҳи таолонинг «Аллоҳнинг йўлини сира ўзгартира олмас-сиз»¹ суннати ҳамиша шуни тақозо қилардики, ўткинчи дунёда ҳар бир роҳат жароҳатга яқин ва ҳар муҳаббат меҳнат билан ёнма-ён туради, тўй билан аза айрилмас ва ҳар қувонч жонни куйдирувчи қайғуга уланган бўлади. Бу воқеалар асносида мақтов хислатли, яхши феълли Бойқаро Мирзо ичбуруғи касалига мубтало бўлиб, тангри таолонинг мағфирати паноҳи кўчиб ўтди. Бу ҳодиса тенгсиз хоқоннинг кўнгли ғамга ботишига сабаб бўлиб, дастурга кўра бир неча кун аза очиб, таъзиядорлик қилди ва фақирлару етим-есирларга ош тортиб, Қуръони карим хатмидан сўнг марҳум султоннинг азиз фарзандлари Султон Увайс Мирзо, Искандар Мирзо ва ул ҳазратнинг бошқа яқинларига қимматбаҳо тўнлар кийгизиб, мотам либосларини ечтирди.

Ўша йилнинг қиш фаслида мансур хоқон Марв қишловиغا кетиб, адолат ва арз-дод сўраш палосини ёйди.

**АСТРОБОД ЎЛКАСИНИНГ ҲАЗРАТ
СУЛТОННИНГ ЯҚИН КИШИСИ [АМИР
НИЗОМИДДИН АЛИШЕР]ГА
ТОПШИРИЛГАНИ, ХОЖА МАЖДИДДИН
МУҲАММАДНИНГ ЭСА ИККИНЧИ
МАРТА ЭЪЗОЗ ТОПГАНИ ЗИКРИ**

Олий маконли мансур хоқон Марвда қишлов расми билан турган 892 йил қишида² мулкларни безовчи ақл Валибек вафотидан сўнг Журжон волийси этиб тайинланган Амир

¹ Қуръони карим, Аҳзоб (33) сураси, 62-оят.

² 892 йил қиши – 1486 йил декабрь – 1487 йил январь-феврари.





Мўғулнинг ул мамлакатдан иқбол ошиёнли даргоҳга келиб, хизматда туриши ҳамда ҳазрат султонликнинг энг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишернинг дорилфатҳ Астробод ҳукумати бошқаруви билан боши баланд бўлишини тақозо қилди.

Мансур хоқон нурли қалбининг яширин сўзини соҳиб тадбир Амир Алишер Навоий билан ўртоқлашганда, хоқонлик ишларининг кафолатини олишга ойдин кўнглида майл йўқлиги ва субҳоний лаззат ҳосил қилиш тариқи маслагига¹ иштиёқи кучлилиги сабабли дастлаб ул ишни қабул қилишга оғиз ростламади. Аммо ўтинч ва ҳаддан зиёд тилақдан сўнг розилик бошини қимирлатиб, йўналиш юзини ўша томонга қаратди ва оламpanoҳ даргоҳ мулозимларидан Амир Низомиддин Бобо Али ва Амир Бадриддинни ўзи билан олиб кетди. Астрободга яқин қолганда, Амир Мўғул шаҳарни бўш қолдириб, қайтиш байроғини Марв томон кўтарди.

Шу орада Астрободнинг Гулафшон мавзеи адолат вужудли Амир Алишернинг қўш ташлашидан Эрам гулистонининг рашкини оширадиган жойга айланиб, саййидлар, олимлар ва шарифлар кўнгли фаҳрга тўлди. Шаҳар аҳолиси ва қишлоқ деҳқонлари адолат ва инсоф қадами шарофатидан золиму зўравонлар зулумотидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик тўшагида роҳатфароғат билан ётишга эришдилар. Мозандарон, Рустамдор, Гилон вилоятларининг ҳокимлари ул жанобнинг ҳукумати хабарини эшитгач, бўйинини итоат бўйинтириғига тиқиб, Астрободга элчи ва мактублар йўлладилар ва қимматбаҳо тухфалар, муносиб тортиқлар юбориб, ўз ихлосу садоқати жавҳарларини арз баркашига қўйдилар.

Ҳатто Астробод ўлкаси ул ҳашаматга кон амирнинг улуғворлик тахти қароргоҳи бўлиб турган вақтда олий мартабали подшоҳ, адолат паноҳли хоқон Султон Яъқуб Мирзо бир неча навбат сўзга чечан ишончли кишиларини қимматбаҳо тўн ва мўл-кўл тансиқ совғалар билан ул амир жаноблари ҳузурига

¹ Сўфийлик тариқати кўзда тутилмоқда.



жўнатди ва иноят қоришиқли фармонлар, марҳамат оҳангли қарорлар юбориб, етук даражадаги муҳаббат-меҳрибонлик изҳор этди.

Ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси подшоҳлик йўллари соликлари барчасининг элчиларини от, тилло пул, қимматбаҳо тўнлар билан сийлаб, ўзининг баланд ҳимматига яраша Султон Яъқуб Мирзо ва Гилон, Рустамдор, Мозандарон ҳокимлари учун подшоҳона совғалар юборди. Катта дабдаба ва боши баландлик, ниҳоятда адолат ва халқпарварлик билан ул мамлакатнинг бошқарув ўриндигига ўтирди.

Нақиб ва фозил киши бўлмиш жаноб Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ ул адолат дастгоҳли амир ҳукумати санасида шундай деган эди.

Қитъа:

Амир Алишерки, дафтар, қоғозга
Ўзиб тугалмагай васфу мидҳати.
Амирликни яна қабул қилди у,
Шунинг-чун тарихи: «Мир аморати»¹.

Мансур хоқон Марв шаҳрини сурурли баракатга тўла ҳузури билан мунаввар қилган ўша қиш фаслида Хожа Маждиддин Муҳаммад қайтадан қадамини ноиблик ўриндигига қўйиб, эътибор ва ихтиёр туғини ҳилпиратди. Бу ҳикоянинг муфассал баёни шуки, Хожа Қавомиддин Низомулмулк ва Хожа Афзалиддин Муҳаммад яна Хожа Маждиддин Муҳаммадга нисбатан одамларни гижгижлаб, туҳмат ва бўҳтонли сўзларни айттирган кунларидан бери ул жаноб кўпчилик мансаблардан туширилиб, тўққиз йил мобайнида Амир Муҳаммад тўшакчи билан шерикликда парвоначи бўлиб турди-ю, бироқ султонликнинг бошқа ишларига аралашмади. Ўша вақтларда ҳазрат хоқон бир неча марта ул юксак даражали хожага яхшилик қилмоқ пайдан бўлди. Аммо Амир Алишернинг бу иш борасида рухсат ва тавсияси бўлмагач, девон соҳиблиги ишларининг ихтиёр жилови Хожа Низомулмулк ва Хожа Афзал қўлида қолаверди.

¹ *Мир аморати* – бу сўзлардан абжад ҳисобида 891 сони чиқади.



Ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси хоқонликнинг мавкаби хизматидан йироқ тушиб, Астрободга кетгач, бандаларни сийловчи хоқон яна қайтадан хожа Маждиддинни баланд мартаба ва юксак мансаблар билан сарафроз қилишни кўнглига тугди. Аммо бир тасодиф рўй бериб, хоқоннинг бу янглиф ўй-фикри амалга ошиши арафасида, бир куни ҳазрат хоқон, Хожа Маждиддин Муҳаммад подшоҳлик тахти поясида турган пайти, Хожа Низомулмулк ва Хожа Афзалга қараб «юз берган бир иш учун икки туман кепакий маблағ топиш лозим бўлиб қолди» деди. Ул икки вазир бу сўзга яраша бирон жўяли жавоб бермадилар. Улар саройдан чиқиб кетгач эса, Хожа Маждиддин Муҳаммад подшоҳ олдида тиз чўкиб «аъло ҳазратга икки туман эмас, балки, икки минг туман пул зарур бўлиб қолганда ҳам ҳар йили ҳар бири девон молидан катта-катта маблағни ўзлаштираётган бу икки хожа шу заҳоти топиб беришлари керак эди» дея арзга етказди. Бу сўзлар мансур хоқон учун бир танбеҳ вазифасини ўтагандек бўлиб, барча ҳимматини ул саховат осмонининг қуёши тарбияти учун қаратди ва эртаси куни қобилияти қоматини қимматбаҳо тўн билан безаб, ҳамма бажариши шарт бўлган бир фармон чиқарди: Илгариги дастурга кўра қутлуғ фармонга муҳр босиб, тавқи битиш ва хатларга жавоб бериш ва аризачилар ишларини аниқлаш Хожа Маждиддин Муҳаммадга топширилсин. Амирлару садрлар, вазирлару ичкилар ва яқинлардан ҳеч бири мулку мол ишларидан ҳеч қайсини ул жанобдан беҳабар ва бемаслаҳат арзхонага тақдим қилмасин. Унинг тўғрилиқни кўрсатувчи фикрини султонликнинг барча юмушларини ҳал этиш ва девонликнинг бари ишларини амалга оширишда олдин тутсинлар. Салтанат ошиёнли даргоҳ муншийлари давлат фармонларида ул олий насабли хожа номини «мўътамид ус-салтана ва мўътамин ул-мамлаката»¹ унвони билан ёзсинлар.

Қисқаси, Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг иши бир лаҳзадаёқ хоқон меҳрибонлиги нурлари партавидан шабнам янглиф туш-

¹ Салтанат ишончи, мамлакат ишончи.





кунлик тубидан юзни баландлик авжига қаратди, қаҳр билан кетган бахт сулҳ ва яраш билан қайтиб келиб, хожа ҳол тилини бу мақол мазмунини ифода этиш учун чоғлади.

Назм:

Зулмат туним тонгидан келди дарак,
Ғамларим қулфига тонг калит бўлди.
Жафо тикани гар ботди дилимга,
Шукр, вафо боғида бахт гулим кулди.

Мансур хоқон қиш фаслини Марви Шоҳижаҳонда ўтказгач, куёшдек ўз шараф уйига мойил бўлиб, салтанат пойтахти Ҳирот сари юрди.

Ўша аснода Хожа Афзалиддин Муҳаммад фаросат нури билан тез орада Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг қасос мақсадини қилиб, уни мусодара ва талатиш кишанига солажагини билди. Шунга кўра ўзининг қутулиб қолиши учун битта ҳийла ўйлаб топиб, ул жанобга «агар розилик бўлса, Астробод девонлигига бориб, илгариги йиллар ҳисоб-китобини текшириб чиқсам ва девонликнинг қолган молларини ундириб, давлат хазинасига туширсам» деди. Хожа Маждиддин Муҳаммад эса «Хожа Афзал йўқ пайтида унинг айбларини олий зотли хоқонга айтишим осонроқ бўлади» деган ўйда хожага дарров рухсат берди. Хожа Афзалиддин Муҳаммад бўлса камондан отилган ўқдек девонхонадан ташқари чиқиб, Астробод сари ошиқди. Ул юксак мартабали хожа йўқлигида Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг мансаб ва ҳашамат юлдузи камол даражасига ёр бўлиб, барча садр, вазир ва кўплаб амиру нўёнлар ул олий насабли хожа хизматига бел боғладилар.

Шаҳар аҳлию қишлоқликлар, косибу ҳунармандлар девон амалдорлари хуружидан нажот топиб, адолат ва инсоф ўриндиғида яйраб-яшнаб ўтирдилар.

Хожа Маждиддин Муҳаммад илгари девон ишига машғул бўлиб келган амалдор ва мутасаддиларни мусодара қилдирди. Аниқроғи, ким Хожа Низомулмулк ва Хожа Афзалнинг эътибори ихтиёрли даврида подшоҳликнинг бирон-бир ишига арала-





шиб юрган бўлса, кишан ва занжирга боғланди ва қудрат қўли нимага етиб турган эса, ўшандан қирқилди. Қисқа вақт ичида икки минг туман кепакийга яқин маблағ вазирлар ва олий девон амалдорлари ва бошқа солиқ ундирувчилар қўлидан тортиб олиниб, давлат хазинасига қайтарилди. Шоҳликнинг кўпчилик нависандалари¹ одатдагидек эркин бўла олмай қолдилар. Хожа Маждиддиннинг важоҳат ва маҳобати кўплигидан ҳеч бир амалдорнинг бир ман ғалла ва бир динор пулни халқдан пора сифатида олишига юраги дов бермас, бу вазирнинг сиёсати кучлигидан ҳеч бир ясовулнинг бозор аҳлига қилча ҳам озор беришига юраги бетламас эди.

Хожа Маждиддин Муҳаммад ҳар куни тонгдан пешингача ҳимматини султонлик ишларини ҳал қилиш ва девонлик юмушларини битказиш сари йўналтирарди. Шундан сўнг эса ярим кечагача замоннинг фозилларию юксак даражали олимлари билан суҳбат қуради. Бу йиғинларда ҳазил оҳангли сўзлар ва юракни шодлантирувчи латифалар кўп айтиларди. Ким бу борада кўпроқ нарса айтса, хожа олдида мақбуллик мақомига эришарди.

Хожа Маждиддин ишлайдиган давлатхонада² ҳам ҳамиша эҳсон дастурхони очиқ турарди ва идора хизматчилари анвойи таомлар тартиб бериб «мева-чева ҳамда иштаҳалари тортадиган қуш гўштларини»³ ҳаддан оширардилар.

Бироқ салтанат ишончи бу яхши феъли ва ёқимли амаларига қарамасдан жуда жаҳддор ва қўпол сўзли киши эди. Озгина нарсага табиатини ғазаб ҳисси қамраб олиб, тилини сўкиш ва ҳақоратга чоғларди. Амирлар ва давлат устунларини доимо ёмон сўзлар билан ранжитиб, тили ёмонлиги асорати кўпчилик ичкилар ва халифа ошиёнлик даргоҳ яқинлари кўнглини офритарди. Мўъжиз низомли «агар қўпол, қаттиқдил бўлганингизда эди, албатта, атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар»⁴ кало-

¹ *Нависанда* – битикчи. Солиқ хатини битувчи, солиқчиларнинг ёзув ишларини бажарувчи, гоҳо солиқчи.

² *Давлатхона* – девон идораси.

³ Куръони карим, Воқеа (56) сураси, 20–21-оятлар.

⁴ Куръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 159-оят.





ми мазмунини англашдан жуда узоқ эди ва «ғазабларини ичига ютадиган, одамларнинг хато-камчилигини афв этадиган»¹ карима маъноси талабидан ҳамиша четга чиқарди. Шунга кўра кўпчилик амирлар адоват камарини жон белига боғладилар ва макру ҳийла пистирмасида фурсат етишини пойлаб ўтирдилар.

Ул жаноб уч йил тўла ихтиёр ва эътибор ҳамда эмин-эркинлик билан умр ўтказгач, давлат томонидан жазо ва мусодарага йўлиқиб, Хуросондан жуфтакни ростлади ва муборак Макка йўлида касалланиб, охират оламига жўнади. Булар ҳали ўқувчимиз учун келгуси ҳикоялар асносида ойдин бўлади.

**БЕКА СУЛТОНБЕГИМНИНГ ВАФОТ
ЭТГАНИ ВА ЯНА АЙРИМ УЛУҒЛАРНИНГ
ҲАМ БУ ЎТКИНЧИ ОЛАМДАН
КЕТГАНИ ЗИКРИ**



Бадиуззамон Мирзонинг онаси Бека Султонбегим Мирзо Султон Санжар қизи жаҳддор, дағал сўзли малика эди. Олий насаби сабабли ўзини мансур хоқоннинг бошқа покиза аёлларидан устун деб билар ва ул олий мартабали подшоҳ Зухро манглайли хотинларидан баъзи бирига нисбатан кўпроқ илтифот кўрсатгудек бўлса, бу бегим рашки зўрлигидан ғазаб отига миниб, қудратли хоқонга нисбатан захрини сочар эди. Бу қилиқ ўз чегарасидан чиқавергач, ул ҳазрат талоқ сўзини тилидан жорий қилиб, унга яқинлашиш баҳридан ўта қолди. Натижада ул ҳашаматли малика жуда ғамгин ва маъюс ҳолатда турмуш кечираркан, 893 йили² касалга чалиниб, жаннат боғларида манзил тутди.

Султон Бадиуззамон Мирзо ва бошқа барча олий маконли шаҳзодалар таъзия либосини кийиб, раҳматга ёр маййитни катта мусибат билан кўтардилар ва ўзи қурдирган «Бадиа мадрасаси» гунбазида дафн этдилар. Бир неча кун азадорлик шартла-

¹ Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 134-оят.

² 893 йил — 1487 йил 17 декабрь — 1488 йил 5 декабрь оралиғи.





ри ва мусибатдорлик маросимини бажариб, ош-таом тортиш ва Қуръон ўқитиш билан машғул бўдилар.

Шу йили Ҳирот доруғаси ва Ихтиёриддин қўрғони кутволи бўлмиш ҳамда халқнинг турли табақаси билан инсоф ва диёнат каби яхши муомала қилиб келган Паҳлавон Муҳаммад *Гурубаст* ҳам бу олам билан видолашди ва Мусаррах саййидлари мозори яқинига дафн этилди. Ул файзу баракат аломатли мазор устидаги иморат мазкур Паҳлавон Муҳаммаднинг ўзи қурдирган ва чиройли қилиб безатган бинодир. *Аллоҳ шукронасини қабул қилган бўлсин.*

**ХОЖА АФЗАЛИДДИН МУҲАММАДНИНГ
ИРОҚУ ОЗАРБАЙЖОН ТОМОН
КЕТГАНИ, АМИР НИЗОМИДДИН
АЛИШЕРНИНГ ЭСА ЯНА ОЛИЙ
ШАВКАТЛИ МАНСУР ХОҚОН ҲУЗУРИГА
ҚАЙТИБ КЕЛГАНИ ЗИКРИ**



Хожа Афзалиддин Муҳаммад бир неча ой Астробод шаҳрида Амир Низомиддин Алишернинг иноят ва риояти остида ниҳоятда фароғат ва роҳат билан умр кечираркан, Хожа Маждиддин Муҳаммад унга давлат молидан анчасини ўмаргани каби айбларни тўнкаб, буларни мансур хоқоннинг арзига етказди ва Хожа Афзалиддинни дорилфатҳ Астрободдан чақириб олиш борасида олий фармонлар юбортирди. Хожа Афзал агар олий тахт пойига қайтиб борса, хоқоннинг Хожа Маждиддин чақимчилиги ели билан аланга олган ғазаб ўти ўзининг ҳаёти хирмонини ёндиражагини яхши англаб, бунга қарши бирор чора ахтариш кўйига тушди ва анча бош қашлаб роса фикр қилгач, Амир Алишернинг йўл-йўриғига биноан Ироқ ва Озарбайжон тарафга йўналди.

Бир нечта манзилу бекатларни босиб ўтгандан сўнг Султон Яъқуб Мирзонинг мулозимати шарафини топиб, чексиз инъом ва эҳсонга қўмилди. Бахти келиб, ўша йили ҳаж карвони амирлиги вазифаси ҳам унинг тўғри йўлни кўрсатувчи ақлига





топширилди ва шу туфайли ислом ҳажини адо этмоқ ва инсонлар аълосининг (с. а. в.) мунаввар равзасини тавоф қилмоқ шарафини топди. Муродлар ҳосил қилгач, яна Ироқи Ажам ва Озарбайжонга қайтиб келди.

Амир Низомиддин Алишер бир йил давомида Журжон ўлкасида мулку мол ишлари бўйича мутасадди бўлиб тургач, қалбида қудратли хоқон мулозиматига етишмоқ иштиёқи кучайди. Анча иккиланишдан сўнг Амир Бадриддинни Астрободда ўз ўрнига ўринбосар қилиб қўйиб, салтанат пойтахти Ҳиротга қараб йўл олди ва жамшид қудратли хоқонни кўриш билан кўзини мунаввар қилиб, бундан кейин ўзининг шу каби мулозимат шарафидан маҳрум қолмаслиги учун Астробод вилояти бошқарувини давлат устунларидан бошқа бировига топширилишини илтимос қилди. Аъло ҳазрат бу илтимосни розилик қулоғи билан эшитмади ва бир неча кундан сўнг ҳазрат султоннинг энг яқин кишисига Астробод сари қайтиб кетиш учун рухсат берди. Ул жаноб яна бир неча ойна Астробод мамлакатада ўтказди. Ўша аснода Амир Ҳайдарни¹ айрим ишлар борасидаги гапларни айтиш учун осмон ҳашаматли тахт пойига юборди.

Амир Ҳайдар телбалик хислатидан баҳраманд киши бўлиб, шароб кайфияти бу хислатни баттар кучайтириб юборган вақтида олий арзга: Ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси эшитишича, халифа ошиёнлик даргоҳ мулозимлари Кокулий баковулни Амир Алишерга заҳар солинган овқат едиришга ундашган. Шу сабабли ул зот катта ҳадик ва қўрқувга тушган ва тадбир қалами билан қаршилик хаёлини қалби узра битган, дея етказди.

Мансур хоқон бу сўзни эшитгач, изтиробга тушиб, Астрободга яшин ва елга тизгиндош бир чопар орқали олий манзилли амирни чақириб олиш борасида қутлуғ ҳужжат жўнатиб, ул ҳужжатда «Ҳеч қачон бу каби ният аъло ашраф кўнглимизга йўл топмаган. Бу борада шариф қулоғингизга етган гап асло содир бўлмаган ишдир» дея ёзиб юборди.

¹ Амир Ҳайдар – Алишер Навоийнинг тоғаси Амир Саййид Оқо Кобулийнинг ўғли Амир Ҳайдар Кўкалтош кўзда тутилмоқда.





Чопар Амир Алишернинг мулозимати шарафини топиб, хужжатни арзга етказгач, ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси ҳайрат денгизига чўмди. Чунки, бу каби гап-сўз ва воқеадан Амир Алишернинг сира ҳам хабари йўқ эди. Амир Алишер олампаҳо даргоҳ эҳромини боғлаб, ўн-ўн икки кун ичида Астрободдан Ҳиротга келди ва буюклик палосини ўпиш саодатини ҳосил қилиб, бевосита «Мир Ҳайдар арзга етказган сўзларнинг бариси фирт ёлғон ва очикдан-очиқ бўҳтондир, ҳеч қачон бу каби сўз менинг қулоғимга етмаган» деди.

Шу сабабли Амир Ҳайдар ушланиб, қамоққа ташланди. Амир Алишер Астробод ҳукуматидан ва девон амирлиги ишларидан ўта ўтинч билан истеъфо тилаб, сўровни ҳаддан оширавергач, мансур хоқон мақтов асарли амирнинг кўнгли ризолиги мулоҳазасига кўра ул илтимосни қабул иззатига яқин тутди. Ҳазрат султоннинг яқин кишиси шундан сўнг эмин-эркинлик билан ўз ўсиб-улғайган ватани ва ҳамишаги масканида¹ яшаб қолди.

Амирлик мансабини тарк этгани сабабли мансур хоқон унинг кўнглини кўтариб, кундан-кунга мартабаю манзилатини оширар, иззату ҳурматини орттирар экан, иш шу даражага бориб етдики, подшоҳ Амир Алишерга мактуб ёзганида ул жанобнинг унвонини ушбу йўсинда тилга оладиган бўлди: Жаноб ҳидоятмаоб, маолий иёб, зубдаи арбоби дину давлат, қудваи асҳоби мулку миллат, муассис ул-хайрот, муваффақ ул-мубаррот, рукн-ус-салтана ва умдат ул-мулката, эътисод уд-давлат ул-хоқоний, муқарриб ул-ҳазрат ас-султоний, низом ул-ҳақ вал-ҳақиқа вад-дин Амир Алишер зоиф уллоҳ тавфиқиҳи.² Алқисса Амир Алишер Астробод ҳукуматидан истеъфо бергач, қайтадан Амир Мўғул ул мамлакатни бошқармоқ учун йўлга тушди.

¹ Яъни – Ҳиротда.

² Йўл кўрсатувчилик хислатли, улуғвор ҳимматли, дину давлат аҳлининг энг тақводори, мулку миллатнинг бошлиғи, хайрия ишлари таъсисчиси, яхши ишлар амалиётчиси, салтанат устун, мулкнинг энг жонқуяри, хоқонлик давлатининг сунъичиғи, ҳазрат султоннинг яқин кишиси, Ҳақ дастурию илоҳий буйруқлар ва дин ишларини тартибга солувчи жаноб Алишер (Аллоҳ муваффақиятларини зиёда қилсин).



**ШАҲЗОДА МУҲАММАД МАЪСУМНИНГ
МИРЗО УЛУҒБЕК БИН СУЛТОН АБУСАИД
МИРЗОНИНГ ҚИЗИГА УЙЛАНГАНИ ВА ШУ
ТҶҲЙ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲИРОТ ШАҲРИ
ТАШҚАРИСИДАГИ ПУЛИ МОЛОН
МАВЗЕИДАН ТО БОҒИ ЖАҲОНОРО
МАНЗИЛИГАЧА ОЙНАБАНД ҚИЛИБ
ЯСАТИЛГАНИ БАЁНИ**

Ҳттан воқеалар асносида мансабу жалол эгаси қулоғига бахтли подшоҳ Мирзо Улуғбек бин Султон Абусаид Мирзонинг ифбат пардаси ортида офтоб кирдорли юзи дийдори меҳридан айланувчи осмоннинг бор вужуди кўзга айланувчи ва нурга тўла рухсори уятидан зиё сочувчи қуёш булут ниқобини юзи узра тортиб, адл қоматли сарв эса хушхиром қомати рафтори рашкидан оёғини лойга тикувчи, мушкин бинафша сумансифат зулфи ҳасадиан ниҳоятда уятга тушувчи бир қизи борлиги эшитилган эди. Қутлуғ кўнгил ул пари юзлини шаҳзода Муҳаммад Маъсум никоҳига киритишга мойил ва шу уланиш орқали қариндошлик пойдеворини мустаҳкамламоқчи бўлди. Шунга кўра сўзамол элчиларни мўл-кўл туҳфалар билан мазкур ишни йўлга қўйиш учун Мирзо Улуғбек бин Султон Абусаид олдига юборди.

Совчилар неча бир манзилу бекатларни босиб ўтиб, Кобул ўлкасида ул олий мансабли подшоҳ мулозимати шарафини топдилар ва муносиб сўзлар билан элчилик вазифасини адо этиб, салтанату подшоҳлик буржу фалакининг Зухросини халифалик ва юрт олувчилик авжи дури учун сўрадилар. Мирзо Улуғбек бин Султон Абусаид Мирзо ул илтимосни ижобат иззати билан қабул қилди ва маҳди улёнинг сафар ҳамда тўй яроқларини ҳозирлашга олий буйруқ бериб, элчилар ҳаққида турли-туман инъом ва мўл-кўл эҳсонлар тортиғини адо этди. 895 йил бошида¹ ул ифбат либосли бонунинг зар нақшли маҳофасини кекса гардун кўзи кўриб ҳайрон қоладиган ҳашамат ва рав-

¹ 895 йил боши – 1489 йил 25 ноябрь.



шан қалбли Биржис буржи қуёшнинг кўзи тегиш балосини қайтариш учун «албатта қофир бўлган кимсалар...Сизни кўзлари билан йиқитаёзурлар»¹ оятини тилга оладиган улуғворлик билан Хуросон томонга жўнатди. Ул ой жамолли қизнинг яқинлашиб қолгани хабари салтанат пойтахти Ҳиротга етгач, олий зотли хоқон тўй ўтказмоқ ва шаҳару кўчаларга ойнаванд² боғламоққа фармон берди. Амирлар ва давлат устунлари байрам ва хурсандчилик асбобларини тайёрламоқ ҳамда шодлик ва қувонч айёми жиҳозларини ҳозирламоққа машғул бўлдилар. Боғи Жаҳонорода тўй яроқларини муҳайё қилиб, севинч ва шодмонлик эшикларини инсон табақасининг каттаю кичиги турмуши юзи сари очдилар. Санъат аҳли турлича бадий ишларни борлиқ оламида зуҳурга етказиб, Пули Молондан то Боғи Жаҳонорогача кўчаю бозорларни ойнаванд қилдилар. Чортоқлар кўтариб, барча иморат ва дўконларини Чин матоси, Фаранг бахмали, Хитой атласи, етти хил рангда товланувчи попуқлар билан безадилар. Анвойи мосламаларни ҳам қандайлигини баён бармоқлари битишдан ожиз қолиш ва сифатини ёзишга икки тилли қалам кучи етмас даражадаги суратда ясаб қўйдилар.

Подшоҳлик пардасининг хонанишинлари сочқилар тузатиб ва гавҳар нишонли маҳофаларга ўтириб, келинни кутиб олиш учун ошиқдилар. Мазкур йилнинг ўн иккинчи рабиулаввал ойида³ Молон кўприги бошида ул шаҳриёрлик осмонининг Ноҳид юлдузи билан учрашиб, томонлар пешкаш тортиш ва сочқи сочиш шартларини амалга оширдилар. Шу қадар кўп зару гавҳар сочқи қилиндики, эҳтиёж карвони жаҳон бекатидан кўч-кўронини йиғиштирди. Ишларни ўнглагувчи бахшанда зотнинг иноят қўли бойлик эшикларини мискину фуқаро юзи сари очди.

Ўша куни Пули Молондан Жаҳоноро боғи сари юрилиб, бир фарсахдан зиёдроқ масофа бўлмиш бутун йўл бўйлаб икки та-

¹ Қуръони карим, Қалам (68) сураси, 51-оятдан.

² *Ойнаванд* – эски удумга кўра, шаҳарга шоҳ келган ёки байрам пайтлари кўчаларга ойналар ўрнатиб, ҳаммаёқни яна ҳам ёруғ қилишган ва бу безатишни «ойнабанди» ва «озинбанди» деб аташган.

³ 895 йил ўн иккинчи рабиулаввал – 1490 йил 3 февраль.





рафдан хушовоз муғаннийлар ва нағмапардоз созандалар руд¹ қўшиқ ва навоси ва чангу уд садоси остида табрик маросимини адо этиб бордилар. Ҳар неча қадамда мансур хоқон ва шаҳзода Муҳаммад Маъсумнинг амиру давлати устунлари ҳовуч-ҳовуч олтин, кумуш тангалар ва чексиз равишдаги қимматбаҳо буюмларни атоқлилик осмонининг Зухроси маҳофаси узра сочқи қилдилар. Шу тартиб ва қоида билан келинни Боғи Жаҳонорога етказиб, қутлуғ мажлисда қозию уламо, шарифу фузало ҳозир бўлдилар ва ойдин шариат талаби бўйича ҳашаматли шаҳзода ва шоҳбонуни бир-бирига ақд қилиб, никоҳ ўқидилар.

Тақдир безакчиси куннинг зардўзи пардасини осмон хонадони келинларининг юзидан кўтаргач ва Ой билан Муштарий нилуфарий гўшангада дилбарлик бошлаб, уларнинг яқинлашуви зичроқ даражада амалга ошгач, шаҳзода Муҳаммад Маъсум хос хилватхонага кирди ва ул ой қоматли, Зухро манглайлини бағрига босиб, юраги мақсадини шоҳбонудан ҳосил қилди.

Қазову қадар фаррошлари қуёшнинг зарнигор чодирини осмон базмгоҳи фазоси узра тиклаган ва хуршид жамшиди² талъати ёғдусидан ер юзи келинини мунаввар ва безакли қилган эртаси кунни мансур хоқон тўйхонаниннг осмонўпар чодирисида бахт тахтига ўтириб, улфатчилик йиғини ва хурсандчилик базми қуёшга ёр улуғлик қоидали шаҳзодалар манглайи нури билан зийнатланди. Арғувоний шароб жомлари ялтираши ва райҳоний таъмли бода қадаҳлари шуъласи ҳозир бўлганлар юзи узра сочилиб, кумуш баданли соқийлар чехраси офтобининг чарақлаши ул йиғинга нур ва сафо бағишлади.

Хушовоз мутрибларнинг дилни ўғирловчи нағмалари бодапарастларнинг ҳузур ва сурурини ортгирди. Қўли баракатли ошпазлар ва чучук тилли дастурхончилар ҳар лаҳзада лазиз таомлар ва майин ичимликларни ақлга сиққан даражадан ҳам кўпроқ миқдорда ва эҳтимол доирасига кириш чегарасидан ҳам ташқари суратда тортиб турдилар. Шу зайл очлик карвонини хосу авом

¹ Руд — қадимий мусиқа асбоби: тор.

² Хуршид жамшиди — қуёш кўзда тутилмоқда.



кишилар ошқозонидан қайтиб келиши мумкин бўлмаган суратда кўчириб юбордилар.

Ва шу йўсинда бир неча кун мобайнида хурсандчилик палоси ёйилиб турди ва мансур хоқон хуррамлик, дўсткомлик баъзида ўтириб, тўй ва шодлик лавозимини адо этди. Бироқ бу кўнгилочар иш пайти бир малоллик юзага келгач, ўйин-кулги ва ножоиз қилиқ дастурхонини йиғиштиришга буйруқ бериб, ҳазрат рисолатпаноҳнинг шариатини кучайтириш эшикларини очди.

**АМИР МЎҒУЛНИНГ ИСЁНУ ТУҒЁН
ВОДИЙСИГА ҚАДАМ БОСГАНИ ВА УНИНГ
СЎФИ ХАЛИЛ КЎРСАТМАСИ БЎЙИЧА
ИРОҚИ АЖАМ МАМЛАКАТИДА
ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ**



Илгари ёзганимиздек, Амир Алишер Астробод вилояти бошқарувидан истеъфо бергач, мансур хоқон ул мамлакат ҳукуматини қайтадан Амир Мўғулга берди. Амир Мўғул Журжонда фармон беришлик ишига машғул бўлиб юрган 895 йилда¹ Мозандарон вилояти улуғларининг мурожаат этадиган паноҳгоҳи муаззам ва аъёнлар ифтихори олийжаноб Фахр ул-миллата ваддин Хожа Муҳаммад² битикчининг аъло тахт пойига келиши борасида қутлуғ фармон содир бўлди. Мазкур хожа барча бажариши шарт буйруққа биноан салтанат пойтахти Ҳиротга келгач, ёмонлик аҳлидан айримлари чақимчилиги орқасида Ихтиёридин қалъасига қамоққа ташланди.

Шундан сўнг олий мартабали хоқоннинг Амир Муҳаммад Амин Аббосий, Амир Султон Аҳмад Човгончи, Амир Дарвеш Муҳаммад Сувчи Астрободга бориб, Хожа Фахриддин Муҳаммад битикчининг мол-мулкани эгаллаши ҳамда ул жанобнинг фарзандлари, амирлари, вакиллари молини мусодара этиш ва қамаш ҳақидаги

¹ 895 йил – 1489 йил 25 ноябрь – 1490 йил 14 ноябрь оралиғи.

² Бу исм Техрон нашрида икки марта хато равишда «Маждиддин» шаклида берилган.





олий фармони чиқарилди. Улуғ амирлар Журжонга бордилар ва Амир Мўғул ҳам икки-уч кун мазкур ишни йўлга қўйиш бўйича мазкур амирлар билан ҳамкор бўлди. Аммо кейинчалик нафсоний хаёл ва шайтоний васвасаю қутқу сабабли исён ва бўйсунмаслик пешонабоғини манглайига танғиб, хожа Фахриддин Муҳаммад битикчи ҳамда унинг укаси Хожа Шамсиддин Муҳаммад битикчининг қамалган қариндошу тобеларидан айримлари билан келишув йўлини тутди ва ул маҳбусларни азоб тутқунлигидан қутқарган кўйи шармсизлик қўли билан қўзғолон ва бузғунчилик эшикларини очди. Насаби улуғлик ва покликда васф этилган, ислом ҳажини адо этмоққа эришиб, умри манзилларидан саксон тўрт бекатини босиб ўтган олийжаноб, сиёдатмаоб ва нақобатпаноҳ саййид Камолиддин Ажаллни¹ шаҳидлик даражасига етказди.

Амир Низомиддин Алишернинг девони бошлиғи бўлган ва мазкур вилоятда ул жанобнинг хос девони² ишларига мутасаддилик қилиб юрган Хожа Шамсиддин Курдни саййид Камолиддин Ажаллнинг кетидан ажал тузоғига илинтирди.

Амир Муҳаммад Амин ва шериклари бу ҳолни кўриб, дорулфатҳ Астрободдан салтанат пойтахти Ҳиротга юзландилар ва бўлиб ўтган воқеани ёзиб юбордилар.

Мансур хоқон Амир Мўғулнинг куфрон неъматлигидан таажжубда қолиб, Астробод салтанати жиловини мақсади ҳосил шаҳзода Бадиуззамон Мирзонинг қудратли қўлига тутқазди ва ул ҳазрат йўналиш юзини ўша томонга қаратди.

Амир Мўғул эса Ироқ ва Озарбайжон томон қочиб, Султон Яъқуб Мирзо вафот этган ва ўғли Бойсунқур Мирзо салтанат тахтига ўтирган 896 йили³ Табризга етиб борди. Бойсунқур Мирзо уни иноят ва илтифот назари билан манзур тутиб, улуғ амирлари қаторидан жой берди. Амир Мўғул бир неча ой Бойсунқур Мирзо тарбияти остида яшади.

¹ Ажалл — улуғвор; бу сўфийлар сулоласи асосчисининг лақаби ана шундай бўлган.

² Хос девон — бу ерда Алишер Навоийнинг хусусий мулки бошқарув идораси кўзда тутилган.

³ 896 йил — 1490 йил 14 ноябрь — 1491 йил 4 ноябрь оралиғи.





Ўша кезларда давлатнинг айрим душманлари бу шаҳзодага қарши бош кўтариб, икки орада уруш рўй берди. Ўша жанг кунини Амир Мўғул вафосизлик йўлига қадам қўйиб, муҳолиф томонга қўшилишни ният қилди. Аммо жанг майдонида сафларни тўғрилаш чоғи бу амир ўзининг ёмон қилмишлари жазосига гирифтор бўлди, аниқроғи, Бойсунқур Мирзонинг ишларига бошқош бўлиб юривчи Сўфи Халил тасодифдан Амир Мўғулнинг қочиб кетиш ниятини эшитиб қолди ва ўша заҳоти ул туз тутгирни ўз ёнига чорлаб, бўйнига қилич уриб ўлдиришни буюрди.

Мисра:

Мамлакат бузғунчисининг боши кесилгани яхши.

**ХОЖА НИЗОМУЛМУЛК ВАЗИРНИНГ МОЛ-
МУЛКИ ТОРТИБ ОЛИНИБ, МУСОДАРА
ҚИЛИНИШИ ВА УНИНГ ҚАЙТАДАН ЮРТ
ОЛУВЧИ ХОҚОН ДАВЛАТИНИНГ
ВАЗИРЛИК МАНСАБИГА
ЭРИШГАНИ ЗИКРИ**



Хожа Маждиддин Муҳаммад катта қудрат билан мулку мол ишларини юргизиш учун киришган вақтларда гарчи Хожа Низомулмулкни вазирлик мансабидан туширмаган эса-да, аммо ихтиёр ва эътибор даражасидан пастлатди. Хожа Низомулмулк бир неча вақт унга бўйсуниб яшади. Сўнг тўрға тушган балиқдек типирчилаётган бошлади ва Хожа Маждиддин Муҳаммад устидан шикоят хати битиб, мансур хоқонга юборди.

Ул ҳазрат илтифот ва инояти кўплигидан аризани текшириш учун салтанатнинг ишончли кишисига¹ берди. Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг онг нури Хожа Низомулмулкнинг макру тузоғи узра тушгач, барча ҳимматини унинг ёмонлигини йўқотишга қаратиб, бу хожага душманлик кайфиятида юрган амалдорлардан бир бўлагини унга қарши ифво қилишга ундади. Амалдорлар жанжал кўтариб ва подшоҳ шафқати йўқлиги ҳам сабабга мадад

¹ Яъни – Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг ўзига.





бўлиб, Хожа Низомулмулк бола-чақаси ва тобелари билан бирга мусодара ва маҳбус бўлди. Баҳром савлатли ундирувчилар ул жамоатни азоб-уқубат исканжасига олиб, қийноққа солдилар. Хожа Низомулмулкни эса қаттиқ ҳақоратлаш ва обрўсини ерга уриш мақсадида бир куни Ҳирот шаҳрининг Чорсу кўчаси бошида кўз кўрмаган турлук қийноқ-азобларга дучор қилдилар. Осаф шиорли бу хожани ҳақоратлаш ва қийнаш меъёридан ошгач ва барча мол-мулк, тобе кишилари, ер-суви, жамғармаю нақд пуллари талангач, Хожа Маждиддин Муҳаммад раҳм қилиб, Хожа Низомулмулкнинг оёғидан кишанни ечишни буюрди ва шу зайл собиқ вазирнинг ихтиёрини ўз қўлига топширдилар.

Шу воқеалар асносида амирлар ва давлат устунларининг ички ўчоғига рашқу ҳасад учқуни тушиб аланга ола бошлади ва биргаликда иттифоқ бўлиб, Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг салтанат девонлиги ишларига аралашшига тўсқинлик қилиш юзасидан аҳду паймон устунларини қалин қасамлар билан мустаҳкам қилдилар. Бу гап-сўзлар салтанатнинг ишончли кишиси Хожа Маждиддин Муҳаммад Хофийнинг қулоғига етиб, кўнглидан «султонлик ишларини бажаришдан қўл тортсам, улуғ нўёнлар ва осмон ҳашаматли даргоҳ ичкиларининг қайтадан Хожа Низомулмулкни вазирлик ўриндигига чиқаришлари эҳтимолдан холи эмас, хожа эса ғанимлик камарини белига боғлаб, қасос олиши турган гап» деган фикр кечди. Шунга кўра, Хожа Низомулмулкни овлоқ жойга чорлаб: «Мен сени қайтадан вазирлик мансабига ўтқазаман ва кесиш-улаш жилови, девонлик ишлари бош-қошлигини доно қўлингга тутқазаман. Аммо шарти шуки, бундан кейин менга қаршилиқ ва исён қилиш сари қадам босмаслик, балки, хизмат адо этиш ва тобелик кўрсатиш йўлида тўғри нафасли ва собит қадамли бўлиб, менинг мухолифларим ва душманларим билан келишув ва бирдамлик қилиш фикрини бошингга йўлатмаслик борасидаги аҳду паймон сўзларини қасам билан тилга оласан!» — деди. Хожа Низомулмулк бу таклифни катта бахт билиб, ёзма равишда Хожа Маждиддинга сўз берди ва аҳдлашув пойдеворини онт ичиш билан мустаҳкам қилиб, юзини вазирлик ишларини бажармоқ сари қаратди.



Ўша айёмда Балх ҳокими Амир Низомиддин Дарвеш Али Кўкалтошнинг «Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг акам Амир Низомиддин Алишерга нисбатан қаршилик ва душманлик йўлини тутаётгани сабабли иложини топган вақти ва фурсатини қўлга киритган пайти хоқоннинг қутлуғ мажлисида тилини ғийбат учун очиб, тўғри кўнгилли, мақтов хислатли Амир Алишернинг эзгу фаолиятини қабих амаллар сифатида подшоҳнинг кўнгил лавҳига ёзмақда» дея, исён ва қаршилик фикрига тушиб, Султон Маҳмуд Мирзо олдига ихлос ва садоқат аломатли мактублар жўнатгани маълум бўлди.

Шунга кўра аъло ҳазрат мамлакат манфаатларини Хожа Маждиддин Муҳаммадни бир неча вақт салтанат девони ишидан четлаштиришда билиб, иш ёмонлик билан тугашидан олдин ўз ихтиёри билан мулку мол ишларини юргизишдан истеъфо беришини истади. Иш шунга қарор топиб, бандаларни сийловчи хоқон ул боши баланд хожани эгаллаб турган барча мансабларидан туширди ва ишдан бўшатган куни юз минг динор кепакий маблағни инъом сифатида бериб, тиллодўзи либос кийгизди. Шундан сўнг Хожа Қавомиддин Низомулмулк эркинлик билан мулку мол ишларини бутлашга аралашадиган бўлди.

Мансур хоқон эса йўналиш юзини қуббатулислом Балх сари қаратди.

**АМИР НИЗОМИДДИН ДАРВЕШ АЛИ
КИТОБДОРНИНГ ҲАЁТИ САҲИФАСИДА
ҚАРШИЛИК АЛОМАТИНИНГ ЮЗАГА
ЧИҚИШИ ВА МАНСУР ХОҚОННИНГ
ҲАЗРАТ ПАРВАРДИГОР ТАҚДИРИ
КАФОЛАТИ ОСТИДА БАЛХ ТОМОН
ЮЗЛАНГАНИ БАЁНИ**

Амир Низомиддин Дарвеш Али бир неча марта ишончли кишилардан «Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг ихтиёр ва эътибори Амир Низомиддин Алишернинг сўзларини сира ҳам пинд қилмас даражага етгани, ҳатто, он ҳазратнинг бу энг яқин





кишиси қай бир ишни амалга оширса, хожа ундан шу заҳоти айб топиб, қаршилик ва тугён эшикларини очаётгани» борасидаги гапларни эшитгач «агар аҳвол яна бир неча вақт шу алпозда давом этадиган бўлса, акам Амир Алишернинг қадри қуйи иниб, бу нарса менинг ҳаётимга ҳам таъсир кўрсатиши оқибатида Балх ҳукуматидан бўшатилишим ҳеч гап эмас» деган ўйни кўнглидан кечирди.

Ночор, кўнглида мансур хоқонни тезда Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг қўлини шавкат дастгоҳли амирларнинг шараф ва мартаба этагига етмайдиган қилмаса, иш қаршилик кўрсатиш йўлига киришгача бориб етишидан огоҳлантириб қўйиш фикрини қарор топтирди.

Сўнг ўша вақтларда Балхда ҳукмдор бўлиб ўтирган Иброҳим Хусайн Мирзони шаҳардан чиқариб юбориш борасида бир ҳийла ўйлаб топди: хоқоннинг муҳрини ўйиш ва шаҳзоданинг хоқон олдига чақирилаётгани ҳақида қалбаки фармон ёздириб, унга ҳалиги ясама муҳрни бостиришни буюрди. Кейин бу фармонни шаҳзода олдига юборди.

Мирзо Иброҳим Хусайн «бу ҳужжат мансур хоқоннинг бирон-бир инояти жиҳатидан чиқарилган бўлса керак» деган хаёлда зудлик билан оти жilовини салтанат пойтахти Ҳирот томон тўғрилади. Шундан сўнг эса, Султон Маҳмуд Мирзо билан Амир Дарвеш Али ўртасида ёзишма ва элчи юборишлар бошланди.

Иброҳим Хусайн Мирзо олий тахт поясига етишиб, Амир Дарвеш Алининг макрли иши аён бўлгач, мансур хоқон Дарвеш Али билан Султон Маҳмуд Мирзо орасида келишув алоқаси мустаҳкамланиб улгурмасдан бурунроқ Балх ишини бирёқлик қилиш кўйига тушаркан, улуғ амирларнинг сафар яроғини ҳозирламоқ ва лашкар йиғмоққа машғул бўлишлари борасида фармон берди.

Ўша аснода бир куни Амир Дарвеш Алининг қаршилик ишидан ашраф кўнгилга ҳазинлик ва қайғу йўл топиб, хос ичкилардан айримларини ҳузурига чақирди ва илҳом баёнли тилидан «қизик бир ҳолатки, шунчалик тарбият ва иноятимизга қарамай,





ҳали зиммасидаги бирон яхшилигимиз ҳаққини қайтармай туриб, бу Дарвеш Али деганлари неъматга куфрлик этиш йўлига кириб, бўйсунмаслик муддаосини илгари сурмоқда» деган сўзларни жорий қилди.

Бузғунчилик аҳлдан айримлари олий арзга «Амир Дарвеш Али исёни акаси Амир Алишер билмаган ҳолда амалга ошган эмас» дея етказган эдилар. Шу жиҳатдан мансур хоқон мазкур йиғинда муқаррибил ҳазратдан ҳам озгина ўпкалади.

Айни чоғда Амир Алишер ҳам аъло тахт пойига етишди-ю, суҳбат мазмунидан хабар топиб ўзгача ҳолатга тушди ва қаттиқ таъсирланиб юраги сиқилди.

Ана шу пайтда замонанинг донолик, фаҳму идрок, ақлу фаросатда тенгсиз кишиси бўлган ва ҳамиша ҳазил қоришиқли сўзлар, қувонч бағишловчи мутойибалар сайқали билан ҳумоюн кўнгил ойнасидаги оғриниш зангини кетказиб юрадиган Хожа Фиёсиддин Муҳаммад Дехдор ўртага чиқиб: «Эй султоним, бу қулвачча китобдорнинг беадаблиги учун муборак кўнглингизни шунчалик ҳам қайғуга ботирасизми. Ҳечқиси йўқ, мен ўз олдимга «ҳозироқ Балх томон бориб, тез фурсатда уни занжир ва кишанга солиб, хизматингизга етказаман» дея шарт қўйдим», — деди.

Мансур хоқон бу сўзларни эшитган заҳоти кулишга тушиб, Хожа Фиёсиддинга Балхга элчи бўлиб бориш учун рухсат берди. Хожа Дехдор ўша куниёқ шошилинич қаноти билан Амир Дарвеш Али билан учрашмоқ сари йўналди.

Шундан кўп ўтмай нусрат аломатли байроқ ҳам ўша томон қараб қўзғалди ва кўчма-кўч қўниб юрганча Мурғоб дарёси бўйига ошиқиб, у ердан Тахти Хотун мавзеига йўналди.

Хожа Фиёсиддин Балхга етишгач, Амир Низомиддин Дарвеш Алини ўйлаган нотўғри фикри юзасидан маломат қилди ва куфрона неъматлик оқибатининг қандай бўлишидан қўрқитиб, хоқонлик иноятидан эса умидвор этди.

Амир Дарвеш Али қаршилик изҳор этганидан чексиз надомат чекиб, жуда пушаймон бўлди ва Хожа Фиёсиддин билан бирга зафарга ёр мавкабни кутиб олиш учун кетди.





Қутлуғ ўрдуниг уч-тўрт фарсах ерига етганда, Хожа Дехдор олдинроқ юришга тушиб, олий мартабали шахриёрнинг мулозиматига ошиқди ва тез фурсатда қўл ўпиш шарафини топгач: «Қулвачча китобдорни аъло тахт яқинигача олиб келдим. Аммо афсуски, йўлда кишан ва занжир ясай оладиган бирор темирчи йўлиқмади. Эндиликда ҳукм бўлса, ўрду бозордан¹ бир темирчи олиб бориб, амирни кишанга солган ва қўл-оёғидаги занжирларини шақирлатган ҳолда ҳузурингизга етказсам», — деди. Мансур хоқон Хожа Гиёсиддинни подшоҳона лутфларга қўмгач, Дарвеш Алининг гуноҳлари саҳифаси узра кечирим чизифини тортдим. Энди ҳеч бир қўрқув ва ҳадиксиз ҳузуримизга келавериши мумкин, дея буюрди.

Хожа Дехдор эртаси куни Тахти Хотунда Амир Дарвеш Алини қутлуғ даргоҳга киритиб, барокатли қўлни ўпиш шарафини топтирди. Амир Дарвеш Али илгариги қоида бўйича улуғ амирлар қаторига тизилди. Икки-уч кун хизматда тургач ва ўзидаги пушаймонлик чангига подшоҳона марҳамат сувини сепгач, мансур хоқондан ўз уйини қутлуғ ташриф нури билан мунаввар этишини илтимос қиларкан, яхши бир кўриниш ва чиройли бир суратда садоқату хизмат намунаси шартларини амалга оширажagini билдирди.

Бандаларни сийловчи подшоҳ бу илтимосни ижобат иззатига ёр қилди. Ўша куни Амир Низомиддин Дарвеш Али ўз ўрдусида ёпинғичи ранг-баранг товланувчи сақарлот² матодан бўлмиш учта катта чодир тиклади ва ул манзилни турли-туман нақшли ўтов, зебу зийнатли қора уйлар кўплиги билан осмон авжининг рашк этадиган жойига айлантирди. Мансур хоқон ул ерга ташриф буюрди ва вақтичовлик базмида ўтириб, истагини лаззат олмоқ сари йўналтирди. Амир Дарвеш Али шу қадар кўп қимматбаҳо безакли буюмлар ҳозир қилдики, кўрувчиларнинг кўзи уларни кўриб қамашар, бу йиғинда турли хил лаззатли таомлар ва майин ичимликлар шунчалик мўл-кўл қилиб тортилгандики, уларнинг сон ва сифатини шарҳлаш амримаҳол эди. Амир Дарвеш Али

¹ Ўрду бозор — лашкаргоҳда ташкил этиладиган бозор.

² Сақарлот — мовут.





жаноблари ўтириш охирида кўп миқдорда нақд пулларни ҳам қутлуғ назардан ўтказиб, барча шоҳона чодир, ўтов ва қубба, қора уйларни, зиёфат буюмларини ипак гиламлар ва чиннийо олтин, кумуш идишлар билан бирга хоқонга тортиқ қилди. Бу яхши хизмат қабул ўрнига тушиб, ҳазрат хоқон ул жанобга нисбатан илтифоту иноят шартларини бажо келтирди.

Сўнг жамшид мартабали хоқон кўчма-кўч йўл босиб, Балхга йўналди ва шаҳарга етгач, Амир Мазид Арғуннинг қалъа ташқарисида жойлашган Чаҳорбоғи қутлуғ қадам шарофатидан яна ҳам кўркамлик ва ободончилик топди.

Хоқоннинг қишлови ўша қиш фаслида мазкур маконда амалга ошаркан, қуёш аломатли кўнгилда Ҳисорга юриш хаёли пайдо бўлди. Шу сабабли ой юришли чопарлар қўшинларни йиғиш мақсадида Амир Зуннун Арғун ва вилоятларнинг бошқа амирлари ҳузурига кетдилар. Озгина фурсат ичида ғалаба шиорли лашкаргоҳда катта қўшин тўпланди.

**МАНСУР ХОҚОННИНГ СУЛТОН МАҲМУД
МИРЗО ЮРТЛАРИНИ БОСИБ ОЛИШ УЧУН
ЮРГАНИ ВА АМИР ЗУННУН АРҒУННИНГ
АЛЛОҲИ ТАОЛО ҚАЗОВУ ҚАДАРИ
ТАҚОЗОСИЧА ТУТҚУНЛИККА
ТУШГАНИ ЗИКРИ**



Райҳону гул-чечаклар қўшини юзини боғ-бўстонлар томон қаратган, сабрсиз булбул гуллар султони ишқига гирифтор бўлиб, чидам кўч-кўронини фано боғига совурган баҳор фасли бошларида музаффар байроқли мансур хоқон Султон Маҳмуд Мирзонинг мамлакатини эгалламоққа азму қарор қилди ва Амир Низомиддин Алишерни Балхда қолдириб, чексиз сонли қўшин ва катта дабдаба билан йўлга тушди.

Бобо Шоҳу манзили зафар дастгоҳли сипоҳ билан тўлган куни бузғунчи кишиларнинг фисқу фасоди орқасида Амир Дарвеш Али ушланиб, мансур хоқон уни ишончли кишилардан бир



тўдасига қўшиб, Балх қалъасига қамаб қўйишлари учун ўша шаҳарга қайтариб юборди. Сўнг нусрат паноҳли байроқ Арҳанг сайхонлиги сари юрди ва «юрҳо-юр» садоларию елдек учар отлар чанги кайвон айвонидан ўтди.

Султон Маҳмуд Мирзо бу воқеадан хабар топгач, ханжар санчувчи, совут йиртувчи лашкар билан Ҳисори Шодмондан ташқари чиқиб, Чағониён тоғида беркинмоқчи бўлди ва Амир Хусравшоҳни¹ Қундуздан олдига чақирди. Унинг укалари Амир Вали ва Пир Валини ўша шаҳарни қўриқлаш учун тайинлади.

Арҳанг қишлоғи жамшид савлатли подшоҳнинг қўш ташлашидан феруза рангли осмон тахтининг рашк этадиган жойига айлангач, Султон Увайс Мирзо ва Амир Жаҳонгир *Барлос* зафар иқтибосли қўшиндан бир бўлаги билан дарёдан ўтиб, Вахшгача оти жиловини қўйиб юбормадилар. У ерда эса, мазкур ўлка аҳолисининг молларини талон-торож қилиб, соғ-омон қайтиб келдилар.

Сўнг мансур хоқон дарёдан ўтиб ва Султон Маҳмуд Мирзо лашкаргоҳи томон юриб, қадамини тўқнашув ва уруш майдонига қўймоқ ва қон ичувчи қиличини қинидан суғуриб, қудратли давлат душманига қасос қадаҳини ичирмоқни истади. Аммо ул ҳазрат ниқрис ва мафосил касаллиги сабабли отга минишга кучи етмади. Шу аснода Амир Вали Қундуз қалъасида қаршилик ва исён байроғини кўтарди.

Амир Шужоиддин Муҳаммад Бурундуқ *Барлос* қутлуғ юришга қаршилик кўрсатиб: «Душманни орқада қўймоқ ва оёқ оғриғига

¹ Амир Хусравшоҳ – Султон Маҳмуд Мирзонинг амирларидан бўлиб, асли туркистонлик қипчоқ уруфидан. «Бобурнома»да ёзилишича, у кичиклигида тархон беклари хизматида турган, сўнг Мазидбек Арғунга навкар бўлган. Абусаид Мирзо Озарбайжонда ўлдирилгач, Султон Маҳмуд Мирзо билан бирга Хуросонга қайтган ва шу сафар чоғи кўрсатган хизматлари учун мартабаси ошиб, олти минг навкарга эга амирга айланган. Бағлон, Қундуз, Хатлон, Ҳисори Шодмон каби ерлар унга мукофот тарзида берилгач, навкарлари сони йигирма мингга етган. Аммо ўз хўжайинларига кўрнамаклик қилиб, 1499 йил кузида Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғиллари Бойсунқурни ўлдириб, Масъуд Мирзони кўр қилиб, катта ҳудудда мустақил ҳукумат юргиза бошлайди. Заҳириддин Бобур бу ноқонуний ҳукмдорни ўлгудек ёмон кўрган ва уни «қари танбал мардак» (эски туллак пасткаш) деб атаган.



қарамай, Султон Маҳмуд Мирзо билан урушмоқни осон билмоқ эҳтиёткорлик йўлига риоя этмоқдан йироқдир. Чунки зафар паноҳли байроқ дарёнинг у ёғига ошиқса, Амир Хусравшоҳнинг Қундузда пайт пойлаб ўтирган укалари Амуя дарёсининг кечикларини қўриқлашга тушадилар ва нусрат асарли аскарларнинг қайтиши чоғи уларнинг сувдан ўтишига тўсқинлик қилдилар», – деди.

Шунга кўра мансур хоқон бу юришни амалга оширишга иккиланиб қолди. Аммо Амир Муҳаммад Бурундуқ фикрининг тўғрилиги аён бўлгач, кутилмаганда бир буйруқ бериб, нусрат оятли байроқ Қундуз томон қараб қўзғалди.

Бу сўзнинг баёни шуки, қутлуғ фармон бўйича Заминдовар тарафдан мансур хоқон мулозимати сари йўналган Амир Шужоиддин Зуннун *Арғун* ул ҳазрат Балхдан қўзғалганидан кейин ёнидаги ўткир чангалли қўшиндан бир бўлаги билан Балх шаҳрига келди ва ўта мағрурлик ичра, *ҳазора* ва *накударий* қўшинининг қолгани ўзига қўшилмасдан бурун, жасурлик аломатли ботирлардан олтмиш нафари ҳамроҳлигида юзни Арҳанг сари қаратди.

Амир Зуннун келаётгани, бироқ лашкарининг озлиги хабари Қундуз томонларга ҳам етишди. Амир Вали етти юз нафар тиш-тирноғигача қуролланган жангчилари билан ул жанобнинг йўлини тўсиб чиқди.

Амир Зуннун ул мавзегга етишгач, ғаним кўплиги ва душман сони ортиқлиги борасида ўйлаб ўтирмай, уруш-саваш ва жангу жадалга чоғланди. Давлат тарафдорларидан бир гуруҳи «бизнинг одамларимиз жуда ҳам оз, бу урушга бутун вужуди билан тайёрланган қўшинга қарши жанг майдонига қадам ташламоқ сира тўғри келмайди, яхшиси «ўз вақтида қочиш ҳам ғалабадир» мақоли тақозосига амал қилиб, жиловни Балх тарафга бурмоқ керак» дея қанчалик ўтиниб-ёлворишмасин, ҳеч фойдаси бўлмади. Ботирлик тўқайининг ул шерини ўткир қиличини қасос қинидан чиқариб, Амир Вали лашкарининг қалб қисмига ташланди ва биринчи ҳамладаёқ душмандан бир тўдасини ўлдириб, анчасини ярадор қилиб, хор-зорлик





тупроғига қулатди. Бироқ душман кўп бўлгани учун рустам аломатли Амир Зуннун Арғуннинг ёнидаги мулозимлари қочмоқни ихтиёр этдилар. Натижада, Қундуз қўшини аскарлари ул жанобни қуршаб олиб, бир ботирроғи бошига қилич солди. Амир эгардан ер тубан қулаб тушди. Бошқа қундузликлар ёпирилиб келиб, Амир Зуннунни қўлга олдилар. Амир Вали излаб юрган овини ўз тузоғига илинган ҳолда кўриб, оти жиловини Қундуз сари бурди ва жарроҳларни чақириб, Амир Зуннуннинг ярасини даволашга буйруқ берди.

Бу хабар мансур хоқон арзига етишгач, аъло ашраф кўнгли «дастлаб Қундуз ташқарисига ошиқиб, Амир Хусравшоҳнинг укалари ишини бирёқлик қилмоқ, шундан сўнггина юзни Султон Маҳмуд Мирзо томон қаратмоқ»қа қарор берди. Жаҳонни кезувчи ўрду Арҳангдан кўчиб, Қундуз тарафга йўналди ва манзил-бекатларни босиб ўтгач, ул шаҳар ташқарисига етишиб, Никий дарёси қирғоғи салтанат ва давлат чодири устунлари қозиги қадалган жойга айланди. Музаффар аскарлар ўртага олинган Қундуз қалъаси рўпарасида манжаниқ ва палахмон ўрнатиб, кўрғонни тошбўронга дучор қилдилар. Шу билан бирга, кўпинча оламини ёритувчи қуёш фалакнинг нилгун қалъаси устида зарнигор қилични уфқ қинидан суғурган вақтдан то ҳилол ойнинг кумуш қалқони баланд осмонда кўрингунга қадар, ғалабага ёрлашкар жасурлик оёғи билан Қундуз хандақи яқинигача бориб, уруш сафини ясар эдилар ва шаҳар халқи ҳам қалъа минораси ва деворлари остида ўта қимматли матоҳ бўлмиш жонларидан кечар эдилар. Дилни тикар ўқлар ўжарлар бош кийимидаги ямоқни ямар ва тошни ёрар пайконлар жонни кўйдирувчи шуълаларни осмонга сачратар эди. Яшинсимон камонлар чийиллаши ўлим товушини довюракларнинг ҳуш қулоғига етказар ва учқур ўқлар ўқ томирларидаги қон каби оқиб, жонни тан суҳбатидан айро соларди.

Султон Маҳмуд Мирзо мансур хоқоннинг Арҳангдан қайтиб кетганини билгач ва Қундуз қамалию урушини эшитгач, жанг майдонининг ботирларидан минг нафар сайланма кишини отлантириб, ул сипоҳнинг сардорлигини Ҳисор амирларидан жа-





сурлик ва мардоналикда устун турувчи Муҳаммад Элчи Буғога топширди ҳамда унга «мансур хоқоннинг зафар аломатли лашкари устига шабихун уриб, зўр талафот етказиш»ни буюрди. Муҳаммад Элчи Буғо бу хизмат кафолатини зиммасига олиб, тез суръатларда йўлга қадам босди ва кўпчиликка таниш бўлмаган кечик орқали Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, ярим кечаси қутлуф ўрду четига етиб борди.

Фаридун тожли хоқоннинг буйруғига биноан осмон мартаба мавкабли қўшинлар бир-бирига яқин жойлашган бўлиб, чодирлар атрофини ҳам узун арқонлар билан ўраб қўйганлари учун Муҳаммад Элчи Буғо ғалаба асарли лашкаргоҳ, ичига кира олмади. Аммо шовқин-сурон солингудек бўлса, балки зафарга ёр аскарлардан бир гуруҳи уруш-саваш ва жанг майдони сари қадам ташлаб, ҳеч бўлмаса шу сабабли ўрду ичида бошбошдоқлик тўс-тўполони ва қоча-қоч олатасири бошланади-ку, деган ўйда, бақириб-чақиринишга бошлади. Шовқин-сурон овози сафни ёрар хоқон қулоғига етишгач «тавочилар амиру баҳодирларга ўз чодирларидан сира чиқа кўрмасинлар ва душманнинг қичқириб-бақиринишларига ҳеч ҳам эътибор бермасинлар деган хабарни етказсинлар» деган мазмундаги буйруқни берди. Муҳаммад Элчи Буғо қараса, бу ғавғо туфайли ҳеч бир иш битадиган эмас, совуқ нафас олиб, машаққат тизгинини дарё бўйи томон бурди.

Шундан сўнг мансур хоқон шахзодалар ва амирлару сардорларни йиғиб, илтифот назарини Абулмуҳсин Мирзо томонга ташлади ва ул бахтли шахзодани тоғ сағрили, саҳро кезар от инъоми билан сарафроз қилиб, уч минг ханжарсанчар отлик билан Муҳаммад Элчи Буғонинг орқасидан қувишни буюрди. Абулмуҳсин Мирзо буйруққа биноан йўлга тушди. Олий мартабали подшоҳ улар кетидан яна уч минг отличии ёрдам учун юборди.

Абулмуҳсин Мирзо дарё бўйида бахтиқаро муҳолифлар кетидан етиб олди ва шу ондаёқ олий мавкаб ботирлари ҳамла ели билан уруш оловини аланга олдирдилар.

Муҳаммад Элчи Буғо ўз қудрати доирасида қарши курашиш қувватини кўрмай, жиловни қочиш водийси сари тўғрилади





ва кемага ўтириб, ўзини ҳалокат денгизидан нажот соҳилига етказмоқчи бўлди. Кемага оёғини қўйган заҳоти умрни кесар бир ўқ қазо бармоғидан отилиб чиқиб, унинг ҳаёти қайирини фано қаърига фарқ қилди.

Фатҳу зафар насими Аллоҳи таолонинг инояти атосидан Абулмуҳсин Мирзонинг байроғи матоси узра эсиб, Муҳаммад Элчи Буғога қарашли кишилардан етмиш нафарга яқини дарё бўйида бошларини елга совурдилар. Бошқа бир тўдаси ҳам бо- тир ўқчиларнинг пайконидан Амуя дарёси ўртасида юзни охи- рат олами томон қаратдилар. Жайхун дарёси ўлдирилганлар қонидан Бадахшон лаъли тусини олди. Сахро қуми ўша кунги ўликлар уюмидан тоғу тепаликка тенглашди.

Музаффар туғли шаҳзода душманлар ҳаёти хирмонини қаҳру адоват ўти билан куйдириб ва қутлуғ чеҳрасини фатҳу зафар нурлари билан ёғдули қилиб, подшоҳ лашкаргоҳига қайтди.

Мансур хоқоннинг юраги қувонч ва шодлик туйғуси билан йўғрилиб, меҳрибонлик ва мушфиқлик эшикларини шаҳзода юзи сари очди. Ҳатто Султон Маҳмуд Мирзонинг тақдир пан- жасига асир тушган барча одамлари қонидан ҳам кечди. Шу зайл мансур хоқон Никий дарёси қирғоғидан қўзғалиб, Амир Хусравшоҳнинг Қундуз шаҳри ташқарисидаги Чаҳорбоғига бо- риб тушди.

**МАНСУР ХОҚОННИНГ СУЛТОН МАҲМУД
МИРЗО БИЛАН ЯРАШГАНИ ВА ҒАЛАБА
БЕЛГИЛИ БАЙРОҚНИНГ ТАНҒРИ
ИНОЯТИ КАФОЛАТИ ОСТИДА
ОРҚАГА ҚАЙТГАНИ ЗИКРИ**

Муҳаммад Элчи Буғо урушида қатнашган қочоқлар Султон Маҳмуд Мирзо ўрдусига етгач ва унинг ўлдирилгани воқеасини айтиб беришгач, янгидан ул саодатга ёр подшоҳга мансур хоқон билан жанжаллашиб юрмоқ зарардан бошқа фойда чиқмаслиги маълум бўлди. Шунга кўра сулҳ тузиш ва тинчликда яшашни истаб, келишув ва қаршилиқ чангини аритиш палосини ёйиш





учун ўша замонда Термизнинг бошқа хонзодаларидан мартабаю улуғворликда зиёдалиги, ҳашамату иқболи ортиқлиги билан устунликка эга олийжаноб, нақобатпаноҳ, сиёдатдастгоҳ Амир Бузург Термизийни мансур хоқон олдига юборди. Ул мулку миллат улуғи «агар мўъминлардан икки тоифа бир-бирлари билан урушиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар»¹ қутлуғ каримасига амал қилиб, аъло тахт поясига ошиқди. Мансур хоқон саййиднинг шариф қадамини эъозлаб ва муҳтарам санагач, жаноб муртазавий насабли хожа элчилик шартларини адо этди ва ярашув пойдеворини тиклаш борасидаги бадий лафзларга маъно латофатлари билан безак берди. Мансур хоқон саййидлик сулоласига нисбати борларга бўлган юксак ҳурмат ва иродати юзасидан ул сўзларни қабул қулоғи билан эшитаркан, Султон Маҳмуд Мирзо подшоҳлик пардаси ортида авайлаб ўтирган дилбанд қизини мансур хоқон синглисининг ўғли Ҳайдар Муҳаммад Мирзонинг никоҳига киритиб, салтанат пойтахти Ҳиротга юбориши ҳамда Амир Шужоиддин Зуннунни ҳам кишанидан бўшатиб, иззат-ҳурмат билан олампаноҳ даргоҳига қайтариши лозимлиги, шундагина осмон мартабали мавкаб юзини пойтахт Ҳиротга қаратилиши, Ҳисори Шодмон, Термиз, Хатлон, Бадахшон, Қундуз, Бағлон мулклари салтанати олдинги дастурга кўра Султон Маҳмуд Мирзо ихтиёрига топширилиши шартини қўйди.

Бу қувонч аломатли хабар Амир Хусравшоҳнинг укаларига маълум бўлгач, хурсандлик ноғораси тантанасини Ноҳид ишратгоҳига етказдилар ва дарҳол Амир Шужоиддин Зуннунни қамоқдан чиқариб, нафис тўнлар кийгизган кўйи узр сўраш ва кечирим тилаш маросимини адо этиб, муносиб тортиқ ва аъло туҳфалар тайёрлаб, Амир Хусравшоҳнинг синглисининг эри амирлик паноҳи жаноб Амир Муҳаммад Боқирга қўшиб, юксак мартабали хоқон даргоҳига юбордилар.

Ул ҳазрат Амир Зуннунни марҳамат назарига илинтириб, ҳол-аҳволини сўраб, элчининг олий даргоҳга кириши учун рух-

¹ Куръони карим, Ҳужурот (49) сураси, 9-оят.





сат берди. Муҳаммад Боқир жаноблари халифалик устунлари мулоқотини топгач, эҳтиёж тилини Қундуз амирларининг айбини кечириш учун ҳам чоғлади. Бу илтимоси қабул қилинганча, Амир Муҳаммад Боқир қариндошлари қилиғидан уятда қолиб, пушаймонлик бошини қўйи индирганча салтанат палосини ўпиш иззатини топди ва совғалар ўтқариб, хоқон ғамхўрлигининг нурлари унинг аҳвол пешонаси сари тушди ва кечирувчи подшоҳнинг иноят қўли кечирим ва омонлик тўнини Амир Муҳаммад Боқирнинг қобилият қомати узра ёпиб, Амир Вали ва Пир Вали учун тиллодўзи хилъат юборди. Амир Муҳаммад Боқирни хос либос ва қимматбаҳо тошлар қадалган бош кийими билан сарафроз қилиб, кетишига рухсат берди.

Ўша айёмда Амир Бузург Термизий ҳам от, тилло тангалар, нафис парча мато ва бошқа тортиқлар инъоми билан эъзозланиб, ифтихору сарафрозлик билан ўз элчилигининг муваффақияти нашидасини сурган ҳолда юзини Султон Маҳмуд Мирзонинг ўрдуси сари қаратди. Мазкур саййид сулҳ ва яраш бобида чиройли ҳамкорликни йўлга қўйиб қайтгани сабабли, ул олий мансабли подшоҳ ҳам жаноб сиёдат ва нақобатпаноҳни чексиз инъом ва эҳсонлар билан сийлади.

Мансур хоқоннинг ёрқин кўнгли бу воқеа ва ишлардан тинчигач, қайтиш нурини қуббатулислом Балх тарафга сочган маҳал файзу барокат аломатли кўнглига ов ва шикор лаззатини тўймоқ фикри келиб, амирлару лашкар аҳли Хулм даштию Дисорбоф яйлоқзорини бутунича ўраб олдилар ва зич тизилган қаторлар билан паррандаю ов ҳайвонларини бир ерга ҳайдаб, бир неча кечаю кундуз ов қушларини ишга солдилар ва Бобо Шоҳу манзилида ҳалқа учлари қаторлар бир-бирига туташиб, ўн-ўн беш минг оҳу ва қулон йиғилди. Муаззам шаҳзодалар, Миррих қасосли амирлар осмон ғулумли хоқон буйруғи бўйича навбат-ма-навбат ул қамурқода¹ югуриб, ўтқир ўқ ва қон тўкар қилич зарби билан жуда кўп овни ҳалоклик тупроғига қулатдилар. Шундан сўнг бошқа аскарлар шу ишга киришиб, ул жонивор-

¹ Қамурқо – ҳалқа ясаб, парранда ва ҳайвонларни доирани сиқиб овлаш усули.



ларнинг барчасини қонга беладилар. Мансур хоқон эса Балх сари ошиқиб, ул шаҳар ҳукуматини мақсади ҳосиллик буржининг дури Ҳайдар Муҳаммад Мирзога берди. Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекни ўша ўлка ишларини йўлга қўйиш учун мазкур шаҳзода хизматида қолдирди. Сўнг нусрат оятли байроқ қўниб-қўниб, салтанат пойтахти томон йўналганича комрон ва комёб ҳолда Мурғоб дарёсидан кечиб ўтиб, Панждеҳ ва Тарнобни орқада қолдирганча мансур хоқон саодат ва иқбол билан Боғи Жаҳонорога келиб қўш ташлади.

Шундан сўнг кўп ўтмай Аллоҳи таоло тақдири давати мунг сиёҳини тенгсиз хоқон иқболи юзи узра тортди. Аниқроғи Султон Вайс Мирзо бир неча ой беморлик тўшагига ёнбош ташлаб, охират боғи сари юзланди. Мансур хоқон таъзиялик бўлиб, шаҳзоданинг руҳини халққа ош-таом тортиш ва барча нарсани билувчи Подшоҳ каломини хатм этиш орқали шод қилдилар.

Султон Увайс Мирзодан Мирзо Муҳаммад Султон исми бир ўғил ёдгор қолди. Бу ўғилнинг онаси мансур хоқоннинг қизи Султон бегимдир ва ҳозир ул шаҳзода ўз онаси билан бирга ҳаёт бўлиб, ҳазрат подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг инояти сояси остида яшамоқда¹.

**ХОЖА ҚАВОМИДДИН НИЗОМУЛМУЛКНИНГ
ХОҚОНГА ЯҚИНЛИК ВА НОИБЛИК
ДАРАЖАЛАРИГА КЎТАРИЛИШИ ҲАМДА
АМИР МУҲАММАД БУРУНДУҚ,
АМИР ЖАҲОНГИР, ХОЖА МАЖДИДДИН
МУҲАММАДНИНГ ЖАНОБИ ЖАЛОЛИ
СУБҲОНИЙ ТАҚДИРИ БИЛАН МУСОДАРА
ҚИЛИНИШИ ЗИКРИ**

*А*мирлар иттифоқлиги сабабли Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо Хожа Маждиддин Муҳаммадни мулку мол ишларига аралашидан йироқлаштиргач ва девонлик юмушлари жилови ва

¹ Бу ерда 1523 йил кўзда тутилмоқда.

султонлик вазифаларини буткаришни Хожа Қавомиддин Низомулмулкнинг кифоятли қўлига қўйгач ҳамда Хожа Низомулмулк эътибор ва ихтиёрнинг юксак даражаларигача тараққий этиб, вазирлик мартабасидан ҳам устунроқ мавқега қадам босгач, бир неча кун олий девон мансабига мушарраф бўлиб, шундан сўнг улуғ амирлар даврасида мухр босди ва мутасаддилик қўли мамлакат ишларини бошқариш ва тасарруф этиш, масалалар тугунларини ечишда кучайиб, кўпчилик амир, хоқон яқинлари ва сарой ичкилари истаса-истамаса ҳам унга нисбатан итоат расмини бажо келтирадиган бўлишди. Вазирлар Низомулмулкнинг чизган чизиғидан сира ҳам четга чиқа олмай, муншийлар эса фармонларда унвонини «амин уд-давлат ул-қоҳира»¹ тарзида битар эдилар.

Ҳеч оширмай-камайтирмай айтиш мумкинки, Хожа Низомулмулк юмшоқ табиатли ва камтарлик сифатлари билан васф этилган киши эди. ماشойих ва уламога зўр ҳурмат ва қаттиқ ихлоси бор эди. Ҳеч қачон ўз уйи ва идораси эшиги олдига ҳожиб² ва қоровул қўймас, кимнинг иши чиқиб қолса, ўша одам истаган вақти Хожа Низомулмулк олдига бориб, ўз ҳолини арз қила оларди.

Хожа Низомулмулкнинг етук ўғиллари Хожа Камолиддин Ҳусайн ва Хожа Рашидиддин Абдулмалик³ чиройли юзлик ва гўзал хислатлар билан безанган икки ёш ўспирин эдилар. Уларнинг вужуд ниҳоли ёвузлик ва пасткашлик сифатларидан тозаланган эди. Хожа Камолиддин Ҳусайн таъб тозалигию зеҳн ўткирлиги, баён ширинлигию тил равонлиги билан таърифланган эди. Хожа Рашидиддин Абдулмалик ҳам шу каби сифатлар билан биргаликда жасурлик ва сипоҳигарлик майдонида мусобақа тўпини ўз тенгқурлари қўлидан олиб қочарди. Бу икки атоқли оға-ини бузруквор отасининг девон амирлиги ва катта ихтиёрга эгалиги замонида олий маконли хоқон ичкилари ва яқинлари

¹ *Амин уд-давлат ул-қоҳира* – қудратли давлатнинг ишончли кишиси.

² *Ҳожиб* – эшик қўриқчиси, соқчи, посбон, ҳарбий вазир.

³ *Абдулмалик* – бу исм нашр матнининг барча ерида «Амидулмулк» шаклида нотўғри берилган.





қаторида жой олган эдилар ва ҳамиша турли тоифадаги одамларнинг эҳтиёж ишларини давлатнинг юқори идораларига етказиб, хос ва авомнинг ишларини битказиб берардилар.

Хожа Низомулмулк ва ўғиллари ноиблигининг саройга яқинлиги энг юқори даражага етгач, булар Хожа Маждиддин Муҳаммаддан кўнгилларига етган озор сабабли унга берилган аҳду паймон дафтарини унутилиш тоқчасига улоқтириб, гоҳида олий тахт олдида тилни ғийбат учун чоғлашга киришар эдилар. Ул мақтов хислатли хожанинг яхши ишларини қабих кўринишда тилга олиб, бойлиги кўплиги борасида сўз юритардилар. Бу гаплардан баъзилари олиймакон хоқоннинг кўнглида ўрин олди ва султонликнинг эътиқод қондаси Хожа Маждиддин Муҳаммадга нисбатан сусая борди.

Мансур хоқон Балхда қишлаган ўша қишда бир чақимчи одам қутлуғ ўрдудан туриб, тахту тож эгасининг табиати юқоридаги янглиғ ўзгаргани борасида Хожа Маждиддинга ёзиб юборди. Ул жаноб кўркувга тушиб, яширинлик бурчагида манзил тутди. Юдуз ҳашаматли байроқ ойчаси ул сафардан қайтиб, иқбол нурини мартаба ва улуғлик қароргоҳи узра сочгандан сўнг Хожа Маждиддин Муҳаммад яширинча тарзда *барлос* амирларидан Амир Шужоиддин Муҳаммад Бурундуқ ва Муборизиддин Жаҳонгир билан яқинлашиш чорасини излаб, улар олдига туҳфа ва тортиқлар юборди. Барлослар ул жанобга ёрдам бериш ва пушти паноҳлик қилиш мақомида бўлдилар.

Хожа Низомулмулк бу ишдан воқифлик топгач, ифво қўзғатиб, тадбир қалами билан хоқоннинг нурли қалбига «Қундуз юришида Амир Муҳаммад Бурундуқ ва Амир Жаҳонгир *барлослар* Султон Увайс Мирзо билан мабодо хоқоннинг ҳаёт қасри пойдевори қулаш томон йўл топса, Султон Увайсни салтанат тахтига чиқариб, халифалик ва мақсади ҳосиллик осмонининг бошқа зурриётларини назардан соқит қилиш борасида аҳду қарор қилган эканлар» деган айблов сўзларини битди.

Мансур хоқоннинг кўнгли мазкур юриш асносида Амир Муҳаммад Бурундуқдан дағал сўзларни айтгани учун анчагина офринган эмасми, мазкур воқеани эшитгани баттар ранжишига



сабаб бўлиб, Амир Муҳаммад Бурундуқ ва Амир Жаҳонгирни ушлашни мақсад қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам ул икки амир келиб, Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг ишини арзга етказишгач, сиртдан қараганда қабул қилиб, дилга ўрнашар ваъдалар берди.

Аммо Хожа Маждиддин Муҳаммад жуда узоқни ўйлай оладиган киши бўлгани учун Амир Муҳаммад Бурундуқ ва Амир Жаҳонгир ҳимояси ҳамда тахту тож соҳибининг иноят изҳор этганидан қаноатланмай, ҳазрат ҳақойиқпаноҳ, кишилар яхши-си мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомийга мурожаат этди. Ул жаноб мақсади ҳосил хоқон билан учрашиб, муносиб иборалар билан: Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг подшоҳ девони ишларига аралашishi мулк маъмурлигию юрт ободлиги, халқнинг тўқ ва фаровон турмуш кечирishi, сипоҳ аҳли ризолиги учун лозимдир. Албатта унга эътибор кўрсатмоқ, ғаразгўйларнинг у борасидаги сўзларини эса, қабул қулоғи билан эшитмаслик керак, деди. Мансур хоқон тилни қабул учун чоғлаб, ҳазрат мавлавий Жомий нима деган бўлса, барчасини тинглаб, Хожа Маждиддин Муҳаммадга хабар юборди. Хожанинг кўнгли тўла тинчланиб, эртаси куни яширинган манзилдан чиққанча Жаҳоноро боғига келди ва барлос амирлари воситасида палосни ўпиш иззати билан сарафроз бўлиб, йигирма минг диноҳ кепакийни пешкаш қилди. Бироқ фаросат нури билан биринчи йиғиндаёқ шаҳриёрнинг табиати ўзига нисбатан ҳали унчалик ўнганмаганини сезиб, бекиниб ўтирган еридан чиққанига пушаймон бўлди. Аммо қудратли малик¹ буюрган тақдирга тан бериб, бир неча кун мансур хоқон ва айрим амиру давлат устунлари ҳузурига келиб-кетиб юрди.

Буни қарангки, ўша ҳафтада ҳазрат хоқон Жаҳоноро боғининг катта ҳовузи ёнидаги Чаҳор Кўшқда айшу хурсандчилик базминини ўтказиб ўтирган жума куни охирида Амир Бурундуқ, Амир Жаҳонгир ва Хожа Маждиддин Муҳаммадни чақириб, шу ердаги улўф амирларга уларни туттириш² ва мусодара қилишни буюрди.

¹ Қудратли малик – қудратли подшоҳ. Бу ерда Аллоҳи таоло кўзда тутилган.

² Туттириш – бу сўз ўша пайтда маъмурий маънода қамаш, сўроқ ва мусодара қилишни билдирган. «Туттириш»га буйруқ олган киши баъзи ҳолларда ўша мусодара мулкни ўзи ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўлган.



Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг мол-мулкани хатлаб олишга тайинланган Амир Муҳаммад Али Атка ул жанобни ўз уйига олиб бориб қамаб қўйди.

Салтанат ошиёнли даргоҳнинг аъёнларидан бир нечтаси Амир Муҳаммад Бурундуқ ва Амир Жаҳонгирни ушлаб, Ихтиёриддин қалъаси зиндонига ташладилар. Амир Жаҳонгир ўн-ўн беш кундан кейин тутқунликдан қутулиб, яна бир марта мансур хоқоннинг иноят нури бу амирнинг аҳволи сари таралди.

Амир Муҳаммад Бурундуқ бир йил қамоқда сақланиб, шундан сўнг олиймакон хоқон уни ҳам меҳрибонлик назарига илинтирди ва қалъадан ташқари чиқариб, зар либос ва тиллодўзи тўн, наврўзий кулоҳ инъоми билан бошини баланд кўтарди ва олдинги дастур бўйича амир ул-умаролик мансабини иноят қилиб, ул олий зот ҳақида илтифот ва марҳамат шартларини адо этди.

Хожа Маждиддин Муҳаммадга келсак, Амир Муҳаммад Али Атканинг уйида бир неча кун ҳибсда турганидан кейин мансур хоқон уни сўроқ қилишга буйруқ берди. Шунга кўра Султон Аҳмад Мирзо, Амир Носириддин Абдулхолиқ Ферузшоҳ, Шоҳ Амир Аҳмад Али Форсий *Барлос*, Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек, Хожа Қавомиддин Низомулмулк ва унинг ўғиллари ҳамда бошқа амиру вазирлар, давлат устунларию яқину ичкилар Жаҳоноро боғидаги девонхонада жой олдилар. Амир Муҳаммад Али Атка Хожа Маждиддин Муҳаммадни оғир занжир ва кишан солинган ҳолда улар олдига олиб кирди. Айрим баднафс нависандалар Хожа Низомулмулкнинг ифвосига учиб, ўша мажлисда тухмат тилини чоғлаб, Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг айбларини санай кетдилар. Ул жаноб бақувват дил ва фасоҳатли тил билан бу ёмон ниятликларнинг барча сўзларига қарши лойиқ ва муносиб жавоблар берди. Душманлар эса, қанчалик ҳаракат қилмасинлар, хожанинг давлат мулкидан бир динор ёки бир ман молни ўзлаштирганини исбот қилиб бера олмадилар.

Хожа Низомулмулк жўяли бир айблов топишдан ожиз қолгач, ишдан бўшатишга амалдор Муҳаммад Амруободийни даъво-





гар¹ сифатида Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг ёнига ўтқазиб қўйди. Шунда ул жаноб амирларга юзланиб: «Даъвогар сифатида менинг обрўйимга тенг келадиган бир одамни топсангиз яхши бўларди, токм, қўполроқ бир сўз айтса, кўтара олгайман» — деди. Муҳаммад Амруободий эса, Мен сендан кам эмасман, балки, асилзодалиқда устунроқ ҳам тураман. Чунки мен ҳурр ал-аслман, яъни наслдан-насл асли озод кишиман, қулвачча эмасман. Сенинг онанг эса отанг Хожа Пир Аҳмаднинг мамлукаси, яъни сотиб олган канизаги эди, деб қолди. Хожа Маждиддин Муҳаммад бу ёмон ҳақоратни эшитгач, вужуди тўлғаниб, юзини барчаси унга адоват мақомида бўлган амиру давлат устунлари томон қаратди ва: Иддаоларинг нима бўлса, барисини бўйнимга оламан. Фақат мени Муҳаммад Амруободийнинг бу каби бемаъни дашномларидан қутқарсангиз бас, деди. Сўнг душманлари айтгани бўйича қуйидаги мазмунда бир неча сатрни ёзиб берди: Мансабда пайтим мендан ёмон ишлар содир бўлганди ва ўз гуноҳимга иқроман.

Амир Муҳаммад Али Атка уни катта йиғинга элиб, Хожа Низомулмулк амирлар ва вазирлар билан бирга олий тахт пойига ошиқди ва Хожа Маждиддин Муҳаммаддан ёздириб олган хат мазмунини арзга етказиб, ул мақтов сифатли хожанинг молмулкани тафтиш этишга буйруқ олди.

Хожанинг ноиб ва ичкиларини қийноққа солиб, қаттиқ азоблар берган кўйи уйдан ҳеч қачон ўндан бири ҳам ҳеч кимнинг хаёл хазинасидан ўтмаган миқдордаги олтин, жавоҳир ва шариф китоб, нафис буюм ҳамда ҳайвонлар ёғидан олинадиган заҳарланишга қарши дорулар, чинни идишлар, ипак гиламлар, турли рангда товланувчи нақшин матоли чодирлар топишди.

Бу каби мўл-кўл ва қимматбаҳо тортиқ ва тухфалар мансур хоқон назарига етишгач: Хожа Маждиддинга ишончим шундай эдиким, мабодо қўлига бирон нафис тухфа тушгудек бўлса, дарҳол бизга пешкаш қилади, деб ўйлардим. Эндиликда бу янглиғ маълум бўлмоқдаки, бизга нисбатан тўғрилиқ ва софлик йўлини тутмаган экан, деди. Хожа Низомулмулк бу сўзни

¹ Даъвогар — бу ерда қораловчи гувоҳ маъносига.





эшитгач: Шу пайтгача ҳали Хожа Маждиддинни қийнамасдан туриб, бу миқдордаги камёб мол ва буюмлар қўлга кирди. Агар уни қийнасалар, бошқа нодир нарсалар ҳам топилиб қолиши ҳеч гапмас, деган гумонларим бор, дея арзга етказди. Мансур хоқон дастлаб бу ишга майл билдирмади. Аммо Хожа Низомулмулкнинг даъвоси асосида «майли, аммо қийноқ пайти эҳтиёт бўлишсин, жонига бирор зарар-заҳмат етмасин, мобадо кимдаким Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг ҳаёт ипини қирқишга ҳаракат қилса, билсинки, ўша одам шу заҳотиёқ ўлдирилади» дея буюрди.

Хожа Низомулмулк ва Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг бошқа душманлари бу сўздан қутлуғ кўнгили қарорининг қайтадан Хожа Маждиддин Муҳаммадга нисбатан ғамхўрлик қилишга йўналганини англадилар. Шу жиҳатдан энди хожага Хуросонда яшаб қолиш имконини топтирмаслик борасида бир ҳийла ўйлаб топдилар.

Бу воқеанинг сурати шуки, даъвогарлар Хожа Маждиддин Муҳаммадни қийноққа солгач ва орқаворатдан текшириб кўриб, бундан буёғига бирон тайинли нарса ундириб бўлмаслигини аниқлагач, хожанинг олдига одам юбориб «агар бир неча ой ичида фалонча маблағни олий девонга тушириб бериш кафолатини бўйнингга олсанг, биз ихтиёрингни ўз қўлингга топширган ҳолда сени қўйиб юборамиз» дейишди ва кетидан «мазкур маблағни бутлаш ишида кўмак ва ёрдам ҳам берамиз» деб айттирдилар. Хожа Маждиддин Муҳаммад ўзининг қутулиш чорасини фақат шу сўзларни қабул қилишда билиб, душманларнинг талабига кўнди ва тутқунликдан қутулди.

Айтиш лозимки, ўша ҳафтаси Низомулмулк Хожа Маждиддин томонидан бўйинга олинган пулни кимларга хайрия сифатида бериш ҳақидаги рўйхатни тузиб, унда бир гуруҳ турк чапанлари ва ҳунарманд шогирдлар таъминоти учун хайрия жамғармаси яратиш лозимлигини қайд қилди. Хожа Маждиддин ҳисоблаб кўрса, бу миқдордаги пулни бутлашга кучи етмаслиги ва иш номуссизликка бориб етиши аниқ бўлгач, яна бир бор бир бурчакка яширинди ва беркиниб ўтирган ерида Ҳижозга бориш





яроқларини ҳозирлаб, фаранглик кишиларга қўшилиб, Кермон йўли орқали бекитиқча ва яширин ҳолда йўлга тушди.

Ўша йили¹ Амир Низомиддин Дарвеш Али ҳаж рухсатини олиб, Ҳижоз томон юзланди.

Хожа Маждиддин Муҳаммад Хофий Табук манзилига етганда, 899 йилнинг зулқаъда ойида² Ҳақ чақириғига «лаббайка» дея жавоб бериб, жаннат боғи сари юзланди.

Амир Низомиддин Дарвеш Али ислом ҳажини адо этмоққа эришиб, соғ-саломат Ҳиротга қайтиб келди ва қайтадан амирлик ўриндиғига ёнбош ташлади. Худо хоҳласа, бу ҳақда яхши хислатли қалам тағин рақам қилади.

**БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ АСТРОБОД
МАМЛАКАТИДАГИ САЛТАНАТИ ЗИКРИ
ВА ЎША ВАҚТЛАРДА РЎЙ БЕРГАН
ВОҚЕАЛАРДАН БИР БЎЛАГИНИНГ БАЁНИ**

Журжон вилояти бошқарувининг жилови ҳамма бажариши шарт фармонга биноан Мирзо Бадиуззамонга топширилгач, шаҳзода ниҳоятда улуғворлик билан Астрободга ошиқиб, давлати байроғи баландликка кўтарилиш сифатини топди.

Мозандарон ва рустамдор мулкларининг ҳоқимлари элчилар орқали салтанат ошиёнли даргоҳга мактуб ва қимматбаҳо тортиқлар юбордилар. Ўз ихлослари жавоҳирини арз лаганига қўйиб, итоат ва бўйсунуш йўлида юришга ваъда бердилар.

Бадиуззамон Мирзо инсоф ва фаровонлик палосини ёймоққа киришиб, Амир Муғул вақтида рўй берган бузғунлик асоратларини йўқотишга бел боғлади ва адолат қўли билан инъом ва эҳсон эшикларини аҳоли, балки тамоми халқ юзи сари очди. Амир Шамсиддин Муҳаммад Амин Аббосийни пойтахтдан чақириб олиб, амир ул-умаролик мансаби ва мулку молиявий ихтиёр ҳамда барча катта-кичик ишларни унга берди. Вазирлик

¹ 898 йил – 1492 йил 23 октябрь – 1493 йил 12 октябрь оралиғи.

² 899 йил зулқаъда ойи – 1494 йил 3 август – 1 сентябрь оралиғи.





ва девонлик ишлари жilовини эса Хожа Шамсиддин Муҳаммад бин Муизиддин Шерозийнинг кифоятли кафтига қўйди. Садрлик юмуши ва муллоларга пешволик этиш бурунгидек саййид Низомиддин Султон Аҳмад бин Амир Бурҳониддин Ховандшоҳга топширилди.

Оққўйлуқ¹ султонлари давлатида алғов-далғовли кунлар бошлангани учун туркман амирларидан кўпчилиги шаҳзода ҳузуридан паноҳ излаб келиб, шавкати байроғи кайвон айвонидан ҳам ўтди.

Султон Бадиуззамон Мирзо ана шу Озарбайжон амирлари қутқусига учиб, 899 йили² ул вилоятни эгаллаш пайига тушди ва Астрободдан Рай шаҳри сари ошиқди. Аммо бирон ишни илгари силжита олмади ва қўйидаги воқеа хабарини эшитган заҳоти мулк уйи Журжонга қайтди.

Бадиуззамон Мирзо салтанати замонида Астрободда рўй берган «азим» ишлардан бири шу бўлдики, Ихтиёриддин қўрғони тутқунлигидан қутулиб, ўз ватанига қочиб кетишга эришган олий мартабали Хожа Фахриддин Муҳаммад Битикчи ва унинг укаси Хожа Шамсиддин Муҳаммад Амир Муҳаммад Амин Аббосий ва Хожа Шамсиддин Муҳаммад бин Хожа Муизиддин ифвоси билан шаҳзода томонидан чиқарилган фармонга биноан мол-мулки мусодара қилиниб, ўлдирилдилар. Журжон халқидан кўпчилиги бу икки олий шонли хожага боғланиб қолганлари учун ул вилоят аҳолисининг йиғин ипи узилди. Хожа Фахриддин Муҳаммаднинг тўнғич ўғли мамлакат паноҳди, адолат дастгоҳди Хожа Сайфиддин Музаффар Хуросонга кетиб, Музаффар Ҳусайн Мирзонинг иноят назарига илинди ва улуғлар қаторидан жой олди.

Кўп ўтмай Амир Муҳаммад Амин Аббосийни хожаларнинг ноҳақ тўкилган қони тутиб, мансур хоқон арзига мазкур амирнинг ҳамиша Мирзо Бадиуззамонга ёмон гаплар ўргатиб, шаҳзодани муҳолифат йўли бўйлаб қадам ташлаш сари ундаб юрибди ва уруш-саваш асбобларини тайёрлашга киришиб,

¹ Оққўйлуқ — оққўюнали.

² 899 йил — 1493 йил 12 октябрь — 1494 йил 2 октябрь оралиғи.





фитна ва бузғунчилик эшикларини Хуросон диёри аҳолиси томон очиш ниятини қилмоқда, деган сўзлар эшитилди. Шунга кўра Мирзо Бадиуззамон номига ҳамма бажариши шарт фармон чиқарилиб, Амир Муҳаммад Амин Аббосийни кишанлаб, олампаҳоқ даргоҳга юбориши айтилди. Шаҳзода бу фармонни бажаришни бир-икки кун пайсалга солди-ю, аммо Амир Муҳаммад Амин Аббосийнинг эътибор ва ихтиёри табиатига мос тушмаган бир гуруҳ амир ва хосларнинг маъқулловига кўра, бу амирни ушлашга буйруқ берди. Амир Ҳусайнқули *Жафокаш* буйруққа амал қилиб, Муҳаммад Аминнинг оёғига оғир кишан солди ва уни ўзига қўшиб, салтанат пойтахти Ҳиротга қараб йўналди.

Мансур хоқон унинг Амир Муҳаммад Аминни олиб келганини эшитиб, Амир Ҳусайнқули номига «бошини танасидан жудо қилиб, аъло тахт пойига юборишлари» юзасидан нишон хати юборди. Бу нишон Родгон сайҳонлигида Амир Ҳусайнқули қўлига етиб, дарҳол фармонни ижро этди.

Амир Низомиддин Алишер Амир Муҳаммад Аминнинг кесилган боши Ҳиротга етиб келгани санасини ушбу тарих байтда назм ипига тизди.

Байт:

Бир золимнинг бошин кесиб келтирдилар шаҳарга,
Ул келтирган нарсалари қатли тарихи эди.

Амир Муҳаммад Амин Аббосийнинг ўлдирилгани хабари Астрободга етишгач, Хожа Шамсиддин Муҳаммад бин хожа Муизиддин мазкур амир билан бирдамлик йўлида бўлгани жиҳатидан қўрқувга тушиб жўналиш, аниқроғи, қочиш туғини Қундуз сари кўтарди. Султон Бадиуззамон Мирзо салтанатининг вазирлиги тўла эркинлик билан қилич ва қалам соҳиби Хожа Жалолиддин Миракий қўлига ўтди.

Ўша воқеалар рўй бериб турган маҳалда тенгсиз хоқоннинг саодат ёғдули байроқлари Ҳисори Шодмон тарафга қараб қўзғалди ва Султон Бадиуззамон Мирзо улуғвор отасига кўмак йўсини билан Амуя дарёси қирғоғига юзланди.





**САМАРҚАНД ВА ҲИСОРИ ШОДМОНДА ЮЗ
БЕРГАН АЙРИМ ВОҚЕАЛАР ҲАМДА
ФАЛАБА ШИОРЛИ БАЙРОҚНИНГ УЛ
ШАҲАРЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН
ҚЎЗГАЛГАНИ БАЁНИ**



Назм:

Зоҳирпараст оламда ҳар ким,
Тирикликнинг чалар торини.
Қиш чамандан кўчса батамом,
Баҳор ёзар ўз гулзорини.
Қуёш қўқдан кетмаса нари,
Қизимайди юдуз бозори.

Бу гапнинг тасдиғи шуки, Султон Абусаид Мирзонинг тўнғич ўғли бўлмиш ва фоҳира Самарқанд шаҳрида салтанат юргизиб ўтирган Мирзо Султон Аҳмад 899 йил зулқаъда ойининг бошида¹ такаббурлик уйдан охиратнинг роҳат ва сурур саройига кўчиб ўтди. Бу хабар Мирзо Султон Маҳмуднинг қулоғига етгач, Мирзо Султон Масъудни Ҳисорда ўз ўринбосари қилиб тайинлаб, юзни Самарқанд сари қаратди ва бу шаҳарга етишгач, салтанат тахтига ўтириб, Бухоро ва унга қарашли ерлар ҳукуматини ўзининг катта ўғли Бойсунқур Мирзога берди.

900 йилнинг рабиулохир ойида² олий мартабали подшоҳ Султон Маҳмуд Мирзо касалланиб, йўналиш туғини охират оламига қарата кўтарди. Сўнг Бойсунқур Мирзо улуғлар ва амирлар билан иттифоқликда Бухородан Самарқандга келиб, фармонфармо бўлди ва адолату эҳсон қоидаларини мустаҳкамлашга киришиб, зулм ва зўравонлик палосини йиғиштирди.

Мирзо Бойсунқурнинг тахтга ўтиришига яқин Султон Маҳмудхон бин Юнусхон Мовароуннаҳрни эгаллаш муддаоси билан Самарқандга лашкар тортди. Бойсунқур Мирзо унга қарши чиқиб, Канбой шаҳри атрофида тарафлар тўқнаши рўй берди ва уруш оловию олишув шуъласи аланга олди.

¹ 899 йил зулқаъда ойи боши – 1494 йил 3 август.

² 900 йил рабиулохир ойи – 1494 йил 30 декабрь – 1495 йил 28 январь оралиғи.





Ўша аснода Султон Маҳмудхон давлатининг катта устунларидан саналган Ҳайдар Кўкалтош ҳировул қисмининг бир нечта йигит-яланглари билан мардлик майдонига тушди ва зич саф тортганча, шиб яўсини билан ўқ ота бошлади. Самарқанд қўшини ботирлари жасорат қалқонини бошлари узра тортиб, ул жамоат томонга қараб югурдилар ва Ҳайдар Кўкалтош ҳамда ёнидаги бошқа ўқчилар ишини кўнгилдагидек бир ёқли қилдилар. Ночор мўғуллар диллари ўксик ҳолда жанг майдонига орқа ўтирдилар. Фатҳу зафар насими бойсунқурий байроқ матоси сари эсиб, Самарқанд лашкари уч минг нафар мўғул жангчисини аёвсиз равишда қилич дамидан ўтказдилар.

Бойсунқур Мирзо ғоятда мартабаю шавкат билан ўз тахтгоҳи томон юриб, халқ ва қўшин тинчлиги билан машғул бўлиб, боши баландлик туғини юқори кўтарди. Қаршилиқ ниятида юрган кичик укаси Султон Алини ушлаб, кўзига мил тортиди. Аммо ул аянчли ишга мутасадди бўлган кишининг ён босгани натижасида шаҳзоданинг кўзи нурига зиён-заҳмат етмади.

Султон Маҳмуд Мирзонинг Ҳисори Шодмонда отаси ўрнига ўринбосар бўлиб қолган кичик ўғли Султон Масъуд Мирзо ул ҳазратнинг вафотидан хабар топгач, ўша вилоятда тангани ўз номига ўйдириб ва хутбани ҳам ўз исми билан безаб, подшоҳлик пойдеворини мустаҳкамлашга киришди.

Султон Абусаид Мирзо¹ замонида Амир Саййид Мазид Арғуннинг навкарлари қаторида турган ва Султон Маҳмуд Мирзо тарбияси шарофатидан баландлик даражалари узра қадам босиб, ул ҳазратнинг салтанати вақтларида Қундуз ва Бағлон мамлакатларида бошқарув байроқларини ҳилпиратган Амир Хусравшоҳ валинеъмат вафотидан сўнг мустақиллик ниятини кўнглига тугди ва гарчи бир неча кун Султон Масъуд Мирзога нисбатан итоат расмини бажо келтириб юрса-да, аммо ниҳоятда одамлари кўплиги ва ҳашамат асбоби зиёдлигига мағрур бўлди ва Султон Масъуд Мирзонинг ҳукм ва фармонидан бўйин товлади. Қудрати равнақ топгач, манманлигию ўзини катта тутиши яна ҳаддан ошди.

¹ Техрон нашрида хато равишда «Султон Масъуд» шаклида берилган.





Бу хабар салтанат пойтахти Ҳиротга етгач, мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо ул вилоятни эгаллашга қарор қилди. Кўпликда дарахтлар япроқларидан ҳам зиёда ҳамда қутурган шер ва фил билан кураш даъвосини қилувчи қўшин йиғилгач, 901 йилнинг бошларида¹ юриш жilовини қуббатулисом Балх томонга қаратиб, яшин ва шамолга жilовдош бир чопарни Астробод тарафга жўнатаркан, Султон Бадиуззамон Мирзога, Журжон қўшини билан бирга Амуя дарёси қирғоғига бориб, қутлуғ мавкабга қўшилиши ва бошқа шахзодалар билан бирдамликда олий давлат душманларини йўқ қилиш учун саъй-ҳаракат камарини жон белига боғлаши борасида айттириб юборди.

Элчи шахзода даргоҳига етиб боргач ва элтган нишонни арзга етказгач, Султон Бадиуззамон Мирзо дастлаб ҳамма бажариши шарт фармонга итоат этишда гафлат ихтиёр этди. Аммо сўнг оталик ҳақ-ҳурмати тўғрисида мулоҳаза юргизиб, қутлуғ ўрдуга юзланди ва Журжон вилояти ишлари жilовини бахтиёр шахзода Муҳаммад Муъмин Мирзонинг қобилиятли қўлига тутқазиб, бахтли бир соатда Астрободдан ташқари чиқиб, оти тизгинини Амуя дарёси тарафга тўғрилади.

Мансур хоқон манзилу бекатларни босиб ўтиб, қуббатулисом Балх ҳудудига етишгач, саодатли шахзода Ҳайдар Муҳаммад Мирзо ва Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек кутиб олиш шартларини бажариш учун шошилиб, пешкаш ўтказиш ва сочқи сочиш расмини адо этдилар ҳамда файзли қўлни ўпиш шарафига муяссар бўлиб, хусравона иноят кўзи ва подшоҳона меҳрибонлик назарига илиндилар. Бир неча кун Балхдан бир фарсахлик масофада жойлашган Осиёрегак сайҳонлиги галаба аломатли лашкароҳга айланди. Жаҳон кезувчи ўрду дарёдан кечиб ўтиш ва Ҳисор вилоятига етишиш учун сўнг у ердан Сангреза кечикига қараб кетди.

Ул манзилда одил подшоҳ арзига Амир Хусравшоҳнинг жасурлик аломатли лашкар, балки, дев қиёфали бир йиғин тўплаб, душманни енгувчи сипоҳ дарёдан ўтгани заҳоти орқадан кечик-

¹ 901 йил боши — 1495 йил 21 сентябрь.



ларни беркитиб, хоқонликка тааллуқли мулкларни талон-торож қилиш мақсадида қудрат туғларини ҳилпиратиш ниятида экани хабари етишди. Шунга кўра олиймакон мансур хоқон олийшонли амирлар билан маслаҳат ўтказиб, давлат манфаатларини рустам қудратли шаҳзодалардан айримларини музаффар туғли қўшиндан бир бўлаги билан бирга Амир Хусравшоҳ ёмонлигини аритиш учун Қундуз томон юбориш, шундан сўнг дарёдан кечиб ўтиб, Ҳисори Шодмон мамлакатини эгалланиш доирасига киритиш ишида кўрди.

Бу хизматни етук ўғилларидан қай бирига топшириш ҳақида ўйланиб турган пайтда, тўсатдан Султон Бадиуззамон Мирзо олий ўрдуга етиб келди ва бузруквор отаси қўлини ўпиш бахтини топиб, шоҳ ва сипоҳ учун мадад кучи ортишига сабаб бўлди. Мансур хоқон салтанат ва подшоҳлик кўзининг ул нурини зафар иқтидорли амирлардан бир бўлагию қиёмат аломатли қўшиндан катта бир қисмига сардор қилиб тайинлаб, Амир Хусравшоҳга қарши урушиш учун Қундуз томон юборди.

Ўзи эса Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Баё қишлоғи ҳудудида қудрат туғларини ҳилпиратди. У ерлик халқлар Султон Масъуд Мирзога тарафдор бўлиб, ўзларини аъло даргоҳ хизматидан четга олдилар ва пешкаш, совға-саломлар билан кутиб олиш расмини бажармадилар. Хоқоннинг ғазаб ўти шуълаланиб, ғалаба белгили сипоҳ бу қишлоқда нима кўзларига илинса, форат ва торож елига совурдилар.

Ул томондан Султон Масъуд Мирзо қутлуғ мавкабнинг яқин келганини эшитиб, Ҳисор қалъаси мудофаасини Амир Муҳаммад Боқир ҳамда Амир Маҳмуд *Барлос*, Дарвеш Али Сорбон каби амирлардан бир нечтасига топширди. Ўзи эса шаҳарда турган кўйи болалигига бориб ва тажрибаси йўқлигига кўра, вақтини ниҳоятда бепарволик билан ўтказиб ўтирди.

Шаҳзоданинг ҳайрату саргардонлик ўйи ичра қолгани ҳазрат хоқон арзига етишиб, Баё қишлоғиданоқ шошилишч қаноти билан Ҳисор томонга илғор қисм юборди. Ўзи эса кўп манзилларни босиб ўтгандан сўнг, офтобнинг ялтироқ байроғи кўк осмон фазосида юқори кўтарилган бир тонг маҳали, зафарли туғ ой-



часи Ҳисори Шодмонгача бир-икки фарсах масофа беридаги Жавзий сайҳонлиги узра етишув нурини сочди.

Султон Масъуд Мирзо бу хабарни эшитиб, бор-йўғи бир нечта мулозими билан бирга Варзоб дараси тарафга қочди.

Мансур хоқон шаҳзоданинг қочганидан хабар топгач, Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзони бир нечта амирлар ва ичкилар ҳамда нусрат нишонли аскарлар билан бирга душманларни қувлаш учун жўнатди. Шаҳзодалар илғор солиб, буларга қоровул қисм бўлиб кетаётган Султонмуҳаммад Мирохўр Варзоб дарасида Султон Масъуд қўшинининг чағдавулига етиб олди ва икки ўртада жанг ва кураш чанги баланд кўтарилиб, Султонмуҳаммад ҳеч ҳайиқмасдан ҳисорликлар сафига ташланди ва ғоятда мардоналик кўрсатди. Аммо тақдир тақозосига кўра душманлардан бири солган қилич зарбидан ҳалокат тупроғи узра ер тубан қулади. Ўғли эса асир тушди. Бу воқеа кетидан шаҳзодалар мазкур маконга етиб келиб, муҳолифлар жиловни қочиш водийси сари бурдилар.

Шу орада Султон Масъуд Мирзонинг қизиқ бир ҳолатда, аслида эса минг бир азобда, баландликда Зуҳал юдузи билан тенглашиш даъвосини қилувчи бир тоғ чўққисига чиқиб олгани, аммо ул тоғ устини жуда кўп қор қоплаганидан ёнидаги кигиз ва жундан тўқилган нима нарсаси бўлса, шуларни йўл-йўлакай қор устига ёйиб ташлаб, тоғнинг у томонидан ошиб пастга тушганча, қочиш жиловини Шаҳрисабз тарафга бургани маълум бўлди. Шунга кўра Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо тўғри ишни орқага қайтишда билиб, жумодилохирнинг йигирма учинчиси¹ чоршанба куни олий ўрдуга қўшилдилар.

Мансур хоқон Султонмуҳаммад Мирохўр воқеасидан афсуслар чекиб, қариндош ва яқин кишиларини ҳол сўраш орқали ҳамда сийловлар бериш билан сарафроз қилди.

Ўша куни Амир Умарбек ва Сулаймон Туркман ҳамма бажариши шарт фармонга кўра ул ҳудуд аҳолисини хоқон давлатига тарафдор қилиш учун йўналиб, узоқ-яқин аҳоли ва турку тожик-

¹ 901 йил йигирма учинчи жумодилохир – 1496 йил 9 март.





нинг кўнгилларига чексиз меҳрибонликлар билан тасалли бердилар ва подшоҳнинг мўл инояти ва адолатидан умидвор қилдилар. Ҳисори Шодмон аҳолисининг хосу авоми шоду хуррам бўлиб, қутлуғ ўрду сари оқиб келдилар ва Сидрадек бўсагадан паноҳ излаб, чексиз лутфу эҳсон соясида ҳодисалар қуёши жазирама-сидан нажот топдилар. Бажарилиши лозим фармон чиқарилиб, унда юлдуз мартабали қўшиннинг олий ёки қуйи табақасидан ҳеч бир кимса аҳолидан ҳеч бирининг бир дона арпасию бир ман сомонига қўл теккизиб озор етказмасин, агар ҳукмга қарши иш юзага чиққудек бўлса, тортиб олинган ҳар бир сариқ чақа эвазида бир бош узилади, етказилган ҳар қандай зарар бароба-рида бир бошлиқ ўлдирилади, дейилди.

Мазкур ойнинг йигирма тўртинчиси¹ пайшанба куни ғалабага ёр ўрду Жавзий текислигидан кўчиб, Самжак мавзеи салтанат ва давлат чодирлари тикилган жойга айланди ва ўша куни Музаффар Ҳусайн Мирзо аскарларидан уч минг киши шаҳзода Фаридун Ҳусайн Мирзо байроғи остида ва Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек, Амир Иброҳим *Чуғатой*, Амир Муҳаммад Саид Арғун етакчилигида дарёдан кечиб ўтиб, Султон Бадиуззамон Мирзога қўшилсинлар ва ул ҳазрат дарёнинг у томонидан, Музаффар Ҳусайн Мирзо бу тарафдан Қундуз сари йўналиб, Амир Хусравшоҳнинг исён ва қаршилиқ оловини сўндирсинлар, деган фармон чиқарилди.

Мазкур ойнинг йигирма олтинчиси² шанба куни Мирзо Музаффар Ҳусайн Гурагоннинг Ҳалим номли бир навқари осмон ҳашаматли даргоҳга келиб, мансур хоқонга мазкур шаҳзоданинг хатини Султон Бадиуззамон Мирзо юборган мактуб билан бирга қўшиб топширди. Хатлар мазмуни шундай эди: Ушбу айёмда Амир Хусравшоҳ журъат ва жасорат оёғини Қундуздан ташқари қўйган ва кўнглини зафар дастгоҳди қўшинга қарши уруш сари қаратган. Эндиликда, қандай бўлмасин, унинг шавкатли байроғи юксалишини чегаралаш мақсадида олий фармон чиқарилиб, лозим саъй-ҳаракат амалга ошмоғи зарур.

¹ 901 йил йигирма тўртинчи жумоғилохир — 1496 йил 10 март.

² 901 йил йигирма олтинчи жумоғилохир — 1496 йил 12 март.





Мансур хоқоннинг онги нури бу воқеа узра тушгач «Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам дарёдан ўтиб, Султон Бадиуззамонга қўшилсин ва иккала шаҳзода бир-бири билан иттифоқликда Амир Хусравшоҳ устига бостириб борсинлар ва унинг йигини суратини парокандаликка айлантирсинлар» деган фармон чиқарилди.

Мазкур ойнинг йигирма еттинчиси¹ якшанба куни Дашти Қипчоқ хонларининг улуғларидан ва олам султонларининг катталаридан бўлмиш Қосим Султон бин Сайдакхон иқбол билан жамшид иқтидорли хоқон даргоҳига келди ва қўл ўпиш шарафи билан фахр бошини юқори кўтариб, бошқа шаҳзодалар қаторидан жой олди.

Ўша куни Султон Масъуд Мирзонинг амирлик девонида муҳр босувчи Амир Музаффар Барлос бин Амир Шайх Абдуллоҳ салтанат ошиёнли даргоҳга ошиқди ва муносиб тухфалар тортиқ қилиб, ўз касбдошлари қаторидан жой олди.

Мазкур ойнинг йигирма тўққизинчиси² сешанба куни қутлуғ мавкаб Самжақдан қўзғалиб, Оқтош мавзеи уруш ва кураш соликларининг чодирлари тикилган жойга айланди.

Ўша манзилда аниқланишича, Музаффар Ҳусайн Мирзо Султон Бадиуззамон Мирзога бориб қўшилгач, Амир Хусравшоҳ уларга қаршилик кўрсатишга ожизлик қилиб, йўналиш, тўғрироғи қочиш юзини Қундуз қалъаси сари қаратибди. Шаҳзода ва нўёнлар эса уни таъқиб қилиб бориб, қалъани қуршаб олишибди ва ҳозир қамал ҳамда уруш ишига машғул эканлар. Аммо шу орада Султон Бадиуззамон Мирзо ва Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагон орасида озгина келишмовчилик ҳам рўй берган. Чунки Амир Хусравшоҳ Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Бадиуззамон Мирзога қўшилганидан сўнг оти жоловини уруш майдонидан қочиш водийси сари тўғрилагач, Музаффар Ҳусайн Мирзо Султон Бадиуззамон Мирзога «бу ютуқ мен туфайли қўлга кирди» деган мазмунда мақтанаётган ва шунинг қоидасига би-

¹ 901 йил йигирма еттинчи жумодилоҳир — 1496 йил 13 март.

² 901 йил йигирма тўққизинчи жумодилоҳир — 1496 йил 15 март.





ноан отга миниш пайти шарафига ноғора чалдириб, акаси билан тенглик эшикларини очишни истаётган экан.

Мансур хоқоннинг онги нури бу воқеа узра таралгач, Ҳисори Шодмон ишини сулҳ ва яраш билан бир ёқли қилиб, йўналиш юзини Қундуз сари қаратди. Бу гаплар ҳам тез орада баён қалами билан рақам қилинади. *Ёрдам ва мағад Аллоҳдандир.*



ҲИСОРИ ШОДМОН ҚАЛЪАСИНИНГ ҚАМАЛ ЭТИЛИШИ ВА ЯНА БОШҚА ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ



Ҳисори Шодмон атрофи нусрат нишонли байроқлар доирасининг маркази бўлиб турган вақтда Амир Муҳаммад Боқир, Маҳмуд *Барлос*, Дарвеш Али Сорбонга қалъанинг барча аҳолиси билан биргаликда итоат исирғасини қулоқларига тақиш ва бўйсунуш занжирини елкаларига ташлаб, подшоҳлик тахти остига ошиққан кўйи ниёзу нисор шартларини бажариш ва давлатга тарафдор бошқа бандалар қаторидан ўрин олиш лойиқ ва муносиб кўринди-ю, аммо ул жамоат учун Султон Маҳмуд Мирзо ва унинг ўғиллари кўрсатган яхшиликлар ҳаққи-ҳурматини сақлаш вазифаси бу иш олдига ғов бўлди ва ночор оёқни воз кечиш этаги ичра тортдилар ва натижада истак елкасини қўрғон мустаҳкамлиги учун тираб, олампадох, даргоҳ сари бормадилар.

Шунга кўра ражаб ойининг бошида¹ жаҳонни ёритувчи офтоб юрт олишлик қиличи ёғдуси билан айланувчи қалъа ичида беркинганлар кўзини қамаштирган ва хуршид жамшиди байроғи шуъласи эгаллаш нурларини осмоннинг феруза рангли қалъаси узра таратган пайшанба куни тонгида барча бажариши лозим бўлган қуёш ёғдули фармон чиқиб, унда юлдузлар сонича қўшин амирларидан Носириддин Умарбек, Муҳаммад Али Атка, Шоҳ Ҳусайнжон *Биёр*, Абдуллатифжон *Нисор*, Ҳасан Али Қозоқ, Юсуф Айюб, Амирбек *Туркман*, Тангриберди *Сомончи*,

¹ 901 йил ражаб ойи боши – 1496 йил 16 март.





Сулаймон Туркман, Дўст Муҳаммад Бахши¹, Ҳамза Ака Қоровул кабиларнинг ҳаддан зиёд кўп пиёдаю отлик билан Ҳисори Шодмон қалъасининг бутун атрофини зафарли чодирлар тикланган жойга айлантириш ва мурчалларни² тақсимлаб, жаҳду жадал билан қамал ва уруш ишига киришишлари айтилди.

Ҳақиқатини айтсак, бу қалъа баландлик ва мустаҳкамликда Хайбар тоғи ва Искандар деворига ўхшаш бир қўрғон бўлиб, чуқур хандақи қарам аҳлининг ҳимматидек кенг ва узун эди.

Алқисса, нусратпаноҳ сипоҳ ул юксак дастгоҳли қалъани марказ нуқтаси каби ўртага олдилар ва қалъа олишлик асбобларини тузатиб, аррода ва манжаниқларни ўрнатгач, икки томондан ҳам ўқу тош отиш сари қўл чўзиб, қамал ва уруш ҳамда мудофаа шартларини бажардилар. Олов сопқонлари гулдирашга тушиб, ботирлар йиғини хирмонига ўт ташларди, ўқ бургути камон уясидан учиб, паҳлавонлар юраги саройига қўнарди.

Бир неча кун аҳвол шу зайл кечгач ва икки томондан ҳам қанчалар ҳалок бўлгач, қалъа аҳли аянчли аҳволга тушиб, улуф шайхлар сараси Хожа Алоиддин Атторнинг³ авлодидан саналган ва Чағониёнда ҳидоят ва иршод ўриндифида ўтирган ирфон шиорли жаноб Хожа Ҳасан Аттор олдига бир чопар юбориб, ул ҳазратдан мансур хоқоннинг ҳузурига бориб, илҳом баёнли тилни ўзларининг гуноҳларидан ўтиш шафоати учун очишни илти-

¹ *Бахши* — «Бахши» сўзи санскритча Худо маъносини англатувчи «бўғ, бағ, бахт» атамасидан ясалган бўлиб, илоҳдан билувчи — «бўғчи, бағчи, бахши» маъносини беради. Кейинчалик бу сўз туркий, айниқса, қадимда ўз ёзувига эга ва илм-фан, маданиятда илғор саналган уйғур халқи орасида турли илмлар, масалан, ёзувчизув, адабиёт, тарих, ҳисоб-китоб, мусиқа, таботат каби соҳалардан хабардор кишиларга нисбатан ҳам ишлатилган. Муғуллар даврида ана шу уйғур бахшилари давлат девони ишларига жалб этилиб, «бахши» (билимдон) деганда ҳисоб-китобга уста вазир, молиячи, солиқ ундирувчи, битикчи (хатга олувчи)лар тушуниланган. Эрондаги оққўюнли, қорақўюнлилар ва Ҳиндистондаги Бобурийлар давлатида ҳам вазирларни *бахши*, вазирликни *бахшигарий* деб аташган. Ҳозир ўзбек халқи орасида «бахши» деганда дoston куйловчилар тушунилади.

² *Мурчал* — қамал қилинган қалъанинг муҳим иншоотлари мўлжалга олиниб қазиладиган зовур, ертўла.

³ *Хожа Алоиддин Аттор* — нақшбандия тариқати улуғларидан (вафоти 1400 йил март ойи).





мос қилдилар. Хожа Ҳасан ул фирқанинг ҳолига раҳми келиб, қутлуғ ўрдуга кетди ва улуғ садрлар воситасида осмон ғулумли хоқоннинг қутлуғ мажлисига кириб, қўл ўпиш файзи билан сарафроз бўлди ва қамалдагилар гуноҳини тилади. Мансур хоқон Хожа Ҳасаннинг илтимосини қабул қилди.

Хожа қалъага бориб омонлик ва тинчлик, кечирим ва эҳсон хушxabарини етказди. Қалъа аҳолиси хурсанд бўлиб, юраклари қувончга тўлди ва итоату бўйсунуш изҳорини қилиб, қудрат қўллари нимага етса, ўшани пешкаш ва тортиқ йўсини билан Амир Маҳмуд *Барлосга* қўшиб, қалъадан ташқарига юбордилар. У эса осмон пойдеворли даргоҳга ошиқиб, палосни ўпиш шарафи билан иззат топди ва қимматбаҳо тўн кийиш билан боши осмон қадар юксалиб, подшоҳона марҳаматлар қўли бошқа ҳисорликларга ҳам кечирим ва сийлов либосларини кийдирди. Подшоҳона яхши ахлоқ суви ул фирқа исёни чангини шу зайл бостирди. Сулҳ ва тинчлик устунлари онту қасам билан мустаҳкамланиб, Хожа Ҳасан турли-туман лутфлар билан сийланди. Амир Маҳмуд *Барлос* қайтишга рухсат олиб, муваффақиятга эришган ҳолда қалъа сари ошиқди. Ҳисор амирлари зафар асарли мавкаб қайтиб кетганидан кейин, Султон Маҳмуд Мирзонинг Ҳайдар Муҳаммад Мирзога унашилган исмат ва ифбат чодирини ичидаги қизини тўй-ҳашамларини тутатган ҳолда салтанат пойтахти Ҳиротга юборишни ҳамда Мирзо Султон Масъудга итоат қилиб, бўйсунушлик йўлидан четга чиқмасликни ўз зиммаларига олдилар.

Ўтган аҳвол асносида рўй берган воқеалардан яна бири шуки, Султон Масъуд Мирзо давлати устунларининг улуғларидан бири бўлмиш Амир Яъқуб бин Музаффариддин Айюб Сидра мисол бўсағага паноҳ истаб келиб, эҳтиёж ва пешкаш шартларини бажарди. Мансур хоқон уни лутф ва эътибор назарига манзур тутиб, амирлик девонида муҳр берди ва муносиб маош тайинлади.

Тагин бири шуки, садрлар ва улуғлар бошлиғи ота-бободан ҳашамат қоидали султонларнинг садрлик мансабига мутасадди бўлиб келаётган Мирак Жалолиддин Қосим бин мавлоно Шам-



сиддин Муҳаммад Амин мазкур йилнинг ўн бешинчи шаъбонид¹ ҳақ таоло чақиривига «лаббай» дея жавоб бериб, жаннат боғлари сари кетди. Мансур хоқон ул жанобнинг хизматлари ҳаққини қилиб, ўлганидан афсус-надоматлар чекканча шариф жасадини пайғамбарлар саййиди (с. а. в.) суннати бўйича ювиб-кафанлаш борасида олий фармон берди. Ўттиз нафар мукамал қуролланган отлиқ Назар Муҳаммад Қабодиёний билан марҳумнинг жасадини назорат остида кузатиб бориб, дафн этиш учун Балхга элтдилар ва Хожа Абу Наср Порсонинг (сирлари муқарраб бўлсин) мазорига олиб бориб, ул валийлар бошлиғини ўша ерда тупроққа топширдилар.

Мирак Қосимнинг умри муддати эллик тўққиз йил бўлиб, шоирлардан биттаси унинг вафоти тарихида ушбу байтни назм қилганди.

Байт:

Жаҳондан дуо ўқиб барот кунида² кетди,
«Барот куни дуоиси»³ бўлди вафот тарихи.

ЗАФАР НИШОНЛИ МАВКАБНИНГ ҲИСОРИ ШОДМОН ВИЛОЯТИДАН ҚУНДУЗ ВА БАҒЛОН ЮРТЛАРИ САРИ ҚЎЗҒАЛГАНИ ЗИКРИ

Сўзни безовчи қалам илгари ёзув тизимига чекканидек, Амир Хусравшоҳ ўз қудрат доирасида подшаҳзодаларга қарши курашиш қувватини кўрмай, Қундуз қалъасининг тўрт томон деворини паноҳ қилиб, қалъа сақлаш асбобларини ҳозирлагач, шаҳзода ва нўёнлар нусрат нишонли аскарлар билан Қундуз атрофини ўраб олиб, ҳар тарафдан яшин тошларига ўт туташирдилар ва «от, тут, ушла» шуъласини осмонўпар қалъага

¹ 901 йил ўн бешинчи шаъбон – 1496 йил 30 апрель.

² *Рўзи барот (барот куни)* – ҳар йили шаъбон ойининг ўн бешинчиси оқшоми ўтказиладиган хотира куни.

³ *Дуоийи рўзи барот (барот куни дуоиси)* – бу сўзлардан абжадда 901 сони ҳосил бўлади.





етказиб, қўлни дилтикар ўқ отиш сари чўздилар. Қалъа жуда мустаҳкам бўлгани учун қамал муддати анча чўзилди.

Ноилож мансур хоқон Ҳисор ишларидан тинчигач, барча шаҳзодалар ва амирлар билан йўналиш жоловини Қундуз томон бурди ва Қабодиён ҳавоси нусрат нишонли мавкаб чангидан атр сочувчи бўлгач, муваққат кўприк ясаш борасида ҳамма бажариши шарт фармон чиқди. Тавочи амирлар Амуя дарёси қирғоғидаги дўнгликларда туриб қолган кемаларни йиғиб, қутлуғ ўрдунинг дурадгорлари эса яна бир нечта қайиқ ясаб, дарё юқорисидаги Айвож¹ кечикида қайиқлардан кўприк ясашга бошладилар.

Ўша аснода бир кечаси тўлқин оқизган бир кема кўприк қурилаётган мавзегга келиб қолди ва қаттиқ зарб билан кўприк кемаларига урилиб, кўпчилигини синдириб юборди. Олтмиш кемадан ўн бештачаси бузилмай қолди, холос. Шу сабабли «ўртасида оролчаси бор бўлган бошқа бир кечик жой топиб, бузилмай қолган кемалар воситасида дарёнинг бу четидан ўша оролгача кўприк ясаб ўтсинлар, сўнг мазкур кемаларни қайтадан йиғиб олиб, шулар воситасида оролдан дарёнинг у қироғигача тагин кўприк ясаб кечсинлар» деган олий буйруқ бўлди. Анча ахтариб ва у ёқдан-бу ёққа югуриб-елиб, шунга ўхшаш бир жой топдилар ва кемалардан кўприк ясадилар.

Мансур хоқон қўшиннинг барчаси билан бирга «дастлаб дарёнинг бу четидан оролгача ўтиб олиб, тунни ўша ерда ўтказгач, эртаси куни кўприкни нариги бетга қарата ясаб, шу тахлит дарёдан ўтиб оламиз» деган ўйда орол томон ошиқди.

Оролга ўтиб олиб, ўша ерда тунаб қолмоқчи бўлиб турган вақтлари, яъни ўша куннинг охирида бир туя тўсатдан дарёга қулаб тушди ва осонгина у қирғоққа чиқиб олди. Ана шундан «яна кўприк ясаш даҳмазасини тортиб юргандан кўра, кўприксиз ҳам ўтиш мумкинлиги» аён бўлиб, олиймакон хоқон ўша заҳотиёқ мазкур ердан отда сузиб ўтди. Шаҳзодалар, амирлар ва лашкар аҳли ҳам елдек сузиб, дарёдан ўтиб олдилар.

¹ Айвож (Увож, Убож, Аймож) – Амударёнинг Кофирниҳон дарёси билан қўшиладиган ердаги кечик.





Шу зайл хуфтон намози пайти оролда биронта ҳам киши қолмади. Буни қарангки, ярим тунга яқин дарё тошиб, мазкур оролни ютиб юборса бўладими. Барчага маълум бўлдики, туянинг дарёга қулаб тушиши шунчаки тасодиф бўлмай, балки атолар бахш этгувчи эгамнинг инояти ва мақсади ҳосил хоқоннинг қудрату давлати баркамоллиги шарофатидан юзага чиққан экан. Бўлмаса, мабодо мазкур оролда тўхтаб ва ётиб қолинганида эди, битта ҳам одам қолмай, бало тўфони ва дарё тўлқини барчасини ўз гирдобига олиб, нобуд қилган бўларди.

Алқисса, хоқоннинг қиёмат аломатли лашкари денгизи Қундуз қалъаси четида мавж уриб кўрингач, Амир Хусравшоҳнинг исён пойдеворини қўрқув селоби таг-тугидан қўпориб, мағрурлик мақомини вайрон қилди. Кетма-кет ва изма-из халифа ошиёнли даргоҳга сўзга чечан элчилар юбориб, ожизлик ва эҳтиёж тили билан «каминанинг қадр пояси мансур хоқон билан тўқнашув ва уруш майдонига киришдан қуйидир. Шу пайтгача журъат ва жасорат қилган эсам, барчаси жон хавфи ва ҳалокат қўрқуви сабабидан рўй берган эди. Агар подшоҳона лутфлар зилоли бу бечоранинг хато ва гуноҳ дафтарларини кечирим ва афв суви билан ювса, қоидага биноан чокарлик ва бўйсунлиқ исирғасини қулоғимга тақиб, умрим ўтгунча ҳеч қачон қадамимни хизматкорликнинг катта йўлидан четга босмасман. Қутлуғ мавкаб бу ердан қайтиб, қуббатулислом Балхга қўш ташласа, дарҳол оламpanoҳ даргоҳга ошиқиб, осмонўпар сарой тупроғини оғриқ кўзимга шифо учун суртаман» дея айттирди.

Мансур хоқон туғма марҳамати мўллиги ва аслий меҳрибонлиги чексизлигидан Амир Хусравшоҳнинг ялиниб-ёлвориб, ожизлик ва бечоралик изҳор этишига раҳми келаркан, у юборган кишиларни қимматбаҳо тўнлар билан сийлаб, иноят қоришиқли сўзлар айтиб юборди.

Шундан сўнг Амир Хусравшоҳ хутба ва тангани мансур хоқоннинг қутлуғ исми ва ота-боболари номи ила безаб, хосларидан бири бўлмиш Назар Баҳодирни муносиб тортиқлар билан ташқари чиқарди. У улуг амирлар воситачилигида салтанат





тахти устунларини ўпиш шарафини топиб, кечирим ва узр тилини афв сўзларига чоғлагач, тиллодўзи тўн инъоми билан ифтихор бошини юқори кўтарди. Мансур хоқон Амир Хусравшоҳ ва унинг укалари учун ҳам хос тўнлар юборди ҳамда ўзининг яхши хулқи етуклиги орқасида девон амирлиги мансабини ҳам Амир Хусравшоҳга иноят қилиб, ул юксак даражали мансабни гуноҳлари ва осийлиги кечирими устига қўшиб топширди.

Назар Баҳодир фалак ҳашаматли даргоҳдан муваффақиятларга эришиб Қундуз қалъасига қайтгач, Амир Хусравшоҳнинг фахр боши кайвон юдузи айвонидан ҳам юқори кўтарилди ва ўз мухрини девон фармонларини шу билан безаш учун Қутбиддин Муҳаммад Баковулга топшириб, подшоҳлик тахти пойига юборди.

Шундан сўнг жаҳон кезувчи ўрду қуббатулислом Балх томон йўналди. Ул шаҳар ҳавоси осмон мартабали мавкаб чангидан атр сочувчи бўлгач, мулк бағишловчи хоқон Балх вилояти ҳукумати бошқарувини ул ўлканинг Амуя дарёсидан то Мурғобгача бўлган тобе ва қўшимча ерлари билан бирга Султон Бадиуззамон Мирзога бериб, ўзи салтанат пойтахти Ҳирот томон қўзғалиб, шошилинч қаноти билан йўналиш байроғини ҳилпиратди. Давлати пойтахтига етгач, улуғворлик ва ҳашамат билан адолат ва марҳамат палосини ёйди.

Султон Масъуд Мирзо келишилган қарор бўйича Ҳайдар Муҳаммад Мирзога унаштирилган ўз синглисини келинлик жиҳозлари билан таъминлаб, Ҳирот сари юборди. Мансур хоқон улуғ амирлар, мухтарам вазирларга тўй асбобларини ҳозирлаш ва тантанага керак нарсаларни тайёрлашни буюрди. Илгариги йўсин бўйича Боғи Зоғонда чортоқлар боғланиб, ихтирочи ҳунарманд ва муҳандислар томонидан ясалган асбоб ва мосламалар¹ борлиқ майдонига келди² ва икки-уч ой каттаю кичикнинг турмуши хушчақчақлик ва нозу неъматлар ейиш билан кечди. Салтанат буржининг Зухроси халифалик осмонининг Буржи-

¹ Турли хил механик асбоб ва иш жараёнида қўлланиладиган техник мосламалар кўзда тутилмоқда.

² Кўргазмалар ташкил қилинишига ишора.



си билан ойдин шариат талабига биноан яқинлик ҳосил қилиб, икки орада муҳаббат йўли очилди.

Аллоҳ субҳона ва таоло тақдирига биноан фанонинг ўткинчи саройида ҳар бир тўйнинг орқасида мотами ҳам бор, ҳар бир шодлик онлари кетидан ғам-қайғу кунлари ҳам етишади, ҳар бир кундуз изидан тун ҳам келади, ҳар бир баҳор қиш фаслига ҳомила бўлади, деганларидек, ҳижрий сана 902 йилга¹ етган ўша йилда бошқа ака-укаларидан таъб соғломлиги ва зеҳн ўткирлиги, ақлу фаросати кўплиги билан устун турувчи ва ҳаммиша шоирларнинг афзалларию фозилларнинг улуғлари билан суҳбатлар қуриб, бу тоифа кишилар ғамхўрлигига ҳиммат кўрсатувчи гўзал хислатли шаҳзода Абулфаворис Шоҳ Ғариб Мирзо бевақт касаллик билан оламдан ўтди ва «фарзандларимиз жигаргўшаларимиздир»² каримаси бўйича шаҳзоданинг бу оламдан кетиши мақтов хислатли хоқоннинг қаттиқ қайғусига сабаб бўлди. Сўнг чорасизлик ила одатга кўра мотам шартлари ва азадорлик маросими адо этилди.

**БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ ИСЁН ВА
ТУҒЁН ВОДИЙСИГА ҚАДАМ БОСГАНИ
ҲАМДА ХУРОСОН ЁН-ТЕВАРАГИДАГИ
ШАҲАРЛАРДА БУЗҒУНЧИЛИК ВА
ҚАРШИЛИК АЛОМАТЛАРИ ПАЙДО
БЎЛГАНИ БАЁНИ**

Илгари зикр этилгани каби Султон Бадиуззамон Мирзо ҳамма бажариши шарт фармонга биноан Журжондан йўналиш байроғини Амуя дарёси қирғоғи томон тўғрилаган пайтда ул мамлакат бошқаруви тизгинини ўзининг етук ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзонинг ихтиёр қўлига топшираркан, шу билан «мансур хоқон мазкур мамлакатни ул саодатманд неварасига берар ва тайинланган мансабдан тушириш фикрини ойдин

¹ 902 йил боши – 1496 йил 9 сентябрь.

² Ҳадисдан.





кўнгли яқинига йўлатмас» дея умид қилган эди. Аммо ул ҳазрат, бу тасаввурга хилоф равишда, Султон Бадиуззамон Мирзога хилъат иноят қилиб, қуббатулислом Балх ҳукумати билан сарафроз қилган куни ўша йиғинда Мирзо Музаффар Ҳусайн эғнига дорилфатҳ Астробод ҳукумати бошқарувига тайинлангани юзасидан тўн кийгизди. Бадиуззамон Мирзо Қундуз қамали пайти Музаффар Ҳусайн Мирзодан хафа бўлгани ва ўғлининг мансабдан туширилишини сира ҳам тасаввур қилмагани сабабли бу ишдан қаттиқ ранжиди ва ўзининг амирларию ичкилари билан машварат йўлини тутиб, бузруквор отасига итоат қилиш мақомидан воз кечди.

Мансур хоқон Балхдан пойтахт Ҳиротга ошиққандан сўнг, Бадиуззамон Мирзо дорилфатҳ Астрободга яшин ва елга тизгиндош чопарлар жўнатиб, Муҳаммад Мўъмин мирзога Журжон мамлакати қўшинини йиғиб, уруш асбобларини тайёрлашга киришиши ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ул томон борса, ҳукумат ишини унга топширмасликни, ҳатто, зарурат бўлса унга қарши урушиш лозимлигини айттириб юборди.

Шунингдек, Бадиуззамон Мирзо Амир Хусравшоҳ ва мансур хоқондан қаттиқ қўрқиб ўтирган Амир Шужоиддин Зуннун Арғун олдига ҳам сўзамол элчилар юбориб, уларни ўз кўнглидаги ниятдан огоҳ қилди. Ул икки соҳиб тадбир амир олий мартабали шаҳзодага ихлос билдириб, иккаласи ҳам итоат ва хизматкорлик йўлига кирдилар.

Бу гаплар ҳақиқати салтанат пойтахти Ҳирот аро ёйилиб, мансур хоқон изтироб денгизига чўқди ва бир неча бор Бадиуззамон Мирзо олдига мактуб ва элчилар юбориб, панду насихат шартларини адо этди. Лекин булар фойда бермади. Оқибатда ҳузур-ҳаловатини йўқотиб, хасталигию отда юришга мадори етмаслигига қарамай, ўша қишда Балх ҳудудига қўшин тортиб, Бадиуззамон Мирзонинг яхшилаб таъзирини бериб қўйиш ва кўнгли оздирар тескаричилик йўлидан нафратини келтиришни юрагига тутди. Аммо ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер «олий фармон берсангиз, мен Балхга борсам, Мирзо Бадиуззамонга насихат қилсам ва подшоҳона





меҳрибонлик етуклигидан умидвор этиб, бир иложини қилган кўйи дилозорлик саҳросидан хизматкорлик кўчасига келтирсам» дея арзга етказди.

Бу иш қутлуғ табиатга мувофиқ тушиб, Амир Алишер мақсад сари юзланди. Ул шаҳарга яқинлашгач, шаҳзода кутиб олиш шартига риоя қилиб, ул азиз меҳмоннинг шариф қадамини фанимат билди ва ҳаддан ошиқ эъзоз-икром, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, чиройли бир суратда ғамхўрлик ва зиёфат расмини адо этди. Соҳиб тадбир амир яхши сўзлар билан Бадиуззамон Мирзога панду насиҳат қилиб, қаршилик йўлидан қайтишга ундади ва бузруквор отаси ҳаққи-ҳурматига риоя этиш, мақсади ҳосил хоқон кўнгли ризолигини топиш сари чорлади. Бу сўзлар Бадиуззамон Мирзонинг нурли кўнглидан маъқуллик билан жой олиб, қаттиқ таъсир кўрсатди ва Балх мулкани Музаффар Хусайн Мирзога бермоқчи бўлди. Аммо, ҳазрат султоннинг яқин кишисини истаган орзусига етказиб, кетиш учун рухсат бермоқчи бўлиб турганида, тўсатдан тақдир буйруғига биноан бир иш юзага чиқиб, ярашув баҳридан бутунлай кеча қолди.

Бу ҳодисанинг сурати шуки, Амир Алишер Балхда турган ва ҳикмат аломатли сўзлар сайқали билан Султон Бадиуззамон Мирзонинг кўнгил ойнасидан қаршилик зангини кеткизаётган пайтда мансур хоқон сулҳ иши Амир Алишер ташаббуси билан амалга ошишини истамаган Хожа Низомулмулкнинг қутқуси ва айрим ичи қора ичкилар ифвосига учиб, Балх кутволи бўлмиш Амир Ислоҳ Барлосга бир фармон юборди. Унинг мазмуни шундай эди: «Бадиуззамон Мирзо шикор йўсини билан шаҳардан чиққудек бўлса, дарвозаларни беркитиб, қайтиб ул шаҳарга кира олмайдиган қилсанг, ҳаддан зиёд иноят ва илтифотимизга эришасан».

Буни қарангки, бу фармон тақдир тақозоси билан Бадиуззамон Мирзо қўлига тушиб, отаси шафқатидан умид узди ва Амир Алишерни мақсадига етказмасдан, орқасига қайтиши учун рухсат бериб, келишув мақомидан воз кечди.

Ҳазрат султоннинг яқин кишиси йўл юриб, хоқонлик тахти пойига етишгач, нимани кўрган, нимани эшитган бўлса, бари-





сини арзга етказди ва подшоҳнинг аланга олиб улгурган ғазаби отабини ўчириш борасида кўп яхши ҳаракатлар қилди. Аммо булардан сира ҳам натижа чиқмади.

Мансур хоқон Музаффар Ҳусайн Мирзони Амир Муҳаммад Бурундуқ *Барлос*, Амир Носириддин Умарбек билан бирга Астробод томонга юборди. Ўзи эса юриш тизгинини Балх тарафга тўғрилаб, баҳор фаслининг бошида райҳон ва гул-чечаклар япроғи сонича қўшин билан Тахти Сафар мавзеидан отланиб, ўғлининг иқбол ниҳолини қўпориб ташлаш учун йўлга чиқди.

Бадиуззамон Мирзо бу хабарни эшитиб, инъом ва эҳсон эшикларини амирлар ва лашкар аҳли юзи сари очди. Амир Низомиддин Шайх Али *Тоғайни* Балх шаҳри ҳукуматини бошқариш ва қалъани ҳимоя қилиш учун тайинлаб, 902 йили шаъбон ойида¹ атоқли отасига қарши курашиш мақсадида Балх қалъасидан ташқари чиқиб, уруш-саваш ва жангу жадал байроғини кўтарди ва Жузжон йўли билан Беги текислигига ошиқиб, Пилчироғ² довони оғзида боргоҳ қуббасини ой ва қуёш авжига қадар етказди.

Бу томондан хоқоннинг осмон мартабали мавкаби ҳам Майманадан ўтиб, мазкур довоннинг у ёғини қутлуғ лашкаргоҳ қилди. Ўша чарчоққа кон тунда ота-бола бир-бири қасдига бел боғлаб, эрталабгача уруш-саваш ўйида бўлишди. Икки томон ботирлари эса тўқнаш асбобларини тайёрлашга киришиб, гоҳ иккиланиш, гоҳ ишонч билан тилни жанг сўзига чоғлар эдилар.



ПИЛЧИРОҒДА ЮЗ БЕРГАН ҚАЙҒУЛИ ВОҚЕА ҲАМДА ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК ЧИРОҒИНИНГ ЎЧГАНИ ЗИКРИ



Қазову қадар елининг эсишидан юдузларнинг турмуш чироғи осмон шабистони аро ўчган ва мулкларнинг буюк подшоши иродаси талабидан хуршид жамшидининг юрт олувчи байроғи фатҳу зафар уфқига етишган пайт, яъни эртаси тонг

¹ 902 йил шаъбон ойи – 1497 йил 4 апрель – 3 май оралиғи.

² *Пилчироғ* – аслида «Пули чироғ» (Чироқ кўприги).





маҳали мансур хоқон зафар паноҳли сипоҳнинг маймана ва майсара, қалб қисмларини қуёш ҳашаматли шаҳзодалар чехраси нури ва баҳром қасосли нўёнлар вужуди укпарни билан безаб ва мустаҳкамлаб, жанг майдони ва ор-номус кенглигига юборди. Ўзи эса улар кейинича аста-секинлик билан қўзғалди.

У томондан Бадиуззамон Мирзо ҳам фитна қўзғатувчи лашкарни тартибга солиш учун киришиб, юриш тулпорини этик пошнаси учи билан ниқтади ва уруш майдони сари юзланиб, уруш-саваш ва жанг туғларини кўтарди.

Шу зайл тарафлар яқинлашуви Пилчироғ довони ўртасида тўқнашувга айланди ва ноғора товушию сурон шовқини заминуну замонни ларзага келтириб, Исрофил сурнайи аломатини намоён этди. Ботирлар ҳамласининг ели билан довиюраклар ҳаётининг чироғи ўчирилди ва паҳлавонлар найзаси учқуни шижоатлилар умрининг хирмониға ўт ташлади. Зумрад рангли қиличлар ўлганлар қонидан анордай ёқут тусини олди ва олмос асарли ханжар юзи йиқилганлар бўйнидан бадахшоний лаъл рангини ҳосил қилди.

Шу воқеалар бўлиб тургани асносида мақтов хислатли хоқоннинг қутлуғ фолли соябони ҳумоси иқбол ўтрусида ул майдонга соя солди ва Бадиуззамон Мирзонинг кўзи кишвар олувчи байроқ ойчасига тушган заҳоти қарор жиловини қўлдан бериб, шундай отага қарши туришнинг одобга риоя қилиш қондасига хилофлигини англаб етди шекилли, ана шу пушаймонлиқданми ё ноиложликданми уруш майдонига орқа ўтириб, қочиш водийси сари юзланди.

Ниҳоят нусрат нишонли мавкаб ботирлари қудрат билан бош қирқишга тушиб, Шоҳи Арабни шаҳзоданинг бир тўда ичкилари билан аёвсиз қилич тигидан ўтказишга бошладилар. Бир бўлагини эса асирликка олиб, буйруққа биноан уларнинг ҳам аксариятига ҳалокат шарбатини ичирдилар.

Бадиуззамон Мирзо оти жиловини қочиш томон бурғач, йўлнинг торлик бир жойига дуч келиб қолгани ва сипоҳ галалари издиҳоми сабабли жанг фарқобидан тезликда қутулиш имконини топмай ва ўзини нажот соҳилига етказа олмай, ноилож саодат ихтисосли мавкаб мулозимини бўлмиш бир нечта ичкилари





билан бирга шу ердаги кенг бир тепалик устига чиқди. Тепалик бўйлаб эса узун йўл кетган бўлиб, шаҳзода ёнидагилар билан шу нотаниш йўлдан кета бошлади. От чоптириб, анча масофа босиб ўтилгач, бу йўл кутилмаганда теп-текис бир тоғлик устига олиб чиқди. Тоғнинг ҳеч бир тарафидан отлик ҳали у ёқда турсин, ҳатто пиёда учун ҳам қуйи тушиш имкони йўқ эди. Орқага қайтайлик дейишса, устига-устак Абулмуҳсин Мирзо музаффар туғли хоқон ҳукмига биноан, акасини ушлаш қасдида улар ортидан катта тезлик билан келмоқда эди. Бадиуззамон Мирзо ҳайронлик ичида отдан тушди. Олий узанги мулозимлари эса бир нечта белбоғ ва саллани бир-бирига улаб боғладилар ва натижада шаҳзода шу «арқон»га осилиб пастга тушиб олишга муваффақ бўлди. Ушбу сўзлар битгувчиси, яъни камина мазкур воқеа рўй берганидан беш-олти йил кейин Султон Бадиуззамон Мирзо мулозиматида мазкур мавзеге бордим ва ул ҳазратнинг қандай қилиб тушгани кайфиятини ўзининг гавҳар сочувчи сўzlари орқали эшитдим.

Алқисса, шаҳзода соғ-саломат ул тоғдан Пилчиरोғ довони оғзига тушгач, олий мақом хизматчилари тизимида тартиб топган ва айни маҳалда тўғри йўл билан мазкур жойга етиб келган Кепак Хоразмий шу лаҳзадаёқ ўз отини шаҳзодага берди. Султон Бадиуззамон Мирзо оёғини узангига тикиб, йўналиш жловини Қундуз тарафга тўғрилади. Ул тоғ устида шаҳзода хизматида бўлган кишилардан кўпчилиги соғ-омон пастга тушиб олиб, хўжайини ортидан юриб кетдилар. Бироқ, қай бир от ёки хачирни у ердан пастга қараб ҳайдаган бўлсалар, барчаси йўқлик ўтлоқзоридан жой олди.

Мансур хоқон ғалаба ва зафар жамолини кўргандан сўнг Хуросон ўлкасининг ён-теварак шаҳарларига фатҳномалар юбориб, қутлуғ фолли байроқни қуббатулислом Балх сари кўтарди.

Рўй берган нодир воқеалардан¹ бири шуки, Бадиуззамон Мирзонинг Пилчироғда енгилиши 902 йилнинг йигирма тўққизинчи

¹ *Нодир воқеа* — Хондамир бу ерда «Пуличироқ» (Чироқ кўприк) ва қуйидаги «Тошкўприк» ҳамда ёғдуликни англатувчи «Мехранжуман» (кўёш йиғини) билан сўз ўйинини кўзда тутмоқда.





шаъбонида¹ сешанба куни юз берди ва рамазон ойининг биринчиси² ва чаҳоршанба куни бўлмиш эртаси куни ўғли Муҳаммад Мўъмин Мирзо Тошкўприк ва Меҳранжуман оралиғида энгилиб, Музаффар Ҳусайн Мирзонинг қўлига асир тупдиким, келгуси саҳифаларда бу ҳам ёзув ипига тизилади ва ҳаракат нури ул воқеа тафсили узра таралади, иншооллоҳ.

**ҚАМАЛ ВА ЖАНГ ШАРТЛАРИ
БАЖАРИЛГАЧ БАЛХНИНГ ФАТҲ
ЭТИЛИШИ ҲАМДА СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН
МИРЗОНИНГ ГАРМСИР ВА ҚАНДАҲОР
ВИЛОЯТИГА КЕТГАНИ ЗИКРИ**



Балх ҳокими этиб қолдирилган Амир Низомиддин Шайхали *Тоғай* Пилчироғ воқеасидан хабар топгач, қалъа деворию устки йўлаклари ва шаҳар дарвозасини керагича тарзда мустаҳкам қилди ва кўнгилни мудофаа ишлари сари тўғрилаб, жанг ва кураш оловини ёндирмоққа тайёр бўлиб турди. Ёқимли хислатли хоқоннинг зафар аломатли байроғи Пилчироғдан қўзғалиб, етишув соясини Балх шаҳри атрофига ташлагач, галабага ёр черик камал ва урушни бошлаб юборди. Шаҳар халқи ҳам ўқ ва тош отиш, ҳарб ва жанг оловини ёқишга киришиб, шижоат ва ғайрат шартларини бажо келтирдилар.

Бир неча кундан сўнг Амир Шайхали *Тоғай* томонидан қалъанинг Чиҳилхужра буржини қўриқлаш учун тайинланган Алика *Бахши* Бадиуззамон Мирзога нисбатан давлатхоҳлик нақшини вафосизлик суви билан дил лавҳидан ювиб ташлади ва мансур хоқон хизматига мойил бўлиб, қариндоши бўлмиш Амир Абдуллатиф *Бахши* олдига бир кишини юборди ва у орқали «фалон кечаси зафарли аскарлар шаҳарнинг барча тарафларидан хужум қилишлари лозим, шунда мен бу бурждан шижоат аҳлидан бир гуруҳини тепага олиб чиқаман ва чиройли бир суратда ҳазрат шаҳриёрга хизматкорлик шартларини адо этаман» деб айттирди.

¹ 902 йил йигирма тўққизинчи шаъбон — 1497 йил 2 май.

² 902 йил биринчи рамазон — 1497 йил 3 май.





Амир Абдуллатиф ҳол кайфиятини мансур хоқоннинг арзига етказди. Ул ҳазрат келишилган кечанинг намозгар пайти зафар киришимли қўшинни султонлик урушига тайёр бўлишга буюрди.

Қарангки, бу буйруқни эшитган ва юрагида Амир Абдуллатифга қарши адоват сақлаб юрган ва Балх унинг воситаси билан эгалланишини истамаган амирлардан биттаси ўша заҳотиёқ мазкур яширин келишув ва уюштирилган фитна воқеасини бир ўққа битиб, шаҳар ичига қаратиб отди. Ул ёзув Амир Шайхали Тоғайнинг назарига етиб, дарҳол ботир кишилардан бир тўдаси билан Алика Бахшини ушлашга қарор қилди. Алика Бахши дастлаб қаршилиқ кўрсатмоқ ўйида бўлди. Бироқ ўзини Чиҳилхужра буржи тепасидан Шайх Ҳожи хандақига отди. Орқаси ерга қаттиқ тегиб, бели синди.

Ўша заҳотиёқ Амир Шайхали ҳол ҳақиқатидан хабар топиб, Алика Бахшининг калласини танасидан жудо қилиб келиш учун пастга одам юборди. Бу иш битгач, Алика Бахшига қарашли навкарларнинг кўпи ўлдирилиб, тирик қолганлари эса ўзини девор тепасидан хандаққа ташлаб, қутлуғ ўрду сари ошиқдилар ва ҳодиса суратини арзга етказдилар. Ночор ўша кечаси ҳужум гапи орқага сурилди.

Балх қамали муддати қирқ кундан ўтгач, шаҳарда қаҳатчилик ва азим бир очлик рўй берди. Амир Шайхали шаҳарни ҳимоя қилишдан ожиз келди ва мансур хоқоннинг меҳрибонлик этагига қай йўл билан маҳкам ёпишиш ва амирлару давлат устунларидан қай бирини ўз гуноҳларини кечириш ишига шафе қилиб, Балх қамалидагиларни очлик балосидан турмуш фаровонлигига етказиш мумкинлиги борасида ўйга толди. Ўша аснода,

Рубой:

Ногоҳ лутф этдию оламга Худой,
Кўрсатди юзини нурафшон бир ой.
Балх аҳли шодлигин бир зотдан билди,
Йўқ-йўқда, йўқликдан келди бир ҳумой.

Яъни, саодатли шаҳзода Султон Муҳаммад Замон Мирзонинг барокатли вужуди қуёши туғилиш уфқидан балқиб чиқди ва ой-





дин манглайи нурларидан давлат ва иқбол кўзи равшан тортиб, хушхабар ногораси овози самовот авжидан ошди.

Амир Шайхали ул мақсади ҳосиллик қутисининг дурини иззат ва улуғворлик йўркакига белаб, гуноҳдан ўтиш расми билан атоқли бобоси олдига юборди.

Мансур хоқон салтанатнинг ул кўз қорачиғини кўриб, шафқат томири жунбишга келиб, лутфу эҳсон эшиklarини элчилар турмуши юзи сари очди. Хожа Низомулмулкнинг ўғли Хожа Камолдин Хусайн ҳамда Амир Ҳожи Пир Баковулни Амир Шайхали *Тоғай* олдига юбориб, иноят қоришиқли сўзлар айттирди.

Амир Шайхали бул ҳикоятларни эшитганидан юраги дадилланиб ва дили қувват топиб, мазкур йилнинг шаввол ойи охириларида¹ келганларга қўшилиб, олампаҳо даргоҳга ошиқди ва халифалик палосини ўпиш бахтига мушарраф бўлиб, хоқоннинг меҳрибонлик нурлари партави аҳволи манглайи сари таралди.

Амир Шайхали беш-олти кун чексиз иноят остида тургач, рухсат ҳосил қилиб, янги туғилган шаҳзода ва бу чақалоқнинг Таҳамтанбекнинг² қизи бўлмиш онаси ҳамда Бадиуззамон Мирзо ҳарамсаройининг бошқа мастуралари билан бирга Қундуз томон кетди.

Мансур хоқон Балх ва унга қарашли ерлар бошқарувини Иброҳим Хусайн Мирзога бериб, Мурғоб дарёси бўйига қараб юзланди.

Бадиуззамон Мирзо Пилчироғ жанги майдонидан бир нечтагина амир ва ичкилари билан оти жиловини Қундуз томон тўғрилаб, ул вилоят теғрасига етгандан сўнг Амир Хусравшоҳ хусравона тухфа ва подшоҳона тортиқлардан чодир, ўтов, саропарда ҳамда қатор-қатор тоза насли от ва узангили хачирлар, нафис газламаю зариф матолар, сон-саноқсиз олтин танга каби совғаларни ўз ичкиларидан бир тўдасига қўшиб, Бадиуззамон Мирзонинг истиқболига юборди. Кейинидан ўзи ҳам хизмат сари ошиқиб, файзли қўлни ўпиш шарафини топди. Сўнг ул олий мартабали

¹ 902 йил шаввол охири – 1497 йил 30 июнь.

² Таҳамтанбек – Султон Хусайн Мирзо хизматида турган озарбайжонлик беклардан.



шаҳзода Амир Хусравшоҳ ва бошқа шижоат паноҳли амирлар билан мамлакатни босиб олмоқ каби давлат ишлари тадбири борасида кенгаш тузиб, қўйидаги қарорга келинди: Бадиуззамон Мирзо Қандаҳорга бориб, Амир Зуннун *Арғунни* ўзига қўшиб олади ва ул вилоят қўшинини йиғиб, ул томондан Хуросон ҳудудига киради. Амир Хусравшоҳ бу тарафдан Қундуз, Бақлон, Хатлон, Бадахшон қўшинлари билан бирга Балх, Андхуд ва Шибирғон теграсига бос-тириб боради ва шу зайл қўзланган мақсадга эришилади.

Бадиуззамон Мирзо ҳали Қундуз қалъаси ташқарисида ўтирган вақтда Амир Шайхали *Тоғай* унинг ҳузурига етиб келиб, салтанат авжининг дурини осмонўпар даргоҳга етказди. Ул ҳазрат кўзини шаҳзодани кўриш билан ёғдулантириб, бир неча кун хурсандчилик палосини ёйди. Шундан сўнг азиз фарзандини иффат пардаси ортининг хонанишинлари билан бирга Қундузда қолдириб, йўналиш байроғини Гармсир ва Қандаҳор сари кўтарди.

Ул мамлакатга етгандан кейин Амир Шужоиддин Зуннун ва унинг ўғиллари Шужобек ва Муҳаммад Муқим истиқбол расмини адо этиш учун шошилдилар ва сочқи сочиб, совға ўтқариш шартларини бажаришга тиришиб, имкон борича Бадиуззамон Мирзонинг қутлуғ кўнглини тўлдиришга ҳаракат қилдилар ва барча ҳимматини ул олий мақомли подшоҳ ишларини тартибга солиш учун иқбол асарли қалбининг ниятига айлантirdилар. Айни вақтда Бадиуззамон Мирзо Амир Зуннуннинг иффат ва поклик авжининг ноҳиди бўлмиш қизига совчи қўйди ва пок шариат қондаси бўйича ўз никоҳига киритди ҳамда бир неча кун тўй ва шодлик палосини ёйиб, ўша дамларни айшу ишратда ўтказди. Шу йўсин шаҳзода давлатининг қасри баланглик ва мустаҳкамлик сифатини топди.

Аммо ўша пайтда бу етукликка кўз тегишига оид ғоятда ажиб бир иш рўй бериб, шу сабабли Амир Шайхали *Тоғай* бахтсизлик бандига илинди. Бу ҳолнинг сурати шуки, Амир Зуннун *Арғун* Заминдовардаги мозорлардан бирини зиёрат қилиб турган пайтда бир фидойи¹ арз этувчилар йўсини билан ёнига бориб, ул жанобга пичоқ санчиш ниятида қўлини амир сари сермади. Аммо пичоқ кийимгагина тегди, холос. Мулозимлар шу ондаёқ ул ния-

¹ *Фидойи* – террорчи.



ти бузукни тилка-тилка қилиб ташлаб, бу машъум ҳаракатни Амир Шайхали Тоғайнинг топшириғи билан бўлган, деб билдилар. Шу сабабли Амир Зуннун Арғун ва ўғиллари ул бегуноҳни ўлдирмоқчи бўдилар. Улар ҳамласини кўрган Амир Шайхали Тоғай Султон Бадиуззамон ўтирган шоҳона чодирга қочиб борди. Арғунлар икки-уч минг отлиқ бўлиб, олий чодирни ўраб олдилар ва ул ҳазрат олдига одам юбориб, Амир Шайхали Тоғайни беришни талаб қилдилар.

Бадиуззамон Мирзо Амир Шайхали Тоғайни оқлаш учун қанчалик жўяли сўзларни айтиб юбормасин, қабул қулоғи билан эшитмадилар. Аммо аҳду паймонни қасамлар билан маҳкам қилиб, Амир Шайхалини ўлдирмасликка кафолат бердилар. Шундан сўнг Бадиуззамон Мирзо ўз давлати девонининг амири Шайхали Тоғайни Амир Зуннун Арғун қўлига топширди. У эса ҳазрат Мирзодан кўнгли тўлиб, хизмат камарини белига боғлади ва Амир Шайхалини бир неча вақт Гармсир қўрғонларидан бирида ҳибсда ушлаб, сўнгида, истаган еринга кетавер, дея қамокдан бўшатиб юборди. Ул жаноб мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг олампаҳо даргоҳига ошиқиб, бошқа амирлар қаторидан ўрин олди.

Шунингдек, Бадиуззамон Мирзо Заминдоварда турган ўша кунларда Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг азоб аломатли ҳодисаси хабари тарқалди ва барчанинг ич ўчоғига қайғу ва ғам ўтининг учқуни тушди. Бунинг шарҳи ҳам қуйида баён қилинажак.

**МУҲАММАД МЎЪМИН МИРЗОНИНГ
АБУЛМАНСУР МУЗАФФАР ҲУСАЙН МИРЗО
ҚЎЛИГА АСИР ТУШГАНИ ВА УЛ ИҚБОЛ
БОҒИ НАВНИҲОЛИНИНГ БУЮК ТАНГРИ
ТАҚДИРИ ШАМОЛИДАН ЮЗ ТУБАН
ҚУЛАГАНИ БАЁНИ**

Муҳаммад Мўъмин Мирзо қутлуғ чеҳрасининг қуёши подшоҳлик боғига зиё сочувчи ва кундан-кун ортувчи адолатининг сояси халқ ва қўшин боши узра оромгоҳ, Фарқад юлдузига те-





гувчи боши Ҳушанг¹ тожига лойиқ, мақтов сифатли зоти тахту тожни безовчи бир шаҳзода бўлиб, уруш майдонида худди қутурган шер каби паҳлавонлик панжаси билан душманлар ҳаёти либосини йиртар ва базм айвонида найсон булути сингари гавҳар сочувчи қўли томчилари билан дўстларнинг орзу гулига яшиллик бағишларди. Юмшоқ таъбининг ойнаси хайрихоҳлик суратини акс эттирувчи ва нурли ақлининг чироғи илоҳий иноятлар манбаи эди.

Ситамкор замона ва халққа озор етказувчи фалак барча тоифа кишилар ул буюклик осмони дурининг адолати соясида тинч яшашлари ва ул адолат конининг гавҳари марҳамати паноҳида осойишта умр кечиришларини истамагани учун бу шаҳзоданинг ҳаёт ниҳоли ўспиринлик давронида ажалнинг кучли шамоли дастидан ер тубан қулади. Ёшлик чоғи бошидаёқ умрининг қуёши улуғ ва шукуҳли Тангри тақдири билан етуклик авжидан йитиш сарҳади томон юзланди.

Бу воқеанинг қисқача тафсили шуки, ул саодатли шаҳзода Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Астробод томонга келаётганидан хабар топгач, итоат қадами билан улуғвор амакисини кутиб олмоқчи ва мулку молни унга қолдириб, қуббатулислон Балхга кетмоқчи бўлди. Лекин кетма-кет ва пайдар-пай равишда Султон Бадиуззамон Мирзонинг «ҳечам ихтиёр тизгинини қўлдан бера кўрма, Журжон қўшинини тўплаб, оёғингни Музаффар Ҳусайн Мирзога қарши уруш майдонига бос» деган хатлари кела бошлади. Шунга кўра, Муҳаммад Муъмин Мирзо довюрак қўшин билан Астрободдан ташқари чиқди ва оти жилловини уруш-саваш ва кураш майдони сари тўғрилади. У томондан Музаффар Ҳусайн Мирзо Амир Шужоиддин Муҳаммад Бурундуқ Барлос билан бирга зафар иқтибосли қўшинни сафга тизди.

Муборак рамазон ойининг бошида² чоршанба куни Тошкўприк ва Мехранжуман мавзелари оралиғида тарафлар тўқнаши юз берди. Шовқин-сурон садолари юқори ўрлаб, ботирлар сарпанжалари олишув ва зарба уриш эшикларини очди.

¹ Ҳушанг – «Шоҳнома»да тилга олинган Эрон шоҳларидан бири.

² 902 йил биринчи рамазон – 1497 йил 3 май.



Назм:

Олмос рангли шамширу найзаларни ўйнатиб,
Ташланди бир-бирига икки муҳолиф лашкар.
Камонлар ўқларидан қон ёмғири ёғилди,
Баҳодинлар қонидан ерлар долазор аксар.

Шу ҳол асносида Амир Умарбек *Вафодор* Музаффар Ҳусайн Мирзо жавонғоридан Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг баронғорига қараб ҳужум қилди ва шаҳзоданинг ўнг томон қисмини орадан сиқиб чиқариб, ул ҳазратнинг орқа томонидан кирди. Муҳаммад Мўъмин Мирзо аҳволни бу янглиғ кўргач, фул қисм курашчилари билан юқоридан қиялик сари келаётган сел сингари олий мартабали амакиси қўшинининг қалб томонига от қўйди ва қиёмат куни аломатини намоён этиб, муҳолифнинг шижоат нишонли жангчиларидан бир тўдасини ҳалокат тупроғига қулатди.

Аммо шу уруш-саваш ва ҳамла пайти меҳрсиз фалак тавсанининг эгри юриши сабаби билан ул тожу тахт безовчиси отининг қоринбоғи узилиб, шаҳзода эгар устидан ер юзи узра ағанаб тушиб, Хуросон лашкаридан бир киши шаҳзодага қаттиқ ёпишиб олди. Музаффар Ҳусайн Мирзо шу зайл фатҳу зафар қоматини кўриб, сарафроз бўлди. Муҳаммад Мўъмин Мирзо эса тақдир қўлига асир тушиб, амакиси олдига олиб борилди.

Музаффар Ҳусайн Мирзо жиянига тасалли бериб, меҳрибонлик кучоғига олганча бағрига босди. Сўнг эса Астрободга кириб, Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг қўл-оёғига кумуш занжирли кишан солдирди ва бир неча кундан кейин Амир Муҳаммад Бурундуққа қўшиб, Ҳирот томонга жўнатди.

Амир Муҳаммад Бурундуқ Муҳаммад Мўъмин Мирзони 903 йилнинг сафар ойида¹ Ҳиротга олиб бориб, Ихтиёридин қалъасига қамаб қўйди ва мансур хоқон ҳузурига юзланиб, Мурғоб дарёси бўйида палос ўпишлик шарафига мушарраф бўларкан, воқеани арзга етказди.

Музаффар Ҳусайн Мирзонинг онаси Хадичабеги Оғо шаҳзоданинг тирик қолишини ўз ўғлининг ўлими сабабчиси деб

¹ 903 йил сафар ойи — 1497 йил 29 сентябрь — 28 октябрь оралиғи.





билиб, барча ҳимматини давлат ва иқболнинг ул тоза ниҳолини адоват ели билан қулатиш, адолат ва эҳсон булоғи кўзини мурувватсизлик тупроғи билан кўмиб, нобуд қилиш сари қаратган кўйи ўша вақтда мулку мол юмушларида соҳиб ихтиёр бўлиб турган Хожа Низомулмулк ва унинг ўғилларини ўзига иттифоқчи қилди ва мансур хоқон Мурғоб дарёси бўйидаги манзилда узум шаробини кўп ичаверганидан онг-ҳушсиз бўлиб ўтирган бир кечаси унинг мақтов сифатли шаҳзода Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг ўлими борасидаги ҳукмини чиқартириб олиб, Ёрали Бахши ва Абдувоҳид Ясовул ҳамда яна икки нафар ишончли кишини мазкур мудҳиш ишни ижро этиш учун тайин қилиб, Ҳирот шаҳри ичидаги Ихтиёриддин қўрғонига жўнатди.

Эртаси куни тонгда мансур хоқон кеча оқшом чиқарган ҳукмидан воқиф бўлиб, улар кетидан илдам бир чопар орқали «салтанат юрагининг жони ва халифалик кўзининг қорачиғига ҳеч бир зиён-заҳмат етказманглар» деган қутлуғ фармон юборди.

Аммо ул тўрт нафар нобакор Хадичабеги Оғонинг топшириқ ва таъкидига биноан жуда тезлик билан масофаларни босиб ўтиб, тунлардан бирида юзларини беркитган ҳолатда Муҳаммад Мўъмин Мирзо тангри таоло каломи тиловатига машғул бўлиб ўтирган маҳалда олдига кирдилар. Шаҳзода гап нимадалигини англаб, ўрнидан турди ва улар билан олиша кетди. Боладан зўр келган ул оқибатсиз бадбахтлар Амир Темур Гурагон сулоласида тенги йўқ шундай бир ёшни ҳалок қилдилар ва халқ фикрини чалғитиш учун шаҳзоданинг жонсиз жасадини қалъа минорасидан пастдаги тупроқ уюми устига улоқтирдилар. Подшоҳлик боғининг илоҳий иноят насими билан очилган ул сарвининг гул юзи тупроққа қоришди ва султонлик авжи юлдузининг мақсади ҳосиллик боғида адллик камолига етган дарахтининг қомати бақо япроқларини фано елига совурди.

Байт:

Минглаб сарв адллик ҳаддига етган билан,
Қоматига тенг бўлмас, минглар йил ўтган билан.





Ул ярамас ишни амалга оширган номардлар ўша кечасиёқ яна қутлуғ ўрду томон йўл олишаркан, кечирим фармонини олиб келаётган чопар уларга Ҳиротнинг Хиёбон кўчаси бошида дуч келди. Қазо ўз ишини қилиб бўлгани сабабли афсус-надомат ва ҳасратдан бўлак ҳеч бир фойда чиқмади.

Шарқ шоҳи¹ нилуфарий ёқани йиртиб, юлдуз томчиларини кўз ёши ўрнида оқизган ва ул ҳодиса маҳобатидан чехраси сариқ сафро сифатини олиб, изтироб қўллари билан Парвин юлдузлари йиғинини ҳайдаб солган тонг маҳали Ҳирот аҳолиси воқеадан хабар топиб, дод-фарёд ва фиғон сасини осмон авжига етказдилар ва қон селини кўзлар фавворасидан оқизиб, ақлу ҳушини йўқотган кўйи тупроқ ва қон узра қуладилар.

Шаҳид кетган шаҳзоданинг ғамга ботган онаси хоним Султонбегим Султон Абусаид Мирзо қизи ва бечора синглиси елкаларига қора кигиз ташлаб, ёқа ўрнига жон кўйлагини йиртиб, нолаю фиғон билан қиёмат аломатини намоён қилдилар.

Ҳеч бўрттирмай ва сўзамолликка берилмай айтадиган бўлсак, агар тез айланувчи осмон ул даҳшатли воқеадан донг қотганча юришдан тўхтаб қолса, ўрни бор эди ва агар ул аянчли ҳодиса офирлигидан оламни кезувчи ой ерга қулса, ҳеч гап эмасди. Ҳа, Муъмин Мирзонинг ўлиmidан кейин чиққан қуёшни «Меҳр»² деб атаб бўлмайди, шаҳзоданинг қотиллари қонидан кечган Баҳромни³ «қасоси қаттиқ» деб номлаш ярамайди.

Байт:

Юз бериб шунчалик даҳшатли ҳолат,
Ҳануз ер айланар, қуёш чарақлар...

Шаҳарда турган Амир Сорбон Жунайд олий зотли шаҳзоданинг пок жасадини ювиб ва кафанлаб, шарифа Бадиа мад-

¹ Шарқ шоҳи – қуёш кўзда тутилмоқда.

² Меҳр – қадимги эронликлар тилида қуёш «Митра» деб аталиб, унга Худо ўрнида сиғинганлар ва бу сўз бора-бора Михра шаклини олиб, кейинчалик «Меҳр» кўринишини касб этган. Қуёшнинг муқаддаслик сифати ва иситиш хусусиятидан келиб чиқиб, бир-бирова нисбатан қалб илиқлиги ҳам «меҳр» дейилади.

³ Баҳром – Миррих (Марс) сайёраси, юнонлар уни қаҳри қаттиқ, қасоскор жангчи сифатида талқин қилишган.



расасига дафн қилди. Сўнг бир неча кун ошу таом тортиш, қудратли эгамнинг мўъжиз низомли каломини хатм этишга бош-қош бўлди.

Муқаддас Разавия равзаси тавофига кетган Амир Низомиддин Алишер бу улкан мусибат рўй берганидан уч кун ўтгандан сўнг Машҳад шахридан Ҳиротга қайтиб келди ва аянчли хабарни эшитиб, изтироб денгизига чўкканича кўз арифидан қон селини оқизди. Ўша кунларда ушбу сўзлар битгувчиси бир неча бор ул олийшон амирнинг илҳом баёнли тилидан «Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг қатли воқеаси Шайх Маждиддин Бағдодийни ўлдириш учун берилган ҳукм сифатига эгадир. Чунки, ўша вақтда Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ, вилоятларининг барчаси Чингизхоннинг қўшин тортиб келиши оқибатида қатли омга¹ дучор бўлиб, вайронага айланди. Ушбу айёмда ҳам бу ҳодиса касрига қолиб, шаҳарлар хароблигию аҳоли азоб-уқубатига сабаб бўлувчи улкан бир бузғунчилик кўпажақдир» деганини эшитган эдим.

Ҳақиқатан ҳам шундан кўп ўтмай, ўзбек қўшини Хуросонни босиб олиб, халқ бошига кетма-кет балою офатлар ёғилдики, булар келгуси сўзлар баёнидан маълум бўлади.

Тўнғич ўғлининг шаҳид бўлгани хабари Бадиуззамон Мирзо қулоғига етишгач, изтироб ва қайғуга ботиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди ва қасос олишга азму қарор қилиб, қўшин тўплашга фармон берди.

МАНСУР ХОҚОННИНГ ҚАНДАҲОР ТОМОН ЙЎНАЛГАНИ ВА ҚАТТИҚ ИСИТМА БИЛАН ОРҚАГА ҚАЙТГАНИ ЗИКРИ

Юрт олувчи хоқоннинг ёрқин кўнгли Балх мулки ва унга қарашли ерларни забт этмоқ ишидан тинчигач ва шаҳид шахзода Муҳаммад Мўъмин Мирзо воқеаси ҳам юқорида ёзилгани зайл бирёқлик этилгач, баҳор бошида ўз шараф уйи сари йўналувчи

¹ Қатли ом – аҳолининг ёппасига ўлдирилиши.

хуршид жамшиди¹ каби рабиулаввал ойи бошларида² юриш тизгинини давлати пойтахти томон тўғрилади.

Ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Алишер Ҳиротнинг саййиду қозиси, шариф кишиларию аъёнларига тизгиндош бўлиб, Даразангий работигача кутиш учун чиқди ва барчаси хоқоннинг ҳол-аҳвол сўраш лутфи ва чексиз сийловига эришдилар.

Мансур хоқон жасадга кирувчи руҳ сингари Жаҳоноро боғига қараб юрди ва деярли элик кун давомида айшу хурсандлик палосини ёйиб ўтирди.

Ўша аснода Султон Бадиуззамон Мирзонинг Арғун амирлари билан иттифоқликда сон-саноқсиз қўшин тўплаб, Муҳаммад Мўъмин Мирзо қасоси учун тўқнашиш ва уруш-саваш майдони аро қадам босиш нияти борлиги мансур хоқоннинг қулоғига етди. Шунга кўра жумодилаввал ойининг бошларида³ юрт олувчи байроқ Гармсир ва Қандаҳор томон ҳаракатга келди.

Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннун ул ҳазратнинг қўзғалганидан хабар топгач, Фароҳ ва Заминдовар, Қандаҳор мамлакатининг шаҳар ва қишлоқ аҳолисига далада қанчалик дон-дун ва дуккакли маҳсулоти бўлса, қалъага ташиб киритиш ва ул вилоятларнинг барча қалъаларини ҳашар йўли билан таъмирлаб, қаттиқ мустаҳкамлашни буюрдилар.

Амир Зуннун Арғун агар чумоли деворидан юқори ўрмаласа оёғи оқсайдиган Бошланг қалъасида жойлашди. Бадиуззамон Мирзо осмонга бўй чўзган қалъалардан яна бири ичига кириб беркинди.

Шужобек Қандаҳор қалъасини ўзига маскан қилди. Муҳаммад Муқим Заминдовар қалъасини беркитиш шартларини бажарди. Шундай қарор қилиндики, агар мансур хоқон Бошланг томонга берадиган бўлса, Бадиуззамон Мирзо жанг қилиш учун зафар асарли лашкаргоҳ орқасидан киради, агар ғалаба шиорли байроқ дастлаб Бадиуззамон Мирзони орадан йўқотиш учун йўналса,

¹ Хуршид жамшиди — қуёш.

² 903 йил рабиулаввал боши — 1497 йил 28 октябрь.

³ 903 йил жумодилаввал ойи боши — 1497 йил 26 декабрь.

у вақтда Амир Зуннун қутлуғ мавкабни орқадан таъқиб этиб, уруш-саваш тувини ҳилпиратади.

Хуллас, мансур хоқон Фароҳ вилоятидан ўтиб, Заминдовар ҳудудига киргач, бу ерларда тирикчиликка ярайдиган даражада озик-овқат йўқлиги сабабли олий ўрдуда қаҳатчилик ва очлик бошланди. Бу каби вазият оғирлигидан зафарга ёр қўшиннинг тарқалиб кетиб, итоат ва бўйсунуш қадами билан душман олдига боришига оз қолди.

Ўша аснода аъло ҳазратга «Абдурахмон Арғун қўриқлаб ўтирган Пашт қалъасида кўп ғалла жамғариб қўйишган ва ул қалъани олиш ҳам осонгина муяссар бўлади» деган гаплар эшитилди. Шунга кўра нусрат шиорли мавкаб ўша қалъа сари ошиқди ва тангри иноятининг чексизлиги туфайли ҳазрат хоқон салобатидан Абдурахмон Арғуннинг юрагига қўрқув ҳисси йўл топиб, ҳали ҳеч кимса қўлини уруш қурол-аслаҳаси томон чўзмай туриб, итоат оёғи билан салтанат даргоҳи хизматига ошиқди ва қалъа калитларини топширди.

Ҳақиқатан ҳам агар мазкур *арғун* икки-уч кун оёғини қаршилиқ майдонига қўйиб, қалъа сақловчилик расмига киришса эди, у ҳолда иш бутунлай ишқал топарди. Аммо унинг итоатидан сўнг ғалабага ёр аскарлар эҳтиёжга яраша ғалла олиб, йўқлик ҳолатидан неъматли онларга етдилар. Бироқ мансур хоқон мақбул ишни орқага қайтишда билиб, ўша манзилданок салтанат уйи Ҳиротга қайтди.

Йўл асносида эса хоқоннинг офтоб ҳашаматли зотига ёпишган бўғин оғриғи касали қўзғаб, қўл ва оёқларини зирқиратиб оғритди. Шунингдек, манзиллардан бирида Мир Али Форсий Барлоснинг яхши ахлоқ билан сифатланган ўғли Амир Низомиддин Аҳмад касал бўлиб, йўналиш байроғини охират олами томон кўтарди.

Қутлуғ мавкаб шу тариқа ражаб ойи ўрталарида¹ Жаҳоноро боғига етиб келганда хоқоннинг мазкур дарди баттар кучайди. Исо нафасли табиблар муолажа ва даволаш ишини бошладилар.

¹ 903 йил ражаб ойи ўртаси – 1498 йил 8 март.



Фойдали овқат ва ичимлик тайёрлашда қаттиқ саъй-ҳаракат шартларини бажардилар. Бир неча кундан сўнг оламни яратган эгамнинг инояти туфайли «касал бўлган вақтимда унинг Ўзи менга шифо беради»¹ шифохонасидан одил подшоҳнинг вужуди сари тўла соғлик келиб, касаллик саломатликка айланди. Хайрият, инсон зоти билан чиқиша олмас турмуш катгаю кичик бошига рам-ташвиш солиш баҳридан ўта қолди.

МУҲАММАД ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ ИРОҚИ АЖАМ ВА ОЗАРБАЙЖОН ТОМОН ҚОЧИБ КЕТИБ, БИР НЕЧА ЙИЛДАН СЎНГ ЯНА ХУРОСОН ҲУДУДИГА ҚАЙТИБ КЕЛГАНИ ЗИКРИ



Мансур хоқоннинг етук ўғилларидан кўпчилиги ичида жасурлиги ва журъати билан ажралиб турадиган Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бу санадан бир неча йил илгари тенгсиз хоқон беморлик тўшагига ёнбошлаган вақтда айрим ака-укаларидан ҳадиксираб, ота бир, она бошқа укаси Абу Туроб Мирзо билан биргаликда Ироқи Ажам ва Озарбайжон томонга қочди ва анча йиллар ўша вилоятларда қаноти синиқ, паришон ҳол бир суратда умр кечирди.

Бироқ, *оққўюнлик* султонлари ва ҳокимлар аҳволига бузуқлик йўл топиб, Ироқи Ажам ва Озарбайжон мамлакатада кетма-кет равишда бахтсиз ҳодисалар рўй берган вақтда, толе юддузи машаққат тубанлигидан иқбол авжига чиқди. Аниқроқ қилиб айтсак, бунинг сабаби шуки, ўша кезларда *оққўюнликлар* давлатининг бир қанча арбоблари мазкур ҳодисалар боис мансур хоқоннинг қутлуғ фолли байроғи соясидан паноҳ тилашга мажбур бўлдилар. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо эса бу жамоатга ёрдам бериш учун уларни ёнига солганча, ўз ватани сари юзланиб, Хуросон вилоятлари ҳудудига етишгач, сўзамол элчиларни олиймакон хоқоннинг салтанат ошиёнли даргоҳига жўнатди ва

¹ Қуръони карим, Шуаро (26) сураси, 80-оят.



ўз истагидан бир бўлагини палос ўпишлик саодатига етиш учун ёзиб юборди.

Ул ҳазрат камолотли ўғлининг ўз ҳузурига келаётганидан севишиб, чақирув хатларини йўлади. Аммо ўша аснода айрим ғаразгўйлар аъло тахт пойига келиб «Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг келиши ихлос ва қуллик юзасидан эмас, балки бирор сабаб ва ёмонликни ўйлаб бу томонга келмоқда» дедилар. Мансур хоқон Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек, Амир Умарбек ва Амир Бобо Алини икки минг отлиқ билан шаҳзода истиқболига жўнатди ва уларга «иложини топсангиз, ўғлимни ихтиёрсиз қилиб, осмон қудратли даргоҳга етказинглар» дея уқтирди.

Амирлар муқаддас Машҳадга етган пайтда Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ҳам ўша табаррук манзилга келиб тушди ва айрим кишилардан «амирлар Сизни ушламоқчи» деган сўзларни эшитди. Ночор ғазабининг олови аланга олиб, амирларга ҳужум қилиш ниятида оёғини оти узангисига тикди.

Амир Муҳаммад Валибек ҳамда ёнидаги ўртоқлари Машҳад чорбоғи ва Амир Сайдий мадрасасига беркиниб олиб, мудофаага ўтдилар. Шаҳзода уларни енгишга муваффақ бўлмади ва ёрдам келиши борасида ўйланиб, Журжон вилояти томон кетди. Бу хабар олий зотли хоқон арзига етишгач «амирлар ўша икки минг нафар отлиқ билан Астрободга бориб, Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагонга қўшилсинлар ва шу шаҳзода хизматида Муҳаммад Ҳусайн Мирзо устига ҳужум уюштирсинлар» деган фармон берди. Амирлар фармонни бажариб, Мирзо Музаффар Ҳусайн ул жасур лашкар ёрдамида мазкур теграларда бузғунчилик қилиб юрган оға-иниси билан урушишга қасд қилди ва Астрободдан ташқари чиқди. Тарафлар бир-бирига яқинлашгандан сўнг, аммо ҳали жангу жадал олови аланга олмасдан бурун Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бузилиб қочди ва Атрек дарёси бўйидаги [Сайинхон улуси] туркманлари орасига борди.

Музаффар Ҳусайн Мирзо музаффар ва ғолиб ҳолда Астрободга қайтиб, Амир Муҳаммад Валибек, Амир Умарбек ва Амир



Бобо Алини инъом ва эҳсон билан сийлаган кўйи кетишлари учун рухсат бергач, айшу ишрат палосини ёймоққа киришиб, адолату инсоф эшикларини очди.

**ХОЖА АФЗАЛИДДИН МУҲАММАД
КЕРМОНИЙНИНГ ҲАЗРАТ ХОҚОН ТАХТИ
ПОЯСИГА ЕТИШГАНИ ҲАМДА ХОЖА
НИЗОМУЛМУЛК ВА ЎФИЛЛАРИНИНГ
ЖАҲОНБОНЛИК ПОЙДЕВОРИ АСОСЧИСИ
СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗО ГУРАГОН ҒАЗАБИ
БИЛАН ТУТҚУН БЎЛГАНИ ЗИКРИ**



Ўтган воқеалар асносида ёзилиб, хабар нури ушбу ҳикоят баёни сари таралдики, Хожа Афзалиддин Муҳаммад 892 йили¹ Марв қишловидан Астрободга ошиққач ва у ердан Озарбайжонга боргач, Ҳижоз карвони сардорлиги билан сарафроз бўлган кўйи муборак Макка ва мунаввара Мадинага етишиб, ҳаж ва тавоф амалларини адо этди.

Сўнг ул муборак сафардан қайтиб келиб, бир неча йил эмин-эркинлик билан Ироқи Ажам ва Озарбайжон ўлкаларида умр кечиргач, мансур хоқоннинг гоҳида уни йўқлаб, марҳамат тили билан ҳол-аҳволини сўраши ва Амир Низомиддин Алишер бу хожанинг шариф мулоқоти иштиёқида умр кечираётганини эшитиб, ул жанобнинг кўнгли ўз ватани сари қайтишга мойил бўлди ва мажид Қуръон бўйича фол очаркан, мусҳафнинг биринчи сатрида ушбу оят чиқди: «Бирон ишни бажармоқчи бўлсангиз, Аллоҳга суянинг – таваккал қилинг! Албатта Аллоҳ Ўзига суяниб иш қилувчиларни севади»². Ночор кетишга жазм қилиб, юзни Хуросон йўли томон қаратди.

Ваҳолонки ўша вақтда латиф рақамли қалам битганидек, Хожа Низомулмулк ва унинг ўфилларию қариндошларининг ихтиёр ва эътибори мансур хоқон саройида энг юксак даражада бўлиб,

¹ 892 йил – 1486 йил 28 декабрь – 1487 йил 17 ноябрь оралиғи.

² Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 159-оятдан.





қай бир иш нақшини мақсад қилган эса, ўшани муваффақият қалами билан мурод лавҳига чизарди.

Хожа Афзалиддин Муҳаммад душманнинг шунчалик қўли узунлигига қарамай, тангри таолонинг иноятига суяниб, жуда тез суръатларда йўл юриб кетаркан, 903 йилнинг рамазон ойи ўрталарида¹ ҳеч ким кутмаганда бир тонг маҳали Жаҳоноро боғига кириб борди. Давлат устунлари ва ҳазрати хоқон аъёнлари уни кўриб, таажжуб бармоғини ҳайрат тиши билан тишлаб қолдилар.

Тўғри қалбли хоқон соҳиб тадбир вазирнинг халифалик тахти пойига келганидан ниҳоятда хурсанд ва шод бўлди. Чунки, Хожа Низомулмулкнинг шаҳзода Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг ўлдирилишида саъй-ҳаракати бўлгани сабабли, мансур хоқон кўнглида кучли алам-кудурат ўрнашиб қолганди.

Ўша айёмда ғалаба белгили байроқлар Бобо Хокий яйлоқига юриб, иқбол сояси Тахти Сафар мавзеи узра таралди ва мазкур манзилда Хожа Афзалга яхшилик қилиш нияти мамлакат олувчи хоқоннинг қуёш таъсирли қалбидан жой олиб, мазкур ойнинг йигирма биринчиси² якшанба куни Хожа Низомулмулк ўфиллари аҳволи юзидаги хол бўлмиш ва йигирма йил давомида хоқоннинг вазирлик ишини бажариб келган Хожа Имодулисломни ушлаб, қамоққа ташлаш ҳақида ҳамма бажариши шарт фармон чиқарилди. Бу Хожа Низомулмулкнинг девонлик фаолиятига қарши урилган биринчи зарба эди.

Бобо Хокий сайҳонлиги ул шарафли осмон қуёшининг етишиш бахтидан фалак корхонасининг рашкига айлангач, шаввол ойи бошларида³ Хожа Афзалиддин Муҳаммад вазирлик хилъатини кийиб, мана бир неча йилдан сўнг тагин давлат ва молия ишларига аралашадиган бўлди.

Хожа Низомулмулқдан кўнгли совиб, дили ранжиган айрим давлат устунларию ҳазрат аъёнлари ҳамда девон ходим ва амалдорлари унга қаршилик бобида Хожа Афзал билан бирдам

¹ 903 йил рамазон ўртаси – 1498 йил 7 май.

² 903 йил йигирма биринчи рамазон – 1498 йил 13 май.

³ 903 йил шаввол ойи боши – 1498 йил 23 май.





бўлдилар. Хожа Афзал собиқ, вазир амин уд-давла Низомулмулк ва унга қарашли кишилар айб-камчиликлари бўйича тафтиш ва текширув ўтказишга киришиб, ҳар кун улар ўмарган ёки йўл қўйган қинғир ишларини фош этувчи битта ишни яшинлик пардаси ортидан кўриниш бердирар, унинг натижасини эса очиқ-ойдин ёки қочиримли гаплар билан арзга етказиб, подшоҳнинг табиати айниши ортишига сабабчи бўлар эди.

Мансур хоқон бир неча кун Бобо Хокий манзилида истиқомат қилгач, йўналиш юзини Нишин сайҳонлиги томон қаратди. Ўша манзилда шукуҳли қулоққа Султон Бадиуззамоннинг Амир Зуннун Арғуннинг ўғли Амир Шужобек билан бирга сон-саноксиз қўшин тўплаб, юриш байроғини қутлуғ лашкаргоҳ тарафга қарата кўтаргани хабари чалинди. Шунга кўра фармон бўйича Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Амир Абдуллатиф *Бахши*, Хожа Абдулмалик [бин Хожа Низомулмулк] галаба белгили қўшиннинг катта бир қисми билан Исфизор қасабаси сари юзландилар.

Шу воқеалар пайти Хожа Низомулмулк ва унинг ўғилларию тобелари томонидан йўл қўйилган яна бир қанча хато ва айблар қутлуғ нурли қалбга маълум бўлиб, ҳазрат хоқон улар иши борасида Амир Алишер [Навоий] билан маслаҳат қилди.

Мисра:

Ғам ғамхўрлик қилган киши ҳолига вой.

Маслаҳатдан сўнг кўнгил ул жамоатни ушлаш ва мусодара этишга қарор топиб, яшин ва елга тизгиндош бир чопар Амир Абдуллатиф *Бахши* ёнига ошиқди ва «фалон куни Хожа Абдулмаликни ҳибсга олиб, ишончли ҳушёр кишиларга қўшиб, қутлуғ ўрдуга юбор» деган ҳужжатни элтиди.

Ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Алишер рухсат олиб, Ҳиротга кетди ва тайинланган куннинг тонгида шаҳар ҳокими Мирзо Султон Аҳмадга «Хожа Низомулмулкнинг ўғли Камолиддин Ҳусайн, Хожа Абдулазиз ва Хожа Низомулмулкнинг синглисининг ўғли бўлмиш вақоенавис¹ ҳамда хожанинг

¹ Вақоенавис, воқеанавис — ҳукмдор қатнашган тарихий воқеаларни ёзиб боровчи сарой муаррихи.



қариндошларидан саналган ва ўша вақтда Ҳиротда бўлган Низомиддин Курғнинг ўғилларини ушлаб, кишанланг» деди.

Шаввол ойи ўртасида¹ номлари тилга олинганларнинг бари-си бир кунда Ҳиротда ва айнан ўша куни Хожа Абдулмалик Исфизорда, Хожа Низомулмулк ва Низомиддин Курғ Нишин сайҳонлигида ҳибсга олиндилар.

Хожа Афзалиддин Муҳаммад ул табақанинг мол-мулки ва тааллуқли нарсаларини текшириб, хатлашга бош-қош бўлди. Шу тариқа ул жамоадан шарҳидан битиш бармоғию баёнидан икки тилли қалам ожизлик қилиш даражасидаги қанчадан-қанча олтину жавҳар, шариф китоблар, нафис матолар, чопқир отлар ва юк ташир туялар, чодиру ўтов, саропардаю шоҳона қора уй, ипак гиламу палослар ҳамда Миср, Рум, Фаранг, Чин ўлкаларида ишланган буюмлар топилиб, бари давлат ҳисобига ўтказилди. Мазкур жамоанинг барчаси Ихтиёриддин қалъасидаги қамоққа ташланди.

Бир неча кундан сўнг Хожа Камолиддин Ҳусайн ва Хожа Абдулмалик тунлардан бирида кўрғондан қочишга муваффақ бўлдилар. Эртаси куни эса айғоқчилар улар яширинган ерни аниқлаб, ул вазирлик авжининг икки дурини қайтадан қалъанинг бир буржига қутидаги гавҳардек тиқиб қўйдилар.

Уларнинг қочиб, яна ушлангани воқеаси замон хоқони арзига етишгач, қиёмат оловли ғазабининг оташи осмон сари ўрлади ва шавкату жалол қароргоҳидан уларни сиёсатга етказиш борасидаги ҳамма бажариши шарт ҳукм ижро этиш учун Султон Аҳмад Мирзо ва ўша вақтда шаҳарда турган Амир Абдулхолиқ номига чиқарилди. Жаноб салтанатпаноҳ Султон Аҳмад Мирзо ва аморатдастгоҳ Амир Абдулхолиқ мазкур йилнинг зулқаъда ойи ўрталаридаги² нишон етиб келган куни отга миниб, қалъа дарвозаси олдига бордилар ва шу ерда турган ҳолда бир жаллодни юқорига юбордилар. Жаллод дастлаб отаси кўзи олдида Хожа Камолиддин Ҳусайн ва Хожа Абдулмаликнинг умуртқа поғонасини синдирди. Сўнг Хожа Низомулмулкни қалъа дарвозасига олиб келиб, терисини шилдилар.

¹ 903 йил шаввол ойи ўртаси – 1498 йил 7 июнь.

² 903 йил зулқаъда ўртаси – 1498 йил 5 июль.





Ўша куни Бадиуззамон Мирзога нисбатан давлатхоҳлик ва тарафдорлик йўлини тутган Хожа Имодулислом, Хожа Абдулазиз, Хожа Низомиддин курд ва Хожа Маҳмудшоҳ Фароҳий ҳам ҳазрат подшоҳнинг қазабига йўлиқдилар.

Назм:

Шоҳга яқинлик айвони кўп баланд бўлур,
Ул айвонда кўпам юксак чиқаверма сан.
Қўрқаман, сен ул айвондан йиқилсанг агар,
Гишт девордан йиқилгандан қаттиқ тушарсан.

Хожа Афзалиддин Муҳаммадга келсак, душманлари ер билан яксон этилгач, оз вақт ичида кўп мол ғамлаб, давлат хазинасини тўлдиришга тиришди. Хоқонлик инояти унинг мақтовли ҳоли сари иниб, вазирликнинг ашроф мансаби¹ бу хожага тааллуқ топди ва шу зайл бир неча кун амирлару вазирлар орасида муҳр босиб юраркан, ҳаддан зиёд даражада яхши хизматлар кўрсатди. «Шукр қилсангизлар, албатта уларни янада зиёда қилурман»² каримасига кўра, шундан сўнг мансаби яна бир марта юксалиб, олий девон амирлиги ул жанобга берилди ва улуғ амирлару ҳурмати лозим нўёнлар қаторидан ўрин олиб, эмин-эркинлик билан давлатнинг молия ишларини бутлаш бўйича мутасадди бўлди ва ҳашамату баландлик тахтига чиқиб, тутган ўрнининг қадр байроғи кайвон айвонидан ошди. Олампаноҳ сарой муншийлари, фалакка етар даргоҳ туғронавислари олий фармонларда ул жанобни ушбу иборалар билан сарафроз қилар эдилар: Салтанат ва халифалик қоидаларини тартибга солувчиликнинг энг улуғи, давлатнинг тўғри фикрли ишончли кишиси, вафо диёнатли Хожа Афзалиддин Муҳаммад.

Хожа Афзалиддин Муҳаммад ўзининг эътибор ва иқтидорга етишган айёми бошларида бир неча кун ўша вақтларда бошқа кўпчилик амирлардан кўра кўпроқ яқинликка эга Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек билан келишув ва бирдамлик йўлини тут-


¹ *Вазирликнинг ашроф мансаби* – бу ерда «девони ашроф»га бошчилик қилиш кўзда тутилган. Девони ашроф ходимлари *мушриф* деб аталиб, бу девон мамлакатдаги барча девонлар ишини тафтиш қилиш бўйича фаолият кўрсатган; «Ташрифот» – чет элик меҳмонларни кутиб олиш чоғи уларга тўн кийгизувчиларни ҳам «мушрифот» дейишган.

² Қуръони карим, Иброҳим (14) сураси, 7-оятдан.




ди. Бироқ кейинчалик ёмон кишиларнинг бузғунчилиги оқибатида улар орасига қарама-қаршилиқ ва низо тушди. Хожа Афзал жаноб амирни ихтиёрсиз ва эътиборсиз қилди. Бошқа амирлар ва давлат устунлари эса ул шавкатли хожага тобелик кўрсатишда тўғри дамли ва собит қадамли бўлдилар. Тўғрилиқни кўрсатувчи ақли маъқулловисиз ҳеч бир катта-кичик ишга қўл урмас эдилар. Улуғ вазирлар олий бўсағасини ўзларининг мурожаат этадиган ва паноҳ берадиган жойи деб билишар ва ҳар куни хизмат камарини белларига боғлаб, фармонини бажариш мақомида ўтирардилар. Хожа Афзалиддин Муҳаммад тонгдан то қош қорайгунча Жаҳоноро боғида ўтириб, одамлар ишини бутлашга машғул бўларди. Чиндан ҳам хосу авомнинг арз-дод ва даъво ишларини инсофу адолат бўйича ҳал қиларди. Ҳафтада икки кеча Жаҳоноро боғида қолиб, ўша оқшомлари олимлар, фозиллар ва билимли кишилар билан суҳбат қуларди ҳамда хурсандчилик палосини ёйиб, меҳру муҳаббат уруғини барчасининг дил даласига сочарди.

Хайриялар улашиш ва иморатлар қуришга жуда мойил эди. Мансабда турган айёмида масжиди Жоме, мадраса, хонақоҳ ва ҳаммом каби хайрия биноларини қурдирди. Шулар туфайли субҳоний иноят иқболи қасрининг шамсаси¹ шуълаларини офтоб нури сингари борлиқ авжига етказди ва шариф исми яхшилиқ билан ҳаёт биноси пештоқининг китобасида мангута ва мустаҳкам сақланиб қолди.



НИШИН САЙҲОНЛИГИДАГИ ЖАНГ ВА ТАХТНИ БЕЗОВЧИ ХОҚОННИНГ ҒАЛАБА ҚИЛГАНИ ЗИКРИ



Зийрак кишиларнинг билим белгили қалбларига маълум ва равшан бўлажакки, азалий иноят нисбати бирор давлатманднинг иқбол ўқини фатҳу зафар уфқидан чиқармоқчи бўлса, ҳодисалар булутининг қуюни унинг ёқимли чеҳраси нурларини

¹ Шамса — қаср ва иморатлар кираверишидаги айвон пештоқига бўртма шаклда ясалган қуёш тасвири.





бекита олмайди. Қачон ламязалий¹ иродат алоқадорлиги қай бир саодат эгасини ғалаба ва яхши кунлар авжига етказмоқчи бўлса, бахтсизлик чангининг тўзони ул кишининг мақсад юзи шуъласи узра ниқоб бўла олмайди. Ул одам душманлар ҳужуми пайти «сизлар кўрмаган лашкарлар (яъни, фаришталар) билан қўллаб-қувватлади»² тушунчасига биноан ғайб оламининг зафар асарли лашкаридан мадад топади ва ғанимлар тўпланган айёмида «Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишини ғолиб қилур»³ сўзлари мазмунича илоҳий меҳрибонлик офтоби абадий тақдир уфқидан шу кишининг турмуши манглайи сари чарақлайди.

Мушкин тароватли қалам баёнига тил чоғламоқчи бўлган ушбу ҳикоят ҳам ўша сўзларга ўхшаб кетади ва сафларни ёрувчи хоқоннинг Нишин ўлангида Бадиуззамон устидан ғалаба қозонгани ҳам шу ёзувларни эслатади.

Бу воқеанинг қисқача тафсили шуки, мансур хоқон зафарли қўшиндан саноқлигина жангчилар билан Нишин сайҳонлигида давлат ва иқбол билан ўтириб, Хожа Низомулмулк ва унинг ўғилларию яқинлари, тобе кишиларини мусодара қилдиришга машғул пайтида нусрат аломатли аскарларнинг тарқалиб кетгани хабари Гармсир вилоятида истиқомат қилиб турган Султон Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннун Арғуннинг ўғли Шужобек қулоғига етишди. Улар фурсатни ғанимат билиб, уч-тўрт минг ханжар урар, найза санчар отлиқ билан қутлуғ ўрду сари илғор солмоқ ва кутилмаганда зафар аломатли лашкар устига бостириб бориб, жасурлик ва мардоналик қўли билан фатҳу ғалаба эшикларини очмоққа қарор қилдилар. Шу қарор билан ой юришли отларга ўтириб ва доимо кезувчи фалак сингари бирор лаҳза юришдан тўхтамай, беш-олти кун ичида Сабзавор шаҳри атрофига етиб олдилар.

Фаридун Ҳусайн Мирзо ва амирлар эса ўз илғори билан бирга қалъани беркитиб, олампахоҳ даргоҳга чопар жўнатдилар ва ҳодиса кайфиятини ёзиб юбордилар.

¹ Ламязал – мангу, ўлмас (Аллоҳнинг сифати).

² Қуръони карим, Тавба (9) сураси, 40-оятдан.

³ Қуръони карим, Рум (30) сураси, 4-оят.





Шаввол ойининг йигирма тўртинчиси¹ жума чоштгоҳида бу хабар Нишин текислигига етишиб, қўшин озлиги сабабли олий мартабали хоқон даргоҳининг ичкилари ўй-фикр ва изтироб денгизига фарқ бўлдилар. Аммо ул ҳазрат ҳамиша ўзи учун ёрдамга келиб турган илоҳий карам етуклигига ишониб, яшин ва елга тизгиндош чопарларни салтанат пойтахти Ҳиротга жўнатаркан «ҳазрат султоннинг яқин кишиси жаноб Амир Алишернинг ўзи шахсан отга миниб, шаҳарнинг ички ва ташқи маҳаллаларига чиқсин ва нусрат асарли қўшиндан қай бири ўша ерларда бўлса, тезда ўрдуга юборсин» дея айттирди.

Амир Низомиддин Алишер жума намозини адо этгач, буйруққа амал қилишга киришди.

Ўша куннинг охирида, кутилмаганда Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек, Амир Умарбек ва Амир Бобо Али Астрободдан келиб қолдилар ва ҳазрат Амир Алишернинг топшириғига кўра тўппа-тўғри ўрду сари кетдилар.

Аммо улар етиб боришдан олдин ғалаба ҳашаматли қўшин қоровуллари «Султон Бадиуззамон Мирзо Исфизор қалъасини камал қилишни эп кўрмай, Озаршикан ва Амир Довуд Работидан ўтиб, яшин ва ел тезлигида йўл босиб келмоқда» деган хабарни келтирдилар. Бу гапдан мақсади ҳосил наввоб Султон Ҳусайн Мирзонинг изтироби ортди. Чунки ҳақиқатан ҳам Мирзо Бадиуззамон шу йўсин билан от чоптириб келаётган бўлса, ўша кечаси отаси лашкаргоҳи устига етиб келиб, ул ҳазратнинг ишини осонгина бир ёқли қилиши аниқ эди.

Аммо бундай бўлмади. Чунки Султон Бадиуззамон Мирзо Исфизор кўчаси бошида ўз бахти сингари уйқуга кетди. Эртаси куни фатҳу зафар қўшини, яъни Қуёш нурлари фалак узра жой тутган хоқон бўлмиш ой устига ён-теварақдан ҳужум қилган тонг маҳали ва юдузлар мавқаби офтоб ялтирашли байроқ шуъласи ёғдусига чидам бермай, қочиб водийси сари юзланган чоғи, Султон Бадиуззамон ва Шужобек Арғун ўзлари билан бирдам қўшин ва совут йиртар жангчилар ҳамроҳлигида жасурлик ва паҳлавонлик қиличини ярқиратиб, шижоат ва юрт олув-

¹ 903 йил йигирма тўртинчи шаввол – 1498 йил 15 июнь.





чилик байроғини ҳилпиратиб, хоқонликнинг лашкароғи сари йўналдилар.

Ул ҳазрат раббоний тақдир ва осмоний юксаклик ёрдами туфайли иродаси кучайиб, хуршид жамшиди каби тахтиравонга чиқди-да, ҳиммат отини қўшинни тартибга келтирмоқ учун тўғрилаб, виқорли тоғдек уруш-саваш майдонида қад ростлаб турди. Давлатхоҳ кишилар ва фалакка етар даргоҳ ичкилари «қутлуғ толе қуввати давлат-иқболнинг катта йўлида яна қандай тикан ундирувчи ўйин кўрсатар экан, тангри таоло иноятининг ёрлиги мақсуд осмонидан ул ишнинг чанг-ғубори қоронғулигини равшанлик ва фароғатга айлантирувчи қайси бахт юлдузини чарақлатиб чиқарар экан» дея ўйланиб турганларида ғайбнинг саодат асарли қуёши илоҳий марҳамат уфқидан балқиб чиқиб, зафар аломатли лашкароғ ҳурга чўмди ва салтанат бахт юлдузининг ғалаба нишонли байроғи ойчаси осмон мартабали мавкабни кутиб турганлар боши узра ёғду сочиб, хушхабар ноғорасининг тантанали овози кайвон айвонидан ошди.

Бу иборанинг баёни шуки, Амир Хусравшоҳнинг исёни сабабли Ҳисори Шодмон вилоятидан умид юзини султонлар паноҳи даргоҳи томон қаратган Султон Масъуд Мирзо мансур хоқон душманни янчувчи лашкарни тартибга солиш билан машғул бўлиб турган тонг маҳали уруш тўқайининг шерларидан

Мисра:

Бариси тош янчар, темир йиртар.

Беш юз нафари билан кутилмаганда қутлуғ ўрдуга келиб, ул музаффар туғли шаҳзода шарофатидан шоҳу сипоҳ барчаси ғалаба ва зафар юлдузи чиқишидан умидвор бўлдилар ва ҳаммасининг кўнглида қатъий ишонч қарор топди. Ўша лаҳзада, ҳалиги айтганларимиз, Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек, Амир Умарбек, Амир Бобо Али Астрободдан, Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Амир Абдуллатиф *Бахши* ва илғор қисмнинг бошқа амирлари Сабзавор тарафдан ғалаба белгили лашкароғга келиб қўшилдилар ва уруш-савашга талабгор бўлиб, жанг сафларини тўғриладилар.





У томондан Бадиуззамон Мирзо ва Шужобек Нишин сайхонлиги атрофига етгач, ўйлаганларига тескари равишда қутлуғ ўрдуни пиёда ва отлик аскарларга лиқ тўлган ҳолда кўриб, ўта даҳшат ва ҳайрат ичида изтироб қўлини уруш асбобларини ишлатмоқ учун чўздилар ва ногораю сурон шовқинини осмоннинг мовий тоқи устига етказиб, ҳамлага киришдилар.

Нусрат аломатли лашкар баҳодирлари ҳам уруш ва қаршилик қадами билан олға босиб, жанг олови шундай гуриллаб ёндики, ханжарсанчар Баҳром дили уруш майдонида ўлганлар учун куйди, қуёшнинг нур сочувчи кўзи отлар туёғи чангидан қоронғулашди. Милт-милт ёнувчи юдузлар кўзлари паҳлавонларнинг қилич ва найзалари ярқирашидан қамашиб, хира тортди. Кун ҳали ярмидан оғмай туриб, олий мартабали хоқон қўшини болиб келиб, Заминдовар ва Қандаҳор аскарлари аҳволи юзида тушкунлик аломатлари пайдо бўлди ва Бадиуззамон Мирзо урушишдан ожиз қолиб, Барсин йўлидан Ғур тоғи тарафга юзланди.



Музаффар туғли хоқон амирлари ва лашкар аҳлидан бир бўлаги йўналиш жиловини шаҳзодани қувлаш учун тўғрилаб, қон оқизар қилични қўлга олган ҳолда мавкаби кетидан тушдилар. Улар жумласидан Амир Умарбек ул шаҳзодага жуда яқин етди ва саодатли узанги мулозимлари орқага қайтиб, қанчалик ҳамла қилмасинлар, сира орқага чекинмади. Ниҳоят уруш тўқайининг шери Амир Юсуф Исфандиёр хўжайини Султон Бадиуззамон Мирзо қўлидан найзасини юлқиб олиб, ҳатто орқадан қувлаб келаётган душман тарафга қарамасдан ҳам туриб, ул найзани Амир Умарбекнинг оғзига шундай санчдики, Умарбекнинг тишларидан бир нечтаси синиб, эгар устидан ер тубан қулаб тушди. Шаҳзода шу тариқа унинг балоси хавфидан эсон-омон қутулиб қолди.

Шунингдек, *Ғончи мўғулидан* Гадо Али мирохўр ҳам Шужобекнинг орқасидан етиб олди. Ул шижоат денгизининг наҳанги эса душманнинг яқин етиб келганини пайқаб, тулпори жиловини орқага бурди ва таъқибчи юзига шундай бир қилич солдики, қайтиб урушишга куч топа олмай қолди.



Бу воқеа шаъбоннинг йигирма бешинчисига¹ ўтар кечасида рўй берди ва мансур хоқон атолар бахш этувчи подшоҳга ҳамду санолар айтиб, камбағалларга назру садақалар улашди. Ғалаба мукофотини эса Султон Масъуд Мирзонинг атоқли номига рақам қилди.

Эндиликда ҳикоя тарзи Мовароуннаҳр вилоятлари аҳволининг баён доирасига киритишни ва икки тилли қалам бу варақлар саҳифаларини Мирзо Султон Маҳмуднинг олий зотли ўғилларининг иноқлик ва қарама-қаршилик зикри билан безамоқни тақозо этмоқда.

 **СУЛТОН МАҲМУД МИРЗО ЎГИЛЛАРИ
АҲВОЛИДАН БИР БЎЛАГИНИНГ ЗИКРИ
ВА ТАРХОН АМИРЛАРИ САБАБЛИ РЎЙ
БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ** 

Мағрурлик отчопарининг чавандози ғиёс ус-салтана ваддин Мирзо Бойсунқур бин Султон Маҳмуд Мирзо бир неча вақт Бухоро ва Самарқандда подшоҳлик қилиб, давлат ва иқбол билан умр кечираркан, адолату халқпарварлик устунларини мустаҳкамлаб, ул ўлкаларнинг ён-теварагини хавфсиз ва обод қилгач, кутилмаганда турмушнинг ёмон кўзи ишга тушиб, ғаддор замона панжаси алғов-далғов эшикларини ул мақсади ҳосил шаҳзода юзи томон очди ва тархон амирлари муҳолифат камарини жаҳонбонлик биносининг ул қурувчисига қарши белига боғлаб, бир қатор бузғунчиликлар рўй берди.

Қалам чавандози бу ҳикоя тафсили ва бу аҳвол баёнида гапни шундай бошлайдики, Бойсунқур Мирзо бин Султон Маҳмуд Мирзо фармонфармолик айёмида Ҳисор амирлари ва ўзининг қадимий навқарларига бошқалардан кўра кўпроқ иноят ва марҳамат назари билан қарарди. Тархонлар ва бошқа самарқандликларга нисбатан эса уларга қилган каби

¹ *Йигирма бешинчи шаъбонга ўтар кечаси* — нашр матнида хато ёзилган, аслида йигирма бешинчи шавволга ўтар кечаси бўлиши лозим, яъни 903 йил йигирма тўртинчи шаввол — 1498 йил 15 июнь.



дастурда сийлов ва саховат кўргазмас эди. Бу янглиғ муомала тархон амирлари кўнглига оғир ботиб, мартаба ва шавкат ортиқлиги билан яқинларию ўзи сингарилардан устун ва мустасно турувчи Бухоро волийси Дарвеш Муҳаммад тархон ўз кўнглини Султон Али Мирзо салтанати томон қаратди ва ул ҳазратни Қаршидан Самарқандга чақириб, Бойсунқур Мирзо ўтирадиган мавзе бўлмиш Боғи Навга олиб бориб, бойсунқурий даргоҳининг мулозимларини тарқатиб юборди ва ҳар икки шаҳзодани ҳам Самарқанд аркига киритди. Бундан ёмонлик истовчи қалби тўрида яширинган мақсади оламни ёритувчи қуёш мағриб ниҳонхонасига ошиққан, куннинг нуроний либоси туннинг зулматли кийими билан алмашган чоғда Бойсунқур Мирзони Кўксаройда ҳибсга олиш, Султон Али Мирзони эса сарафрозлик тахтига ўтқазиб, унинг қудрат байроғини кўтариш эди.

Бойсунқур Мирзо ҳол ҳақиқатидан хабар топиб, таҳоратни янгилаш баҳонасида ўтириш йиғинидан турди ва Бўстонсаройнинг шимоли-шарқидаги хонага кирди. Иттифоқо, ул хонанинг ташқарига қараган бир эшиги бўлиб, уни фишт териб беркитиб қўйгандилар. Бойсунқур Мирзо ул фишт тўсиқни қулатиб, ёнида хизмати учун ҳозир турган Муҳаммад Али Қавчин ва Ҳасан шарбатдор билан бирга қочиш йўлини тутди ва хандақ четига бориб, хандақдан сакраб ўтиб, йўлбошчи хислатли ҳазрат Хожаниннг Хожа Кафшгир кўчасида жойлашган уйига борди.

Мазкур уй эшиги олдида турган бир гуруҳ тархонлар Бойсунқур Мирзонинг бу ерга қочиб келганини ўша лаҳзадаёқ пайқаб, эртаси кунни барча тархонлар катта бир йиғин бўлиб, Хожаниннг каъба мартабали бўсағаси сари йўлга тушдилар ва шаҳзоданиннг ташқари чиқишини талаб қилдилар. Ул олий мақомли муҳтарам Хожа Бойсунқур Мирзо бин Султон Маҳмуд Мирзонинг бу ерга келганини эътироф этмадилар. Тархонлар гапни кўпайтириб ўтирмай, одоб сақлаганча орқага қайтиб кетган кўйи тўғри бориб, Султон Али Мирзони шоҳдик тахтига ўтқаздилар. Аммо бу ишни эндиликда қандай йўсин билан изга солиб юбориш бобида ҳайрон бўлиб, ўйга ботган эдилар.



Ўшандай вазиятда икки-уч кундан сўнг барча кишилар таъзим ва ҳурматини жойига қўювчи, соҳиби «Ҳидоя» авлодидан саналувчи ва ота-бободан буён Мовароуннаҳрнинг аъён ва ша-рифзодаларига паноҳгоҳ ҳамда ул мамлакатнинг шайхулисломлик мансаби ҳамиша олийшонли хонадони қўлида бўлиб кел-ётган ҳидоятпаноҳ, улуғлар ва буюклар ифтихори Хожа Абул-макорим, Амир Аҳмад Ҳожи ва бир гуруҳ шижоатли сипоҳилар, давлатхоҳлик маслагининг бир тўп вакиллари билан бирга бўлиб, Мирзо Султон Али ва тархонларга қарши чиқиш учун қалъа томон йўналдилар.

Шунингдек, Самарқанднинг авом халқидан ҳам кўпчилиги ёпирилиб келиб, Бойсунқур Мирзони Хожагининг уйидан эсон-омон олиб чиқиб, хилоф аҳлига қаршилик қилишда улар билан ҳамжиҳат бўлдилар.

Шунга кўра тархонлар қалъани қўриқлашдан ожиз қолиб, Муҳаммад Мазид Тархон Чаҳорроҳа дарвозаси йўли орқали Бухорога қочди. Султон Али Мирзо ва Дарвеш Муҳаммад Тархон эса тақдир панжасига асир тушдилар.

Бойсунқур Мирзо Амир Аҳмад Ҳожининг уйини саховат беракали вужуди иззати билан безаган вақтда, Дарвеш Муҳаммад Тархонни олиб келдилар. Тархоннинг пешонасини хижолат тери босди ва даҳшатга тушганидан гапириш учун оғзини оча олмай қолди. Мирзо Бойсунқур ундан бир-икки оғиз сўз сўради-ю, аммо тўғри бир жавоб эшитмади. Сўнг бу тархонни қатл этиш борасидаги барча бажариши шарт олий фармон чиқарилди ва ўша лаҳзадаёқ сиёсат қўли маҳкумнинг ҳаёт палосини йиғиштирди.

Султон Али Мирзони жазолашга навбат етганда, шаҳзоданинг ёруғ дунёни кўрувчи кўзига мил тортилсин, деган ҳукм бўлди. Фармонни ижро этувчилар ул ҳазратни Кўксаройдан ташқари чиқардилар. Мил чекиш ишига бош-қош бўлган киши билмайми ё атайлабми, чўғ бўлиб турган темир таёқчани салтанат кўзининг ул қорачиғи кўзига кўриш қувватига зарар етказмайдиган даражада босди. Султон Али Мирзо бу ҳолатни ҳеч кимга айтмай, сукут сақлади ва валийлик аломатли ҳазрат Хожа Қутбиддин





Яҳёнинг уйида манзил тутди. Икки-уч кундан сўнг ул жанобнинг маъқуллаши билан Бухоро томон қочди.

Шу сабабдан улуф махдумлар бўлмиш валийлар сараси Хожаги ва Хожа Яҳё ўртасида ака-укалик шартлари ипи узилди. Зероки, Хожаги Бойсунқур Мирзонинг ишларини йўлга солиш тарафдори эди, Хожа Яҳё эса Султон Али Мирзога ён босиб, уни қўллаб-қувватларди. Алқисса, Султон Али Мирзо Бухоро шаҳрига кетгандан кейин, Бойсунқур Мирзо ўша томонга лашкар тортди.

Султон Али Мирзо ҳам Бухоро ва ён-атроф қўшинини йиғиб, тархон амирлари билан биргаликда уруш майдони сари йўналди. Икки тараф тўқнаш келгач, қазову қадар қўли жанг ва олишув эшикларини очди. Султон Али Мирзо бу курашда фатҳу зафар қоматини кўришга эришиб, Бойсунқур Мирзо Самарқандга қараб қочди. Амир Аҳмад Ҳожи анчагина самарқандликлар билан бирга асир тушди. Бухороликлар асир олинганларнинг кўпини сиёсат қиличига рўпара қилдилар.

Шундан сўнг Султон Али Мирзо баланд ҳиммати камарини Самарқандни эгаллаш кунгураси устига отиб, акаси кетидан йўлга тушди.

Ҳисор томондан Султон Масъуд Мирзо ҳам ул фоҳира шаҳарни эгаллаш ҳавасида кўзғалиб, Шаҳрисабзга келиб қўш ташлади.

Мазкур йилнинг шавволида¹ Андижон қасабасида бу воқеа кайфияти олий мартабали ҳазрат подшоҳ Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг арзига етишди. Ул ҳазрат ҳам ота-бобосининг меросий пойтахтини олиш муддаосида муборак оёғини зафар нисбатли узангига тикди ва давлату иқболга ёр ҳолда неча бир масофаларни босиб ўтиб, ул бахтиёр шаҳар ҳудудига етиб келди ва улуғворлик чодирини тикди.

Сўзамол хушмандлар кўнглидан бекитиқча ва яширинча қолмасинким, муносиб кўрилишича ҳикоямиз шу ерга етганда анбар исли қалам дастлаб мақтов хислатли Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳаёти бошланиши даври таровати билан жаҳон

¹ Мазкур йилнинг шавволи – агар 903 йил шавволи кўзда тутилаётган бўлса, бу мелодда 1498 йил 23 май – 12 июнь оралиғига тўғри келади.



аҳлининг димоғини муаттар қилса, сўнггина Мирзо Султон Маҳмуд ўфиллари воқеасининг давомини тарих билан қизиқувчилар диққатига ҳавола этсак. *Ёрдам ва тавфиқ Аллоҳдандир.*

**САОДАТЛИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР ПОДШОҲ ҲАЁТИДА АЛАРНИНГ
ТУФИЛИШ ВАҚТИДАН ТО САМАРҚАНД
ШАҲРИ ТОМОН ЮРИШ ҚИЛИШИ
ЗАМОНИГАЧА СОДИР БЎЛГАН
ВОҚЕАЛАР БАЁНИ**



Фарғона мамлакатининг ён-атрофи доно подшоҳ Умаршайх Гурагоннинг адолати шарофатидан жаннат боғлари рашкини оширувчи бўлиб турган 888 йил муҳаррам ойининг олтинчисида¹ салтанат ва донгдорлик тизимига нур сочувчи бир дур тизилди ва қуёш ёғдули бир гавҳар халифалик ва мақсади ҳосиллик уфқидан порлаб чиқди. Балки, соҳибқиронлик осмонидан бир офтоб бани башар аҳли ҳаёти юзи сари чарақлаб боқиб, мамлакат олувчилик чўққилари сари кўтарилувчиларнинг умид кўзини ёруғлантирди ва бир мақсади ҳосил инсон йўқлик қаъридан вужуд бўстонсаройига қадам қўйиб, лутфу карам соясини бани одам тоифаси боши узра ташлади.

Назм:

Заволсиз кирдикор файзи туфайли,
Жавоҳир шодага қўшилди гавҳар.
Ушалди ажойиб умидбахш орзу,
Жамоли мангулик қуёшга менгзар.
Умид кўзларига нурбахш вужуди,
Мангу иқболга ёр унинг мавлуди.

Яъни, атолар бахш этувчи ҳазрати таоло Умаршайх Мирзо бин Абусаид Мирзо бин Султон Муҳаммад Мирзо бин Мироншоҳ Мирзо бин жаҳон олувчи соҳибқирон Амир Темур Гурагонга унинг муҳтарама хотини Нигорхоним Юнусхон қизи ҳам бола-

¹ 888 йил олтинчи муҳаррам – 1483 йил 14 февраль.



лик айёми бошидан давлат ва иқбол нурлари ҳоли жамолидан ялтираб кўринган, ҳам ўсиб-улғайиш замони аввалидан шавкат ва истиқлол аломати бахт келажакли манглайдан билиниб турган бир ўғил каромат қилди. Қуёш нурли чехрасининг зиёси худди субҳи содиқ нури сингари тез орада давлат ва мамлакат олувчилик офтоби бўлмиш соҳибқиронлик хонадонининг бу самараси умид машриқидан инсонлар боши ҳаёти юзаси узра балқиши борасида хабар берар ва қуёш асарли юзи сафоси саҳарий юлдуз порлаган каби яна шу маъно юзасидан тез орада олам мазлумларининг қоронғу туни ҳукмронлик ва подшоҳликнинг бу аён покизаси ёғдусидан шодлик ва қувонч кунига айланиши ҳақида даракчилик қиларди.

Назм:

Олам ёритувчи саҳар гап-сўзсиз,
Хабар бера олур ёғдули кундан.
Зоҳир бўлур қуёш иқболи бешак
Оламни мунаввар қилгани нурдан.

Ва илоҳий иноят жаннатининг насими эсиши билан подшоҳлик боғи ғунчаси Умаршайх Мирзо Гурагоннинг умид гулшанида очилгач ва иқбол башоратчиси ул олий зотли ўғилнинг қувонч аломатли туғилиш хабарини жон қулоғига айтгач, ҳазрат Умаршайх Мирзо чексиз шодлик ва севинч билан тўй ва хурсандчилик асбобларини тайёрлашга буйруқ берди ва бир неча кун нишот палосини ёйиб, тотли шароб қадаҳларини лола юзлик соқийлар қўлидан сипқорди ва ул дилбанд фарзанднинг ном ва лақаби Заҳириддин Муҳаммад Бобурга қарор топди. Бир нечта зуҳро пешонали энагалар ул саодатга ёр чақалоқни эмизиш ва қаровчилик ишига тайинланди.

Шаҳзода балоғат ёшига етган ва оқ-қорани ажрата биладиган давр бошигача иззат ва ғамхўрлик бешиги, меҳрибонлик ва комронлик тарбияси остида парвариш топган айёмда Андижон ўлкаси ва унинг ён-атрофини бошқариш ишига тайинланиб, ўша сарзаминда истиқомат қила бошлади. Бир неча йил давомида ул олий шарафли шаҳзоданинг саодат аломатли умри Андижонда шоду хуррамлик оғушида орзу-умидларига етиб, тинч-осойишталикда кечди.



Умри ҳаёт бекатларидан ўн иккинчи манзилни босиб ўтган чоғда эса Умаршайх Мирзонинг даҳшатли ҳодиса ва мусибатли воқеаси хабарини эшитди. Ўшанда амирлар ва давлат устунлари, вилоятнинг каттакон ва аъёнлари ул ҳазратни отаси ўрнига подшоҳликка кўтардилар ва итоат бошини бажарилиши шарт бўлган фармони хати сари эгиб, хизматкорлик байроғини қилпиратдилар.

Юқорида ёзиб ўтганимиз сабабга кўра ўша айёмда Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмад Мирзо икки томондан Фарғона мамлакатини эгаллаш сари йўналган эдилар ва қаршилик ила низо туғларини баланд кўтариб, ул ўлканинг қалъаларини фатҳ этишда қўлларидан келганча саъй-ҳаракат қилардилар.

Амир Ширим *Тағойи* мамлакат олувчилик авжининг ул гавҳар-дурини отга мингаштириб «мабодо вилоятлар ҳокимлари вафосизлик йўлини тутиб, Султон Аҳмад Мирзога тарафдорлик шиорини кўрсатсалар ва Умаршайх Мирзо Гурагоннинг тарбиятлари ҳаққи устига унутиш чизифини тортиб, мухолифат байроғини кўтарсалар, Бобур Мирзо ҳазрат илоҳнинг ҳимоят лашкари паноҳида пасткашлик соликлари зиён-заҳматидан омон қолгай» деган ўйда ул ҳазратни Ўзганд тоғи этагига олиб боришни ният қилди. Насаби ота томондан шайх Бурҳониддин Али Қилич Марғиновичга уланувчи, она тарафдан эса Султон Илик Мозийга¹ боғланувчи ва илгари замонлардан бери хонадонининг улуғлари Андижонда шайхулислом бўлиб келаётган ҳамда шаҳарнинг шариф кишилари ва каттаконлари қозилик ишларини ҳал этишда аларга мурожаат қилиб, одамлар бошига тушган мушкулларини ечишда ёрдам олувчи сулола вакили Хожа Мавлоно қози Амир Ширимнинг бу режасидан хабар топиб, Умаршайх Мирзо инояти остида мирзо учун кийим-кечак тикиш бўйича тарбият топган Хожа Муҳаммад тикувчини ҳазрат подшоҳ ва амир Ширим *Тағойи* олдига юборди ва бундай жўнаб кетишни ман қилди. Хожа Мавлоно Қозининг сўзи розилик қулоғи билан тингланиб, олий мавкаб Ийдгоҳ мавзеиданоқ

¹ Султон Илик Мозий – қорахонийлар сулоласидан Наср бин Али бин Мусо бин Сотуқхон (X аср) кўзда тутилмоқда.





орқага қайтди ва Андижон қўрғони ул олий шаънли подшоҳнинг қадами шарофатидан жаннат боғларининг рашк этадиган жойига айланиб, амирлар ва аъёнлар қалъа буржу борасини тузатиш ва қалъа устидаги йўлак ҳамда дарвозаларни мустаҳкамлашга киришдилар. Шу ҳол асносида илғор йўсини билан Марғишон тарафга кетган Ҳасан Яъқуб, Амир Қосим Қавчин ва бошқа амирлардан айримлари Андижонга қайтиб келиб, ҳазрат Заҳриддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг давлати тарафдорлиги юзасидан тўла ихлос изҳорини билдирдилар.

Султон Аҳмад Мирзо Ўратепа, Хўжанд ва Марғишонни эгаллагандан сўнг Андижонга тўрт фарсахлик ергача етиб келиб, истиқомат чодирини тиклади ва қамал мақомида маҳкам қадам босиб, низо ва тўқнашув байроқларини қилпиратди.

Ўша аснода саодат насабли Бобур подшоҳ Андижон вилояти арбобларидан бўлмиш Дарвеш Гов лақабли биттасини муҳолифат қоришиқ сўзларни айтиб юргани сабабидан қатлга буюрди. Бундай сиёсат эса бошқа андижонликларнинг қўрқинчига сабаб бўлиб, айримларнинг попуги пасайди ва ул шаҳарнинг барча хос ва авоми ўз кўнгилларини фақат шаҳар ва қалъани сақлаш ишларига қаратдилар.

Шунда олий мартабали Бобур подшоҳ Хожа Мавлоно қози ва Узун Ҳасанхожани элчилик расми билан Султон Аҳмад Мирзо ёнига жўнатиб, адаб тариқасига риоя қилганча «Ул ҳазрат Самарқандни қўйиб, Андижондек ерда истиқомат тутишга мойил бўлмаяжаклари жуда аниқ гап. Давлатчилик ишига лойиқ кўрилмоқдаким, бу вилоят ҳукуматини менга топширсалар ва нифоқу қарама-қаршилиқ эшикларини беркитиб, дўстлик ва тинч-тотувлик эшикларини очсалар, то Сиз мақсади ҳосил наввоб жанобларининг фарзанди ўрнида бўлмиш бу мухлисингиз бутун умри давомида навкарлик ва итоатнинг тўғри йўлида бўлиб, хилоф ва низо яқинига йўламаса» деган мазмундаги номани йўлади.

Ҳийласиз зоти мурувват ва инсонийлик сифати билан яратилган Султон Аҳмад Мирзо юборилган бу арзнома-хабарни эшитгач, қаттиқ таъсирланиб, сулҳ ишини кўнглига тутса-да, бироқ яраш битими тузишни раво кўрмай, элчиларнинг мазмун-





дор сўзлари жавобида пойинтар-сойинтар гапларни тилга олган кўйи кўчиб, шаҳар яқинига бориб, ўша ерда манзил тутди.

Шу аснода пок ва улўф Аллоҳ иродасига биноан бир неча воқеа рўй бердики, уларнинг юзага чиқиши Бобур подшоҳ давлати қуввати боис, Султон Аҳмад Мирзонинг эса толеи заифлашувиға сабаб бўлди. Биринчиси шуким, Самарқанд қўшини Андижонга яқин ерда жойлашган Сиёҳоб дарёсидан¹ ўтиш чоғи хос ва авомнинг издиҳоми натижасида кўплаб от ва туя Сиёҳобга чўкиб, йўқлик ўтлоқзори сари юзланди.

Иккинчиси шуки, айна ўша айёмда самарқандликлар лашкаргоҳида от ўлати рўй бериб, лашкар аҳлининг уюр-уюр отлари ҳалок бўлди.

Яна бири эса шуки, кундан-кунга Андижон халқидан каттаю кичигининг ҳазрат подшоҳ Бобурга нисбатан ихлос ва бирдамлиги олдингидан кўпроқ бўлиб, улардан қай бирининг дилида озгина журъати бўлса оёғини уруш майдони ва самарқандликларга қарши мудофаа кураши сари ташлаб, жонларидан кеча бошладилар.

Шунга кўра Султон Аҳмад Мирзо ярашувга талабгор бўлди ва ҳоли юзидаги хол бўлмиш Дарвеш Муҳаммад Тархонни Андижоннинг бир фарсахлик еридан ул юмушни бажариш учун жўнатди. Амир Дарвеш Муҳаммад Ийдгоҳ сари ошиқди, ҳазрат Бобур подшоҳ эса Ҳасан Яъқубни унинг мулоқоти учун буюрди ва ул икки амир мазкур мавзеда бир-бири билан кўришдилар. Улуғвор амаки ва олий мартабали жияннинг келишуви бора-сидаги бир неча сўз ўртага солиниб, ҳар бири ўз жойларига қайтдилар. Шундан сўнг Султон Аҳмад Мирзо Самарқанд тарафга қайтиш учун йўналди. Аммо юқорида ёзганимиздек, йўл давомида табиий ажал етишгани сабабли оламдан ўтди.

Фарғонани қўлга киритиш учун бошқа томондан йўналган Султон Маҳмудхон эса Аҳси сари юриш уюштириб, қамал хаёлини кўнглига тутди. Ўша вақтда Жаҳонгир Мирзо Аҳси қалъасида турарди ва амирлардан Али Дарвеш ва Мирзоқули Кўкалтош ва Муҳаммад Боқир, Шайх Абдуллоҳ эшикоғо, Увайс

¹ Афтидан Қорасув дарёси кўзда тутилмоқда.





Лоғарий, Мир Фиёс *Тағойи* ул фармонфармолик буржининг дури хизматида эдилар.

Султон Маҳмудхон яқинлашиб қолгач, амирлар ва нўёнларнинг чидам пойдеворини ваҳима ва қўрқув сели тагидан қўпориб, Ахсидан Увайс Лоғарийнинг ўлкаси бўлмиш Косонга кетдилар. Уша вақтда Султон Носир Мирзо мазкур Увайснинг унга атка бўлгани муносабати билан мазкур Косон қалъасида яшарди. Султон Маҳмудхон бу ишдан хабар топгач, ул томонга ошиқди. Мазкур жамоат эса итоат изҳор этиб, Косонни мақсади ҳосил хоқонлик даргоҳининг эгаси Султон Маҳмудхоннинг ихтиёрига топширдилар. Мир Фиёс *Тағойи* ул даргоҳ хизмати исирғасини қулоғига осиб, Увайс Лоғарий эса, Султон Носир Мирзо ёнида Султон Аҳмад Мирзо ўрдусига кетди. Султон Аҳмад Мирзо Муҳаммад Мазид Тархонни шаҳзодани сақлаш ишига буюрди.

Султон Маҳмудхон Косонни эгаллагач, Ахси атрофига келиб, бир неча навбат уруш оловини аланга олдириш билан машғул бўлди. Аммо иши ҳеч олдинга силжимади ва танасига ёпишган бир хасталик сабабли ўз вилояти томон йўл олди.

Шу воқеалар асносида сарварлик иддаосини қилиб, ҳеч бир тахту тож эгаси олдида бош эгмай юрган ва Кошғару Хўтанда ҳукумат юргизиб ўтирган Абобакр Кошғарий Ўзганд ҳудудига лашкар тортди ва бир қалъа қуриш тарҳини қилиб, мусулмонларга озор етказиш, шаҳарларни бузишга машғул бўлди. Хожа Қози ва кўпчилик амирлар уни йўқотиш ишига буюрилгач, Абобакр уларга қарши марди майдон бўлиб тура олмаслигини англади ва Хожа Қозини восита қилиб, турли-туман алдов сўзлари билан қўшин бошлиқларини ярашувга кўндирди ва қайтиш байроғини Кошғар томон кўтарди.

Бобур подшоҳнинг ойдин кўнгли бундай ишлардан тинчигач, Фарғона ишларини тартибга солиш учун юзланиб, Андижон ҳукумати ва мамлақату молиявий ишлар бошқаруви мансабинини Ҳасан Яъқубга берди. Ўш вилоятининг бошқарув ихтиёрини Амир Қосим *Қавчин*нинг қудратли қўлига топширди. Ахси ва Марғинон амирлигига Узун Ҳасан ва Али Дўст *Тағойи* тайинланди. Шунингдек, бошқа амирлар ва ичкилар ҳам муно-





сиб мансаблар билан ифтихор ва мағрурланиш бошини баланд кўтардилар.

Бу воқеалар юз бериб турган вақтда акаси вафотидан кейин пойтахт Самарқандга келган ва Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Оқбегимни Султон Масъуд Мирзонинг никоҳи тизимига киритган Султон Маҳмуд Мирзо Абдулқуддус Маржий ва Отога қўшиб, олий зотли подшоҳ ҳузурига сочқи юборди ва меҳрибонлик, дўстона сўзларга тўла нома жўнатди. У билан Ҳасан бин Яъқуб ўртасида қариндошлик бўлгани сабабли Абдулқуддус яширинча Ҳасан бин Яъқубни Султон Маҳмуд Мирзонинг лутфу иноятидан умидвор қилди ва ҳазрат Бобур подшоҳ давлатига тарафдорлик йўлидан воз кечирди. Қайтиб кетгандан сўнг Ҳасан Яъқуб беш-олти ойча таҳсинга сазовор яхши хулқини ўзгартириб, куфрони неъмат шиори изҳорига тиришди ва Мирзо Жаҳонгирни салтанатга ўтқазиб, бахтиёр подшоҳ Бобурни Андижондан қайси тарафга кетишни истаса, ўша ёққа чиқариб юборишни ният қилди.

Шунга кўра Хожа Қози, Амир Қосим Қавчин, Али Дўст Тағойи, Узун Ҳасан ва замон подшоҳининг мухлисларидан яна бир нечтаси ул ҳазратнинг бувиси Эсан Давлатбегимнинг маслаҳати ва маъқулловига кўра Ҳасан бин Яъқубни ихтиёрсиз қилиб, қандай йўсинда мумкин бўлса, ўша тарзда унинг касофатли ўйини йўққа чиқаришга қарор қилдилар. Шу ўй билан олий мартабали подшоҳ ҳамроҳлигида Ҳасаннинг маскани бўлмиш арк сари йўналдилар.

Ҳасан бу пайтда далага чиқиб кетиб, ов қушлари учирини билан машғул эди. У ҳодиса кайфиятидан хабар топиб, Самарқанд томон равона бўлди. Кандибодомга етгач, бузуқи хаёл ва фасод ўйи билан йўналиш тизгинини Аҳси тарафга бурди.

Ҳазрат Бобур подшоҳ унинг қайтганидан огоҳлик топиб, амирларидан бир нечтаси музаффар туғли аскардан бир гуруҳи ҳамроҳлигида Ҳасанни йўқ қилиш сари юзландилар.

Бу кичик қўшиндан бир тўпи манглай расми билан олдинроқ юриб кетган бўлиб, Ҳасан саф ёрувчи аскарларнинг муқаддима қисми келаётганидан хабар топди ва ярим кечаси улар устига ҳужум қиларкан, навкарлари ёппасига ўқ отишга тушдилар.



Қарангки, улардан бирининг ўқи тасодифдан Ҳасаннинг жон чиқар жойига тегди ва у ўзининг қора қилмишига яраша жазога йўлиқиб, ўша яраланиш оқибатида ўлим топди.

Мазкур воқеалар рўй бериб турган вақтда *минглиф* қавмидан бўлмиш ва Умаршайх Мирзодан тарбиятлар топиб, аммо бир гуноҳ содир этгани натижасида саройдан қувилган Иброҳим Сору Исфара қалъасига кириб, Бойсунқур Мирзо номига хутба ўқитди.

Ҳазрат подшоҳ Бобур бу ишдан хабар топиб, мазкур йилнинг шаъбон ойида¹ ғалабага ёр мавкаб Исфара томон ошиқди. Иброҳим Сору эса қалъанинг буржу борасини мустаҳкамлашга киришаркан, етиб келган зафар аломатли аскарлар қамал ва уруш-саваш ишига ҳозир бўлдилар ва қўлларини уруш аслаҳалари сари чўзиб, қонли жанг ва ҳалокатли тўқнашув эшикларини қалъадагиларнинг ҳол юзи сари очдилар.

Қамал муддати қирқ кун давомида шу янглиф кечди. Иброҳим Сорунинг аҳвол юзида ожизлик ва тушкунлик ҳолати намоён бўлди. Ноилож, Хожа Қозини ўз гуноҳларига шафе қилиб, омонлик сўради. Бобур подшоҳ эса унинг гуноҳидан кечди. Иброҳим бўйнига қилич осиб ва қўлида кафанлик тутганича қалъадан ташқари чиқди.

Шундан сўнг зафарпаноҳ байроқлар Хўжад томон йўналди. Ул қалъада сокин турган Амир Мўғул бин Абдулвахҳоб шиғовул подшоҳлик мавкаби яқинлашиб, Бобур Мирзо етиб келгач, истиқбол лавозимини бажаришга шошилиб, ихлос маросимини бажо келтирди ва итоат занжирини елкасига ташлаб, шаҳар ва қўрғон калитларини мақсади ҳосил Бобур подшоҳга топширди.

Ўша пайтда исломпаноҳ Бобур подшоҳ Султон Маҳмудхон Шохрухияни ўзининг қутлуғ тушиш иззатига мушарраф қилганини эшитди ва ойдин кўнгли илгариги гина-кудуратларни йўқотмоқ учун улуғвор тоғаси мулоқотига мойил бўлиб, Шохрухияга қараб кетди.

Хон ул олий шонли хоқонларнинг кўзлари нури яқинлашгани ва ёнига етиб келаётганидан шоду хуррам бўлди. Султон

¹ 899 йил шаъбон ойи – 1494 йил 7 май – 5 июнь оралиғи кўзда тутилган.

Маҳмудхон жияни Бобур подшоҳ кўрунушхонага киргач, таъзим ва қутлов лавозимига риоя қилганча ўрнidan турди. Бобур подшоҳ ҳазратлари ҳам адаб маросимига амал қилиб, тиззаси билан ер чўккалади. Сўнг олий мансабли хон исломпаноҳ подшоҳни меҳрибонлик ва ғамхўрлик оғушига тортиб, шафқат онлари ва кўнгил сўраш лаҳзаларидан бир сонияни ҳам холи қолдирмади. Мақтов хислатли подшоҳ икки-уч кун тоғаси суҳбатида қувонч ва хурсандлик билан вақт ўтказди. Шундан сўнг эса давлатининг қароргоҳи бўлмиш Андижон томон йўналиш байроғини ҳилпиратди. Шунингдек, ўша йилда халифалик ва истиқлол дуржининг гавҳари Бобур Мирзо ботир кишиларидан бир гуруҳи ҳамроҳлигида Ўратепани эгаллашга йўналди.

Ўтган ҳикояларимиз мазмунидан англашиниб турганидек, Ўратепа неча йиллар давомида Умаршайх Мирзо Гурагон девони доирасида бўлиб, тилга олаётганимиз вақтларда Бойсунқур Мирзонинг гумашталари тасарруфига кирган эди ва у ерда Султон Али Мирзо ҳукумат юргизарди.

Султон Али Мирзо юрт олувчи Бобур подшоҳ қўшини келатганидан хабар топгач, Шайх Зуннунни қалъа муҳофизатига тайинлаб, ўзи эса Фалғар ва Масчо қуҳистони томонга ошиқди. Саодатманд подшоҳ қанча манзилларни босиб ўтгач, Хўжанддан ўтди ва Султон Али Мирзонинг қочганидан воқиф бўлиб, ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Али Халифа ва Мир Усмонни элчилик расми билан Шайх Зуннун олдига юборди. Шайх Зуннун эса бахти қайтганлик ва толе пастлик тақозосига кўра, Амир Низомиддин Али Халифани ушлаб, ул жанобнинг ҳаёти пойдеворини бузмоқчи бўлди. Ул яхши хислатли амир эса ҳазрат малики мутаол инояти билан қочиш иложини топиб, икки-уч кундан сўнг пиёда юрганча зафар насабли мавкабга етиб келди. Ўратепа ташқарисида каъба мартабали боргоҳ ўрнатилгач ва ул ҳудудда ғалла топилмаслиги ва дон-дун ноёб экани маълум бўлгач, амирлар ва давлат устунлари юртга қайтиб кетишни маъқул кўриб ва ҳазрат подшоҳ давлатхоҳлик йўли йўловчилари маслаҳатига амал қилиб, оти жilовини Андижон томонга бурди.



Шунингдек, ўша вақтда Султон Маҳмудхон Ўратепага чексиз сонли лашкар юбориб, Шайх Зуннун эса қочиб кетди ва Ўратепа хоннинг мулозимлари тасарруфига кириб, ул ноҳия ҳукумати Муҳаммад Ҳусайн Гурагонга тааллуқ топди. Унинг Ўратепадаги сардорлик айёми ўша санадан то 908 йилгача¹ давом этди.

Султон Ҳусайн Мирзо Ҳисор вилоятига етишган пайтда Султон Масъуд Мирзодан ажраб чиққан Ҳамза Султон ва ўғли Мамоқ Султон ва Маҳди Султон ва Муҳаммад Дуғлот 901 йилнинг муборак рамазон ойида² Андижон қасабасида жаҳон аҳли подшоси Бобур Мирзонинг иқбол ошиёнли даргоҳига келдилар. Ул ҳазрат султонлар иззат-ҳурматини тутиб, кўрпачадан пастга тушди ва зиёфат лавозими ва меҳмондорчилик вазифасини адо этди.

Ўша йилнинг шавволида³ Султон Маҳмуд Мирзо ўғилларининг муҳолифати ва Султон Масъуд Мирзо ва Султон Али Мирзонинг салтанат пойтахти Самарқандни қамал қилгани хабари Андижонга етди. Олий мартабали подшоҳ ҳам ул ўлкани эгаллаш истаги билан ғалабага элтувчи байроқни ҳилпиратди.

Ота-бобоси салтанатининг пойтахти Самарқанд шаҳри яқинига етишгач, шижоат вужудли қўшинни қамал ва уруш ишига буюрди. Уч-тўрт ой давомида шаҳарнинг уч томонидан шараф дуржининг уч дури самарқандликларни қаттиқ сиқувга олиш учун тиришдилар. Шаҳарликлар ҳам шаҳарни сақлашда қўлларидан келганча саъй-ҳаракат кўргузиб, даъвогарларга қарши мудофаа курашида мардоналикнинг юксак намунасини намоён этдилар.

Шу аснода олийжаноб, ҳидоят насабли Хожа Яҳё Султон Али Мирзо олдидан зафар байроқли подшоҳ Бобур ҳузурига ошиқиб, бирдамликка келишиш сўзларини арзга етказди ва ул мушфиқона гаплар қабул қулоғига йўл топиб, подшоҳнинг олий мавкаби жаноб иршодпаноҳнинг илтимосига кўра Самарқанд ташқарисидан Суғд томонга икки-уч фарсах қуйироққа кетиб тушди. Ул тарафдан Султон Али Мирзо ҳам ўша ноҳияга келди ва қўшинни

¹ 908 йил – 1502 йил 7 июль – 1503 йил 25 июнь оралиғи.

² 901 йил рамазон ойи – 1496 йил 14 май – 13 июнь оралиғи.

³ Ўша йилнинг шавволи – 1496 йил 13 июнь – 12 июль оралиғи.



Кўҳак дарёси бўйидаги қулай мавзегга тушириб, хос кишилари-дан тўрт-беш нафари билан подшоҳ мулоқотига етиш учун юрди.

Ул ҳазрат хос ёронларидан тўрт-беш киши ҳамроҳлигида Кўҳак дарёсидан ўтиб, от устида турганча томонлар ўртасидаги мулоқот рўй берди ва мулкни эгаллаш чора-тадбири борасидаги сўзлар орага солиниб, ўша қиш ул олий шавкатли шахзодалардан ҳар бири ўз давлат қароргоҳига қайтиб кетиш ва райҳону гулчечакларнинг униб чиқиш мавсуми бўлмиш баҳор фасли бошида эса яна қайтадан Самарқандга юриш қилишга қарор қилинди.

Шундан сўнг исломпаноҳ подшоҳ Андижон сари юзланди. Султон Али Мирзо Бухорога кетиб, ўша ерда қишлади. Амир Шайх Абдуллоҳ Барлоснинг қизи мулоқотига ошифта бўлган Султон Масъуд Мирзо эса бу суюклисини ўз никоҳига киритиб, Ҳисор томонга қайтиб кетди.

Мамлакат олувчи подшоҳнинг байроғи ойчаси Косон манзилига етишганда, Маҳди султон нусрат аломатли ўрдудан қочиб, Самарқандга кетди. Ҳамза султон рухсат сўраб, у ҳам ўша шаҳар сари йўл олди. Бироқ, бир неча ойдан кейин Самарқандда Мирзо Бойсунқурнинг меҳрибонлиги ва эъзозига эришган бу иккала султон ул ҳазратдан ҳам юз ўгириб, ўзларини Муҳаммадхон Шайбонийнинг байроғи сояси остига олдилар.

**МАМЛАКАТ ОЛУВЧИЛИК ОСМОНИ
ДОРΟΣИНИНГ¹ САМАРҚАНД ТОМОН
ИККИНЧИ МАРТА ЮЗЛАНГАНИ ВА УЛ
ШАҲАРНИНГ СУЛАЙМОН МАКОНЛИ
ҲАЗРАТ ПОДШОҲ [БОБУР]
ҚЎЛИГА КИРГАНИ БАЁНИ**

Осмоний мамлакатлар подшоси² қишки бурждаги тўхтов чўзилишидан юраги сиқилган ҳамда ўз шараф уйи сари йўналиб, феруз рангли қалъа ичидагиларни сиқувга олишга тиришган-

¹ *Доро* – милоддан аввалги VI асрда катта ҳудудда ҳукмдорлик қилган Эрон подшоси Дорюши кабир (Доро Биринчи) номига ишора. Бу ерда Заҳириддин Бобур Мирзо кўзда тutilмоқда.

² Қуёшга ишора қилинган.



ча жаҳон олувчилик шартларини бажо келтирган баҳор фасли бошида Султон Али Мирзо шаҳарлар фаҳри Бухоро шаҳридан ғалаба насабли байроқни Самарқанд сари кўтарди ва бир неча манзил-бекатларни босиб ўтиб, Хожа Кордзан мавзеини лашкаргоҳ қилди.

Бойсунқур Мирзо ҳам жанговар кишилардан иборат қўшинни шаҳардан ташқарига чиқарди ва Сарипулни лашкаргоҳга айлантириб, иниси тўғрисида ўз чодирни қуббасини баланд кўтарди.

Исломпаноҳ ҳазрат Бобур подшоҳ ҳам муборак рамазон ойида¹ Андижон шаҳридан ул тарафга равона бўлди ва довюрак сипоҳ билан манзил-бекатларни босиб ўтиб, Ёряйлоқда осмон аломатли даргоҳ чодирни қуббасини кайвон айвонидан ўтказди.

Шу мавзеда Бойсунқур Мирзонинг Самарқанддан ташқари чиққани ва иниси рўпарасига келиб жойлашгани Бобур подшоҳнинг арз қулоғига етди ва Тўлунхожа Мўғулни ботир қозоқ халқидан уч юзга яқин киши билан бирга олдинроқ юборди.

Подшоҳлик мавкабининг яқин етишгани хабари Бойсунқур Мирзонинг маҳкам туриш асоси ва барқарорлик пойдевори га ларза солгач, бузилган ҳолда Самарқанд томонига ошиқди. Тўлунхожа эса ўзига тобе кишилар билан тунда тўсатдан Бойсунқур Мирзо лашкаргоҳига етиб олиб, самарқандликлардан кўпини ўлим якунли камон ўқи ярасидан майиб-мажруҳ ва бежону беруҳ қилди ҳамда мўл-кўл ўлжа олиб, соғ-саломат қайтиш байроғини ҳилпиратди.

Ҳазрат Бобур подшоҳ ўз давлати тарафдорлиги тариқатининг ул соликларини соврин ва инъомлар билан сийлаб, қалбларига фаҳру сарафрозлик бағишлагач, юзни мақсад сари қаратди. Мақсади ҳосиллик ва боши баландлик билан Шерозга² етиб келиб, ул қасаба қўрғонини қамал қилишга қарор берди. Ўша вақтда Шероз қасабаси Қосим Дўлдойга қарашли бўлиб, ул қалъани Қосим Дўлдойнинг навкарларидан бири қўриқлаб ўтирарди.

¹ 902 йил рамазон ойи боши — 1497 йил 3 май кўзда тутилмоқда.

² Шероз — Самарқанд яқинидаги катта қишлоқ кўзда тутилмоқда.



Мазкур ойнинг сўнги куни¹ фалакка тегувчи байроқнинг ой-часи Шероз қасабаси атрофи узра етишув нурини сочди. Қосим Дўлдой қўйган одамнинг эса қалъани сақлашга кучи етмай, пок қалбли подшоҳга нисбатан бўйсунуш ва қуллуқ этиш шиорини юзага чиқарди ва қалъа калитларини осмон иқтидорли даргоҳ, эгаси Бобур подшоҳга топшириб омонлик тилагач, унинг ҳақида подшоҳона лутф амалга ошди. Шероз кенти қалъа бегилиги Иброҳим Соруга топширилди. Илоҳий бахт эгаси бўлмиш Бобур подшоҳ, эртасига ҳайит намозини ўқигач, ул бахтли айёмнинг бошқа вожиботу анъаналарини бажариб, Самарқанд атрофига йўл олди ва Обёр қўруғига бориб тушди.

Ўша куни Қосим Дўлдой, Вайс Лоғарий, Ҳасан Набира, Султон Муҳаммад Сайфал, Султон Муҳаммад Увайс тўрт юзга яқин киши билан Самарқанд тарафдан келиб, подшоҳ мавкабига қўшилдилар. Уларнинг сўзи шу бўлди: Бойсунқур Мирзо Сарипулдан кўчиб, шаҳар сари юзланган вақтда биз ҳазрат подшоҳ давлатхоҳлиги учун унинг ўрдусидан ажралиб, бу томон келганмиз.

Бир-икки кундан сўнг аниқ ва ойдин бўлишича, ул жамоат аслида Шероз қасабаси қалъасини мудофаа қилиш мақсадида Бойсунқур Мирзодан рухсат сўраб, бу томон шошилган экан. Аммо ул қалъанинг юрт олувчи Бобур подшоҳ тасарруфи доирасига кирганини эшитгач, ноиложлик қадамини мулозимат йўли бўйлаб босишга мажбур бўлишган. Алқисса, олам подшоҳи Обёр манзилидан Қорабулоқ сари қўзғалди ва бир-икки кундан сўнг у ердан кўчди ва дарёдан ўтиб, Ём² тўғрисидаги мавзе ғалабага ёр қўшин чодирлари устун тикилган жойга айланди.

Ўша куни жасурлардан бир гуруҳи Хиёбон йўли бошида Бойсунқур Мирзо аскарларидан бир тўпига дуч келиб, қаҳрамонлик отини кураш майдони сари чоптирдилар ва ҳамла ели билан жанг оловини алангалатиб, бир-бирининг қони билан уруш майдони тупроғини лойга айлантирдилар. Ўша аснода жон олувчи бир ўқ Хожа Калонбекнинг акаси Хожагий Мавло-

¹ 902 йил *уттизинчи рамазон* — 1497 йил 2 июнь.

² Ём — Самарқанд ғарбидаги ҳозирги Жом мавзеи.





но Садрнинг бўйнига тегиб, шу лаҳзадаёқ оёқдан қолиб, жаннат боғи сари юзланди. Хожাগий Мавлоно Садр бир неча муддат илм ўрганиб, луғат ва ҳисоб-китоб фанидан хабардор бўлган киши эди. Мактубларни ҳам яхши иншо қилар эди ва бир неча муддат Умаршайх Мирзонинг муҳрдорлик вазифасини бажарганди.

Бойсунқур Мирзога нисбатан душман сифатида келиб, Хожа Кордзан мавзеида манзил тутган Султон Али Мирзо эса бирикки навбат муҳориба майдони довюракларидан бир тўдаси билан бирга Самарқанд яқинига юриш қилди. У билан шаҳардан чиқиб келган баҳодирлар ўртасида тўқнашув ва уруш-саваш олови аланга олиб, бироқ кўзлагани шаклда бирор иши илгари силжимади. Султон Али Мирзо ул жаннат аломатли шаҳар ташқарисида натижасиз узоқ ушланиб қолганидан умидсизланиб, Бухорога қайтиб кетди.

Ҳазрат подшоҳ эса Ёмда бир неча кун турган пайтида Самарқанд қамалига киришиб, сўнг ул манзилдан кўчган кўйи шаҳаргача тахмин бўйича бир фарсах масофа бўлмиш Хон юрти мавзеини улўвворлик чодирларига макон айлади ва ўша ерда элик кунгача тўхтаб турди. Ўша кунларда бир неча навбат бобурий лашкарнинг довюраклари билан бойсунқурий қўшиннинг жасурлари ўртасида тўқнаш юз берди. Бу урушларнинг айримларида Амир Иброҳим Бекчик, Абулқосим Кўҳбўр, Амир Шоҳ Қавчин ўта шижоат ва чексиз баҳодирлик намунасини кўрсатдилар. Самарқанд аҳлидан бир тўдасини мажруҳ ва руҳсиз қилиб, устунлик байроғини кўтардилар. Хиёбон бошида мардлик майдони аро жавлон уришган куни Амир Иброҳим Бекчик юзидан яраланди ва шу жиҳатдан кейинчалик «Иброҳим чопуқ» лақабини олди.

Ўша манзилдан яширин ғалабалар далили бўлмиш Заҳириддин Бобур подшоҳ сарқандликлардан айримлари олдига чопар юборди ва уларни итоат ва бўйсунушга чақириб, иноят қоришиқ сўзларни етказди. Ул жамоат эса бу сўзлар қабулида тилни баёнга човлаб «Бобур подшоҳ мавкаби тунда Ғори Ошиқон томондан шаҳар сари йўналиши лозим, ўшанда хизмат камарини жон белига боғланса, мақсуддаги нарса қўлга киради» дедилар. Шун-





га кўра бир оқшом мақсади ҳосил подшоҳ қутлуғ оёғини узангига қўйиб, Пули Мағокка ошиқди. Бир нечта жасурлик аломатли пиёда ва отлични олдинроқ жўнатди. Шаҳар халқи бу ишдан хабар топиб, бирданига ботир аскарлардан бир тўпи қаршилиқ оёғига қалқди. Бир неча муддатдан бери соҳиб далил подшоҳ Бобур Мирзо хизматида умр ўтказаетган Ҳожи Пиёда ва Маҳмуд Пиёдани ушлаб, ўткир қилич дамига гирифтор қилдилар.

Мақтов хислатли подшоҳ чор-ночор зафар асарли лашкароҳга қайтди. Хон юрти мавзеи ғалаба аломатли байроқлар ойчаси ёғдуси туфайли жаннат ўтлоқларидан ҳам ёруғроқ бўлган вақтда ул ҳудуддаги қалъа ва қишлоқлар халқининг бариси салтанат ошиёнли даргоҳга чопарлар юбориб, итоат ва фармон бажарувчилик изҳорини қилдилар ҳамда тортиқ йўсини билан қимматбаҳо совғалар жўнатиб, шу орқали ўз ҳаётлари саритинчлик ва осойишталик эшикларини очдилар.

Шунингдек, Самарқанднинг ҳунарманду косиб ва савдогар аҳлидан жуда кўп кишилар ғалаба шиорли ўрдуга келдилар ва ўрду бозори худди шаҳар каби фаровон ва ободончилик касб этди.

Ўша аснода аъло ашраф қулоғига Шовдор тоғининг этагида Ургут деб аталувчи бир қалъа бўлиб, бир тўда кишилар ул қалъани беркитиб, бўйинларини подшоҳга итоат занжири саритинчлик эгмай ўтирибдилар, деган хабар етишди. Осмон ҳашаматли даргоҳ эгаси ул жамоатнинг таъзирини бериб қўйиш учун ўша томон йўналди.

Ул қалъанинг атрофида зафар шиорли байроқ ойчаси ёришиб чиққач, кўрғон аҳолиси тавба-тазарру ва ожизлик эшиги орқали чиқиб, Хожа Қозини восита қилиб, гуноҳларидан ўтишни сўраб ялиниб-ёлворишга тушдилар. Ул тоифа ҳақида подшоҳона кечирим амалга ошди.

Шундан сўнг зафар аломатли байроқ Самарқанд саритинчлик йўналди ва Боғи Майдон ноҳиясидаги Қулба ўлангига бориб тушилди. Ўша орада Самарқанд аҳолиси ва сипоҳидан кўплаб киши шаҳардан ташқари чиқиб, подшоҳ лашкароҳига яқин ердаги Пули Муҳаммад Чап кўпригигача жиловни қўлдан чиқармай,





ҳамла йўсини билан келиб етишдилар. Ваҳоланки, подшоҳлик мавкабининг мулозимлари бул фурсатда ғофил ўлтирган бўлиб, уруш асбобларини ишлатишга тайёр эмас эдилар. Ноилож озгина шикаст рўй бериб, самарқандликлар Султонқули ва Бобоқулини асир олиб, қалъага элтдилар.

Эртаси куни мақтов хулқли подшоҳ ул манзилдан қўзғалиб, Кўҳак дарёси яқинидаги Қулба сайҳонлигининг боши зафар насабли қўшин чодирларининг тикланиш жойи бўлди. Самарқандликлар эса «жасоратга тўла Бобур подшоҳ қайтиб кетиш учун ул манзилни ихтиёр этган» деган тасаввурда бўлиб, шу сабабли кўплаб кишилар Шайхзода дарвозасидан чиқиб, нусрат нишонли ўрду сари юрдилар ва Муҳаммад Чап кўпригигача етиб келиб, жанг сафларини туздилар.

Подшоҳ қўшини аскарлари ҳам жасурлик отининг уруш-саваш пошнасини қаттиқ ниқтаб, душман устига от қўйдилар ва фитна қўзғовчи найзалару қон оқизувчи камон ўқлари зарби билан қиёмат куни аломатини юзага чиқардилар. Жанг майдонининг чанги тез айланувчи фалак авжига етди ва қуёш чехрасини қора парда билан тўсди. Қиличу шамширлар шуъласи темир совут йиртувчи баҳодирлар кўзини хира қилиб «чақмоғининг ёруғлиги кўзларни кетказгудек бўлур»¹ ояти маъносини юзага чиқарди.

Ниҳоят фатҳу нусратнинг иси подшоҳлик мавкабининг йигит-яланглари димоғини муаттар қилиб, Самарқанд қўшини отлари жиловини шаҳар сари бурди. Улардан катта бир тўдаси бахтиқаролик арқонига илиниб, қолганлари не бир ҳийланайранг ва эпчиллик орқасида қутулиб қочдилар. Қўлга тушганлар жумласидан бири Ҳофиз Дўлдой ўғли Муҳаммад Мискин ва яна бири Муҳаммад Қосим Набиранинг укаси Ҳасан Набира эди. Шунингдек, тагин Самарқанднинг ятим ва лавандлари сарбадорларидан бўлмиш Девона Жомабоф ва Кал Қошуқ ҳам ўша куни тақдир панжасига асир тушиб, Ҳожи Пиёда ва Маҳмуд Пиёда қасоси учун ўлдирилдилар.

¹ Қуръони карим, Нур (24) сураси, 43-оятдан.





Бу енгилишдан сўнг қайтиб Самарқанд лашқари шаҳар қалъаси деворидан ташқари чиқа олмадилар. Подшоҳ аскарлари эса дадилланиб, хандаққача борадиган ва шаҳарликларнинг ташқарида ишлаб юрган қулларию канизакларини ўлжа олиб қайтадиган бўлдилар.

Ўша аснода оламни безовчи офтоб Мезон буржидан чиқди ва куз душмани совуқлик дамани уриб, қўлини боғу бўстон талон-торожи сари чўзди. Подшоҳ амирлар ва қўшин бошлиқларига қишлоқ юрти борасида маслаҳат солиб, барчасининг кўнгли ушбу қиш Хожа Дийдор қўрғонида яшаб турмоққа, баҳор фасли бошида яна бир бор Самарқандга келиб, қалъа олувчилик шартларини амалга оширмоққа қарор топди. Шундан сўнг кўчиб, мазкур қўрғонга уланган сайхонлик қутлуғ қўш ташлаш шарофатидан гардун кўкламзорининг рашк этадиган жойига айланди ва қўрғон ичида уй ва қапа қуриш борасида барча бажариши шарт фармон берилди. Фармон ижрочилари буйруқ бўйича амал қилиб, ишлар битказилгач подшоҳ ва амирлару қўшин аҳли Хожа Дийдор қалъасига кирдилар.

Оламни ёритувчи байроқ ойчаси мазкур манзилдан Хожа Дийдор қалъаси буржига кўчиб ўтган куни Муҳаммадхон Шайбоний Бойсунқур Мирзонинг илтимосига биноан Туркистондан илғор қилиб чиққан паҳлавонлик марди майдонларидан бир гуруҳи ҳамроҳлигида ўша сайхонликка етди-ю, Сулаймон маконли ҳазрат Заҳириддин Бобур подшоҳнинг субҳоний тавфиқликда ўша куни қалъага кирганини билгач, ҳайрон қолганича афсус-надоматлар чекди. Ўша вақтда жаҳон аҳли подшоҳи ўз хизматида озгина одами бўлишига қарамай, тўқнаш ва уруш асбобини тайёрлашга киришиб, қалъадан ташқари чиқишга қарор қилди.

Аммо бахтли тақдир Шайбонийхоннинг уруш майдонига тушмоғига йўл бермай, ўзбек хони у ердан кўчиб, Самарқанд томонга йўналди. Бойсунқур Мирзонинг хондан кутган муддаоси ҳосил бўлмагач, унчалик ҳол-аҳволини сўрамади. Шайбонийхон умидсизлик ва ҳайронлик билан йўналиш байроғини Туркистон сари ҳилпиратди.





Шундан сўнг етти ой давомида қалъа атрофидаги сиқувда қолиб, қаттиқ қийинчилик билан кун кечирган ва юзи сари шайбоний хонидан мақсади ҳосиллик эшиклари очилмаган Бойсунқур Мирзо ўз қўшинидан икки юз-уч юз киши билан бирга Амир Хусравшоҳ мулоқоти томон йўналди. Термиз кечувида бориб тушгач, Султон Масъуд Мирзога яқин қариндошлик нисбати бўлмиш ва ул шаҳарда бошқарув байроғини ҳилпиратиб ўтирган Саййид Ҳусайн Акбар босқин-чопқин учун Бойсунқур Мирзонинг ўрдуси томон юзланди. Бироқ Бойсунқур Мирзо аллақачон дарёдан кечиб ўтгани ва ортида озгина одами қолгани сабабли, у фақат ўша бир нечта киши устига бостириб келиб, Бойсунқур Мирзонинг чухраси Муҳаммад Тоҳирни қўлга туширишга муваффақ бўлди. Аскарлари эса озгина ўлжани олиб, орқага қайтиб кетишди. Бойсунқур Мирзонинг олий мавкаби Қундуз атрофига қўш ташлагач, Амир Хусравшоҳ кутиб олиш маросими ва ниёзу нисор лавозимини бажо келтириб, томонлар ўртасида чиройли бир тарздаги учрашув рўй берди.

Бойсунқур Мирзо давлат пойтахтини бўш қолдирган ўша маҳалда саодатга ёр Бобур подшоҳ бу воқеадан хабар топиб, зафар эпкинли байроқни Самарқанд томон ҳилпиратди. Шариф кишилар ва аҳоли олий мавкаб келаётганидан воқиф бўлишгач, тўптўп бир-бири кейинидан ва орқама-орқа истиқболга ошиқдилар ҳамда олий палосни ўпиш шарафига эришгач, қимматбаҳо тухфа ва муносиб тансуқотларни тортиқ қилиб, подшоҳликнинг турли-туман сийлов ва илтифоти билан сарафроз бўлдилар. Ул ҳазрат эса 903 йил рабиулаввал ойи охирида¹ ота-бобосининг пойтахтини қутлуғ жамоли ва талъати² бахти билан фалак гулшани рашк этадиган жойга айлантириб, Самарқанд қалъасининг Бўстонсаройига қўш ташлади ва мағфират паноҳли соҳибқирон Амир Темур тахтгоҳига саодатли қадами шарофати билан Эрам бўстонидек ям-яшиллик ва тозалик бағишлади. Барча ашроф ва каттаконларни Аллоҳ улуғворлиги сояси остида ҳодисалар офтоби куйдиришидан омон бўлажакларига ишонтирди. Азоб-

¹ 903 йил рабиулаввал охири – 1497 йил 27 ноябрь – 26 декабрь.

² Талъат – чехра, юз, жамол.





уқубатда эзилган, турлук меҳнату заҳмат қурбони бўлган бечора фуқарога адолат ёйиш ва аҳвол сўраш билан умид бағишлаб, золимлар ва зўравонларнинг зўлм панжасини уларнинг этагига етмас қилди. Ўз амирларига ҳам имкон борича ғамхўрлик кўрсатди. Шу зайл қудрат байроғи уруш майдони узра омонлик билан кўтарилган кўйи юз кун давомида Самарқанд шаҳри саодатманд подшоҳнинг адолату эҳсони нуридан жаннатсимон бўлди. Шундан сўнг, ҳали қуйида баён этмоқчи бўлганимиз ишлар сабабли, самарқандликлар бундай бахт давлатидан маҳрум бўлиб, нусрат нишонли мавқаб Андижон томон юзланди. Тез орада ул ҳикоят ҳолати ҳам ўқувчи арзига етади ва ширин сўзли қалам бу қисқача баён тафсили борасида саъй-ҳаракат этади.

**БОЙСУНҚУР МИРЗО ВА АМИР
ХУСРАВШОҲНИНГ ҲИСОРИ ШОДМОН
ТОМОН ҚЎШИН ТОРТГАНИ ВА СУЛТОН
МАСЪУД МИРЗОНИНГ ОЖИЗЛИК БИЛАН
ЎТА ҚАЙҒУДА ХУРОСОН САРИ
ҚОЧГАНИ ЗИКРИ**



Бойсунқур Мирзо бир неча кун Қундузда истиқомат қилгач, Амир Хусравшоҳ ёмғир томчилари миқдоридаги қўшин ва кўп сонли сипоҳ билан ул ҳазрат хизматида Ҳисорни эгаллаш учун юзланди. Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, Чағониёнга етгандан кейин Султон Масъуд Мирзо олдига гапга чечан қосидлар юбориб, ҳар хил баҳона ва алдов тили билан «давлат манфаати учун шуниси муносиб кўринмоқдаки, Сиз ҳазрат қалъадан ташқари чиқиб, бу тарафга ташриф буюрсангиз ва укангиз билан бирга Самарқанд фатҳини юксак ҳимматингиз ниятига айлантурсангиз ҳамда аниқким, ул дилга ёқар ўлка эгаллангач, оға-инидан бири мазкур шарафли шаҳарда ўрнашса, яна бирови эса Ҳисорда бошқарув тугини қилпиратса» деган мазмундаги хабарни етказди.

Султон Масъуд Мирзо бу сўзларни эшитиб, бундай таклифни рад этиш ё қабул қилиш қарори ўртасида тараддудла-





ниб, душманнинг макру алдовидан ғофил қолганича, бу воқеа оқибати борасида ўйга толди. Ўша аснода не қилишини билмай қолган бу шаҳзоданинг Амир Шайх Абдуллоҳ Барлосни ўз давлатида тўла ихтиёр эгаси этиб, обрў-эътиборини оширганидан кўнгли қолиб юрган айрим амир ва ичкилар бир-бир, икки-икки Бойсунқур Мирзо ўрдуси сари кета бошладилар. Бойсунқур Мирзо эса буни бўлажак фатҳу зафар аломати англаб, Амир Хусравшоҳ жиловида Чағониёндан Ҳисор томон илғор солди ва саҳар ноғораси чалинадиган вақтда ул қалъанинг атрофини ўраб олиб, қамалга киришди. Ўша тунда Султон Масъуд Мирзо отаси қурдирган Давлатсарой деб аталувчи бинода ётар экан, воқеа нелигидан хабар топгач, қайинотаси Амир Шайх Абдуллоҳ Барлос билан бирга қочишга қарор қилиб, Амударёнинг Ўмож кечувидан ўтди. Илгари зикр этганимиз Султон Ҳусайн Мирзо билан Бадиуззамон Мирзо уруши содир бўлиб турган пайтда Нишин сайҳонлигига етиб, шафқат кўзи диққатига сазовор бўлди.

Амир Хусравшоҳ эса Бойсунқур Мирзони Ҳисорда салтанат ўриндигига ўтказиб, Хатлонни ўз укаси Амир Валига берди. Бир неча кундан сўнг Балхни қўлга киритиш ўйида оёғини узангига қўйиб, Назар Баҳодирни манглай йўсини билан олдинроқ жўнатди. Бу ҳикоянинг тафсилоти эса ўз ўрнида зикр этилажак, иншооллоҳи таоло.

**СУЛТОН МАСЪУД МИРЗОНИНГ МАНСУР
ХОҚОННИНГ ҚИЗИ БЕГИМ СУЛТОНГА
УЙЛАНГАНИ ҲАМДА ХУРСАНДЛИК, ТҮЙ
ВА ШОДЛИК ТАНТАНАСИ ПАЛОСИНИНГ
ЎЙИЛГАНИ ЗИКРИ**

Мансур хоқон Нишин сайҳонлигида фатҳу зафарга эришгач, Бадиуззамон Мирзо Ғур тоғи томон қочиб, уруш-саваш палосини йиғиштирди. Ҳазрат хоқон бу саодатнинг қўлга кирганини Султон Масъуд қадами шарофатидан деб билди ва унга қўлидан келганча меҳрибонлик кўрсатиб, сийлаш пайдан бўлди.





Шаъбон ойининг йигирма еттинчиси¹ шанба куни ғоятда даб-даба ва тантанали йигин ясаб, шаҳзодани жаҳонпаноҳ боргоҳга чорлади. Меросий мулклар озод қилинажаги билан мунгли кўнглини кўтариб, шоҳлик хонадонининг бир каримасига уйлантиражагидан умидвор қилиб, қобилият қоматини тиллодўзи тўн билан безаб, от, тилло тангалар инъоми ва мурод хазинасининг бошқа керак-яроқларини мулозимларининг енги ичига тўқди.

Мазкур ойнинг охирида² пайшанба куни ҳамма бажариши шарт фармонга кўра Хадичабеги Оғо ва исмат пардасининг бошқа хонанишинлари Султон Масъуд Мирзонинг ҳазрат хоқоннинг покиза қизи бўлмиш ва Бобо Оғачанинг олий зотидан вужудга келган Бегим Султон билан уйланишига таалуқли тўй анжомлари учун қутлуғ ўрдудан салтанат пойтахти Ҳиротга кетдилар.

Зулқаъда ойининг бошида³ жума куни шаҳзода ҳам ўша шаҳарга қараб юрди. Ўша ойнинг учинчисида⁴ якшанба куни саййиду қозилар, улуғлару шарифзодалар Боғи Зоғонда йиғилиб, жаноб шайхулислом мавлоно Сайф ул-миллата вад-дин Аҳмад ат-Тафтазоний шаҳзоданинг исми каби масъуд⁵ бир онда никоҳ ўқиб, салтанат авжининг саодат аломатли юлдузини халифалик буржидаги Ноҳид юлдузи билан боғлаб қўйди.

Бир неча кун давомида тўй ва маишат, ўйин-кулги ва хурсандлик палослари ёйилиб, Султон Масъуд Мирзо айни ана шу шодлик ва мақсади ҳосиллик кунлари хоқонликнинг ул бокираси билан биринчи тунини ўтказгач, гул юзли соқийлар қўлидан тотли бода қадаҳларини сипқориб, Ҳиротнинг кўркем жойларида дам олишга киришаркан, тозаю тиниқ шароб билан қувонч гулзорини суғурган сайин бу шаҳзода дилининг ғунчаси гулгун

¹ *Йигирма еттинчи шаъбон* – бу ерда яна хато ёзилган: аслида *йигирма еттинчи шаввол* бўлиши лозим. Яъни, 903 йил *йигирма еттинчи шаввол* – 1498 йил 18 июнь.

² *Мазкур ойнинг охири* – яъни, 903 йил *йигирма тўққизинчи шаввол* – 1498 йил 20 июнь.

³ 903 йил *зулқаъда ойи боши* – 1498 йил 21 июнь.

⁴ 1498 йил 23 июнь.

⁵ *Масъуд* – бахтли.





яшнар эди. Ёқимли овозли муғанний дилнавоз товушни нағмасоз ноҳиднинг қулоғига етказиб, ҳол тили билан шундай дерди:

Назм:

Эй косагул, ялтиратгил май нури-ла жомимизни,
Ҳофиз, айтгил жаҳон бахти безамоқда номимизни.
Биз қадаҳда жонон юзин аксин кўриб яйраялпмиз,
Сен беҳабар қайдан билгунг таъм-лаззатин майимизни?!

Султон Масъуд Мирзо бир неча вақтни мақтов хислатли хоқоннинг давлат ва иқболи соясида чексиз мартабаю иззатда ўтказди. Шундан сўнг ўз ватанини қўмсаб, зафарга паноҳ қўшиннинг бир бўлаги билан йўналиш тизгинини Мовароуннаҳр тарафга тўғрилади. Қундуз теграсига етишганда, Амир Хусравшоҳ макру ҳийла бошлаб, шахзода оддига кетма-кет, изма-из элчи ва мактублар юборди ва итоату бўйсунуш сўзларини изҳор этиб, ул ҳазратга меросий мамлакат салтанати борасида хушxabар берди. Мирзо Султон Масъуд ул маккор вадорнинг алдовига учиб, Қундуз шаҳри сари ошиқди. Бироқ Амир Хусравшоҳ тузлуққа тупуриш йўлини тутиб, ул салтанат кўз қорачиғининг кўзига наштар тортди ва «энди фақат Султон Али Мирзо давлати паноҳида умр кечирсин» дея, саноқлигина мулозимлари билан Самарқанд томонга кузатиб қўйди.

Аммо Султон Масъуд Мирзо мансур хоқоннинг карамига бўлган ишончи сабабли кўп ўтмай, тағин Хуросонга ташриф буюриб, фохира Ҳирот шаҳрида ҳаёт кечири бошлади.

Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбоний Хуросон вилоятларини эгаллаб, Ҳиротга кириб келган вақтда, кўнглида Амир Темур Гурагон авлоди дарахтини қўпориб ташлашдан бошқа муддаоси бўлмаган жаҳонгир Султон Масъуд Мирзони Сарахс доруғаси бўлмиш Имош Мирзога топширди. Имош Мирзо эса уни шаҳид қилиб, Бегим Султонни ўз никоҳига киритди.

Амир Хусравшоҳга келсак, ҳаддан зиёд тошбағир бу одам Султон Масъуд Мирзонинг кўзини вафосизлик наштари билан кўриш қобилиятдан айирган мазкур йилда, Мирзо Султон Масъуднинг Ҳиротга кетган вақтидан бери Ҳисорда ҳукумат юргизиб ўтирган Бойсунқур Мирзо бин Султон Маҳмуд Мир-



зони ўлдириш пайига тушди ва турли-туман ҳийлалар ишлатиб, ул юксак ўринли шаҳзодани қўлга илинтирди ва ҳижрий 905 йилнинг муҳаррам ойида¹ шаҳидлик даражасига етказди. Сўнг Қундуз, Хатлон, Бадахшон, Термиз ва Ҳисори Шодмон вилоятларида мустақил равишда эмин-эркинлик билан ҳукумат юргизишга машғул бўлди. Иншооллоҳ, унинг аҳволи борасидаги воқеалар келажак ҳикоялар асносида қаламга олинажак.

АЪЛОҲАЗРАТНИНГ СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН МИРЗО БИЛАН ЯРАШГАНИ ЗИКРИ

Бадиуззамон Мирзо Шужобек *арғун* билан иттифоқликда Қундуз ҳудудидан Нишин сайҳонлиги томонга илғор солган вақтда Амир Зуннун *арғун* Ғур вилояти яйловида эди. Шунга кўра Бадиуззамон Мирзо Нишин ўлангидан Барсин тарафга ошиқди ва у ердан йўналиш жilовини Амир Зуннун лашкаргоҳи сари бурди. Ул жаноб шаҳзодани кутиб олиб, яхши сифатли зотининг соғсаломат эканини кўргач, Аллоҳ таоллога ҳамд шартларини бажарди ва бўлажак урушга тайёргарлик кўриш мақсадида Қандаҳор, Заминдовар, Ғур, Сохар ва Тулак қўшинини тўплаш учун ён-атрофга чопарлар юборди. Қисқа вақт ичида *арғун* эли ва *ҳазора*, *накудар*, *қилчоқ* қабилалари ва бошқа эл-элатлардан йиғилган каттагина қўшин Мирзо Бадиуззамон ва Амир Зуннун байроғи остидан жой олиб, уруш-саваш ва кураш ишига ҳозир бўлганча хизмат этиш ва жонбозлик қилиш камарини жон белига тақдилар.

Бу хабар фаридун укпарли хоқон арзига етгач, яна бир марта тўнғич ўғлининг таъзирини бериб қўйиш хаёлида Ҳиротрудга қараб юрди. Аммо ўша пайтда жаноб ҳақойиқпаноҳий шайх Жаллолиддин Абусаид Пуроний Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннун олдидан қутлуғ ўрдуга келиб, сулҳ тузиш гапини ўртага солди. Мансур хоқон ярашувга рози бўлиб, шаҳзоданинг кўнглига йўл топишни ният қилди.

¹ 905 йил муҳаррам ойи — 1499 йил 7 август—6 сентябрь оралиғи.

Бу масаланинг баёни шуки, Нишин сайхонлигидаги жанг рўй бермасдан бир неча кун олдин саодатманд мансур хоқон жаноб шайхулислом Сайф ул-миллата вад-дин мавлоно Аҳмад Тафтазоний ва шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний, саййид Фиёсиддин Муҳаммад Садри Гармсир томон юборган бўлиб, улар Мирзо Бадиуззамонга насихат қилиб, шаҳзодани қаршилик саҳросидан чиқариб, келишувнинг катта йўлига солишлари лозим эди. Бу улуғлар Фароҳ ҳудудига етишгач, Бадиуззамон Мирзонинг илғор йўсини билан бузруквор отаси устига қўшин тортганини эшитдилар. Шунга кўра шайхулислом қайтиш жиловини салтанат пойтахти Ҳирот сари бурди. Бироқ шайх Жалолиддин Абусаид ва саййид Фиёсиддин Амир Зуннун ёнига Ғур шаҳрига кетдилар. Ҳали ўша ерда турганларида Бадиуззамон Мирзо Нишин сайхонлигида енгилиб, Амир Зуннунга келиб қўшилди. Шунда шайх Абусаид шаҳзодага ярашув палосини тушаш борасидаги гап-сўзларни айтди. Ул жаноб «Агар ҳазрат хоқон меҳрибонлик қилиб, ўзларига қарашли мамлакатлардан саодат насабли узангим хизматида турган кишиларнинг турмуши қийинчиликсиз кечадиган миқдорини иноят қилсалар¹, мен ҳам итоат ва фармон бажаришлик йўлини тутиб, қуллик ва хизматкорлик занжирини бўйнимга соламан, бўлмаса, сира ҳам ярашмайман» дея жавоб берди.

Шайх қайтишга рухсат олиб, зафарга ёр хоқон ҳали Нишин сайхонлигида турган пайти зулқаъда ойининг йигирманчисида² чоршанба куни ҳашамат қоидали даргоҳга етиб келди ва Бадиуззамон Мирзонинг сўзларини арз шарафига етказди. Сўнг ярашсулҳ битимини мустаҳкамлаш учун ўша вақтда Сидра мартабали бўсафада турган Амир Шайх Али Тағойига қўшилиб, яна Бадиуззамон Мирзонинг ўрдуси тарафга йўл олди.

Зулҳижжа ойининг бошларида³ эса ул йўлбошчилик паноҳли шайх ва амирлик дастгоҳли амир қайтиб келиб «Бадиуззамон

¹ Бу ўринда Бадиуззамон Мирзо давлати эҳтиёжини қондирадиган даражада маблағ (улуфа) ундириш мумкин бўлган юртлардан бир нечасининг тасарруф доирасига киритилишига ишора қилинмоқда.

² 903 йил йигирманчи зулқаъда – 1498 йил 10 июль.

³ 903 йил зулҳижжа боши – 1498 йил 21 июль.

Мирзо Балх вилояти ҳукуматининг илгариги дастур бўйича ўзига тааллуқ топиши лозимлиги, шундагина қайтиб қаршилик иши яқинига йўламаслиги даъвосини илгари сурмоқда» дедилар. Ул ҳазрат бу илтимосни қабул қулоғи билан эшитмади ва Нишин ўлангидан кўзғалиб, Ҳиротруд томон йўналди.

Ҳазрат хоқоннинг Бадиуззамон Мирзо билан урушмоқ учун Ҳиротруд сари кетгани, у ердан эса оти жиловини Ғур вилояти тарафга буражаги хабари салтанат пойтахти Ҳиротга етишгач, ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Алишер «сулҳ яхшироқдир»¹ ояти каримасини бахт аломатли кўзи олдига келтириб, 904 йил муҳаррам ойининг иккинчисида² сешанба куни ярашув ишини йўлга қўйиш ниятида жаҳонни кезувчи ўрдуга қараб кетди. Чоршанба куни Чашмаи Кавён мавзеи атрофида олийшонли хоқоннинг мулозимати шарафига мушарраф бўлиб, ул ҳазратни Бадиуззамоннинг кўнгил розилигини топишга ундади. Бу сўзлар тўла ихлослик билан давлат манфаатларини кўзлаб айтилаётгани учун ҳазрат подшоҳнинг қабул қулоғига йўл топиб, халифа ошиёнлик даргоҳ муншийларига Фароҳ, Сейистон вилояти бошқаруви нишонини Бадиуззамон Мирзо номига битиш борасида қутлуғ фармон чикди.

Бу олий фармон катта муҳр билан безангач, мансур хоқон Амир Шайх Алига шодлик бағишловчи ҳужжатни Бадиуззамон Мирзо ёнига элтиб, илгариги қоида бўйича шаҳзода хизматида туриш ва бир амаллаб шаҳзодани Сейистон ҳукумати билан қаноатланиб, мухолифат ва низо мақомидан кечишга кўндириш топшириғини бериб, ўғли олдига жўнатди.

Сўнг зафарли байроқ муҳаррам ойининг ўн учинчиси³ жума куни салтанат пойтахти сари ҳаракатга келди ва муҳаррам ойининг ўн олтинчиси⁴ душанба куни етишув ёлқинини Жаҳоноро боғи узра таратиб, кундан-кун ортувчи адолати нури салтанат пойтахти Ҳирот ҳудудини ёритди.

¹ Қуръони карим, Нисо (4) сураси, 128-оятдан.

² 904 йил иккинчи муҳаррам — 1498 йил 20 август.

³ 904 йил ўн учинчи муҳаррам — 1498 йил 31 август.

⁴ 904 йил ўн олтинчи муҳаррам — 1498 йил 3 сентябрь.





Шу ўтган воқеалар асносида, юқорида айтганимиздек, мансур хоқон буйруғига кўра ушланиб, мусодара қилингандан сўнг муборак Макка ва пок Мадинага (*Аллоҳ уларни азим ва мукаррам сақласин*) бориб, ҳаж зиёрати бахтига эришган Амир Низомиддин Дарвеш Али муродига етган ҳолда қайтиб келди ва тағин олий зотли хоқоннинг иноят назарига илиниб, олий девон амирлиги мансабига эришди ва Амир Носириддин Абдулхолиқ ёнида муҳр босадиган бўлди.

Бадиуззамон Мирзо қутлуғ фармон етишгандан сўнг Фурни тарк этиб, Сейистон сари кетди. Ул вилоят волийси бўлмиш Муҳаммад Маъсум Мирзо эса йўналиш тизгинини салтанат пойтахти Ҳирот томон тўғрилади.

**МУҲАММАД ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ
АСТРОБОД ТАРАФГА ЙЎНАЛГАНИ ВА
ЯРАТГАН ЭГАМ ТАҚДИРИ ТАҚЗОСИ
БИЛАН МУЗАФФАР ҲУСАЙН
ГУРАГОННИНГ ЕНГИЛГАНИ ЗИКРИ**



903 йил охирларида¹ Муҳаммад Ҳусайн Мирзо яна қайтадан зафар асарли лашкар йиғиб, йўналиш байроғини Астробод тарафга қараб кўтарди. Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагон акаси келаётганидан воқиф бўлиб, Журжон қўшини билан унинг қаршисига чиқди. Мазкур йил зулқаъда ойининг йигирма иккинчиси² жума куни Гунбади Қобус атрофида тарафлар тўқнашуви рўй бериб, ор-номусли ботирлар кураш чангини зангори гумбазга чиқардилар.

Уруш олови аланга олиб тургани асносида ўша куни Музаффар Ҳусайн Мирзонинг танига бир хасталик ёпишиб, ул жанобни қаттиқ тутқаноқ тутди ва бу ҳолат кучайиши аскарларнинг қўлини ишдан қўйиб, жанг майдонини ташлаб қочишларига олиб келди. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ғолиб ва музаффар ҳолда

¹ 903 йил охирлари (зулҳижжанинг охирги ҳафтаси) – 1498 йил 21 июль – 11 август оралиғи.

² 903 йил йигирма иккинчи зулқаъда – 1498 йил 12 июль.





дорилфатҳ Астрободга кириб, Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагон эса Сабзавор вилоятига етгунга қадар оти жиловини қўйвормади.

Бу хабар фохира Ҳирот шаҳрида мансур хоқон арзига етгач, 904 йил сафар ойи охирларида¹ Амир Муҳаммад Бурундук Барлос ва Амир Камолиддин Ҳусайн Али Жалойир буйруққа кўра, Музаффар Ҳусайн Мирзонинг олий мавкабига қўшилиб, бўлажак тўқнашувда ҳамкорлик қилиш учун Сабзавор сари юзландилар. Қутлуғ кўнгилда хоқоннинг шахсан ўзи ҳам ўша тарафга бориш нияти бор эди. Бироқ Абулмуҳсин Мирзо билан Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг отасига қарши мухолифат бошлагани сабабли ул юриш орқага сурилиб, мансур хоқон ночор Марви Шоҳижаҳон сари юзланди.

**АБУЛМУҲСИН МИРЗО ВА МУҲАММАД
МУҲСИН МИРЗОНИНГ ИСЁН ЙЎЛИГА
ҚАДАМ БОСГАНИ ҲАМДА МАНСУР
ХОҚОННИНГ ҒАЛАБА АЛОМАТЛИ
БАЙРОҒИ МАРВИ ШОҲИЖАҲОН САРИ
КЎТАРИЛГАНИ БАЁНИ**



Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг шаҳид этилгани хабари олам аро ёйилган вақтда ва ул оташ қайғули воқеанинг ёвуз учқуни узоқ-яқиндаги халқлар ҳамда турку тожик элининг ички ўчоғига тушган пайтда Хуросон теграсида ҳукумат юргизиб ўтирган шаҳзодалар Хадичабеги Оғонинг айёрилигию макру ҳийласидан қаттиқ қўрқув ва ҳадикка тушиб, мухолифат йўлида Бадиуззамон Мирзога эргаша бошладилар.

Шу жумладан Марв ҳокими Абулмуҳсин Мирзо ўзининг Обиварда салтанат юргизаётган иниси Муҳаммад Муҳсин Мирзо билан иттифоқ ва бирдамликка келишиб, икки томондан элчилар борди-келдиси ва номаю мактублар алмашинуви йўлга қўйилди. Ниҳоят аҳду паймонга эришилиб, кўнгилларида бузруквор отага қаршилик ниятини қарор топтирдилар.

¹ 904 йил сафар ойи охири – 1498 йил 16 октябрь.





Бу хабар 904 йил бошларида¹ салтанат пойтахти Ҳиротга етиб, бахтиёр хоқон нақобат паноҳли, салтанат шиорли жаноб Амир Қавомиддин Ҳасан Сорийни мазкур йилнинг рабиулохир ойида² Абулмуҳсин Мирзонинг душманлик оловини панду насихат суви билан ўчириш ва шаҳзодани укаси олдига одам юбориб, уни ҳам исёндан қайтириш чақирувини амалга оширишга ундаш учун Марвга юборди.

Амир Қавомиддин буйруққа кўра Марвга борди. Аммо унинг элчилигидан фойда чиқмади. Абулмуҳсин Мирзо тайинсиз баҳоналарга ёпишиб олган ҳолда исён ва қаршилик баҳридан ўтмай тураверди. Шунга кўра мансур хоқон бу шаҳзодаларнинг адабини бериб қўйишга қарор қилиб, Хуросон лашкарини тўплагач, жумодилаввал ойининг бешинчиси³ чоршанба куни Жаҳоноро боғидан қўзғалди ва Тахти Сафар манзилига бориб қўнди. Ул манзилдан ҳамма бажариши лозим фармонга биноан Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ва Амир Абдуллатиф бир тўп мард ва жасур жангчилар билан тезлик қанотида Сарахс йўли орқали Марвга йўналдилар.

Муҳаммад Қосим Мирзо ва Амир Низомиддин Алишер, Амир Носириддин Абдулолиқ, Ҳожи Пир баковул шаҳарда қолиб, зафар қоматли байроқ мазкур жумодилаввал ойининг еттинчисида⁴ жума куни Тахти Сафардан Соқи Салмон кўчаси бошига кетди ва уч-тўрт кун ўша бекатда тўхтаб, жумодилаввал ойининг ўн иккинчисида⁵ чоршанба куни Работи Париён мавзеи олиймаконли хоқон қадами барокатидан жаннат боғининг рашкини оширадиган жойга айланди. Ул ҳазрат Работи Париёндан муқаддас Машҳад шаҳридаги Ҳайдар Муҳаммад Мирзо олдига бир чопар юбориб, Амир Низомиддин Шайх Аҳмад Суҳайлий билан биргаликда ул ҳудуднинг қўшинини тўплаб, Кепак Мирзо лақабли Муҳаммад Муҳсин Мирзони тор-мор келтириш учун

¹ 904 йил бошлари — 1498 йил август оyi охирлари.

² 904 йил рабиулохир — 1498 йил 16 ноябрь — 15 декабрь оралиғи.

³ 904 йил бешинчи жумодилаввал — 1498 йил 19 декабрь.

⁴ 904 йил еттинчи жумодилаввал — 1498 йил 21 декабрь.

⁵ 904 йил ўн иккинчи жумодилаввал — 1498 йил 26 декабрь.





Обивардга отланишини тайинлади. Сўнг зафар паноҳли байроқ Санжоб довони офзидаги йўл орқали Марв томон қараб қўзғалди.

Абулмуҳсин Мирзо осмон мартабали мавкаб йўлга чиққанидан хабар топгач, Марв қалъасининг минора ва деворини таъмирлаган кўйи беркиниб урушишга қарор қилди.

Юлдуз ҳашаматли байроқ ойчаси манзилларни босиб ўтгач, етишув партавини Марв шаҳри ташқарисига таратиб, нусрат аломатли аскарлар қамал ва муҳорибани бошладилар.

Абулмуҳсин Мирзо лашкари ҳам қаршилиқ ва мудофаа қалқонини юзлари узра тортиб, шаҳарни муҳофаза қилишда қаттиқ жаҳду жадал кўрсатдилар. Ҳар икки тарафдан ҳам ўқ элчиси борди-келдини бошлаб, пайкон наштари ташқари ва ичкаридагиларнинг жон томирларидан қон оқизарди. Гоҳида сопқон тошларининг зарбаси қалъа минораларидан бирини мажақлаб, кесакларини тўзон заррасидек майдалаб учирар, баъзида эса тўплар оташ учқунини зафар асарли лашкар устига сачратиб, довуракларнинг жонини ёндираар эди.

Уч-тўрт ой давомида аҳвол шу зайл кечди. Шундан сўнг ота ва ўғил жангу жадал муддатининг чўзилаверганидан ҳафсаласи пир бўлиб, икки орада ярашув номигагина сулҳ тузилди. Худо хоҳласа, бу мавзу келгуси сўзлар тартибида яна ҳам ойдинлик топади.

**ҲАЗРАТ СУЛТОННИНГ ЯҚИН КИШИСИ
АМИР НИЗОМИДДИН АЛИШЕРНИНГ
ИСЛОМ ҲАЖИНИ АДО ЭТМОҚ УЧУН
ЙЎЛГА ТУШГАНИ ЗИКРИ ВА ЎША
АЙЁМДА РЎЙ БЕРГАН АЙРИМ ВОҚЕА ВА
ҲОДИСАЛАР БАЁНИ**

Соф қалбли Амир Низомиддин Алишер кўнглида ойдin дин йўлбошчиси кўрсатмаси ва «Ҳақ динга ва тўғри йўлга ҳидоят қилувчи»¹ йўлланмасига кўра, оёқдан бош ясаб ва бу нияти-

¹ Қуръони карим, Аҳқоф (46) сураси, 30-оят.





ни барча муродлари сармоёси билиб, Ҳижоз тарафига бормоқ ва ислом ҳажини адо этмоқ ва ҳазрат расул *алайҳиссалом*нинг муқаддас равзасининг тавофи саодатини топмоқ истаги бор эди. Аммо ул томон эҳромини боғлаб, салтанат тахти эгаси олдига рухсат сўраб кирса, мансур хоқон ул жанобнинг суҳбати, яъни доимо ёнида бўлишларига майли кўплиги сабабли рухсат шарафни бермасди.

Осмон ҳашаматли подшоҳ Марв четини ғалаба якунли лашкаргоҳининг чодирлари тикланган ерга айлантирган ва Абулмуҳсин Мирзо қамалига киришган ушбу кунларда ул соҳиби тавфиқ амир фурсатни ғанимат санаб, бир нечта фозиллар ва Сидра насабли бўсаға мулозимлари билан бирга Разавиянинг муқаддас Машҳади томон равона бўлди. Ҳазрат подшоҳнинг ҳузурида гапириш ҳуқуқига эга мавлоно Абдулҳай табиб Зиёратгоҳийни эса рухсат сўраш учун мансур хоқон олдига юборди. Соф кўнгилли амир Машҳадга етгач, мавлоно Абдулҳайнинг қайтишини кутиб, бир неча кун ул табаррук мақомда сокин турди.

Амир Низомиддин Алишер ўша муқаддас шаҳардалигида олий фармонга биноан Кепак Мирзо билан урушиш учун Обивардга кетган Ҳайдар Муҳаммад Мирзо ва Амир Шайх Аҳмад Суҳайлий енгиллиб, Машҳадга қайтиб келдилар. Ҳазрат султоннинг яқин кишиси жаноб Алишер шаҳзода ва Амир Шайх Аҳмаднинг кўнгилни кўтариш пайдан бўлиб, уларга тортиқ сифатида учқур отлар, нафис буюмлар юборди. Ул урушнинг бошқа қатнашчилари юзи сари ҳам кўнгил сўрашлик ва меҳрибонлик эшикларини очди.

Ўша воқеалар бўлиб турган маҳалда мавлоно Абдулҳай қутлуғ ўрдудан қайтиб келиб, мансур хоқон олдидан бир мактуб келтирди. Мактуб мазмуни шундай эди: «Мавлоно Абдулҳай мақсади ҳосил наввоб¹ назарига етказган хатдан ул ҳидоят хислатли олийжанобнинг муборак Макка томонга йўналиш хаёли борлиги аён бўлди. Гарчи файз аломатли кўнгил риояти бу илтимосни

¹ *Наввоб* — бу сўз кўпинча салтанат эгаси, ҳукмдор маъносида келади. Бу ерда Султон Ҳусайн Мирзо назарда тутилмоқда.





ижобат иззатиға етказишимни тақозо этаётган эрса-да, яна бир томондан муборак сафарни ихтиёр этишда йўл хавфсизлиги-га қаттиқ риоя қилиш шартлиги ҳам ёрқин хотирга келмоқда. Чунончи, ҳақиқатларни кўрсатувчи ақлга аён бўлсинки, ушбу вақтларда фитна ва тўс-тўполон чанги томчиларининг кетма-кетлиги сабабли иккала Ироқ ва Озарбайжон вилоятлари шу даража нотинчки, ундан ортиғини тасаввур қилиш қийин. Агар яна бир марта аъло кўнглимиз ризолиги мулоҳазасини қилиб, бу сафарни ҳозирча тўхтатиб туриб, бу тарафга ташриф буюрсалар, бу ишдан ҳам хўжастасифат мулоқот замони янгиланар, ҳам қачон йўллардаги хавфсизлик хабари ойдинлашса, шундан сўнггина йўлга тушсалар мақсадга мувофиқ бўларди»¹.

Иноят услубли марғуб мактуб Амир Низомиддин Алишернинг мутолаасига етгач, ул олийжаноб пайғамбар авлодлари ифтихори Имом Ризо мақбарасининг нақиблари ва саодатли улуғлари билан маслаҳатлашди. Бу жамоанинг барчаси бир офиз ва кўнгиладан дин ва давлат манфаати учун тўғри ишни ул жанобнинг зафарли ўрду томон бориши ва бир амаллаб, мансур хоқон билан Абулмуҳсин Мирзо орасида ярашув сурати юз кўрсатишига эришишда билдилар.

Шуларга кўра ҳазрат султоннинг яқин кишиси баҳор фасли бошларида² олиймиқдор ҳазрат имом Мусо ар-Ризонинг Машҳадидан Марви Шоҳижаҳонга равона бўлди. Сарахс ҳудудига етишгандан кейин маълум бўлишича, нусрат аломатли байроқлар Марв қалъаси ташқарисидан қўзғалиб, Сарахс қасабасига келаётган экан.

Бу воқеанинг сурати шуки, Марв шаҳри қамали уч-тўрт ой давом этиб, аммо фатҳу зафар қомати мурод ойнасида кўринавермагач, ниҳоят ҳазрати хоқон сулҳга мойил бўлган. Абулмуҳсин Мирзо ҳам қалъа мудофааси айёми чўзилаверганидан ҳафсаласи пир бўлиб, бузруквор отаси олдига элчи юборган ва музокара олиб бориш учун Амир Низомиддин Дарвеш Алини

¹ Бу мактубдан кўчирма «Равзат ус-сафо»нинг Хондамир томонидан битилган еттинчи жилдида тўлиқ келтирилган.

² 1499 йил март ойи.





ёнига чақиртирган. Жаноб Амир Низомиддин Дарвеш Али эса олий фармонга биноан шаҳарга боргач, шаҳзода унга «Агар мансур хоқон гуноҳимдан ўтиб, қайтиш тизгинини салтанат пойтахти Ҳирот томон бурадиган бўлса, мен пешкаш тайёрлаб, йўналиш юзини халифалик тахти пойига қаратаман» деган. Амир Дарвеш Али олампаҳо даргоҳга қайтиб келиб, Абулмуҳсин Мирзонинг сўзини арзга етказган. Шаҳзоданинг илтимоси қабул даражасини топиб, қутлуғ мавқаб Сарахс томон ҳаракатланган.

Шу зайл Бозиргонтепа манзилида ҳазрат султоннинг яқин кишиси жасурлик далилли қўлни ўпиш билан сарафроз бўлиб, турли-туман лутфларга эришди. Икки-уч кундан сўнг амир жаноблари Аллоҳ даргоҳининг яқини Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг (*сирлари муқаддас бўлсин*) нурга тўла мозорининг супурувчилик мансабини тилаб, салтанат пойтахти Ҳирот тарафга қайтиш учун рухсат сўради. Шунда мансур хоқон: — Модомики, Сиз менинг мамлакатимда ватан тутиб, муқим ва турғун турар экансиз, нимани илтимос қилсангиз, ўша нарса албатта ижобат иззатини топажак, — деди. Сўнг ул жанобнинг қобилият қоматини қимматбаҳо тўн билан безаб, кетишга ижозат берди.

Сўфийсифат, соф қалбли амир Ҳиротдаги табаррук масканга ошиқиб, салтанат пойтахти Ҳиротга келгач, шаҳарнинг улуғ саййидлари, катта шайхлари, қозиларию олимлари, фозиллару ашрафзодалари ва аъёнларини Гозургоҳдаги файзосорли мозор бошига тўплади ва катта бир ош бериб, дарвешлик ва гўшанишинлик йўлида тўғри қадам бўлиш ниятида улардан мадад тилади. Сўнг барча ҳимматини мутабаррик Ансория масканини обод ва таъмир қилишга сарфлаб, ул қувонч якунли мақомнинг нафақа олувчилари ва ходимларини турли хил инъом ва эҳсонлар билан сийлади. Ул жаннат кўринишли мақбаранинг дарвеш ва мужовирларига ғамхўрлик қилиш эшикларини кенг очди.

Шу воқеалар рўй бериб турган маҳалларда музаффар туғли подшоҳ ҳукми бўйича йиллар давомида Ҳирот ҳокимлиги ва доруғалигини бошқариб келган Султон Аҳмад Мирзо ҳамда Амир Носириддин Абдулоҳиқ бин Амир Аҳмад бин Амир Ферузшоҳ





йўналиш байроғини охират сафари сари кўтардилар. Бу мусибат соҳиблари расм бўйича таъзия ва мотам маросимини ўтказиб, фуқарога ошу таом бердилар ва яратган эгамнинг каломи хат-мини адо этдилар.

АМИР ХУСРАВШОҲНИНГ ҚАЙТАДАН ИСЁН КЎТАРГАНИ ЗИКРИ ҲАМДА НАЗАР БАҲОДИР ВА ҲАЙДАР ҚАЛАНДАРНИНГ ЎЛДИРИЛГАНИ БАЁНИ

Олий маконли хоқон Марв ташқарисида ўтириб, Абулмуҳсин Мирзони қамалда тутиб турган қиш фаслида Амир Хусравшоҳ фурсатни ғанимат билиб, чексиз сонли қўшин билан қуббатулислом Балх ҳудудига бостириб келди. Иброҳим Хусайн Мирзо лашкар озлиги сабабли эҳтиёт йўлини тутди ва шаҳарга қамалиб олиб, урушиш мақсадида сира ташқарига чиқмади. Бу эса Амир Хусравшоҳнинг жасорати ортишига сабаб бўлиб, Қундуз қўшинидаги аскарлар Андхуд ва Шибирғон вилоятларида қўлни талон-торож сари чўздилар ҳамда қуббатулислом Балх қалъаси атрофида истиқомат чодирини тиклаб, бор кучлари билан қамал ишига киришдилар.

Бир неча кун давомида эрталабдан кечга қадар шаҳарнинг ичидан ва ташидан баҳром қаҳрли жангчилар уруш-саваш эшикларини бир-бирлари юзи сари очар ва ўлим асарли ўқ ва сопқон тошини отишаркан, бир-бировларининг фано бўлиши ва йўқлик қаърига кетишлари учун тиришар эдилар. Баъзида Иброҳим Хусайн Мирзо қўшинининг баҳодирлари жасурлик қадами билан қалъадан ташқари чиқишар ва қилич, найза зарбидан қундузликларнинг умр кунини ажал шомига улар эдилар.

Шу жумладан бир куни Амир Хусравшоҳ томонидан жасурликда Қундуз ва Бақлоннинг бошқа шижоатлиларидан устунлиги билан ажралиб турувчи Назар Баҳодир ҳужум қилиб, хандақ четигача келди. Иброҳим Хусайн Мирзо тарафидан Амир Тангриберди *Сомончи* шаҳардан ташқари чиқиб, душманларни тормор қилиш учун енг шимарди ва икки орада жуда қаттиқ бир





жанг бўлиб, Амир Тангриберди ғалаба қозонди. Назар Баҳодир эса енгилиб, оти тизгинини Амир Хусравшоҳнинг лашкаргоҳи сари бурди. Амир Тангриберди унинг орқасидан қувиб, битта ўзи Назар Баҳодирнинг кетидан етиб олди. Назар Баҳодир орқага қайрилиб, қиличини қасос қинидан суғурганча ул рустам қудратли паҳлавонга ҳамла қилди. Амир Тангриберди Аллоҳ ёрдами билан душманнинг қиличини қалқон билан қайтариб, шамширнинг бир зарби билан Назар Баҳодирни эгардан ер тубан қулатди. Иккинчи бир қилич солганида эса ишини бир ёқли қилиб, мақсадга эришганча осмон юришли тавсани жиловини қалъа томон бурди.

Бу ҳодиса рўй берганидан Амир Хусравшоҳ аскарларининг кўнгли чўкиб, руҳлари тушди. Балх халқи эса дадилланиб, юраклари тетик тортди. Иброҳим Хусайн Мирзо Амир Тангрибердини турли хил лутфлар билан сийлади – от, олтин, қимматбаҳо тўн инъоми билан ул даврон ботирларининг сараси димоғини чок, вақтини хуш қилди.

Алқисса, мансур хоқон Марвдан қайтиб Сарахс ҳудудида турган пайти Амир Хусравшоҳнинг исён кўтариб, Балхни қамал қилаётгани хабарини эшитди. Ночор Мирзо Муҳаммад Маъсумни Амир Умарбек ва икки минг нафар қилич урар, найза санчар отлиқ билан бирга илғор йўсинида Балх томон юборди. Ғалаба нишонли мавқаб ҳам улар кейинича ҳаракатга келди.

Амир Хусравшоҳ олий мартабали подшоҳ келаётганидан воқиф бўлгач, сабот ва қарор оёғи қалтираб, Қундуз тарафга чекинди. Муҳаммад Маъсум Мирзо воқеани Чечакту манзилдан хатга битиб юборди. Шунда ҳамма бажариши шарт фармон чиқиб, Амир Носириддин Умарбекнинг Балхга бориб, Иброҳим Хусайн Мирзога кўмакчи бўлиши, Муҳаммад Маъсум Мирзонинг эса қайтиб келиб, яна қутлуғ мавқабга қўшилиши топширилди. Шундан сўнг олий байроқлар Бодғис яйлоғи сари юриб, Бобо Хокий манзили зафар асарли лашкаргоҳга айланди ва қутлуғ қадам шарофатидан ўзгарувчан фалак рашкини келтирди. Ўша аснода Амир Ҳайдар қаландар Амир Хусравшоҳ ёнидан олампаноҳ даргоҳга элчи бўлиб келди. Хоқоннинг сиёсат қўли эса унинг ҳаёти палосини ўраб-чирмаб йиғиштира қолди.





Амир Ҳайдар аҳволининг қисқача ҳикояси эса шуки, у Султон Абусаид Мирзо Сарахсда ўлдирган Амир Саййид Оқонинг¹ ўғли бўлиб, Амир Саййид Оқо Амир Алишернинг тоғаси эди. Амир Ҳайдар таъби соғлом ва зеҳни ўткирлиги, юз чиройлиги ва шижоати кўплиги билан Хуросоннинг бошқа амирзодаларидан устунликка эга эди. Шундан мансур хоқон салтанати бошидаёқ уни тарбият назарига илинтириб, халифа ошёнлик даргоҳ ичкилари қаторидан жой берди. Амир Алишер Астро-бод вилояти бошқаруви билан сарафроз бўлган кезларда бу қариндошини ўзи билан бирга олиб кетаркан, ул мамлакатнинг ҳокимлик мансабини Амир Ҳайдарга бермоқчи эди. Аммо, Амир Ҳайдар юқорида ёзиб ўтганимиздек, элчилик билан Журжондан Ҳиротга борганида, телбалиги кучайгани натижасида ҳаётда бўлмаган сўзларни ҳазрат хоқон арзига етказгач, жазоланиб, қамоққа тапланди. Қамоқдан қутулгач, хизмат ишидан четланиб, қаландарлик либосини кийди. Бир тўда қаландарлар унинг оёғига бош қўйиб, Амир Ҳайдар Ҳиротнинг Ийдгоҳига яқин ерда жойлашган Чашмаи Моҳиён майдони бошидаги дарвеш ва қаландарлар тақияси биносида манзил тутди. Бир-икки навбат ул фоҳира шаҳарнинг бозорларини гир айланиб, аҳолининг каттаю кичигидан кўп пул ва буюм ундириб, барчасини қаландарлар ва йўлдошлари учун сарфлади. Сўнг қуббатулислом Балхга борди. Иброҳим Ҳусайн Мирзо унга шафқат назари билан боққач, Амир Ҳайдар Шоҳнинг олий даргоҳида² ватан тутиб, ул мақбаранинг барча ишларини ўз қўлига олди. Ўша аснода бир куни сулук аҳли тизимида жой олган ва Иброҳим Ҳусайн Мирзо қаттиқ эътиқод қилувчи Дарвеш Вали ул жаннатга менгзар равза тавофи учун қадам ранжида қилди ва Амир Ҳайдарга учрашмасдан туриб, нурга тўла мозорга ошиқди. Бу иш Ҳайдар қаландарга

¹ *Амир Саййид Оқо* – бу исм «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий матни ва бошқа бир қанча манбалар нашрида «Мир Саид Оқо» шаклида берилган. «Саййид» ва «саид» сўзлари орасида катта фарқ бўлиб, биринчиси пайғамбар авлодларига тааллуқли нисбани англатади. Шу сабабли бу фактни жиддий ўрганиш зарурати юзага келиб қолмоқда.

² *Шоҳнинг олий даргоҳи* – ҳазрат Али (Шоҳимардон)нинг мақбараси «Мозори шариф» кўзда тутилмоқда.



оғир ботиб, олий даргоҳ ходимларига Дарвеш Валини ушлаб, оёғи остига икки юз дарра уришлари ва ошхона хизматига мажбур қилишларини буюрди. Муборак ҳарам ходимлари худди айтилгандек қилишди. Шунга кўра Иброҳим Ҳусайн Мирзо Амир Ҳайдарга жазо бериш қасдига тушди. У эса ўз вақтида Балхдан қочиб чиқиб, Қундузга борди. Амир Хусравшоҳ унга иззат-икром кўрсатди. Айтиб ўтганимиздек, Амир Хусравшоҳ хоқони мансурнинг келаётганини эшитиб, Балх қамалини ташлаб, қалъа ташқарисидан қўзғалган кўйи Қундузга чекингач, Амир Ҳайдарни элчилик йўсини билан халифа ошёнлик даргоҳга юборди.

Ҳайдар қаландар мансур хоқон билан учрашаман деб келганида эса, айримлар «Ҳайдар қаландар Амир Хусравшоҳнинг мажлисида ҳамиша олампаҳоқ даргоҳ мулозимлари ғийбатини қилади ва уни хоқонга қаршилик йўлига ундайди» деган сўзларни арзга етказдилар. Мансур хоқон ана шу етказилган гаплар асосида уни осмонўпар даргоҳга йўлатмадилар. Шу билан Ҳайдар қаландар бир неча кун ҳибсда ушланиб, сўнг қатлга етди. Амир Низомиддин Алишер бу хабарни Ҳиротда турганида эшитиб, жуда ғам-ғуссага ботди ва одам юбориб, жиянининг жасадини Бобо Хокий манзилидан Чашмаи Моҳиён иморатига олдириб келди. Фарзандлари ва яқинларига имкон борича ёрдам кўрсатди.

Амир Хусравшоҳга келсак, у 904 йил охирида¹ Бойсунқур Мирзонинг хавфидан чўчиди ва Балх юриши баҳонаси билан ул соҳиби саодат шаҳзодани ўзига қўшиб, йўналиш байроғини кўтарди. Уможга² етгач, 905 йил муҳаррам ойи ўрталарида³ ул соҳиби қарам подшоҳни шаҳидлик даражасига етказди. Бойсунқур Мирзо 882 йили⁴ Ҳисори Шодмонда туғилган бўлиб, ул ҳазрат адолат ва инсоф, илму фазл бобида ўз замонаси кишиларида устунлик қиларди. Настаълиқ хатини яхши битарди. Наққошлик соҳасидан ҳам воқифлиги бор эди. Таъби соғломлиги туфайли гоҳида шеър-

¹ 904 йил охири – 1499 йил августнинг биринчи ҳафтаси.

² Умож – Амударёнинг Термиз рўпарасидаги кечув жойи.

³ 905 йил муҳаррам ойи ўртаси – 1499 йил 23 август.

⁴ 882 йил – 1477 йил 15 апрель – 1478 йил 4 март оралиғи.





лар ҳам назм қиларди. Ўткир зеҳни меваси билан фазилат аҳли юрагига ҳузур-ҳаловат ва лаззат бағишларди.

Алқисса, Амир Хусравшоҳ куфрона неъматлик билан шундай ярамас ва тубан ишга қўл ургач, Қундуз, Бағлон, Хатлон, Бадахшон, Ҳисори Шодмон вилоятларида мустақиллик билан ҳукмронлик қила бошлади. Унинг аҳволи келгуси ҳикоялар асносида зикр қилинажак ва интиқом олувчи жабборнинг қасос қиличи билан ўлдирилгани қора ёзувли қалам тилидан жорий бўлажак, иншооллоҳ.

**АБУЛМУҲСИН МИРЗО ВА МУҲАММАД
МУҲСИН МИРЗОНИНГ ҲАШАМАТГА КОН
ХОҚОНГА ҚАРШИ ЧИҚИШ УЧУН
БИР-БИРИ БИЛАН ҚЎШИЛГАНИ ҲАМДА
УЛАРНИНГ ҲАЛВО ЧАШМА МАВЗЕИДА
ЗАФАР НИШОНЛИ МАВКАБ
МУЛОЗИМЛАРИ ҲУЖУМИДАН
ЕНГИЛГАНИ ЗИКРИ**



Мансур хоқон Марв ташқарисидан кўчиб, Сарахсга қараб кетган ва Сарахсдан ҳам йўналиш жиловини Мурғоб дарёси бўйи томон бурган вақтда қалъа мудофааси кунлари чўзилганидан юраги сиқилган Абулмуҳсин Мирзо Марв шаҳрини ишончли амирларидан бирига топширди ва ўзи бир нечта мард ботирлар ҳамда уруш тўқайининг шерюрак кишилари билан бирга йўналиш юзини Кепак Мирзо мулоқоти сари қаратди. Обивард ҳудудига етгач, Кепак Мирзо акасини эъвоз-эҳтиром билан кутиб олиб, сочқи сочиш ва назаридан тортиқлар ўтказиш маросимини яхши бир тарзда қойиллатиб адо этди. Салтанат ва подшоҳликнинг ул икки дури бир буржда ёнма-ён жой олиб, жаҳонгирлик ишларини йўлга солиш борасида маслаҳат қуръасини ўртага ташладилар ва кўнгилни бузруквор отасига қарши урушмоққа қаратиб, беш-олти минг нафар жасур отлиқ жангчи тўпладилар.



Бу хабар Бобо Хокий манзилида турган шараф авжининг қуёши қулоғига етиб, Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекни рияят ва тарбиятнинг аъло даражасига етказди ва салтанат пойтахти Ҳирот ҳукумати мансаби билан сарафроз этиб, ўша томонга жўнатди. Шундан сўнг зафар аломатли мавқаб шаҳзодаларнинг тугён оловини ўчириш учун Обивард томонга йўналди. Мансур хоқон шариф табиатидаги заифликка қарамасдан давлат қуввати билан маҳофага ўтириб, масофаларни жуда тез суръатларда босиб ўтиб борарди.

Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо жаҳон олувчи байроқ етишуви яқинлашганидан хабар топишгач, Обиварддан ташқари чиқиб, олам кезар отлари жоловини Нисо вилояти томон қаратдилар. Мансур хоқон йўл асносида ўғиллари келаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, тўқнашиш ва урушиш мақсадлари йўқ, аксинча, ноиложликдан қочишни ихтиёр қилиб «ўз вақтида қочиш ҳам ғалабадир» калимаси нақшини кўнгиллари саҳифасига битишган, деган тасаввурда бўлди. Шунга кўра Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагон, Ҳайдар Муҳаммад Мирзо, Ибн Ҳусайн Мирзо ва Амир Шужоиддин Муҳаммад Бурундук Барлосни зафар иқтибосли аскарнинг аксар қисми билан улар истиқболи учун юборди. Ўзи эса юриш тезлигини сусайтириб, аста-секинлик билан йўналиш туғини ҳилпиратиб кетаверди.

Шаҳзодалар Ҳалво Чашма манзилига етганларида, тасаввур қилинганига тескари равишда, Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг ўта кеккайган ҳолда уруш-савашни кутиб туришгани ва қалб, маймана, майсара қисмларини тартибга келтириб, кўнгилни жанг оловини ёқмоққа қаратишганини эшитдилар. Ноилож, булар ҳам қўшинни тайёрлашга киришиб, Музаффар Ҳусайн Мирзо Гурагоннинг нусрат нишонли байроғи ойчаси гул қисм уфқидан порлаб чиқди. Баронғорда Ҳайдар Муҳаммад Мирзо туриб, жавонғорга Ибн Ҳусайн Мирзонинг вужуди мустаҳкамлик бағишлади.

У томонда эса Абулмуҳсин Мирзо лашкарнинг қалбида жой олди, Кепак Мирзо баронғорда шавкат байроғини кўтарди, Иброҳим Тархон жавонғорда турди. Шу тартиб билан ҳар икки



қўшин юзни уруш майдони сари қаратди ва Ҳалво Чашма даштида тарафларнинг яқинлашуви катта тўқнашувга айланиб, жанг кунининг довяораклари бир-бири устига ташландилар. Шу заҳотиёқ бир неча ёшларнинг жон томоғи ўлимнинг тахир шаробидан аччиқ бўлди. Кўзни тикар ўқ пайкони диллар фавворасидан булоқ-булоқ қон оқизди ва юракни куйдирувчи найза шуъласи ой юзликлар жонини олов қаърига итқитди. Сув ялтирашли шамшир ширин сўзли хушсурат барно йигитлар қонини ариқ-ариқ қилиб оқизди. Аждар кирдорли найзалар каклик юришли ботирларнинг қомати ниҳолини қулатиб, ҳалокат тупроғи узра ётқизди.

Назм:

Қонсочар қилучи ханжар зарбидан,
Фитна қўзғатувчи ўқлар ҳарбидан,
Ботирман деганлар алвон қонидан,
Ариқ оқди Ҳалво Чашма даштида.

Ўша даҳшатли кунда шаҳзодаларнинг жавонғоридан Иброҳим Тархон нусрат нишонли қўшиннинг баронғорига ҳамла қилди. Ҳайдар Муҳаммад Мирзо ул зарбага дош бера олмай, оти жилловини қочиш водийси сари бурди. Кепак Мирзо ўз лашкари ўнг қаноти билан Ибн Ҳусайн Мирзо устига бостириб бориб, ул шаҳзода ҳам енгилди. Фул қисмда турган Музаффар Ҳусайн Гурагон аҳволни бу тариқа кўргач, у ҳам акаларига эргашмоқчи бўлиб, жанг майдонига орқа ўгирмоқни истаганди, аммо Мирзо Султон Али Қорасоқол шаҳзоданинг оти жилловини ушлаб, ул ишига қаршилиқ қилди ва «агар жанг майдони олий мавкабдан холи қолса, муҳолифлар яна ҳам дадил тортиб, бу қочиш бадбахтлиги касри ҳазрати аълога ҳам тегади» деди. Шундан сўнг Музаффар Ҳусайн Мирзо кўнглини уруш сари чоғлаб, маҳкам қадамлик қилди.

Мансур хоқон Ҳалво Чашма саҳросининг чеккасидаги тепаликда ёнида Хожа Шамсиддин Муҳаммад мунший, Хожа Шаҳобиддин Исҳоқ садр ва бир нечта нависанда¹, мирохўрлар, ахтачилар, югурдак болалар жамоасидан бўлак бошқа ҳеч ким-

¹ Нависанда – солиқчи, танобчи кабилар ва тарихчилар ёнида ёзиш-чизиш ишларини бажарувчи.



сасиз турган бир пайтда ғалаба аломатли сипоҳнинг баронғор ва жавонғори қочганидан хабар топди. Шунда мансур хоқон туғма ботирлиги етуклиги ва азалий иноятга ғоятда инонганидан маҳофадан чиқиб, танидаги хасталикка қарамасдан, жанг кийимини кийди ва бошига дубулға қўндириб, Дулдул¹ рангли, оташ юришли отга минди ва оти жиловини елувчи шамол тезлигида уруш майдонига тўғрилади. Ёнидагилар қутлуғ ноғора ва бурғу садоларини баланд янграддилар ва сурон солиб, ғалаба аломатли байроқларни кўтардилар. Шу тариқа мазкур дарадан чиқишгач, Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг кўзлари зафар тароватли байроқ ойчасига тушиб, рустам ҳашаматли хоқоннинг тоғ сағрили отга мингани, ҳиммат белини уруш азми билан қаттиқ боғлаганини ишонч билан англаганларидан сўнг, қудрат устунлари ларзага келиб, зафар насими эса хоқонлик байроғи сари эса бошлади. Ул икки подшаҳзоданинг ҳар бири бир тарафга қараб қочди.

Абулмуҳсин Мирзо Марвга кетди, Кепак Мирзо Астробод томонга от қўйди. Жамшид мартабали қўшин қочоқлари воқеани эшитгач, қасос қиличини қинидан чиқариб, яна уруш майдони сари юзландилар ва шаҳзодаларни анча ергача қувиб бориб, соғомон қайтиб келдилар. Мансур хоқон ғамхўр эгамга ҳамду санолар айтиб, фақир мискинларга назру садақалар улашди ва ул жангда қаҳрамонлик кўрсатган жамоага инъомлар бериб, Хуросон теграсидаги шаҳарларга фатҳномалар ёздириб юбортирди.

ОЛИЙ МАКОНЛИ ХОҚОННИНГ ЖУРЖОН ТОМОН ҚУТЛУҒ ЮРИШИ ВА ҚАЙТИШ ЧОҒИ БАДИУЗЗАМОН ИСЁНИ САБАБЛИ ТЕЗЛИКНИ ОШИРГАНИ ЗИКРИ

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Астрободни Музаффар Ҳусайн Гурагоннинг қўлидан тортиб олган замондан бери Астрободга юриш уюштириш мансур хоқоннинг қутлуғ қалбида яширин-

¹ Дулдул – Мисрнинг христиан ҳукмдори Муқавқис ислом пайғамбарига совға қилиб юборган, ҳазрат пайғамбар эса уни ҳазрат Алига берган от номи.



ган доимий орзу бўлиб келаётган эди. Аммо Хуросон юртларида юзага чиқиб турган турли хил воқеалар тўсқинлик этаётгани сабабли ул муддао амалга ошмай қолаётганди. Кепак Мирзо Астрободга қочиб кетган ҳамда оға-инилар ўртасида муҳаббат ва ўзаро бирдамлик палослари тўшалган Ҳалво Чашма жангидан сўнг музаффар туғли мансур хоқон ул юришга қарор берди ва йўналиш юзини Астрободга қаратди.

Бу хабар Муҳаммад Ҳусайн Мирзога етиб, шаҳзода изтироб селоби тагида қолди ва Кепак Мирзо ҳамда бир гуруҳ хос амирлар билан маслаҳат қуриб, Атрек дарёси бўйига йўналди ва ул сарҳаднинг туркманлари орасига кетди. Астрободдан Хуросон тарафга юзланган Кепак Мирзо эса йўл асносида укаси Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг ўрду бозорини талаб ва дарғазаб арслон сингари ҳеч қўрқувсиз ул вилоят ҳудудига кириб бориб, воқеани Абулмуҳсин Мирзога билдирди.

Бу хабарлар мансур хоқон арзига етгач, Машҳад ҳукумати фармонини Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг номига ёздириб, ул шаҳзода оддига юборди ва лутфу марҳамат тили билан «оталик ҳақ-ҳурматини оёқ ости қилиб, нусрат нишонли мавкаб мулозимларига қарши урушган эсанг-да, биз аслий шафқат ва зотий меҳрибонлигимиз қалами билан ул гуноҳларинг саҳифаси устидан кечирим чизигини тортдик ва муқаддас Машҳад ҳамда унга қарашли ерлар ҳукумати бошқарувини сен азиз фарзандимизга бердик. Эндиликда илгари содир этган ножўя қилмишларингдан пушаймонлик ва надомат ила воз кечиб, бундан буёғига хизмат шартларини бажармоғинг лозим ҳамда ул мамлакатни адолат ва халқпарварлигинг шарофатидан обод ва тўқ-фаровон қилмоғинг даркор» дея айттирди.

Мансур хоқоннинг айттириб юборган сўзлари ва мазкур фармон Муҳаммад Муҳсин Мирзога етгандан сўнг, шаҳзода хурсанд ва шод бўлиб, Машҳад сари ошиқди ва қадамини фармон бажарувчилик водийси аро босиб, шундан сўнг ундан қуёш ҳашаматли хоқон кўнгли оғринишига сабаб бўлувчи ҳеч бир ёмон иш содир бўлмади.



Мансур хоқон бир нечта манзил ва бекатларни ортда қолдириб, Астробод ўлкасини қутлуғ қадами шарофатидан Эрам боғи рашк этадиган жойга айлантирди. Ўн-ўн беш кун марҳамат қанотини ул мамлакат аҳолиси бошлари узра ёйиб, халққа яхшилик қилиш шартларини адо этди. Ўша аснода салтанат пойтахти Ҳирот шаҳридаги Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек олдидан бир чопар келиб «Бадиуззамон Мирзо бало-офат якунли кўшин билан Ҳирот атрофига келиб тушиб, исён ва бошбошдоқлик тутунини авжга чиқарди. Эндиликда ул шаҳар атрофида чодир ва ўтов қуббасини қуёш ва ой тепасигача кўтариб, Амир Зуннун Арғун билан бирдамликда ҳимматини Хуросон мамлакатларини эгаллашга қаратган» дея арзга етказди. Мансур хоқон бу хабарни эшитгач, Астробод ҳукумати нишонини мавлоно Шамсиддин Алишоҳ Синдий муншийга тутқазиб, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо олдига юборди ва ул шаҳзодага фойдали насихат ва дилга ёқар пандлар битилган бир хат ҳам жўнатди. Сўнг яшин ва ел тезлигида қайтиш байроғини кўтариб, Исфароинга етгач, ул вилоят бошқаруви жиловини Амир Бадриддиннинг қудрат қўлига топширди ва манзилма-манзил кўниб, Сабзаворга ошиқди ва ул шаҳар ҳукуматини тобе еру музофотлари билан бирга Музаффар Ҳусайн Мирзога берди.

Мавлоно Шамсиддин Алишоҳ Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг ҳузурига етгач, олий фармонларни шаҳзодага кўрсатиб, элчилиги шартини адо этди. Ул ҳазрат эса шу зайл яна Астрободни ўз салтанати қароргоҳи қилиб олди ва Журжон лашкарини йиғиб, мағрурлик ва улуғлик байроғини кўтарди.

**БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ
ДОРИССАЛТАНА ҲИРОТНИ ЭГАЛЛАШ
УЧУН ҚЎЗҒАЛГАНИ ВА ЗАФАР ОЯТЛИ
БАЙРОҚ ҚАЙТГАНИДАН СЎНГ МУРҒОБ
ТАРАҒГА КЕТГАНИ БАЁНИ**

Шижоатли хоқон Абулғозий Султон Ҳусайн Баҳодир Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг қаршичилигини орадан аритмоқ учун оти жиловини Астробод томон бурган вақтда Султон Бадиуз-

замон Мирзо Сейистондан, Амир Шужоиддин Зуннун Замин-довардан Ғур яйловига қараб юрдилар ва Хуросон вилоятларини эгаллаш қўйига тушиб, ҳазора ва накудар, қилчоқ қўшинини тўпладилар. Маслаҳатдан сўнг юриш байроғини кўтариб, чексиз сонли қўшинлар билан Ҳиротруд вилоятининг Бой¹ тумани устига қараб юрдилар ва мансур хоқон давлатининг қай бир устунни ва амирига тааллуқли ғалла ва мол-ҳолдан қанчаси қўлга илинса, барчасини тортиб олгач, у ердан йўналиш жиловини муқаддас Ғиёсия Лангари томон бурдилар. Ул мулк девонидан ҳам кўп қўй ўлжа олиб, салтанат пойтахти Ҳирот сари юзландилар.

Бу воқеа хабари тарқалгач, Ҳирот шаҳрида турган Амир Низомиддин Алишер ва Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек ҳамда бошқа амирлар ҳайрат ва қайғу денгизига чўкдилар ва шаҳар қалъасининг минора ва деворларини маҳкамлаб, шаҳар атрофидаги туманлар аҳолисини ҳам ичкарига киритган ҳолда беркиниб ўтиришга қарор қилдилар.

Бадиуззамон Мирзо Убаҳ қишлоғига етишгач, Амир Зуннун лашкар манглайи йўсинда олдинроқ кетди. Ҳирот шаҳрига туташ туманларнинг ўз боғларида қолган айрим аҳолиси Амир Зуннуннинг ёлғиз ўзи келаётганини кўриб, Бадиуззамон Мирзо қайтиб кетган бўлса керак, шу сабабли Амир Зуннун ул ҳазратнинг ёрдамисиз Ҳиротни қамал қилмоқчи, деб ўйладилар. Шундан сўнг шаҳарга келиб «Амир Зуннун озгина қўшин ва кўп мағрурлик билан яқин келди, агар амирлар унга қарши урушиш учун ташқари чиқишса, гумонимизча душман албатта қочиб кетади» дедилар.

Ўша пайтда Муҳаммад Маъсум Мирзо ҳам Чечакту томондан Ҳиротга келди ва шу тариқа Амир Муҳаммад Валибек ёрдамга эришиб, икки-уч минг отлични ясаб тайёр қилди ва Муҳаммад Маъсум Мирзо ҳамда Саййид Абдуллоҳ Мирзонинг узангиси хизматида уруш учун шаҳар қалъасидан ташқари чиқди. Қўшиннинг қалб қисмида Муҳаммад Маъсум Мирзони қўйди, ўзи маймана (ўнг қанот) қисмда туриб, майсара (чап қанот) қисми Саййид Абдуллоҳ Мирзо ва Амир Бобо Али билан мустаҳкамлади.

¹ Бу атама баъзи ўринда «Баё» шаклида келган.





У томондан Султон Бадиуззамон Мирзо Беклакхона манзили атрофида Амир Зуннун билан қўшилди ва ош тортиб турилган пайти қоровулар «ёғий қўшинининг қораси кўринди» деган хабарни келтиришди. Ўша лаҳзадаёқ Амир Зуннун ёнидаги арғун лашкари билан бирга оёғини узангига қўйиб, қутурган арслон каби уруш тўқайига юзланди ва Нишин сайхонлиги атрофида тарафлар яқинлашуви тўқнашишга айланди. Сурнай ва сурон овози кайвон айвонидан ошиб, ҳар икки томондан уруш ўрмонининг арслонлари адоват қиличини қиндан суғуриб, бир-бирлари устига ташландилар. Жанг майдони чанги тез айланувчи фалак сари ўрлади, куёш юзини ер ниқоби остига яширди. Найза тили ажал хабарини ёш-яланлар қулоғига айтар, ўлим аломатли ўқ паҳлавонлар юрагини Бадахшон лаълидек тешарди. Бошёрар шамшир бир зарб билан бош тепасидан то киндиккача ёриб, ботирлар жони ўша тешиқдан ташқари чиқиб, охираат оламига шитоб ила ошиқарди.

Ўша аснода Султон Бадиуззамоннинг юрт олувчи байроғи етишув нурини уруш майдони узра таратди. Ҳиротликлар бу ҳолатни кўргач, қўллари ишдан тортилиб, диллари қиндан чиқди. Дастлаб Саййид Абдуллоҳ Мирзо ва Амир Бобо Али қочдилар. Шундан сўнг Муҳаммад Маъсум Мирзо ва Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек ҳам қочмоқни ихтиёр этдилар. Муҳаммад Маъсум Мирзо ва Саййид Абдуллоҳ Мирзо шаҳарга киришни маъқул топмай, юзни қутлуғ ўрду сари қаратдилар. Аммо Амир Муҳаммад Валибек бошқа қочоқлар билан шаҳарга кирди ва дарвозаларни ёпиб, минораларни ишончли кишиларга топширди.

Султон Бадиуззамон Мирзо музаффар ва мансур ҳолда Нишин сайхонлигига қўш ташлаб, бир неча кундан кейин у ердан кўчиб, Пули Молон мавзеига бориб ўтирди. «Уруш қилмай туриб, ҳиротликлар шаҳарни менга топширадилар» дея тама қилгани учун вақтини муросою мадорани йўлга қўйиш билан ўтказиб, қўшинга уруш учун рухсат бермади.

Қирқ кун шу тариқа кечгач, мансур хоқоннинг қайтиб келаётгани хабари тарқалди. Амир Низомиддин Алишер Бади-





уззамон Мирзо олдига элчи ва мактублар юбориб, уни отаси билан урушишдан чўчитди ва Ҳирот ташқарисидан кўчиб, яна вайронагарчилик ва балолар ўти аланга олмаслиги учун хоқон билан ўрталарида учрашув рўй бермайдиган бирор тарафга кетишини илтимос қилди. Шаҳзода ул илтимосни қабул қилишни маъқул билиб, Пули Молондан Пули Солорга қараб кетди. У ердан йўналиш жиловини Мурғоб дарёси тарафга бурди.

Уч-тўрт кундан сўнг хоқоннинг зафар аломатли байроқлари етишув нурини Ҳирот ён-тевараги узра таратиб, амирлар, улуғлар, акобиру ашроф кутиб олиш шартларини бажариш учун оёққа қалқдилар. Мансур хоқон барчадан ҳол-аҳвол сўраб, кўнгилларини хуш ва димоғларини чоғ қилди. Амир Муҳаммад Валибек ва қамал кунлари жасурлик кўрсатган жамоани эса ўзининг кўп иноят ва илтифотига сазовор этгач, давлату иқбол билан Боғи Жаҳонорога қўш ташлаб, маишат ва шодлик навосини осмонга етказди.

ҚУББАТУЛИСЛОМ БАЛХ САЛТАНАТИНИНГ СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН МИРЗОГА ТОПШИРИЛИШИ ВА ИБРОҲИМ ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ МУЗАФФАР ТУҒЛИ ХОҚОН ТАХТИ ПОЙИГА ҚАЙТИБ КЕЛГАНИ ЗИКРИ

Султон Бадиуззамон Мирзо Ҳирот шаҳри ташқарисидан кўчиб, Мурғоб дарёси бўйига кетгач, Бодғис ва Чечактунинг барча лашкарини фатҳ оятли байроғи остига тўплади. Шужобек *Арғун* ҳам Қандаҳордан хизматига келиб, олий ўрдуда азим бир йиғин бўлди.

Ўша маҳалда мансур хоқон буйруғи билан Марвчоқ қалъасида ҳукумат юргизиб ўтирган Берди *Бахши* қалъани топширишдан бош тортгач, Шужобек ул қўрғонни қамал қилиш учун юзланди. *Ҳазораю накудар* ва зафар асарли лашкарнинг бошқа кишилари тўра ва чапарларни бошлари узра тортдилар ва қўлни ўқу камон сари чўзиб, жасурлик ва мардоналик қадами билан ул мустаҳкам қалъа томон юрдилар. Амир Берди *Бахши* тонгдан то ярим кун-



гача мудофаага машғул бўлиб, ниҳоят қаршилиқ қилишдан ожиз қола бошлади. Шужобек бор кучини ишга солиб, Марвчоқ қалъасини эгаллашга муваффақ бўлгач, Амир Берди Бахшининг бўйнига занжир солиб, оёғини эса синдириб Бадиуззамон Мирзо олдига жўнатди. Ул ҳазрат Берди Бахшининг гуноҳидан ўтиб, озов қилишларини буюрди.

Мансур хоқон Ҳирот шаҳрида ўтираркан, олий зотли фарзандининг кўп қўшин тўплагани ва катта имконга эга бўлганидан хабар топиб, қаттиқ қайғуга ботди. Чунки ўша вақтда нусрат нисбатли қўшин эндигина Астробод юришидан ҳориб-толиб қайтган, чарчаган жанговар отлар ҳам ориқлаб, мадордан қолган эди. Шу жиҳатдан бир неча вақт дам олмасдан туриб, яна сафарга чиқиш ва Бадиуззамон Мирзога қарши уруш қилишга кучлари етмасди. Мансур хоқон султонликнинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер билан маслаҳат қилиб, сулҳ тузиш борасида бош қотирди. Мавлоно Фасиҳиддин Соҳибдоро Астрободийни ул ишни йўлга қўйиш учун Мурғоб дарёси бўйига юборди. Жаноб Соҳибдоро ўша ерда Султон Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннуннинг мулозимати шарафига етиб, яхши бир сўзлар билан ўз элчилигини адо этаркан шаҳзодани бузруквор отаси итоатига ундади. Ул ҳазрат оталиқ ҳуқуқи мулоҳазаси юзасидан сулҳ ва тинчликка мойил бўлиб, икки ўртада яна бир неча бор элчилар борди-келдиси амалга ошгандан сўнг иш шунга қарор топдики, Балх ва унга қарашли Амуя дарёси бўйидан то Мурғоб дарёсигача бўлган ерлар мустақил суратда Бадиуззамон Мирзониники бўлади ва ул вилоятларда бу азиз шаҳзоданинг атоқли номи хутбада ҳазрат хоқоннинг қутлуғ исми билан ёнма-ён тилга олинади. Бундан сўнг ота ва бола томонидан мухолифат ва исённинг ярамас йўли юзага чиқарилмайди.

Аmmo шундан сўнг мансур хоқон «Иброҳим Ҳусайн Мирзо Балхда тургани ва бир неча бор Амир Хусравшоҳга қарши курашиб, ул вилоятни душмандан сақлаб қолгани сабабли мабодо бу шаҳзода ул ўлкани акасига бермайман деб туриб олса ва шу жиҳатдан бошқа бир бузғунчилик қўпса» деган хавотирга



тушди. Шунга кўра «Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ тезлик билан Балхга борсин ва мазкур муносиб иш юзага чиқиши учун шундай қилсинки, Иброҳим Ҳусайн Мирзо ул шаҳарни топшириш масаласида жанжал қилиб ўтирмасин ҳамда Ҳирот томонга қўзғалиб, бузруквор отасига қўшилсин» деган буйруқ берди. Хожа Абдуллоҳ тезда буйруқни бажаришга киришиб, Бадиуззамон Мирзонинг ул ҳудудга етиб боришидан олдин Иброҳим Ҳусайн Мирзонинг ҳузурига етди ва шаҳзодани бузруквор отаси мулозимати ва итоатига мойил қилиб, Балхдан ташқарига олиб чиқди.

Йўл асносида донгдорлик авжининг ул икки дури бир-бири билан учрашиб қолиб, Иброҳим Ҳусайн Мирзо нисор ва пешкаш шартларини адо этди. Бадиуззамон Мирзо укасини меҳрибонлик қучоғига олиб, бағрига босганича ҳол-аҳвол ва кўнгил сўраш тили билан сийлади. Сўнг Бадиуззамон Мирзо комрон ва комёб ҳолда куббатулислом Балхга қараб юрди. Амир Умарбек шаҳзода хизматида қолиб, Иброҳим Ҳусайн Мирзо эса мансур хоқон мулозиматига кетди.

Султон Бадиуззамон Мирзонинг байроғи ойчаси ул вилоят уфқидан балқиб чиққач ва марҳамату меҳрибонлик қаноти Тохаристон ўлкаси аҳолиси боши узра соя солгач, Амир Хусравшоҳ ўз элчиларини шойиста тухфалар ва муносиб тортиқлар билан шаҳзоданинг нурли назарига юборди ва итоату ихлосмандлик изҳорини қилиб Қундуз, Бағлон, Термиз, Ҳисори Шодмон, Қабодиён, Хатлон, Бадахшон мамлакатларида хутба ва тангани ул ҳазратнинг номи билан безади. Бадиуззамон Мирзо Амир Хусравшоҳнинг элчиларини турли-туман хусравона лутфлар ва подшоҳона марҳаматлар билан сийлади ва қимматбаҳо тўн, от, олтин ва бошқа нафис буюмлар билан қалбларини ифтихорга тўлдириб, бошларини баланд қилди. Амир Шужоиддин Зуннун Арғун ва унинг ўғли Шужобекка эъзоз-эҳтиром кўрсатиб, кетишлари учун рухсат берди. Сейистон ҳукуматини Амир Зуннуннинг укаси Амир Султон Али Арғунга иноят қилиб, ғоят улуғворлик билан фармон берувчилик байроғини ҳилпиратди.



МУҲАММАД ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ ЯНА
 БИР БОР ТУҒЁН ВА ИТОАТСИЗЛИК
 ВОДИЙСИГА ҚАДАМ БОСГАНИ ҲАМДА
 ХОҚОННИНГ ЗАФАР АЛОМАТЛИ
 БАЙРОҒИ ИККИНЧИ МАРТА АСТРОБОД
 ТОМОН ЮЗЛАНГАНИ БАЁНИ

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Астробод мулкида ўрнашиб олиб, ул шаҳарнинг теварак-атроф туманларини ҳам забт этгач, Хуросоннинг бошқа ерларини ҳам эгаллаш кўйига тушди. 905 йил охирларида¹ шижоат асосли қўшин билан Исфароин тарафга юзланди ва тўсатдан Амир Бадриддиннинг уйини ўраб олиб, ул уруш тўқайининг арслони олдига одам юборди ва уни итоату бўйсуннишга чақирди. Амир Бадриддин мансур хоқоннинг тарбияти ҳақ-ҳуқуқини риоят қилиб, бошини шаҳзоданинг итоат ҳалқасига киритмади ва ёнидаги озгина кишиси билан қўлни ўқу камон, қиличу найза сари чўзиб, Астробод аскарларига қарши уруш бошлади. Амир Бадриддин худди қутурган шер каби уларга ҳамла қиларкан, ўқ ва қилич зарби билан баҳодирлар кўксидан дарча очарди. Аммо Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг лашкари кўп бўлгани учун улар амирни ўраб олиб, ён-атрофидан кетма-кет ва пайдар-пай қоничар найза ўқталиб, баҳром қасосли қилич сермашар ҳамда ўша аснода «олишувни тўхтатсин ва азиз жонини бекорга ҳалокат ёқасига олиб келмасин» дея омонлик сўрашини уқтириб, уни шаҳзода лутфидан умидвор ҳам қилишарди. Амир Бадриддин эса сира ҳам ул сўзларни қабул қулоғи билан эшитмасди ва шу зайл то сувдек ялтироқ қилич зарбидан шаҳидлик шарбатини татигунига қадар олишди.

Музаффар Ҳусайн Мирзо Сабзаворда Муҳаммад Ҳусайн Мирзо исёни ва Амир Бадриддиннинг ўлдирилганидан хабар топгач, укасига қарши жанг қилишга жазм қилиб, Сабзавордан ташқари чиқди ва Муҳаммад Қосим Барлос бин Амир Шужоиддин Муҳаммад Бурундуқни жасур қўшиндан бир бўлаги би-

¹ 905 йилнинг охири — 1500 йил июнь охири — июль боши.

лан бирга манглай йўсинида олдинроқ юборди. Амир Муҳаммад Қосим *Барлос* Дарвеш Муҳаммад Кўкалтош сардорлик қилаётган Астробод лашкари муқаддимаси билан тўқнаш келиб, икки орада жанг бўлди. Амир Жоку авлодидан бўлмиш ул яхши хулқли амирзода уруш олови аланга олган аснода дайди ўқ захмидан ҳалок бўлди. Дарвеш Муҳаммад Кўкалтош зафар ва ғалабага эришиб, Музаффар Ҳусайн Мирзо қўшинидан анчасини аёвсиз қилич тивидан ўтказди. Бир қисмини эса асир олди.

Қочоқлар шаҳзода лашкаргоҳига келгач ва рўй берган воқеани арзга етказгач, одамлар орасига оғзи олалик оралаб, Музаффар Ҳусайн Мирзо буюғига тўхтаб туриш мажolini топмади ва Зова вилояти тарафга юзланиб, Турбат қасабасигача оти жиловини қантармади. Кепак Мирзо ҳам бу хабарни эшитгандан кейин Машҳадни бўш қолдирди ва йўналиш байроғини Нисо ва Обивард томонга қараб кўтарди. У томондан Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Хуросон мамлакатини бўм-бўш кўриб, Астрободдан Нишопур ва Сабзаворгача ерларни зафарли қўшинининг жавлон уриш майдонига айлантирди. Бироқ адолат тариқасига риоя қилиб, халқни талаш, шаҳар ва қишлоқларни вайрон этишдан бутунлай тийинди.

Бу хабарлар пойтахт Ҳиротда миш-миш бўлгач ва мансур хоқоннинг онг нури ул воқеалар кайфияти узра таралгач, тан заифлиги ва кексалик шартлари бадан шахристонини истило қилганига қарамай, хусравона ғайрати кўплиги ва подшоҳона ҳамияти чексизлигидан фатҳу ғалаба нури ичра ёпиқ маҳофага кириб, Амир Низомиддин Алишер ва Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекни Ҳиротда қолдирди ва 906 йил муҳаррам ойида¹ Ҳиротрудга юзланиб, йўналиш байроғини Астробод томон кўтарди.

Йўл асносида Музаффар Ҳусайн Мирзо ва Амир Муҳаммад Бурундук *Барлос* ҳамда бошқа вилоятларнинг ҳокимлари қутлуғ мавкабга қўшилдилар ва Хуросоннинг барча қўшини зафар насабли узанги мулозиматига йиғилиб, дуо айтган ва ҳамду сано ўқиган ҳолатда белни хизматга боғладилар.

¹ 906 йил муҳаррам ойи – 1500 йил 28 июль – 26 август оралиғи.





Нусрат аломатли қўшиннинг келаётгани хабари Муҳаммад Ҳусайн Мирзога етгач, тўхташни маъқул кўрмай, яна оти жилловини қочиш водийсига бурди.

Ҳазрат хоқон манзиларни босиб ўтгандан ва бекатларни ортда қолдиргандан сўнг Астрободга кириб бориб, марҳамат ва эҳсон қанотини Журжон ўлкаси аҳолиси боши узра ёйиб, адолат ва инсоф палосини тўшаш, бидъат ва зўравонлик расминини эса йўқотмоқ учун киришиб, илгариги дастурга биноан сарафрозлик ва халқий сийлаш биносини тиклади.

Ўша аснода Муҳаммад Муҳсин Мирзо ҳазрат хоқоннинг шафқат ва меҳрибонлиги етуқлигига ишониб, бузруквор отаси мулозиматини истади ва сўзамол элчиларни салтанат ошиёнли даргоҳга юбориб, юрагидагини арзадошт қилди. Мансур хоқон бу ишдан ғоятда қувониб, шаҳзоданинг элчиларини турли-туман инъомлар билан сийлади ва уларга қўшиб истимолатномалар¹ юбораркан, азиз ўғли мулоқоти борасида иштиёқ изҳор этди.

Муҳаммад Муҳсин Мирзо муборак мактубларни ўқигач, қутлуғ ўрду томонга қараб қўзғалди. Мансур хоқон Амир Муҳаммад Бурундуқни шаҳзода истиқболига тайинлаб, илҳом баёнли тилидан «ҳеч бир манзилда эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик йўли тарк этилмасин, чунки Муҳаммад Ҳусайн Мирзо жуда яқиндир. Тўсатдан Кепак Мирзога етиб олиб, ҳужум қилиб қолмасин тагин» қабалидаги сўзларни жорий қилди.

Амир Муҳаммад Бурундуқ масофаларни босиб ўтгандан сўнг шаҳзода ҳузурига етди ва пешкаш тортиб, мансур хоқон тилидан меҳрибонлик сўзлари ва ғамхўрлик гапларини арзга етказди. Шаҳзода амирга нисбатан иззат-икром кўрсатиб, унга тизгиндош ҳолда йўналиш туғини олий ўрду томон ҳилпиратди. Бироқ ўта мағрурлик ва ғафлат билан йўл юрар экан, Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг шундоқ яқинида эканига писандсизлик билан қараб, отаси уқтирганига хилоф равишда эҳтиёт ишига ҳеч бир риоя қилмади.

¹ *Истимолатнома* – сийлов ва ўз томонига оғдириш хатлари.



Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бу ишдан хабар топиб, у томонга илғор солди ва Кепак Мирзонинг кўпчилиги аскарлари сомон ва арпа излаб, ҳар тарафга тарқалиб кетган бир манзилда укаси ўрдуси яқинига етиб келди. Муҳаммад Муҳсин Мирзо акаси Муҳаммад Ҳусайн Мирзо кўшинининг қорасини кўриб, энди бу ерда қолиш имкони йўқлигини билди ва Амир Муҳаммад Бурундуқ ҳамда ўз амиру давлати устунлари билан бирга отланиб, қутлуғ ўрду томонга қараб қочди. Барча от, туя, чодир, ўтов, буюм, юкларини эса Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ўлжа олиб, Атрек дарёси бўйига қайтиб кетди.

Мансур хоқон ўзининг нурли кўнглидан нима нарса ўтган бўлса, ўшанинг азиз ўғлига нисбатан рўй берганини эшитгач, улуғ амирлар ва Осаф ҳашаматли вазирларга Кепак Мирзонинг турмушига зарур буюм, асбоб-ускуналарни қутлуғ хоссадан бутлаб, истиқболга юборишлари, шунингдек, давлат устунларидан ҳар бири эса ўз ёнидан шаҳзоданинг хос амирларидан биттаси учун турмуш асбобини тайёрлаб юбориши борасида фармон берди. Фармон шу ҳукм бўйича бажарилиб, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Муҳаммад Муҳсин Мирзодан нима нарсаларни ўлжа олган бўлса, бирпасдаёқ худди ўша тарздаги буюмлар қутлуғ ўрдуда муҳайё қилинди. Улуғ амирлар ул ашёларни шаҳзода олдига юбориб, шундан сўнг истиқбол маросимини адо этдилар. Кепак Мирзо Пули Сангин кўприги бошида музаффар хоқон кўлини ўпиш саодатига эришиб, ўтган қилиқларидан узр сўраб, тавба изҳор қилди ва турли-туман мушфиқлик, меҳру марҳамат кўриб, фахру ифтихор ҳиссини туйди ва манзилати қадр ордиди. Музаффар туғли хоқон фармонига кўра олий девон амирлиги мансаби саодатманд шаҳзодага тааллуқ топди.

Ғайб оламининг йўлбошчиси кўрсатмаси ва фазо хотифининг иршоди билан Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг кўнглига бузруквор отасига қаршилиқ йўлида юрганидан қаттиқ надомат ва афсус қайғуси тушди ва ҳазрат подшоҳдан узр сўраш учун гапга чечан элчиларни мўл-кўл тортиқлар билан олампаноҳ даргоҳга юборди. Кечиримли хоқон ул фарзанднинг узрларини ҳам яхшилик билан қабул қилиб, оталик шафқати томирлари жўш урди ва

қайтадан Журжон салтанатини унга берадиган бўлиб, элчиларнинг икки орада бир неча бор амалга ошган борди-келдисидан кейин ва аҳду паймон устунлари тиклангач, олий маконли мансур хоқон қайтадан ул мамлакат бошқаруви нишонини шаҳзода олдига юборди. Сўнг жоҳу жалол қароргоҳига қайтишга қарор қилиб, оти жilовини Хуросон томон тўғрилади.

Йўл асносида Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг қобилият қоматини тиллодўзи хилъат ва мурасса ханжар билан безаб, қайтадан Тус, Машҳад, Обивард, Нисо, Ёзир, Дурун вилоятлари бошқарувини унинг тўғрилиқни кўрсатувчи ақлига тааллуқ топтираркан, кетиши учун рухсат берди. Сўнг изғиринли совуқ ва ёфингарчилик кўплигига қарамай, тез суръатлар билан юришни давом эттирди.

**ҲАЗРАТ СУЛТОННИНГ ЯҚИН КИШИСИ
АМИР НИЗОМИДДИН АЛИШЕРНИНГ
ЎТКИНЧИ УЙДАН МАНГУЛИК САРОЙИГА
КЎЧИБ ЎТГАНИ ВА ХОҚОННИНГ ҒАЛАБА
БЕЛГИЛИ БАЙРОҒИ ИҚБОЛУ МАҚСАДИ
ҲОСИЛЛИК ТАХТГОҲИГА КЕЛИБ
ТУШГАНИ ЗИКРИ**

Сўзамоллик манзумаларини назм этувчиларнинг фазилат аломатли кўнгиллари уфқидан ушбу маъноларнинг оламни ёритувчи қуёши балқиганким, жаноби жалоли субҳоний инсон табақалари шарифларини «Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик»¹ шарафига мушарраф қилиб ва «Эй Одам фарзанди, Биз сен учун оламни яратдик, сени эса шу олам учун яратдик» хитоби шарофати билан уларнинг мубоҳот бошини самовот авжига етказган. Демак, бу янглиғ азиз тўхташ уйи ва иқтидор кенглиги эътиборсиз бекат ва ўткинчи жойдан ўзгача ер бўла олмайди.

Байт:

Дунё роса кичик доно наздида,
Ё қадринг қуёши заррадан майда.

¹ Қуръони карим, Ал-исро (17) сураси, 70-оятдан.



Балки ифтихор хилъатлари «Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик»¹ нақши билан безанган юксак шаънли ва баланд мақомли тоифага муносиби бир неча йилдан ортиқ бу серташвиш манзилда тура олмаслиги шунинг гувоҳидир. «Эй жон рози бўлган ҳолда қайт»² нидосини эшитгач, ҳеч эътиборсиз равишда юқори жаннатнинг кўнгили очар боғига кўчиб ўтиб, ҳиммат қадами билан заҳмат ва қўйилик торлигидан чексизлик кенглигига йўналадилар ва басират кўзи билан малакут оламини томоша қилиб «қудратли подшоҳ ёқтирганлари ёнида»³ ором оладилар.

Байт:

Дунёйи фонийга кўнгили қўймагил,
Бошқа масканларда қасрларинг бор.

Бу ўхшатишга тартиб беришдан ғараз нималиги ва кимнинг мунгли воқеасини битмоқ мақсад қилинганини ориф ва олим ўқувчимиз яхши билиб турибди. Мушкин саллали қалам мотам либосини кийиб, ул мусибатнинг кайфиятини қўйидаги иборалар билан ёзув тизимига терадиким, жумоидилохир ойининг бешинчиси⁴ душанба куни ой юришли бир чопар олий ўрдудан салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келди ва юлдуз мартабали мавкаб тезлик қаноти билан салтанат пойтахти сари йўналгани борасидаги хушxabарни етказди. Бу қувонч аломатли хабар насимлари эсишидан қиш фаслининг қалбида ул диёр аҳолисининг орзу боғи ям-яшиллик ва кўркамлик топиб, халқнинг хос ва авоми юракларини шодлик ва хурсандлик туйғулари қамраб олди. Сешанба куни⁵ пешин намози пайти зафарга ёр ҳазрат хоқоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер улуғ ва иззатли кишилардан бир гуруҳи ҳамроҳлигида истиқбол йўсини билан йўлга тушиб, чоршанбага ўтар оқшоми Работи Париёнда манзил тутди.

Эртаси куни⁶ у ердан Работи Поёбга ташриф буюриб, ўша мақомда қутлуғ мавкабнинг етишуви яқинлашганини эшитди

¹ Қуръони карим, Ал-Исро (17) сураси, 70-оятдан.

² Қуръони карим, Вал-фажр (89) сураси, 28-оят.

³ Қуръони карим, Қамар (54) сураси, 55-оятдан.

⁴ 906 йил бешинчи жумоидилохир – 1500 йил 28 декабрь.

⁵ 1500 йил 29 декабрь.

⁶ 1500 йил 30 декабрь.





Сўнг ҳазрат султоннинг яқин кишисининг томир уриши ва юзида сакта¹ аломатлари сезилиб, табобат илмидан хабардор бир гуруҳ кишилар «касаллик соғайиши учун шу ердаёқ бемордан қон олиш лозим» дейишди. Аммо табобатдан лоф-қоф уриб юрувчи мавлоно Абдулҳай Туний буларга қарши туриб «даволашда хато рўй бермаслиги учун Ҳиротга борилгач ва табиблар йиғилгач, кейин муолажани бошлаш керак» дея туриб олди.

Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ иккинчи фикрни тўғри санаб, ҳазрат султоннинг яқин кишисини маҳофага ётқизиб, йўл сари юзланаётган пайтда олий мартабали Амир Алишернинг неъматлари денгизига фарқ бўлган бу давлатхоҳ банда ташвишга тушиб, Хожа Абдуллоҳ арзига «касаллик зўрлиги шу даражадаки, агар қон олиш ишида кечикиш юз берса, сўнг [бу хатони] тузатиб бўлмайди» дедим.

Хожа Абдуллоҳ жаноблари иккиланиб қолиб, мансур хоқон олдига бир чопар юборди ва ҳол кайфиятини айттирди. Ул ҳазрат эса «[Хондамир]нинг айтгани бўйича иш тутиб, бемор томиридан [ўша ердаёқ дарҳол] қон олинсин» дея буюрди. Аммо чопар қайтиб келгунича ва қон олувчини топгунича уч фарсах масофани босиб ўтгани боисидан фурсат қўлдан берилиб, шу сабабли қортиқ қўйиб қон олинганида, беш-олти сер дан ²кўп қон чиқмади ва касаллик зўрайгач, ул жанобни пайшанбадан жумага ўтар кечаси ярим тунда уйига элтдилар.

Эртаси тонг³ билан барча табиблар йиғилиб, яна бир марта қон олмоқчи бўлдилар. Аммо иш қўлдан чиққани учун бирор фойда бермади. Ўша лаҳзадаёқ мансур хоқон ҳидоят насабли амирнинг ёстиғи бошига ташриф буюрди ва амирни бутунлай онг-хушсиз ҳолда кўриб, дилни ўнганмас воқеага чоғлаганича кўз фавворасидан ёш томчиларини оқизди.

Шанба куни касаллик кучайиши олдингидан кўпроқ бўлиб, якшанба куни⁴ тонгида пок руҳининг қуши бадан қафасини син-

¹ Сакта — юрак хуружи, инфаркт.

² Беш-олти сер — 400 грамм.

³ 1501 йил 1 январь.

⁴ 1501 йил 3 январь.





дирди ва жисмоний тан торлигидан мангулик боғининг кўркам кенгликлари сари парвоз этди.

Рубойи:

Дариг, бу жаҳондан пок ошиқ кетди,
Қандай пок келувди, ўшандоқ кетди.
Руҳи билим овлар лочин қуш эди,
Шоҳ¹ чорловин сезиб, учибоқ кетди.

Шарқ қуёши худди мотамзадалар ичидан чиққан андуҳ шуъла-си каби ботиндан кўриниш берган тонг пайти бу меҳнат аломатли хабар Ҳирот шаҳри аро ёйилди ва хосу авомнинг ички ўчоғига ғам-алам учқуни тушди. Амиру вазир, кексаю ёшнинг доду фарёд ноласи овози айланувчи гумбазни ларзага солди. Зангори осмон ул таъзия соҳибларига ҳамдард бўлиб, булутнинг зангори либосини эгнига ташлаб, кўз ёши ўрнига ёмғир томчиларини оқизишга тушди. Чуқур билимли олимларнинг иззат салласи бошдан тушиб, энди кимдан яхшиликлар кўрамиз, дея ҳайрону мот қолдилар. Ҳурмати лозим бўлган фозилларнинг сабру чидам тўнлари йиртилиб, бундан кейин кимнинг мажлисига боришни билмас эдилар.

Бу воқеа зарбасидан ларзага тушмаган тоғнинг бағритошлигига офарин-ей, бу мунгли ҳодиса аламидан юлдузлар тўпини ғамзадаларнинг кўз ёши каби ерга ёғдирмаган осмоннинг бераҳмлигига қойил-ей!

Назм:

Нега фалак кўздан тўкмади қон ёш?
Нега равшан порлар ой билан қуёш?
Кунларнинг тизими узилмас нега?
Жаҳоннинг ой, қуни камаймас нега?

Мансур хоқон ҳамда маҳди улё Хадичабеги Оғо ва бошқа маликалар ўша лаҳзадаёқ ҳазрат султоннинг яқин кишиси уйига ташриф буюрдилар. Саййидлар, шайхлар ва олимлар ҳам йиғилиб, тенгсиз баданини ойдин шарият қондаси бўйича ювдилар ва раҳмат андозали жанозасини Ҳирот Ийдгоҳига элтиб, намоздан сўнг ул турли-туман хайриялар йиғиндисининг мана шу иш юзасидан қурдирган Жоме масжиди шимолидаги баланд-

¹ Шоҳ – бу ерда Худои таоло маъносига.





ва мақсади ҳосил хоқоннинг мулозимати шарафини топишга бўлган қувончнинг чексизлигидан тўлқинланиб, ўша туннинг кўп вақтини уйқусиз ўтказди. Тақдир отбоқарлари турғун ва сайёр осмон жисмларининг подшоси – қуёшнинг олтин тусли маҳофасини айланувчи осмон тавсанига ўрнатган маҳалда соғ-саломат отланиб, ўша кечаси мансур хоқоннинг қўш ташлаган ери бўлмиш Амир Муҳаммад Валибек работига қараб юрди ва озгина масофани босиб ўтгач, саодат насабли узанги мулозимлари тўда-тўда бўлиб, илгарироқ келиб, ул жанобнинг қўлини ўпиш билан сарафроз бўдилар ва ўзлари ҳам сийловга эришдилар.

Хожа Аббос номи билан танилган мавзеда маҳфуф маҳофа мақтов хислатли хоқоннинг давлат ва иқболи билан узоқдан кўриниб, олийжаноб улуғвор сипоҳий Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ олдинроқ етиб келди. Султоннинг яқин кишиси ул камолот эгасини меҳрибонлик оғушига тортди ва ҳол-аҳвол сўраш расмини адо этди. Бироқ, ҳали гап-сўзи тугамасдан туриб, олий мақомли амирнинг авзойи ўзгарди ва қаттиқ оғриқ исканжасида «Хожа Абдуллоҳ, мендан хабардор бўлиб туринг» деди.

Шу сўзлар айтилиб турган пайтда ҳазрат хоқоннинг маҳофаси яқинлашиб, султоннинг яқин кишиси олдинроқ юриб, олампаҳоқ подшоҳ билан кучоқлашиб кўришиш мақсадида отдан тушди. Ул амир жанобларининг оёқларида юришга мадор қолмагани учун бир қўлини Хожа Абдуллоҳнинг елкасига, яна бир қўлини мавлоно Жалолиддин Қосим Хондамирнинг кифтига ташлаб, не бир иложда маҳофага яқинлашди ва қўл ўпишга чоғланди. Бироқ заифлик кучайгани сабабли ўша ерга ўтириб олди. Саодатманд хоқон қанчалик лутф ва кўнгли сўрашлик тили билан ул соф қалбли амирга сўз қотиб, ҳол-аҳвол сўрамасин, сира ҳам жавоб бера олмади. Бу иш хоқон кўнглига ташвиш солиб, ул жанобни безатилган отга ўрнатилган хос маҳофага ётқизишларини ва шу кечасиёқ шаҳарга олиб боришларини буюрди. Ул фазлу камол осмонининг қуёши ҳолидан хабардор бўлиб туриш масъулиятини эса Хожа Абдуллоҳнинг зиммасига юклаб, ўзи Работи Париён манзилига кетди.





ликка олиб бордилар ва хайр ул-башарнинг (с.а.в.) ёғдули суннати талабига биноан дафн қилдилар.

Мисра:

Бағрингдаги дурни билмайсан, тупроқ.

Ҳазрат хоқон уч кун мобайнида муқарраби ҳазрат султоннинг азадори бўлиб, ул мусибатнинг бошқа соҳиблари билан таъзияда шериклик қилиб, тенг турди. Ул соҳиб тадбир ва соҳиб ҳашаматдан айрилганига ғамга ботиб, ичи тўла мунг бўлди. Сўнг етгиси ошига ҳозирлик кўришни буюрди. Девоннинг тавочи амирлари ва дастурхончилар шу миқдор кўп таом тайёрладиларки, шунчалик катта бир шаҳарда, бу таомларни одамларга тортган чоғи маъракага келганларни сиғдира оладиган биронта кенг уй топмадилар. Сўнг қутлуғ фармон чиқарилиб, унга кўра саййидлар, шайхлар, олимлар, фозиллар, шоирлар, амирлар, садрлар, вазирлар, борингки, барча халқ ул улкан мусибатнинг еттинчи куни Ҳирот Ийдгоҳининг шимолидаги Ҳавзи Моҳиён майдонида йиғилдилар. Мансур хоқон ўша манзилда тикланган ўн икки устунли қутлуғ чодирда тахт узра ўтириб, шундай бир маърака мажлиси ясадики, ўтган замонларда ва кечган давронларда ҳеч бир кўрар кўз аҳлининг кўзи сира-сира ҳам бундай йиғинга тушган эмас. Тавочи амирлари отга миниб, жар солиш шартларини адо этишга киришиб, тавочилар ва дастурхончилар ош тортишни бошладилар. Таом ейилгач, ёқимли товушли ҳофизлар мўъжиз низомли калом оятларини қироат қилиб, хатм тушира кетдилар. Шаҳриёрлик саройининг ходимлари хонадон аздорларининг таъзия кийимларини ечтириш учун тайинланиб, уларга қимматбаҳо либослар кийдирдилар. Он ҳазрат мазкур жамоанинг кўпини тахт яқинига чорлаб, лутфу марҳамат тили билан сийлади ва сабрли, чидамли бўлишни тилади.

Шоир ва фозиллар ул сўзга чечан амирнинг вафоти тарихини турли иборатлар билан назм тизимига тердилар. Жумладан, Амир Садриддин Султон Иброҳим Амийний ушбу қитъани баён саҳифасига битди.





Қитъа:

Динпарвар эр эди Амир Алишер,
Ақлу ройи мулку миллатга паноҳ,
Элга ҳидоятдан йул кўрсатувчи,
Каромат, валийлик бобида танҳо.
Олам тор уйдан кўнгли сиқилиб,
Юз буриб жўнади жаннатга ногоҳ,
Жаннатдан ўлимин тарихин сўрдик,
Ризвон деди: ул «валоят интибоҳ»¹.

Ушбу сўзлар ёзғувчиси кўнглига ҳам ул мусибат санаси сифатида ушбу қитъа келган эди.

Қитъа:

Ҳидоят паноҳли жаноб амирдан,
Раҳмат аломати бўлди-ю зоҳир.
Тиканзор жаҳондан кўчди чорбоққа,
Чаппар урган гуллар экан мунтазир.
Тушмиш юзларига раҳмат нурлари,
Вафоти тарихи «Анвор раҳмат»дир².

Икки тилли қалам ул фархунда сифатлининг яхши хулқию чиройли одоби, ёзган шеърларию кўплаб китоби, яратган хайрия иморатлари бобида «Мақорим ул-ахлоқ» номли алоҳида бир рисола ни ёзув тизимига киритган бўлиб, ул китоб турли тоифа халқ орасида кенг тарқалган ва шу сабабли бу ўринда қалам ул ишлар зикрига киришмай, ҳазрат мансур хоқон замонининг бошқа воқелари баёни эшикларини очади.

**АБУЛУМУҲСИН МИРЗОНИНГ МАНСУР
ХОҚОН ҲУЗУРИГА КЕЛГАНИ ВА АЙРИМ
ШАҲЗОДАЛАРНИНГ РАҲМЛИ ҲАЗРАТИ
ФАҒУРНИНГ МАҒФИРАТ ПАНОҲИГА
КЕТГАНИ БАЁНИ**



Жасур шаҳзода Муиниддин Абулмуҳсин Баҳодир бузруквор отаси олий мартабали укаси Муҳаммад Муҳсин Мирзога нисбатан чексиз ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатгани ва Тус,

¹ *Валоят интибоҳ* – абжадда бу сўзлардан 906 сони ҳосил бўлади.

² *Анвор раҳмат* – абжадда бу сўзлардан 906 сони ҳосил бўлади.





Машҳад, Нисо, Обивард, Ёзир ва Дурун вилоятларини ён-теварак ерлари билан бирга мазкур шаҳзодага берганини эшитгач, иқбол қибласи ва орзу-армон каъбаси тавофи эҳромини боғлаб, Амир Алишер вафот этган ўша дамларда узр сўровчи тил ва подшоҳга нисбатан ихлосга тўла дил билан салтанат пойтахти Ҳирот сари ошиқди. Мансур хоқон салтанатнинг ул кўз қорачиғини шафқат оғушига олиб, турли хил марҳаматлар кўргузди. Шаҳзода икки-уч ой мурувватли отасининг инояти қаноти ва меҳрибонлик паноҳи остида айшу ишрат билан вақт ўтказгач, қайтишга ружсат олди ва розию шоқир ҳолда Марв томонга йўналди.

907 йил рабиулаввал ойида¹ саодатли шаҳзода Муҳаммад Маъсум Мирзо Қоин шаҳрида жигар касали билан хасталаниб, абадийлик оламига кетди. Бу дард аломатли хабар олий зотли хоқон қулоғига етгач, қаттиқ қайғуда қолди. Сўнг ночор қутлуф тилни «ҳақиқатан ҳам Аллоҳ олдига қайтурмиз»² калимасига чоғлади ва таъзия маросимини ўтказгач, марҳум шаҳзоданинг суюрғоли бўлмиш Қоин вилоятини унинг бир онадан бўлган укаси Иброҳим Ҳусайн Мирзога берди.

Бу пайтлари рўй берган шум воқеа шуки, ҳали Муҳаммад Маъсум Мирзонинг мусибати яралари битмасдан туриб, ситам қоидали замона қўли тағин бир қайғунинг кўк рангини мақтов хислатли хоқон турмуши юзи узра тортди. Олам аҳлининг шаҳзодаси Ҳайдар Муҳаммад Мирзо 908 йилда³ табиий ажалнинг вақти-соати етиб келиши натижасида салтанат ва подшоҳлик уфқининг бу ялтироқ дури ҳам етуклик авжидан йўқлик тубанлиги сари юзланди. Халифалик осмонининг бу ёғдули қамари ҳам ой тугилишининг азобли гирдобига йўлиқиб, бурж алмашувининг қоронғулигида куйди. Мансур хоқон салтанат кўзининг ул қорачиғи охират оламига муҳожират этгани қайғусидан сабр-тоқат жиловини қўлдан чиқариб, азадорлик либосини кийди. Ғам-ғуссага ботган онаси маҳди улё Поянда Султонбегим қонга тўла кўзидан ерга алвонранг ариқ оқизиб, фарёду зор сасини зангори фалак авжига чиқарди.

¹ 907 йил рабиулаввал – 1501 йил 14 сентябрь – 14 октябрь оралиғи.

² Қуръони карим, Бақара (2) сураси, 156-оят.

³ 908 йил – 1502 йил 7 июль – 1503 йил 26 июнь оралиғи.



Аммо начора, ниҳоят барчаси сабр-чидамнинг метин арқонига ёпишиб, марҳум шаҳзоданинг жасадини саид ул-мурсалиннинг шарияти қоидаси бўйича Султоний мадрасасида дафн қилдилар ва пок руҳини тинчлантириш учун бир неча кун таом бериб, зул-лилжалол вал-икромнинг каломи хатмларини бажо келтирдилар.

Афсуски, ўша йилнинг шаввол ойида¹ мансур хоқон акасининг ўғли ва ўзининг куёви бўлмиш Султон Искандар Мирзо ҳам охираат сафарини ихтиёр этишда Ҳайдар Муҳаммад Мирзога эргашди. Анъанага биноан аздорлик шартлари бажарилиб, шариф руҳи калом хатми ва таом тортиш маросимларини ўтказиш билан шод этилди.

Шу воқеалар асносида насаби она ва бувиси томондан Оққўйлуқ султонларига уланувчи Абдулбоқий Мирзо бин Усмон Мирзо бин Сайди Мирзо Аҳмад бин Мироншоҳ Мирзо ва Ироқ вилоятларида эътиборли бўлмиш Язд ҳокими Мурод Бек мақсади ҳосил шохнинг² зафарли қўшини ҳамласидан қочиб, салтанат пойтахти Ҳиротга келдилар. Мансур хоқон уларнинг шариф қадамларини азиз тутиб, Абдулбоқий Мирзони чексиз илтифотлар билан сарафроз қилди ва илгари Султон Увайс Мирзо никоҳида яшаб келган маҳд улё Султоним Бегимни унга турмушга берди.

Байт:

Ушбу қорамтил тус сандалбўй хона
Гоҳ таъзия жойи, гоҳо туйхона.

ИБН ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ СЕЙИСТОН ТОМОН ЙЎНАЛГАНИ ЗИКРИ ВА ЎША КЕЗЛАРДА РЎЙ БЕРГАН ЯНА БОШҚА ҲОДИСАЛАР БАЁНИ

908 йилда³ Лош қалъасининг кутволи Ҳожим Ҳожи Лор мансур хоқонга тарафдор сифатида ҳоким Амир Султон Али Арғун билан ёвлашди ва аъло тахт пойига бир мактуб юборди. Хат

¹ 908 йил шаввол – 1503 йил 30 март – 28 апрель оралиғи.

² Шох – Эронни эгаллашга киришган шох Исмоил сафавий кўзда тутилмоқда.

³ 908 йил – 1502 йил 7 июль – 1503 йил 26 июнь оралиғи.



мазмунни шуқим, агар шаҳзодалардан бирининг нусрат аломатли байроғи етишув соясини бул ҳудудга солса, Сейистон фатҳи осонгина муяссар бўлади.

Шунга кўра олийшонли хоқон Ибн Хусайн Мирзони икки минг нафар отлиқ билан Нимруз вилоятини босиб олиш учун тайинлади. Ул ҳазрат мазкур вилоят сари ошиқиб ва Сейистон ҳудудини босқин-чопқин қилиб, Овоқда истиқомат байроғини ҳилпиратди. Бу хабар Амир Зуннуннинг қулоғига етгач, ўзининг катта ўғли Шужобек билан шаҳзоданинг лашкароғи тарафига юзланди ва масофаларни босиб ўтишда тезликни ошириб, ҳали Ибн Хусайн Мирзо ширин уйқуда ётган ва аскарлари тарқоқ ҳолда турган бир тонг маҳали Амир Зуннун байроғининг ойчаси етишув нурини Овоқ атрофи узра таратди.

Шаҳзода бундан огоҳлик топиб, ўша вақтда саодат ошиёнли даргоҳида бўлган уч юз нафар отлиқ билан душман томонга йўналди. У томондан *арғун*лар лашкарининг манглайи бўлмиш Фозил кўкалтош Ибн Хусайн Мирзо қаршисида уруш сафини ясаб, икки томон баҳодирлари қўлни ўқу камон, қиличу найзани ишга солиш учун чўздилар. Шу пайтда бир тарафдан – Амир Зуннун мазкур *арғун* қавмининг катта бир гуруҳ довбюраклари, иккинчи томондан эса Шужобек Қандаҳор лашкарининг улкан бир бўлаги билан жанг майдонига кириб келдилар ва шаҳзодани шикор қилинаётган ов каби ўртага олдилар. Ул ҳазрат бирор фурсат уруш-саваш қилиб, қаттиқ олишиб тургани асносида болдири найза санчқисидан яраланди ва ноилож қочиш жоловини Ҳирот томон қараб тўғрилади. Амир Зуннун *Арғун* қудрат байроғини икки юзламачи фалак авжигача кўтариб, музаффар ва ғолиб ҳолда Заминдоварга ошиқди.

909 йилда¹ фаридун Хусайн Мирзо ҳеч бир сабабсиз, афтидан қочишни хаёл қилиб, шикор баҳонасида салтанат пойтахти Ҳиротдан ташқари чиқди ва Астрободга қараб кетди. Ул вилоят теграсига етгандан сўнг Муҳаммад Хусайн Мирзо кутиб олиш расмини адо этиб, укаси ҳақида турли-туман мушфиқлик ва меҳрибонликлар кўрсатди. Буни қарангки, ўша айёмда қудратли

¹ 909 йил – 1503 йил 26 июнь – 1504 йил 14 июнь оралиғи.





малик тақдири тақозосига кўра Муҳаммад Ҳусайн Мирзо терлама касалига йўлиқиб, оламдан ўтди. Фаридун Ҳусайн Мирзо азадорлик ва таъзия лавозимини бажаргач, сарварлик ўриндигига ўтириб, акаси ишининг давомчиси бўлди.

Байт:

Қайси бошдан тожни учирса мамот,
Бошқа бошга уни кийгизар ҳаёт.

**САМАРҚАНДНИНГ ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР ПОДШОҲ ДЕВОНИ
ТАСАРРУФИДАН ЧИҚҚАНИ ЗИКРИ ВА
ЖАҲОНГИР МИРЗОНИНГ САРОЙДАГИ
АЙРИМ АМИРЛАР ИФВОСИГА УЧИБ,
ШУ ҚУТҚУ ОРҚАСИДА ҚАРШИЛИК
КЎРСАТГАНИ БАЁНИ**



Султонларким фатҳ эшигин очарлар,
Давлат тўпин бир-бир олиб қочарлар.
Зулмкор мухолиф тинчиб туролмас,
Уларнинг аҳволи бир зайл қолмас.
Битта юриш билан гоҳ юрт олишар,
Гоҳ фалак ишидан ҳайрон қолишар.
Гоҳ тегар уларга ҳатто Самарқанд,
Бошқа вақт топилмас на самар, на қанд.
Шундай бўлар бошда уларда ҳолат,
Йиқилиб суринмоқ муваққат қисмат.
Бироқ пировардда зафар ҳамрози,
Жаҳон султони ул хоқони Фозий.
Заҳириддин Муҳаммад подшоҳдек,
Ки монанди бўлмас бу динпаноҳдек.
Қудрату жасорат соҳиби улдур,
Юрту эл таянчи подшоҳ Бобур.

Ва мақтов сифатли саодатманд подшоҳ Заҳириддин Бобур Мирзонинг аҳволи кайфияти Самарқанд шаҳрини олгандан сўнг ушбу сингари бўлди: Қамал кунлари чўзилавергач, уруш ва тўқнашувлар ҳаддан ошавергач, самарқандликлар ўта даражада қашшоқлашиб ва камбағаллашиб қолган эдилар. Улардан кўпчилигининг ўзи уруф экадиган бўнакка зор ва ҳар нарса учун





қарз кўтаришга тайёр эдилар. Шу сабабли ул жаннат аломатли ўлканинг барча аҳолиси ва деҳқонларидан фармони вожиб подшоҳнинг амирлари ва қўшин аҳли қўлига бирон нарса тегиши амримаҳол бўлиб қолганди. Ён-атрофдан ўлжа қилиб келинган арзимас моллар эса озгина вақт ичида сарфланиб, бутун бошлиқ қўшинга етадиган бирон нарса қолмаганди.

Барча бажариши лозим бўлган фармонга биноан Ахсида ҳоким бўлиб қолган ва ҳамиша ёвуз феъллиги зиёдалиги сабабидан фитна қўзғаш режасини қалби саҳифасига ёзиб юрган Узун Ҳасан зафар насабли мавкаб мулозимлари аҳволи ёмонлашганидан хабар топиб, яширинча равишда Самарқанд шаҳрига чопарлар юбориб, амирлар ва сипоҳиларни Жаҳонгир Мирзо салтанати сари ундаб, макру тузоқ эшикларини очди.

Бу амир ва сипоҳилар тоифасининг кўч ва яқинлари Фарғонада бўлгани ҳамда бу каби қашшоқлик сабабли Самарқандда туриш табиатларига мос тушмаганидан ихлос ипини вафосизлик қайчиси билан қирққанча бир-бир, икки-икки Андижон томон юзланиб, Самарқандни ташлаб қочишга тушдилар. Хонқули Баёнқули, Иброҳим Бекчик, Султон Аҳмад Танбал кабилар ана шулар жумласидан эдилар.

Умуман, барча мўғуллар бу жамоат билан келишиб, қочмоқ қарорини ихтиёр этишди. Мақтов хислатли подшоҳ аҳволни бу янглиғ кўргач, рўй берган бузғунчиликни бостиришга биргалашиб ҳаракат қилишлари ва қочганларни Самарқандга қайтариб, улардан айрим ўжарларининг эса адабини бериб қўйишлари мақсадида Узун Ҳасан эътиқод қилувчи Хожа Қозини Ахси томон юборди.

Хожа Қози мақсад-манзилга етгач ва келгани сабабини Узун Ҳасан қулоғига етказгач, Узун Ҳасан ул халқ жамоасига йиғилиш борасида буйруқ берди ва кўпчилиги йиғилгандан сўнг Султон Аҳмад Танбал билан келишган ҳолда подшоҳга нисбатан қаршилик шиорини намоён қилиб, салтанат тахтига Жаҳонгир Мирзони лойиқ топдилар ва бир чопарни олий тахт пойига жўнатиб, у орқали жасорат тили билан «Салтанат пойтахти Самарқанд саодатманд подшоҳнинг эгаллаш доирасига кирган





ушбу айёмда Андижон шаҳрининг Жаҳонгир Мирзо давлати девонига тааллуқ топиши муносиброқ кўринади» деган мазмунда хат юбордилар.

Қилни қирқ ёрувчи ақлли ва доно Бобур подшоҳ бу илтимосни икки жиҳатдан қабул қилмади. Биринчиси шуки, ўша пайтда Султон Маҳмудхон ҳам Андижонга кўз тикиб юрар, аммо унинг сўрови Бобур Мирзо томонидан рад этилганди. Шу сабабдан ҳам бу гап сира-сира мақбул тушмасди. Иккинчидан, Султон Аҳмад Танбал ва осмонга етувчи даргоҳнинг кўпчилик мулозимлари Самарқанддан Андижонга қочиб кетган маҳалда бу душманларнинг илтимоси қабуллик даражасини топса, узоқ-яқиндаги халқу эл ва турку тожик буни салтанат саройи ва истиқлол эгасининг аҳволи ожизлигига йўйишлари турган гап эди.

Фарғона амирларининг чопари изига қайтиб кетгач, эшитган жавобини бориб уларга етказар экан муҳолиф гуруҳларнинг барчаси Жаҳонгир Мирзонинг давлат қароргоҳи бўлмиш Ахсида тўпланиб, ёвлик ва исён усулида туғён ясадилар ва подшоҳга қарши бош кўтариб, Андижон қўшинини юриш сари бошлаб, подшоҳнинг фармони бўйича Андижон томон келаётган Тўлунхожа мўғул устига бир илғор гуруҳини юбордилар. Ул исёнчи тоифа Икки сув ўртасида тўсатдан Тўлунхожа устига етиб келиб, уни ушлаб, Узун Ҳасан олдига олиб бордилар. Тўлунхожа шу ондаёқ қатлга етди.

Алқисса, Андижон шаҳри чети Жаҳонгир Мирзонинг ходимлари ва тобе кишиларнинг чодирлари устунлари қоқилган жойга айлангач, кишварлар фатҳ этувчи ҳазрат Бобур подшоҳнинг фармонига биноан ул ўлканинг ҳокими бўлиб ўтирган Али Дўст *Тағойи* қалъа атрофини беркитиб, халқ кўнглига тасалли бериш мақсадида қалъа сақловчилик ишлари ва уруш асбобларини тартибга солиш ҳаракатига тушди. Хожа Мавлоно ўша кезде қарамовидаги хос чорва молларидан ўн саккиз минг бошга яқин қўйни шаҳарни мудофаа қилаётган лашкар ва уларга ёрдам кўрсатаётган кишиларга тақсимлаб берди.

Қамал кунлари узоққа чўзилгач ва Узун Ҳасан, Султон Аҳмад Танбал бузғунчилигининг олови надомат ва пушаймон-





лик суви билан пасаявермагач, Хожа Мавлоно Қози ва ҳазрат Бобур подшоҳнинг онаси, бувиси кетма-кет ва тўхтовсиз равишда Самарқандга чопару хат-хабар юбордилар ва ҳаддан ташқари равишда жуда ўтинч ила ғалабага ёр лашкарни бу ёққа жўнатишини илтимос қилиб, ўзларининг ночор ва аянчли аҳволда қолганликларини етказдилар.

Шу аснода танадаги бузғунчи моддалар замон подшоси баданини қуршовга олиб, тожу тахт эгасининг табиати ўз меъеридан оғди ва оғир бир касаллик фасод-бузғунлик эшикларини очди. Табиат султони эса мудофаа мақомида собитқадамлик қилиб, беш-олти кундан сўнг ул касаллик пасайиш сари юзланди. Аммо соғайиш айёмида парҳезсизлик рўй бериб, хасталик яна қайталана бошлади ва бу қайталаниш чоғи аҳвол шу даражага бориб етдики, халқнинг ул нури дийдасида гапиришга ҳам мажол қолмади ва касалга қараб ўтирганларнинг ул ҳазратнинг соғайиши умидида лабларига сув томизишдан бошқа имконлари бўлмади. Абадийликка уланган давлат устунлари эса подшоҳ бошидан ўгириб, Самарқанд фақирларига садақа ва сийловлар улашдилар. Исо нафасли табиблар парҳез ичимлик ва овқат, дори-дармон аралашмаси тайёрлаш билан машғул бўлдилар. Хизр қадамли солиҳлар тазарру ва эҳтиёж билан олий мутлақ ҳакимдан подшоҳнинг яхши сифатли зотининг сиҳат-соғлиғини тиладилар. Худога шукр, ўша бир неча кундан сўнг қазо дор-уш-шифосидан шифо етиб, ер юзи подшоҳининг меъёр қоидали мижози соғайиш сари юзланди, қаттиқ дард эса ул лутфу карам конининг латиф жисмидан узоқлик истаб, мамлакат олувчи ҳазрат даргоҳига яқин кишиларнинг шодлик шавқини кайвон айвонидан ўтиб кетди.

Ва ўша айёмда яна қайта Али Дўст Тағойи ва Хожа Қозининг мухолифлар жамоаси ҳақида битилган ва зафар аломатли қўшинни сўраб ёзилган хатлари етиб келди. Шунга кўра мақсади ҳосил подшоҳ юз кун давомида Самарқанд ўлкасини оламини безовчи талъати шарофатидан наврўз фаслидан ҳам хуррамроқ бир равишда яшнатиб тургандан сўнг йўналиш юзини Андижон томон қаратди ва мазкур йилнинг ражаб ойига¹ дахлдор

¹ 903 йил ражаб ойи – 1498 йил 23 февраль – 25 март оралиғи.





бир шанба куни ғалаба аломатли байроқларни ҳилпиратди ва сешанба куни Хўжанд шаҳри саодатманд подшоҳнинг ҳузури бахтидан жаннати аъло равнақини топди.

Аммо ўша онда Андижондан бир чопар келиб қолиб, арз ша-рафига «бундан етти кун олдин Али Дўст Тағойи мухолифлар билан келишувга эришиб, Андижон дарвозасини уларга очиб берди» деган хабарни етказди. Бу воқеанинг рўй бериш ҳолати шундай эдики, жаҳон аҳли подшосининг касали ўта кучайган пайтида Узун Ҳасан навкарларидан биттаси элчилик йўсини би-лан олампаноҳ даргоҳга келган бўлиб, амирлар ва давлат устун-лари ул ҳазрат соғаймасдан бурун мазкур элчига қайтиш учун рухсат берган эдилар. Ул шахс эса замон подшоҳи касалининг ўта авж олгани хабарини Узун Ҳасанга етказди, Узун Ҳасан эса уни Али Дўст Тағойи олдига юборди. Ҳалиги одам бориб, воқеани бориचा айтиб берди. Шунга кўра, Дўст Али Тағойининг чидам ва қарор устунлари ларзага келиб, ярашишга мойил бўлди ва му-холифлардан бир нечтасини Андижон дарвозаси ёнига чорлаб, ўртага қасам билан аҳду паймон сўзини солгач, қалъа ва шаҳар калитларини топширди.

Хуллас, шу зайл Мирзо Жаҳонгир ва унинг тобеларига Анди-жонни эгаллаш муяссар бўлиб турган бир пайтда подшоҳликнинг зафар гавдали соябони Хўжандга етишгани хабари ҳам тарқалди. Эсанкираб қолган мухолиф аҳли Абдуллоҳ исми ва илгариги дастур бўйича ҳазрат подшоҳ давлати тарафдорлигига тири-шиб турган Хожа Мавлоно Қозини арк дарвозаси олдида шаҳид қилдилар ва ул жанобга қарашли барча яқинларию навкарла-рини туттириб, мол-мулкларини талон-торож қилиб, зolimлик туғини кўтардилар.

Хожа Мавлоно Қози валийлик паноҳи ҳазрат Хожа Носи-риддин Убайдуллоҳнинг тарбия қилган муридлари жумласидан бўлиб, жаноб жалол Ҳақ иноятига бўлган ишончга кўра хавф-хатарга кон кураш майдонларида ҳам ўта журъат ва довюрак-лик кўрсатиб юрган улуғ зот эди. Алқисса, бу қайғули ахбор олий рутбали подшоҳ арзига етгач, ғаддор замонанинг носоз ишларидан ва жаноб шариат шиорнинг шаҳид этилганидан



кўп қайғуриб, неча бир афсус-надоматлар чеккан кўйи Султон Маҳмудхондан ёрдам сўраш, балки бу султонни чексиз лашкар билан Андижон тарафга юришга ундаш илинжида Амир Қосим Қавчинни Тошкентга жўнатди.

Амир Қосим Қавчин Султон Маҳмудхон мулозиматига мушарраф бўлгач ва ул ҳазратнинг илтимосини арзга етказгач, хон бу илтимосни ижобат шарафига яқин тутиб, исёнчи мухолифларни йўқотиш сари юзланди. Кишвар олувчи ҳазрат подшоҳ эса хоннинг олий мавкаби юришга отланганидан хабар топиб, кутиб олиш маросимини адо этиш мақсадида Хўжанддан чиқиб, истиқбол учун Оҳангарон сайҳонлигида манзил тутмоқ сари ошиқди ва ўша ерда икки бахт юлдузининг бирга порлаб чиқиши рўй бериб, ҳар икки тарафдан бирдамлик ва муҳаббат шартлари амалга ошди.

Мухолифлар бу воқеадан воқиф бўлгач, Ахсида йиғилиб, хонлик тахти пойига элчи ва хат юбордилар ва шойиста хизматлар адо этмоқ мажбуриятини бўйинларига олиб, яраш ва сулҳ талабгори бўлдилар. Хон эса Оҳангарон текислигидан Ахси тарафга равона бўлиб, улуғлар йўлбошчиси Хожа Абулмакорим ва Султон Аҳмад Танбалнинг акаси Иброҳимни элчилик расми билан Узун Ҳасаннинг ёнига юбориб, исёнчиларни келишиш йўли сулуки сари чақирди. Улар эса хон даъватига кўра ихлос изҳорини қилгандек бўлиб, ёлғон қоришиқли сўзларни тилга олдилар ва хонлик қўшинининг орқага қайтишини илтимос қилдилар. Султон Маҳмудхон ғоятда содда кўнгил киши бўлгани сабабли душманларнинг ясама сўзларига лаққа учиб қўя қолди. Чунки, Ахси сари яна бир манзил олдинга қадам босганида эди, ғалабанинг муяссар бўлиши аниқ эди. Аммо Султон Маҳмудхон ана шундай бир маҳалда ёлғон сўзларни қабул қулоғи билан тинглаб, Тошкент томон юзланди.

Шунда подшоҳликнинг олий мавкабидаги кўч ва яқинлари Андижонда қолган мулозимлар ул шаҳар эгалланиши орзусидан умид узиб, тушкин кайфиятда олти юз нафарга яқин киши ул ҳазратдан ажралдилар. Али Дарвешбек, Али Мазид Қавчин, Муҳаммад Боқир, Шайх Абдуллоҳ эшикоғо, Мирим Лоғарий ана шулар жумласидан эдилар.



Аммо Амир Қосим Қавчин, Увайс Лоғарий, Иброҳим Сору, Ширим Тағойи, Саййид Қаро, Амир Шоҳ Қавчин, Саййид Қосим эшикоғо, Қосим Ажаб, Али Дўст Тағойи ўғли Муҳаммад Дўст, Муҳаммад Али Мубашшир, Худойберди Тўқчи¹ Муғул, Ёрак Тағойи, Султон Али Бобо, Пир Дарвеш, Шайх Увайс, Ёр Али Биллол, Қосим Мирохўр, Ҳайдар рикобдор² эса икки юздан кўпроқ киши билан улуғлик ва саховат денгизи бўлмиш Бобур подшоҳ хизматида собитқадамлик қилдилар. Ул ҳазрат қўл остидаги мазкур кишилар билан ҳамжиҳатликда Хўжад томон қайтиб келди ва шу зайл бир неча кун вақти жуда ҳам паришонликда кечди.

904 йили³ ҳазрат Бобур подшоҳ Ўратепа ҳокими бўлмиш Муҳаммад Ҳусайн Гурагон олдига бир чопар юбориб «Хўжад жуда тор жой бўлгани учун олий мавкаб ходимлари чексиз даражада сиқилиб қолишлари турган гап. Истагимиз шуки, бу қиш Соғарж қишлоғида қишлоқ қилсак» деган хабарни етказдилар. Муҳаммад Ҳусайн бу ишни жойиз кўргач, зафар гавдали байроқ етишув нуруни Соғарж узра сочди.

Бир неча кундан кейин Иброҳим Сору, Увайс Лоғарий, Ширим Тағойи қўшиндан бир гуруҳи билан фармонга биноан Ёряйлоқ сари юзланиб, ул туманни эгаллаш учун отландилар. Ўша вақтда Саййид Юсуф Ўғлоқчининг акасининг ўғли Аҳмад Юсуф ўз амалкисидан бурунроқ ул тарафларнинг волийси бўлган эди.

Алқисса, олий мартабали подшоҳнинг амирлари ва қўшини ўша қишда Ёряйлоқ диёрида турганча ниҳоятда саъй-ҳаракатлар қилиб, шу ерга яқин баъзи бир қалъаларни қилич зарби, айримларини эса ақлу тадбир ишлатиш билан тасарруф доирасига киритдилар. Бу хабар Самарқандга етгач, ҳазрат подшоҳнинг Хўжад сари йўналганидан сўнг ул фирдавсмонанд шаҳарни истило қилишга эришган Султон Али Мирзо Саййид Юсуфни яширинча равишда қудрат фармонли подшоҳ тарафдорлари қаторида тартиб топган бўлса керак деган гумонда Хуросон томон жўнатди.

¹ Тўқчи — афтидан «туғчи».

² Рикоб — от узангиси; рикобдор — ҳукмдор отга минишидан олдин узангини тайёр ҳолатга келтирувчи.

³ 904 йил — 1498 йил 19 август — 1499 йил 7 август.



Совуқ мавсуми ва қиш фасли охирига етгач ва «бас, сиз Аллоҳнинг раҳмати – ёмғирнинг изларига қаранг: У қандай қилиб ерни ўлгандан кейин тирилтиради-я!»¹ оятининг ҳақиқати кўриниш бергач, Султон Али Мирзо ҳидоят насабли жаноб Хожа Қутбиддин Яҳёдан Соғаржга боришларини ва яхши сийратли подшоҳдан яраш сулҳномасини тузишни сўрашни илтимос қилди. Хожа ул илтимосни қабул қилиб ва олий ҳимматни ярашиш қоидаларини тузиш сари йўналтириб, Соғаржга ташриф буюрди. Пок эътиқодли подшоҳ эса етуклик ва муршидлар асҳоби бошлиғининг шариф қадамини ғанимат санаб, таъзим ва эъвоз пайдан бўлди. Хожа сулҳ ва тинчлик бобида нимани аъло қулоққа етказган бўлса, қабул иззатига сазовор қилди. Хожа Яҳё муваффақиятга эришиб, Самарқандга қайтиб кетди.

Олий мақомли подшоҳ эса Ўратепанинг жануб томонида жойлашган бир яйлоқзорда манзил тутди ва мулкни эгаллаш тадбири борасида боши қотиб, мақсадларни бериши мумкин бўлган бирон тарафга бориш хаёли иқбол аломатли кўнгли сари йўл топмас, бул ноҳияда ўтиришдан ҳам муваффақиятга етишув эшиклари олий даргоҳ эгаси Бобур Мирзонинг турмуш юзи сари очилмас эди.

Мисра:

На сафар қилмоқ иложи ва на туришга тоқат.

Шу аснода подшоҳ давлати тарафдорлари қаторида турган улуғлар ифтихори Хожа Абулмакорим нусрат аломатли лашкаргоҳга келди ва асл зотли Бобур подшоҳ мулоқоти шарафини топиб, жоҳу жалол мавкаби мулозимлари бузилиб кетгани сабабидан кайфияти юзига малол чанги ўтириб ва соф кўнгилли подшоҳининг фатҳу нусрати ниятини қилиб, барокатли фотиҳа сўзларини тилида айлантиргач, кетишга рухсат сўради. Ўша куннинг охирида Али Дўст Тағойи олдидан мамлакат олувчи Бобур подшоҳ ҳузурига бир чопар келиб, мақсади ҳосил жанобга: Али Дўст душман тўдаси билан тил бириктириб, рустам шижоатли Бобур подшоҳга эса қарши чиққанидан ниҳоятда пушаймондир.

¹ Қуръони карим, Рум (30) сураси, 50-оятдан.





Шу сабабли «осмон асосли даргоҳ эгаси ўзининг чексиз лутфи орқасида гуноҳларим ёзуви устига кечирим чизифини тортиб, Марғинон тарафга ташриф буюрсалар, мен эсам хизматкорлик қадамлари билан шахриёрлик мавкабини кутиб олиб, бундан сўнг қуллик ва итоат йўлидан ташқари қадам босмас эдим» дея илтимос қилмоқда, деди. Бу сўзлар сўз мағзини англовчи подшоҳ қулоғига етгач, кун ботиши пайтида тез суръат ва шитоб билан Марғинон сари йўналди. Йигирма беш фарсахлик масофани икки кеча ва бир кундузда босиб ўтиб, оламни безовчи қуёшнинг оқ нурли байроғи машриқ уфқидан кўриниб, умидсизлик бурчагида илҳақ ўтирганларнинг меҳнат тунини қувонч ва хурсандчилик кунига айлантирган тонг чоғи подшоҳлик равнақи зафар байроғининг ойчаси етишув партавини Марғинон дарвозаси узра таратди ва қўрғон дарвозасининг ички томонида унинг қутлуғ қадамини интизорлик билан кутаётган Али Дўст аҳду паймон қоидалари амалга ошгач, дарвозани давлат ва иқбол эшиклари каби қудрат ва улуғлик мавкабининг мулозимлари юзи сари ланг очиб, халифа насабли узангини ўпиш шарафини топиб, подшоҳлик иноятига эришди.

Подшоҳу амирлар ва қўшин йўл ҳордиқларидан тинчигач, барча бажариши лозим бўлган фармонга биноан Амир Қосим Қавчин зафар ойинли лашкардан бир гуруҳи билан бирга Андижоннинг жанубидаги тоғлик халқини қаршилик саҳросидан дўстликнинг катта йўлига солиш учун ўша томон йўналди. Иброҳим Сору ва Увайс Лоғарий ва Сайди Қора лашкарнинг яна бир гуруҳи билан бирга Аҳси сари кетдилар. Уларнинг мақсади Хўжанд дарёсидан ўтиб, ул тарафнинг тоғ халқини итоатга киритиб, бош кўтаришга йўл қўймаслик эди.

Амирлар кетганидан сўнг бир неча кун ўтиб, Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал фурсатни ғанимат билиб ва Андижон, Аҳси лашкарини йиғиб, Жаҳонгир Мирзонинг узангисида отлари жиловини Марғинон тарафга бурдилар. Ул қасабанинг бир фарсахлик ерига етгач, Марғиноннинг шарқий қисмида жойлашган Себиён қишлоғида манзил тутдилар ва қалъа олишлик асбобларини тартибга солгач, бир-икки кундан сўнг қалъа сари юзландилар.



Шижоат паноҳли Бобур подшоҳ довьораклардан бир бўлагини муҳолифларга қарши курашиш учун тайинлади ва ул жамоат шаҳардан ташқари отилиб чиқиб, ўқ отмоқ ва қилич солмоқ сари билак шимарганча душманларнинг қалъага яқинлашишига йўл қўймадилар. Андижон жанубидаги тоғлик ерларга кетган Амир Қосим *Қавчин* ва жангчилар гуруҳи у ерларнинг аймоқ-қавмларини тўлалигича эл ва итоатга киритдилар. Ахси томонга кетган Иброҳим Сору ва унинг дўстлари Поп қалъаси ва яна бир-икки қалъани олиб, ғалаба байроғини ҳилпиратдилар.

Фарғона шаҳри халқининг Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал каби иккита золим ҳукуматидан безор бўлган хоҳ таниш, хоҳ нотаниш кишилари уларга нисбатан юракларига ҳаддан зиёд нафрат ҳиссини туғиб, осмон ғулумли подшоҳнинг аъзам амирлари Ахси ҳудудида ғалаба аломатли байроқларни баланд кўтариб, қалъа ва қўрғонларни эгаллаш сари киришганларида, Ахсининг каттаконларидан бири Ҳасан ва Такча номли авбош ва ятимлардан бир тўдасини йиғиб, Ахсининг тоғдек тош қалъасини беркитиб, Иброҳим Сору ва Вайс Лоғарий, Сайдий Қора бошлиқ подшоҳ қўшинини ўша ерга киритди. Шу пайт бир яхши тасодиф рўй берди: яъни, айна чоғда Ҳайдар Али Кўкалтошнинг ўғли Баңда Али ва Ҳожи Ғози *Манғит* Султон Маҳмудхоннинг жаҳон аҳли подшоҳи учун ёрдамга юборган лашкари билан бирга Ахси яқинига етдилар ва бу хабар Мирзо Жаҳонгир ўрдусида миш-миш бўлиб, Узун Ҳасан маъюс тортиб, қайғуга ботганича шижоат касбли ишончли кишилари ва уруш истовчи довьораклардан бир тўдасини Ахси қалъаси ёрдамига жўнатди.

Ул жамоат тонг пайти, аслида эса ўзларининг бахтсизлик туни чоғи дарё қирғоғига етишиб, Бобур подшоҳ амирларию қўшини ҳамда олий мартабали хоннинг нўён ва лашкари қандайлигидан огоҳлик топдилар ва саросимага тушганча бир бўлаги дарёдан кечиб ўтиш хаёлида яшинга ўхшаш отларга миндилар, яна бир бўлаги эса кема ичига кирдилар. Аммо жанг денгизининг тимсоҳлари, яъни музаффар туғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг давлатхоҳлари уларга кемани дарё қирғоғи сари юқорига тортиб, сувдан чиқиб олишлари учун фурсат бермай,





балки ул зафар киришимли қўшин яланғоч отларга миниб, тўп-тўп ҳолда худди тўлқиндек дарё суви юзида душман томон сузиб кетдилар. Кема ичида ўтирган душман жамоасининг бундай вазиятда жанг оловини алангалата олишга ҳеч иложлари йўқ эди. Қўлидан келган бир ишлари шу бўлдиким, Қора Бўғоч *Бахши* ҳийла йўли билан мўғул амирлари авлодидан бирини қўлга тушириб ўлдирди. Бу ҳаракат сабабли мўғуллар ул гуруҳни йўқ қилиш бобида олдингидан ҳам кўпроқ равишда ҳаракат қилиб, Узун Ҳасаннинг кўплаб навкарларини қатл балосига дучор қилдилар. Шунинг учун етмиш нафарга яқин довюрак жангчидан фақат беш-олти кишигина қутулиб қола олди, холос.

Бу хабар Узун Ҳасанга етиб, шу заҳоти Марғионон ташқарисидан кўчиб, Андижон сари юзланди. Жаҳонгир Мирзо фармонига биноан ул ўлка волийси бўлиб ўтирган Носирбек воқеа ҳолатини бу янглиғ эшитгач, ул жамоат биносининг ўргимчак уясидан ҳам заифроқ, Сулаймон ҳашаматли подшоҳ давлатининг пойдевори эса Искандар тўғонидан ҳам мустаҳкамроқ эканини англаб етди. Ноилож ул ҳазратга қулиқ шиорини кўрсатиб, Андижон қалъасини беркитди ва бу ҳолни билдириш учун олампаноҳ даргоҳга бир элчи жўнатди. Бу хабар муҳолифлар қулоғига етиб, Узун Ҳасан Аҳси сари юриш бошлади. Султон Аҳмад Танбал эса ўзига тааллуқли бўлган Ўш томон кўчиб кетди. Жаҳонгир Мирзо ҳам ўша томон равона бўлди.

Носирбекнинг элчиси осмонга баробар тахт поясига етишгандан сўнг олий мартабали подшоҳ эртаси тонг маҳали оқ байроқли жамшид, яъни юдуз ҳашамли қуёш шарқ уфқидан ғарб диёрига юзланган чоғда Марғионондан оти жиловини Андижон томон буриб, пешин намози пайти мақсаддаги манзилга етишди. Носирбек ва унинг улуғ ўфиллари Дўстбек ва Миримбек кутиб олиш ишларини бажариш учун ошиқиб, эҳтиёж ва сочиқ сочиш маросимини бекаму кўст адо этдилар. Ўзлари ҳам турли-туман подшоҳона лутф ва эъзозлар топиб, ифтихор ва гурур бошини самовот авжигача кўтардилар. Анча муддатдан бери доно подшоҳ тасарруфидан чиққан дорилмулк Фарғона шаҳри қайтадан ул ҳазратнинг девони доирасига кирди. Бу ойдин фатҳ



эса пайгамбарлар охиргиси ҳижратининг 904 йили зулқаъда ойида¹ муяссарлик сифатини топди.

Жаҳонгир Мирзо жиловда Ўш томонга кетган Султон Аҳмад Танбал ул ҳудудга етишгач, қизилоёқ халқи ҳужум қилиб, уларни қалъага киритмадилар. Чорасиз қолиб, қўрқув ва умидсизлик билан қайтиб, Ўзганд қўрғонига кирдилар. Узун Ҳасан эса Аҳси қалъасига бориб, шу қўрғонни беркитди. Музаффар туғли подшоҳ Аҳси томонга қўшин тортди. Узун Ҳасан душманни янчувчи подшоҳга қарши курашдан ожиз келиб, рустам сифатли амирлар воситасида омонлик тилади. Унинг илтимоси ижобат шарафини топиб, қалъа калитларини кўтарганича мулозиматга ошиқди. Олий мартабали подшоҳ бир неча кун Аҳсида тўхтади ва ул қасаба ҳамда Косон қасабаси ишларини буткариб, тартибу назм бергач, мўғул амирларини инъом ва эҳсонлар билан сийлаб, кетишларига рухсат берди. Сўнг Қосим Ажабни Аҳси доруғалигига тайинлади.

Мисра:

Зафарга жиловдош, галаба йўлдош

бўлиб, йўналиш байроғини Андижон сари кўтарди.

Узун Ҳасан рухсат олишга муваффақ бўлган кўйи кўчи² ва яқинлари билан бирга Ҳисори Шодмон тарафга кетди. Навкарларидан кўпчилиги эса ушбу байт мазмунига

Байт:

Бедавлатлардан ўқдек узоқлаш,
Давлату бахт эгаларига ёндаш

мазмунига амал қилиб, Узун Ҳасандан айрилдилар ва подшоҳликнинг олий мавкабига қўшилдилар. Шунда амирлар ва ичкилардан бир тўпи жаҳон аҳли подшоси арзига қуйидагича сўзларни етказдилар: Бу фалокатда Хожа Мавлоно Қозини зулм ва раҳмсизлик қиличидан ўтказган ва подшоҳнинг хос яқинлари молу ашёларини талон-торожга учратганлар ушбу туз кўр қилгур жамоат бўлади. Улар кимга хизмат учун қўшилган

¹ 904 йил зулқаъда ойи — 1499 йил 10 июнь — 9 июль.

² Кўч — оила, ўғруқ.





бўлишса, бирор баҳона билан вафо ва аҳду паймон ипини албатта узишган ва қулай фурсат топган заҳоти мурувватсизлик оёғини макр йўлига қўйганча қочиб қолганлар. Булардан ихлос ва садоқат кутмоқ донолар одатига хилоф ва булар дили дала-сига яқин тутиш уруғини сочиш одоб аҳли табиатига номуно-сибдир.

Байт:

Вафосиздан кутмоқ яхшилик,
Ўз кўзига тупроқ сочишлик.

Агар бугун подшоҳ илгариги аҳду паймонга риоя қилиш фикрида бу тоифанинг қатлу ғоратига рухсат бермасалар, у ҳолда тўғрироғи шуким, олий фармон чиқиб, ҳақиқий хослардан қай бири улар тасарруфига кирган ўз молидан қанчасини топса, қайтариб олсин! Шунга кўра ҳукм бўлгач, бу масаладан огоҳлик топган мўғуллар яна бир бор адашганлик йўлига кириб, Работак манзилидан Ўзганд тарафга кетдилар ва Танбал олдига бир чопар юбориб, унга ўзларининг Бобур подшоҳга қарши ёвлик ва исёни борасида хабар бердилар.

Саодатга ёр подшоҳ ул тутруғи йўқ жамоанинг қаршилиқ йўлига кирганини кўргач, улуғ амирлар маслаҳатига биноан Амир Қосим Қавчинни сафга безак берувчи қўшиндан бир бўлаги билан бирга ул ёвлар ёмонлигини орадан аритиш учун тайинлади. Аммо Амир Қосим мўғуллар устига етиб бормасдан олдин Султон Аҳмад Танбал мўғулларга қўшилди. Эртаси кун икки қўшин Кандиобда бир-бирига тўқнаш келиб, уруш олови аланга олди ва улуғ Тангри тақдири билан Султон Аҳмад Танбал кучлилик қилиб, ғолиб келди. Бироқ Амир Қосим Қавчин, Али Дўст Тағойи, Иброҳим Сору, Вайс Лоғарий, Сайди Қора ва яна ичкилар, амирлардан тўрт-беш киши жанг майдонидан худо лутфи билан қутулиб чиқишга муваффақ бўлдилар. Бошқа амирлар эса тақдир панжасига асир бўлдилар. Али Дарвешбек, Мирим Лоғарий, Амир Тавқа ва Тағойбек, Мухаммад Дўст ва Али Дўст, Амир Шоҳ Қавчин, Мирим Девона ўша қўлга тушганлар сирасидан эдилар.





Султон Аҳмад Танбал бу иш рўй берганидан яна ҳам дадил бўлиб ва юраги ғурурга тўлиб Жаҳонгир Мирзо ҳузурига Андижон атрофига кетди ва Пуштаи Айш мавзеига уланган ва шаҳаргача бир фарсах масофадан узоқ бўлмаган сайхонликка қўш ташлади. Сўнг бир-икки марта уруш сафини ясаб, Айш тепалигида енгилтаклик бошлаганча жанг хаёлида жавлон урди. Андижон ботирлари ҳам душманларнинг жон торларини қирқиш мақсадида шаҳар ташқарисидаги кўчабоғлардан ва маҳаллалардан дашту далазорларга чиқиб, ёт қўшин аскарларининг Фарғона ўлкаси пойтахти Андижон қалъаси сари яқин келишга йўл қўймадилар.

Танбал бир ойга яқин ўша атроф ноҳияда туриб, асир тушган бояги амирлардан Тавқа ва Мирим Лоғарийни ҳаёт ўлкасидан маҳрум қилган ҳолда жўналиш байроғини Ўш шаҳри томон кўтарди. Бу пайтда Ўш қалъасида Иброҳим Сору навкарларидан бири волий бўлиб, ул шахс мухолифлар келаётгани хабарини эшитиб, қалъани мустаҳкамлаш ва беркитишга саъй-ҳаракат қилди.

Олий мартабали подшоҳ эса шавкат дастгоҳли қўшинни бир ерга йиғгандан сўнг 905 йил муҳаррам ойининг ўн саккизинчисида¹ Андижондан юриш билан чиқиб, Ҳофизбек Чаҳорбоғи мукаррам қадам шарофатидан Эрам гулистонининг рашк ва ғайирлигини оширадиган жойга айланди. Бир-икки кун ўша ерда тўхтаб туриш иши амалга ошиб, галаба шиорли қўшиннинг ғул, баронғор, жавонғори уруш ўрмони шерлари билан мустаҳкамлангач, зафар аломатли байроқлар Ўш шаҳри сари қўзғалди. Бир манзил йўл юрилгач, саодат эшитишлик қулоққа «қасоскор мухолифлар Ўш ташқарисидан қўзғалиб, Сарҳанг работи сари юрдилар» деган хабар етишди. Ақду ҳушга кон Бобур подшоҳ совут кийган баҳодирлар билан бирга Ўш ҳудудида жойлашган Лот қишлоғиданоқ оти жilовини душманларни қувлаш сари бурди. Шу қувлаш мобайнида ул исёнчи ғанимларнинг Андижон томон қараб кетганлари маълум бўлди. Галаба

¹ 905 йил ўн саккизинчи муҳаррам – 1499 йил 25 август.



аломатли туғ Ўзганд атрофига ошиқиб, мансур черик аскарлари ул ҳудудда нимани кўрсалар, барчасини таладилар.

Шундан сўнг доврўқ истакли подшоҳ юзини Моду қалъаси томон қаратди. Бу қалъа ғоятда метиндек мустаҳкам ва устувору маҳкамликда машҳур, пишиқ ва баландлигидан тилларда дoston бўлиб, қуш девори тепасигача учишдан толиқар, камон ўқи чўққисигача етишдан ожизлик қилар, ўткир чангалли хаёл арқони унинг кунгурасига ташланишга калталиқ этар, осмонидаги қушлар Тойир юдузига сирдош ва чуқур хандақи балиқлари ерни кўтариб турган ҳўкиз билан ҳамнафас эди.

Назм:

Юксакликда кўк рашк этувчи кўрғон,
Тупроқ куррасида гавҳар бил они.
Кунгираси тили юдузга ҳамроз,
Унга етолмайди хаёл арқони.

Ва ўша айёмда Султон Аҳмад Танбалнинг Халил исмли кичик укаси икки юз эллик нафарга яқин тенгсиз курашчан мардлар билан бирга ул қалъада маскан тутган ва қалъа сақловчилик асбобидан қанчаси зарур бўлса, шунча миқдорда тайёр қилиб қўйганди. Алқисса, Моду қалъасининг ташқариси жанг истовчи қўшин чодирларининг маконига айлангач, кўрғондагилар қалъа минораси ва девори шинакларидан ўқу тош отишга киришдилар. Зафар асарли қўшин довюраклари қалқонларни бошлари узра тутиб, хандақ ва хокрез томон йўналдилар. Бу томондан ўқларнинг чийиллаган товуши мустажоб дуо каби юқори олам томон ўрлади.

Ул тарафдан ҳам ўлим юришли тошлар феруз савашли подшоҳ муҳолифлари иши сингари қия пастлиги сари юзланиб, «қаттиқ қоққувчи, у қаттиқ қоққувчи недур»¹ маъносини баён қилди. Али Билол ва ботир кишилардан яна бир гуруҳи ажал ўртоғининг тоши остида янчилган эса, қалъа халқидан бир тўдаси ҳам кўкрак сандиғини тақдир ўқига нишон қилиб жондан кечдилар. Қуёш феруза нақшли осмон қалъасини эгалламоқ учун

¹ Қуръони карим, ал-Қориа (101) сураси, 1 ва 2-оятлардан: (Ўз даҳшатлари билан кишилар қалбини) қаттиқ қоққувчи (Қиёмат)! У қаттиқ қоққувчи недур?!



йўналган тонг маҳалидан то томошабин юлдузлар зангори ранг пардаси ортидан ул уруш воқеасига кўзлари тушгунига қадар чоққача уруш ва қамал жанги олови гуриллаб ёнди.

Эртаси куни Халил ва унга тобе кишилар кўрар кўз билан ўз ишларида ожизлик ва тушкунлик аломатларини мушоҳада қилиб, омонлик сўрадилар. Тўғри аҳду паймонли подшоҳ уларнинг ночорлик ҳолларига раҳм қилганча қамалдагилар қонини тўкишдан кечди. Аммо Халилни саксон нафар шижоат аломатли кишиси билан бирга зафар гавдали мавкабнинг душманлар асир олган бир бўлак ходимларига алмаштириш мақсадида қўлоёқларини боғлаб, бир гуруҳ ишончли кишиларга қўшган ҳолда эҳтиёт билан сақлаш учун Андижонга юборди. Шундан сўнг Ўш қишлоқларидан бири саналган Ўнжу тўба қишлоғи шовқинсуронли аскарлар чодире тикилган ерга айланди.

Андижон томон кетган Аҳмад Танбал кечаси ўғрилар тариқи бўйича иш тутуб, шаҳар қалъаси тепасига нарвон ташлаб, ҳийла арқони билан шаҳарга кирмоқни мақсад қилди. Андижонликлар эса хоинларнинг бу каби ўй-фикридан воқиф бўлиб, қаршилик оёғига қалқдилар. Танбал маънос ва умидсизлик билан Андижондан қайтиб, Сарҳанг работига қарашли қишлоқ ерларидан саналган Оби Хон манзилини ўзига лашкаргоҳ қилди. Оби Хон эса олий мартабали подшоҳ лашкаргоҳидан бир фарсахлик жой эди.

Гоҳида икки тараф аскарларининг ғалла ва сомон учун у ёқбу ёққа ўтиб-қайтиш чоғи бир-бирига тўқнаш келиб, уруш асбобларини ишлатиш сари қўл чўзганларини ҳисобга олмаганда, қирқ кун давомида икки қўшин бир-бири қаршисида ўтира туриб, ҳеч қайси бирор томондан жавлон уриб чиқишга истак билдиришмади. Бир куни Сайдибек Тағой ана шундай тўқнаш пайти Танбалнинг одамлари қўлига тушди. Бироқ подшоҳнинг шу беқдан бўлак бошқа кишисига бирор зиён-заҳмат етмади. Мазкур манзилда Қўчбекнинг отаси бўлмиш ва Бойсунқур Мирзо воқеасидан кейин укаларию ўзига қарашли кўч билан Қаротегиндан зафарга ёр ўрду сари йўлга тушган Амир Султон Аҳмад Қоравул етиб келиб, подшоҳ палосини ўпиш бахтига муяссар бўлди.





Шу гаплар бўлиб турган пайтда касаллиги учун Ўшга кетган Амир Қанбар Али ҳам қайтиб келди ва бу икки нафар шижоат паноҳли амир етишгани орқасида шоҳу сипоҳнинг ёрдам бобида умид елкаси бақувват бўлиб, шарқ қуёши юлдузлар қўшинига зарба бериш учун нилуфар осмон фазоси узра юриш қилган тонг маҳали ул сарварлик осмони офтобининг зафар табиатли туғи йўналиш юзини муҳолифлар лашкаргоҳи сари қаратди.

Жаҳонгир Мирзо ва Танбал эса жангу жадалга киришдан тийилиб, ниҳоятда шошилинч тезликда кўчиб кетдилар. Шу сабабли уларга қарашли чодир ва мол, юкларидан бир нечтаси нусрат аломатли қўшин тасарруфига кирди ва ул паришон ҳоли жамоа ташлаб кетган лашкаргоҳ олий маконли подшоҳ келиши шарофатидан жаннат боғлари равнақини топди. Ўша кечаси Жаҳонгир Мирзонинг Танбал билан подшоҳ турган мавзедан уч фарсах Андижон томон наридаги Хубон қишлоғида манзил тутгани хабари етиб келди. Эртаси куни шарқ қуёши зафар гавдали байроқни машриқ уфқидан кўтариб чиққан ва зарҳал қилич зарби билан юлдузлар лашкарини тор-мор қилиб, фатҳу ферузлик садосини олам аро янграган чоғда, яъни ушбу назмда тилга олинган пайт

Назм:

Айни тонг пайтида юлдузлар шоҳи,
Феруза уфқда байроқ қадади.
Зафар шамширини суғуриб қиндан,
Зулмат лашкарини қувиб ҳайдади.

Олампаноҳ Бобур подшоҳ зафар дастгоҳли сипоҳни урушга тайёрлаш учун юзланиб, баронфорга Али Дўст Тағойи ва мамлакат олишлик ўрмонининг шерлари бўлмиш тобеларини тайин қилди. Жавонфорта Иброҳим Сору, Вайс Лоғарий, Сайди Қаро, Муҳаммад Алишер ва Хожа Калоннинг укаси Кичикбеклар шижоат байроғини кўтаришди. Баҳром асарли лашкарнинг ҳировули Мир Қанбар Али бўлиб, у бирдамлик денгизи наҳангларидан бир тўпи билан бу хатарли вазифани ихтиёр қилганди. Юрт олувчи подшоҳ байроғининг ойчаси эса қўшиннинг гул томон уфқида порлади.





Амир Қосим Қавчин дарғазаб ва қасоскор баҳодирлардан бир тўпи ҳамроҳлигида ул иқбол қоидали туғ остида душманни несту нобуд қилиш учун юзланиб, равнақ хуршидининг байроғи шу тартиб ва қоида билан ғанимлар устига равона бўлди. Душман ҳам уруш сафини тузди ва зафарга ёр сипоҳ олдидан чиқиш учун йўлга отланиб, жаннат хаёлини қўрқоқлик хашаки билан безадилар. Ул икки лашкар Хубон қишлоғининг шарқи ва жануби оралиғидаги Сақо деган мавзеда бир-бирига тўқнаш келдилар ва жасурлик саманини ниқтадилар. Қилич ва ўқ зарби, найзаю шамшир захмидан қон хумлари чил-чил синиб, сахро юзини лолазор қилди. Кичикбек жавонғордан душман баронғори томон чопқин уюштирди ва Хубон қишлоғи атрофини ул дашт гўзаллари қонидан қизил рангга бўяди. Муҳаммад Али Мубашшир ҳам Кичикбек кейинича ҳамла қилди ва найза учи билан бир тўда кишининг вужуди нақшини борлиқ саҳифасидан ўчирди.

Мирзо Жаҳонгир ва Танбал сипоҳи баҳодирлари ҳам қўлдан келгунча ўлдириш ва қон оқизиш ишига тиришиб, уруш чангини тез айланувчи фалак авжига етказганича қуёш ойнасини қоп-қора қилдилар. Аммо иқбол хушхабарчиси бобурий мавкаб дилбарларини «агар ғалабани истаган бўлсангиз, мана ғалаба келди»¹ хитоби билан сийлаб ва умид бошқарувчиси ул сарварлик осмони қуёшини зафар ва устунлик авжига етказиб, душман устидан ғолиб қилди. Жаҳонгир Мирзо ва ёвуз ниятли Танбал ўта ўкинч билан қочмоқ қарорини ихтиёр қилдилар ва уларнинг қўшинидан жуда кўпи асир тушиб, жаҳаннам сари юзландилар.

Ўша куни Хубон қишлоғи дил ўғирлашда мақсади ҳосил подшоҳ ташрифи шарофатидан гўзаллар юзидан ҳам неча чандон файз топиб, юрт олувчи ҳазрат у ердан Андижон сари ошиқди ва бир неча кун йўл азобидан етган чарчоғини ёзди. Шундан сўнг исломпаноҳ подшоҳ олий мансабли амирлар маслаҳатига кўра, Ўзгандга кетган муҳолифлар озлигини зафар аломатли назарда тутиб, Армиён ва Нўшоб атрофида жойлашган Работ мавзеига қараб юрди. Ўша ерда қишлаш режасини тузиб, ғалаба-

¹ Қуръони карим, Анфол (8) сураси, 19-оят.





га ёр черикни душманлар мавзеларини босқин-чопқин қилиш ишига тайинлади.

Душман эса музаффар тугли қўшинга қарши чиқишга ожиз келаркан, айти ўша маҳалда лашкар яроғи бўйича подшоҳ ҳузурида бошқа амирлардан юқори рутбага эга бўлмиш Амир Қанбар Али ҳаддан ташқари равишда кетишга рухсат тилайверди ва рухсат олиб, ўлкаси саналган Хўжад томон юзланди. Амирлар ва лашкардан яна икки киши Қанбар Алига тақлид қилиб, ўз уйларига кетишга майл билдирдилар. Шу жиҳатдан мақсади ҳосил наввоб подшоҳ ҳам урушни давом эттирмай, Андижонга қайтиб келиб, бир неча кунни роҳату фароғатда ўтказди.

Шу воқеалар асносида Султон Аҳмад Танбал бир неча бор Султон Маҳмудхон саройига элчилар юбориб, мадад сўради. Танбалнинг хон даргоҳи олий бўсағасида ҳожиблик мансабида турган акаси Бектелба ҳамда уларга қариндош ва хоннинг ўғли Султон Муҳаммад Хониканинг аткаси бўлмиш Аҳмадбек иғво қилиб, Султон Маҳмудхонни шу даражага етказдиларки, хон Султон Муҳаммад Хоникага қўшиб Аҳмадбекни беш-олти минг ханжар санчувчи мўғул билан бирга Танбалга ёрдам бериш учун тайинлади ва улар Арчакент йўлидан Косон атрофига ошиқиб, қамал ва уруш байроғини кўтардилар.

Бу хабар Андижон шаҳрига етиб келгач, жаҳон аҳли подшоси совуқ шиддатидан еру осмон орасида ёмғир томчилари уммон дуру гавҳарлари сингари қотиб қоладиган ва ўрдак қўлидан келса ўзини кабоблик қуш каби бир сихга тортиб, жон матоҳидан воз кечишга тайёр қиш ўртасида Косон сари қўзғалди ва туни билан совуқ ва машаққат ичида йўл юриб, эртаси тонгда Ахсига қўш ташлади. Ул манзилда озгина дам олиб, Косон томонга қараб кетди. Нусрат аломатли байроқ ойчаси ёғдуси етишиш нурларини ул шаҳарнинг бир фарсахлик еридан сочган вақт «мўғул қўшини подшоҳлик мавкаби келаётганидан воқиф бўлиб, қайтиш тизгинини ўз вилояти сари бурди» деган хабар етди.

Танбал Косон қамалига киришилган ва мақсади ҳосил подшоҳнинг йўналиш байроғи Андижон томондан ҳилпирашга тушган куни ўша вақтда қароргоҳи бўлган Банди Солордан Ко-





сон томон илғор солди ва куннинг икки намоз оралиғи пайти подшоҳ ўрдусига яқин келиб, нима воқеа рўй бергани ва ул жанг майдонининг сардорлари ким эканини билиб, ҳайрон бўлиб қолди. Чунки, совуқ шиддати ва йўл қийинчилигига қарамай, шундай қиш пайтида олий мартабали подшоҳнинг катта қўшин билан бирга орадаги узоқ масофани босиб, бу каби тезликда етиб кела олишини тасаввур ҳам қилмаганди. Подшоҳнинг муборак кўзи Танбалнинг мавкабига тушгач, давлат амирларини чақириб, илҳом тили билан «ғанимни яратгувчи каримнинг ўзи бу ерга етказди, дарҳол устига бостириб боришимиз лозим ва ишини исталган йўсинда бир ёқлик қилсак» деди. Вайс Лоғарий ва амирлардан айримлари «кун кеч бўлди, худо хоҳласа, эрта тонгда давлат байроғини кўтарамиз ва душманнинг иқбол дарахтини тағ-томири билан қўпориш учун етук саъй-ҳаракатлар қиламиз» дея арзга етказдилар. Подшоҳ ул яхши тилакли гуруҳ сўзини қабул қулоғи билан эшитди.

Аммо ўша тунда Танбал Армиён қалъаси томон қочиб қолди. Эртаси куни шижоат сийратли подшоҳ уни қувлаб бориб, Армиённинг бир фарсахлик еридаги Ғазнаи Намангон манзилини лашкаргоҳ қилди ва қирқ кунга яқин ул манзил подшоҳ чодирининг тикланиш жойи бўлиб турди. Танбал Армиёнда оёғини маҳкам тираб, хаёлига келишув ва итоат сўзини сира келтирмади.

Шу аснода эса *мажам* халқининг боши ва хайлу ҳашами ва динору дирами кўплиги воситасида ул қавмнинг калонтари мансабидан оёғини сарварлик тахтига қўйиб, амирлик ва ҳукумат муддаосида юрган Саййид Юсуф дегани Танбал ёнига чопар юборди ва у билан келишув тариқида қадам босмоқчи эканию ҳозир Армиён томон йўлга тушгани борасидаги хушхабарни етказди. Диёнатли ва адолатли подшоҳ бу ёзишмадан хабар топиб, Саййид Юсуфнинг Танбалга ёрдам беришига йўл қўймаслик учун Саййид Юсуф ўтирган манзил сари қўзғалди ва Армиённинг бир фарсахлик еридан ўртада бир кеча ўтказиб, Пуштхоронга бориб, нурли кўнгил ул қалъани эгалламоққа юзланди. Аммо бу иш амалга ошмасдан бурунроқ Султон Аҳмад Танбал Жаҳонгир Мирзо билан бирга келиб, ушбу қўрғонга кирганди.





Подшоҳ қалъа олиш асбобларини тайёрлаш ва тартибга келтириш борасида фармон берди.

Уша аснода Али Дўст ва Қанбар Али Саллоҳ музаффар байроқли подшоҳ кўнглида йўқ фикрга қарши ўлароқ қалъага чопарлар юбориб, яраш сўзини орага солдилар. Жаҳонгир Мирзо ва Танбал бу икки амирдан чиққан ташаббусни эшитиб, жуда хурсанд бўлган ҳолда сулҳ иши тайёргарлигига киришдилар. Ғалаба далолатли подшоҳнинг ақл нури тишда ул икки амир иши узра сочилса-да, лекин ичдан улар таклиф этаётган қуйидагилардан иборат тадбирга бутунлай қарши эди. Аммо юзаки бўлса-да уларнинг илтимосини ижобат билан шараф топтирди. Чунки Али Дўст ва Қанбар Али шу даража эътибор ва қувват топган эдиларки, шу жиҳатдан айни пайтда подшоҳнинг бу икки амир таклиф этаётган гапини қабул қилиши вақт талаби саналарди.

Бу сулҳ битими шартлари тубандаги йўсинда тузилганди: Хўжанд дарёсидан то Ахсига қадар ерлар Жаҳонгир Мирзога тегади. Андижон шаҳри билан бирга унга қарашли еру музофотлар мақтов сифатли Бобур подшоҳ девонига тааллуқ топади. Танбал ва унга тобелар ўз кўчларини Ўзганддан олиб чиққанларидан сўнг ул шаҳарни ҳам мақсади ҳосил наввоб подшоҳ тасарруфига қолдирадилар. Фарғонадаги ерларнинг олиш-топшириш ва яқину бегонани ўзлари томон оғдириш ишлари битгач, ака-укалар биргалик ва бирдамликда Самарқанд сари қўшин тортадилар. Ул жаннатмонанд шаҳарни эгаллашса, юрт олувчи подшоҳ уша ерда халифалик тахтига ўтириб, Фарғона вилояти бутунлигича Мирзо Жаҳонгирга берилади.

Шундан сўнг Жаҳонгир Мирзо ва Танбал қалъадан ташқарига ошиқиб, юксак маконли Бобур подшоҳ мулозиматини топдилар ва подшоҳнинг турлича лутфу ҳар хил меҳрибонлиги билан ифтихор бошини баланд кўтариб, йўналиш жиловини Ахси томон бурдилар. Подшоҳ худди юрак қутисига киргувчи жон жавҳари каби Андижон сари юриб кетди. Андижонга бора солиб, Танбалнинг укаси Халил ва бошқа маҳбусларни банддан қутқарди ва қимматли тўнлар кийгизиб, Мирзо Жаҳонгир олдига юборди. Жаҳонгир Мирзо ҳам маҳбусликда ушлаб турган Тағойбек,





Муҳаммад Дўст, Али Дўст ва подшоҳлик мавкабининг қолган ходимларига тўнлар иноят қилиб, озодлик рухсатини берди.

Андижонга келгандан сўнг Али Дўст хайлу ҳашамию навқару ходимлари кўплигига мағрур бўлиб, манманлик ва жабр туғини баланд кўтариб, такаббурлиги ва ҳаволаниши ҳаддан ошиб, давлат ишларини Бобур подшоҳга айтиб ўтирмасдан ҳал қиладиган одат чиқарди. Ҳатто ул ҳазратнинг яқин кишиларини мақтов сифатли подшоҳ ризосига қарши равишда қайси тарафга кетсангиз, тўрт томонингиз қибла дея, ҳайдаб юборди. Иброҳим Сору, Увайс Лоғарийни ҳеч бир сабабсиз талаб ва мусодара қилиб, уларнинг ҳам халифа аломатлик даргоҳда турмасликларига буйруқ берди.

Бу гаплар жаҳонбонлик пойдевори қурувчисининг ёғдули қалбига ғоятда оғир келди. Аммо замон талабига кўра бу чоғларда Али Дўстнинг таъзирини бериб қўйишга имкон йўқлиги сабабли бир неча кун сабрли ва чидамли бўлишига тўғри келди.

Назм:

Сабрсиз очилган ишда фойда кам,
Фойдали иш ҳардам сабрдан унажак.
Инсондан юзини бекитган мақсад,
Чехрасин сабрли киши очажак.

МУҲАММАД МАЗИД ТАРҲОННИНГ СУЛТОН АЛИ МИРЗО БИЛАН ЁВЛАШГАНИ ВА СУЛТОН ВАЙСНИНГ САМАРҚАНДУ БУХОРО ТОМОНЛАРГА ҚАЙТГАНИ ЗИКРИ

Олий шаънли Бобур подшоҳ, Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал ёвлашгани сабабли Худо ҳимоясидаги Самарқанд шаҳрини сақлашдан қўл тортиб, жаҳон олувчи байроқни Андижон томон кўтарган пайтда Бухорода айни шундай кунни орзиқиб кутаётган Султон Али Мирзо Амир Муҳаммад Боқи Тархонга ул ўлка бошқарувини топшириб, ўзи Самарқандга юзланди ва ота-бобоси давлатининг пойтахтига етишгач, салтанат ишлари бошқарувини Муҳаммад Мазид Тархоннинг их-





тиёр кафтига қўйди. Шундан Тархон амирлари мўъжиз низомли «дарҳақиқат (кофир) инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта тугёнга тушар — ҳаддидан ошар»¹ субҳоний каломдагидек, жуда эркинлик ва дабдаба билан бошқарув ўриндигидан жой олишди. Муҳаммад Боқи Тархон Бухоро шаҳри ва музофотлари мол-мулки хирожидан бир динор ва бир ман мол ҳам Султон Али Мирзо давлати девонига бермасди. Муҳаммад Мазид Тархон эса Самарқандда давлатнинг барча мулкӣ ва молиявий, каттаю кичик ишларини ўз қўлига олиб, бошқа амирлар ва ичкилар қўлини султонлик ишларига етишдан қисқа қилди. Ҳатто шаҳардан ундириладиган маблағдан Мирзо Султон Али тирикчилиги учун эҳтиёжига яраша маош тайинлаб, Самарқандга қарашли кўпчилик вилоят ва туманлар молини ўз фарзандлари ва қариндошларига тақсимлаб берганди. Ниҳоят, Султон Али Мирзо ичкилардан бир нечтаси билан иттифоқ бўлиб, Муҳаммад Мазид Тархоннинг жонига қасд қилиш пайига тушди. Амирлик паноҳи бўлмиш жаноб Муҳаммад Мазид Тархон бундан хабар топиб, Султон Ҳусайн *Арғун*, Хожа Ҳусайн Пир Аҳмад *Арғун* ва Узун Ҳасаннинг укаси Қаро *Барлос* ва яна бошқа тобелари билан биргаликда шаҳардан ташқари чиқиб кетди.

Ўша пайтда Султон Маҳмудхон Муҳаммад Ҳусайн *Дуғлот* ва Аҳмадбекни жуда кўп мўғуллар билан бирга Хон Мирзо номи билан танилган Мирзо Султон Увайсга² ёрдам учун қўшиб, Самарқанд устига юборган эди. Муҳаммад Мазид Тархон эса Хон Мирзонинг келаётганидан хабар топиб, бу воқеанинг рўй беришини ўз давлатининг бахти англаб, ихлосмандлик ва давлатхоҳлик изҳорини билдириш мақсадида бир чопар юбориб, у орқали қуйидаги арзни етказди: Шуниси муносиб кўринмоқдаки, зафар гавдали байроқ жуда тезликда иноят соясини бу диёр ҳудудига солса, токи мақсади ҳосил жанобнинг истаги амалга ошса.

¹ Қуръони карим, Алақ (96) сураси, 6–7-оятлар.

² Бадахшонлик темурий Мирзо Султон Увайс ибн Мирзо Султон Маҳмуд ибн Мирзо Султон Абу Саид кўзда тутилмоқда.





Хон Мирзо масофаларни босиб ўтишда яна ҳам илдамроқ юриб, Шовдор атрофига етганида Муҳаммад Мазид Тархон истиқбол шартларини бажариб, саховат узангисини ўпиш ва мўлкўл тухфаю эҳсонлар билан сийланиш шарафидан боши осмон қадар юксалди. Аммо мўғул амирлари Тархонни унчалик хушламай, эътибор доирасидан четроқ тутдилар. Ҳатто уни талаш ва мусодара этиш вазифасини зиммаларига олишни билдирдилар. Айғоқчилардан бири эса бу гапни Амир Муҳаммад Мазиднинг ҳушёрлик қулоғига етказиб, ул жаноб Самарқанднинг бошқа амирлари ва ўз яқинлари билан бирга Хон Мирзодан айрилиб чиқди. Шунга кўра мўғуллар Самарқандни эгаллаш ниятидан воз кечиб, Ёрйлоққа кетдилар ва истиқомат чодирини тикладилар. Аммо кутилмаганда, булар қасдида илғор солиб Самарқанддан чиққан Султон Али Мирзо қўшинининг қораси кўринди. Хон Мирзо ва мўғуллар хаёллари кўчасидан ҳам ўтказмаган бу ҳолатни кўриб, саросимага тушиб ҳар тоифа бир томонга қараб қочди.

**МУҲАММАД МАЗИД ТАРХОННИНГ
ҲАЗРАТ ПОДШОҲ [ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР МИРЗО]НИНГ
ҲУЗУРИГА КЕТГАНИ ЗИКРИ ВА УЛ
ИЛОҲИЙ ЛУТФЛАР НАМОЙИШГОҲИ
ҲАЁТИДА РЎЙ БЕРГАН БОШҚА
ВОҚЕАЛАР БАЁНИ**

Муҳаммад Мазид Тархон Султон Али Мирзодан кўрқувдалиги, Хон Мирзо билан эса учрашиб, бироқ мурод эшиклари юзи сари очилмаганидан сўнг илгари вақтларда олий зотли Бобур подшоҳнинг Сидра мақомли бўсағаси ходимлари қаторида турган Мўғул Абдулваҳҳобни Бобур Мирзонинг салтанат сайрли тахти поясига юбориб, у орқали «агар фалакка тегувчи соябон етишув соясини бу ҳудуд узра ташласа, камини давлату иқбол каби хизмат камарини жон белига боғлаб,



Самарқанд фатҳида саъй-ҳаракатлар қилгум ва Сулаймон маконли ҳазратга қуллик исирғасини ҳуш қулоғимга тақиб, умримни зафарга ёр байроқ остида осойишта ўтказажакмен» дея арзга етказди.

Мўғул Абдулваҳҳоб неча бир манзилларни босиб ўтгач, мақсади ҳосил Бобур подшоҳнинг қабул шарафи ва эҳсонлари билан сарафроз бўлиб, Амир Муҳаммад Мазид Тархоннинг ихлос ва давлатхоҳлик гапларини арзга етказди. Шунга кўра олийжаноб подшоҳ Самарқанд томон юришга жазм қилиб, Мўғул Абдулваҳҳобни бу юриш қароридан Жаҳонгир Мирзони хабардор этиб, уни ҳам бу юришга розилик беришга ундаш учун Ахсидаги Жаҳонгир Мирзо олдига жўнатди.

Бобур подшоҳнинг юлдуз мартабали мавкаби эса илоҳийликнинг чексиз инояти нурлари сақловида 905 йил зулқаъда ойида¹ мақсаду манзил сари йўналди. Марғинон атрофи нусрат аломатли аскарлар чодирлари устунига айлангач, Қўчбек укалари билан Кайҳонга етувчи ўрдуга етишиб, палосни ўпиш иззати билан сарафроз бўлди ва фалакка сургалувчи байроқ Марғинондан Исфарага бориб, Маҳан қишлоғи саф ёрувчи қўшиннинг қўш ташлаш жойига айланди ва ул манзилда Қосимбек Қавчин, Али Дўст, Саййид Қосим ўзлари сингари яна бошқа бир тўп амирлар билан олампаҳоқ даргоҳга келдилар.

Олий мартабали Бобур подшоҳ у ердан кўчиб, Дашти Хасбон йўли билан масофаларни босиб ўтаркан, Чўпон кўприги устидан кечиб, Ўратепага келди ва шу ерда осмону фалакка тегар даргоҳ қуббасини кўтарди. Ўша манзилда «Муҳаммадхон Шайбоний қуддусий иноят туфайли Муҳаммад Боқий Тархонни Дабусия қалъаси атрофида босиб, ғолиблик билан Бухоро томон юзланибди» деган гап тарқалди. Олий мақомли Бобур подшоҳ Ўратепадан Сангзорга борди. Ул мавзе доруғаси қалъани Бобур подшоҳга топширди. Амир Қанбар Али буйруққа биноан ўша қўрғонда қолди. Подшоҳлик мавкаби Хон Юрти мавзеида манзил тутди.

¹ 905 йил зулқаъда ойи — 1500 йил 29 май — 27 июнь оралиғи.





Уша ерда Амир Муҳаммад Мазид ўзига қарашли самарқандлик тобе кишилари билан бирга келиб қолди ва мўл-кўл лутфу иноятлар билан сарафроз бўлди. Дўстни сийловчи Бобур подшоҳ Самарқанд фатҳи борасида ул жамоат билан маслаҳатлашди. Улар эса ушбу сўзларни арзга етказдилар: Ул худо ҳимоясидаги шаҳарнинг ихтиёр жилови валийлик шиорли жаноб Хожа Қутбиддин Яҳёнинг қудрат қўлидадир, ул жаноб эса ўзини мақсади ҳосил Сиз подшоҳ ҳазратларининг дўстлари жумласидан санайдилар. Агар бу ишни амалга ошириш мақсадида ул ҳидоят ошиёнли даргоҳ ҳузурига бир чопар юборилса, истак юзи мақсад ойнасида чеҳра очиши ҳеч гап эмас.

Шунга биноан мақсади ҳосил подшоҳ ул хатарли иш юзасидан бир неча марта Хожа Яҳё олдига сўзга чечан қосидларни юборди. Ҳар гал ул ҳазрат хавф ва умид ўртасида жавоб берди. Сўнг ғалаба аломатли байроқ Хон Юртидан қўзғалиб, Дарғам мавзеида шод юрак билан қўш ташлади. Ул манзилдан фалак ҳам итоат қилувчи даргоҳнинг яқин кишиси Хожа Муҳаммад Али Китобдор ўша иш бўйича жаноб ҳидоят шиорли Хожа Яҳё олдига бориб, ул ҳазратдан «яхшиси, нусрат аломатли байроқ ойчаси шаҳар четига етишув нурини сочса, шунда бу муҳибингиз дарвозаларни очишга уриниб, подшоҳ кўнглидаги истакни амалга ошира олса» деган мазмундаги хабарни келтирди. Фалак ҳашаматли подшоҳ шом вақтига яқин соатда Дарғамдан Самарқанд сари юзланди. Шу оралиқда Султон Маҳмуд Дўлдой қутлуғ мавкабдан қочиб кетди ва шаҳарга бориб, мазкур яширин келишув воқеасини Мирзо Султон Алига айтиб берди. На-чора, шу зайл қалб ойнасида акс этиши мумкин бўлган суврат юз очмади.

Бу воқеалар асносида Иброҳим Сору қайтиб келиб, шунингдек, Али Дўстнинг ифвоси касофатидан ҳар тарафга кетиб қолган таниқли амирлардан айримлари ҳам бир-бир, икки-икки бўлиб келиб Бобур Мирзонинг саодат ва иқбол каби зафарга ёр мавкабига қўшилдилар ва иноят назарига илинган ҳолда Али Дўстга қарши адоват камарини жон белига боғладилар. Али Дўст душманларнинг бир ерга йиғилганидан чўчиб, халифа ошиёнлик



даргоҳ эгаси Бобур Мирзодан кетишга рухсат сўради ва истаси қабул иззатини топгач, ўз ўғли Муҳаммад Дўст билан бирга Султон Аҳмад Танбал ҳузурига равона бўлди. Шу зайл Султон Аҳмад Танбал билан булар ўртасида дўстлик қоидалари йўлга қўйилиб, кейинчалик ул ота-боладан кўп ёвузлик ишлари юзага чиқди. Бироқ бир-икки йилдан сўнг Али Дўст ўзининг қора қилмишларига яраша жазога йўлиқиб, қазо қўли унинг ҳаёти палосини йиғиштирди. Муҳаммад Дўст эса ўзбек султонларидан баъзиларига топиниб бориб, шу илтижоси орқасида озгина риоят топди. Кейинчалик ул тоифадан ҳам қочиб, Андижоннинг тоғ этакларига келиб, фитна ва бузуқчилик оловини ёндира бошлади. Шу сабабли ўзбеклардан бир тўдаси уни ушлаб олиб, кўзини кўр қилишди.

Алқисса, музаффар туғли подшоҳ ҳар иккаласи ҳам чин душман бўлган Али Дўст ва Муҳаммад Дўстга рухсат бергач, Фури *Барлос* ўзи билан бирга қўшиндан бир неча кишини олиб, кўрқув нелигини билмасдан, буйруққа кўра Бухоро томонларда нима гаплигини билиб келиш учун ул диёрга кетган эди, лекин тезда орқага қайтиб, Муҳаммадхон Шайбоний Бухорони эгаллаш ишидан кўнглини тинчитиб, Самарқанд сари йўналган, деган хабарни келтирди. Шунга кўра, ул маконда ушланиб туриш маъқул кўрилмай, қуёш янглиғ туғ ойчаси Кеш шаҳри сари ҳаракатланди. Чунки соф вужудли подшоҳга қуллиқ қилиш занжирини яқиндагина бўйнига ташлаган самарқандлик амирлардан айримларининг оила аъзо ва яқинлари ўша ерда яшаб тургандилар. Ана шу чоғда кутилмаганда, Султон Али Мирзо худо ҳимоясидаги жаннатга ўхшаш Самарқанд шаҳрини Муҳаммадхон Шайбонийга топшириб, хон даргоҳига борибди ва бу ҳаракатини давлати дастгоҳининг кучайиши деб англабди, деган хабар келиб қолди.

Энди сўз тартиби тақозоси шуким, дастлаб Муҳаммадхон Шайбоний аҳволдан бир бўлагини баён доирасига киритиб, ана шундан сўнг эса ҳикмат битгувчи қалам мақсади ҳосил Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ахборининг давомига тил очса. *Ёрғам ва тавфиқ Аллоҳдангир.*



АБУЛФАТҲ МУҲАММАДХОН
ШАЙБОНИЙНИНГ ҲАЁТИ БОШИДАН ТО
БУҲОРО ВА САМАРҚАНД
ШАҲАРЛАРИНИНГ УЛ ЖАҲОНБОНЛИК
ПОЙДЕВОРИ ҚУРУВЧИСИНИНГ ЭГАЛЛАШ
ДОИРАСИГА КИРГАНИ ЗАМОНИГАЧА
КЕЧГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ
ЗИКРИДАГИ ГАПЛАР



Маънавий фазилатлар эгалари ва сўзамоллик назмига тартиб берувчилар ўтмиш хабарлари кўплиги ва тарихий асарлар мўллиги туфайли шундай аниқ-равшан таҳқиқ баёнини амалга оширганларки, уларга қараганда, Муҳаммадхон Шайбоний бин Шоҳ Будоқ Султоннинг бобоси Абулхайрхон¹ чингизий Жўчихон улуси² хоқонларидан мартаба ва ҳашамат, шавкат ва улуғлик жиҳатидан устун бўлиб, ҳаёти мобайнида ҳамиша давлат ва иқбол етуклиги билан салтанат ва истиқлол байроғини ҳилпиратган. Илгари ёзиб ўтганимиздек, Султон Абусаид Мирзо олий шонли Абулхайрхоннинг ёрдами шарофатидан Самарқандни фатҳ этганди. Мансур хоқон Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо ҳам ундан мадад сўраб борган пайти бу қудратли чингизий хоқоннинг вафоти рўй берган эди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг онаси Оқ Қўзибегим бўлиб, Шайбонийхон 855 йили³ туғилган. Қобилиятли бу ўғилнинг

¹ Абулхайрхон – Абулхайрхон ибн Давлатшайх ўғлон ибн Иброҳим ибн Пулод ибн Минг Темур ибн Бадақул ибн Жўчи Буқа ибн Баҳодир ибн Шабон ибн Жўчихон кўзда тутилмоқда.

² Жўчихон улуси – Чингизхоннинг ўғли Жўчихонга топирилган Дашти Қипчоққа қарашли ерлар, яъни Балхаш кўлидан то Днепрь ва Польшадаги Краковгача ва Фарбий Хоразмдан Ўрол тоғигача ва Жануби-Фарбий Сибирь ерларигача бўлган ҳудуд аҳолиси кўзда тутилган. Орол денгизи бўйидан то Ўрол тоғигача ва Сибирь ерларигача бўлган ҳудуд аҳолиси дастлаб «Жўчи улуси», сўнг унинг невараси Ўзбекхон томонидан исломга киритилгани сабабли Ўзбек улуси деб аталган. Шунинг учун Дашти Қипчоқ ўзбеклари гоҳ Жўчи улуси ва «жўчи ирқдилар» номи остида ҳам тилга олинади.

³ 855 йил – 1451 йил 3 февраль – 1452 йил 22 январь.





болалигидаёқ отаси Шоҳ Будоқ Султон вафот этиб¹, тупроқ аро маскан тутгач, бобоси Абулхайрхон невараси тарбиясини ҳиммат бўйнига олди ва унга отабеклик қилиш мансабини илгари Шоҳ Будоқ Султоннинг ҳам аткаси бўлган Уйғурбой Шайхга топширди. Абулхайрхонни ваъдасига вафодор ажал охират оламига олиб кетган вақтда² Ўзбек амирларининг катталари қаторидан ўрин тутган Қарочинбек Муҳаммадхон Шайбоний ва унинг укаси Маҳмуд султон аҳволига қаровчиликни ўз зиммасига олиб, ул шаҳзодани Ойбоқхоннинг Шайх Ҳайдархон³ устидан эришган ғалабасидан кейин шавкати устунликда Дашти Қипчоқдаги султонлар катталари жумласидан саналган Қосим Султон олдига олиб борди. Қосим Султон уларни ўз амиралумароси бўлмиш Темурбекка топширди.

Ўша пайтда Ойбоқхон ва Аҳмадхон катта қўшин билан Қосим Султоннинг вилоятларини босиб олиш учун йўналдилар. Қосим Султоннинг эса ул сон-саноксиз қўшинга қарши урушга кучи етмаганидан Хожитархон қалъасига беркинди. Ойбоқхон ва Аҳмадхон ул мустаҳкам қалъани узук қошидек ўртага олишди. Муҳаммадхон Шайбоний ва унинг укаси Маҳмуд султон Қарочинбек ва қадимий мулозимлардан қирқ нафар кишиси билан биргаликда бир кечаси ўзини душманлар қўшинига урдилар ва саҳар чоғигача қиличу найза ва ханжарларни ишга солиб, бир томондан ёриб чиқиб кетдилар.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг жаҳон олиш ва юрт эгаллаш муддаоси бўлгани сабабли мазкур воқеадан кейин ўзбек амирлари ва аскарларидан бир тоифасини ўзига эргаштириб, ҳар неча кунда бир марта соҳиб шавкат султонлардан бирининг вилоятига ҳужум уюштириб юрди. Унинг бу иши то Саброн ҳудудида ўша ер ҳокими Эронжихон бин Бекхондан қаттиқ мағлубиятга учраб, Бухорога қочиб кетгунга қадар давом этди.

¹ Шоҳ Будоқ султон Абулхайрхоннинг тўнғич ўғли бўлиб, отаси ҳаёт пайтидаёқ вафот этган. Ундан икки нафар ўғил фарзанд қолган: Муҳаммадхон Шайбоний ва Маҳмуд Султон.

² 1469 йил.

³ Шайх Ҳайдархон — Абулхайрхоннинг бешинчи ўғли бўлиб, отаси ўлгач, унинг ўрнига тахтга чиққан эди.





Шайбонийхон Бухорога қочиб келганда, ўша кезларда Бухоро шахрининг ҳокими бўлиб турган Абдулали Тархон бу ўзбек хонига иззат-икром кўрсатиб, лойиқ тухфалар ва қимматли совғалар тортиқ қилди. Сўнг Самарқандга Султон Аҳмадхон ҳузурига бир хат жўнатди ва Султон Аҳмадхон ул жанобнинг келгани воқеасини эшитгач, ул нома жавобида фармон битиб, хонни кўришга ўта иштиёқманд эканини билдирди. Хон Самарқандга чақирилгач, Султон Аҳмадхон уни жуда яхши тарзда кутиб олди ҳамда зиёфат ва меҳмонни сийлаш расмини адо этди. Шайбонийхон бир неча кунни ул жаннатмонанд шаҳарда осойишта ўтказиб, тагин Бухорога қайтиш истагини изҳор қилди ва Абдулали Тархонга қўшилиб, ул ўлкага қайтиб кетди.

Унинг Бухорода тўхтаб туриши эса икки йилга чўзилиб, сўнг ўзи туғилиб-ўсган ота ватани сари юзланди. Хонликнинг туғи ойчаси етишув нурини Арқуқ қалъаси ҳудудига сочгач, ул кўрғоннинг бошқа сўзи қатъий кишиларига қараганда юқорироқ мартабага эга бўлган Қози Беккичик итоат занжирини бўйнига ташлаб, қалъа калити ва ул ўлка аҳолисидан бир тўдаси билан бирга хон ҳузурига ошиқди ва лойиқ тортиқ ва совғалар ўтқариб, хон ёнидаги кишилар қаторидан ўрин олди.

Шайбонийхон Арқуқдан Сигноққа бориб, ул қалъани ҳам олди. Бир неча кундан сўнг Дашти Қипчоқ амирларининг энг каттаси саналган Ака Мирзо олдидан чопар келиб, унинг «агар хоннинг кишвар фатҳ этувчи байроғи етишув соясини бу диёр узра ташласа, камина хизматкорлик мақомида туриб, ул ҳазратни хонлик тахтига чиқарардим ва ушбу мустаҳкам аҳдимга муносиб равишдаги етук ихлос ва қуллик расмини адо этардим» деган сўзларини арзга етказди. Шайбонийхон бу сўздан сўнг ноилож ўша ёққа кетишга қарор қилиб, мақсад сари равона бўлди. Даштга етишгач, Мусо Мирзо истиқбол расми ижроси учун ошиқиб, эъзоз ва таъзим шартларидан ҳеч бирини унутмай, ҳар бирини мукамал равишда адо этди.

Ана шундай бир пайтда Дашти Қипчоқнинг мутлақ ҳокими Бурундуқхон сон-саноксиз лашкар билан Шайбонийхонни йўқотиш сари юзланди. Қўшинлар тўқнаш келгач, икки ўртада уруш бошланиб, фатҳу ғалаба ёғдуси Муҳаммадхон Шайбоний-





нинг байроғи ойчаси юзига ёғилди, Бурундуқхон эса ўз манзили сари қочиб кетди. Шундан кейин Шайбонийхон Мусо Мирзодан берган ваъдасига вафо қилишини сўради. Мусо Мирзо бунга ўз амирлари ризолиги йўқлигига кўра, хоннинг бу талабини бажаришдан бош тортди. Шу сабабли ул жаноб Сифноққа қайтди. Сифноқдалиги пайти бир-икки навбат Шайбонийхон билан Саброн ҳокими Султон Маҳмудхон бин Жонибекхон ўртасида тўқнаш ва уруш-саваш рўй берди. Охирги мартасида Шайбонийхон енгилиб, оти жоловини Манқишлоқ томон тўғрилади. Манқишлоқдан эса Хоразм йўли билан Бухоро сари юзланиб, Хоразм атрофига етишгач, мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо томонидан ул шаҳар волийси бўлиб ўтирган Амир Носириддин Абдулоҳиқ Ферузшоҳга совға ва тортиқлар тайёрлаб, хизматкорлик йўлини тутди.

Шайбонийхон Хоразмдан Қорабиғқўлга¹, Қорабиғқўлдан Бухорога ошиқди. Амир Абдулалӣ Тархон олдинги галдагидек дастур билан ихлос шартлари ва яқин тутиш маросимини бажо келтирди ва ул жанобни ўзига қўшиб, Самарқандга олиб борди. Султон Аҳмад Мирзо хоннинг қадамини ўзининг жаҳонбонлик қудрати ортишига боис билиб, инъом ва эҳсон эшикларини хон ҳаёти юзи сари очди. Сўнг Мўғулистонни эгаллаш учун йўлга тушиб, олам олувчи ул хонни ҳам ўзига ҳамроҳ қилганича Тошкент устига юрди. Шоҳруҳия атрофига етишилгач, Самарқанд қўшинининг ҳировул қисмига бош бўлган Шайбонийхон Мирзо Султон Аҳмаддан хавфсираб, Тошкент томон қочиб кетди ва Султон Маҳмудхон Кошғарий билан учрашиб, унинг давлати этагига осилди. Султон Аҳмад Мирзо ноилож бузилиб, оти тизгинини Самарқанд томон бурди. Шайбонийхон эса озгина вақт Тошкентда туриб, сўнг у ердан Арқуқ қалъасига йўл олди. Ул ҳудуднинг ўз қўли остидаги қалъаларини мустаҳкамлаб, Сифноққа кетди. Шундан сўнг бир-икки навбат Бурундуқхон Сифноқ сардорларидан бир гуруҳи ва Туркистон шаҳар ва қалъаларининг баъзи бир кишилари билан бирга лашкар тортиб, Шайбонийхоннинг

¹ Қорабиғқўл – афтидан Бухоро вилоятига қарашли ҳозирги Қорақўл тумани ҳудуди кўзда тутилмоқда.



иқбол¹ ниҳолини қўпориб ташлашга қасд қилди. Аммо тақдир келажақда Шайбонийхоннинг бир неча вақт Мовароуннаҳр ва Хуросон юрту шаҳарларига мутлақ ҳоким бўлишини тақозо қилган эканки, Бурундуқхоннинг истагани юзага чиқмади.

Шайбонийхон қулай фурсат топиб, Хоразм² фатҳи сари юзланди. Зеро бу пайтда Хоразм ҳокими Амир Абдулхолиқ Ферузшоҳ олий мартабали хоқон Султон Ҳусайн Мирзо даргоҳига Ҳиротга кетган бўлиб, ўз мулозимларидан бирини Хоразмда ўринбосар қилиб қолдирганди. Шайбонийхон [Гурганж] шаҳрига етишгач, бир неча кун қамал ишларини амалга ошириб турди. Бироқ мансур хоқон топшириғи бўйича хоразмликларга ёрдам учун юборилган Амир Абдулхолиқ, Амир Муҳаммад Валибек ва Амир Беҳбуднинг яқинлашиб қолгани хабарини эшитгач, у ердан қўзғалиб, Буддумсоз қўрғони атрофига кетди ва ул қалъа аҳолиси билан сулҳга эришиб, озгина тортиқлар олгач, Вазир шаҳри сари йўналди. Бу қалъа атрофида Хуросондан келган қўшин билан бир-икки кун уруш-саваш ясаб, собитқадамлик қилди. Аммо иши юришмагач, у ердан Адоқ қалъасига кетди, Адоқдан эса Астробод сари йўл олди. Ул шаҳарнинг теваарак-атроф ҳудудига босқин-чопқин уюштириб, сўнг йўналиш байроғини мулозимлари қўли остида бўлган Тирсак қалъаси томон ҳилпиратди. Шундан кейин Муҳаммадхон Шайбоний илтимоси билан Султон Маҳмудхон [Кошғарий] Ўтрорни Шайбонийхон тасарруфида қолдириб, ўзи оти жilовини Тошкент сари бурди.

Ўша маҳалда Саброн аҳолиси Шайбонийхон давлатига таарфдор чиқиб, ўз доруғаси бўлмиш Қулмуҳаммад Тархон бин Муҳаммад Мазид Тархонни қалъадан чиқариб юбордилар ва шаҳар қалъаси калитини Маҳмуд Султон олдига жўнатдилар. Ул жаноб Саброн қўрғонига кирди. Шунингдек, Туркистон шаҳарларининг барча халқи кўнгилларини ул икки ака-укага тобе бўлиш сари қаратдилар. Аммо ўша вақтда Бурундуқхон Амир Муҳаммад Мазид Тархоннинг қутқуси билан Саброн

¹ Иқбол – «давлат» сўзининг синоними.

² Хоразм – бу ўринда кўпинча Гурганж (Кўҳна Урганж) кўзда тутилган.





устига қўшин тортди, Саброн аҳолиси эса сабрсизларча чидам ва тоқат тизгинини қўлдан чиқариб, калонтарлардан бир тўдаси кутилмаганда ёпирилиб келиб, Маҳмуд Султонни ушлаб олдилар ва қалъани Бурундуқхонга бериб, Маҳмуд Султонни ўша давр султонлари ичида энг эътиборлиси бўлган Қосим Султонга топширдилар. Қосим Султон уни кишанга солиб, ишончли одамлардан бир гуруҳига қўшган ҳолда Сузоқ қалъаси томонга жўнатди. Маҳмуд Султон эса бир кечаси қулай фурсатини топиб, қочиб кетди ва Ўкуз тоғига етиб олди. У ердан бу воқеани билдириш учун акаси олдига чопар юборди. Шайбонийхон мазкур тоққа бориб, укаси билан учрашди. Ака-ука жиловдош бўлганча Ўтрор сари ошиқдилар. Айни ўша вақтда Бурундуқхон ва Муҳаммад Мазид Тархон ҳам Ўтрор томон юриб, Шайбонийхон улардан ўзганча келиб, Ўтрор қалъасига кириб беркинди ва бир неча кеча-кундуз давомида камалдагилар билан Дашти Қипчоқ лашкари ўртасида тўқнаш ва уруш-саваш эшиклари очилиб, урҳо-ур, ўлдирҳо-ўлдир садолари осмоннинг феруза рангли қўрғони айвонидан ошди. Ниҳоят, Султон Маҳмудхон Кошғарий томонидан юборилган ёрдам кучлари Ўтрорга етиб келиб, натижада Бурундуқхон сулҳ битимига кўнишга мажбур бўлди ва Ўтрор атрофидан кўчиб, юзини ўз диёри сари қаратди.

Мисра:

Ўз шаҳримга борайда, ўз юртим подшоси бўлай.

Ўтрор шаҳри гулзори Бурундуқхон қўшини хас-хашаки ва тикани озоридан тозалангач, Шайбонийхон Муҳаммад Мазид Тархоннинг қудрат қароргоҳи бўлган Ясси шаҳри томон лашкари тортди. Амир Муҳаммад Мазид эса хонлик мавкаби олдига урушгани чиқиб, Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг қўлига асир тушди. Султон уни Ўтрорга элтиб, ҳибсда тутди. Султон Маҳмудхон Кошғарий бу воқеадан воқиф бўлиб, Ўтрор сари ошиқди ва Амир Муҳаммад Мазидни Шайбонийхондан тилаб олиб, Мирзо Султон Аҳмаднинг қизини ўзи учун сўрашда воситачи қилиб, Самарқандга совчиликка жўнатди.





МУҲАММАДХОН ШАЙБОНИЙНИНГ САМАРҚАНД ВА БУХОРО ТОМОН ЮРИШ ҚИЛГАНИ ҲАМДА УЛ ИККИ ШАҲАРНИНГ СУБҲОНА ВА ТАОЛО ХУДО ТАҚДИРИ БИЛАН ХОН ҚЎЛИГА КИРГАНИ ЗИКРИ



Султон Маҳмуд Мирзо ўғиллари ўртасидаги қарама-қаршилик ҳамда Самарқанд ва Бухородаги аҳволнинг паришонлиги хабари Муҳаммадхон Шайбоний қулоғига етишган 905 йилда¹ бу ўзбек хони Мовароуннаҳр шаҳарларини босиб олиш тамасига тушиб, замон ботирларидан бир гуруҳи ва бошдан-оёқ ғазаб ва қасос ҳиссига тўла қўшин билан оти жиловини ул томонга бурди. Султон Али Мирзо дала-даштда урушга кучи етмагани учун шаҳарда қамалиб, қалъанинг буржу борасини мустаҳкамлашга киришди. Шайбонийхон эса Самарқанд ташқарисида чодир ва ўтов қуббасини баланд ясаб, ўн кунга яқин шу ерда туриб, кейин ботирлардан иборат катта бир гуруҳ билан Шайхзода дарвозаси сари бориб, пистирмада яшириниб ётиб, жасурлардан бир бўлагини олдинроқ юборди. Самарқанддан ҳам қўшин ва оддий халқдан мард кишилар ташқари чиқиб, ўзбеклар устига ёпирилдилар. Ўзбек жангчилари эса уруш майдонидан ёлғондакамига қоча бошлаб, орқага чекинганча самарқандликларни қалъа ёнидаги кўчабоғлардан кенг дала-дашт сари эргаштириб чиқдилар. Шундан сўнг Шайбонийхон мавкаби баҳодирлари пистирмадан отилиб чиқиб, душман устига ташландилар ва улардан кўпининг ишини бир ёқлик қилдилар. Шайбонийхон ул жамоатдан қолганларини қувлаб бораркан, то Шайхзода дарвозасигача ғаним кишиларини ўлдириш ва чопиш билан машғул бўлди. Сўнг Чаҳорроҳа дарвозаси томон от солди ва ул ерда ҳам жанг шартларини адо этиб, Самарқанд аҳолиси устидан ғалаба қозонди ва музаффару мансур ҳолда оти жиловини ўз қароргоҳи томон бурди.

Шу воқеа асносида Амир Нур Саид *Билкут* ўғли Амир Муҳаммад Солиҳ хонлик даргоҳига келиб, палосни ўпиш саода-

¹ 905 йил — 1499 йил 8 август — 1500 йил 27 июль.





тини топгач, Бухоро ҳокими Муҳаммад Боқи Тархон ўн мингга яқин пиёда ва суворийни йиғиб, Султон Али Мирзога ёрдам йўсини билан йўналиш байроғини бу томон сари кўтарганини айтди. Шунга кўра, Муҳаммадхон Шайбоний Самарқанд атрофидан кўчиб, юзини Амир Муҳаммад Боқи Тархон лашкаргоҳи томон қаратди ва Дабусия қалъаси ташқарисида икки тараф ўртасидаги қаттиқ уруш рўй бериб, қуддусий ҳазрати тало инояти билан шайбоний хонига фатҳу зафар насиб этди. Амир Муҳаммад Боқи Тархон эса обнусий рангли чарх гардиши ўйини сабабли жанг майдонида ўз душманидан енгилиб, Дабусия қалъасига кириб беркинди. Ўзбеклар эса бу урушда ҳаддан зиёд кўп жанг ўлжасини қўлга киритдилар.

Шундан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний Бухоро томон йўналди ва шаҳар четига етгач, қамал иши ва урушни бошлаб юборди. Бухороликлар уч кунгача шаҳарни сақлашга эришиб, тўртинчи кун эса Мавлоно Муҳаммад Али Хоразмийни тортиқ ва совғалар билан ташқарига юбориб, итоат ва бўйсунуш изҳорини тилга олган ҳолда омонлик тиладилар. Жаноб мавлавийнинг шафоти воситасида уларнинг бу сўрови қабуллик иззатини топиб, Шайбонийхон бухороликлардан қасос олиш ниятидан воз кечди. Шундан кейин саййидлар, қозилар, мавлонолар, уламо ва аслзода шариф кишилар ҳамда аҳоли шаҳардан ташқари чиқиб, хон қўлини ўпиш шарафига эришдилар ва шу тариқа хонга Бухоро фатҳи муяссар бўлди. Муҳаммадхон Шайбоний ул шаҳарнинг ҳукумат юргизиш мансабини Амир Муҳаммад Солиҳга топшириб, йўналиш юзини Самарқанд сари ўгирди.

Тотқанд қишлоғига етилган чоғда Бухородан Амир Муҳаммад Солиҳнинг чопари хат келтириб қолди. Хатнинг мазмуни шундай эди: «Амир Муҳаммад Боқи Тархон Дабусия қалъасидан Қарши шаҳри томон кетгач, Бухоро улуғлари Қаршига хат ва элчилар жўнатиб, унга Бухоро шаҳри ва қалъасини топшириш умидини бағишлабдилар. Шунга кўра, бу томонга юзлансангиз, қолган гаплар эса олий ақлингизга ҳаволадир». Шайбонийхон бу хабарни эшитгач, қайтиш жоловини Бухоро томонга тўғрилади. Ул атрофга яқинлашиб қолган Амир Муҳаммад Боқи





Тархон эса Қаршига қайтиб кетди. Шайбонийхон шаҳар атрофини зафар аломатли байроқлар маркази қилиб, аскарлар ул шаҳар аҳолисининг барча мол ва буюмларини бир қолдирмай, талон-торожга учратсинлар, деган буйруқ берди. Ўзбеклар зулм ва раҳмсизлик ўтини гуриллатиб, хонадонлар бошидан тутун чиқардилар. Душманнинг жабру зуғуми тутуни осмон чўққисига етиб, кўпчилик бухороликларни таладилар. Шундан кейин Шайбонийхон Бухоро шаҳрбанди учун қўйилган ғов ва тўсиқларни бузишга фармон берди ва ул ҳукумат жоловини ўз укаси Маҳмуд Султоннинг қудрат қўлига топширди.

Сўнг баланд ҳиммати арқонини Самарқандни эгаллаш кунгураси устига отди ва шижоат қоидали султонлару амирлар гуруҳи ва довюрақ ўзбек ва мўғул қўшинидан бир бўлаги билан ул фохира шаҳар четига бориб, Самарқанд қалъасини марказдек ўраб ўртага олганча чодир, ўтов ва саропарда, боргоҳни кайвон айвонига етказди. Хон Самарқандни жанг билан эгаллаш мурассар бўлмаслигини билгани учун ишни макру ҳийла ва алдов йўсинига ҳавола қилди.

Айни шу воқеалар асносида Султон Али Мирзонинг онаси Зухрабеги Оғо¹ ақли камлиги ва қайта эр қилиш орзусига майлу иштиёқи кўплиги сабаб яширинча равишда Шайбонийхон олдига чопар юборди ва муҳаббат тили билан ушбу хабарни етказди: «Агар хон ҳазратлари бу заифани ўз никоҳига киритиш гапини қабул қилса, мен хизмат камарини жон белига боғлаб, Самарқанд дарвозасини очаман ва ўғлим Султон Али Мирзони ул ҳазрат ҳузурига юбораман. Аммо шарти шуки, қачон хон бошқа шаҳарларни ҳам тасарруф доирасига киритсалар, Самарқандни Султон Али Мирзога бергайлар».

Шайбонийхон бу сўзларни эшитгач, яқин орада фатҳу зафар келини оғушида ётажаги ва маъшуқаси бўлмиш Самарқанд шаҳри висоли осонликча муяссар бўлажagini англади. Шу заҳоти шавқ кўзғатувчи ва ишқ қоришиқ мактублар битиб, Зухрабеги Оғо олдига юборди ва уни дилни алдовчи ваъдалар билан сарафроз

¹ *Зухрабеги Оғо* — яна бир бор эслатайлик: Зухрабеги Оғо асли Дашти қипчоқлик ўзбеклар хонадонидан чиққан.





қилди. Шунга кўра Зухрабеги Оғо ўз қутқусини бошлаб, Султон Али Мирзони Шайбонийхонга душманлик мақомидан воз кечиришга киришди.

Айни шу пайтда Султон Али Мирзо олий мартабали ва валийлик вужудли Хожа Қутбиддин Яҳё кўнглига ҳазрат Бобур подшоҳни Самарқандга киритиб, сарварлик тахтига ўтқазиб ва ул ҳазратнинг адолати соясида мамлакат халқини ҳодисалар офтоби ҳароратидан қутқариш фикру қарори йўл топган деган гумонда эди. Онасидан эшитган афсона ва афсундан кейин Шайбонийхон билан учрашиш учун боришга қарор қилди.

Бу гап-сўзлар ва Султон Али Мирзонинг йўлбошчи хислатли хожадан қўрқиши воқеаси Шайбонийхоннинг арзига етишгач, саййид Жалолиддин Хованд Бухорийни насиҳат қоришиқли маслаҳат гаплари ва иноят ваъдали хатлар билан «қандай бўлмасин, Хожа Қутбиддин Яҳёни тобеликка мойил этиш ҳамда унинг Султон Али Мирзони хон томонидан қадрланишига умидвор қилиб, осмон қудратли даргоҳга юборишига эришиш» учун шаҳарга жўнатди. Жаноб сиёдатмаоб дастлаб олий мартабали ҳидоят аломатли Хожа Яҳё билан учрашиб, ул ҳазратнинг Шайбонийхон томонга майл билдириши борасида қанчалик тиришмасин, бирор натижа чиқара олмади.

Сўнг кимсасиз хилват ва пана бир жойда Султон Али Мирзо ҳузурига бориб, шундай сўзларни арзга етказди: Ҳазрати хон «Самарқанд атрофи ғалаба яқунли қўшиннинг чодирлари тикланган жойга айлангач, Хожа Яҳёнинг бу ўлканинг давлат ва молиявий ишлари устидан назорат ўрнатгани воқеаси, Сизнинг эса шахриёрлик ишларида ихтиёрингиз йўқлиги ойдинлашиб қолган ушбу айёмда олий бир ҳиммат Сизнинг мустақил ва фаровон яшашингиз учун юзланди. Бундай пайтда қаршилик эшикларини ёпиб, келишувнинг катта йўлидан олампахоҳ даргоҳига келсангиз ва хоннинг тукқан ўғиллари қаторидан жой олиб, саховатли марҳамат ва меҳрибонлик сояси остида осойишталикка эришсангиз» демоқдалар.

Содда подшаҳзода бу ичи кавак сўзларга лаққа ишониб, бошини мағрур тутганча саййидлик паноҳи Амир Хованд Бухорий





жанобларининг¹ таклифини қабул қилиб «имкон борица ихлос қадами билан Самарқанддан ташқари чиқиб, Шайбонийхонга бўйсуниб занжирини елкасига ташлаш ва жаҳонбонлик пойдевори қурувчисини кўришга бориб, ифтихор бошини баланд кўтаражагини» айтди. Шундан сўнг сиёдатпаноҳ Амир Хованд Бухорий жаноблари² олий мартабали, ҳидоят дастгоҳли Хожа Яҳё билан учрашиб, ул жанобдан апил-тапил рухсат олганча, Шайбонийхоннинг ҳузурига қайтди ва айтган-эшитганларини битта қолдирмай сўзлаб берди.

Султон Али Мирзо сиёдатпаноҳ кетганидан икки-уч кун ўтгач, Хожа Қутбиддин Яҳё ва Самарқанд улуғлари Жоме масжидида намоз адосига машғул бўлиб турган жума куниси ўзининг хос кишилари билан Чаҳорроҳа дарвозасини очиб, оти жиловини Шайбонийхоннинг Боғи Майдонда жойлашган лашкаргоҳи томон тўғирлади.

Мисра:

Кушнинг ажали етса, овчи олдига ўзи борар.

Осмонга тегувчи даргоҳга киргач, Чингизхон расмича тиз чўккалаб, шайбоний хонининг кўрунишига эришди. Хон эса унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиб, шаҳзодани бағрига босди. Шундан сўнг шаҳзоданинг Муҳаммад Темур Султон ёнида манзил тутиб, юриш ва туришда унга тобе бўлганча келишув йўлидан ташқари қадам босмаслиги борасида буйруқ берилди.

Хожа Қутбиддин Яҳё Султон Али Мирзонинг қочиб кетганидан хабар топгач, муборак оёғини узангига қўйиб, шаҳар ўртасига ошиқди ва халқни қалъа минора ва деворларини ҳимоя қилиш, қалъа тепаси йўлаги ва дарвозаларни мустаҳкамлашга ундади. Аммо Иброҳим Жоний, Ҳайбат Қавчин, Султон Ҳусайн Арғун, Абдулвахҳоб Шиғовул сингари амирлар ва бошқалар Шайбонийхон мулозиматиغا мойиллик кўрсатиб, ҳеч бир зот Хожа

¹ Техрон нашрида хато ҳолда «сиёдатпаноҳ Хоразмий жанобларининг» шаклида берилган.

² Техрон нашрида яна «сиёдатпаноҳ Хоразмий жаноблари» шаклида келган.





Яхёнинг сўзларини қабул қулоғи билан эшитмасди. Чор-ночор мақтов сийратли хожа давр талабига бўйсуниб, қариндошу ётлар билан бирга хонлик даргоҳи сари юзланди ва салтанат вужудли бўсафага етишгач, на ўлик, на тирик бир алпозда олий мажлисга кирди. Хон ул ҳидоят шиорли зотдан етган озорни дилида сақлаб юргани сабабли таъзими учун ўрнидан турмади, тилидан дағдағали сўзларни жорий қилди. Аммо хожа бу йиғиндан чиқиб кетмоқчи бўлган вақтда Шайбонийхон ўрнидан туриб, ул жанобнинг олдинроқ келишини сўради ва қучоқлаб кўришаркан, шундай деди: Ўтган нарса ўтди. Биз гина-кудуратингиз зангини эътиқод-иродат сайқали билан кўнглимиз лавҳидан ўчириб ташладик. Сиз ҳам бундан сўнг ота-боболарингиз равишидан ташқари чиқишни жойиз кўрмасангиз; Хожа қабул бошини қимирлатиб, боргоҳдан ташқари чиқди.

Шундан кейин Шайбонийхон *дўрмон*¹ уруғидан бўлмиш Жонвафони Самарқанд шаҳри доруғалиги мансабига тайинлаб «қалъа дарвозаларига соқчи қўйиб, яхшилаб беркитинглар ва ҳеч бир зотни эътиборли ҳужжатсиз шаҳар ичкарасига киритманглар» дея буйруқ берди. Ҳақиқатан ҳам бу фармон чиқмаганда эди, Самарқанддаги авому хос халқнинг барча мулк ва ашёлари даштлик ўзбек аскарларининг талон-торожига йўлиқарди. Шундан сўнг Шайбонийхон Боғи Майдондан қўзғалиб, Конирил ўтлоқзорида манзил тутди. Икки-уч кундан сўнг эса Кўҳак дарёси бўйидаги Фаррошон қишлоғига кўчилиб, салтанат ошиёнли даргоҳ фаррошлари улуғлик ва шукуҳ чодирларини ўша ерда тикладилар.

Шайбонийхон Самарқанд атрофига келиб тушган пайтларда Хожаработга бориб, ўз мулозимларини йиғиб ва қуролланиб, шаҳар ҳимояси учун қалъага келиб кириш ниятида бўлган Хожа Алибой ўғли Амир Жон Али Самарқанднинг бу янглиғ аянчли суратда хон қўлига ўтгани воқеасидан хабар топиб, у ҳам ноилож қимматли пешкашлар тузатган кўйи Фаррошон манзилида хон ҳузурига ошиқди. Шунингдек, шариф ва аъзам киши-

¹ *Дўрмон* – Техрон нашри матнида «наймон» шаклида берилган, биз уни тузатиб кўрсатдик.





лар ифтихори Хожа Абулмакорим ва Самарқанду Бухоронинг бошқа улуғ ва катталари салтанат бўсағаси сари ошиқдилар ва хонликнинг чексиз иноятига етишиб, умид ҳиссини туйдилар.

**СУЛТОН АЛИ МИРЗО ВА ХОЖА ҚУТБИДДИН
ЯҲЁНИНГ ШАҲИД БЎЛГАНЛАРИ ЗИКРИ
ВА ХУДО ҲИМОЯСИДАГИ САМАРҚАНД
ШАҲРИДА ЎЗБЕКЛАР АМАЛГА ОШИРГАН
ЗУЛМ ВА АЗОБ-УҚУБАТДАН БИР
БЎЛАГИНИНГ БАЁНИ**



Мухаммадхон Шайбоний Самарқанд мулкида жаҳон сақлашлик тахтига ўтиргач ва Мовароуннаҳрнинг кўпчилик каттакон ва улуғлари тахти остида йиғилгандан сўнг хон у ер ишларини кўнгилдагидек ниҳоясига етказгач, барча ҳимматини қай бировдан қаршилиқ кўрсатиш аломатлари юзага чиқиши мумкин бўлса, ўша исёнчи ҳаётини нобуд қилиш ҳамда Амударёдан Хуросон томон ўтиш ишига қаратди. Биринчи бўлиб Султон Али Мирзо билан бирга Жон Алининг оёғини ҳаракатдан қолдиришни ният қилиб, бир кечаси аҳдсизлик қиличи билан ул икки яхши хулқли ёшнинг вужуд нақшини борлиқ саҳифасидан ўчирди. Сўнг ишончли кишилардан бир гуруҳини Хожа Қутбиддин Яҳё ва Хожа Хурд қозини қўриқлашга қўйди. Собиқ давлат ишларига аралашган катталардан бир тоифасининг мол ва ашёларини талаш борасида бажарилиши лозим бўлган ҳукмлар чиқарди.

Садрлик мансабига тайинланиб, хонга жуда яқинлиги жиҳатидан давлат ва молия ишларининг катта-кичигидан тортиб барчасига аралашадиган мавлоно Абдураҳим Туркистоний жаноб ҳидоятсифат Хожа Қутбиддин Яҳё ва унинг мажид ўғиллари мол-мулкани мусодара қилишга киришиб, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад судур зиммасига Хожа Хурд қозининг мол-мулкани хатга олиш иши юкланди. Бек Оғо эса Амир Абдулбоситнинг молларини ўз тасарруфига киритди. Шунга қиёс хон ўзининг ҳар





бир аъёнини каттаконлардан бирининг молини ўзлаштиришга буюрди.

Аммо Муҳаммадхон Шайбонийнинг ҳуш қулоғига фақиҳ Абулайснинг иззатли ўғиллари ҳамиша ўзларини ҳокимлар ишлари ва юмушларига аралашидан четга олиб юрганлари хабари етишгач, ул тоифани эътибор назари билан манзур тутиб, Самарқанднинг шайхулисломлик мансабини Хожа Ховандга топширди. Хожа Абдуллатифга эса шариф қозилик ишини бахшида қилди.

Олий мартабали, маоний паноҳли аъзамлар бошлиғи Хожа Абулмакоримдан хавфсирагани учун ул жанобнинг ўгириб-туришда доим ўрду мулозими бўлишига фармон берди. Олийжаноб ҳидоятпаноҳ Хожа Қутбиддин Яҳёга эса Маккаи муборак тарафга боришга ижозат берди ва ул жаноб сафар асбобини тайёрлашга машғул бўлди.

Хон ўзининг хос отхонасидан қувватда филдек ва суръатда қушдек тавсифи билан мақталган отларидан биттасини алар ҳазратлари олдиға юборди ва «бу от бир кеча-кундузда уч фарсах масофани босиб ўтади» дея айттирди. Абдурахим Туркистоний мустақим динға қувват берувчи ул хожа арзиға «ҳазрат хоннинг бу сўзи шу маъниға ишоратки, Сиз фарзандларингиз ва яқин кишиларингизни олиб кетиш ишиға кўпам боғланиб қолмаслигингиз лозим. Яъни, ёнингиздаги хизматчилар билан ёлғиз ўзингиз дарҳол ўта тезликда Амударёдан кечиб ўтишингиз керак. Чунки, тасаввур қилинишича бебош ўзбеклардан айримлари бор ҳаракатлари билан эҳтиромли Сиз ҳазратларининг орқангизга тушишлари ва ҳеч ким олдини олишға улгурмайдиган ишни бажаришға қўл уришлари эҳтимолдан холи эмас» дея етказди. Хожа эса шундай жавоб берди: Бола-чақа ва хотинхалажни бундай тоифа орасида қолдирмоқ ва ўз жони саломатлигини ихтиёр қилиб, қочмоқ нақшини кўнгил лавҳиға чизмоқ мардоналик тариқатидан узоқ, ақл қоидасидан йироқдир. Қазову қадар нимани тақозо қилса, ўша нарса юзаға чиқажак — «чунки Аллоҳ бирон ишни қилмоқни истаса, ўша иш бўлур»¹.

¹ Қуръони карим, Марям (19) сураси, 35-оят.





Сўнг ҳидоят паноҳли хожа юзини йўл сари қаратди. Йўл юриб, Хожа Кордзан манзили четига тушган чоғда ўзбек қўшинидан бир тўдаси орқадан етиб келиб, ул ҳазратни яхши юлдузли икки ўғли Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Муҳаммад Боқи билан бирга шаҳидлик саодатига етказдилар ҳамда ёнларидаги майда-чуйдаларини ғорат ва талон-торож елига совурдилар.

Шу зайл, чексизлик оламининг иноят уфқидан порлаб чиқиб, Мовароуннаҳр шаҳарлари, балки бошқа ҳар бир диёр ва шаҳар устига зиё сифатини таратиб турган ҳидоят осмонининг қуёши айёмнинг жафо қиличидан юзини фано мағриби томон қўйди ва фазлу камол боғида кўкариб, лутф ва саховат соясини каромат тариқининг сокинлари боши узра солган валийлик гулшани чинори зулм шамолидан ер тубан қулади¹.

Назм:

Уткинчи дунёда ким кўрди ором,
 Боқий бахтиёрлик бўлмас батамом.
 Фалақдан балолар ўқин емасдан
 Ким ҳам кўч-кўронин кўчирди бундан?
 Нопоклар таянчи бўлган бу олам
 Покларни тепкилаб айланар ҳар дам.
 Ҳай дариг, ёмонлик истар бу жаҳон,
 Остин-устун қилди шариф хонадон.

Сўз аҳлининг жимжимадор ва миш-миш гапларини бир четга суриб, ростини айтадиган бўлсак, даштлик ўзбек қавми золимларининг бу ёвуз ҳодисасидан сўнг Мовароуннаҳрнинг жуда кўп шаҳар ва диёрларида, айниқса, маҳфуза Самарқанд шаҳрида зулм ва азоб-уқубатлар бошланиб, шайбоний хонининг одамлари тасарруф қўлини фуқаро ва бечоралар моли-

¹ Бобур «Бобурнома»да мазкур суиқасднинг Шайбонийхон томонидан уюштирилганини таъкидлаш мақсадида, Шайбонийхоннинг ўзини оқлаганига нисбатан «узраш аз гуноҳаш баттар», яъни «баҳонаси гуноҳидан баттар» иборасини ишлатади. Гарчи «Тарихи Қипчоқхоний» каби айрим асарларда ҳам мазкур хожанинг хон томонидан ўлдирилганига ишора бўлса-да, «Мусаххир ал-билод» сингари манбаларда бундай айблов йўқ. Шу сабабли бу воқеа тарихи мавҳумлигича қолмоқда.





ни олиш сари чўздилар. Қай бир жонзотда бир динор ё бир ман ғалла борлигига гумон қилишса, дарров ўша одамни бирор баҳона билан ушлаб, унга нисбатан азоб ва уқубат усулини қўладилар. Кўпгина қишлоқ ва шаҳарларга «сўнг (ерни) теп-текис қилиб қўярки, унда на чуқурни ва на дўнгликни кўрарсиз»¹ ояти васф ил-ҳол бўлди ва талай иморатлар асосини ғам мавжлари талотуми ва ғусса тўдалари йиғини изтироб гирдобига ғарқ қилди.

Назм:

Фитна бош кўтарди ўз уйқусидан,
Қисмат фароғатга ясади якун.
Ҳорат қилувчилар жабридан бу юрт,
Ўзаллар сочидан қорароқ бугун.
На турарга жой бор ва на қочарга,
Балолар селидан қиёмат етди.
Ким уйдан бир қадам ташқари чиқса,
Салласи демайин, боши ҳам кетди.

Ноилож саодат хонақоҳи дарвишлари ва ибодат йиғингоҳининг шайху муллолари ниёз юзини ерга суриб ва дуо қўлини осмон сари кўтариб, яхши-ёмонга қозилик қилувчи ҳазрат борий даргоҳидан инсон тоифасини зулм зулмати ва душман дастидан қутқаришни тиладилар, хавфсизлик ва омонлик офтоби чиқишини подшоҳлар Подшоҳининг² инояти машриқидан ўтиниб илтижо қилдилар.

Ўша аснода мазлумлар дуосининг ўқи ижобат нишонига етишиб, жаҳонни безовчи Бобур подшоҳнинг юрт олувчи байроғи ойчаси Самарқанд уфқи тепасидан ёғду сочиб, самарқандликларнинг ғамга ботирувчи кечасини роҳат бағишловчи кундузга айлантирди. Замона каттаю кичикка озор бериш ишидан бир неча вақт қўл тортди.

Яқин орада бунинг воқеаси ёзув сифатини топажак ва ҳаракат шуъласи бу ҳикоя тафсили сари тушажак, иншооллоҳи таоло.

¹ Қуръони карим, Тоҳа (20) сураси, 106 – 107-оятлар.

² Подшоҳлар Подшоҳи – Аллоҳи таоло кўзда тутилган.





уйғоқлик филофининг ялтироқ жавҳарлари нозими бўлмиш арабдан чиққан пайғамбар (унга саловотларнинг энг яхши-си бўлсин) буюрадиким «солиҳа туш набийликнинг қирқ олти бўлагидан бир бўлагидир».

Бу кўп маъноли қутлуғ сўз шунга ишораким, пайғамбарлик келиши бошида олти ой давомида набийга тушган ваҳий солиҳа рўё орқали келиб турган. Чунончи, ҳазрат рисолатпаноҳ ўша вақтларда кўрган ҳар бир тушнинг таъбири аломати худди субҳи содикдек умид уфқидан ёришиб чиққан. Юсуф Сиддиқ алайҳиссаломнинг туш кўргани воқеаси ҳам уйғоқ ва мангу тангрининг мўъжиз низомли каломида зикр қилингани¹ каби ҳаммага маълум ва аён бўлиб, кўп иноятли «Аллоҳ ўз пайғамбарига у киши кўрган тушни ҳаққу рост қилди»² ояти ана шундан хабар беради ва у барча фазилат паноҳли тафсирчилар тилида зикр қилинади.

Ҳижозлик пайғамбарнинг худони ёлғиз билувчи дини ҳо-мийси олийжаноб подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур розий кўрган туш ҳам ана шундай солиҳа рўё тушлар сирасидан бўлиб, подшоҳ уни бир башорат сифатида англагач, бор саъй-ҳаракати билан Самарқанд фатҳи сари юзланди.

Бу воқеа ҳолати шуки, осмон ғуломли подшоҳ Ёрйлоқ ва Сафидак қалъаси атрофида Самарқандни эгаллаш тадбири ре-жасини файз топар кўнгли саҳифасига нақшлаб турган пайтда, бир кечаси рўё оламида ҳазрат валийлик паноҳи Хожа Но-сириддин Убайдуллоҳнинг осмонўпар даргоҳга келаётгани-ни кўради ва ул салтанат ва истиқлол уфқининг офтоби олий меҳмонни кутиб олиш шартларини бажо келтиради. Хожа ўтиради. Аммо алар олдига номуносиб бир дастурхон тўшалади. Шу жиҳатдан хожа ҳазратларининг муборак кўнглида ўзгариш пайдо бўлади. Мавлоно ўзининг йўлбошчи ривожли табиати ўзгаришини сезгач, подшоҳга қараб, бу маънига ишора ва имо қилади. Аълоҳазрат эса «Бу ишнинг рўй беришида менинг ай-

¹ Қуръони каримдаги Юсуф сураси ва, айниқса, бу суранинг 100, 101-оят-ларидаги эътирофга ишора.

² Қуръони карим, Фатҳ (48) сураси, 27-оятдан.





бим йўқ, бунда дастурхон ёзган кишидан айб ўтган» дея жавоб беради.

Бу савол-жавоб ҳақиқати ҳазрат хожанинг ҳақиқатни кўрсатувчи қалбида кашф бўлиб, баҳона ва узрни тинглагач, мажлисдан қўпиб, йўлга равона бўладилар. Подшоҳ эса кузатиб чиқиш маросимини адо этиш учун йўналганда, хожа ўша уйнинг даҳлизидан подшоҳнинг икки билегидан биттасини ушлаб, шундай кўтарадиларки, ул ҳазратнинг бир оёғи ердан узилади. Сўнг ҳидоят назмининг нозими ушбу сўзларни тилга олади: Шайх маслаҳат берди!¹

Исломпаноҳ подшоҳ рўё олаmidан уйғоқлик ҳолатига қайтгач, яқин ораларда мулк бағишловчи маликнинг инояти насими шабадаси мурод чаманида хавфсизлик ғунчасини очилтиражаги ва тез орада мангу зотнинг меҳрибонлиги соясида уйғоқ бахт кўзи иқтидор тўшагида осойишта ухляяжаги, фатҳу ферузлик тонги умид уфқидан отажаги, зафар ва яхши кунлик офтоби мангу давлат машриқидан порлажагини англади.

Назм:

Оллоҳ илтифоти файзидан агар,
Боқий иқбол тонги не ажаб отса?
Иноят буржидан балқади хуршид,
Узоқ ғам тунига ниҳоят етса.

Фаройиб тасодифлардан бири шуки, ўша вақтда бир куни фархунда сифатли подшоҳ осмонга тенг сарой ичкиларидан бир нечтаси билан бирга ҳар тўғрида сўзлашиб ўтирар эди. Шу аснода подшоҳ ҳазратлари «Неча кундан кейин бизга Самарқанд фатҳи муяссар бўларкан?» дея буюрди. Ўтирганлардан ҳар бири ўша борада бир сўз айта бошлади. Нўён Кўкалтош тилидан эса «Иншооллоҳи таоло ўн тўрт кундан сўнг Самарқанд фатҳи юз кўрсатажак ва бу қийин иш одил сифатли подшоҳ давлати қуввати орқасида осонгина амалга ошажак» деган сўзлар жорий бўлди. Худди шундай бўлиб, Нўён айтганидек, ул мурод натижаси ўн тўрт кун ўтгандан сўнг рўй берди.

¹ Шайх маслаҳат берди — шайх қўллаб-қувватлади, шайх маъқул кўрди.





**АЛЛОҲ ҲИМОЯСИДАГИ САМАРҚАНД
ШАҲРИНИНГ ЧЕКСИЗ СУБҲОНИЙ ИНОЯТ
ТУФАЙЛИ ФАТҲ БЎЛГАНИ ВА
МУҲАММАДХОН ШАЙБОНИЙНИНГ
ҲАЙРАТ ВА ПАРИШОНЛИК
ВОДИЙСИГА ТУШГАНИ ЗИКРИ**



Ҳммат ишлари интизоми жиловини қўлида тутган ва бани Одам тоифаси ишлари ихтиёрини иродаси кафтида ушлаган мулкнинг мутлақ молики ва жону жаҳоннинг яраттувчиси нурга кон «истаган кишингга мулк ато қилурсан»¹ фармони содир бўлиш шарафини топадиган ва сурур тўла «Аллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, бас, уни ушлаб-тўсиб қолувчи бўлмас»² фармони кўриниш сифатини оладиган кибриё даргоҳда ва «Аллоҳ, истаган нарса бўлур» тахтгоҳида юрт олувчининг Фарқад юлдузига етадиган бошини «биз сени ерда ўринбосар қилдик»³ каримаси билан зийнатланган тож билан баланд кўтарса ва оламнинг қобилият қоматини «Аллоҳ, мулки аломати»нинг қувончли либоси билан безатса, ҳар қалай илоҳият девонининг ишчилари мушкул ишлар очилиши асбобини унга ато қиладилар ва илоҳийлик айвони юмушчилари аҳвол мушкилликларини ҳал қилувчи эшикларини ҳаёти юзи сари очадилар. Натижада у кишига аъло мақсадлар даражаларига кўтарилиш яхши бир тарзда муяссар ва пок иштаклар мақомотига етмоқ муқаррар бўлгай ва «ваъда қилинган мағфират ва жаннат Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат соҳибидир»⁴.

¹ Қуръони карим, Оли Имрон (3) сура, 26-оятдан: Айтинг: «Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан».

² Қуръони карим, Фотир (35) сураси, 2-оятдан.

³ Қуръони карим, Сод (38) сураси, 26-оятдан.

⁴ Қуръони карим, Ҳадид (57) сураси, 21-оятдан.





Назм:

Салтанат мулкининг тахт безовчиси,
Илохий фазлдан тополса эҳсон.
Жаҳонда орзуси тўлиқ ушалиб,
Мушқил ишлари ҳам бўлади осон.
Куюшдек заррача илмагай кўзга,
Агар душманлари кўпдир юлдузча.
Тўғри-да, мунаввар офтоб чиққанда,
Заррадай кўринмас ахир юлдузча.
Оламда елпинса куюшдай байроқ,
Фалак гумбазида у ёлиб мутлоқ.

Бу таққос ва ушбу ўхшатишдан мақсад мақтов хислатли подшоҳнинг иқболга яқинлик воқеаси бўлиб, у Шайбонийхон етти-саккиз минг нафар жасур чавандоз ва пиёда аскар билан [Хожа] Дийдор қалъаси ён-теварагида иқтидор улуғлиги чо-дирина айланувчи фалак авжига кўтарган ва Жонвафо Мирзо ҳар бири Рустаму Исфандиёрни ўзларининг занжирга боғланган қули каби билувчи олти юзга яқин ўзбек билан Самарқанд шаҳри ичида истиқомат қилиб турган ҳамда Ҳамза Султон, Маҳди Султон ўзларининг жуда кўп тобелари билан бирга шаҳарга яқин Будана қўруғида турғун пайтида, душман кўплиги ва устунлиги борасида ўйлаб ўтирмади ва мўъжиз низомли «ким Аллоҳга суюнса — таваккал қилса бас, Ўзи унга етарлидир»¹ каломини олий аломатли назарининг кўзлаган мақсади қилди ва ботир кишиларидан икки юз қирқ нафари билан Самарқандни фатҳ этишга азми қарор этиб, бир кечаси ул маҳфуза шаҳарга кириб олган кўйи олам аро қиёмат куни овозасини солди.

Мушқин саллал қалам бу хабар тароватидан жаҳон аҳлининг жон димоғини шу янглиғ муаттар қиладики, буюк ҳимматли Бобур подшоҳ Сафидак қалъаси атрофини зафарга ёр аскарларига лашкаргоҳ қилган вақтда иқбол аломатли кўнглига тун зулмати қора асосли либосни «биз кечаси либос кийгиздик»² фармони бўйича одамлар эгни-боши узра ташлаган ва қора рангли парда кўз қувватини нарсаларни кўриш ҳиссидан айир-

¹ Қуръони карим, Талоқ (65) сураси, 3-оятдан.

² Қуръони карим, 78 сура, 10–11-оятлар.





ган пайтда яширин ва бекитиқча ҳолатда Самарқанд қалъаси хандақига кириб олиб, сўнг қўрғон устига нарвон қўйганча тепага чиқиб, ул ўлка фазосини саховатга кон вужуди қудрати билан безаш қарори йўл топади. Ва шу ўй-фикрда бир куни пешин намози фарзларини адо этгандан сўнг узангида фатҳу давлат, ғалаба ва қудрат йўлдош ҳолда Ёрйлоқдан Самарқанд диёри сари юзланди ва ярим кечада Хон Юрти манзили феруз нишон байроқ ойчаси ёғдусидан жаннат бўстони гўзаллигини топди.

Ўша пайтда маълум бўлишича, Самарқанддаги ўзбекларга «саодатманд Бобур подшоҳнинг балад ҳимматлик арқонини Самарқанд қалъасини эгаллаш учун отгани келмоқда» деган хабар етиб, урушга тайёргарлик кўришга тушибдилар. Подшоҳ ноилож қайтиш жilовини Ёрйлоқ тарафга бурди.

Мисра:

Бу гал чиқмаса, кейинги гал чиқар.

Икки-уч кун шундай борди-келди билан ўтгач, олий қарамли подшоҳ яна бир бор ул хатарли иш сари йўл олди ва Ёрйлоқдан Самарқанд қалъаси томон от чоптириб, олийшонли «азми қарор қилдингми, унда Аллоҳга таваккал қил»¹ фармони тақозосича мулклар бахш этувчи маликнинг чексиз иноятига таваккал қилганча пешин намози пайти баракатли оёғини бақувват бир саман узангиси ичига тиқиб, Самарқанд сари равона бўлди. Ўша кечаси фатҳу зафардек Шайбонийхон сипоҳидан айрилиб чиқиб, Сулаймон маконли подшоҳга келиб қўшилган улуғлар бошлиғи Хожа Абулмакорим нусрат аломатли мавкабада подшоҳ билан бирга масофаларни босиб ўтганча йўлбошчи бўлиб, давлатхоҳликнинг етук намунасини намойиш қилмоқда эди. Шарафли байроқ тун ярмидан ошганда Мағокнинг Сарипулига етишиб, соҳиб далил подшоҳ рустам аломатли ёш-ялангдан саксонга яқин кишини олдинроқ юборган кўйи уларга «Ғори ошиқон текислигида ошиқпеша айёрлар»² сингари иш тутиб, ҳеч

¹ Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 154-оятдан.

² Айёр — чаққонлик ва эпчиллик билан иш кўриш қобилиятига эга кишилар.





ўйлаб-нетиб ўтирмай, қалъа устига нарвон ташлаб, қалъа ичига кириб олинглар ва Феруза дарвозасини саодат эшиклари каби ферузий нишонли мавкабнинг бошқа камарбасталари юзи сари очинглар» деган фармон берди. Ўзи эса шижоат аломатли ботирлардан бир тўдаси билан Феруза дарвозаси томон юрди.

Олдинроқ жўнатилган мазкур шерюрак ёшлар одил подшоҳ буюрган мавзедан деворга чиқиб, ўзларини шаҳар ичига тапта-тапта ташладилар ва қиличларини яланғочлаб, Феруза дарвозаси томон йўналдилар. Бориб кўрсалар, аслида Туркистон савдогарлари жумласидан саналиб, аммо Шайбонийхоннинг нишони бўйича тархон¹ бўлган Фозил исмли киши ул дарвозани кўриқлаш учун тайинланиб, мулозимлардан бир тўдаси билан истироҳат тўшагида пишиллаганча мириқиб ухлаб ётган экан. Шу заҳоти ул жамоани йўқлик шаҳристониغا равона қилиб, дарвозани очдилар. Мақсади ҳосил Бобур подшоҳ дарҳол

Мисра:

Зафар жиловдош, ғалаба йўлдош

ҳолда ўша ерга етиб келиб, баданга кирувчи мангу ҳаёт ёки зулмоний оламни ёғдуга бурковчи қуёш нури каби қадамини ул маҳфуза шаҳар ичига қўйди. Замона ҳол тили билан ушбу сўзни такрорларди: Юрт султони танадаги руҳ кабидир.

Бахт кўзли халқдан қай бири ўша пайтда уйғоқ бўлиб, кўзи билан ул ҳазратнинг офтоб талъатли чехрасини кўрса, беихтиёр дуо ва сано сасини зангори осмонга етказиб, ҳақ субҳона ва таоло ҳамдига киришган кўйи шоду хуррам бўлди. Олий мартабали подшоҳ маърифат паноҳли хонақоҳга қўш ташлагач, шу лаҳзадаёқ Самарқанд шаҳрининг бутун аҳолиси Бобур подшоҳнинг саодат келтирувчи қадами ташрифидан хабар топди ва юраклари қувончу сурурга тўлганидан ўзларини йўқотиб, уйларидан отилиб, ташқари чиқдилар ва подшоҳ ҳузури сари талпиндилар. «Аллоҳ ўзининг кўпгина лутфларини яширин су-

¹ Тархон – турк-мўғул давлатчилик дастурига кўра, барча солиқлардан озод қилинган кишига бериладиган унвон.





ратда беради»¹ калимаси ҳақиқати барча наздида аён бўлди ва тарафдорлар тили Молики Маннон шукри учун айланиб, табрик ва қутлов сўзлари етти устунли айвондан ошди.

Назм:

Ғам тунида бахт юлдузи туйқусдан юз курсатди,
Халойиққа ғам шомида бир тонг отди ажойиб.
Миллат аҳли қутулдилар қаттиқ уқубатлардан,
Зулм зулмати мамлакатнинг кукидан бўлди ғойиб.

Подшоҳлик байроқларининг ойчаси бул манзилга етишгач, ўзбекларнинг бари саросимада қолиб, девона гадолар сингари уйма-уй чопишга тушдилар, жанг майдони ботирлари ҳамда ятиму бебош кишилар эса ул бахти қайтганларни таъқиб қилиб, таёқ ва тош зарби билан ўлдираб эдилар.

Хожа Қутбиддин Яҳёнинг уйида истиқомат қилиб турган Жонвафо Мирзо, Мавлоно Абдураҳим Туркистоний ва Шайбоний даргоҳининг бошқа яқин кишиларидан бир нечтаси у ёки бу ҳийла билан қочиш имконини топишга эришдилар. Аммо қолган беш юз нафарга яқин ўзбек ва хон хизматчилари ўлдирилиб, жаҳаннамга равона бўлдилар.

Ўша кечаси, муаззинлар тонг нидосини осмон гумбазининг айланаси сари ўрлатгунга қадар, ғала-ғовур шавкатининг овози зангори гунбаз оғзигача етиб турди ва самарқандликлардан қай бир кишининг кучи етса, ўзбекларни ўлдиришга тиришиб, молларини талар эдилар.

Олий мартабали подшоҳ хонақоҳ гумбази устида манзил тутди. Ҳунармандлар ва калонтарлар бир-бири кетидан мулозимат шарафини топиб, ҳар ким кучи етганча ўзига яраша совғалар тортиқ қиларди. Собит тургувчи ва сайр қилгувчи осмон жисмлари подшоси (қуёш) айланувчи фалакнинг яшил отига мингач ва уфқ дарвозасига қарор оёғини маҳкам тираб турган юлдузлар лашкарини каттаю кичикнинг кўзидан яширгач, олий зотли Бобур подшоҳга «ўзбек лашкаридан бир тоифаси Оҳанин дарвозасида икки дарвозанинг орасини беркитиб, уруш солмоқдалар»

¹ Араб мақоли.





деган хабар етди. Ваҳоланки, бу пайтда ул ҳазратнинг хизматида саккиз кишидан ўзга одами йўқ эди. Чунки бошқа мулозимлар ўлжа молини қайтариб олиш ва аҳоли аҳволини ўрганиш учун ҳар тарафга ёйилиб кетган эдилар. Шунга кўра, ул жасур подшоҳ муборак оёғини зафарёр узангига қуйиб, Оҳанин дарвозаси сари юзланди. Подшоҳлик мавкабининг Оҳанин дарвозасига етгани ҳам шу бўлди, мухолифлар йиғини занжири узилиб кетгани ҳам шу бўлди.

Ўша аснода бу ҳодисадан хабар топган Шайбонийхон бир юз эллик нафар темир совут кийган, ханжар урувчи отлиқ кишиси билан Оҳанин дарвозасига яқин келди. Бу пайтда юксак ҳимматли подшоҳ ёнида бор-йўғи йигирма кишиси бўлгани сабабли душманга қарши урушга чиқиш маъқул кўринмади. Шайбонийхон бироз вақт келган жойида тўхтаб туриб, иши олдин силжимаслигини сизди ва ноилож юзини ўз ўрдуси томон қаратди.

Зафарга ёр Бобур подшоҳ эса Оҳанин дарвозасидан арк Бўстонсаройига бориб, ул манзил саҳнини саодат келтирувчи қадами ташрифидан гўзалларнинг гулдек чехраси рашкига айлантирди ва бахту мақсади ҳосиллик тахтига ўтириб, Самарқанднинг қутлаш учун келган улўғ ва шариф кишиларини ўз кўрунишхонасига чорлади. Ул дуоғўй ва сано айтувчи жамоат салтанат тахти поясига етишдилар ва чексиз сийловларга эришиб, ушбу мақол мазмунини айтувчи бўлдилар.

Назм:

Бахтиёр шох, қўлингда фатҳ бўлсин жаҳон,
Замонингда катта-кичик сурсин даврон.
Адлинг билан бу Самарқанд бўлсин обод,
Душман зулми ушбу юртдан йитсин умрбод.
Самарқанд-ла чекланмасин сенинг мулкинг,
Бутун олам бўлсин энди қаламравинг.
Диёнату диндан олам обод бўлсин,
Илтифотинг соясида эл шод бўлсин.

Илм истагувчи тарихчиларнинг ёғдули кўнглидан яширин қолмасинким, Самарқанд шахрининг саодатманд Бобур подшоҳга муяссар бўлгани каби бу янглиғ эгалланиши воқеаси





худди ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Гурагоннинг икки юз киши билан кечаси Қаршига боргани ва ул шаҳарни жуда бир кўнгил очар тарзда олгани ҳикоясига ўхшайди. Ул воқеадан бир бўлаги китобимизнинг Соҳибқирон воқеаси бобида ёзилиб, ул ҳодисанинг фаройиб ҳолати фасоҳат қалами билан баён этилган эди. Агар ёқимтой васфли зийрак киши бу икки ҳикоятни солиштириб кўрса, ўша кеча олий мартабали подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан юзага чиққан бу журъат ва жасоратнинг мамлакат олувчи Соҳибқироннинг Қаршини эгаллаганидан бир неча ортиқча сифатга эгаллигини билиб олади. Биринчидан, олий насабли Соҳибқирон Қарши сари йўналган ўша тунда ул ерда ҳоким йўқ эди. Амирлардан Амир Ҳусайн бин Амир Мулло, Амир Мусо ва Малик Баҳодир эса ташқарида бўлиб, шаҳар ичкарасида фақат Амир Мусонинг кичик ёшдаги ўғли Муҳаммадбек қолган эди. Олий мартабали подшоҳ Самарқандга кирган тунда эса жаҳоннинг барча ўлка ва шаҳарларини ўзининг меросий мулки деб билган ва ҳамиша ўй-фикр қалами билан рубъи маскуннинг тамоми мамлакатларини эгаллаш нақшини кўнгли саҳифасига битган Шайбонийхон шижоат қоидали султонларнинг кўпчилик қисми билан бирга Самарқанднинг яқин теварагида чодир ва ўтову қуббасини осмону фалак авжигача кўтарган эди.

Қолаверса, эҳтиёткорлик йўсини ва шаҳару қалъани сақлаш қоидаларини жуда яхши билган ҳамда ботирлик ва паҳлавонлик майдонида ютуқ тўпини Муҳаммад Шайбонийнинг бошқа нўёнлари қўлидан олиб қочиб юрган Жонвафо Мирзо олти юзга яқин дев сийратли ўзбек билан Самарқанд шаҳри ичида эди.

Яна шуки, Мовароуннаҳр шаҳарларининг салтанат пойтахти бўлган Самарқанд қалъаси жуда катталиги қатори метиндек мустаҳкам ва ниҳоятда баландлиги билан машҳур ва тилларда дostonдир. Ҳеч қачон ҳеч бир шавкатли подшоҳнинг кўнглидан ул қалъани уруш билан эгаллай олиш фикри ўтган эмас. Шу сабабли бу қалъа халқнинг хосу авоми орасида «маҳфуза шаҳар» номи билан танилган. Қарши шаҳри эса кичик бир мавзе бўлиб, у ерни доруғаларгина бошқарган. Мустаҳкамликда ҳам ҳеч қачон Самарқанд қалъаси билан тенглашиш даъвосини қилмаган.





Мисра:

Йул фарқини кўр, қайдан қайгачадир¹.

Алқисса, Самарқанднинг Бобур подшоҳ томонидан фатҳ этилгани борасидаги қувончли хабар Мовароуннаҳр диёрининг теварак-атрофига ёйилгач, Шовдор ва Сўғд ҳамда ул шаҳарнинг бошқа туманлари, қалъа ва қишлоқлари аҳолиси ҳазрат подшоҳга давлатхоҳлик шиорини намоён этдилар. Ўзбек доруғалари эса қочиб қолиш қарорини ихтиёр этиб, Шайбонийхон ўрдусига бориб қўшилдилар. Хон эзилиб-сиқилиб ва ҳайрон бўлган ҳолда юзини Бухоро сари қаратди.

Шу воқеалар асносида Муҳаммад Боқи Тархон Қаршига кириб келиб, ул қалъа ва Хузор кўрғонини ўзбекларга қарши беркитди. Адолат паноҳли Бобур подшоҳ бу хабарни эшитиб, шоду хуррам бўлиб, қалби қувончга тўлди.

Бобур подшоҳ халққа ғамхўрлик ва эҳсон палосини ёйиш ҳамда адолат ва саховат пойдеворини тиклаш учун тиришди. Айниқса, ислом олимларига ғамхўрлик қилиб тарбиятлар кўрсатиш ва ширин сўзли шоирларга яхшиликлар қилиш бобида кўп саъй-ҳаракатлар намоён этди.

Фозиллар сараси бўлмиш фасоҳат пойдевори қурувчиси ва сўзни безаш майдонида назму наср чавғони билан ютуқ коптогини замон шоирлари қўлидан олиб қочиб юрган мавлоно Биноий Шайбонийхоннинг Самарқанд ўлкасини истило қилган чоғи шу хон ёнида эди. Фозилларни сийловчи подшоҳга бу фатҳ муяссар бўлгач эса, бошдан оёқ ясаган кўйи осмон ўпар даргоҳга келди. Аммо Амир Қосим Қавчин эҳтиёткорлик йўлини тутиб, ул жанобни Шаҳрисабзга чиқариб юборди. Аммо бир неча вақт ўтиб, фозилларга бошпана бўлмиш Бобур подшоҳ қайтадан Самарқандга чақириб олди ва иноят назарига манзур тутиб, инъом ва эҳсон эшиklarини бу шоир ҳаёти юзи сари очди. Ва мавлоно Биноий ўша айёмда олий мақомли подшоҳнинг мақтовли номига атаб мусиқада бир амал басталади. Бу яратган

¹ Форсча берилган бу мисранинг асли арабча «мин айна ила айна (қаердан-қаергача)» иборасидир.





куйи унинг ўз қаламига мансуб ушбу рубойисига басталанган эди.

Рубойи:

Еб-ичгани менда на нон, ғаллам бордир,
Пулсизликдан на кийим, на саллам бордир.
Еб-ичгани ва кийгани нарсам йўғ-у
Қандай дейман: илҳом тула каллам бордир?!

Ва фазилат дастгоҳли Бобур подшоҳ мазкур рубойи баробарида сўзга чечанлик намунаси бўлган ушбу калом жавҳарларини баён тизимига терганлар.

Рубойи:

Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур,
Инъому вазифа¹ бори буйрулғусидур.
Ул ғаллаву муҳмалки деб эрдинг, бердим,
Муҳмалга бўю ғалладин уй тўлғусидур.

Мавлоно Биноий бу рубойининг биринчи мисраси қофиясини радифга айлантирди ва баён тизимига бир ду байтлик тизди ва унинг бир байти ушбу бўлиб, нукта билувчи подшоҳнинг назарига етказди.

Байт:

Мирзом ки шоҳи баҳру барр² бўлғусидур,
Оламда ҳунар бирла сар бўлғусидур.
Бир муҳмал³ учун мунча иноят бўлди,
Мустаъмал агар десам, келар бўлғусидур?

Ва ўша аснода Фироқий тахаллусли Хожа Абулбарака подшоҳнинг жаннат рутбали суҳбатига етишди ва мазкур рубойиларни эшитиб, дур сочувчи подшоҳнинг гавҳарга кон назми тааббусида бир рубойи айтди. Ёдимда шундан фақат бир фарди қолган.

Байт:

Бу жаврки, қилди давр, сўрулғусидир,
Султони карам бу узрни қўлғусидур.

¹ *Вазифа* — нафақа.

² *Баҳру барр* — денгизу қуруқлик. Яъни, сув ва қуруқликдан иборат ер қурраси.

³ *Муҳмал* — бу ерда: бекорчи гап; Биноий бир сўзнинг иккита маъносидан сўз уйини қилган.



Алқисса, ўша қишда жаҳон олувчи Бобур подшоҳ жаннатмонанд Самарқандда сарафрозлик тахтида ўтириб, доим фуқаропарварлик шартларини бажо ва дўстларни сийлаш ишларини адо этиб, душманни куйдириш нақшини кўнгли лавҳига чишиш билан машғул бўларкан, Шайбонийхон Бухородан Иброҳим Тархоннинг укаси Аҳмад Тархон ҳокимлик қилиб ўтирган Дабусия қалъаси устига лашкар тортиб, катта куч ва зўрлик ишлаган кўйи ул қўрғонни босиб олиб, аҳолисини қатли ом қоидаси бўйича ёппасига қириб ташлади.

**ДЎСТНИ СИЙЛОВЧИ ПОДШОҲНИНГ
ДУШМАН БИЛАН ХОЖА КОРДЗАН
МАНЗИЛИ ТАШҚАРИСИДА УРУШГАНИ
ЗИКРИ ВА УЛ ҲАЗРАТНИНГ МАҲФУЗА
САМАРҚАНД ШАҲРИДА БЕРКИНГАНИ ВА
ХУДОВАНД ТАҚДИРИГА КЎРА ОЗИҚ-ОВҚАТ
ТАНҚИСЛИГИ ВА ОЧЛИК РЎЙ
БЕРГАНИ БАЁНИ**

Рустамдек саф ёрувчи ва динпаноҳ Бобур подшоҳ Самарқанд фатҳидан сўнг ҳамиша ўй-фикр қалами воситасида Муҳаммадхон Шайбоний билан тўқнашиш ва уруш солиш нақшини ёғдули кўнгли саҳифасига битиб ўтираркан, ҳазрати қуддусийнинг ўзгартиб бўлмас тақдирига биноан Шайбонийхоннинг Дабусия қалъасини қўлга киритгани ва ул қўрғоннинг барча аҳолисини қирғинга дучор этганини эшитгач, хаёлдаги мазкур юриш азму қарор сифатини топди.

Аммо ўша пайтда халифа ошиёнлик даргоҳда қўшин аҳлидан икки юз қирқ нафардан ортиқ бирон киши йўқ эди. Шайбонийхон мавкабида эса беш-олти минг пиёда ва отлик бўлиб, уларнинг ҳар бири жангу жадал майдонида ўзини Рустаму Исфандиёрдан сўнг учинчи қаҳрамон деб биларди. Бир неча кун урушга чиқиш кечиктирилди. Шу ораликда Султон Маҳмудхон Айюб Бекчик ва Қашқа Маҳмудни беш юз нафар довьорак кишилар

билан олий зотли подшоҳга ёрдам учун жўнатди. Шунингдек, Жаҳонгир Мирзо олдидан Султон Аҳмад Танбалнинг укаси Халил шижоат аломатли икки юз нафар отлиқ билан подшоҳ ўрдусига келди.

Шундан сўнг олийшонли подшоҳ 906 йил шаввол ойида¹ Муҳаммадхон Шайбоний билан урушиш мақсадида паҳлавонлик маслаки солиқларини жангга тайёрлаб, Самарқанддан чиқди ва Боғи Нав подшоҳнинг саодат нурли байроғи ойчасидан гуллаб-яшнаб, беш-олти кун ўша ерда тўхтаб турилди. Қўшин йўл асбобларини саранжомлаш ишларидан қутулгач, нусратпаноҳ мавкаб кўчма-кўч юриб, душман тарафига йўналди ва Сарипулдан ўтиб, тўқнаш ва уруш-саваш учун қулай бир жойни лашкаргоҳ қилди.

У томондан эса Шайбонийхон мақтов хислатли подшоҳнинг қаршиси сари келиб, ҳазрат подшоҳ лашкаргоҳигача бир фарсахлик масофа наридаги Хожя Кордзан четида хонлик туғларини ҳилпиратди. Аммо икки қўшин беш-олти кун бир-бири қаршисида ўтиришса-да, султонлик жангига² киришмадилар. Фақат баъзида бир нечта довюраклар паҳлавонлик саманини мардлар майдонида жавлон урдириб, жанг чангини тез айланувчи осмон авжига чиқариб қолардилар ва уруш асбобларини ишга солиб, етук журъат ва жасурлик намунасини кўрсатардилар.

Ана шундай вақтлардан бир кечаси Шайбонийхон шабихун расми билан ер юзи подшоҳи чодирини ёнига келди. Аммо яхши аломатли лашкаргоҳ атрофи эшик ва чапаркат³ тахталари ва ёғоч билан қаттиқ беркитилгани сабабли бирон иш чиқара олмай, «қайтиш афзалдир» ҳикматини тилидан жорий қилганича, юзини ўз лашкаргоҳи сари қаратди.

Шундан сўнг кишвар олувчи подшоҳнинг ойдин кўнглига «тезроқ ғаним билан урушга чиқилса ва янгидан ер юзини душман қонидан қизил қилиб, Шайбонийхонга мамлакат олишнинг қандай бўлишини кўрсатиб қўйилса» деган фикр йўл топди.

¹ 906 йил шаввол ойи — 1501 йил 20 апрель — 18 май.

² Султонлик жанги — ҳукмдорларнинг шахсан ўзи қатнашадиган уруш.

³ Чапар — одам бўйича келадиган тахта қалқон-тўсиқ; чапаркат — бир одам сивувчи тахта сўри.





Амир Қанбар Али ҳам ҳазрат подшоҳни шунга ундаб «пасткаш душманларга бундан ортиқ муҳлат бермаслик керак, аксинча, тезроқ шамшир ва ханжар захми билан вужудлари қасри деворидан дарча очиш лозим» дерди.

Аммо шу пайтда «Муҳаммад Боқи Тархон яхши қуроланган икки минг нафар отлиқ билан Кеш шаҳрига келибди ва тез орада олий ўрдуга келиб қўшиларкан» деган хабар етгач ва, шунингдек, «Аҳмад Мирзо Дуғлот Султон Маҳмудхон буйруғига кўра бир минг беш юз нафар диловар киши билан мана шу икки-уч кун ичида осмон мартабали мавкабга қўшилади» мазмунидаги сўзлар етиб келгач, бошқа амирлар уруш учун шошилишни маъқул кўрмай, «ул икки қўшин етиб келмагунга қадар ғаним билан беллашмайлик» дедилар.

Ҳазрат подшоҳ эса илоҳий қазову қадарга биноан Амир Қанбар Алининг фикрини тўғри деб ўйлаб, қуёш ёғдули байроғини зангори осмон узра кўтарган ва кавкаблар мавкабларига¹ олтин рангли совут кийдирган тонг чоғи зулмат кўринишли қўшинни тор-мор келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу сабабли Искандар мартабали подшоҳ қуёш нурли кўнглини шавкат дастгоҳли қўшинни тайёрлаш учун қаратиб, Амир Қанбар Али, Банда Али, Хожа Али, Амиршоҳ Қавчин, Сайди Қосим эшикоғо, Банда Алининг укаси Амир Қосим Қавчиннинг ўғли Қўч Ҳайдар яна бир нечта қасоскор баҳодирлар билан бирга ҳировулда таваккал туғини кўтардилар. Иброҳим Сору, Иброҳим Жоний, Абулқосим Кухбур ва жасорат аҳлидан тағин бир бўлаги баронғор қисмда туриб душман билан урушадиган бўлишди. Иброҳим Тархон, Султон Ҳусайн Арғун, Қора Барлос, Пир Аҳмад, Хожа Ҳусайн эса жангчилардан яна бир бошқа бўлаги билан жавонғордан уруш майдонига йўналишга буйруқ олдилар. Амир Қосим Қавчин ичкилардан бир тўпи билан подшоҳнинг балаңд пояли туғи соясида гул қисмда туриб, ҳимматини душманни қириш ва ғанимни фано оламига жўнатишга қаратадиган бўлди.

У томондан Муҳаммадхон Шайбоний ҳам қўшин сафини ясаб, ўзи гул қисмда турди. Маҳмуд Султонни баронғор қисмда

¹ Кавкаблар мавкаблари – юлдузлардан ташкил топган отлиқлар.





сақлаб, жавонғорни бошқаришни Ҳамза Султон ва Маҳди Султонга топширди.

Шундай қилиб, бу иккала урушқоқ жанговар ҳукмдор, яъни подшоҳ ва хон мазкур тартиб ва қоида билан бир-бири қаршисида турган кўйи ғазаб ва адоват оташини ёндириб, довюррак баҳодирлар жон торини узувчи пайкон учи билан қон оқизувчи оловни кекчи жисм сари пуркадилар ва рустам қудратли ботирлар ўтқир шамшир зарби билан гўзаллар жонидан тешик очганича уларнинг бақо хирмонини фано елига со-
вурдилар.

Назм:

Камон булутидан ўқ ёмғир ёғиб,
Тўфони фалакка етган паллада,
Ботирлар қиличи қонсочар бўлиб,
Қондан Жайхун дарё оқди далада.

Шу аснода душман қўшинининг баронғори ҳамлага ўтиб, олий мавқабнинг орқаси томон чопдилар. Сулаймон маконли Бобур подшоҳ эса оти жиловини муҳолифлар томонга бурди. Бу пайтда шижоату жасоратда тенгсиз тажрибали йигитлар ҳировулда тургани сабабли жангга моҳир подшоҳ олдида улардан ҳеч бири кўринмади. Шунга қарамай, Бобур Мирзо бостириб келаётган ўзбеклар олдида чиққанча найза захми ва пайкон зарби билан ғанимни орқасига қайтарди.

Ул мияси айниган душманлар эса қилич ва ханжар зарбидан талвасага тушиб, ура қочганича Шайбонийхон олдида етгунга қадар ҳеч ерда тўхташ имконини топмадилар. Чексиз қўрқув туйғуси Шайбонийхон яқинларидан баъзиларининг чидам ва барқарорлик пойдеворини ларзага солиб, улар хонга қарата, қўшинимизнинг баронғор қисми остин-устун бўлди ва иш уруш оловини гуриллатиш фурсатидан ўтди, яхшиси «ўз вақтида қочиш ҳам ғалабадир»¹ мазмунига амал қилайлик ҳамда «тоқат қила олмайдиган нарсадан қочиш пайғамбарларнинг суннатидан бўлган»² мазмуни тақозосидан ташқари қадам босмайлик, дедилар. Шайбонийхон бу

¹ Араб мақоли.

² Араб мақоли.



сўзларни қабул қулоғи билан эшитмади ва ўз қўшинини чақириб, уруш майдони чангини тўзғитишни буюрди. Қалби жўшқин даштлик ўзбеклар яна қайтадан ҳамла уюштириб, нусрат аломатли подшоҳ сипоҳининг жавонғор ва баронғорини олддан олиб ташлашга эришиб, гул қисмнинг орқасидан кирдилар.

Олий зотли подшоҳ эса яна бир бор оти жиловини душман сари тўғрилаб, қилич сермаш ва ханжар санчишга тушди. Аммо саодат аломатли узанги ёнида ҳеч ким қолмагани, ўзбек қўшинининг ён-атрофдан кириб келиб, ёппасига ўққа тутгани учун уларни қайтара олишга муваффақ бўлинмади. Улуғ амирлардан Иброҳим Тархон, Иброҳим Сору, Иброҳим Жоний жасорат ва паҳлавонлик намунасини етук бир алфозда намоён қила-қила, сўнг жаноби жалоли субҳонийнинг ўзгартиб бўлмас тақдири бўйича мангулик оламига ошиқдилар. Шунингдек, ўша жон куйдирувчи кун Абулқосим Кухбур, Қосимбек Қавчиннинг тўнғич ўғли Ҳайдар Қосим, Худойберди Туғчи, Султон Аҳмад Танбалнинг укаси Халил буюк тангри тақдирича шаҳидлик мартабасига етдилар.

Ўша аснода, не ажабки, Султон Маҳмудхон томонидан Бобур подшоҳга ёрдам учун келган мўғуллар худди ғаним ўзбекларга ўхшаб, подшоҳнинг ғалабага ёр лашкари ашёларини талашга киришиб кетдилар. Шижоат паноҳли подшоҳ имкони борича ул даҳшатли майдонда туриб, даштлик нопок қавмни йўқ қилишга уринар ва ғанимнинг чаққон ботирлари қонидан тупроқ юзини қизилга бўярди. Бироқ олий мавкабда ўн-ўн икки кишидан ўзга одам қолмагани, зулм аҳлининг ўқлари ғалаба аломатли байроқларга тега бошлагани учун ул бало ғарқобидан йўналиш жиловини Кўҳак дарёси тарафига бурди. Отини кежим¹ ва совути билан бирга дарёга солиб, кўп қийинчиликда ул соҳилга чиқиб олди ва сўнг от устидаги кежимни кесиб ташлаб, шимол тарафга шамолдек елиб кетди ва Қулба ўланги худудида яна бир бор мазкур дарёдан кечиб ўтиб, икки намоз оралиғи вақт ичида Шайхзода дарвозасидан шаҳарга кириб борди ва фақат шу ерда отдан тушди.

¹ Кежим — от устига ўк, қилич, найзадан ҳимоялаш учун ёпиладиган чарм ёки темир түр ёпинчик.



Бу жанг майдонидан омон чиққан амир ва ичкиларнинг бир гуруҳи эса ваҳима ва қўрқинч кучлилигидан ҳар бўлаги бир тарафга бош олиб кетдилар. Шулар жумласидан Қанбар Али Саллоҳ Қундуз сари равона бўлди, Каримдод ва Худодод *Туркман*, Жоника Кўкалтош, Мавлоно Бобо Пашоғарий Ўратепа тарафга кетдилар.

Ул машъум ҳодисадан икки кун ўтгач, Хожа Абулмакорим, Қосимбек *Қавчин* ва олий мартабали подшоҳ хизматида қолган бир нечта тайинли кишилар аълоҳазрат Бобур ҳузуридаги мажлисга йиғилиб, машварат шартларини адо этдилар ва маслаҳатни қалъани беркитмоққа қарор бердилар. Сузангарон дарвозасини ҳимоя қилиш Қора *Барлос* бошлиқ бир нечта довьорак йигитлар зиммасига юкланди. Гозуристон дарвозаси эса Ширим *Тағойи* ва Қутлуқхожа Кўкалтошнинг жасурлиги шарофати билан мустаҳкамланиш сифатини топди. Жамшид қоидали подшоҳ ва амир Қосим *Қавчин* ҳамда осмонга туташ даргоҳнинг яқин кишиларидан бир тўпи ул гуруҳларга ёрдамчи ўрнида тайинланиб, қалъанинг барча дарвоза ва буржларига бир хил тенг масофада турганича қайси тараф ёрдамга муҳтож бўлса, ўша ерга тез етиб боришлари учун шаҳар ўртасида жойлашган Мирзо Улуғбек мадрасасида ўрнашдилар. Подшоҳ ул мадраса томида чодири қуббасини ой ва қуёшли осмон авжигача кўтарди. Мулозимлар эса шу мадрасанинг ҳужраларида манзил тутдилар.

Эртаси куни Шайбонийхон маҳфуза Самарқанд қалъаси ён-атрофига келиб, сал нарироққа тушди. Буни кўрган шаҳарнинг чапани ва бебош кишилари жанг ва уруш-саваш мақсадида Самарқанд маҳаллаларидан тўп-тўп бўлиб келган кўйи дастлаб Мирзо Улуғбек мадрасаси эшиги сари ошиқар, сўнг подшоҳлик давлати дуосини адо этгач, урушга рухсат олиб, дарвозадан ташқари чиқар ҳамда жасорат ва журъат ели билан жанг учқунини алангалатиб, муҳораба оловини гуриллатар эдилар. Ўзбеклар эса «қочиб урушиш» усулини қўллаб, сира шаҳарга яқин келмасдилар. Бундан дадилланган шаҳарликлар Шайбонийхон ўрдуси ёнигача боришар ва кўзларига нима кўринса, жасурлик қўли билан талашар эди.





Ўшандай кунларнинг бирида Шайбонийхон Оҳанин дарвозаси тарафдан ҳамла қилиб, қўшинидан бир нечта отлични эса пистирмада қўйди. Эски қоида бўйича олдга чиққан пиёдалар пистирмада турган душман орқаларидан келиб, тўсатдан ҳамла қилган пайтдагина ўзбеклар ишлатган ҳийладан воқиф бўлдилар ва икки ўртада азим бир жанг рўй бериб, Нуён Кўкалтош, Қулназар *Тағойи*, Мазид ва соҳиб далил подшоҳ қўшинидан яна бир нечта довураклар пиёдаларни ҳимоя қилиш ниятида отлари жоловини ўзбеклар билан урушиш сари бурдилар. Қулназар мухолифлардан бири томон қилич сермаб урди. Аммо ўзбек сипоҳи кўп бўлгани сабабли пиёдалар устидан голиб чиқиб, уларни пулат қиличлар зарби билан Оҳанин дарвозасигача қувиб бордилар. Ҳатто ўзбек отличлари улар кейинидан Хожани Хизр масжидига яқин бостириб келдилар. Ўша мақомда Қўчбек яхши жанглар қилди. Оламаноҳ подшоҳ ва халифа дастгоҳли даргоҳ яқинлари ул дарвоза устидан ўлим йўналишли ўқ отардилар. Ноилож душман ўша ердан қайтиб кетди.

Эртаси куни Шайбонийхон темир кийган момоқалдироқ гулдирашли қўшин билан Оҳанин ва Шайхзода дарвозалари оралиғига келиб, тўқнаш ва урушга тайёр турди. Олий мартабали подшоҳ саодатли ёшлар билан Шайхзода дарвозаси орқасига ошиқиб, келишилган дастурга кўра Тангрига топиниш қўлини ўқ-ёй сари чўзди ва подшоҳнинг бош бармоғидан ўлим аломатли ўқ учиб чиқиб, битта ўзбек жангчиси минган бўз отга бориб тегди. От шу заҳоти тил тортмай ўлди.

Ўша куни душман қўшини ҳаддан ташқари мардоналик кўрсатди. Ҳатто бир бўлаги Шутургардан буржи ёнида девор тагигача келдилар. Бошқа бир тўпи эса «Бобур подшоҳ мавқабининг довурак йигитларидан катта қисми Оҳанин ва Шайхзода дарвозаларида йиғилишган, Гозуристон ва Сузангарон дарвозаси буржида бўлса игна мисол пайкон учи билан ботирлар ҳаёти торини уза оладиган бирор киши қолмаган» деган гумонда, ўша икки дарвоза томон от қўйишди ва ёнларида тузатиб олиб келган олтмиш беш дона нарвонни деворга суяб, тепага чиқмоқчи бўлишди.





Қўчбек, Муҳаммадқули Қавчин, Шоҳ Сўфи ва Рустам сийратли баҳодирлардан тағин бир нечтаси қаршилик қалқонини юзларига тутиб, ҳамла оёғи билан ул жамоат устига отилдилар ва мазкур ғанимлардан айримлари деворга чиқиб олиб, баъзилари эса ҳали нарвонда турган вақтда ул ғолиб ботирлар душман сари чангалини чўзиб, кўзларига қиёмат куни аломатини кўрсатдилар.

Пастда турганлари эса оёғини нарвонга қўяр-қўймай ура қочдилар. Қўчбек бошқа ўртоқларидан кўпроқ қилич ва ханжар ишлатиб, қанчадан-қанча ўзбекнинг вужуд нақшини борлиқ саҳифасидан ўчирди.

Қора Барлос, Қутлуқхожа Кўкалтош, Қулназар ҳам ўша куни ўткир қилич ва қон оқизар новак-ўқ билан ўз мурчалани душман босқинидан асрадилар.

Эртаси куни эса Амир Қосим Қавчин бошлиқ жасур отлиқлар гуруҳи шаҳардан ташқари чиқиб, жанг учун олдинроқ келган ўзбеклар билан жанг майдонида беллашиб, уларни Хожа Кафшгаргача ҳайдаб борган ҳолда, ҳатто бир нечта машхурроғини ҳаёт отидан қулатиб, номуборақ бошларини қутлуғ аломатли подшоҳнинг нузли назарига етказдилар.

Ана шу зайл тўрт ойга яқин икки қўшин ўртасида жанг ва ҳарб олови ёниб, уруш-саваш чангу тўзони кўтарилиб турди. Ҳазрат подшоҳ жаннат нишонли Самарқанд шаҳрини қўлда сақлаш учун имкон борича ҳаракат қиларди. Шайбонийхон эса қамалдагиларни қийин аҳволда қолдиришга уриниб, муҳосира ишини пайсалга солишга ҳеч унамасди.

Ўша аснода халқ ва шаҳар аро озиқ-овқат танқислиги ва очлик балоси оралаб, Самарқанд аҳолисининг ички ўчоғига очлик оташи тушди. Бир неча вақт шаҳарликлар кўзига ҳар тонг фалак тандиридан чиқувчи қуёш доирасидан ўзга айлана нарс¹ кўринмади. Бирор уй ва кошонада, агар Сунбула буржи² хужрасида кўринмаса, бир сиқим сомон ёки бир дона буғдойми,

¹ Айлана нарса – ноннинг доира шаклига ишора.

² Сунбула (Бошоқ) буржи – ўн икки бурждан бири. Бу ерда буғдой ва нон ўша бурж каби узоқда жойлашишига ҳам ишора.





арпами ёки сулими, кўзга чалинмасди. Гўшту ёғ эса Аҳмар гугуртию¹ афсонавий Анқо қушининг уруғи каби ноёб эди. Камбағал халқдан айримлари ит ва мушук гўштидан қайла пишириб, иш мулоҳаза ва уят даражасидан ўтиб кетганди. Амирлар ва катталар от-уловга ем-хашак топмай, ўрнига дов-дарахтлар япроғини едирардилар. Бир бўлак кишилар эса қуриган ёғочларни майдалаб ва тахта тарашаларини бироз вақт сувда ивитиб, отлари учун ем тайёрлардилар.

Ана шу қамал даврида Искандар мартабали Бобур подшоҳ бир неча бор Хуросон ва Ҳисори Шодмон, Қундуз, Бағлон, *Муғулистон* ҳокимлари олдига элчилар юбориб, ёрдам сўради. Мазкур вилоятлар волийлари эса мадад борасида бепарволик ва ишни орқага суришга мойил бўлиб, ҳеч ким додга етмади. Ноилож самарқандликлар маънос тортиб ва тушкунликка тушган ҳолда битта-битта, иккита-иккита бўлиб, ўзини қалъа буржу борасидан пастга ташлаб, Шайбонийхонга бориб қўшилавердилар. Шаҳар халқининг қийин аҳволда қолганини билган хон Ғори Ошиқон яқинига келиб қўш ташлади. Подшоҳ ҳам унинг ўтрусига келиб, Кўйи Поён манзилида даргоҳ қуббасини баланд кўтарди.

**СУЛАЙМОН МАКОНЛИ ҲАЗРАТ БОБУР
ПОДШОҲНИНГ САМАРҚАНДНИ ЯНА БИР
МАРТА АБУЛФАТҲ² МУҲАММАДХОН
ШАЙБОНИЙГА ТАШЛАБ
ЧИҚҚАНИ ЗИКРИ**

Исломпаноҳ подшоҳ яна бир неча кун қамал қийинчилигига чидам ва бардош бериб, сабру тоқат қилгач, кўнглидан «ғалла қаҳатчилигию дон-дун танқислиги ва очлик зугумидан тинка-мадори қуриган одамлар ҳар хил ҳаром нарсалар ёмоқдалар ҳамда озиқ-овқат йўқлиги сабабли силласи қуриган самарқандликларга

¹ *Аҳмар гугурти* – кизил гугурт. Кимёгарларнинг айтишича, ҳаётбахш иксир суви шу гугурт моддасидан тайёрланган ва бу ерда унинг ноёблигига ишора.

² *Абулфатҳ* – ғалабалар отаси. Бу ерда сифатлов ўрнида.





қаттиқ қамал воситасида кўп зулм ўтказилиб, одамлар зарурат юзасидан душманга итоат нақшини кўнгил саҳифасига чизмоқдалар, яхшиси шуки, яна бир неча кун зулмкор турмуш тақдирига тан бериб, сўнг шаҳарни ташлаб, йўналиш туғини Тошкент томонга кўтарсак» қабилидаги ўй-фикрлар ўтди.

Шунга кўра, 907 йилнинг бошида¹ ўта қоронғулигидан товуш қулоқ пардаси саройи йўлида адашадиган ва фалак юлдузлари кўзидан бўлак ҳеч бир посбоннинг кўзи очиқ эмас бир кечаси оқибати хайрли Бобур подшоҳ Хожа Абулмакорим ва бошқа бир нечта улуғлар ва юзга яқин саодатли навкар билан бирга Самарқанд дарвозасидан чиқиб, йўналиш юзини Андижон томон қаратди.

Йўл давомида азалий саодатни Султон Аҳмад Танбалдан ажралиб чиқишда ва осмон мартабали Бобур подшоҳга ёронликда билган Жаҳонгир Мирзо Андижон томондан келиб, улуғвор оғасининг қабули шарафини топди ва гуноҳлари рақамлари осмон ҳашаматли подшоҳнинг кечирим сувлари билан айём саҳифасидан ўчириб ташланиб, шафқат ва меҳрибонлик нурлари аҳволи юзи узра зиё сочди.

Подшоҳ барча мулкларнинг мутлақ молики сақлови остида Андижонга яқин етганда, Султон Аҳмад Танбалнинг исён ва туғёни ҳаддан ошгани сабабли Андижонга кириш ҳақида ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқлиги аён бўлди. Шунга кўра, подшоҳ оти жilовини Тошканд тарафга бурди. Ул давлат ва иқбол осмони қуёшининг шариф қадамларини тоғалари бўлмиш Султон Маҳмудхон ва Олачахон эъзоз-икром билан қаршилаб, зиёфат ва шодлик шартларини адо этишга киришдилар.

Шайбонийхонга эса тағин бир бор Самарқанд шаҳри фатҳи муяссар бўлиб, Мовароуннаҳрнинг кўпгина шаҳарларида эркин ҳукумат ва истибдод² байроғини ҳилпиратди. Сўнг эса Амир Хусравшоҳнинг иқболи ниҳолини қулатмоқ ва Ҳисори Шодмон, Хатлон, Бадахшон, Қундуз, Бағлонни эгалламоқ хаёлини кўнгли

¹ 907 йил боши — 1501 йил 17 июль куни.

² Истибдод — якка ҳокимлик; зўравонлик.



лавҳига чизиб, кетма-кет ва узлуксиз равишда бераҳм ўзбек сипоҳини ул ҳудудларни талаш учун юбориб турди. Ул ўзбек ботирлари бўлса, ҳамла ели билан қатл ва асир олиш оловини алангалатиб, ўз куч-қудрати аломатларини кўрсатдилар.

ЎЗГАРУВЧАН ФАЛАК ҲОДИСАЛАРИДАН АЙРИМЛАРИ БАЁНИ ВА КОБУЛНИНГ АМИР МУҲАММАД МУҚИМ АРҒУН ТАСАРРУФИГА КИРГАНИ ЗИКРИ

«Аллоҳдан ташқари барча нарса ҳалок бўлгувчидир»¹ ояти сўзлари тақозосича ва тенгсиз қодирнинг зоти хоссаси давоми «бўл ва бўлади»² экани ва бу тубан дунёдан ўтиб кетиш ер юзининг меҳнатда эзилган барча халқи вужудига хос бўлгани сабабли 907 йилда³ Мирзо Улуғбек бин Султон Абусаид Мирзо Кобул шаҳрида илоҳий ва моддий оламни яратган худованднинг мағфиратли паноҳига кетгач ва ўғли Абдураззоқ Мирзо ул диёр ҳокими бўлиб, отаси ўрнига фармон беришлик ўриндигига ўтиргач ва бу шаҳзоданинг кичик ёшдалиги учун амирлар ва давлат устунлари орасига қарама-қаршилиқ тушгач, Ширим Ака барча катта ва кичик ишларни бажаришни ўз зиммасига олди.

Амир Юсуф Муҳаммад ва амирлардан айримлари шаҳардан чиқиб кетиб, фурсат пойлаб турдилар ва Қурбон ҳайитининг тонг маҳали Ширим Ака султонлик девонхонасида ўтириб, ош тортаётган пайтда уч юз нафар мукамал қуролланган киши билан билдирмасдан Кобулга кириб, Ширим Аканинг устига ташландилар ва қиличларни қасос қинидан суғуриб, дарҳол ҳаёти иморатини яксон қилдилар.

Шу жиҳатдан кобулликлар орасига оғзи олачилик оралаб ва қаттиқ тарқоқлик йўл топиб, бу хабар Гармсирда Амир Зуннуннинг кичик ўғли Муҳаммад Муқим Арғуннинг қулоғига етди. 908

¹ Қуръони карим, Қасас (28) сураси, 88-оятдан.

² Матнда «кун фаякун». Қуръони карим, Марям (19) сураси, 35-оятдан: У (Аллоҳ) бирон ишни қилмоқни истаса, фақат унга «Бўл», дер. Бас (ўша иш) бўлур.

³ 907 йил – 1501 йил 17 июль – 1502 йил 6 июль.

йил охирида¹ ҳазора ва накудар лашкарини йиғиб келиб, Кобулни босиб олишни ният қилди ва ўша томон қараб қўзғалди. Абдураззоқ Мирзо қочиш қарорини ихтиёр этди. Муҳаммад Муқим ул мамлакатнинг давлат ва иқболида муқим ўтириб, Мирзо Улуғбек бин Султон Абусаид Мирзонинг қизини ўз никоҳига киритди. Бу хабарлар Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннун Амуя дарёси қирғоғида турган пайтлари улар қулоғига етиб, барчасининг кўнглини хурсандлик ва қувонч туйғулари чулғаб олди.

**СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ ОЛИЙ
МАРТАБАЛИ ШАЙБОНИЙХОНГА ҚАРШИ
УРУШ УЧУН ҚЎШИН ТОРТГАНИ, АММО
АМИР ШУЖОИДДИН ХУСРАВШОҲ
БИЛАН БИРДАМЛИККА ЭРИШМАГАНИ
САБАБЛИ АМУЯ ДАРЁСИ ҚИРҒОҒИДАН
ЯНА ОРҚАГА ҚАЙТГАНИ ЗИКРИ**

Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбонийнинг жаҳон олувчилиги овозаси олам аро кенг ёйилгач ва ўзбек қўшини ҳамласи Самарқанд катталари ва шариф кишилари йиғинини тарқоқлик сари юз тутгиргач, мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо Балх томонга Бадиуззамон Мирзо олдига чопарлар жўнатиб, уни ўзбек хонига қарши тўқнашиш ва урушишга ундади².

Амир Хусравшоҳ ҳам шаҳзода Бадиуззамонга элчилар юбориб, улар орқали ёмон вужудли ўзбеклар зулмидан шикоят қилган кўйи «қачон шаҳзоданинг олий мавкаби Амуя дарёси қирғоғига етишса, камина Ҳисори Шодмон, Хатлон, Бадахшон,

¹ 908 йил охири (зулҳижжа) – 1503 йил 28 май.

² «Бобурнома»да ёзилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро бундай мазмундаги хатни Коҳмард ва Ажарда турган Бобур Мирзога ҳам жўнатган. Бобур Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг ўшанда Бадиуззамон Мирзо, Амир Хусравшоҳ, Амир Зуннун Аргун ва ўзига бир хилда ёзиб юборган хатини 1529 йилгача (архив хужжати сифатида) сақлаган бўлиб, унинг Бадиуззамон Мирзо ва ўзига доир қисмларини «Бобурнома»да ҳавола этган. Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989, 111-бет.

Қундуз, Бағлон қўшинлари билан осмонни босиб ўтувчи ўрдуга қўшилажакман ва бу юришда иқбол янглиғ зафар асарли узанги мулозими бўлажакман» дея айттирди.

Шунга кўра, Бадиуззамон Мирзо Қандаҳор ва Заминдовар томонларга элчи ва хатлар жўнатиб, Амир Зуннун ва ўғилларию ака-укалари номига ҳамма бажариши шарт бўлган қўйидагича фармон битди: Жуда тезлик билан ул ҳудуднинг қўшинини тўплаб, қутлуғ мавкаб мулозиматида ўзбек лашкарини тор-мор этиш ва Мовароуннаҳрни қўлга киритиш учун қуббатулислом Балхга келинглар!

Амир Зуннун фармонга итоат шартларини бажариб, икки-уч минг жасур отлиқ билан Балх томонга равона бўлди ва Бадиуззамон Мирзо ул шижоат паноҳли амирни хусравона меҳрибонлик ва подшоҳона тортиқлар билан сийлаб, ҳаёти юзи сари турли марҳамат ва мушфиқликлар эшиklarини очди. Амир Хусравшоҳ ҳам Амир Зуннун Арғун назарига арзирли тухфа ва муносиб совғалар юбориб, шошинч равишда Амуя дарёси бўйига келишга ундади.

Қиш охирлаб, яшил майса ва гул-чечаклар қўшини ариқ бўйлари ва дала-дашту тоғ ёнбағирларида саф тортган вақтда Бадиуззамон Мирзо Самарқанд юришига жазм қилди ва 908 йил охирларида¹ икки минг пиёда ва отлиқ темир совут кийган найза санчувчи билан қуббатулислом Балхдан Термиз кечуви томонга равона бўлди. Амир Умарбекни эса салтанат пойтахти Ҳиротга юбориб, бузруквор отасидан ёрдам тилади.

Дарё бўйига келгач, мадинат ур-рижол² Термиз шаҳри рўпарасига қўш ташлади ва ҳарбий ноғора садоларини кумуш рангли фалак авжига етказди. Термизнинг Мир Боқи номи билан танилган ҳокими Муҳаммад Боқи дарҳол дарёнинг қўшин тушган буёқ томонига келиб, салтанат вужудли шаҳзода палосини ўпди ва пешкашлар тортиб, ўзи ҳам иноят ва илтифотга эришди.

¹ 908 йил охирлари — 1503 йил 28 май.

² Мадинат ур-рижол — эрлар шаҳри. Термиз шаҳрига берилган сифат.



Сўнг Бадиуззамон Мирзо Амир Султон Ҳусайн Арғун ва Амир Зуннун, Абдуллоҳ Қорақулоқни Амир Хусравшоҳ олдига Ҳисори Шодмонга жўнатди ва уни олий мавкабнинг дарё бўйига келгани ва Муҳаммадхон Шайбонийга қарши урушга қарор қилганидан хабардор қилиб «тез орада мулку давлат душманининг тор-мор қилиниши учун» зудлик билан зафар асарли лашкаргоҳга келиб қўшилишини буюрди.

Амир Султон Ҳусайн, Амир Зуннун ва Абдуллоҳ Қорақулоқ Амир Хусравшоҳ ва унинг укалари Амир Вали, Пир Вали билан учрашиб, уларга Бадиуззамон Мирзонинг фармонлари ва Амир Зуннуннинг хатларини етказдилар ва уларни олий ўрдуга боришга ундадилар. Амир Хусравшоҳ бўлса, пешонасига муваффақият ёрлиги битилмаганидан, фармонга итоат этишдан бўйин товлади ва кўнглига «Бадиуззамон Мирзонинг қўли Муҳаммадхон Шайбоний ишидан бўшаган заҳоти, албатта мендан Султон Маҳмуд Мирзо мамлакатини қайтариб олиш тамасида мени ўлдиради» деган гумонни келтирди. Натижада ёлғондакам баҳоналар билан элчиларни қуруқ қайтарди. Элчилар Бадиуззамон Мирзо ўрдусига қайтиб келиб, Амир Хусравшоҳнинг ваъдага хилоф иш тутганини арзга етказгач, шаҳзода Амуя дарёсидан кечиб ўтиши борасида иккиланиб қолди.

Шу воқеа пайти Амир Носириддин Умарбек аъло тахт пойидан қайтиб келди ва унинг сўзларидан мансур хоқон кутулганига қарши ўлароқ иш тутиб, ёрдам учун қўшин юбормагани аён бўлди. Ноилож, Бадиуззамон Мирзо Амир Зуннун билан маслаҳатлашиб, қайтиш ноғорасини чалдирди ва қуббатулислом Балх шаҳри четига яқинлашиб, Иброҳим Султон Мирзо чаҳорбоғида манзил тутди. Амир Шужоиддин Зуннунга эса кетиш учун рухсат берди. Ул жаноб йўналиш туғини ўз давлатининг қароргоҳи сари кўтаргач, Бадиуззамон Мирзонинг давлати ва шон-шавкатига катта зиён-заҳмат нуқсони йўл топиб, турлитуман бузғунчиликлар рўй берди ва Муҳаммад Шайбонийхон Хуросон шаҳарлари фатҳига умид боғлаб, Амуя дарёсидан кечиб ўтди.



БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ ХОС
КИШИЛАРИ ТОМОНИДАН ЮЗАГА
ЧИҚҚАН ФИТНА ВА ШУ САБАБЛИ
МУҲАММАДХОН ШАЙБОНИЙНИНГ
АМУЯДАН КЕЧИБ ЎТИБ
БАЛХГА ЙЎНАЛГАНИ БАЁНИ

Мазкур воқеалар бўлиб ўтаётган бир вақтда Дашти Қипчоқ саййидлари¹ қаторида турувчи ва ўзбек хонларига нисбатан ғоятда муҳаббат ва ихлос билан хизмат қилиб келаётган Саййид Жаъфархожа исмли хожазода Мовароуннаҳр диёридан қуббатулислом Балхга келиб, Султон Бадиуззамон Мирзонинг қўлини ўпиш шарафини топди ва шундай сўзларни изҳор этди: «Муҳаммадхон Шайбонийнинг зулми ва зўравонлиги сабабли ундан юз ўтириб, подшоҳлигингиз инояти соясидан паноҳ излаб келдим ва ҳаётим борича давлатингиз тарафдори бўлиб яшамоқчиман». Султон Бадиуззамон Мирзо ул айёр саййидга ишониб, уни ўзининг чексиз инъом ва эҳсонларига сазовор этди. Бу саййид жаноблари эса аста-секинлик билан шаҳзоданинг амирлари ва яқинлари билан ўтириб-туриш муносабатларини йўлга қўйиб, гоҳ-гоҳида хилват ўтиришларида Муҳаммадхон Шайбоний мадҳидаги мақтов сўзларини айтишни ҳам бошлаб юборди.

Кези келиб, қулай фурсат топилган чоғда уларни хон мулозимати сари оғдириш ишини ҳам пайсалга солмади. Бу борада турли-туман ваъдалар билан алдов усулини ҳам қўллаб турди. Бадиуззамон Мирзонинг амирлари ва хос кишиларидан бўлмиш Иброҳим Султон *Барлос*, Жаҳонгир *Барлос*, Шоҳмуҳаммад *Барлос* ва Офтоб Тархон, Қора Пирмуҳаммад, Тийнак Келди *Ўзбек* биргаллашиб, Саййид Жаъфархожага вақти-соати етганда қўзғалишлари ва Султон Бадиуззамон Мирзога қарши мухолифат водийсига қадам қўйиб, Шайбонийхон сари эса хизмат эшикларини очажаклари борасида келишув қўлини бердилар.

¹ *Дашти Қипчоқ саййидлари* – бу саййидлар кўпинча ҳазрат Али сулоласига мансуб Саййид Ото (ваф. 1250) авлодларидан бўлишган.

Ўша аснода илгари Маҳмуд Султон Бухорони истило қилгани сабабли ул ўлкадан қочиб келиб, Бадиуззамон Мирзодан паноҳ топган ва шаҳзоданинг иноят назарига манзур бўлиб, Андхудда ҳукумат юргизиб ўтирган Муҳаммад Боқир Тархондан қаршилик аломати кўриниш бериб, аниқроғи, тескарчилик иши амалга ошиб, бу Амир Муҳаммад Боқир Тархон деганимиз Муҳаммад Шайбонийхон олдига чопарлар жўнатиб ва хабарлар юбориб «хонликнинг қутлуғ мавкаби Амуя дарёсидан ўтадиган бўлса, камина Андхуд қалъасини осмон ҳашаматли даргоҳ, эгасига топшириб, ўзим хоннинг бошқа мулозимлари қаторидан ўрин олажакман» деган сўзларни айттирди. Жаҳон олувчи хон шу ваъдага умид боғлаб, Самарқанддан Амуя дарёси қирғоғи сари йўлга тушди.

Шунга кўра ҳалиги гуруҳ Саййид Жаъфархожа кўрсатмасига биноан «Бадиуззамон Мирзо мазкур Муҳаммад Боқир Тархон фитнасини бостириш учун Андхуд ҳудудига кетгани заҳоти қаршилик шиорини намойиш этиб, ул ҳазратнинг қўлга тушиши борасида лозим бир режани амалга ошириш»ни кўнгилларига тутдилар.

Аммо, буни қарангки, айни ўша чоғларда Амир Муҳаммад Боқир Арғун Бадиуззамон Мирзодан аразлаб, бир неча кундан бери салтанат саройи мулозиматини тарк қилиб, уйда ўтирган эди. Офтоб Тархон ва фитначилардан яна айримлари шунга кўра ул жанобни ҳам ўзларига шерик қилиб олиш фикрига тушдилар ва у билан овлоқ бир жойда учрашиб, юракларида бор гапни тўкиб сойдилар. Амир Муҳаммад Боқир сиртдан уларнинг сўзларини қабул қилган бўлди ва «яхшиси эртага Хожа Абу Наср Порсо мозори бошида ҳаммамиз йиғилиб, кейинчалик гапимиздан қайтмаслик учун бир аҳду паймон қилишиб олайлик, токим бу иш ҳеч пайсалсиз амалга ошгай» деди. Шунга келишиб олингач, ҳар ким ўз уйига кетди.

Бироқ Султон Бадиуззамоннинг Муҳаммад Боқир Арғунга кўрсатган чексиз яхшиликлари ҳақиқага риоят масаласи бу аминнинг этагидан маҳкам ушлаб, у ўша кечаси Мирзо Иброҳим Султон чаҳорбоғида ўтирган шаҳзоданинг ҳузурига қараб чопди



ва ул ёмон ниятдиларнинг ўй-фикрлари аҳволини арзга етказди. Султон Бадиуззамон Мирзо ул жамоатга нисбатан турли-туман меҳрибонлик ва ҳаддан зиёд иноятлар кўрсатган бўлиб, улардан буни кутмагани учун бу сўзларга ишонмай, мазкур маълумотни ғараз юзасидан айтилган гапга йўйди ва керагича диққат бермай, қабул қулоғи билан эшитмади. Амир Муҳаммад Боқир Арғун эса «яхшиси эртага тонг пайти ишончли бир кишингизни менга қўшиб, Хожа Порсо мозори бошига юборинг, токим бу сўзларим ҳақиқати нурга тўла қутлуғ кўнгилга аниқ ва равшан бўлмай» дея арзга етказди.

Ул ҳазрат бу илтимосни ижобат иззатига яқин тутди ва Паҳлавон Ҳасан Алининг Амир Муҳаммад Боқир Арғунга қўшилиб, ул мозорга бориши тайинланди. Ул амир жаноб эрта саҳарлаб Паҳлавон Ҳасан Алини мазор иморатларидан саналган жамоатхона ҳужраларидан бирида ўтқазиб, хона эшигини ташқарисидан қулфлаб қўйди ва ўзи мазор эшиги олдида исён аҳлини кутиб ўтирди.

Ўша чоғда мазкур жамоат ҳам келиб қолиб, ҳалиги жамоатхона эшигини очганча ичкари кирдилар ва кечаги масала юзасидан суҳбат бошладилар. Саййид Жаъфархожа музокара охирида ўтирганларга Шайбонийхонга тарафдор бўлиш борасида олт ичиргач, шу билан аҳду паймон учрашуви якунланиб, йиғин аҳли тарқаб кетишди. Шундан сўнг Паҳлавон Ҳасан Али беркиниб ўтирган еридан чиқиб, Султон Бадиуззамон Мирзо ҳузурига борди ва бўлиб ўтган воқеани батафсил арзга етказди.

Эртаси куни «барча амир ва давлат устунлари Андхуд ҳокими исёнчи Муҳаммад Боқир Тархон иши бўйича маслаҳат учун девонхона ўтовида йиғилсинлар» деган олий фармон чиқди. Чақирилганлар йиғилгандан сўнг Султон Бадиуззамон Мирзо улуғ амирлардан Умарбек ва Шайх Али Тоғай, Ошиқ Муҳаммад Арғун, Ёдгор Абу Исҳоқ Оқбуқа, Муҳаммад Боқир Арғун, Шоҳмансурни ёғийлик йўлига кирган мазкур гуруҳни ушлаш учун тайинлади.


Буйруқ олган амирлар ўша заҳотиёқ туз тутгир кўрнамаклар тўдасини ушлаб, кишанбанд қилган ҳолда ҳар бирини бир




ишончли кишига топширдилар ва бор бойликларини мусодара қилдилар.

Тутилганлар жумласидан бўлмиш Шохмуҳаммад Барлос ва Офтоб Тархон, Тийнак Келди кабилар шу ондаёқ қатл қилиндилар. Иброҳим Султон, Жаҳонгир Барлос, Қора Пирмуҳаммад, Саййид Жаъфархожа эса ўша куни шоҳона кечиримга эришиб, уларни озод қилиш борасида олий ҳукм содир бўлди. Аммо Саййид Жаъфархожанинг мол-мулкани мусодара қилишга мутасадди этиб тайинланган Амир Шохмансур «ўзи бу фитнанинг асламиртуруши ушбу саййид саналади, уни қўйиб юбориш давлатчилик манфаатига мос иш бўлмас» дея, Султон Бадиуззамон Мирзонинг саййидлик паноҳини ўлдиришга розилиги йўқ эканига қарамай, Саййид Жаъфархожани бўғиб ўлдирди¹.

Ана шу воқеалар бўлиб турган бир вақтда жаҳон олувчи Шайбонийхон Карки кечувидан ўтди. Буни эшитган Бадиуззамон Мирзо эса Иброҳим Султоннинг чаҳорбоғиданоқ оти жилувини Газравон тоғи тарафга бурди.



**ШАЙБОНИЙХОННИНГ ҒАЛАБА
АЛОМАТЛИ ТУҒИ ОЙЧАСИНИНГ БАЛХ
МАМЛАКАТИ УҒҚИДАН БАЛҚИБ
ЧИҚИШИ ҲАМДА УЛ ШАҲАР
АҲОЛИСИНИНГ АЧЧИҚ ТУРМУШ ВА
ТАХИР МЕҲНАТГА ЙЎЛИҚҚАНИ ЗИКРИ**



909 йилнинг куз фасли бошларида² Муҳаммадхон Шайбоний юрт олишлик байроғини кўтарди ва Амир Муҳаммад Боқир Тархон чақирувига биноан Карки кечувидан ўтиб, Андхуд атрофини салтанат чодирлари устунига айлантирди. Муҳаммад Боқир Тар-

¹ Жаъфархожа Саййид Отоий ўлими ҳақида Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»да Шайбонийхон тилидан шундай ёзади:

Деди: «Саййид бизнинг учун ўлди,
Эмди сизларга зарурат бўлди.
Ки, тилаб қонини разм этгайбиз,
Разм этар азмини жазм этгайбиз».

² 1503 йил октябрь ойи.



хон хоннинг олий мавкабига қўшилиб, совғалар тортиқ қилди. Аммо хоннинг илтифот назарига илина олмай, Шайбонийхон уни дарёнинг нариги томонига кўчириб юборди.

Жаҳон олувчи хоннинг Амударёдан кечиб ўтгани хабари Бадиуззамон Мирзо арзига ўша Иброҳим Султон Мирзонинг чаҳорбоғида ўтирган пайти етишди. Бироқ қўшиннинг тарқоқ ҳолда экани ва уруш талаб ботирлар йиғини тайёр эмаслиги сабабли шаҳзода Балхда қолишни маъқул кўрмади ва салтанату жаҳонбонлик кўзи қорачиғининг нури Муҳаммад Замон Мирзони Балхда қўйиб, Амир Султон Қулихонни шу шаҳзода хизматида қолдирди. Қилич ва қалам соҳиби Хожа Жалолиддин Миракий ҳамда Амир Шайх Абусаид Ироқий, Қора Ҳасан Алғут ҳам Балх шаҳрида қоладиган бўлишди. Амир Умарбекнинг ўғли Амир Алихон эса Шибирғон доруғаси бўлмиш Қабобекка ёрдам учун кетиб, ул шаҳарни сақлаш борасида анча саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Шундан сўнг султонликнинг олий байроғи Гарнай Сон ва Чаҳорьяк дараси йўлидан юриб, у ердан Қораёғоч сари ошиқди ва Қораёғочдан йўналиш жиловини Жазравон тоғи томон бурди.

Муҳаммадхон Шайбоний Андхуд ишларини ҳал қилгач, йўналиш юзини Балх сари қаратди ва қиёмат аломатли ўзбек қўшинидан бир тўдасини Шибирғонни босқин-чопқин қилиш учун тайинлади. Ул тўда шаҳар ҳудудига етишгач, Амир Умарбек ўғли Амир Алихон ботир жангчилардан юз нафари ҳамроҳлигида уруш-саваш мақсадида қалъадан ташқари чиқди ва ул жаноб билан ўзбеклар ўртасида жанг рўй бериб, уруш-саваш асносида Амир Алихоннинг отига бир ўқ келиб тегди ва фурсатдан фойдаланган ўзбек аскарлари уни ушлаб, оёғига оғир занжирли кишан солган кўйи хон ўрдусига элтдилар.

Шундан сўнг хонликнинг зафар аломатли байроғи ойчаси ўта ҳашамат ва мақсади ҳосиллик билан Балх уфқидан балқиб чиқиб, Амир Султон Қулихон ва ул макондаги бошқа амиру аёнларнинг кўнгиллари қалъани мудофаа қилишга мойил бўлиб, Ироқ дарвозаси ҳимояси Паҳлавон Ҳасан Али Султон ва унинг хос навкарларидан бир гуруҳи зиммасига юкланди. Уккоша дарвозаси эса Амир Жонқули ва Жон Аҳмад Қулихон, Амир Дар-



веш Муҳаммад китобдорнинг жасурлик ва паҳлавонлик шарафи билан мустаҳкамланди. Қилич ва қалам соҳиби Жалолиддин Миракий Шутурхўр дарвозасини беркитди. Муҳаммад Замон Мирзо Шайх Абусаид Ироқий, Қаро Ҳасан Алғут билан бирга арқда ўтирди. Амир Султон Қулихон шаҳарнинг жоме масжидида истиқомат палосини ёйди ва шу ердан туриб барча қалъа буржларию дарвозалари қўриқчиларига ёрдам берадиган бўлди.

У томонда бўлса Муҳаммадхон Шайбоний паҳлавонлик маслаки вакилларидан ўн минг киши билан бирга Шутурхўр дарвозаси рўпарасида манзил тутди. Укаси Маҳмуд Султоннинг ўрнини эса Ироқ дарвозаси қаршиси қилиб белгилади. Жўжи ирқли бошқа султонлардан яна бир гуруҳини Уккоша дарвозасига қарата жойлаштирди. Балх қалъасининг барча буржлари тўғрисига амиру нўёнларни юборди. Шундан сўнг дастлаб шаҳарга элчи жўнатиб, Амир Султон Қулихон ва Бадиуззамон Мирзонинг бошқа амирларини итоат ва бўйсунушга чақирди. Бироқ бу сўзи балхликларнинг қабул қулоғидан жой олмагач, хон қалъа олувчилик асбоб ва қуроолларини тартибга келтириш учун ишора қилди.

Ўзбеклар бир ҳафта давомида чексиз миқдордаги чапар ва тўраларни ҳозирлагач ҳамда қалъа тағидаги хандақ сувини бошқа тарафга қочириб, йўналиш йўлини тупроқ уюб тўкиш билан тайёр ҳолга келтиргандан сўнг султонлик уруши борасидаги ҳукм содир бўлиб, ўзбек қўшини шаҳар қалъасининг барча томонидан карнай-сурнай овозию бурғу ва ноғора садосини осмон қалъаси томи шифтига етказдилар ва чумолию чигирткадек юзни Балх хандақи сари қаратиб, қиёмат куни аломатини намоён қилдилар.

Ўша кун тонгида Муҳаммадхон Шайбоний қора тусли совут кийган ҳолатда тоғ сағрили отга минди. Ўн мингга яқин совут кийган ўзбек пиёдалари хоннинг олдига тушганча юриб кетишаркан, барчаси бошлари узра чапар ва тўр тутганча Шутурхўр дарвозаси ўнгидаги чуқурга кирдилар. Хожа Жалолиддин Миракийнинг кишилари ғайратлари жўш уриб, дарҳол қўлларини ўқ ва тош сари чўздилар.

Бироқ Хожа Жалолиддин уларни то ўзбеклар тупроқ уюмларидан юқори кўтарилиб, Шайх Ҳожи хандақига яқинлашмагунга



қадар ўқ ва тош отишдан тийиниб туришга чақирди. Шундан сўнг дастлаб ўзи душман тарафига бир тош отди ва ул тош бир чапарга тегиб, унинг панасидаги эгасини чуқурга қулатди. Кейин шу буржда турган бошқа ботирлар кўзни тикувчи камон ўқлари ва ўлим юришли тошларни ота бошладилар. Натижада хоннинг қўшини ягона чорани қочишда кўриб, ўзбек аскаридан жуда кўпчилиги мазкур чуқурда жароҳатланиб ва ўлим топиб, бир-бири устига қуладилар.

Шунингдек, шаҳар қалъасининг барча буржу минорасидаги баҳром қаҳрли баҳодирлар ўлим асарли ўқ бургутини камон уясидан учирма қилар ва тош отувчи манжаниқ камонларини гулдиратиб, муҳориба ва уруш эшикларини очар эдилар. Гарчи ўша кунни ўзбеклар ҳам ниҳоятда жасурлик ва мардоналик намунасини кўрсатиб, шаҳарликлардан анча кишини одам йиқувчи ўқлар захми билан ярадор қилган эсалар-да, аммо бу шаҳар қалъасини бир зарба билан олиш амримаҳол бўлгани сабабли ниҳоят орқага чекинишга мажбур бўлдилар.

Мазкур жангда хон қўшинидан беш юз нафари қон ичувчи ўқлар захми ва манжаниқ тошлари зарбидан фоний оламдан мангулик жаҳонига юз тутишди. Шунга ўхшаб, ўзбек черики яна икки навбат Балх учун султонлик урушини солди, аммо худди биринчи кундаги каби бирон иш чиқара олмай орқага қайтди. Шундан сўнг Шайбонийхон ўз қўшини аскарларининг беҳуда нобуд бўлишини сезиб, шу ўйда амирлар ва баҳодирларни уруш оловини ёқишга ундамади. Аммо имкон бориचा қалъадагиларни қамал сиқувига олишга ҳаракат қилди.

Ўша аснода бир кечаси Амир Алихон қулай фурсат топиб, оёғидаги кишан билан қочишга эришди ва Шутурхўр дарвозаси хандақига келиб қичқирганча, ўз номини айтиб, кимлигини билдирди. Шунда Хожа Миракийнинг навкарларидан бир нечтаси пастга тушиб, амирни тепага олиб чиқдилар ва унинг қутулгани баробарида илоҳга шукрлар айтиш шартларини бажо келтирдилар.

Муҳаммадхон Шайбоний уч ой мобайнида Балх қалъаси атрофида ўтиргач, бу қалъани уруш билан олиб бўлмаслигини англади ва сулҳу яраш эшикларини очиб, шу йўл воситасида



ўлкани тасарруф доирасига киритмоқни истади. Шунга кўра, акаси Амир Алишер Навоий вафотидан сўнг хизматдан истеъфо бериб, Файзобод қишлоғида яшаётган ва хоннинг туғи ойчаси етишиш нурларини Балх ҳудудига сочган кезларда эса ўз ихтиёри биланми ёки мажбурият юзасиданми, ҳар қалай мулозимат йўлини тутган Амир Дарвеш Алини шаҳарга юборди ва унинг ушбу сўзларни айтишини тайинлади: «Темурий султонларининг иқбол қуёши ботиш сарҳадига етиб, салтанат ул хонадондан яна қайта чингизийлар сулоласи қўлига ўтган ушбу кунларда қамал ичида ўтирар экансиз, егулик бирор захирангиз қолмагани бизга аёндыр. Шу сабабли хонлик лутфи ва хоқонлик иноятига суяниб, ўжарлик ва бўйсунмаслик эшикларини ёпишингиз ва тобелик қўли билан шаҳар дарвозаларини очишингиз энг мақбул иш саналади». Амир Дарвеш Али Амир Султон ва Балхнинг бошқа амиру аёнлари билан учрашди ва элчилик шартларини адо этди.

Хожа Жалолиддин Миракий бу сўзлар жавоби кафолатини бўйнига олиб: Мана бир юз эллик йилгача бизлар отадан-ота, бободан-бобо барчамиз Амир Темур Гурагоннинг етук авлодлари меҳрибонлиги ва инояти сояси остида роҳату фароғатда ҳаёт кечириб келмоқдамиз. Ушбу дамларда эса Бадиуззамон Мирзо андак шикаст топиб, ҳозирча хон ҳазрат билан уруш-саваш мақомига кириша олмаган экан, бу дегани, ул буюк шаънли подшоҳларнинг неча бир йиллик тарбиятлари ҳаққини дарҳол унутишимиз ўринли бўлиши ва омонат йўли билан бизга топшириб кетган шаҳарни хиёнат аҳди каби душман тасарруфи остига ташлашимиз лозимлигини билдирмайди.

Ваҳоланки, тез орада мансур хоқоннинг қутлуғ соябони барча шаҳзодалар ва Хуросон қўшинлари билан бирга иқбол соясини бу теграларга солажақдир ҳамда илоҳий иноят мадади ва шаҳаншоҳлик ёрдами билан душманлар ишини дўстлар истаганидек йўсинда бир ёқли қилажақдир.

Аммо хон ўйлаганларидек, бизнинг захирамиз ниҳоясига етгани ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, гарчи шу тобда эшак миясидан бўлак егулик нарса топмаётган бўлсак-да, ҳали яна




бир йиллик захирамиз бор. Бу сўзнинг манбаи ва далили шуким, ушбу айёмда Балх кўча ва бозорларида жуда кўп эшак зоти йиқилиб-емирилганча йўқлик ўтлоқзорига юзлангандир, дея хон сўзларига муносиб жавоб қайтарди.

Алқисса, Амир Дарвеш Али бу янглиғ кесатиқ ва аччиқ кинояли сўзларни эшитгач, ўзининг бу воситачилиги билан ҳеч ким шаҳар дарвозаларини Муҳаммад Шайбонийхон юзи сари очмаслигини билди. Қайтиб бориб, кўрган ва эшитганларининг барини хон арзига етказди. Хон ўша қиш ўрталарида қайтиш ноғорасини чалди ва Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, Самарқанд сари ошиқди.


Шундай қилиб, қайтадан роҳат ва фароғат нурлари қуббатулислом Балх аҳолиси манглайи узра таралди. Аммо қамал давомида ўзбек қўшини босқин-чопқини натижасида шаҳар ташқарисидаги жойлар шу қадар вайронага айланган эдики, ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмасди. Бу ҳодиса санаси юзасидан сўзларни рақам этгувчи қалам бир қитъани таҳрир тизимига киритганди.

Қитъа:

Муҳаммад Шайбоний Амудан ўтгач,
Балх элин роҳати азобга дунди.
Урушдан вайронлик кўрди бу шаҳар,
Шу «Балх вайронлиги» тарих ҳам бўлди¹.



МИРЗО БАДИУЗЗАМОННИНГ ЎША КЕЗЛАРДАГИ АҲВОЛИДАН БИР БЎЛАГИ ЗИКРИ ВА АМИР НОСИРИДДИН УМАР ТУРКМАННИНГ МУХОЛИФАТИ БАЁНИ



Муҳаммадхон Шайбоний баҳор ёмғири томчилари сонича қўшин билан қуббатулислом Балхни қамал қилиб турган кунларда Султон Бадиуззамон Мирзо Жазравон вилоятида Жавз довонига беркинди ва бир неча бор олий тахт поясига элчи ва мактублар жўнатиб ва қиёмат аломатли ўзбек лашкарининг зулм ва зўравонлиги кайфиятини шарҳлаб, ёрдам сўради. Мансур

¹ Абжадада бу сўзлардан 909 сони ҳосил бўлади. Ҳижрий 909 йил мелодда 1503 йилга тўғри келади.



хоқоннинг кўнглида бу шаҳзодадан кўп озор тортганлари кеки сақланиб тургани учун кўмак юборишда ҳаяллаш ва эътиборсизлик йўлини тутди. Аммо Амир Абдуллатиф Жоннисор Курғ ва Амир Абулқосим Бахшига Бодғис ва Марвруд лашкари билан Пули Тобон кўприги бошига бориб қўш ташлаб ўтириш ва Мурғоб дарёси бўйини мустаҳкамлашни буюрди.

Мирзо Бадиуззамон Муҳаммадхон Шайбоний қайтиб кетгач, Жазравондан чиқиб, Чечактуга ошиқиб, қишнинг қолган кунларини ўша ерда ўтказди. Фарвардиннинг¹ гузал қоидали султони майса ва гул-чечаклар лашкарини дашту бўстонлар майдони сари тортган пайтда у ердан кўчиб, Жавзи Жонон² ўтлоқзорини зафар насабли байроқ қадаладиган жойга айлантирди ва Амир Хусравшоҳ олдига элчилар юбориб, яна бир бор уни ҳамкорликка чақираркан, ўзбек қўшинини биргаликда тор-мор келтириш борасида кўп гап-сўзлар айтди.

Амир Хусравшоҳ бу гал ҳам бўйсунуш изҳорини қилди ва укаси Амир Валини қуйидаги шартлашув юзасидан шаҳзода ҳузурига юбориб: Мирзо Бадиуззамон ушбу укам амир Вали олдида бизларга қарши бирор қасдни ўйламаслик борасида онт ичиб, аҳду паймон қилса, ўзим ҳам Ҳисори Шодмон, Хатлон, Қундуз, Бағлон қўшинлари билан бирга унинг хизматига бораман ва Муҳаммадхон Шайбонийга қарши уруш-савашда ўзимга ҳеч бир қўли калталиқни раво кўрмайман, деб айттирди.

Амир Вали келиб, олий ўрдуга ярим фарсахлик ерда манзил тутди. Бироқ Бадиуззамон Мирзонинг қўлини ўпиш иззати билан эъозланишидан олдин шаҳзода ёнида турган Амир Умарбек бўлмағур бир хаёлни миясига келтириб, ярим кечаси келиб Амир Вали билан учрашди ва Амир Валини «шаҳзоданинг уларга нисбатан жазо қўлланиш пайида экани»ни айтиб қўрқитди. Амир

¹ *Фарвардин (яратилиш)* – эронликлар тақвими бўйича биринчи ой номи, мелодий йилнинг 21 март – 20 апрели оралиғига тўғри келади. Бу ерда 909 йил шаввол ва зулқаъда ойи/1504 йил 3 март – 14 апрель оралиғи / кўзда тутилмоқда.

² *Жавзи Жонон (Гавзгонон, Жавзижон, Жузжон)* – Балхнинг ғарбий ҳудудидаги қадимий туман бўлиб, Мовароуннаҳрдан Амударё орқали Балхга йўл шу ердан ўтади. Мўғуллар босқинидан олдин бу ер Маймана, Андхўй, Шибирғон, Сарипул шаҳарларини ўз ичига олган жуда обод минтақа бўлган.



Вали шу заҳотиёқ қўзғалиб, келган еридан орқага қайтаркан, Умарбекка тизгиндош бўлганча Шибирғон сари ошиқди. Умарбек сингисининг ўғли Қабобек тасарруфидаги ўша шаҳарда қолди. Амир Вали эса оти жиловини Қундузга бурди.

Умарбекнинг қаршилик қилиш сабаби шунда эдики, Султон Бадиуззамон Мирзо қуббатулислом Балҳда давлат байроғини кўтарган чоғда Хожа Шамсиддин Муҳаммад бин Хожа Сайди Аҳмад Шерозийнинг сингисининг ўғли бўлмиш Хожа Низомиддин Аҳмад бин мавлоно Низомиддин Шайх Маҳмудни вазирлик мартабасидан девон амирлиги мансабига кўтарди ва мулку молия ишларининг ихтиёр жиловини унинг кифоятли қафтига қўйди. Амир Умарбекка амирлик девонида кўпчилик амиру нўёндан олдинроқ муҳр босиш даражасини берди. Ул амиру вазир бир-бири билан иттифоқ бўлиб, кўп ишларни ўз ақллари буюрганича ҳал қиладиган, бошқа амиру вазирлар билан эса ҳисоблашмайдиган бўлишди.

Ўша вақтда Амир Умарбекнинг феъл-атвори ва гап-сўзларидан мансур хоқонга нисбатан ихлосу давлатхоҳлик аломатлари кўриниб тургани сабабли Бадиуззамон Мирзонинг авзойи ўзгариб, Жавзи Жонон атрофида истиқомат чодиришни тиклаган мазкур баҳор фаслида Амир Султон Боязид бин Амир Жаҳонгир Барлосни тарбият даражаси билан сарафроз этиб, тавочи девонида барча амирлардан олдин муҳр босадиган қилди. Катта муҳрни ҳам унга топширди. Шунингдек, айна ўша кунларда Хожа Низомиддин Муҳаммадий ҳам иноят назарига илиниб, олий девонликнинг юқори мансабига мушарраф бўлди.

Амир Султон Боязид ва Хожа Муҳаммадий девонлик ишига аралашадиган бўлгандан сўнг Амир Умарбек ва Хожа Низомиддин Аҳмаднинг эътибору ихтиёри нуқсон сари юзланди: Султон Бадиуззамон Мирзо олдингига қарши ўлароқ айрим ишларни улар билан маслаҳатлашмай ҳал қиладиган бўлди.

Шунга кўра Амир Умарбек мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзога тарафдорлик шиорини намоён этиб, қаршилик товушини чиқарди ва нифоқ аҳдининг ичи каби қоронғу бўлган ўша



тунда Амир Валини ҳам йўлдан уриб, йўналиш туғини Шибирғон тарафга қараб кўтарди.

Бу воқеа рўй берган ўша лаҳзадаёқ Бадиуззамон Мирзо амирлар ва давлат устунларини йиғиб, улар кетидан қувиш керакми ёки тўхтаб туриш лозимми деган масалада машварат қилди. Кўпчилик амирлар шундай зим-зиё тунда Амир Умарбекнинг кетидан қувишни маъқул иш санамадилар.

Эртаси куни ўрдудаги Хожа Носириддин Абу Наср бин хожа Абдулмалик бин хожа Абу Наср бин Хожа Муҳаммад Порсонни Амир Умарбекка насиҳат қилиш учун Шибирғонга юбордилар. Аммо бу элчиликдан бирор фойда чиқмади. Амир Умарбек қаршилиқ мақомида қаттиқ оёқ тираб тураркан, мухолифлик йўлидан воз кечмади.

Шундан сўнг Бадиуззамон Мирзо Заминдоварга Амир Зуннун Арғун олдида бир элчи юборди ва Амир Умарбекни йўқотиш ва Шибирғон фатҳи юзага чиқа олиши учун ботир кишилари билан бирга тезда зафарга ёр мавкабга келишини айттирди.

Шаҳзоданинг ўзи эса ул манзилдан кўчиб, жиловни Чечакту тарафига тўғрилади. Чунки, айна айёмда Амир Умарбекнинг ана шу арзимас бир ифвоси касофатидан юлдузларча сонли бутун бир катта қўшин ишига улкан нуқсон йўл топган эди. Ҳатто Муҳаммадхон Шайбоний бу ҳол кайфиятидан хабар топса, дарёдан ўтиб, уруш майдонига кириши ҳам эҳтимолга жуда яқин эди.

МАНСУР ХОҚОН СУЛТОН ҲУСАЙН

ГУРАГОННИНГ ОЛИЙЖАНОБ

ШАҲЗОДАНИ УШЛАШ УЧУН ҚЎЗҒАЛГАНИ

ВА КАСАЛЛИК ЁПИШГАНИ САБАБЛИ

ТАРНОБ МАНЗИЛИДАН

ҚАЙТГАНИ ЗИКРИ

Амир Умарбекнинг Шибирғонда қалъани беркитгани ва Бадиуззамон Мирзонинг Чечакту тарафга йўналгани хабари Ҳиротда маълум бўлгач, мансур хоқон катта қўшин билан, бал-



ки, ул йиртқич овни итоат тузоғига илинтирарман ва ул ўжар ўғилни яна бир марта бўйсундира оларман, деган хаёлда Мурғоб дарёси бўйига кетди.

Бир неча манзилни босиб ўтгач, Тарноб бекатини зафарли лашкаргоҳга айлантирди. Ўша мавзеда тақдир тақозосига кўра қутлуғ табиати қаттиқ хасталанди ва бадан соғлиғи нуқсон сари юз тутиб, иш бу юришни давом эттириш гапидан ўтди. Исо на-фасли ҳозик ҳакимлар ва ҳикмат иқтибосли табиблар лозим дори-дармон ва зарур дамламалар тайёрлашга киришиб, бар-ча ҳимматини ул касалликни тандан аритиш учун ишга солди-лар ва бор саъй-ҳаракатини муолажа учун сарфладилар. Билқис қоидали маликалар ва виқорли шаҳзодалар, амиру нўёнлар, хосу ичкилар бечора ва камбағалларга хайру садақалар улашдилар.

Дарвешлар ва узлат аҳли малакий сифат зот соғлиғини атолар бағишловчи ҳазратдан тилаб, тилдан дуо сўзларини қўймадилар. Бир неча кундан сўнг ибодат аҳлининг тилаклари ижобат изза-тига етди ва қазо шифохонасидан адолатли хоқон ҳолига шифо келди.

Мисра:

Ибодат қилувчи бало қайтарар.

У томондан Султон Бадиуззамон Мирзо Олатемур тоғи этагига етгач ва шу ерда бузруквор отасининг юришга чиққанию йўлда касалга чалингани маълум бўлгач, оёқни ихлос йўлига қўйиб, салтанат ихтисосли даргоҳга бормоқ, ва отаси қўлини ўпмоққа чоғланиб, яна бир бор мансур хоқоннинг мулоқотига етишмоқ қарорини кўнглига тутди.

Шунга кўра Амир Султон Боязид *Барлосни* осмон асосли даргоҳга юборди ва фалакка етувчи сарой эгасига «агар Сиз ҳазрати хоқон саргардонлик маслакининг ушбу соликининг гуноҳ ва осийлик дафтари афв ва марҳамат суви билан ювсан-гиз ва Ҳиротнинг саййиду шайхлари ҳузурда менга ёмонликни раво кўрмаслигингиз борасидаги аҳду паймон шартларини ўртага солсангиз, итоат исирғасини қулоғимга осиб, олий тахт пойи-га бораман ва бўйсунуш занжирини елкамга отиб, Аллоҳнинг меҳрибонлиги соясида осойиш топаман» дея айттирди.



Амир Султон Боязид олий мартабали хоқон даргоҳига етгач ва Бадиуззамон Мирзонинг сўзларини арзга етказгач, ул ҳазратнинг юраги қувонч ва сурурга тўлиб, шаҳзоданинг илтимосини ижобат шарафига етказиш мақсадида саййиду машойих, уламою акобирни қутлуғ ўрдуга олиб келиш учун Ҳиротга бир чопар жўнатди.

Аmmo шу аснода Хадичабеги Оғо ва айрим амирлару ноибларнинг кўнглидан «агар ҳали ашрафи аълонинг хасталиги бутунлай аримаган ҳамда Музаффар Ҳусайн Мирзо ўрдуда йўқ шу тобда Бадиуззамон Мирзо аъло тахт пойига келса, лашкардан катта қисми унинг юрт олувчи байроғи сояси остига паноҳ тилаб бориши ва хизматкорлик камарини белига боғлаб, бу шаҳзода билан бирдам бўлиш ва бўйсунитишни шарт санашлари эҳтимолдан холи эмас» деган фикрлар ўтди. Бу тахминни арз шарафига етказганларида, ул сўзлар қабул қулоғига йўл топди ва мансур хоқон Амир Султон Боязидга қайтиш учун рухсат бериб, мулоқотга оид илтимос ижобатини орқага сурди.

Сўнг қутлуғ ўрду Ҳирот шаҳри тарафга қўзғалди ва соҳиби ҳашамат хоқон соғ-саломат ўз салтанати қароргоҳига етишиб, марҳамат шартларини бажарди.

**МИРЗО БАДИУЗЗАМОННИНГ ОЛАТЕМУР
МАВЗЕИДАН ШИБИРҒОН
ТАШҚАРИСИГАЧА ЮЗЛАНГАНИ ВА АМИР
УМАРБЕКНИНГ ИҚБОЛ ОШИЁНЛИ
ДАРГОҲГА ҚАЙТИБ КЕЛГАНИ ЗИКРИ**

*А*мир Султон Боязид мансур хоқон даргоҳидан Бадиуззамон Мирзо ўрдусига қайтиб келгач ва мулоқот илтимосининг ижобатга етмагани сабабини арз қилгач, шаҳзода «мамлакат гулзорини душманлар туғёнининг тиканидан қай бир одамим ёрдамида тозаласам экан, қаршилиқ шиорини изҳор этган ва Шибирғон қалъасини беркитган Амир Умарбекни қайси йўл билан исён йўлидан воз кечтириб, бирдамликнинг катта йўлига

солсам экан» дея ўй-фикр денгизига чўмиб ўтирган айёмда Амир Зуннун олдидан ширин сўзли бир чопар келиб, Амир Зуннун тилидан «бу мухлисингиз Амир Умарбекнинг мухолифатидан хабар топгач, Заминдовар, Фароҳ, Фур, Сохар ва Тулак қўшинларини йиғиб, шошилинич қаноти билан йўналиш жиловини Шибирғон томон тўғрилади. Кундан-кун юксалувчи давлат манфаатига муносиби шуким, қутлуғ мавкаб ҳам ул шаҳар сари йўлга тушса-ю, натижада мухолифлар иши бир ёқли бўлиб, илоҳий иноят қўли чексизлик оламининг фатҳлари эшикларини подшоҳлик даргоҳининг мулозимлари юзи томон очса» деди.

Султон Бадиуззамон Мирзо бу хушxabарни эшитгач, фатҳу зафар жамолини кўришга умид боғлади ва Олатемурдан қўзғалиб, оти жиловини Шибирғон тарафга тўғрилади. Зафарли байроқ ойчаси манзилу бекатларни босиб ўтиб, етишув партавини Сешанба Бозор мавзеига таратгач, Амир Зуннун нариги томондан келиб, файзли қўлни одоб лаби билан ўпди. Амир Умарбек олий мавкаб етишуви яқинлашгани ва Амир Зуннун Арғун келганидан хабар топиб, қамалиб урушишга қарор қилди ва Шибирғон қалъасининг минора ва деворини мустаҳкамлаб, бўйсунмаслик ва адоват эшикларини очди.

Султон Бадиуззамон Мирзо фатҳу зафар байроқларини кўтариб ва Амир Шужоиддин Зуннун жасур қўшинни мукамал қилиб, эртасига чоршанба куни тонгида Сешанба Бозор мавзеидан Шибирғон қалъаси ташқариси томон юриб, ноғора ва бурғулар садосию сурону карнай шовқини сасини фалак авжига етказдилар.

Султон Бадиуззамон Мирзо ул шаҳарнинг Ийдгоҳига тушди, Амир Зуннун Сайди Султон Аҳмад Мирзо мадрасасига қўнди. Бошқа амиру лашкар аҳли ул шаҳарни ўртага олиб, хандақ сувини бошқа тарафга олиб сочдилар ва уни тўлдириш учун тупроқ тортиш ва дарахт ғўлаларини ташлашни бошладилар. Аммо Амир Зуннуннинг кўнгли икки орада яраш рўёбга чиқишига ва Амир Умарбек қайтадан Бадиуззамон Мирзонинг бошқа амиру нўёнлари қаторидан ўрин олишига мойил бўлгани учун қўшинга уруш солиш ижозати ва камондан ўқу палахмон-



дан тош отиш рухсатини бермай турди ва доим сулҳ палосини ёйиш учун сўзамол қосидларни Амир Умарбек олдига юбориш билан машғул бўлди.

Бир неча бор элчиларнинг ана шундай борди-келдисидан кейин Амир Умарбек Амир Зуннунга «агар ул жаноб қадам ранжида қилиб, озгина мулозимлари билан қалъа даҳлизига ташриф буюрса ва аҳду паймон қоидаларини мустақкамлаш орқали кўнглимда ишонч пайдо қилса, Шибирғон дарвозаларини давлат ва иқбол эшиклари каби Бадиуззамон Мирзо юзи сари очаман ҳамда олдинги дастур билан мулозиматга ошиқиб, хизматкорлик ва жон беришлик йўлида тураман» дея айттириб юборди. Амир Зуннун бу илтимосни ижобат иззатига етказди ва эртаси тонгда Шибирғон шаҳрига қараб юзланди.

Аммо оёғини узангига тикмасдан бурун Мирзо Бадиуззамон жаноб амирлик паноҳи турган манзилга ташриф буюрди ва ўша вақтда амирнинг кўнглидан «агар ул ҳазрат иноят ва қул сийлаш қадами билан қалъага борса ва бевосита Амир Умарбекни файзли кўнгли илтифотидан умидвор қилса, ҳар қалай исёнкорнинг мақсади амалга ошишига шу зайл кучлироқ халал етарди» деган ўй кечди.

Бу фикрини шаҳзоданинг арзига етказди. Бадиуззамон Мирзо соҳиби тадбир амирнинг маъқул кўрган тўғри сўзи баҳридан ўтмади ва Амир Зуннунга тизгиндош бўлиб, икки-уч хизматкор билан Шибирғон шаҳри томон юрди. Амир Умарбек бу хабарни эшитгач, хушxabар ноғораси овозини айланувчи осмон қалъаси тепасига етказди ва қалъага ўтиш кўпригини тушириб қўйди. Ҳазрат шаҳзода ва жаноб амирлик паноҳи қалъа сари юрдилар.

Амир Умарбек елкасига кафанлик матосини ташлаб, бўйнига қиличини осиб, палос ўпишлик шарафини топди ва узрхоҳлик ва афсус-надомат тилини чоғлади. Бадиуззамон Мирзо унинг хато ва гуноҳлари дафттарини афв ва кечирим суви билан тозалаб, кўп лутфлар билан сарафроз қиларкан, ул шаҳар ичидаги бошқа кишиларни ҳам чексиз иноятига сазовор этиб, кўнгиларини тинчлантирди. Сўнг олий ўрдуга қайтиб, ўша куни Шибирғон қалъаси ташқарисидан кўчди ва Сешанба Бозор атрофи мақсади

ҳосил шахриёрнинг лашкаргоҳи бўлди. Эртаси куни тонгда Амир Умарбек мулозимат учун келиб, мухолифат ва исён мақомидан бутунлай воз кечди.

**ОЛИЙ МАНСАБЛИ АМИРЛАРНИНГ АМИР
ХУСРАВШОҲ БИЛАН УЧРАШИШ УЧУН
ЮЗЛАНГАНЛАРИ ҲАМДА МАЗКУР
АМИРЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА МАҚСАДИ
ҲОСИЛЛИК ЎРИНДИГИДАН БАХТСИЗЛИК
ВА САРГАРДОНЛИК ҚАЪРИГА
ҚУЛАГАНЛАРИ БАЁНИ**

Шибиргон иши юқорида ёзганимиз тарзда ҳал бўлгач, Султон Бадиуззамон Мирзо улуғ нўён ва амирлар билан Хуросон мамлакатларининг Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбоний қўлига тушмаслиги борасида маслаҳат қурди. Ақлу тадбир эгалари ўй-фикрига кўра қуёш аломатли кўнгил шунга қарор бердиким, улуғ амирлардан Амир Шужоиддин Зуннун *Арғун*, Носириддин Умарбек, Исфандиёр *Туркман* ва Шоҳмансур Амир Хусравшоҳ ёнига бориб, қандай қилиб бўлмасин, унинг кўнгидаги шуҳбаларни қувлаб, ишончга тўлдирсинлар ва олий ўрдуга олиб келсинлар, токим Амир Зуннун *Арғун* тасарруфидаги мамлакатлар қўшини ёрдами билан ўзбек лашкарини енгиш муяссар бўлгай. Амирлар минг нафар отлиқ билан Қундуз томон йўлга тушиб, ушбу саҳифалар қораловчиси ҳам буйруққа биноан уларга йўлдош бўлиб, ўша ёққа жўнади.

Ўша айёмда яна узоқни ўйловчи подшоҳ садрлар¹ қаторидан ўрин олган саййид Хусайн Обивардийни аҳволни мақтов хислатли хоқон арзига етказиш ва «қачон ўзи бузруквор отаси қошига борса, илтифоту иноят ва тарбият топиши»га оид аҳду паймон ваъдасини олиб келиш учун олий тахт пойига юборди.

Сўнг олий мавкаб Сешанба Бозор мавзеидан Дарагаз томон ҳаракатга келди.

¹ *Садр (сугур)* – вақф мулклари бўйича вазир.

Қундузга кетган улуғ амирлар бир-икки манзилни босиб ўтгач, Амир Шоҳмансурни Амир Хусравшоҳни кўриб, учрашув жойи қаерда бўлишини билиш учун олдинроқ юбордилар.

Амир Шоҳмансур Қундузга етишгандан сўнг ва Амир Хусравшоҳни улуғ амирлар келаётганидан воқиф қилгандан кейин тақдирдан бўлиб, Хусравшоҳнинг юртни ташлаб, Кўҳистонга қочгани ва ҳукумат баҳридан воз кечгани воқеаси юз берди. Бу сўзимнинг баёни шуки, айти воқеалар бўлиб турган пайтда Маҳмуд Султон ўзбек акаси Муҳаммадхон Шайбонийнинг буйруғига биноан бир тўп паҳлавонлар билан бирга Амир Хусравшоҳга қарши урушиш азмига жазм этди ва Қундуз сари юзланди. Амир Хусравшоҳ ҳодиса кайфиятидан хабар топиб, қариндошларидан бири бўлмиш Абдурахмон Бекни бир тўда аскарларга қўшиб «тил ушлаш» йўсини билан ёғий келаётган томонга юборди.

Абдурахмон Бек Соли Сарой теграсида дарёдан ўтиб, Маҳмуд Султон келаётган жойга етишди ва жанг олови аланга олди. Шу пайт Абдурахмон Бекнинг қўлига бир ўқ келиб тегди-ю, орқасига қарамай қочишга тушди. Унга эргашган шу жанг майдонининг қочоқлари айти Амир Шоҳмансур Қундузга келиб турган пайтда шаҳарга кириб келдилар. Бундан барча қундузликлар ваҳимага тушишди. Амир Хусравшоҳнинг давлати қуёши бахтсизлик ва сўниш сарҳадига етган экан, қалъада шунча кўп озиқ-овқат, қурол-аслаҳа жамғармаси ва шаҳзоданинг улуғ амирлари шу қадар яқин келиб турганига қарамай, ўзини йўқотиб қўйди ва Қундузни холи қолдириб, хос ичкилари билан Кўҳистон томон қараб қочди.

Амир Шоҳмансур қайтиб, Хулм манзилида улуғ амирлар олдига келди ва воқеа тафсилотини гапириб берди. Амир Зуннун Арғун ғайрат ва шижоати кўплигидан: «Шундай бой-фаровон ва обод шаҳарни кўчманчи ўзбеклар қўлига топшириб қўймоқ ва шу мавзедан орқага қайтиш байроғини кўтармоқ марди майдонлар шевасию жанг сафининг довюраклари иши эмас. Балки, муносиби шуким, Қундузга борайлик ва ул шаҳар қалъасини мустаҳкамлаб, Маҳмуд Султон қўлига ўтишига йўл қўймайлик» деди-ю, шу ондаёқ совутларни тарқатди ва ўз ўғруқини олий ўрду тараф-

га қайтариб юбораркан, ушбу сўзлар ёзғувчисига¹ «жуда тезлик билан от чоптириб, ҳазрат Султон Бадиуззамон олдига бор ва Хусравшоҳнинг бузилиб кетгани, бизнинг эса Қундузга кетаётганимиз хабарини етказиб, олий мавкабнинг ҳам бу томонга қараб қўзғалишини менинг номимдан илтимос қил, токи, шу зайл фатҳу зафар эшиклари осонгина очилгай» дея топшириқ берди.

Бу каминангиз Дарагаз мавзеида Султон Бадиуззамон Мирзонинг мулозиматига мушарраф бўлиб, Амир Хусравшоҳнинг давлатни ташлаб қочгани воқеаси ва Амир Зуннуннинг илтимосини арзга етказди. Султон Бадиуззамон Мирзо «қачон амирларнинг Қундузга бориб киргани хабари эшитилса, у томонга ўшанда борурмиз» деди.

Амир Зуннун Қундуз ташқарисига бориб тушгач, Қундузда катта эътиборга эга мавлоно Муҳаммад Туркистонийнинг аллақачон каттаю кичикнинг кўнглини Муҳаммадхон Шайбонийга бўйсунтириш сари мойил қилиб улгургани, эндиликда эса шаҳарни топшириш мақсадида Маҳмуд Султон ўзбекнинг келишини кутиб ўтиргани маълум бўлди.

Амир Зуннун *Арғун* мавлоно Муҳаммад Туркистоний ва бошқа қундузликлар олдига сўзга чечан элчилар юбориб, шаҳар халқини ўзбек қўшинининг зулм ва зўравонлик ишларидан ҳайиқтиришга уринаркан «муносиби шуким, дарвозаларни очинглар, мен бошқа улуғ амирлар билан шаҳарга кириб, қалъанинг ён-атрофини мустаҳкамлайман» деб айттирди.

Бу сўзлар мавлоно Муҳаммад Туркистонийнинг қабул қулоғига кирмади ва у Муҳаммадхон Шайбонийга тарафдорлик мақомида қаттиқ туриб, Қундуз дарвозаларини очмади. Шу сабабли Амир Зуннун бошқа амирлар билан бирга олий ўрду томонга қайтиб, Дарагаз манзилида Бадиуззамон Мирзонинг мулоқоти иззатини топди ва қундузликларнинг исёни гапини арзга етказди.

Султон Бадиуззамон Мирзо иш чорасини фақат бузруквор отаси кўнглини рози қилишда билиб, Ҳирот томонга йўналиш азмига жазму қарор этди ва Муҳаммад Замон Мирзони ҳарам

¹ Ушбу сўзлар ёзғувчиси – Хондамир кўзда тутилмоқда.

аҳли ҳамда Балхнинг айрим амирлари билан бирга ташқари чиқариб олиб, эскича дастур бўйича Балх шаҳрини қўриқлашни Амир Султон Қулихоннинг шижоат ва паҳлавонлик қўлига топшириб, қуёш ёғдули байроқни Шибирғон томон кўтарди.

Жузжонга етгач, ул вилоят ҳукумати жilовини Амир Алихон бин Амир Умарбекка топширди ва уни Шибирғон қалъасига юбориб, Инчка йўлидан Никий сайхонлигига ошиқди. Ул манзилда Амир Ҳусайн Бордуий олий тахт пойидан қайтиб келиб, мансур хоқоннинг Бадиуззамон Мирзога нисбатан маълум қилган лутф ва меҳрибонлигини арзга етказди. Бу гап ул ҳазратнинг юришга бўлган қарори кучайишига сабаб бўлиб, Маймана сайхонлигига қутлуғ қадами шарофатидан ризвон боғининг кўркамлигини бағишлади.

Ўша манзилда Амир Хусравшоҳ мулозимат саодатига мушарраф бўлди ва иноят қуёшининг нурлари унинг кўп турланувчи турмуши узра таралди. Бу ҳикоятнинг ҳолати тез орада ёзилиб, бу ривоят тафсилоти Муҳаммад Шайбонийхоннинг Султон Маҳмудхон бин Юнусхон билан қилган уруши воқеасидан сўнг сўзамол қалам тилидан зикр этилажак.

**СУЛТОН МАҲМУДХОН ВА ОЛАЧАХОННИНГ
ЮКСАК МАКОНЛИ ПОДШОҲ БОБУР
МИРЗОГА ЁРДАМ УЧУН АНДИЖОН
ТОМОН ЛАШКАР ТОРТГАНИ ЗИКРИ ВА
УЛ ОЛИЙ ШОНЛИ ХОНЛАР БИЛАН
МОВАРОУННАҲР ФАРМОНФАРМОСИ
БЎЛМИШ АБУЛФАТҲ МУҲАММАД
ШАЙБОНИЙХОН ЎРТАСИДА РЎЙ
БЕРГАН УРУШ БАЁНИ**

Мақсади ҳосил подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур бин Умаршайх Мирзо Гурагон салтанат пойтахти Самарқанд сари йўналган вақтларда яна бир марта Султон Аҳмад Танбал



туғён оловини ёндириб, тескарчилик ва исён эшикларини очди. Сўнгроқ Жаҳонгир Мирзо давлат ва иқбол сингари ундан юз ўгирган эса-да, тагин олдингидек мухолифат йўлида юраверди.

Шунга кўра, исломпаноҳ Бобур подшоҳ Самарқандни Шайбонийхонга ташлаб чиққандан сўнг ўзининг меросий мамлакатини қайта қўлга кирита олмади ва Тошкентга кетишга мажбур бўлди. Бобур подшоҳ бир неча вақт Султон Маҳмудхоннинг меҳрибонлиги оғушида бўлиб, қамал қийинчилигию уруш заҳмати чарчоқларини танасидан аритганча дам олди.

Шундан сўнг Султон Маҳмудхон эл орасида Олачахон номи билан танилган ўз укаси Султон Аҳмадхон билан биргаликда Андижон томонга қўшин тортиб, ул мамлакатни Султон Аҳмад Танбалдан тортиб олиб, жаҳон бўйсунувчи подшоҳ қўлига топшириш ва бу юришни қувват доирасидан амал сари келтиришга қарор қилиб, 906 йили¹ катта қўшин билан ўша томон равона бўлди. Аммо Андижонга етмасдан бурун ва қўлини мақсад келинчагининг² бўйнига ташламасдан олдин Шайбонийхон ёмғир томчилари сонича қўшин билан ўша манзилга келиб қолди ва шу ерда аскарлар тўқнашуви юз бериб, жуда қаттиқ жанг бўлди. Тақдир тақозоси билан Хоникахон ва Олачахон ўзбеклар қўлига асир тушдилар, жаҳон аҳли подшоҳи Бобур Мирзо эса учқур оти жilовини *Мўғулистон* томонлардаги шаҳарлар сари бурди.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг умид кўзи фатху зафар гавдасини кўрганидан яна ҳам ёришиб, яшин ва шамолга жilовдош бир қосидни Тошкентга юборди ва у ердаги мўғуларга «Хоника ва Олачахон қўлимизга тушди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ эса юзини қочиш йўли сари қаратди, агар истагингиз қиёмат ёлқинли қазабимиз олови қўлга тушганларнинг ҳаёти хирмонини ёқиш бўлмаса, Бобур Мирзонинг қочишига қаршилиқ қилинг ҳамда қандай бўлмасин Хожа Абулмакоримни

¹ 906 йил — 1500 йил 28 июль — 1501 йил 16 июль.

² *Мақсаг келинчаги* — Бобур давлатининг пойтахти Андижон шаҳри кўзда тутилмоқда.





қўлга тушириб, қамаб қўйинг» дея хабар берди. Шунга биноан Тошкент халқи Хожа Абулмакоримни ушлаб қамаб қўйдилар. Шайбонийхон ул икки олий маконли хонни икки-уч кун ушлаб туриб, сўнг қайси тарафни хоҳласалар, ўша ёққа кетишлари учун рухсат берди.

Хожа Абулмакорим қамоқда турганидан икки-уч кун ўтиб, қочишга муваффақ бўлди. Пиёда юрганча Тошкент шаҳридан ташқари чиқиб, шариф соқолини қирдириб ташлади. Лекин кекса ёшдалиги ва юришга қуввати йўқлиги сабабли душман таъқибидан бутунлай хавф-хатарсиз бўладиган жойгача етиб бора олмай, ўша шаҳарга яқин ердаги қишлоқ аҳлидан биттасининг уйига яширинди.

Ул мурувватсиз шахс эса хожани бир-икки кун уйида сақлаб, шундан сўнг Шайбонийхонга тарафдорлардан баъзи бир кишиларни мазкур воқеадан хабардор қилди. Ул кишилар эса Хожа Абулмакоримни ушлаб, ўз хонлари ёнига олиб бордилар. Хоннинг кўзи хожага тушгач «соқолни нима қилдинг?» деб сўради. Хожа жавобида ушбу байтни айтди.

Байт:

Ҳақ кимнинг чироғин ёндириб қўйди.

Уни ким «пупф» деса, соқоли куйди.

Аммо бу латиф сўзлардан бирон фойда чиқмади ва ўша лаҳзада сиёсат қаҳрамони ул олий насабли хожани охират оламига жўнатди.

Бу воқеалардан кейин Шайбонийхоннинг шавкат байроғи олдингидан ҳам кўпроқ юксалиб, Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилди. Укаси Маҳмуд Султон илгариги дастур бўйича Бухоро шаҳрида ҳукумат туғини ҳилпиратди. Тошкент шаҳри ва Султон Маҳмудхон ва Олачaxon вилоятлари Шайбонийхоннинг амакилари, яъни оналари Мирзо Улуғбек Гурагоннинг қизи бўлмиш Кўчкунчихон ва Севинчик султон бин Абулхайрхонга тааллуқ топди. Шоҳрухиянинг доруғалиги мансаби хоннинг улуғ амирлари қаторидан жой олган Амир Яъқубга берилди.



АМИР МУҲАММАД БОҚИРНИНГ ОЛИЙ
МАРТАБАЛИ ПОДШОҲ ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР ҲАЗРАТЛАРИ
ҲУЗУРИГА КЕЛГАНИ ЗИКРИ ВА АМИР
ХУСРАВШОҲНИНГ СУЛТОН
БАДИУЗЗАМОН БАҲОДИР ДАРГОҲИГА
ЕТИШГАНИ БАЁНИ

Исломпаноҳ, Бобур подшоҳ, Шайбонийхоннинг Султон Маҳмудхон ва Олачахон билан бўлган уруши майдонидан қутулиб чиқиб, оти жиловини Муғулистон томон бургач ва бир-икки кунни йўл юриш билан ўтказгач «душмандан бир гуруҳи подшоҳ йўлида жойлашган довон оғзини беркитгани ва келаётганлар устига ташланиш ниятида жасурлик оёғини қаттиқ тираб, тиришқоқлик қиличини яланғочлаганлари» маълум бўлди.

Шунга биноан ҳазрати подшоҳ ул йўл бўйлаб юришдан воз кечишни маъқул билиб, бошқаларга унчалик таниш бўлмаган йўл орқали Ҳисори Шодмон томон шошилди. У ердан эса йўналиш жиловини мадинат ур-рижол Термиз тарафга қаратди. Ул шаҳарнинг ўзбек қўшини савлатидан бирон оқшом истироҳат тўшагида тинч ухлай олмай ўтирган ҳокими Амир Муҳаммад Боқир¹ Бобур подшоҳнинг қутлуғ мавкаби келганини улуғ бир нажот билиб, соврин ва тортиқлар билан хизмат сари ошиқди. Ул ҳазрат ҳам ҳоким билан «қай тарафга борилса, давлат манфаатига маъқул кафолат бўла олиши» борасида маслаҳатлашди. Соҳиби тадбир Амир Муҳаммад Боқир ул тожу тахт безовчиси арзига «Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳр юртларини истило қилиб, тарқоқлик ва паришонлик учқунини ҳазрат подшоҳга қарашли халқ ва қўшин аҳволи саҳифаси узра сочган экан, яхшиси шуким, бир неча кун бу янглиғ шафқатсиз турмуш зуғуми билан чиқишайлик-да, Кобул томонга кетиб, ўзимизни ўзбеклар қўлига кирган мамлакатлар ҳудудидан узоқлатайлик» деди.

¹ Бу исм «Бобурнома»да Амир Муҳаммад Боқи шаклида келиб, Муҳаммад Боқи Хусравшоҳнинг укаси деб кўрсатилган. Хондамир ушбу асарнинг бошқа ерида мазкур «Муҳаммад Боқир Хусравшоҳнинг сингисининг эри» деб ёзади.

Назм:

Душманга баробар келолмас булсанг,
 Муроса-мадоро йўлини изла.
 Жонинг омонлигин сақламоқ учун,
 Юртингдан узоқроқ маконни кўзла.

Олийжоҳ¹ Бобур подшоҳ бу ақлни тўғри деб билди ва 910 йили² йўналиш юзини Кобул тарафга бурди.

Олий мавкабнинг ўтиши тасодифдан Амир Хусравшоҳ турган ҳудудга яқин бир манзилдан тушиб қолди. Шунда Амир Хусравшоҳ чор-ночор қимматбаҳо тухфалар билан ҳазрат Бобур подшоҳнинг ҳузурига ошиқиб, ихлос ва хизматкорлик изҳорини қилди ва салтанат тахти поясини ўпиш саодатини топди.

Олий ўрдуда бир неча кун сокин тургандан сўнг, унинг кўпчилик мулозимлари давлат ва иқбол сингари истиқлол эгаси бўлмиш ҳазрат Бобур подшоҳнинг халифа ошиёнлик даргоҳи мулозиматига келдилар ва қуллик исирғасини қулоқларига осиб, ўз бўйинларига хизмат занжирини боғладилар.

Амир Хусравшоҳ аҳволни бу тарзда кўргач, жуда қаттиқ ваҳимага тушиб, бир кечаси ўзининг барча яроқ ва асбобларини турган жойида қолдирганича, икки-уч нафар навқари билан бирга қочмоқ қарорини ихтиёр этганча йўналиш туғини Султон Бадиуззамон Мирзонинг қароргоҳи томон кўтарди. Чунки унинг ҳеч бир тарафда бирор паноҳи ва ҳеч бир томонда бирор оромгоҳи қолмаган эди.

Байт:

Ҳар нарсадан фориг бўлиб ёнимга кел,
 Ўз пайтида келолмасанг, не қилсин эл?

Маймана қасабасида Амир Хусравшоҳнинг келгани хабари ул олий мартабали подшоҳ Султон Бадиуззамон Мирзо арзига етди. Шаҳзода эса, ўзида зотан мавжуд хуш ахлоқ етуклиги орқасида, амирнинг илгари содир этган гуноҳларини эсидан чиқариб ташлаб, салтанат ва давлатнинг кўз қорачиғи бўлмиш

¹ Олийжоҳ — олий мартаба.


² 910 йил (муҳаррам) — 1504 йил 14 июнь.

ўғли Муҳаммад Замон Мирзо билан бирга Амир Зуннун Арғун ҳамда бошқа амир ва давлат устунларини Амир Хусравшоҳни кутиб олиш учун истиқболга юборди. Ўзи ҳам олий қароргоҳдан ташқари чиққан кўйи бир тепалик бошига бориб кўш ташлади. Бадиуззамоннинг суюкли ўғли шаҳзода Муҳаммад Замон Мирзо ва Амир Зуннун эса Амир Хусравшоҳни ўша мавзеда қўл ўпишлик саодатига етказдилар ва амирнинг ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ хузурида рўй берган воқеасини айтиб бердилар.

Ўша куни Султон Бадиуззамон Мирзо Амир Хусравшоҳ учун керак асбобларни тайёрлашга киришиб, чодир ва ўтов ҳамда елдек учар отлару юк ташувчи туялар, миниладиган ва юк кўтарадиган хачирлар, палосу хизматкорлар ва ҳаддан зиёд олтин, кумуш тангалар инъом этди.

Амир Зуннун Арғун ҳам Амир Хусравшоҳ олдига лойиқ тортиқ ва арзирли совғалар юборди. Султон Бадиуззамон Мирзо Амир Хусравшоҳ билан маслаҳатлашиб, уни мақтов сифатли мансур хоқон мулоқотига боришга кўндирди ва Майманадан қўзғалиб, Чечакту сайхонлигида чодир ва ўтов қуббасини қуёш ва ой турган осмон чўққисига етказди.

**ҲАЗРАТ БОБУР ПОДШОҲ МАВКАБИНИНГ
КОБУЛ ШАҲРИ ЧЕТИГА ЕТГАНИ ҲАМДА
УЛ ЎЛКАНИНГ ИЛОҲИЙ ВА МОДДИЙ
НАРСАЛАР ЯРАТГУВЧИСИ ҲАЗРАТ
ХУДОВАНДИ ТАОЛО ИНОЯТИ БИЛАН
БОБУР ПОДШОҲ ТАСАРРУФИГА
КИРГАНИ ЗИКРИ**

 **О**лий подшоҳ тақдири ва ягона Шаҳаншоҳ¹ истаги бўйича шу насиба бўлган эканки, довюрак подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адолат ва эҳсони файзидан лаби ташналарнинг умид боғчаси зулм ва зуғум водийсида ям-яшиллик ва гуллаб-

¹ Олий Подшоҳ, ягона Шаҳаншоҳ – Аллоҳи таоло кўзда тутилмоқда.



яшнаш сифатини топажаги ҳамда буюклик ва улуғлик дуржи гавҳарининг иқбол давлати мангу эгам инояти уфқидан порлаб, қаноти қайрилган саргашталар аҳволи бошига нур сочажаги учун ул ҳазратни Муғулистон хонлари ва шайбоний хони урушининг жон олувчи майдонида ўзининг лутф ва саховат қаноти паноҳида ёвуз душман ёмонлигидан сақлаб, соғ-саломат Бадахшон тоғлигига етказди ва яна бир бор ул бахтиёр подшоҳнинг умид билагини салтанат ва жаҳонга ҳукмронлик асбобию юрт олувчилик ашёсини Амир Хусравшоҳ қолдириб кетган қурол-аслаҳа ва ҳарбий жиҳозлар ҳисобидан қувватлантирди.

Шундан сўнг олий мартабали подшоҳ даргоҳнинг амир ва нўёнлари маслаҳатию маъқуллаши бўйича, Кобулни олишга қарор қилиб, ул шаҳар сари равона бўлди. Тез суръатлар билан неча бир масофаларни босиб ўтгач, ул шаҳар ташқариси подшоҳнинг қутлуғ қадами шарофатидан Эрам гулистонидек гуллаб-яшнади.

Амир Муҳаммад Муқим Арғун жанг майдонига тушиб урушишга кучи етмагани учун шаҳар қалъаси ичига беркиниб олди. Зафарли черик у ерни қамал қилганидан бир неча кун ўтгач, шаҳар аҳолиси юрт олувчи ҳазрат хизматига боришга истак билдириб, Муҳаммад Муқим бин Амир Зуннун Арғуннинг иши сабру чидам даражасидан ўтди ва подшоҳнинг осмонўпар даргоҳига чопарлар юбориб, кечирим ва омонлик тилаш учун подшоҳ ҳузурига боражаги ва шаҳар қалъаси калитларини топшириб, оти жilовини Гармсир ва Қандаҳор томонларга боражаги борасида аҳду паймон тузажагини билдирди.

Ҳазрат подшоҳ Муҳаммад Муқимнинг илтимосини ижобий тарзда қабул қилиб «Муҳаммад Муқим Арғун исён эшикларини беркитиб, шаҳар дарвозаларини очса, унга керагича меҳрибонлик кўрсатурмиз» деган сўзларини қасамлар билан мустаҳкам қилди.

Муҳаммад Муқим подшоҳлик иноятига умид боғлаб, Кобул шаҳридан ташқари чиқди ва палос ўпишлик шарафини топиб, муносиб совғалар тортиқ қилди. Муҳаммад Бобур Мирзо ҳам ваъдага биноан уни подшоҳона ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан сарафроз қилиб, барча навкар ва мулозимлари, кўплаб



яроқ ва қимматбаҳо ашёлари билан ўз ватанига кетишга рухсат берди.

Ҳазрат подшоҳ илоҳий муваффақият ёрлиги ва Аллоҳ тавфиқи ёрдами билан Кобул шаҳри ҳамда унинг туман ва музофотлари, қўшимча ҳудудларини ўз тасарруфи остига киритиб, обод ўлкага айлантирди. Жабру зулмдан эзилган ҳамда зўравонлик ва исён эрмагига айланиб қолган шаҳар халқию қишлоқ аҳлини осойишталик ва омонлик манзилига етказди.

Назм:

Адолат байроғин кўтарди баланд,
Лутфи ёлқинини оламга сочди.
Мамлакатга экди эҳсон уруғин,
Жаннат гулзоридай юрт гуллар очди.
Фазлу хунар аҳлин умид гулзори,
Саховат файзидан ҳосилдор бори.

**МАНСУР ҲОҚОН СУЛТОН ҲУСАЙН
ГУРАГОННИНГ БИР ГУРУҲ ДОВРУҚЛИ
УЛУҒЛАРНИ САЛТАНАТ ВА ЖАҲОНБОНЛИК
ОСМОНИНИНГ ЮЛДУЗИ БЎЛМИШ
БАДИУЗЗАМОН МИРЗО ИСТИҚБОЛИГА
ЮБОРГАНИ БАЁНИ ВА ОТА-БОЛАНИНГ
БИР-БИРИ БИЛАН ШОД-ХУРРАМЛИК
ВА МАҚСАДИ ҲОСИЛЛИҚДА
УЧРАШГАНИ ЗИКРИ**

Амир Хусравшоҳ Султон Бадиуззамон Мирзонинг мулоқоти шарафига етгач ва шаҳзода ўзининг ҳазрати хоқон билан учрашиш истагини айтгач, Амир Хусравшоҳ ул ташрифнинг амалга ошишини дин ва давлат ишлари ўнгланишига кафолат бўлиши ўрнида санади ва ҳол тили билан ушбу мақол мазмунини баён қилди.

Байт:

Ёр оёғи остида ошиқлар берсалар жон,
Умид борки бизлар ҳам қадамдошимиз ҳар қачон.

Султон Бадиуззамон Мирзо Майманадан муборак оёғини бахту майманат¹ насабли узангига қўйиб, Сарипули Тобон йўлидан муқаддас Гиёсия Лангари томонга қараб юрди. Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннун ҳамда Амир Хусравшоҳнинг Ҳирот шаҳрига келаётгани хабари тарқалиб, мансур хоқоннинг юраги чексиз қувонч ва севинчга тўлди.

Бадиуззамон Мирзо ва ёнидаги улуғ амирларнинг ишончи ортиши учун жаноб шайхулислом Сайф-ул-милла вад-дин Аҳмад ал-Тафтазоний, шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний, «Хоббин» лақаби билан танилган саййид Низомиддин Султон Али Машҳадий, саййид Гиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф ар-Розий, қози Садриддин Муҳаммад ал-Имомий сингари Хуросон мамлакатларининг шайхзода, саййидзода ва қозизодаларини ўзининг файз бахш этувчи йиғинига чорлади ва улар ҳузурида Аллоҳи таолонинг каломи устига қўлини қўйди ва «Бадиуззамон Мирзо ҳамда Амир Зуннун Арғун ва Амир Хусравшоҳга нисбатан ҳеч бир ёмон ниятни ёғдули қутлуғ кўнглимга яқин йўлатмайман, аксинча улар борасида чексиз шафқат ва иноят кўрсатаман» дея аҳду паймон қоидаларини онту қасамлар билан мустаҳкам қилди.

Сўнг ул беш нафар улуғзодага шаҳзода ва амирлар олдига боришлари ҳамда қўрқмасдан мулозимат қарорини бажараверишлари мумкинлиги борасида ҳазрат хоқоннинг битмас-туганмас меҳрибонлик туйғусини эслатиб қўйиш учун жўнашларига рухсат берди.

Ҳурматли улуғ зотлар шаҳзоданинг мулоқоти сари йўналиб, муқаддас Гиёсия Лангида шул саодатга мушарраф бўлдилар ва ҳар бири муносиб пешкашлар ўтқариб, олам хоқонининг қасам ва онлари кайфиятини шарҳлаб бердилар. Бадиуззамон Мирзо ул таъзими вожиб кишиларга етук эъзоз ва эҳтиромлар кўрсатиб, ўтирган жойларига ташриф буюрди ва барчасини қимматбаҳо тўнлар ва кўп инъомлар билан сийлаб, Ҳирот шаҳри томон юзланди.

¹ *Майманат* – бахту саодат.



Бодомту манзилига бориб тушилгач, истиқбол расми билан Ҳиротдан йўлга чиққан Абулмансур Музаффар Ҳусайн Мирзо ўз онаси маҳди улё Хадичабеги Оғо билан келиб, шаҳзода аъло ҳазратлари билан учрашдилар ва томонлар ўртасида вужудга келган нифоқ-адоват чангини дўстлик ва чиқишув суви билан ўчириб, муҳаббат ва бирдамлик биносини мустаҳкамлашга тиришдилар.

910 йил жумодилохир ойи¹ кунларидан бири бўлмиш эртаси куни мансур хоқон Жаҳоноро боғидан мақтов сифатли фарзанди мулоқотига қараб юрди. Бадиуззамон Мирзо ҳам Бодомтудан қўзғалди ва пешин намози пайти Каррух қишлоғидан ярим фарсах масофа қуйироқдаги Ғори Аббос теграси салтанат буржининг ул икки қуёши яқинлашувидан зангори осмон фазосининг рашкини келтирадиган жойга айланди.

Бадиуззамон Мирзонинг кўзи олий отасининг тахтиравонига тушгач, гуноҳқорлар қоидасига кўра бўйнига рўмол осилтирмоқчи ва уч марта тиз чўкиб, оёқ ўпишлик шарафини топмоқчи бўлди. Мансур хоқон бу ҳолатни кўргач, раҳми келиб, азиз фарзандини бу ишдан озод қилди ва Бадиуззамон Мирзо бир тиззаси билан чўккалаб, ҳурмат адо этгач, ҳазрат хоқон уни меҳрибонлик оғушига тортди ва интизор бўлиб кутган кўзлари фавворасидан ёш томчиларини оқизди.

Ота-бола анча вақт бир-бирларини бағрига босиб турганча, юм-юм, зор-зор йиғладилар. Ҳазрат хоқон чексиз меҳрибонлик, Бадиуззамон Мирзо эса кўп эҳтиёж туйғусини изҳор этган кўйи бир-бири юзига термулиб боқардилар.

Улуғ саййидлар, ҳурматли шайхлар, ислом қозиларию уламо ва фузало вужуди билан тўлган ўша мажлисда улуғ амирлар Амир Шужоиддин Зуннун ва Амир Хусравшоҳни олий мартабали хоқоннинг қўлини ўпиш учун олиб бордилар. Ул икки амир ниҳоятда пушаймонлик ва хижолатда ихлосу хизмат тупроғига бош уриб, садоқат ва қуллуқ изҳор қилдилар. Мансур хоқон қуюқ ҳол-аҳвол сўраш сийлови билан уларнинг бошларини са-

¹ 910 йил жумодилохир ойи – 1504 йил 9 ноябрь – 7 декабрь оралиғи.



рафроз этди ва «бугун сизларга танбиҳ-койиш йўқдир»¹ қутлуф калимаси мазмунини илҳом баёнли тилига олиб, кўнгилларини кўтарди.

Ўша кечаси ҳазрат хоқон ва жаноб султон Доғий сайҳонлигида шоду хуррамлик базмида ўтириб, қувонч ва сурур эшикларини очдилар ҳамда райҳоний бода симириш ва аргувоний май ичиш билан ҳаётдан тўла лаззат олиб, шодмонлик байроғини қилпиратдилар.

Қазову қадар ишини биткарувчилар шарқ қуёшининг заррин қоматли маҳофасини зангори осмон шаҳристони сари елкаб кетган ва тун зулматидан ер юзи аҳолисининг бошини кун зиёсига етказган эртаси куни мансур хоқон тахтиравонга ўтириб, елвизак янглиғ мақсади ҳосиллик тахти қароргоҳига юзланди. Улуғ шаҳзодалар Султон Бадиуззамон Мирзо ва Абулмансур Музаффар Ҳусайн Мирзо Гурагон ул ҳазрат олдига тушиб, Амир Зуннун *Арғун* ўнг томонда ва Амир Хусравшоҳ чап тарафда бордилар.

Ўша кун халқнинг турли табақа кишилари оломон-оломон бўлиб катта қувонч ва шодлик билан шаҳардан ташқари чиқиб, дашту тоғни одам зоти босиб кетди. Хотину эркак йиғини шу даража қалин ва зич эдики, ҳеч бир ҳайит ёки Наврўз байрамида бунақасини ҳали ҳеч ким кўрмаганди.

Мансур хоқон ана шундай тартиб ва қоидали қувонч ва сурур ичида Хиёбон йўлидан ул ҳазратнинг ҳиммати меъмори бино қилган Инжил кўприги бошидаги мадрасага етишиб, икки улуғ шаҳзода ва муҳтарам нўёнлар отдан тушдилар. Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо Гурагон ул ҳазрат ўтирган тахтиравоннинг икки олд поясини елкага олдилар. Амир Зуннун *Арғун* ва Амир Хусравшоҳ ул ферузбахт тахтнинг икки кейин поясини кўтардилар ва шу йўсин шарифа мадрасага киритдилар.

Ул мақомда ҳозир бўлган ва мансур хоқоннинг ҳолини кўзатиб турган халойиқ бу суратни кўриб, фарёд чекиб, дуо ва


¹ Қуръони карим, Юсуф (12) сураси, 92-оят. «Бу кун сизлар айбланмайсиз».




сано шартларини адо этдилар ва яратган эгамдан хоқонни ёмон кўзлардан асрашни тилаб, «кофирлар Сизни кўзлари билан йиқитаёзурлар»¹ оятини тилга олдилар.

Сўнг олий мартабали хоқон Боғи Жаҳонорога кетди. Амир Алишернинг уйи эса Султон Бадиуззамон Мирзонинг қадами шарофатидан зангори осмон кўркамлигини топди.

Амирлардан ҳар бири ўзлари учун тайёрланган бир қувонч оширар манзилда қўш ташладилар ва бир неча кун ниҳоятда фароғат билан истиқомат қилиб, йўл чарчоқларини чиқардилар.



БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ ҲИРОТДА ТУРГАН ПАЙТИДА РЎЙ БЕРГАН АЙРИМ ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ



Бадиуззамон Мирзо мансур хоқон мамлакатининг пойтахти Ҳиротда турган пайти отаси Султон Ҳусайн бир неча бор бу тўнғич ўғли шарафига тўйлар бериб, ҳар бир ўтиришда олийшон шаҳзода ҳаққида турли-туман инъом ва эҳсонлар тортиғини адо этди. Ўғлининг амир ва садру вазирлари ҳамда хос ичкиларига ҳам қимматбаҳо либослар кийдириб бошларини силади. Шунингдек, Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагон катта акаси шарафи ва унинг мақтов сийратли амирлари учун шоҳона тўй уюштирди ва тортиқлар бериш шартларига риоя қилиб, бирдамлик асосини мустаҳкам этиш қоидаларини ба- жарди.

Амир Муборизиддин Муҳаммад Рўзафзун ҳам ғоятда шукуҳли бир зиёфат ясаб, Бадиуззамон Мирзони ўз уйига олиб борди ва елдек учар арабий отлар ҳамда мўл-кўл туҳфаю совғалар тортиқ қилиб, хизматкорлик қоидасини бажо келтирди. Худди шундай тарзда бошқа амирлар ва давлат арконлари ҳам ихлос ва садоқат расмларини адо этдилар ҳамда давлатхоҳлик ва тарафдорлик жавҳарларини арз баркашига солиб, ниёзмандлик шартларини намойиш қилдилар.

¹ Қуръони карим, Қалам (68) сураси, 51-оятдан.





Амир Шужоиддин Зуннун *Арғун* Ҳиротга келиб турганидан ўн-ўн беш кундан сўнг «Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзо ўғлим Муҳаммад Муқимни бирор баҳона билан ушлаб қолмасин тагин ҳамда Кобулистонни эгаллагач, юзини Қандаҳор ва Заминдовар тарафларга ҳам қаратмасин яна» деган ҳадикда руҳсат сўраб, инъом ва эҳсонларга эришган ҳолда ўз вилояти сари жўнаб кетди.

Султон Бадиуззамон Мирзо ўша Ҳиротда турган кунларда Мирзо Улуғбек бин Султон Абусаид Мирзонинг ўз аммаси Поянда Султонбегимнинг тарбияси остида яшаётган қизини ўз никоҳига киритди. Ақд куни саййидлар ва қозилар ҳозир бўлиб, Қози Ихтиёрдин Ҳасан никоҳ сўзларини ўқиди. Шу баҳона билан бир неча кун тўй ва ўйин-кулги йиғини тартиб топди ва гул ранг май жоми ёғдуси ҳурматли шаҳзодалар ва олиймақом амирларнинг ҳол юзи сари балқиди.


Яна ўша вақтларда, илгари ёзганимиздек, ҳазрат хоқони мансур мамлакатининг пойтахтида эътибор ва ихтиёри жуда етуқ даражада бўлган мақтов сифатли хожа Афзалиддин Муҳаммад Кермоний бир неча кун хасталаниб, сўнг оламдан ўтди ва Султон Бадиуззамон Мирзо, Музаффар Ҳусайн Мирзо амирлар, вазирлар, саййидлар, шайху уламо билан бирга ул олий насабли хожа жанозасида қатнашдилар ва майитни Гозургоҳга элтиб, шу хожа вафоти муносабати билан қурилган мазорда тупроққа топширдилар.

Аммо мотам ва таъзия айёми ниҳоясига етгач, мансур хоқон Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекнинг қутқу ва ифвоси билан марҳум хожанинг мол-мулкани хатлашга буйруқ берди ва ул жанобнинг барча фарзандлари, қариндош-уруғлари, мулозимлари, умуман, бирор нисбати бор кишиларининг мол-мулки тортиб олиниб, шунинг ҳисобидан давлат хазинасига кўп мол ва ҳаддан зиёд нафис матолар келиб тушди.


Хожа Афзал билан қудалик жиҳатдан қариндошлиги бор ва унинг ҳаракати шарофатидан садрлик мансабига эришган Шаҳобиддин Исҳоқ ҳамда худди шундай тарзда ул хожа жаноблари тарбияси сабабли вазирлик гилами устига ўтириб, Амир



Низомиддин Алишернинг девонлик ишларини бажариб юрган Хожа Жалолиддин Муҳаммад Семноний ҳам бало бандига тушдилар. Бироқ нималари бўлса, чиқариб давлатга топширгач, ўлпон йиғувчи муҳассиллар буйруққа биноан уларни кишандан бўшатдилар.



**БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ ЖАМШИД
МАРТАБАЛИ ШАЙБОНИЙХОНГА ҚАРШИ
УРУШИШ УЧУН ЙЎНАЛГАНИ ЗИКРИ ВА
АМИР ШУЖОИДДИН ХУСРАВШОҲ
ВОҚЕАСИ БАЁНИ**



Султон Бадиуззамон Мирзо қишнинг кўп вақтини олийшонли хоқон хузурида ўтказгач ҳамда турғун ва сайёр подшоҳ¹ саодат ўтиришли Биржис манзилини тарк этиб, юзини қаттиқ қасосли Баҳром уйи сари қаратгач, мансур хоқоннинг оламини безовчи ақли ул олийжаноб шаҳзоданинг Музаффар Хусайн Мирзо ҳамда нўёнлар ва амирлардан айримлари билан бирга Мурғоб дарёсининг қирғоғини зафарга ёр лашкаргоҳга айлантириб, агар Муҳаммад Шайбонийхон юрт олишлик нияти орқасида Амуя дарёсидан ўтса, у билан тўқнашиш ва жанг қилишини тақозо этди.

Шунга кўра Султон Бадиуззамон Мирзо 910 йилнинг муборак рамазон ойида² ҳазрат Султон Ҳусайнинг яқин кишиси, яъни марҳум Амир кабир Низомиддин Алишер Навоийнинг уйидан чиқиб, Жунайд Кўкалтошнинг Мухтор тоғи этагида жойлашган ҳазирасида³ қўш ташлади. Ўша вақтда аъло тахт поясига Заҳир ус-салтана вал-хилофа Муҳаммад Бобур Мирзо олдидан элчилар келиб, ул ҳазратнинг келишув ва иттифоқ бўлиш борасидаги ёзишмаларини арзга етказиб, инъом ва эҳсонга эришдилар. Сўнг қайтишга рухсат олиб, Бобур подшоҳ хузурига кетдилар.

¹ Қуёш.

² 910 йил рамазон ойи — 1505 йил 5 февраль—6 март.

³ Ҳазира — жаннат. Бу ерда: мақбара.



Султон Бадиуззамон Мирзо бир неча кундан сўнг Жунайда ҳазирасидан кўчиб, Чихилдухтарон мавзеи сари ошиқди. У ердан ўтиб, Мурғоб дарёси томон равона бўлди. Йўл устидаги Мури манзили ул қутлуғ қадам бахтидан жаннат боғлари кўркамлигини топгач, Музаффар Мирзо Ҳусайн Гурагон ва Амир Муҳаммад Бурундуқ орқадан етиб келиб, олий мавкабга қўшилдилар.

Сўнг мақсади ҳосил ака-укалар бир-бирига жиловдош бўлганича Панждеҳ йўлидан Мурғоб сари кетдилар. Бироқ мазкур бекатдан Мирзо Музаффар Ҳусайн аъло тахт поясидан юборилган олий фармонга биноан салтанат пойтахти Ҳиротга қайтиб кетди. Амир Хусравшоҳ эса оти жиловини Қундуз ва Бағлон сари бурди ва неча бир манзил ва бекатларни босиб ўтиб, ул мамлакат ҳудудига етгач, ҳар ерлик кишилардан бир тўдаси бу амир атрофига тўпландилар.

Шунда Шайбонийхоннинг Қундуздаги ўзбек доруваси мудофаа мақсадида бир тўп аскар билан Амир Хусравшоҳнинг олдини тўсиб чиқди ва икки томон ўртасида уруш оташи аланга олиб, Амир Хусравшоҳга тобелардан кўпи ўзбекларнинг қилич ва ўқи захмидан ўлим топиб, омон қолганлари қочиб кетдилар.

Амир Хусравшоҳ жаноблари эса тақдир панжасига асир бўлди. Ўзбек қўшини сардори уни эшакка ўтқазиб, Қундуз қалъасига элтди ва шу зайл шаҳар бўйлаб айлантиришларини буюрди. Худди шундай қилгач, Амир Хусравшоҳни илгари ўзи мақсади ҳосиллик байроғини ҳилпиратган мазкур шаҳарда қатлга етказдилар.

Назм:

Осмону қуёшнинг меҳрига учма,
Қасос олишда ҳам уятсиз улар.
Меҳрига тонг каби қисқароқ боғлан,
Ҳар оқшом шафақдек қонга ботирар.

Хусравшоҳ халқпарвар, одил амир эди ва ўн-ўн беш йил Султон Маҳмуд Мирзо салтанати даврида ноиблик мансаби билан Қундузда ҳукумат юргизганди. Ул ҳазрат вафотидан кейин бир неча йил Ҳисори Шодмон, Хатлон, Термиз, Бадахшон, Бағлон



вилоятларини ўз қўли остида сақлади ва катта мартабаю шукуҳ, давлату иқбол билан эркин бошқарув байроғини ҳилпиратди.

Ул жаноб шароб ва бошқа ҳаром нарсалардан тийиниб, парҳезкорлик билан ўзини бу каби нарсалардан узоқ тутарди. Ҳамиша тоат вазифаларини адо этар ва ибодат шартларини ба-жарар ҳамда раббимнинг мажид каломи қироати ва субҳоний оятлар тиловатига машғул бўларди.

Аммо шундай мақтовли хислатларга боқмай, тошбағирлик ва раҳмсизлик билан тавсифланган ва мулку давлатга эришишда кўнгли лавҳига фақат вафосизлик ва неъматга куфр нақшини чизган эди. Юқорида зикр қилингани каби ўз хўжайини ўғилларидан бирини исён наштари билан нобуд қилди ва яна бировининг ҳаёти пойдеворини жавру туғён қўли билан таг-тугидан қўпорди. Натижада кўп ўтмай, ана шу феълининг касри ўзига уриб, Аллоҳи таолонинг қасос панжаси унинг мартабаю шукуҳи палосини ана шу юқорида кўрганнингиз каби аянчли аҳволда йиғиштира қолди.

Назм:

Кўнги саҳфасидан вафо нақшини,
Ювганлар фарқ этмас ёмон-яхшини.
Сенга туз берганни деб «валинеъмат»,
Вафо қил, вафосиз кўргай кўп кулфат.

Уша 910 йилда¹ музаффар туғли шахзода Иброҳим Ҳусайн Мирзо доимий шароб ичгани ва муттасил май истеъмол этганидан тузалмас оғир касалга мубтало бўлиб, табибларнинг муолажа ва даволаши фойда бермай, шаввол ойининг охирида² ҳаёти ниҳоясига етди.

Мансур хоқон бу ҳодиса рўй берганидан ғоятда рамга ботиб, кўзлари фавворасидан ёш томчиларини оқизди. Ниҳоят қўли билан сабру тоқатнинг мустаҳкам ипини ушлаб, «сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур»³ карима калимаси билан чидам кўрсатди ва


¹ 910 йил – 1504 йил 14 июнь – 1505 йил 3 июнь оралиғи.

² 910 йил шаввол ойи охири – 1505 йил 4 апрель.


³ Қуръони карим, Зумар (39) сураси, 10-оят.



мархум шахзоданинг суюрғоли бўлган Қойин вилоятини унинг бир онадан туғишган иниси Ибн Ҳусайн Мирзога иноят қилди. Ул шахзода ўша ёққа ошиқиб, юзини адолат палосини ёймоқ учун қаратди.



БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ МУРҒОБ ДАРЁСИ БЎЙИДАН БАЛХОБ ТОМОН ЙЎНАЛГАНИ ЗИКРИ



Балхоб бир тоғлик ер бўлиб, Дарагаз ва Мурғоб, Ҳиротруд дарёлари шу ерда бир-биридан ажраб кетади. Қийинчилик билан бориладиган тоғлик даралари ва қалин туташган тўқайлари борлиги сабабли у ернинг халқи доимо бўйин товлашлик билан яшаб, қўлдан келгунча ҳокимларга итоат этмасликка тиришадилар.

Бадиуззамон Мирзо қуббатулислон Балхда салтанат ва жаҳонбонлик палосини ёйиб ўтирган 908 йили¹ Амир Боқир Тархонни жасур қўшиндан бир бўлаги билан бирга Балхоб аҳолисининг эсини киритиб қўйиш ва улар қўлига тушган мол-мулкни қайтариб олиш учун юборди. Амир Муҳаммад Боқир билан балхобликлар ўртасида уруш олови аланга олиб, ул амир жаноблари енгилиб қайтди. Ўша вақтда Бадиуззамон Мирзо Амуя дарёси қирғоғига кетаётгани сабабли бул тоифадан қасос ола олмади.


Ниҳоят Мурғоб дарёси бўйи ғалабага ёр лашкароғҳга айланган ушбу вақтда, балхобликлар устига босқин-чопқин уюштириш ўйи ойдин кўнгли сари йўл топди ва зафар аломатли байроқни ҳилпиратиб, у ерга илғор буюрди. Кутилмаганда ул кўхистон ён-теварагини қутлуғ қўшин аскарлари босиб кетди ва шахзода исёнчиларнинг итоату тан олиш қадамини ташлаган бир жамоасига адолат-эҳсон сояси остидан жой бериб, исён ва бўйсунмаслик мақомида қаттиқ қадам билан турган тоифани эса талон-торож этишга буюрди.

908 йил – 1502 йил 7 июль – 1503 йил 25 июнь ораллиғи.




Ҳали Балхоб ҳудуди зафарга кон лашкароҳ макони бўлиб турган пайтда Амир Зуннун ёнидан кетма-кет узлуксиз равишда элчилар келиб, ул жаноб тилидан «Ҳазрат подшоҳ Заҳир удавла вал-иқбол Бобур Мирзо чексиз сонли қўшин билан жаҳон олишлик байроғини Қандаҳор ва Заминдовар томонга қарата кўтарган ва бу шаҳарларни эгаллаш нақшини шижоат ва тадбир қалами билан кўнгли лавҳига чизган. Истак ва умидимиз шундаки, Сиз ҳазратлари ғамхўрлик жиловини бу томон тўғрилаб, давлат душманини йўқотиш сари ҳиммат қилсангиз, токим қутлуф фолли соябон соясида мамлакатимиз боғи ҳодисалар тўғғони ва фалокат офтоби жазирамасида қовжирамай, омон сақланиб қолса» деган сўзларни етказдилар.

Султон Бадиуззамон Мирзо давлат фойдасини ул илтимосни қабул қилишда кўрди ва Амир Зуннун юборган кишиларнинг кўнглини тўлдириб қайтаргач, сўнг юлдузларча мартабали мавкаб улар кейинича Қандаҳор томон ҳаракатга келди.



**СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ
ҚАНДАҲОРГА БОРГАНИ БАЁНИ
ВА ЎША КЕЧА-КУНДУЗДА РЎЙ
БЕРГАН ВОҚЕАЛАРДАН АЙРИМЛАРИ
ЗИКРИДАГИ ГАПЛАР**



Мақсади ҳосил шаҳзода Бадиуззамон Мирзонинг нусрат шиорли байроғи ойчаси Қандаҳор вилоятига яқин етгач, амир Шужоиддин Зуннун *Арғун* ва унинг ўғиллари Шужобек, Муҳаммад Муқим *Арғун* подшоҳона тортиқлар билан истиқболга ошиқдилар ва шариф узангини ўпишга мушарраф бўлиб, кўп сийловларга эришдилар.

Ўша айёмда ҳазрат подшоҳ Муҳаммад Бобур Мирзонинг йўлга тушгани хабари кетма-кет ва узлуксиз келиб тургани сабабли Бадиуззамон Мирзо «Сейистон, Ғур, Сохар, Тулак, Овоқ, Қалъагоҳ, Фароҳ, Хушкруд, Заминдоварнинг барча лашкар ва кўнгиллилари зафар аломатли лашкароҳда йиғилсин» деган фармон берди. Улуғ амирлар бу буйруқни етказиш учун мазкур





вилоятларнинг ён-атрофига тавочилар жўнатдилар. Амир Султон Али Арғун Сейистон қўшини ва ул вилоятларнинг бошқа сардорлари чексиз сонли лашкар билан Қандаҳор тарафга юрдилар.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзо Султон Бадиуззамон Мирзонинг Қандаҳорга келгани ва нусрат шиорли катта қўшин тўпланганидан воқиф бўлгач, гапнинг яхшисини ярашиш ишида кўриб, нусрат нишонли ўрдуга элчилар юборди ва дўстлик ва бирдамлик изҳор этди. Бадиуззамон Мирзо бу чин кўнгилдан айтилган дўстона сўзлар баробарида ўз мактубини юборди ва сулҳ қоидалари амалга ошиб, олий мавкаб Қандаҳордан Заминдоварга қараб юрди.

Бу воқеалар рўй бериб турганда Амир Зуннуннинг Султон Бадиуззамон Мирзо никоҳида бўлган қизи ва шундан сал ўтмай, шу келиннинг ўта одила аёл саналган онаси кетма-кет вафот этишди. Султон Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннун йигирма кун орасида рўй берган бу икки мусибатдан қайғу ва ғамга ботдилар ва уларнинг руҳига бағишлаб, фуқаро ва мискинларга кўп миқдорда обу ош тортиб, илоҳий калом хатмларини бажо келтирдилар.

Сўнг қишлоқ юрти борасида машварат солиб, қишни Фароҳ қасабасида ўтказиш, офтоб қиш буржидан баҳорнинг тенглик нуқтасига ўтгач эса, қай тарафни маъқул топсалар, ҳиммат отини ўша томон сари ҳайдашга қарор қилдилар. Шу қарор бўйича Султон Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннун Фароҳга бориб, йўл азоблари чарчоғини ёзгач, Мирзонинг олий кўнглига Амир Зуннуннинг укаси Амир Султон Али Арғунни салтанат кўзининг қарачиғи Муҳаммад Замон Мирзонинг Отабеклик мансабига тайинлаб, унинг эса, шаҳзодани Сейистонга элтиб, барча ҳимматини Муҳаммад Замон Мирзо бин Султон Бадиуззамон Мирзонинг тарбиясига бағишлаши лозимлиги фикри келди. Амир Султон Али Арғуннинг юраги бу илтифотдан фахр ва қувончга тўлиб, подшоҳона тўйлар берди ва шаҳзодани унга топширишган куни сочқилар сочиб, ниёз ва нисор шартини бажо келтирди.



**ШАЙБОНИЙХОННИНГ ҚИЁМАТ
АЛОМАТЛИ ЛАШҚАРИ ТУҒЎНИ ВА
БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ ҲАЗРАТ
МАНСУР ҲОҚОН ТАЛАБИ БИЛАН
ҲИРОТГА ЮЗЛАНГАНИ ЗИКРИ**

Султон Бадиуззамон Мирзо Қандаҳор шаҳрида турган 911 йил бошларида¹ Балх ва унга тобе ерларда қўшин ва аҳолига йўлбошчилик қила оладиган бирор соҳиби вужуд ҳоким йўқ эди ва ҳамиша олий эҳтиёжли ҳиммати мамлакат олиш ишларини бутлаш сари қаратилган Муҳаммадхон Шайбоний кетмакет ва узлуксиз равишда жасурлик аломатли қўшинларини Жайхуннинг бу томонига юборар, улар эса ўлдир-ўлдир, талон-торож ва шаҳарларни хароб қилиб, эгасиз майдонда қудрат чавғони билан мурод тўпини мақсуд осмонига етказар эдилар.

Мазкур йилнинг ёзида² ул яшинсимон лашкардан бир гуруҳи то Маймана ва Форёб вилоятигача босқин-чопқин уюштириб, аҳоли устига талон-торож йўсини билан ёпирилиб келдилар ва ҳаддан зиёд молу буюм ўлжа олиб, босқин ва талаш байроғини кўтардилар.

Насаби она томондан Бойсунқур Мирзога уланувчи ва мансур хоқонга кувелик шарафига мушарраф бўлган Муҳаммад Қосим Мирзо бин Амир Абулқосим Арлот ўша ҳудудда яшаётган Амир Ширим Жалойир ва Хожа Жалолиддин Миракийнинг ўғли Амир Бобожон билан бирга ул жамоатни йўқ қилиш учун юзландилар.

Томонлар ўртасида жанг ва олишув чанги кўтарилиб, ўзбекларга зафар ва нусрат чеҳраси жамол кўрсатди. Ул уч саркарда эса шаҳидлик иззатига мушарраф бўлишиб, аскарлари қочиб кетди. Шу жиҳатдан ул вилоятлар аҳолисининг ишлари бутунлай чаппасига кетди ва барча далаю дашт одамлари ватанни тарк этиб, озору ситам етганларнинг оху зор тутуни кайвон айвонидан ошди.

¹ 911 йил боши – 1505 йил 4 июнь.

² 1505 йил ёзи.



Бу ҳодиса хабари салтанат пойтахти Ҳиротга етгач, мансур хоқон Боғи Жаҳонорода қишлов ўтказишни маъқул кўрмай, шаҳар боғига кириб, истиқомат тўшагини ташларкан, анча ўй-фикрдан кейин Султон Бадиуззамон Мирзога ёрдам бериш борасида кўрсатган ўша бепарволик ва ғафлатдан қаттиқ пушаймон бўлди ва амирлару давлат устунлари билан маслаҳат ўтказиб, яна бир бор Султон Бадиуззамон Мирзони салтанат пойтахти Ҳиротга чақирриш ва кўнглини топиб, ул ҳазратни манглай расми билан Мурғоб дарёси бўйига юбориш, ўзи эса унинг кетидан қўзғалиб, Муҳаммадхон Шайбонийга қарши қирғин-барот уруши солишга қарор қилди.

Шу машваратдан сўнг олампаноҳ даргоҳнинг ақлу фаросати кўплиги ва фазлу донолиги билан устун турувчи жаноб Хожа Шамсиддин Муҳаммад Муншийни элчилик расми билан шаҳзода олдига юбораркан, иноят қоришиқли фармонлар жўнатиб, меҳр-муҳаббатга тўла сўзлар айттирди.

Хожа Шамсиддин Муҳаммад қишнинг қоқ ўртасида сидра мисол бўсағага етиб бориб, мансур хоқоннинг иштиёқ билан кутаётганини айтиб ва дил ўғирловчи иборалар билан элчилигини адо этиб, ул тахту тож безовчисини ота мулоқотига мойил қилди.

Бадиуззамон Мирзо ул гап-сўзларни қабул қулоғи билан эшитиб, олий тахт сари йўлга тушди ва Хожа Шамсиддин Муҳаммадни бу хабарни етказиш учун ўзидан олдинроқ Ҳиротга юборди. Амир Зуннун Арғунга Замиңдоварга бориши ва Гармсир, Фур, Сохар, Тулак мамлакатининг барча қўшинларини йиғиб, баҳор бошларида оти жиловини Мурғоб дарёси бўйига тўғрилаш учун кетишга рухсат берди.

Султоннинг олий мавкаби мазкур йилнинг шаъбон ойида¹ подшоҳлик пойтахти томон йўналиб, Озаршикан работига етгач, кутиб олиш қоидаси бўйича Ҳиротдан чиқиб келган улўф амирлар ва каттаконлар кетма-кет ва изма-из мулозимат шарафини топиб, сочқи сочиш ва тухфа тортиқ этиш шартларини бажо келтирдилар.

¹ 911 йил шаъбон — 1505 йил 28 декабрь — 1506 йил 25 январь оралиғи.



Султон Бадиуззамон Мирзо давлат ва иқболга тизгиндош бўлиб, масофаларни босиб ўтганича Пули Қора кўприги бошида аъло ҳазратларининг мулоқотига муяссар бўлди ва мансур хоқон яна бир бор кўзини мақсади ҳосил шаҳзода дийдори билан равшан қилиб, кўпдан-кўп мушфиқлик ва меҳр-муҳаббат кўрсатди. Бадиуззамон Мирзо пешкашлар тортиб, олдинги йўсинга биноан Амир Алишернинг уйига тушди.

МАҚСАДИ ҲОСИЛ МАНСУР ХОҚОННИНГ ЮРИШГА ҚАРОР ҚИЛГАНИ ВА БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ УЛ ҲАЗРАТ ҚЎЗГАЛИШИДАН ОЛДИНРОҚ МУРҒОБ ДАРЁСИ БЎЙИГА КЕТГАНИ БАЁНИ

Ҳашаматли хоқоннинг олий ҳиммати ҳамиша аҳолининг фаровон турмуши ва шаҳарлар ободлиги учун қаратилган ҳамда ул подшоҳнинг раҳм-шафқат билан сайқал топган юриш жиловни доим зулм аҳлю нобакорларнинг бузғунчилик ва исёнини йўқ қилиш сари тўғриланган эди. Шунга кўра Балх, Андхуд, Шибирғон, Маймана ҳудудларида шижоатли ўзбек аскарларининг асир олиш ва ўлдириш, аҳолини талаш сингари золимликлари рўй бергани хабари салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келиб, мазкур юртлар аҳолисининг яна алғов-далғов, ночор ва саргардонлик гирдобида қолгани маълум бўлган вақтда музаффар байроқли мансур хоқон шариф табиатидаги хасталик ва оёқ-қўлида ҳаракатланиш мажоли йўқлигига қарамай подшоҳона ғайрати етуклиги ва подшоҳона ор-номуси кучлилигидан мамлакат олувчи Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбонийга қарши урушишга қарор қилди. Улуғ амирлар ва Аторуд¹ ҳашаматли вазирларни қўшин ва шижоатли кишиларнинг уруш анжомларини бутлаш ишига буюрди.

Бадиуззамон Мирзони йигирма кундан ортиқ салтанат пойтахти Ҳиротда ушлаб турмай, Мурғоб дарёси бўйига кетиши учун

¹ Аторуд (Уторуг) – етгита сайёрадан биттаси саналган Меркурий номи, донолик рамзи.

топшириқ берди. Шаҳзода буйруққа биноан юриш байроғини ҳилпиратди ва рамазон ойи ўрталари¹ ва Ҳут буржининг охирларида йўлга тушди. Бироқ ҳавонинг қаттиқ совуқлиги сабабли бир неча кун Чихилдухтарон манзилида қўш ташлаб ётди ва ул муборак ойнинг қолган кунларини ўша ерда ўтказиб, шаввол ҳилолининг эгри қадди кўрингач², Ийд куни маросимини адо этди. Сўнг у ердан ҳам қўзғалди ва Марвчоқ қасабасида офтоб ёғдули байроқни юқори кўтарди.

Ўша манзилда Амир Алихоннинг отаси Амир Умарбек хизматдан бўйин товлаб, Ҳиротда қолгани сабабли Шибирғон ҳукумати бошқарувидан бўшатиб, ул мансабни Хожа Низомиддин Аҳмадга берди. Султоннинг олий мавкаби Марвчоқдан Сарипули Тобон кўприги бошига қараб юрди ва ҳазрат хоқоннинг қутлуғ соябони етишувини кутиб, бир неча кун ўша дилга ёқувчи бекатда туриб қолди. Аммо хоқони мансур

Мисра:

Лолаю гул кўринган, райҳон, сунбул яшнаган

вақтдагина моддий ва руҳий нарсалар яратгувчисининг иноятига таваккал қилди ва ўн икки минг ханжарсанчар отличии ёнига солиб, катта дабдабаю асъаса билан йўл сари юзланди.

Мансур хоқоннинг ғалаба аломатли байроқлари субҳона таолонинг шукуҳи инояти остида шаҳар боғидан Мовароуннаҳрга юриш қарори билан қўзғалди ва зафар дастгоҳди қўшин майсаю лола аскарлари каби тоғу дашт атрофини босиб кетиб, заминуну замон ларзага келди.

Ўша манзилларни кечиб ўтиш ва бекатларни ортда қолдириб юриш асносида катта тезлик билан ҳаракатланиш натижаси ўлароқ қутлуғ табиат меъёр йўлидан четга чиқди ва Бобо Илоҳий манзилига етгандан сўнг заифлик шу даражага етдики, иш бул юришни давом эттириш ва тунлари ҳаракат қилиш имконидан ўтди.

¹ 911 йил рамазон ойи ўртаси — 1506 йил 10 февраль.

² 911 йил шаввол боши — 1506 йил 25 февраль.

МАНСУР ҲОҚОН СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ ҒУРУР УЙИДАН СУРУР САРОЙИГА КҮЧИБ ҶТГАНИ ЗИКРИ

Оламнинг барча олимларига маълум ва бани Одам фозиллари тоифасига аёнким, Ҳаййи қадимнинг шомила ҳикмати ва вожиб ул-таъзим (*шаъни улӯғ ва султонлиги буюқдир*) Подшоҳнинг комила қудрати ҳамиша шу нарсани тақозо қилиб келганким, «аниққи, Биз сизларни ерда барқарор этдик»¹ тахтгоҳида «Аллоҳ мулкни истаган кишисидан тортиб олади»нинг² зийнатли тожи билан безанган ҳар бир сарвар боши оқибатда дунёвий мамлакат ишларини изга солишдан қўл тортиб, офияту саломат якунли «улар чодирларда асралган ҳурлар»³ мақомига кўчиб ўтади. Энг азиз аъло Ҳақнинг ёрқин суннати «Аллоҳнинг дастурини ҳеч қачон ўзгартира олмасиз»⁴ ҳамиша шу тарзда бўлиб келганки, жаҳон дорилмулки ва ўзгарувчан палос устидаги ҳар бир ҳашаматли «сизларни ерда ўринбосарлар қилиб қўйган зот»нинг⁵ бахт анжомли тахтига мушарраф бўлса, иш якунида жисмоний гавдалардан кўнгли оғриниб ва нафрати қўзиб «остидан дарёлар оқиб турадиган»⁶ кенг саҳнига юзланади.

Бу аниқ муқаддимани баён этишдан мақсад нималиги ва бу ўхшатишнинг кимнинг аччиқ воқеасига ишора экани ҳушли орифлар қалбига аён бўлиб, ёзғувчи қалам ҳол кайфиятини шу тариқа таҳрир тизимига терадики, Бобо Илоҳий манзили подшоҳлик осмонининг ул қуёши тушган жой бўлгач, ул пок жавҳар мазмунига касаллик шакли аралашди ва ул бахт сифатли зотга беморлик азоби қоришди. Табиблар қанчалик даволаш учун уринмасинлар, ишлари тескари натижа бериб, қутлуғ мизож заифлиги ҳар лаҳза кучаяверди.

¹ Қуръони карим, Аъроф (7) сураси, 10-оят.

² Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 26-оят.

³ Қуръони карим, Раҳмон (55) сураси, 72-оят.

⁴ Қуръони карим, Аҳзоб (33) сураси, 62-оят.

⁵ Қуръони карим, Фотир (35) сураси, 39-оят.

⁶ Қуръони карим, Иброҳим (14) сураси, 23-оят.



Улуғ шахзодалар ва эҳтиромли амирлар ҳозик табиблар ва аниқ билувчи ҳакимларнинг сўзларидан касал тузаладиган эмаслиги ва бу аянчли воқеага тадбир йўқлигини англадилар. Шунга кўра «агар бу ҳолат Султон Бадиуззамон Мирзонинг қутлуғ ўрдуда йўқ пайти содир бўлса, фитнаю фасод кўзғалиши, натижада, қўшин аҳлидан ҳар бир бўлаги бирор тараф ёнини олиб, ака-укалар ўртасида қарама-қаршилиқ рўй бериши мумкин»лиги борасида ўйлаб кўрдилар ва мансур хоқондан рухсат олиб, Султон Бадиуззамон Мирзога «тезликда олампахоҳ даргоҳга келиши» сўралган бир мактуб юбордилар.

Ул бажарилиши шарт фармон зулҳижжа ойининг бошларида¹ Сарипули Тобон манзилида Бадиуззамон Мирзонинг назарига етди ва унинг мазмунидан хабар топгач, ўғруқни ўша манзилда қолдириб, амиру хос ичкилардан уч юз киши билан йўналиш жиловини Бобо Илоҳий мавзеи томон тўғрилади.

Эртасига мазкур ойнинг учинчисида² ул лутфу карам йиғингоҳи бўлмиш шахзоданинг нусратли байроғи ойчаси етишув нурларини қутлуғ ўрдунинг бир фарсах берисига таратиб, улуғ шахзодалар Музаффар Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Қосим Мирзо, Саййид Абдуллоҳ Мирзо, Абдулбоқий Мирзо ва олий мақомли амирлар Шужоиддин Муҳаммад Бурундуқ *Барлос*, Муборизиддин Муҳаммад Валибек, Носириддин Умарбек *Вафогор*, Низомиддин Абдуллатиф *Жоннисор* ҳамда бошқалар кутиб олиш учун шошилиб, дуо ва сано айтиш, сочқи сочиш ва тортиқ тортиш шартларини бажардилар.

Бадиуззамон Мирзо ўша куни ҳам мазкур мавзеда тўхтаб ва хоқоннинг касали оғирлашганидан воқиф бўлиб, эртасига касални кўргани борди. Ул ҳазратни жуда ҳам мажолсиз ва ўта ҳолсиз ҳолатда кўргач, ниҳоятда қайғуга ботиб маъюс тортди. Эҳтиётга риоя қилиш учун ўрдуда турмади ва шариф манзилига қайтиб, ўғруқни олий мавкабга олиб келиш учун Сарипули Тобонга одам жўнатди.

¹ 911 йил зулҳижжа боши — 1506 йил 25 апрель.

² 911 йил учинчи зулҳижжа — 1506 йил 28 апрель.



Шундан сўнг амирлар ва давлат устунлари, билқис ҳашаматли маликалар маслаҳат қуриб, мамлакат манфаати ҳамда қўшин ва халқ осойишталигини фақат бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй бермасдан бурун тожу тахтга эгалик Султон Бадиуззамон Мирзо ва Абулмансур Музаффар Ҳусайн Мирзо Гурагон ўртасида тақсимланиб, ака-укалар эндиликда бўйнини итоат занжиридан тортмасликлари ва иноқликнинг тўғри йўлига кириб, оғзи олачилик дарахтини қўпориб ташлашлари учун аҳду паймон қойдаларини қасам ичиш билан мустаҳкамлаш ишида кўрдилар.

Мазкур ойнинг саккизинчиси¹ жума куни Амир Шужоиддин Муҳаммад Бурундуқ *Барлос*, Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек, Амир Носириддин Умарбек, Амир Низомиддин Абдулатиф қутлуғ ўрдудан Музаффар Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Қосим Мирзо, Саййид Абдуллоҳ Мирзо, Абдулбоқий Мирзонинг мулозиматида Султон Бадиуззамон Мирзонинг лашкаргоҳига кетдилар ва олий ҳузурига кириб, ул олий мартабали подшоҳнинг амирларидан Амир Султон Боязид бин Амир Жаҳонгир *Барлос*, Амир Шайх Али *Тоғай* ва Музаффар Ҳусайн Мирзонинг давлати устунларидан Амир Муҳаммад Бурундуқнинг авлодлари Али Бек Мирзо, Амир Муҳаммад Жаъфарни ўша йиғинга чақирдилар.

Сўнг шаҳзодалар субҳона таолонинг ҳамиди мажид каломи устига қўл қўйиб, бир умр иттифоқ ва бирдамликнинг мустақим йўлида тўғри дам ва собит қадам бўлиб, муҳолифат яқинига йўламаслик борасида аҳду паймон қилдилар.

Амирлар ҳам чин қалбдан қўлидан келганча ва имконлари етгунча уларга давлатхоҳлик ва хизмат этишда саъй-ҳаракат қилажакларини айтиб қасам ичдилар. Бу сингари аҳдлашув амалга ошгани жиҳатидан каттаю кичикнинг кўнгиллари ишонч топиб, хавфсизлик ва тинчлик нурлари амиру лашкар аҳли ҳаёти узра таралди.

Байт:

Хуросон мулки қасрининг сутунлари мадор топди,
Ул яхши иттифоқликдан кўнгиллар ҳам қарор топди.

¹ 911 йил саккизинчи зулҳижжа — 1506 йил 4 май.



Бу аҳдлашув амалга ошган куни мансур хоқоннинг касали жуда ҳам зўрайган эди ва соатма-соат баттарлашиб борарди.

Қурбон ҳайити тонгида Бадиуззамон Мирзо қутлуғ ўрдуга ташриф буюриб, бошқа шаҳзода ва амирлар, вазирлар эса девонхона чодирисида ҳайит намозини адо этиш учун йиғилдилар. Хутба ўқиш вақтида хатиб ул ҳазратнинг мақтов якунли номини тилга олган заҳоти қатнашчиларнинг йиғи ва фифон овози замину замон ларзага келиши даражасида кўтарилди. Улар ғамига қўшилиб, юқори олам сокинлари ва юксак йиғин муқимлари кўзидан ёш селоби оқди¹.

Эртасига 911 йил зулҳижжа ойининг ўн биринчиси² душанбада кун ботишига яқин маҳалда салтанат ва мақсади ҳосиллик осмони авжининг қуёши фано мағрибига кетди ва ул олампашоҳ подшоҳнинг муқаддас руҳи лочини «эй тинчиган жон, рози ҳолда раббинг олдига қайт»³ товушини эшитиб, дўст гулзори сари парвоз қилди. Олам аҳли атолари ёғдусидан фароғатда бўлган бир қуёш ҳашаматлининг талъати нурлари «қаерда бўлмангиз, ўлим сизларни топиб олур»нинг⁴ мағрибида йитиб кетди ва жаҳон халқи адолати кўплигидан эмин-эркин яшаган бир Жамшиднинг ҳаёт фармони «ер юзидаги барча жонзот фонийдир»⁵ муҳри билан якун топди. Ҳар кечаю саҳар фатҳу зафар хушхабарини шаҳар ва юртлар аро ёйган шоҳлик ноғорасининг овози бутунлай тинди. Шу давр ичида халқ ва қўшиндан ҳеч ким эшитмаган фифон товуши бу қаттиқ мусибат сабабли юқори ўрлаб, кайвон айвонига туташди. Ўша қайғули оқшомда салтанат шабистонининг ичкилари пайғамбар суннати бўйича пок жасадини ювиб, кафанга ўрадилар ҳамда ўта мунг ва ғамда, қаттиқ ғуссаю аламда ёш ўрнига намга фарқ кўздан қон селини оқиздилар.

¹ Ёмғир ёққанига ишора.

² 911 йил ўн биринчи зулҳижжа — 1506 йил 7 май.

³ Қуръони карим, Валфажр (89) сураси, 28-оят.

⁴ Қуръони карим, Нисо (4) сураси, 78-оят.

⁵ Қуръони карим, Раҳмон (55) сураси, 26-оят.



МАҒФИРАТЛИ НАЪШНИНГ ДАВЛАТ ВА САЛТАНАТ ПОЙТАХТИГА ОЛИБ БОРИЛГАНИ ЗИКРИ

Қазою қадар ишчилари хуршид жамшиди маҳофасини мовий кенгликда кўздан яширганча осмоннинг тез юрар оти устига юклаб, машриқ уфқидан мағриб ниҳонхонаси томон чоптирган эртаси кун тонгида амирлар ва давлат устунлари мансур хоқоннинг мағфиратга ёр наъш (жасад)ини маҳфуф маҳофада раббилоламин раҳмати қабтолига қўйдилар ва ул маҳофани мушкин либосга ўраб, йўналиш жиловини Ҳирот шаҳри томон бурдилар.

Бадиуззамон Мирзо ҳам қутлуғ ўрду кетидан қўзғалиб, эртаси куни Тирату қалъаси тоғи этаги иззат чодирлари тикланган ерга айланди. Ул мустаҳкам қалъанинг кутволи яқдиллик тариқининг солики Амир Зайниддин Али пастга тушиб, қалъанинг калитларини барча захиралар тафсилоти билан бирга арзга етказди ва иноят назарига манзур бўлди. Ўша кечаси мазкур манзилда турилди.

Осмоннинг турғун ва сайёр жисмлари подшоси [қуёш] фалакнинг метин аломатли қалъасини ўз жавлонгоҳи қилган ва юдузлар тангаларини ўз тасарруфига киритиб, ҳашамат байроғини кўтарган эртаси куннинг тонг маҳали салтанат ва подшоҳлик буржининг нурлари Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Гурагон бир гуруҳ ноиб ва ичкилар билан бирга Тирату қалъасига чиқдилар ва ул осмон сифатли қўрғонни эҳтиёт назари билан кўздан кечириб, хазина ва захираларни ўз тасарруфларига киритдилар. Амир Зайниддин Али сочқи ва пешкаш ўтқариб, яхши хизматчилик шартларини бажо келтирди ва подшоҳона иноятларга эришиб, эски дастур бўйича ул қалъанинг кутволлик мансаби яна ул жанобга топширилди. Ўша заҳотиёқ шаҳзодалар қутлуғ ўрдуга қайтдилар ва эртасига шошилинич равишда салтанат пойтахтига қараб йўл оддилар.

Кўҳистон сайҳонлигига етишгач, ўша вақтда жаннат маконли хоқоннинг фармонига биноан Ҳиротда шаҳар ҳокими бўлиб турган Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ бир гуруҳ саййидлар,

нақиблар, шайхлар, олимлар, шариф кишилар, аъёнлар, арбоб ва катталар билан аза либосини кийиб ва ун-фигон тортиб, жамшид ҳашаматли шахзодалар олдига чиқишди ва ҳол-аҳвол сўраш шартини бажаришди.

Эртасига офтоб булоғи суви билан зулмат чанги ҳашамат осмони кенглигидан ювилган тонг пайти адолатли хоқоннинг айниш ва уфунатдан¹ омон сақланган тенгсиз баданини яна бир марта ювиб, кафанлаб, салтанат пойтахти Ҳирот шахрининг Ийдгоҳи саҳнига элтдилар ва ўша фархунда мақомда раҳмат андозали жаноза учун номоз ўқиб, боқий тирик (Аллоҳ) раҳматига фарқ тобутни шу мақсадда қурилган шариф мадраса гумбази остига пок шарият қоидаси бўйича дафн қилдилар.

Одил подшоҳнинг етук ўғиллари ҳамда амирлар ва давлат устунлари бир ҳафта узлуксиз таом тортиш ва *зулмилжалол вал-икром* Аллоҳнинг каломини хатм этишга машғул бўлиб, еттинчи куни ҳашаматли султонлар қоидаси бўлмиш катта ош бериш маросимини ўтказдилар ва халойиқнинг таъзия либосини ечдириб, салтанатнинг улкан ишлари ва муҳим юмушларини бажаришга киришдилар.

МАНСУР ХОҚОННИНГ ОЛИЙ НАСАБЛИ ШАРОФАТЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАРИ СОНИ ЗИКРИ

Миннатсиз бахш этувчи ва ғаразсиз атолар бағишловчи эгам марфиратли мансур хоқон, салтанат безаги Абулғози Султон Ҳусайнга ўн тўрт ўғил ва ўн бир нафар қиз фарзанд қарам қилган эди. Ўғилларининг энг тўнғичи Султон Бадиуззамон Мирзо маҳди улё Бека Султонбегим бинт Мирзо Муизиддин Санжардан; бошда Султон Вайс Мирзонинг никоҳида турган, кейин эса Абдулбоқи Мирзога хотин бўлган Султон Бегим мансур хоқон тахтга чиқмасдан олдин ул ҳазратнинг никоҳига кирган Чўли Бегимдан; Ҳайдар Муҳаммад Мирзо, Муҳаммад Қосим Мирзо ва Абулқосим *Арлот*га хотин бўлган Оқ Бегим, Саййид Мавлоно

¹ Уфунат — микроб тушиши, бузилиш.

Хожа никоҳида ҳаёт кечирган Бека Бегим, балогат ёшига етмасдан бурун вафот этган Оғо Бегим, Мирзо Бобур бин Муҳаммад Қосим Мирзонинг завжаси Кичик Бегимлар Султон Абусаид Мирзонинг қизи Поянда Бегимдан; Шоҳ Фариб Мирзо, Музаффар Ҳусайн Мирзо маҳди улё Хадичабеги Оғодан; Абулмуҳсин Мирзо, Кепак Мирзо лақаби билан танилган Муҳаммад Муҳсин Мирзо насаби Чаҳоршанбаҳий амирларига уланадиган Латифа Султон Оғочадан; Фаррух Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Маъсум Мирзо, Иброҳим Ҳусайн Мирзо, Ибн Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Қосим Мирзо, Бегим Султон лақаби билан машҳур ва Султон Масъуд Мирзонинг хотинлари қаторидан ўрин олган Саодатбахт Бегим, Султон Искандар Мирзонинг хотини бўлмиш Султоннажод Бегим, шаҳидлик шарафини топган Мирзо Улуғбекнинг неваларидан бирининг шабистонини ўз жамоли шамидан мунаввар қилган Мунаввар Султон Бегим эса Попо Оғочадан; Абу Туроб Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо, Саййид Абдуллоҳ Мирзонинг соҳибаси бўлган Марям Султон Бегим, Мирзо Ёдгор Фаррух Мироншоҳнинг завжаси Фотима Султон Бегим *ўзбакиядан*¹ бўлмиш маҳд Менгли Биби Оғочадан туғилган эдилар. Бу кейинги малика Шаҳрбону Бегим бинт Султон Абусаид Мирзонинг қули бўлиб, Шаҳрбону Бегим бинт Султон Абусаид Мирзо мансур хоқонга хотин бўлган пайтда уни ул ҳазратга бахшида қилган эди. Қосим Султоннинг ҳарамида умр кечирган Ойша Султон Бегим эса Зубайда Оғо *Жалойирдан* туғилган эди.

Мансур хоқоннинг ўғилларидан етти нафари ул ҳазратнинг тирик пайти оламдан ўтишди. Уларнинг номлари қуйидагича: Фаррух Ҳусайн Мирзо, Шоҳ Фариб Мирзо, Муҳаммад Маъсум Мирзо, Ҳайдар Муҳаммад Мирзо, Иброҳим Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Абу Туроб Мирзо; қиз фарзандларидан беш нафар мастура ҳам ул мақтов сифатли подшоҳнинг ҳаёт даврида юзларига тупроқдан ниқоб тортган эдилар ва уларнинг номлари ушбудир: Оқ Бегим, Бека Бегим, Оғо Бегим, Кичик Бегим, Фотима Султон Бегим.

¹ *Ўзбакия* – Техрон нашрида «туркия» шаклида берилган. Аммо Бобур Мирзо уни «ўзбеклардан» дея қайд этгани учун биз «ўзбакия» шаклида кўрсатдик.



Ул ҳазратнинг пок хотинлари Бека Султон Бегим, Чўли Бегим, Зубайда Оғо *жалойир* ва Латифа Оғоча ул жаҳонбонлик иморатининг бинокори ҳаёт пайтида ўткинчи олам билан видолашдилар. Бошқалари ул ҳазрат вафотидан кўп ўтмай ҳар бири бир юртга путраб кетиб, кўпи ўзга ўлкаларда охират дунёсига кетдилар. Ҳозир¹ фақат Офоқ Бегим ҳаётдир.



МАНСУР ҲОҚОННИНГ САДРЛАРИ ЗИКРИ



Олий маконли хоқоннинг мақтов нишонли замонида Хурсондаги вақф мулки шу даражага етган эдики, унинг бошқарувини ёлғиз битта киши уддалай олмасди. Ул олий мартабали подшоҳ доимо улуғзода саййид ва фузалодан икки-уч кишини садрлик мансабига тайинларди. Шунга кўра ул ҳазратнинг салтанати даврида салла аҳлидан бир гуруҳи мазкур мансаб ишларини бажариш билан машғул бўлгандилар. Қуйида номлари зикр этилажак ўн тўрт нафар киши ана шу муллолар жумласидан эдилар.

Саййид Жалолуддин Ҳамза Анхудий Маккий ҳусайний саййидлари шарифларидан бўлиб, пайғамбар сулоласининг сараси Саййид Барака билан қариндошлик нисбати бор эди. Ул жаноб мансур хоқон салтанати даври бошида садрлик мансабига етишди ва барча улуғ садрлардан олдин тавқи битарди. Аммо бу ишда унчалик уқуви йўқлиги ва шаробга муккасидан кетгани учун бу ишни илгари силжита олмай, то мансабидан бўшатилиб, уйи бурчагини ихтиёр этганига қадар вазифасида ихтиёрсизлик билан турди.

Мавлоно Қутбиддин Муҳаммад ал-Хофий фақиҳлик ва фазилат сифати билан зийнатли, фаросат ва донолиги билан таниқли эди. Мактуб ва фармон, кўрсатмалар иншо қилишда ўта маҳоратли эди. Вақф иши ва муомалаларини ҳал этишда ўзига ўхшаш ва яқин касбдошлари узра юксаклик байроғини кўтарганди.

Ул жаноб султони саид Мирзо Султон Абусаид даврида жаҳон шарафи мавлоно Абдураҳим садрнинг ноиби эди. Қорабоғ

¹ Ҳозир – китоб ёзилган 1523 йил кўзда тутилмоқда.



ҳалокатидан кейин салтанат пойтахти Ҳиротга келгач, мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо садрлик мансабини унга берди. Жаноб мавлавий бир неча вақт ул вазифада тургач, 874 йил муҳаррам ойининг йигирма учинчисида¹ фасод аҳли иғвоси сабабли туттирилиб, қамоққа ташланди. Йигирма кун ичида бир юз элик минг динор кепакий тўлаб, сафар ойининг ўнинчисида² яна тарбият топиб, садрлик либосини кийди ва яна бир неча йил тўла эркин-эминлик билан вақф ишларини бажариб ва мутаваллилар ҳожатини чиқариб юрди.

Вафоти салтанатнинг ишончли кишиси Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг ихтиёр ва эътибор замонида 895 йили³ рўй берди.

Мавлоно Қутбиддин муътаид ус-салтана Маждиддин Муҳаммаднинг қондош қариндоши бўлгани учун ул жаноб таъзия маросими шартларини адо этиб, уч-тўрт кун эртаю кеч улуг амирлар, вазирлар, саййиду нақиблар, қозилар, уламо ва салтанат пойтахти Ҳиротнинг бошқа ашрофу аъёнлари бу таъзияхонага келиб-кетиб турдилар. Ҳофизлар Қуръон хатмларини бажо келтириб, Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг дастурхон солувчи хонсолорлари кўпдан-кўп ҳолва ва таомлар тортдилар. Мансур хоқон мотам айёми ниҳоясига етгач, шаҳзодалар ҳамда билқис маконли маликалар муътаид ус-салтана Маждиддин Муҳаммад ва бошқа азадорларга қимматбаҳо тўнлар юбордилар ва кўнгилларини сўраб, тасалли бердилар.

Хожа Муиниддин Халифа бир неча вақт мансур хоқоннинг садрлик мансаби билан эъвозланган эди. Бемаъни ишларга аралашгани оқибатида ушланиб, 897 йил⁴ Хиёбон кўчаси бошида ўлдирилди.

Хожа Камолиддин Ҳусайн бин Хожа Жалолиддин Қанбар Гирангий⁵ Обивард вилояти улуғларининг буюги ва катталарининг йўлбошчиси эди. Улуғворлиги ва ҳашамат-бойлиги кўплиги,

¹ 874 йил йигирма учинчи муҳаррам – 1469 йил 2 август.

² 874 йил ўнинчи сафар – 1469 йил 19 август.

³ 895 йил – 1489 йил 25 ноябрь – 1490 йил 14 ноябрь оралиғи.

⁴ 897 йил – 1491 йил 4 ноябрь – 1492 йил 23 октябрь оралиғи.

⁵ Гиранг – Хуросондаги қишлоқлардан бирининг номи.



мартабаси баландлигию ҳиммати олийлиги туфайли Хуросоннинг бошқа аъёнларидан устунлик қиларди.

Бир неча вақт ғоятда ихтиёр ва қудрат билан мансур хоқоннинг садрлик мансабида ишга машғул бўлди. Ўша давр мобайнида садрлик йўсинидан бир динор ёки бир ман ғалла ҳам тама қилмай, яхши ном қозонди.

Шунга қарамай, айрим ҳасадгўй кишилар ул мақтов хислатли хожани мол ўзлаштиришда айблаб, мансур хоқон ҳузурида хожага нисбатан туҳмат ва чақимчилик қилдилар. Бу гаплар қутлуғ кўнгилга ўз таъсирини ўтказиб, Хожа Ҳусайн ул мансабдан бўшатилади ва девонга катта миқдорда маблағ тўлади.

Хожа Камолиддин Ҳусайн умрининг қолган даврини фароғатда ўтказди ва 899 йил рамазон ойида¹ Ҳақ чақирғига «лаббайка» дея жавоб бериб, Ҳирот масжиди Жомесининг қибла томонида ўзи қурдириб, чиройли қилиб безатган мадраса гумбазида дафн қилинди.

Шамсиддин Муҳаммад Анджоний «Сарбараҳна»² лақаби билан танилган эди. Унга бу лақабнинг тақалиш сабаби шуким, ўспиринлик пайтида, бу ёшда ҳаммада бўладигани каби, меҳру муҳаббат султони бир тиланчи болага дил шаҳристониде жой берибди ва ул баччага тобе қаландарлар тусига кириб, улар хизматида бўлибди. Гоҳи боши яланг ҳолда ул тоифа билан кўчаю бозорларда айланиб юрибди ва олдинга тушиб олиб, салот айтувчи сифатида рубоийлар назм қилибди. Манави рубоий ана шу шеърлар жумласидан ҳисобланади.

Рубоий:

Ушбу кунпараст ва ойпарастлар,
Бир нигоҳингни адосидирлар.
Сулув аталган бошқа гузаллар,
Ҳуснинг куёшин гадосидирлар.

Мир Сарбараҳна яхши кирдору майин гуфтор, ўткир идрок ва таъб соғломлиги билан замон фузалосию даврон зурафоси-

¹ 899 йил рамазон ойи — 1494 йил 5 июнь — 3 июль оралиғи.

² Сарбараҳна — боши яланг, боши очик.

дан кўп устун эди. Ҳамиша ширин нукот¹ ва рангин ҳикоятлар ва ҳазиломуз гаплар ва мазахбоп сўзларни баён саҳифасига битарди.

У Туркистон, яъни Андижон томондан салтанат пойтахти Ҳиротга ташриф буюрган пайтда мансур хоқоннинг яқин киши-си ҳазрат Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг мушфиқлик ва марҳамат назарига тушди ва ҳазрат Атиқ ур-раҳмон Шайх Луқмон парранданинг (*руҳи муқаддас бўлсин*) бузруквор мозори шайхлиги ва мутаваллийлиги мансабига тайинланиб, йигирма йил давомида ўша файзли мақомда келган-кетганлар зиёфатини уддалаб юрди. Ҳар йил ул мозор вақфи ва назрларидан бир юз эллик минг динор кепакий қўлга кирар, саййид эса барчасини мазкур ишга сарф қилар эди.

Шундан сўнг айрим ҳасадчилар бу ажойиб саййидни исрофгарчилик ва маблағни бекорга сарфлашда айблаб, мансур хоқон олдида ғийбат қилдилар. Бу тухмат саййиднинг ишдан бўшашига сабаб бўлиб, аммо Мир Сарбараҳна «бу чақимчиликда ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишернинг қўли бор» деб ўйлаган.

Шунга кўра Амир Алишер жанобларининг

Матла:

Ёрнинг ҳижрон азоби жондан туйғизди мени,
Гулхан кули демайин, хокка ўтқизди мени

жавобида қуйидаги матлани назм қилган,

Байт:

Тик қомат сарвиш чорлаб боққа ўтқизди мени,
Сўнг чақимчилик қилиб, хокка ўтқизди мени.

Амир Алишер бу қочирим гапдан хафа бўлиб, бир неча вақт ўрталарида аразлашув чанги кўтарилиб турди. Ниҳоят Амир Алишер жаноблари саййид насабли Мир Сарбараҳнага нисбатан қарам қилиш мақомини эгаллаб, унга мансур хоқоннинг садрлик мансабини берди.

¹ *Нукот* (бирлиги: *нукта*) – ҳикматли сўзлар.



Бир гал Мир Сарбараҳна ва Хожа Камолиддин Ҳусайн Гирангий ўртасида олдин-кетин муҳр босиш масаласида низо чиқиб, Мир Сарбараҳна Амир Алишер арзига «саййидлигим шарафию ёшим улуғлиги ҳамда бу олий мақомли даргоҳ ходимлари қаторида турганимга қарамай, Хожа Ҳусайн мендан олдин муҳр босиш даъвосини қилмоқда. Умид шулки, Сизнинг илтифотингиз шарофатидан менга ундан устунлик муяссар бўлса» деган гапни айтибди. Бу масала юзасидан мақтов хислатли Амир Алишернинг эсига жаноб саййиднинг гадоЙлик ва эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрган кунлари тушиб, ушбу байтни тилга олибди.

Байт:

Гадога садрлик теккан мақомда,

Ишонч бор: амалинг энг юксак бўлур.

Шундан сўнг Мир Сарбараҳнанинг орзу юлдузи иқбол даражасига етиб, Камолиддин Ҳусайн Гирангийдан олдин муҳр босадиган бўлибди. Мазкур вазифани анча йиллар адо этгандан сўнг истеъфога чиқиб, узлат кошонасида манзил тутди ва умрининг қолган даврини ҳеч бир мансаб тўрига илинмай, Амир Низомиддин Алишер [Навоий]нинг суҳбатида ўтказди.

Мир Сарбараҳна 898 йилда¹ касалланиб, охират оламида манзил тутди.

Хожа Фиёсугдин Одилшоҳ Гилон вилоятининг шариф ва аъёнларидан эди. Бир неча йил мансур хоқоннинг садрлик мансабида турди. Ул мансабдан бўшагандан сўнг Нишопур вилоятида турғун яшаб, умрининг қолганини деҳқончиликка бағишлади.

Улуғлар паноҳи **Мирак Жалолугдин Қосим** 898 йилда² бузруквор ота-бобоси ишини давом эттириб, уч-тўрт йил тўла ихтиёр ва мустақил равишда садрлик мансабида турди. Илгариги ҳикоялар асносида ёзилганидек, 901 йил шаъбон оЙи ўртасида³ Ҳисори Шодмонда оламдан ўтди.

Қози Бурҳонугдин Муҳаммад Марвий фаолияти бошида Марв вилоятининг қозилик ва Абулмуҳсин Мирзонинг садрлик

¹ 898 йил – 1492 йил 23 октябрь – 1493 йил 12 октябрь оралиғи.

² 898 йил – 1492 йил 23 октябрь – 1493 йил 12 октябрь оралиғи.

³ 901 йил ўн бешинчи шаъбон – 1496 йил 29 апрель.



мансабида турганди. Шахзоданинг кўнглида ул жанобга нисбатан шубҳа пайдо бўлганидан сўнг Марвдан Хиротга ошиқиб, ҳазрат мансур хоқоннинг илтифот назарига илинди ва садрликнинг юқори мартабасига кўтарилди.

909 йил охирларида¹ асл ватанига қайтишни истаб, хоқондан рухсат олди ва Марвга кетди. Абулмуҳсин Мирзо кўнглида сақлаб юрган кекига биноан садр жанобларини ушлатиб, мусодара қилдирди. Бу нарса қозининг нафсониятига қаттиқ тегиб, ғуссадан ичикиб касал бўлди ва 910 йил² оламдан ўтди.

Саййуг Фиёсуггун Машҳағий дунёвий фазилат ва инсоний камолотдан маҳрум киши эди. Мирак Қосим вафот этгандан сўнг Хожа Қавомиддин Низомулмулкнинг ҳаракати билан садрлик вазифасида ишлай бошлади. Хожа Низомулмулк мансур хоқон даргоҳида ихтиёр ва эътибор байроғини кўтариб тураркан, саййид Фиёсиддин бу мансабда тўла нуфуз билан ишлади.

Хожа Низомулмулкнинг иқбол қуёши ботиш сарҳадига етган 903 йилда³ улуғ шайхлар билан бирга Бадиуззамон Мирзо ва Амир Зуннун *Арғун* олдига элчиликка борди ва у сафардан қайтиб улгурмасдан бурун Хожа Низомулмулк ушланиб, қатл этилди. Саййид Фиёсиддин бу хабарни эшитиб ва мансур хоқоннинг ғазабидан кўрқиб, Амир Зуннуннинг ёнида қолди. Жаноб Амир Зуннун уни Султон Бадиуззамонга топширди ва саййид бир неча вақт ул ҳазратнинг хизматида умр кечирди.

Аммо сурати маъносизлиги ва сийрати ёмонлиги сабабли илтифот назарига илинмади. Бир неча вақтдан кейин Марвга элчилик расми билан бориши ҳақида қарор чиқди ва ўша шаҳарга етгач, Бадиуззамон Мирзо укаси Абулмуҳсин Мирзога бир мактуб юборди. Хат мазмуни Саййид Фиёсиддинга Балхга қайтиб кетиш рухсатини бермаслик илтимосидан иборат эди.

Шундан сўнг саййиднинг ўғиллари Миракшоҳ ва «Мир Маҳдум» лақаби билан танилган Саййид Қосим ул шаҳардан чиқиб, отасига қўшилганча узлат бурчагида манзил тутдилар. Амир

¹ 909 йил охири — 1504 йил июнь ойининг иккинчи ҳафтаси.

² 910 йил — 1504 йил 14 июнь — 1505 йил 4 июнь оралиғи.

³ 903 йил — 1497 йил 30 август — 1498 йил 18 август оралиғи.



Нажми Сонийнинг шаҳидлиги сабабли Мовароуннаҳр султонлари муқаддас Машҳад теграсига келган 918 йилда¹ Амир Маҳдум салтанат пойтахти Ҳиротдан Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон ўрдусига ошиқди ва уларни Хуросон пойтахти устига юришга ундади. Шунга кўра, шайбонийлар душмани бўлмиш жаҳон олувчи ҳазрат шоҳ Исмоил иккинчи марта етишув нурларини Ҳирот шаҳри узра таратгач, Саййид Фиёсиддин ўғиллари билан бирга ушланди ва катта миқдорда маблағ тўлаб, шу восита билан ундирувчилар чангалидан қутулди.

Сўнгроқ қочиб, Мовароуннаҳрда ошиқди ва ўша ўлкада мазкур йилда вафот қилди.

Мавлоно Фиёсиддин Жамшид Қоиний. Отаси мавлоно Султонбахт қози Қутбиддин Аҳмад ал-Имомийнинг қозихонасида котиб эди. Онасининг насаби Амир Темур замонида Мозандароннинг айрим шаҳарларида ҳукумат юргизган Жамшид Қорунга уланади.

Мавлоно Фиёсиддин Жамшид шариат масалалари, тангага хат ўйиб ёзиш, қозихона ҳужжатларини тайёрлаш соҳасидан яхши хабардор эди. Мансур хоқоннинг салтанати айёми ўрталарида бир неча вақт ул ҳазратнинг май ичиш масаласини ҳийлаи шаръий йўли билан шубҳа ва ҳаром санаш камчилигидан ҳалоллик сарҳадига етказди. Шунга кўра халқ ичида «Ҳалолий» деган лақабга эга бўлди. Хуллас, мартаба пиллапоясида ўсиб, садрлик мансабига етишди.

У Хожа Қавомиддин Низомулмулк ихтиёри замонида Амир Низомиддин Алишернинг мажлисида жаноб Низомулмулкни гийбат қилгани сабабли ушланиб, қамоққа ташланди.

Мансур хоқон ҳаётининг охиригача узлат бурчагида манзил тутди. Аммо ул ҳазратнинг вафотидан сўнг Бадиуззамон Мирзо уни эътибори назарига илантириб, жаноб Фиёсиддин Жамшид қайтадан садрлик мансабига етишди. Бироқ етти-саккиз ойдан сўнг бўшатилади.

Вафоти Қоин шаҳрида 919 йил ражаб ойининг саккизинчисида² рўй берди ва ўз ота-бобоси мақбарасида дафн этилди.

¹ 918 йил – 1512 йил 19 март – 1513 йил 9 март оралиғи.

² 919 йил саккизинчи ражаб – 1513 йил 9 сентябрь.



Хожа Шаҳобиддин Исҳоқ бин Хожа Мир Аҳмад мавлоно Қутбиддин Хофийнинг акасининг ўғли ва шу мавлононинг куёви эди. Айрим фазлу илмлардан баҳраманд эди. Мавлоно Қутбиддиннинг куёви, яъни Хожа Шаҳобиддиннинг божаси бўлмиш Хожа Афзалиддин Муҳаммаднинг вазирлик ва девон амирлиги даврида бир неча йил бузруквор амакиси ўрнида ўтириб, мансур хоқоннинг садрлик мансабини бошқарди.

Хожа Низомулмулк ўлган куни у ҳам ушланиб, девонга катта маблағ тўлади ва шу зайл ундирувчилар чангалидан қутулгандан сўнг қолган бутун умрини узлат бурчагида ўтказди.

Амир Камолиддин Ҳусайн. Отаси мавлоно Шаҳобиддин Исмоилнинг асли Табас вилоятидан эди. Онаси Нишопурнинг улуф саййидлари қизларидан эди. Ул жаноб замонада расм бўлган илмлардан баҳраманд бўлиб, ҳарфларга қараб фол боқиш ва тасаввуф соҳасида ҳам маҳорат кўрсатарди. Шеър ёзишга ҳам гоҳ-гоҳида машғул бўларди ва жуда фасоҳат билан битилган асарлари бор.

Султон Яъқуб Мирзонинг давлати айёмида Табас вилоятидан Озарбайжонга кетди ва анча вақтини ул подшоҳ ғамхўрлиги остида ўтказди.

Ул мамлакатдан Ҳиротга келгач, мансур хоқон Хожа Абдуллоҳ Ансорий мозори вақфининг шайхлиги ва мутаваллилигини ул жанобга топширди. 904 йилда¹ эса садрлик ва шикоят билан келувчилар ишини сўраш, яъни додхоҳлик мансаби ҳам қўшиб берилди.

Мавлоно Фасиҳиддин Соҳибдоро унинг садр бўлган санаси муносабати билан бир тарих-рубой битганди.

Амир Камолиддин Ҳусайн «Шарҳи Манозил ус-сойирин»², «Мажолис ул-ушшоқ»³ китобларининг муаллифидир⁴.

¹ 904 йил – 1498 йил 19 август – 1499 йил 8 август оралиғи.

² Бу шарҳ Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозил ус-сойирин» асарига битилган.

³ *Мажолис ул-ушшоқ* – Султон Ҳусайн Мирзо бу асар ёзилишида шерикчилик қилганини қайд этган бўлиб, Заҳриддин Бобур унинг бу ишига ва мазкур асарга ўта салбий баҳо берган.

⁴ Амир Камолиддин Ҳусайн машҳур авлиё Абдуллоҳ Ансорийнинг Гозургоҳ мавзеида жойлашган мақбарасига шайх этиб тайинлангач, Гозургоҳий нисбасини ҳам олган.





Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ ал-Баёний Хожа Шамсиддин Муҳаммад Марвориднинг етук ўғли бўлиб, яхши хулқ ва чиройли атвор, маъноли гуфтор бобида замона аҳлининг боши эди.

Пок кўнгли турли-туман фазилатлардан баҳраманда ва идрокли зеҳни илму санъат фанлари аниқловчиси эди. Насрий асарлари маржондек сўз гавҳарлари билан безанган, назмлари уммон денгизидаги дурлар сингари айбу нуқсондан тоза, бадое битувчи қалами томчилари гул юзли гўзаллар лаби чизигига ўхшаб дил ўғирлар, латиф аломатли қалами жавҳар тизмаси янглиғ зебу зийнатга кон, мусиқа ва адвор фанида ҳам моҳир, диндорликда бекаму кўст эди. Бу фазл боғининг ниҳоли мансур хоқон давлати чаманида ўсиб-улғайиб, ёшлик даврининг ҳосил бериш палласида садрлик мансабига тайинланди. Кўпчилик садрлардан олдин муҳр босиб, ул ишни бир неча йил катта ихтиёр билан бажарди.

Хожа Қавомиддин Низомулмулк қудратга минган даврда Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ бу вазирнинг ўзига нисбатан ёмон қарашини пайқаб қолиб, мазкур мансабдан истеъфо берди ва икки-уч йил ҳеч бир иш масъулиятини зиммасига олмаган ҳолда салтанатнинг пок бўсағаси хизматида юрди.

Хожа Низомулмулк тутилиб, мусодара қилинган, тагин мавқеи кўтарилиб, теурий султонлар замонасида салтанат девонининг обрўли мансабларидан бўлмиш рисолатчи ва парвоначи мансаби билан сарафроз бўлди. Бир неча кундан кейин ул мартабадан ҳам юқорилаб, улуғ амирлар қаторида муҳр босиб, Амир Алишернинг ўрнини Ҳотам қоидали узуги нақши билан беади ва мансур хоқон ҳаётининг охиригача мансаби ортиб борди.

Мансур хоқон вафот этгач, бир бурчақда узлатга чекиниб, кўп вақтини Қуръони мажид нусхаларини кўчириб ёзиш машғулотига сарфлади.

Вафоти 912 йил ражаб ойида¹ рўй берди. Амир Садриддин Султон Иброҳим Амийн ул қадри юксак садр вафоти муносабати билан бир марсия битганди.

Хожа Абдуллоҳнинг қасидалар ва ғазаллар девони, «Хусрав ва Ширин» достони, «Мунис ил-аҳбоб» номи остида йиғилган

¹ 912 йил ражаб ойи — 1506 йил 17 ноябрь — 16 декабрь оралиғи.



рубойлар тўплами, мактуб ва фармонларни ўз ичига олган рисо-
соласи зиёлилар орасида машҳур ҳамда насрий ва назмий асар-
лари эл тилида мазкурдир.

Амир Сағриддин Султон Иброҳим ал-Аминийнинг олий
мартабали отаси Мирак Жалолиддин бин Мирак Муҳаммад
Амин бин мавлоно Садриддин Иброҳимдир.

Мавлоно Иброҳимнинг насаби Мовароуннаҳрнинг мусулмон-
лар учун таъзими вожиб бўлмиш ҳурматли улуғларидан ҳидоя
соҳиби саналмиш ва улуғлиги олимлар орасида куннинг қоқ
ўртасида осмон узра чарақлаб турган қуёш сингари кўринувчи
Шайх Заҳириддин Абулаълога бориб тақалади. Бу шажаранинг
бир шуъбаси Шайх Абулаъло муҳаддисга уланади.

Амир Султон Иброҳимнинг онасининг отаси мавлоно Жало-
лиддин Абдурахмон бин мавлоно Абдуллоҳ Лисон бўлиб, ул зот
кўп йиллар давомида Бойсунқур Мирзо ва Алоуддавла Мирзо
салтанати садрлигини бажарганди. Ул насаби улуғ аёлнинг она-
сининг насаби бир томондан сулук ва сайр аҳлининг пешвоси
Султон Абусаид Абулхайрга (*азиз руҳини Аллоҳ муқаддас тут-
син*) боғланса, яна бир тарафдан муқаддас Машҳад улуғларидан
саналган Амир Абдулҳай Бузургга етади. Саййид Камолиддин
Арабшоҳ Сабзаворий ҳам ул мастуранинг она аждодларидан
бўлади.

Амир Султон Иброҳим насаб шарафининг зийнати билан
безанган бўлиши баробарида, илму фазл кўплиги ва адаб зиё-
далагию меросий истеъдод ва камол касб этиш етуқлиги билан
ҳам тилларга тушган.

Сийрат яхшилигида субҳоний иноят тарбиясини топган бўлиб,
табиат улуғлиги, зот гўзаллиги билан турли-туман инсоний фа-
зилатлар мажмуасидир. Соғлом зеҳни хилма-хил илмларни англ-
лашда камол даражасигача тараққий қилган ва тўғри кўнгли
фанларни эгаллаш майдонида мусобақа тўпини ўзи қаторилар
қўлидан олиб қочувчидир.

Назму наср усулида маҳоратлилик сифати билан васф этил-
ган, ҳозиржавобликда ўта чечанлик унвони билан таъриф-
ланган. Насрининг ярқироқ жавҳарлари «яширин марваридга



ўхшаб»¹ фасоҳат шиорли сўзамоллар ҳуш қулоғининг безаги ва назмларининг дурдоналари «ёқут ва маржон сингари»² фикр келинчакларининг бокира юзларига зийнат эрур.

Ул жаноб ёшлигида бир неча йил шаҳзода Абулмансур Султон Музаффар Ҳусайн хизматида турди. 910 йилда³ мансур хоқон назарига тушиб, давлатнинг хос садрлик мансабига чиқди. Мансур хоқон вафотигача тўла ихтиёр билан мазкур мансабни бошқариб, ул ҳазрат вафотидан сўнг тагин Музаффар Ҳусайн Мирзонинг сийловига эришиб, садрлик мансабига ўтирди.

Хуросон салтанати ул сулола қўлидан чиқиб, Абулфатҳ Муҳаммад Шайбонийхонга ўтгач, Амир Султон Иброҳим бошқа садрлар сингари бир неча кун мавлоно Абдурахим садр Туркистоний томонидан ушлаб турилди. Ул тутқунликдан қутулгач, узлатга чекинди.

916 йилда⁴ шоҳ Исмоил Хуросон мамлакатини эгаллаган пайтда шоҳ иноятига етишиб, инъом ва суюрғол билан сарафроз бўлди. 926 йилда⁵ Ҳиротдан шоҳ Исмоил ўрдусига бориб, қайтадан сийловларга эришди ва «Футуҳоти шоҳий» номи остида шоҳ ғалабалари тарихини ёзиб бориш ишига жалб этилди. Ҳозир шу ишни уйдлаш борасида қаттиқ тиришмоқда ва ул китобни ёзишда фасоҳат ва сўзамоллик намунасини кўрсатиб, ажойиб истиоралар қўлламоқда.

Соғлом кўнглининг меваларидан бири Амралмўъминин Али ибн Абу Толибнинг (*a.c.*) рубойлар девони таржимаси бўлиб, меҳру мактуб баҳсидаги яна бир рисоласи ҳам бор.

Аллоҳи таолодан умидимиз шуки, яхши тилақларига етиб, фароғатда турмуш кечирсин ва ҳамиша гавҳар сочувчи қалами булуту томчилари билан илму фазл боғини ва мартаба гулзорини кўркам айласин.

¹ Қуръони карим, Воқеа (56) сураси, 22-оятдан.

² Қуръони карим, Раҳмон (55) сураси, 58-оятдан.

³ 910 йил — 1504 йил 14 июнь — 1505 йил 4 май оралиғи.

⁴ 916 йил — 1510 йил 10 апрель — 1511 йил 31 март оралиғи.

⁵ 926 йил — 1519 йил 23 декабрь — 1520 йил 12 декабрь.

АБУЛҒОЗИ СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ ВАЗИРЛАРИ ИЧИДА МАШҲУР АЙРИМЛАРИ АҲВОЛИДАН БИР БЎЛАГИНИНГ ЗИКРИ

Мансур хоқоннинг одатларидан бири шу эдики, вазирларини тез-тез ўзгартириб турарди ва ул мансабда ҳамиша беш кишини бир-бирига шерик қилиб ўтқазарди. Шунга биноан мансур хоқоннинг давлати даврида бир неча киши вазирлик мансабига мушарраф бўлдилар. Ул тоифадан айримларининг зикри ўтган ҳикоялар асносида ёзилиб, яна бир бўлагининг аҳволидан бир қисми эса қуйидагича битилади.

Хожа Қутбиддин Товус Семноний ҳасаб¹ ва насабда улуғ бўлиб, бу таниқли хонадон ҳақида илгари ёзиб ўтган эдик.

Абулқосим Бобур Мирзо ва Султон Абусаид Мирзо салтанати даврида кўп йиллар вазир бўлди. Қорабоғ воқеасидан сўнг² Ҳиротга келиб, мансур хоқоннинг илтифоти билан улуғ вазирларга мансабдошлик қилиб, ихтиёр ва эътибор топди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо юртни олган пайтда девон амирлари сафида муҳр босди ва қудрати олдингидан ҳам ошди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо шаҳид этилгач, Хожа Қутбиддин Товус бирор мансабга аралашмаса-да, бир неча йил мансур хоқоннинг адолати остида ғоятда фароғат билан яшаб, зироат ва экин-тикин ерларию иморатлар сонини оширди.

Хожа Маждиддин Муҳаммад Хофий мартабага эришган даврида мол тамасида Хожа Товус билан жанжал бошлади. Хожа Товус бу четлаштириш сабабини билиб, уни айтишдан уялганча Ироқи Ажам ва Озарбайжон томонларга кетиб қолди. Ул мамлакатда ҳам бурунгидек эъзоз-эҳтиром топиб, умрини шу зайл ниҳоясига етказди ва шариф ёши етмиш иккига етган 900 йилда³ вафот қилди.

Хожа Шамсиддин Муҳаммад Марворид Кермон вилоятининг шарифзода ва улуғларидан бўлиб, Мирзо Жаҳоншоҳ Турк-

¹ Ҳасаб – кишининг ўз зотидаги қобилияти, ўзи эришган фазилат.

² Яъни, 1469 йил февралдан сўнг.

³ 900 йил – 1494 йил 2 октябрь – 1495 йил 23 август оралиғи.



ман салтанати даврида Ҳиротга келиб, Султон Абусаид Мирзонинг хизматида вазир бўлди.

Султон Абусаид Ироқ ва Озарбайжон фатҳи сари юзланган йили¹ хожа Шамсиддин Муҳаммад Марворид олий фармонга биноан Самарқандга кетганди.

Мансур хоқон Ҳиротда салтанат тахтига ўтирган вақтда Мовароуннаҳрдан олампаҳоқ даргоҳга келди ва хизматга бел боғлаб, тез вақт ичида иноятга эришиб, вазирлик ишида фаолият кўрсата бошлади. Каттаю кичикнинг кўнглини топишга кўп ҳаракат қилди.

Охирида иймон соғлигини истаб, ул ишдан истеъфо берди ва фақру дарвешлик тариқати сулукига машғул бўлди. Мансур хоқон Абдуллоҳ Ансорий мазорининг вақфи шайхлиги ва мутаваллилик мансабини берди ва ул жаноб бир неча вақт ул табаррук даргоҳ равнақи ва ободонлиги учун тиришиб, келиб-кетувчилар зиёратини яхши бир йўсинда адо этиб юрди.

Вафоти 904 йил рабиулаввал ойининг ўнинчисида² рўй берди. Мансур хоқон хожанинг ўғиллари кўнглига тасалли берди ва хожанинг катта фарзанди Шаҳобиддин Абдуллоҳни инъом ва қимматбаҳо тўн билан сийлади.

Хожа Алоғғун Али ас-Сонеий Бохарз вилоятининг улуғларидан эди ва насаби Оли Бармак сулоласига³ улангани сабабли фахрланиб юрарди. Таъби соғлом ва зеҳни ўткир бўлиб, шеър назмида маҳорат кўрсатарди. Дирҳам ва динор улашишда ҳам машҳур эди.

Мансур хоқоннинг салтанати бошида шоҳона илтифотга эришиб, вазирлик мансабига ўтирди. Аммо ожизлар ва халққа озор бера бошлагани ҳамда доим бошқа вазирлар устидан чақимчилик

¹ 1468 йил охири.

² 904 йил ўнинчи рабиулаввал — 1498 йил 27 октябрь.

³ Оли Бармак сулоласи — бармакийлар хонадони. Асли хуросонлик бу хонадон аъзоларидан Яҳё бин Холид ва унинг ўғиллари Фазл ва Жаъфар халифа Хорун ар-Рашид даврида Бағдодда вазирлик қилишган ва халифалик гуллаб-яшнашига ҳисса қўшганлар. Бироқ Хорун ар-Рашид ҳижрий 187, мелодий 803 йили чақимчилар қутқуси сабабли Яҳё ва Фазлни зиндонга ташлаб, девон бошлиғи Жаъфарни қатл эттиради.



қилиб, уларга тузоқ ясаб юргани сабабли Амир Алишернинг дидига маъқул тушмай қолди.

Устига-устак, айнаи ўша кунлари атайданми ёки ҳазил биланми, бу Хожа Соней бир куни мана бу байтни назм қилса бўладими.

Байт:

Тонгла бўлса жанг майдонда шамшир ҳарби,
Маълум бўлар Алишернинг билак зарби.

Бу гап Амир Алишер кудуратининг кўпайишига боис бўлиб, сабаб учун мадад воситасига айланди.

Хожа Соней ўша шеърни айтган куннинг эртаси тонгида тахт олдида вазирлар билан бирга тураркан, олий фармонга биноан ясовулардан биттаси хожанинг каттакон салласини бошидан олиб, бўйнига чулғаб қўйди.

Амир Алишер мансур хоқонга қараб, ушбу мисрани ўқиди.

Мисра:

Бош юкини енгиллаттинг, бўйин юкин ҳам енгиллат.

Алқисса, ўша куни Хожа Соней тутилиб, мусодара қилинди ва нимаси бўлса, ҳаммасини топширгач, зиндон болохонасига қамаб қўйилди.

У шу қамалишда олти йилга яқин зиндонда ётди. Ўша кезларда бир ғазал битиб, Амир Алишер ҳузурига юборди. Ғазал матлаи ушбудир.

Матла:

Қулогинга ёқмас ун-фарёдим менинг,
Кўнглингдан ҳеч кечмагани – ёдим менинг.

Аммо бу янглиғ мактуб ёзишдан ҳеч бир фойда чиқмади ва Амир Алишер унга жазо бериш баҳридан кечмади.

Хожа Соней қамоқда пайти кўп вақтини фазилат касб этишга сарфлади ва каломуллоҳни тўла ёд олиб, расм бўлган китобларни кўздан кечирди. Хожа Салмон Соважийнинг масну қасидасига татаббу битди ва шеърнинг кўпгина саное усулини ўша қасидасида ишлатди. Соней ҳақида ҳали яна гапирамиз.



Хожа Сайфигдин Музаффар Шабонкора Форс мамлакатининг улуғзодаларидан эди ва мансур хоқоннинг тахтга чиқиши бошларида Арроннинг Қорабоғидан Ҳиротга келиб, вазирлик мансабига эришди. Бир неча вақтдан кейин бир гуруҳ ёмон кишилар уни давлат молини ўзлаштириш ва камчилик содир этишда айблашди. Шунга кўра мансур хоқон дарғазаб бўлиб, хожани Ҳирот шаҳри зиндонига ташлатди. Уч-тўрт кун қамоқда ётиб, кутилмаганда қаҳр ясовули унинг ўлимига фармон берди.

Гуноҳи айтувчининг бўйнига бўлсин-у, эшитишимизга қараганда, хоқоннинг ғазаб олови аланга олган ва Хожа Музаффарни ўлдиришга ҳукм берган ўша вақтда Хожа Сонейга нисбатан ғарази бор ноиблардан бири «Хожа Соней қачонгача зиндонда ётаверади» дея арзга етказган.

Шунга кўра мансур хоқон: Уни ҳам бугун сиёсатга етказинглар, — дебди. 891 йил муҳаррам ойининг бошларига¹ тааллуқли ўша куни Хожа Сонейни Ҳирот чорсусининг тоқига, Хожа Музаффарни эса Малик дарвозасига осдилар. Фозиллардан бири бу ҳақда шундай деганди.

Рубой:

Бу ситамкор оламга боқ, кўзларим,
Хожа қонин тўкарга боқ, кўзларим.
Сонейнинг аҳволидан ибрат ол,
Музаффарнинг ҳолига боқ, кўзларим.

Хожа Аминигдин Маҳмуд Хожа Афзалиддин Муҳаммаднинг укаси эди. Руҳга тетиклик берувчи шароб ичиш ва Ноҳид сиймоли мусоҳиблар билан ўтиришга майли кучли эди.

Хулқи яхшилиқда ҳам замондошларидан устун эди. Кўнгли ҳамиша олиму фозиллар билан ўтиришни истарди. 887 йилда² мансур хоқон давлатининг вазирлик мансабига етишди ва беш йилга яқин шу ишни бажариб юрди.

Акаси Хожа Афзалиддин Муҳаммад Ироқ томонга қочган вақтда ишдан бўшатилади ва бир неча вақтдан сўнг яна хоқоннинг

¹ 891 йил биринчи муҳаррам — 1486 йил 7 январь.

² 887 йил — 1482 йил 20 февраль — 1483 йил 9 февраль оралиғи.



илтифот назарига илиниб, иккинчи марта вазирлик ишига аралашди.

Хожа Қавомиддин Низомулмулк ўзининг яна бир бор ихтиёр ва эътиборга эга бўлган даврида тагин уни ушлатиб, қаматди. Хожа Аминиддин Маҳмуд бир-икки йилдан сўнг қулай фурсатини топиб, хотинлар кийимида зиндон болохонасидан қочди ва Хожа Афзалиддин Муҳаммад Ҳиротга қайтиб келгунига қадар бир бурчакда яшириниб яшади. Хожа Афзалиддин олий мансабларга эришгач, Хожа Аминиддин Маҳмуд яширинган еридан чиқиб, Музаффар Ҳусайн Мирзонинг ҳузурида ишга машғул бўлди ва яхши хизматлари эвазига юқори мартабаларга чиқди.

Ажал қистаб келган 910 йилда¹ мангулик оламига йўл олди.

Хожа Алоиддин Али Мийкол асиллик сифати билан тавсифланган ва ҳуснихатда машҳур эди. Йиллар мобайнида мансур хоқоннинг девонида ўлпон йиғиш мансабида ишлади. Кейинчалик ул мартабадан яна ҳам юқорироққа тараққий қилиб, вазир бўлди. Лекин бироз вақтдан сўнг ўша лавозимига қайтди. Нафси соғломлиги, кўнгли тўғрилиги ва қўли эгри эмаслиги туфайли ҳеч қачон туттирилмади ва мусодара қилиниш меҳнатига мубтало бўлмади. Ажал ваъдаланган вақтда етиб келиб, Ҳақ чақириғига «лаббай» деб жавоб берган кўйи оламдан ўтди.

Хожа Неъматуллоҳ Сурх ҳисоб илмида жаҳон аро тенгсиз эди ва мансур хоқон девонида бироз муддат катта ишларни бажариш ва обрўли юмушларни бутқаришга машғул бўлди.

Хожа Мажиддин Муҳаммад иккинчи марта мансур хоқоннинг мулк ва молия ишига соҳиби ихтиёр бўлгач, хожа Неъматуллоҳни туттириб, нимаси бўлса олди. Сўнг яна ўзи уни подшоҳнинг вазири қилди.

Хожа Неъматуллоҳ бир неча вақт мазкур лавозимда ишлаб тураркан, мансабига гердаиб, ўтиришларда Хожа Мажиддин Муҳаммадни ғийбат қила бошлади. Хожа Мажиддин Муҳаммад Хожа Неъматуллоҳни туттириб, қамоққа ташлашга буйруқ берди. Текшириш ишини эса амалдорлар ичида энг ёмони саналган

¹ 910 йил – 1504 йил 14 июнь – 1505 йил 4 июнь оралиғи.



Маҳмуд ҳаммолга юклади. У Неъматуллоҳ вазирни давлат мулкани ўмариш ва камчиликка йўл қўйганликда айблаб, гуноҳкор қилди ва офир қийноқларга солиб, қаттиқ азоб берди.

Айтишларича, Хожа Неъматуллоҳ ана шу қаттиқ қийноқларга чидолмай «нафис буюмлар тўла бир нечта сандиқни фалон мавзеда яшириб қўйганман» дебди. Маҳмуд ҳаммол унга «битта одам топиб, сандиқни бу ерга олиб келтир» дебди. Хожа Неъматуллоҳ бунга жавобан гапира бошларкан, кўнглига аския қилиш фикри келиб «эй йигит ўлгур, сендек беминнат ҳаммол турганда, сандиқни кўтартириш учун бошқа одам топишимга бало борми» деган экан.

Алқисса, Хожа Маждиддин Муҳаммад, балки кўпчилик вазир ва давлат устунлари Хожа Неъматуллоҳнинг ёмон нафслигидан жуда қўрққанлари учун унга шу даража азоб беришдики, оқибатда кўч-кўронини охират сари орқалаб кетди.

Саййид Зайнобиддин Али. Отаси Саййид Зайниддин Маҳмуд анча муддат девонлик ишларини бажариб юрди. Онаси саййидлар авлодидан эди. Саййид Зайнобиддин яхши хулқ-атворли киши бўлиб, дастлаб Амир Муҳаммад Бурундук Барлоснинг вазирлик ишларини бошқарди. Сўнг билим даражаси мансур хоқонга маълум бўлгач, давлатнинг вазирлик ишларига жалб этилди. Хожа Низомулмулк бош вазир бўлган вақтда саййидни ул вазифадан бўшатди.

Хожа Низомулмулк ўғиллари ва қариндошлари билан бирга шаҳид этилган 903 йилда¹ саййид тағин мансур хоқоннинг вазирли бўлди. Бир неча вақтдан сўнг Хожа Афзалиддин Муҳаммад бу саййиднинг ҳаракат ва ўтириб-туришида мухолифат аломатларини сезиб, ишдан бўшатди.

Хожа Афзалнинг вафотидан кейин мансур хоқон Саййид Зайнобиддинни вазир қилмоқчи бўлди, аммо ул жаноб ўзини олиб қочмоққа урингач, ниҳоят «улуғ вазирлар Саййид Зайнобиддин жаноблари кўрсатма бермагунча, девонлик ишларини ҳал қилишга киришмасликлари ва олий фармонларга унинг муҳри босилмагунча, хоқоннинг катта муҳри учун киритмасликлари»

¹ 903 йил – 1497 йил 30 август – 1498 йил 19 август оралиғи.

борасида келишиб олинди. Шундан сўнг Саййид Зайнобиддин олдингидан ҳам кўпроқ эътибор топиб, барча амирлардан юқори ўтирадиган ва нишон ортига тасдиқ муҳрини босадиган бўлди.

Мансур хоқоннинг вафотидан сўнг Султон Бадиуззамон Мирзо ҳам ул жанобга илтифот кўрсатиб, ўзининг вазирлик мансабини таклиф қилди. Аммо саййид бу давлатнинг қисқа муддатли баҳор фаслидек озгина вақти қолган ўша даврида ҳеч бир ишга аралашмади.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг нусрат оятли байроғи ойчаси Хуросон диёри уфқидан балқиб чиққач, Саййид Зайнобиддин юртдан қочиб кетишга қарор қилди. Бироқ шу қочиш асносида бераҳм дашт ўзбекларига дуч келиб қолиб, орада олишув бошланди. Шунда Зайнобиддинга бир ўқ келиб тегиб, худди улуф аждоди каби Ашуру кун¹ бақо оламига юзланди.

Хожа Муизиддин Ҳусайн Хожа Сайфиддин Музаффар Шабонкоранинг укаси бўлиб, кўп йиллар мансур хоқоннинг вазирлик ҳамда қутлуғ вақф мулкининг мутаваллилик мансабида турди. Ишбилармон, рост сўз, тўғри қўл киши бўлиб, соҳиб девонлик ишининг бошиданоқ халқпарварлик байроғини кўтарди. Ул подшоҳнинг ҳаёти охиригача вазирлик мансабида фаолият юргизди.

Мансур хоқон вафот этгандан кейин Султон Бадиуззамон Мирзо хизматига камар боғлаб, девон бошлиғи бўлди. Муҳаммад Шайбонийхон ҳам Хуросонни олгач, ул жанобни вазир қилди ва озми-кўп ғамхўрлик кўрсатди.

Муҳаммадхон Шайбоний Марв шаҳри атрофида шоҳ Исмоил қўшини жангчилари қиличи зарби билан ўлдирилгач², ўша уруш майдонида қазову қадар қўли Хожа Муизиддин Ҳусайннинг ҳам ҳаёт палосини йиғиштирди.

Хожа Жамолиддин Атоуллоҳ зуҳду тақвода олий даражага эга эди ва ҳамиша тоат-ибодат шартларини тугал адо этарди.

¹ Ашуру кун – муҳаррам ойининг ўнинчиси. Бу ерда ҳижрий 61 йил ўнинчи муҳаррам кун (680/10/10) Карбало даштида ҳалок этилган имом Ҳусайн бин ҳазрат Алига ишора қилинмоқда.

² 1510 йил 5 декабрь.



Қувонч ва шод-хуррамлик даври бўлмиш ёшлик айёмида ман этилган барча қилиқлардан бутунлай тийиниб, юзини диндорлик томон ҳамда ҳаромдан сақланиш меҳроби сари қаратганича дарвешлар ва узлатга чекинганлар мулозаматида ҳеч камчиликсиз иштирок этди.

Ҳисоб илми ва масала ечишда ғоятда билимдон эди. Мансур хоқон салтанатининг ўрталарида вазирлик фаолиятини бошлади ва фаросати кўплигию донолиги натижасида кундан-кун ишлари тараққий топиб бориб, вазирлик мансабидан кўтарилиб, девонлик мансаби жиловини қўлга киритди. Бир неча вақт амиру вазирлар орасида олий рақам билан тавқи битди ва султонлик ишлари, соҳиб девонлик юмушларини билимдонлик билан буткариб юрди. Шу каби машғулотлар, мулк ва молия ишларини удаллаши баробарида фарз ва нафли адо этишдан бир дақиқа ҳам ғофилу зойил бўлмади.

Девонда ўтирганида қўлига тасбеҳ ушлаб, ходимларнинг тортишув ва баҳсли суҳбатлари шовқинига боқмай, доимо Аллох зикрига машғул бўларди.

Мансур хоқоннинг ҳаёти охирларида рисолатчи ва парвоначилик мансаби ҳам Хожа Атоуллоҳнинг бошқа лавозимлари устига қўшиб берилди ва меҳри кўп хоқоннинг қалами хожа лақабини олий фармонларда «умдат ил-сулаҳо»¹ деб битди. Ул ҳазратнинг вафотидан кейин саодатли хожа валинеъматининг ўғилларию² Муҳаммадхон Шайбонийдан сира ҳам мансаб қабул қилмади.

Шунингдек, шоҳ Исмоил Сафавий Хуросонни истило қилган вақтда ҳам ҳеч бир иш кафолатини зиммага олмади. Аммо бу ўзгарувчан замон ва турли хил туғёнли давронда Ҳирот амирлари ва вазирлари ҳеч бир ишни ул жанобнинг маслаҳатисиз ҳал қилмас эдилар. Ўлпон олиш, солиқ ундириш, деҳқон ва косиб-ҳунармандлар ишлари бўйича қарорлар қабул қилиш пайтида унинг фикрларини устун билиб, кенгашиш учун олдига келардилар.

¹ Солиҳ кишилар бошлиғи.

² Султон Ҳусайн Мирзонинг фарзандлари кўзда тутилмоқда.

Шоҳ Исмоил фармони билан Хуросон ўлкаси мулкларини бошқаруви Амирхон Мавсуллу жанобларига топширилган 927 йил бошида¹ Хожа Атоуллоҳ қаттиқ касалга чалинди. Касаллик кучаявергач, муолажалар ёрдам бермаслигини билган хожа кўнглини аччиқ воқеага тайёрлаб, Амирхон ва давлати устунларининг тамаси кўплигини англаганидан, ўзининг барча буюм ва ер-мулкини қаламга олиб, шу жумладан Амирхоннинг оғзини мойлаш учун бу ҳокимга қанча пул маблағи бериш ва қай миқдорда тортиқ юбориш ҳамда унинг амирларию ноибларига нима нарсалар улашишни аниқ қилиб белгилаб ҳам қўйди.

Кейин анъанага биноан кафанлаш асбобларини тайёрлашни буюрди. Айтганларининг барчасини муҳайё қилиб, хожа назаридан ўтказдилар ва топшириқ бўйича, кўзи олдида кафанни ҳам бичдилар.

Шундан сўнг олдига бир нависандани ўтқазиб, ўзининг вафоти куни бошидан то етгиси маросими ўтказиладиган кунгача нечта қўй, неча ман нону ҳалво ва таъзия маросимининг бошқа кераклиklarини тайёрлашлари юзасидан рўйхат тузишни буюрди. Ўлик ювғучи ва ҳофиз, муаззин, амримаъруф қилувчиларнинг ҳар бирига нима нарса беришларини ҳам ўзи тайинлади.

Шундан сўнггина уй-рўзғор буюмлари, ер-суви ва бойлигидан нима қолган бўлса, меросхўрлари ва қариндошлари ўртасида тақсимлаб берди. Бу каби ишлардан тинчигач, бир гуруҳ дарвешларни ҳузурига чорлаб, зикр айтириб, мазкур йилнинг рабиулаввал ойи иккинчиси² якшанба куни вафот қилди. Барча саййид, қозию уламо, ашрофу аъён, умуман, инсон зотининг хосу авоми ул жанобнинг тобутини елкама-елка кўтариб, мансур хоқоннинг шариф мадрасаси олдига элтдилар. Сўнг жаноза номозини ўқиб, жасадини Шайх Сўфи Али мозорида ўзи тайинлаган мавзегга дафн қилдилар.

¹ 927 йил боши – 1520 йил 12 декабрь.

² 927 йил иккинчи рабиулаввал – 1520 йил 22 февраль.



САЛТАНАТ ВА ДАВЛАТ ШАРАФИ ҲАЗРАТ
СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗОГА ЗАМОНДОШ
БЎЛГАН САЙИД, НАҚИБ, МАШОЙИХ,
УЛАМО ВА ФУЗАЛО АҲЛИДАН
АЙРИМЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Бу олий шонли табақанинг энг олди ва бу юксак маконли тоифанинг энг шарифи муқаддас Разавия Машҳадининг муаззам саййидлари ва муҳтарам нақиблари бўлиб, ул мақтов сифатли подшоҳ салтанатининг кўп вақтида Амир Низомиддин Абдулҳай, Амир Фиёсиддин Азиз, Амир Аълоулмулк ул бахт яқунли мақомда мартабаларнинг юқориси саналган нақиблик мансабига мансуб турганлар. Ушбу уч нақиб эса бошқа мусавий ва разавий¹ нақиблардан зоҳирий ва маънавий саодат асбоби мажмуаси билан устунликка эга бўлгани ва олий ҳимматларини ҳамиша ул муқаддас мазор қурилиши ва ободонлиги, келиб-кетувчилар зиёфатига қаратганликлари жиҳатидан ўзлари ва авлодлари илгаригидек ҳозир ҳам ул олий бўсағада нақиблик қилиб келмоқдалар.

Саййиғ Фиёсиддин Афзал бин Саййиғ Ҳасан илми кўплиги, фикҳни яхши билиши туфайли муқаддас Машҳад саййидларининг кўпчилигидан устун эди. Кўп йиллар ўша шаҳарда шайхулисломлик мансабю шариат қозилиги лавозимини бошқарди.

Саййиғ Козимий таъб латифлиги ва зеҳн ўткирлиги билан тавсифланган ва сипоҳигарлик соҳасида жасурлик туғини кўтарган эди. Мансур хоқон салтанатининг бошларида олампаноҳ даргоҳ мулозиматида турди ва олий фармонга биноан элчилик расми билан «Хожаи жаҳон» лақаби билан танилган Хожа Имоиддин Маҳмуд Ковон хузурига отланиб, Гулбарга томонга юзланди. Қайтиш пайтида Форс денгизи йўли орқали келиб, Шерозда яшаб қолди. Охират сафарига отланиши ҳам ўша шаҳарда юз берди. Ҳиротнинг аъён ва ашрофини танқид

¹ Мусавий ва разавий – имом Али бин Мусо ар-Ризо авлодлари кўзда тутилмоқда.

қилиб ёзган «Шаҳри ошуб» қасидаси бор. Бу қасиданинг матлаи қуйидагича.

Матла:

Шукрилиллоҳ, Ҳирот шаҳрин қозисимасман.
Одамилар сафидаман, тозисимасман.

Амир Саййид Асилугдин Абдуллоҳ ал-Ҳусайний аслзода, жасур ва сулоласининг пешвоси бўлиб, тақво ва диндорлик, диёнату парҳезкорликда кўпчилик саййиду олимлардан устун эди. Гавҳар сочувчи тили осмоний мусҳаф тафсирчиси ва чечан баёни субҳоний китоб дурларини аён этувчи, валийлик ва муршидлик намоишгоҳи бўлиб, тафсир, ҳадис ва китоб иншоси илмида тенгсиз эди. Султони сайд Абусаид Мирзо салтанати замонида асл ватани Шероздан Ҳиротга келиб, турғун яшаб қолди. Ҳафтада бир марта Маҳди улё Гавҳаршод Оғонинг олия мадрасасида ваъз ўқиб, халққа насихат берарди. Ҳазрат рисолатпаноҳ (с.а.в.) туғилган ҳар рабиулаввал ойида ўз ваъзлари билан халқ кўнглига ҳузур бағишларди.

Ул саййиднинг таълифотидан бири қўлланма сифатли «Дурж уд-дурар» китоби бўлиб, унда пайғамбарнинг (с.а.в.) шариф сийрати ҳақида сўз юритилган. Яна «Рисолаи мазороти Ҳирот» асари ҳам жаҳон зиёлилари орасида машҳурдир.

Амир Саййид Асилуддиннинг бу заҳмат қоидали жаҳондан жаннат боғлари сари кетиши 883 йил рабиулохир ойининг ўн еттинчиси¹ юз берди. Мансур хоқон ул жанобнинг авлодига таъзия билдириб, тасалли бериш маъносида марҳум саййид қўлида турган суюрғол ерларни уларга иноят қилди.

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Табогоний шайх Зайниддин Хофийнинг ўринбосар шогирдларидан бўлиб, ҳамиша баланд ҳимматини тоат-ибодат вазифаларини адо этиш томон қаратарди. Зухду тақво соликларию ҳидоят ва иршод туфайли тўғри йўл излаш талабкорлари ул жанобга нисбатан жуда кучли иродат ва эътиқодда бўлардилар. Жаноб мавлавийнинг файзли

¹ 883 йил ўн еттинчи рабиулохир — 1478 йил 19 июль.



асарларидан «Муҳаммаси Қасидаи бурда» ва «Шарҳи Манозил ус-сойирин» машҳурдир.

«Мажолис ун-нафоис»да унинг ҳидоят аломатли шеърларидан бир байт келтирилган.

Байт:

Қоматингдан бошқа ёққа боққан ошиқ,
Ростин айтсам калтабиндир, сўзим аниқ.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад 891 йилда¹ вафот қилиб, Ҳиротнинг Хиёбон кўчасидаги қабристонда дафн этилди. Амир Низомиддин Алишер мавлононинг файз аломатлик мазорининг жануб томонида бир хонақоҳ қурдириб, мавлоно Шамсиддиннинг етук ўғли мавлоно Ҳамидиддиннинг ёрқин кўнгли ризолигини топиш учун ҳаракат қилди.

Мавлоно Ҳамидиддин кўп йиллар ўша хонақоҳда маориф паноҳли отаси ўрнида ўтирди ва ўта тақводорлик, поклик билан умр кечириб, 917 йилда² оламдан ўтди.

Мавлоно Камолиддин Абдураззоқ мавлоно Жалолиддин Исҳоқ Самарқандийнинг ўғли бўлиб, 816 йил шаъбон ойининг ўн иккинчисида³ Ҳиротда туғилган.

Мавлоно Исҳоқ кўп йиллар шариф вақтини саид хоқон саид Шохрух Мирзонинг қутлуғ ўрдусида қозилик ва имомлик мансабида ўтказганди. Ул аъло ҳазрат мажлисида масалаларни тунгунтириш ва мактубларни қироат билан ўқиш ишларини бажарарди.

Мавлоно Камолиддин Абдураззоқ отаси вафот этгандан сўнг 841 йилда⁴ қози Азиддин Инжийнинг⁵ ҳарфлар маъноси ва кўрсаткич олмошларига оид рисоласига бир шарҳ ёзди ва ул покиза иншо дебчасини саид хоқон Шохрух Мирзонинг қутлуғ исмига мувашшаҳ қилиб, шу орқали ҳазрат хоқоннинг қўлини ўпиш шарафини топди.

¹ 891 йил – 1486 йил.

² 917 йил – 1511 йил 31 март – 1512 йил 19 март оралиғи.

³ 816 йил ўн иккинчи шаъбон – 1413 йил 7 ноябрь.

⁴ 841 йил – 1437 йил 5 июлдан 1438 йил 24 июнгача давр оралиғи.

⁵ Инж – Инг туманининг арабча кўриниши.



Ул ҳазрат ҳаётининг сўнги кунларида элчилик расми билан Бижонагар подшоҳи ҳузурига бориш учун топшириқ олиб, Ҳинд томон кетди. Ул сафарда жаноб мавлавий ғаройиб воқеалар ва ажойиб ҳолатларга дуч келиб, ниҳоят соғ-саломат Хуросонга қайтиб келди. Шохрух Мирзонинг вафотидан сўнг навбатманавбат Абдуллатиф Мирзо, Абдуллоҳ Мирзо ва Абулқосим Бобур Мирзо мулозимати иззати билан эъвозланди.

Султони саид Абусаид Мирзо салтанати замонида 867 йил жумодилаввал ойида¹ Шохрух Мирзо қурдирган хонақоҳ шайхлигига тайинланди ва умрининг охиригача шу ишга машғул бўлди. Вафоти 887 йил жумодилохир ойида² рўй берди.

Асарлари жумласидан бири «Матлаи саъдайн» халқ орасида машҳурдир. Ул тарих китобида ер юзининг обод ерида Султон Абусаид Баҳодирхон замонидан то Султон Абусаид Мирзо Гуррагон шаҳид бўлган давргача кечган воқеалар ёзилган (*Ҳол ва ишлар ҳақиқатини билгувчи ёлғиз Аллоҳдур*).

Амир Муҳаммад бин Амир Ҳошим зот шарафи ва яхши сифатлар, мақтовли ахлоқ ва ёқимли атвор билан тавсифланган эди. Мансур хоқоннинг салтанати замонида узоқ муддат нақиблик мансабига мансуб турди. Шариф насаби Хуросон саййид ва нақибларидан бири бўлган саййид Ашраф бин Муборакшоҳга уланади. Саййид Ашрафнинг ота-боболари силсиласи олий мақомли имом Абу Абдуллоҳ ул-Ҳусайн бин амиралмўминин Али *алайҳиссалом*га бориб тақалади.

Қози Нуриддин Муҳаммад Имомий қози Садриддин Муҳаммад бин қози Қутбиддин Абдуллоҳнинг ўғли бўлиб, қози Қутбиддин Аҳмад вафот этгандан кейин мансур хоқоннинг меҳрибонлик назарига тушиб, ота мерос лавозимга тайинланди.

Шариат ҳукмларини ҳал этишда ғоятда виждон ва диндорлик, ўта диёнат ва садоқат кўрсатди. Етук мартаба ва кўп шукуҳ билан тўла ихтиёр ва мустақил равишда диний ишларини ҳал этишга киришди. Қутлуғ «халқ орасида тўғри ҳукм чиқаринг» ҳадиси мазмунини ҳамиша олий аломатли назарида тутди ва

¹ 867 йил жумодилаввал – 1463 йил 22 январь – 20 февраль оралиғи.

² 887 йил жумодилохир – 1482 йил 18 июль – 16 август оралиғи.





одамлар устидан чиқарилган ҳеч бир ҳукми ислом уламолари фатвоси талабидан четга чиқмасди.

Шу иш билан 18 йил шуғуланганидан сўнг касалланиб қолиб, 891 йил жумодилохир ойининг йигирманчисида¹ қазо қўли ҳаёти ҳужжатларини йиртиб ташлади ва Гозургоҳда шу маслаҳат учун қурилган ҳазирада дафн қилинди.

Қози Нуриддиндан икки нафар ўғил ёдгор қолди. Бири шайхулислом Садр уш-шариа Нуриддин Муҳаммад, иккинчиси Жалолиддин Маҳмуд. Бу икки олий зотли ўғил отаси вафотидан кейин мансур хоқоннинг мушфиқлик назарига илиниб, мансур хоқон қози Нуриддинга берилган суюрғол ва ўзга имтиёзларни уларда қолдирди. Халқ орасида «Хожагий қози» деб ном қозонган катта ўғли қозилик мансабига тайинланди.

Хуросон салтанати Амир Темур Гурагон сулоласидан Муҳаммад Шайбонийхонга ўтгач ҳам эски дастур бўйича ул иш Хожагийннинг қўлида қолаверди.

Хуросонга шоҳ Исмоил байроғининг ойчаси зиё таратгандан кейин Хожагийннинг ота-бобоси каби диёнатли киши экани шоҳга аён бўлиб, унга Ҳирот ва музофотлари шайхулисломлиги мансаби берилди. Ул жаноб уч йил шу мансабда ўтиргач, нафс соғлиги ва дунёвий ишларга майли йўқлиги учун шайхулисломликдан истеъфо берди.

Ҳозирги кунда² ул жаноб ва укаси эъзоз-икром билан ўз туғилиб-ўсган маскани, яъни салтанат пойтахти Ҳиротда муқим туришибди. Халқнинг хос ва авоми уларнинг баракатли вужуди билан кўнгиллари қувват ва хотиржамлик топиб, яхши эътиқод шартларини бажармоқдалар.

Мавлоно Муҳаммад бин Ҳусомиддин халқ орасида «Ибни Ҳусом» лақаби билан танилган ва ашъор назмида жуда кучли эди. Ҳамиша ҳазрат Али ва бошқа имомлар маноқибида ажойиб қасидалар назм қиларди. Ибн Ҳусом маснавийлари жумласидан бири «Ховарнома» китоби бўлиб, «Шоҳнома» вазнида назм

¹ 891 йил йигирманчи жумодилохир — 1486 йил 23 июнь.

² Ҳозирги кун — 1523 йил.



қилинган. Бу китобда амиралмўминин ҳазрат Алининг шижоати ва каромати борасидаги сўзлар битилган.

Ибн Ҳусом 893 йил рабиулохир ойида¹ Қаждистон музофотларидан бўлмиш Хўвсаф қасабасида вафот қилди.

Қози Масъуд Қумий Ироқи Ажам улуғларидан эди. Мансур хоқон замонида туғилиб-ўсган ватани Қумдан Ҳиротга келиб, Амир Низомиддин Алишернинг хизматини ихтиёр қилди. Ашъор назмида маҳоратли бўлгани учун мансур хоқон ўзининг аҳволини назм ипига теришни унга ҳавола қилди. Хожа бу борада икки мингга яқин байтни баён тизимига киритди. «Юсуф ва Зулайхо», «Мунозараи шамс ва қамар», «Тег ва қалам» қиссалари ҳам унинг манзумалари жумласидандир. Манави матла қози Масъуд Қумийнинг ғазаллар девонидан жой олган.

Байт:

Сенсиз ййғлайвериб уйқу элтадир,
Туш кўрибманким мени сув элтадир.

Хожа қози Масъуд Ҳирот шаҳрида вафот қилди ва Пири Сесадола мазорида дафн этилди.

Қози Шамсиддин Абдуллоҳ мавлоно Жалолиддин Абусаид бин мавлоно Шамсиддин Абдуллоҳ бин қози Жалолиддин Маҳмуд ал-Имомийнинг ўринбосари эди. Мансур хоқоннинг замонида бир неча вақт Ҳирот шаҳрида қозилик мансабида турди. Яна бир неча муддат султонликнинг шариф масжидида дарс беришга машғул бўлди. Ажал ваъдага кўра қошига етишгач ... йилда оламдан ўтди.

Мавлоно Юсуф Бағий — Андижон вилоятидан. Кичик ёшлигида у ердан Самарқандга бориб илм-фан ўрганган. Мансур хоқоннинг бахт аломатли замонида Мовароуннаҳр ўлкасидан Ҳиротга ташриф буюриб, Амир Алишернинг меҳрибонлиги сояси остида ором топди. Аруз илми, саное ва бадое, муаммо фанидан соҳиб вуқуф эди. Муаммо қоидалари баёнида бир фойдали рисола ёзди. Бу матла унинг ўша манзумоти жумласидан.

Байт:

Шундай обу ҳаволи кўчанг бўлса манзилгоҳ,
На Хизр суви керак, на нафаси Рухуллоҳ.

¹ 893 йил рабиулохир ойи — 1488 йил 15 март — 13 апрель оралиғи.





Мавлоно Юсуф Бадий 897 йилда¹ Сарахсда вафот қилди ва Шайх Лукмоннинг файзли мазорида дафн этилди.

Ҳофиз Fuёс илму ирфон аҳлининг бошлиғи, замон муҳаддислари пешқадами эди. Мансур хоқоннинг салтанати айёмида Ҳиротда ўқитувчилик қилди. Вафоти 897 йили² рўй берди ва Шайх Баҳоуддин Умар мазорида дафн этилди.

Мавлоно Нуриддин Абдурахмон ал-Жомий. Ул жанобнинг фазилат ва камолоти ёғдуси жаҳонни ёритувчи офтоб зиёси каби олам майдонини мунаввар этувчи, бу шайхлар сарасининг файз анжомли қалами томчилари булут қатралари сингари ўзгарувчи жаҳон саҳнига ям-яшиллик бағишловчи, назми жавоҳири фалакларга безак берувчи тун садафларини ёритувчи ва насри гавҳарларидан тупроқдан ясалган олам кенглиги жавоҳир сочувчидир. Ул ҳазратнинг турли хил илмлар бўйича асарлари ҳадсиз ва ҳар бир китобида маънолар хазиналари ададсиздир. Шу сабабли икки тилли қаламнинг ул донишу ирфон аҳлининг паноҳи таърифига киришишига ҳожат йўқ.

Мавлоно Нуриддин Абдурахмон ал-Жомийнинг саодатли туғилиши 817 йил шаъбоннинг ўтгизинчисига³ ўтар кечаси Жомнинг Харжерд қасабасида рўй берган.

Баловат ёшига етишгач, илмлар ўрганишни бошлаб, зуҳд ва тақво зиналари узра ҳам қадам босганлар. Ул жаноб аслий насаб ва туғма қувват сабабли болалик сабосининг насими ибтидосида фазилат иқтибосли нафис тароватидан назм боғига кўркамлик ва тозалик бағишлаб, ул фанда маҳорати бурунги ва замондош шоирларнинг шеърлари девонини халқ эътиборидан қолдириш даражасига етди.

Мирзо Абулқосим Бобур замонасида ул шижоати кўп подшоҳнинг атоқли номига бағишлаб муаммо фанида либос безагини баде аломатли қалами билан рақам қилди.

Султони сайд Султон Абусаид Мирзо замонида биринчи девонига тартиб бериб, тасаввуфга оид бир нечта рисола ҳам ёзди.

¹ 897 йил – 1491 йил 4 ноябрь – 1492 йил 23 октябрь оралиғи.

² 897 йил – 1491 йил 4 ноябрь – 1492 йил 23 октябрь оралиғи.

³ 817 йил йигирма тўққизинчи шаъбон – 1414 йил 13 ноябрь.



Бошқа китоб ва латофатли манзумалари эса мансур хоқон замонида ёзилди.

Жаноб мавлавий билан Амир Низомиддин Алишер ўртасида дўстлик қоидаси ва эътиқод алоқалари жуда мустаҳкам бўлиб, шу жиҳатдан ул жаноб ўзининг назм ва насрий асарларининг кўпчилигида ул яхши мазҳабли амирни мадҳ қилганлар. Амир Алишернинг китобларида ҳам ул инсоний камолот эгасининг таъриф ва тавсифи жой олган. Ким ул икки буюкнинг китобларини ўқиган бўлса, ушбу ҳарфлар ёзғувчисининг ростгўйлигига амин бўлади.

Мавлоно Нуриддин Абдурахмоннинг вафоти 898 йил муҳаррам ойининг ўн саккизинчиси¹ жума куни рўй берди. Умри муддати 81 йил бўлди. Шанба куни тонгида мансур хоқон ва Амир Низомиддин Алишер ҳамда бошқа амиру давлат устунлари, мулку миллатнинг барча аъёнлари ул жанобнинг уйига ташриф буюриб, ювиш ва кафанлаш ишларини пайғамбарнинг оидин суннати бўйича адо этдилар. Сўнг тобутини Ийдгоҳга элтиб, жаноза номозини ўқидилар ва мавлоно Саъдиддин Кошғарий² тахтига олиб келиб, шу суфа рўпарасига дафн қилдилар. Ҳазрат мансур хоқон ва Амир Алишер жаноблари бир-бири кетидан ён-атрофдаги шарифлар, саййид ва олимларни Ҳирот Ийдгоҳига тўплаб, мавлавийнинг руҳини қувватлаш учун таом тортиш ва Қуръон хатмига киришдилар.

Амир Алишер [Навоий] мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий марсиясида ажойиб таркибни иншо қилди. Марсиянинг матлаи эсимда қолгани сабабли шу ерда битилди.

Матла:

Ҳар дам фалак йигинидан ўзгача бир жафо ёғар,

Унинг ҳар бир юдузидан ўзгача бир бало ёғар.

Хожа Разиқддин Аҳмад Жомий ҳазрат шайхулисломий Аҳмад ал-Жомий ан-Номиқий³ (*Аллоҳ сирларини муқаддас тут-*

¹ 898 йил ўн саккизинчи муҳаррам — 1492 йил 9 ноябрь.

² Саъдиддин Кошғарий — нақшбандийлик тариқатининг йирик вакили (ваф. 1456 йил 13 май, Ҳирот).

³ Аҳмад ал-Жомий ал-Номиқий — машҳур файласуф олим Абу Наср бин Абул-Ҳасан Номиқий ал-Жомий (Зинда пил, Жанда пил, 1049—1142) кўзда тутилган.



син) авлодининг пешқадами бўлиб, Хуросоннинг бошқа ашроф машойихидан қадри ҳаддан зиёда улуғлиги билан устун эди. Йиллар давомида мазкур шайхулисломий мазорининг вақфи мутаваллилиги унга тааллуқ топганди. Ҳамиша эҳсон дастурхонини ёйиб, олий ҳимматини келиб-кетувчилар зиёфати сари қаратарди.

Ул жаноб ўткинчи жаҳондан 908 йилда¹ мангу оламга кетгач, ўғли Хожа Жалолиддин Абулқосим отаси ўрнига ўтирди. Мазкур вилоятда ихтиёр ва эътибори ўзи қатори касбдошларидан ошиб кетди. Аммо ичкиликка мойиллиги сабабли гоҳида шахзодалар билан суҳбатдош бўлиб, ота-бобосининг тариқига тескари йўл тутиб, аччиқ шароб ичарди. Саховат бобида эса очиққўл, мурувват ва адолатда тенгсиз эди. Хонақоҳга нима тушум тушса, умри бўйи келган-кетганлар учун сарфлаб, ўзига нисбатан муҳаббат ва ихлос уруғини барча кишилар дили даласига сочди.

920 йилда² йўналиш туғини охират сафари сари кўтарди.

Хожа Носирғун Абдулазиз Жомий илму амал сифати билан таниқли эди. Кўп вақтини тоат-ибодатга бағишларди. Тариқат сулукида машаққатлар чекиб, тақво билан яшаган кўйи ҳидоят йўлининг йўловчиларига муршидлик қилишда шайхулислом Зиндапил Аҳмади Жомга эргашарди ва ҳамиша парҳезкорлик ва диндорлик жойнамози узра ўтириб, зоҳирий ва ботиний илмлар ўқитиш шартларини адо этарди.

Ҳижрий 920 йилда³ ризвон боғлари томон юзланди.

Мавлоно Камолигун Абдулвосе ан-Низомий мавлоно Жамолиддин Мутаҳҳар Бохарзийнинг ўғли эди. Ёшлигининг кўп вақтини дунёвий фазлу илмларни эгаллаш учун сарфлади. Иншо фани, мактуб ва фармонлар матнини жимжимадор қилиб битишда ўта маҳоратли эди.

Мансур хоқоннинг тахтга чиққан вақти бошларида бир неча вақт ул ҳазратнинг воқеалар ва шарҳи ҳолини ёзишга киришди. Аммо ҳикоятларни ҳавола қилиш асносида ташбеҳлар ва исти-

¹ 908 йил — 1502 йил 7 июль — 1503 йил 26 июнь оралиғи.

² 920 йил — 1514 йил 26 февраль — 1515 йил 15 февраль оралиғи.

³ 920 йил — 1514 йил.



ораларни ҳаддан оширгани учун мансур хоқон унинг китобини¹ ёқтирмади ва ул ишни фозиллардан бошқа бирига топширди.

Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг мавлоно Камолиддин Абдулвосе суҳбатига кучли иштиёқи бор эди ва жаноб мавлавий Абдулвосе мазахомуз сўзларни эшитганда тез жаҳли чиқадиган киши бўлгани учун доимо унга ҳазил қиларди. Жаноб Абдулвосе Хожа Низомулмулк ва унинг ўғиллари билан ҳам яқин суҳбатдош эди ва улар номига бағишлаб рисоалар битиб, ўзидан ёдгор қилиб қолдирди. Ўша китоблардан биттасининг дебочасида қуйида ёзмоқчи бўлганимиз бир неча байтни Хожа Низомулмулкнинг ўғиллари Хожа Камолиддин Ҳусайн ва Хожа Рашидиддин Абдулмалик мадҳида назм қилган. Ҳақиқатан ҳам бу шеърларда сўзга чечанлик ва фасоҳатнинг юксак намунасини кўрсатган.²

Қози Низомиддин Муҳаммад мавлоно Шарафиддин Ҳожи Муҳаммад Фароҳийнинг етуқ ўғли эди.

Ҳожи Муҳаммад Мирзо Абулқосим Бобур замонидаги улўф фақиҳлардан бири бўлганди. Қози Низомиддинга келсак, у зуҳду тақвода пешқадам, дарс ва фатво ишида мансур хоқон давлати айёмининг кўпчилик олимларидан юқори эди. Кўп йиллар давомида Гиёсия ва Ихлосия мадрасаларида мударрислик қилди. Ўқитувчиликдан истеъфо бергач, мансур хоқон ул жанобни кўп таклифлар билан салтанат пойтахти Ҳирот шаҳрининг қозиси қилди. Қози Низомиддин шаръий қонунга асосланиб қозилик қилишда шундай жаҳду жадал қилдики, диёнат бобида бошқа қозилар қилган ҳаракатлар чиппакка чиқиб қолди.

Қози Низомиддин Муҳаммад 900 йил муҳррам ойида³ вафот қилди. Камина унинг вафоти тарихида бир рубойи ёзганман.

¹ Камолиддин Абдулвосе ан-Низомий Бохарзийнинг «Жоме ул-бадоеи султоний» номли тарихий асари кўзда тутилмоқда.

² Бохарзий «Жоме ул-бадоеи султоний»нинг рўёбга чиқмагани сабабини Алишер Навоийга ёзган хатида маълум қилган бўлиб, бу хат кўчирмаси унинг «Манша ул-иншо» тўпламида бизгача етиб келган. Бу ҳақда қаранг: Исмоил Бекжон. Навоийга йўлланган мактуб//Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2007 йил 8 июнь.

³ 900 йил муҳаррам ойи – 1494 йил 2 ноябрь.



Мавлоно Муинигдин ал-Фароҳий Қози Низомиддин Муҳаммаднинг етук укаси эди. Кўп илму фазлларни эгаллаган эди. Зухд ва тақвода ҳам юксак даражада эди. Хати ўта чиройли эди. Жума кунлари намоздан кейин Ҳиротнинг Жоме масжидида жуда таъсирчан ваъзлар айтарди. Қуръон оятлари ва ҳадис сўзларига зўр маънолар берарди. Ўзининг ваъз йиғинида ўтирган амиру нўёнларни аяб ўтирмай, ул тоифага панд-насиҳат қилиш пайти танқид сўзларини ҳам айтаверарди.

Акаси вафот этгач, мансур хоқоннинг таклифига кўра бир йил қозилик мансабида ўтирди. Сўнг бу ишни ташлаб, кейин қанчалик қистасалар ҳам қабул қилмади. Мавлоно Муиниддин қаламига мансуб «Меърожи нубувва» номли асар халқ ичида машҳурдир.

Мавлоно Муиниддин 907 йилда¹ касалланиб, оламдан ўтди ва Хожа Абдуллоҳ Ансорий мазорида акаси қози Низомиддин ёнида дафн қилинди.

Мавлоно Шамсигдин Муҳаммад Исфароиний ёшлик айёмида илму фан ўрганди ва дарс ўқитиш майдонида сабоқдошларидан ўзиб кетди. Ул жаноб яхши сўзли ва намунали ахлоқ эгаси эди. Кўп йиллар Султон Ҳусайн Мирзо қурдирган мадрасада ва Ҳиротнинг бошқа илмхоналарида илмий фойдаларни ёйишда катта ҳиммат кўрсатди.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Исфароиний 900 йили² касалланди ва терлама хасталиги билан оламдан ўтди.

Мавлоно Шамсигдин Муҳаммад бин мавлоно Шарафигдин Усмон барча ақлий ва нақлий илмларда Мовароуннаҳр олимларининг боши, балки бутун шаҳарлардаги фозиллар пешвоси эди.

Мансур хоқон замони ўрталарида Самарқанддан ҳажга кетиш учун Ҳиротга келди ва хоқоннинг иноят назарига тушиб ҳамда Амир Низомиддин Алишернинг риоятига эришиб, ул муборак сафарни адо этди. Ҳаждан қайтгач, Ҳирот шаҳрида яшаб қолиб, йиллар давомида шариф Султония мадрасаси ва Ихлосия мадрасасида илмий ва диний масалаларни ўргатиш бўйича

¹ 907 йил — 1501 йил 17 июль — 1502 йил 7 июль оралиғи.

² 900 йил — 1494 йил 2 октябридан 1495 йил 21 сентябригача давр оралиғи.

ўқитувчилик қилди. «Мавлонозодаи мавлоно Усмон» номи билан танилган ул жаноб улуф донишмандлигию кекса ёшдалиги, зуҳду тақвода илдамлигига қарамай, жуда камтар киши эди.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад 901 йил рабиулаввал ойида¹ оламдан ўтди.

Мавлоно Бурҳониддин Атоуллоҳ ар-Розий илми кўплик, ўткир фаҳмлик, таъб соғломлиги билан кўпчилик билимли фозиллардан устун эди. Бироқ шаробга майл ва шодлик аҳли суҳбатига иштиёқ ҳамда тайинсизликда ҳам барча ҳунарли зук-колардан юқори турарди. Кўп йиллар мағфиратли хоқони сайд Шохрух Мирзо мадрасаси ва ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Алишер қурдирган мадраса-хонақоҳда мударрис бўлиб, фазлу камол қалами билан ўқитиш нақшини кўпчилик толиби илмлар қалби саҳифасига битарди.

Мавлоно Бурҳониддин Атоуллоҳ 902 йил рамазон ойида² оламдан ўтди. Унинг таъби меваларидан Абулқосим Бобур Мирзо замонида ёзган муаммо фанига оид бир рисоласи ёдгор қолди.

Ҳазрат махдум Амир Хонг Муҳаммад Амир Ховандшоҳнинг бошқа етук авлодидан, балки кўпчилик фозил уламодан таъб соғломлиги, зеҳн ўткирлиги билан устунликка эга эдилар. Ёшлик айёмида дунёвий илмларда камолот ҳосил қилиб, маъқул ва манқул илмларида маҳорат нақшини кўнгил лавҳига битганлар.

Ул ҳазратнинг тарих фани ва иншо санъатидан воқифлиги шу мартаба эдики, сўз безовчи қалам унинг баёнидан ожизлик қилишини бўйнига олади. Ул саййидлик осмони қуёшининг сўзда чечанлик камоли ҳикоялар ёзиш ва ривоятлар битишда шу даража эдики, фасихлар баён йўли билан уни тушинтиришни ўта қийин ишлар жумласидан деб биладилар. «Равзат ус-сафо» китоби ёзилишининг ўзи шу даъвони исботлашда ойдин ва қатъий далил бўла олади.

Каминанинг ул ҳазратга нисбатан фарзандлик алоқаси бор ва густохлик тили билан ўзини ул зотнинг шогирдлари қаторидан

¹ 901 йил рабиулаввал – 1495 йил 19 ноябрь – 19 декабрь оралиғи.

² 902 йил рамазон – 1497 йил 2 май – 2 июнь оралиғи.

санайди. *Субҳоналлоҳ, тавба, хато айтдим, қатрани денгизга* нисбат бериш беадабликнинг ўзгинаси, қуёш заррасини чексиз нур манбаига қиёслаш ўта ажабланарлидир. Бу сўзларни шу истиҳола билан айтмоғим сабаби шундаки, агар ул ҳазратнинг мукаррам ахлоқи ва чиройли одоби зикри борасида бундан кўпроқ ёзсам, балки айб изловчи кишилар мазкур нисбат асосида «ўзини мақтаяпти»га йўйишар ва каминанинг гапини лофу ёлғон-яшиқ санаб, эътироз билдиришар. Шу сабабдан таъриф сўзини чўзишдан тийиниб, қалам фақат ушбун иёжажким, ҳазрат бувам маҳдумий ҳаётининг охирги айёмида узлатга майл билдириб, халойиқ билан ўтириб-туришдан этак тортиб, бир йил мобайнида Гозургоҳда умр кечирдилар ва кўп вақтини охира бахтини қўлга киритмоққа ва маънавий камолот топмоққа сарфладилар.

902 йил рамазон ойида¹ суълқония² касалига чалиниб, Гозургоҳ мавзеидан шаҳарга қайтиб келдилар ва беморлик тўшаги узра қулаб, икки ой уйда қимирламай ётганча, 903 йил зулқайда ойининг иккинчисида³ жаҳон машаққатидан жаннатнинг роҳат бағишловчи боғига кўчиб ўтдилар.

Ул ҳазратнинг вафоти 66 ёшларида рўй бериб, Шайх Баҳоуддин Умар мазориде дафн қилиндилар.

Мавлоно Қутбиддин Муҳаммад Оғам замон табибларининг энг билимдони ва даврон ҳақимларининг энг афзали бўлиб, касалликларни даволаш ва хасталикларни аритишда Масиҳонафасини намоён қиларди. Аммо яхши хулқ билан тавсифланмаган эди. 904 йил бошларида⁴ охира оламига кетди.

Мавлоно Низомиддин Абдулхай табиб бошда касалликларни даволаш бўйича ҳидоят насабли Амир Алишернинг шифохонасида фаолият кўрсатди. Бир вақтлари валийлик паноҳли мағфиратли ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Самарқандда ка-

¹ 902 йил рамазон — 1497 йил 3 май — 2 июнь оралиғи.

² Суълқония — мижоз бузилиши; «Хулосат ул-ахбор»да Хондамир Мирхонднинг «истисқо» касалига учраганини қайд этган. Истисқо аъзойи баданда сув йиғилиб, одамнинг шишиб кетишидир.

³ 903 йил иккинчи зулқайда — 1498 йил 22 июнь.

⁴ 904 йил бошлари — 1498 йил 19 август.



санайди. Субҳоналлоҳ, тавба, хато айтдим, қатрани денгизга нисбат бериш беадабликнинг ўзгинаси, қуёш заррасини чексиз нур манбаига қиёслаш ўта ажабланарлидир. Бу сўзларни шу истиҳола билан айтмоғим сабаби шундаки, агар ул ҳазратнинг мукаррам ахлоқи ва чиройли одоби зикри борасида бундан кўпроқ ёзсам, балки айб изловчи кишилар мазкур нисбат асосида «ўзини мақтаяпти»га йўйишар ва каминанинг гапини лофу ёлғон-яшиқ санаб, эътироз билдиришар. Шу сабабдан таъриф сўзини чўзишдан тийиниб, қалам фақат ушбуни ёзажакким, ҳазрат бувам маҳдумий ҳаётининг охирги айёмида узлатга майл билдириб, халойиқ билан ўтириб-туришдан этак тортиб, бир йил мобайнида Гозургоҳда умр кечирдилар ва кўп вақтини охират бахтини қўлга киритмоққа ва маънавий камолот топмоққа сарфладилар.

902 йил рамазон ойида¹ суўлқония² касалига чалиниб, Гозургоҳ мавзеидан шаҳарга қайтиб келдилар ва беморлик тўшаги узра кулаб, икки ой уйда қимирламай ётганча, 903 йил зулқаъда ойининг иккинчисида³ жаҳон машаққатидан жаннатнинг роҳат бағишловчи боғига кўчиб ўтдилар.

Ул ҳазратнинг вафоти 66 ёшларида рўй бериб, Шайх Баҳоуддин Умар мазориде дафн қилиндилар.

Мавлоно Қутбигун Муҳаммад Огам замон табибларининг энг билимдони ва даврон ҳақимларининг энг афзали бўлиб, касалликларни даволаш ва хасталикларни аритишда Масиҳо нафасини намоен қиларди. Аммо яхши хулқ билан тавсифланмаган эди. 904 йил бошларида⁴ охират оламига кетди.

Мавлоно Низомигун Абдулҳай табиб бошда касалликларни даволаш бўйича ҳидоят насабли Амир Алишернинг шифохонасида фаолият кўрсатди. Бир вақтлари валийлик паноҳли мағфиратли ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Самарқандда ка-

¹ 902 йил рамазон – 1497 йил 3 май – 2 июнь оралиғи.

² Суўлқония – мижоз бузилиши; «Хулосат ул-ахбор»да Хондамир Мирхонднинг «истисқо» касалига учраганини қайд этган. Истисқо аъзойи баданда сув йиғилиб, одамнинг шишиб кетишидир.

³ 903 йил иккинчи зулқаъда – 1498 йил 22 июнь.

⁴ 904 йил бошлари – 1498 йил 19 август.



салланиб қолиб, Ҳиротга одам юбордилар ва Амир Алишердан табиб тиладилар. Буйруққа биноан ул ҳаким жаноблари Самарқанд тарафга юзланди ва ул сафардан қайтиб келгач, катта сийловга эришиб, қадр манзилати пояси кундан-кун юқорилаб бориб, бахту толеи юлдузи соат сайин юксалавериб, иш шу даражага етдики, мансур хоқоннинг илтифот назарига илиниб ва ҳарамга ҳам кирадиган бўлиб, саройдаги катта-кичикнинг сирлари маҳрамига айланди. Шу зайл умрининг охиригача мансабнинг энг чўққисига турди.

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ружий замон шайхларининг муқтадоси ва зуҳду ирфон аҳлининг пешвоси эди. Етмиш йилга яқин сулукда ҳидоят тариқи ва ҳазрат хайр ул-башарнинг ойдин суннатига эргашиш бўйича саъй-ҳаракат қилди. Алар тариқати дарвешлари ва толибларидан катта бир гуруҳи ҳар кун каромат ошиёнли даргоҳига келарди ва фархунда ботинидан саодат нурларини таратиб, ўзлари ҳам муродларига етишарди.

Ул жаноб 904 йил рамазон ойи бошларида¹ касалланди ва беморлик айёмида Амир Низомиддин Алишерга бўлган чиройли эътиқоди сабабли ҳазрат султоннинг яқин кишисига «мени ювиш ва кафанлаш ишларига ўзингиз бош-қош бўлинг ва қаерни маъқул топсангиз, жасадимни ўша ерга дафн қилинг» дея васият қилди. Мавлоно Ружий мазкур ойнинг ўн олтинчиси² шанба куни вафот этди. Амир Низомиддин Алишер ул зотни ғусл этиш ва кафанлаш ишларини бажаргач, Ҳиротнинг таниқли улуғзодалари билан бирга мағфиратли тобутини шаҳар Ийдгоҳига элтдилар ва жаноза номозини ўқиб, аларнинг устози ва пири бўлмиш мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг қабри ёнига дафн қилдилар.

Аммо бир неча кундан кейин аларнинг муридларидан бир нечтаси ярим кечаси мақбарага келиб, ул азизнинг жонсиз жасадини қабрдан ташқарига тортиб олиб, Гозургоҳга элтдилар ва Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг мозори яқинида бир тахт-суфа ясаб, ўшанинг остига дафн қилдилар.

¹ 904 йил рамазон ойи бошлари – 1499 йил 12 апрель.

² 904 йил ўн олтинчи рамазон – 1499 йил 27 апрель.



Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ружийнинг вафоти тарихида амир Султон Иброҳим бир қитъа битиб, унда кун, ой ва йилни кўрсатган.

Мавлоно Мир Ҳусайн Муаммоий нафси тозалик ва шариф ботини покликда тенгсиз эди. Ўта камтар ва яхши хулқли киши бўлгани сабабли каттаю кичикнинг қалбига меҳру муҳаббат уруғини қадарди. Бир неча йиллар Ихлосия мадрасасида сокин турди ва илм олишга машғул бўлди. Маъқул ва манқул фанларига оид китобларнинг кўпини мутолаа қилди. Муаммо фанида ҳам маҳорати бошқа сўз санъаткорлари иши устига инкор чизифини тортиш даражасига етди. Мавлоно Мир Ҳусайн 904 йили¹ ичбуруғи билан касалланиб, оламдан ўтди ва мазкур мадраса гумбазида дафн қилинди. Ул пок эътиқодли саййид ёзган асарлардан бири муаммо фанида иншо қилган рисола-сидир. Камина ҳам унинг вафоти тарихида бир қитъа назм қилганди.

Мавлоно Камолиддин Масъуд Ширвоний калом ва мантиқ, ҳикамиёт² илмларида ўз замонаси олимларининг олими эди. Маъқул ва манқул илмлари бўйича дарс берарди. Йиллар давомида маҳди улё Гавҳаршод Оғо мадрасасида ва Амир Алишернинг Ихлосия мадрасасида ўқитиш ишлари билан шуғулланди.

Қози Низомиддин вафотидан кейин Гавҳаршодбегим мадрасасидаги мударрисликни ташлаб, Фиёсия мадрасасида ўқитиш туғини кўтарди ва ул жанобни мазкур мадрасада имтиҳон қилганлари куни Амир Низомиддин Алишер ва салтанат пойтахти Ҳиротнинг барча саййиду уламоси йиғилдилар. Чунки ул мадраса вақфияси шартларидан биттаси шу эдиким, бу ерда Хуросон олимлари ичида энг билимдон аъламигина мударрислик ҳуқуқига эга бўла оларди. Ўша куни мавлоно Камолиддин Масъуд Хуросон донишмандларига тегажаклик қилиш қасдида «мен сизлар билмаган нарсаларни биламан»³ ояти бўйича дарс берди ва шу қадар гўзал ҳикмат ва шариф маънолар адо этдики, қарашлари таҳсин ва офаринга сазовор бўлди.

¹ 904 йил – 1498 йил 19 август – 1499 йил 8 август оралиғи.

² Ҳикамиёт – метафизика.

³ Қуръони карим, Бақара (2) сураси, 30-оятдан.

Ул ҳазратнинг асарларидан «Шарҳи Ҳикмат ул-айн»¹ китоби ва яна бир нечта илмий рисолалар талабалар ўртасида машҳурдир. Гўзал шеърларидан бир матлаи «Мажолис ун-нафоис»да ҳам келтирилган. Мавлоно Масъуд Ширвоний 905 йилда² вафот қилиб, Пири Сесадсола мазоридида дафн этилди.

Мавлоно Халилulloҳ мавлоно Фозил Самарқандийнинг ўғли эди. Бошда ҳазрат Або Бакр Мирзо бин Султон Абусаид Мирзо хизматида бўлиб, ул шаҳзода воқеасидан сўнг Ҳиротга келди ва дарс ўқитишни бошлаб, Амир Алишернинг илтифот назарига илинди. Бир неча муддат Гавҳаршод Оғо мадрасаси ва Ихлосия хонақоҳида ўқитиш дарслари билан шуғулланди. Ҳақиқатан ҳам ўша кезларда толиби илмларни ўзининг таъби ганжинаси меваларидан баҳраманд қилиб, бошқа ўқитувчилардан кўпроқ обрўй қозонди.

Аммо доимий ичкиликка ружу қўйгани оқибатида Амир Алишер ундан нафратланиб, ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ берди. Ул жаноб Ҳиротдан Балхга кетиб, бир неча кун Султон Бадиуззамон Мирзонинг давлати паноҳида яшади. Бироқ бу шаҳарда ҳам ундан ярамас қилиқлар содир бўлгач, Қундуз шаҳри сари юзланди ва то оламдан ўтгунига қадар Амир Хусравшоҳнинг риояти остида умр кечирди.

Мавлоно Масиҳиддин Ҳабибуллоҳ Султон Абулқосим Бобур Мирзо ва Султон Абусаид Мирзо замонида бошқа табиблардан ҳозиклиги билан устун турган мавлоно Азиаддин Ҳусайн табибнинг укасининг ўғли эди.

Мавлоно Ҳабибуллоҳ ҳам ҳар хил касалликларни даволаш ва иллатларни бартараф этишда Исо нафасини намоён қиларди. Мансур хоқоннинг салтанати бошидан то вафотигача ул ҳазратнинг хизматида умр кечирди. Саройга яқинлик ҳосил қилган ва мансабу бойлик тўплаган бўлса-да, кўнгилли тарзда ва очиқ чехра билан фуқаро ва мискинларни даволаш учун ул тои-

¹ Метафизикага оид «Ҳикмати айн» асарининг ўзи Нажмиддин Али ибн Умар ал-Қазвиний ал-Котибий (ваф. 1276 й.) томонидан яратилган.

² 905 йил – 1499 йил 8 август – 1500 йил 28 июль оралиғи.



фанинг уйларига ташриф буюрар, бажонидил ва истак-ирода билан дарвешлар ва муҳтожларни ҳам даволар эди.

Ҳабибуллоҳ табиб 905 йилда¹ ичбуруғи касали натижасида оламдан ўтди.

Мавлоно Ҳасаншоҳ сўзга чечан ва ширин каломли шоир бўлиб, бадеҳа айтишга қуввати кўплиги сабабли фозилу шуаро гуруҳининг боши эди. Ҳамиша зарофатомиз байтлар ва мутойибали шеърлар битарди. Ҳеч бир йиғинда надимлик ва нуктадонлик вақтини бекор ўтказмасди.

Мавлоно Ҳасаншоҳ ёшлик айёми бошларида Султон Муҳаммад Мирзо бин Бойсунқур Мирзонинг хизматида турди ва таъб лутфию чиройли ҳикоялар сайқали билан ул юрт олувчи шахриёрнинг қалби ойнасидан ҳам зангини кеткизиб юрди.

Ўша аснода бир куни подшоҳларнинг айблари борасида сўз кетиб, мавлоно Ҳасаншоҳ ўтмиш султонларидан ҳар бирига биттадан айб тақади. Мирзо Султон Муҳаммад мажлис охирида ундан «менинг нима айбим бор?» деб сўради.

Жаноб мавлавий «зотингизда танбалликдан ўзга ҳеч бир нуқсон кўрмаяпман» дея жавоб берди. Подшоҳ «дангасалигимни қаердан билдинг?» деб сўради. Мавлоно: Шу нарсадан билманки, кўнглингиздаги «мавлоно Ҳасаншоҳга ўн минг динор беринглар» деган гапларни айтмоқчи бўласиз-у, бироқ айтишга эринасиз, дея жавоб берди.

Султон Муҳаммад Мирзо бу сўзни эшитиб, кулишга тушди ва мавлоно Ҳасаншоҳга беш минг динор иноят қилди. Мавлоно «мана энди ўша ялқовлигингиз сабабли йўлнинг қоқ ўртасида қолиб кетдингиз» деди яна аския қилиб.

Мавлоно Ҳасаншоҳ Султон Муҳаммад Мирзо шаҳид кетганидан сўнг Ҳиротда ватан тутди ва ҳамиша султонлар ва ҳукмдорлар билан борди-келдида бўлиб, фароғатда кун кечирди.

Хуросон мамлакатлари салтанати мансур хоқоннинг қўлига ўтгач, Амир Низомиддин Алишернинг меҳрибонлик нурлари Ҳасаншоҳ аҳволи сари таралди ва жаноб мавлавий доим ҳазрат

¹ 905 йил – 1499 йил 8 август – 1500 йил 28 июль оралиғи.



султоннинг яқин кишиси хизматида бўлди ва тақриб¹ йўсини билан ёрқин кўнглини ўтқирлаш учун шеърлар назм қилиб юрди. Шулардан бири ушбуки, бир гал Ҳирот доруғаси мансур хоқон фармонига кўра «Зангори ўсма» деган ярамас хулқли бир аёлни шаҳардан қувиб юборди.

Хожа Мутаҳҳар Удий Амир Алишер ҳузурига бориб, бу суюғоёқ аёлнинг давлат ҳисобига ўтказилган уйини ўзига беришларини сўради ва илтимоси қабул қилинди. Ўша вақтда мавлоно Ҳасаншоҳ йиғинга кирди ва у ҳам ўша илтимосни айтди. Амир Алишер «ул уйни Хожа Мутаҳҳар олди» деб жавоб берди. Мавлоно Ҳасаншоҳ дарҳол манави рубойини ўқиди.

Рубойи:

Шаҳарда Мутаҳҳар Удий бўлса бас,
Бузуқликда ҳеч ким унга тенг келмас.
Қай бир бузуқ аёл ҳайдалса агар,
Бу хотини бузуқ уйини олар.

Яна бири шуки, Амир Султон Ҳасан Арҳангий вафот этганидан сўнг Амир Алишер ҳазратлари унинг руҳини шод этиш учун халққа катта ош тортишга буйруқ берди ва топшириқ ижрочилари таом масаллиғини тайёрлашга киришдилар.

Ўша кезлари мавлоно Ҳасаншоҳ ҳар кун Амир Алишер жанобларининг давлатхонаси эшигига тез-тез келиб-кетадиган ва ошга ҳозирлик ишлари қаергача етганидан хабар оладиган бўлиб юрди. Қарангки, мазкур ош тортиладиган куни кутилмаганда битта иши чиқиб қолиб, шундан сўнггина Амир Алишер олдига келганида, аксига олиб, ош ҳам тамом бўлиб қолган экан. Ночор афсус чекиб, ушбу рубойини ўқибди.

Рубойи:

Кеч келдим вам чекиш ғуссаларидан,
Аниқ биламанки, қолмасман тирик.
Мен учун яна бир ош ғамини енг,
Йўқса бу аламдан ўлишим аниқ.

¹ Тақриб – бу жанр бўйича шеър кимнингдир қилиқ ва хулқ-атворига нисбат бериб ёзилади.

Мавлоно Ҳасаншоҳ 905 йилда¹ вафот этди. Умри муддати 100 ёшдан ошганди.

Мир Ҳож саййидлик шарафи ва зуҳду ибодат сифати билан васф қилинган эди. Ҳамиша ҳазрат Али (а. с.) маноқибида ажойиб қасидалар битарди. Қасида девонларида тахаллуси «Мир Ҳож», ғазалларида эса «Унсий» эди. «Лайли ва Мажнун» қиссасини назм қилганди.

Мавлоно Камолиддин Ҳусайн ал-Воиз илми нужум ва иншо-да замон аҳли аро тенгсиз эди. Бошқа илмларда ҳам кўплардан устунлик қиларди. Хуш овози ва дилкаш товуши билан ваъз ва насиҳат ишини қойиллатарди. Каломуллоҳнинг оятлари ва ҳазрат пайғамбар ҳадисларини яхши ибораю чиройли маънолар билан баён этарди. Ҳар жума куни тонгида Ҳирот шаҳрининг чорсуси бошидаги Султон Ҳусайн Мирзо қурдирган «Дор ус-сиёдат»да² ваъзхонликка машғул бўларди ва жума намози тугагач, бу ишини Амир Алишер қурдирган Жоме масжидида адо этишга тутинарди.

Сешанба куни султонлик мадрасасида ваъз ўқиса, бу ишини чоршанба куни Пири Мужаррад Хожа Абулвалид Аҳмад мазори бошида такрорларди. Шунингдек, умрининг охирларида бир неча вақт Султон Аҳмад Мирзо ҳазирасида пайшанба куни ваъз ўқиб юрди. Ажал ваъдага биноан етиб келгач, 910 йилда³ оғзига сукут муҳрини босиб, охирад оламида манзил тутди.

Мавлоно Камолиддин Ҳусайннинг ёзган асарлари жуда кўп. Шулардан «Жавоҳир ут-тафсир», «Мавоҳиби олия», «Равзат уш-шуҳадо», «Анвор ус-Суҳайлий», «Махзан ул-иншо», «Ахлоқ ул-муҳсинин» ва «Ихтиёрот» асарлари халқ орасида шуҳрат қозонган. Амир Алишернинг «Мажолис ун-нафоис»ида ғазалларидан бирининг матлаи намуна сифатида ҳавола этилган.

Ушбу жузвлар ёзилаётган ҳозирги 929 йилда⁴ мавлоно Камолиддин Ҳусайннинг азиз ва аржуманд фарзанди мавлоно Фаҳрид-

¹ 905 йил — 1499 йил 8 август — 1500 йил 28 июль оралиғи.

² Дор ус-сиёдат — Саййидлар уйи.

³ 910 йил — 1504 йил 14 июнь — 1505 йил 5 июнь оралиғи.

⁴ 929 йил — 1522 йил 20 ноябрь — 1523 йил 10 ноябрь оралиғи.



дин Али ўзининг бузруквор отасига ўринбосар бўлиб, ҳар жума куни тонгида Ҳиротнинг турфа файзу барокатлар йиғиндиси бўлмиш Жоме масжидида ибодат қилувчилар насиҳати ва иршодига машғул бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу ишни ўринлатиб удалар экан, бошқа бир нечта илму санъатдан ҳам хабардорлик намоён этмоқда. Мавлоно Фахриддин Али манзумотидан «Лайли ва Мажнун» вазнида ёзилган «Маҳмуд ва Аёз» халқ орасида машҳурдир.

Мавлоно Абдулжамил таниқли донишмандлардан бўлиб, бир неча вақт султонлик Дориссиёдатида ўқитиш ишларини олиб борди.

Вафоти 912 йилда¹ рўй берди.

Амир Султон Иброҳим Амийний унинг вафоти борасида бир тарих-қитъа битганди.

Мавлоно Низомиддин Абдулҳақ салтанат пойтахти Ҳиротнинг кўпчилик муфтиларидан фикҳ билиш бобида устун эди. Бир неча вақт қозилик мансаби билан сарафроз бўлиб, шариат ҳукмларини инсоф ва адолат асосида чиқариб юрди.

Мавлоно Сайфий мансур хоқон замонида ўзининг туғилиб ўсган ватани Бухородан Ҳиротга келиб, илмлар таҳсил қила бошлади ва Амир Низомиддин Алишернинг мураббийлиги соясида тинч яшаб, баъзида салтанат саройи хизматига ҳам қатнаб юрди.

Бир неча йилдан кейин «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадиси тақозосича, Мовароуннаҳрга кетди ва саид шаҳзода² Бойсунқур Мирзо бин Султон Маҳмуд Мирзо даргоҳи мулозимати шарафига мушарраф бўлиб, икки-уч йил ул ҳазрат хизматида умр кечирди.

Бойсунқур Мирзо Амир Хусравшоҳнинг қасос қадаҳидан шаҳидлик шарбатини татигач, мавлоно Сайфий то ўлгунига қадар Бухорода турғун яшади. Ул жанобнинг дилни ўғирловчи шеърлари ва хос маъноли назмлари кўп. Мавлоно Сайфи Бухорий саноат аҳди ва ҳунарманд-косиблар ҳақида бир алоҳида девон ихтиро қилган.

¹ 912 йил – 1506 йил 24 май – 1507 йил 13 май оралиғи.

² Саид шаҳзода – «шаҳидлик бахтини топган шаҳзода» маъносида.





Мавлоно Риёзӣ Хуросон шоирларининг машҳурларидан эди ва мансур хоқоннинг фатҳлари ва ҳолоти назми билан шуғуланарди. Бир неча вақт ўзи туғилиб-ўсган Зова шаҳри ва унга қарашли маҳаллалар қозилигини бошқарди. Аммо вилоят катталари шикоятчи сабабли ул ишдан бўшатилиб, барча ҳимматини шеър ёзмоққа қаратди.

Шайх Сўфи Али Шайх Зайниддин ал-Хофийнинг муаззам муридларидан эди ва болалик айёми бошидан то қарилик давронигача ҳамиша олий ҳимматини тоат-ибодат вазифаларини бажармоққа йўналтирганди. Бир гуруҳ дарвешлар ул жаноб хонақоҳида сокин туришар ва шариф вақтларини илоҳ зикрига фарқ айлаб, ул зот ботинидан саодат нурини олардилар. Шайх Сўфи Али мансур хоқоннинг замони охирида вафот этиб, Хожа Жамолиддин Атоуллоҳ Хиёбон бошида қурдирган ҳазирага дафн қилинди.

Хожа Мансур битикчи анча йиллар мансур хоқоннинг салтанат ошиёнли даргоҳи мулозиматида умр кечирди ва ҳамиша дилни ўғирловчи газаллар яратарди.

Мавлоно Низомиддин Астрободӣ замон қасидагўйлари бошлиғи эди ва гоҳида илм толиблиги билан ҳам машғул бўларди.

Мавлоно Муҳаммад Бадахшӣ гуфтори ширин ва шеърлари фасоҳатли шоир эди. Ҳамиша ҳимматини муаммо назми ва ул фан қоидаларини ёзишга қаратарди. Ўттиз йил мобайнида Амир Низомиддин Алишернинг хизматида умр кечирди. Муаммо илмида бир нечта рисола яратганди.

Мавлоно Нуриддин Муҳаммад Зиёратгоҳӣ ота томондан мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Қоинийнинг невараси бўлиб, она томонидан мавлоно Шарифиддин Абдулқаҳҳор қизининг ўғли эди.

Ёшлик айёмида Ихлосия мадрасасида таҳсил олиб, илмлар такмил этишга муваффақ бўлди ва Султония мадрасасида мударрислик мансабига етишди. Аммо Амир Низомиддин Алишернинг унга нисбатан илтифоти йўқлигидан бир неча ойдан сўнг ул ишдан бўшатилади. Шунга кўра, ҳижрий 905 йилда¹ Ҳирот

¹ 905 йил – 1499 йил 8 август – 1500 йил 28 июль оралиғи.



шаҳридан қуббатулислом Балхга кетди ва Султон Бадиуззамон Мирзонинг меҳрибонлик назарига илиниб, Балхнинг жоме мас-жидида ўқитиш ишини бошлади. Султон Бадиуззамон Мирзо ҳафтада икки марта бу дарсга ташриф буюрарди ва мавлавийга нисбатан ғоятда таъзим-такрим бажо келтирарди.

Ўша аснода мавлоно Нуриддин Муҳаммад бу дўстликдан фойдаланиб, девонлик ишларида ва султонлик юмушларида қатнашишни Бадиуззамон Мирзодан илтимос қилиб, садрлик девони ёзишмалари мансабини беришларини сўради. Бадиуззамон Мирзо бу илтимосни қабул қилди. Аммо бу вазифага тайинланди-ю, жаноб мавлавийнинг ишлари чаппасидан кета бошлади. Ҳатто иш шу даражага бориб етдики, Балхдан чиқиб, Қандаҳорга бош олиб кетди ва қолган умрини Амир Зуннун аргуннинг ўғиллари мулозиматида кечирди.

Мавлононинг вафоти 913 йилда¹ Қандаҳор шаҳрида рўй бериб, ўша ерда тупроққа қўйилди.

Мавлоно Муиниддин Муҳаммад Исфирорий ўз замонасидаги рисолатчилик ишлари бўйича мутахассисларнинг бошлиғи эди ва шеър ёзиш билан ҳам шуғулланарди. Таълиқ хуснихатидан тўла баҳраманд бўлиб, кўп вақтини ўша фан қоидаларини ўқитиш билан ўтказарди. Ёзган асарлари жумласидан «Тарихи балдаи Ҳирот»² ҳамда фармон ва мактублар матнини ўз ичига олган битта ёзишмалар тўплами халқ орасида машҳурдир.

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Нақшош ўз замонасининг билимдони эди ва ҳамиша ўй қалами билан ғариба ишлар ва ажиба сувратларни турмуш саҳифаларига битарди. Тасвир ва тазҳиб фанида тўла маҳоратга эга эди. Гоҳида ҳимматини фағфурий чиннилар яшашга қаратарди. Кўп тажрибалардан кейин ва чексиз машаққатлар чеккандан сўнг ясайдиган идиш-товоқлари ва пиёлалари Чин маҳсулотларига ўхшаб қолди. Аммо ранги ва сифати айнан асли каби бўлмади.

¹ 913 йил – 1507 йил 13 май – 1508 йил 2 апрель оралиғи.

² Ҳирот шаҳри тарихи.



Мавлоно Ҳожи Муҳаммаднинг ихтиролари жумласидан бири соат сандиғи бўлиб, уни Амир Низомиддин Алишернинг китобхонасида яратган эди. Бу сандиқда қўлида таёқча ушлаб ўтирган бир киши шакли ўрнатилган ва у куннинг бир соати ўтганда, таёқни бир марта олдида турган ноғорага урар, иккинчи соати ўтганда эса икки марта урарди.

Мавлоно биров муддат Амир Алишер жанобларининг китобдори бўлиб ишлади. Кейинчалик ул жанобдан хафа бўлиб, Мирзо Бадиуззамон Ҳиротни қамал қилишга киришган 904 йилда¹ қочиб кетди ва шаҳзодага бориб қўшилди-да, Мирзо олдида ҳам ўша мансабга тайинланди.

Мавлоно Абулфатҳ, Муҳаммадхон Шайбонийнинг истилоси замони бошларида вафот қилди.

Хожа Мирак Наққош тасвир ва тазҳиб илмида тенги йўқ эди. Иморатларга китобалар ёзиш фанида ҳам ҳеч кимни олдига чиқармасди. Ҳиротдаги кўпчилик иморат ва бинолардаги китобалар шу хожанинг қалами остидан чиққан. Вафоти Муҳаммадхон Шайбонийнинг Хуросон мамлакатларини эгаллаган вақтида рўй берди.

Мавлоно Биноий устод Муҳаммад [Шерали] Сабз меъморнинг ўғли эди. Шеър назмида ўта маҳоратли бўлиб, тасаввуф ва мусиқа илмидан ҳам тўла хабардор эди. Мансур хоқон замонасининг ўрталарида Амир Низомиддин Алишердан хафа бўлиб, Ироқи Ажамга кетди ва бир неча муддат Султон Яъқуб Мирзо хизматида турди. Кейинчалик «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадиси талабига кўра Хуросонга қайтиб келиб, яна бир неча вақт Ҳирот шаҳрида ватан тутганди. Тағин ул соф қалбли амирдан кўнглига келишмовчилик чанги ўтириб, Самарқандга кетди ва ул вилоятда Султон Али Мирзонинг илтифотига эришди.

Самарқанд Муҳаммадхон Шайбоний қўлига киргач, унга мулозим бўлиб, хоннинг салтанат саройи ичкилари қаторида хизматда турди. Ул олий мартабали хон ўлдирилгач, унинг ўғилларига қўшилди.

¹ 904 йил – 1498 йил 19 август – 1499 йил 8 август оралиғи.



Амир Нажми сонийнинг шоҳ Исмоил фармонига биноан Мовароуннаҳр устига қўшин тортиб борган ва Қарши шаҳрида қатли ом ўтказган йили мавлоно Биноийнинг ҳаёт биноси улуғ ғозийлар қиличи зарбасидан ер билан тенг бўлди. Шеърлар девони Мовароуннаҳр ва Хуросонда машҳурдир.

Мавлоно Биноий умрининг охирги вақтларида Хожа Ҳофиз Шерозий девонидаги ғазалларга эргашиб, татаббу ёзганди ва бу ғазалларида «Ҳолий» тахаллусини қўлаганди.

Шайхулислом *мавлоно Сайфигдин Муҳаммад* олам майдонининг алломаси ва бани Одам олимларининг паноҳгоҳи эди. Ўта диндорлиги ва диёнату парҳезкорлиги билан танилган, тафсир ва ҳадис, фикҳ, илмида ҳам ўхшаши ва тенги йўқ эди. Ақлий ва нақлий илмларда ҳам замон олимларидан устун эди.

Ул жаноб ўз отаси мавлоно Қутбиддин Яҳё бин мавлоно Муҳаммад бин мавлоно Саъд ул-миллата вад-дин Масъуд ат-Тафтазоний вафотидан сўнг шайхулисломлик вазифасига тайинланди ва ўттиз йилгача давр мобайнида пок шариатни кучайтириш шартларини бажо келтириб юрди. 916 йил рамазон ойида¹ эса, ғараз аҳлининг иғвоси орқасида шоҳ Исмоил буйруғига биноан туттирилиб, мусодара қилинди ҳамда тақдир тақозосича ўлдирилиб, охират оламига кетди. Ҳиротнинг Жоме масжиди жойлашган Халифон дарвозаси теграсидаги масжид ул жаноб шайхулислом қурдирган ёдгорликдир. Ул жанобнинг илмлар таснифи бўйича ёзган айрим рисола ва шарҳлари ҳам талабалар орасида машҳурдир.

Амир Муртоз ҳикмат ва риёзий илмида тенгсиз бўлиб, бошқа илмлар бўйича ҳам замон донишмандларидан устунлик қиларди. Тоат-ибодат ва умрлик рўзани қанда қилмасди. Мансур хоқон замонида Ихлосия мадрасасида ўқитувчилик қилди. Муҳаммадхон Шайбоний даврида Султония мадрасасида ҳам ўқитиш туғини кўтарди. Шоҳ Исмоилнинг иккинчи марта Хуросонга келишида Амир Муртоз суннийлик мазҳабидалиги сабабли Ҳиротдан Қандаҳор тарафга кетди ва ўша шаҳарда вафот этди.

¹ 916 йил рамазон – 1510 йил 2 декабрь – 1511 йил 1 январь оралиғи.

«Мавлонозода Абҳарий» номи билан танилган **Хожа Имогуддин Абдулазиз** ўта билимдон олим эди. Ҳадис илми ҳамда ҳанафий ва шофейй фикҳида маҳоратли бўлиб, мансур хоқон замонида Амир Низомиддин Алишернинг номига бағишлаб «Мишкот»га шарҳ ёзди. Аммо бу китоб шухрат топиб улгурмасдан замона қўли ул соҳиб бахт амирнинг умр варақларини йиғиштирди.

Мавлонозода йиллар давомида хоқони саид Шохрух Мирзо мадрасаси ва Султонлик мадрасалари¹ ҳамда Ихлосия хонақоҳида ўқитиш ишларига машғул бўлди. Мазкур Амир Муртоз ўша Ҳиротдан Қандаҳорга кетган вақтда мавлонозода ҳам Ҳиндистон томон йўл олганди. Шундан сўнг ундан ҳеч хабар келмади. Синд вилоятида вафот этган.

Мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро таъби соғлом ва зеҳни ўткир бўлиб, чиройли хулқи ва мақтовга сазовор одоби билан ҳам Астробод фозилларининг боши эди. Шатранж ўйинида хоҳ катта, хоҳ кичикни ҳамда ёнида ҳозир ёки ғойибни ютмай қўймасди. Қасида ва муаммолар назмида жуда моҳир эди.

Шариф вақтининг кўпини Амир Низомиддин Алишер жанобларининг хизматида ўтказди. Ул жанобнинг вафотидан сўнг мансур хоқон саройига борди ва қутлуғ китобхонанинг доруғаси бўлиб, ичкилар қаторида саройга яқинлик байроғини кўтарди.

Мавлоно Фасиҳиддиннинг нодир ашъори жумласидан бири ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Алишер марсиясида битган қасида бўлиб, қасиданинг биринчи мисраси ҳарфларидан абжад ҳисобида Амир Алишернинг туғилган санаси, сўнгги мисралар ҳарфларидан ул ҳазратнинг вафоти тарихи чиқади.

Мавлоно Соҳибдоро 917 йили² Астробод шаҳрида вафот қилди.

Мавлоно Муҳаммад Толиб хуштаъб толиби илм эди ва муаммо фанида бошқа шоирлардан устунлик қиларди. Йиллар мобайнида Султон Бадиуззамон Мирзо хизматида садрлик мансабида

¹ Султонлик, Султония, Султон мадрасалари – Султон Ҳусайн Мирзо Ҳиротда қурдирган мадрасалар.

² 917 йил – 1511 йил 31 март – 1512 йил 19 март оралиғи.



фаолият кўрсатди. Ул ҳазратнинг хизмати саодатидан ажралиб қолгач, ҳазрат подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг олампаҳо даргоҳига бориб, яқинлик байроғини ҳилпиратди.

Убайдуллоҳхон шайбоний билан олийшон подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ўртасида Мовароуннаҳрда уруш рўй берган пайтда, ўша жангда мавлоно Муҳаммад Толиб шаҳидлик шарбатини татиди¹.

Ул жанобнинг таъби меваларидан муаммо фанида ёзилган жуда яхши бир рисоласи бор.

Амир Камолиддин Ҳусайн Обивардий Хуросон саййидлари ичидан чиққан фозиллар қаторидан жой олганди. Ёшлик айёмида Обиварддан Ҳиротга келди ва илм таҳсилига машғул бўлди. Ўша кезларда Кичик Мирзонинг мажлисига бориб қолиб, шаҳзода уни ўзига суҳбатдош қилган ҳолда у сари эҳсон эшикларини очди. Аммо Кичик Мирзо ҳажга отланганда, Амир Камолиддин Ҳусайн Обивардий бирга йўлдош бўлмади. Шаҳзода кетгандан сўнг эса, бормаи қолганидан пушаймон бўлиб, орқасидан отланди. Лекин Аллоҳнинг тақдирига биноан ўша сафарда шаҳзоданинг хизматига етиша олмади. Ҳаждан қайтиб келиш чоғи Табризда Яъқуб Мирзонинг мулозиматига мушарраф бўлди ва бир неча йил ўша мамлакатда умр кечириб, сўнг ўз туғилиб ўсган ватанига қайтгач, Амир Алишернинг хизматига кириб, илтифотга эришди.

Амир Камолиддин Ҳусайн Обивардий билан юз берган фаройиб воқеалардан бири шуки, Амир Алишернинг мулозиматини қилиб юрган кезларда амир жаноблари уни элчилик расмида Султон Яъқуб Мирзо ҳузурига бориш учун тайинларкан, бошқа нафис қўлёзма китоблар қатори хос китобхонадан мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг куллиётини олиб, ул даргоҳ ноиби қози Исо учун элтишини уқтиради. Саййид жаноблари ул китобларни мавлоно Абдулкарим китобдордан олаётган вақтида китобдор янглишиб, ҳажм ва муқоваланиши жиҳатидан мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг куллиётига ўхшаш «Футуҳоти Мак-

¹ 1512 йил апрелида Бухорога яқин (ҳозирги Навоий вилоятига қарашли) Қўли Малик мавзеида бўлган жанг кўзда тутилмақда.



кий» китобини амирга берибди. Амир Ҳусайн ул китобни жуда эҳтиётлаб, бошқа тухфа ва тортиқлар билан бирга яхшилаб беркитиб қўйибди.

Султон Яъқуб мулозиматига етишгач ва пешкашларни ўтказгач, олийжоҳ подшоҳ яхши ахлоқи туфайли ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлиб: Йўллар ёмонлиги сабабли бу сафар чоғи чарчаган бўлсангиз керак? дебди.

Амир Ҳусайн: Йўлда кўнгилга чарчоқ ҳиссини йўлатмайдиган бир суҳбатдошим бор эди, дея жавоб берибди.

Шунда Султон Яъқуб Мирзо бу сўзнинг аниғини суриштирибди. Саййид жаноблари эса: Ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Алишер қози жаноблари учун бериб юборган ҳазрат мавлавий Жомийнинг куллиёти ёнимда эди. Чарчоқдан толиққудек бўлсам, ўша вақтларда ул ўқимишли китобга қараб қўярдим, дебди. Подшоҳ бу сўзлардан сўнг «ўша куллиётни келтиринглар, мен ҳам бир кўрай» деб буюрибди. Амир Ҳусайн ул тўпламни ўтиришга келтириш учун одам юборибди. Келтиришгач, очиб қарасалар, китоб мавлоно Жомийнинг куллиёти эмас, балки «Футуҳоти Маккий» экан!

Жаноб саййид бу қилиғи билан бир неча жиҳатдан уятлиғ бўлди. Шу сабабли у қайтиб Амир Алишерга ёқмай қолди.

Мансур хоқоннинг умри охирларида Амир Камолиддин Ҳусайн Обивардий Балхга кетиб, Султон Бадиуззамон Мирзо уни Шоҳимардон олий даргоҳи шайхлигига тайинлади. 908 йилда¹ ул мансабни садрлик ишига алмаштирди. 910 йили² Султон Бадиуззамон Мирзо Ҳиротда эканида, Амир Камолиддин Ҳусайн Обивардий садрлик вазифасидан истеъфо бериб, Обивардга кетди. Бир-икки йил ўша ерда тинч-осойишта яшагач, 914 йилда³ Муҳаммад Шайбонийхон уни элчилик йўсинида шоҳ Исмоил ҳузурига юборди. Амир Камолиддин Ҳусайн Обивардий шоҳ Исмоил олдига бориб, инъом ва эҳсонга кўмилиб қайтди. Келиб, яна ўз ватани Обивардда яшай бошлади.

¹ 908 йил – 1502 йил 7 июль – 1503 йил 26 июнь оралиғи.

² 910 йил – 1504 йил 14 июнь – 1505 йил 4 июнь оралиғи.

³ 914 йил – 1508 йил 2 май – 1509 йил 21 апрель оралиғи.



920 йилда¹ эса охират оламида манзил тутди.

Хожа Носириддин Абу Наср Меҳна турли-туман ойдин хислат, яхши ахлоқ, таъб соғломлиги ва зеҳн ўткирлиги билан тавсифланган эди. Илмлар таҳсили ва улуғлик, саодат касб этганлиги натижасида Хуросоннинг бошқа улуғларидан устунликка эга бўлганди.

Ул жаноб Хожа Муайяд Меҳнанинг ўғилларидан бўлиб, бу синиқ рақамли қалам Султон Абусаид Мирзо давлати айёми воқеалари остида аларнинг маноқиби зикрига киришган эди.

Хожа Абу Наср ҳазратлари валийлар бошлиғи шайх Фазлуллоҳ Абусаид Абулхайр Меҳнагий² (*сурлари муқаддас*) хонадонига мансуб бошқа шайхларга нисбатан илму фазилати кўплиги сабабли устунлик байроғини баланд кўтарган эди. Меҳна шахрининг сафавийлар ёмонларидан тайинланган доруғаси мазкур хожанинг буюм-ашё ва бойлигини тортиб олиш тамасида шундай олийжаноб саййидни туттириб, қийноққа солди. Инсоний камолот намунаси бўлмиш хожа ўша хўрланиш чоғи ор-номусдан қаттиқ изтиробга тушиб, мангулик олами сари юзланди.

Мавлоно Султон Али Машҳадий юз кўркамлиги ва сийрат гўзаллиги билан тавсифланган эди. Насх ва таълиқ хатларида шу даража маҳорат касб қилган эдики, илгариги ва замондош устодлар хатларини йўққа чиқариб юборди.

Мансур хоқон замонида ҳамиша ул ҳазрат топшириғи ва Амир Низомиддин Алишернинг илтимоси билан шариф китобларни битар эди. Гоҳида шеър назмига ҳам тил чоғларди. Мавлоно Султон Али Машҳадий 919 йили³ муқаддас Машҳад шаҳрида оламдан ўтди ва ул мутабаррик мақбарада дафн этилди.

Амир Сағриддин Юнус ал-Ҳусайний Амир Разиаддин Абдулаввал бин Амир Муиниддин Муртазо бин Амир Садриддин Юнуснинг ўғли бўлиб, Амир Садриддин Юнус ҳақида хоқони саид Шоҳрух Мирзо бобида сўз юритилди. Амир Садриддин

¹ 920 йил – 1514 йил 26 февраль – 1515 йил 15 февраль оралиғи.

² Шайх Абусаид Фазлуллоҳ бин Абулхайр (ҳозирги Туркменистоннинг Меҳна туманидан чиққан машҳур мутасаввиф олим (ваф. 1049 й.).

³ 919 йил – 1513 йил 9 март – 1514 йил 26 февраль оралиғи.





Юнус ал-Ҳусайний насаб шарафи билан бирга кўп фазилат ва камолоти билан ҳам тилга тушган эди. Йиллар давомида Сабзбаромон, Бадиа, Фиёсия каби мадрасаларда ўқитувчилик қилди.

Шайбонийхон Хуросон диёрини истило қилган вақтда мухтасиблик мансабида турди. Бир-икки йил жуда адолат билан иш юргизгач, сўнг ул мансаб баҳридан кечди. Шундан сўнг Балх ҳокими Қанбар Мирзонинг таклифига биноан ўша ерга кетди ва Қанбар Мирзо унга Балх шайхулисломлиги мансабини берди.

Амир Садриддин ўша вақтдан то Балх ҳукумати Дев Султон қўлига ўтгунига қадар эътибор ва ихтиёр билан ўша диёрда турмуш кечирди. Сўнг ёмон қилиқли кишилар Дев Султон ҳазратлари ҳузурида чақимчилик қилиб, шу ифво орқасида ул азиз саййидни Саййид Абулвафо исмли бир ўғли билан бирга ўлдирдилар.

Ҳозирги кунда¹ ул жанобнинг бошқа икки ўғли — Саййид Абулсафо ва Саййид Абулбақо Ҳирот шаҳрида сокин туришибди. Тақво ва солиҳлик билан бор ҳимматини манқул ва маъқул фанларини ўрганишга қаратишган.

Амир Садриддин Иброҳим Машҳадий замон олимларининг боши ва фазилат нишонли саййидлар пешқадами бўлиб, мансур хоқон замонида йиллар мобайнида Султония ва Бадиа мадрасалари ҳамда Ихлосия хонақоҳида ўқитиш ишлари билан банд бўлди.

919 йилда² вафот қилиб, ўзидан Амир Муҳаммад Амин ва Амир Муҳаммад Ҳусайн исмли икки ўғил ёдгор қолдирди. Бу икки фазилат аломатли ёш салоҳ ва тақво билан тавсифланган бўлиб, ҳамиша ўқиш ва ўқитиш ишлари билан машғулдирлар. Ҳозир³ Амир Муҳаммад Амин Ихлосия мадрасасида ўқитувчилик қилади, Амир Муҳаммад Ҳусайн Жамолия мадрасасида мудarrisлик мансабида турибди.

Амир Садриддин Иброҳимнинг укаси **Амир Абдулжалил** ҳам олимлар қаторидан жой олган эди ва мансур хоқон ҳамда Шай-

¹ 1523 йил кўзда тугилмоқда.

² 919 йил — 1513 йил 9 март — 1514 йил 26 февраль оралиғи.

³ 1523 йил кўзда тугилмоқда.



бонийхон замонида бир неча йил мухтасиблик лавозимида ишлаганди.

Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад ан-Низомий таржимаи ҳоли насаб улуғлиги ҳамда маъқул ва манқул илмлари билимдонлиги билан безанган эди. Риёзий ва ҳакамиёт фанларида ҳам даврон фозилларининг боши эди. Соғлом таъби илгари ўтган олимларнинг китобларидаги яширин илмлар далолатчиси, ўткир зеҳни замонамиз фозилларининг асарлари хазиналарининг намойишгоҳи бўлиб, Амир Алишер жаноблари давримизда расм бўлган кўплаб китобларни мавлоно Фасиҳиддинга шогирд тушиб ўрганган эдилар ва ул жанобга «охунд» дея мурожаат қилиб, таъзим ва тақрим бажо келтирар эдилар.

Ихлосия мадрасаси ва Гиёсия, Бадиа мадрасаларида гоҳида шерикликда, айрим вақтлари эса ўзлари якка ҳолда дарс бериб, мударрислик ишлари бу охундга тааллуқ топарди. Ул жаноб 917 йилда¹, ёзишимиз бу китоб услубига тўғри келмайдиган айрим бир сабаблар билан Балхга кетиб қолди ва бир неча йил ўша шаҳарда куёви бўлмиш Амир Садриддин Юнус суҳбатида умр кечириб, 919 йил охирларида² оламдан ўтди.

Мавлоно Фасиҳиддин асарлари жумласидан «Ҳошияйи ҳидояйи ҳикмат», «Ҳошияйи тазкира ва арбаини имом Нурий», «Шарҳи моййи авомил», «Ҳавошии Мухтасар ва Мутававал» ва бошқалар илгари фозиллар ўртасида машҳур эди ҳамда талабалар ул рисолаларни ўқиб, кўп фойда олардилар.

Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ ёшлик даврида ўзи туғилиб ўсган Нишопур шаҳридан пойтахт Ҳиротга келиб, илм ўрганди ва озгина вақт ичида кўпчилик фанларни ўзлаштириб, ўз мадрасадоларидан ўзиб кетди. Аруз ва шеърнинг саное ва бадоеида ўта маҳоратли эди. Йиллар бўйи Султония ва Рафия, Ихлосия мадрасаларида дарс берди.

Шариф таснифларидан «Рисолаи қофия ва бадоеи шеърий» фозиллар орасида машҳурдир. Манзумалари орасидан шеъриятнинг саное ва бадое соҳасида қофиянинг тўрт марта қайтарилиш

¹ 917 йил — 1511 йил 31 март — 1512 йил 19 март оралиғи.

² 919 йил охири — 1514 йил февраль ойининг тўртинчи ҳафтаси.



санъати саналган «тасмит» усули ишлатилган бир қитъаси ушбу китобимизда ҳавола этилган.

Амир Атоуллоҳ ҳаётининг охирларида зоҳирий кўзи ожизлаб, нарсаларни кўра олмайдиган бўлиб қолди ва Ҳиротдан муқаддас Машҳадга кетиб, 919 йил шаввол ойи ўрталарида¹ оламдан ўтди.

Шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний мавлоно Жалолиддин Абуязиднинг набираси эди ва ёрқин кўнгли тозалиги ва нафис нафси поклиги билан замоннинг бошқа шайхларидан устунлик қиларди. Ул жанобнинг сахийлиги чексиз бўлиб, ҳамиша ҳимматини ниҳоят даражадаги хуш ахлоқлик билан келган-кетганлар зиёфатини ташкил этишга қаратарди.

Мансур хоқон ул жанобга нисбатан иродат ва эътиқод тариқида бўларди ва йилда бир-икки марта Пуронга бориб, алар ҳақида инъом ва эҳсон шартларини адо этарди. Аммо Муҳаммадхон Шайбоний шайх жанобларини туттириб, бор-будини мусодара қилди. Шундан сўнг Ҳиротда тура олмай, Қандаҳор шаҳрига кетиб, ўша ерда ўрнашиб қолди.

Шайх 921 йил² бир кечаси томдан йиқилиб, оламдан ўтди.

Саййид Низомиддин Султон Али ал-Мусавий зуҳд, тақво ва халққа йўл кўрсатиш ишига қаттиқ берилган эди. Ҳамиша одамлар ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган воқеалар борасида фол боқиб берар ва шу сабабдан эл орасида «хоббин»³ лақаби билан танилган эди. Мансур хоқоннинг замонасида ул ҳазратнинг катта илтифоти туфайли қадр пояси бошқа ўзи кабилардан баландроқ кўтарилди.

Ўғли Саййид Афзал фазлу камол, туркий ва форсий ашъор назмидан воқифлиги орқасида эл аро таниқли эди ва мансур хоқон мулозиматида умр ўтказиб, бир неча вақт ҳимматини ёрғу⁴ сўрашга қаратди.

Саййид Султон Али 921 йилда⁵ вафот қилди. Ўғли Саййид Афзал эса отаси ўлимидан бир неча ойгина ўтиб вафот этди.

¹ 919 йил шаввол ўртаси – 1513 йил 15 декабрь.

² 921 йил – 1515 йил 15 февраль – 1516 йил 5 февраль оралиғи.

³ Хоббин – туш таъбирини билувчи, фол кўрувчи.

⁴ Ёрғу – шикоят, арз; жарима ундириш.

⁵ 921 йил – 1515 йил 15 февраль – 1516 йил 5 февраль оралиғи.



Амир Садриддин Султон Иброҳим Амий Сайид Султон Али вафоти муносабати билан бир қитъа битиб, тарихини «мири хоббин»¹ сўзларида топганди.

Хожа Осафий Хожа Неъматуллоҳ Қаҳдистонийнинг ўгли бўлиб, отаси бир неча вақт саид султон Абусаид Мирзо давлатида вазирлик қилган эди. Хожа Осафий соғлом зеҳн мусаффолиги ва зукко таъби тўғрилиги билан сифатланган бўлиб, замоннинг бошқа шоир ва фозилларидан устунлик қиларди. Гоҳи Амир Низомиддин Алишернинг тарбияси сояси остида туриб, баъзида эса Бадиуззамон Мирзонинг хизматига бел боғлаб юрди. Ул жанобнинг ғазаллар девони машҳурдир.

Хожа Осафий 921 йил шаъбон ойининг ўн олтинчисида² вафот қилди. Амир Султон Иброҳим Амийнинг таъб булбули Хожа Осафийнинг вафот этган йили ва ойини ёзиб қолдириш учун бир қитъа битганди.

Шайх Фасихиддин Муҳаммад шайх Зайниддин Хофийнинг ўғиллари ичида улуғи ва етуғи эди. Кўп йиллар давомида отаси мозори устида тақво жойнамози узра ўтириб, зиёратга келган-кетганлар зиёфатини адо этди. Шариф ёши тўқсонга яқинлашган 923 йилда³ оламдан ўтди ва ўша мозорда дафн этилди.

Амир Низомиддин Абдулқодир саййиду уламнинг улуғи, нақибу фозилларнинг катталари қаторида ўрин олганди. Мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо замонида йиллар давомида Султония мадрасасида ўқитувчилик қилди. Хуросон мамлакатининг нақиблик ва қозилик мансаби ҳам кўп йиллар ул кишига тааллуқ топиб, бу вазифаларни адолату диёнат билан адо этди. Вафоти 925 йилда⁴ рўй берди.

Мавлоно Ҳотифий ҳазрат мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг яқин қариндошларидан, аниқроғи, синглисининг ўғли эди. Маснавий назм қилишда замоннинг бошқа шоирларидан устун-

¹ *Мири хоббин (фолбинларнинг амири)* – бу сўزلардан абжадда 921 сони ҳосил бўлади.

² 921 йил ўн олтинчи шаъбон – 1515 йил 25 сентябрь.

³ 923 йил – 1517 йил.

⁴ 925 йил – 1519 йил.





лик тўпини олиб қочарди. Шайх Низомий қаламига мансуб «Хамса»нинг «Лайли ва Мажнун», «Хусрав ва Ширин», «Ҳафт пайкар» каби кўп китобларига татаббулар ёзди ва «Искандарнома», «Зафарномаи Темурий» асарларини назмга тизди. Шоҳ Исмоилнинг фатҳу ғалабаларини ҳам битиб бораётганди. Аммо уни тугаллаш насиб этмай, 927 йил муҳаррам ойида¹ охира оламига кетди. Мавлоно Ҳабибуллоҳ унинг вафоти тарихини битганди.

Амир Разиаддин Абдулаввал бузруквор отаси Амир Нуриддин Муҳаммад Амин бин Амир Разиаддин Абдулаввал бин Амир Муиниддин Муртазо бин Амир Садриддин Юнус ал-Хусайний бўлиб, муҳтарама онаси мавлоно Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий муаррихнинг мукарама қизларидан бири эди.

Амир Разиаддин фазилат ва инсонийликда камолотли ҳамда гоятда тақводор ва солиҳ бир йигит бўлиб, латиф таъби илмлар сирларининг далили ва шариф зеҳни маъқул фанлари йиғиндиси эди. Ёшлик давридаёқ таҳсилдан қутулиб, Ғиёсия ва Бадиа мадрасаларида мударрис бўлиб, ўз касбдошларидан ўзиб кетди.

Умрининг 43 йилини босиб ўтгач, 927 йил зулҳижжа ойининг ўн бешинчисида² сешанбага ўтар кечаси ўткинчи оламдан мангулик юртига кетди.

Ёши етмишдан ошган олий зотли отаси Амир Нуриддин Муҳаммад Амин бу жон куйдирувчи воқеа ва мудҳиш ҳодисани кўриб, йиғи фиғонию дард ноласини осмонга етказди ва Яъқуб янглиғ ул фазлу камол Мисрининг азизи фироқида ғамгинлик уйининг қайғу бурчагида ўтириб, Юсуфи доғида ёниб-куйди. Ниҳоят шу дарду алам ўтида бир неча ойни ўтказаркан, ғуссадан оғир дардга чалинди ва 929 йил рабиулохир ойининг бошларида³ бу шафқатсиз оламини тарк этди.

Китобимизда Амир Разиаддин Абдулаввал вафоти тарихи бўйича бир қитъа ва Амир Нуриддин Муҳаммад Амин вафоти санасининг ой, йилини билдирувчи бир рубоий ҳавола қилинди.

¹ 927 йил муҳаррам ойи — 1520 йил 12 декабрь — 1521 йил 11 январь оралиғи.

² 927 йил ўн бешинчи зулҳижжа — 1521 йил 16 ноябрь.

³ 929 йил рабиулохир боши — 1523 йил 17 февраль.



Қози Ихтиёриддин Ҳасан қози Гиёсиддин Турбатийнинг¹ ўғли эди ва фазилату камолоти кўплиги жиҳатидан бошқа қозилардан устун эди.

Ёшлик айёмида Зова ва Махулот вилоятидан салтанат пойтахти Ҳиротга келиб, дин илмлари таҳсилига киришди ва қисқа вақт ичида жуда тараққий қилиб, фатво ёзиш ва гувоҳномалар битишни эплайдиган бўлди. Иншо, шеър ва муаммо соҳасидан ҳам хабардор эди.

Мансур хоқон замонасининг охирларида қозилик мансаби билан сарафроз бўлди. Фаросат ва донолиги мукаммалиги, диёнат ва адолати тайинлиги сабабли Ҳирот қозиларига қараганда кўпроқ ихтиёр ва эътибор топиб, ҳазрат хоқоннинг илтифотига эришди. Қози Ихтиёриддин Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбонийнинг истилоси пайтида ҳам ўша мансабида турди.

928 йил бошида² суълқония касали билан оламдан ўтиб, Турбат қасабасида ота-боболари мақбарасига дафн этилди.

Ихтиёриддин қозининг фасоҳатли қалами остидан чиққан «Иқтибосот» ва «Мухтор ул-ихтиёр» номли асарлари замона фозиллари орасида машҳурдир. Амир Низомиддин Алишер мрамор тошидан Ҳиротнинг Жоме масжиди учун яساتган минбар санасига оид таърих ҳам мазкур қози томонидан битилганди.

Шайх Нуриддин Муҳаммад йўлбошчилик осмонининг қутби шайх Зайниддин Хофийнинг авлодлари қаторидан жой олганди. Тақво ва илмларда пешқадам эди. Зеҳни ўткирлигидан ёшлик айёми бошларидаёқ илм ўзлаштириш машаққатларидан қутулиб, ўқитиш ишларини бошлаганди. Ул жаноб мансур хоқони Султон Ҳусайн Мирзо ва Шайбонийхон замонасида кўп йиллар Ҳирот мадрасаларида ўқитувчилик қилди.

Аммо шоҳ Исмоил давлати даврида суннийлик таассуби сабабли ҳақиқат баёнли тилини ўқитиш ишларидан тийиб, сафар эшикларини ҳидоят аломатли турмуш юзи сари очди ва 926 йил

¹ Турбатий — бу нисба Хуросондаги Турбати Ҳайдария туманига нисбатан ишлатилган.

² 928 йил боши — 1521 йил 1 декабрь.

бошида¹ туғилиб ўсган ватани Ҳиротдан сафарга чиқиб, Қандаҳор ва Гармсир томонга кетиб, ҳазрат Заҳир ус-салтана вал-хилофа Муҳаммад Бобур подшоҳ мулозиматини топди ва бир неча вақт ул олий мартабали подшоҳ сояси остида кўнглидаги каби жуда яхши ҳаёт кечириб, 928 йил жумодилохир ойида² Кобул шаҳрида оламдан ўтди.

Ҳозир³ турли илмларни билувчи ва таъб латифилигию яхши хулқ-атвор, ширин сўзликда тенгсиз укаси⁴ ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг адолат ошиёнли даргоҳида яшамокда ва подшоҳона лутф назарига илиниб, одамлар ишларини буткариш вазифасида саъй-ҳаракат қилиб, ўзига нисбатан меҳр-муҳаббат уруғларини эҳтиёжманд кишилар қалби даласига сочмоқда. Саховатли кафтининг атолари офтоб нурлари каби шайхлар турмуши узра сочилган ва денгиз асарли дили ганжинаси юксак бобли китоблар дурлари хазинасидир.

Шайх Абулважд Фориғий мазкур икки соҳиби камол аканинг ҳол жамолидаги чиройли хол ва фазлу ирфон мўллиги билан важду ҳол аҳлининг бошлиғи. Ул жаноб мақтов сифатли зотига «дунёю охиратда обрўли ва (Аллоҳнинг) яқинларидан бўлур»⁵ деган иноят қоидали оят мазмуни тўғри ва мос келувчи шайх Важиҳиддиннинг ўғли бўлиб, бу шайх кўп йиллар давомида Ҳиротда зухду тақво сажжодаси устида ўтириб, ҳеч қачон пайғамбарнинг пок суннати йўлидан ташқари қадам босмаганди. Шайх Абулважд жуда дарвешваш ва фоний машрабдир. Гоҳида латофатли шеърлар назм қилади. Ул жаноб ҳозир⁶ ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг Сидра мисоллик бўсағасида ватан тутиб, давлатхоҳлик ва тарафдорлик шартларини бажармоқда ва халойиқ паноҳли даргоҳ эгаси ҳазрат Бобур подшоҳнинг фойдага кон дастурхонидан тўла баҳра олмоқда.

¹ 926 йил боши – 1519 йил 23 декабрь.

² 928 йил жумодилохир – 1522 йил 23 апрель – 27 май оралиғи.

³ 1523 йил кўзда тутилмоқда.

⁴ Шайх Зайниддин Хофий кўзда тутилмоқда.

⁵ Қуръони карим, Оли Имрон (3) сураси, 45-оят.

⁶ 1523 йил.



Мавлоно Садрриддин Муҳаммад замон уламози улуғлари, даврон фузалоси катталари қаторидан ўрин олган ва тақво, парҳезкорлик сифати билан васф этилган бўлиб, ҳамиша ҳимматини илмлар ўқитишга қаратади ва шаръия, айниқса, ҳанафий фикҳи илмлари бўйича ғоятда моҳир. Бошқа ақлий ва нақлий илмларда ҳам мақтов аломатли донишмандлар бошлиғи. Ул жаноб мавлоно Муизиддин шайх Ҳусайн, мавлонозода мавлоно Усмон, мавлоно Камолиддин Масъуд Ширвоний, ҳазрат маҳдумий шайхулисломий мавлоно Сайфиддин Аҳмад Тафтазоний қошида таҳсил олган. Ҳозирги вақтларда Ғиёсия, Исломия мадрасаларида дарс бермоқда. Мавлоно Садрриддин Муҳаммаднинг *мавлоно Зайниддин Маҳмуд* исми укаси бор. Мавлоно Зайниддин Маҳмуд шоҳ Исмоил давлати айёмида айрим зарурий сабабларга кўра ватани тарк этиб, салтанат пойтахти Ҳиротдан муҳожират йўлига қадам босган кўйи Сейистон ва Қандаҳор вилоятлари сари юзланди. Ҳозирги кунларда¹ Қандаҳорда ҳокимлар иноятига эришиб, осойишта ва фаровонликда умр кечирмоқда ва талаба аҳлини ўз таъби ганжинасидан баҳраманд қилиб, ўқитувчилик касбини улуғламоқда.

Камол соҳиби *Шайх Жалол* азалий ҳидоят сабабли кичик ёшида мажид қалам аҳли улуғлари сафидан ўрин олган отаси Хожа Муҳаммад бин Абдулмаликнинг равишидан тийиниб, ҳимматини таҳқиқ аҳли, яъни сўфию дарвешлар сулуки томон қаратди ва эътиқод қўлини ҳидоят насабли жаноб мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ружийга бериб, ихлос қадами билан нақшбандия тариқатига эргашди ва озгина вақт ичида жуда тараққий этиб, ички дунёсини илоҳий файзлар нурларидан зиёлантирди.

Сўнг ўша замонда ложувард осмон сояси остида унга ўхшаш бошқа бирон солиқ бўлмаган кароматли ҳазрат шайх Имоиддин Фазлуллоҳ Обивардий салтанат пойтахти Ҳиротга ташриф буюриб, шайх Жалолни шавқ жозибаси билан ўзи томонга тортди ва Обивардга олиб кетди. Шайх Жалол етти йилини ул

¹ 1523 йил.

ҳазрат суҳбатида ўтказди ва шундан сўнг туғилиб ўсган ватанига қайтиб келди. Ҳозир эса Ҳирот шаҳрида Жоме масжидида ҳафтада бир марта ваъз ва халқ насиҳатига машғул бўлиб, таъсирчан дарवेशона сўзлар билан осийлик саҳросининг кўпчиликлари чанқоқларини ҳидоятнинг ҳаёт суви сари элтмоқда.

Мавлоно Қосим Али мукаррам уламнинг улуғлари жумласидан ва зотий карам, туғма саховати билан ўзгалардан ажралиб туради. Болалик айёмининг ибтидосидан ва ўсиб-улғайиш бошидан бери ҳимматини доим нақлий ва ақлий илмлар касб этишига қаратмоқда. Заркублик ва заркашлик санъатидан ҳам ғоятда соҳиб вуқуфдир. Зухд, иршод, салоҳ сифати билан васф этилган. Ҳаж амалларини бажармоқ ва ҳазрат пайғамбарнинг (с.а.в.) муқаддас равзасини тавоф этмоқ шарафига эришди.

Ул жаноб Амирхон Мавсуллу Ҳиротда ҳукумат юргизишга машғул вақтда Малик Султон Маҳмуднинг даъватига биноан ватандан сафар йўсини билан чиқиб, Сейистон томонга юзланди ва ҳозиргача ўша шаҳарда сокин тураркан, катта иззат-ҳурмат билан ўқитиш ўриндиғида ўрнашиб ўтирибди.

Мавлоно Шамсиддин Баргаий мансур хоқон замонида асл ватани Озарбайжоннинг Барда шаҳридан Ҳиротга келиб, илм ўрганишга бошлади ва озгина вақт ичида камол даражасигача тараққий қилиб, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг файз асарли мазоридида мударрислик мансабига тайинланди. 916 йилда¹ эса Хуросондан ўз ватани Озарбайжон сари кетди. Эшитишимизча, ҳозир Ширвонда ўқитиш ишлари билан машғул экан.

Мавлоно Исмоил Табризий илму камолда мавлоно Шамсиддин Бардаининг яқинидир. У ҳам мазкур йилда Ҳиротдан ўз асл ватани Озарбайжон тарафга кетди.

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Табризий аниқ билувчи олимлар ва чуқур илми фозиллар қаторидан ўрин олган. Мазкур санада салтанат пойтахти Ҳиротдан Мовароуннаҳр томон кетиб, Убайдуллоҳхоннинг² ғамхўрлик назарига тушди ва садрлик мансаби билан боши осмон қадар кўтарилди. Аммо бир неча вақтдан

¹ 916 йил – 1510 йил 10 апрель – 1511 йил 31 март оралиғи.

² Убайдуллоҳхон бин Маҳмуд Султон (ваф. 1540 й.) кўзда тутилмоқда.

сўнг бу мансабидан истеъфо берди. Ҳозир ҳам ўша ўлкада сокин турибди ва ўқитиш ишларига машғулдир.

Мавлоно Асомиддин Иброҳим мавлоно Арабшоҳ Исфароинийнинг ўғли ва мавлоно Асомиддин Довуд Хофийнинг қизи томонидан неварасидир. Асомиддин Довуд Хофий Султон Маҳмуд Мирзонинг садри ва устоди эди.

Мавлоно Асомиддин Иброҳим таъб соғломлиги ва зеҳн ўткирлиги, маъқул илмлар мукамаллигию манқул фанларида маҳорати билан олий шонли уламнинг бошидир. Мансур хоқон замонида илм ўрганиб, ана шу мартабагача тараққий қилди ва Шохруҳ Мирзо мадрасасида мударрис бўлиб, ўқитиш эшикларини талабалар юзи сари очди. 926 йил ражаб ойида¹, бу ўринда ёзишимиз унчалик ўнғай бўлмаган айрим сабаблар юзага келганига кўра², салтанат пойтахти Ҳиротдан чиқиб, Бухорога кетди. Ҳозир³ ўша шаҳарда ватан тутган ва Убайдуллоҳхоннинг мўл-кўл инъому эҳсонидан ҳузур-ҳаловат топиб, баҳраманд бўлмоқда.⁴

Амир Жамолуддин Атоуллоҳнинг (Аллоҳ жонини соғ ва умрини узоқ қилсин) пок бўсағаси улуғ ва шарифзодаларнинг паноҳгоҳидир. Қалби Қуръони карим нурларидан баҳраманд ва пайғамбар сўзлари ҳадиси зиёсидан мунаввар. Кўнгли хазинаси илмлар жавоҳири билан лиммо-лим. Ул ҳазрат ҳам худди ўзининг бузруквор амакиси Амир Саййид Асилиддинга ўхшаб, ҳадис илмида олам аро тоқдир. Бошқа диний ва яқиний илмларда ҳам зўр муҳаддислардан ўзиб кетганлар.

Бир неча йил Султония мадрасасидаги ҳозир мансур хоқоннинг мақбараси бўлиб турган гумбазда ва Ихлосия хонақоҳида ўқитиш ишларини олиб бориб, ҳафтада бир марта эса, Ҳиротнинг Жоме масжидида йўл кўрсатиш, яъни азалий ҳидоят қалами билан ир-

¹ 926 йил ражаб ойи – 1520 йил 17 июнь – 16 июль.

² Зайниддин Восифий ёзишича, мавлоно Асомиддин Балх ҳокими Амир Дарвеш Алининг шахзода Иброҳим Ҳусайн Мирзога ёзган қалбаки хати учун муҳр ясаб берган ва шу сабабли юртдан чиқиб, Бухорога кетган.

³ 1523 йил кўзда тутилган.

⁴ Ҳасанхожа Нисорий ёзишича, мавлоно Асомиддин 1532 йилда Убайдуллоҳхон билан чиқиша олмай, Самарқандга бадарга қилинган ва ўша ерда вафот этган. Асарлари бизгача етиб келган.





шоду насиҳат нақшини улўғзодалар кўнгли лавҳига битиб юрган. Аммо ҳозир узлатда ўтириш ишқи билан бунга ўхшаш ишларга илтифот кўрсатмаяптилар ва барча вақтини тоат-ибодатга фарқ қилиб, охират бойлигини жамлаш билан машғул эрурлар. Атоқли султонлар ва ислом ҳоқимлари ул ҳазратга кўп эътиқод билан хизмат қиладилар.

Жаноб Жамолiddин Атоуллоҳ қаламига мансуб китоблардан «Равзат ул-аҳбоб фи сийрат ун-наби ва ол вал-асҳоб» асари жаҳон аро машҳур бўлиб, бундай китоб яратилишини ақлга сиймайдиган ҳолат сифатида баҳолайдилар.

Ул ҳазратнинг «Миракшоҳ» лақаби билан танилган етук ўғли **амир Насимуддин Муҳаммад** ҳам илму фанлар, айниқса ҳадис илмида замон яғонаси эрурлар. Ҳазрати воқифнинг¹ (*галлилари Аллоҳнинг нурига кўмилсин*) тайинлаши туфайли мазкур мақбарада бузруквор отаси ўрнига ўтириб, дарс ва ўқитиш ишига машғул бўлмоқдалар.

Хожа Абдурахмоннинг мажид отаси қози Хожа Калон кўп йиллар Ҳиротда мансур хоқоннинг фармонида биноан қозилик қилди. Қози бўлганда ҳам ҳукми ўта даражада нуфузли бўлиб, кишиларнинг ишларини ислом уламолари фатвоси бўйича адолат билан ҳал қиларди.

Жаноб Хожа Абдурахмон ҳам Муҳаммадхон Шайбоний давлати айёмида икки йил қозилик мансабига мансуб бўлиб, отаси ўрнига ўринбосар ва Гавҳаршод Оғо мадрасасида ўқитувчи бўлди. Ҳақиқатан ҳам Хожа Абдурахмон турли илмлар ва ҳар хил фазллардан тўла баҳраманддир. Аммо ўта юмшоқлиги ва камтарлигию бахту толе йўқлиги сабабли ушбу кунларда омадсиз бир тарзда ўта паришонлик ва камбағалликда ҳаёт кечирмоқда.

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад ал-Ҳанафий таъб софлиги ва зеҳн ўткирлигию кўп илмларни эгаллагани туфайли ўз замонасининг яғонаси. Ўта зуҳд ва тақвода умр кечириб, дину диёнатнинг барча шартларини тўла адо этмоқда. Султония мадрасасидаги бир суфа мударрислиги ул жанобга тааллуқдидир ва

¹ Ҳазрати воқиф — хайрия ишларини бажарувчи. Бу ерда вазир Ҳабибуллоҳ Соважий кўзда тутилган.



Ҳиротнинг кўпчилик талабалари шу дарсга қатнаб, мавлононинг кўлланма аломатли фикрлари мевасидан баҳра оладилар.

Хожа Зиёуддин Мирамнинг олий зотли отаси Хожа Алоиддин жаноблари Хожа Афзалиддин Муҳаммад Кермонийнинг акаси эди ва йиллар давомида ҳокиму султонларнинг вазири бўлганди. Жаноб Хожа Зиёуддин Мирам Амир Султон Иброҳим Амийнинг она бир укасидир. Таъб соғломлиги, зеҳн ўткирлиги туфайли фазилатлар орттирган. Ўта синчковлиги орқасида ҳисоб-китоб илми бўлмиш сиёқ фанида маҳорат кўрсатиб, ҳамиша ҳимматини девонликнинг катта ишларини буткариш сари қаратади. Ҳазил ва мазахга ниҳоятда ўч. Яхши хулқ-атвори ҳам офизга тушган. Хожа Мирамнинг тотли шеърлари тиниқ сўзлар ва аниқ маънолар билан безанган бўлиб, халқ орасида машҳурдир.

Мавлоно Камолуддин Шохҳусайн Комий ёшлик айёмида ва ўспиринлик давронида дунёвий фазлларни ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Шеър назми ва муаммо фанида қадру ўрни пояси сўзга безак берувчи фозиллардан ошиб кетди. Амир Низомиддин Алишернинг ул жанобга нисбатан илтифоти чексиз эди ва доим инъому эҳсон эшикларини унинг турмуши юзи сари очарди. Ҳозир мавлоно Камолиддин Шохҳусайн Убаҳ қасабасида ватан тутган ва деҳқончилик орқасидан тирикчилик қилмоқда.

Мавлоно Жалолуддин Муҳаммад Огаҳий ота томондан мавлоно Жалолиддин Муҳаммад қозининг набирасидир. Она томондан эса шайх Зайниддин Хофийнинг авлодларидан ҳисобланади. Ул жаноб ўз фаолияти бошида Шох, Ғариб Мирзонинг хизматини қиларди ва шу шаҳзоданинг инъому эҳсон дастурхонидан баҳраманд бўларди. Бу ерда ёзилиши муносиб кўрилмаган сабаблардан бирига кўра, шаҳзода уни хизматдан бўшатди. Жаноб мавлавий шундан сўнг бир неча вақт Хуросоннинг ён-теварак шаҳарларида саргардон ва сарсон умр кечирди.

Ул мулклар шох Исмоилнинг эгаллаш доирасига киргач, мавлоно Огаҳий Ҳиротга келиб, сокин турди. Аммо ҳеч бир кимса унинг ҳолидан хабар олмади. Шунга кўра 926 йили¹ Ҳиротнинг барча ҳокиму амиру саййиду олиму шарифу аъёнларини танқид

¹ 926 йил – 1520 йил.

тиғи остига олган «Шахрошуб» қасидасини назм қилди ва ул асарини ўша пайтларда Хуросон волийси бўлиб турган Амирхоннинг арзига етказди. Аммо Амирхон айрим ноиблар ифвоси билан мавлоно Огаҳийнинг қўли ва тилини кесишга ҳукм берди. Қизиги шундаки, бу воқеа амалга ошганига қарамай, жаноб мавлавий ҳозир¹ ҳам фасоҳатли тил билан гапириб ва илгаригидек, тилни ҳазил-мазахла шеър назмига чоғлаб юрибди.

Ҳофиз Али таъб соғломлиги ва яхши хулқи билан танилган ҳамда бир неча йил Абу Туроб Мирзонинг садрлик ва устодлиги мансабида турган мавлоно Нуриддин Муҳаммад Фуриёнийнинг ўғлидир. Ҳофиз Али ҳам шеър ёзади. Турли хил ҳуснихатни яхши битади. Аруз илми ва ашъор саноесида кўп моҳир. Хожа Салмон Соважийнинг масну қасидасига уч-тўрт марта татаббу битиб, ул қасиданинг саноесига бир неча санъат қўшган.

Мавлоно Ҳасанали фасих тилли фузало ва малиҳ баёнли сўзамоллар қаторидан ўрин олган. Илмнинг айримларини ҳам мутолаа қилган. Доим тиниқ шеърлар назм қилади ва кўплаб рубоийлар ёзади.

Мавлоно Шаҳобиддин Аҳмад ал-Ҳақирий таъб латифлиги ва зеҳн софлиги билан машҳур ва шеър, муаммо фанида таниқлидир. Кўпчилик илмий китобларни ўқиб-ўзлаштирган. Муаммо қоидалари баёни ва тушунчаси ҳақида жуда ажойиб бир рисола назм қилган. Қасида ва ғазал ёзишда ҳам ўта маҳоратга эга. Ушбу кунларда² ҳамиша мамлакат паноҳди ҳазрат Ҳабибуллоҳ Соважий жаноблари мадҳида ажойиб ашъор битиб юрибди.

Мавлоно Нуриддин Ҳилолий замон шоирларининг сараси ва даврон сўзамоллари пешвосидир. Қасида, ғазал ва маснавийлари кўпинча жуда тиниқ ва латофатли чиқади. Ул жаноб кўпгина илмларни ҳам ўзлаштирган. Соғлом фикри мевалари жумласидан «Шоҳ ва дарвеш», «Сифот ул-ошиқин», «Лайли ва Мажнун» асарлари ҳамда қасида ва ғазаллар девонию рубоийлари халқ орасида машҳурдир.

¹ 1523 йил кўзда тутилмоқда.

² 1523 йил.



Мавлоно Зулолий баён фасоҳати ва лисон тиниқлиги, фаҳм соғломлиги ва таъб латофати билан васф этилган. Замона шоирлари ўртасида муқаррам ахлоқ ва чиройли одоб билан ҳам танилган. Бошқа шеърлардан кўра кўпроқ қасида ва ғазаллар ёзади.

Мавлоно Мажнун мавлоно Камолиддин Маҳмуд Рафиқийнинг ўғли бўлиб, отаси ҳуснихат соҳаси ва таъб соғломлигида мақталган эди. Мавлоно Мажнун ниҳоятда дарвешваш ва фаний машрабдир. Шеърлари жуда тиниқ ва равон чиқади.

Устоз Камолиддин Беҳзод суратлар жамолининг намойишгоҳи бўлиб, Моний рақамли қалами санъатининг нодир намуналари олам мусаввирларининг иши устидан йўқлик чизигини тортувчи, мўъжиза қилиқли бармоқлари бани Одам санъаткорлари тасвиротини тирилтиргувчидир.

Байт:

Мўйқаламда шундай устомон:
Жонсиз нарса ундан топар жон.

Жаноб устоз Беҳзод бу мартабага Амир Низомиддин Алишернинг тарбияти шарофати ва риояти барокати туфайли тараққий қилди. Ҳазрат мансур хоқоннинг ҳам ул жанобга илтифот ва инояти жуда кўп эди. Ҳозир ҳам пок эътиқодли ул аср нодир таниқли султонлар марҳамати назарига манзур ва ислом ҳокимларининг ғамхўрлигию меҳр-муҳаббатидан баҳраманддир.

Мисра:

Шубҳасиз ҳамиша шундай бўлажак.

Мавлоно Султон Муҳаммад бин мавлоно Нуруллоҳ замоннинг насхталикда хат битувчилари бошлиғи, чиройли хулқатвор ва ширин гуфторда даврон аёнлари сараси эди.

Мавлоно Султон Муҳаммад Хангон ҳуснихат кишиси бўлиши билан бирга, таъб соғломлиги билан ҳам тавсифланган ва айш-ҳузур аҳли суҳбатига ниҳоятда ошифтадир. Ҳозир¹ Ҳирот

¹ 1523 йил.



шаҳрида ватан тутган ва гоҳи ҳимматини шариф китобларни кўчириб ёзиш сари қаратади.

Яширин қолмасинки, мансур хоқон замонида фузало табақаси, санъат аҳлию шуаро тоифаси ҳамда билимдон донишвар одамлар салтанат пойтахти Ҳиротда ва мамлакат вилоятларида жуда кўп миқдорда ватан тутиб, ул ҳукмдорнинг тарбият ва риояти соясида тинч-осойишта яшар эдилар. Уларнинг барчасини зикр этмоқ гапнинг чўзилиб кетишига сабаб бўлажаги учун бу мақтов услубли ишдан тийиниб, ночор сўз қадовчи қалам баён жиловини ул адолат зотли подшоҳ, яъни мансур хоқоннинг етук ўғиллари аҳволдан бир бўлаги зикри томон буради ва Муҳаммадхон Шайбоний давлати байроғининг Хуросон вилоятида кўтарилгани кайфиятини арз баркашига қўяди.

Маснавий:

Истиқболда иши кўп қалам,
Лек ёзмоққа мадор менда кам.
Илоҳий лутф-рахбар бор бўлсин,
Қаламимга омад ёр бўлсин.
Бу дostonим топсин ниҳоя,
Сўнгра бошлай бошқа ҳикоя.

**СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН МИРЗО ВА
АБУЛМАНСУР МУЗАФФАР ҲУСАЙН
ГУРАГОННИНГ ЖАННАТМАКОН
АЪЛОҲАЗРАТ МАНСУР ХОҚОН
ДАВЛАТИНИНГ УСТУНЛАРИ БИРДАМЛИГИ
БИЛАН САЛТАНАТ ВА ЖАҲОНБОНЛИҚ
МАНСАБИДА ШЕРИК БЎЛГАНЛАРИ БАЁНИ**

Илмми оқилларнинг нурли кўнгиллари ойнасида ушбу сўз ҳақиқати тасвир топажакким, подшоҳларга нисбатан «Аллоҳнинг ердаги сояси» иборасини қўллашнинг маъноси шундаки, илоҳиёт корхонасида яратиладиган ҳар бир нарсадан бирор намуна салтанат ишида ҳам вужудга келади. Демак, модомики, ҳазрат худованднинг (*шавкати буюкдир*) тенгсиз зоти шерикчилик доғидан

пок ва тоза экан, пок парвардигорнинг барокатли вужуди сояси бўла олмоқ ҳамда қўлидан келгунча подшоҳлик ишларини бутлай олмоқ учун подшоҳ ҳашаматининг сояси ҳам шериклик айбидан покиза ва холи бўлиши лозим.

Мисра:

Султон битта бўлур, Худо ҳам битта.

Агар бу маънонинг тескариси ўлароқ бир шаҳар ва мамлакатда халқ ва қўшинга бошчилик қилишда икки ёки ундан ортиқ киши шерикчилик қилса, ҳар қалай «агар осмону заминда Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида ҳар иккиси бузилиб кетарди»¹ каримасига асосан тез вақт ичида мулку мол ишлари халал топади ва фитнаю фасод учқунлари аҳоли турмуши боши ва шаҳарлар ён-тевараги бўйлаб сачрайди.

Мисра:

Вафо бўлур икки подшоҳ бир юртда турса.

Султон Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзонинг мағфиратли мансур хоқон вафотидан сўнг шерикликда тахтга ўтиргани воқеаси шу гапга шоҳиддир.

Бу воқеа шарҳи шуки, олий манзилат шаҳзодалар ва амирлар, давлат устунлари ҳазрат мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг таъзиясидан чиққач, Бадиуззамон Мирзони мустақил равишда салтанат мансабига мутасадди қиламизми ёки Музаффар Ҳусайн Мирзони бу ишда ул ҳазратга шерик қиламизми, деган маслаҳат билан анжуманлар ўтказишди. Фаросат ва доноликда бошқалардан устун турувчи айрим ақли кишилар лутф қалами билан барчанинг кўнгли саҳифасига «яхшиси шуки, мансур хоқоннинг тўнғич ўғли ва фарзандлар ичида ёши каттаси бўлган ҳамда ҳийласиз вужуди карам ва эҳсон биносини тиклашда туғма саналмиш Султон Бадиуззамон Мирзо мустақил равишда подшоҳ бўлсин ва Музаффар Ҳусайн Мирзога нисбатан дўстлик ва ака-укалик йўлини тутиб, Хуросон мамлакатларидан биттасини унга топширсин, токи, ён-теварақ вилоятлар-

¹ Қуръони карим, Анбиё (21) сураси, 22-оят.



да бошқарувга машғул бошқа шаҳзодалар итоат қадами билан юриб, мустақиллик хаёлини кўнгиллари яқинига йўлатмағайлар» деган сўзларни битдилар.

Узоқни ўйламайдиган айрим калтафаҳмлар эса бу фикрни ёқтирмадилар ва тескаричилик ёнини олиб «шуниси муносиб кўринмоқдаки, иккала оға-ини бир-бири билан келишган ҳолда салтанат ишини уддалашни зиммага олсинлар ва хутбаю тангада акаси номи ёнига Музаффар Ҳусайн Мирзонинг исми ҳам тир-калсин, токи, тарафлар ўртасида ёмон кишилар қутқуси билан қарама-қаршилик келиб чиқмасин ва бегоналар учун мамлакат ишида аралашув мажоли қолмасин» дедилар.

Мисра:

Биргалиқда жаҳонни ҳам олса бўлади.

Бу борада тортишув ва мунозаралар анча чўзилиб, Музаффар Ҳусайн Мирзонинг онаси, яъни саройда тўла эътибор ва ихтиёр эгаси бўлмиш маҳди улё Ҳадичабеги Оғо ҳамда Амир Шужоиддин Муҳаммад Бурундук Барлоснинг ўғиллари, айниқса, Мирзо Алибек Бадиуззамон Мирзонинг подшоҳлик ишига мустақил равишда мутасадди бўлишига мутлақо рози бўлмадилар.

Ўша вақтда кўпчилик қўшинлар мазкур маҳди улё ва барлос амирларига тобе бўлгани сабабли шерикчилик масаласи маъқулланиб, 911 йил зулҳижжа ойининг¹ охириги жума куниси Ҳиротнинг Жоме масжидида хутба иккала шаҳзода номига ўқилди ва, шунингдек, битта тангага иккита подшоҳ номи ўйилиб, тангалар юзи ана шу икки шаҳзоданинг атоқли исми билан безанди.

Ҳирот шаҳрининг барча туман ва устахоналари тақсимланиб, ярми Султон Бадиуззамон Мирзонинг девонига ўтказилди, ярми эса Музаффар Ҳусайн Мирзонинг девонига кирди. Тасарруфларида бўлган бошқа вилоятлар ҳам шу зайл бўлиб берилиб, давлатга қаршли вақфларнинг ярми Бадиуззамон Мирзонинг садрлари назорати остига киритилиб, қолган ярми Музаффар Ҳусайн Мирзонинг садрлари қўлига ўтди.

¹ 911 йил зулҳижжа — 1506 йил 25 апрель — 24 май оралиғи.



Пойтахт Ҳиротнинг ҳукумат ва доруғалик мансабини Султон Бадиуззамон томонидан Амир Низомиддин Шайх Али *Toғай* бошқарадиган бўлиб, Музаффар Ҳусайн Мирзо қўйган Амир Юсуф Али Кўкалтош бу мансабга шерик сифатида тайинланди. Муҳаммад Лакур Амир Шайх Алининг маъқуллови, Маҳмуд Мазанг эса Амир Юсуфнинг таклифи билан шахналик ишига тайин этилдилар. Бадиуззамон Мирзонинг амирлари қаторида турган Амир Низомиддин Дарвешбек *Туркман* Ихтиёридин қалъасининг кутволи бўлди. Тирату қалъасининг ихтиёр жилови Музаффар Ҳусайн Мирзо Гурагоннинг фармонига биноан Амир Зайниддин Алининг кифоятли қўлига топширилди.

Шунга қиёс қилинса, мағфиратли хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг амиру вазирларидан бир бўлаги Султон Бадиуззамон Мирзонинг мулозиматига кирган бўлишса, баъзилари Абулмансур Музаффар Ҳусайн Мирзо Гурагоннинг хизматига ўтдилар. Айримлар эса ҳар иккала подшоҳнинг ҳам хизматига бел боғлаб туришди.

Хожа Ҳожи Муҳаммад Қўҳдистоний ва Хожа Малик Носириддин Туний Бадиуззамон Мирзонинг девонида муҳр босдилар. Уларнинг бош девони Хожа Муизиддин Ҳусайн ва Хожа Камолиддин Муҳаммад бўлишди. Бадиуззамон Мирзо давлатидаги садрлик мансаби илгариги қоидага биноан ушбу сатрлар қораловчиси¹ ва мавлоно Фиёсиддин Жамшид Жалолийга топширилди.

Музаффар Ҳусайн Мирзонинг вазирлик иши Хожа Кутбиддин Яҳё ва Дарвеш Аҳмадга берилди. Уларнинг девонбегиси қилиб Хожа Қавомиддин Жаъфар тайинланди. Ул саркор шаҳзодаининг садрлик мансаби Амир Садриддин Султон Иброҳим Амийн ва мавлоно Низомиддин Шохмуҳаммадга берилди. Хуллас, ул икки саодатли подшоҳ бир қанча ой шу тартиб ва қоида билан Ҳиротда ўтирган кўйи халқ ва қўшинга подшоҳлик қилдилар ва бир-бири билан келишиб, адолат ва инсоф эшикларини халқ юзи сари очдилар.

Аммо бу хабарлар бошқа шаҳзодалар қулоғига етгач «агар ҳар жиҳатдан мартабаси улуғ бўлмиш Султон Бадиуззамон Мирзо мустақил равишда подшоҳлик мансабига мутасаддилик қилганда

¹ «Ҳабиб ус-сийар» муаллифи Хондамир кўзда тутилмоқда.



эди, биз учун унга итоат ва давлатхоҳлик қилишдан ўзга чора қолмасди. Бироқ бу ишда ул ҳазратга Музаффар Ҳусайн Мирзо шерикчилик қилаётган экан, унақада ҳеч кимга итоат этмаганимиз бўлсин» дея, ҳар ким ўзича мустақилликдан сўзлаб, ўзлари ўтирган мамлакатларда хутбани ўз номига ўқитдилар. Не илож, кўп ўтмай мансур хоқон ўфилларининг ҳукумат қасри устунлари қаттиқ қимирлаб, Хуросон ўлкаси салтанати саройининг калитлари бегоналарнинг қудрат қўлига кирди. Бу ҳақда, иншооллоҳ, шу яқин орада ҳикоя қилинади.

**АМИР МУБОРИЗИДДИН МУҲАММАД
ВАЛИБЕКНИНГ ИХТИЁРИДДИН
ҚАЛЪАСИДА ТУТҚУН ВА ИХТИЁРСИЗ
БЎЛГАНИ ҲАМДА УЛ ЖАНОБНИНГ
ҲАЙРАТЛАНУВЧИЛАР ДАЛИЛИ ИНОЯТИ
БИЛАН БУ МАҲБУСЛИҚДАН ҚОЧИБ
ҚУТУЛГАНИ ЗИКРИ**

Фирдавс маконли хоқон Султон Ҳусайн Мирзо Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекни кўп лутфу иноятлар билан сийлаган ва чексиз марҳамату тарбият билан бошини баланд қилиб, ҳам молия девонида, ҳам тавочи девонида қўлига муҳр бериб қўйган эди. Бу иккита юқори мансаблар устига Ҳиротнинг ҳокимлик ва доруғалигини ҳам қўшиб берганди. Шу туфайли сарой муншийлари бажарилиши шарт фармонга кўра қутлуғ нишонларда бу амир исми ёнига «рўзафзун»¹ сўзини қўшиб ёзардилар.

Хоқони мағфур Султон Ҳусайн Мирзонинг мақтов сифатли ҳаётининг охирларида эса бир неча йил мулку молия ишлари ихтиёри жиловни бутунлай эркин равишда ул жанобнинг иқтидорли қўлида бўлди. Шунинг орқасида кўпчилик мансабдорларнинг зотида бўладиган рашк ва ҳасад ўти давлатнинг бошқа устунлари, айниқса, Амир Муҳаммад Бурундук Барлоснинг ички ўчоғига тушди. Бор кучини чақимчилик ва ифво шамоли билан

¹ Рўзафзун — кундан-кун юксалувчи; бахтли.



ул жанобнинг мақсади ҳосиллик ниҳоли, балки ҳаёти дарахтини қуритиш ва тароватсиз қилишга, унинг эътибор ва ихтиёр ариғини тубанлик ва пасткашлик тупроғи билан кўмиб, мулку мол ишлари жilовини ўз қўлларига олишга қаратдилар. Аммо фирдавсмакон хоқоннинг подшоҳлиги замонида ифвогарларнинг тадбир ва ҳийла ўқи сира ҳам мурод нишонига тегмади.

Султон Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайн Мирзонинг подшоҳлиги айёми бошларида қаттиқ тиришқоқлик билан тилни яна чақимчилик учун чоғладилар ва бу гал сўзлари натижа берди. Гаплари кор қилгани сабаби шунда бўлдики, мансур хоқон давлатининг устунлари ва шаҳзодаларнинг амирлари подшоҳлик иши қарори борасида маслаҳатлашиб турган пайтларида Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек бир-икки марта «муносиби шуки, Султон Бадиуззамон Мирзо мустақил равишда отаси ўрнига қолсин, Музаффар Ҳусайн Мирзо эса унга тобе бўлсин, токи бошқа шаҳзодалар ҳам ул ҳазратга тақлид қилиб, итоат ва келишув қадамини ташлагайлар, тескаричилиқни ўйламагайлар» деган эди. Шу жиҳатдан Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекка нисбатан табиати ўзгарган эди. *Барлос* амирларининг қутқуси бўлажак сабабга қувват бериб, шаҳзода мазкур амирлар ва юрагида Амир Муҳаммадга қарши гина-кудурат сақлаб юрган бошқа кишилар билан тил бириктириб, Бадиуззамон Мирзо арзига «Муҳаммад Валибек ихлос юзасидан хизмат қилаётгани йўқ, кўнглида Кепак Мирзо олдига қочиш нияти бор» деган ифво гапларни етказдилар.

Бадиуззамон Мирзо ҳақиқатни аниқ билгани сабабли ҳеч кимнинг Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекка тегишини истамасди. Шу сабабли дастлаб укаси ва *барлослар*нинг ризолигини топиш мулоҳазаси орқасида ўзини бу гапга ишонгандай қилиб кўрсатгани билан бирон ёмон ишга қўл урмаган эса-да, аммо подшоҳлик тахтига ўтирган ҳафтаси амирни ушлашга фармон берди.

Жаҳоноро боғида кенгаш мажлисида амирни тутиб, ўша кунни кўшк хоналаридан бирига қамаб қўйдилар. Тақдир буйруғини бажарувчи жисмлар нурафшон қуёшни айланувчи осмон



қасридан мағриб ниҳонхонасига етказганларида, Султон Бадиуззамон Мирзонинг ишончли кишиларидан бир гуруҳи Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекни Жаҳоноро боғи кўшиқдан Ихтиёриддин қалъасига элтдилар ва Амир Низомиддин Дарвешбекка топширдилар. Ўша куни ҳар иккала саркор наввобнинг¹ амирлари ва девон амалдорлари жаноб амирни мусодара қилиб, буюм ва ашёларини хатга олишга киришдилар. Нимани қўлга киритган бўлсалар, икки ўртада бўлишиб олдилар.

Амир Муҳаммад Валибекнинг қамоққа олиниб, мусодара қилиниши мансур хоқон вафотидан кейин шаҳзодалар тарафидан йўл қўйилган хатоларнинг биринчиси бўлди. Чунки ул амир жаноблари ўз бойлиги, қудрати ва шижоатли навкарларининг кўплиги жиҳатидан бошқа амиру давлат устунларининг кўпчилигидан жуда устун эди. Қамоққа солингач, барча буюм ва ашё, пул сингари бойлиги кимларнингдир қўлига тушиб, йўқолиб кетди. Сони беш юз нафарга етувчи шижоатли навкарлари ҳам ҳар тарафга тарқалиб кетишди.

Алқисса, Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек бир неча кун Ихтиёриддин қалъасида ўтиргач, барча ҳимматини ўзининг тутқунликдан қутулишига қаратди ва шу борада тўғри бир фикр ўйлаб, дўстларидан биттасига бир товоқ қанд ҳолваси пишириб, унга қорадори аралаштириб, қалъага юборишини айттирди.

Ул шахс буйруққа амал қилди. Амир Муҳаммад ҳолваларни ўзини қўриқлаб турган гуруҳ, олдига юборди. Соқчилар ҳолваларнинг барчасини зўр иштаҳа билан паққос тушириб, бирор дақиқалардан сўнг шундай уйқуга кетишдики, эртасигача бедорлик ва уйғоқлик оламига қайтиб кела олмадилар.

Амир Муҳаммад Валибек фурсатни ғанимат билиб, ярим кечаси Юсуф исмли узангичи билан қалъанинг шаҳар томонидан бозорга уланувчи дарвозасига борди ва арқонга осилиб пастга тушди. Сўнг мулозимлари тайёр қилиб турган елдек учар отга минди ва елу яшиндан тез юришни қарз олиб, йўналиш юзини Разавиянинг муқаддас Машҳади сари қаратди.

¹ Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Хусайн Мирзо кўзда тутилган.

Эртаси кунни тонгда Ихтиёрдин қалъаси қўриқчилари кўзларини ноз уйқудан очиб қарашса, Амир Муҳаммад Валибекдан асар ҳам йўқ. Амирни излаб топа олмай ва у ҳақда бирон хабар ҳам эшита олмай, ҳайрат денгизига чўқдилар. Амир Низомиддин Дарвешбек Султон Бадиуззамон Мирзонинг олдига чиқиб, қаттиқ хижолат ва пушаймонлик ичра воқеани сўзлаб берди ва ўша кунинёқ кутволликдан бўшатилиб, Амир Низомиддин Ошиқ Муҳаммад Кўкалтош унинг ўрнига чиқди.

Амир Муҳаммад Валибек уч кун ичида ул узоқ масофани кўпчиликка таниш бўлмаган йўл орқали босиб ўтди. Мақсаддаги манзилга етгач, Кепак Мирзо Амир Муҳаммад Валибекнинг қадамини давлат ва иқболнинг кўпайиши муқаддимаси ўрнида билиб, уни ўзининг музаффар байроқли шаҳзодалиги обрўсига ярашиқ бўла оладиган даражадаги қимматбаҳо тўнлар, сонсаноксиз тилло танга, осмон қудратли отлар, тоғдек туялар, чодир, ўтов ва бошқа буюмлар инъоми билан сарафроз қилди. Ўзининг мағфиратли отаси дастурича ҳар икки девонда ҳам муҳриноят этди ва «амирлар девони ва тавочию молия девонидагилар жаноб Амир Валибек кўрсатма ва рухсат бермагунича ҳеч бир ишни ўзбошимчалик билан ҳал қилмасинлар» дея буйруқ берди. Шу зайл Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек яна бир бор эмин-эркинликда девон амирлиги мансабига ўтирди ва ҳолу қол тили билан қудратли қодир эгамга шукрлар айтди.

ЭЛОМОННИНГ¹ МУҲАММАДХОН ШАЙБОНИЙ ФАРМОНИ БИЛАН ЖАЙҲУН ДАРЁСИДАН ЎТГАНИ ВА АМИР ШУЖОИДДИН ЗУННУН АРҒУН ҚИЛИЧИ ЗАРБАСИ ТУФАЙЛИ ЕНГИЛГАНИ ЗИКРИ

Мансур хоқоннинг кечирувчи подшоҳ раҳмати ёнига кетгани хабари узоқ-яқиндагиларнинг хуш қулоғига етган пайтда, йиллар давомида шундай кунни кутиб ўтирган Муҳаммадхон

¹ Эломон – «Мусаххир ил-билод» асарида бу ном «Эломон Баҳодир» шаклида берилган.

Шайбоний Эломонни шижоат аломатли қўшинидан бир тўдаси билан Эрон вилоятларини босқин-чопқин қилишга жўнатди. У ҳам Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, Мурғоб дарёси бўйига ерларни талон-торож супургуси билан тозалаб, ҳамма ёқни шипшийдан қилди. Қўшинидан бир тўпини эса Марвруддан дарёсидан ўтказиб, Бодғис теграсида ҳам қатл ва ғорат товушларини осмонга ўрлатди.

912 йил муҳаррам ойи бошларида¹ бу воқеа Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзонинг қулоғига етиб, улар Шайбонийхоннинг ўзи Амуя ва Мурғоб дарёларидан ўтиб, салтанат пойтахти Ҳиротни эгаллаш учун келибди, деб ўйлашди. Шунга кўра юракларини азим бир хавотир ва қўрқинч чулғаб олди. Аммо воқеанинг ҳақиқати аён бўлгач, улуғ амирлардан бир нечасини лашкардан бир тўдаси билан бирга Эломоннинг босқин ишига барҳам бериш учун тайинлашга қарор қилдилар.

Аммо ҳали давлат устунларидан биронтаси бу вазифа кафолатини ўз зиммасига олмасдан туриб, уруш тўқайининг арслони Амир Шужоиддин Зуннун Арғун Ғур, Сохар, Қандаҳор, Заминдовар қўшинидан ўн-ўн икки минг нафар аскар билан мазкур ойнинг ўрталарида² Ҳиротруд орқали Ҳиротнинг ташқарисига келиб тушди. Чунки Бадиуззамон Мирзо мағфиратли хоқон ўлганидан сўнг шамол ва сабога тизгиндош бир чопарни Амир Зуннун олдига жўнатган ва унинг салтанат пойтахти томонга келиши борасида фармон берган эди.

Амир Зуннун Султон Бадиуззамон Мирзо ва Абулмансур Музаффар Ҳусайн Мирзонинг мулоқоти шарафига эришгач ва Эломоннинг ўзбек аскарлари билан бирга Мурғоб дарёси бўйига келганидан хабар топгач, бир неча кун дам олмасдан ва йўл чарчоқларини чиқармасдан ҳам туриб, Амир Султон Боязид Барлосни ўзига қўшиб, Марвчоқ томонга илғор солиб кетди.

Мовароуннаҳр қўшини ул Баҳром қаҳрли Амир яқинлашганидан хабар топиб, Зардак Чўли йўли орқали ўз юртлари сари йўналиш туғларини кўтардилар. Амир Зуннун эса уларни таъқиб

¹ 912 йил муҳаррам ойи боши — 1506 йил 24 май.

² 912 йил муҳаррам ойи ўртаси — 1506 йил 9 июнь.



қилганча мазкур биёбонга кириб, ўзбеклар кетидан етиб олди ва адоват қиличини қасос қинидан чиқариб, ул жамоадан юз нафарга яқин кишини ҳалокат тупроғи узра қулатди. Бошқа яна олтмиш-етмиш кишини асир олиб, қайтиш байроғини кўтарди ҳамда музаффар ва мансур ҳолда улуғ султонлар тахти пойига келиб, турли-туман меҳрибонлик ва инъомларга эришди.

Ўша вақтда ул жанобнинг атоқли ўғиллари Шужобек ва Амир Муҳаммад Муқим *Арғун* ҳам Қандаҳор ва Заминдовардан келиб, Бадиуззамон Мирзонинг мулоқотига етишдилар ва палос ўпишлик шарафини топиб, хилма-хил сийлов ва инъомлар билан сарафроз бўлдилар.

ХУРОСОН СУЛТОНЛАРИНИНГ ШАЙБОНИЙХОН БИЛАН ТЎҚНАШИШ ВА УРУШ-САВАШ СОЛИШ УЧУН ҚЎЗҒАЛГАНИ ЗИКРИ

Муҳаммадхон Шайбоний мансур хоқон Султон Хусайн Мирзонинг мангу олам сари кетганидан¹ хабар топгач, Хуросонни эгалламоқ фикрига тушиб, ул вилоятлардаги аҳвол ва вазиятдан хабардор бўлиш мақсадида мавлоно Хитой номли бир кишисини элчилик расми билан салтанат уйи Ҳиротга юборди.

Мавлоно Хитой Боғи Жаҳоноро сайхонлигида Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Хусайн Гурагоннинг шукуҳ далолатли палосини ўпиш шарафини топиб, олиб келган мактуби мазмунини қуйидагича арзга етказди: Элчилик мақсади шуқим, Шайбонийхон «Сизларнинг ота-бобонгиз ҳамиша бирор воқеа рўй бериб, ҳодисалар машаққати гирдобида қолишса, бизнинг олийшонли хоқонларимизга мурожаат қилиб, итоат шартларини бажо келтирганлар. Энг яхшиси шуки, сиз ҳам ота-боболарингизнинг ойдин анъаналарини давом эттириб, қарама-қаршилик эшикларини бекитиб ташланг-да, келишувнинг тўғри йўлидан оғишманг ва сира ундан ташқари қадам босманг, токи, мам-

¹ Бу воқеа 911 йил ўн биринчи зулҳижжа (1506 йил 6 май)да рўй берган эди.

лакат майдони маъмур ва ободдигича қолиб, барчани яратган холиқнинг омонати бўлмиш халқ нусрат асарли аскарларга оёк ости бўлмасин» демоқда.

Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Гурагон Шайбонийхоннинг бу элчи юборишдан нияти нималигини англаганлари учун бул сўзларга жавоб бериш ва элчини изига қайтаришни орқага суриб, Хуросоннинг ён-атрофига чопарлар юбориб, шаҳзодалар ва зафар юришли қўшиннинг йиғилиши борасида фармон бердилар.

Шу гаплар бўлиб турган пайтда қуббатулислом Балх ҳоқими Амир Султон Қуланжоқ олдидан элчилар келиб, унинг «Муҳаммадхон Шайбонийнинг найсоний булут ёмғири томчилари сонича лашкар билан Балх шаҳри атрофини ғалаба яқунли байроқ ва туғлар марказига айлантирган кўйи қамалга машғул экани, аксига олиб, шаҳар аҳолиси қўлида ғамлаб қўйилган ғалла қолмагани ва озик-овқат йўқлиги кабилар қўшин аҳлини йўқлик сарҳадига етаклади, умид шулким, ҳазратлар биргалиқда бу ҳудудга йўналсалар, то ўзбек лашкари ҳужуми даф этилиб, осойишталик нурлари бу шаҳар халқининг ҳаёт саҳифаси узра ёғду сочса» деган илтимосини етказдилар.

Султон Бадиуззамон Мирзо ва Абулмансур Музаффар Ҳусайн Мирзо бу хабарни эшитгандан кейин амирлар ва аркони давлат билан кенгашиб, Шайбонийхон билан урушишга қарор қилдилар. Яна янгидан шаҳзодаларни йиғиш учун Хуросон диёри ён-теварагига чопарлар жўнатдилар. Ниҳоят мазкур йилнинг куз фасли бошида¹ салтанат пойтахти Ҳиротдан нусрат аломатли байроқларни қуббатулислом Балх томон кўтардилар ва мавқаблар отлари чангидан ой ва қуёш чехрасини қорайтириб, осмонда милт-милт этаётган юдузлар кўзини эса хира торттирдилар.

Назм:

Олийжаноб шоҳлар йўлга тушдилар,
Олди ортларида беҳисоб лашкар.
Аллоҳ фазли била улар шод-хуррам,
Зафар – хизматдаю, иқбол – ёр-ҳамдам.

¹ Аслида 912 йил ёз фасли кўзда тутилмоқда, бу мелодда 1506 йил ёзига тўғри келади.

Чиҳилдухтарон атрофи шаҳзодаларнинг кавкаб мартабали мавкаблари чангидан мушк сочувчи бўлгач, Абулмуҳсин Мирзо нусрат асарли лашкарни бошлаб,
мисра:

Кўпликда юлдузлар сонича қўшин

билан Марв шаҳридан ташриф буюрди ва кўзларни мақсади ҳосил оға-инилар учрашувидан ойдин қилиб, ҳар жиҳатдан улуф бўлган Султон Бадиуззамон Мирзо олдида чингизий тўра бўйича тиз чўқди ва назаридан тортиқлар ўткарди.

Музаффар Ҳусайн Мирзо мулк салтанатида Султон Бадиуззамон Мирзо билан нечоғлиқ шерик бўлмасин, аммо ёш жиҳатдан Абулмуҳсин Мирзодан кичик бўлгани учун унга таъзим қилиб, ҳурмат кўрсатди ва икки томондан ниёз ва нисор шартлари юзага чиқди. Сўнг ул бекатдан ҳам кўчилиб, Мурғоб дарёси қирғоғига тушилгач, Ибн Ҳусайн Мирзо Қойиндан, Амир Султон Али Арғун Сейистондан келди ҳамда Хуросон мамлакатларининг бошқа амиру аскарлари ҳам кетма-кет ва изма-из лашкаргоҳга оқиб келавердилар.

Назм:

Ҳар тарафдан келди шугўрли сарвар,

Уларга мулозим синашга лашкар.

Душманлар қонига боғланган беллар,

Султонлар мадҳига чоғланган тиллар.

Шунингдек, Марвруд дарёси бўйи зафарли қўшиннинг чодиргоҳига айланган ўша айёмда Малики Маннон қудрати билан кундан-кун Хуросон султонлари йиғини чин дўстлар кўнгилидагидек ортган сайин ортиб бораркан, кутилмаганда, Султон Бадиуззамон Мирзонинг иқболга лим тўла даргоҳига ширин тилли элчи келди ва худои таолонинг инояти уфқидан улуғворлик ва юксак мартабалик юлдузи чиқаётгани хушхабарини етказди. Яъни, халифат паноҳли ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг бахт залворли қадами ташрифининг хабари тарқалди ва қувончу хурсандлик нурлари партави жаҳонбонлик маслаки соликлари ва амирлару давлат устунлари аҳволи юзи сари ёғилди.



Назм:

Шод бўлгил, эй кўнгул, бизга Масиходам келур,
 Хуш нафасидан аёнким, дилга чин ҳамдам келур.
 Ҳажр ғамидан қилмагил кўп нолаю фарёд, бу тун
 Фол кўрсам, фолда: арзимга етар одам келур.

ОЛИЙЖАНОБ ПОДШОҲ БОБУРНИНГ МУРҒОБ ДАРЁСИ БЎЙИДА ХУРОСОН СУЛТОНЛАРИГА ҚЎШИЛГАНИ БАЁНИДАГИ СЎЗЛАР

Фозийлик далолатли подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шавкат ва сарафрозлик ноғораси садоси, давлат ва ҳашаматли йиғноқи нури ёғдуси ҳамда бошқа гўзал сифату мақтовли хислатлари олам аро шуҳрат топган ва ул омадга ёр подшоҳининг Шайбонийхон билан қилган уруш ва тўқнашувлари воқеаси мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо арзига етган вақтларда ул шоҳ фаросат нури ва ўта донолиги орқасида тез орада бу салтанат ва иқбол боғи сарварининг мартаба ва шавкат юлдузи юрт олишлик ва ҳукм суришнинг энг юксак даражасидан балқиб чиқажаги ва Аллоҳи таолонинг иноят қўллари осойишталик ва орзулар эшигини унинг бахтли ҳаёти юзига қарата очажагини билган эди.

Шунга кўра Султон Али хоббиннинг ўғли Саййид Афзални Кобулга юбориб, дўстлик ва яхши эътиқод тили билан «ер юзи мамлакатларини эгаллаш ва омонлик ўрнатиш ҳамкорлик ва дўстлик билагини қуввати билан муяссар бўлади, икки жаҳон матлабу мақсадларига эришиш эса ёрдам ва келишувни амалга ошириш билан қўлга киради. Ҳазрат подшоҳ Бобур Мирзо менга дилбанд фарзанд ва ука ўрнида азиз жонга баробардир. Шу жиҳатдан ул подшоҳ исёнчи мухолифларни йўқотишда ва қўзғолончи душманларни нобуд қилиш ишида биз билан иттифоқ йўлини тутиб, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик қоидаларига риоя қилишлари лозим. Токим бегоналар меросий мамлакатга дахл қилиш мажолини топа олмагайлар ва бундан кейин Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва

юртларида буюклик ва жаҳонбонлиқ тахтига чиқа олмагайлар» деган сўзларни айттирди.

Саййид Афзал баланд мақомли подшоҳ давлатининг пойтахти [Кобул шаҳри]га етиб келди ва бу жўяли сўзларни арзга етказди. Ул ҳазрат муъжиза низомли «қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан ҳам чиройлироқ қилиб алик олинглар»¹ каломи мазмунига амал этганча Саййид Афзални ўз меҳрибонлик ва саховат фазилатлари орқасида подшоҳона инъомларидан баҳраманд ва хурсанд қилиб, Султон Хусайн Мирзонинг мулоқоти сари йўналди. Ўша аснода Жаҳонгир Мирзо музаффар туғли Бобур подшоҳнинг розилигини олмасдан, Кобулдан ташқари чиқиб, аймақлар юрган ҳудудга юзланди.

Шунда жаҳон олувчи подшоҳ кўнглига «аймоқларнинг катталари бошларини Жаҳонгир Мирзонинг итоат ҳалқасига тикишлари, у эса қабила-аймоқлар ёрдамида яна бир бор давлат учун кураш бошлаш кўйига тушиб, муҳолифат ва қарши чиқиш эшикларини очиши эҳтимолдан холи эмас» деган фикр келди. Натижада олий шарофатли ақл «фалакка етувчи туғ Жаҳонгир Мирзо томон йўналса-да ул шаҳзода ҳам олий мавкабга қўшилса-ю, сўнг Хуросон сафарига бирга чиқилса» деган фикрни тақозо қилди.

Шундан сўнг олий мартабали Бобур подшоҳ дорилмулк Кобул шаҳрини ишончли кишилар жумласидан бўлган бир гуруҳ шижоат вужудли амирларга топшириб, уларга адолатли ва халқпарвар бўлишлари борасида насихатлар қилгач, 911 йилда² барокат қутли оёғини гардун шитобли, асл зотли оти узангисига қўйиб, ўрнидан қўзғалди.

Назм:

Иқбол билан шоҳи Фаридун сифот,
Кобулдан жўнади, мақсади — Ҳирот.
Нусрат сўл қўлдаю зафар унғ қўлда,
Аллоҳ лутфи унга йўлдошдир йўлда.

¹ Қуръони карим, Нисо (4) сураси, 86-оятдан.

² 911 йил — бу ерда 1506 йил 23 май куни кўзда тутилмоқда.

Қабила ва кўчманчи уруғ-аймоқларнинг бошлиқлари осмон ҳашамли мавкабнинг йўлга тушганидан хабар топишгач, Жаҳонгир Мирзога парво ҳам қилмай, барчалари сочқи ва тортиқлар билан Искандар мисолли Бобур подшоҳ ҳузурига ошиқдилар.

Жаҳонгир Мирзо ҳам қайтадан давлатхоҳлик занжирини елкасига ташлаб, подшоҳлик мавкабига қўшилди ва олдинги дастур бўйича турли-туман ғамхўрлик ва ҳар хил лутфлар билан сарафроз бўлди.

Хуросон мамлакати ҳудуди осмони кўп эҳсонли Бобур подшоҳнинг самани чанг-ғуборидан мушк таратувчилик касб этган пайтда мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг вафоти хабари тилларда миш-миш бўлди. Илҳомли кўнгилдан «ул мағфират аломатли подшоҳнинг ўғиллари ўртасида ихтилоф юзининг кўриниш бериши эҳтимолдан холи эмас ва шунинг орқасида уларга тааллуқли мамлакатлардан айримлари салтанат ошиёнли даргоҳ мулозимларининг қўлига ўтиши ҳам мумкин» қабилидаги ўйлар ўтди.

Шунга биноан зафарёр байроқ олдинги дастурга кўра ўша томон сари юзланиб, манзил ва бекатларни босиб ўтишга тушди ва Хобирон шаҳрига етишгач, шаҳзодалар ва олий шонли амирларнинг Мурғоб дарёси қирғоғида тўпланганлари маълум бўлди. Ул яхши ўй-фикрли подшоҳнинг ойдин кўнглига Бадиуззамон Мирзо ва унинг иниларига ёрдам ва мадад бериш ва улар билан биргаликда Шайбонийхон ҳамда бошқа душманларга қарши курашиш нияти келди. Ниҳоят шу қарор бўйича оти жilовини Марвруд тарафига бурди ва бу қувонч асарли хабарни етказиш учун Мурғобга қамар шитобли элчи юборди.

Бадиуззамон Мирзо ва укалари бу хушxabарни эшитгач, зафар ва иқбол юдузининг орзу ва умид уфқидан балқиб чиқишига умид боғлаб, сочқи сочиш ва тортиқ ўтқариш шартларини бажаришга шошилдилар.

Назм:

Музаффар подшоҳнинг туғи етди, кел,
Фазл-каромат ою кунга етди, кел.



Бахт зафар юзидан чимматин олди,
Одил арзга етар инсон етди, кел.

Бадиуззамон Мирзонинг барча бажариши шарт фармони-га биноан Амир Муҳаммад Бурундуқ, Барлос ва Амир Зуннун Арғун мақтов хислатли Бобур подшоҳнинг зафарга ёр мавкаби истиқболга ошиқдилар ва Дармом манзилида осмон ҳашаматли даргоҳ мулозаматига етишиб, турлича марҳамат ва шафқат лутфига эришдилар. Аҳду паймон қоидалари адо этилгач, ул олий мақомли подшоҳ масофаларни босиб ўтиш тезлигини оширди.

Султон Бадиуззамон Мирзо ул ҳазрат келиши яқинлашганидан огоҳлик топиб, укалари билан бирга кутиб олиш расмини адо этиш учун Марвчоқдан кўзғалиб, Гулбоғбон манзилида Хуросон султонларининг жон димоғи ул халифалик боғининг гул бутоқли шамшодининг мулоқоти тароватидан муаттар бўлди. «Узоқдаги нарса ортиқча гап-сўздир»¹ иборасининг тўғрилигини эса ҳар икки томондан чин дил билан амалга ошган таъзим ва улуғлаш маросими тасдиқлаб берди².

Султон Бадиуззамон Мирзо ва Абулмуҳсин Мирзо ҳамда жаннатмакон хоқоннинг бошқа мажид³ ўғиллари Бобур Мирзонинг бахтга кон қадами ташрифини азим бир барокат билдилар ва меҳмондорлик ва хизмат қилиш қоидаларида тўла саъй-ҳаракат кўрсатдилар. Иттифоқ ва бирдамлик қоидалари садоқат ёрдами билан қай миқдорда амалга ошиши лозим бўлса, кучлари борича шунча равишда адо этдилар ва дину давлат ишлари ҳамда мулку миллат душманлари хавфини аритиш борасида машварат ўтказмоқчи бўлдилар.

Мақтов хислатли Бобур Мирзонинг қадами шарофатидан Хуросон султонларининг ўрдусида қўшинларнинг шундай азим бир йиғини барпо бўлдики, уни ёзиш бармоқлар қимирлаши билан амалга ошмайди ва баёнини икки тилли қалам ҳаракати билан

¹ Арабча ибора.

² Ҳусайн Бойқаро ва ўғилларининг илгари Заҳриддин Бобурнинг асл мақсадини билмай туриб қилган шубҳаю ёмон қарашларига ишора.

³ *Мажид* – шарафли.




битиб бўлмайди. Агар ул соҳиб тамкин¹ султонлар ўша йиғилган шижоат қоидали қўшин билан кўзланган юришни амалга оширсалар эди, Хуросон вилояти ҳеч бир гапсиз даштлик ўзбеклар ҳамласидан дахлсиз ва омон қоларди.

Аммо қудратли мулклар молики тақдири бошқача тарзда эканки, шунчалик олий мартабали сардорлар йиғилишидан ва бу қадар кўп амирлар ва қўшин тўпланишидан ҳеч бир фойда чиқмади.

Назм:

Давлат парвардигор атоси эрур,
Қўшин қўлигидан иш чиқавермас.
Тадбир билан келмас қўлингга давлат,
Не бўлса жаҳонда тақдирдан бил бас.
Ҳар не тақдир этса азалда Худо
Тадбир-ла ўзгартиб бўлмайди асло.

**БАЛХНИНГ МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН
ТАСАРРУФИ ДОИРАСИГА КИРГАНИ
ЗИКРИ ВА ХУРОСОН СУЛТОНЛАРИЮ
ҲОКИМЛАРИНИНГ ОРҚАГА
ҚАЙТИБ КЕТГАНИ БАЁНИ**

 *А*йтилган дoston ва ёзилган ҳикоялар мазмунидан маълум бўлишича, Муҳаммад Муҳсин Мирзо Шайбонийхон исёнини бостиришда, Аллоҳ тақдирининг мададкорлик учун қўллови йўқлигидан, ака-укалари билан келишув йўлини тутмади ва ўз давлати қароргоҳи, яъни муқаддас Разавия *алайҳиссалом* Машҳадида сокин тураркан, амирлар ва давлат устунларидан ҳеч бир кишини ёрдам учун жўнатмади.

Шу жиҳатдан Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Гурагон юришига катта путур етди ва яна бир бор маслаҳатга киришилиб, унда уруш ўрмонининг шери ва жанг денгизининг аждари бўлмиш Амир Шужоиддин Зуннун *Арғун* «ҳозирги кунда Амир Темур Гурагон улуси бир ерга тўплангандек йиғин қайта

¹ Тамкин – қудрат.



яна муяссар бўлиши қийин, бундай фурсатни ранимат билиб, бақувват дил ва яхши умид билан ҳарбу жанг майдони, тўқнаш ва зарб йиғинига кириш лозим ва мулклар бахш этувчи малик иноятидан фатҳу зафар тиламоқ керак, токим, истак чехраси ғайб пардаси ортидан кўриниш берса» дея ўтирганлар арзига етказди.

Шунда Амир Муҳаммад Бурундуқ *Барлос* «Балх томон отланганимиз заҳоти шу вақтгача Хуросон мамлакатларини қўлга киритиш пайида юрган Кепак Мирзо ака-укалари иттифоқига қўшилмай, Ҳирот шаҳри устига қўшин тортиши аниқ. Табиийки, шаҳар халқи [Ҳиротнинг Кепак Мирзо ёнига қочиб кетган собиқ ҳокими] Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек ҳукуматига тарафдор бўлиб, натижада Ҳиротнинг ҳозирги доруға ва ҳокимлари Амир Шайх Али *Тоғай* ва Амир Юсуф Али Кўкалтош эса пойтахтни ҳимоя қилишдан ожиз келадилар. Шу билан Муҳаммад Муҳсин Мирзо Хуросон пойтахти Ҳиротни осонгина ўз тасарруфига киритади. Бундай ҳол рўй берса, ёнимиздаги амирлар ва лашкар аҳлининг бола-чақаси ва мол-мулки Ҳиротда қолган кўпчилик қисми биздан юз ўтириб, Ҳиротга кетадилар. Энг яхшиси ва маъқули шуким, бу қишда ичимиздаги душманни йўқ қилайлик-да, дала-даштда от ва мол-ҳол ўтлари кўп бўлган баҳор фаслининг бошида хотиржам кўнгил билан ўзбек қўшинига қарши урушиш учун душман олдига отланайлик» деди.

Шу гап-сўзлар айтилиб ва баҳсу мунозаралар бўлиб турган аснода Балх томондан «Амир Султон Қулунжоқ ва лашкар аҳли шаҳарни мустаҳкамлаш ва сақлашга кучлари йўқлигидан тушкунликка тушиб, Муҳаммадхон Шайбонийдан омонлик тиладилар, ўзбек хони эса уларни дилгаёқар ваъдалар билан алдагач, Амир Султон Қулунжоқ қуббатулислом Балх дарвозаларини очиб берди ва хоннинг осмон мартабали мавкабига қўшилди. Азамат ўзбек қўшини аскарлари ғорат ва талон-торож супургиси билан бирпасда фохира Балх шаҳрини шип-шийдам қилиб тозалашди. Муҳаммадхон Шайбонийнинг қулоғига, Хуросоннинг кўпчилик ҳоким ва қўшин бошлиқлари Мурғоб дарёси бўйида йиғилиб, урушмоқчи бўлиб



ўтиришибди, деган хабар етгач, тезлик қаноти билан юрти сари қайтиш байроғини кўтарди» мазмунидаги гаплар етиб келди.

Бу хабар Хуросон султонлари ўрдусида гап-сўз бўлгач ва ҳақиқатан ҳам бу қиш айёмида Амударёдан кечиб ўтиб, Муҳаммадхон Шайбоний билан урушиш инсон чидам-бардошидан ташқари иш бўлгани учун Амир Муҳаммад Бурундуқнинг фикри маъқул кўрилиб, мазкур йилнинг ражаб ойида¹ тарқалиб кетиш тоши хуросонликлар шишахонаси² сари отилди.

Заҳир ус-салтана вал-хилофа Муҳаммад Бобур подшоҳ йўналиш байроғини Кобул томон ҳилпиратди, Ибн Ҳусайн Мирзо Қойин тарафга кетди, Абулмуҳсин Мирзо Марв сари йўлга тушди. Амир Зуннун Арғуннинг ва Амир Султон Али Арғуннинг ўғиллари Гармсир шаҳарлари томон юзландилар. Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо салтанат ва давлат пойтахти Ҳиротга қараб йўл олдилар. Ва ўша бир неча кун давомида Муҳаммад Муҳсин Мирзо ишини ҳал этиш маслаҳати бўйича Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагон Кавсавия қишлоғига ташриф буюриб, ул маконда қишлоқ учун тўхтади. Амир Муҳаммад Бурундуқ Барлос ва зафар иқтибосли амирлардан яна бир нечтаси мирзо хизматига бел боғладилар.

Султон Бадиуззамон Мирзо эса Амир Зуннун Арғун ва бошқа амиру нўёнлар билан бирга бу қиш салтанат пойтахти Ҳирот шаҳрида сокин туриб, муборак рамазон ойида³ рўза тутиш ва фарзу нафл намозларини адо этишга машғул бўлди. Рўза ҳайитига яқин ҳазрат мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг пок руҳини ёд этиш учун катта ош тортишга фармон берди.

Шавволнинг⁴ қувонч фолли ҳилол ойи ўз юзидаги пардани сидириб ташлагач, ул буюклик авжининг юлдузи Ийдгоҳга ташриф буюриб, ниёз-эҳтиёж юзасидан ҳайит намозини адо этди ва қайтиш чоғи султонликнинг шарқий мадрасасини қутлуғ ту-

¹ 912 йил ражаб ойи – 1506 йил 17 ноябрь – 17 декабрь оралиғи.

² Шишахона – чиройли кошинли сарой. Бу ерда сўз ўйини сифатида ишлатилган.

³ 912 йил рамазон ойи кўзда тутилмоқда (1507 йил 25 январь – 14 февраль).

⁴ 912 йил шаввали боши (1507 йил 14 февраль) кўзда тутилган.



шиш бахтидан осмон фазосининг ғайирлиги келадиган жойга айлантирди.

Салтанат пойтахти Ҳиротнинг саййид, уламо, қозисидан тортиб барча каттакон ва шариф кишилари аъло ҳазрат уюштирган йиғинда қатнашаркан, дастурхон ёйгувчилар ҳаддан ташқари лазиз таомлар ва анвойи ҳалволардан инсон тасаввурига сиққанидан ҳам кўпроқ тарзда муҳайё қилдилар ҳамда халқнинг турли табақаларини фойдага кон ул дастурхондан баҳраманда қилиб, кўп хузур-ҳаловат бағишладилар.

Гардун ҳашаматли Султон Бадиуззамон Мирзо таом ва зуллил жалол Аллоҳнинг каломи хатмидан сўнг тез хиромли отига миниб, Жаҳоноро Бориға ташриф буюрди ва айшу нишот палосини ёйиш, қувонч ва шоду хуррамлик асбобини тузишга машғул бўлди.

Байт:

Шодмонлик вақтини билгил ғанимат,
Иш охирин билмас ҳеч бир валламат.

СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИ МАРАЛ ЯЙЛОВИГА КЕТГАНИ ЗИКРИ

ҲАМДА ҚУДРАТЛИ АЛЛОҲ

ТАҚДИРИГА БИНОАН МУҲАММАД

ШАЙБОНИЙХОННИНГ ДАВЛАТИ БАЙРОҒИ

ЮҚОРИ КЎТАРИЛГАНИ БАЁНИДАГИ ГАПЛАР

Қиш фаслининг истило даври поёну ниҳоясига етгач ва айёмнинг турфакор султони бўлмиш баҳор райҳонлар ва гулчечакларнинг кўклам белгили қўшинини дала-дашт бўстонлари устига тортгач, қаҳратон совуқ ва аёз сипоҳи Фарвардин¹ лашкари ҳужумидан енгилиб ва шарқ насабли хоқон Баҳром офтобхонасини эгаллаб, гердайиш байроғини еттинчи осмондан ўтказгач,

¹ *Фарвардин* — қадимги эронликлар тақвимининг олам яратилиши (парвард) жараёнининг баҳор фаслида амалга ошганига ишора қилинувчи биринчи ой номи. Ҳозирги ҳижрий-шамсий тақвида акс этган бу ой боши мелодда 21 мартга тўғри келади.

Назм:

Айёмкезар султон навбаҳор фасли
 Баҳром тахтгоҳига чодирин тикди.
 Дашт аро лолалар байроғи тўлиб,
 Яшиллик сипоҳи оламни тутди.

Султон Бадиуззамон Мирзо Амир Шужоиддин Зуннун Арғун ва Амир Низомиддин Шайх Али Тоғайни Ҳиротда қолдириб, олий туғларни Бодғис яйлови томон кўтарди ва бир неча кун жаннат аломатли ўтлоқзор бўлмиш Марал манзилида истиқомат кўчини ёйди.

Ўша вақтда Музаффар Ҳусайн Мирзо улуғвор акаси билан учрашиш иштиёқини туйиб, қишлоқ юртидан ҳаракатланди ва 912 йилнинг зулҳижжа ойи охирларида¹ мазкур манзилда икки бахтли юлдузнинг яқинлашиб, бир ерга келиши рўй берди. Ака-укалар кўзларини бир-бирови дийдори билан равшан қилдилар ва душманни йўқотиш борасида машварат йўлини тутиб, ўтган-кетган ва келажак ҳақидаги сўзларни ўртага солдилар. Ўша баҳорда Муҳаммадхон Шайбоний мулк олиш қасдида Амуя дарёсидан кечиб ўтади, деган тасаввур бўйича, сўзга чечан элчиларни шаҳзодалар ва олийшонли амирлар олдига юбориб, уларнинг бир ерга йиғилишига фармон бердилар.

Шу жумладан Амир Шужобек Арғунни чақириб келиш учун заррадан ҳам камтар каминани Қандаҳор сафарига тайин қилдилар ва ушбу ҳарфлар битгувчиси пайшанба куни мазкур ойнинг охирги санасида² кетишга рухсат олиб, йўл анжомини тайёрлаб, мақсад сари юриш учун аввал Марал манзилдан Ҳиротга ошиқди. Шу аснода иффат ва ҳашамат қутисининг гавҳари Султон Бадиуззамон Мирзонинг қизи Чучукбегим салтанат пойтахти Ҳиротда офатларга тўла жаҳондан охирач сафарининг кўч-кўронини йиғиштирди.

Амир Зуннун Арғун ва Амир Шайх Али Тоғай улуғ султонлар қондаси бўйича ул маҳди улени ювиб ва кафанлаш ишига бош

¹ 912 йил зулҳижжа ойи охирлари — 1507 йил 1—10 май оралиғи.

² 912 йил ўттизинчи зулҳижжа — 1507 йил 2 май.

бўлиб, пок жасадини шарифа Бадиа мадрасасида дафн қилдилар ва баракатли руҳини ёд этиш учун фақир мискинларга таом бериш, Худои субҳона ва таоло каломини хатм қилишга машғул бўлдилар. 913 йилнинг муҳаррам ойи¹ ҳилоли давлат ва ҳашамат машриқидан порлаб, осмоннинг зангори денгизи сари кечиб ўтгач, Муҳаммадхон Шайбонийнинг Карки кечувидан ўтгани ва Хуросон тарафга йўналгани хабари тарқалди.

Султон Бадиуззамон Мирзо Амир Шужоиддин Зуннун Арғун ва Амир Низомиддин Шайх Али Тоғайни қутлуғ ўрдуга чорлади ва улар мазкур ойнинг тўртинчисида² душанба куни Ҳирот шаҳридан халойиқ паноҳли даргоҳга ошиқдилар.

Эртаси куни мулозимат шарафига мушарраф бўлиб, бошқа улуг амирлар билан бирга машварат палосини ёйдилар ва тақдир ўқини тадбир қалқони ва воқеалар сабабчиси бўлмиш буюк эгамнинг қазову қадари селобини хас ва хашак уюми билан қайтара олишни кўнгилга тутдилар. Ҳайҳот, ҳайҳот.

Мисра:

Қазо ўқига тўсиқ бўлгучи ҳеч қалқон йўқ.

Мулкларнинг мутлақ молики иродаси Хуросон вилояти Муҳаммад Шайбонийхон тасарруфи доирасига кириши ва мансур хоқон ўғиллари давлати охирига етишини тақозо қилган экан, туганмас қўшин йиғилиши ва соҳиб ақл амирларнинг тадбири билан бирор иш ўнганмади. Айни ўша пайтда Мовароуннаҳрнинг Баҳром қаҳрли сипоҳи тепадан пастга юзланувчи сел каби Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, Хуросонни бало тўфони босди.

Назм:

Илоҳий тақдирнинг ёзмиши шулки:
 Қўлдан-қўлга ўтди Хуросон мулки.
 Сафёра мардлардан бир иш чиқмади,
 Доно тадбирлардан йўл очилмади.
 Эшитдим ёш-қари битта сўзни дер:
 Илоҳий тақдирга бўлмагай тадбир.

¹ 913 йил муҳаррам ойи боши – 1507 йил 13 май.

² 913 йил тўртинчи муҳаррам – 1507 йил 16 май.



Бу воқеа тавсифи шундай эди: Муҳаммадхон Шайбоний 912 йилнинг зулҳижжа ойи ўрталарида¹ дорилмулк Самарқанддан мулк олишлик эгарига ўтирди ва Карки кечувидан ўтиб, Андхуд ҳудудига ошиқди. Уша пайтлари Султон Бадиуззамон Мирзо томонидан Андхудга ҳоким этиб қўйилган Амир Шоҳмансур ўзбек хонининг шавкати кўплиги ва давлати қуввати зўрлигидан хабардор бўлгач, иқбол каби хонликнинг салтанат ва истиқдол даргоҳига борди ва бўйсунуш занжирини елкасига отиб, Шайбонийхоннинг илтифот назарига манзур бўлди.

Сўнг жаҳон олувчи Шайбонийхон шошилич қаноти билан Андхуддан Мурғоб дарёси бўйига илғор солди. Марвчоққа етгач, ул қасаба қўрғонининг кутволи итоат ва фармонга бўйсунушда Шоҳмансурга эргашди. Ушангача Бадиуззамон Мирзо ва Абулмансур Музаффар Хусайн Гурагонга ўзбек хонининг мансур мавкаби Амуя дарёсидан ўтгани хабари маълум бўлмаган эди.

Муҳаммадхон Шайбоний Бодғис атрофига етгачгина изтироб сели тошқини Хуросон султонлари ва амирларининг сабот биноларини бузиб, ҳайрат ва ўй-фикр денгизига фарқ қилди. Шу сабабли яна бир марта маслаҳат йўлини тутиб, Амир Зуннун Арғун ўзининг туғма шижоатига кўра душман билан дала-даштда урушиш лозимлиги фикрини илгари сурди.

Амир Муҳаммад Бурундуқ Барлос эса, Ҳирот шаҳридан туриб мудофаа урушига ўтишни маслаҳат берди. Аммо кўнгилар ҳали бу икки маслаҳатдан бирини қабул қилишга улгурмай, эртасига, яъни 913 йил муҳаррам ойининг еттинчисида² пайшанба куни тонг маҳали Муҳаммадхон Шайбонийнинг осмоний ҳодисалардан ҳам кўп кўшин билан бирга Ҳирот қалъасига яқин келгани аломати кўринди. Ул музаффар туғли кўшиннинг саркардаси Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султон ва жияни Убайдуллоҳ бин Маҳмуд Султон бош бўлмиш манглай қисми баронғор ва жавонғор билан саф тортган ҳолда жанг майдонига келиб кирди.

¹ 912 йил зулҳижжа ойи ўрталари — 1507 йил 10 апрель.

² 913 йил еттинчи муҳаррам — 1507 йил 19 май.



Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам қўшинни тайёр ҳолатга келтириб, одам зоти Муҳит денгизини намнок тупроқ қўли билан кўммоқчи бўлгандек ва бало селини хас-хашак мушти билан юришдан тўхтатмоқчи экани каби уруш ва жанг мақомини эгалладилар.

Байт:

Қўшиннинг чангида қиличу пайкон,
Булут аро яшин чақнагансимон.

Ўқ бургути ёшу кексанинг ҳаётини ямламоқ учун оғзини очди, найза аждаҳолари кичик ва катталар гуруҳига зарба бериш илинжида тилини чўзди.

Назм:

Ул жангтоҳда қонхўр найзалар,
Ботирларга тилини қайрар.
Қизил тилли ўқлар лочини,
Гўё ичган мардлар қонини.

Хуросон амирлари ва лашкарбошилари жумласидан Амир Шужоиддин Зуннун Арғун ва Амир Низомиддин Шайх Али Тоғай уруш ва чопиш ўрмонининг шерларидан бир гуруҳи билан бирга ўша куни жанг майдонида қиёмат кунини қўптириб, наҳанг юришли шамшир зарби ва ўлим аломатли ўқ захми билан ғаним тараф паҳлавонларидан бир тўдаси ҳаётининг қайиғини фано фарқобига чўқтирдилар.

Аммо ўзбекларнинг ғалаба истовчи аскарлари сон жиҳатидан хуросонликлардан кўп бўлгани, шунингдек, орқадан бошқалари ҳам мавжли денгиз каби гуруҳ-гуруҳ, тўп-тўп узлуксиз ёрдамга келиб тургани сабабли шаҳзодалар қўшини етарлича қаршилиқ кўрсатишдан ожиз бўлиб, йўналиш жиловини қочиш водийси сари бурдилар ва ҳар тоифа тарқоқ ҳолда не қиларин билмай, Хуросоннинг шаҳар ва ён-теварак туманларидан бирортаси сари ошиқдилар.

Аммо ҳолу қол тили ҳамиша ушбу

байт:

Камоним пайконин, қиличим юзин
Кўрсатай ёвуз ёв бетига ўзим.

мазмунига мос бўлган Амир Зуннун *Арғун* қутурган шер каби душманнинг гоҳ маймана қисмига, гоҳ эса майсара қисмига ташланар, қилич ва ханжар захмидан майдон тупроғини ғанимлар қони билан қип-қизил қилиб, ўта жасурлик намунасини кўрсатарди.

Ниҳоят ўзбеклар ён-атрофдан кириб, жанг майдони шахсуворини отдан қулатдилар ва хон олдига олиб бориш мақсадида қўл ва бўйнини боғламоқчи бўдилар. Бироқ Амир Зуннун *Арғун* ожизлик сари бўйин эгмади ва шахид бўлгунига қадар қўлдан келганча қаттиқ олишди. Амир Шайх Али *Тоғай* эса уруша-уруша ёнидаги хуросонлик бир нечта тобе кишилари билан бирга тақдир панжасига асир тушди.

Ўзбекларнинг қазову қадардек қудратли қўшини қочган хуросонликларни то Тўққуз Работ ҳудудигача қувиб бориб, баён бармоғи санок доирасига киритишдан ожизлик қиладиган, икки тилли қалам эса сон-саноғидан озгинасини ҳам ёзишга қодир бўлмаган даражадаги ўлжани қўлга киритдилар.

Мисра:

Ожиздир шарҳидан қалам иншоси.

Ишлар ҳақиқатини билгувчи ёлғиз Аллоҳдир.

ХУРОСОН ҲОКИМЛАРИ ВА АСКАРЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИБ КЕТИШ ҲОЛАТИ ҲАМДА МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОННИНГ ҒАЛАБА НИШОНЛИ БАЙРОҚЛАРИ КЎҲИСТОН САЙҲОНЛИГИГА ЕТИШГАНИ БАЁНИ БОРАСИДАГИ ГАПЛАР

Буюк ва қудратли Ҳақ улуғлиги инояти билан Амир Алишер Работи ва Марал манзили орасидан фатҳу зафар шабадаси Муҳаммад Шайбонийхон байроғи сари эсгач, Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Гурагон ўзларининг кўплаб амир ва лашкар аҳли билан бирга ҳар ким бир тарафга қочиб кетишди. Саййид Абдуллоҳ Мирзо амирлардан бир тўдаси би-

лан бирга муқаддас Машҳадга бориб, Кепак Мирзога қўшилди. Абдулбоқий Мирзо ва Амир Муҳаммад Бурундуқ Барлос Сабзавор ҳудудида Ибн Ҳусайн Мирзога қўшилдилар.

Султон Бадиуззамон Мирзо эса салтанат пойтахти Ҳирот четига ошиқиб, ўша оқшом Боғи Навда манзил тутди ва бир лаҳзагина мудраб,
мисра:

Шарқ подшоҳи тонгда тоққа байроқ тиккач,

Қандаҳор ва Заминдовар ҳудудига йўналди.

Музаффар Ҳусайн Мирзо тун қаърида Ҳиротга кириб, шаҳар боғи сари юрди ва шайхулислом мавлоно Сайфиддин Аҳмад ат-Тафтазоний ва Амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн Амир Жалолиддин Юсуф ар-Розий ва қози Ихтиёриддин Ҳасанни чақириб, Ҳиротни мудофаа қилиш борасида улардан ёрдам сўради. Улар эса «шаҳарни сақлашга лашкар билан эришилади, ёлғиз бизнинг уринишимиздан фойда чиқмайди» дея жавоб беришди. Музаффар Ҳусайн Мирзо «шаҳарга менинг ёнимдаги уч нафар навкардан бошқа бирон-бир аскар келиб кирмади» деди.

Улуғлар «ундай бўлса, қандай қилиб ўзбек қўшинига қарши урушиб бўлади?» дейишди. Шунга кўра бу олий шонли шаҳзода юз минг дарду алам ичида мулку молини ташлаган ва онаси билан видолашганича тонг отгач, хос кишилари ва мулозимларидан бир нечтаси ҳамроҳлигида Ферузобод дарвозасидан ташқарига отилиб чиқди ва йўналиш юзини Туршиз йўли орқали Астробод томонга қаратди.

Эртасига 913 йил муҳаррам ойининг саккизинчисида¹ жума куни тонг маҳали саййидлар, қозилар ва Ҳиротнинг улуғ ашроф ва аъёнлари Шайхулислом мадрасасида йиғилиб, юз берган воқеа борасида машварат қуръасини ўртага ташладилар. Каттаю кичикнинг кўнгли Муҳаммад Шайбонийхонга итоат этиш ва бўйсунушга қарор топиб, ушбу сатрлар муаллифига² бу қарорни ёритувчи бир хатни қаламга олишни буюрдилар. Сўнг ул мак-

¹ 913 йил саккизинчи муҳаррам — 1507 йил 20 май.

² Хондамир кўзда тутилмақда.



тубни шаҳар муҳтасиби мавлоно Усмоннинг укасининг ўғли орқали ўзбеклар олдига юбордилар.

Мавлонозода йўлга тушиб, Хиёбон кўчаси бошида талончиларга йўлиқди ва туновчилар барча нарсасидан айиргач, пиёда ва қип-яланғоч ҳолда Тўққуз Работ яқинида Муҳаммад Темур Султон олдига етиб, бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди.

Муҳаммад Темур Султон уни отаси Шайбонийхон олдига жўнатди. Муҳаммад Шайбонийхон эса ҳиротликлар хати мазмунидан огоҳ бўлгач, ўша кун сўнггида Кўҳистон текислигини иқбол давлатининг чодирини устунлари тикланган жойга айланганди ва кўнглини Хуросон мамлақати салтанатини олиш ишларидан тинчитиб, улуғлик ва мақсади ҳосиллик байроғини кўтарди.

ҲИРОТ УЛУҒЛАРИ ВА ШАРИФ КИШИЛАРИНИНГ ҲАЙРАТ ВА ПАРИШОНЛИҚДА ҚОЛГАНДАН СЎНГ МУҲАММАДХОН ШАЙБОНИЙ ҲУЗУРИГА ЕТИШГАНИ ЗИКРИ

Ҳиротнинг барча аҳолиси Муҳаммадхон Шайбонийнинг қаҳру ғазабидан қўрқиб, шаҳар дарвозаларини қувонч ва шодлик сингари ўз юзлари сари беркитиб, чексиз ғам ва андуҳ гирдобиде ўтирган ҳамда ўзбекнинг қиёмат аломатли лашкари эса ул фохира шаҳар ташқарисидаги маҳаллаларда қудрат туғини ҳилпиратган ва ғорату торожга берилиб кетганлари ўша жума кунинда ғоятда қизиқ бир воқеа-ҳодиса рўй бериб, Мовароуннаҳр қўшинидан бир бўлагининг қатлга етиши юзага чиқди.

Бу ҳодисанинг тафсили шуки, Хожа Муизиддин Ҳусайн Шайбонкора ва Хожа Шамсиддин Муҳаммад Мунший ҳамда жаннатмакон хоқон хонадони мулозимларидан Маралдаги уруш майдонидан қочиб қутулган бир гуруҳ кишилар шу келганча кечаси Ҳирот шаҳри ташқарисидаги боғларда ухлаб ётишаркан, ўша куннинг чоштгоҳида қочиб кетишни хаёл қилиб, ўзларининг ха-

лос бўлишлари борасида бир ҳийла ўйлаб топадилар. Шу режа асосида қурол-аслаҳа таққан ва темир совут кийган ҳолда елдек учар отларга минганча «ҳо-ҳой, давлат Кепак Мирзо давлати» дея бақириб-чақиривар ва кимга дуч келишса «ҳозиргина Муҳаммад Муҳсин Мирзо катта қўшин билан етиб келди ва урушиш ниятида ўзбеклар подшоҳи қаршиси томон кетди» дейишарди.

Ҳиротнинг бу хабарни эшитган ринд ва чапани кишилари шу заҳоти камондан отилиб чиққан ўқ сингари шаҳар дарвозаларидан ташқари ёпирилдилар ва шаҳар қалъаси четигаги маҳаллаларда ўлжа излаш билан машғул ўзбек аскарларидан уч юзгача кишини чопиб ўлдирдилар. Бироқ, кўп ўтмай, Кепак Мирзо келгани ҳақидаги хабарнинг ғирт ёлғонлиги маълум бўлиб, ўзбек аскарларининг ўлдирилгани жиҳатидан каттаю кичик ҳиротликлар юрагига ҳадик ва қўрқув тушиб, бутун халойиқ ҳайрат денгизига чўмиб, ғам ва андуҳ карвони ёш ва қари қалби майдонига ўз офир юкларини туширди. Саййид, қози, уламо, хуллас, шаҳарнинг барча фуқаро ва бутун аҳолиси ўша кечани қаттиқ алам ва мунг ичида ўтказиб, ҳайрат ва фикр қаърида саргардон кезган ҳолда ҳар дам ўзларининг нажоти борасида ўйлаб чиқдилар.

Эртасига шанба куни тонгида ул жаҳонгирлик йўли вакилининг ўрдусидан мавлоно Биноийнинг укаси Ҳиротга келиб, Шайбонийхоннинг салтанат ошиёنли даргоҳи муншийлари Ҳирот шайхулисломи ва қози Ихтиёриддин Ҳасан номига иншо қилган нишонини келтирди. Бу хатнинг мазмуни қуйидагича эди: «Нусрат аломатли байроғимиз Бодғис ҳудудига етгач, Бадиуззамон Мирзо юрт олувчи сипоҳ савлатидан ҳайиққанича қочиб кетди, Амир Зуннун Арғун ўлдирилиб, Амир Низомиддин Шайх Али Тоғай тақдир қўлига асир тушди. Биз бўлсак Кўҳистон сайхонлигида давлатнинг олий чодирини тикиб, ҳиммати баландлик туйғусини Хуросон ўлкасининг барча аҳолиси осойишталигини тиклашга қаратганмиз. Шунинг учун ушбу нишон етгач, дадилланиб ва кўнгилларни тинчитиб, олампаҳоқ даргоҳга келишингиз лозим. Асилзода саййид ва улуғлардан қай бирини маъқул кўрсалар, ўзлари билан бирга олиб келсинлар».

Хирот улуғлари фармон мазмунидан воқиф бўлгач, нишонни келтирган кишини инъом ва эҳсонлар билан хурсанд ва шод этиб, ўша заҳоти шайхулислом ва кишилар аълосининг мажид авлоди бошлиғи Амир Камолиддин Атоуллоҳ ал-Хусайний ва Амир Абдулқодир, Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф, Саййид Садриддин Юнус, Қози Ихтиёриддин Ҳасан, Қози Садриддин Абдулхай соҳибиёр кабилар Кўҳистон ўлангига йўналдилар.

Ғалаба аломатли лашкаргоҳга яқинлашгач, Муҳаммадхон Шайбонийнинг даргоҳида садрлик мансабида турган, тўғрироғи, девонда чексиз ихтиёрга эга бўлган мавлоно Низомиддин Абдурахим Туркистоний ва девоннинг ашроф ишига¹ мушарраф бўлган Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий таъзими вожиб ул зотларни кутиб олдилар ва чодирлардан бирига тушириб, подшоҳни бундан огоҳ этдилар. Муҳаммадхон Шайбоний «один хиротликлардан ундирилажак моли омоний² ва соврину тортиқлар миқдорини келишиб олиб, шундан сўнггина улуғлар ва шариф кишиларни аъло ашраф йиғинга киритинглар» дея буйруқ берди³.

Мавлоно Абдурахим Туркистоний ва Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий бу борада келганлар билан анча баҳсу мунозара қилгач, тарафлар қуйидаги қарорга келишди: шаҳарнинг барча оддий фуқароси ва майда ҳунармандлари ўша вақтларда ҳар тангачаси олти кепакий ўрнида юриб турган бир мисқоллик⁴ тангачадан юз минг тангача миқдоридagi маблағни жарима ўлпони ўрнида тўлашади, улуғ мансабдор ва катта ер эгалари

¹ Девоннинг ашроф иши — бу ерда «девони ашроф» (тафтиш девонхонаси) амирилиги кўзда тутилмоқда.

² Моли омоний — омонлик солиғи.


³ «Мусаххир ал-билод»нинг ўзбекча нашрида бу гап асарнинг қўлёзма нусха-сидаги жумла ноқислиги сабабли «келганларни чодирлардан бирига тушириб, аввал хиротликлар келтирган омонат моли ва совғаларни жой-жойига қўйдилар» шаклида нотўғри таржима қилинган. Қаранг: Мусаххир ал-билод. Форсчадан Исмоил Бекжонов ва Дилором Сангиров таржимаси. Тошкент: Янги аср авлоди. 2009, 100-бет.

⁴ Мисқол — 4,464 ёки 5 грамм.


ҳаммаси бўлиб йигирма минг тангачани хонга хос тортиқ сифатида тақдим этиб, ўн беш минг тангача эса вазир мавлоно Абдураҳим Туркистоний учун ундирилади.

Шундан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний салтанат ва жаҳонбонлик боргоҳини Муҳаммад Темур Султон, Убайдуллоҳ Султон, Ҳамза Султон, Маҳди Султон сингари иззатли султонлар ва Жонвафо Мирзо каби ҳурматли амирлар иштироки билан безаб, келган улуғлар ва шариф кишиларни шу кўринишхонага чорлади. Бу жамоадан кўпи ҳадик ва қўрқув ичида осмонўпар чодирга киргач, султонлар ва амирлар улар таъзими учун ўрнидан қўзғалдилар. Хон ҳамманинг ўтиришига рухсат берди-ю, ўша лаҳзадаёқ яна шаҳарга қайтишларига ишора қилди.

Жонвафо Мирзо Ҳирот шаҳрининг ҳукумат ва доруғалиги мансаби билан сийланиб, ифтихор ва сарафрозлик топган ҳолда хон келган улуғлар билан бирга шаҳарга қараб кетди. Бошқа ишларни битказиш учун мавлоно Абдураҳим Туркистоний ҳам ўша томонга отланди. Шаҳарга кирилгач, Жонвафо Мирзо Амир Фиёс фарзандлари уйига тушди, мавлоно Абдураҳим эса қалъанинг Хуш дарвозаси тепасидаги хоналарга қўш ташлади.



УЛУҒ ВАЗИРЛАРНИНГ ФОХИРА ҲИРОТ ШАҲРИГА КИРГАНИ БАЁНИ ВА РЎЙ БЕРГАН ПУЛ УНДИРИШ ВОҚЕАСИ ВА АҲВОЛ ҚИЙИНЧИЛИГИДАН БИР БЎЛАГИНИНГ ЗИКРИ



Сабаблар сабабчисининг раво кўрган тақдирига биноан давлат ва иқбол Муҳаммад Шайбонийхоннинг орзу ва умиди уфқидан порлаб чиққач ва Хуросон шаҳарларининг доимо олий султонлар ўтирадиган пойтахти бўлган ва ҳозир ҳам шундай мақомда турувчи Ҳиротни эгаллагач, ҳикмат якунли «мулк кишиларсиз, кишилар эса мол-мулксиз бўлмас»¹ каломини ўз назарининг мақсади қилиб, барча ҳимматини кўздан яширин мол

¹ Арабча ибора.





ва ашёларни топиш ва улуғлар қабул қилган ўлпон мажбурияти-нинг бажарилиши сари қаратди.

Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий ва «Хожа хурд» лақаби билан танилган Хожа Абулвафо ундирувчилар ва лашкар аҳлининг бир гуруҳи билан 913 йил муҳаррам ойининг ўн биринчисида¹ салтанат пойтахти Ҳиротга кирдилар ва барча солиқ молини хатга тушириб, айтилган маблағни ҳам аёвсиз бир йўсинда улуғлар ва аҳолидан талаб қилган ҳолда бир ҳафта ичида барчасини ундириб олдилар.

Раҳматли мансур хоқоннинг покиза хотинлари ва мукаррам қизлари ҳамда Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Гурагоннинг аҳду аёлига қарашли сиртдаги ашё ва буюм ҳамда бойликларини бутунлай тортиб олиб, ул жамоани қутлуғ ўрдуга жўнатдилар. Улар хон мулоқоти иззати шарафини топгач, жаннатмакон мансур хоқоннинг сингисининг қизи ва Музаффар Ҳусайн Гурагоннинг никоҳида бўлган маҳди улё Хонзода хоним бинт Аҳмадхон Шайбонийхоннинг кўнглига ёқиб қолиб, хон бу гўзал аёлнинг шаръий равишда висолига етмоқ чорасини ахтара бошлади. Шунда хоним «Музаффар Ҳусайн Мирзо бундан икки йил олдин мени талоқ қилган эди» деган иддаони аён қилди. Диёнат аҳлидан бир тўдаси хонимнинг муддаоси асосида гувоҳлик беришди ва шу тариқа маҳди улё Хонзода хоним бинт Аҳмадхон ойдин шариат қоидаси бўйича Шайбонийхон аёллари қаторидан жой олди. Музаффар Ҳусайн Мирзонинг қизи бўлмиш ва мазкур маҳди улё Хонзода хонимдан туғилган Меҳрангиз бегимни Убайдуллоҳ Султон ўз никоҳига киритди.

Муҳаммадхон Шайбоний ҳаё пардасининг қолган бошқа хонашинларини қайтариб, яна шаҳарга юборди ва уларнинг яшириб қўйган пуллари ва қимматбаҳо буюмларини тортиб олиш учун ундирувчилар тайинлади. Натижада обдор лаълу жавоҳир ва шоҳвор дурлару руммоний ёқут ва бадахшоний лаъллар ҳамда бошқа ялтироқ гавҳару тиллою олтин буюмлар ундириб олиндики, уларнинг ўндан бири ҳам ҳеч бир подшоҳнинг хаёл хазинасига сифмайди.

¹ 913 йил ўн биринчи муҳаррам — 1507 йил 23 май.



Шунингдек ул олий шаънли хонадон давлати устунлари ва амирлар молидан ҳам нақд пул ва кўп нафис газламалар қўлга кирди. Ўзбекнинг қиёмат аломатли қўшини Хуросон бойлари ва мутаваллиларидан¹ ҳар бирини бир баҳона билан ушлаб, азоб ва қийноққа солдилар ва қўлларидан келганча улардан нарса ундирдилар.

«Аниқки, подшоҳлар қачон бирон қишлоққа (бостириб) кирсалар, уни вайрон этурлар, аҳолисининг обрў-эътиборлиларини эса хор-зор қилурлар. Уларнинг қилмиш-одатлари шудир»² ояти мазмуни жуда етук кўринишда юзага чиқиб, мансаб-мартаба аҳлидан кўпчилиги ҳақорат ва хору зорлик оёғи остида эзилди, каттаю кичикнинг нола ва додлари сайёр фалак авжидан ҳам ошди. Ор-номус ҳарамининг нозанинлари раҳм-шафқатсиз ўзбеклар қўлига тутқун тушиб, азоб ва уқубат аро қолдилар ва ифбат гўшасининг зуҳро манглайларини баҳром савлатли мўғуллар отлари орқасидан ҳар тарафга судраганича ул гўзаллар кўчаю бозорларда саргардон бўлиб, бир нафас тинмасдилар.

Назм:

Байроқ тикди зулм оташи ул диёрда,
Мазлум охи кенг жаҳонни этди зулмат.
Халқдан чиқди оҳу нола фарёд саси,
Йўқ эди ул қавмга сира раҳму шафқат.

Ниҳоят Хожа Камолиддин Маҳмуд [Соғаржий]нинг ҳаракати билан бу шиддат олови таскин топиб, тинчлик ва омонлик нурлари инсон тоифасининг турмуши юзи сари таралди.

913 йил муҳаррам ойининг ўн бешида³ жума куни салтанат пойтахти Ҳиротнинг Жоме масжидида хутбани Абулхайрхон ва Муҳаммадхон Шайбоний номига ўқидилар ва Шайбонийхон буюргани бўйича хоннинг лақабини «имоми замон ва халифат урраҳмон» шаклида тилга олдилар.

¹ Мутавалли – бирор вақф мулкига бошлиқ руҳоний; «мол-мулк, бойлик эгаси» маъносини ҳам билдиради.

² Қуръони карим, Намл (27) сураси, 34-оят.

³ 913 йил ўн бешинчи муҳаррам – 1507 йил 27 май.




Ул жаҳон олувчи хон олий ҳиммати тақозосича «собиқ тангаларга ярим донак¹ қўшсинлар ва тангалар қутлуғ ном билан безаниши шарофатидан ҳар бирини олти динар² кепакий³ ўрнида билсинлар, эски бир мисқоллик тангачаларни эса беш динар ўрнида қабул қилсинлар» деган фармон чиқди.

Шу воқеалар бўлиб турган вақтда Хуросон султонлари ва ҳокимлари хизматида турган ва ўзбекларнинг босқин-чопқинидан хавфсираб, Ҳирот яқинидаги тоғларда бекинганча қаттиқ қўрққанларидан бир лаҳза ҳам хавотирсиз ва тинч ўтира олмаётган вазирлар ва тоғлик тожик халқидан баъзилари олий даргоҳга хатлар юбориб, омонлик тиладилар.

Ул жамоатни чақириб олиш борасида фармон чиқиб, барчалари хон палосини ўпиш шарафига эришдилар ва улардан кўпи тарбият ва ғамхўрлик назарига манзур бўлиб, муносиб мансабларга тайинландилар. Шулар жумласидан Хожа Муизиддин Ҳусайн Шабонкора ва мавлоно Ҳожи Муҳаммад Кўхдистоний вазирлик мансабига ўтирдилар, Хожа Шамсиддин Муҳаммад мунший ва мавлоно Жалолиддин Қосим Хондамир ер ва кўчмас мулк ишлари девони бўлди. Саййид Фиёсиддин Муҳаммад боғбоннинг иззатли ўғилларидан Амир Жалолиддин Маҳмуд салтанат бўсағаси хизматини ихтиёр этди, Амир Султон Маҳмуд эса юзини шаҳар доруғаси бўлган Жонвафо Мирзонинг юмушларини бажариш сари қаратди.

ИХТИЁРИДДИН ҚАЛЪАСИ ВА ТИРАТУ ҚЎРҒОНИНИНГ ЭГАЛЛАНИШИ ЗИКРИ

 тган ҳикоялар замирида аниқ бўлганидек, Султон Бадиуззамон Мирзо Ихтиёриддин қалъаси кутволлигини Амир Сорбон Жунайдининг ўғли Амир Ошиқ Муҳаммад Кўкалтошга топширган эди. Маралга йўналган пайти ўз муҳтарам ҳарами бўлмиш

¹ Донак (*данаг, данг, донг*) – 3, 15 граммлик кумуш (дирҳам) танга.

² Динар – 4,235 гр. олтин танга.

³ Кепакий – мўғул хони Кепакхон даврида жорий қилинган пул бирлиги.



Кобилий бегим бинт Мирзо Улуғбек бин Мирзо Султон Абу-саидни Андалиб номи билан танилган Руқия Оғо билан бирга ўша қалъада қўйиб кетди.

Марал урушидан қутулиб қочиш имконини топган Амир Ошиқ Муҳаммад Арғун, Шайх Абдуллоҳ Баковул ва қўшиндан яна айрим кишилар ҳам келиб, Ихтиёриддин қалъаси мустаҳкам бўлгани учун ўша қўрғонга беркиндилар. Шунингдек, қилич ва қалам соҳиби Хожа Жалолиддин Миракий ҳам мазкур қалъага борган эди. Маҳди улё Хадичабеги Оғо ҳам золим ўлпончилар шафқатсизлигидан қочиб, Ихтиёриддин қалъасига беркинди.

Бу бари жамоат Баҳром савлатли ўзбеклар ҳайбатида жуда ҳам қўрққанлари сабабли, шаҳар ишлари юқорида шарҳ қилганимиздек даҳшатли даражага етганига қарамай, бу қўрғонни сақлаш борасида ўзларидан бирор камчилик ўтишига йўл қўймасликка тиришдилар.

Шу жиҳатдан Муҳаммадхон Шайбоний барча ҳиммат ва диққат-эътиборини ул қўрғонни фатҳ этиш учун йўналтириб, Амир Ошиқ Муҳаммад Кўкалтош олдига уни қаршилиқ кўрсатиш оқибати даҳшатида қўрқитиш ва салтанат даргоҳи эгасининг марҳаматидан умидвор қилиб пастга тушириш мақсадида сўзга чечан элчилар юборди.

Бироқ элчиларнинг борди-келдисидан натижа чиқмагач, ҳамма бажариши шарт бўлган фармон чиқарилиб, унга кўра темир чангалли ер қазувчилар лаҳм қазишга тушдилар. Уч-тўрт кун ана шундай ер ковлаш иши билан машғул бўлингач, қўрғоннинг шаҳар боғи томонидаги бурж-минорасининг таги коваклашиб, бир томонга оғанча, қулаб тушишга мойил бўлди.

Бу оғиш мушоҳадасидан қалъа ичидагиларнинг чидам ва сабру қарор устунлари ларзага келиб, хон ҳузурига бир элчи жўнатган ҳолда ўз жонлари учун омонлик тиладилар. Хон буйруғига биноан мавлоно Абдураҳим Туркистоний қўрғон дарвозаси олдига борди. Ҳар иккала Ошиқ Муҳаммад ҳамда Шайх Абдуллоҳ, Хожа Жалолиддин Миракий пастга тушдилар. Мавлоно Абдураҳим аҳду паймон қойдаларини иймонни ўртага солиш билан мустаҳкамлаб, Муҳаммад Шайбонийхон номидан «қўрғонни



урушсиз топширсангизлар, ҳеч бир кимса жону молларингизга бирор нуқсон етказмайди» дея онтлар ичди. Ноилож Ихтиёриддин қалъаси сокинларидан баъзиси ўз ихтиёри, айримлари эса дилда ўкинч билан қўрғон ичидан чиқдилар. Ҳар иккала Ошиқ Муҳаммад ва Шайх Абдуллоҳ Баковул ўлпон тўлайдиган бўлиб, ўз мол ва буюмларини пастга туширганча омонлик тиладилар.

Шундан сўнг Ошиқ Муҳаммад Кўкалтош Хуросонда қолди, Ошиқ Муҳаммад Арғун ва Шайх Абдуллоҳ Баковул эса Бадиуззамон Мирзо ҳузурига юзландилар. Хожа Жалолиддин Миракий бўлса, ўзига қариндош Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий воситасида бирор зиён-заҳмат етмай қутулди. Ифбат чодирининг юзи ёпиқларидан Кобилий бегимни Қанбар Мирзо Кўкалтош ўз никоҳига киритди. Андалибни Темур Султон ўз ҳарамхонасига жўнатди. Ихтиёриддин қўрғони кутволлиги Паҳлавон Дарвеш Муҳаммадга тааллуқ топди. Жонвафобий Мирзо Дўрмон ҳам Хуш дарвозаси ташқарисидан шу қалъага кўчиб ўтиб жойлашди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг ойдин кўнгли Ихтиёриддин қалъаси ишларидан тинчигач, хон энди бор ҳимматини Амир Зайниддин Али тасарруфида турган Тирату қалъаси фатҳи томон қаратди ва бу борада улуғ амирлар ва давлат устунлари билан маслаҳат қуръасини ўртага ташлади.

Ул қалъа яратувчи эгамнинг ажойиботларидан бири бўлиб, уни жанг билан олиш ҳар нечук иқтидорли подшоҳлар қудрати доирасидан ҳам ташқари эди. Шу сабабли барча йиғилганлар бир овоздан «элчи ва мактублар билан Амир Зайниддин Алини хизматга киритишга эришиш лозим» деган қарорни билдирдилар.

Амир Зайниддин Али билан дўстлик ва мустаҳкам бирдамлик алоқаларига эга Хожа Шамсиддин Муҳаммад Мунший ул вазифани зиммасига олиб, йўналиш жоловини Тирату қалъаси томон тўғрилади ва манзилга етгач, Амир Зайниддин Алининг кўнглини кўп онтлар ичиб ва аҳду паймон қоидаларини тузиш билан инонтириб, олампаноҳ даргоҳга келтирди. Жаноб амирлик паноҳи қалъа дарвозаларию захира омборлари ка-



литларини салтанат тахти эгасига топшириб, ўзига тааллуқли шахсий молларини ҳам тортиқ йўсини билан келтириб берди ва шу тариқа бошқа ўлпон ёки бож олиш балоларидан омон қолди.

**МАВЛОНО АБДУРАҲИМ АҲВОЛИ ВА УНИНГ
ШАРИФУ УЛУҒ КИШИЛАР БИЛАН
МУОМАЛАСИ ҲОЛАТИДАН БИР БЎЛАГИ
ЗИКРИ ҲАМДА ЎША КЕЗЛАРДА САДРЛАР,
ВАҚФ МУЛКИ МУТАСАДДИЛАРИГА
НИСБАТАН АМАЛГА ОШГАН
ВОҚЕАЛАР БАЁНИ**

Мавлоно Абдураҳимнинг туғилиб, ўсиб-улғайган ватани Туркистон вилоятининг қасабалари ичига кирувчи Саброндир. У ўспиринлик вақти ва йигитлик палласида бир неча вақт Самарқандда илмлар таҳсилига машғул бўлди. Самарқанддан Ҳиротга келди ва катта уламоларнинг дарсларида қатнашди. Бироқ зотида аслий қобилият ва туғма истеъдод етарли бўлмаганидан мутлақ билимдоннинг¹ қўли илм ва дониш эшикларини турмуши юзи сари очмади.

Қизиғи шундаки, мавлоно Абдураҳим қаердандир озгина бир масалани ўрганиб олгани заҳоти шунинг орқасида ўзини етук бир фозил бўлдим деб ўйлаб, Хуросондан Туркистонга қайтгач «Ҳирот шаҳрида олимлардан қай бирининг дарсига қатнашсам, ўзимнинг улардан донороқ эканимни сездим» дейдиган бўлди. Баъзи туркистонликлар бу сўзга чиппа-чин ишонишса, айрим ақли борлари эса, бу даъвони унинг миясида сал-пал ишқал борлигига йўйдилар.

Муҳаммадхон Шайбоний мулк олишлик эгарига ўтириб, Туркистон теграсига келган вақтда мавлоно Абдураҳим шу хоннинг салтанат даргоҳига бориб, иноят назарига илинди ва садрлик мансаби эгаси бўлиб, қадр ва ўрни пояси баланд кўтарилди.

¹ Аллоҳи таоло кўзда тутилмоқда.

Кундан-кунга хонлик инояти унга нисбатан олдингидан ҳам кўпроқ бўлиб, барча мулк ва молия ишларига аралашадиган бўлди.

У ўзи ва сўзи тез ўзгариб турувчан бир одам эди. Гапи ва қилиғида савдойлик аломатлари билиниб турар, фаҳми калталиги ва ақли ноқислиги ўтириб-туришида аён бўлар эди. Ушбу сўзлар ёзғувчиси бир неча бор ундан «агар менинг ақлимни бошқа барча оқиллар ақли билан ўлчаб кўрсалар, ҳаммадан устун чиқаман, билимим шу даража кучлики, агар шайх Абу Али Сино тирилиб келса, баҳсу мунозара чоғи уни мулзам қиламан» деганини эшитган эдим.

Гоҳида ҳукумат ва улуглик ўриндиғида ўтириб, сира ҳам илм ва фазилат аҳлига таъзим қилмасди. Баъзида арзимаган ишни йўлга қўйиш учун қўйлакчанг отланиб, бозорларни айланиб чиқарди. Улуғ ва шариф кишиларнинг йиғинига ҳеч уялмасдан қўйлакчанг ва иштончанг келарди. Табиатига мос тушмаган озгина сўз учун ёқимсиз гаплар айтиб сўкинарди.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Абдураҳим хон олдида ҳеч кимнинг устидан ёмонлаб, ҳеч бир зотни ғийбат қилмасди. Бегуноҳ одамларга зулм ўтказмаслик учун қўлидан келгунча ҳаракат қиларди.

Алқисса, Хуросон пойтахтини эгаллаш Муҳаммадхон Шайбонийга муяссар бўлгач, саййиду қозилар, уламою бошқа салла аҳли ўз ишларини илгари силжитишда хоҳласа-хоҳламасалар ҳам мавлоно Абдураҳим Туркистонийга мурожаат қилишлари керак эди. Жаноб мавлавий, юқорида эслатиб ўтганимиздек, бунинг эвазига дастлаб бир мисқоллик ўн беш минг тангачани ул жамоадан ўзи учун ундиришга қарор қилиб, мазкур пулни тўла қўлга киритди.

Шундан сўнг ким ундан бирор ишни илтимос қилса, бу учун ҳам алоҳида пул талаб қиладиган бўлди. Ўша пайтлари аҳолининг барча тоифаси рўпара келган энг мушкул иш шу бўлдики, мавлоно Абдураҳимнинг табиатида «унутиш ва эсдан кўтарилиш касали» пайдо бўлиб, бу «иллат» шу даража кучайдики, агар, мисол учун, бирор азиз ўн кун давомида у билан



муттасил учрашиб, ҳар куни олдига бирор арзирли совға ва муносиб тортиқ келтириб бериб юрган бўлса-да, ўша кишини ўн биринчи куни қайта кўрганида тағин «сен кимсан?» деб сўрарди.

Мавлоно Абдурахим дастлабки кунлари фақат шайхулисломга таъзим кўрсатиб, бошқа улуғлар учун эса ўрнидан турмасди. Аммо ул тоифа кишилар хон йиғинига келди-кетдини бошлаб, хон билан тўғридан-тўғри сўзлашадиган бўлишгач, уларнинг барчасига нисбатан қадри ва ўрнига яраша таъзим шароитини бажо келтирадиган бўлди. Ҳатто ҳар бири муносиб мансабларга тайинлади ва хоннинг топшириғи бўйича жаноб шайхулисломдан эски айём дастури билан ўзининг меросий мансабини қабул қилишини илтимос қилди. Нақибликнинг иззатли ишини Амир Низомиддин Абдулқодирга берди. Хуросон мамлакатларининг қозиюлқуззотлигини ҳам унинг шу мансабига қўшимча қилди. Қози Ихтиёриддин Ҳасан ва қози Садриддин Муҳаммад ал-Имомийни ҳам эски қоида бўйича шариат қозилиги ишига мутасадди қилди. Муҳтасиблик вазифасини ўзганинг шериклигисиз Саййид Садриддин Юнусга топширди. Мансур хоқон мадрасалари дарсларини олиб боришни Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ ва Саййид Садриддин Иброҳим ва Саййид Зайнулобидин Муртоз ва Хожа Имодиддин Абдулазиз Абҳарийга топшириб, ул даргоҳнинг илгари замонда тайинланган бошқа мударрисларини ишдан бўшатди.

Бошқа хайрия масканларининг мансабдорларига нисбатан ҳам шу амални қўлади. Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо Гурагоннинг садрларини ўз ҳузурида ушлаб қолиб «эски замондаги дастур бўйича вақф ишларини бажарасизлар» дея фармон берди.

Бироқ, айтиш лозимки, ул жамоа зиммасига курақда турмайдиган ҳар хил қийин топшириқлар юклаб, ҳар лаҳза муомалага хилоф бирон нарса талаб қиларди. Айрим маҳдумларнинг гап-сўзи орқали Амир Султон Иброҳим ал-Аминий ва ушбу варақлар қораловчисининг бошқа касбдошларидан кўра устун-



ликка эгалигини эшитганига қарамай, ўша вақтларда неча бир турлук меҳнат ва машаққатлар биз томон ҳам юзландики, бунинг шарҳини ёзиш ва айтиш бу ерда тўғри келмайди.

Аммо, жумладан биттаси шуки, дастлабки кунимиз, мавлоно Абдураҳим Хуш дарвозаси тепасидан тушиб, Жонмазид Мирохўрнинг мазкур дарвозага яқин ердаги уйда манзил тутганида, бир куни Амир Султон Иброҳим ал-Аминий ва ушбу ҳарфлар битгувчиси ҳамда мавлоно Фиёсиддин Жамшид Жалолга «навкарларимиз ўлжа сифатида қўлга киритган қўйлардан олтмиш бошини ажратиб оласизлар ва рамзий равишда ҳар бош қўй учун олти юз табризий динорга тенг бўлган йигирма хоний тангача тўлайсизлар» деб буюрди. Биз қабул бармоғини кўзга босганча ҳозир вақт кеч бўлгани, уларни ҳайдаб бориш учун ёнимизда навкар ва хизматкор зотидан ҳам ҳеч бир киши йўқлигини айтиб, бу кеча қўйлар шу давлатхона идорасида турсин, эрталаб тонгда одам юбориб, ўз уйимизга олиб борамиз ва ўзаро тақсимлаб, айтилган нархга яраша сотиб оламиз, дея илтимос қилдик.

Илтимосимиз қабул даражасини топмади ва бизлар қийин бир вазиятда, садрлигимиз айёмида ижирғаниб қўлга оладиган ҳассаларимиз ўрнига чўпон таёқларини кўтариб, қўйларни олдимизга солиб, уйларимиз сари юзландик. Бундан бир неча кун илгари бизни дабдабали ва обрўли кийимда учқур отларга минган ҳолда кўрган Хуш бозори аҳли бу аҳволимизни кўриб, таажжуб ва ҳайронлик билан қотиб-қотиб қулишга тушдилар. Амир Султон Иброҳим ва каминанинг ҳам кулгиси қистади. Аммо мавлоно Фиёсиддин Жамшид Жалолнинг хўрлиги келиб, йиғлаб юборди. Ундан йиғи сабабини сўраганимизда, «ўзбеклар замонида далада чўпонлик қилишимизни билардим, бироқ Хуш бозори ўртасида бу каби ишга мажбур қилиниб, бунчалик камситилишимиз хаёлимга ҳам келмаганди» дея жавоб берди.

Садр ва вақф бошлиқларидан ҳар бири мавлоно Абдураҳимга нақд пул ва буюм каби нарсалардан кучи етганларича совға-салом берганларидан сўнг улар қутулиб, бу



мавлоно Абдурахим садр деганлари Амир Садриддин Султон Иброҳим ва каминани мусодара қилиб, олти динорлик йигирма минг тангача талаб қилди. Анча гап-сўз ва кўп ёлвориб-ялинишдан сўнг биз икки кишидан ўн уч минг тангача ундириш, бошқа садр ва вақф бошлиқларининг эса буюмлари тортиб олиниб, шундан бошқа тегмасликка қарор қилинди. Ваҳоланки ўша вақтда ғорат ва талон-торож сабабли бирон-тамизда ҳам беш тангадан ортиқ пул қолмаган эди. Шунга қарамай, хайрият, илоҳий иноят туфайли беш-олти ой ичида бу масала ҳал этила қолди.

Жаноб мавлавий Абдурахим садр Хуросон мамлакатлари солиғини ўз ўғиллари Мансур, Қосим ва Юсуф ўртасида тақсимлаб, ўша тушумнинг ўндан иккисини садрлик йўсини бўйича олишлари, ўндан бирини эса ундирувчи сифатида ўзлаштиришни буюрди. Бу зулмига қарамасдан ҳар неча кунда баҳоналар топиб, вақф мулкига ҳам солиқ солар ва вақф берувчилардан ҳам йиғим ундирар эди. Шу сабабли хонақоҳлар, работлар ва мутабаррик мозорларда дарвешлар, ходимлар, мужовирларга ҳақ бериш ҳамда мозорларга келиб-кетувчи зиёратчиларнинг еб-ичишига қараш расмларини бажариш кабилар барҳам топди. Темурийлар замонидаги қоидага хилоф равишда ўша вақтда вақф мулкларига мол, буюм, харажат ўлпони солингани учун вақф тушуми ишлари бутунлай издан чиқиб, хайрия бинолари харобага айланди.

Илоҳий ҳикмат тақозосича, ҳижрий сана 919 йилга етган ҳозирги кунгача¹ ҳеч бир соҳиб давлатга муқаддас иморатлар қуриш ва таъмирлаш, вақфларни маъмур ва обод этишга уриниш борасида муваффақият ёр бўлмади. Худо хоҳласа, бундан кейин ушбу китоб ёзилишига мақтов аломатли кўнгли сабабчи бўлган саодатманд киши [жаноб Ҳабибуллоҳ Соважий]нинг адолат ва инсофи етуклиги шарофатидан бу мурод эшиклари фазлу дониш аҳлининг умид юзи сари очилса ажаб эмас. *Тавфиқ Аллоҳи таолодангир ва У ҳамма нарсага қодир эрур.*

¹ 929 йил – 1522 йил 20 ноябрь – 1523 йил 10 ноябрь оралиғи.

**АБУЛМУҲСИН МИРЗО БИЛАН
МУҲАММАД МУҲСИН МИРЗОНИНГ
БИР-БИРИГА КЕЛИБ ҚЎШИЛГАНИ ВА
УЛ ИККИ АКА-УКАНИНГ БУЮК МОЛИКИ
МАННОН ҚАЗОВУ ТАҚДИРИ ТАҚОЗОСИ
БЎЙИЧА ШАҲИД БЎЛГАНИ**



Фаридун тожли, Искандардек шижоатли Муиниддин Абулмуҳсин Баҳодир диёнат ва адолат билан тавсифланган, жабру зулмдан ўта даражада тийинган ва бу каби ножўя ҳаракатлардан жуда йироқ ҳамда азалий иноят нурлари Муштарий сиймоли чеҳрасидан зоҳиру пайдо, ламязалий саодат оломати оламни безовчи манглайдан равшану ҳувайдо, мушкуллар тугунини ечувчи ақли мамлакат ишларини бутлашда тўғри ва аниқ, тўғрилиқни кўрсатувчи лойиҳалари салтанат устунларини тиклашда мақсади ҳосил султонларга қўлланма эди. Бу олий мартабали подшоҳ ўзининг бузруквор отаси замонида Марви Шоҳижаҳон вилоятини бошқаришга киришганда, адолат ва эҳсони кўплиги туфайли озгина давр ичида ул мамлакатни обод ва фаровон қилди.

Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбоний Мовароуннаҳр вилоятларини босиб олган пайтда Абулмуҳсин Мирзо иш оқибатини ўйлаганидан, Сарахс қалъасини девонлик ҳолига қайтариб, айрим жамғарма ва нафис моларни ўша ерга элтиб қўйди ва ўзбек қўшинлари Хуросон диёрига кирган 913 йил бошларида¹ ул ҳазрат ўз оиласини ўша мустаҳкам қалъада беркитиб, йўналиш байроғини Разавиянинг муқаддас Машҳади томонга қараб кўтарди.

Муҳаммад Муҳсин Мирзо акасининг шариф қадамини таъзим ва иззат-икром билан кутиб олди ва тўй-зиёфат, пешкаш ўтқариш шартларини бажаришга киришиб, айшу хурсандчилик палосини ёйишга буйруқ берди. Шунда арғувоний қадахлар гул юзли соқийлар қўлида айланишга тушди, қувонч бағишловчи

¹ 913 йил бошлари – 1507 йил 13 май.



муғаннийларнинг навосию хушовоз мутрибларнинг товуши Нохид базмхонасидан ҳам ўтиб кетди.

Ўша аснода Марал урушининг қочоқлари кетма-кет ва изма-из мулозиматга етишдилар ва воқеа ҳолатини шарҳлаб, арзга етказдилар. Абулмуҳсин Мирзо ва Кепак Мирзо бу аянчли воқеа хабарини эшитгач, лашкар йиғмоқ ва сафёраб баҳодирларни чорламоққа машғул бўлдилар. Ой мисоли кезувчи элчилар бу иш юзасидан Хуросон шаҳарлари сари юзланишди. Озгина вақт ичида жуда кўп лашкар ул икки адолатпеша оға-ини байроғи остида тўпланиб, жанг истар, дағал қилиқли бу қўшин кўп уруш анжоми ва чексиз қурол-яроғ билан урушга тайёр турди.

Муҳаммадхон Шайбоний бу ишдан хабар топгач, оти жиловини ака-укани тор-мор келтириш учун тўғрилади. Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон бу хизматга тайинланиб, сон-саноксиз қўшин ва чексиз сонли аскар билан уруш истовчи мардлар майдонига нусрат аломатли байроқларни ҳазрат имомнинг (а. с.) муқаддас Машҳади томон ҳилпиратиб, илғор йўсини ва шошилич қаноти билан масофаларни босиб ўтишаркан, икки манзилни битта қилдилар. Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо душман келаётгани хабарини эшитишгач, улуғ амирларни чақириб, ул ҳодиса балосини қайтармоқ урушини ясаш борасида маслаҳат қилдилар.

Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек бир гуруҳ ақли ва тадбирли кишилар билан бирга ўз фикрини қуйидагича арзга етказиб: Шундай маълум бўлмоқдаки, Муҳаммадхон Шайбоний жуда кўп сонли паҳлавонларни Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон байроқлари остида бу томон юбориб, ўзи эса ёнидаги озгина кишиси билан Кўҳистон сайхонлигида қолган. Бундай вазиятда шу нарса муносиб кўринмоқдаким, биз бир гуруҳ жасур ва ботир кишилар билан сўқмоқ йўлдан жуда тезликда илғор солайлик ва кутилмаганда душман устига от қўйиб, ҳамла ели билан уруш оловини аланга олдирайлик ва ўз обрўйимиз учун тиришиб, ўзбекларнинг йиғин хирмонини ёқиб ташлайлик, деди.





Яна бир бўлак амирлар эса «аҳтиёткорлик йўлига риоя қилиш шуни тақозо қиладиким, Абулмуҳсин Мирзо оиласи ва қўшиндан бир бўлаги билан бирга Калот қалъасига бориб, ул қалъани беркитадилар. Муҳаммад Муҳсин Мирзо қолган қўшин билан шу орадаги баланд тоғлик ва мустаҳкам тепаликлар этагини зафар аломатли лашкаргоҳга айлантириб, ҳийла йўсини билан душманга қарши урушади. Қани кўрайликчи, ғайбий олам қандай воқеани содир этаркан» дейишди.

Бошқа бир калтабин кишилар «ишнинг тўғриси шуки, мулк бағишловчи худованд карамига таваккал қилайлик-да, душман қўшинининг кўплигини ўйлаб ўтирмайлик ва ўзбеклар олдига чиқиб, жангу жадал эшикларини очайлик» дейишди.

Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо учинчи фикрни маъқул кўриб, Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон сари йўналдилар. Бироқ, бу сулоланинг давлату иқбол куёши ботиш сарҳадига етган экан, шу кетишда кўп юрмай, ҳеч ерда ҳеч гап йўқ, Сангбаст мавзеиданоқ орқага қайтдилар ва «ҳозирча муқаддас Машҳадда туриб, ул табаррук манзилнинг ён-теварагида ўзбек қўшинини тор-мор этамиз» деган фикрни илгари сурдилар.

У томондан Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон Жом туманига етишгач ва шаҳзодаларнинг йўлга тушгани хабарини эшитгач, юриш тезлигини камайтириб, аста-секинлик билан кела бошладилар. Кутилмаганда эса шаҳзодаларнинг қайтганини эшитиб, яна илдам юришга тушдилар.

Абулмуҳсин Мирзо ва Кепак Мирзо кўпчилик амирлар ва давлат устунлари билан тунги шароб кайфидан бошлари айланиб, дам олиш тўшагига суянган ва хуморнинг кучидан тагин бир шундай ўтириш ясаш хаёлини кўнглидан ўтказиб ўтиришган тонг пайти бир хабарчи Машҳадга етиб келиб, Мовароуннаҳр султонлари Баҳром қаҳрли лашкар билан Туруққа¹ келиб туш-

¹ Туруқ — Машҳадга яқин ердаги чорраҳа бошида жойлашган мавзе. Бу ердаги тўртта йўлдан бири Ҳирот, иккинчиси Мозандарон, учинчиси Машҳад, тўрттинчиси Нишопурга элган. Шунинг учун ҳам бу ер номи «йўллар» маъносини берувчи арабча «Туруқ» сўзи билан аталган.



дилар, деган хабарни тарқатди. Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо даҳшатга тушган ҳолатда отга миниб, сурнай ва ноғора чалишни буюрдилар. Қўшин йиғилгандан ва уруш истар баҳодирлар қуроллангандан сўнг кўнгилни урушга чоғлаб, от жоловини Туруқ мавзеи томонга қаратдилар.

Айни шу пайтда у томонда Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон Туруқ дарёсидан ўтиб, ғалаба шиорли лашкарнинг баронғор, жавонғор ва қўл қисмларини замон мардлари ва уруш тўқайининг арслонлари билан безаган ҳамда муҳорибага ҳозирлик кўриб, олишувга тайёр ҳолда тўқнашувни кутиб турган эдилар.

Томонлар яқинлашуви тўқнашувга айлангач, ҳар икки тарафдан ҳам сурон солиб, сурнай ва ноғора чалиниб, девтабиатли ботирлар ва урушга талабкор довьорақлар жасурлик отини ниқтаб, адоват ва кураш майдонига қараб ёпирилдилар. Чангу ғубор тўзонининг кўтарилишидан нур баракатли қуёш зулмат аломатли ниқобни юзи узра тортди. Олтин тусли қалқонлар қуббаси шуъласи ва шамсимон найзалар учи ёғдусидан майдон юзаси мунаввар бўлиб, мардлар кўзи қамашди. Яманий¹ қилич бошларни думалатишга бошлаб, инсоний руҳ қушини фоний бадан қафаси торлигидан учириб юборди ва тез учувчи ўқ бургути камон уясидан парвоз қилиб, сардор ва сарварлар миясини озуқа қилди. Хаттий² найза «ер юзидаги барча жонзот фонийдир»³ хатини ёшу қарининг аҳвол пешонасига битди, зумрад гавдали қилич довьорақлар қонидан қизил ёқут рангига кириб, биёбон қумига лаъл ва маржон тусини берди.

Шижоати кўплиги ва мардлиги мўллигидан Исфандиёрнинг ҳафтхон⁴ достонини эътиборсиз билган, найза санчиш ва қилич солиш кучи зўрлигидан Рустами Достон ва Соми Наримонга

¹ Яманий – Яман ўлкаси пўлатидан ясалган қилич сифатига қиёслов.

² Хаттий – Яманга яқин Хатт ўлкасида ясалган найза сифатига қиёслов.

³ Қуръони карим, Раҳмон (55) сураси, 26-оят.

⁴ Ҳафтхон – етгита тўсиқ, Одатда бу сўз «Шоҳнома» қаҳрамони Рустамнинг етгита тўсиқнинг қаттиқ қийинчилиги, масалан, унинг аждаҳони енггани кабиларга нисбат берилади.



қарши кураша оладиган Муҳаммад Муҳсин Мирзо ўша куни ўзининг ҳар бири уруш ўрмонининг шери ва кураш денгизининг аждари бўлмиш хос кишилари билан бирга душман сафига ташланди. У ўзининг ҳар бир ҳамласида битта жангчини ҳалокат тупроғига қулатар, душмандан қай бир паҳлавон ул фил танли подшоҳ билан олишсаю агар у темир тоғининг ўзи бўлса ҳам талқонга айланарди. Ул душманни енгар подшоҳ қай бир саф устига ташланса, гарчи ўша сафдагиларнинг бариси Искандар тўғони бўлса-да, аъзойи бадани бўлак-бўлак бўлиб кетарди. Аммо давлати муддати тутаган экан ва белгиланган умри якунига етган экан, бу тортишув ва олишувлардан бирор фойда чиқмади. Хуросон сипоҳи енгилб, иш кексаю ёшнинг тадбир доирасидан чиқди.

Йиллар давомида мансур хоқоннинг маҳрамлари қаторидан жой олган ва муҳрдорлик мансабида турган Амир Бобо Маҳмуд бин Амир Бобо Ҳасан шаҳзодалар лашкари бошлиқларидан бир гуруҳи билан бирга ўзбекларнинг қилич ва ўқи ярасидан ҳалокат тупроғи узра қулади. Тирик қолган бошқалар қочиш водийси сари юзланиб, Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султонга фатҳу зафар насиб бўлди. Мовароуннахрнинг зафарга ёр қўшини қаттиқ уруш солганича шаҳзодаларни ўртага олиб, иккаласини ҳам тақдир панжасига асир қилдилар ва қўлларини боғлаб, ўз султонлари олдига элтдилар. Сўнг буйруққа биноан қон оқизувчи шамшир зарби билан ул Муштарий моҳиятли икки подшоҳни қатл этдилар.

**ИБН ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ УРУШ-САВАШ
ҚИЛГАНИ ВА УНИНГ МАШРИҚ
ЗАМИНЛАРИГА ФАРМОН БЕРУВЧИ ШОҲ
ИСМОИЛ ДАРГОҲИГА ПАНОҲ ИСТАШ
ИЛТИЖОСИНИ ҚИЛГАНИ ЗИКРИ**

Саодатли шаҳзода Ибн Ҳусайн Мирзо гарчи ёш жиҳатдан мансур хоқоннинг кўпчилик ўғилларидан кичик бўлса-да, аммо жасурлик ва баҳодирлик майдонида мусобақа тўпини

оға-инилари ва яқинларидан олиб қочарди. Ул ҳазрат Марал воқеасини эшитгандан сўнг бахтини синаб кўриш ўйи ва юрт олиш нияти билан мулк олишлик эгарига ўтириб, ўзининг суюрғоли бўлмиш Қоин вилоятдан Нишопур ва Сабзавор томонга йўналди. Амир Муҳаммад Бурундуқ Барлос ва Абдулбоқи Мирзо шаҳзоданинг олий мавкабига қўшилиб, нусрат оятли байроғи остида катта бир йиғин тўпланди.

Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Мирзо шаҳид бўлгандан кейин Саййид Абдуллоҳ Мирзо ва лашкар аҳлию амирлардан анчаси ҳам ўша томонга бориб, Ибн Ҳусайн Мирзонинг қудрат ва улуғворлиги янада ортди.

Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон Ибн Ҳусайн Мирзонинг йиғини ва ул музаффар туғли шаҳзоданинг жаҳонбонлик дағдағасидан воқиф бўлишгач, вазият борасида хонга хат битиб, унинг буйруғига биноан Сабзавор тарафга юрдилар. Ибн Ҳусайн Мирзо душман келаётганидан хабар топиб, Яқдар мавзеини лашкаргоҳ қилди ва кўнглини урушга чоғлаб, жангга тайёр бўлиб турди.

Тарафлар яқинлашгач ва сафлар тўғрилангач, ҳарб сурна-йининг садоси Исрофил сури намунасини жаҳон бадани аро пуфлади ва карнай товуши баландга кўтарилиб, фалак қалъаси аҳолиси қулоғига етди. Икки лашкар бўлинмалари худди Кўк денгиз тўлқинлари каби кўпирди ва қўлни ўқу камон, қиличу найза сари чўзиб, наъра тортдилар. Тўрт парли ўқлар саф ёрар ботирлар камони уясидан қуёш чехраси узра сурма ниқобини қоплаш даражаси миқдориде қуюндек парвозга кирди. Сувдек ялтироқ пайконлар ханжарсанчар довюраклар бош бармоғидан узоқлик ахтариб, кексаларнинг панд-насихатидек ёшлар қалбига ўрнашди. Найза шуъласи ўтли яшин сингари неча бир ҳаёт хирмонини куйдирди.

Ибн Ҳусайн Мирзо Хуросон қўшини ботирлари билан мухолифлар устига ҳамла қилиб, қутурган шер каби ўкирар ва қон оқизувчи шамшир зарбаси билан ғаним паҳлавонларининг кўкси ва қорнини ёрарди. Ўзбекнинг қиёмат аломатли лашкари ҳам тез юрувчи йўлбарс мисоли жасурлик шамоли билан жанг



оловини аланга олдирав ва тошни тешар ўқ билан Сурайё юлдузлари йиғинини Жавзо¹ белига тикардилар.

Ўша куни илк олишувда Ибн Ҳусайн Мирзо ғолиб келиб, душман қўшинининг маймана ва майсара қисмини орадан олиб ташлади ва шу зайл Убайдуллоҳ Султонга қаттиқ зарба бериб, қудрат байроғини қилпиратди. Аммо қалб қисм ўз жойида барқарор тургани сабабли ўзбек лашкари қайтадан Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султоннинг байроғи остига йиғилдилар ва кўпчилиги ўлжа йиғишга машғул бўлган Хуросон лашкарига ҳужум қилдилар.

Ибн Ҳусайн Мирзо фатҳу зафар қоматини кўришга умидвор бўлган бир пайтда ана шу ногаҳоний ҳамла оқибатида енгилди ва мулку молдан кўнгил узиб, юзни қочиш водийси сари қаратди. Абдулбоқий Мирзо ва Саййид Абдуллоҳ Мирзо кўпчилик Хуросон аъёнлари ва амирлари билан бирга ўша жангда ўлдирилдилар. Амир Муҳаммад Бурундуқ *Барлос* қўшиннинг бошқа бир гуруҳ бошлиқлари билан асир олиндилар.

Ибн Ҳусайн Мирзо ул қоничар уруш майдонидан қочгандан сўнг шаксиз ғайбнинг илҳоми билан шу ўйни кўнглидан ўтказдиким «аҳли байтнинг Нуҳ кемасига киргани каби» ҳадиси мазмунига амал қилиб, нубувват² денгизининг омонлик кемасидан паноҳ топмоқ керак, токим турмуш ноиблари тўфонидан қутулиб, фароғат вужудига етайлик ва қалқон футувватли³ қуёш инояти остидан паноҳ излаш керак, токим, ҳодисалар офтобининг жизғанак қилувчи жазирамасидан халос бўлиб, оқибат фоятига эришайлик;

Ибн Ҳусайн Мирзо бу маънини Фаридун⁴ укпарли шаҳзодага тизгиндош бўлиб, Яқдар жанги майдонидан қутулиб чиққан ай-

¹ *Жавзо* — ўн иккита фалак буржидан учинчисининг номи, май-июнь ойига тўғри келади. Бу бурж орқаси бир-бирига ёпишган эгизак гўдаклар суратида талқин этилган; Қуйруқли юлдуз (Орион) ҳам шундай аталган.

² *Нубувват* — пайғамбарлик. Бу ўринда бу сўзнинг ишлатилиши ўзини пайғамбар авлоди деб атаган сафавийлар сулоласига ишора.


³ *Футувват* — сўфийлар тариқатидаги «эран»лик йўли. Бу ерда унинг ишлатилиши сафавийлар сулоласи асосчиси шайх Сафийнинг сўфийлигига ишора.

⁴ *Фаридун* — қадимий эрон шоҳларидан бирининг номи.




рим ичкиларига айтди. Барчаси бир овоздан «ишнинг чораси фақат ана шу қарорни бажариш, яъни муртазавий хислатли, қутлуғ келажакли, дунё ва охират саодатига ёр шоҳ Исмоилнинг байроқлари соясидан паноҳ излаб бормоқдадир» дея жавоб бердилар.

Ибн Ҳусайн Мирзо шу гаплардан кейин жаҳонкезар ўрду сари қўзғалди ва султонлар паноҳининг бандаргоҳига етгач, юрт олувчи подшоҳларнинг энг юксак истаги бўла олгувчи қўлни ўпиш шарафини топиб, мақсади ҳосил шоҳнинг чексиз иноятига эришди ва қолган умрини давлат ва иқбол билан кечирди.



ХУРОСОНДА РҲЙ БЕРГАН ВА МУАРРИХЛАР НАЗДИДА ТИЛГА ОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН АЙРИМ ҲОДИСАЛАР ЗИКРИ



Мулкларнинг мутлақ моликининг — *шаъни улуғдир* — қудрат қўли «Аллоҳ мулкни хоҳлаган кишисига беради»¹ бахтли либосини Муҳаммадхон Шайбонийнинг қобилият қоматига мослаб тиккач ва эҳтиёжсизлик шамоли билан мансур хоқоннинг олий зотли ўғиллари йиғини хирмонини тўзғитиб, улардан ҳар бирини битта мамлакатга элтиб ташлагач, Муҳаммадхон Шайбоний мулклар бағишловчи Молики Маннон шукри ва олқиши шартларини адо этмоққа киришиб, амирлар ва қўшин бошлиқларидан ҳар бирини бирор муносиб мансаб билан сийлади. Олий маконли теурий шахзодаларга қарши уруш майдонида шижоат ва жасурликнинг энг юксак намунасини кўрсатган ўғли Муҳаммад Темур Султон ва жияни Убайдуллоҳ Султонлар ҳақида эса турли-туман инъом ва эҳсонлар атосини амалга оширди.

Юқорида ёзганимиздек, Ҳирот ҳукумати ва доруғалиги мансаби Жонвафобий Мирзога тааллуқ топди ва бул ўлканинг вазирлик ишлари Хўжа хурд лақаби билан ҳам танилган Хожа Абулвафога берилди. Иқим чухра юзини Фушанж шаҳри доруғалиги

¹ Қуръони карим, Бақара (3) сураси, 26-оятдан.



сари қаратди. Хоннинг аммасининг ўғли бўлмиш Саййид Ҳоди-хожа муқаддас Машҳадда бошчилик туғини юқори кўтарди. Сабзавор вилояти Замиш¹ Баҳодирга берилди ва Қанбарбийнинг раислик туғи Марви Шоҳижаҳонда кайвон айвонидан ўтди. Мир Муҳаммад Солиҳ Жомда, Ройбий Бохарзда фармонфармо бўдилар. Эломон Туршизда ҳокимлик эшикларини ўз юзи сари очди. Балх ҳукумати ишлари ихтиёри Шайбонийхоннинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг эгачисидан туғилган ўғли Хуррамшоҳ султоннинг қудрат қўлига кириб, қарорга кўра, Қанбарбий Кўкалтош ўша шаҳарда бу шаҳзода хизматида туриб, мол-мулк ишларини бутлайдиган бўлди. Самарқанд салтанатига Муҳаммад Темур Султон тайинланди, Убайдуллоҳ Султон эса мақтов хислатли марҳум отаси каби Бухорога ҳоким бўлди.

Хоннинг ойдин кўнгли бу сингари ишлардан тинчигач, Қандаҳорни эгалламоқни хаёл қилиб, оти тизгинини ўша тарафга тўғрилади. Ул шаҳар ҳудудига етишгач, Амир Зуннун Арғуннинг ўғиллари Шужобек ва Муҳаммад Муқим сўзамол элчиларни мўл-кўл тортиқлар билан салтанат ошиёنли даргоҳга юбориб, итоат ва бўйсунуш изҳорини қилдилар ҳамда хутбаю тангани шу мақсади ҳосил ўзбек подшоси номияу ота-боболари исми билан безаш ва хоннинг мулозимати шарафини топиш ваъдасини бердилар. Муҳаммадхон Шайбоний улардан рози бўлиб, Хуросон томон қайтди.

Шу воқеалар асносида Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек юзини олий мартабали Шайбонийхон даргоҳига қаратди. Бу сўзнинг шарҳи шуки, Табас қалъаси мансур хоқон замонида Амир Муҳаммад Валибек тасарруфи остида бўлиб, ул мустаҳкам қўрғонда бу амирлик нишонли жаноб томонидан қўйилган ноиблардан бири бўлмиш Амир Турди Бобо ҳокимлик қилиб ўтирарди. Муқаддас Машҳад атрофида Абулмуҳсин Мирзо ва Кепак Мирзо шаҳидлик жомини ичишгач ва Мовароуннаҳр лашкари ҳамласидан Хуросон қўшини тор-мор этилгач, Амир Муҳаммад Валибек қочиш жоловини Табас қалъаси томон бурди.

¹ Бу исм Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод» асарида «Барбиш» шаклида берилган.

Аммо қўрғонга етишгач, кутилмаганда Амир Турди Бобо унга бўйсуннишдан бош товлаб, хизматкорлик эшикларини очмади. Ноилож Амир Муҳаммад Валибек умидсиз ва ҳайрон ҳолатда Хуросон¹ томон юзланди ва Муҳаммадхон Шайбоний хизмати-га бориб, хон буйруғига биноан Мовароуннаҳр тарафга кўчиб кетди.

Айни ўша вақтларда Амир Носириддин Умарбек ва Амир Зайниддин Али ҳамда Хуросон амирларидан қолган-қутган бир нечтаси ҳам Мовароуннаҳр сафарига буйруқ олдилар ва уларнинг барчаси сиҳат-саломат ул вилоятга етиб, бир неча кун осойишта яшадилар. Шунингдек ўша пайтда, урушда асир тушган Амир Муҳаммад Бурундук *Барлос* табиий ажал исканжасида оламдан ўтди. Амир Султон Али Арғун эса Сейистондан қимматбаҳо совғаларни халойиқ паноҳли хон даргоҳига юбориб, итоат ва қуллик изҳорини қилди.

Оламни кезувчи офтоб тўхташ манзилларида туравериш чўзилганидан сиқилиб, йўналиш байроғини Мезон томон кўтарди ва куз рақиби боғу бўстонлар юзидан барг ва япроқларни си-дириб, қип-яланғоч қилган ҳолда Дай² сипоҳининг муқаддима қисми совуқлик аён этгач, Муҳаммадхон Шайбоний йўналиш юзини Мовароуннаҳр сари қаратиб, Хуросоннинг шариф ва улуғ кишиларидан Амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн Амир Юсуф, қози Садриддин Муҳаммад ал-Имомий, Саййид Садриддин Юнус, қози Ихтиёриддин Ҳасанни ўзи билан бирга олиб кетди. Бу сафар чоғи ул жамоатга нисбатан инъом ва эҳсон йўлини тутиб, барчасининг кўнглини олишга ҳаракат қилди.

Мансур хоқоннинг энг кичик ўғли ва Ибн Ҳусайн Мирзонинг она бир укаси Муҳаммад Қосим Мирзо мазкур уруш майдонидан қутулиб чиққач, Дурун ва Нисо шаҳарлари томонга қочиб борган эди. Ўша қишда бу жасур шаҳзода қўшин тўплаб, муқаддас Машҳад устига юрди.

¹ Ҳирот шаҳри кўзда тутилган.

² Дай – эронликларнинг шамсий йили бўйича ўнинчи ой номи, мелодий йилнинг 22 – 23 декабрь – 20 – 21 январи оралиғига тўғри келади. Бу ерда қаҳратон қиш фаслини билдириб келмоқда.



Машҳад шаҳри ҳокими Саййид Ҳодихожа қаршилиқ қилишга кучи етмаслигидан давлати марказини бўш қолдириб, йўналиш туғини Марв томон қараб кўтарди ва воқеани олий тахт пойига битиб юборди. Муҳаммадхон Шайбоний теурий шаҳзоданинг бундай журъатидан воқиф бўлгач, Убайдуллоҳ Султонни ул ҳодисанинг олдини олишга тайинлади.

Убайдуллоҳ Султон ҳазратлари Бухоро қўшини билан Чаҳоржўй кечувидан ўтиб, Марв сари ошиқди ва Марвга етгач, у ердаги ҳоким Қанбарбий ва қочиб Марвга келган Саййид Ҳодихожани ўзига қўшиб, шошилиқ қаноти билан юзини муқаддас Машҳадга қаратди. Ул табаррук манзилга етилгач, Қосим Мирзо шаҳар ичида кўчабанд гов ва тўсиқларини ясаб, жанг ва уруш-савашни бошлади. Аммо кўп ўтмай, енгилиб қочди. Бир нечта ўзбек аскарлари шаҳзодага етиб олиб, қўлга туширишди ва нариги оламга равона қилишди. Келганлар муқаддас Разавия машҳади, яъни мақбара саҳнида зулм қўлини енгидан чиқариб, олий мақомли имом равзасидаги мужовир ва зиёратчилар йиғини хирмонини ғорат ва талон-торож елига совурдилар.

Ўша йили Заҳир ус-салтана Муҳаммад Бобур Мирзо Кобул ва Ғазниндан зафарга ёр қўшин билан ғалаба қоидали байроқни Қандаҳор ва Заминдоварни эгаллаш учун кўтарди. Шужобек эса Муҳаммад Муқим билан бирга ҳазрат подшоҳга қарши олдинга чиқиб, ҳар икки томоннинг шижоатли кишилари ҳамла ели воцитасида жанг майдони оловини аланга олдирилди.

Анча олишув ва уруш-савашдан сўнг нусрат ва зафар шабадаси Бобурий байроқ томон эса бошлади. Шужобек енгилиб, Муҳаммад Муқим билан бирга қочиш сари юзланди. Қандаҳор ва Заминдовар мамлақати тўлалигича ҳазрат Бобур подшоҳ тасарруфи остига кирди. Бобур Мирзо Амир Зуннун Арғуннинг кўп йиллар давомида йиққан хазина ва ганжиналарини голиб қўшиннинг амиру лашкарбошилари ўртасида тақсимлаб берди. Қандаҳор ҳукумати ихтиёр тизгинини эса ўзининг олий зотли укаси Султон Носир Мирзонинг қудрат қўлига тутқазиб, қайтиш жилловини орқага тўғрилади.



Аммо бир неча ойдан кейин Шужобек ва Муҳаммад Муқим жасорат аломатли лашкар билан Қандаҳорга қайтиб келиб, мамлакатни Султон Носир Мирзодан тортиб олдилар. Натижада шаҳзода Носир Мирзо Кобул сари чиқиб кетиб, Амир Зуннуннинг ўғилларидан ҳар бири ўз вилоятлари ишларини саранжомлаш учун йўналдилар. Шундан сал ўтмай, Муҳаммад Муқим Арғун устига табиий ажалнинг талабкор хизматчиси етиб келиб, амирзода қаттиқ касалга дучор бўлди ва шунинг оқибатида фоний оламдан мангулик жаҳонига кўчиб ўтди.

Мисра:

Абадий тургувчи ва мангу қолгувчи фақат Худо бўлажак.

**СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН МИРЗО ВА
МУЗАФФАР ҲУСАЙН ГУРАГОННИНГ
ЖУРЖОН ВИЛОЯТИГА КЕЛГАНИ ВА
ЖАНОБ МУЗАФФАР ҲУСАЙН
ГУРАГОННИНГ САРВАРЛИК ТАХТИДАН
МОЛИКИ МАННОННИНГ МАФФИРАТИ
ЁНИГА КЎЧИБ ЎТГАНИ ЗИКРИ**

Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо Гурагон Муҳаммадхон Шайбоний савлатидан қўрқиб салтанат пойтахти Ҳиротни тарк этган ўша 913 йил муҳаррам ойининг саккизинчиси¹ жума куни тонгида улардан биттаси Боғи Нав, иккинчиси шаҳардан елдек учар отларга ўтириб, юзларини қочиш водийси томон қаратгач, Султон Бадиуззамон Мирзо Гармсир ва Қандаҳор вилоятида ҳоким бўлиб ўтирган Шужобек Арғуннинг ёрдамига суяниб, ўша томонга йўналди. Қандаҳор ҳудудига етишгач, Шужобекдан бевафоликнинг нохуш йўлини мушоҳада қилиб, йўналиш байроғини Нимрўз мамлакати сари кўтарди ва Амир Султон Али Арғун олдига одам юбориб, мақсади ҳосиллик буржининг юлдузи Муҳаммад Замон Мирзони тилатди. Амир Султон Али Арғун ҳамма бажариши шарт фармон талабини бажо келтириб, шаҳзодани му-

¹ 913 йил саккизинчи муҳаррам – 1507 йил 20 май.

носиб керак-яроқ билан олий ўрдуга кузатиб қолди. Сўнг Бадиуззамон Мирзо кўчма-кўч юриб Журжонга юзланди.

Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам Туршиз йўли орқали ўша томонга юрган эди. Шу сабабли Астробод дорилфатҳида яна бир бор икки бахт юлдузининг яқинлашуви рўй берди ва ул икки яхши юлдузли оға-инилар бир-бири билан кучоқлашиб, бир-бирини бағрига босиб кўришдилар. Бир онадан туғишган акаси Муҳаммад Ҳусайн Мирзо вафот этгач, унинг ўрнига Астрободда ҳукумат байроғини кўтарган Фаридун Ҳусайн Мирзони эса Домгон вилоятини бошқариш учун юбордилар.

Ул мақтов хислатли икки оға-инининг Астрободда қўним топгани ҳақидаги хабар салтанат пойтахти Ҳиротга етгач, салтанат пардасининг хонанишинлари Поянда Султон бегим, Хадича беги Оғо ва мансур хоқон ҳарамсаройининг яна бир нечта хотин-халажлари шаҳар доруғаси Жонвафо Мирзодан рухсат олиб, юзларини Журжонга қаратдилар.

Темурий улусининг қўшин аҳлидан қай бири Хуросон шаҳарларидан қайси бирида қолган бўлса, улар ҳам ўша тарафга кета бошладилар. Шу сабабли яна бир марта Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Гурагон байроғи остида жасурлик аломатли қўшин йиғилди.

Аммо бир неча ой ўтгач, Музаффар Ҳусайн Мирзо оғир касалга мубтало бўлди. Ҳозик табиблар ва аниқ билгувчи ҳакимлар ул касални Мирзо танидан аритиш ва ёпишган балони ҳайдаш учун қанчалик уринишмасин, шаҳзоданинг яхши сифатли зоти гавҳарида сиҳат-саломатлик сурати кўринмай, аксинча заифлик кучайди. Сўнг баракатли руҳининг булбули жон қафасидан қудсий боғ гулшани сари парвозга киришди. Иқбол гулзорининг самара бағишловчи ниҳоли кулфатли оламнинг зolimлик шамоли тўфони кучидан ер тубан қулади ва истиқлол осмонининг қуёшдек ялтироқ юлдузи шараф ва камол буржи авжидан юзини ғурбатхона тубига қаратди.

Назм:

Қазо қилди шундай навқирон подшоҳ,
Фалак этди зулму кўп бедодликлар.


Ҳануз ул жабру зулмлар ғуссасидан
Қора кийимдалар астрободликлар.

Султон Бадиуззамон Мирзо ул олий зотли укаси фироқида эс-ҳушини қўлдан берганча эгнига азадорлик либосини кийди. Маҳди улё Хадича беги Оғо ул мақтов сийратли ўғилни қўлдан беришликнинг азоб-уқубатига чидаёлмай, сабр-тоқат ёқасини йиртиб, ўкинч тўла йиғисининг сасини зангори осмонга етказди.


Назм:

Тирноқ-ла юз тирнаб сочини юлди,
Фалакка фарёддан ўрлади садо.
Қонсочар кўзининг булутларидан
Ерда оқди гўё бир тошқин дарё.

Ниҳоят барчалари қўлни чидам ва тоқатнинг мустаҳкам арқони сари чўзиб, шаҳзодани ювиш ва кафанлаш билан бўлдилар ҳамда ойдин оятлар хатми, ош-таомлар тортиш ва садақалар улашиш билан шариф руҳини шод қилдилар. Бу маросимлар адо этилгач, Султон Бадиуззамон Мирзо таъзия либосидан худди қуёш тутилиш доирасидан чиққан каби юз кўрсатиб, Журжон салтанати ишларига киришди. Аммо вафлат зўридан, олдинги дастурдагидек, яна айшу ишратга берилиб, най навоси ва арғанун сози садосини ўзгарувчан фалакка ўрлатиб ўтирар экан, ҳали Астрободга келганига тўлиқ бир йил ҳам бўлмай туриб, Муҳаммадхон Шайбонийнинг таъқиб ва қувиш йўсини билан Журжон вилоятига келаётгани хабарини эшитди.



**МУҲАММАДХОН ШАЙБОНИЙНИНГ
ТУРОН ВИЛОЯТИДАН ЭРОН МАМЛАКАТИ
УСТИГА ИККИНЧИ МАРТА ЮРИШ
УЮШТИРГАНИ БАЁНИ**



Навбахор султони қайта келибок,
Дашту тоғликларга қадади байроқ,
Сабзаю гуллардан тузди лашкарин,
Бўстону чаманга қилди сафарин.



Тик сарв дарахтидан байроқ кутарди.
Момақалдироқдан тўплар отарди.
Ханжарбоз савсанлар ҳужуми билан
Тамоми саҳн-ила олинди гулшан.

Юрт олишлик мазҳаби вакили Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбоний денгиз тошқинли ва момақалдироқ гулдиракли қўшин билан наштар санчувчи қуёш сингари ва темир тангали совут кийган тимсоҳ каби Амуя дарёсидан сузиб ўтиб, ўта ҳашамат ва мақсади ҳосиллик билан Хуросон шаҳарлари устига юрган қўйи Журжон вилоятини эгаллаш учун йўналди.

Султон Бадиуззамон Мирзо душман яқинлашиб келаётганидан хабар топгач ва Журжон қўшини кучи билан ул юрт олувчи хонга қарши тўқнаш ва уруш майдонига кириб бўлмаслигини англагач, шоҳ Исмоилнинг қаъба мартабали даргоҳи эҳромини боғлаб, оти жиловини Озарбайжон томонга бураркан, ўғли Муҳаммад Замон Мирзони Домғон қалъаси ичида амакиси Фаридун Ҳусайн Мирзо ёнида қолдирди-да, йўлларни босиб ўтишда тезликни яна ҳам оширди.

Бу хабар сафавийлар шоҳининг салтанати тахти пойининг мулозимлари арзига етишиб, шоҳнинг ҳамма бажариши шарт фармонига биноан Байрамбек Қаромонлу Бадиуззамон Мирзони кутиб олди. Олий мартабали ҳазрат шоҳ Исмоил салтанат ва давлат тахтида ўтириб, жаҳонпаноҳ сарой ён-атрофини муаззам амирлар ва ҳурматга сазовор нуёнлар вужуди билан безаган кунни Байрамбек Қаромонлу Султон Бадиуззамон Мирзони ашрафи аъло мажлисга олиб кирди. Мирзо шоҳнинг қутлуғ қўлини ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, муносиб бир ўринда ўтирди ва сўнг турли-туман сийлов ва илтифотга эришиб, инъом ва икромга кўмилган ҳолда олампаноҳ даргоҳидан ташқари чиқиб, истиқомат қилиши учун тайинланган манзилга бориб қўш ташлади.

Муҳаммадхон Шайбоний эса Бадиуззамон Мирзонинг Озарбайжон томонга кетгани ва Журжон майдонининг бўш қолганидан хабар топгач, ул вилоят бошқарувини неча йиллаб мансур хоқон ва Музаффар Ҳусайн Гурагон хизматида умр ўтказган,



аммо Марал воқеаси куни Шайбонийхонга қўшилган Амир Хожа Аҳмад Қўнғиротга берди. Сўнг ҳиммат арқонини Домғон шаҳрини эгаллаш кунгураси устига отиш учун бел боғлади.

Домғон шаҳри қўрғони атрофига етгандан кейин эса, Мовароуннаҳрнинг баҳром қаҳрли черики қамал ва уруш ишини бошлаб юборди. Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Замон Мирзо мулозимлари ҳам юзларини душманга қарши мудофаа ва ҳамла жанги майдонига қаратдилар. Бироқ бир неча кундан сўнг шаҳзодалар ўз аҳволлари саҳифасида ожизлик ва тушқунлик аломатини кўриб, сўз билгич ва доно элчиларни Муҳаммадхон Шайбонийнинг ҳузурига юбордилар ва эҳтиёж изҳорини қилиб, омонлик тиладилар.

Жаҳон олувчи хон уларнинг элчи ва қосидларини турли-туман инъом ва эҳсонлар билан сийлаб, аҳду паймонни ўртага солганча «Домғон қалъасидан ташқари чиқсалар ҳамда уруш ва исённи тарк этсалар, жон ва танларига ҳеч бир нуқсон етказмайман, аксинча, ул икки соҳиб саодат шаҳзодани чексиз лутфларимга сазовор қиламан» деган ваъдаларни берди.

Шундан сўнг Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Замон Мирзо шаҳар дарвозаларини ланг очиб, Муҳаммадхон Шайбонийнинг даргоҳига ошиқдилар ва шафқат назари билан эъзозланиб, иноят ва риоятга эришдилар. Бир неча кундан кейин Муҳаммад Замон Мирзо Озарбайжонга кетиш учун рухсат олди, Фаридун Ҳусайн Мирзо эса ижозатсиз равишда хон ўрдусидан ажралиб чиқиб, Атрек дарёси бўйи тарафига ва Яқа туркманлари ичига йўналди.

Журжон мамлакати ва унга қарашли музофотлар Муҳаммадхон Шайбонийга насиб этгач, унинг юрт олувчи байроғи кўтарилиб, Бастом ва Домғон вилоятидан то Туркистоннинг чекка шаҳар ва туманларигача шу хоннинг тасарруфи остига кирди. Хон ёз фаслида Родгон сайхонлигида чодирини ва ўтовини қуббасини қуёш ва ойгача етказиб, яйлов гаштини сураб, қишда эса Мовароуннаҳрга кетиб, гоҳи қозоқ лашкарини тор-мор келтириш, айрим вақтларда Дашти қипчоқдаги уруф-қабилалар устига босқин-чопқин уюштирар эди.



915 йил охирида¹ хон ўша пайтлари Дашти Қипчоқнинг барча ҳокимларидан шижоат ва мардоналикда тенгсизлиги, уруғ-аймоғлари ва мол-мулки кўплиги билан устунлик ва истисноликка эга бўлган Қосим Султондан енгилди ва қочиш пайти Қанбар Мирзо хон қўшинининг кўпгина бошлиқлари билан бирга ўлдирилди.

Муҳаммадхон Шайбоний баҳор фаслида паришонҳол суратда Хуросонга қайтиб, Гармсир ва Заминдовар тоғликларида юрган ҳазора ва *накудор* қавмлари устига лашкар тортди. Иқболи қуёши завол чегарасига етган экан, бу юришда ҳам бахти чопмай, ҳеч бир иш қила олмагач, 916 йилнинг шаъбон ойи ўрталарида² ўзбек аскарларидан кўпи от ва қурол-яроғларини фано елига совуриб, пиёда юрган кўйи салтанат пойтахти Ҳиротга келдилар.

Хон шу келишда бир неча кун Жаҳоноро Боғида йўл азоби чарчоқларини чиқаргач, ер юзи шоҳи Исмоил Сафавийнинг қутлуғ туғлари Ироқ ва Озарбайжондан Хуросон томон келаётгани хабарини эшитди. Ноилож ҳайрон ва кўнгли паришон ҳолда шошилинич қаноти билан Марви Шоҳижаҳонга қараб қочди ва ул вилоят ҳудудида шоҳлик давлатининг қувват панжаси унинг ҳаёти ипини узди. Келажак воқеалар баёни асносида бу ҳикоят ҳолатининг тўла шарҳи ёзув сифатини топажак ва анбар тароватли қалам ҳаракатининг нури бу баён тафсили устига ёғилажак.

Рубоий:

Илоҳий тавфиқи агар бўлса ёр,
Шаҳаншоҳлик лутфи бўлса мададкор.
Қисқа зикр этилган сўзларнинг шарҳи,
Қаламда қилинар муфассал изҳор.

Энди эзгу рақамли қаламнинг мансур хоқон Султон Хусайн Мирзонинг ўғиллари аҳволини баён доирасига киритиш вақти етди. Шундан сўнг барча ҳиммат ва бутун ҳаракатини бу жиддининг тўртинчи жузвини ёзишга сарфлайди.

¹ 915 йил охири – 1510 йил 9 апрель.

² 916 йил шаъбон ойи ўрталари – 1510 йил 18 ноябрь.



МАҒФИРАТЛИ МАНСУР ХОҚОН,
САЛТАНАТ ШАРАФИ АБУЛҒОЗИ СУЛТОН
ҲУСАЙН МИРЗОНИНГ МАЖИД
ЎФИЛЛАРИ АҲВОЛИНИНГ ЗИКРИ

Калам булути томчилари ва мақтов рақамли бармоқлар ҳаракати туфайли илгарироқ маълум бўлдики, мансур хоқон йўналиш байроғини охират олами сари кўтаргач, ўзидан етти нафар яхши юлдузли ўғил ёдгор қолдирганди. Шулардан Абулмуҳсин Мирзо, Муҳаммад Муҳсин Мирзо ва Муҳаммад Қосим Мирзо муқаддас Машҳадда шаҳидлик шарбатини татидилар.

Абулмуҳсин Мирзодан уч яшарлик Султон Муҳаммад Бойқаро отлиғ бир ўғил қолди ва ул шаҳзодани отаси воқеаси куни мулозимлардан бир нечтаси Бовард ва Нисо томонга қочириб юбордилар. Афтидан бир неча йилдан сўнг яшаб турган ўша юртда табиий ажали билан жаҳондан ўтган.

Уқорида айтганимиздек, Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагон Астрободда ўлди. Унинг Меҳрангиз бегим исмли битта кизи бор эди. Муҳаммадхон Шайбоний Ҳиротни фатҳ қилган айёмда Меҳрангиз бегим Убайдуллоҳ Султоннинг никоҳига киритилди ва бир-икки йил у билан яшаб, эр-хотин ўртасида ажралиш рўй бергач, бегим Хуросонга келди. Ҳозирги ҳижрий 929 йилда¹ ул мастура бирор эрнинг амру наҳйи² остида бўлмаган ҳолда Ироқи Ажам шаҳарларидан бирида умр кечирмоқда.

Фаридун Ҳусайн Мирзо Домғон қалъасидан ташқари чиққач, Яка туркманлари орасига кетди. Муҳаммадхон Шайбоний Дашти Қипчоқ қавмлари устига лашкар тортиб кетган ўша 915 йил бошида³ эса, у оз сонли қўшин тўплаб, Хуросон шаҳар ва туманларини иликлаб, Калот қалъасини қўлга киритди.

Марви Шоҳижаҳон ҳокими Қанбарбий бу хабарни эшитгач, ўзбек қўшинидан бир тўдаси билан Фаридун Ҳусайн Мирзо

¹ 929 йил — 1522 йил 20 ноябрь — 1523 йил 9 ноябрь.

² Амру наҳйи — рухсат ёки тақиқ; бу ерда бировнинг қўл ости (никоҳи)да бўлмастик кўзда тутилмоқда.

³ 915 йил боши — 1509 йил 21 апрель.

ўтирган Қалот устига юрди. Шаҳзода ўз ёнидаги ёрдамчи ва тарафдор шаҳарликлар сони озлигидан қалъани мудофаа қилишга кучи етмай, Қанбарбий ғалабага эришди. Фаридун Ҳусайн Мирзо эса ўзбеклар қўлига тушди ва бақо кўч-кўронини фано елига совурди.

Ибн Ҳусайн Мирзо бир неча йил шоҳликнинг мақсади ҳосил наввоби Исмоил Сафавий давлати байроғи остида ғоят фароғатда яшади ва 919 йили¹ Кошон шаҳрида бевақт ўлим сабабли юзини охират оламига қаратди.

Султон Бадиуззамон Мирзо уч-тўрт ой шоҳ Исмоил Сафавийнинг ўрдусида вақтини хуш ўтказгач, буйруққа биноан Рай мамлакатига бориб яшай бошлади. Ўшанда Султон Боязид Барлос ва Шайх Абдуллоҳ Баковулнинг зулмлари роса жонидан ўтгани сабабли Мирзо ул шаҳар доруғаси бўлмиш Пир Аҳмад Варсоқни ул икки азизни ўлдиришга ундади. Сўнг байроғи остида йиғилган озгина қўшин билан Астробод томон йўналди.

Журжон ҳокими Хожа Аҳмад Қўнғирот уларга қарши уруш учун олдларига чиқиб, икки ўртада жуда қаттиқ бир жанг рўй берди. Бадиуззамон Мирзо олдидаги одамлар ичида энг суюклиси ҳамда сурат ва сийрат яхшилиги, таъб соғломлигию зеҳн ўткирлиги билан ўзига ўхшаш хизматчи ва яқин кишилардан тўла устунликка эга бўлмиш Муҳаммад Қули ўша жангда шаҳидлик шарбатини ичди.

Ниҳоят Бадиуззамон Мирзо лашкари енгилиб, ул олампаноҳ султон эса хос кишиларидан бир тўпи билан жанг майдонидан қутулиб чиқди ва Ҳиндистон вилоятлари сари йўналиб, Уча ва Тахтага ошиқди. Ул мамлакат ҳокими он ҳазратни кутиб олди ва иззат-икром расмларини адо этиб, ўз ҳолига яраша пешкаш ва совринлар юборди.

Султон Бадиуззамон Мирзо бир йилдан зиёдроқ Синд халқи орасида яшаб, кейин яна бир бор шоҳликнинг олампаноҳ даргоҳи эгаси Шоҳ Исмоил хизматининг эҳромини боғлади ва 919 йилда² Хуросонда малойик ошиёнли даргоҳга етишиб, шоҳнинг илтифот кўзи назарига илинди ва олам кезар ўрду билан бирга Озарбайжонга кетди. У ерга етиб боргач, мулозимат ишидан истеъфо

¹ 919 йил – 1513 йил 9 март – 1514 йил 25 февраль.

² 919 йил – 1513 йил 9 март – 1514 йил 25 февраль.

сўради ва шоҳ ул ҳазратнинг илтимосини ижобат иззати билан рўёбга чиқариб, Бадиуззамон Мирзонинг Шунбғозон мавзеида истиқомат қилиши ва Табриз мулки девонидан ҳар куни султоннинг тирикчилиги учун ёрдам пули ўрнида минг динор етказиб турилиши тайинланди.

Рум подшоси Султон Салим молик ул-мулук ва вожиб ут-таъзим тақдири талабига биноан Табриз устига бостириб келиб, ул шаҳарни вақтинча эгаллаган 920 йилнинг ражаб ойида¹ Бадиуззамон Мирзога иззат-икром кўрсатиб, ўзи билан бирга Истанбулга олиб кетди. Султон Бадиуззамон Мирзо ул мамлакатда уч-тўрт ой яшагач, вабо касалига чалинди ва «бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас»² ояти каримаси мазмуни ул иқбол осмони қуёши васфи ҳолига мос келди. Тақдир этилган умри вақти тугаб битгач «эй тинчиган жон, қайт»³ чақирғинини лаббайка сўзи билан эшитиб, минг бир ҳасрат билан оламдан ўтди.

Рубоий:

Дунёнинг давлати абадий эмас,
Умид оламидан вафо кутма, бас.
Камолинг нурлари етар заволга,
Қуёш мулк кўкида мангу қололмас.

Яна:

Ҳаёт қуёшига абадийлик ёт,
Порлоқ нурлари ҳам боқиймас, ҳайҳот!
Хожа, гадо, банда, ҳаттоки подшоҳ
Ажал элчисидан тополмас нажот.

«Аллоҳдан бошқа барча нарса ҳалок бўлғуси ва Аллоҳга қайтгувчидир»⁴.

Султон Бадиуззамон Мирзо бу ўткинчи оламдан этак силки-тиб кетгач, ундан бир ўғил ёдгор қолди ва бу ўғил улуғ шонли султон Муҳаммад Замон Мирзо бўлиб, у ўша Домғон қалъасидан ташқари чиқиб, Шайбонийхоннинг муруввати орқасида шоҳ

¹ 920 йил ражаб ойи — 1514 йил 22 август — 20 сентябрь.

² Қуръони карим, Лукмон (31) сураси, 34-оятдан.

³ Қуръони карим, Фажр (89) сураси, 27–28-оятлардан.

⁴ Қуръони карим, Қасас (28) сураси, 88-оятдан.



Исмоилнинг олампахоқ даргоҳига ошиққан замондан буён 920 йилга¹ қадар ўша жаннатнинг Сидра дарахти мартабали шоҳлик бўсағаси хизматида яшади ва кундан-кун яна ҳам кўпроқ илтифот ва иноятга эришди.

Аммо мазкур санада шоҳнинг қутлуғ келажакли истиқлол байроқлари Табриздан чиқиб, Султон Салим бостириб келаятган томон қўзғалган вақтда, Муҳаммад Замон Мирзо бир тўда бузғунчи одамлар ифвосига учиб, бу юришдан бўйин товлади ва юзини Астробод сари қаратди.

Ҳазоржариб ҳудудига етгач эса, ул вилоят ҳокими Амир Камолиддин Ҳусайн олдига чопар юборди ва уни итоату бўйсунушга чақирди. Амир Камолиддин Ҳусайн ота-боболарига темурийлар хонадони султонлари кўрсатиб келган яхшиликлар ҳурмати юзасидан маҳдумзоданинг² бу фармони бажариб, минг нафар отлиқ билан хизмат сари ошиқди ва тортиқлар ўтқариб, олий мавқаб мулозиматида оти жоловини Журжон томонга бурди. Бу хабар ўз акаси Халафбек томонидан Астрободга ҳоким этиб қўйилган Пирғайб Бектош қулоғига етгач, қўрққанидан қочиб кетди.

Ноилож Журжоннинг ашроф ва аъёни шаҳзодани кутиб олиб, ниёз ва нисор шартларини бажо келтирдилар. Муҳаммад Замон Мирзо мақсади ҳосил ва бахтиёр ҳолда Астрободга кириб, ул шаҳарнинг катталарини турли лутф ва эҳсонлар билан сийлади. Жумладан жаноб султоний сайф ул-аномий Хожа Музаффар Битикчининг³ энг катта акаси Хожа Фиёсиддин Али Би-

¹ 920 йил – бу ерда 1514 йилнинг куз фасли кўзда тутилмоқда.

² *Маҳдумзода* (*махзум*, *махдум* – хўжайин; *махдумзода* – хўжайиннинг ўғли) – шоҳларни одатга кўра «махдуми олам» (олам хўжайини) деб аташган. Хондамир ана шу сабабли ва ўз хўжайини Султон Ҳусайн Мирзо ўғиллари ва Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзони *махдумзода* дея тилга олган.

³ *Хожа Музаффар Битикчи* – илгарироқ Шайбонийхон хизматида вазир бўлган бу саййид шоҳ Исмоил Хуросонга бостириб келган 1510 йилнинг кузида ҳали ўзбеклар хони ҳалок бўлмасдан бурун шоҳ хизматидаги киради ва кўп йиллар Хуросон ва Мозандарон ўлкасининг божу хирожини ундирувчи молия вазири сифатида фаолият кўрсатади. Афтидан, Хуросондаги бош вазир Ҳабибуллоҳ Соважий қўлида ишлаган Музаффар Битикчи ҳам Хондамирга моддий ёрдам берган.



тикчига девон ишлари мансабини иноят қилди ва ул жанобнинг яхши юлдузли ўғли Ибн Яминбекни парвоначи қилди. Ул шаҳар доруғалиги ишларининг ихтиёр жиловини Оқо Мир Кафшгарнинг қўлига тутқазди.

Сўнг итоат ва бўйсунуш даъватини етказиш учун *Сайинхон улуси*¹ ва *Каро[йит]* эли катталари олдига элчилар жўнатди. Ул халқ ҳам итоат ва фармонга бўйин эгишлик йўсинини ихтиёр этиб, бу улус ва элнинг бир гуруҳ амирлари мулозаматга ошиқдилар ва лойиқ пешкашлар тортиқ қилиб, иноят ва илтифот топдилар.

Шу каби Журжоннинг деярли барча таниқди ва оддий кишилари ул шахриёрлик буржининг дуру гавҳарига хизмат қилиш занжирини ўз бўйинларига ташладилар. Бироқ жаноб султоний сайф ил-аномий хожа Музаффар битикчининг яна бир акаси хожа Низомиддин Маҳмуд ва унинг азиз ўғли Амир Муҳаммад Музаффар мустаҳкам кўрғонларни беркитиб ўтириб, итоат йўлини танламадилар.

Хуллас, Муҳаммад Замон Мирзо бор-йўғи шу фатҳ билан ўзини мустақил подшоҳ тасаввур қилиб, юзини айшу ишрат ва ўйин-кулги палосини ёйиш сари қаратди ва икки-уч ой давомида ҳар тонг унинг ишрат дастгоҳли саройида аччиқ шароб жоми худди офтоб соғари фалак базмида айлангани каби давра бўйлаб кезар эди. Ул мақтов якунли шахзода ҳар оқшом гуландом соқийлардан узлуксиз қадаҳ талаб қилиб, коса тагида бир томчи қолдирмай симирарди.

Бу воқеалар бўлиб ўтаётган маҳалда жаноб султоний сайф ул-аномий Музаффар Битикчи Хуросондан шоҳ олдига Озарбайжонга кетиб бораркан, Калидар манзилида Муҳаммад Замон Мирзонинг Астрободни босиб олганини эшитди ва ўша ердан Исфаройин томонга ошиқиб, ул шаҳар ҳокими бўлмиш Барун султонни ўзига қўшиб олди. Юкадинбек ҳам орқадан етиб келди. Булар ўз йўлида давом этиб, аммо Султон Салим-

¹ *Сайинхон* («бахтли хон», *Ботухоннинг лақаби*) улуси — Манғитқишлоқдан то Астрободгача Каспийбўйи худудида яшовчи аҳоли ўша вақтда шундай аталган. Улар асосан туркманлардан иборат бўлишган.



нинг Табриз устига бостириб келгани сабабига кўра халқ орасида ҳар хил миш-мишлар кўпайганидан, жаноб султоний сайф ул-аномий Музаффар Битикчи ва бошқа амирлар секин-аста юриб кетмоқда эдилар. Хўршор қишлоғига етгач, соғ-саломат экани, Султон Салимнинг эса орқага қайтиб кетгани хабарини келтирди ва шоҳнинг жаноб сайф ул-аномий Музаффар Битикчининг атоқли номига ёзилган «Журжон мулкани Муҳаммад Замон Мирзо кўлидан қайтариб олиш» борасидаги ҳумоюн фармонини кўрсатди. Шунга кўра амирлар хурсанду шод бўлиб, камбағалларга садақа ва назрлар беришга тушдилар. Сўнг Астробод сари юришга отланиб, йўналиш туғларини Бастом томонга кўтардилар. Йўл асносида Бастом доруғасининг чопари етишиб, хожа Оқо Мир Кафшгарнинг кесилган бошини келтирди.

Бу воқеанинг тафсили шуки, хожа Мир Кафшгар Муҳаммад Замон Мирзо фармонига кўра Журжон кўшинидан бир тўдаси билан Бастом устига босқин-чопқин учун келган бўлиб, ул вилоят қишлоқларидан бир нечтасига доруғалик қилиб ўтирган Оқо Мир Муҳаммад бир нечта жасур одамлар билан биргаликда улар йўлини тўсиб чиқади ва ҳамла ели билан уруш оловини аланга олдиради. Буни қарангки, шоҳлик давлати қуввати шарофатидан хожа Мир Кафшгар шу жангда ўлдирилади. Оқо Мир Муҳаммад эса унинг бошини жаноб султоний Музаффар Битикчи ва амирлар олдига юборади. Хуллас, жаноб битикчи ва амирлар бу ишни яхшиликка йўйиб, Астробод довонига етдилар.

Хожа Мир Кафшгарнинг ўлдирилгани хабари унинг укаси Оқо Мир қулоғига етишгач, ўта изтироб ва аламли ҳолда Муҳаммад Замон Мирзо олдига бориб, бўлиб ўтган воқеани арзга етказди ва Муҳаммад Замон Мирзони сайф ил-аномий хожа Музаффар Битикчининг акаси хожа Фиёсиддин Али ва унинг ўғли Ибни Яминбекни талатиб, ўзларини ҳибсга олишга қайради. Амир Ҳусайн Ҳазоржарибий ҳам сабабга мадад бўлиб, ул икки олий шаънли хожани мусодара ва маҳбус қилдилар, сўнг уруш куни шаҳидлик шарбатини ичирдилар.

Алқисса, Муҳаммад Замон Мирзо Хуросон амирлари яқинлашиб келгач, Амир Ҳусайн Ҳазоржарибий ҳамда *Сойинхон*



улуси ва *Каро[йит]* эли сардорлари билан бирга Астрободдан ташқари чиқди.

Шу аснода хожа Низомиддин Маҳмуд, Амир Муҳаммад Музаффар ён-атрофдаги тобе аҳоли ҳамда Мирзо Али Фандараский икки юз киши ва саййид Фаҳриддин Каюсарий ва Султон Қабул ўғли *Сойинхон* улусидан бир гуруҳ кишилар билан Султон Муҳаммад Замон Мирзо жанобларига қўшилдилар ва жума куни намозгар чоғи 920 йил рамазон ойининг ўн бешинчисида¹ Астрободгача тахминан саккиз фарсах масофа ердаги Оқ Машҳад ҳудудида тарафларнинг тўқнашуви рўй берди. Ҳар икки қўшиннинг манглай қисми бир-бири устига ташланиб, ҳар икки тарафдан икки-уч киши ўлдирилди. Жаҳонни кезувчи қуёш ботиши сабабли зулмат ниқоби инсоний кўриш кучи олдини тўсгани учун ҳар иккала томон ҳам ўз лашкаргоҳига қайтиб келиб, ул тунни ўткардилар.

Шанба куни тонгида яна жанг сафларини тузатиб, ҳимматни бир-бирини фоний қилиш ва йўқлик оламига жўнатиш сари қаратдилар. Яманий қиличлар паҳлавонлик мазҳаби вакиллари қўлида бош кесишни бошлади ва Хаттий найзалар фано хатини кексаю ёшнинг умри саҳифасига битиб, тили бурролик шартини бажо келтирди. Ўлим аломатли ўқ товуши ажал хабарини каттаю кичикнинг ҳуш қулоғига етказди. Қон оқизувчи шамшир жанг майдони кенглигини лоззорнинг рашк ва ғайрлиги келади-ган жойга айлантирди. Ниҳоят, шоҳлик давлатининг қудратидан, балки илоҳий лутф ва иноят туфайли фатҳу зафар келини жаноб сайф ул-аномий кўзи ўнгида намоён бўлди.

Муҳаммад Замон Мирзонинг иши эса қайғули якун топиб, қудратли маликнинг тақдир қўли унинг йиғини палосини йиғиштирди: Амир Ҳусайн Ҳазоржарибий ўз ватанига қочиб кетиб, Муҳаммад Замон Мирзо *Сайинхон* халқи орасига кетди.

Жаноб сайф ул-аномий ўзининг Музаффар исмига мос равишда музаффар ва мансур ҳолда Астробод сари ошиқиб, ўша ерда бир неча кун йўл азоби чарчоқларини ёзди. Олий зотли

¹ 920 йил ўн бешинчи рамазон – 1514 йил 5 ноябрь.

динпаноҳ шоҳ фармониға биноан Астробод шахриға ҳоким этиб тайинланган Ғавс Султон Нишопурдан Журжонга келди ва жаноб сайф ул-аномий билан бирга Муҳаммад Замон Мирзони йўқотиш қасдига бел боғлади.

Тонг пайти шахзода амирлар яқинлашиб келганидан хабар топиб, у ердан *Каро(йум)* эли манзиллари сари ошиқди. Бирикки ой мазкур халқ орасида юраркан, ўша аснода илгари Султон Бадиуззамон Мирзонинг амирлари қаторида турган Амир Ўрдушоҳ бин Амир Султон Муҳаммад бин Ўрдушоҳнинг Хуросонда бош кўтариб чиққани ва Фаржистоннинг тоғлик ерларини эгаллаганини эшитди. Шунингдек «Хуросон ва Журжон амирлари бажарилиши шарт фармонга биноан ўша томонга кетишибди» деган хабар ҳам тарқалди. Шу бўйича, Муҳаммад Замон Мирзо Обиварднинг чўл-сахро йўлидан Фаржистон томонга йўналди ва ул чексиз масофани озгина вақтда босиб ўтиб, мазкур вилоят таркибига кирувчи Ўлум тепалигига етишгач, ўша вақтда Кўҳизоғда сокин турган Ўрдушоҳ маҳдумзоданинг мавкабини ихлос ва ниёз қадами билан кутиб олди ва салтанат асбобидан нимага саховат қўли етса, ўшани тортиқ қилди.

Ўша вақтлари, агар келиб чиқишини ёзсак, анча чўзилиб кетадиган сабаблардан бири рўй бериб, ушбу саҳифалар қораловчиси Фаржистон вилояти қишлоқларидан бири саналмиш ва Кўҳизоғга уланувчи Пашт қишлоғида ватан тутган бўлиб, Муҳаммад Замон Мирзо келганидан хабар топгач, мансур хоқон ва Султон Бадиуззамон Мирзодан кўрган яхшилик ва иноятлари ҳаққи ҳурмати тақозосича ўзини бир зарра мисол ул офтоб аломатли назарга етказишга қарор қилди. Файзли палос юзини ўпиш шарафига мушарраф бўлгач, унинг давлат ва умри дуосини адо этдим. Ул ҳазрат ҳам бу меросий бандасига кўп лутф ва марҳаматлар кўргузиб, шундай деди: «Ота-бобомизга содиқ хизмат қилиб келганингиз каби бундан буёғига бизга ҳам шундай хизмат қилмоғингиз керак ва ҳар қандай ҳолатда ҳам биздан ажраш ва бизни ташлаб кетиш фикрини раво кўрмаслигингиз лозим».

Ушбу сатрлар муаллифи қанчалик ўринли узр ва ҳар хил баҳоналарга ёпишмасин ва хизмат машаққатини бўйнига олиш-



дан истеъфо изламасин, фойдаси бўлмади. Махдумзода от ва олтин инъом қилиб, Амир Ўрдушоҳ эса бошқа сафар анжомини саранжомлаб берди.

Амир Ўрдушоҳ Муҳаммад Замон Мирзо келиши билан катта ёрдамни қўлга киритгач, ўша пайтлари Хуросон волийси бўлиб ўтирган ҳукумат паноҳли жаноб Зайналхонга қарши чиқиш шиорини изҳор қилиб, Ҳиротруд ва Шоқонга қарашли бир нечта қасаба ва қишлоқларни босқин-чопқин қилиб талади.

Сўнг Ҳирот қавмлари ва *накугар* қабилалари устига қўшин тортиб, кўп йилқи ва қўй ўлжа олди. У ердан Фурга бориб, ул тоғлик ерларнинг ҳокимлари саналмиш Амир Дарвеш ва Амир Фахриддиндан дўқ-пўписаю яхши-ёмон гапларни ўртага солиб, тезюрар отлар ва юк ташувчи туялар ҳамда нафис буюмлар олди ва ул сафардан Фаридун тожли махдумзода узангисига ўта қувват ва шавкат билан қайтди. Муҳаммад Замон Мирзо бир неча кун Чақчаронда истиқомат кўчини тўшади.

Ўша аснода Балхда Шоҳ Исмоил номидан ҳукумат юргизиб ўтирган ҳазрат мамлакатпаноҳ Дев Султоннинг ул шаҳарни Муҳаммад Баҳорлуга топшириб, ўзи эса олампаноҳ шоҳ даргоҳига кетгани хабари тарқалди. Шунга кўра, Муҳаммад Замон Мирзо ва Амир Ўрдушоҳнинг бошига Балхни қўлга киритиш хаёли келиб, 921 йил рамазон ойида¹ Чақчарондан чексиз сонли қўшин билан Сон ва Чаҳоряк сари йўлга тушдилар. Мазкур ойнинг охирларида² Бод қишлоғига етишиб, шу мавзеда Фитр ҳайитининг қоида ва расмларини адо этишга киришдилар. У ердан эса Балх вилояти ҳудудига кириб бориб, қишлоқ учун жойлашдилар.

Ўша қишда Дарасуф³ мулки ҳокими Абдулали ва Балхоб ҳокимининг укаси Нажмиддин махдумзоданинг салтанатмаоб даргоҳига келиб, лойиқ тортиқлар ўткардилар. Балх ҳокимлигига қарашли ён-атроф уруғ-аймоғлари батамом итоат арқонини бўйнига солиб, султон Муҳаммад Замон Мирзонинг олий ўрдусига қўшилдилар.

¹ 921 йил рамазон ойи – 1515 йил 9 октябрь – 7 ноябрь.

² 1515 йил 6 ноябрь.

³ «Дарай Юсуф» деб ҳам айтилади.





Қиш фасли ниҳоясига етиб, кўкариш қуввати майса ва рай-ҳонлар қўшинини дала-дашт ва боғ-бўстонлар устига тортгач ва тонгги шабада ғунча қалъасини очиш учун болта ўқталган ва гул султони зумрад тахт устида манзил тутиб, ҳаво муътадиллиги учун буйруқ берган чоғда Муҳаммад Замон Мирзо ва Амир Ўрдушоҳ Балх шаҳрини эгаллаш юришига қарор қилиб, Дарагазни фатҳ аломатли байроқ марказига айлантирдилар. Ул шаҳарнинг айрим катталари Муҳаммад Баҳорлудан юз ўғирдилар ва Муҳаммад Замон Мирзонинг олий ўрдусига келиб, дуо айтиб ва ҳамду сано ўқиган кўйи хизмат ишига киришдилар.

Шу аснода Балх ҳукумати девони вазири ва қалъанинг Шох Ҳусайн буржи ишлари зиммасида бўлган Хожа Жалолиддин Миракий Муҳаммад Баҳорлудан ҳадиксираб, маҳдумзода олди-га чопар юборди ва у орқали «агар фалон кечаси олий мавкаб қалъа хандақи четига келса, камина шаҳарни осонгина эгалла-шингиз учун Шох Ҳусайн буржини олий мақомли султонга топ-шираман» дея айттирди. Шунга биноан Муҳаммад Замон Мирзо ва Амир Ўрдушоҳ келишилган ўша 922 йил рабиулаввал ойининг олтинчисида¹ чоршанбага ўтар кечаси Балх қалъаси ёнига бор-дилар.

Аmmo ўтган куннинг намозгар пайти Амир Муҳаммад Баҳорлу мазкур махфий келишувдан хабар топиб, Хожа Миракий ва унинг яқин одамларини туттирмоқчи бўлган, хожа Миракий эса бу ҳаракатни сезиб, ўз ўғиллари ва мулозимлари билан бир-га мазкур бурж тепасидан ўзларини ерга ташлаб қочишга ул-гуриб, ўрду тарафга қараб юрган эдилар. Қисқаси, ул жамоат Балх ташқарисида олий мавкабга қўшилиб, бўлиб ўтган воқеани гапириб бердилар. Муҳаммад Замон Мирзо ноилож қамал ва ҳужум ишларини бошлади.

Қамал давом этиб, даладаги ҳосил пишиб, уни ўриб-йиғиб олиш вақти етган даврда, шаҳар ичида қолган катта ер эгалари ва шаҳарга яқин қишлоқлар катталари «энди лашкар аҳли ғалла далаларимизда отларини ўтлатишади» деган гумонда Амир

¹ 922 йил олтинчи рабиулаввал — 1516 йил 9 апрель.



Муҳаммад Баҳорлуга қарши равишда вазирлик мансабидаги яна бир давлат арбоби бўлмиш хожа Носириддин Ҳайдар Али Қарчақ билан тил бириктирдилар. Муҳаммад Замон Мирзо, Амир Ҷрдушоҳ улар гапи бўйича қалъанинг Уккоша дарвозаси яқинидаги Милкат Оғо иморатига ҳамла уюштириб, қўшинни олдинга юборган пайти, рабиулохир ойининг учинчисида¹ шанба куни, тарафдорлар мазкур дарвозани очдилар. Маҳдумзода Ҷрдушоҳга жиловдош ҳолда Балхга кириб, Амир Муҳаммад Баҳорлу эса арқда беркиниб олди. Бироқ мазкур ойнинг бешинчисида² чоршанба куни аҳду паймон билан ташқари чиқди ва пешкаш ўтқариб, мулозим бўлди.

Шу фатҳ воқеаси вақти Шибирғон ҳокими Амир Жон Муҳаммад Қулунжоқ ул вилоятнинг арбоб ва катталари билан бирга маҳдумзоданинг иқбол ошиёнли даргоҳига ошиқиб, Шибирғон қалъаси калитларини олий мақомли мавкаб эгаси қўлига топширдилар ва муносиб пешкашлар тортиқ қилиб, олий даргоҳнинг бошқа бандалари қаторидан жой олдилар.

Муҳаммад Замон Мирзо ва Амир Ҷрдушоҳ икки ярим ой мобайнида Балхда туриб, деҳқонларнинг бор маҳсулот ва ғаллалари шаҳар ичига киргунча халқ билан чиройли ҳамкорликни амалга оширдилар. Сўнг Амир Ҷрдушоҳ қуббатулислом Балх ҳукумати тизгинини ўз укаси Қавомбекнинг кифоятли кафтига тутқазди, Шибирғон вилоятини эса дарубаст³ йўсини билан ўз жияни Аминбекка иноят қилиб, Сон ва Чаҳоряк доруғалигини ҳам унга берди. Бироқ бу иш маҳдумзоданинг мунаввар кўнглига оғир ботди. Чунки ул ҳазратнинг муддаосига кўра Балх олий девонга тааллуқ топиши лозим эди, Шибирғон эса хос амирлардан бирига берилиши керак эди.

Алқисса, Амир Ҷрдушоҳ Балх ва Шибирғон истеҳкомидан хотиржам бўлгач, Муҳаммад Замон Мирзони, ўзига нисбатан кўнглини совутган ҳолда, Балхдан эргаштириб чиқди ва Макруми ҳудудида юрган *тулкичи* халқи ичига ошиқди. Ул жамоатдан

¹ 922 йил учинчи рабиулохир – 1516 йил 6 май.

² 922 йил бешинчи рабиулохир – 1516 йил 8 май.

³ *Дарубаст* – суюрғол (мукофот) сифатида берилган дахлсиз ер мулки.



кўп миқдорда от, қўй олиб, уларнинг катталарини ёнига солиб, Яккаўланг халқи устига босқин-чопқин уюштирди ва у ердаги айрим аҳолини форат қилиб, оти жиловини Сон ва Чаҳорьяк тарафга бурди. Ул вилоят молини хатлаб, Фаржистон томон юзланди.

Бу ҳолатлар асносида ул амир жанобларидан яна бошқа бир нечта ишлар юз бериб, маҳдумзоданинг кўнгли оғриши ортишига сабаб бўлди. Охири Мирзо ўзича «имкони топилганда ўзимга иттифоқдош жасур кишилардан бир нечтаси билан бирга бундан ажраб чиқаман» деган қарорга келди.

Чаҳорьяк қишлоғида Амир Ўрдушоҳ мавлоно Мақбулнинг Астроб мавзеи каттаси ва жуда бой киши бўлмиш отаси вафот этганини эшитиб, қонидаги тамагирлик кучи жўш урди ва ўзининг ўттиз-қирқ нафар хослари билан мавлоно Мақбулдан ҳол-аҳвол сўрагани кетди.

Муҳаммад Замон Мирзо фурсатни ганимат билиб, Жадийнинг¹ биринчи кунига тўғри келувчи мазкур йил зулқаъда ойининг ўн тўртинчисида² чоштвоҳ маҳали хосларидан ўттиз киши билан шикор баҳонасида ўрдудан отланиб, Ҳазам ва Сорбоғ томон кетди.

Хуфтон намози чоғи Амир Ўрдушоҳ Астроб мавзеидан қайтиб келиб, Муҳаммад Замон Мирзонинг айрилиб чиқиб кетганидан хабар топди ва бағоят ғамгин ва хафа бўлди. Узлуксиз, маҳдумзода олдига элчи ва хатлар юбориб, бундан кейин фақат иноят йўли бўйлаб қадам босажаги, ҳеч бир камчиликсиз Мирзога хизмат қилажагини айтиб, яна келиб қўшилишини ўтиниб илтимос қилди.

Аmmo унинг бу илтимослари мақбул бўлмади, балки кимни элчиликка юборса, улар ҳам амир ҳузурига қайтиб келишмади. Сардорлар ва лашкар аҳли ҳам ҳар кечаси тўп-тўп ҳолда Ўрдушоҳнинг умид ўрдусидан қочиб, Муҳаммад Замон Мирзо даргоҳига борар эдилар. Шу зайл ғалаба аломатли байроқ остида катта бир жамоат йиғилди, Мирзо эса Амир Ўрдушоҳни йўқотувчи бўлиб, Ҳазама ва Сорбоғдан йўналиш жиловини Сон

¹ Жағий – мелодда йилнинг декабрь – январь оралиғига тўғри келади.

² 922 йил ўн тўртинчи зулқаъда – 1516 йил 9 декабрь.

ва Чаҳорьяк тарафга бурди. Дарагаз мавзеига етгач, Қораёғоч мавзеида турган Амир Ўрдушоҳ ул ҳазратнинг юриш билан келётганидан хабар топди ва изтиробга тушиб, Қурбон ҳайити куни оиласи ва бола-чақасидан иборат ўғруқни Фаржистон томон жўнатди. Сўнг ўзи ҳам эртаси тонгда ўша ёққа кетишга қарор қилди. Аммо ўша оқшоми ёнидаги *Фончи мўғули* амирларининг ҳаммаси ва *Али донишмандий* эли қочиб, Муҳаммад Замон Мирзонинг истиқболи сари кетдилар.

Амир Ўрдушоҳ офтоб Жадий буржининг охирида бўлган Қурбон ҳайитининг иккинчи тонги булут кўзи ғамзадалар каби сон-саноқсиз ёш томчиларини тўкаётган маҳал Қораёғочдан кўчиб, йўлга тушди. Амир Али *Жалойир* ва Дўст Калкад ҳам ундан ажралиб, юзни маҳдумзода давлати сари қаратдилар.

Амир Ўрдушоҳ Оқмасжиддан ўтиб, шу манзил билан Жазравон ўртасида восита бўлмиш тоғ сўқмоғига кирди. Тўсатдан Муҳаммад Замон Мирзо юборган илғор амирлари Амир Муҳаммад Жаъфар *Барлос*, Амир Жаъфар Али *Қоракўз*, Ҳаронқули, Шоҳ Хусайн Ёракий мирохўр, Шоҳ Мазид Кўкалтош, Маҳмуд эшикоғоси орқадан етиб келдилар ва Амир Ўрдушоҳ давлатининг устунларидан Шоҳ Муҳаммад Бирка ҳам улар билан иттифоқдош бўлиб, қилич сермаган кўйи Ўрдушоҳ томон отилдилар. У эса Ҳайдар Тархон ва Юсуф Тархон каби ўз яқинларидан етти киши билан бирга Шибирғон тарафга қочиб қолди. Ёнидаги бошқа лашкар ва уруғ-аймоқ аҳли мол ва буюмлари билан бирга Муҳаммад Замон Мирзонинг амирлари қўлига тушдилар.

Муҳаммад Замон Мирзо ўша куннинг намозгариди мазкур тоғ дарасига етиб бориб, кечаси шу ерда тўхтади. Эртасига эса Оқмасжидга қайтиб, мавкаб одамлари ва қўшин хизматчиларини ўз лутфу иноятидан умидвор қилганча Амир Ўрдушоҳ ва унга тобелар молидан қанчаси қўлга тушган бўлса, ҳаммасини амирлар ва лашкар аҳлига тақсимлаб бериб, ғалабага ёр байроқни Сон ва Чаҳорьяк сари қилпиратди.

Қораёғоч манзилда Амир Ўрдушоҳнинг Шибирғондан тўғри Балхга қараб кетгани хабари келди. Маҳдумзода амирлар билан кенгашиб, Ўрдушоҳ билан ярашишга қарор қилди ва шу иш

бўйича ушбу варақлар қораловчиси, яъни каминага шошилини тарзда қуббатулислом Балхга бориш ва икки томон ўртасида кўтарилган келишмовчилик чангу ғубори ярашиш ва сулҳ суви билан бостирилиши учун бир бало қилиб Амир Ўрдушоҳни шаҳзоданинг ота-боболарига тааллуқли бўлиб келган Балх мамлакатини олий мақомли даргоҳ эгаси¹ тасарруфига топшириб, асл юрти бўлмиш Фаржистонга кетишга кўндиришимни буюрди ва бу борада Амир Ўрдушоҳ ва укаси Қавомбек ҳамда Балхнинг улуғ ва шариф кишилари номига нишонлар қаламга олиниб, бу камина буйруққа биноан ул шаҳарга ошиқди.

Аммо борилгач, қанчалик насихат қоришиқли сўзлар ва чин дўстликни англатувчи гапларни Амир Ўрдушоҳ қулоғига етказиб, жанжал мақомидан воз кечиш ва Балхни ташлаб Фаржистонга кетишга ундаб, қаттиқ ҳаракатлар қилмайин, бирон натижа чиқмади. Каминага қайтиш учун рухсат берган вақтда «агар маҳдумзода озгина кишиси билан Балх қалъаси ташқарисига ташриф буюрса ва менинг, укаларимнинг, яқинларимнинг жонига қасд қилмаслик ва қонларимизни тўкмасликка қасам ичиб, аҳду паймон қилсагина, томонлар ўртасида сулҳ қоидаси амалга ошиши мумкин, бўлмаса асло йўқ!» деди.

Камина Балхдан маъюс ва тушкун бир ҳолатда қайтиб, Сон қишлоғида маҳдумзоданинг иқбол ошиёнли даргоҳга етишдим ва нимани эшитган бўлсам, битта қолдирмай арзга етказдим. Муҳаммад Замон Мирзо эса «Балх атрофини ғалаба аломатли лашкар чодирлари тикиладиган жойга айлантирсам, ул шаҳар халқи мансур хоқон хонадони кўрсатган адолат ва эҳсони юз хотири ва ҳаққи ҳурматини қилиб, шаҳар дарвозаларини очиб берадилар» деган ўйда Балх томон юрди ва бир ойча шаҳарни қамал қилиб ўтирди.

Аммо ҳадеганда фатҳ эшиклари очилавермагач, Амир Ўрдушоҳ олдида қанчалик элчи ва хатлар юбориб, ваъда ва сўз бермак билан овора бўлмасин, булардан ҳам бирор фойда чиқмади. Ўша аснода Амир Ўрдушоҳ ўзининг хос хизматчилари қаторидан жой олган Амир Муҳаммад Халилни Кобулга ҳазрат

¹ Муҳаммад Замон Мирзо ибн Бадиуззамон Мирзо кўзда тутилмоқда.

подшоҳ Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳузурига юбориб, ул ҳазратнинг Балхга ташриф буюришини тилагани ва агар подшоҳ келса, қалъа ва шаҳар калитларини унга топширажаги борасидаги гаплари аниқланди.

Шу сабабли тез орада ҳазрат Бобур подшоҳнинг нусрат оятли байроғи ойчаси етишиш нурини бу ҳудуд узра сочажаги ҳам аёнлашиб, Муҳаммад Замон Мирзо Балх атрофидан қўзғалишга мажбур бўлди ва Даражазга кетди. Ўша манзилда Мирзо Алибек, Амир Муҳаммад Боқир бин Амир Муҳаммад Бурундуқ Барлос Бадахшон тарафдан Мирзо Муҳаммад Замон Мирзо ҳузурига келиб, давлатхоҳлик занжирини елкасига ташладилар.

Мирзо Алибек яраш палосини ёзишни ўз зиммасига олди ва Муҳаммад Замон Мирзодан рухсат ҳосил қилиб, битта ўзи Балхга кетди ва Амир Ўрдушоҳ билан учрашиб, унга жўяли далиллар билан «икки томон учун энг тўғри иш келишув қоидаларини мустаҳкамлаб, қарама-қаршилик иллатларини йўқотишда»лиги борасида таъкидлар қилди. Шундан сўнг ярашиш борасидаги «Муҳаммад Замон Мирзо ва Амир Ўрдушоҳ ўзларининг озгина кишиси билан Балхнинг икки фарсахлик ерида жойлашган Тахта қишлоғида учрашадилар ва аҳду паймон шартларини ўртага ташлаб, биргаликда жиловдош бўлган кўйи Балхга борадиларда, агар маҳдумзоданинг кўнгли Амир Ўрдушоҳни Балхда қолдиришга мойил бўлса, Балхда қолдиради, йўқса рухсат бериб, Фаржистон тарафларга жўнатади» деган тўхтамга келинди.

Мирзо Алибек қайтиб келиб, яраш хабарини етказди. Шаҳзода Дарагаздан Арбўз даҳанасига ошиқди. Амир Ўрдушоҳ томонидан эса Саййид Абдуллоҳ ва Ҳайдар тархонлар маҳдумзода ҳузурига келиб, ул ҳазрат ва амирларию давлати устунларига «Амир Ўрдушоҳ ҳақида ёмон ниятлар қилмаслик»ка қасам ичирдилар. Бу тарафдан Муҳаммад Замон Мирзо даргоҳининг хос кишилари қаторидан жой олган Муҳаммадқули Девона Балхга борди ва маҳдумзода номидан Амир Ўрдушоҳнинг кўнглига ишонч бағишлади.

Ўрдушоҳ 923 йил рабиулаввал ойининг¹ чоршанба куни тонгида барчаси эҳтиёткорликка риоя қилиш учун кийимлари ости-

¹ 923 йил рабиулаввал ойи – 1517 йил 24 март – 23 апрель оралиғи.

дан темир совутлар кийиб олган ўз хосларидан қирқ киши билан бирга Тахта қишлоғига келиб, Рустам Баковулни келишилгани бўйича ул ҳазратнинг ҳам ўттиз-қирқ киши билан шу ерга келишини айттириш учун шаҳзода олдига жўнатди.

Муҳаммад Замон Мирзо ўзининг минг нафарга яқин бўлган барча амирлари ва қўшини ҳамроҳлигида Арбўз даҳанасидан шу даҳана билан Тахта қишлоғи орасини боғловчи саҳро сари отланиб, ул ерга етгач, лашкарни тўхташга буюрди ва ўзи олтмиш-етмиш нафар жасур кишисини ёнига солиб, Ўрдушоҳ ҳузурига учрашиш учун кетаркан, амирлар билан «то Ўрдушоҳ ҳузуримга келгунга қадар шу мавзеда ўрнингиздан қимирламай турасизлар, учрашувга етиб келгач эса, тезликда у томон ҳаракатланасизлар» дея яширинча тарзда келишиб олди.

Маҳдумзода Тахта қишлоғига етиб боргач, Амир Ўрдушоҳ ўжар отидан ерга тушиб, уч бор тиз чўқди ва саховатли қабул шарафини топди. Сўнг «мен фармонни бажону дил ижро этувчи навкарлар жумласидан бўламан, шу сабабли даргоҳингиздан қувлаган вақтингизда бир бурчакка бориб ўтирдим, мана энди чақирган экансиз, тагин мулозиматга келдим» деган сўзларни тилидан жорий қилди. Маҳдумзода ҳам шунга яраша жавоб сўзларини айтиб, кейин бир-бирига жиловдош бўлиб, отларига миндилар ва юзни шаҳар сари қаратдилар.

Ўша пайтда Муҳаммад Замон Мирзонинг қолган қўшини ҳам келиб, олий мавкабга қўшилишди. Буни кўрган Амир Ўрдушоҳ бундай кўпчиликдан қаттиқ қўрқиб қолди ва тезда қочиб, маҳдумзодадан бурунроқ шаҳарга кириб, қайтадан қаршилик йўлини тутиш ўйига тушди. Бироқ кўп ўтмай, бу ўйлаган режаси ул ҳазратнинг амирлари назарида ойдинлашиб, тор ўтарлик жойга келган пайтлари Амир Ўрдушоҳни тутиб, қатлга етказдилар. Ёнида келган қирқ кишисидан айримлари ушланиб, бир қисми эса Балхга қочдилар ва бўлиб ўтган воқеани Қавомбекка сўзлаб бердилар.

Қавомбек қалъанинг буржу деворларини мустаҳкамлаб, кетма-кет равишда Кобулга элчилар юборди ва Муҳаммад Замон Мирзо даладаги ҳосилни отларига едириш имконини топ-



масдан бурун олий зотли Бобур подшоҳнинг зафар кўринишли байроқлари жуда тезлик билан Балх томонга юришини сўраб, илтижо қилди. Маҳдумзода Балх атрофида жойлашиб, шаҳарни бир ойча қамалда тутганидан сўнг ҳазрат Бобур подшоҳнинг Балхга келаётгани хабари тарқалди. Муҳаммад Замон Мирзо ночор Дарагазга кетиб, оиласига бориб қўшилди.

Ўша пайтда олий мартабали подшоҳ Заҳириддин Бобур Мирзо даргоҳида тасдиққа етган ҳукумат фармони бўйича шаҳар ва қалъа калитлари Фақир Алибекка топширилиб, унинг мазкур нишонни олиш учун олий ўрдуга кетгани ва яқинда олий зотли ҳазрат подшоҳнинг зафар кўринишли соябони ҳам етишиш соясини ул шаҳар устига ёяжаги хабари етиб келди.

Шунга кўра Муҳаммад Замон Мирзо Амир Муҳаммад Боқир Барлосни итоат ва бўйсунуш ҳамда меросий мулкни сўраш учун ҳазрат Заҳир ус-салтана вад-дин Бобур Мирзонинг салтанат ошиёнли даргоҳига юборди. Ўзи эса Сон ва Чаҳорьяк йўли билан Қораёғочга йўналди. Муҳаммад Замон Мирзо ул манзилга етгач, хонадонининг шаъни юксаклиги ва қадами улуглиги билан Мовароуннаҳрнинг бошқа шарифларидан кўп устунликка эга Шоҳ Мир Ҳусайн ҳазрат подшоҳ Бобур Мирзо олдидан Амир Муҳаммад Боқир Барлосга қўшилиб, осмон асосли даргоҳга келди ва турли-туман лутфлар билан сийланиб, Заҳириддин Бобур подшоҳ ҳазратларининг номасини арзга етказди. Хат мазмуни қуйидагича эди: «Биз бу юришни Сиз азиз биродаримизнинг давлати ўнгланиши учун амалга оширганмиз. Чунки агар юрт олувчи байроғимиз бу томонга йўналмаганда эди, Қавомбек Мовароуннаҳр ҳокимларига итоат этиш занжирини бўйнига солиб, қуббатулислом Балхни шайбонийларга топширган бўларди. Энди энг яхшиси шуки, ул биродаримиз олий кўнгил илтифоти билан дадилланган ҳолда жаҳонпаноҳ даргоҳимиз сари ошиқсалар, то Балх мамлакатининг бошқарув жиловини қудрат қўлингизга топшириб, биз Кобул тарафга қайтиб кетсак».

Муҳаммад Замон Мирзо бу мактубни мутолаа қилгач ва Шоҳ Мир Ҳусайндан дилга ёқар сўзларни эшитгач, ҳазрат подшоҳ ҳузурига бориш ўйини кўнглидан ўтказди. Аммо боришга қарор



қабул қилишдан олдин ота томонидан Дашти Қипчоқдаги таниқли саййид Муртазохожанинг набираси¹ бўлмиш, она томондан эса келиб чиқиши Абулхайрхонга уланувчи ҳамда ҳазрат подшоҳ Бобур Мирзонинг эгачиси унинг никоҳида умр кечираётган жаноб сиёдатмаоб, салтанат интисоб саййид Маҳдихожа² Дарагаз манзилида турган Бобур подшоҳ ҳазратларидан юз ўтириб, Муҳаммад Замон Мирзо олдига келди ва маҳдумзодани Бобур Мирзонинг олий ўрдусига боришдан қайтариб, мазкур қарорига қаршилиқ кўрсатди.

Шунга биноан Муҳаммад Замон Мирзо Шоҳ Искандар бин Шоҳ Рустам бин Саййид Ҳамза садрни Шоҳ Мир Ҳусайнга қўшиб, салтанат ошиёнли даргоҳга жўнатди ва у орқали: Мулозаматга боришимиз учун муносиб керак-яроқлар бут эмаслиги ва турмуш асбоби йўқлигидан пешкаш ва тортиқ тайёрлаш ҳозирча муяссар бўлмади. Худо хоҳласа, Балхни каминага иноят қилганингиздан кейин ва олий мавкаб Кобул томон қайтиб кетгандан сўнг керак-яроқларни бутлаб, олампаҳоқ даргоҳ эгаси мулоқоти шарафини топажакмиз, дея айттириб юборди.

Муҳаммад Замон Мирзо Шоҳ Мир Ҳусайн ва Шоҳ Искандарни жўнатгандан сўнг Шибирғонни эгаллаш учун кетди ва ул шаҳар ҳокими Аминбек олдига элчи юбориб, уни итоат ва бўйин эгишга чақирди. Аминбек эса, алдов йўли ила ул ҳазратни жуда мустаҳкам тоғ дараси бўлган Қораёғочдан ташқари чиқариб олсам ва айни пайтда ҳазрат подшоҳ Бобур Мирзо ул тарафга илғор солса, ҳеч бир қийинчиликсиз фатҳу зафар келинини кўришга муяссар бўламан, деган ниятда эҳтиёж қоришиқли сўзлар айттирди ва «агар олий байроқ ойчаси етишув нурини Шибирғон атрофига таратса, камина бошдан қадам ясаб, хизматга ошиқажакман ва ул даргоҳ эгасининг инъом ва эҳсон дастурхонидан тўла ҳузур-ҳаловат топажакман» дея мактуб

¹ *Набира* – бу ерда фарзанд, ўғил маъносига.

² Хондамир бу ерда Шайбонийхоннинг аммаваччаси ва шу хон талоқ қилган Хонзодабегимга уйланган Ҳодихожа бин Муртазохожа исмини «Маҳдихожа» шаклида ҳавола қилган бўлиб, ушбу сатрлар муаллифи бу икки хилликка аниқлик киритди. Қаранг: И. Бекжонов. Хонзодабегим ва Хуррамшоҳ қисматлари // *Xolis*, 10-mart. 2011.



йўллади. Муҳаммад Замон Мирзо бу сўзни рост воқелик дея тасаввур қилиб, ўғруқни Қораёғочда қўйди ва йўналиш байроғини Шибирғон томонга қараб кўтарди.

Амир Неъматуллоҳ кўприги бошига етгандан сўнг ярим кечаси «Шоҳ Искандар билан учрашгач, Фаридун тожли ҳазрат подшоҳ Бобур Мирзонинг ғазаб ўти аланга олиб, шошилинч қаноти билан оти жиловини Қораёғоч томон тўғрилади» деган хабар етиб келди. Шунга кўра Муҳаммад Замон Мирзо «балки ҳазрат Заҳир ус-салтана Бобурдан олдинроқ ўғруққа етиб оларман» деган умидда яқинроқ бўлган тоғ йўли билан Қораёғоч сари йўналди ва ул тоғ йўлини орқадан мустаҳкам қилдилар. Аммо йўл асносида Хусайн Ака Девона Қораёғочдан келиб, ҳазрат Бобур подшоҳ Қораёғочга кириб, ўғруқни тасарруф қилди ва эндиликда уч-тўрт минг жасур суворий билан уруш ва жангга тайёр турибди, дея арзга етказди.

Муҳаммад Замон Мирзо бу хабарни эшитгач, йўналиш жilовини Фаржистон томонга бурди. Йўл давомида эса Амир Хусайн Али *Жалойир*¹ ва Амир Юнус Али бин Амир Бобо Али² ва Хожа Хайдар Али *Қарчақ* ҳамда сардорлар ва қўшиндан бир тўдаси ул ҳазрат ёнидан қочиб, Қораёғочга кетдилар. Маҳдумзода шошилинч қаноти билан Фаржистон сари илгарилаб кетди. Пилчироғга етганда саййид Маҳдихожа ҳам Муҳаммад Замон Мирзодан рухсат сўраб, йўлини Мовароуннаҳр томон солди.

Муҳаммад Замон Мирзо Фаржистонга етгач, Амир Шоҳ Муҳаммад Сайфулмулк ва Хожа Фиёсиддин Али Холдор ва Хожа Камолиддин Хусайн ва ул вилоятнинг бошқа арбобу катталари кутиб олиш шартларини бажо келтирдилар ва қудрат қўллари нимага етса, ўшани тортиқ қилдилар. Маҳдумзода Усту қишлоғида истиқомат кўрпа-тўшагини ёйди.

¹ Бу ерда Навоийнинг қариндошларидан «Туфайлий» тахалусли Хусайн (Ҳасан) Али бин Али *Жалойир* кўзда тутилмоқда. Бобур ёзишича, Султон Хусайн Мирзо хизматида умр кечирган Туфайлий 1511 йил Самарқандда Бобур олдига келган ва беш-олти йил Бобур Мирзонинг хизматида турган.

² Амир Бобо Али эшикоғоси дастлаб Навоий, сўнг Султон Хусайн Мирзонинг хизматида турган. «Бобурнома»да қайд этилишича, унинг ўғли Юнус Али 1529 йиллари Бобур подшоҳ хизматида бўлган.



Ўша икки-уч кун ичида ғалаба аломатли бобурий байроқлар ҳам Фаржистон вилояти билан Чақчаронни боғлаб турувчи Оқгунбад мавзеига ўз соясини ташлади. Бироқ фаржистонликларнинг бариси Муҳаммад Замон Мирзо давлатига тарафдорликда тўғри дамли ва собит қадамли бўлгани учун ҳазрат Бобур подшоҳ ул тоғлик юртга кира олмади ва Ғурнинг Ферузакуҳ тарафига кетиб, у ердан Яккаўланг йўли орқали Кобулга йўналди.

Муҳаммад Замон Мирзо яна бир навбат озгина керак-яроқ ва лозим нарсаларни ғамлаб, Фаржистондан Чақчаронга кўчиб борди ва Чироғдон манзилида истиқомат чироғини ёқиб, у ердан Қандаҳор томонга йўналаман ёки яна бир марта Валх ҳудудига бораман, дея иккиланиб ўтирган маҳал, кутилмаганда Иброҳим Султон *Мавсулий* ва Аҳмад Султон *Афшор* сардорлигида Ҳирот волийси Амирхон Лала¹ буйруғи бўйича бу томонга келаётган Хуросон амирлари қўшинининг муқаддима қисми кўринди.

Маҳдумзода Амир Шоҳ, Муҳаммад Сайфулмулк ва Амир Ўрдушоҳнинг амакиваччаси Мирзобек ва Амир Ҳаронқули ва Ислон Али бин Ёр Али Бахши ва Амир Шоҳ, Ҳусайн Ёракий Мирохўрни *Ғончи мўғулнинг* кўп кишиси ва лашкар аҳли билан Хуросон амирлари рўпарасида қўйиб, ўзи эса йўналиш байроғини Севинж йўли орқали Фаржистон даҳаларидан бири бўлмиш Бандар томон кўтарди.

Иброҳим Султон ва Аҳмад Султон Муҳаммад Замоннинг сипоҳини қилич ва найза зарби билан енгиб, Мирзобекни *Ғончи мўғуллари* катталаридан ўн-ўн икки киши билан бирга қўшиб қатлга еткардилар. Қўшиндан ҳам кўп аскарларни ҳалокат тупроғига улоқтирдилар. Қочиб қутулган бошқалари Муҳаммад Замон Мирзога бориб қўшилдилар. Ул ҳазрат Бандардан Қандаҳор сари йўналди. Ушбу сатрлар ёзғувчиси эса улови талафотга учрагани сабабли рухсат олиб, Фаржистонда қолдим.

Маҳдумзода Рубазга етганда Чироғдон урушидан ўша томонга қочган Шоҳ, Муҳаммад Пир Ака ён-атроф кишиларидан олти-миш-етмиш нафар одам билан келиб, олий мавкабга қўшилди

¹ Лала – алла. Ёш шаҳзодаларга мураббийлик қилган ўқитувчиларга *лала*, *лалабоши* унвонлари берилган.



ва ул ҳазратни ҳадеб ундайвергач, маҳдумзода унинг сўзи билан Қандаҳорга юришдан воз кечиб, жиловни Сон ва Чаҳоряк вилоятига бурди.

Йўл юриш асносида қўшин аҳли Жазравон атрофида Мирзобекнинг Шибирғонга кетаётган ўғруқини талаб, озгина миқдордаги керак-яроқни қўлга киритишди ва Чаҳорякка бориб, ўз ўлганларини ювиб-кафанлаш учун Бандарда қолган Ислом Али, Ёр Али бахши ва *Фончи мўғули* кишиларининг шу ерга етиб келишини кутиш ва сўнг Шибирғонга кетиш учун қўш ташладилар.

Аминбек бу хабарни эшитгач, ўша пайтда ҳазрат подшоҳ Бобур Мирзо буйруғига биноан Балх ҳокими бўлиб ўтирган Амир Иброҳим Чопуқ олдига одам юбориб «муносиби шуки, Муҳаммад Замон Мирзонинг лашкари бир ерга йиғилишдан олдин ул ҳазрат ишини бирёқлик қилишга киришайлик» дея хабар қилди. Амир Иброҳим Чопуқ Балхдан чиқиб, Аминбек унга қўшилди ва ул икки амир бир-бири билан иттифоқ бўлиб, шаҳзода устига юрдилар. Икки ўртада қаттиқ жанг бўлди.

Ана шу олишув пайти Муҳаммад Замон Мирзонинг оти сунчикиб, ўша орада Амир Иброҳим Чопуқ бу ҳол устига етиб келди ва ул ҳазратни қўлга туширди. Аммо таъзим ва эҳтиром бажо келтириб, маҳдумзодани ўзи билан бирга Балхга олиб кетди ва у ердан йўналиш юзини Кобул сари қаратди.

Ҳазрат подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ўзининг яхши хулқ ва гўзал атвори, тўғма карам ва зотий меҳрибонлиги орқасида ўта шафқат ва марҳамат билан Муҳаммад Замон Мирзони қарши олди ва гуноҳларини худди бўлмагандек хаёлидан чиқариб ташларкан, инъом ва эҳсон эшикларини маҳдумзода ҳаёти юзи сари очиб, салтанат асбобларини иноят қилди.

Назм:

Кулларни сийловчи меҳрибон султон,
Айбни кечирувчи, афвкор инсон.
Ўзу бегоналар айбидан кечар,
Чунки ул элпаноҳ оқил муқаррар.
Бою камбағалдан кўрса юз нуқсон,
Карам камолидан кечирар осон.



Олий шаънли подшоҳ онту қасамлар ўртага солиниб қилинган аҳду паймондан сўнг Балх вилояти ва унга тобе ерлар бошқаруви жловини маҳдумзоданинг қудрат қўлига тутқазди. Заҳириддин Бобур Мирзо ул ҳазратни уч-тўрт ой Кобулда ушлаб тургач, подшоҳлик саройининг муҳтарама хонимларидан бир каримани маҳдумзодага унашиб, рози ва шокир ҳолда кўнглини ифтихор ва сарафрозликка тўлдириб, Балхга юборди.

Ҳеч бир сўзамолликка берилмасдан ва маддоҳлик йўлини тутмасдан айтадиган бўлсак, ул исломпаноҳ подшоҳ қай даражада юксак карам ва яхшилик, не қадар чексиз шафқат ва саховат намунаси бўлса, барисини ул олий мартабали шаҳзодага нисбатан юзага чиқарди. Бу лутф ва эҳсон довуғи, бу афв ва ёрдам овозаси оламнинг тўрт томони бўйлаб ёйилиб, барча тоифа кишилар меҳрибон подшоҳга таҳсину офарин айтдилар. Ҳозирги кунимизгача, яъни кириб келган ҳижрий 929 йил зулқаъда ойига¹ қадар, Муҳаммад Замон Мирзо ўша мамлакатда ҳукумат ишига машғул бўлиб ўтирибди. Гоҳида Хуросон ҳокимлари² олдига элчилар юборади. Аъло ҳазрат динпаноҳ Бобур подшоҳнинг халифалик тахти поясида бел боғлаб турганларга нисбатан ихлос ва бандалик шартларини бажо келтиради.

Ишончли умид ва содиқ ишонч шукум, ул саодатли маҳдумзода подшоҳлик – *Аллоҳи таоло мулки ва султонлигини абадий қилсин* – осмони офтобининг давлат ва адолати сояси остида иқболнинг юқори даражаларига етишади ҳамда шавкат ва мартаба нурининг ёғдуси шаҳаншоҳликнинг мақсади ҳосил вакили Бобур Мирзо инояти уфқидан унинг аҳволи узра таралади.

Рубойй:

Умид осмонининг ёруғ юлдузи,
Жамшид тож-тахтига муносиб ўзи.
Жаҳон подшоҳининг лутф соясида,
Бахт тахтида бўлсин кеча-кундузи.

¹ 929 йил зулқаъда ойи – 1523 йил 11 сентябрь – 10 октябрь.

² Сафавийлар қўлидаги Ҳирот ва шу каби Хуросон ерларидаги ҳокимлар кўзда тутилмоқда.



Таҳқиқ эгаси қаламнинг дўстона ёрдами билан мақсади ҳосил соҳибқирон Амир Темур Гурагон авлодининг фаройиб аломатли ахбори гавҳарларини шу ергача иборалар тизимига терган ва давотнинг ҳаётбахш булоғи томчиларидан сўзамоллик топиб, баён тизгинини абадга уланган шоҳлик давлати айёмининг ажойиб воқеаларини ёзиш сари бурган экан, умид шулким, Жамшид қудратли вазирнинг¹ уйғоқ бахти кўмаги ва инояти ёрдами билан бу битик хато ва айблардан холи топилиб, ушбу исқандар сифатли Шоҳ Исмоилнинг юрт олувчилик ҳолатларини энг яхши иборалар, гўзал истиоралар билан яқину йироқдагилар, турку тожик халқлар қулоғига етказгай.

Маснавий:

Иноят айлагач пок парвардигор,
Бўлди бахт мувофиқ ҳамда тавфиқ – ёр.



ШОҲ ИСМОИЛ ТОМОНИДАН ХУРОСОН ФАТҲИНИНГ БОШЛАНИШИ



Сўз маъноси бобида билгувчилик байроғини кўтарувчилар ва сўзга чечанлик тахтига безак берувчилар ушбу аниқликни англаб, шу воқеадан воқиф бўлажақларки, мақтов хислатли шоҳнинг абадга уланган давлатида шундай бир хосият бор бўлиб, сидқидилдан ва соф кўнгилдан ихлос ва ниёз юзини иқбол қоидали даргоҳ саҳнига қаратган ҳар бир муваффақият соҳибининг умид ниҳоли тенгсиз маликнинг инояти офтоби ёлқинидан соя ёйгувчилик даражасигача ўсиб, истаги гунчаси мурод чаманида сарафрозлик насими билан очилажақдир. Ҳашамати кўплигидан мағрур бўлган қай бир шавкатли киши эса қуллик бўйнини осмон манзиллик даргоҳ эгасининг итоат ҳалқасига тикмаса, озгина вақт ичида ўшанинг улуғлик дараҳти қийинчилик шамолидан таг-тути билан қўпорилиб, буюклиги боғи қовжираган саҳро сифатини топажақдир.

¹ Сафавийлар вазири Ҳабибуллоҳ Соважий кўзда тутилмоқда.





Бу таърифнинг иккинчи қисмига ўхшаши Муҳаммадхон Шайбонийнинг аҳволи бўлиб, у Хуросон шаҳарлари фатҳидан кейин мамлакати катталиги ва вилоятлари кенглиги, хайлу ҳашами кўплиги, қўшин ва навкарлари зиёдалиги, уруш асбоблари ҳаддан ортиқлиги, салтанат ва истиқдол яроқларининг мўл-кўллигига мағрур бўлиб, Сидра манзилли бўсаға эгасига нисбатан фармонга бўйсунлиқ ва итоат йўлидан қадам босмади. Натижада юрт олувчи шоҳнинг зулмат кетказувчи қиличи унинг такаббурлик ва манманлик зангини замона ойнасидан илоҳий тақдир сайқали билан тозаллади.

Бу маънонинг қисқача баёни шуки, Муҳаммадхон Шайбоний Туркистоннинг чекка шаҳарларидан то Семнон ҳудудигача ўз тасарруфи ва эгалланиш доирасига киритгач ва мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг мажид ўғилларини Хуросон ўлкаларидан ҳар тарафга путратиб юбориб, эркинлик байроғини кўтаргач, гурур ва кеккайиш суврати ҳамда истибдод ва зулм нақшини кўнгли тахтаси ва қалби саҳифасига чизаркан, мақсади ҳосил шоҳ Исмоил ҳазратлари билан ихлос ва давлатхоҳлик йўлини тутмади. Аксинча, қаршилиқ ва исён изҳорини қилиб, шер вужудли подшоҳ билан курашмоқ ва урушмоқни енгил ва осон иш деб ўйлади. Аммо у шуни билмас эдики, лочин қанчалик юксак учмасин, жаннат Сидрат ул-мунтаҳоси шоҳидаги қутлуф Ҳумо билан тенглашиш қанотини ёза олмайди, шунқор қанчалик учқур шикорчи бўлмасин, Семурғ қушидек Қоф водийси майдонини босиб ўта олмайди.

Искандар мартабали шоҳ Исмоил Муҳаммадхон Шайбонийнинг адоват аломатли атворидан хабар топгач, халқ орасида Шайх Лоҳижоний номи билан танилган фазилатлар эгаларининг каттаси Шайх Муҳиддин Аҳмад ва шариятмаоб, фазилатпаноҳ қози Зиёуддин Нуруллоҳ каби сўзамол элчиларни икки-уч марта ул олий мартабали хоқон олдиға юбориб, хонни тўғрилиқ тариқи сулукиға ҳамда итоат ва бўйсунлиқ тариқаси шартларини бажармоққа чақирди ва халқ осойишталиги пойдеворини бузишға сабаб бўлувчи нолайиқ ишлардан қўл торттиш сари ундади.



Бироқ шоҳнинг бу сўзлари хонга сира-сира таъсир қилмади. Муҳаммадхон Шайбоний ўзбек қўшинлари кўплигига орқа қилиб, фармонни бажарувчилик водийси томон қадам қўймади. Балки Шайх Муҳиддин Аҳмад Лоҳижоний улуғлик ва жаҳонбонлик тахти поясида турганлар ёнидан элчилик расми билан борган вақтда жавоб тариқасида Амир Камолиддин Ҳусайн Обивардийни олампаҳо даргоҳга юбориб, у орқали жўнатган мактубида шундай сўзларни қаламга олган эди: «Исломо ҳажини адо этмоқ учун кўнгилга келдики, яқин орада Ироқи Ажам ва Озарбайжон томон йўналгаймиз. Шу сабабли учрашувимиз манзили қаерда бўлажagini маълум қилсангиз».

Малойик ошиёдли даргоҳ муншийлари шоҳ тилидан хонга жавоб тарзида ушбу сўзларни ёзиб юбордилар: «Биз ҳам исломо обрўси Али Разавия равзаси тавофи учун муқаддас Машҳад томонга бормоққа азму жазм қилганмиз. Муносиби шуким, давлат ва иқбол мавқабларини кутиб олмаққа шошилиш йўлини тутгайлар то дўстни сийлаш шартлари ва душманни куйдириш расму русумларини ул кишига кўрсатиб қўйгаймиз». Муҳаммадхон Шайбоний бу жавобдан изтироб денгизига чўмиб, осмон қудратли шоҳ Исмоил Ширвон ўлкасида турган ўша қиш фаслида биёбон йўли орқали Кермон ҳудудига қўшин тортиб кетди. Бориб ул вилоятнинг айрим ерларини фораг қилди ва деҳқонлару бечораларга нисбатан зулм ва зуғум ўтказди.

Бу каби иш юзага чиққани сабабли 916 йил ражаб ойи ўрталарида¹ шоҳнинг мамлакат олувчи байроғи етишув соясини Харрақон сайҳонлиги узра ташлади ва ҳамма бажариши шарт фармонга биноан амирлар ва ироқлик, форслик, кермонлик, курдистонлик, луристонлик, арронлик, озарбайжонлик ҳокимлар кўп сонли қўшин билан ғалаба аломатли ўрдуга йиғилдилар. Шоҳ Хуросон сари юриш ва Муҳаммадхон Шайбонийнинг зулмкор вужудини йўқ қилишга қатъий қарор қилиб, қолган амирлар ва нўёнларни ҳам чақириб учун Султон Яйлови манзилида катта тўй-йиғин ясашга фармон берди...

¹ 916 йил ражаб ўртаси – 1510 йил 19 октябрь.





ҒАЛАБА АЛОМАТЛИ АСКАРЛАРНИНГ УРУШ НИЯТИДА ЎЗБЕК ХОНИ УСТИГА ЙЎНАЛГАНИ БАЁНИ



Зафарга ёр подшоҳ эртаси тонгда Султония йўлидан масофаларни босиб ўтганча Рай шаҳри ҳудуди сари ошиқди ва у ерда ҳам тўхтамай, оти жиловини Домгон вилояти томонга бурди. Ул шаҳар доруғаси Муҳаммадхон Шайбонийнинг Аҳмад Султон исми куёви бўлиб, у нусрат киришимли қўшиннинг яқин келганидан хабар топди ва юзини қочиш водийси сари қаратиб, мулк ва мол баҳридан кеча қолди. Шунга ўхшаб, Астрободда ҳокимлик қилаётган Хожа Аҳмад Қунғирот ҳам қочиш тариқини ихтиёр этиб, Зардахок довони орқали ўтиб, Ёзир ва Дурун томон кетди. У ердан эса Хоразм тарафга юзланди.

Журжоннинг Саййид Рафеъ ва Бобо Навзар каби арбоб ва катталари ҳамда бошқа оқсоқоллар мўл-кўл совғаю тортиқлар билан зафар аломатли байроқни кутиб олишга ошиқиб, Бастомда осмон ҳашаматли подшоҳнинг палосини ўпиш иззати билан сарафроз бўлдилар ва шоҳнинг ҳам инояту эҳсонига эришиб, ўз уйларига қайтдилар.

Ўша вақтда жаноб султоний хожа Сайфиддин Музаффар битикчи Кабуджома мавзеида бўлиб, олтин тусли соябон келгани хабарини эшитгач, фатҳу зафар янглиғ осмон кезар ўрду томонга юзланиб, Жожарм ўлкасида Сидра ҳашаматли даргоҳ эгаси мулозимати шарафини топди... Шоҳ Исфарион шаҳри четида унинг қобилиятли қоматини вазирликнинг олий мансаби либоси билан беади.

У томонда ўша вақтда ҳазора юришидан юз бўлак бўлган дил билан қайтиб келиб, Ҳиротнинг Боғи Жаҳоноросида ўтирган Муҳаммадхон Шайбоний куёви Аҳмад Султон юборган чопар орқали нусрат нишонли мавкаб келгани хабарини эшитгач, ҳаммиша тилини мақтанчоқликка чоғлаб «яқин орада Ироқи Ажам ва Озарбайжон устига лашкар тортаман ва ул юртларни олгач, йўналиш жиловини Ҳижоз томонга тўғрилайман» дея лоф уриб юрганига қарамай, қалбига шу даража хавф ва қўрқув



туйғуси йўл топдики, Хуросоннинг душманни ёқувчи қўшини муқаддимаси кириб келмасданоқ 916 йил ражаб оyi охирларида¹ Ҳиротдан Марвга қочиб кетди ва ўша шаҳар қалъасини беркитиб, Мовароуннаҳр султонларига ўзбек қўшинларини ёнига чақириш фармонларини жўнатди.

Муҳаммадхон Шайбоний қочиб кетгач, шу хон фармониغا кўра Хуросон мамлакатлари салтанат пойтахти бўлмиш Ҳиротда ҳокимлик қилиб ўтирган Жонвафобий Мирзо ҳам ўз подшоҳига эргашиб «Марви Шоҳижаҳон қайдасан» дея йўлга тушди. Ҳиротда Хожа Хурд Девондан бўлак ўзбек уруғидан ва Мовароуннаҳр халқидан биронта тайинли киши қолмади. Жонвафобий Мирзо олдида ғоятда эътиборли бўлган хожа Хурд Девон ҳиротлик Амир Султон Маҳмуд бин Саййид Фиёсиддин Муҳаммад Боғбон билан дўстлигига орқа қилиб, Ихтиёриддин қалъасини беркитди ва душманга қарши мудофаа урушига тайёр турди.

Ҳиротда рўй берган бу каби воқеалар Тус шаҳри атрофида шоҳнинг арзига етди ва ул ҳазратни мулклар бағишловчи молик инояти қўллаб, улуғворлиги шарафи яна ҳам ортди ва Хуросон вилоятлари ишларини қўлга олиш учун доруғалар тайинлаб, ўзи муқаддас Машҳад сари юзланди. Ул мақомга етишгач, ихлос ва тўла ниёз юзасидан инсу жин имомининг Аршга тегар равзаси тавофи эҳромини боғлаб, Имом Ризо (*алайхурраҳма*) мақбараси зиёрати шароитларини бажо келтирди... ҳамда йўқсил ва дуоғўйларга садақалар улашгач, нусрат оятли байроқни Сарахс сари ҳилпиратди. У ернинг ўзбек доруғаси алақачон қочиб кетган бўлиб, халқ шоҳга нисбатан хизматкорлик ва бўйсунлилик йўлини тутган кўйи зафар паноҳли қўшин зуғумидан омонлик топиб, имомия мазҳаби шиорини изҳор қилдилар. Музаффар туғли шоҳнинг ўзи Сарахсда турган кўйи Дона Муҳаммадбекни мамлакат олувчи қўшиндан бир бўлаги билан бирга манглай йўсинида Марв томон юборди...

Муҳаммадхон Шайбоний зафар аломатли қўшиннинг муқаддима қисми келаётганидан хабар топгач, Жонвафобий Мир-

¹ 916 йил ражаб охири – 1510 йил 3 ноябрь.



зо ва Қанбарбийни ўзбекнинг қиёмат аломатли қўшинидан катта бир бўлаги билан олдинга жўнатди ва Тоҳиробод қишлоғи ёнида тарафлар тўқнашуви юз бериб, жудда қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда Дона Муҳаммадбек ўзбек жангчилардан бирининг камондан отган ўқиға учиб, шаҳидлик шарбатини татиди. Шунга қарамай, улуғ ғозийлар шоҳ давлати қувватидан юксак мақомли туғларни баланд кўтариб, ўзбекларни то Марв қалъаси ичигача чекинтириб бордилар.

Шу ҳол асносида муртазавий хислатли шоҳнинг қутлуғ туғи ойчаси етишиш нурларини Марв қалъаси атрофига сочиб, ғалаба асарли аскарлар ул шаҳар ён-теварагида чодир қуббаси ва баланд ўтовини тикладилар ҳамда қамал ва ҳамла ҳужумларини бошлаб юбориб, қалъа олишлик асбобларини тартибга келтириш сари киришдилар. Муҳаммадхон Шайбоний қалъа дарвозаларини беркитиб, ҳар бир буржни улуғ амирларидан биттасига топширди ва кўнглига қалъа мудофаасини туғиб, бу мустаҳкам қўрғонни муҳофаза қилиш бобида ҳаддан ташқари кўп ишларни амалга оширди.

Гарчи ул ўлкани босиб олиш юрт олувчи қўшинга султонлик жанги воситасида муяссар бўлиши мумкин эса-да, аммо саф-ёран шижоат аҳлидан кўпининг талафотга учраши эҳтимolini назарда туғиб, бу иш рухсати борасида қутлуғ фармон берилмади. Ўша кунлар давомида улуғ ғозийлардан бир қисми жангга кириб, Марв дарвозаси ёнигача боришар ва шаҳардан ҳам бир бўлак жангчилар чиқиб, жиловни уруш майдонига бурар эдилар. Кўпинча ғалаба шоҳнинг зафарли қўшини сари бўлар ва ҳар тўқнашда ўзбеклардан бир тўдаси ўлдирилиб, қазо қўли уларнинг ҳаёти палосини йиғиштирар эди.

Замона одати ўзи шу янглиғ бўлгани сабабли гоҳида ғозийлардан айримлари ҳам ажал соқийси қўлидан шаҳидлик жомини симираар ва гоҳида бир қанчалари тақдир панжасига асир тушиб, Муҳаммадхон Шайбоний буйруғи бўйича қатлга етар эдилар. Бир неча кун шу зайл ўтгач, ажойиботлар йиғингоҳи хонадонининг соҳиби тадбир бошлиғи шарофатидан фатҳ чехраси жамол кўрсатди.

СУЛТОНЛИК ЖАНГИНИНГ РҮЙ БЕРГАНИ ВА ЗАФАР ҚУЁШИНИНГ ОМОНЛИК УФҚИДАН ПОРЛАБ ЧИҚҚАНИ БАЁНИДАГИ ГАПЛАР

Бир неча кун Марв чети нусрат асарли аскарларнинг истиқомат маҳали бўлгач ва фақат муҳосираю муҳориба билан фатҳу зафар юлдузи мақсад уфқидан чиқмагач, шоҳнинг илоҳий иноятлар нурлари ижодкори бўлмиш офтоб аломатли қалби ойнасида ушбу тадбир сурати намоён бўлди: «Бир кўч масофа орқага чекинамиз, токим бу чекинишимизни Муҳаммадхон Шайбоний нусрат оятли мавкабнинг қочганига йўйсин ва кетимиздан қувлашга жазм қилиб, журъат қадами билан Марвдан чиқсин. Ўшанда фатҳу зафар жilовини ҳасадчи ғаним ва ёғий душман томонга бурамиз ва қиличу найза зарби билан қилмишига яраша жазосини топдирамиз».

Сўнг шу ғайбий илҳом ва илоҳий талқин саналган тўғри тадбирга амал қилиб, бироқ қутлуғ қалбда яширин бу режани ноиблар ва амирларга билдирмасдан, 916 йил йигирма саккизинчи шаъбон¹ чаҳоршанба куни охирида нусрат нишонли байроқлар Марви Шоҳижаҳон четидан ҳаракатга келди ва шоҳ шаҳардан уч фарсах масофа наридаги Маҳмудий қишлоғи дарёчасидан ўтиб тушган кўйи шу ерда бир куну икки оқшом тўхтаб турди.

Бу каби орқага қайтишнинг асл ҳақиқатидан беҳабар бир нечта давлат амирларию нўёнлари ниҳоятда ҳайрон бўлдилар ва ўй-фикр денгизига ботиб, ор-номус юзасидан қаттиқ изтироб чека бошладилар. Аммо ҳидоят қоидали шоҳнинг қатъий қарорли ақли режасини англовчи айрим хос ва яқин кишилардан бир бўлаги бу қайтишнинг ҳеч шубҳасиз фатҳу зафар муқаддимаси учун қулай имконият сифатида амалга ошаётганини яхши билиб турардилар.

Ҳазрат султоний сайф ул-аномий Музаффар Битикчидан эшитганим бор: Мазкур манзилда ғалабага ёр шоҳ Исмоил ха-

¹ 916 йил йигирма саккизинчи шаъбон — 1510 йил 1 декабрь.

лифа ошиёнлик даргоҳ муншийларидан бирига Муҳаммадхон Шайбонийга бир мактуб битишни буюрди. Бу хат мазмуни шундай эди: «Илгарироқ Сиз бизга «кўнглимизни ислом ҳажини амалга оширмоқ нияти тўла қамраб олган ва яқин кунларда ўша юришни рўёбга чиқариш учун Ироқи Ажам ва Озарбайжон томон юзланажакмиз» деб ёзган эдингиз.

Биз эса шунинг жавобига тиришиб «бизнинг ҳам башар аҳли имоми Али ибн Мусо ар-Ризонинг муаттар қабрини тавоф этиш ниятимиз бор ва тез фурсатларда ҳимматни ул тарафга юзланиш учун қаратгаймиз» деган эдик. Сиз ўз ваъдангиз устида турмагач, мана биз жаҳон олувчи қўшин байроғини муқаддас Машҳад сари ҳилпиратдик ва Аллоҳга шукрим, ул иқбол қибласи, омонлик ва орзулар каъбаси тавофи шарафига мушарраф бўлиб, имомлик ошиёнли даргоҳ ғуборидан умид кўзимиз учун равшанлик ҳосил қилдик.

Бу сўзларни ёзишдан мақсад шуки, тасаввуримизча, балки ул жаноб қутлуғ мавкабимиз келганидан хабар топиб, қадамимиз истиқболига чиқсалар ҳамда меҳмонни кутиб олиш ва зиёфат шартларини бажарсалар, жуда лойиқ ва муносиб иш рўй берган бўларди, деган ўйда эдик. Майли, бу ишнинг уддасидан чиқа олмаган эканлар, шу сабабли биз ўзимиз мулоқотларини топиш учун алар турган Марв шаҳри ташқарисигача ташриф буюрдик. Аммо бу ерда ҳам ул жанобдан одамгарчилик лозиматлари юзага чиқмади. Начора, эндиликда қайтиш тизгинини орқага бурамиз ва Хуросон вилоятларининг бирида қишлоғини ўтказиб, баҳор фасли аввали, яъни лолаю гул-чечаклар қўшинининг уруш майдонига юриши бошида яна қайтамыз, токим ғайб пардаси ортида яширин суврат кўриниш доирасига киргай, вассалом».

Бу бахт услубли мактубни аъло ашраф фармонга биноан улур қўрчилардан бири олиб, пайшанба куни намозгар чоғи Марв томон кетди. Жума куни¹ тонгида, яъни ялтироқ тус байроқли подшоҳ — офтоби жаҳонтоб олам майдонини эгаллаш ниятида зарҳал қиличини уфқ қинидан чиқарган ва кураш оёқларини

¹ 1510 йил 3 декабрь кўзда тутилмоқда.



осмон майдонига қўйган кўйи фалаклар қўрғонига беркинганларни мағлуб қилган маҳал соҳиби бахт шоҳ Исмоил Амирбек Мавсуллу муҳрдорни уч юз нафар жасур чавандоз билан бирга Маҳмудий анҳори кўприги устида қўйди ва ўзи қўшин билан йўналиш туғини Талхтон қишлоғи сари кўтарди.

Режага кўра, Амирбек Муҳаммадхон Шайбонийнинг қўшини қорасини кўрган заҳоти ҳеч тўхтовсиз қочиш йўлига кириб, осмон мартабали мавкабга келиб қўшилиши лозимлиги, буни кўрган ўзбекларнинг эса ботирлашиб, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан ўша йўлдаги Сияҳоб дарёчасидан бемалол ўтган кўйи осмон кезар ўрду орқасидан шошганча қувлаб, шаҳардан анча узоқлашиб қолишлари кутилганди.

У томонда Муҳаммадхон Шайбоний оқибати олқишли шоҳнинг кўчиб, мағриб томонга йўналганидан хабар топгач, энди нусратнишон ғозийлар отлари жиловини Ироқи Ажам ва Озарбайжон теграсига етгунга қадар орқага бурмаяжаклар, деб ўйлаган эса-да, шунга қарамай, биринчи куни эҳтиёткорлик расмига риоя қилиш жиҳатидан шаҳардан ташқари чиқмади. Аммо жума куни саҳар чоғи ҳар бири қиёмат юришли найза учи билан қоронғу тунда чумоли ва илон кўзини урувчи ва сув кўринишли шамшир шуъласи билан уруш-саваш куни Рустаму Исфандиёр ҳаёти хирмонини ёндирувчи совут кийган ханжарсанчар баҳодирлардан бир тўдаси билан бирга дарвозадан ташқарига қадам босиб, лашкар қалбида жойлашди. Қўшин қанотларини эса Жонвафобий Мирзо ва Қанбарбийларнинг вужуди шарафи билан мустаҳкамлади.

Шу зайл тўла мағрурлик ва гердайиш билан шоҳ орқасидан йўналди. Йўл асносида хонга ер юзи шоҳининг қутлуғ мактуби етди. Хон хат мазмунидан хабар топгач, бу ёзишманинг сабабини уруш майдонига чиқишдан ўта даражада ожизлик кўрсатилаётгани белгиси ўрнида тасаввур қилди. Шунга кўра кавкаблар мартабасича мавкаблар кетидан олдингидан ҳам кўпроқ саъй-ҳаракат билан таъқиб этишга тушди. Ёнидаги Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржийга хат келтирган чопарни Марвга элтиб, қамаб қўйишни ва лашкардан ким шаҳарда қолган бўлса, уларни ҳам бу ёққа юборишларини буюрди.

Хон масофаларни босиб ўтишда яна ҳам шошилиш йўлини тутаркан, Маҳмудий қишлоғига етишгач, Амирбек муҳрдор тайинлангани бўйича оти жиловини қочиш сари бурди. Муҳаммадхон Шайбоний бу ҳолни мушоҳада қилган заҳоти хурсанд бўлиб, галаба жамолини кўришга умид боғлаган ҳолда юриш тезлигини тагин-да ошириб, олдингидан ҳам кўпроқ шошилганча яшин ва шамолдек Сияҳоб дарёчасидан ўтди.

Аммо музаффар туғли шоҳ, Исмоил мазкур Амирбек аъло шарафли мавкабга етиб келгач, душманнинг яқинлашганидан хабар топиб, ўша пайтда зафар аломатли узанги мулозиматида турган улуғ амирлар ва Баҳром қасосли қўрчилардан уч-тўрт минг нафар отлиқ чавандоз билан бирга дунёкезар самани тизгинини тўғрилади ва оҳулар тўдасига чанг солиш учун юзланган йиртқич шер ёки чумчуқ овлашни писанд қилмас юксак учувчи лочиндек юзини душманлар тарафига қаратди.

Шу тариқа Маҳмудий қишлоғи чеккасида тарафлар яқинлашуви тўқнашув билан якун топиб, ҳар икки томондан сурнай ва карнай овозлари кўтарилди, бурғу ва сурон садолари баланд осмон чўққисидан ўтди. Жанг майдонининг чанги тез айланувчи фалак авжига етди ва оламни кезувчи отлар туёғининг гард-ғубори офтоб юзига ниқоб бўлди. Улуғ ғозийлар аждаҳо гавдали найзаларни қўлга олиб, душманлар сари юзландилар, Баҳром қасосли ўзбеклар қоничар ўқларни камон ишига қўйиб, жангга киришдилар.

Қисқаси, бу томондан қутлуғ мавкабдаги ғозийларнинг шаҳоб¹ юлдузидек найзалари баҳодирлар томиридан қон оловини² оқизар, ул томондан эса Муҳаммадхон Шайбоний аскарларининг дил аломатли пайконлари шижоатлилар кўкси нишонига келиб тегиб, жон бойлигини кўкка совурар эди. Ўша қаттиқ уруш-саваш асносида шоҳ Исмоил душман лашкарининг қалб қисми сари от қўйиб, ҳар ҳамласи билан муҳолиф аскарининг кўпини ер тишлатар эди.

¹ Шаҳоб — ловуллаб учувчи юлдуз, метеор.

² Қон олови — метафизиклар ақидасича, инсон тўрт унсур — тупроқ, ҳаво, сув, оловдан ташкил топган бўлиб, олов қонни ҳам билдиради.



Муҳаммадхон Шайбоний ҳам ихтиёр ва изтирор¹ юзасидан озгина вақт сабот ва қарор оёғини маҳкам тираб, шундай уруш ясадики, мияларни икки ёрувчи қиличи зарбасидан шиддат қасосли Баҳром қўрқиб, офтобнинг заррин қалқонини боши узра тортди ва қоничар найзасининг келди-кетдиси кўплигидан Семурғ ваҳимага тушиб, Кўҳи Қоф орқасига яширинди.

Ниҳоят, юрт олувчи шоҳнинг жаҳонни безовчи байроғи ойчасига ғалабаю фатҳ, саодати юлдузи яқинлик ҳосил қилди ва динпаноҳ шоҳнинг ҳуш қулоғига «Аллоҳ сизга қудратли ёрдам бериш учун»² калимасининг қувонч орттирар навоси кирди, ўзбекнинг ёмон хислатли қўшинлари эса уруш майдонига орқа ўгириб, жировни қочиш водийси сари бурдилар. Шоҳ аскарлари уларни қувлаб, қочганлардан жуда кўпини ҳалокат тупроғига қулатдилар.

Хуросон халқи жумласидан саййид Гиёсиддин Муҳаммад Боғбоннинг тўнғич ўғли Амир Жалолиддин Маҳмуд ва Хожа Муизиддин Ҳусайн Девон ва Хожа Абдуллоҳ Марвий кабилар бир гуруҳ марвликлар билан бирга Марв шаҳри ичида турган бўлиб, ўша қиёмат куни ғозийларнинг қиличи зарби ва найзаси санчқисидан оламдан ўтдилар. Жонвафобий Мирзо ва Қанбарбий тақдирдан бўлиб, асир тушдилар ва шоҳлик қаҳри қаҳрамони ҳукмича қатлга етдилар.

Муҳаммадхон Шайбоний ўта саросима ва изтирорб ичида қочиш маҳали Сияҳоб ёнида узангиси хизматида турган беш юз нафар билан отини бир чаҳорбоғ ичига қарата ҳайдаган эди. Аммо боғ ичидан ташқари чиқишга жой топа олмай қолиб, ўша аснода Бурун Султон ғозийлардан бир гуруҳи билан ул боғни ўраб олиб, қўларини ўқ отишга узатдилар.

Ўзбеклар ўқ ёмғиридан бир-бири устига қулаб, жуда кўплари эса отлар туёғи остида ҳалок бўлишди. Ҳаётларидан бир неча нафаси қолган айримлари бўлса ўлган шериклари жасади устига тармашиб, ул боғ девори устига чиқиб олишар, аммо улар ҳам ғозийларнинг ўткир қиличи зарбидан оёқдан қолар эдилар.

¹ *Изтирор* — мажбуран, ихтиёрсиз равишда.

² Қуръони карим, Фатҳ (48) сураси, 3-оят.





Ул ёмон қавмининг барчаси найза ва қиличга ем бўлгач, қутлуғ мавкаб мулозимларидан бир нечтаси ўлганлар орасидан Муҳаммадхон Шайбонийни излаб, уни ўша боғ ичидаги мурдалар тагидан топишди. Хон ўз устига қулаб тушган қочоқлар остида қолиб, нафаси қисилганидан жонини руҳларни олувчига топширган экан. Улуғ ғозийлар унинг манманлик орқасида ўзидан бошқа ҳеч бир сарварни тожга лойиқ кўрмаган бошини танидан жудо қилиб, зафарпаноҳ шоҳ олдига олиб бориб, жаҳонни кезувчи самани туёғи остига ташладилар ва шоҳга олқишу дуо айтиш шартларини адо этдилар. Ул ҳазрат илоҳий шукр саждалари ва жаноби Аллоҳи таоло ҳамдлари лозимотини бажаришга киришиб, тўғри йўл арбобларига назру садақалар улашди.

Амирбек Мавсулу ва шу урушда жасурлик аломатларини намоен этган бирдамлик тўқайининг бошқа бир нечта шерларини турли-туман инъомлар билан сийлаб, юракларини фахру ғурурга тўлдирди. Муҳаммадхон Шайбоний ва унинг амиру давлати устунларига тегишли ҳаддан зиёд ҳамда билимдон ҳисобчилар сановига сифмас миқдордаги ашё ва яроқларни эса улуғ ғозийларга тақсимлаб берди. Марви Шоҳижаҳон шаҳри аҳолиси ва халққа раҳм қилиб, ўлганлар бошларидан миноралар кўтарди¹.

Муҳаммадхон Шайбоний саройида девонликнинг шарафли мансабига мушарраф бўлиб юрган, балки, иқтидор ва истеъдоди туфайли хоннинг барча мамлакат ва молиявий ишларини бажаришга дахлдор саналган Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий бахт ва толе ёрлиги воситасида ўша куни Марв шаҳри ичида турган кўйи ўз хони ўлгани воқеаси хабарини эшитиб, шоҳнинг мамлакат девони ишларини тартибга солиш мутасаддиси Амир Нажмиддин Масъуд Сонийга яқин бўлиб олиш йўлини излаб, мақсади ҳосил шоҳга ихлосмандлик нақшини кўнгли лавҳига битди.

Амир Нажмиддин Масъуд Соний унинг яхши хулқ ва мақтовли атворга лим тўла хислатидан бир бўлагини шоҳ арзига етказиб,

¹ Бу жумлалари қовушмаган гап «Мусаххир ал-билод»нинг Техрон нашрида ҳам шундай берилган. Аммо «Тарихи Рашидий»нинг Техрон нашри ва «Мусаххир ал-билод»нинг қўлёзма нусхаларида бу маълумот аниқ равишда «шоҳ Марв аҳолисини қатли ом қилдириб, ўликлар бошидан миноралар ясатди» дейилган.



тилини хожа шафелиги учун чоғлагач, Хожа Маҳмуд Соғаржий жонини ўлимдан омон сақлаб қолишга эришди. Бутина эмас, балки ўша айёмда шоҳлик меҳрининг қуёши илоҳий марҳамат уфқидан порлаб чиқиб, бу хожа аҳволи сари нур сочди ва ва- зирлик мансабию соҳиб девонлик ишларига тайинланиб, қадр ва мақоми пояси юксалди.

**ФАТҲУ ЗАФАР ХУШҲАБАРНИНИНГ
САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ҲИРОТГА ЕТИБ,
УЛ ШАҲАРНИНГ ҒАЛАБА БЕЛГИЛИ
БАЙРОҚ ОЙЧАСИ ЁҒДУСИДАН
МУНАВВАР БЎЛГАНИ ЗИКРИ**

Сулаймон мартабали шоҳ Исмоилнинг ғалаба насабли бай- роғи ойчаси Марв заминида фатҳу зафар осмонининг авжига етгач ва бахтсизлик шамоли Муҳаммадхон Шайбоний давла- ту иқболининг байроғи сари эсиб, ўзбек аҳли бошининг йиғин тоши парчаланиб кетгач, салтанат ошиёнли даргоҳ муншийлари бажарилиши вожиб фармонга биноан бу фатҳу зафарни сўзга чечан қаламлар билан имло ва иншо саҳифаларига ёздилар ва қамар сайрли элчилар орқали Ироқи Араб ва Ироқи Ажам, Форс ва Кермон, Аррон, Озарбайжон, Ширвон, Мозандарон, Хуро- сон ён-теварагига юбордилар. Жумладан, инсонларнинг паноҳи Амир Нажмиддин Масъуд Сонийнинг мулозимларидан бири бўлмиш Қулижонбек салтанат пойтахти Ҳирот томон йўналди ва муборак рамазон ойининг «Қуръон нозил қилинган» йигирман- чисига ўтар кечаси¹ ул хушхабарлар насимлари ҳиротликларнинг орзу чамани узра эсиб, сафавий шоҳи тарафдорларининг мурод гунчаси умид гулноvdасида очила бошлади, мустафавий хонадо- ни ихлосмандларининг иқбол дарахти мақсуд боғида шодмонлик мевасини берди.

Эртаси куни тонгда саййид, мавлоно, аъёнлар жумласидан жа- ноб шайхулислом Сайф ал-милла вад-дин Аҳмад ат-Тафтазоний,

¹ 916 йил йигирма еттинчи рамазон – 1510 йил 28 декабрь. Яъни «Лайлатул- қадр» кечаси.



Амир Низомиддин Абдулқодир Машҳадий, Саййид Гиёсиддин Муҳаммад ибн Амир Жалолиддин Юсуф ар-Розий, қози Садриддин Муҳаммад ал-Имомий, қози Ихтиёриддин Ҳасан ат-Турбатий ва бошқалар Султония дориссиёдатида керак-яроқ, пешкаш ва совринлар ҳозирлаш учун йиғилиб, улардан бир бўлаги Қулижонбекни кутиб олиш сари юзланишди.

Ўша аснода бебош чапани ва фитна қўзғар толиблардан бир тўдаси ёпирилиб келиб, суғурилган қиличлар билан ул маскан ичига кирдилар ва шаҳар шаҳнаси Муҳаммад Лакурни, одамлар билан яхши муомала қилмай келган Муҳаммад Али Асъасни улуғлар кўзи олдида чошиб ўлдирдилар. Можаро ва ғавво моддаси яна зўриқиб, ўзбек қавмига озгина нисбати бор жамоадан юзга яқин киши ўлдирилди.

Ўша куннинг намозгарида Қулижонбек шаҳарга етиб келиб, халойиқни шоҳ Исмоилнинг чексиз иноятидан умидвор қилди ва бузғунчиларнинг попутини пасайтириб, ҳиротликлар номига чиқарилган қутлуғ фатҳномаларни ашроф ва аъён шахслар қўлига тутқазди.

Эртаси куни¹ хосу авом Жоме масжидига югуриб, ҳофиз Зайниддин Зиёратгоҳий шоҳлик фатҳномасини ўқиб эшиттириш учун минбарга чиқди ва ул қувончга тўла маншур-фармонни ёқимли овоз ва дилтортар товуш билан ўқиди. Аммо минбар тагида турган ғозийлар кўрсатмасига қарамай, Шоҳи мардон Алининг (*алайҳҳиттаҳия вал-ғуфрон*) душманларига лаънат айтмади. Шунга кўра ҳофиз ушланиб, минбардан пастга тортиб туширилди ва масжид ичидаёқ Қулижоннинг қиличи зарбасидан жон хазинасини руҳларни қабз этувчига топширди. Шу сабабдан одамларнинг юрагини кучли даҳшат ҳисси қоплаб, дод-вой кўтарганча, масжиддан тумтарақай қочиб чиқдилар.

Мазкур айёмда Марви Шоҳижаҳон бошқаруви Дудабекка тааллуқ топиб, ҳидоят аломатли байроқлар ул шаҳар ташқарисидан Хуросон пойтахти томон қўзғалди ва биринчи бўлиб жаноб султоний, сайф ул-аномий Хожа Музаффар Битикчи фо-

¹ 1510 йил 9 декабрь.



хира Ҳирот шаҳрига етиб келиб, улуғлар ва каттаконлар номига ёзилган истимолат хати ва Абдуманноф¹ сулоласи шарафи² миллатининг³ кучайиши борасида иноят ва лутфлар қалбидан⁴ чиққан фармонни келтирди ва жума куни Жоме масжидига ташриф буюраркан, Амир Садриддин Султон Иброҳим Амийний намоздан бурун минбарга чиқди ва ул бажарилиши зарур фармонни ўқиб, унинг чинликка ёр мазмуни каттаю кичикнинг кўнглида ишонч пайдо қилди.

Сўнг топшириққа кўра жаноб султоний ва мусулмонлик йўллари йўловчиларининг бошлиғи олийжаноб, нақиблик панохи, ҳақиқат дастгоҳли Амир Жамолиддин Атоуллоҳ (*соф-саломат ва умри узоқ бўлсин*) минбарга кўтарилиб, жума намози хутбасини пайғамбар (*с.а.в.*) исми ва аждоди олқиши ҳамда ўн икки имом номлари зикри билан безагач, жаҳоннинг чапу ўнғидан, жаҳон аҳлининг қалбу жонидан табрик ва муборакбод садолари кўзғалди.

Мазкур ойнинг ўртасида⁵ раҳмоний марҳаматлар намоёишчиси Амир Нажмиддин Соний ва Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий ҳам Ҳирот чеккасига етиб келишди. Саййиду қозилар, уламою фузало улар истиқболига пешвоз чиқиб, кутиб олиш маросимини адо этдилар ва дуою сано шартларини бажариб, кучлари етганича ва муносиб кўрилган нарсаларни тортиқ қилдилар.

Амир Нажмиддин Боғи Сафидга тушди. Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий эса шу пайтгача Ихтиёриддин қалъасини беркитиб ўтирган Хожа Хурд олдига бир насиҳатнома юбориб, уни «бўйсунмаслик гапини йиғиштириш ва ўжарликни бас қилиш»га чақирди. Хожа Хурд ул сўзларни қабул қулоғига жойлаб, қалъадан ташқари чиқди ва ожизлик, эҳтиёж қўли билан Амир Нажмиддин давлати этагига осилиб, ул даргоҳнинг бошқа

¹ Абдуманноф – ислом пайғамбари бобосининг номи.

² Ислом пайғамбари кўзда тутилган.

³ Мусулмонлар кўзда тутилган.

⁴ Шоҳ Исмоил кўзда тутилмоқда.

⁵ 916 йил ўн бешинчи рамазон – 1510 йил 16 декабрь.

мулозимлари қаторидан ўрин олди. Ихтиёридин қалъасининг кутволлиги Вайс Бек Такалунинг зиммасига юкланди.

Шу ишлар бўлиб турган пайтда ер юзи шоҳининг Ҳиротга яқинлашиб қолгани хабари тарқалди. Саноатчи ва ҳунармандлар шаҳарни ойнабанд қилишга машғул бўлдилар. Барча аҳоли турмуши узра қувонч ва шодмонлик ёғдуси таралди. Мазкур ойнанинг йигирманчиси¹ тонгида улуғлар ва каттаконлар, балки хосу авомнинг кўпчилиги катта хурсандчилик билан осмон ҳашаматли мавкабни кутиб олишга чиқдилар ва Чашмаи Хиздук теграсида жаҳон кезувчи саман туёғининг чангидан ҳиротликларнинг бахт кўзи равшанлик топиб, қуллик ва итоат пешонасини йўл тупроғига сурдилар.

Олий мартабали шоҳ Исмоил ҳеч қачон бунга ўхшаши ҳеч бир кўрар кўз назарига тушмаган дабдаба ва тантана билан Хиёбон кўчаси йўли орқали Боғи Жаҳонорога қараб юриб, ўша ерга тушди ва марҳум мансур хоқоннинг тахтгоҳини қутлуғ қадами шарофатидан ўзгарувчан фалакнинг рашкини оширадиган жойга айлантириб, адолат ва инсоф палосини ёйиш, зулм ва зўравонлик расмини йўқотишга фармон берди.

Шоҳликнинг халифалик тахти устунлари салтанат пойтахти Ҳирот қароргоҳида барқарорлик шарафини топди ва чексизликнинг адолати нурлари шуъласидан давлатхоҳлик йўли йўловчиларининг умид боғи кўкариб-яшнади. Номуродлик воқидийсининг ташналаблари оламга эга подшоҳнинг карам насабли булути томчиларидан сероб бўлдилар ва жабру зулмдан безган адолатга чанқоқлар мақсади ҳосил фармонфармонинг адолату эҳсон булути саховатидан бахту иқбол шаробини сипқордилар. Улуғ саййидлар ва азиз олимлар, муҳтарам фозиллар ўз даража ва мартабасига қараб, суюрғоллар² туфайли мансаблар ва тўла ҳузур-ҳаловатга эришдилар. Ён-атроф шаҳар ва диёрлардан фалак қудратли даргоҳга келган доврुकли қабилалар катталари ва қудратли уруғ-қавм улуғлари инъомлар билан сарафроз бўлиб,

¹ 916 йил йигирманчи рамазон – 1510 йил 21 декабрь.

² Суюрғолот – ҳукумат томонидан мукофот тарзида бериладиган қишлоқ, туман, вилоят ё улар тушуми.



рози ва шокир ҳолда кўнгиллари фахрга тўлган кўйи ўз ватанларига қайтдилар.

Халқ оммаси жабру зулм ҳамда алғов-далғовли кунлардан қутулиб, тинч-омонлик соясида осойишталик билан яшай бошладилар. Маъсум имомларнинг *(аларнинг барчасига салом бўлсин)* ҳидоят аломатли мазҳаби Хуросоннинг барча шаҳарларида ёйилиб, ойдин шариат устунлари тикланди. Ҳиротнинг доруғалик ва ҳокимлик мансаби Ҳусайн Бек Лалага берилди. Қозилик ва халқнинг шикоятларини ҳал этиш иши Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуфга топширилди.

Шавволнинг бахт келажакли ҳилоли¹ рамазон ойининг ташна-лаблари назарига манзур бўлгач, олий мартабали шоҳ Ийдгоҳга ташриф буюриб, ул саид куннинг одоб-русумини бажармоққа киришди ва муҳтарам зотларга сийловлару садақалар улашиб, айшу қувонч палосини тўшашга буйруқ берди.

Ўша қишда олий жоҳу мартабали шоҳ Исмоил қишни фирдавс нишонли Ҳирот шаҳрида ўтказишга қарор қилди ҳамда амримаъруф ва наҳйи-мункар борасида шу даража қаттиқ турдики, шароб ичишга майл билдирган мулозиматдаги аъёнлардан баъзисини оёғидан остириб, сиёсат қиличига ҳавола қилди.

Хуросон фатҳи овозаси жаҳон мамлакатларининг қатор шаҳарларига етиб боргач, волийлар ва ҳокимлар табриклаш учун каъба эҳтиромли бўсаға эгаси мулозимати эҳромини боғлаб, салтанат пойтахти Ҳиротга ошиқдилар ва халифалик тахти поясини ўпиш шарафига муяссар бўлдилар ҳамда шоҳнинг турли-туман лутфу марҳаматидан сарафрозлик топдилар. Шулар жумласидан «Хон Мирзо» лақаби билан танилган Султон Увайс Мирзо бин Султон Маҳмуд Мирзо бин Султон Абусаид Бадахшон Мирзо ўлкасидан шоҳликнинг малоик ошиёнли даргоҳига келиб, Жаҳоноро боғида қўл ўпиш иззатига эришди ва хос базму зиёфатда улфат, шарафли мажлисда ҳамсуҳбат бўлиб, шоҳнинг кўп иноятларидан ифтихор боши Фарқад юдузи тепасидан ўтди. Бир неча кундан сўнг эса қайтишга рухсат тилади. Мулк-

¹ 916 йил биринчи шаввол — 1511 йил 1 январь.

лар бағишловчи шоҳ Исмоил Ҳисори Шодмон, Хатлон, Бадахшон мамлакатлари салтанатини унга топширди ва зардўзий тож, мурасса камар, ялтироқ тўнлар, елдек учар отлар, юқори даражали нақд олтинлар инъоми билан қадри поясини оширди.

Ўша вақтда Ироқи Ажам, Озарбайжон катталари ва улғузодалари ҳам султонлар паноҳи бўлмиш шоҳ Исмоил даргоҳига келиб, Хуросон фатҳи муносабати билан ўз табриklarини изҳор этдилар. Валий мартабали, ҳидоят интибоҳли ҳазрат саййид Неъматуллоҳ Вали авлодларидан бўлмиш жаноб сиёдатпаноҳ, нақобатинтисоб Амир Низомиддин Абдулбоқий ва ҳозирги кунларимизда¹ шоҳликнинг садрлик мансабида ўтирган бани Ҳошим авлодининг бошлиғи олийжоҳ, маолий дастгоҳ Амир Жамолиддин Муҳаммад ал-Ҳусайний ҳамда жаноби шариатмаоб, фазилатиёб қози Абдурахмон Соважий шулар жумласидан эдилар. Ул таъзими зарур гуруҳнинг бариси хилма-хил шоҳона лутф ва турли-туман подшоҳона марҳаматлар билан сийланиб, дуо ва сано лавозимини адо этдилар. Сўнг айримлари шоҳнинг қутлуғ мавкаби хизматида қолишиб, баъзиси ватанларига қайтиб кетдилар.

ОЛАМНИ ЁҒДУЛАНТИРУВЧИ ШОҲНИНГ НАВРЎЗ КУНИ ТЎЙ БЕРГАНИ ВА НУСРАТ ОЯТЛИ БАЙРОҚНИНГ МАЙМАНА ВА ФОРЁБ ТОМОН ЮРГАНИ ЗИКРИ

Мўътадиллик аломатли насим райҳонлар ва гул-чечаклар очилишидан тупроқ олами саҳнини фалак ўтлоқзори рашкига айлантирган ҳамда сайёр ва турғун жисмлар подшоҳи² ўз шараф уйида³ сарафрозлик тахтига ўтириб, ишрат ва мақсади ҳосиллик байроғини кўтарган, Найсоннинг денгиз қалбли булути раббоний фазл баракатидан обдор дур ва шоҳвор гавҳарни чаман анжумани этаги ва гулшаннинг ёқаси аро тўккан, навбахор булу-

¹ 1523 йил кўзда тутилмоқда.

² Қуёш.

³ *Шараф уйи* – астрологик ибора, 12 астрологик уйнинг бири; «шараф уйи»да бўлиш сайёранинг осмон меридианидан ўтиш пайти.

тининг машшотаси ҳазрати эгамнинг инъоми файзи шарофати-дин хушоб жавҳарлар тизмасини гулзор ўйинчилари ва райҳону гул-чечаклар келинининг қулоғу бўйнига осган, гул султони ҳашамат ва жамиллик тахтида зангори пардани гулнорий чехра юзидан сидириб ташлаган ва сабрсиз булбул нағма куйлашни бошлаб, минг тил билан юрт олувчи ҳазрат давлатининг мангулигига оғиз очган баҳор фасли бошларида шоҳ Исмоил Наврӯз байрамини ўтказишга ва оламни ёғдулантирувчи базмни безашга олий фармон берди.

Шоҳлик девонининг мажлис безовчилари Ҳиротнинг Хиёбон кўчасида жойлашган Моҳиён ҳовузининг жонга жон қўшувчи саҳнида байрам асбобларини ҳозирлашга киришиб, фалакка етувчи боргоҳ қуббасини феруза рангли гумбаз авжигача кўтардилар. Ҳар хил ўтовлар кўплигию оқу қора атлас чодирлар мўллигидан ул кўнгиш очар мақомни ўзгарувчан фалак наққошхонаси рашикани келтирувчи жойга айлантirdилар. Оламpanoҳ даргоҳ дастурхончилари ҳалигача хаёл ва тасаввур қозонида пишмаган турли хил лаззатли таомлар тайёрлаб тортдилар.

Султонлик Наврӯзининг¹ тонгида шоҳ отга миниб, Жаҳоноро Боғидан тўйхонага ташриф буюрди ва мазкур манзилда қутлуғ топшириқ бўйича тузатилган тахтга чиқиб ўтириб, олий бўсаға вакиллари, вилоят ва қўл остидаги юртлар ҳокимлари, амиру нўёнлар, ичкилар, вазирлар, садрлару узоқ-яқиннинг барча улуғларидан ҳар бири ўз ўрнини топиб туришаркан, одатга кўра пешкашлар ўтказишни бошладилар.

Дастлаб Амир Наҳми Соний тахт поясини ўпиб, пешонасини шоҳ палосига сургач тилни дуога чоғлади. Сўнг қизилу оқ олтин қуймалари, лаълу феруза, марварид тизмалари, тилло ва кумуш буюмлар, чиний идишлар, Миср, Шом ва Фаранг, Чиннинг нафис газламаси ҳамда эгар-жабдуғи қимматбаҳо тошлар билан безатилган отлар, олтин суви югуртирилган қинли қиличлардан шунча миқдорда тортиқ қилдики, ул ашёларни кўтариш учун минг киши керак эди. Денгиз қалбли шоҳ ул беқиёс нақдина

¹ Шахсан ҳукмдор қатнашган Наврӯз байрами тантаналари.



ва буюмларни ўша манзилдаёқ улуғ қўрчилар ҳамда саройнинг бошқа ходимларига улашиб берди.

Шунингдек, ўша куни қудратли давлат устунлари ва шоҳ аъёнлари ҳам муносиб совға ва ноёб тортиқларни шоҳга пешкаш қилиб, мансаблари ва даражасига яраша ихлос ва эҳтиёж йўсинини адо этдилар. Сўнг шоҳнинг ато қўли шу ерда йиғилган барча саййид, қози, олиму ҳоким, нўёну амирлар ва Сидра мисол бўсағанинг бошқа ходимларини зардўзи дўппи-тожлар ва қирмизий сақарлот¹ чакманлар, тулки ва олмахон терили олтойи жуббалар², ипак, катоний³ ва дороий⁴ қаболар⁵ билан сийлади. Шундан сўнг таом тортиш ва гулфом шароб сузишни буюриб, айшу қувонч мажлисини бошлаб берди.

Ўша кун охирида, яъни офтоб қадаҳи жаҳон аҳли кўзидан яширингандан сўнг шоҳ зиёфатидагиларнинг бариси илоҳнинг иноятлар шаробидан бошлари айланиб қолган чоғда, шоҳ дам олиш учун Боғи Жаҳонорога кетди. Бу базмдан бир неча кун ўтиб, шоҳнинг кўнглига тагин Мовароуннаҳрни эгаллаш фикри келди ва зафар аломатли мавкаб Ҳиротдан тўғри Маймана ва Форёб сари юзланди.

Ўзбек султонлари шоҳ Исмоил қўшини келаётганидан хабар топишгач, отаси Шайбонийхон ҳалок бўлгандан сўнг Самарқандда ҳукумат байроғини кўтарган Муҳаммад Темур Султон, Бухорода ҳукумат юргизаётган Убайдуллоҳ Султон, Кармина қасабаси ва унга тобе ерларни бошқараётган Жонибек Султон биргаллашиб, бу иш тадориғи борасида маслаҳат қурдилар.

Агар шоҳ мавкаби Амуя дарёсидан ўтгудек бўлса, Мовароуннаҳр ва Туркистонда битта ҳам ўзбек қола олмаслигини билиб, барчаси бир овоздан шоҳга бўйсунуш ва у билан яхшиликча сулҳ тузиш учун элчилар орқали пешкашлар ва эҳтиёж қоришиқли сўзлар айттиришга қарор қилдилар.

¹ Қирмизий сақарлот — қизил рангли мовут. Ўша пайтда Ҳиротда қизил рангли мовут кийиш расм бўлган.

² Жубба — тўн. Бу ерда: юпқа пўстин.

³ Катон — Миср пахтаси, катоний — Миср пахтаси толасидан тўқилган газлама.

⁴ Дороий — йўл-йўл қилиб тўқилган ипак газлама, парча мато.

⁵ Қабо — узун энгли юпқа чопон, елвагай, елак.




Шу тариқа ўзбекларнинг сулҳ тузиш ишини амалга ошириш мақсадида юборган элчилари улуғ амирлар воситасида шоҳ палосини ўпишга эришиб, ўз султонлари номидан ожизлик изҳорини баён этдилар. Шунинг орқасида шоҳ Исмоил марҳаматининг ёғдуси Мовароуннаҳр аҳолиси турмуши узра таралиб, аҳду паймон устунларини маҳкам қилиш учун Хожа Камолиддин Маҳмуд девон шоҳ буйруғига биноан ўзбек султонлари элчиларига қўшилиб, дарёнинг у томониغا кетди.


Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржийнинг шариф қадамини эъзозлаб, олам шоҳи дарёдан буёғини бизларга қолдирса, сира ҳам хизматкорлик ва бўйсунлиқ йўлидан ташқари қадам босмагаймиз, шоҳга итоатда яшаймиз, дея келишув биносини қасаму онтлар билан мустаҳкам қилдилар.

Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий уларни муртазавий васфли шоҳнинг турли-туман лутфларидан умидвор қилиб, муваффақият билан шоҳ лашкаргоҳи турган Маймана ва Форёбга қайтди ва бажарган иши тафсилотини шоҳнинг арзига етказди.

Тож улашувчи бож олувчи шоҳ Исмоил ҳазратлари Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон илтимосига кўра Мовароуннаҳр мамлакатларини улар қўлида қолдириб, Балх, Андхуд, Шибирғон, Чечакту, Маймана, Форёб, Мурғоб, Фарғистон вилоятлари бошқарувини Байрам Бек Қарамонийга иноят қилди. Сўнг қайтишга майл билдириб, Қум мамлакати сари юзланди.



ЖАҲОН ПОДШОСИ ШОҲ ИСМОИЛНИНГ ОВГА ЧИҚҚАНИ ВА ҚИШЛОВ МАНЗИЛИ ВОҚЕАЛАРИДАН БИР БЎЛАГИНИНГ ЗИКРИ



Зафар байроқли шоҳ Исмоил Қум шаҳрида фалак ва юлдузларни яратганнинг неъматларига фарқ бўлиб турган қиш фаслида ва олий ҳимматининг вочини Хуросон мамлакатлари шикоридан тинчиган маҳалда оху ва тоғ эчкисию парранда овини кўнглига тутди...



...Ана шу ов асносида жаноб султоний сайф ул-аномий жаноб Музаффар Битикчи Мозандарон вилоятларидан қайтиб, Амир Абдулкарим ва Оқо Муҳаммадни улар зиммасидаги маблағдан ундирилган ўн минг тумон пул билан бирга осмонга тенг даргоҳга олиб келди ва бу ишни адо этиш борасида ул икки амир ўртасида бўлиб ўтган баҳс-тортишувни шоҳ арзига етказди.

Мухлисларни сийловчи шоҳ жаноб султонийни турли-туман лутфу эъзозлар билан сарафроз қилиб, Мозандарон ҳокимларининг эса бир неча вақт қутлуғ ўрдуда туришлари ҳақида олий фармон берди. Шунга кўра ҳокимлар бу қишни осмон маконли даргоҳ мулозиматида охирига етказдилар.

Бу қишлов юртида содир бўлган воқеалардан яна бири шуким, ўтган воқеалар рўй бериб турган пайтда элчилик расми билан Заҳир ус-салтана вал-хилофа Муҳаммад Бобур подшоҳ олдига¹ кетган Муҳаммаджон эшикоғоси қайтиб келиб, шоҳ арзига «ҳазрат Бобур Мирзо жаноблари Мовароуннаҳрнинг барча шаҳарларини Аҳмадбек Сўфи ўғли ва Шоҳрухбек Афшорнинг улуғ амирлари ёрдамида қўлга киритганига қарамай, димоғи саройи сари ғурур ва такаббурлик тутунига йўл бериб, қаршилиқ кўйига тушган» қабалидаги гапларни етказди.

Шунга кўра «Нажмбек захиралар денгизидан бир гуруҳи, яъни қиёмат аломатли қўшиндан бир бўлаги билан Мовароуннаҳр сари йўлга тушиб, Журжоннинг Колпушида қишлов қилиб ўтирган Дев Султонни ўзига қўшиб олсин ва Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, Муҳаммад Бобур подшоҳни қаршилиқ саҳросидан чиқариб, келишув ва дўстликнинг тўғри йўлига солсин» деган қутлуғ фармон чиқарилди².

¹ Яъни Самарқандга.

² Бу ерда Бобурнинг 1511 йил Бухоро ва Самарқандни эгаллаган пайтига ишора бўлиб, Муҳаммаджон эшикоғоси ўз шахсий ғарази мақсадида шоҳ Исмоилга Бобур устидан чақимчилик қилган. Бироқ, шоҳнинг Самарқандга Бобур ҳузурига махсус кишиларни юборишидан эшикоғосининг ўз сўзларини қандайдир бир далиллар билан исботлаб бера олгани ҳам англашинади. Эшикоғоси ва Бобур орасидаги ёмонлашган муносабат ҳақида қуйироқда маълумот берилган.

Шу воқеалар бўлиб турган орада Рум подшоши Йилдирим Боязиднинг¹ вафот этгани борасидаги гап-сўзлар тарқалди ва унинг Султон Мурод номли набираси отаси ўрнига ўтирган амалкиси Султон Салимдан қочиб, Оламбаноҳ шоҳ, Исмоил даргоҳига бошпана излаб келди. Шунга кўра шоҳ, Дев Султоннинг қутлуғ ўрдуга келиб қўшилиши, Нажмиддиннинг эа, ҳали номларини тилга олажагимиз бир нечта амирлар билан бирга, Мовароуннаҳр томонга йўналиши, борасида фармон берди.

Шунингдек, ўша вақтда осмон қувватли шоҳ яна бир бор Мовандарон ҳокимларини ўз иноятларига қатъий этиб, қайтиб кетишлари учун рухсат бераркан, эришгандаги йигирма минг тумон миқдорига қолган мабланни ҳам даргоҳга юборишларини шарт қилиб қўйди ва улар мазкур амалкисини ундириш бўйича мутасадди бўлмиш жаноб султоннинг сўзи ва сўзидий Музаффар Битикчи билан бирга дуогўйлик ва қавоқлик қилганча ўз ўлкаларига бориб, ул девон жанобларининг қўлти розилигини топиш ва қолган пулни саранжомлаб берган ушунга йўнал тушдилар.

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ПОДШОҲ
ВА ЎЗБЕК СУЛТОНЛАРИ ЎРТАСИДА
БЕРГАН ВОҚЕАЛАР ВА УРУШЛАР ЭЪТИ
ҲАМДА АМИР НАЖМИДДИН СОНИЙНИНГ
ОЛАМНИ ЯРАТГАН ЭГАМНИНГ ҚАЗОВУ
ТАҚДИРИ БЎЙИЧА МОВАРОУННАХР
ТОМОН ЮРИШ ҚИЛГАНИ БАЁНИ**

Салтанат пойтахти Ҳирот шоҳликнинг зафар амалкисини йиқитроқлари тикилган жойга айланган кунларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ сўз билгич элчиларини мўлақот ва тухфалар билан икбир Оламбаноҳ шоҳ, Исмоил даргоҳига юборди, ихлос ва давлатхоналик ширинлигини қилди.

Ул олий зотли подшоҳнинг эътиқод олтини мамлакатнинг шоҳнинг қуёш нурини маҳаки² орқали тўла соф дарах

¹ Бу ерда Туркия султони Салманнинг ўғли Султон Боязид кўзда тутилган.

² Маҳак — тиллонинг сарфранж қилинган тош.



да аён бўлганига биноан Бобур подшоҳнинг элчисини чексиз инъом ва эҳсонга кўмиб, шундай қутлуғ фармон чиқарди: «Ул ҳазрат Мовароуннаҳр мамлакатидан қанчасини ўз тасарруфи доирасига киритса, шунчасига эгалик қилаверсин».

Ниҳоят Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ 917 йили¹ Зобулистон лашкари билан меросий вилоятлар сари йўналди ва Бадахшон ҳудудига етгач, Султон Вайс Мирзони² ўзига қўшиб, дастлаб юриш байроғини Ҳисори Шодмон тарафига қараб кўтарди. Ул мамлакатларнинг ҳокимлари Ҳамза Султон ва Маҳди Султон мулк вориси келаётганидан хабар топишгач, ўз қўшинларини йиғиб ва жангга ҳозирлаб, уруш майдони сари отландилар. Вахш мавзеи атрофида Бобур Мирзонинг қуёш ёғдули туғи душман турган жойга етиб, икки орада жуда шиддатли тўқнашув рўй берди ва илоҳий иноят кўмаги ва шоҳлик давлати мадади билан Заҳир ус-салтана Бобур Мирзо зафар топиб, ўзбек қўшини енгилди.

Ҳамза Султон ва Маҳди Султон жангда ўлдирилиб, Ҳисори Шодмон, Хатлон, Қундуз, Бағлон вилоятлари Амир Темур Гурагон хонадони самараси Бобур Мирзонинг эгаллаш доирасига кирди ва у ўзининг мақтовли услуби тақозосича адолат ва халқпарварлик байроқларини баланд кўтариб, бу ойдин фатҳ воқеасини ҳашамат қоидали шоҳ даргоҳига арзадошт қиларкан, ниёз қалами билан «агар донгдор амирларингиздан бири олий мақомли ғозийларнинг бир гуруҳи билан бирга келиб, бу мухлисингизга қўшилса, тез фурсат ичида Мовароуннаҳрнинг бошқа мамлакатлари ҳам фатҳ қилиниши ва бу вилоятларда хутбаю танганинг шаҳаншоҳ номи ва отабобоси исми билан зийнат топиб, ўзбек султонларининг эса жаҳонбонлик пойдевори кўпориб ташланишига умидимиз бор» дея ёзиб юборди.

Бобур Мирзонинг элчилари Сидра мартабали бўсағага етишгач ва Жамшид ҳашаматли амирлар воситасида ул аризанинг

¹ 917 йил (муҳаррам ойи) – 1511 йил 31 март – 29 апрель.

² Хон Мирзо лақабли Бадахшон волииси темурий Султон Вайс Мирзо бин Султон Маҳмуд Мирзо бин Султон Абусаид Мирзо кўзда тутилмоқда.



мазмунини шоҳга маълум қилишгач «Аҳмадбек Сўфи ўғли ва Шохрухбек Афшор уруш тўқайи арслонларидан бир тўдаси билан Ҳисори Шодмонга бориб, Муҳаммад Бобур Мирзога ёрдам берсинлар ва ул олам султонлари сараси мавкабида ўзбек қавмларига қарши уруш ва жанг қилсинлар» деган қутлуғ ҳукм чиқарилиш шарафини топди.

Шу фармонга биноан ул пок кўнгилли икки амир Ҳисори Шодмон томон ошиқиб, Муҳаммад Бобур подшоҳ улар ёрдамига суянган ҳолда Самарқанд сари йўналди. Ул диёр ҳокими Муҳаммад Темур Султон ва Бухоро волийси Убайдуллоҳ Султон бу ҳолдан хабар топгач, давлат марказини бўш қолдириб, Туркистон томонларга кетдилар. Бобурнинг нусрат аломатли байроғи ойчаси эса салтанат пойтахти Самарқанд уфқидан кўриниш бериб, ул мамлакат ён-атрофи адолат ва инсоф нурлари билан зиёлик сифатини топди. Хутба ва танга маъсум имомларнинг *(уларнинг барчаларига Аллоҳнинг салоти ва салоти бўлсин)* шарафли ва фахрли зикри ва саййидлик паноҳли, Искандар қоидали шоҳ Исмоилнинг исми ва ота-бобоси олқиши билан безанди.

Шу тариқа Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо яна бир бор ота-боболари ўлкаси пойтахтида сарварлик ўриндигига қадам қўйиб, қутлуғ нишонга биноан Ҳисори Шодмон, Хатлон, Бадахшонни Хон Мирзога берди. Бухоро шаҳрига ва унинг қўлга киритилган бошқа музофотларига адолатпарвар, диёнатли ҳокимлар қўйди. Аҳмадбек Сўфи ўғли ва Шохрухбекнинг юракларини қимматбаҳо тортиқ ва муносиб совғалар, осмон қудратли отлар ва олтин танга тўла халтачалар ва гавҳар шодалари инъоми билан шод-хуррам қилди ва қайтишларига ижозат бериб, халифалик аломатли даргоҳнинг мақсади ҳосил наввоби – шоҳ Исмоил учун турли-туман шоҳона пешкаш ва ҳар хил подшоҳона туҳфалар юборди.

Бироқ олампаноҳ даргоҳдан элчилик расми билан Бобур Мирзо олдига келган Муҳаммаджон эшикоғосини тақдирлаш борасида бироз унутиш ва ғафлат йўли тутила қолибди. Шу сабабли Муҳаммаджон эшикоғоси шоҳнинг Қум шаҳридаги



қишлови пайти аъло тахт пойига етишиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо қаршилик ва бўйсунмаслик ўйига тушган, дея арз қилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, шу билан Нажмбек Соний Зайнулобидин Бек, Бодинжон Бек, хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий каби бир гуруҳ амирлар ва давлат устунлари билан бирга Мовароуннаҳрга юзланди.

Аммо ул ҳудудга етиб бормасдан бурун «ўзбек султонлари яна бир марта Мовароуннаҳр устига қўшин тортишибди ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳни енгишибди» деган хабар тарқалди. Бу сўзнинг шарҳи шуки, Муҳаммад Темур Султон ва Убайдулло Султон Аҳмадбек ва Шоҳрухбекнинг кетгани хабарини эшитгач, яна Мовароуннаҳр шаҳарларини эгаллаш фикрига тушдилар ва Жонибек Султон ҳамда бошқа қариндошлари билан иттифоқ бўлиб, инъом ва эҳсон эшикларини ўзбек улуси сардорлари юзи сари очдилар ва шу тариқа шижоатли қўшин, жасорат аломатли лашкар йиғиб, 918 йил бошларида¹ йўналиш байроғини Бухоро томон қўтардилар ва ўзбек қўшинининг манглай қисми шошилинич қаноти билан масофаларни босиб ўтган кўйи келиб, кутилмаганда ул шаҳар ён-атрофини босқин-чопқин қилди.

Бу хабар Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ қулоғига етгач, журъати кўплигидан мулозиматида турган ёнидаги озгина қўшин билан бирга Самарқанд шаҳридан чиқиб, душманни йўқотиш учун юзланди. Муҳаммад Мазидхон ҳамда ақл ва тадбир эгаларидан бир қанчаси «бу янглиғ оз аскар ва етар-етмас жанг яроғию кам қурол-аслаҳа билан душман устига бостириб бориш давлат манфаатига яраша иш эмас, эҳтиёткорлик йўли тақозосига кўра, бу юриш катта қўшин йиғилгандан сўнг ва урушга талабгор довюрраклар тўплангандан кейин амалга ошиши лозим» дея нечоғлиқ арз қилмасинлар, подшоҳ, бу сўзларни розилик қулоғи билан эшитмади.

Бухоро атрофига яқин етган чоғи «ўзбек султонлари бир неча кўч орқароққа чекиниб ўтиришибди» деган хабар келиб, подшоҳ

¹ 918 йил бошлари — 1512 йил 19 март — 17 апрель.

бу гапни эшитгандан сўнг яна ҳам ботирроқ бўлди ва оти жило-
вини душманнинг кетидан қувиш сари бурди. Икки-уч бекат йўл
босиб ўтилгач, тўсатдан Муҳаммад Темур Султон, Убайдуллоҳ
Султон, Жонибек Султон чексиз қўшин билан уруш сафини
ясаб, кўнгилларини қўрқув ва гумондан тозалаб, ул саҳрода ўз
қорасини кўрсатиб қолдилар¹.

Заҳир ус-салтана Муҳаммад Бобур душманнинг бу жасорат
ва ботирлигини мушоҳада қилгач, қўшинни тайёрлашга тушди
ва адоват қиличини қасос қинидан суғуриб, ўзбек тоифасидан
бир гуруҳини ўлдириб, бир қанчасини ярадор қилди. Чигатой
қўшинининг бир нечта довораклари биринчи ҳамладаёқ
ўзбекнинг Ўрусбий, Хожа Аҳмад Қўнғирот, Кўчакбий каби
нўёнларини асир олдилар ва ҳазрат Бобур подшоҳнинг нур-
ли назарига етказдилар. Шу заҳоти ул уч ўзбек сардори шер
овловчи шахриёрнинг пайкони захмидан охират олами сари
кетишди. Аммо ўзбек султонлари ёнидаги бошқа амирлар ва
сардорлар қасос олишга қаттиқ ҳаракат қилиб, оёқни мардона-
лик майдонига қўйиб, қўлларини уруш асбобларини ишлатиш
учун чўздилар ва жанг чангини тез айланувчи осмон авжига-
ча ўрлатиб, сувдек ялтирар пайкон учи ва ўточар қилич тиғи
билан бобурий мавкабдаги жуда кўп мулозимлар номини бақо
лавҳидан ўчирдилар.

Ул ҳазрат имкон борича чидам майдонида оёқ тираркан, бироқ
ёнидаги қўшини тарқаб кетгач, қасос истакли ўзбеклар эса анча
чаққонлашиб, устун кела бошлаганидан сўнг юзни Бухоро то-
монга қаратди ва ул шаҳарда ҳам туришни маъқул топмай, у
ердан Самарқандга кетди. Самарқандда оила ва бола-чақасини
ўзига қўшиб, Ҳисори Шодмон сари отланди.

Муҳаммад Темур Султон, Жонибек Султон ва Убайдуллоҳ
Султонга яна бир марта Самарқанду Бухоро мамлакати ва у ер-
ларга қарашли туман, музофоту ён-атроф ерлари бошқаруви

¹ Рузбеҳон Исфаҳоний, Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот, Муҳаммад Ёр ибн Араб
Қатаган каби тарихчилар маълумотига қараганда, аксинча, Бобур Мирзо қў-
шинининг сони гоҳ қирқ минг, гоҳ етмиш минг кишидан ташкил топиб, ўзбеклар
қўшини эса гоҳ уч минг, гоҳида бор-йўғи уч юз кишидан иборат бўлгани айтилади.





насиб қилиб, ҳар бири ўзининг илгариги қароргоҳида қарор топишди ва халққа меҳрибонлик кўргузиб, ул ўлканинг ҳеч бир аҳолисига озор етказмадилар.

Сўнг мазкур йилнинг жумодилаввал ойида¹ тагин биргалашиб, йўналиш байроғини Ҳисори Шодмон томон ҳилпиратдилар. Муҳаммад Бобур подшоҳ душман келаётганидан хабар топгач, Хон Мирзо билан бирга Ҳисори Шодмон қалъаси аркини мустаҳкамлади ва унинг буйруғига кўра, шаҳар қалъаси атрофида айлана қилиб, чуқур қазидилар, қалъа ташқарисидаги маҳалларга эса кўчабанд, яъни ғов ва тўсиқлар ўрнатдилар. Ёрдам учун Балх ҳокими Байрамбек Қарамоний олдига одамлар жўнатдилар. Байрамбек Қарамоний ҳам Амир Султон Муҳаммад Шерозийни ботир мужоҳидлардан уч юз нафар ғозийга бош қилиб, уларга ёрдам тариқасида юборди.

Ўзбек султонлари Чағониёнгача келиб, аммо шу ерда Ҳисори Шодмон қалъаси мустаҳкам қилиб беркитилгани ва шижоат аломатли ғозийларнинг у ерга етиб келгани каби кучли муодофаа тайёргарлигидан хабар топишгач, уруш оловини ёқишни маъқул кўрмай, орқага қайтиш жilовини юртлари сари бурдилар.

Хуросон ҳокимлари ахбори ва Муҳаммад Темур Султон, Убайдуллоҳ Султон каби ўзбек султонларининг Мовароуннаҳр диёрини қайтадан ишғол қилгани Нажмбекнинг қулоғига етгач, ўзбек ҳукмдорларини йўқ қилишни ният қилиб, ёнидаги ўн икки минг нафар ғозийлар билан Хуросон ҳудудига келиб кирди.

Ҳусайнбек Лала Ҳиротдан келиб, шунингдек, ён-теварак вилоятларнинг ҳоким ва доруғалари ҳам Нажмбекка қўшилдилар ва сочқию пешкаш ўтқариб, итоат занжирини бўйнига осганча Мовароуннаҳр томонга равона бўлишаркан, Хуросоннинг ён-атроф туман ва шаҳарларидан саййидлар, қозилар ва таниқли шариф кишилар ҳам Амир Нажмбек ҳузурига келиб, дуоғўйлик ва кўнгил сўрашлик шартларини бажо келтирдилар.

¹ 918 йил жумодилаввал ойи – 1512 йил 15 июль – 13 август.



Ул жаноб ҳам келган бу барча жамоатни турли-туман инъом ва иззат-икром билан сийлаб, қандай ишлари бўлса, истакларини етарлича бажо келтирди. Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуфни эса ёнида олиб қолиб, бошқа шариф ва улуғларга қайтиб кетишлари учун рухсат берди.

Сўнг Жом йўлидан Мурғоб дарёси бўйига бориб, у ердан Балх сари ошиқди. Байрамбек Қарамоний Нажмбек мавкабини кутиб олиш учун чиқиб, зиёфат ва меҳмондорчилик шартларини керагича адо этди. Амир Нажмбек йигирма кунга яқин Балх атрофида қўш ташлаб ўтириб, қўшин сардорларидан бир гуруҳини кема ва қайиқларни Термиз кечувига йиғиб келтириш учун Амуя дарёси бўйига жўнатди. Амир Фиёсиддин Муҳаммадга: Ҳисори Шодмонга бориб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳни шоҳликнинг битмас-тутанмас лутфу иноятидан умидвор қил ва «ул ҳудуд қўшинлари билан келиб, Нажмбекка қўшилар экансиз» деган сўзларни айт, дея топшириқ берди.

Шундан сўнг Термиз кечувига шошилиб, мазкур йилнинг ражаб ойида¹ дарёдан кечиб ўтди. Нажмбек ҳали Термиз шаҳри атрофида турганида Амир Фиёсиддин Муҳаммад Ҳисор томондан қайтиб келиб, бобурий мавкабнинг яқинлашиб қолгани хабарини етказганди. Амир Нажмбек бир нечта амирлар ва озгина хос мулозимлари билан бирга ул ҳазратни бир неча фарсах ерда кутиб олиш учун олдинга юрди ва Банди Оҳанин деб ҳам аталувчи Чакчак довонида томонларнинг мулоқоти рўй бериб, ҳар икки тарафдан ҳам сочқи сочиш ва пешкаш ўтқариш шартлари амалга ошди. У томонда эса ўзбек султонлари Нажмбекнинг дарёдан ўтганидан хабар топишгач, апил-тапил куз ҳосили, яъни даладаги ғалла ва дуккакли дон-дун кабиларни йиғиштириб, қалъаларга ташиб киритдилар. Мовароуннаҳр шаҳарларидан ҳар бири қалъа ва қўрғонини бекитишни бирорта султон ёки амир зиммасига юклаб, мудофаа мақсадида беркиниб олдилар.

¹ 918 йил ражаб ойи – 1512 йил 12 сентябрь – 11 октябрь.

АМИР НАЖМИ СОНИЙНИНГ УЛУҒВОРЛИК ВА КОМРОНЛИК ҲОЛИДАН БИР БЎЛАГИ ЗИКРИ ВА УНИНГ ЖАНОБИ ЖАЛОЛИ СУБҲОНИЙ ТАҚДИРИГА БИНОАН ШАҲИД БЎЛГАНИ БАЁНИ

Сўз яшаш пойдевори қурувчиси ва қиссагўйлик қондасининг тартибга солувчиси бу ҳикоятни шу сабабли рақам қиладиким, Амир Нажми Соний лақабли Ёр Аҳмад Исфаҳоний ақл-фаросати кўплиги ва ишбилармонлик, билимдонлик сифати туфайли жаҳонбонлик ишларини бажаришга тайинланиб, мамлакат олувчи шоҳнинг девон ишлари ва ҳисоб-китоб юмушларини амалга оширишда тенгсизлик байроғини кўтарар эди.

Юқорида ёзганимиз каби динпаноҳ шоҳ ҳазратлари Амир Нажм Заргар вафотидан сўнг ўз ишларининг бошқаруви ваколатини ул жанобнинг қудрат қўлига топшириб, мутлақ соҳиби ихтиёр қилди ва у уч-тўрт йил шу зайл девон ишларини мустақил ҳолда адолат билан бажариб, шоҳнинг ишончини қозонди ва катта куч-қудратга эга бўлди...

Буларни айтишдан мақсад шуки, Нажми Соний¹ ўзининг ана шу шавкат ва ҳашаматидан мағрурланиб, шоҳдан рухсат олиб ҳам ўтирмасдан Мовароуннаҳр фатҳи кафолати ва ўзбек қўшини билан урушиш вазифасини бўйнига олиб, бу хатарли иш ва улуғ хутбани осон ва енгил санади. Амуя дарёсидан ўтгач ва ҳазрат Заҳир ус-салтана Бобур Мирзо билан учрашгач, йўналиш байроғини Хузор томон кўтарди. Ул мавзенинг ҳокими бўлмиш Оқ Фўлод Султон улуғ фозийлар билан урушишга кучи етмаслигини билиб, шаҳарнинг арбоб ва катталари билан сулҳга келишиб олди ва аҳду паймон талабидан сўнг Хузор қалъаси дарвозаларини очди.

Амир Нажми Соний аҳду паймонга қарамай, Оқ Фўлод Султонни ҳибсга олди. Ҳалқуту юзбегини ул макондаги ўзбеклари

¹ *Нажми Соний (Иккинчи Нажм)* – бу лақаб унга Нажм Заргар исмли вазир вафот этиб, мазкур Нажмбек Исфаҳонийнинг унинг ўрнига ўтиргани сабабли берилган.

билан бирга ўлдирди. Аммо халққа тегмади. У ердан ўтиб, Қарши томон йўналди. Ул шаҳар ҳокими Шайхим Мирзо мудофаа уруши ва қаршилиқ мақомида собитқалам турди. Нажмбек шаҳар атрофини амирларига тақсимлаб бериб, ҳар ким ўз мурчалига тушиб, зафарли қўшин аскарлари ўқ ва тўфанг отишга киришдилар ва манжаниқ тоши билан Қарши қўрғонининг буржу борасига рахна солиб, икки-уч кун ичида қаҳру ғазаб шиддати билан ул шаҳарни истило қилдилар.

Шайхим Мирзо тобелари билан бирга тақдир панжасига асир тушди. Душмандан ўзини ҳимоя қилган шаҳар халқи ҳақида эса «қатли ом» бўйича олий ҳукм чиқиб, аҳоли ёппасига қирғин қилинди.

Амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн Амир Юсуф ва аёнлардан бир гуруҳи уруш чоғи ул шаҳарда бўлган айрим бегуноҳлар¹ қонини Амир Нажмдан тилаб олмоқчи бўлдилар. Аммо у қабул қулоғи билан тингламади.

Амир Нажми Соний ўзбек қўшини ва аҳолидан ўн беш мингга яқин кишини аёвсиз равишда қиличдан ўтказиб, Бухоро атрофига қараб кетди. Чунки Жонибек Султон, Убайдуллоҳ Султон ўзбек қўшинининг катта қисми билан бирга шу шаҳарда турган ва тўқнаш, уруш-саваш нақшини ва қаршилиқ, жангу жадал сувратини кўнгли лавҳию қалби саҳифасига чизиб ўтирган эдилар.

Амир Нажм Бухоронинг икки фарсахлик ерига етгач, Муҳаммад Темур Султон ва Абу Саид Султон бин Кўчкунчихоннинг Самарқанд қўшинидан бир гуруҳи билан бирга қарши ҳужумга ўтиш учун йўлга тушганини эшитди ва ўзи етиб келинган мазкур манзилда турган кўйи Байрамбек Қарамонийга паҳлавонларидан бир тўдаси ҳамроҳлигида мазкур ўзбек султонларини маҳв этишни буюрди.

Ул икки ўзбек султони Байрамбек ва розийлар келаётганидан хабар топишгач, Фиждувон қалъасига кириб, у ерни мустаҳкам қилиб беркитдилар. Байрамбек бу воқеани Нажмбекка хабар

¹ Бегуноҳлар – Восифий ёзишига бу «бегуноҳлар» ҳазрати Али авлодлари бўлишган.

килди. Нажмбек барча аскарлари билан Гиждувон қалъаси атрофи сари ошиқди.

Муҳаммад Темур Султон ва Абу Саид Султон қалъа атрофини мустаҳкамлаб, ҳар куни қонтўқар ўзбеклардан бир тўпини қалъадан ташқарида уруш солиш учун юборишарди. Бу томондан ҳам ғозийлар уларга рўпара бориб, гоҳи енгар, баъзида енгилар эдилар.

Бир неча кун аҳвол шу тарзда кечиб турди. Бора-бора сипоҳилар орасида озик-овқат камайиб, отлар учун ем-хашак йўқола бошлади. Ўзбек султонлари атворидан яхши хабардор бўлган Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий бу қалъани уруш билан эгаллаш мумкин эмаслигини билиб, Нажмбек арзига ушбуларни етказди: «Бу қишда Гиждувон қалъасини қамал қилишдан фойда чиқмайди, чунки бу қалъа мўл-кўл озуқа захираси ва кўп қурол-аслаҳа, уруш асбоби ва жанг яроқлари билан лим тўлган. Шунингдек, унда иккита жасур ўзбек султони жуда шижоатли амир ва жангчилар билан туришибди. Агар яна бир неча кун бу манзил нусрат асарли лашкар қароргоҳи бўлишда давом этса, ғозийлар дон-дун йўқлиги жиҳатидан етишмовчилик азобини чекишажак. Давлат манфаатига мос иш шуким, бу ердан жўнаш ноғорасини чалиб, Қарши ва Ғузур атрофига бориб, қишлоқ қўшини ташлайлик. У ерда эса шоҳликка қарашли Балх вилоятларидан ўрду бозор аҳли ва саркорлари савдогарлар галла ва керак буюмларни зафар иқтибосли ўрдуга келтирадилар. Қиш охирлагач ва ўзбекларнинг ғамлаганлари юзни камайиш сари қаратиб, от-улоқларимиз учун эса дала-дашда ўтўлан кўрингач, қалъа ва шаҳарлар фатҳи учун йўналсак».

Амир Нажмбек бу таклиф жавобида қуйидагича сўзларни айтди: «Агар биз Гиждувон қалъаси атрофидан қўзғалиб, Амуя дарёси бўйига кетсак, ўзбеклар бизнинг бу ҳаракатимизни қўрққанимизга йўядилар ва бу каби иш уларнинг яна ҳам дадил тортишию жасорати кўпайишига олиб келади».

Ҳали бу баҳсу мунозаралар тугамай туриб, Заҳир ус-салтана вал-хилофа Муҳаммад Бобур подшоҳ мазкур гаплар устига келиб, у ҳам тезда кўчиб кетиш сўзларини орага солган кўйи



қамални тўхтатиб, Хузор ва Қарши томонга кетиш борасидаги таклиф устида қаттиқ турди. Амир Нажм ул ҳазратнинг сўзини юзаки равишда қабул қилиб «ундай бўлса бугун эмас, ўша томонларга эртага кўча қолайлик» деди.

Эртасига, яъни 918 йил муборак рамазон ойининг учинчисида¹ сешанба куни эрта тонг билан Мовароуннаҳр султонлари қўшинининг илғор қисми Ғиждувон қалъаси атрофидаги дарахтлар орасидан кўриниш берди ва амиру вазирнинг ўй-тадбир ишлари чиппакка чиқди.

Бу воқеанинг тафсили шуки, Бухоро шаҳрида Жонибек Султон ва Убайдуллоҳ Султон қулоғига «Амир Нажмнинг иши Ғиждувон атрофида ҳеч илгари силжимаяпти, ҳар кун лашкар аҳли озиқ-овқат ва ем-хашак топиш илинжида тарқалиб кетишаяпти» деган сўзлар етишгач, уруш азмига жазм қилиб, барчаси совут кийган ва ханжарсанчар пиёда ва отликдан иборат кўп йиғин билан илғор йўсинида Ғиждувон томон юзландилар. Ул диёр ҳудудига етишгач, Муҳаммад Темур Султон ва Абу Саид Султон қалъадаги ўзбеклар билан бирга уларга қўшилиб, бир-бирига жиловдош ҳолда юзни уруш-саваш майдонига қаратдилар.

Амир Нажм Соний бу ҳолни мушоҳада қилгач, уруш ва курашишдан бошқа чорани кўрмади ва лашкарнинг майсараю маймана қисмини улуғ амирлар вужуди билан мустаҳкамлади. Ўзи қўшиннинг қалб қисмида тураркан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг эса хос қўшини билан тахт ва шай туриб, қайси тарафда ёрдамга эҳтиёж сезилса, ўша томонга боришини тайинлади.

Сафлар тўғрилангач, ўзбек сипоҳининг баронғоридан икки юзга яқин жасур суворий майдонга от солиб, Нажмбек лашкарининг жавонғорига ҳамла қилдилар. Ўша томонда турган Байрамбек ул жамоат ҳужумини қайтариш учун юзлангани ҳамон дайди бир ўқ зарбидан ер тубан қулади. Бу воқеа ўзбеклар жасоратининг ортишига сабаб бўлиб, бирданига Озарбайжон ва Ироқи Ажам қўшини устига қараб югурдилар.

Нажмбек билан адоватлашиб юрган амирлар қурол-аслаҳани ишга солиш ўрнига қочиш водийсига қадам қўйдилар. Натижада

¹ 918 йил учинчи рамазон – 1512 йил 12 ноябрь.

Нажмбек қўшини енгиліб, Заҳир ус-салтана Муҳаммад Бобур Мирзо ўзининг хос қўшини билан тўппа-тўғри Ҳисори Шодмон томонга қараб кетди. Амир Гиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф ва Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий ҳам ул подшоҳ ҳазратлари мавкаби кетидан йўлга тушишди. Ҳусайнбек Лала ва Аҳмадбек Сўфи ўғли Карки кечуви сари юзландилар.

Ўзбек султонлари байроғи ойчаси фатҳу зафар уфқидан балқиб чиқиб, бу голиб Мовароуннаҳр қўшини ўлдир-ўлдир ва горатни бошлаб юборди. Убайдуллоҳ Султон қўшинидан бир тўдаси жанг майдонида Амир Нажми Сонийнинг кейинидан етиб, ул жанобни тақдир панжасининг асирига айлантирдилар ва ўз подшоҳи олдига олиб бориб, буйруққа биноан ҳаёти пойдеворини қўпориб ташладилар.

Зайнулобидин Бек ҳам қўшгина ғозийлар ва бир гуруҳ хуросонликлар билан бирга ўша куни шаҳидлик шарбатини татидилар. Хожа Муҳиддин Яҳё бин Хожа Шамсиддин Марворид ва Хожа Миржон бин Хожа Қавомиддин Муҳаммад бин устод Адл меъмор сингари шу ердаги тоғ ва ғорларга қочган яна бир бўлак ҳам самарқандликлар қўлига тушиб, ҳалокат жомини сипқордилар.

Мазкур йил рамазон ойининг ўн еттинчисида¹ бу хабар салтанат уйи Ҳиротга етиб, шоҳнинг жаҳон бўйсунувчи ҳукмига кўра вазир ва Хуросондаги мулкӣ ва молиявий ишлар бўйича ихтиёр эгаси бўлиб ўтирган Амир Имоиддин Маҳмуд Исфаҳоний Ҳирот қалъасининг девор ва миноралари, дарвозаю истеҳкомларини бутлашга киришди.

Бу хабар келганидан уч-тўрт кун кейин Ҳусайнбек Лала ва Аҳмадбек Сўфи ўғли соғ-саломат ташриф буюришди. Олам бўйсунувчи фармонга биноан Ҳирот ҳукумати Аҳмадбек қўлига ўтгани учун у келиб, Ихтиёриддин қалъасига қўш ташлади ва халқу қўшинни бошқариш ишига киришиб, халққа адолат ва инсофу диёнат палосини ёйишга ваъда берди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг кейинидан Ҳисори Шодмонга кетган Амир Гиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф ва Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий кабилар ул ҳазратдан

¹ 918 йил ўн еттинчи рамазон – 1512 йил 26 ноябрь.





иноят ва риоят тошиб. Балх томон юзландилар. Рамазон ойининг ўн бешинчисида¹ Балхга бориб, Ходжа Маҳмуд Соғаржий ўша ерда қолди. Амир Муҳаммад Хўрог сари ошиқиб, Амир Имо-диддин Маҳмуд ва бошқа амру ҳокимлар билан бирга ул жаннат мақомли шаҳар деворидан мустаскамлаш ишида етук саъй-ҳаракатлар кўргузди. Бу хабарларнинг бариси осмон ошиёнли даргоҳ эгаси бўлмиш шоҳ ҳазратларига ўша Исфаҳон қишловида ўтирган пайти етди. Шоҳ яна бир марта Хуросонга юриш қилиш ва ўзбеклар зулмини йўқотишни амр қилган хизматли кўнглига тугди.



МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОНДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР ХАБАРИНИНГ ШОҲ ИСМОИЛ ТАХТИ ПОЙИГА ЕТГАНИ БАЁНИ



Шоҳ Исмоил ҳазратлари Исфаҳон шаҳрида турган қиш фаслида, яъни 918 йил охирларида² ўша фаронд кўриб, катта тантана ва меъраба билан тўй берди ва мактуб оқибатли чақалоққа «Таҳмосб» деб исм қўйди. Аммо ўша айёмда бу қувонч онларига кўз тегиб, Амир Нажми Соний ва Байроқ Бек Қарамоний, Зайнулобиддин Бегнинг шаҳид бўлгани ҳамда ўзбек султонларининг Амуя дарёсидан бу соҳилга ўтгани хабари тарқалди. Шунга кўра шоҳ яна Хуросонга юришни мақсад қилиб, зафар қоматли байроқ Исфаҳондан Сова томон кўзгалди.



МОҲАММАД ТЕМУР СУЛТОН ВА УБАЙДУЛЛОҲ СУЛТОННИНГ ХУРОСОН ЎЛКАСИДАГИ БАЪЗИ БИР ШАҲАРЛАРНИ ҲОСИЙ ОЛГАНИ ЗИКРИ



Амир Нажм Соний Бекдувон яқинида субҳоний ҳазову тақдир жомидан шайхоналик шарбатини татигач, Мовароуннаҳр ҳукмдорлари кўнглидан Хуросонни эгалламоқ ҳаваси пайдо бўл-

¹ 918 йил ўн бешинчи рамазон – 1513 йил 24 ноябрь.

² 918 йил охирлари – 1513 йил ноябр ойи боши.



ди. Дастлаб Жонибек Султон Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, салтанат пойтахти Ҳирот сари юзланди. Ул шаҳарнинг умарою ашрофи бу ҳодисадан хабар топишгач, олдингидан ҳам кўпроқ даражада қалъанинг минораю деворларини мустаҳкамлашга тиришиб, Аҳмад Бек Сўфи ўғли Ихтиёриддин қалъасини беркитди, Ҳусайн Бек Лала шаҳарнинг шимол ва шарқи ўртасидаги Султон Аҳмад буржида қудрат туғини ҳилпиратди. Амир Имодиддин Маҳмуд Ферузобод дарвозасини эгаллади. Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф Малик дарвозаси орқасида жойлашди. Хуш дарвозасини қуриқлаш Амир Султон Маҳмуд бин Саййид Фиёсиддин Муҳаммад боғбон зиммасига юкланди. Ироқ дарвозасини сақлаш Хуросон аёнларидан яна бировига топширилди.

Жонибек Султон зулқаъда ойининг бошларида¹ Ҳирот ташқарисига етиб келиб, дастлаб Кўҳистон сайҳонлигига қўш ташлади ва бир-икки навбат унинг қўшинидан бир тўдаси муҳориба қадами билан Боғи Сафид тарафдан қалъа хандақига яқин келдилар. Бироқ ҳиротликларнинг дил нишонли пайконидан яраланиб, майиб-мажруҳ ҳолда руҳлари тушиб қайтдилар. Яна уч-тўрт марта Ферузобод дарвозаси томондан жанг солдилар ва Амир Имодиддин Маҳмуднинг мулозимларидан енгилиб, қаттиқ зарба едилар. Мазкур жангларнинг бирида Лала Бекнинг ишончли кишиси бўлмиш Бобо Ишқий Таброий ўзбеклар қўлига асир тушиб, шаҳидлик шарбатини татиди.

Ўша воқеалар асносида Убайдуллоҳ Султон ҳам шаҳар атрофига етишиб, Озодон қишлоғи чеккасида жойлашди ва бир неча марта Бухоро қўшинлари Малик ва Ироқ дарвозалари хандақигача ҳужум қилиб, ўқ ва тош отдилар. Бора-бора бор кучлари билан қамални кучайтириб, уруш-саваш қиладиган бўлдилар.

Ўтган йил Ҳиротга яқин туманларда ғалла ҳосили унчалик яхши бўлмагани учун ушбу қиш айёмида буғдой ва дуккакли дон-дун нархи ошиб кетди. Шунга қарамай, улуғ амирлар ғозийлар озиқаси учун шаҳар маҳаллаларига ғалла ўлпони солдилар.

¹ 918 йил зулқаъда боши – 1513 йил 8 январь.

Шу жиҳатдан каттаю кичикка кўп танқислик етиб, халқ аянчли кунларни бошидан кечира бошлади.

Алқисса, қамал даври олтиш кунга чўзилиб, шундан сўнг илоҳий иноят нурлари қамалдагилар турмуши юзи сари таралди. Аниқроғи, Жонибек Султон ва Убайдуллоҳ Султон ўртасида келишмовчилик рўй бериб, Наврўзнинг биринчи кунига тўғри келиб қолган 919 йил муҳаррам ойининг учинчиси¹ тонгида бу сардорларнинг иккаласи ҳам Ҳирот ташқарисидан ўз диёри томонга юзланишди. Ўша феруз куни Аллоҳ таоло файзи насими билан ҳиротликларнинг мурод чаманида умид гули очилиб, қалъа сақлашлик заҳматидан қутулдилар ва минораю деворни қўриқлаш меҳнатидан озод бўлиб, боғу бўстонлар ва ўз уйию далалари сари ошиқдилар. Жонибек Султон Хуросон диёрида тўхтамай, Амуя дарёсидан ўтиб, ўз қароргоҳи Карминага кетди.

Айни ўша айёмда Муҳаммад Темур Султон Амуянинг бу томонига келиб, Мурғоб дарёси атрофида Убайдуллоҳ Султонга қўшилди ва бу икки сардор бир-бири билан иттифоқдош бўлиб, отлари жиловини Тус ва муқаддас Машҳад тарафга бурдилар ва Марвдан то Исфарион атрофларигача бўлган ерларни тасарруф доирасига киритиб, Хуросонда салтанат юргизишни ният қилдилар. Бу хабар салтанат пойтахти Ҳиротга етгач, шоҳнинг улўф амирлари Ҳирот шаҳрида қолишни маъқул кўрмай, мазкур ойда Табас ва Сейистон дашти йўлидан Ироқи Ажам ва Озарбайжон томонга юзландилар. Хожа Абулвафо ва ўзбекларга тарафдор яна айримлар ул шаҳарни беркитиб, бу хушxabарни етказиш учун муқаддас Машҳадга чопарлар юборишди.

Муҳаммад Темур Султон Ҳирот шаҳри сари юзланиб, улўф кишилар ва аъёнлар ноиложликдан кутиб олишга чиқиб, қалъаю шаҳар калитини ўзлари билан элтган кўйи итоат ва бўйсунуш изҳорини арзга етказдилар. Муҳаммад Темур Султон Боғи Жаҳонорога тушиб, хутбани ўзи номига ўқиттирди. Ўтган тўстўполонли айёмда ҳиротликлар алғов-далғов ичида қолиб, озор тортганларини билгани учун халқ билан яхши муомалада бўлди.

¹ 919 йил учинчи муҳаррам – 1513 йил 12 март.



...Муҳаммад Темур Султон икки-уч ой салтанат пойтахти Ҳиротда тургач, Убайдуллоҳ Султон эса бир неча ойни муқаддас Машҳадда ўтказгач, айрим ўзбек ҳокимлари ҳам шу атроф вилоятларда шунча вақт ҳукумат қилишгач, тўсатдан шоҳ қўшинининг манглай қисми етиб келгани хабари Хуросон ҳудуди бўйлаб тарқалганини эшитиб қолишди ва шу тариқа бу ўзбеклардан ким қаерда бўлса, дарҳол Мовароуннаҳр тарафга қараб қоча бошлашди.

**МУЗАФФАР ТУҒЛИ ШОҲ ИСМОИЛ
ҚЎШИННИНГ МАНГЛАЙ ҚИСМИ
МАШҲАД ШАҲРИ АТРОФИГА ЕТГЕНИ
ВА ЎЗБЕК СУЛТОНЛАРИНИНГ ҒАЛАБА
ДАЛОЛАТЛИ ШОҲ ЯҚИНЛАШГАНИНИ
ЭШИТИБ, ҚОЧИБ КЕТИШГАНИ ЗИКРИ**



Шоҳ дастлаб Исфаҳондан чиқиб, Совага келди ва ўша ерда Хуросон юришига ҳозирлик кўриб, ўтган йил ғалла тақчиллиги сабабли бу ерда ҳам қаҳатчилик бўлганига қарамай, уч ойлик йўл озуқаси тайёрлатди. Шу сабабли Совада ўн кун ушланиб, у ердан Райга қараб юрди. Райдан Кабуд Гунбаз йўли орқали Ферузқоҳ сари йўлга тушди ва қўшин тўплаш учун ўша ерда ўн кун турди. Қўшинлар йиғилгач, ул манзилдан Султон Майдонга қараб кетди ва Зайнал Бекни бир нечта амир ва бир бўлак қўшин билан манглай қилиб, Бастомга жўнатди.

Ўзи ҳам улар кетидан қўзғалиб, йўл асносида Домғон атрофида, солиқ ундиришга кетган сайфуланомий Хожа Музаффар Битикчи Мозандарондан келиб, шоҳ хизматига етди. Бастом сайҳонлигида қўшин тайёргарлиги шоҳ кўригидан ўтказилди. Шундан сўнг шоҳ Бастом текислигидан Колпуш яйлови сари юрди ва Шероз ҳокими Халил Султонни бир гуруҳ темир тоқатли дойорақлар билан манглай йўсинида муқаддас Машҳадга жўнатди. Халил Султон кетганидан сўнг шоҳ Колпушдан қўзғалиб, ҳар ерда қўниб-қўниб йўналганича Хабушонга шошилди. Йўл ас-



носида Мовароуннаҳр султонларининг қочиб кетгани хабари тарқалди. Ҳазрат шоҳ Исмоил худога чексиз шукрлар айтиб, Хабушондан Родгон сайҳонлиги томон юрди ва бир неча кун ўша ўтлоқзорда тўхтаб, дам олди.

Ўша аснода ўзбек қўшинидан қўрқиб, Марв вилоятини ташлаб қочиб келган ўша ўлка ҳокими Дудабек шоҳ хузурига етишди. Бу ярамас иши учун шоҳ унга аёлларнинг либосини кийгизиб, эшакка тескари ўтқазтириб, қутлуғ ўрду агрофида айлантирди. Аммо ўша куниёқ айбларидан кечиб, эски дастур бўйича амирлари қаторига қўшди. Шунингдек, шоҳ шу Родгон ўлангида баъзи бир амирларига лутф кўрсатиб, уларга «султон» ва «хон» лақабларини берди. Зайнал Бекка «хон» лақаби берилиб, унга салтанат пойтахти Ҳирот ва унга тобе ерлар бошқаруви топширилди.

Кейин шоҳ мавкаби Абулҳасан Али бин Мусо ар-Ризо *алай-ҳиссаломнинг* каъба мартабали равзаси бўсағаси эҳромини боғлаб, ўша жаннат ошиёнли маконга қараб юрди. Зиёратдан сўнг Машҳаддан чиқиб, Бодғис томонига кетди.

Шоҳ мавкаби кўркамликда тенгсиз Бобо Хокий ўтлоқзорида бир неча кун истироҳат қилишга майл билдиргач, Ҳиротнинг бундан хабар топган кўзга кўринган арбоб ва оддий фуқароси шоҳ жони дуоси учун шу ерга ошиқдилар. Амир Низомиддин Абдулбоқий девонлик ишларини ўнглаш учун Зайналхон билан бирга Ҳирот шаҳрига кетишди.

Энди, ҳали айтганимиз, манглай йўсини билан муқаддас Машҳад устига кетган Халил Султонга келсак, у шоҳлик давлати кучига кўраиб, масофаларни босиб ўтишда тезлик кўрсатган кўйи ва шамол каби муқаддас Машҳадга юзланди. Ул шаҳарда ўтирган Убайдуллоҳ Султон бу воқеадан хабар топгач, сабр қарор оёғи қалтираб, ўз иши чорасини фақат қочиб қолликда билди ва Халил Султонбек шаҳарнинг бир фарсахлик ерига етган чоғда Машҳаднинг бир нечта арбоб ва калонтарларини кўчириб, қайтиш жиловини Марви Шоҳижаҳон сари бурди. У ерда ҳам тўхтаб туриш иложини амримаҳол билиб, Шаҳр Шўтур саҳроси йўлидан Чаҳоржўй

кечувига қараб кетди ва Амуя дарёсидан ўтиб, Бухоро томон йўналди.

Шунга ўхшаб зафарли қўшин етиб келганини эшитгач, Ҳиротда ўтирган Темур Султоннинг ҳам юрагига гулгула ва кўрқув тушиб, Самарқанд сари йўлга чиқди. У ҳам Хуросон улуғларидан Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф, Амир Султон Маҳмуд бин Амир Фиёсиддин, Хожа Жалолиддин Қосим Фаранхўдий, мавлоно Қосим Хондамир ва Хожа Шоҳ Ҳусайн Хиёбонийни кўчириб, ўзи билан олиб кетди...¹

Темур Султон Самарқандга етиб боргач, Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуфнинг ҳаёт ниҳолини қуритмоқни ният қилди. Аммо ул олий мартабали нақиблик паноҳи султоннинг кўнглидагини пайқади ва садрлик мансабида ўтирган мавлоно Низом ёрдамида Самарқанддан қочиб, пойи-пиёда юрганча Ҳисори Шодмон томон ошиқди. Заҳир ус-салтана Муҳаммад Бобур подшоҳ яна бир бор хайр ул-башар² авлодининг ул сарасини лутфи назари билан манзур тутиб, сафар асбобини иноят қилди. Сўнг эса саййид ҳазратлари Зайналхоннинг бошқаруви пайти салтанат пойтахти Ҳиротга бориб, олдинги дастур билан давлатхоҳлик эшикларини шоҳлик даргоҳининг эгаси Исмоил Сафавий сари очди.

АБУЛҚОСИМ БАХШИ ҚЎЗФАТГАН БУЗҒУНЧИЛИК ВА ШУ САБАБЛИ КЎПЛАРНИНГ ҚОНИ ТЎКИЛГАНИ ЗИКРИ

Абулқосим Бахши мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо замонида «бахши» амирлари³ қаторида ўрин олган эди. Муҳаммадхон Шайбоний ҳам Хуросонни олган вақтида у би-

¹ Бу воқеалар 919 (1513) йилнинг баҳори ва ёзида рўй берган.

² *Хайр ул-башар* – башарият аълоси. Ислом пайғамбарига берилган сифат.

³ *Бахши амирлари* – олий девонга қарашли солиқ ундирувчилар девонидаги амирлар.



куни Хуш дарвозаси томондан уруш солиб келди ва хандақ чети ёнига яқинлашиб, пиёдаларидан бир гуруҳи журъат қадами билан хандақдан ўтдилар ва дарвозаларга ўт қўйдилар. Аммо мудофаачилар ҳимоя жанги ўтини қаттиқ аланга олдирганлари сабабли шаҳарга кира олмадилар.

Малик дарвозасини қўриқлаб турган Хожа Муҳаммадий ва Мирзо Қосим бу воқеадан хабар топиб, Хожа Муҳаммадий дастлаб қочмоқчи бўлди, бироқ Мирзо Қосимнинг ўғит ва маслаҳатига биноан мавлоно Амир Самарқандийни ўзига қўшиб, бир нечта мерган ўқчилар билан Хуш дарвозаси минорасига кетдилар ва ўлим юришли ўқлар билан Абулқосим Бахши ва унга қарашли кишиларни ночор ҳолга солиб, зиён-заҳмат етказганча, орқага чекинтирдилар.

Эртаси куни тонгда Амир Абдулқодир қўрқувга тушиб, Ферузобод дарвозасидан ташқарига қочиб чиқди ва Абулқосимга бориб қўшилди. Шу зайл Абулқосим Бахши яна саккиз кун Ҳирот ташқарисида ўтириб, мусулмонларни қамалда тутди. Сўнг музаффар байроқли шоҳ Исмоил қўшинининг манглай қисм амирлари яқинлашиб келгани хабари тарқалди ва олий фармонга биноан Фушанж вилоятининг ҳокими ва доруваси бўлиб турган ва бошқа қаровулларга қараганда Родгон сайхонлигидан олдинроқ ўзиб чиққан Пири Султон довюрак вазийлардан уч юз нафари билан салтанат пойтахти Ҳирот атрофига етиб келди ва ҳиротликларга танбеҳ бериб ва таъна сўзларини айтганча ҳеч тўхтамай ва тап тортмай, муҳолиф устига қараб юрди.

Шаҳар халқидан Хожа Атоуллоҳ, Хожа Камолиддин Муҳаммадий, Хожа мавлоно Амир Самарқандий, Мирзо Қосим ва бошқалар Малик дарвозасидан ташқари чиқиб, Пири Султоннинг кетидан юрдилар. Хожа Муҳаммадий ва Мирзо Қосим ул жамоадан ўзиб, Боғи Сарафроз кўчасида Пири Султон билан душманлар ўртасида уруш олови аланга олган вақтда жанг майдонига етиб кетдилар ва қўлни қилич ва ўқ сари узатиб, жасурлик кўрсатдилар.

Ўша аснода мавлоно Амир Самарқандий орқада қолган гуруҳ билан Абулқосим Бахшининг орқа томонидан Боғи Сарафроз-





Бубой Султон акаси Жонибек Султоннинг фармониға биноан Ҳиротни босиб олиш учун катта қўшин билан Термиз кечувидан ўтди. Балхликлар эса ўзбекларға итоат қилишға майл билдиришди. Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий иложсиз қолиб, ўзига қарашли кишилар билан шаҳарни ташлаб чиқди ва мақтов сифатли подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг чодирлари қад кўтарган Бадахшоннинг Кишм туманиға бориб, икки-уч ой ул ҳазратнинг хизматида бўлди.

919 йил жумодилохир ойида¹ Бубой Султонинг бошқа султонлар билан биргалиқда Балхни ташлаб, Мовароуннаҳрга кетганини эшитди. Шунга кўра Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий яна Балх томон шошилди. Аммо Балхнинг шариф кишилари ва аъёнлари «Хожа Камолиддин Маҳмуд бизни Бубой Султонга итоат билдирганимиз айби учун ушлаб, жазоламасин тағин» деган ўйда ул жанобни шаҳарға киритмадилар.

Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий мазкур ойнинг охирларида² Хуросонга юзланиб, Пилчироғ манзилиға етгандан кейин Жазравон вилоятидаги бир нечта кўчманчи қабилаларнинг сардори бўлмиш ҳамда қароқчилик ва йўлтўсарлик йўли билан кун кечириб, ўзини ўзбек султонлари тарафдорлари жумласидан санаб юрган Аҳмад исмли биттаси ул жанобға дуч келиб қолди ва ул мақтов сифатли яхши хулқ эгасини ушлаб, мазкур йилнинг ражаб ойи бошида³ шаҳид қилди.

Бу хабар олий зотли шоҳнинг қулоғиға етгач, қутлуғ кўнглини Тохаристон ишларини тартибға солмоқ сари йўналтириб, Бобо Хокий яйлоғида «Дев Султон ва Амир Султон Балх ва Андхуд томонга борсинлар-да, ул вилоятлар эгаллангач, Дев Султон ўша ерда ҳоким бўлиб, мазкур шаҳарлар атрофини душманлар зўравонлигидан ҳимоя қилсин. Амир Султон эса Зайналхонга ёрдам бериш учун Хуросонға қайтиб келсин ва Қоин вилояти унинг суюрғоли бўлсин» деган олий фармон чиқарди. Амирлар шу заҳоти музаффар қўшиндан бир

¹ 919 йил жумодилохир – 1513 йил 4 август – 1 сентябрь оралиғи.

² Мазкур ойнинг охирлари – 1513 йил 28 август.

³ 919 йил биринчи ражаб – 1513 йил 2 сентябрь.



бўлагини ёнларига олганча мақсаддаги манзил сари юзланиб, Шибирғонга етишгач, шаҳарнинг арбоб ва катталари уларни кутиб олиш учун шошилдилар ва итоат, бўйсунуш расмини адо этиб, шаҳар эшикларини амирларнинг умид юзи сари очдилар.

Балхдан ҳам саййиду қозилар, ашрофу аён шаҳар ва қалъа калитларини Дев Султон олдига келтириб, пешкашлар тортиқ қилишаркан, ихлос ва хизматкорлик изҳор этдилар. Аммо Андхуд халқи Қора Баққол номли бир гумроҳни ўзларининг пешвоси ясаб, душманлик ва исён йўлига ўтиб олдилар ва ўзбеклар томон қарата вафодорлик байроғини кўтардилар. Шунга кўра Дев Султон ва Амир Султон Шибирғондан Андхуд шаҳри ташқарисига юриб, улуғ ғозийлар қалъа олувчилик асбобларини тайёрлашга тушдилар. Қора Баққол ва унга тобе кишилар мудофаа ва қаршилиқ мақомида қаттиқ оёқ тираб, жангу жадал эшикларини очдилар.

Қамал ва уруш вақти беш-олти кун чўзилиб, мангуга уланган давлат шарофатидан қаттиқ курашлар натижасида шаҳар фатҳ этилди ва Дев Султон қатли омга фармон бериб, Андхуд аҳолисининг иши тадбир доирасидан чиқди. Ул шаҳарнинг каттаю кичиги, ёшу қариси қилич ва ўқ зарбидан оммавий тусда қатлга етди. Булар ичида фақат Қора Баққол ва амирлари йўқ эди. Чунки уларнинг барисини ушлаб, кишанга солган ҳолда олампапоҳ шоҳ даргоҳига жўнатгандилар.

Дев Султоннинг кўнгли Андхуд ишидан тинчигач, музаффар ва мансур ҳолда қуббатулислом Балхга ошиқди ва ул мамлакатда рўй берган вайронагарчиликни тузатишга киришиб, адолат нурларини Тохаристон халқи турмуши узра таратди. Амир Султон эса юқорида айтилган қарорга биноан оти жиловини Хуросон томонга тўғрилади ва шоҳликнинг юрт олувчи байроғи қайтиб кетгандан сўнг мақсаддаги манзилга¹ етиб бориб, ўша ерда турғун бўлиб қолди.

¹ Яъни Қоин туманига.





ШОҲРУХБЕК АФШОРНИНГ ГАРМСИР ВА ҚАНДАҲОР ВИЛОЯТЛАРИ ТОМОН ЮРГАНИ ЗИКРИ



Қуёш ҳашаматли шоҳ, Исмоил ўз кўнглини Шайбонийхон ишидан тинчитгач, Марвдан Ҳирот шаҳрига келиб, хурсандчилик қилиб ўтирган айёмда Амир Зуннун Арғуннинг тўнғич ўғли Шужобек бошқа шаҳар ва туман ҳокимлари каби ўз юрти Гармсир ва Қандаҳор вилоятидан шоҳликнинг олий даргоҳига келиб, қуллик ва итоату ихлос изҳор этаркан, бир неча кун қутлуғ бўсафа мулозматида турди. Аммо шоҳ Хуросондан қайтиб кетар чоғида унинг юрагида яширинган исён ва туғён аломатини пайқади. Шоҳ фармониغا кўра Шужобекни Ихтиёриддин қалъасида қамаб қўйишни Ҳусайнбек Лалага топширдилар. Ҳусайнбек Лала буйруққа амал қилди.

Шужобек бир неча вақтдан сўнг ўша ерда танишган қўриқчилардан бири билан дилни алдовчи ваъдалар воситасида тил бириктирди ва қочмоққа азму жазм қилиб, Қандаҳордан келиб, Ҳирот шаҳри атрофида яширинган ўз навкарларига «фалон тунда елдек учар отлар ва уруш асбобларини қалъанинг от бозор томонидаги эшиги олдига келтириб турунглар» дея хабар юборди. Шужобек ваъдаланган тунда қўриқчилар учун зиёфат уюштириб, уларга маст қилувчи дори аралаштирилган овқат едирди. Қўриқчилар дори таъсирида қаттиқ уйқуга кетишгач, ҳийла ва тадбир арқонига ёпишганча, қалъа йўлаги устидан пастдаги тупроқ уюмига тушиб олиб, чаққонлик оёғи билан чуқурдан ўтган кўйи ўзининг тиш-тирноғигача қуроланган ва шу ерда пойлаб турган навкарлари ёнига бориб қўшилди. Сўнг елдек югурувчи отга миниб, Қандаҳор сари қочиб кетди.

Эртаси куни бу воқеани Ҳусайнбек Лала эшитиб, қаттиқ дарғазаб бўлди ва шу қаҳр асносида «Хуросон қўшини ғозийларидан қай бирови Шужобекни қаерда учратса, ҳеч тап тортмай, ўша ердаёқ ўлдириб ташласин» дея буйруқ берди. Натижада ўша куни Ҳиротда катта алғов-далғов қўпиб, кўп беғуноҳ кишилар





қурбон бўлди, айримларнинг мол-мулки таланди. Ўша пайтда ҳали Хуросон мамлакатада турган шоҳ Қандаҳорни эгаллаш ва Шужобекни жазолашни кўнглига тутиб, Шоҳрухбек Афшорнинг жасур қўшиндан бир гуруҳи билан бирга ўша ёққа бориши ва ул вилоятлар фатҳ этилгандан сўнг, агар шу ораларда Балх ва Андхуд иши ҳал этилмаган бўлса, қайтиб келиб Дев Султонга қўшилиши борасида фармон берди.

Шоҳрухбек Қандаҳор сари йўлга тушиб, ул вилоят атрофига етгач, Шужобекнинг Хўй шаҳри тарафига кетиб, амакиси Султон Алининг Қандаҳорни беркитганини эшитди ва ўша шаҳар ташқариси томон юриб, бир неча вақт қамал ва уруш ишига банд бўлди. Аммо иши унчалик олдинга силжимади. Ўша аснода Шужобекнинг ўғруқи Шол ва Мастунда эканини эшитиб, ўша тарафга илғор содди ва ул туман халқини талаб, қайтиш чилдирмасини чалганича Андхудга қараб юриб, йўл асносида ул вилоят воқеасини эшитди ва оти жilовини ғалаба аломатли ўрду тарафга бурди. Қутлуғ мавкаб Хуросондан Исфаҳонга йўналган чоғда олий тахт пойига етиб, ўз юриши воқеасини шоҳ арзига етказди.

**ҚУТЛУҒ МАВКАБНИНГ НАХЖАВОН
ҚИШЛОВИГА КЕТГАНИ ВА ДЕВ
СУЛТОННИНГ ГУРЖИСТОНГА ҚЎШИН
ТОРТГАНИ ЗИКРИ ҲАМДА МОЗАНДАРОН
ВА РУСТАМДОР ВИЛОЯТИ ИШЛАРИ
ТАРТИБИ ВА ХУРОСОН ХАБАРЛАРИНИНГ
ОЛАМПАНОҲ ШОҲ ИСМОИЛНИНГ
АРЗИГА ЕТГАНИ БАЁНИ**

...**О**лий мартабали шоҳ Исмоил Нахжавон қишловидан Саҳанд сайҳонлиги ва Озарбайжоннинг бошқа яйлоқлари сари кетди ва жаннатга ўшар бир ўтлоқзорда чодир ва ўтов қуббасини қуёш ва ой қадар кўтариб, ўйин-кулги ва хурсандчилик палосини ёйди.



Ўша аснода Хуросон томондан элчи келиб, шоҳ Исмоил арзига Убайдуллоҳхоннинг кўп сонли қўшин билан Хуросонни эгаллаш учун Амуя дарёсидан кечиб ўтгани ва ул ўлкада бало тўфони кўтарилиб, буюк Худонинг тақдир қўли алғов-далғов эшикларини халқ ҳаёти юзи сари очганини етказди.

Шунга кўра «шоҳ аъло ҳазратларининг яқин кишиси бўлмиш Дурмушхон ўз ёнига Зайналхонни солиб, Хуросон ҳокимлари ёрдамига борсин» деган барча бажариши шарт фармон чиқди ва ул олий шаънли Дурмушхон мамлакатпаноҳ вазир Ҳабибуллоҳ Соважийни Қум шаҳрида қўйиб, йўналиш байроғини Хуросон томонга қараб кўтарди ва кўчма-кўч юрганича Султониянинг Харрақонига ошиқиб, отларга дам бериш учун бир неча кун ўша ерда истиқомат палосини ёйди.

927 йил шаъбон ойи бошларида¹ Ҳирот волийси Амир Султон Қўрчи² олдидан Шоҳқули исми киши осмон ҳашаматли даргоҳга келиб, шоҳ арзига кутилмаган хабарларни етказди. Биринчиси шуки, Убайдуллоҳхон чексиз сонли қўшин билан Ҳирот ташқарисига келиб, бир неча кун қамал ишига киришибди. Аммо бирор натижа чиқара олмаслигини билиб, қайтиш жилувини Мовароуннаҳр сари бурибди. Иккинчиси шуки, Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф Заҳир ус-салтана Муҳаммад Бобур подшоҳ давлатига нисбатан тарафдорликда айбланибди ва Ҳирот ҳокими Амир Султон Қўрчи буйруғига биноан ражаб ойининг олтинчисида³ сешанба куни Ихтиёриддин қалъаси зиндонига ташланибди. Эртасига эса бу саййид насабли амирнинг иши ўлим билан тугабди.

Адолат вужудли шоҳ Исмоил ҳазратлари Амир Фиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф ишини текшириш ва тафтиш қилиш борасида жиддий ҳаракатлар кўрсатди. Яъни, аниқланишича, Убайдуллоҳхон Ҳирот ташқарисида ўтирган ва қамал ишларига киришган вақтда шаҳар ҳокими Амир Султон Қўрчи томони-


¹ 927 йил шаъбон ойи бошлари — 1521 йил 7–10 июль.

² Амир Султон Қўрчи — кейинчалик «Амирхон» лақабини олган Ҳирот ҳокими ва шаҳзода Таҳмосбнинг Аткаси (Оталиғи).


³ 927 йил ражаб — 1521 йил 7 июль.

дан ҳеч бир жасорат юзага чиқмаган ва шунга кўра ўзбеклар Ҳирот атрофидаги булукот¹ ва туманларда кўп вайронагарчилик қилганлар.

Аслида Амир Гиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуф ўзига нисбат берилган айбдан худди Юсуфнинг бўрисидек² холи ва ҳеч бир гуноҳсиз бўлиб, Амир Султон Қўрчи эса шахсий адовати орқасида зулм қиличи билан ул яхши эътиқодли фозил саййидга шаҳидлик шарбатини ичирган экан. Текширув натижаларини эшитган шоҳнинг ғазаб ўти алангаланди ва «музаффар байроқли шаҳзода Абулфатҳ Таҳмосб Мирзо ва Амир Султон дарҳол Ҳиротдан чиқиб, аъло тахт поясига келишсин ва Хуросон бошқаруви эндиликда олий мақомли донгдор шаҳзода Сом Мирзога берилсин» деган фармон чиқарилди. Қуйроқда бу ҳикоят тафсили рақам қилинажак, иншооллоҳи таоло.



ХУРОСОН МАМЛАКАТЛАРИНИ БОШҚАРУВЧИ АМИР СУЛТОННИНГ АҲВОЛИДАН БИР БЎЛАГИ БАЁНИ ВА УНИНГ БОШҚАРУВ ВАҚТИДА РЎЙ БЕРГАН АЙРИМ ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ



...**Ш**оҳ томонидан ўз хизматлари эвазига «Амир Хон» унвони даражасига кўтарилиб, пойтахт Ҳиротда ўтирганча Хуросон юртларига ҳокимлик қилаётган Амир Султон босар-тусарини билмай қолиб, молия ишлари вазири ва шаҳзода Таҳмосб Мирзонинг ўқитувчиси Амир Гиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуфни ўзбошимчалик билан ишдан бўшатиб, унинг шаҳзодага ўқитувчилик мансаби ўрнига ҳам мавлоно Аҳмад Табасийни тайинлади. Унинг бу иши шоҳга ёқмай, ҳар кимни қайтадан ўз

¹ Булукот – катта маҳалла ёки кичик туманлар.

² Юсуфнинг бўриси – Юсуф алайҳиссаломни акалари қудуққа ташлаб, бўри еди, дейдилар ва битта бўрини боғлаб, отаси Яъқуб пайғамбар олдида келтирадилар. Аллоҳнинг қудрати билан бўри тилга кириб, бу гапнинг туҳмат эканини айтади. Бадиий адабиётда шу муносабат билан «Юсуфнинг бўриси» ибораси ишлатилади.



жой-жойига тайинлашни буюрди ва бу фармони етказиш учун мавлоно шайх Абусаид Исфаҳонийни Ҳиротга жўнатди.

Мавлоно шайх Абусаид Исфаҳоний 926 йил зулқаъда ойининг йигирма биринчисида¹ якшанба куни салтанат пойтахти Ҳиротга келди ва Амирхон ҳамда Амир Фиёсиддин бин Амир Юсуфнинг қоматини шоҳликнинг ёнида олиб келган қимматбаҳо тўни билан беаб, шоҳ фармони ҳам етказди.

Амирхонга бу фармон оғир ботса-да, шайх Абусаид Ҳиротда турган пайти Аҳмад Табасийдан шаҳзоданинг ўқитувчилиги вазифасини олиб, яна Амир Фиёсиддинга берди. Шайх Абусаид кетган заҳоти эса дарров девонлик ва ўқитувчилик ишларини яна Амир Фиёсиддин Муҳаммаддан тортиб олди.

Ана шу воқеалар рўй бериб тургани асносида ҳазрат Заҳир ус-салтана вад-дин Муҳаммад Бобур подшоҳ Қандаҳор ҳокими Шужобек Арғуннинг иқбол ниҳолини қўпориб ташлашни ният қилди ва Кобулдан Қандаҳорга қўшин тортиб, уруш эшикларини ланг очди. Ул ҳазратга қаршилиқ кўрсатишга кучи етмаган Шужобек Арғун шаҳарда беркиниб, қалъа деворларини мустаҳкамлади. Муҳаммад Бобур подшоҳ Қандаҳор ташқарисини иқтидор байроқлари марказига айлантириб, кучи етганча қалъадагиларни қамал азоби аро қолдиришга киришди ва қўпинча осмон хиромли отга миниб, қалъа хандақи яқинига борар ва жасур сипоҳни уруш оловини ёқишга ундарди. У томондан ҳам Қандаҳор ботирлари мудофаа ва муҳориба қадами билан олдинга келиб, қилич ва ўқларни ишга солардилар, яшинсимон пайкон ва ўлим юришли тошлар билан кобулликларнинг ҳаёт қасридан тешик очардилар. Аммо қўпинча бобурий мавкаб баҳодирлари фатҳу зафар топиб, муҳолифларни енгар ва орқага чекинтирган ҳолда то дарвозагача кетидан қувлаб борардилар.

Шу аҳвол асносида Бадахшон ҳокими Хон Мирзо ўз юртида ўткинчи оламни тарк этди ва Бадахшон лаъли каби кон тубига дафн этилиб, унинг мусибатида қон томчилари кўзлар фавворасидан отилиб чиқди. Бу хабар Муҳаммад Бобур подшоҳга ет-

¹ 926 йил йигирма биринчи зулқаъда — 1520 йил 2 ноябрь.



гач, амакиваччаси ўлимидан кўп ғам ва ғуссада қолди ва ниҳоят қўлини сабр-тоқат этагига уриб, ул мамлакат бошқарувини ўзининг тўнғич ўғли музаффар тўғли шаҳзода Муҳаммад Ҳумоюн Мирзога берди ва хотиржам равишда Қандаҳор ташқарисида ўтиришни давом эттириб, бутун Гармсир вилоятларини ўз тасарруфи остига киритди ва шавкату улўғворлигининг овозаси кайвон айвонидан ошди.

Амирхон Ҳирот шаҳрида ўтираркан, бу воқеа рўй берганидан қаттиқ кўрқув ва ҳадикка тушди. Чунки у Муҳаммад Бобур подшоҳ Қандаҳор фатҳидан бўшагач, албатта подшоҳлик байроғини кўтарганча Хуросон томон отланади, дея қайғуда қолганди.


Қамал пайти Шужобек бир неча бор Ҳиротга элчилар юборди ва Амирхон ва Амир Фиёсиддиндан «бир бало қилиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳни Қандаҳордан Кобулга қайтарсангизлар, мен эсам шаҳзода Таҳмосб ҳузурига боришлик ва бир умр қадамимни хизматкорлик йўлидан ташқари босмаслик қасамини ичиш имконига эга бўлсам» дея илтимослар қилди.

Шунга кўра, Амирхон ва Амир Фиёсиддин Муҳаммад кетмакет ва узлуксиз равишда Амир Темур авлодининг сараси Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ҳузурига элчилар юбордилар ва «Шужобек Арғун илгари пайтларда қанчалик гуноҳлар қилган ва қаҳру ғазабга сазовор бўлган эса-да, ҳозир дўстлик оёғини олға босиб, бундан сўнг шоҳликнинг султонлар паноҳи бўлмиш даргоҳи давлатхоҳлиги тариқати солиқлиги ва ҳар йили шоҳлик хазинасига божу хирож тўлаш мажбуриятини қабул қилган. Ярашиқдиси шуким, он ҳазрат¹ Қандаҳор қамалини тарк этиб, қайтиш жиловини Кобул томон бурсалар ва бундан ортиқ Қандаҳор халқию ул диёр аҳолисига озор бермасалар» деган хатлар йўлладилар.


Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ эса «Шужобекнинг ҳозирги итоат ва бўйсунлиқ изҳори худди кофирнинг но-

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ кўзда тутилмоқда.

иложликдан иймонга кириш масаласи мисолидир ва бунга сира ишонмаслик керак. Худои таоло хоҳласа, Қандаҳор фатҳи мурассар бўлгандан сўнг Шужобекни кишанга солиб, малоик ошиёнли даргоҳга юборажакмиз ва қайси кишига шоҳликнинг қутлуғ фармони чиқса, Гармсир ва Қандаҳор мамлакати калитини ўша кишига топширажакмиз» дея жавоб берди. Бу янглиф жавобни эшитса-да Амирхон таскин топмади ва ишонч ҳосил қилмади. Лекин шу орада, аниқроғи 927 йил баҳорида¹ Убайдуллоҳхоннинг салтанат пойтахти Ҳиротга юриши рўй бериб, Амирхон бир неча кун мазкур ишга оид гап-сўзларни тўхтатди.



УБАЙДУЛЛОҲХОННИНГ САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ ҲИРОТ УСТИГА ҚЎШИН ТОРТГАНИ ҲАМДА УЛ ШАҲАРНИНГ ТУРЛИ БАЛОЛАР ВА ХАВФ-ХАТАРДАН ОМОН ҚОЛГАНИ БАЁНИ



927 йил баҳорида² Убайдуллоҳ Султон Мовароуннаҳр ва Туркистон қўшинидан ўттиз минг пиёда ва отлиқ аскар билан Хуросон сари отланишга қарор қилди ва бу юриш борасида Муҳаммад Темур Султон вафот этгандан сўнг Самарқанддаги бош хонликка эришган Кўчкунчихондан рухсат олиб, Амуя дарёсидан ўтди.

Мазкур йил жумодилохир ойининг ўн олтинчисида³ пайшанба куни Сарахс волийси Суюндук Бекнинг чопари Ҳиротга етиб келди ва бу хабарни Амирхоннинг арзига етказди. Улуғ ва шарифзодаларнинг кўнгли паришон бўлди. Чунки шаҳарда ўтган йилнинг дон ҳосили қолмаган, янги буғдой эса ҳали пишмаган эди. Хуросон ҳокимлари ўз ерларида ўтирар ва шу тобда уларни уруш учун бир ерга йиғиш амримаҳол эди.

¹ 927 йил баҳори – 1521 йил март – апрели.

² 927 йил баҳори – 1521 йил март ойи.

³ 927 йил ўн олтинчи жумодилохир – 1521 йил 24 май.



Ҳар ҳолда ҳиротликлар қалъани беркитишга қарор қилиб, Амир Фиёсиддин Муҳаммад қалъанинг Малик дарвозасини то Ироқ дарвозасининг шимолий минорасигача ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди. Пири Султон Сўфиён халифа билан биргаликда Ироқ дарвозасини сақлашга кафил бўлдилар. Пир Аҳмадбек, Ҳидоятбек, Қосим муҳрдор Султон Аҳмад Мирзо минорасидан Ихтиёриддин қалъасигача эгаллашди. Исҳоқбек ва укаси Мақсудбек Ихтиёриддин қалъасини беркитдилар. Маржунак Султон Хуш дарвозасида жасурлик туғини ҳилпиратди. Нахудбек Ферузобод дарвозасини қўриқлайдиган бўлди. Амирхон ўтган дастур бўйича шаҳар боғида ўрнашди ва қайси тарафдан ёрдамга эҳтиёж бўлса, ўша ёққа юбориш учун беш юз нафар пиёда ва отлиқ аскарни ўз ёнида сақлади.

Мазкур ойнинг ўн учинчиси¹ шанба куни тонгида Амирхон буйруғи билан Чиҳилдухтарон қасабасида сокин туриб, ўша йўлни қўриқлаётган Шотир Абдуллоҳ шаҳарга етиб келди ва Убайдуллоҳ Султоннинг яқинлашгани хабарини келтирди. Амирхон жасурлик ва паҳлавонлик хислати туфайли ўзининг хос навқарлари билан бирга шаҳардан ташқари чиқиб, Боғи Зоғон дарвозалари вайроналарини макон қилди. Якшанба тонгида Убайдуллоҳ Султон қуролланган ва мукамал ҳолда Ду Бародарон дараси йўлидан Хиёбон бошига етиб келиб, Соқи Салмон тарафга йўналди ва ўзбеклар ерлик аҳоли хирмонини куйдирмоққа бошлаб, ҳиротликлар ичи ўчоғига алғов-далғов учқуни сачради.

Ғалла камлиги сабабли ун, гуруч ва озиқ-овқат моллари дўконлари тақа-тақ бекилди. Очлик олови ичларда аланга олиб, камбағал ва фақирларнинг доду фарёди кўк осмон дала-сидан ошди. Амирхон ҳайрат денгизига чўмиб, Амир Фиёсиддин Муҳаммаднинг маслаҳати билан «қалъага яқин туманларда озгина бўлса ҳам йиғилиб, хирмон қилинган, яна шунингдек, ҳали кўп қисми ўрим учун етилмаган ғалладан бўлса ҳам, ким қанчасини шаҳар ичига кирита олса, ҳаммаси ўшаники бўлади» деган фар-

¹ 927 йил ўн учинчи жумоилохир – 1521 йил 21 май.



мон берди. Шунга кўра ғозийлардан айримлари ва Хуросоннинг ўғри кўрган чаққон кишилари шаҳардан ташқари отилиб чиқар ва қандай қилиб бўлмасин, буғдой ва арпа бошоқларини юлиб, шаҳарга олиб кирар эдилар. Шу иш туфайли чорсу дўконларида нон ва ун кўрина бошлаб, аҳоли қаҳатчилик ва очлик балосидан қутулдилар.

Убайдуллоҳ Султон икки-уч кун Соқи Салмон атрофида сокин туриб, сафар азоби ва йўл чарчоғини чиқаргач, эрталаб тонг маҳали отига минди ва шаҳар томон йўналиб, ўзбек лашкарининг шижоатли кишиларидан катта бир гуруҳини уруш оловини ёқиш учун тайинлади. Ул ўзбеклардан бир тўдаси Пири Мужаррад Хожа Абулвалид Аҳмад мазори йўлидан Боғи Зоғон тарафига югурса, иккинчи бир тўда Хиёбон кўчаси бошидан кириб, султонлик мадрасаларига яқинлашди.

Бу томондан Амир Фиёсиддин Муҳаммаднинг бошқа мулозимларидан шижоатда устун бўлган Амир Хусайн Али бир гуруҳ уруш ясовчи отлиқ ва ўт очар тўфанг отувчи пиёдалар билан ташқари чиқиб, ҳар икки мадраса ўртасида жанг чангини баланд ўрлатди. Шотир Абдуллоҳ Боғи Зоғонни беркитиб, ўқ ва тўфанг билан душманни қийратиш ва мухолифнинг олдини тўсишга киришди.

Ўзбек қўшини сон жиҳатдан бу томоннинг лашкаридан кўп бўлгани сабабли Амир Фиёсиддин Муҳаммад қийин аҳволда қолди ва Амирхон олдига одам юбориб, ёрдам кучлари сўради. Аммо кутган мадад кучи ўрнига, қўпол-қўпол жавоблар олди. Бундай муомала яхши хислатли ул саййиднинг кўнгли оғринишига сабаб бўлиб, ўзича «қамал азобидан қутулсам, бошдан қадам ясаб, шоҳ Исмоилнинг олампаноҳ даргоҳига кетганим бўлсин» дея қарор қилди.

Алқисса, ўша куни Амир Фиёсиддин Муҳаммаднинг навкарлари билан ўзбек жангчилари ўртасида жуда қаттиқ жанглар бўлиб ўтди ва ҳар икки томондан бир неча киши яраланди. Ниҳоят муҳориба палоси йиғиштирилиб, Мовароуннаҳр лашкари ўз ўрдусига кетди, ҳиротликлар эса шаҳарга қайтиб кирдилар.



Шотир Абдуллоҳ ҳам ўша куни ғоятда жасурлик намунасини кўрсатиб, ўзбекларнинг Боғи Зоғоннинг Пири Мужаррад мазори тарафидаги дарвозасидан илгари юришига йўл қўймадилар. Шунингдек, ўзбеклар Ироқ дарвозаси тарафдан ҳам уруш солиб, олдинга қараб йўналдилар, аммо ҳеч бир иш қилолмай, орқага қайтиб кетдилар.

Убайдуллоҳ Султон ўн икки кун давомида ҳиротликларни қамалда қаттиқ сиқиб туриб, бошларига кўп ташвишлар солгандан сўнг ва арпа хирмонларини ёқиб, ям-яшил буғдойларни отларига едиргандан кейин, ҳар қалай шоҳнинг мангуга уланган давлати мадад бўлиб «дилларига қўрқинч солди»¹ калимасига кўра, юрагини қаттиқ бир ҳадик ва хавф қамраб олди ва ражаб ойининг иккинчиси² жума куни Ҳиротнинг бир фарсахлик еридан кўзғалиб, Пули Солор ва Париён атрофига бориб жойлашди.

Шанба куни ҳам ўша ерда туриб, мазкур ойнинг тўртинчиси³ якшанба куни тонгида Шорандак довони йўли билан қайтиш байроғини кўтарди ва ҳар ерда бир қўш ташлаб, Мовароуннаҳр сари кетди. Ҳиротликлар қамал ҳамлалари ва қалъа минорасию деворини мудофаа қилиш ишларидан қутулиб, экин-тикин ва ғалла далалари бошига шошилдилар ҳамда кўп севинч ва қувонч билан ғалла ўримию хирмон янчиш юмушларини бошладилар.



Ўша айёмда ҳеч кимнинг фикрига келмаган бир бахтсиз воқеа рўй берди. Мансур хоқон ва унинг ўғиллари Бадиуззамон Мирзо, Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳамда Шайбонийхон, шоҳ Исмоил Сафавий каби ҳукмдорлар томонидан эъзозланган олимлар ифтихори саййид Амир Гиёсиддин Муҳаммад бин Амир Юсуфнинг Ҳирот ҳокими Амирхон томонидан гуноҳсизларча ўлдирилиши бобидаги бу воқеа тафсилоти тез орада ҳикоя қилинажак, иншооллоҳ⁴.

¹ Қуръони карим, Аҳзоб [33] сураси, 26-оят.

² 927 йил иккинчи ражаб – 1521 йил 29 июнь.

³ 1521 йил 11 июнь.

⁴ Кейинги бир боб саййид Амир Гиёсиддин Муҳаммад фаолияти ва унинг Амирхон томонидан гуноҳсиз ўлдирилиши воқеасига бағишланган бўлиб, мавзуга алоқаси йўқлиги сабабли таржимага жалб этилмади.

 **ШУ КУНЛАРДА РҶЙ БЕРГАН БОШҚА
ВОҚЕАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЗИКРИ** 

Амир Гиёсиддин бин Амир Юсуфнинг (*Аллоҳи таоло жойини жаннатга қилсин*) шаҳидлигидан сўнг Амирхон Шоҳқули қўрчини олампаҳоқ шоҳ даргоҳига жўнатди ва у орқали «Амир Муҳаммад бин Амир Юсуф Сидра мартабали бўсаға эгасининг ҳуқуқ дафтарини унутилиш тоқчасига қўйиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзони Ҳиротга чақириш кўйига тушди ва шу азим айби сабабли мусодара ва жазога дучор қилиниб, сиёсат қиличи билан умри муддати қирқилди» деган сўзларни айттирди.

Амирхон Шоҳқулини шоҳ олдига жўнатгандан кейин халқни «ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг шоҳ Исмоилга қарши чиққани, Амир Гиёсиддин Муҳаммаднинг эса Бобур подшоҳ билан бу борада тил бириктиргани»га ишонтириш мақсадида Қандаҳорга юриш овозасини тарқатиб, 927 йил муборак рамазон ойининг саккизинчисида¹ якшанба куни Ҳиротдан ташқари чиқиб, Кўҳистон сайхонлигида жойлашди.

Мазкур ойнинг ўн олтинчисида² душанба куни эса Шоҳқули аъло тахт поясидан қайтиб келиб, Амирхоннинг қулоғига «Амир Гиёсиддин Муҳаммаднинг ўлими ҳақидаги хабар шоҳнинг ғазаб олови аланга олишига сабаб бўлди ва тез орада унинг аломати пайдо бўлиш доирасига кириши эҳтимолдан холи эмас» деди. Натижада Амирхоннинг изтироби олдингидан яна ҳам баттароқ бўлди...

Шоҳ Исмоил ўғли шаҳзода Таҳмосбни ҳузурига чақириб, ўрнига шаҳзода Сом Мирзони Хуросондаги барча ерларга соҳиб ихтиёр қилиб қўйиш учун салтанат пойтахти Ҳиротга жўнатди. Амирхонни эса Хуросон ҳукуматидан четлаштириб, ўрнига Дурмушхонни тайинлашга буйруқ берди... Аммо Амирхон турли хил ҳийла-найранг билан шаҳзода Таҳмосбни ўзига ҳамфикр қилиб олди ва исён йўлига киритиб, 927 йил зулқаъда ойининг

¹ 927 йил саккизинчи рамазон – 1521 йил 12 август.

² 927 йил ўн олтинчи рамазон – 1521 йил 20 август.



ўн тўққизинчисида¹ душанба куни шаҳзода Таҳмосбни Сабзавор томонга олиб кетди.

Зулҳижжа ойининг еттинчисида² жума куни Дурмушхон Ҳиротдаги жаҳонни безовчи Жаҳоноро боғига келиб тушди ва Амирхон воқеасини эшитиб, зулҳижжанинг саккизинчисида³ шанба куни тонгида шахсан ўзи Сабзаворга илғор солиб, шаҳзодани олиб келиш учун отланди.

Дурмушхон жаноблари ҳайит куни Сабзавор атрофига етиб келди. Амирхон эса шаҳзода Таҳмосб Мирзонинг мулозиматида отга миниб, кутиб олиш расмини аъло даражада адо этди. Дурмушхон Амирхоннинг айбини кечиришини айтиб, уни Ҳиротга жўнатадиган бўлди.

Шундан сўнг ўша манзилдан дин ва давлат амирларининг сараси Сайфиддин Музаффарбекни Заҳир ус-салтана вад-дин Муҳаммад Бобур подшоҳ олдига юборди ва у орқали «биз аъло ашраф фармони туфайли Хуросон диёрига келган ушбу айёмда олам аҳли шаҳзодаси Таҳмосб Мирзо ёнидаги Амирхон ва чексиз сонли қўшин билан бирга Қандаҳорга кетаётган эканлар. Он ҳазратнинг⁴ меҳру муҳаббат султони бизнинг дилимиз шаҳристонини эгаллагани сабабли, ўта илтимос билан шаҳзодани Ҳирот тарафига қайтариб юбордик. Умид шулким, олий мақом эгаси ҳам бирдамлик йўлини тутиб, Қандаҳор ташқарисидан Кобул томонга кўчиб кетсалар, токи Шужобек Арғун шоҳнинг олий даргоҳига ошиқиш имконини топса ҳамда томонлар ўртасидаги вафо ва дўстлик тариқаси хилоф ва нифоқ шеvasига айланмаса» деган хабарни айттирди.

Музаффарбек кетганидан сўнг Дурмушхон Амирхон билан бирга олам аҳлининг шаҳзодаси Таҳмосб Мирзо мулозиматида салтанат пойтахти Ҳиротга юзланди ва зулҳижжа ойининг ўн тўққизинчисида⁵ чоршанба куни Ҳиротга етиб олди... 928 йил рабиулаввал ойининг йигирма тўққизинчисида⁶ пайшанба куни

¹ 927 йил ўн тўққизинчи зулқаъда – 1521 йил 21 октябрь.

² 927 йил еттинчи зулҳижжа – 1521 йил 8 ноябрь.

³ Зулҳижжанинг саккизинчиси – 1521 йил 10 ноябри кўзда тутилмоқда.

⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ кўзда тутилмоқда.

⁵ Зулҳижжа ойининг ўн тўққизинчиси – 1521 йил 21 ноябри.

⁶ 928 йил йигирма тўққизинчи рабиулаввал – 1522 йил 28 февраль.

ҳазрат султони сайф ул-аномий Хожа Музаффар Битикчи Мозандарондан Ҳирот шаҳрига келди. Наврӯз куни барча хуросонлик ҳоким ва улуғ кишилар Дурмушхон ҳузурига бориб, унинг илтифотига эришдилар.

Ўша орада Музаффарбек Қандаҳордан келиб, Заҳир ус-салтана Муҳаммад Бобур подшоҳнинг музаффар байроқли Дурмушхон гапи бўйича Қандаҳор ёнидан кўчиб, Кобул тарафга кетганини маълум қилди. Шундан сўнг садоратмаоб, арабдан чиққан пайғамбар миллатига қувват берувчи, Тож ул-миллата вад-дин Ҳасан Чалабий жаноби олийларининг муҳаббат ва иттиҳод қоидаларини кучайтириш, дўстлик ва ишонч пойдеворини мустаҳкамлаш учун Кобулга боришига қарор қилинди.

Ул жаноб 928 йил жумодилаввал ойининг иккинчисида¹ душанба куни Ҳиротдан юзни мақсад-манзил сари қаратди. Аммо Кобулдан қайтишидан олдин жумодилохир ойининг йигирма еттинчисида² якшанба куни Заҳир ус-салтана Муҳаммад Бобур подшоҳнинг элчилари олий даргоҳга етишиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг Қандаҳорни истило қилгани хабарини келтирдилар ва пешкашлар ўтқариб, келишув ва бирдамлик асосини мустаҳкам қилдилар.

Қандаҳорни эгаллаш воқеаси қуйидагича бўлган экан: Бобур подшоҳ адолатпаноҳ Дурмушхон илтимосига биноан Қандаҳор атрофидан қўзғалиб, Кобулга кетди. Қамал заҳмати ва қаҳату очлик балосидан яхшигина танг аҳволга келган Шужобек ўз навкарларидан мавлоно Абдулбоқи исмли бир кишини Қандаҳорга ҳоким қилиб қолдирди ва Хуросоннинг сафавий ҳокимларига берган ваъдасига вафо қилмай, йўналиш байроғини Синд дарёси бўйига қараб ҳилпиратди. Аммо мавлоно Абдулбоқи Шужобекнинг яхшиликлари устига йўққа чиқариш чизигини тортиб, яшин ва шамолга жиловдош бир элчини Заҳир ус-салтана Бобур Мирзо олдига жўнатди. Ул ҳазрат эса ҳузурига Ҳасан Чалабий етиб келганидан кейинги икки кун ичида Кобулдан Қандаҳорга қайтиб келиб, ул ўлкани тасарруф доирасига киритди. Элчи жа-

¹ 928 йил иккинчи жумодилаввал — 1522 йил 30 март.

² 928 йил йигирма еттинчи жумодилохир — 1522 йил 24 апрель.



нобларини эса турли хил инъом ва иззат-икромлар билан сийлаб, ўзининг хос кишиларидан Мирзоқулини Ҳасан Чалабийга қўшиб юборди. Сўнг Қандаҳор шаҳри бошқарувини ўзининг донгдор ўғли Муҳаммад Комрон Мирзога топшириб, Кобулга қайтди.

Ҳасан Чалабий ва Мирзоқули шаъбон ойининг йигирма учинчисида¹ пайшанба куни салтанат пойтахти Ҳиротга келиб, Зобулистон воқеаларини арзга етказдилар ва пешкашлар ўтқариб, лутфу эҳсон назарига тушдилар. Мирзоқули бир неча кун Дурмушхоннинг олий бўсағаси мулозиматида тургач, қимматбаҳо тўн инъомию, кўп олтин, қумуш тангалар сийлови билан сарафроз бўлган ҳолда Кобулга қайтиб кетди.

Ўша аснода ҳазрат шоҳнинг яқин кишиси Дурмушхон олий ҳимматини вилоят ишларига тартиб-интизом бериш ва ҳукумат юмушларини саранжомлаш сари қаратиб, Зайналхонни Журжон мамлакати ҳукуматини бериш билан фахрлангирди. Зайниддин Султоннинг бошқарув туғини эса Исфароин ва Нишопур вилоятига тикди. Сабзавор фармонфармолиги мансабини яна Чагур Ака Султонда қолдирди. Тус ва муқаддас Машҳаднинг бошқариш жиловини Бурун Султоннинг кифоятли кафтига тутқазди. Аммо Амирхон замонида бу юртлар саркорлиги Аҳмад Султон *афшор*га тааллуқ бўлгани сабабли Аҳмад Султоннинг кўнглига оғриниш чанги ўтириб, олампаҳо даргоҳга кетиш учун рухсат сўради ва ижозат олиб, оти жиловини Рай шаҳригача қўйиб юбормади.

Бу иш шоҳ қулоғига етишгач, олий фармон чиқарилиб, унга кўра Аҳмад Султон Райдан қайтиб бориб, Хуросон вилоятида ватан тутиши ва Дурмушхоннинг буйруғига бўйсунган ҳолда вафодорлик билан хизмат камарини белига боғлаши таъкидланди. Шунга кўра, Аҳмад Султон орқага қайтиш ноғорасини чалди. Салтанат пойтахти Ҳиротга келгач эса, яхши сифатли Дурмушхон Аҳмад Султонни лутф ва марҳамат назари билан манзур тутиб, Ҳиротруд шаҳри ва муқаддас Гиёсия Лангари, Сохир, Тулак, Фароҳ, Сабзавор, Ўк, Қалъагоҳнинг бошқарув саркорлигини унинг тўғрилиқни кўрсатувчи ақли ихтиёрига топширди.

¹ 928 йил йигирма учинчи шаъбон — 1522 йил 8 июль.



МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
Хонгамирнинг илмий мероси.....	16
Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур Гурагон тарихи зикри ҳамда ул жаҳонгир подшоҳ авлоди-аждодининг саодатли кунларидан ҳозиргача бўлган тақдирининг қисқача баёни.....	26
Жамшидсифат Соҳибқирон насаби зикри ва унинг дилкаш шаҳри Кешда саодатли туғилиши баёни.....	29
Омадди Соҳибқирон шонли юришларининг қисқача зикри ва баъзи ноҳиялар ҳамда катта шаҳарларнинг фатҳ этилиш тарихи баёни.....	31
Зафарли Соҳибқироннинг зуҳур қилишидан то Амир Ҳусайн ибн Мусалло билан иттифоқи давригача бўлган воқеалар баёни	39
Амирларнинг Тўкал билан жанги ва кўп кишининг ажал ўқидан ўлдирилиши баёни.....	42
Амирларнинг Алибек Жони Қурбоний қўлида гирифтор бўлгани зикри ва улар дуч келган баъзи воқеалар баёни.....	43
Амир Ҳусайн ва Амир Темурнинг сувдан ўтиши ва чорасиз мухолифлар устидан ғалабаси зикри.....	46
Қуббаи Матин жанги, Амир Ҳусайн ва Амир Темурнинг душман устидан ғалабаси зикри.....	48
Лой жанги ва Чигатой лашкарининг мағлубияти баёни.....	50
Мавлонозода Самарқандий ва Мавлоно Хурдак Бухорий сулукининг сарбадорлик йўли, хижолат ва шармсорликда Жета лашкарининг қайтиши зикри.....	53
Амирларнинг Самарқандга бориши ва сарбадорларнинг ўлдирилиши баёни ҳамда Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон ўртасидаги нисонинг вужудга келиши зикри.....	55
Довюррак Амирнинг Қарши томон юриши ҳамда мухолифларнинг войтада таҳқирланиши ва нохушлик ҳолда мағлуб этилиши зикри.....	58
Икки ўртадаги жанг такроридан кейин Амир Темур ва Амир Ҳусайн муросаси зикри.....	63
Амир Ҳусайн ва Амир Темур Гурагон мулоқоти зикри ва ўша ерда рўй берган баъзи воқеаларнинг баёни	66
Ҳазрат Соҳибқирон ва Амир Ҳусайн ибн Амир Мусалло ўртасида иккинчи марта ихтилофнинг вужудга келиши баёни.....	68
Ҳазрат Соҳибқироннинг тахтга ўтириши баёни	74





Зинда Чашм Апардийнинг мухалифлиги ва унинг ўлдирилиш зикри	76
Амир Темур Гурагоннинг қайтадан Хоразмга юриши баёни ва жанг содир бўлгандан кейин ул ҳазратнинг Юсуф Сўфий билан келишуви зикри	79
Баъзи воқеа ва ҳодисаларнинг қисқача баёни.....	84
Мирзо Шоҳрух юлдузининг чиқиши зикри ва ўша кунларда содир бўлган баъзи воқеалар баёни.....	92
Юсуф Сўфий қўнғиротнинг мухалифлиги ва исёни ҳамда Хоразмнинг толеи баланд Соҳибқирон тасарруфига кириши зикри	94
Ҳазрат Соҳибқироннинг Турондан Эронга қўшин тортиши баёни ва саодатли ошиён остонаси ходимларининг Хуросон вилояти устидан истилоси зикри.....	96
Ҳазрат Соҳибқироннинг иккинчи марта Хуросон мамлакатига қўшин тортиши баёни	101
Жаҳонгир Соҳибқироннинг яна бир марта Эрон томон лашкар тортиши ҳамда Исфизор, Сейистон, Гармсир ва Қандаҳорнинг фатҳ этилиши зикри	106
Амир Валининг олишуви ва унинг қочиши зикри ҳамда Журжон ва Рай вилоятларининг фатҳ этилиши баёни	109
Соҳибқироннинг уч йиллик юриши зикри ва Озарбайжон ҳамда Ироқ вилоятларининг фатҳ этилиши баёни	111
Жаҳонгир Соҳибқироннинг уч йиллик уруши воқеаларидан баъзиларининг зикри ва ул ҳазратнинг Тўхтамишхон исёни боис қайтиши баёни	116
Ўзбек сипоҳи ва Жета (Мўғулистон) қўшинининг Туркистон ва Мовароуннаҳрдаги журъат-жасорати баёни ҳамда Амир Темур Гурагоннинг қаҳр ва ғазаб билан улар томон юриши зикри	118
Амир Темур Гурагоннинг Мовароуннаҳрга кириб келганидан кейинги баъзи воқеалар зикри ва қўл остидаги мамлакатларни фитначи ғаламислар тугёни тиканидан тозалаш баёни	121
Амир Темур Гурагоннинг Дашт томон юриши баёни ва йўл асносида рўй берган баъзи воқеалар зикри	127
Сипоҳларнинг жангга тайёрланиши ва бу икки жанговар подшоҳнинг уруши баёни.....	134
Саодатманд Соҳибқироннинг салтанат пойтахти Самарқандга қайтиши зикри ва баъзи воқеаларнинг қисқача баёни	138
Етти иқлим Соҳибқиронининг беш йиллик юриши баёни.....	139
Амир Темур Гурагоннинг Бағдодга юриши зикри ва ўшал пайтда юз берган баъзи воқеалар баёни	142
Олий шаъдли Соҳибқирон давлати томонидан Тикрит қалъасининг фатҳ этилиши зикри ва араб ноҳияларидан баъзиларининг босқини баёни.....	146



Жаҳонгирнинг Диёрбакр ва Руҳога юриши зикри ва у ерда руй берган баъзи воқеалар баёни	149
Мирзо Умаршайх Баҳодирнинг ўлими ва Мирзо Улуғбек Гурагоннинг туғилиши зикри ва ўша давр тарихининг баъзи ҳодисалари баёни.....	151
Ўша айёмнинг баъзи воқеалари ва Султон Аҳмад Жалойирнинг пойтахт Бағдодга қайтиб келиши зикри	155
Амир Темур Гурагоннинг яна бир марта Тўхтамишхон устига лашкар тортиши зикри.....	157
Амир Темур Гурагоннинг Тўхтамишхон билан урушидан сунг зафар топиши баёни	160
Дашти Қипчоқнинг баъзи манзиллари ва қалъаларига ҳужуми зикри ҳамда жаҳонгир Соҳибқироннинг қайтиши баёни.....	163
Саодатманд Соҳибқироннинг Ҳамадондан Самарқанд дорилмулкига қайтиши зикри	166
Амирзода Шоҳрухнинг Хуросон мамлакати салтанатига бориши ва ҳазрат соҳибқироннинг Хизр Хожа Ўғлон қизи суҳбатига эришганлиги зикри.....	167
Жаҳонгир Соҳибқироннинг Ҳиндистон мамлакатлари томон юриши баёни	169
Амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирнинг жаҳон тахтли Соҳибқирон мавкабига етишиши зикри ҳамда Батмир қалъасининг фатҳ этилиши	173
Ҳиндистон ҳукмронлари ва ул ноҳиялар ҳукуматининг Султон Маҳмуд ва Маллухонга ўтишининг қисқача тарихи зикри ҳамда ўрмон шерларининг пойтахт Деҳлига олиб келиниши баёни	176
Зафарёр қўшиннинг ҳинд волийси Султон Маҳмуд билан жанги баёни	180
Султон Маҳмуд ва Маллухоннинг қочиши ҳамда Ҳиндистон пойтахтининг талон-торож қилиниши зикри.....	184
Улкан галабалардан баъзилари ва Амир Темур Гурагоннинг Самарқандга қайтиши зикри	187
Амирзода Муиззиддин Мироншоҳ Мирзо аҳволининг қисқача зикри ва олий мартабали Соҳибқироннинг етти йиллик юриши баёни.....	192
Соҳибқироннинг қайтадан Турондан Эронга отланиши зикри ва Мироншоҳ Мирзо ноиблари ва яқинларининг мағлуб бўлиши баёни.....	194
Амир Темур Гурагоннинг Арроннинг Қорабоғида қишлаши зикри ва ўша давр воқеалари ва ҳодисалари баёни.....	196
Жаҳонгир Соҳибқирон ҳазратларининг Аррон Қорабоғидан Гуржистон томон юриши зикри	200
Рум мамлакати салтанатининг бани Усмон ибн Довудга етиши ва улар аҳволининг қисқача баёни ҳамда саодатманд Йилдирим Боязиднинг ҳукмронликка кўтарилиш вақтигача бўлган давр зикри	202





Саид Соҳибқироннинг Йилдирим Боязидга мактуб жунатиши зикри ҳамда Сивос ва Константинополь диёри уфқида офтоб нурларининг порлаши баёни.....	207
Осмон гумбазидек кенг Соҳибқироннинг Шом мамлакатларига юриши зикри Биҳишти ва Айнтоб қалъаларининг фатҳ этилиши баёнида.....	210
Зафарёр сипоҳнинг қиличи ва найза зарби билан фатҳ этилган Ҳалаб шаҳарлари ва қалъалари зикри	212
Мардона Соҳибқироннинг Дамашқ ва Фараж давлатига макр ва ҳийла тариқида юриши баёни ҳамда жангдан сўнг Миср ва Шом султонининг қочиши зикри.....	216
Босқинчилик ва талончилик балосида дамашқликларнинг бетоблиги ҳамда зафарёр лашкарнинг ул вилоятдан қайтиши зикри.....	221
Дориссалом фатҳи ва мансабдор одамларнинг қатл этилиши зикри.....	224
Амир Темур Гурагоннинг Бағдоддан Озарбайжонга қайтиши зикри ҳамда вазирлар ва нуёнлар аҳволининг қисқача баёни	227
Зафарёр қўшиннинг Нахичевандан чиқиши, Қорабоғда қишлаши, Султон Аҳмаднинг Бағдодга келиши ва алам билан қочиши зикри	228
Йилдирим Боязид жасоратининг қисқа зикри ва унинг илоҳий подшоҳ олдига элчи жунатгани баёни.....	231
Олийгавҳар Соҳибқироннинг Қайсар мамлакатлари томон юриши баёни	232
Зафарёр Соҳибқироннинг Қайсария ва Анкурияга юриши, Қайсарга яқинлашиши, сипоҳ ва лашкарнинг мослашиши зикри	236
Амир Темур Гурагоннинг Йилдирим Боязид билан урушиши ва қайсарнинг асирга тушиши зикри.....	239
Рум мамлакатлари аҳволи ва Қайсар ҳамда Амирзода Муҳаммад Султон ўлимининг қисқача зикри.....	242
Миср элчиларининг Амир Темур Гурагон даргоҳига келиш зикри ва зафарёр қўшиннинг Ироқ ва Озарбайжонга қайтиши баёни	250
Соҳибқироннинг Гуржистон вилоятига юриши ва мамлакатларнинг шаҳзодаларга берилиши зикри	252
Амир Темур Гурагоннинг Каргин ва Абхозга юриши ва Гуржистондан қайтиши зикри	255
Абхозда юз берган баъзи воқеалар зикри	258
Зафарёр қўшиннинг юриши, Элхон мамлакатининг амирзода Умарга топширилиши зикри.....	263
Амирзода Рустам ва Амир Сулаймоншоҳдан Искандар Шайхийнинг қочиши ҳамда музаффар сипоҳ келгандан кейин Ферузқўх қалъасининг фатҳ этилиши зикри	264
Соҳибқироннинг Искандар орқасидан бориши зикри	266
Ҳокими мутлақ Соҳибқироннинг тезлик билан салтанат пойтахти томон отланиши зикри.....	269



Бахтиёр Соҳибқироннинг шаҳзодаларни уйлантириш учун тўй қилиши зикри	271
Қўшиннинг Хитойга юришга тайёргарлиги ҳамда атрофдаги ҳукмдорлар ва элчиларнинг рухсат олишлари зикри	275
Зафарёр лашкар қўшиннинг Хитойга юриши учун Оқсулот қишлоғига бориши зикри	277
Зафарёр лашкарининг Оқсулотдан Ўтторга юриши зикри	279
Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур Гурагоннинг ўткинчи дунёдан абадий жаннатга кетиши зикри	280
Икки Машриқнинг ҳукмдори таъзияси воқеалари ва амирзода Султон Ҳусайннинг исён кўтариши зикри	283
Амирларнинг амирзода Халил Султонни подшоҳликка кўтариши зикри ва марҳум ҳазрат давлат аркони ўртасида муҳолифчиликнинг пайдо бўлиши баёни	286
Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султон Мирзонинг амирлар ҳамроҳлигида Бухорога юз ўгириши ва хотинлар ҳамда оғоларнинг аза маросимини ўтказиш учун Самарқандга бориши зикри	290
Амирзода Халил Султоннинг пойтахт Самарқандга кириши зикри ва саодатманд Соҳибқирон таъзиясининг тугаши баёни	292
Улуғ насабли Соҳибқироннинг фарзанд, неvara ва эваралари ҳисоби зикри	293
Марҳум ҳазрат Соҳибқироннинг хотинлари ва канизаклари исмлари зикри	294
Машҳур хислатлар соҳиби Соҳибқирон билан замондош бўлган баъзи саййид, машойих, уламо ва ақобирлар зикри	295
Мирзо Халил Султоннинг салтанати зикри ва у олийжаноб шаҳзода давлатининг завол топиши сабаблари баёни	312
Зафарёр хоқон Шоҳрух Мирзо зикри	315
Шоҳрух Мирзонинг Хуросон салтанати тахтига ўтириши ва ҳазрат ҳамда Мирзо Халил Султон ўртасида сулҳ тузилиши баёни	317
Амирзода Султон Ҳусайннинг олишиши ва унинг жамшидсифат хоқон буйруғига биноан ўлдирилиши зикри ҳамда Амир Рукниддин Сулаймоншоҳнинг муҳолифлиги ва ёвлашуви баёни	320
Пир Муҳаммад Мирзо ва Халил Султон Мирзо тўқнашуви зикри ҳамда Хуросон воқеа-ҳодисаларининг баъзилари баёни	323
Амир Темур Гурагон вафотидан кейин Мироншоҳ, Мирзо ва унинг улуғ авлодида рўй берган воқеалар баёни ҳамда Умар Мирзонинг адолатпеша хоқон ошиёни салтанатига етиши зикри	327
Ҳазрат хоқони сайднинг Бирак Подшоҳ билан тўқнашуви ва Астробод ҳукуматининг амирзода Умар ибн Мирзо Мироншоҳга ўтиши зикри	333
Пир Муҳаммад Мирзо ибн Жаҳонгирнинг қудратли худованд хоҳишига кўра шаҳид бўлиши зикри	334





Умар Мирзонинг ҳазрат хоқон билан муҳолифлиги ва унинг ўлдирилиши зикри.....	335
Ҳазрат хоқон ҳаракати билан Пир Али Тознинг даф этилиши зикри.....	337
Ироқ ва Озарбайжон воқеаларидан баъзиларининг баёни ва Султон Аҳмад Жалойир ҳамда Қора Юсуф туркманнинг исёни зикри.....	338
Або Бакр Мирзонинг иккинчи марта Амир Қора Юсуф Туркман билан урушиши ва Муиззиддин Мирзо Мироншоҳ Гурагоннинг ўлдирилиш зикри.....	342
Або Бакр Мирзонинг Кирмонга бориши зикри ва ул бенаво подшоҳнинг аҳволи баёни.....	344
Соҳибқирон вафотидан кейин Пир Муҳаммад Мирзо, Рустам Мирзо ва Искандар Мирзонинг аҳволи баёни.....	345
Рустам Мирзонинг дўстнавоз хоқон остонасига бориши ва Мирзо Искандарнинг Шерозга қайтиши зикри.....	348
Пир Муҳаммад Мирзонинг Ҳусайн Шарбатдор томонидан хоинларча ўлдирилиши ва Искандар Мирзонинг акаси ўрнига ўтириши зикри.....	349
Султон Муътасим исёни ва унинг Искандар Мирзо лашкари томонидан ўлдирилиши зикри ҳамда Рустам Мирзонинг иккинчи марта Исфаҳонга етиб олиши баёни.....	350
Амир Қора Юсуф ва Султон Аҳмад Бағдодий аҳволи баёни ҳамда Султон Аҳмаднинг Табризда ўлдирилиши зикри.....	352
Мовароуннаҳр воқеаси ва ул мамлакатнинг хоқони сайд таъсир доирасига ўтиши зикри.....	357
Мирзо Халил Султоннинг ҳазрат хоқони сайд мулозиматига келиши ва вилоят ноҳияларининг шаҳзодаларга топширилиши зикри.....	360
Амир Шайх Нуриддиннинг исёни ҳамда унинг зафарёр хоқон эътибори билан ўлдирилиши зикри.....	362
Зафарли байроқнинг Мовароуннаҳрдан пойтахт Ҳиротга қайтиши зикри ҳамда баъзи ҳодисалар баёни.....	367
Хоразм вилоятининг аҳволи ва ул мамлакатнинг жангсиз ҳазрат хоқони сайд девони доирасига кириши зикри.....	368
Рустам Мирзо ва Искандар Мирзонинг аҳволи ҳамда Халил Султон Мирзонинг молмулк-мулкка қўшилиши зикри.....	370
Хоқони сайднинг Озарбайжон ва Ироқда юриши ҳамда жаноб Искандарий мулозимларнинг ёвлашуви баёни.....	373
Зафарёр мавқабининг Исфаҳон таъдирисига етиши зикри ва ўша пайтда рўй берган баъзи воқеалар баёни.....	376
Вилоятлар ҳукулатини шаҳзодаларга топшириш ва зафарли қўшиннинг салтанат пойтахти Ҳиротга қайтиши зикри.....	379
Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг аҳволи ҳамда Мирзо Улуғбек Гурагоннинг олиши хоқон остонасига кириши зикри.....	380



Саодатли хоқоннинг Ироқ ва Форс вилоятларидан қайтгандан кейин у ерда рўй берган воқеалар зикри ҳамда ул ҳазратнинг яна Шероз дорилмулкига бориши баёни.....	382
Олий шаъдли хоқоннинг Шероздан Кермонга юриши ҳамда Сиржон қасабасидан Хуросон жонибига қайтиши зикри.....	387
Баъзи Шаҳзодаларнинг аҳволи ва Бойсунқур Мирзонинг девон маснадига утириш зикри.....	388
Султон Увайс ибн Идику Барлоснинг иқболи баланд ошиён остонасига келиши зикри.....	390
Вазир Саййид Фахриддиннинг аҳволи ва унинг вужуди пок хоқоннинг ғазабига учраши зикри.....	391
Гармсир ва Қандаҳорга юриш ҳамда Хожа Пир Аҳмад Хофийнинг вазирлик маснадида утириши баёни.....	396
Қишиқ манзил воқеалари зикри ва донгдор хоқоннинг қайтиши баёни.....	398
Амир Қора Юсуфнинг Амир Шайх Иброҳим Ширвоний билан тўқнашуви ва келишуви зикри ҳамда Озарбайжон ҳокимининг ҳазрат хоқон фармонида бўйсунмаслиги баёни.....	401
Зафарёр қўшиннинг Озарбайжон мамлакатларини фатҳ этиш учун Хуросондан ҳаракатга тушиши баёни.....	403
Амир Қора Юсуфнинг ташвишли оламдан кетиши ва Бойсунқур Мирзонинг пойтахт Табризга етишиши зикри.....	408
Қорабоғда рўй берган воқеалар зикри ҳамда Исфарзан ва Боязид қалъаси фатҳи баёни.....	409
Олийжаноб хоқоннинг Амир Қора Юсуф туркман авлоди билан жанги зикри.....	42
Хоқони саиднинг Табриздан салтанат пойтахти Ҳиротга қайтиши ва вилоятда содир бўлган баъзи воқеалар зикри.....	414
Мирзо Улуғбек Гурагоннинг Сифноққа юриши ва қиёматасар лашкарларнинг совуқ дастидан мағлубиятга учраши зикри.....	418
Мирзо Шоҳрух Баҳодирга Ҳиротнинг Масжиди жомесида Аҳмад Лур томонидан пичоқ санчилиши зикри.....	420
Ҳумоюн хоқон мавкабининг Самарқанд дорилмулкига бориши ва унинг қайтиши баёни.....	423
Ҳумоюн хоқоннинг Ироқ ва Озарбайжон вилоятларига қайтадан бориши зикри.....	424
Зафарли қўшиннинг Салмосдан Аланчуқ қалъасига юриши ва ул ноҳиядан қайтиши зикри.....	427
Салтанат ва хилофатнинг мададкори Бойсунқур Мирзонинг Астрободга бориши зикри ҳамда ўша пайтда юз берган баъзи воқеалар баёни.....	428
Салтанат ва диннинг мададкори Бойсунқур Мирзонинг фазилати зикри ҳамда ул жанобнинг ёшлиқ айёмида дунёдан кетиши баёни.....	429



Зафарёр қўшиннинг Искандарни даф этиш учун Озарбайжонга юриши баёни ҳамда ғаддор замонанинг бахтсиз ҳодисалари зикри.....	431
Ҳазрат хоқони сайднинг Озарбайжон дорилмулкига юриши ҳамда Муҳаммад Жўки Мирзо Баҳодирнинг Искандар орқасидан Озарбайжонга бориши зикри	434
Зафарёр қўшиннинг қайтиши ва Озарбайжон ҳукуматининг Амир Жаҳоншоҳга топширилиши баёни	435
Искандарнинг бадахлоқ ўғли томонидан ўлдирилиши зикри.....	436
Чичактуқо номли элчининг Миср ва Шом волийси олдидан келиши ҳамда халқ билан бўлган баъзи ҳодисалар зикри.....	437
Ҳазрат хоқони сайднинг Малик Каюмарснинг исёни сабабли Нишопурга юриши ҳамда Мирзо Бойсунқурнинг ўғли Султон Муҳаммад Мирзонинг салтанат қонунларини мустаҳкамлаш учун Ироққа бориши баёни	440
Мирзо Жалолиддин Ферузшоҳнинг аҳволи ва олийжаноб хоқоннинг бетоб бўлиши зикри.....	441
Каъбаи муаззамага жома ёпиш зикри ва амир Жалолиддин Ферузшоҳнинг Аллоҳ таолонинг ҳузурига бориши баёни.....	444
Мирзо Муҳаммад Жўки Баҳодирнинг вафоти зикри.....	446
Султон Муҳаммад Мирзонинг жаҳон ҳукмдорига нисбатан муҳолифлиги ҳамда зафарли қўшиннинг Форс ва Ироқ вилоятига юриши баёни.....	447
Ҳазрат хоқони сайднинг абадий жаннатга кетиши баёни ва ўрдуда юз берган баъзи воқеалар зикри.....	449
Марҳум ҳазрат хоқоннинг вазирлари зикри.....	455
Мағфиратли хоқони сайд Шохрух Мирзонинг вазирлари аҳволдан бир бўлаги зикри.....	457
Ибодатли одил хоқон билан замондош бўлган айрим саййид ва машойих ҳамда фозиллар зикридаги сўзлар.....	462
Салтанат ва давлат устуни Алоуддавла Мирзонинг зикри.....	491
Мирзо Улуғбек Гурагоннинг зикри	493
Мирзо Улуғбек Гурагоннинг Амударёдан ўтиши ва Абдуллатиф Мирзонинг Алоуддавла Мирзо тутқунлигидан қутулиши баёнидаги гаплар.....	495
Салтанат ва дин мадади Бойсунқур Мирзонинг тўнғич ўғли Абулқосим Бобурнинг аҳволдан бир бўлаги зикри	497
Мирзо Алоуддавла билан Мирзо Абулқосим Бобур ўртасида ярашув амалга ошгани баёни ва Сорий шаҳрининг олиниши ҳамда Мирзошоҳ Маҳмуд Баҳодирнинг дунёга келгани зикри.....	499
Мирзо Алоуддавла билан Мирзо Абдуллатифнинг иккинчи марта қарама-қаршилиги ва Мирзо Улуғбек Гурагоннинг мамлакат олишлик ниятида Амударёдан кечиб ўтгани зикри.....	501



Мирзо Улуғбек билан Мирзо Алоуддавланинг Тарноб манзилида урушгани ва сабаблар сабабчиси ҳазрати таоло тақдири тақозосича Хуросон қўшинининг енгилгани баёнидаги гаплар	503
Мирзо Улуғбекнинг Журжон томон юргани ва Султон Абусаид доруға ва Мирзо Ёрали туркмоннинг исён кўтаргани баёнидаги гаплар.....	508
Мирзо Абулқосим Бобурнинг салтанат уйи Ҳирот сари йўналгани зикри ва Мирзо Ёрали аҳволининг баёни ҳамда бошқа воқеа ва ҳикоялар	511
Мирзо Улуғбек Гурагон ва Мирзо Абдуллатифнинг бир-бири билан ёвлашгани ҳамда олий зотли отанинг бахтиқаро юлдузли ўғил фармони билан ўлдирилгани баёни	515
Мирзо Улуғбек Гурагон замонасининг фозиллари зикри.....	520
Мирзо Султон Муҳаммад бин Мирзо Бойсунқур зикри.....	528
Мирзо Султон Муҳаммаднинг салтанат пойтахти Ҳирот томон қўшин тортгани ва уруш тугагач, яна Ироқ сари қайтгани баёнидаги гаплар.....	531
Мирзо Абдуллатифнинг Самарқанд мамлакатада салтанат юргизгани ва унинг тенгсиз маликлар подшоси тақдири билан ўлдирилгани зикри	534
Мирзо Абулқосим Бобурнинг Балх ва Бадахшон томон юргани ва Хуросон давлати пойтахтида Увайсбекнинг исён кўтаргани зикри	536
Мирзо Султон Муҳаммаднинг Мирзо Абулқосим Бобур билан Чинорон манзилида иккинчи марта уруш қилгани ва ул мақсади ҳосиллик боғи сарвининг жаноб субҳоний қазову қадари шамолидан ер тубан қулагани баёни.....	539
Мирзо Абулқосим Бобурнинг Шероз дорилмулкига боргани ва ишларни ўнгловчи тангри иродаси бўйича орқага қайтгани баёни.....	542
Мирзо Алоуддавланинг арлот уруғи қавми ёрдамида исён кўтаргани зикри ва яна бошқа воқеа-ҳодисалар баёни	544
Соҳиби таид подшоҳ Мирзо Султон Абусаиднинг зикри.....	546
Мирзо Абулқосим Бобурнинг Журжон вилоятида қишлоқ қилгани ва Хуросон мамлакатлари ҳудудига бахтли Султон Абусаид Султоннинг келиши сабабли орқага қайтгани баёни	552
Мирзо Абулқосим Бобурнинг салтанат пойтахти Самарқанд ташқарисига боргани ва олийшонли саодатманд султон билан ярашгани зикри.....	554
Сейстон мамлакатаи фатҳи ва мазандаронликларнинг Имод қалъасида исён кўтаргани зикри ва Мирзо Абулқосим Бобур ҳаётининг охирги кунларида рўй берган яна бошқа воқеалар баёни	558
Мирзо Абулқосим Бобурнинг Машҳад шаҳрига боргани ва фоний жаҳондан мангулик оламига кетгани баёни.....	561



Саховатли подшоҳ Мирзо Абулқосим Бобурга замондош машойих ва фозил кишилар аҳволидан бир бўлагининг зикри.....	565
Мирзо Шоҳ Маҳмуд салтанати ва унинг давлати айёмида рўй берган воқеалар зикри	575
Мирзо Султон Иброҳимнинг подшоҳлик тахтига утиргани ва Мирзо Шоҳ Маҳмуднинг илоҳий тақдир билан енгилгани зикри.....	580
Султон Абусаид Мирзонинг дориссалтана Ҳиротга келгани баёни ва рўй берган бошқа ҳодисаю воқеалар зикри	583
Мирзо Султон Иброҳимнинг Журжон мамлакати сари юзлангани ва Мирзо Жаҳоншоҳ туркмоннинг қўшини ҳамласидан тор-мор бўлгани зикри.....	587
Улуғ маҳдумлардан бир гуруҳининг элчилик йўсини билан Султон Абусаид Мирзо ҳузурига юзлангани зикри ва Алоуддавла Мирзонинг анча вақтдан сўнг салтанат пойтахти Ҳиротга қайтиб келгани баёни	591
Мирзо Музаффариддин Жаҳоншоҳнинг мағфират паноҳли ҳазрат хоқоннинг тахтгоҳига етишгани зикри.....	594
Мирзо Алоуддавланинг мақтов сифатли ўғли билан ёвлашгани ва ул жанобнинг Мирзо Жаҳоншоҳ даъватига биноан салтанат уйи Ҳиротга боргани	596
Султон Абусаид Мирзонинг Мирзо Жаҳоншоҳга қарши уруш учун йўналгани баёни ва ул олий мартабали икки подшоҳ ўртасида ярашув ва бирдамлик палоси тўшалгани зикри.....	597
Султон Абусаид Мирзонинг иккинчи марта салтанат пойтахти Ҳиротга келгани баёни ҳамда подшоҳлардан айримларининг давлат ва ҳаёт айёми тугагани зикри	600
Тирату қўргонининг эгалланиши ва Имод қалъасининг олиниши ҳамда ўша кезларда рўй берган яна бошқа воқеалар зикри.....	602
Журжон мамлакатининг фатҳ этилиши ва Амир Халил Ҳиндуканинг қўзғолон водийсида юргани баёнидаги гаплар.....	605
Шаҳар ва қишлоқларда юз берган бошқа воқеалар ҳамда Амир Халилнинг Астробод шаҳрида қатлга етгани зикри	607
Султон Абусаиднинг яна бир марта Туркистон вилоятига юриш қилгани баёни ва замон ҳодисаларию даврон воқеаларидан яна айримларининг зикри	611
Мирзо Жаҳоншоҳ ва Мирзо Пирбудоқ аҳволидан бир бўлаги баёни ва ота-боланинг мулкларнинг мутлақ подшоси қазову қадари билан ўлдирилгани зикри.....	617
Мирзо Жаҳоншоҳ воқеаси хабарининг Султон Абусаид Мирзо Гурагон арзига етгани баёни ва ул олий маконли подшоҳнинг Ироқ ва Озарбайжон мамлакатлари томон йўналгани зикри.....	622
Амирзода Ҳусайн Алининг Маранд мавзеида енгилгани ва унинг олий маконли саодатманд Султон Абусаид Мирзо ҳузурига етгани зикри	625



Эрон ва Турон подшоси қўшини узра бузилиб қочиш ва тум- тарақайлик шамолининг эсиши ҳамда хуросонликлар ёғду чиروهининг Арронга қарашли Қорабоғ мавзеида ўчиши баёнидаги гаплар.....	628
Султони сайд Султон Абусаид Мирзонинг мудҳиш воқеаси зикри.....	631
Султон Абусаид Мирзо қочганидан сўнг Хуросон амирлари ва қўшини сари юзланган воқеалардан бир бўлагининг баёни	632
Мақтов хислатли Султон Абусаиднинг шон-шавкатли ўғиллари аҳволининг қисқача зикри	634
Мағфиратли Султон Абусаид Мирзога замондош бўлган улуғ сайид, машойих ва уламолардан айримларининг зикри.....	650
Ғалаба туғли, салтанат ва давлатни шарафлантирувчи мансур хоқон Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзонинг аҳволи ва васфидан бир бўлагининг зикри.....	664
Мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг олий насаби баёни ва ул олий мартабали, ғалаба туғли подшоҳнинг саодатли туғилиши зикри.....	669
Мансур хоқоннинг йигитлик давронидаги аҳволдан бир бўлаги баёни ва ул ҳазратнинг қувонч ва мақсади ҳосиллик билан Санжар Мирзо куёвлигига мушарраф бўлгани зикри.....	671
Олий зотли мансур хоқоннинг юрт олувчилиги бошланиши ва Муизиддин Санжар Мирзо билан ёвлашгани зикри.....	674
Душманни енгувчи хоқоннинг Тажан томон йўналгани ва Амир Бобо Ҳасан устидан ғалаба қозонгани баёни.....	677
Мансур хоқоннинг фатҳ уйи Астрободга йўналгани ва юртларни яратган эгамнинг инояти билан ул мамлакатнинг фатҳ этилгани баёни.....	679
Мансур хоқоннинг Журжон салтанати тахтига утиргани баёни ва шундан сўнг юзага чиққан айрим воқеа-ҳодисалар зикри	681
Бахтли султон Абусаид Мирзонинг давлат куёши дорилфатҳ Астробод уфқида балқиб чиққани ва ул мамлакат аҳолисининг олий насабли мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзо марҳамати соясидан маҳрум бўлгани зикри.....	683
Мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг Пир Будоқ ва Мустафохон билан келишув ва қарама-қаршиликлари зикри ҳамда ғалаба белгили байроқнинг иккинчи марта Журжон мамлакати сари кўтарилгани баёни	686
Шаҳарлар фахри Ҳирот шаҳрининг қамал қилиниши зикри ва ўша пайтда рўй берган бошқа воқеалар ҳикояси	689
Вазир шаҳрининг олиниси ва осмон аломатли воқеалардан яна айримлари зикри.....	694
Қутлуғ мавқабнинг жанг учун йўналгани ва бу тўқнашувнинг Султон Абусаид Мирзо амирлари билан Туршиз вилоятида рўй бергани баёни.....	697

Олий маконли мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг ёрдам тилаб Дашти Қипчоқдаги Абулхайрхон олдига кетгани баёни	701
Қуёш ёғдули байроқнинг Дашти Қипчоқдан қайтиши ва мутлақ подшоҳ иродаси туфайли Хуросоннинг эгалланиши баёни.....	703
Ул салтанат осмони лочинининг юртга етишиб, Боғи Зогонга сарафрозлик бағишлаши ҳамда адолат ва бандаларни сийлаш қанотини Хуросон ўлкалари аҳолиси узра ёйиши баёни.....	706
Амирлар ва вазиру судурдан бир гуруҳининг мансур хоқон ҳузури саодатига эришгани зикри ҳамда улuf ишлар ва ўта муҳим юмушлардан айримларининг бутлангани баёни.....	709
Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг Хуросон мамлакатларини эгаллаш мақсадида Озарбайжондан йўлга тушгани баёни.....	713
Мансур хоқоннинг Чинорон манзилида Ёдгор Муҳаммад Мирзо билан урушгани зикри	715
Жаҳоншоҳ туркман Мирзо амирларидан баъзисининг жаҳоннинг халойиққа паноҳ хоқони даргоҳига етишгани ва Ёдгор Муҳаммад Мирзо давлати байроғининг Озарбайжон ва Ироқи Ажам подшоҳи ёрдами билан юқори кўтарилгани зикри.....	718
Уруш ниятининг ўзгаргани сабаби зикри ва хоқонлик байроғининг эҳтиёткорлик юзасидан Жожармдан қайтгани баёни	721
Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг Хуросон салтанати тахтига чиққани зикри ҳамда Ироқи Ажам ва Озарбайжон амирлари зулмидан бир бўлагининг баёни	726
Мансур хоқоннинг тўла ҳашаматли соҳиби тадбир амирлар маслаҳатидан сўнг буюклик ва олийжаноблик тахти маркази сари йўналгани баёни.....	728
Зафарга ёр байроқнинг салтанат пойтахти Ҳирот томон тезлик йўсини билан йўналгани ва Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг мулкларнинг буюк молики қазову тақдири қиличи билан ўлдирилиши зикри.....	730
Мансур хоқоннинг иккинчи марта салтанат ва мустақил давлат тахтига чиқиши ва жангу уруш йўлининг айрим соликлари исёни жиҳатидан Марв томон бориши баёни	735
Қуббатулислом Балхнинг Мирзо Султон Маҳмуднинг эгаллаш доирасига киргани зикри ва ҳазрат хоқон билан қишлов юртида рўй берган айрим воқеалар баёни.....	737
Галаба аломатли байроқнинг душман томон қўзғалгани ва Чакман мавзеида уруш-саваш воқеасининг рўй бергани баёни	739
Султон Абусаид Мирзонинг ўғли Або Бакр Мирзонинг соҳиб тадбир мансур хоқон ҳузурига келгани зикри	745
Муҳаммад Умар Мирзонинг мансур хоқонга қарши чиққани ва Шох Фариб Мирзонинг йўқлик олаmidан борлиқ майдонига келгани зикри	747





Давлат устунларидан баъзиларининг мансур хоқон тарбияти туфайли бошлари баланд бўлгани, Ҳасан Шайх Темурнинг эса эътиқоди бузуқлиги ва шум ниятлиги сабабидан ўлдирилгани зикри	749
Қуёшдек порлоқ байроқнинг Аҳмад Муштоқ исёни ва бузуқлигини йўқотиш учун қўзғалгани баёнидаги гаплар	754
Мақсади ҳосил хоқоннинг Балх ташқарисидан Мурғоб дарёси сари кетгани ҳамда Або Бакр Мирзонинг Форёб манзилдан қочгани ва муҳолифларнинг зафар белгили мавкабни Гармоб мавзеигача қувгани зикри.....	760
Бошқа баъзи бир воқеаларнинг қисқача зикри	763
Босар-тусарини билмай қолган Мирзо Музаффариддин Або Бакрнинг бекорчи шовқин-суронидан бир бўлаги ва унинг макрга тўла замона зўрлигидан ўлдирилгани зикри.....	766
Амир Шужоиддин Зуннун аргун аҳволи ва унинг давлати байрогининг қодир эгам иноятдан юксалгани зикри.....	769
Ҳазрат Шоҳимардонга мансуб жаннат аломатли мазорнинг Хожа Хайрон қишлоғида бунёд этилиши зикри.....	772
Кичик Мирзо номи билан танилган Мирзо Муҳаммад Султон аҳволдан бир бўлаги баёни ва фазилатли ул шаҳзоданинг бу ўткинчи дунёнинг меҳнат-уқубатли саройидан жаннати аълога кўчиб ўтгани зикри.....	777
Бадеулжамол бегимнинг салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келгани зикри ҳамда бошқа ҳолат ва ҳикоятлар баёни.....	782
Астробод ўлкасининг ҳазрат султоннинг яқин кишиси [Амир Низомиддин Алишер]га топширилгани, Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг эса иккинчи марта эъзоз топгани зикри	785
Бека Султонбегимнинг вафот этгани ва яна айрим улугларнинг ҳам бу ўткинчи оламдан кетгани зикри.....	791
Хожа Афзалиддин Муҳаммаднинг Ироқу Озарбайжон томон кетгани, Амир Низомиддин Алишернинг эса яна олий шавкатли мансур хоқон ҳузурига қайтиб келгани зикри	792
Шаҳзода Муҳаммад Маъсумнинг Мирзо Улугбек бин Султон Абусаид Мирзонинг қизига уйланиши ва шу тўй муносабати билан Ҳирот шаҳри ташқарисидаги Пули Молон мавзеидан то Боғи Жаҳоноро манзилигача ойнабанд қилиб ясатилгани баёни	795
Амир Мўғулнинг исёну тугён водийсига қадам босгани ва унинг Сўфи Халил кўрсатмаси бўйича Ироқи Ажам мамлакатида ўлдирилиши зикри.....	798
Хожа Низомулмулк вазирнинг мол- мулки тортиб олиниб, мусодара қилиниши ва унинг қайтадан юрт олувчи хоқон давлатининг вазирлик мансабига эришгани зикри	800
Амир Низомиддин Дарвеш Али китобдорнинг ҳаёти саҳифасида қаршилиқ аломатининг юзага чиқиши ва мансур хоқоннинг ҳазрат парвардигор тақдири кафолати остида Балх томон юзлангани баёни	802





Мансур хоқоннинг Султон Маҳмуд Мирзо юртларини босиб олиш учун юргани ва амир Зуннун арғуннинг Аллоҳи таоло қазову қадари тақозосича тутқунликка тушгани зикри	806
Мансур хоқоннинг Султон Маҳмуд Мирзо билан ярашгани ва ғалаба белгили байроқнинг Тангри инояти кафолати остида орқага қайтгани зикри	811
Хожа Қавомиддин Низомулмулкнинг хоқонга яқинлик ва ноиблик даражаларига кўтарилиши ҳамда Амир Муҳаммад Бурундук, Амир Жаҳонгир, Хожа Маждиддин Муҳаммаднинг жаноби жалоли Субҳоний тақдири билан мусодара қилиниши зикри.....	814
Бадиуззамон Мирзонинг Астробод мамлакатидаги салтанати зикри ва ўша вақтларда рўй берган воқеалардан бир бўлагининг баёни	821
Самарқанд ва Ҳисори Шодмонда юз берган айрим воқеалар ҳамда ғалаба шиорли байроқнинг ул шаҳарларни эгаллаш учун кўзғалгани баёни.....	824
Ҳисори Шодмон қалъасининг қамал этилиши ва яна бошқа воқеалар зикри.....	831
Зафар нишонли мавкабнинг Ҳисори Шодмон вилоятидан Қундуз ва Бағлон юртлари сари кўзғалгани зикри.....	834
Бадиуззамон Мирзонинг исён ва тугён водийсига қадам босгани ҳамда Хуросон ён-теварагидаги шаҳарларда бузғунчилик ва қаршилиқ аломатлари пайдо бўлгани баёни	838
Пилчироғда юз берган қайғули воқеа ҳамда хавфсизлик ва тинчлик чироғининг ўчгани зикри.....	841
Қамал ва жанг шартлари бажарилгач Балхнинг фатҳ этилиши ҳамда Султон Бадиуззамон Мирзонинг Гармсир ва Қандаҳор вилоятига кетгани зикри.....	844
Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг Абулмансур Музаффар Ҳусайн Мирзо қўлига асир тушгани ва ул иқбол боғи навнихолининг буюк Тангри тақдири шамолидан юз тубан қулагани баёни.....	848
Мансур хоқоннинг Қандаҳор томон йўналгани ва қаттиқ иситма билан орқага қайтгани зикри.....	853
Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг Ироқи Ажам ва Озарбайжон томон қочиб кетиб, бир неча йилдан сўнг яна Хуросон ҳудудига қайтиб келгани зикри.....	856
Хожа Афзалиддин Муҳаммад Кермонийнинг ҳазрат хоқон тахти поясига етишгани ҳамда Хожа Низомулмулк ва ўғилларининг жаҳонбонлик пойдевори асосчиси Султон Ҳусайн Мирзо Гурагон ғазоби билан тутқун бўлгани зикри	858
Нишин сайҳонлигидаги жанг ва тахтни безовчи хоқоннинг ғалаба қилгани зикри.....	863
Султон Маҳмуд Мирзо ўғиллари аҳволидан бир бўлагининг зикри ва тархон амирлари сабабли рўй берган воқеалар баёни	868





Саодатли Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ҳаётида аларнинг туғилиш вақтидан то Самарқанд шаҳри томон юриш қилиши замонигача содир бўлган воқеалар баёни	872
Мамлакат олувчилик осмони Доросининг Самарқанд томон иккинчи марта юзлангани ва ул шаҳарнинг Сулаймон маконли ҳазрат подшоҳ [Бобур] қўлига киргани баёни.....	882
Бойсунқур Мирзо ва Амир Хусравшоҳнинг Ҳисори Шодмон томон қўшин тортгани ва Султон Масъуд Мирзонинг ожизлик билан ўта қайғуда Хуросон сари қочгани зикри.....	890
Султон Масъуд Мирзонинг мансур хоқоннинг қизи Бегим Султонга уйлангани ҳамда хурсандлик, тўй ва шодлик тантанаси палосининг ёйилгани зикри	891
Аълоҳазратнинг Султон Бадиуззамон Мирзо билан ярашгани зикри	894
Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг Астробод тарафга йўналгани ва яратган эгам тақдири тақозоси билан Музаффар Ҳусайн Гурагоннинг енгилгани зикри.....	897
Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг исён йўлига қадам босгани ҳамда мансур хоқоннинг ғалаба аломатли байроғи Марви Шоҳижаҳон сари кўтарилгани баёни	898
Ҳазрат Султоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишернинг ислом ҳажини адо этмоқ учун йўлга тушгани зикри ва ўша айёмда рўй берган айрим воқеа ва ҳодисалар баёни	900
Амир Хусравшоҳнинг қайтадан исён кўтаргани зикри ҳамда Назар Баҳодир ва Ҳайдар Қаландарнинг ўлдирилгани баёни.....	904
Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг ҳашаматга кон хоқонга қарши чиқиш учун бир-бири билан қўшилгани ҳамда уларнинг Ҳалво Чашма мавзеида зафар нишонли мавкаб мулозимлари ҳужумидан енгилгани зикри	908
Олий маконли хоқоннинг Журжон томон қутлуғ юриши ва қайтиш чоғи Бадиуззамон исёни сабабли тезликни оширгани зикри.....	911
Бадиуззамон Мирзонинг дориссалтана Ҳиротни эгаллаш учун қўзғалгани ва зафар оятли байроқ қайтганидан сўнг Мурғоб тарафга кетгани баёни	913
Қуббатулислом Балх салтанатининг Султон Бадиуззамон Мирзога тошширилиши ва Иброҳим Ҳусайн Мирзонинг музаффар туғли хоқон тахти пойига қайтиб келгани зикри.....	916
Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг яна бир бор тугён ва итоатсизлик водийсига қадам босгани ҳамда хоқоннинг зафар аломатли байроғи иккинчи марта Астробод томон юзлангани баёни	919
Ҳазрат султоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишернинг ўткинчи уйдан мангулик саройига кўчиб ўтгани ва хоқоннинг ғалаба белгили байроғи иқболу мақсади ҳосиллик тахтгоҳига келиб тушгани зикри	923





Абулмуҳсин Мирзонинг мансур хоқон ҳузурига келгани ва айрим шаҳзодаларнинг раҳмли ҳазрати Фафурнинг мағфират паноҳига кетгани баёни	929
Ибн Ҳусайн Мирзонинг Сейистон томон йўналгани зикри ва ўша кезларда рўй берган яна бошқа ҳодисалар баёни.....	931
Самарқанднинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур подшоҳ девони тасарруфидан чиққани зикри ва Жаҳонгир Мирзонинг саройдаги айрим амирлар ифвосига учиб, шу қутқу орқасида қаршилиқ кўрсатгани баёни	933
Муҳаммад Мазид Тархоннинг Султон Али Мирзо билан ёвлашгани ва Султон Увайсининг Самарқанду Бухоро томонларга қайтгани зикри	954
Муҳаммад Мазид Тархоннинг ҳазрат подшоҳ [Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзо]нинг ҳузурига кетгани зикри ва ул илоҳий лутфлар намоийишгоҳи ҳаётида рўй берган бошқа воқеалар баёни.....	956
Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбонийнинг ҳаёти бошидан то Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг ул жаҳонбонлик пойдевори қурувчисининг эгаллаш доирасига киргани замониғача кечган воқеалар баёни зикридаги гаплар.....	960
Муҳаммадхон Шайбонийнинг Самарқанд ва Бухоро томон юриш қилгани ҳамда ул икки шаҳарнинг субҳона ва таоло худо тақдири билан хон қўлига киргани зикри.....	966
Султон Али Мирзо ва Хожа Қутбиддин Яҳёнинг шаҳид бўлганлари зикри ва худо ҳимоясидаги Самарқанд шаҳрида ўзбеклар амалга оширган зулм ва азоб-уқубатдан бир бўлагининг баёни.....	972
Баъзи ёмон ишлар юзага чиққани сабаб ҳазрат Заҳриддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг Кеш шаҳридан қўзғалгани зикри.....	976
Мақсади ҳосил Бобур подшоҳ кўрган туш ва шу сабабли умид кўзгусида фатҳ жамолини кўриш рўй бергани зикри	977
Аллоҳ ҳимоясидаги Самарқанд шаҳрининг чексиз субҳоний иноят туфайли фатҳ бўлгани ва Муҳаммадхон Шайбонийнинг ҳайрат ва паришонлик водийсига тушгани зикри.....	980
Дўстни сийловчи подшоҳнинг душман билан Хожа Кордзан манзили ташқарисида урушгани зикри ва ул ҳазратнинг маҳфуза Самарқанд шаҳрида беркингани ва худованд тақдирига кўра озиқ-овқат танқислиги ва очлик рўй бергани баёни	989
Сулаймон маконли ҳазрат Бобур подшоҳнинг Самарқандни яна бир марта Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбонийга ташлаб чиққани зикри.....	997
Ўзгарувчан фалак ҳодисаларидан айримлари баёни ва Кобулнинг Амир Муҳаммад Муқим арғун тасарруфига киргани зикри	999
Султон Бадиуззамон Мирзонинг олий мартабали Шайбонийхонга қарши уруш учун қўшин тортгани, аммо Амир Шужоиддин Хусравшоҳ билан бирдамликка эришмагани сабабли Амуя дарёси қирғоғидан яна орқага қайтгани зикри	1000





Бадиуззамон Мирзонинг хос кишилари томонидан юзага чиққан фитна ва шу сабабли Муҳаммадхон Шайбонийнинг Амуядан кечиб ўтиб балхга йўналгани баёни.....	1003
Шайбонийхоннинг ғалаба аломатли туғи ойчасининг Балх мамлакати уфқидан балқиб чиқиши ҳамда ул шаҳар аҳолисининг аччиқ турмуш ва тахир меҳнатга йўлиққани зикри	1006
Мирзо Бадиуззамоннинг ўша кезлардаги аҳволидан бир бўлаги зикри ва Амир Носириддин Умар туркманнинг мухолифати баёни	1011
Мансур хоқон Султон Ҳусайн Гурагоннинг олийжаноб шаҳзодани ушлаш учун қўзғалгани ва касаллик ёпишгани сабабли Тарноб манзилидан қайтгани зикри	1014
Мирзо Бадиуззамоннинг Олатемур мавзеидан Шибиргон ташқарисигача юзлангани ва Амир Умарбекнинг иқбол ошиёни даргоҳга қайтиб келгани зикри.....	1016
Олий мансабли амирларнинг Амир Хусравшоҳ билан учрашиш учун юзланганлари ҳамда мазкур амирларнинг давлат ва мақсади ҳосиллик ўриндигидан бахтсизлик ва саргардонлик қаърига қулаганлари баёни.....	1019
Султон Маҳмудхон ва Олачахоннинг юксак маконли подшоҳ Бобур Мирзога ёрдам учун Андижон томон лашкар тортгани зикри ва ул олий шонли хонлар билан Мовароуннаҳр фармонфармоси бўлмиш Абулфатҳ, Муҳаммад Шайбонийхон ўртасида рўй берган уруш баёни	1022
Амир Муҳаммад Боқирнинг олий мартабали подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари ҳузурига келгани зикри ва Амир Хусравшоҳнинг Султон Бадиуззамон Баҳодир даргоҳига етишгани баёни.....	1025
Ҳазрат Бобур подшоҳ мавкабининг Кобул шаҳри четига етгани ҳамда ул ўлканинг илоҳий ва моддий нарсалар яратгувчиси ҳазрат худованди таоло инояти билан Бобур подшоҳ тасарруфига киргани зикри	1027
Мансур Хоқон Султон Ҳусайн Гурагоннинг бир гуруҳ доврўқли улуғларни салтанат ва жаҳонбонлик осмонининг юлдузи бўлмиш Бадиуззамон Мирзо истиқболига юборгани баёни ва ота- боланинг бир-бири билан шод-хуррамлик ва мақсади ҳосилликда учрашгани зикри	1029
Бадиуззамон Мирзонинг Ҳиротда турган пайтида рўй берган айрим воқеалар зикри.....	1033
Бадиуззамон Мирзонинг жамшид мартабали Шайбонийхонга қарши урушиш учун йўналгани зикри ва Амир Шужоиддин Хусравшоҳ воқеаси баёни.....	1035
Бадиуззамон Мирзонинг Мурғоб дарёси бўйидан Балхоб томон йўналгани зикри	1038





Султон Бадиуззамон Мирзонинг Қандаҳорга боргани баёни ва ўша кеча-кундузда рўй берган воқеалардан айримлари зикридаги гаплар	1039
Шайбонийхоннинг қиёмат аломатли лашкари туғёни ва Бадиуззамон Мирзонинг ҳазрат мансур хоқон талаби билан Ҳиротга юллангани зикри	1041
Мансур хосил мансур хоқоннинг юришга қарор қилгани ва Бадиуззамон Мирзонинг ул ҳазрат қўзғалишидан олдинроқ Мурғоб дарёси бўйига кетгани баёни	1043
Мансур хоқон Султон Ҳусайн Мирзонинг ғурур уйдан сурур сарошга кўчиб ўтгани зикри	1045
Маффиратли наъшнинг давлат ва салтанат пойтахтига олиб борилгани зикри	1049
Мансур хоқоннинг олий насабли шарофатли ўғил-қизлари сони зикри	1050
Мансур хоқоннинг садрлари зикри	1052
Абулғози Султон Ҳусайн Мирзонинг вазирлари ичида машҳур айримлари аҳволдан бир бўлагининг зикри	1063
Салтанат ва давлат шарафи ҳазрат Султон Ҳусайн Мирзога замондош бўлган сайид, нақиб, машойих, уламо ва фузало аҳдидан айримларининг зикри	1072
Султон Бадиуззамон Мирзо ва Абулмансур Музаффар Ҳусайн Гурагоннинг жаннатмакон аълоҳазрат мансур хоқон давлатининг устунлари бирдамлиги билан салтанат ва жаҳонбонлиқ мансабида шерик бўлганлари баёни	1114
Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекнинг Ихтиёриддин қалъасида тутқун ва ихтиёрсиз бўлгани ҳамда ул жанобнинг ҳайратланувчилар далили инояти билан бу махбусликдан қочиб қутулгани зикри	1118
Эломоннинг Муҳаммадхон Шайбоний фармони билан Жайхун дарёсидан ўтгани ва Амир Шужоиддин Зуннун арғун қиличи зарбаси туфайли енгилгани зикри	1121
Хуросон султонларининг Шайбонийхон билан тўқнашиш ва уруш-саваш солиш учун қўзғалгани зикри	1123
Олийжаноб подшоҳ Бобурнинг Мурғоб дарёси бўйида Хуросон султонларига қўшилгани баёнидаги сўзлар	1126
Балхнинг Муҳаммад Шайбонийхон тасарруфи доирасига киргани зикри ва Хуросон султонларию ҳокимларининг орқага қайтиб кетгани баёни	1130
Султон Бадиуззамон Мирзонинг Марал яйловига кетгани зикри ҳамда қудратли Аллоҳ тақдирига биноан Муҳаммад Шайбонийхоннинг давлати байроғи юқори кўтарилгани баёнидаги гаплар	1133





Хуросон ҳоқимлари ва аскарларининг тарқалиб кетиш ҳолати ҳамда Муҳаммад Шайбонийхоннинг галаба нишонли байроқлари Кўҳистон сайҳонлигига етишгани баёни борасидаги гаплар	1138
Ҳирот улуғлари ва шариф кишиларининг ҳайрат ва паришонликда қолгандан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний хузурига етишгани зикри.....	1140
Улуғ вазирларнинг фохира Ҳирот шаҳрига киргани баёни ва рўй берган пул ундириш воқеаси ва аҳвол қийинчилигидан бир бўлагининг зикри.....	1143
Ихтиёриддин қалъаси ва Тирату қўрғонининг эгалланиши зикри.....	1146
Мавлоно Абдураҳим аҳволи ва унинг шарифу улуғ кишилар билан муомаласи ҳолатидан бир бўлаги зикри ҳамда уша кезларда садрлар, вақф мулки мутасаддиларига нисбатан амалга ошган воқеалар баёни	1149
Абулмуҳсин Мирзо билан Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг бир-бирига келиб қўшилгани ва ул икки ака-уканинг буюк Молики Маннон қазову тақдири тақозоси бўйича шаҳид бўлгани	1154
Ибн Ҳусайн Мирзонинг уруш-саваш қилгани ва унинг машриқ заминларига фармон берувчи шоҳ Исмоил даргоҳига паноҳ, исташ илтижосини қилгани зикри.....	1158
Хуросонда рўй берган ва муаррихлар наздида тилга олинishi лозим бўлган айрим ҳодисалар зикри	1161
Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Гурагоннинг Журжон вилоятига келгани ва жаноб Музаффар Ҳусайн Гурагоннинг сарварлик тахтидан Молики Манноннинг мағфирати ёнига кўчиб ўтгани зикри.....	1165
Муҳаммадхон Шайбонийнинг Турон вилоятидан Эрон мамлақати устига иккинчи марта юриш уюштиргани баёни.....	1167
Мағфиратли мансур хоқон, салтанат шарафи Абулғози Султон Ҳусайн Мирзонинг мажид ўғиллари аҳволининг зикри.....	1171
Шоҳ Исмоил томонидан Хуросон фатҳининг бошланиши	1193
Галаба аломатли аскарларнинг уруш ниятида ўзбек хони устига йўналгани баёни.....	1196
Султонлик жангининг рўй бергани ва зафар қуёшининг омонлик уфқидан порлаб чиққани баёнидаги гаплар	1199
Фатҳу зафар хушxabарининг салтанат пойтахти Ҳиротга етиб, ул шаҳарнинг галаба белгили байроқ ойчаси ёғдусидан мунаввар бўлгани зикри.....	1205
Оламни ёғдулантирувчи шоҳнинг Наврўз куни тўй бергани ва нусрат оятли байроқнинг Маймана ва Форёб томон юргани зикри.....	1210
Жаҳон подшоси шоҳ Исмоилнинг овга чиққани ва қишлоқ манзили воқеаларидан бир бўлагининг зикри.....	1213



Захириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ва ўзбек султонлари ўртасида рўй берган воқеалар ва урушлар зикри ҳамда Амир Нажмиддин Сонийнинг оламини яратган Эгамнинг қазову тақдири бўйича Мовароуннаҳр томон юриш қилгани баёни	1215
Амир Нажми Сонийнинг улувворлик ва комронлик ҳолидан бир бўлаги зикри ва унинг жаноби жалоли субҳоний тақдирига биноан шаҳид бўлгани баёни	1222
Мовароуннаҳр ва Хуросонда рўй берган воқеалар хабарининг шоҳ Исмоил тахти пойига етгани баёни.....	1227
Муҳаммад Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султоннинг Хуросон ўлкасидаги баъзи бир шаҳарларни босиб олгани зикри	1227
Музаффар туғли шоҳ Исмоил кўшинининг манглай қисми Машҳад шаҳри атрофига етгани ва ўзбек султонларининг ғалаба далолатли шоҳ яқинлашганини эшитиб, қочиб кетишгани зикри.....	1230
Абулқосим Бахши қўзғатган бузғунчилик ва шу сабабли кўпларнинг қони тўкилгани зикри	1232
Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржийнинг Балхда қўним топгани ва ўша вақтда рўй берган бошқа воқеалар зикри.....	1235
Шоҳрухбек афшорнинг Гармсир ва Қандаҳор вилоятлари томон юргани зикри	1238
Қутлуғ мавкабнинг Нахжавон қишлоғига кетгани ва Дев Султоннинг Гуржистонга қўшин тортгани зикри ҳамда Мозандарон ва рустамдор вилояти ишлари тартиби ва Хуросон хабарларининг олампаҳоқ шоҳ Исмоилнинг арзига етгани баёни	1239
Хуросон мамлакатларини бошқарувчи Амир Султоннинг аҳволидан бир бўлаги баёни ва унинг бошқарув вақтида рўй берган айрим воқеалар зикри	1241
Убайдуллоҳхоннинг салтанат пойтахти Ҳирот устига қўшин тортгани ҳамда ул шаҳарнинг турли балолар ва хавф-хатардан омон қолгани баёни	1244
Шу кунларда рўй берган бошқа воқеаларнинг қисқача зикри	1248



“O‘ZBEKISTON”

ISBN 978-9943-01-961-4



9 789943 019614